

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

РОМАНЛАР

АСРГА ТАТИГУЛИК КУН

ҚИЁМАТ





Handwritten text in Indonesian script, likely a title or subtitle, partially obscured by the main image.



ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

РОМАНЛАР

АСРГА ТАТИГУЛИК КУН

ҚИЁМАТ

Рус тилидан Асил РАШИДОВ ва
Иброҳим БАҒУРОВ таржималари

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти
1989

С (Кирг)

А 38

Айтматов, Чингиз.

Асрга татигулик кун; Киёмат: [Романлар]/[Рус тилидан А. Рашидов, И. Фафуров тарж.: Сўнг сўз Ф. Саломовники].— Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.—560 б.

Чингиз Айтматовнинг ушбу «Асрга татигулик кун» ва «Киёмат» романлари маънавий-руҳий покланиш фасли палласига кирган халкимиз учун ўз-ўзини англаш дарсидан бир сабоқ бўлиши шубҳасиз. Ўзбек тилида илк бор китоб холида нашр қилинаётган бу икки романдаги қахрамонлар — сизу биз, воқеалар эса — ўтмишимиз ва бугунимиз. Эртамизчи?.. Бу саволга жавобни ёзувчи ўз қалбингиздан излашга даъват этади.

Нашриёт бу китобни дунё халқларининг меҳрига сазовор бўлган адиб — Чингиз Айтматов таваллудининг 60 йиллигига тўёна сифатида чоп этмоқда.

Айтматов Ч. И дольше века длится день; Плаха: Романы.

С (Кирг).

4703380200—145

А ————— 155—88

M352(04)—89

ISBN5—635—00104—1

© Фрунзе, издательство «Кыргызстан», 1981 г.,

© Журнал «Новый мир», № 6, 8, 9, 1986 г.

© Тошкент, Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 йил (Тарж.)

АСРГА ТАТИГУЛИК КУН

(БҮРОНЛИ БЕКАТ)

роман



МУАЛЛИФДАН

Азалдан маълумки, меҳнатсеварлик — инсон кадр-кимматини белгиловчи мезонлардан биридир.

Шу маънода Эдигей Жонгелдин ёки уни яхши билганларнинг таъбири билан айтганда, Эдигей Бўрон чинакам ҳалол меҳнаткаш. Айтишларича, у заминни елкасида тутиб турганлардан бири. Эдигейнинг ҳаёти ўз даври билан шу қадар пайванд бўлиб кетганки, ўйлашимча, унинг инсоний моҳияти ҳам шунда — ўз замонасининг фарзанди эканида.

Худди шунинг учун ҳам романда тилга олинган муаммоларни уруш қатнашчиси, темир йўл ишчиси Эдигей тақдири орқали кўрсатиш мен учун муҳим эди. Бу вазифани баҳоли қудрат уддалашга ҳаракат қилдим. Эдигей Бўрон образи — меҳнат кишисини асосий таҳлил объекти қилиб олган социалистик реализм адабиётининг ўзак негизига бўлган муносабатим рамзидир.

Бироқ мен «меҳнаткаш» тушунчасига у «оддий бир банда» бўлгани, тер тўкиб ер ҳайдагани ёки бўлмаса подачилик қилгани туфайли сизинмок керак, деган фикрдан йироқман. Абадий ва ўткинчи ҳодисалар доимо тўқнашиб турадиган бугунги кунда меҳнаткаш одам менга шахсияти, бой маънавий дунёси, замоннинг қай жиҳатларини ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам қизиқарли ва кадрлидир. Шу боисдан Эдигей Бўронни давримизнинг чархи олам меҳварига — ўзимни ҳаяжонга солаётган муаммоларнинг марказига қўйиб тасвирлашга интилдим.

Эдигей Бўрон табиатангина ёки касб-корига кўра меҳнаткаш бўлиб қолмай, қалбан ҳам меҳнаткашдир. Қалбан меҳнаткаш инсонгина ўзини шундай ботиний мураккаб саволларга тутадики... бундай саволга кимсаларнинг жавоби ҳамиша тайёр бўлади. Шунинг учун ҳам ўша кимсалар лоқайдлик билан иш қиладилар, ишни яхши уддалаганларида ҳам, мажбурият юзасидангина бажарадилар ва яшайдилар...

Қалбан меҳнаткаш инсонлар эса, бир-бирлари билан ёри-биродар бўладилар — улар ҳамиша бир-бирларини танийдилар ва бир-бирларининг тилларига тушунадилар. Мабодо, тушунмаган тақдирларида ҳам хотиржам қололмайдилар, ўйга толадилар. Ўйга толдирадиган

муаммолар шу қадар кўпки, бунақаси ҳеч бир замонда кўрилмаган. Эндиликда инсон ўй-тафаккури заминдан ўсиб, коинотгача уланиб кетган.

Биобарин, XX аср сўнгидаги энг фожиавий зиддият — инсон даҳосининг чексизлиги-ю, бундай поёнсиз инсоний даҳони империализм вужудга келтирган сиёсий, ғоявий, ирқий тўсиқлар туфайли амалда қўлаб бўлмастикдан иборатдир.

Коинотга мунтазам парвоз қилиб туриш учун техник имкониятлар ўз-ўзидан вужудга келибгина қолмай, балки инсониятнинг иқтисодий, экологик эҳтиёжлари ҳам ана шу имкониятлардан тезроқ фойдаланишни талаб қилиб турган ҳозирги шароитда халқлар ўртасида низо оловини кучайтириш, моддий ресурсларни ва ақл-идрок қудратини қуролланиш пойгасига сарфлаш одамзотга қарши қаратилган жиноятларнинг энг кабиҳидир.

Бугунги кунда халқлар ўртасида вужудга келган кескинликни юмшатишгина тараққийпарвар сиёсат ҳисобланиши мумкин. Дунёда ҳозир бундан масъулроқ вазифа йўқ.

Инсоният дориломон ҳаётни таомил қилмас экан, ҳалокатга учрайди. Ўзаро ишончсизлик, таҳликали вазият, сиёсий таранглик иқлими инсониятнинг осойишта ва бахтли ҳаёт кечиршига мутлақ монe ҳолдир.

Одам боласи бир-бири билан муросяу мадора қилиб яшаши мумкин, бироқ инсон экан, инсоний ҳислатлар унга ёр экан, ҳеч қачон бир хилда фикрлай олмайди. Инсонни ўзлигидан, ўзига хосликдан маҳрум этиб, бир қолипга солиб қўйиш даъвоси азал-азалдан то бизнинг кунларга қадар империялар, империалистлар ва гегемончиларнинг мақсади бўлиб келган.

Ўтмишини хотирлай олмайдиган, дунёда ўз ўрнини янгидан топишга маҳкум этилган одам, ўз халқи ва бошқа халқларнинг тарихий тажрибасидан беҳабар одам тарихан истиқболга эга эмас, у фақат бугуни билангина яшашга қодир, ҳолос.

Бу ҳодисаларнинг бир-бирига пайваста эканига ишонч ҳосил қилмоқ учун Хитойдаги «маданий инқилоб» — халқ онгига қилинган тажовузни, мураккаб ҳаёт диалектикасини Маонинг «қизил дафтарча» аталмиш акиданомасидан бир неча иқтибос ёдлаш даражасида жўнлаштиришга сабаб бўлган Хитой раҳбарларининг гегемончилик сиёсати оқибатларини эслаш кифоядир. Қанчалик ғалати туюлмасин, бунга ҳамоҳанг бошқа ҳодисалар ҳам мавжуд: ўтмишни инкор этиш ёки сохталаштириш, такаббур, чиранчиқ шовинизм ҳам ўз атрофини «хитой девори» билан ўраб олмоқда, зотан бир халқнинг бошқа барча халқлардан устунлиги ҳақидаги афсоналарни ҳам худди шу «хитой девори» замирида тарқатиш мумкин.

Олдинги асарларимда бўлгани каби бу гал ҳам ўтмиш аجدодлардан бизга мерос қолган афсоналарга, эртақларга, ривоятларга таянган ҳолда иш тутдим. Шу билан бирга, ёзувчилик тажрибамда биринчи марта фантастик сюжетдан фойдаланишга уриндим. Униси ҳам, буниси ҳам

мен учун асосий мақсад эмас, балки фақат тафаккур тарзи, воқеликни тадқиқ ва талкин қилиш усулларидан биридир.

Табиийки, ғайризаминий тараққиёт билан боғлиқ бўлган муносабатлар ва унга вобаста барча воқеалар ҳеч қандай реал асосга эга эмас, албатта. Аслида, дунёнинг ҳеч қаерида Сариўзак космодроми ҳам, Невада космодроми ҳам йўқ. Барча «фазовий» кечмиш воқеалар тасвиридан муддао — ер куррасидаги одамларга хавф-хатар туғдириши мумкин бўлган вазиятни фавқултабиий ва муболағадор формада кескинлаштириб кўрсатишдан иборатдир.

Фантастик тўқиманинг аҳамиятига келганда, ўз даврида Достоевский шундай деб ёзган эди: «Фантастика реал воқелик билан шу қадар омухталашиб кетсинки, сиз унга қарийб ишонинг». Достоевский фантастика қонуниятини аниқ таърифлаган. Ҳақиқатан ҳам, қадимий халқлар мифологияси дейсизми, Гоголь, Булгаков ёки Маркеснинг фантастик реализми дейсизми, ёхуд илмий фантастика дейсизми — булар бари қанчалик хилма-хил бўлмасин, реал воқеликка йўғириб тасвирлангани туфайли ишонарлидир. Фантастика реал ҳаётнинг қайсидир томонларини қабартиб кўрсатади, «ўйин қодалари»ни тайин этиб, ҳаётнинг ўша томонларини фалсафий умумлаштиради ва танлаб олинган хусусиятларнинг ривожланиш потенциалини охирига қадар очиб беришга хизмат қилади.

Фантастика — ҳаётни янгича, фавқулодда назар билан кўришга ёрдам берадиган мажозий шаклдир. Асримизда мажозий фикрлашга бўлган эҳтиёж одатдаги фантастика оламига сўнгги йиллар илмий-техник кашфиётларнинг жадал кириб келаётгани билангина ўсиб қолмади, балки, тўғрироғи, иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ирқий сингари мудҳиш зиддиятларга ет бўлаётган дунёемизнинг ўзи ақл бовар қилмас мажозларга бойдир.

Шу боис ҳам ушбу романимда тасвирланган Сариўзак мажозлари меҳнаткаш инсонга унинг заминимиз тақдири учун нақадар масъуллигини яна бир қарра эслатиб қўйишини истар эдим...

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ · АСРГА ТАТИГУЛИК КУН · ҚИЁМАТ

Бул китоб жисму фигонимдир менинг,
Бу калом жону жаҳонимдир менинг.

Григор Нарекаци «Мусибатнома»,
X аср

I

Қақраб кетган жарликлару суви қуриган сойликларда ризк илин-жида хўрок излаб чиққан тулкининг жонига тўзим берсин. У ертешар майда жониворларнинг у ёқдан-бу ёққа ғизиллаб чопиб ўтишини кузатиб таъқиб қилар, гоҳ юмронқозик инини шоша-пиша кавлай бошлар, гоҳ ўйиб кетган эски жарлик ичида беркиниб ётган кичкинагина қўшоёқнинг ниҳоят ташқарига сакраб чиқишини пойлаб ётарди. Мабодо чиқиб қолгудай бўлса, лаҳзадаёқ тутиб олиб, мижғилаб ташларди. Овга чиққан оч тулки тимирскиланиб, аста-секин темир йўл сари яқинлашиб кела бошлади. Даштлик бўйлаб бир текис чўзилиб кетган қорамтир темир излардан гулдираб теварак-атрофни ларзага солиб, гоҳ у томон, гоҳ бу томон ғизиллаб ўтиб турган поездлар тулкини ҳам ўзига чорлар, айни чокда юрагига ғулув соларди; поезднинг ортида қолган димоғни ачиштирувчи дуд ва куюнди ҳидини кўп ўтмай шамол атрофга таркатиб юборарди.

Кечга яқин тулки йўл ёқасида турган симёғоч остидаги чуқурликка кириб, у ерда қалин ўсиб тўқ-қизил рангда қийғос уруғлаган, лекин вакти келиб қувраб қолган отқулоқлар остига ғужанак бўлиб олди ва ер бағирлаб эсган шамолнинг қовжираган ўтларни шилдиратаётганидан гаши келиб, кулоғни динг қилганча қоронғилик тушишини тоқат қилиб кутди. Симёғочлар ҳам нуқул ғувиллаб турарди. Аммо тулки ундан чўчимас, чунки симёғочлар бир ерда туришини ва таъқиб қилмаслигини биларди.

Лекин пайдар-пай ўтиб турган поездларнинг қулоқларни қоматга келтирувчи тарақ-туруқ овози ҳар гал уни сесканга кириб, жунжикиб олишга мажбур ётарди. Тулки заминни ларзага солиб, даҳшат ичра учиб келаётган зил-замбил вагонларнинг мўъжизавий қудратини ўзининг бутун вужуди, ҳатто қобирғалари билан титраб-қалтираганча сезиб ётарди, ҳар нечук қўрқув ва бегона ҳидлардан беҳузур бўлишига қарамасдан, чуқурликдан чикмай кеч кириб, темир йўл ёқасининг бир оз тинчишини кутиб ётган эди у.

Тулки бу ёқларга очликдан силласи қуриган, ночор қолган пайтларидоғина келарди...

Кўчкидан сўнг сукунат чўккандай поездлар олислаб кетиши била-

ноқ даштликка сокинлик инарди — тулки мана шундай окшом сокинлигида ҳавода элас-элас эшитилаётган, лекин бирон-бир жонзотга тегишли бўлмаган аллақандай заиф товушларни ҳушёр илғаб оларди. Бу ҳаво оқимининг ҳаракати натижасида содир бўлган товушлар бўлиб, ҳавонинг авзойи ўзгараётганидан нишона эди. Жонивор буни савки табиий бир тарзда сезганидан аянчли жунжикди, кимир этмасдан ер бағирлаганча аллақандай муқаррар бир фалокатни олдиндан тушуниб, жон-жаҳди билан увиллаб юборгиси келди. Бироқ очликдан силласи қуриган тулкининг шунга ҳам мажоли етмасди.

Тулки увиллаш ўрнига, тинимсиз санқишдан зирқираган панжаларини ялаб, секингина ғингишиб қўйди.

Ўша кунлари куз яқинлаб қолган, окшомлар анча аёзли эди. Кечалари ер тезда музлаб, тонгга қадар даштлик худди енгил шўрхоқ босгандай оқиш киров билан қопланар эди. Сахро жониворлари учун бетароват, қаҳатчилик кунлари бошланди. Бу жойларда ҳатто ёз пайти аҳён-аҳёнда учрайдиган қушлар ҳам қаёққадир ғойиб бўлишади: қай бирлари иссиқ ўлкаларга учиб кетса, қай бирлари жар ёқасидаги инларига кириб кетади, яна бошқалари эса қишлаш учун чўл этагидаги кумликлар сари йўл олади. Энди ҳар бир тулки ўзича емиш излаб, даштликнинг турли томонига изгиб кетганидан дунёда гўё тулки зоти қолмагандай эди. Тулкиларнинг бу йилги болалари улғайиб, ҳар ёққа тарқалиб кетган, уларнинг урчидиган маҳали ҳали олдинда; қиш фасли турли томонлардан келиб, бир-бирлари билан топишиб, қайтадан учрашганларида нар тулкилар ҳаёт-мамот учун шундай олишиб кетар эдиларки, у ёғини асти қўяверинг. Азал-азалдан дунёнинг ишлари шундай...

Қош қорайганда тулки чуқурликдан чикди. Ўзича хавфсираб, бир зум пайт пойлаб турди-да, сўнг темир йўл кўтармаси томон юриб кетди. У товуш чиқармай гоҳ йўлнинг у томонига, гоҳ бу томонига югуриб ўтарди. Бу ерда вагонларнинг ойнасидан йўловчилар ташлаган озиқ-овқат чиқиндиларини излади, бирор арзигулик емиш топгунча, қияликлар бўйлаб димоғни китиқловчи ва кўнглини айнитувчи турли-туман нарсаларни ҳидлаб, узок чопиб юрди. Поезд ўтган жойларда қоғоз парчалари, ғижимланган газеталар, шиша синиклари, папирос қолдиқлари, пачақланган консерва банкалари ва бошқа ташландик нарсалар сочилиб ётарди. Айниқса, юмалаб ётган шишаларнинг оғзидан бадбўй ҳид тараларди. Тулкининг икки марта боши айланиб, кўзи тингач, спиртли ҳавони ҳидлашдан воз кечди. Шунақа ҳидни сезди дегунча дарҳол бурун қоқиб, сакраганча ўзини четга оладиган бўлди.

Узоқ тараддулланиб, хавф-хатардан жон сақлаб қанчалик изланмасин, бари бир, аксига олгандай, излаган нарсасини тополмади. Шунга қарамай, бирор егулик умидида темир йўл бўйлаб тинимсиз югурар, кўтарманинг гоҳ у ёғига, гоҳ бу ёғига ғизиллаб ўтарди.

Тулки чопиб бораётиб, кутилмаганда қаршисида ногаҳоний бир

фалокат содир бўлгандай, олдинги оёқларини кўтарганча донг котиб қолди. Фира-шира ой ёруғида кўздан ғойиб бўлган тулки темир излар орасида кимир этмай, кўланка сингари турарди. Узоқдан гувиллаб келган овоз унинг тинчини бузиб, қулоғи остидан кетмай турди. Аммо бу овоз ҳали жуда олисда эди. Ҳамон думини ёйиб котиб қолган тулки қатъиятсизлик билан оғирлигини бу оёғидан у оёғига ташлаб, йўлдан қочишга шайланди. Лекин қочиш ўрнига, аксинча жон сақлаш учун бирор емиш топилиб қоладигандай, шоша-пиша қияликлардан чоп-қиллаб кетди. Олисдаги шовкин — темирларнинг даҳшатли шақирлашию юзлаб ғилдиракларнинг гулдуриси тобора яқинлашиб келаётганига қарамай, тулки худди шу онда ҳам овқат топиб оладигандай йўлдан чиқмасди. У ўзи билан ўзи андармон бўлиб, бир лаҳзагина ҳаяллаб қолган эди, шамга келиб урилган парвона сингари гангиб, ўралашиб, ағдарилиб тушишига бир лаҳзагина кифоя қилди. Шу вақт вагонларни эргаштириб муюлишдан чиқиб келаётган кўшалок локомотивнинг яқин ва йирокни бирдай ёритувчи чироклари кўзини камаштириб қўйди. Қудратли прожекторлар даштлик қаърига оқиш нур сочиб, унинг жонсиз, руҳсиз манзарасини ёритар, поезд эса важоҳат билан бостириб келарди. Ҳавони шамол аралаш чанг-тўзон кўтарилиб, димокни ачиштирувчи куюнди ҳиди тутди.

Тулки шитоб билан ўзини четга отди, у даҳшатли қўрқувдан ер бағирлаб қочар экан, аҳён-аҳёнда орқасига қайрилиб қараб қўярди. Шокосадай кўзларидан ўт балқитиб келаётган ҳалиги махлуқ эса узоқ вақтгача гумбурлаб, ғилдиракларини тарақлатиб ўтиб турди. Тулки турган жойидан сакраб, жон талвасасида тирақайлаб қочди...

У нари бориб бир оз нафас ростлаб олгач, нафсини қондириш илинжида яна темир йўл томон интилди. Аммо йўлда тагин оғир юки билан қатор вагонларни судраб келаётган кўшалок локомотив чирокларининг нури кўзга ташланди.

Шунда тулки далани айланиб ўтиб, темир йўлнинг поезд юрмайдиган бошқа жойидан кесиб чиқмоқчи бўлди...

Бу ўлкаларда поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Темир йўлнинг иккала томонида ёвшанзор билан қопланган ҳайхотдай даштлик — Сарийўзак, ўртачўл ястаниб ётади.

Ҳар қандай масофа Гринвич меридианидан ўлчангани сингари бу ерларда масофа темир йўлга нисбатан ўлчанади.

Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Ярим тунда аллаким ҳаллослаб узоқ йўл босиб, темирйўлчилар уйчаси томон шошиларди. У аввалига шпаллар устидан юрди, сўнг қаршидан келаётган поезд кўзга ташлангач, қияликдан пастга сурилиб тушиб, тезюрар юк поезди ғилдираклари остидан кўтарилаётган қорли тўзондан юзини кўли билан тўсиб, чап берганча илгарилаб кетди. Ҳеч

ерда тўхтамай, шитоб билан келаётган бу поезд литер вагонлардан иборат махсус поезд эди; у кейин алоҳида темир йўл тармоғи орқали I — «Сариўзак» ёпиқ зонасига бурилиб, тўппа-тўғри космодромга кириб кетди. Қисқаси, бу юкланган поезд бошдан-охиригача брезент билан беркитилган бўлиб, ҳар бир вагонни ҳарбий соқчилар қўриқлаб боришарди. Эдигей шошиб келаётган аёл ўзининг хотини эканини дарҳол англаб етди — унинг шошилиши бежиз эмас, шекилли. Ростдан ҳам шундай бўлиб чиқди. Аммо Эдигей ҳозир хизмат бурчи тақозосига кўра, очик майдончасида кондуктор турган охирги вагон ўтиб кетмагунча, жойидан жилишга ҳаққи йўқ эди. Кондукторга қўлларисидаги фонусида йўл хатарсиз, деган маънода ишора қилгач, шовқин-сурондан қулоғи битган Эдигей терлаб-пишган хотинига қайрилиб қаради:

— Ҳа, тинчликми?

Аёли ташвишли боқди ва нимадир демоқчи бўлиб лабларини жуфтлади. Эдигей ҳеч нарса уқмади, аммо нима демоқчи эканини англади. Ўша нарса бўлса керак.

— Шамолда турма, бу ёққа кел,— деб уни уйча ичига бошлади.

Ўзи гумон қилган воқеанинг содир бўлганини хотинининг оғзидан эшитишдан аввал Эдигей шу лаҳзада бошқа бир нарсадан ҳангу манг бўлиб қолди. У илгарилари ҳам ёшлари ўтиб бораётганини биларди, аммо шу тобда хотинининг тез юриб келгани сабабли нафаси қисилиб, ҳансираб, кўкраги ғижирлаётганини, айни чоқда ғайритабиий букчайиб қолганини кўриб, ичи ачиб кетди. Деворлари топ-тоза қилиб оқлаб кўйилган, кичкина уйчасидаги ўтқир чирок нурида Уккуболанинг кўкариб-қорайиб кетган юзларидаги чуқур ажинлар яққол кўзга ташланди (илгари қанақа эди — қорамағиз юзлари буғдой рангида товланар, коп-қора кўзлари чакнаб турар эди), яна бунинг устига, гуручдай тишлари тушиб кетибди, ҳар қанча ошини ошаб, ёшини яшаган бўлсада, аёл кишининг тишсиз қолиши ярашмас экан (аллақачон уни бекатга олиб бориб, ҳалигидай темир тиш қўйдириш керак эди. Ҳозир ёшу қари демай, ҳамма шунақа тиш қўйдириб олган-ку); булар ҳам етмагандай рўмоли елкасига сирғалиб тушган бояқшининг оппоқ оқариб, тўзиб кетган ўрама сочлари Эдигейнинг қалбини ўртаб юборди. «Эҳ, қанчалик қартайиб кетибсан, бечорагинам», ўйлади Эдигей раҳми келиб, бунга ўзининг ҳам айби борлигини алам билан ҳис этар экан. Шу тобда кўнглида узок йиллар бирга яшаб, ҳаётнинг не-не аччиқ-чучукларини чурқ этмай бирга тотиб келган заҳматкаш аёлига нисбатан илиқ меҳр, чексиз миннатдорлик туйғулари уйғонди. Мана, ҳозир ҳам ярим кечада, узок йўл босиб, одамгарчилик, инсонийлик бурчи юзасидан, қолаверса, бу хабарнинг Эдигейга нақадар муҳим эканини билганидан бечора Казангач қолнинг қолдевор уйда яккаю ёлғиз ётиб вафот этганини шошилиш хабар қилишга келибди. Чунки бу ўлим ёруғ дунёда фақат Эдигей учунгина оғир жудолик эканини у яхши тушунар эди. Ҳолбуки, марҳум эрига на ука, на қуда-анда эмас.

— Ўтир, нафасингни ростлаб ол,— деди Эдигей иккаласи уйчага киришганда.

— Ўзингиз ҳам ўтиринг,— деди аёл.

Ўтиришди.

— Нима гап, тинчликми?

— Казангап ўлиб қолди.

— Қачон?

— Яқиндагина. Бирон нарса зарурмикин, деб хабар олгани кирган эдим, қарасам чирок ёқик, у киши ўрнида ётибди. Бироқ соқоли хурпайиб қолган. Яқинроқ бориб, Қазақа, иссиқ чой ичасизми, дедим. Билсам, бояқишнинг жони узилган экан,— Уккуболанинг овози бўғилиб, қизариб кетган, пиёз пўстидай юпка қовоқлари ичида ёш ҳалқаланди. Охири хўрсиниб, секин йиғлай бошлади.— Шундай кунда ўлади, деб ким ўйлабди. Қандай мўмин-қобил одам эди-я! Кўзи очиқ кетди дунёдан. Ёпиб қўйишга ҳам одам топилмабди,— дея зорланиб йиғларди у.— Бундай бўлиши кимнинг хаёлига келибди! Дунёдан ўтди, раҳматли...— У «итнинг ўлимидай», деб сўзини давом эттирмакчи бўлдию яна жим қолди, бусиз ҳам аҳвол равшан эди.

Эдигей Бўрон — урушдан қайтиб келган ўша кунлардан бошлаб Бўронли бекатида ишлаётгани учун атрофдагилар уни шундай аташарди — аёлининг сўзларини тинглаб, девор остидаги курсида гурзидай қўлларини тиззасига қўйганча, ғамгин ўтирарди. Бошидаги эскириб, мойга ботиб кетган темирийўлчилар фуражқасининг соябони кўзини тўсиб қўйган эди. Шу пайт у нимани ўйлаётган экан?

— Энди нима қиламиз?— деб сўради хотини ниҳоят.

Эдигей бошини кўтариб, хайрихоҳлик билан унга қаради:

— Нима қиламиз дейсанми? Шундай маҳалда одамлар нима қилишади! Дафн этамиз.— У бир қарорга келгандай ўрнидан турди.— Сен тезроқ уйга етиб бор. Ҳа, олдин гапимга қулоқ сол.

— Эшитяпман.

— Боришинг билан Ўспанни уйғот. Бошлиқ деб ўтирма, бунинг аҳамияти йўқ, ўлим олдида ҳамма бир. Казангап ўлганини айт. Билиб қўйсин, қирқ тўрт йил бир жойда ишлаган одам ўлганини. Казангап бу ерларда иш бошлаганда Ўспан онасидан туғилмаган эди. У вақтларда ҳар қанча пул бераман деганинг билан Сариўзакка ҳатто ит ҳам келмас эди. У ишлаган даврда бу ердан ўтиб-қайтган поездларни санасанг, бошингдаги сочингнинг толалари ҳам етмайди, дегин... Яхшилаб ўйлаб кўрсин. Шундай деб айт. Яна бундай қил...

— Эшитяпман...

— Ҳаммани бирма-бир уйғотиб чиқ. Деразаларини тақиллат. У ёғибу ёғи — саккиз хонадонмиз — бармоқ билан санарли... Ҳаммасини уйғот. Бунақа одам ўлганда ҳеч ким ухламаслиги керак. Ҳаммани оёкка тургаз.

— Қойиб беришса-чи?

— Уйғотиб қўйиш — биз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Қойишса қойи-

шаверсин. Уйғот, деб мен буюрганимни айт. Ахир, виждон бўлиши керак одамда. Сабр қил!

— Яна нима?

— Аввало навбатчининг олдига кириб ўт, бугун Шоймардон диспетчерлик қиляпти. Бўлган воқеани айт, нима қилиш зарурлигини ўйлаб кўрсин. Балки бу сафар ўрнимга бошқа одамни қўйиб турар. Рози булса, хабар берсин. Гапимни уқдингми, худди шундай деб айтгин!

— Хўп, шундай деб айтаман,— деди-да, Уккубола яна муҳим бир нарсани унутганини эслаб, гап бошлади.— Ие, фарзандлари-чи! Ана холос! Ахир, аввало уларга хабар қилиш керак-ку! Отаси кўз юмган бўлса...

Эдигей бу сўзларни эшитиб, кўнгли ғашланди, кош-қовоғи уйилиб, баттар жаҳли чикди. Миқ этмади.

— Нима бўлсаям болалари,— дея гапида давом этди Уккубола ўзини оқлагандай бўлиб, Эдигейнинг хушламай турганини сезса ҳам.

Эдигей кўл силтади.

— Биламан. Нима, эсимни ебманми? Ҳамма гап шунда-да, фарзандларини чақирмай бўлармиди. Агар ихтиёр ўзимда бўлганида уларни яқин иўлатмасдим!

— Эдигей, у ёғи бизнинг ишимиз эмас. Майли, келиб оталарини ўзлари кўмишсин. Агар чақирмасак, кейин бир умр гап-сўздан бошимиз чикмайди.

— Нима, мен келмасин деяпманми? Келаверишсин.

— Шаҳардаги ўғли етиб келишга улгурармикан?

— Хоҳласа, улгуради. Ўтган куни катта бекатга борганимда ўз қўлим билан телеграмма жўнатганман, отангнинг аҳволи оғир, деганман. Яна нима керак? Ўзини ақлли санаб юради у, агар шу рост бўлса гап нимада эканига тушунар...

— Ундай бўлса, майли,— деди Уккубола Эдигейнинг гапларини маъқуллагандай бўлиб ва яна ўзини ташвишга солган аллақандай нарсалар ҳақида сўзлай кетди.— Хотини билан бирга келса яхши бўларди, ҳарҳолда, қайнатаси дафн этиляпти, етти ёт бегона эмас...

— Майли, бунини ўзлари ҳал қилишсин, Ёш бола эмас-ку.

— Шундайку-я,— деб қўйди аранг Уккубола ҳали ҳам шубҳаланиб.

Иккаласи жимиб қолишди.

— Бўлди, энди кўнам вақтни ўтказма, бора қол,— дея эслатди Эдигей.

Хотини яна нимадир демоқчи эди:

— Айтгандай, кизи-чи, халиги, ўзидан ортмаган ювиксиз, арокхўр билан яшайтган шўрлик Ойтода чурвақалари билан катта бекатдан етиб келишга улгурар?

Эдигей беихтиёр жилмайиб, хотинининг елкасига қокди.

— Бўпти, қўйиб берсан, ҳар бирининг қайғусини қўша тортмоқ-

чисан... Ойзода қўл чўзса етгудай жойда, эрталаб бирортаси катта бекатга ўтса хабар қилар, уям етиб келади, албатта. Сен хотин, бир гапни танангга сингириб ол: Ойзодасидан ҳам, ўғли Собитжондан ҳам, минг фарзанд бўлгани билан ҳеч бир наф йўқ. Мана кўрасан, ҳаммаси келишади, келмай қаёққа боришарди, аммо келганда ҳам меҳмондай бир чеккада қўл ковуштириб туради; марҳумни эса ўзимиз кўмамиз, ҳали кўрасан... Энди бор, нима деган бўлсам шундай қилгин.

Хотини кетатуриб, иккиланганча бир тўхтаб қолдию сўнг яна юра бошлади. Аммо бу сафар уни Эдигейнинг ўзи чакириб тўхтатди:

— Аввало навбатчига — Шоймардонга учрашишни унутма, ўрнимга бирорта одам юборсин, бошқа кун ишлаб берарман. Марҳум кимсасиз уйда ётибди, ёлғиз колдириб бўладими... Шундай деб айтгин...

Хотини бош ирлаганча жўнаб кетди. Шу маҳал тахтачадаги сигнализатор ғиғиллаб, ўтли кўзларини ёқиб ўчириб Бўронлига янги состав яқинлашаётганини хабар қилди. Навбатчининг буйруғи билан поездни қўшимча йўлда қабул қилиб, қаршидан келаётганини асосий йўлга ўтказиб юбориш зарур эди. Одатдаги иш. Поездлар яқинлашиб келар экан Эдигей йўл ёқасидан бораётган Уккуболага худди эсидан чиқиб қолган бирор зарур гапи бордай дам-бадам қараб кўярди. Айтса айтадиган гапи кўп эди, дафндан олдин қилинадиган ишлар оз дейсизми, қайси бирини эслаб қолсин. Аммо Эдигей ҳозир хотини томонга буни ўйлаб қараётгани йўқ эди. У шунчаки йўл бўйидаги дуд аралаш сарғиш нур шуъласида юриб бораётган хотинининг сўнгги пайтларда қанчалик қартайиб, букчайиб қолганига ҳозир эътибор бераркан, кўнгли ранжиб, ўзини қойий бошлади.

«Қариллик елкангда туради деганлари шу экан-да. Қаридик-ҳоридик — кампир билан чол бўлдик!» Аслида унга сиҳат-саломатликдан худто берган, ҳали бардам, лекин бир ёқдан ёш курғур ҳам ўтпапти-да. Олтмишни уриб қўйди, йўқ, йўқ, олтмиш бирни. «Ҳаш-паш дегунча, орадан яна бир-икки йил ўтиб, марҳамат пенсияга деб қолишлари мумкин», дея ўйлади Эдигей ўзича истехзо билан. Лекин у ҳали-бери пенсияга чиқмаслигини биларди. Бу ерларда йўл назоратчиси, ремонтчи ишчи деган вазифаларда ишлаш учун ҳадеганда ўрнига одам топила қолармиди. Вақти келиб бирортаси касал бўлиб қолса ёки отпуссага чиққудек бўлса, темир йўл кўрсаткичларига ҳам кўз-қулоқ бўлиб турарди. Тўғри, иш жойининг олислиги ва сув танқислиги учун унга қўшимча ҳақ ҳам тўлашади. Лекин шуни деб кўзи учиб турганлар топилармикин? Ҳозирги ёшлар ичида бунақасининг топилиши амримаҳол.

Сариўзак даштларида ишлайдиган одамнинг жони мингта бўлиши керак. Бўлмаса шўри курийди. Дашт худудсиз, одам қум донасидай кўринади бу ерда. Биров қийналадими, йўқми — даштнинг заррача иши йўқ. Одамга эса, қаерда қандай ишлаш бари бир эмас. У бошқа жойда яхшироқ яшармидим, тақдир адаштириб бу ерларга келиб қолдим, деб ич-этини ейди... Шунинг учун инсон улкан ва даҳшатли дашт қаршисида ўзини жуда ожиз сезади. Бу ерда одам худди

Шоймардоннинг уч ғилдиракли мотоциклининг аккумуляторига ўхшаб қолади. Эгаси уни аяйди, ўзиям минмайди, бошқага ҳам миндирмайди. Оқибатда мотоцикл бекор турганидан юргизадиған кучи, жавҳари тугаб қолади. Сариўзак темир йўлларидаги одам ҳам шунақа — ўзини ишга урмаса, даштга томир отмаса, ўсиб-унмаса, чидаши қийин. Йўловчилар вагонларнинг деразасидан қараб, бошларини чангаллашади: ё худойим, шу ерлардаям одам боласи яшайдими-я, деб ажабланишади. Теварак қирранг дашт, фақат туяларгина кўринади, холос. Бошқа ҳеч вако йўк! Шунга қарамай, шу ерларда ҳам одамлар яшади. Тўғри, ҳар ким тоқати етгунча — биров уч йил, жуда чидаса, тўрт йил яшайди, кейин тамом, ҳисоб-китобини олади-ю, бу ердан узоқроққа кетади...

Аммо Бўронлида фақат икки киши — Казангап билан Эдигей Бўрон ўтроклашиб қолишди. Эҳ-ҳа, бу орада қанчадан-қанча одамлар келиб кетмади дейсиз бу ерга! Ўзини айтмай қўя қолсин, ҳайтовур чий дегани йўк. Казангап ҳам бу ерларда қирқ тўрт йил ишлаб кўйди. Бошқалар яхшию у ёмон бўлгани учун эмас, албатта. Битта Казангапнинг ўзини Эдигей ўнта одамга алишмас эди... Энди у ҳам мангуга кетди...

Келган поездлар ажралишди. Бири машриқ томонга, иккинчиси мағриб томонга йўл олди. Бўронлининг айри йўллари яна бир муддат хувиллаб қолди. Поездлар жўнаши билан ҳаммаёқ бирдан очиқ кетгандай бўлди — зим-зиё осмонда юлдузлар тағин ҳам равшанроқ чараклаб, шамол қияликлар, шпаллар, сал-пал жаранглаётган, қисирлаётган темир из ўртасидаги шағал юзасида эмин-эркинроқ шўхлик қила бошлади.

Эдигей уйчага кирмади. Устунга суяниб, ўйланиб қолди. Узоқда, темир йўл ортидаги далада ўтлаб юрган туяларнинг қоралари кўринди. Улар ой нурида тик турганича миқ этмай тонгни кутишарди. Эдигей ўзининг икки ўрқачли, йирик бошли нортаюсини — Сариўзакда энг кучли, энг илдам, хўжайини каби «Қоранор Бўрон» деб ном олган туясини таниди. У Эдигейнинг фаҳри эди: ўлгудай бақувват, лекин одамни қийнаб юборади ўзи ҳам. Чунки Эдигей уни бўталоклигида ахта қилмаган, кейин шундайлигича қолиб кетган, шунинг учун туялар орасида бўғра бўлиб гердайиб юра эди.

Эдигей эртанги юмушлари орасида барвактроқ Қоранорни уйга ҳайдаб келиш, унга эгар-жабдуқ қўйиш кераклигини эслади. Ўлик чиқаришда лозим бўлади. Миясида яна шунга ўхшаш минг хил хаёллар айланди...

Бу пайтда бекатдаги одамлар уйларида хотиржам ухлаб ётишарди. Темир йўлнинг бир чеккасида катта бекат турли майда-чуйда идоралари, ҳовли саҳнида қурилган ўчоқлар, бири-бирига ўхшаш икки бўғотли йиғма-тахта деворли, шиферли уйчалар (бор-йўғи олти-та уйни темир йўл бошқаси қурдирган), улар ёнида Эдигей ўзи

куриб олган уй, раҳматли Казангапнинг пахса деворли кулбаси, ҳовлилардаги турлича қўндирилган тандир, Ҷочқбошилар, бостирмалар, мол-ҳол учун четан деворли қўра, ўртада шамолда айланадиган, аслида ўзи универсал электр насосхона, зарур бўлганда ишга тушадиган сув тортқич (бу ерда у кейинги йилларда пайдо бўлди), хуллас, Бўронли қишлоқчаси шулардан иборат эди.

Буюк темир йўл тармоғида, буюк Сариўзак даштида қон томирларидай ҳар ёққа тарқалган турли бекатча, бекат, шохобча, шаҳарларни бир-бирига боғлаб турган мўъжазгина бекатлардан бири эди Бўронли... У қафтдай очик жойда, дунёдаги ҳамма шамолларга бағрини тутган ҳолда жойлашган... Айниқса, қишда уйларни деразасигача қорга кўмиб, темир йўлни қалин музлаган дўнгликларга айлантириб юборадиган Сариўзак қорбўрони турса борми, худди бекатни учуриб кетгудай бўларди. Шунинг учун ҳам даштдаги бу бекат Бўронли деб аталар, бекат пештоқиға қозоқча ва русча килиб «Бўронли — Буранный», деб ёзиб қўйилган эди.

Эдигей қор тозалайдиган машиналар келгунга қадар бўлган даврни эслади. Бу машиналар йўлдаги куртинг бўлиб қотиб қолган қор уюмларини бўлакларга бўлиб, тиш-қафтгирлари билан икки томонга суриб ташлайди. У кезларда-чи, қор босган йўлларни тозалаш учун Казангап икковлари ўлар-тирилариға қарамай, ит азобида олишган эдилар. Бу ишлар худди кечагина бўлиб ўтгандай-а. Эллик биринчи, эллик иккинчи йилларда қиш жуда оғир келди. Фронтда шундай кезлар бўлганки, одам умри фақат бир марта жангга киришгагина ёки бўлмаса танкка қарши бир марта граната улоқтиришгагина кифоя қилгани сингари Бўронлида ҳам аҳвол худди ўшандай бўлган эди. Бу ерда сени ҳеч ким ўлдирмаса ҳам, ўзингни ўзинг нобуд қилишингга тўғри келади. Қанчалаб қор босган жойларни қўл билан кураб, суриб, қорни наматларға солиб судраб, ҳатто қопларға орқалаганча тепаликка олиб чиқиларди. Ишлар бекатдан етти чақирим нарида, темир йўл кесиб ўтган тепалик энишида олиб борилар, ҳар сафар ҳам бу кураш қорбўрон билан сўнги олишувдек бўлиб туюларди. Йўл бер, деб дашт бўйлаб ўкириб келаётган поездларнинг даҳшатли овозини бошқа эшитмаслик учун ўйлаб ўтирмай, жонини беришга ҳам рози бўларди одам.

Энди қорлар эриб кетди, поездлар елиб, у йиллар ортда қолди... улар билан энди ҳеч кимнинг иши йўқ. Ўтди-ю, кетди. Ҳозирги йўл ишчилари ғала-ғовурда зув келиб, зув кетишади. Уларни назорат-ремонт бригадалари дейишади. Бир замонлар мана шу Сариўзакдаги қор босишлар ҳақида гапириб, унда атиги икки-уч кишигина белкуракда ишлаганини айтсанг, ҳозиргилар буни тасаввур ҳам қила олмайди, ишонмайди ҳам! Мўъжиза бу! Баъзилар очикдан-очик масҳара қилади: «бундай қони азобнинг кимға кераги бор, қўра била туриб, ўзини қийноққа солишдан нима фойда, дейди. Биз бўлганимизда бу ишга сира қўл урмаган бўлардик! Ўзла-

рингни худо уриб қўйган, бўлмаса қурилишми ёки бўлмаса бошқа бирор жойда ишлаш мумкин эди-ку, иш қуриб кетибдими? За-
рур бўлиб қолса, кўшимча ишларга халқни тўплаб ҳайда, васса-
лом... Қанча ишласанг, шунча ҳақ оласан. Агар буни ҳашар деб
қолишса, халқни тўплагин-у кўшимча ҳақни талаб қил. Шу ҳам гап
бўлдию... Фирт анойи бўлгансизлар, бобойлар, анойиларча ўласиз-
лар!..»

Мана шунақа «қайта қийиб бичувчилар» учраб қолса, Казангап
худди даҳли йўқдек сўзларга парво қилмас, ҳаётнинг бошқалар ту-
шунмайдиган қандайдир сирини ўзи биладигандай мийиғида кулиб
қўяр эди. Эдигей бўлса бундай гапларни эшитганда чидаб турол-
мас, қизишиб, тутоқиб кетиб баҳслашарди, аммо бу билан фа-
кат ўзининг дилини сиёх қилиб қўярди.

Ўшанда, Эдигей билан Казангап турмуш муаммолари ҳақида
узоқ-узоқ суҳбат қурган вақтларида ҳозир махсус назорат-ремонт
вагонларида келиб, уларнинг устидан куладиган нусхалар қўйлагин-
нинг этагини орқасига тугиб олиб, иштонсиз юрган бўлишлари ҳам
мумкин, албатта. Турмуш ҳақида ақли етганча фаросат юргизиб,
узоқ суҳбат қуришар, вақт ҳам бемалол эди унда. Ахир, қирк
бешинчи йилдан бошланган эди бу суҳбатлар. Айниқса. Ка-
зангап пенсияга чиққандан кейин турмуш муаммолари тўғрисида
кўпроқ ўйлайдиган бўлишди. Пенсияга чиқиб, у кўнгилдагидек яшай
олмади. Шаҳарда тураман деб ўғлининг олдига кетган эди, уч ой
яшаб қайтиб келди. Ўшанда Эдигей иккаласи оламдаги кўпгина
масалалар хусусида гурунглашар эдилар. Доно одам эди раҳматли.
Эсласа эслагулик гаплар кўп эди у ҳақда... Шу лаҳзада Эдигей
аччиқ ҳақиқатни равшан англаб етди — энди улардан фақат хоти-
раларгина қолди, холос. Мана шунга ич-ичидан ачинди...

Эдигей микрофоннинг ширик-ширик этиб ишлаётганини эшит-
ди-да, шошилганча уйчага кирди. Бу аҳмоқона қурилмадан одам
овози келиш ўрнига аввало қор бўронида бўлгани сингари алақандай
гувиллаган-шувиллаган товушлар эшитилди.

— Эдике, алло, Эдике,— хирилларди бекат навбатчиси Шоймар-
дон,— Эдике, гапимни эшитяпсанми? Жавоб бер!

— Эшитяпман, эшитиляпти!

— Эшитяпсанми, гапир!

— Эшитяпман деяпман-ку, эшитяпман!

— Қалай эшитяпсан?

— Нариги дунёдан эшитилгандай бўляпти!

— Нега энди?

— Билмадим.

— Ҳа-а... Шундай қилиб, Казангап чол, ҳалигидай...

— Нима, ҳалигидай?

— Ўлибди чоғи!— Шоймардон бундай вазиятда нима дейиш ке-
раклигини тополмай қийналарди.— Нима десам экан, ҳалигидай, яъни,
масалан, ўзининг шонли ҳаёт йўлини якунлабди-да.

— Э-э,— қисқа жавоб қилди Эдигей.

«Вой ақлсиз ҳайвон,— дея ўйлади ўзича,— ўлим ҳақида ҳам одам-га ўхшаб гапиролмайди-я».

Шоймардон бир лаҳза жим қолди. Микрофон яна баттаррок гижиллаб, бўғиқ овоз чиқарди. Яна Шоймардоннинг хириллаган овози эшитилди:

— Эдике, айланай сендан, ҳадеб бошимни ачитаверма. Ўлган бўлса ўлибди, энди нима ҳам қилардик... Менда бошқа одам йўқ. Ўликнинг бошида ўтиришдан не фойда? Мархум тирилиб қолади, деб ўйлайсанми?

Эдигейнинг жаҳли чикди:

— Мен сенга айтсам, ҳеч балони тушунмас экансан! Бошимни ачитма деганинг нимаси. Сенинг бу ерга келганинга энди икки йил бўляпти, биз бўлсак у билан ўттиз икки йил бирга ишлаганмиз. Тананга озрок ўйлаб кўрсанг бўларди. Орамизда одам ўлган, мархумни кимсасиз уйда ёлғиз қўйиб бўлмайди, мумкин эмас, ахир.

— Ёлғизми, ёлғизмасми — ўлган одам учун бари бир эмасми?

— Аммо биз учун бари бир эмас.

— Бўпти, шовқин солма, қария, шовқин солма!

— Сенга тушунтириб қўйяпман.

— Нима демокчисан ўзи? Ўрнингга одам йўқ. Ўликнинг ёнига ярим тунда бориб нима қиласан?

— Жаноза ўқийман. Ирим-сиримини қилиб, мархумнинг ҳақкига дуо қиламан.

— Жаноза ўқийсан? Сен-а, Эдигей Бўрон-а?

— Ҳа, мен. Жаноза ўқийман.

— Ана холос... Ҳалигидай, Совет ҳокимиятининг ташкил этилганига олтмиш йил тўлганда-я!

— Қўйсанг-чи! Совет ҳокимиятини орага қўшма! Одам ўлганда жаноза ўқиш қадимий удум. Ахир, ҳайвон эмас, одам ўлган-ку!

— Бўпти, бўпти, дуоларингни ўқийвер, фақат шовқин солма. Эдилбой Дарозга одам юбориб кўраман. Рози бўлса, ўрнингга бориб турар... Ҳозир эса кимира, 117- келяпти, иккинчи қўшимча йўлни тайёрла...

Шоймардон ширк эткизиб микрофонни ўчирди. Эдигей темир йўл кўрсаткичи томон шошилди. У ўз иши билан андармон бўлиб юрар экан, Эдилбой рози бўлармикин, деб ўйларди. Баъзи уйлари-нинг деразаларидан равшан ёнган чирокларни кўриб ҳайтовур одамларда инсоф, диёнат деган нарса бор, деб хурсанд бўлди у. Итлар хура бошлади. Демак, хотини бўронлиларни уйғотиб, оёққа турғизяпти.

Бу орада 117-поезд қўшимча йўлга ўтиб олди. Қарши тарафдан цистерналар уланган нефть ташувчи поезд келаверди. Сўнг яна иккала поезд бир-биридан узоқлаша бошлади — бири машрикка, иккинчиси мағрибга йўл олди...

Тунги соат иккилар эди. Осмонда юлдузлар чараклади. Уларнинг ҳар бири ўзича парпирайди. Ой ҳам Сариўзак дашти узра ёғдусини равшанроқ соча бошлади. Гўё у қаердандир муттасил кўшимча қувват олаётганга ўхшайди. Юлдузли осмон остида эса чексиз ястаниб кетган эрманли Сариўзак дашти савлат тўкиб ётарди, бериги томонда туялар, уларнинг орасида кўш ўрқачли паҳлавон — Қоранор Бўроннинг қораси кўринади. Ойдинда яна яқин атрофлардаги манзилларнинг кўлагалари кўзга ташланар, қолган ҳамма нарса темир йўлнинг икки томонидаги зим-зиё тун чексизлигида ғойиб бўлган эди. Бедор шамол увиллаб хуштак чалиб, йўл атрофидаги ташландиқ қоғозларни шитирлатганча учириб юрарди.

Эдигей гоҳ уйга кириб, гоҳ чикиб, йўлда Эдилбой Дароз кўришиб қолмасмикан, деб тоқатсизланди. Шу пайт бир чеккада қандайдир жониворни кўриб қолди. Бу жонивор — бояги тулки эди. Кўзлари яшимтир товланиб чакнайди. У телеграф устуни остида бошини ҳам қилганича на яқинлашишни, на қочишни билмай турарди.

— Сенга нима бор бу ерда? — ғудранди Эдигей шунчаки пўписа қилиб тулкига. Тулки бундан чўчимайди.— Ҳали шунақами! Ҳозир сени!..— деб Эдигей оёқларини тапирлатди.

Тулки нарига сакраб қочди-да, яна Эдигейга қараб ўтириб олди. Эдигейданми ёки унинг ортидаги аллақандай бошқа бирор нарсаданми, ҳар қалай кўзини узмай маънос термилиб турди. У қайдан ва нима ниятда келдийкин? Электр чироклари ўзига тортдимикин, ё очлик судраб келганмикин? Шундай кечада тулкининг пайдо бўлиши Эдигейга жуда ғалати туюлди. Ўлжа ўз оёғида келиб турибди, тош билан бир уриб, қўлга киритса-чи? Эдигей ерни пайпаслаб, каттароқ тош излади. Мўлжалга олиб қулочкашлади-ю, аммо тош қўлидан тушиб кетди. Ҳатто терга ботди. Хаёлга нималар келмайди дейсиз шундай чоғда! Тулкини тош билан уришга чоғланаётганда бир нарса эсига тушиб қолди. Бемаъни гап, албатта. Келиб-кетиб юрган одамлардан биттаси айтувди — бир фотограф билан худойи таоло тўғрисида гаплашиб қолишган эди, шекилли, ўша одаммиди ёки бўлмаса аллақандай бошқа бир кимса айтганмиди... Йўқ, энди эсига тушди — Собитжон айтган экан; боласи тушмагур доим ғалати гапларни гапириб юради, одамлар қулоқ солаверса, ҳаммининг оғзини очиб, ҳайрон қолдиришни яхши кўради: ҳа-я, одам ўлгандан кейин руҳи бошқа одамларга ёки жониворларга кўчиб ўтиши ҳақида Казангапнинг ўғли Собитжон гапириб берган эди.

Вайсақини бошимизга бало бўлсин, деб ўқитган эканмиз. Бир қарашда киройи йигит. Ҳамма балони билади, ҳамма нарсани эшитган, лекин булардан наф йўқ. Уни интернатда ўқитишди, институтда ўқитишди, лекин одам қилишолмади. Ичиб олиб, мақтаниш-

ни яхши кўради, қадаҳ айтишни дўндиради, аммо иш деганда йўк. Хуллас, пуч ёнғоқ чиқди, Казангапнинг тирноғига ҳам арзимайди. Дипломини кўз-кўз қилмасин, бари бир ношуд чиқди, отасига тортмади.

Мана шу Собитжоннинг гапириб беришича, Ҳиндистонда шундай бир эътиқод бор эмишки, унинг ақидаси бўйича одам ўлгандан сўнг жони қандай бўлмасин, ишқилиб бирор жониворга, ҳатто чумолига ўтиб кетар эмиш. Яна унинг айтишича, ҳар бир инсон қачонлардир, туғилмасдан илгари парранда, ё хайвон, ёки ҳашарот қиёфасида яшаб келган эмиш. Шунинг учун ҳам ҳиндларда ҳар қандай жониворни, ҳатто оддий илонми ёки кўзойнакли илонми — бари бир ўлдириш катта гуноҳ ҳисобланиб, йўл-чўлда учраб қолгудек бўлса тегмасдан, таъзим қилиб, йўл бериб ўтишаркан.

Дунёда гаройиботлар озми? Қай бири расту, қай бири ёлғон ким билади, дейсиз? Олам кенг, инсон эса ҳамма нарсанинг охирига етолмайди. Шунинг учун ҳам Эдигей тулкини тош билан уриб ўлдириш қўлдан бўлганида бу яна Казангапнинг арвоҳи бўлмасин, деб ўйланиб қолди. Эҳтимол, Казангап ўлганидан сўнг кимсасиз, ҳувиллаган кулбасида ёлғиз қолгани зерикиб, тулкига айланган ва кадрдон дўсти Эдигейни кўргани келгандир?.. «Ақлдан озиб қолмасайдим! — деб хавотирланди Эдигей ўзича.— Одам деган шунақа хаёлларга ҳам борадим. Тфу! Алаҳсираяпманми ўзи!»

Бари бир Эдигей тулкига аста яқинлашиб бориб, худди у гапга тушунадигандай, сўз қотди:

— Бор, бора қол, бу ерда не қиласан, далага бор. Эшитдингми? Жўнаб қол. Фақат, ановёққа йўлай кўрма, у ёқда итлар бор. Худонинг махлуғи, далага жўна.

Тулки шартта бурилиб, оҳиста йўртиб кетди. Бир-икки орқасига қараб қўйди-да, шу бўйи қоронғилик қўйнида ғойиб бўлди.

Бу орада бекатга яна бир поезд кириб келди. У аста-секин юриш тезлигини секинлатганда вагонлар бир-бирига шақир-шуқур урилиб, манзилга келиб тўхтади. Орқасидан кўтарилган чанг-тўзон вагонлар устига ёпирилиб, анчагача ёруғда ялт-юлт этиб, учқунлаб турди. Мотори бир маромда секин гувиллаб турган локомотивдан машинист бошини чиқариб:

— Эй, Эдике, Бўрон ака, ассалому алайкум! — деди.

— Алайкум ассалом!

Бу ким бўлди экан, дегандай Эдигей уни яхшироқ кўриб олиш учун қайрилиб қаради. Бу йўлда ишлаётганлар бир-бирини яхши билишади. Йигит ўз одамларидан экан. Эдигей Қумбелдаги бекат уездида яшайдиган Ойзодага отаси дунёдан ўтганини хабар қилиб қўйишни шу йигитга тайинлади. Машинист марҳумнинг хотираси ҳурмати учун илтимосини бажонидил бажо келтиришни зиммасига олди. Бунинг устига, Қумбелда поезд бригадалари алмашади, қай-

тишда, агар Ойзода улгурса, ҳатто бирга олиб келишга ҳам ваъда берди.

У ишончли одам эди. Эдигей яна бир иш битди, деб ўзини энгли хис қилгандай бўлди.

Бир неча дақиқадан сўнг поезд ўрнидан кўзгалди. Эдигей машинист билан хайр-хўшлашар экан, ўзи томон темир йўл ёқалаб келётган узун бўйли аллакимга кўзи тушди. Бу киши — Эдилбой эди.

* * *

Эдигей навбатчиликни топширди, Эдилбой Дароз билан юз берган воқеа ҳақида гаплашиб, Казангапни эслаб, оҳ-воҳ қилишгунича, Бўронлига яна бир жуфт поезд келиб, ажралиб кетишди. Мана шу юмушларидан бўшаб, уйига йўл олар экан, Эдигей кечаси хотинига Казангапнинг ўлими ҳақида ўзларининг қизларию куёвларига хабар қилиш зарурлигини айтишни ёдидан чиқарибди, тўғриси, маслаҳат солмабди. Эдигейнинг турмушга чиққан иккита қизи бутунлай бошқа тарафда, Қизил Ўрда яқинида туришарди.

Тўнғичи шолчилик совхозида яшайди, эри — тракторчи. Кенжаси илгари Казали яқинидаги бекатда яшарди, сўнг опасига якинроқ бўлиш учун оиласи билан ўша совхозга кўчиб келишди, куёви шофёр бўлиб ишлайди. Казангап гарчи уларнинг туғишган кишиси бўлма-са-да, Эдигейнинг ўйлашича, ҳар қандай туғишгандан ортик эди. Қизлари Бўронлида Казангапнинг кўз ўнгида туғилиб, шу ерда вояга етишди, сўнг Қумбел бекатидаги мактаб-интернатда ўқишди. Уларни дам Эдигей, дам Казангап олиб бориб кўярди. Эдигей кичик қизалоғини эслади: у каникулга чиққанида туяга миндириб келишар ва таътил тугаб, ўқиш бошланганида яна олиб боришар эди. Кичиги олдинда, ўртада отаси, орқада эса катта кизи — учалови туяга мингашишарди. Қоранор шу зайлда катта-катта қадам ташлаб, Бўронлидан Қумбелгача уч соат, кишда эса ундан ҳам зиёд йўл босарди. Эдигейнинг вақти танглигида қизалоқларни Казангап олиб борарди. У болаларга худди ўз оталаридай бўлиб қолган эди. Эдигей эрталаб телеграмма юборишга қарор қилди, у ёғини яна ўзлари билишади. Ҳарҳолда, Казангапнинг дунёдан ўтганидан хабардор бўлишсин...

Сўнг йўлда кетатуриб, эрталаб биринчи галда Қоранорни ўтлаб юрган еридан олиб келиш зарурлигини ўйлади. Ахир, у шундай пайтда иш бермаса, қачон иш беради. Ўлимнинг ўзи бўлмайди, аммо уни ўрнига қўйиб кўмиш ҳам осон иш эмас... Вақт танглигида ҳали у йўқ, ҳали бу йўқ, деб қолишади. Кафандан тортиб, таъзияда ёқиладиган ўтингача — ҳаммаси учун югур-югур бошланади.

Худди шу маҳал аллақандай дахшатли гумбурлаган овоз еру кўкни ларзага келтирди. Бу овоз уруш кезлари олисда портлаган

бомба ваҳшатини эслатарди. Эдигей даштнинг анча ичкарисиди — космодром ўша ёқда жойлашган бўлса керак, деб ўзича мўлжаллаб юрган томонда тобора алангаланиб, ловуллаб, яшин тезлигида юқорига кўтарилиб бораётган аллақандай оловли қуюнни кўрди. У осмонга ракета учирилганини кўриб, саросимага тушиб қолди. Бундай манзарани илк бор кўриши эди. Барча сариўзакликлар қатори Эдигей ҳам бу ердан қирқ чақиримлар чамаси нарида, балки ундан ҳам яқинроқда — «I — Сариўзак» космодроми жойлашганини, у ёқда Туғриқ Том бекатидан алоҳида темир йўл тармоғи кетганини биларди. Ҳатто, ўша ёқларда даштликда катта магазинлари бўлган каттакон шаҳар қад кўтарган, дейишарди. Фазогирлар, космик парвозлар тўғрисида радиодан, одамларнинг суҳбатидан кўп марта эшитган, газеталардан ўқиган эди. Бу гапларнинг ҳаммаси Собитжон яшайдиган область марказидаги шаҳарда, бадиий ҳаваскорлар концертида айтиларди. Шаҳар эса бу ерлардан анча олисда — поездда бир ярим суткалик йўл. Шунга карамай, кичкинтойлар фахрлиниб, «Биз дунёда энг бахтли болалармиз, чунки фазогир амакилар фазога бизнинг еримиздан кўтариллади», деб хор бўлиб кўшиқ айтишарди. Лекин космодром ва унинг атрофлари ёпиқ зона бўлганидан, Эдигей шу атрофда яшаса ҳам, ўқиганлари ва эшитганлари билангина қаноатланарди. Мана, энди ракетанинг алангаланиб ловуллаб, бутун атрофни ёритиб, зимзиё юлдузли осмонга кўтарилганини ўз кўзи билан биринчи марта кузатиши. Эдигей хайратдан ёқа ушлади — нахотки шу ўт-олов ичиди одам ўтирган бўлса? Биттамикин ёки иккитамикин? Нимага шунча вақтдан бери шу ерда яшаб, ракетанинг парвозини кўрмаган экан, ахир, коинотга нечанчи марта парвоз қилиниши — ҳисобига ҳам етаолмайсан. Балки олдинлари космик кемалар кундузи учгандир? Куёш нурида шунчалик узокликда нима учганини фарқлаш ҳам қийин. Буниси нега тунда учди экан? Қистов бўлдимикин ёки ўзи шундай бўлиши керакми? Эҳтимол, ер юзидан тунда кўтарилса ҳам у ерга етганда балки кундузи бўлар? Бир куни Собитжон худди ўзи космосда бўлгандай гапириб берган эди: у ёқда кеча билан кундуз ҳар ярим соатда алмашиб турар эмиш. Яна Собитжондан сўраб кўриш керак. У ҳамма нарсани билади. Билимдонликни, ўзини мартабали одам қилиб кўрсатишни бирам яхши кўрадики, асти қўяверинг. Область марказида яшаётганидан ғурурланади. Муғамбирлик қилмаса нима қиларкин? Нима кераги бор? Қандай бўлсанг, шундай юравермайсанми? Лекин у «Фалон каттакон билан бирга бўлдим, унга фалон гапни айтдим», деб мактангани мактанган. Бир куни Эдилбой Дароз Собитжоннинг ишхонасига бориб қолганини гапириб берган эди. Унинг айтишича, бизнинг Собитжон уззукун телефон олдида ўтирар, бошлиқнинг кабинетини билан қабулхона ўртасида бўзчининг моқисидай елиб-югурар, «Эшитаман, Алжапар Қаҳрамонович! Хўп бўлади, Алжапар Қаҳрамонович! Ҳозир, Алжапар Қаҳрамонович!» дейишдан бошқа нарсага

улгурмас экан. Бошлиғи эса кабинетида ўтириб олиб, тугмачани босишга зўр бераркан. Шу тариқа Собитжон билан одамга ўхшаб икки оғиз гаплаша олмабди... «Бўронлидан чиққан ҳамсоямиз шунакайкан, билмай юрган эканмиз», дейди. Бўлган-тургани шу бўса, нимаям қиларди... Фақат Казангага ичинг ачийди. Ўғлим, деб кўп азоб чекди. Умрининг охириг кунларигача ўғлига бирон оғиз ёмон гап айтмади. Бир йили ўғли билан келини ялиниб-ёлвориб шаҳарга ўзлариникига олиб кетишди. Охири нима бўлди? Бу ёғи бошқа гап...

Мана шундай ўй-хаёлларга берилган Эдигей қоқ саҳарда, космик ракета осмонда кўздан бутунлай ғойиб бўлгунича кузатиб турди. Кузатганда ҳам, мўъжизани узоқ кузатди. Оловли кема борган сари кичрайиб, кўздан йироқлашиб, туман янглиғ оқ нуктага айланиб тубсиз зулмат ичига кириб бораркан, Эдигей ҳайратдан бош чайқаб, ажиб, зиддиятли хиссиётлар оғушида йўлга тушди. Мўъжизадан ҳайратланар экан, айни чокда бу мафтункор ва даҳшатли воқеанинг унга ҳеч қандай алоқаси йўқлигини англади. Шу маҳал яна ҳалиги, темир йўлдан югуриб ўтган тулки ёдига тушиб кетди. Кимсасиз чўлдаги бу олов қуюни унга қандай таъсир қилди экан? Эҳтимол, даҳшатдан ўзини кўярга жой тополмай қолгандир?..

Бирок тунги парвознинг шоҳиди бўлган Эдигей фазогир бошқарган космик кема «Паритет» самовий бекатида юз берган фавкулудда ходиса эканини — фалокат туфайли шошилинч равишда учирилганини, бу парвоз ҳеч қандай тантаналарсиз, журналистларнинг қатнашувисиз пинҳона амалга оширилганлигини билмасди. Бишлиши ҳам мумкин эмасди. Шартли равишда «Трамплин» деб аталган орбитада Совет — Америка Қўшма программасига мувофик, бир ярим йилдан бери «Паритет» самовий бекати ишлаб турарди. Буларнинг ҳаммасини Эдигей қаёқдан билсин? Бу воқеа унга, унинг ҳаётига ҳам таъсир этишини — инсон ва инсониятнинг узвий алоқаси деб аталмиш оламшумул ходиса сабаблигина эмас, балки тўғридан-тўғри таъсир кўрсатишини ҳали хаёлигаям келтирмасди. Сариўзакдан космик кема учирилганидан сўнг ораддан кўп ўтмай сайёрамизнинг нариги чеккасида, Невада космодромидан худди «Паритет» бекатига қараб, ўша «Трамплин» орбитаси томонга Америка космик кемаси учирилгани, фақат у тескари томондан йўл олгани Эдигейнинг тушига ҳам кирмаган эди.

Фазовий кемалар Совет — Америка «Демидург» Қўшма программаси бошқариш марказининг океандаги сузиб юрувчи базаси бўлмиш «Конвенция» илмий тадқиқот авиабардоридан юборилган буйруққа кўра, шошилинч суратда космосга учирилган эди.

«Конвенция» авиабардори ўзининг доимий манзилида — Тинч океандаги Алеут ороларининг жанубий қисмида, яъни Владивосток билан Сан-Францисконинг жанубинан ўртасидаги квадратда турарди. Қўшма Марказий Бошқарма — Қўшмарбош — шу маҳал иккала кос-

мик кеманинг «Трамплин» орбитасига чикишини синчков кузатмоқда эди. Ҳозирча ҳамма ишлар кўнгилдагидай борар, энди «Паритет» комплекси билан космик кемаларни туташтириш ишлари қолган эди. Вазифа ниҳоятда мураккаб — кемалар самовий бекат билан муайян вақт ораллиғида навбатма-навбат эмас, балки унинг икки томонидан бир вақтнинг ўзида баб-баравар туташтирилиши зарур эди.

«Конвенция»дан Кўшмарбош юбораётган сигналларга «Паритет» самовий бекати жавоб бермай қўйганига ўн икки соатдан ошиб кетди. Бекат тутатиш учун бораётган кемаларнинг сигналларини ҳам жавобсиз қолдирди. «Паритет» фазогирларига нима бўлганини аниқлаш керак эди.

II

Бу ўлкаларда поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Темир йўлнинг иккала томонида ёвшанзор билан қопланган ҳайхотдай даштлик — Сарийўзак, ўртачўл ястаниб ётади.

Ҳар қандай масофа Гринвич меридианидан ўлчангани сингари бу ерларда масофа темир йўлга нисбатан ўлчанади.

Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Бўронли бекатидан то Наймандаги хеш-аждоқлар қабристони Она Байитгача темир йўлдан ҳисоблаганда, камида ўттиз чақирим келади. Сарийўзак даштлиги орқали тўппа-тўғри кесиб чиқилганда ҳам шунча масофа. Мабодо, чўлда адашиб қолмайину, яхшиси, темир йўл бўйлаб бораверай, деган одам қабристонга ҳали анча узоқ юриши керак. Шундай қилганда, Қийшиқсой жарлигидан ўтиб, Она Байитга боргунча анча-мунча айланишга тўғри келади. Бошқа йўл йўқ эди. Шундай қилиб, энг яқин йўлдан юрилганда ҳам боришию келиши олтмиш чақирим келарди. Она Байит қабристонига бориш йўлини бўронлиликлардан фақат Эдигейгина биларди, холос. Қадимий Она Байит қабристони ҳақида халқ орасида турли ривоятлар айтилиб келинганини одамлар эшитишга эшитгану бу гаплар ҳақиқатми ёки афсонами — ҳеч ким билмасди; у ерни ўзлари бориб қўрмаган, боришга эҳтиёж ҳам туғилмаган эди. Йўл устидаги саккиз хонадонли кишлокчадан узоқ йиллар мобайнида энди ўлик чиқаётган эди. Бундан анча йил аввал бир норасида кизча дамқисма касалидан нобуд бўлганида, ота-онаси уни ўз ватани — Ўрол областига олиб кетишган. Қазангапнинг хотини Бўкей кампир бир неча йил аввал Қумбелдаги касалхонада қазо қилганида, уни Бўронлига олиб келиш ҳожати йўқлигидан бекат қабристонига кўмиб қўяқолишган эди. Қумбел Сарийўзак даштидаги энг катта бекат бўлиб, қизи Ойзода

куёви билан ўша ерда туради. Куёви ношудрок, ичкиликка берилган бўлишига қарамай, ҳарҳолда ўз кишилари эмасми, кичкинагина қабрга кўз-қулоқ бўлиб туришади. Лекин у вақтда Казангап хали ҳаёт эди, ўзи билганича иш тутарди.

Ҳозир эса, ўйлай-ўйлай одамларнинг боши қотди.

Бари бир Эдигей ўз гапида туриб олди:

— Қўйсаларинг-чи, йигитнинг шаънига тўғри келмайдиган гапларни,— деб тинчлангирди у ёшларни.— Бундай одамни аждодлари ётган жойга, Она Байитга қўйишимиз керак. Раҳматли ўзи шундай васият қилган. Келинлар, гап сотиб ўтирмай ишга ўтайлик, дафнга тайёрланайлик. Йўлимиз олис. Эртага азонлаб йўлга тушамиз...

Эдигейнинг айтгани айтган, буни ҳамма тушунарди. Шунинг учун ҳам ҳаммалари рози бўлишди. Тўғри, Собитжон бир оз тихирлик қилди. У шу куни юк поездда (пассажир поездлари бу ерда тўхтамай ўтиб кетади) етиб қолди. Собитжон бу ёққа келаётганида отасининг тириклигини ҳам, ўлганини ҳам билмасди. Шунга қарамай, дафн маросимига етиб келгани Эдигейнинг кўнглини юмшатиб, қувонтириб юборди. Бошларига тушган оғир мусибатдан иккаласи бир лаҳза кучоклашиб, йиғи-сиғи қилиб олишди. Эдигей кейинроқ ўзининг нега бундай қилганига ажабланди. Собитжонни кўксига босиб маҳкам кучоклаганча, ўзини тутолмай ҳиқиллаб йиғлаб юборди: «Етиб келганинг яхши бўлди, чироғим, келганинг яхши бўлди» деди у гўё ўғлининг келиши Казангапни тирилтириб юбораётгандай. Ҳеч қачон у бундай ҳолатга тушмаган эди, бу гал эса қандай йиғлаб юборганини ўзи ҳам билмай қолди. Иккаласи ҳовли саҳнида — Казангапнинг эгасиз қолган паҳса деворли кулбаси эшиги олдида узок йиғлаб туришди. Эдигей нимадандир қаттиқ таъсирлангандай бўлди. Собитжоннинг ёшлик чоғлари эсига тушди: у муштдай бола эди, отасининг суянчиғи эди. Темирўлчиларнинг болалари учун Қумбелда очилган мактаб-интернатга олиб бориб жойлаштирилганлари ёдида. Қўллари бўшади дегунча, гоҳ йўловчи поездда, гоҳ туяда кўргани боришарди. Собитжон ётоқда қандай яшайпти, биров хафа қилмадимикин, ўзи бирор ножўя иш қилиб қўймадимикин, ўқишлари қалай экан, ўқитувчилари у ҳақда нима деркин, деб хавотирланиб боришарди. Таътил тугаган пайтлари ўқишга кечикиб қолмасин, деб аёзли кунда неча марталаб пўстинларга ўраб, туяда қалин қор босган Сариўзак даштлиги орқали олиб бориб қўйишарди.

Эҳ, у вақтлар ҳам ўтди! Ҳаммаси туш кўргандай ўтди-кетди! Мана энди қаршингда қиёфасидан ёшлик даври аранг сезиладиган укки кўзли, доим қулиб турувчи каттагина киши турибди. Энди у кўзойнак такиб олган, бошида тепаси букиб қўйилган шляпа, бўйнида уриниб қолган бўйинбоғ — зўрға таниб оласан. Ҳозир область марказида яшайди, ўзини ғоятда мартабали, меҳнаткаш қилиб кўрсатишга интилади. Лекин ҳаёт аяб ўтирмайди, айтганинг бўлавермайди. Бошлиқ бўлиш осон эмас, дурустроқ суянчиғим ёки ошна-

огайним, қариндош-уругим бўлмаса, деб ҳасрат қилган эди ўзи неча бор. Кимман, аллақандай Бўронли бекатида ишлайдиган аллақандай Казангапнинг ўғлиман-да. Пешонам шўр экан. Энди шу отадан ҳам айрилиб ўтирибман. Асли ўзи нобоп ота эди. Лекин, ёмон бўлса ҳам, отанинг тирик юргани яхши, отанг минг донгдор бўлмасин, ўлгандан кейин ўлик-да. Мана, энди ўша ёмон ота ҳам йўк...

Кўзёши қилиб олишгач, ҳол-аҳвол сўрашга ўтишди, ишдан гап очишди. Шу лаҳзада маълум бўлиб қолдики, арзанда, билагон ўғил отасини иззат-икром билан кўнгилдагидек дафн этишга эмас, балки қарздан қутилиш учун наридан бери устига тупрок тортиб, тезроқ қайтиб кетишга келган экан. У ғалати-ғалати гапларни айта бошлади: марҳумни узундан-узок Она Байитга олиб бориб нима қиламиз, шундай улкан Сариўзак чўлида бир кабрага жой топилмадимиз? Остонадан бошлаб дунёнинг нариги чеккасигача жой деган нарса тўлиб-тошиб ётган бўлса? Қабрни шу яқин ўртадан, ўзи умр бўйи ишлаб келган темир йўл бўйидаги бирор дўнгликдан қазиш керак. Марҳум ўтган-кетган поездларнинг тарақа-туруқини эшитиб ётади... Собитжон ҳатто шу хусусда айтиладиган қадимий мақолни ҳам эслаб қўйди: ўладиган одамнинг ўлгани яхши, кетадиган одамнинг кетгани яхши. Мунчалик чўзиб, бош қотириб ўтиришнинг кимга кераги бор? Ўлган одамга қаерга кўмилишининг нима аҳамияти бор? Бундай маҳалда иш қанча тез битирилса, шунча яхши!

Собитжон шу гаплардан кейин ўзини оқлаб ҳам қўярди: идорада жуда шошилнч, зарур ишлар қолиб кетяпти, вақт бўлса тигиз, ўзларингга маълум, бошлиқларимиз кабристоннинг узок-яқинлигини суриштириб ўтиришмайди, ишга фалон куни, фалон соатда келасан, бошқасини билмайман, дейди. Бошлиқ нима дегандаям бошлиқ, ҳарҳолда, шаҳарнинг шароити бўлак...

Эдигей, қариганимда ҳам аҳмоқ эканман, деб ўзини койий бошлади ичида. Мана шу лақма билан сал аввал кучоклашиб, хўнграб йиғлаб юборганидан номус қилиб, афсусланди. Казангапнинг ўғли бўлса ҳам аблаҳ экан. Эдигей ўрнидан турди. Девор тагига ўриндиқ қилиб ёғоч шпал қўйилган бўлиб, ўриндиқда беш киши маслаҳатга йиғилишган эди. Эдигей кўпчиликни олдида бир нима деб юбормаслик учун ўзини аранг тийиб турарди. Шундай қайғули бир қунда одамлар ичида ҳақорат гап айтса, яхши бўлмайди. Казангапнинг хотираси ҳурматини қилди. Шунинг учун у ётиғи билан тушунтирди:

— Атрофда ер кўп, албатта, истаганингча топилади. Фақат одамлар нимагадир яқинларини дуч келган ерга кўмиб кетишавермайди. Ҳарҳолда, бежиз бўлмаса керак. Ахир, ўликка ер қаҳатми?— У жимиб қолди, Бўронли аҳли ҳам унинг гапларини жимгина тинглашди.— Ўзларинг ҳал қилинглар, ўйлаб кўринглар, мен у ёқда нима бўлаётганини билиб келайин-чи.

Эдигей авзойи бузилиб ранги-қути ўчганча, нарига одимлаб кетди, гуноҳдан узокроқ бўлайин, деб ўйлади, шекилли. Қошлари чи-

мирилиб, қаншаридаги ажини бўртиб чикди. Табиатан кўрсрок, кизик-қонроқ эди у — шунинг учун ҳам уни «Бўрон» деб аташади-да. Мана, ҳозир ҳам одамлар бўлмаганида Собитжоннинг ҳаёсиз кўзларига тикилиб туриб, айтадиганини айтиб оларди-я. Умр бўйи эсидан чиқмайдиган қиларди. Аммо хотинларга ўхшаб, пачакилашиб ўтиришни хоҳламади. Мана, хотинлар ғазабланиб, шивир-шивир қилишяпти: отасини кўмишга эмас, меҳмонга келганга ўхшайди. Икки кўлини бурнига тикиб келаверибди. Бир қути чой кимни ўлдирибди, бошқасини кўяверинг. Хотини-чи, шахарлик келинмиш, одамга ўхшаб иззат-ҳурмати билан келиб, кўп қатори урф-одат юзасидан айтиб-эшитиб йиғласа, бирон ери камайиб қолармиди? На уят, на виждон бор уларда. Чол кўзи тириклигида, бир жуфт соғин туяси, ўн-ўн бешта қўй-қўзиси борлигида яхши эди. Ушанда келин ҳеч кимни ҳоли-жонига қўймай, жамики нарсани пуллаб, ёнига урди. Чолни уйларига олиб кетганди ҳам бўлишди, ўзлари бир йўла машина олиб, ҳаммаёқларини мебелга тўлдиришди. Кейин эса чол уларга керак бўлмай қолди. Ҳозир қорасини ҳам кўрсатмайди. Хотин-халаж шуларни айтиб, тўполон қилишмоқчи эди, Эдигей бунга йўл қўймади. Мунақа қила кўрманглар бундай кунда ортиқча сўз бўлиши мумкин эмас, бу бизнинг ишимиз ҳам эмас, у ёғини ўзлари ўйлаб кўришсин, деди.

Эдигей қўра томонга юрди. У ерда онда-сонда дарғазаб бўлиб бўқираётган Қоранор Бўрон боғлоғлик турар, уни ўтлаб юрган жойидан олиб келишган эди. Агар икки марта сув сўргич насос олдидаги қудуққа суғоришга олиб келинганини ҳисобга олмаганда, Қоранор бир ҳафтадан бери кечаю кундуз ўз эркига қўйиб қўйилган эди. Эркин юриб ўрганиб қолган бу ярамас энди қўлга кўниқолмай, йирик тишли жағларини катта очиб, вақти-вақти билан бўқириб, норозилик билдириб қўярди. Лекин кўниқишга мажбур. Кўниқмасдан иложи қанча.

Эдигей Собитжон билан бўлган суҳбатдан сўнг таъби хира тортиб, Қоранор олдига борди. Шундай бўлишини у олдиндан сезган эди. Собитжон отасининг ўлимига келганини миннат қилаётган бўлса, жини қўзимай нима ҳам қилсин. Унга отанинг ўлими ортиқча юкдай, бу юкдан тезроқ қутулишга ҳаракат қиларди. Эдигей ортиқча гапиришни лозим кўрмади, бари бир ҳамма оғирлик ўзининг гарданига тушарди. Ҳарҳолда, кўни-қўшни ҳам ўзларини четга олишмади. Кўпчиликнинг садағаси кетсанг арзийди. Темир йўлда зарур иши бўлмаган кишиларнинг ҳаммаси шу ерда, эртанги дафн маросимида ва маърака ошига тайёргарлик кўриш учун ёрдамга тутинишди. Хотин-халаж уйма-уй юриб идиш-товоқ йиғишди, самоварларни тозалашди, ҳамир қориб, нон ёпа бошлашди. Эркақлар сув ташиб келтиришди, ишдан чиққан эски шпалларни арралаб, ўтин тайёрлашди. Даштда ўтин-чўп худди сувдай азиз.

Бу ишларга фақат Собитжонгина халал берарди. Областда ким

қайси вазифада ишлайди, кимни ишдан олиб, кимнинг амалини оширишгани тўғрисида гап сотиб, одамларни ишдан чалғитарди. Қайноғасининг ўлимига келин бола келмаганидан у заррача ҳам хижолат тортмасди. Ажабо, дея ёқасини ушларди Эдигей, эмишки, келин аллақандай конференцияда қатнашармиш, ана шу йиғинга қандайдир четэллик меҳмонлар ташриф буюрармиш. Чолнинг невараларини олиб келиш тўғрисида гапирмаса ҳам бўлади. Улар ўзлаштириш ва давомат учун курашар эканлар, институтга кирмокчи бўлган одамнинг аттестати тоза бўлиши керак экан. «Одамларга нима бўлган ўзи! — дея хуноб бўлди Эдигей. — Уларга ўлимдан бошқа ҳамма нарса муҳим! — Бу фикр Эдигейнинг ич-эттини тирнарди. — Модомики уларга ўлим аҳамиятсиз экан, демак, улар ҳаётнинг ҳам кадр-қимматига етишмайди. Ундай бўлса, яшашдан мақсад нима, улар нима учун яшаяптилар?»

Эдигей захрини Қоранорга сочди:

— Намунча ўкирасан, аждарҳо? Осмонга қараб бўкирганинг-бўкирган, овозимни худои-таоло эшитади деб ўйлайсанми? — Эдигей ниҳоятда жаҳли чикқан пайтлардагина туясини «аждарҳо», деб сўкар эди. Ўтган-қайтган йўловчилар Қоранор Бўроннинг нақадар катта оғзи ва йирик тишларини кўриб, шундай атаган эдилар. — Кўпам бакиравермагин, аждарҳо, тишларингни қоқиб оламан!

Туяни жабдуқлаш керак эди. Эдигей шунга овора бўлиб, ўзини энгил ҳис қилди ва туясига завқ билан қараб қўйди. Туяси курмағур, ўзиям баҳайбат ва келишимли эди. Гарчи Эдигей бўйчан бўлса ҳам, туясининг бошига қўли етмасди. У туянинг бўйнига осилиб олганча овоз солиб камчи дастаси билан кадоқ босиб кетган тиззаларига секин урди-да, охири уни чўқтирди. Туя бўкириб қаршилик кўрсатса ҳам, бари бир эгасининг амрига бўйсунди. Оёқларини йиғиб, ерга чўккач, Эдигей унга жабдуқ ура бошлади.

Туяни росмана жабдуқлаш ҳам иморат қуриш сингари ўзига хос санъат. Жабдуқ ҳар сафар бутунлай янгитдан урилади. Ҳадисини олмаган киши бунинг уддасидан чиқолмайди.

Яна, унинг устига, анча-мунча куч ҳам сарфлашга тўғри келади. Айниқса, Қоранорга ўхшаш ҳайбатли туяларни айтмайсизми.

«Қоранор» деб уни бежиз айтишмайди. Жингалак юнгдор калласи коп-қора, бўйин остидан тиззасигача ўсиб осилиб тушган қалин ва дағал ёллари — бу нортаунинг асосий безаги ҳисобланади — минора сингари юқорига кўтарилиб турган эгилувчан қўш ўрқачларнинг чўққиси коп-қора, ва ниҳоят калтагина думчасининг учи ҳам коп-қора. Қолган ҳамма қисми — устки лаби, тўши, ён томонлари, оёқлари, қорни, аксинча, оқимтир тусда, оч каштан рангда эди. Шунинг учун ҳам Қоранор Бўрон маълум ва машҳур эди. У энди ўттиз ёшларга яқинлаб, қадди-комати келишган, айна кучга тўлиб етилган пайти эди.

Туялар узок яшайди. Эҳтимол, шунинг учундир, фақат беш ёши-

да болалайди, кейин йил сайин туғмасдан икки йилда бир туғади, ҳомиладорлик муддати ҳам бошқа ҳайвонларга нисбатан узок-рок — ўн икки ойга чўзилади. Энг муҳими, бўталогини дастлабки бир-бир ярим йилгача шамоллатиб қўймаслик керак. У ёғига кундан-кунга ўсаверади, на ёзнинг иссиғи, на қишнинг совуғи, на даштнинг қурғоқчилиги унга писанд эмас...

Эдигей бу ишда устаси фаранг эди. У Қоранор Бўронни доимо сидкидилдан парварииш қилади. Туянинг соғлом ва бақувват экани унинг чўяндай қўш ўрқачи диккайиб турганидан билинади. Эдигей урушдан қайтиб келиб, Бўронлига ўрнашиб олган дастлабки йилларда дўсти Қазанга унга суддай оппоққина, ўрдак боласидай майин юнгли эмизикли бўталокни совға қилган эди. Эдигейнинг ўзи ҳам у вақтларда ҳали ёш, қирчиллама йигит эди! Сочи оқариб, қаригунига қадар шу ерларда яшаб қолиши унинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаган. У ёшлигида тушган суратларига қараб кўзига ишонмайди. Ҳозир таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган: соч-соқоли мошгуруч, ҳатто қошларигача оқ оралаган. Афти-анғори ўзгарган бўлса ҳам, шунча ёшга кириб, қадди-бастини унчалик йўқотмаган эди. Қарилик ҳам қандай келганини билмай қолди — аввал мўйлов, сўнг соқол қўйди. Энди эса соқол-мўйловсиз юришни тасаввур ҳам қилолмайди, гўё яланғоч югандай сезади ўзини. Ўшандан бери бутун бир давр ўтиб кетди, деса бўлади.

Мана, ҳозир ҳам чўктирилган туясига жабдуқ ура туриб, узун бўйни узра жингалак юнг, қоп-қора калласини буриб, жини кўзиганча шер каби бор овозда бўқираётган Қоранорни гоҳ товуш солиб жиловини тортиб, гоҳ қўл сирпаб ўз измига бўйсундирар экан, иш орасида Эдигейнинг ўтмиши эсига тушиб, бошидан кечган воқеалар бирин-кетин кўз ўнгида гавдаланаверди. Шунда борган сари жахлдан тушиб, қўнгли таскин топа бошлади...

Эдигей туяни ҳафсала билан, эринмасдан узок жабдуқлади. Жабдуқ уришдан аввал у бу сафар тўй-маъракалардагина ёпиладиган попукли, рангдор безакли гиламни эслатувчи қадимий ёпикни ёпди. Уккубола кўз қорачиғидай эҳтиёт қилиб саклаб қўйган бу ноёб ёпикни Қоранор устига охириги марта қачон ёпганини эслолмади. Вақти келиб, шундай кунга насиб қилган экан...

Қоранор Бўронга жабдуқ уриб бўлгач, Эдигей ўрнидан турғазди ва келбатини кўриб мамнун бўлди. Ҳатто ўз ишидан ғурурланиб ҳам қўйди. Устига ранго-ранг гажимли ёпик ташланган, ўрқачлари ўртасига қойилмақом қилиб эгар урилган Қоранор салобатли ва маҳобатли кўринарди. Ҳа, ёшлар кўриб ҳавас қилишсин, айниқса Собитжон кўриб кўйсин: муносиб яшаб ўтган одамнинг ўлими ҳам ҳеч кимга малол келмайди, ташвиши тушмайди, аксинча, қайғули воқеа бўлса-да, жуда катта воқеа эканини, шу боисдан ҳам сўнгги манзилига иззат-ҳурмат билан узатилаётганини билиб қўйишсин. Баъзи халқларда дафн маросимида музика чалишади, байроқ кў-

тариб боришади, баъзи халқларда осмонга ўқ узишади, бошқа халқларда эса гулчамбарлар қўйиб, марҳумни гулга буркашади...

Эдигей Бўрон бўлса, эртага тонгдаёқ попукли ёпиқ ташланган Қоранорда Казангапни сўнгги абадий манзилига — Она Байит мазорига олиб боради... Поёнсиз, ҳайҳотдай Сариўзак даштини кесиб ўтишар экан, у йўл бўйи фақат Казангапни ўйлаб боради. Хеш-аждодлар қабристониди дўстини тупроққа узатаётганида ҳам хаёли фақат марҳумда бўлади. Ҳа, шарт шундоқ бўлган. Йўлнинг узоклиги ёки яқинлигидан қатъий назар, ҳеч ким, ҳатто марҳумнинг ўз ўғли ҳам унинг сўнгги хоҳиш-иродасини бажаришдан бўйин товлай олмади...

Худди шундай бўлади, буни ҳамма билиб қўйсин. Қоранор ҳам худди шу мақсадда жабдуқланиб, шай қилиб қўйилган.

Ҳамма кўриб қўйсин! Эдигей шу ниятда Қоранорни уйлар атрофидаги мол қўралари олдидан бирма-бир етаклаб ўтиб, Казангапнинг паҳса деворли кулбаси олдига боғлаб қўйди. Ҳамма кўриб қўйсин. Эдигей Бўрон ўз сўзининг устидан чиқмасдан қўймайди. Аммо буни исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди. Эдигей жабдуқ ишлари билан овора бўлиб турган вақтда Эдилбой Дароз, пайт топиб, Собитжонни бир чеккага чақириб олди:

— Қани, бу ёққа сояга кел, гаплашиб олайлик.

Гап узокқа чўзилмади. Эдилбой ортиқча тушунтириб ўтирмай, гапнинг пўсткаласини айтди-қўйди:

— Худога минг қатла шукр қилгин, яхшиямки оламда отангни Эдигей Бўрон деган дўсти бор экан. Расм-русмини ўрнига қўйиб, дафн этишга сен халал берма. Шошилаётган бўлсанг, ушлаб турганимиз йўқ. Мен сенинг ўрнингга бир ҳовуч тупроқ ташлаб қўя қоламан!

— Менинг отам, нима қилсам ўзим...— деб Собитжон чайнала бошлаган эди, Эдилбой гапини шартта кесди:

— Ота-ку сеники, бироқ сенинг ўзинг ўзингники бўлмай қолибсан.

— Жа, унчалик эмас,— Собитжон бир оз ён бергандай бўлди. — Бўпти, шундай кунда жанжал чиқармайлик. Она Байит бўлса бўлақолсин, менга нима, фақат узоклик қилармикин, деб ўйлаган эдим...

Гапга нуқта қўйилди. Эдигей Қоранорни ҳаммага кўз-кўз қилиб келтириб қўйиб бўронлиликларга қарата: «Кўйсанглар-чи, эркак кишининг гапини қилайлик, бундай одамни Она Байит мазорига қўямиз», деганида ҳеч ким эътироз билдирмади, ҳамма жимгина рози бўлди...

Кеч ҳам кирди. Шу куни одамлар оқшомни ҳам, тунни ҳам қўни-қўшничилик одоби юзасидан марҳумнинг ҳовлисида ўтказишди. Об-ҳаво ҳам кўнгилдагидек бўлди. Кундузги ҳароратдан сўнг кеч кириши билан бирдан куз олди салқини тушди. Сариўзак даштида шамоллар тиниб, буюк даштлик ғира-шира сукунат оғушига чўкди.

Эртанги маърака учун сўйилган кўйни қоронғи тушганда саранжом-сарийшта қилиб бўлишди. Ҳозирча дуд чиқараётган самоварларнинг теварагида чой ичишиб, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришди... Дафн маросимига деярли ҳамма нарса тайёрланиб бўлинган, энди Она Байит мазорига йўл олиш учун тонг отишини кутишаётган эди. Казангап табаррук ёшда ўлганидан ҳовлида ортиқча куйди-пишдилар ҳам ўринсиздай, оқшом тинч, осуда кечарди.

Бўронли бекатида эса ҳамийшагидай поездлар келиб-кетишар, улар машриқ ва мағриб томондан келишиб, яна машриқ ва мағриб томонга кетишарди...

Она Байит қабристонига бориш арафасидаги оқшом, бир кўнглисиз воқеани ҳисобга олмаганда, яхши ўтаётган эди. Бу орада йўловчи юк поездида Казангапнинг қизи Ойзода эри билан келиб қолди. У келгани ҳамон уввос тортиб йиғлаб юборди. Бошқа хотин-халажлар ҳам атрофини ўраб олиб, қий-чув кўтара бошлашди. Айниқса, Уккуболанинг кўнгли юмшаб, Ойзода билан қўшилиб хўнграб йиғларди. У Казангапнинг етим қолган қизига жон-дилидан ачинарди.

Эдигей йиғи-сиғи билан ўлган одамни тирилтириб бўлармиди, тақдирга тан бериш керак, деб Ойзодани юпатишга уринар, у бўлса бари бир йиғидан тинмасди.

Ўзи кўпинча шунақа бўлади — отасининг ўлими бояқишнинг тўлиб турган юрагини бўшатиб олиш учун бир баҳона бўлди. Сочлари тўзғиб, қовоқлари шишиб кетган Ойзода марҳум отасига тавалло қилиб, ўзининг бахтиқаролигини, энди дунёда уни ҳеч ким бир оғиз ширин сўз билан юпатиб, пешонасини силамаслигини, ёшлигидан ёруғлик кўрмаганини, эри ичкиликка берилиб, болалар қаровсиз қолиб, уззуқун бекатда санғиб юришини, безори бўлиб кетганини, ким билади, эҳтимол, эртага йўлтўсар бўлиб, поездагиларни ҳам талаб юриши мумкинлигини, каттаси ҳозирданоқ ича бошлаганини, милиция келиб суриштираётганини, ҳадемай, иши прокуратурага тушади, деб огоҳлантирганини... айтиб йиғларди. Бир ўзи олти болани қандай эплайди? Отаси зорманда-ку, дунёни сув босса, тўпиғига чикмайди, деб йиғларди.

Куёв ростдан ҳам парвойи палак эди. Қайнотасини дафн этишга келган бўлса-да, руҳи тушиб, ҳижолат тортиб, ҳаммадан юз ўгиргандай, бадбўй, ипириски папиросини чекиб маъжос ўтирарди. Хотинининг дод-войларига кўникиб кетган эди у, хотин киши-да, йиғлаб-сиқтаб охири тинчиб қолади... Бироқ шу пайт томдан тараша тушгандай хотинининг акаси Собитжон ўртага суқилиб, синглисини уялтирмоқчи бўлди: ким шунақа қилади, бу қаёқдан чиққан қилиқ? Отасини кўмгани келганми, ё ўзини шарманда қилгани келганми? Қозоқ қизи табаррук отаси ўлганида шунақа қий-чув қиладими? Қозоқ аёлларининг қўшиқдай буюк йиғиси юз йиллар давомида авлоддан авлодга ўтиб, тилларда дoston бўлиб келган-ку! У вақтларда аёллар йиғлашганида ўликлар тирилмаса ҳам, тирикларнинг

кўзёши дарё бўлиб оққан-ку! У замонларда аёллар йиғлашганида марҳумнинг фазилатларини айтиб, иззатини бажо келтириб кўкка кўтаришган, марсиямас, мадҳия айтишган. Синглиси бўлса етимча етти кулча бўлиб, ўлсам ўлиб бўлдим, деб уйни бошига кўтаради-я!

Ойзода худди шуни кутиб тургандай, аввалгидан бешбаттар қичқириб йиғлай бошлади. Сендақа оқилу донога кўзимиз учиб тургани йўқ! Сен аввал хотинингга ақл ўргат. Мана шу чиройли гапларингни хотинингга уқдир! Нимага энди хотинчанг келмайди, келиб, марсия билан мадҳия қанақа бўлишини бизга ўргатса бўларди. Отамизнинг ўлимига келиб, ҳурматини жойига қўйса бирор ери камайиб қолармиди? Нега деганда, у — фирибгар, сең ҳам фирибгарсан, хотинингга пой-патак бўб юрган пасткашсан, икковинг отамни соғин сигирдай соғиб ичдинглар, менинг эрим пиёниста бўлсаям, мана, шу ерда ўтирибди, сенинг ақлли-хушли деган хотининг қайси гўрда қолди?!

Шундан шўнг Собитжон «Хотинингни тийиб ол!», деб куёвга бақира бошлади. У бўлса, бирдан хезлаб келиб, Собитжонни йиқитиб олиб, бўға бошлади...

Бўронли аҳли орсизлиги ҳаддидан ошган қариндошларни тинчитгунча, кўп овора бўлишди. Ҳамманинг юзи шувут бўлди. Эдигейга, айниқса, оғир ботди бу машмаша. Эдигей уларнинг ким эканини яхши билса ҳам, бунчаликка бориб етади, деб ўйламаган эди. Шунинг учун ҳам ростакамига жиғибийрони чиқиб: агар бир-бировларингни ҳурмат қилмасаларинг, ақалли марҳумнинг арвоҳини ҳурмат қилинглар, бўлмаса ким бўлишларингдан қатъий назар, бу ердан қувиб ҳайдаман, кейин гина-қудуратларинг ўзларингдан қолсин, деб қаттиқ огоҳлантирди.

Дафн маросими олдидан мана шунақа кўнгилисиз воқеа юз берди. Эдигейнинг дили зимистон бўлди. Яна қовоқлари солиниб, икки кошининг ўртасидаги ажинлари бўртиб чиқди. Жонини қақшатган бояги саволлар бошини қотира бошлади: бу болалар кимга ўхшади экан-а? Нима сабабдан шунақа бўлиб кетишдийкин? Қазангап иккаласи бу болаларни иссиқни иссиқ, совуқни совуқ демай, Қумбелдаги интернатга олиб бориб юришганида, ўқиб одам бўлишсин, Сариўзакдаги кимсасиз бекатларда қолиб кетишмасин, ота-онамиз ўқитмади, деб кейин нолиб юришмасин дейишганда, бундай бўлиб чиқишини хаёлларига ҳам келтиришмаган экан. Энди билса, ҳаммаси тескари бўлиб чиқди... Кўрганда одам жирканмайдиган мўмин-қобил кишилар бўлиб етишишлари учун уларга нима етишмайди?..

Шу он яна Эдилбой Дароз ақл ишлатиб, Эдигейнинг юкини енгиллаштирди. У Эдигейнинг шу лаҳзадаги ҳолатини яхши англаб турган эди. Ота-оналар ўлганида, дафн маросимини фарзандлар бошқаради — илгаридан шундай бўлиб келган. Уятсиз, виждонсиз, тубан бўлса ҳам уларни ҳеч қаёққа ҳайдаб юборолмайсан. Хуллас, ҳамманинг дилини хуфтон қилган ака-сингилларнинг жанжалини

кўнгилдан чиқармоқ учун Эдилбой ҳамма эркакларни уйига таклиф этди. Нима, ҳовлида юлдуз санаб ўтираверамизми, юринглар, бизни-кида чой ичиб ўтирамиз, деди у.

Эдигей Эдилбой Дарознинг уйида бошқа бир оламга кириб қолгандай бўлди. У илгарилари ҳам кўшничилик юзасидан бу хонадонга кириб турар, ҳар гал Эдилбой оиласининг аҳиллигини кўриб, кўнгли равшан тортиб чиқар эди. Бугун эса бу ерда у яна узоқроқ ўтиришни хоҳларди, чунки шундай қилганда, гўё йўқотган куч-қувватини қайта тиклаб оладигандай эди.

Эдилбой Дароз йўл ишчиси эди. Топиш-тутиши, рўзғори ҳам бошқалардан зиёд эмас. Ҳамма қатори уларнинг оиласи ҳам қурама уйнинг ярмини — икки хонаю бир ошхонани эгаллашган. Аммо бу хонадондагиларнинг туриш-турмуши ўзгача, озода, саранжом-саришта, ёп-ёруғ. Чой дегани бошқаларникида ҳам бор, лекин ўша чой Эдилбойнинг пиёласида асалдан ҳам тотли туюларди. Эдилбойнинг хотини чиройли, уй тутиши ҳам ҳавас қилгудек, болалари эсли-одобли. Булар Сариўзакда узоқ туришга сабр-тоқатлари етади, сўнг бошқа тузукроқ жойга кўчиб кетишар. Мабодо кетишса бу ер хувиллаб қолади-да, деб ўйларди Эдигей ўзича...

Эдигей кирза этигини даҳлизга ечди ва тўрға чикиб тахта деворига суянган кўйи чордана қуриб ўтирди. Чарчаганини, оч қолганини шундагина сезди. Меҳмонлар думалоқ хонтахта атрофида тизилишиб, у ёқ-бу ёқдан бамайлихотир гаплашиб ўтиришди.

Ҳақиқий суҳбат энди қизий бошлади. Эдигей ўтган кечаси кўрган воқеаси космик кема парвозини унутиб юборган эди, ҳозир бу кишилардан уни-бунни эшитиб, ўйланиб қолди. Йўқ, Эдигейга эшитганлари янгилик эмас эди. Шунчаки, бўлган ишлардан манови одамлар яхши хабардору ўзи эса хабарсиз эканидан ҳайратга тушди. Лекин бунинг учун Эдигей ўзини қойиб ўтирмади, чунки ҳаммани қизиқтираётган мана шу космик парвозларнинг ҳаммаси ундан жуда йироқ, сеҳрли ва бегона ишлар эди. Шунга кўра, гарчи Эдигей бунақа ишларга анча қизиққан бўлса-да, аслида уларнинг барчаси номаълум ва аллақандай қудратли кучнинг таъсири натижасида содир бўлаётгани туфайли шунчаки хабардор бўлиб қўйишни лозим кўрди. Ҳарҳолда, фазо сари йўл олган кема манзараси унинг бутун вужудини ҳаяжонга солиб, ўзига мафтун этиб олган эди. Эдилбой Дарознинг уйида худди шу хусусда сўз борарди.

Дастлаб улар шубат — туя сутидан қилинган қимиз ичиб ўтиришди. Усти кўпикланиб, кўпириб турган мўздаккина шубат одамни хиёл сархуш қиларди. Келиб-кешиб турадиган йўл тузатувчилар шубатни роса ичишади, унга Сариўзак пивоси, деб ном ҳам қўйиб олишган. Иссиқ овқатга уйда ароқ ҳам топиларди. Бошқа пайтларда Эдигей Бўронга ароқ узатганларида улфатчилик учун қўлни қайтармасди. Аммо бугун эса ароқни оғзига олмади. Шу билан бошқаларга ҳам ортиқча ичманглар, эртага кун оғир келади, йўл узоқ, дея

ишора қилгандай бўлди. Айниқса, арокни шубатга кўшиб босиб ичиб ўтирган Собитжон уни хавотирлантираётган эди. Иккала яхши отлар бир аравага ёндош кўшилгани сингари, шубат билан арок ҳам аралаштириб ичилса, бир-бирига яхшигина далда бўлади — кишининг кайфиятини чоғ қилади. Лекин бугун кайфичоғликнинг ўрни эмас эди. Бироқ кап-катта одамларга қандай қилиб ичма деб бўлади? Метёрни ўзлари билишлари керак. Ҳарҳолда, Ойзоданинг эри ҳозирча арокка қўл узатмай, шубатнинг ўзидан ичиб ўтиргани Эдигейнинг кўнглини хотиржам қилди. Ароқхўр киши озгина ичса бас, кайфи-тарақ бўлади-қолади, у бу сафар қаноат ҳосил қилиб аралаштирмай ўтирган эди. Ҳайтовур, қайнотасининг дафн маросимида маст бўлиб чўзилиб қолишдан уялди, шекилли. Аммо сабр-тоқати қанчага етишини эгамнинг ўзи билади.

Шу аснода у-бу нарсалар тўғрисида гурунглашиб ўтиришди. Эдилбой экскаваторнинг чўмичидай катта очилиб, юмулиб турган узун қўллари билан меҳмонларга шубат узатарди. У хонтахтанинг нариги томонида ўтирган Эдигейга яна қуйиб узатар экан, ногоҳ бир нарса эсига тушиб қолди.

— Эдике, кеча тунда, сиз билан смена алмашганимиздан сўнг, сал ўтиб осмон ёрилиб кетгудек бўлди, турган жойимда чайқалиб кетдим. Мундоқ қарасам, космодромдан ракета учирилган экан! Катталигини кўрдингизми? Оловланган қуйруғи араваанинг тоқа шотисидай келади-я!

— Ҳе-е, кўрганда-чи! Оғзим очилиб қолди! Ё қудратингдан! Олов селида осмонга кўтариляпти, кўтариляпти, кети кўринмайди. Кўрқиб кетдим. Бу ерда шунча йил яшаб, ҳали бунақасини кўрмаган эдим.

— Ҳа, менинг ҳам ўз кўзим билан биринчи марта кўришим,— дея иқроқ бўлди Эдилбой.

Собитжон Эдилбойнинг узун бўйига ишора қилиб, ҳазиллашмоқчи бўлди:

— Агар сенга ўхшаганлар энди кўриши бўлса, бизга йўл бўлсин. Эдилбой Дароз бу гапга мийиғида кулиб қўя қолди.

— Гап бундамас,— деб қўл силтади у.— Кўрарга кўрдиму, аммо кўзимга ишонгим келмайди, гувиллаган олов устунни осмон қаърига кириб кетди. Яна кимдир осмонга қараб йўл олдиёв, деб ўйладим ўзимча. Йўлинг беҳатар бўлсин, дедиму шу заҳоти транзисторимнинг қулоғини бурадим. Мен уни ҳаммиша ўзим билан бирга олиб юрардим. Ҳозир радиодан эълон қилиб қолса керак, деб ўйладим-да. Одатда бир йўла космодромнинг ўзидан олиб эшиттиришар эди. Диктор ҳам хурсандлигидан худди митингда сўзлаётгандай тантанали гапирарди. Эшитсанг, этинг жимирлаб кетади! Ўз кўзим билан кўриб, узатиб қолган бу фазогир ким бўлди экан, деб шунақаям билгим келдики, асти қўяверинг Эдике. Лекин билолмадим.

— Нимага? — деб сўради Собитжон ҳайратланиб, қошларини жиддий ва маъноли чимираб экан. У ширакайф бўлиб, бўғриқиб, қизариб кетган эди.

— Билолмадим. Ҳеч нимани хабар қилишмади. «Маяк» тўлкинини узоқ тутиб турдим, ақалли бир оғиз сўз ҳам дейишмади...

— Бўлмаган гап! Бу ерда бошқа сир бор! — дея шубҳаланиб, ҳаёсизларча тикилди Собитжон ва бир қултум шубат кўшилган ароқни тез ичиб юборди.— Космосга қилинган ҳар бир парвоз оламшумул воқеа... Тушундингми? Бу парвозлар бизнинг фанимиз ва сиёсатимизнинг таңтана қилаётганидан дарак беради.

— Билмадим. Атайлаб, «Сўнгги ахборот»ларга қулоқ тутдим, газеталарнинг шарҳларини ҳам тингладим, ҳеч қандай хабар эълон қилинмади.

— Ҳм! — бош чайқади Собитжон.— Мен ўз идорамда, ишхонамда бўлганимда, уларнинг тагига етган бўлардим. Яхши бўлмапти! Балки бу ерда бошқа гап бордир?

— Нима гап бору нима гап йўқлигини ким билсин. Лекин азбаройи уни била олмаганим жуда алам қиляпти,— Эдилбой Дароз кўнглидаги гапни айтди.— Ракетанинг ичидаги одам худди менинг фазогиримдай бўлиб қолди. Чунки кўз олдимда учди-да. Эҳтимол, йигитларимиздан бирортаси учгандир? Унда бошимиз осмонга етарди. Ўша одам билан учрашиб қолсак, қандай яхши бўларди...

Собитжоннинг ҳаёлига бирдан нимадир келиб, шошқалоқларча сўзини бўлди:

— Ҳа-а, билишимча, одамсиз кема учиринган бўлса керак, тажриба учун.

— Бу қанақаси бўлди? — ҳайрон бўлиб қаради Эдилбой.

— Шунақа тажриба варианты бўлади. Синовга, тушундингми? Одамсиз ракета бошқа кема билан туташушга ё орбитага чиқишга йўл олди, дейлик. Ҳали нима бўлади-нима кўяди, ҳозирча оқибати номаълум. Агар ўйлашганидай бўлиб чиқса, радиодан айтишади, газеталарда ёзишади, акс ҳолда, индамай кўя қолишади. Шунчаки, илмий тажрибалигича қолаверади.

Эдилбой ранжигандай чаккасини қашиб кўйди:

— Мен бўлсам тирик одам учгандир, деб ўйлабман.

Собитжоннинг тушунтиришларидан ҳафсаласи пир бўлган одамлар жимиб қолишди. Энди гапга нуқта қўйилай, деб турганда Эдигей ўзиям сезмаган ҳолда, уни бошқа томонга буриб юборди.

— Демак, менинг тушунишимча, осмонга одамсиз ракета учирилган, тўғрими йигитлар? Ундоқ бўлса, ракетани ким бошқаради?

— Ким бошқаради дейсанми?— Эдигейнинг нодонлигидан ажабланган Собитжон кўлларини бир-бирига уриб қўйганча, у томон масхараомуз юзланди.— У ерда Эдике, ҳамма нарса радио орқали бошқарилади. Ердан, бошқарув марказидан команда бериб турилади. Ҳамма иш радио орқали бошқарилади. Тушундингми? Мабодо ракета фазогир билан бирга учирилганда ҳам қайси томонга йўл олиши бари бир радио орқали бошқариб турилади. Фазогир эса, ўзича бирон ишни бажармоқчи бўлса марказдан рухсат сўраши керак.

Қимматли, кўкатойим, осмонга учиш, бу сенга Қоранорга миниб олиб Сариўзак даштини кезиш дегани эмас, албатта. Бу мураккаб, ниҳоятда мураккаб иш...

— Шунақа дегин,— деди Эдигей ғўлдираб.

Эдигей Бўрон радио орқали бошқариш нима эканини билмас эди. Унинг тасаввурича, радио — узок масофадан эфир орқали узатиладиган сўзлар, товушлар йиғиндиси. Аммо радио орқали жонсиз темирни қандай бошқаришади? Унинг ичида одам бўлса бошқа гап, ундай қил, бундай қил, деб буйруқ бериб туриши мумкин. Эдигей буларнинг ҳаммасини бирма-бир сўраб билиб олмоқчи бўлдию яна нима ҳожати бор, дегандай ниятдан қайтиб, индамай қўя қолди. Собитжон ўзининг билганларини ортиқ даражада такаббуруна оҳангда гапириши Эдигейнинг энсасини қотирди. У авзойидан, мана кўрдиларингми, ўзларинг ҳеч нарсани билмайсизлару яна менинг гапларимни беҳудага йўймоқчи бўласизлар, пиёниста куёв бўғмоқчи бўлиб ташланганда ҳам ҳеч бирингиз ёнимни олмадингиз-ку, мен эса ҳақиқатдан ҳам бунақа ишларни ҳаммангиздан кўра яхши биламан деяётгандай иддао билан сўзларди. «Худо хайрингни берсин,— ўйларди Эдигей.— Шунини деб умр бўйи ўқитганмизда сени, бизга ўхшаган омилар орасида кимдир биров билимдон бўлиши керак-ку, ахир!» Шу маҳал яна Эдигей Бўроннинг хаёлидан: «Сенга ўхшаганлар каттароқ амалдор бўлиб қолсами, қўл остидаги одамларни ўзига ўхшаш сохта билимдон бўлишга мажбур этади, бошқаларга эса кун ҳам бермайди. Ҳозир югурдак бўлиб юрганида шунчалик ҳаммани оғзимга қаратсам дейди. Ақалли сариўзакликларни лол қолдирсам, дейди...» деган ўй ўтди.

Собитжон эса ростдан ҳам бўронлиликларни танг қолдириб, билимдонлиги билан биратўла эзиб-янчиб, синглиси ва поччаси олдидаги шармандаларча можародан сўнг яна ўз нархини кўтариб олмоқчи бўларди. У гапни айлантириб, ҳамманинг диққатини чалғитишга интиларди. Шу тарика кўз кўриб кулоқ эшитмаган турли ғаройиб воқеалардан, илм-фан муваффақиятларидан гапира бошлади; ора-сира ароқдан симириб, устидан шубат хўплаб ўтирди. Натижада баттар кайфи ошиб, қизаришиб, ақл бовар қилмайдиган шунақанги ғаройиботларни гапириб ташладикки, бечора бўронлиликлар бу гапларнинг қай бирига ишонишни билмай қолдилар.

— Мана, ўзларинг бир ўйлаб кўринглар-а,— дерди Собитжон кўз-ойнагидан қизариб-бўзариб, ҳаммани сеҳрлаб қўяётгандай назар ташлаб.— Биз инсоният тарихидаги энг бахтли одамлармиз. Тушуняписизларми? Мана, сен, Эдике, ичимизда энг ёши улугимизсан. Илгари қандай яшардигу, ҳозир қандай яшаяпмиз — сен Эдике бунини яхши биласан. Нима учун гапиряпман? Илгари одамлар худоларга ишонишарди. Қадимги Юнонистонда ўша худо деганлари гўё Олимп тоғида яшаган эмиш. Бирок уларнинг қанақа худоларини биласанми?! Меровлар эди улар. Қўлларидан нима келди? Бир-бирлари билан

ўзаро чиқиша олмадилар. Низокашлик билан машҳур бўлишган, холос. Одамларнинг турмуш тарзини ўзгартира олишмади; бу ҳақда ўйлаб ҳам кўришмаган. Аслида бундай худолар бўлмаган. Буларнинг барчаси афсона. Чўпчак. Бизнинг худоларимиз эса ёнгинамизда — мана бу ерда, космодромда, Сариўзак даштида яшайдилар. Бу билан биз бутун дунё олдида фахрланамиз. Бирортамиз уларни кўрмаймиз, бирортамиз билмаймиз, шундай бўлиши ҳам керак. Улар тўғри келган Мирқинбой-Ширқинбойлар билан «Хол-аҳволлар қалай?», деб сўрашиб ўтиришмайди. Аммо чинакам худолар — ана шулар! Мана, сен Эдике, космик кемалар қандай қилиб радио орқали бошқариларкан, деб ҳайрон бўласан. Бу ишлар ҳали ҳолва, аллақачон босиб ўтилган ишлар! Бундай аппаратлар, машиналар программа бўйича ишлайди. Ҳали шундай вақт келадики, радио орқали автоматларни бошқаргандай одамларни ҳам бошқариш мумкин бўлади. Тушундингми, етти ёшдан ётмиш ёшгача бўлган одамлар радио орқали бошқарилади. Ҳозирнинг ўзида бунга илмий далиллар бор. Фанимиз бунга ҳам эришган, олий мақсадлар йўлида.

— Тўхта, тўхта, дарров олий мақсадлардан келасан,— гапни бўлди Эдилбой Дароз.— Сен менга манови нарсани тушунтириб бер. Демак, ўша вақтда ҳар биримиз ёнимизга транзисторга ўхшаган ихчамгина радиоприёмникларни осиб юришимиз керак бўладими, буйруқни эшитиш учун? Лекин, бу нарса ҳозирнинг ўзидаёқ ҳамма жойда бор-ку!

— Сени қараю! Мен бошқа нарсани гапиряпман. Сен айтган нарса чепуха бир ўйинчоқ-ку! Ҳеч ким ёнида ҳеч нарса олиб юрмайди. Хоҳласанг, яланғоч юрасан. Фақат кўзга кўринмас радиотўлқинлар, яъни биотоклар доим сенга, сенинг онгинга таъсир ўтказиб туради. Ундан қаёққа ҳам қочиб қутулардинг?

— Шунақа дегин?

— Қанақа деб ўйловнинг бўлмаса? Одам нима иш қилса, марказдан берилган топшириққа мувофиқ қилади. У ўзига гўё ўз ихтиёри, эрки билан яшаётганга ўхшаб кўринади, аслида эса юкоридан бериладиган буйруқ бўйича яшайди. Ҳаммаси қатъий тартиб асосида бажарилади. Кўшиқ айтиши керак бўлса, сигнал келади — қўшиқ айтасан. Ўйинга тушиш керак бўлса, сигнал келади — ўйинга тушасан. Ишлаш керак бўлса — ишлайсан. Ишлаганда ҳам шундай ишлайсанки! Ўғрилиқ, безорилиқ, жиноят, деган нарсалар бўлмайди, ҳаммаси унутилиб кетади, фақат эски китоблардагина ёзилиб қолади. Нега десанг, одамнинг жамики хулқ-атвори: ҳар бир хатти-ҳаракати, фикр-мулоҳазаси, истак-хоҳиши ўлчанган, олдиндан белгилаб қўйилган бўлади. Мана, масалан, дунёда ҳозир демографик портлаш бор, яъни ер юзида одамлар сони кўпайиб бормоқда. Уларни боқишнинг ўзи бўладими. Бунинг учун нима қилиш керак? Туғулишни камайтириш керак. Хотининг билан ҳам, хоҳлаган пайтингда эмас, балки сигнал билан рухсат берилган вақтда ётасан, жамият манфаатлари нуқтан назаридан шундай қиласан.

— Олий манфаатлар дейсанми? — сўради Эдилбой Дароз кино-юмуз оҳангда.

— Худди шундай. Давлат манфаатлари ҳар нарсадан устун туради.

— Мен ана шу олий манфаатлардан ташқари, ҳалиги, хотиним билан ётгим келиб қолса-чи?

— Эдилбой, азизим, қўлингдан келмайди. Бу нарса хаёлингга ҳам келмайди. Энг чиройли, соҳибжамол аёлни қўйнингга солиб қўйса ҳам қиё боқмайсан. Нега десанг, сенга манфий биотокларни улаб қўйишган бўлади. Демак, бу ёғини ҳам саришта қилиб қўйишди. Хотиранг жам бўлсин. Ёки ҳарбий ишни олиб кўрайлик. Бу ердаям ҳамма иш сигнал орқали бажарилади. Одам ўтга кириши керакми — ўтга киради, парашютдан ташлаши керакми — дарҳол ташлайди, атомли мина билан ўзини танк остига ташлаб портлаши керакми — шу лаҳзада портлайди. Нимага бундай деб сўрамайсизларми? Одамни ботир қиладиган биоток берилади — вассалом, кўрқув нималигини билмай қоласан... Мана шунақа!..

— Лақиллатиш ҳам эви билан-да! Устаси фаранг. Шунча йил сенга нимани ўқитишди ўзи? — Эдилбой ҳайратдан ёқа ушлади.

Ўтирганлар жилмайиб қўйишар, томоқ кириб бош чайқашар, йигитча аравани куруқ олиб қочяпти, деб ўйлашар, аммо унинг сўзини бўлмай, майли давом этаверсин, бекор ўтиргандан кўра эшитайлик, мароқ билан сўзляяпти, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган гаплар экан дейишарди. Йигит ароқни шубатга қўшиб, оз-оздан ичавериб, хийлагина кайфи ошиб қолди. Унга бир нима деб бўлмаса, майли, оғзига келганини вайсайверсин, деб ўз ҳолига қўйиб қўйишди. Бу гапларни қаердан кимдандир эшитган, қай бири рости қай бири ёлгон, нима бўлибди, шунгаям бош қотириб ўтирагимизми, деб ўйлашди. Аммо Эдигей дафъатан сесканиб, ростакамига кўрқиб кетди: бу лақма бекорга қарғадай қағилламаяпти, деб хавотир ола бошлади. У бу гапларни ҳойнаҳой бирёр ердан ўқиб, ўқиб олган бўлиши керак, қуйма қулоқ, ахир у қаерда бирор хунук гап чикса, дарров илғаб оладиган одати бор. Чиндан ҳам шунақа кишилар ҳаётда бор бўлса нима бўлади, бунинг устига ўзлари катта олим бўлишсаю чиндан ҳам ҳаммани ўзларига банда қилиб олиш ниятида олишса-я...

Собитжон эса ҳалиям аравани куруқ олиб қочаётган эди. Яхшиямки, ҳали унинг гапларини эшитиб ўтиришганди. Терга ботган кўзойнаги остидаги кўз қорачиклари қоронғидаги мушук кўзлари сингари чақчайиб кетган бўлса ҳам гоҳ ароқдан, гоҳ шубатдан тотиб кўрарди. Энди у қўлларини ёзганча океандаги аллақандай Вермуд учбурчаги ҳақида ҳикоя қила бошлади. Унинг айтишича, океanning ўша қисмида шундай бир жой бор эканки, у ердан кема сузиб ўтса ҳам, тепасидан самолёт учиб ўтса ҳам, сирли равишда ўз қомига тортиб кетар экан.

— Облaстимиздан бир одам чет эл саёҳатига бораман, деб роса

уринди, охири муддаосига эришди ҳам. Океаннинг устидан Парагвайгами, Уругвайгами, ишқилиб, ўша томонларга учиб кетди, кетдию қайтиб келмади. Самолёт Вермуд учбурчагининг қоқ устидан ўтаётганда ғойиб бўлибди. Шу кетган бўйича йўқ! Мана, чет элга боришнинг оқибати. Шуни деб, оғайнилар кимларгадир ялиниб, руҳсат сўраб, кимларнидир четга суриб юргандан кўра, Вермуд учбурчагисиз ҳам кунимиз ўтади. Ўз уйим — ўлан тўшагим, деганларидай шукр қилиб, ўз ерингда соғ-саломат яшайвер. Келинлар, тани соғлигимиз учун ичайлик!

«Яна бошландими!— деб ичида сўқинди Эдигей.— Тағин эски ашуласини бошлайди. Уф-ф, бошга битган бало бўлди-ку бу. Ичишга бир киришдимиз, тормози ишламай қолади!» Худди шундай бўлиб чиқди.

— Келинлар, тани соғлигимиз учун ичамиз,— дея такрорлади Собитжон хира тортган кўнимсиз кўзлари билан атрофдагиларга нигоҳ ташларкан; бироқ шунда ҳам баҳоли қудрат ўзини жиддий қиёфада кўрсатишга интиларди.— Бизнинг соғлигимиз эса юртимизнинг энг катта бойлиги. Демак, бизнинг соғлигимиз давлат аҳамиятига эга. Ана шунақа! Биз ҳазилакам одамлармасмиз, биз давлат одамларимиз! Яна шуни айтиб қўяйки...

Эдигей Бўрон Собитжоннинг қадаҳ сўзлари тугагини кутиб ўтирмай шартта ўрнидан турди-да, ташқарига чиқиб кетди. Қоронғи айвонда бўш ётган челақними ёки оёқ остидаги аллақандай бошқа нарсаними тарақлатганча, очик ҳавода муздаккина турган кирза этигини қийди ва жаҳди чиқиб, дили сиёҳ бўлиб уйи томон йўл олди.

«Эҳ, шўрлик Казангап! — деди Эдигей ичида нола чекиб, алаmidан мўйловини тишлаганча.— Бу қанақаси ахир, ўлим бўлиб ўлимга ўхшамаса, аза бўлиб азага ўхшамаса! Базми жамшидда ўтиргандай ароқдан бош кўтармайди, парвойи-палак! Ўзича аллақадан гап топиб олипти — соғлигимиз давлатники эмиш. Ҳар сафар шу гапни қайтаргани қайтарган. Ишқилиб, эртага марҳумни эсон-омон жойига қўйиб, маърақасини ўтказиб олайлик, боланинг бу ердан изи қурийди, шу билан қутуламиз, бу ерда унинг ҳеч кимга кераги йўқ, унга ҳам ҳеч кимнинг кераги йўқ?!»

Ҳарҳолда, Эдилбой Дарознинг уйда узок ўтириб қолишди. Вақт ярим кеча бўлиб қолган эди. Эдигей Сариўзакнинг салқин ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Эртага ҳаво одатдагидай очик келиб, дурустгина иссиқ бўлаётганга ўхшайди. Бу ерда об-ҳаво ҳамиша шунақа бўлиб туради. Кундузи жазирама иссиқ, кечаси эса совуқ этни жунжиктиради. Шунинг учун ҳам бутун атроф қовжираб ётибди: ўсимлик бундай об-ҳавога мослашолмайди. Кундуз кунлари намлик истаб кўкка бўй чўзади, кечалари эса уларни совуқ уриб кетади. Бундай шароитга бардош берганларигина қолади. Кўпинча ҳар хил турдаги тиканаклар, катта майдонларни эгаллаган шувоқзорлару яна жарарик-

ларнинг ёқасида тўп-тўп бўлиб турли хил ўт-ўланлар ўсади. Улар пичанга ярайди. Эдигей Бўроннинг кўхна қадрдони геолог Елизаров галати бир манзарани ҳикоя қилиб берган эди. Унинг айтишича, маълумотларга кўра, бир замонлар бу ерларда серўт яйловлар ястанган, об-ҳаво ҳам бошқача бўлган, ёмғир ҳам ҳозиргидан кўра уч баравар кўп ёққан. Табиийки, ўшанда турмуш ҳам бошқача бўлган. Сариўзак яйловларида қанчадан-қанча йилқилар, қўй уюрларию қанчадан-қанча қорамол подалари ўтлаб юрган. Бунга жуда кўп замонлар бўлган чамаси, ўша жунгжанг деган ёвуз келгиндилар бу ерларга бостириб келмасдан аввал шундай бўлган экан. Энди эса улардан ном-нишон ҳам қолмаган, улар ҳақида фақат ривоятларгина қолган, холос. Акс ҳолда, Сариўзакка шунча одам сиймай кетган бўларди. Елизаров бежиз айтмаган Сариўзак дашти — тарихнинг нутилган китоби деб... У Она Байит қабристонининг тарихи ҳам тасодифий эмаслигини айтган эди. Баъзи маҳмадона олимлар фақат қоғозга ёзилган нарсани тарих деб ҳисоблашади. Ахир, қадим замонларда қанчадан-қанча вақеалар ёзиб қолдирилмаган бўлса, унда нима қилиш мумкин?..

Бекатчадан ўтаётган поездларнинг шовқинига қулоқ солар экан, Эдигей шу тобда нима учундир Орол денгизидаги пўртаналарни эслаб кетди. У урушдан олдин ўша ерда туғилиб ўсган эди. Қазангап ҳам Оролбўйи қозоқларидан эди. Иккаласининг темир йўл бўйида бирга ишлаб, иноқлашиб кетганининг боиси ҳам шундан. Сариўзак чўлида дўстлар тез-тез Оролни кўмсаб, гаплашиб туришарди. Қазангапнинг ўлимидан сал аввал, баҳор кезлари, иккаласи Оролга бориб келишди, кейин билса, чол денгиз билан хайрлашгани борган экан. Боришмагани маъкул экан, борарга боришдию хафа бўлиб қайтиб келишди. Денгиз суви тортилиб, тобора камайиб кетибди. Денгиз ёқалаб, соғ тупроқли тақир йўл бўйлаб ўн чақиримча йўл юришганидан сўнг аранг сувга яқинлаб боришди. Ўшанда Қазангап: «Орол дунё тургунча турар эди, энди мана шу денгиз ҳам қурияпти, одам умрини гапирмаса ҳам бўлади», деган эди. Ўшанда у яна бундай деган эди: «Эдигей, сен мени Она Байитга дафн этасан. Денгизни эса сўнгги бор кўриб, хайр-хўшлашиб туришим!..»

Эдигей Бўрон шуларни эслаб, тиркираб чиққан кўзёшларини енга артки-да, овози хириллаб чиқмасин учун усти-устига йўталиб олди, сўнг Қазангапнинг кулбаси сари йўл олди. У ерда Ойзода, Уккубола, бошқа бир қанча хотин-халаж аза тутиб ўтиришарди. Бўронли аёлларидан гоҳ униса, гоҳ буниса иш орасида кўнгил сўраб киришар, бир дам бирга бўлишиб, у-бу ишларга қарашиб юборишарди.

Кўра олдидан ўтаётиб, Эдигей тўнкага боғланган, эгар-жабдук урилиб, гажимли ёпик ташлаб, ясатилиб шай қилиб қўйилган Қоранор Бўрон олдида бир зум тўхтаб қолди. Ой ёруғида туя жуда маҳобатли, филдай вазмин ва қудратли кўринарди. Эдигей ўзини тутиб турулмамай, қафти билан туянинг биқинига шапатилаб уриб қўйди:

— Чакки эмассан-ку, азамат!

Остонага етай деб колганида Эдигей нима учундир кечаги тун вокеаларини эслаганини ўзи ҳам билмай қолди. Темир йўлга яқин келиб қолган чўл тулкисини тош билан урмоқчи бўлганини, сўнг ниманидир ўйлаб, уни уришга журъат этмаганини, уйига қайтаётиб олисдаги космодромдан парвоз қилган оловли кеманинг зимзиё осмон қаърига кириб кетганини эсладг...

III

Шу пайт Тинч океаннинг шимолий кенгликларида тонг отиб, соат саккиз бўлган эди. Ҳад-ҳудудсиз буюк сокинлик оғушидаги жимирлаб ётган сув юзига тушиб чарақлаган қуёш нурлари кўзни қамаштиради. Атрофда фақат сув билан осмоннигина кўриш мумкин эди, холос. Бироқ худди шу жойда, «Конвенция» авиабардорининг бортида космосни ўзлаштириш тарихида биринчи марта «Паритет» Совет-Америка самовий бекатида юз берган, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган воқеа билан боғлиқ оламшумул можаро кучайган эди.

Сайёраларо «Демиург» Қўшма программаси бўйича Қўшмарбошнинг илмий-стратегик штаби бўлган «Конвенция» авиабардори шу воқеа туфайли ташки олам билан ҳар қанақа алоқани узди, лекин Тинч океанидаги Алеут ороллариининг жанубий қисмидаги ўз ўрнини ўзгартирмади, аксинча, худди шу атрофда, ҳаво масофаси бўйича Владивосток билан Сан-Франциско шаҳарларининг қок ўртасидаги масофада янада мустақкамроқ жойлашиб олди.

Илмий тадқиқот кемасининг ўзида ҳам баъзи бир ўзгаришлар юз берди. «Демиург» программасининг Америка ва Совет Бош раҳбарияти кўрсатмаси билан космик алоқа блокининг операторлари «Паритет»да юз берган фавқулодда ҳолиса ҳақидаги ахборотни қабул қилган совет ва америкалик навбатчи операторлари ахборот четга тарқаб кетмаслигининг олдини олиш учун вақтинча, ажралиб қолишди... «Конвенция» авиабардори ҳарбий аҳамиятга эга бўлмагани сингари, бортида ҳам ҳеч қандай қурол-аслаҳа йўқ эди. У БМТ нинг махсус қарорига мувофиқ, халқаро дахлсизлик ҳуқуқига эга. Шунга қарамай, кемада ҳар қандай хавф-хатарга қарши фавқулодда ҳолат жорий этилди У — дунёдаги бирдан-бир ҳарбий бўлмаган авиакема эди.

Иккала томоннинг масъул комиссиялари кундузи соат ўн бирда, беш дақиқа ичида «Конвенция»га етиб келишлари қўтилмоқда эди. Бу комиссиялар ўз мамлакатлари, шунингдек, бутун дунёнинг хавфсизлиги манфаатларини кўзда тутган ошиғич қарор қабул қилиш ва тегишли чора-тадбирлар кўриш ҳуқуқига эга эдилар.

Шундай қилиб, «Конвенция» авиабардори шу маҳал Владивосток билан Сан-Францисконинг қок ўртасида, аниқроғи очиқ океандаги Алеут ороллариининг жанубий қисмида турган бўлиб, бу жойнинг танланиши бежиз эмас эди. Бу сафар «Демиург» программаси ижод-

корларининг узоқни кўриб, зийраклик билан иш тутганликлари яққол намоён бўлди. Чунки бирга ишлаб чиқилган сайёралараро тадқиқотлар режасини биргаликда амалга оширишга мўлжалланган кеманинг худди мана шу ерда жойлашгани бу ноёб илмий-техникавий халқаро ҳамкорликнинг тўла тенгҳуқуқлилиikka асосланганини билдирадди.

«Конвенция» авиабардори бутун жиҳозлари, ёлғизоб-ускуналари, энергия запаслари иккала томонга бирдай тегишли бўлиб, у ана шу иккала пайчи давлатларнинг кооператив кемаси ҳисобланар эди. Кема бир вақтнинг ўзида тўғридан-тўғри Невада ва Сариўзак космодромлари билан радио — телефон — телевизион алоқа ўрната олар эди. Ҳар иккала томонга тегишли тўрттадан, жами саккизта реактив самолёт Кўшмарбошнинг бошқа китъалар билан алоқаларида юк ташиш ва кўчириш мақсадларига хизмат қиларди. «Конвенция»да иккита паритет-капитан: паритет-капитанларнинг ёчдамчилари, штурманлар, механиклар, электриклар, матрослар, стюардлар ва бошқа ходимлар ҳам тенг миқдорда эдилар...

«Конвенция»даги Кўшмарбош илмий-техникавий ходимларининг ишлари ҳам худди шу тартибда тузилган. Программининг Бош раҳбаридан тортиб, то 1—2 ва 2—1 Бош фазогирлари, ҳар иккала томоннинг барча бошқа мутахассис илмий ходимларигача худди шунга мувофиқ тенг ҳуқуқ асосида иш олиб борар эдилар. Шунинг учун ҳам Ер шаридан ҳар қачонгидан кўра узоқроқ масофадаги «Трамплин» орбитасида турган самовий бекат «Паритет» деб аталар ва у Ердаги муносабатларнинг оқибатини акс эттириб турар эди.

Буларнинг барчаси, албатта, икки мамлакат ўртасидаги илмий, дипломатик, маъмурий муассасаларнинг олдиндан ҳар томонлама катта тайёргарлик ишлари олиб борганликлари нағижасида амалга оширилди. «Демидург» программасининг барча умумий ва хусусий масалалари бўйича маслаҳатлашиб, бир қарорга келгунча узоқ йиллар давомида сон-саноксиз учрашувлар, кенгашлар олиб боришга тўғри келди.

«Демидург» программаси ўз олдига замонанинг энг катта космологик проблемаси, яъни «Номаълум» сайёрасининг бекиёс ички энергия запаслари бўлган минерал бойликларидан фойдаланишдек ғоят муҳим проблемани ҳал этишни вазифа қилиб қўйган эди. «Номаълум» сайёрасининг юзасида бўш ётган фойдали қазилманинг юз тоннаси тегишли қайта ишловдан сўнг шунча ички энергия ҳосил қилардики, бу энергия бутун Европани бир йилгача электр ва иссиқлик қуввати билан таъминлаш имконини берад эди...

Олисдан тап-тақир кўринган «Номаълум» юлдузи қаърида на Ойда, на Зухрада ва на фанга маълум бўлган бирор бошқа сайёрада учрамайдиган сувнинг мавжудлиги «Номаълум»ни ўзлаштириш лойиҳасининг тақдирини ҳал қилди-қўйди. Сувнинг шак-шубҳасиз мавжудлиги пармалаш намуналаридан ҳам маълум бўлиб қолди. Олимларнинг ҳисоб-китобларига кўра, «Номаълум» сайёраси юзасида бир

неча километр қалинликдаги сув қатлами тупрокдаги муздай совук тош жинслари туфайли бир меъёрда сақланиб турарди.

Худди шу сув запасларининг ғоят катта ҳажмда мавжуд эканлиги сабабли «Демидур» программаси реал кучга эга эди. Бунда сув ичимлик манбаигина бўлиб қолмай, балки ундан синтез йўли билан олинadиган моддалар ўзга сайёралар шароитида инсон организмнинг нормал ҳаёт кечириши, аввало нафас олинadиган ҳаво ҳосил қилиш учун зарур хом ашё бўла олар эди. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан қараганда ҳам сув «Номаълум»даги қазилма бойликларни транскосмик сандиқларда ташиб кетиш технологияси жараёнида муҳим аҳамиятга эга эди.

«Номаълум» энергиясини фазода самовий бекат олиб, геосинхрон орбиталар орқали ерга узатиш ўнғайми ё уни бевосита ернинг ўзидан олиш керакми, деган масала муҳокама қилинаётганди. Ҳозирча бу ишларга етарли вақт бор эди.

Пармаловчилар ва гидрологларнинг гуруҳларини «Номаълум»га узоқ муддатга юбориш учун катта экспедицияга тайёргарлик кўрилайётган эди. Бу мутахассислар «Номаълум» қаъридан чиқариб олинadиган сувнинг қувурлар орқали доимий ва автоматик равишда оқиб туришини таъминлаш учун водопровод системаларини жиҳозлашлари керак. Шундай қилиб, альпинистлар тили билан айтганда, «Паритет» самовий бекати «Номаълум»га борадиган йўлдаги асосий база лагери ҳисобланарди. «Номаълум» билан «Паритет»нинг оралигида юк ортиб-тушириб юрган транспорт «қайиқлар»ини қабул қилиш учун «Паритет» ҳузурида махсус иншоотлар қуриб битказилган эди. Вақти келиб, сўнги блоклар қурилиши тугаллангач, «Паритет»да бир вақтнинг ўзида юздан ортиқ киши жойлашиб ғоятда қулай шароитда яшаши мумкин бўларди. Шу билан бирга Ердаги телевизион кўрсатувларни ҳам мунтазам равишда кўриш имкони туғилади.

Мана шу улкан тадбирлар натижасида «Номаълум»дан сув олиш ва анализ қилиш имкониятига эришилса, инсон ўз сайёрасидан ташқари оламда ишлаб чиқариш фаолиятини илк бор бошлаган бўларди...

Мана шундай кун яқинлашмоқда, ҳамма орзу-ниятлар шунга қаратилган эди...

Сариўзак ва Невада космодромларида «Номаълум» сайёрасида бўладиган, гидротехника ишларига тайёргарлик ниҳоясига етиб борарди. «Трамплин» орбитасида учиб юрган «Паритет» коинотни забт этувчи фазогирларнинг дастлабки ишчи гуруҳасини қабул қилиб олгандан сўнг «Номаълум» сайёрасига жўнатиб қўйишга тайёр турган эди.

Хулласи калом, ҳозирги инсоният ўзининг ғайризаминий тараққиётини бошлашдек воқеа олдида турарди...

Худди шу пайтда, гидрологларнинг биринчи гуруҳаси «Номаълум»га жўнатиладиган кун арафасида «Трамплин» орбитасидаги «Паритет» кемасида узоқ муддатли фазовий вахтада турган иккита паритет-фазогир исзиз йўқолиб қолишди.

Иккала фазогир кутилмаганда белгиланган муддатда ҳам, бошқа вақтларда ҳам бирорта сигналга жавоб бермай қўйишди. Бекатнинг турган жойини доимий кўрсатиб турадиган аппаратлардан ташқари унинг ҳаракатини йўналтириб турадиган канал ва бошқа радио-телевизион алоқа системаларининг барчаси мутлақо ишламай қўйган эди — ҳаммадан ёмони шу бўлди.

Вақт ўтиб борарди. «Паритет» Ердан берилаётган сигналларнинг биронтасига ҳам жавоб бермасди. «Конвенция» авиабардоридигилар саросимага туша бошлашди. Турли хаёлларга бордилар, турли тахминлар қилдилар. Паритет-фазогирларга нима бўлди экан? Улар нега жимиб қолишди? Касал бўлиб қолишдимикин? Ёқмайдиган бирор овқатни еб, захарланиб қолишдимикин? Умуман улар тирикмикан?

Ниҳоят, сўнгги воситани ишга солишди — бекатда умумий ёнғин тревогаси тармоғини ишга тушириш тўғрисида сигнал беришди. Аммо бу даҳшатли хабарга ҳам ҳеч қандай жавоб келмади.

«Демидург» программаси жиддий хавф остида қолди. Шундан сўнг «Конвенция»даги Қўшмарбош қанақа воқеа юз берганини аниқлаш учун охири чорани кўришга мажбур бўлди. Невада ва Сарийўзак космодромларидан «Паритет» билан туташтириш учун фазогирлар бошқарган иккита космик кема бир вақтда учирилди.

Ниҳоятда мушкул бўлган синхрон туташтириш иши амалга оширилгач, «Паритет» бекатига етиб борган назоратчи-фазогирларнинг у ёқдан юборган дастлабки хабари ҳаммани ҳайратда қолдирди: назоратчилар бекатдаги барча ҳужраларни, лабораторияларни, барча қаватлару пастқам жойларни — ҳамма-ҳаммасини ипидан-игнасигача текшириб чиқишгандан сўнг паритет-фазогирларни тополмаганликларини хабар қилишди. Бекатда уларнинг тиригиyam, ўлигиyam йўқ эди...

Бу воқеага сира ақл бовар қилмасди. Самовий бекатда уч ойдан ортиқ вақт мобайнида бирга бўлиб, зиммаларига юклатилган барча вазибаларни яхши адо этиб келаётган икки одамнинг дом-дараксиз кетиши етти ухлаб тушингга ҳам кирмайди. Буғга айланиб кетмагандир, ахир. Бекатни ташлаб кетишмагандир!

«Паритет»ни текшириш сеанси «Конвенция» авиабардоридида тўппа-тўғри радио-телевизион алоқа орқали иккала Олий Бош ҳамраҳбар ва паритет-фазогирларнинг бевосита иштирокида ўтаётган эди. Қўшмарбошдаги кўпгина экранлардан назоратчи фазогирларнинг ўзаро гаплашиб, самовий бекатдаги ҳамма блок ва хоналардан вазнсизлик ҳолатида сузиб ўтаётганлари яхши кўриниб турарди. Улар бекатни қадам-бақадам текшириб, кузатишлари тўғрисида доимо «Конвенция»га ахборот бериб туришар эди. Уларнинг суҳбати магнит лентасига ёзиб олинди.

«Паритет». Сизлар ҳам кўряпсизларми? Бекатда ҳеч ким йўқ. Ҳеч ким кўринмаяпти.

«Конвенция». Бекатда бирор нарсанинг синдирилгани ёки бўлма-са, бузилгани сезилмайдими?

«Паритет». Йўқ. Ҳамма нарса ўз ўрнида, саранжом-саришта.

«Конвенция». Ҳеч қаерда қон изи кўзга ташланмадими?

«Паритет». Йўқ, мутлақо.

«Конвенция». Паритет-фазогирларнинг шахсий буюмлари қаерда ва қай аҳволда ётибди?

«Паритет». Чамаси, ҳамма нарса ўз жойида.

«Конвенция». Бари бир айтинг.

«Паритет». Улар бу ерда яқингинада бўлганга ўхшайди. Китоблар, соатлар, пластинкага айтадиган радио ва бошқа ул-буллар ҳам ўз жойида.

«Конвенция». Хўп. Девордами ё қоғозда бирорта ёзув йўқми?

«Паритет». Ёзув-позув кўзга ташланмади. Ия, шошманг-чи! Очик турган вахта журналида қандайдир ёзув борга ўхшайди. Журнал вазнсизлик натижасида муаллақ сузиб юрмаслиги учун қисқич билан қистирилиб, эшикдан шундай кираверишга, саҳифалар очик ҳолда рўпара қилиб қўйилибди...

«Конвенция». Ўқинглар-чи, нималар ёзилган экан!

«Паритет». Ҳозир уриниб кўраимиз. Ёнма-ён икки устунда инглиз ва рус тилларида ёзув бор...

«Конвенция». Нимага қараб турибсизлар, тезроқ ўқисаларинг-чи!

«Паритет». Сарлавҳасини «Ерликларга мактуб», деб аташибди, қавс ичида «Тушунтириш хати» деган ёзув.

«Конвенция». Тўхтанг. Ўқимай туринг. Алоқа сеанси тўхтатилади. Бизни қутинглар. Бир оздан сўнг сизларни қайтадан алоқа боғлашга чақирамиз. Тайёр туринглар.

«Паритет». О, кей!

Шу ерда самовий бекат билан Қўшмарбош ўртасидаги суҳбат узиб қўйилди. «Демурга» программасининг Олий Бош ҳамраҳбарлари ўзаро кенгашиб олганларидан сўнг, иккита паритет-оператордан ташқари бошқа ҳамма ходимларнинг космик алоқа блокани тарк этишини илтимос қилди. Шундан кейингина икки ёқлама космик алоқа сеанси қайта тикланди. Паритет-фазогирлар «Трамплин» орбитасида қолдириб кетган мактубларининг мазмуни қуйидагича эди:

«Ҳурматли касбдошлар! Биз «Паритет» самовий бекатини фавқулодда ҳолатда тарк этаётган эканмиз, ҳали қачон қайтиб келамиз, эҳтимол яна номаълум муддатга узоқ юришимизга тўғри келар — буларнинг ҳаммаси ишимизнинг оқибатидан келиб чиқувчи бир қанча омилларга боғлиқлиги туфайли қилмишимизнинг сабабларини тушунтириб беришни ўзимизнинг муҳим бурчимиз, деб ҳисоблаймиз.

Бу қилмишимиз фавқулодда бўлиб қолмай, интизомни бузиш деб баҳоланишини энди яхши тушуниб турибмиз. Бироқ, самовий бекатда биз йўлиққан фавқулодда воқеа бутун инсоният маданияти тарихида қиёс қилиб бўлмайдиган ҳодиса эканини назарга олиб, аҳволимизга тушунасизлар, деган умиддамиз...

Бундан бир қанча вақт илгари фазонинг ҳар бурчидан, шунинг-

дек, айниқса ернинг ўз ионосферасидан тинимсиз шовқин ва тўсиқлардан ўтиб келаётган сон-саноксиз радиоимпульслар қаторида қисқа частотали чизиқ билан ажралиб турувчи, бир мақсадга йўналтирилган радиосигнални сезиб қолдик. Бу радиосигнал мунтазам равишда ҳар куни бир вақтнинг ўзида ва бир хил ораликда давом этиб турар эди. Даставвал биз бу радиосигналга унчалик эътибор бермадик. Лекин бу — улар ксинотнинг аниқ бир нуқтасидан мунтазам равишда ҳадеб бир мўлжалга, сезишимча, бизнинг самовий бекатимизни қатъий мўлжалга олиб юборилаётганга ўхшади. Эндиликда буни аниқ биламиз: сунъий йўналтирилган бу радиотўлқинлар бизнинг учинчи вахтага чиқишимиздан анча илгари ҳам келиб турган. Чунки «Паритет» олис космосдаги «Трамплин» орбитасига чиққанига бир ярим йилдан ошди-ку. Коинотдан келиб турган бу радиосигналларга нима сабабдан биринчи бўлиб биз эътибор берганимизни тushунтириб беролмаймиз. Бу ҳарҳолда мутлақо тасодифий бўлса керак. Қандай бўлмасин, бу ҳодисанинг юз бериши табиатини кузатиб, қайд этиб ўргана бошладик ва аста-секин бу оддий табиат ҳодисаси бўлмай, балки сунъий манбадан тарқалаётган тўлқинлар эканига тобора ишончимиз орта бошлади.

Аммо биз бу фикрга бирданига кела қолганимиз йўқ. Орада қанчадан-қанча шубҳаларга бордик. Тахминимизча, коинотнинг кўз илгамас чексиз узокликларидан келаётган, фараз қилишимизча, биргина сунъий радиосигналга асосланиб, ғайризаминий тараққиёт мавжуд, деган фикрни айта олишимиз мушкул эди. Фаннинг аввалги ҳамма уринишлари, ҳатто энг кичик вазифани ҳал этиш — ақалли қўшни сайёраларда энг ибтидоий ҳаёт асарини топишга қаратилган изланишлари ҳам зое кетган бўлар эди-да. Ердан ташқари бирон жойда ақл-идрок мавжудлигини излаш аввал эҳтимолдан узок деб қаралган бўлса, кейинроқ ғирт пуч, хаёлий, утопик машғулот деб ҳисоблана бошлади. Чунки космик оламни тадқиқ этиш соҳасидаги ҳар бир янги қадам натижасида ақли мавжудотларни топишнинг ҳатто назарий жиҳатдан ҳам имкониятлари тобора камаёя бошлади. Бу имкониятлар амалда пучга чиқди деса бўлади. Шунинг учун ҳам биз бу соҳадаги фаразларимизни эълон қилишга журъат этмадик. Биз Ернинг бутун Коинотда тириклик мавжуд бўлган ноёб, беқиёс, яккаю ягона биологик мўъжизот экани ҳақидаги умумбашарий фикрга шак келтиришга ҳам журъат этмадик. Бу соҳадаги шубҳаларимизни ўртоқлашишга биз ўзимизни бурчлимиз, деб айта олмадик. Чунки самовий бекатдаги ишларимиз программасига бу хилдаги кузатувлар кирмас эди. Булардан ташқари, очигини айтганда, бир куни парвоз вақтида дарё бўйидаги ўтлоқда ёйилиб ўтлаб юрган сигирлар кўз олдига келган ва шундан бошлаб масҳараомуз «сигир-фазогир» деган лақаб олган биродаримизга ўхшаб қолишни ҳам истамас эдик.

Ердан ташқари яна Коинотнинг муайян бир қисмида онгли ҳаёт мавжудлигидан гувоҳлик берувчи тағин бир охириги далилни кўрган

бўлсак ҳам, бироқ биз энди кечиккан эдик. Ҳаёт мавжуд бўлган янги оламнинг туғилиши ҳақидаги тасаввурларимиз тубдан ўзгариб остин-устун бўлиб кетди, ногаҳон оламни бутунлай бошқача тушунчалар асосида идрок эта бошладик. Ақлий энергиянинг яна бир кудратли ўчоғи, яна бир ҳаёт масканининг кашф этилиши бизни шундай йўл тутишга мажбур этди. Ерни асрашнинг янгича тушунчаси бизни шунга даъват этдики, маълум вақтгача биз замин аҳолисини ўз кашфиётимиздан воқиф этишдан тийилиб туриш лозим, деган хулосага келдик.

Энди ишнинг моҳиятига ўтайлик. Бу қандай содир бўлди? Бир куни биз шунчаки синаб кўриш учун Коинотнинг ўша нуқтасига, доимо ва мунтазам равишда сирли радиоимпульслар келиб турган ўша нуқтага ўша частота спектрида жавоб радиосигнал юборишга қарор қилдик. Мўъжиза юз берди! Сигналимиз шу заҳотиёқ қабул қилинди! Уни дарҳол қабул этишдию тушунишди! Бизнинг қабул қилувчи минтақамизда уларнинг яна бир ёрдамчи сигнали пайдо бўлди, орадан сал ўтиб ёнида яна бошқа радиосигналлар эшитила бошлади — бу табрик сигналлари эди. Галактикамиздан ташқарида, оламнинг чексиз олис қисмида онгли мавжудотлар яшаётгани ва улар ўзларига ўхшаш тирик жонлар билан алоқа қилиб туришдек юксак лаёқатга эга эканликлари ҳақидаги қувончли хабарни қўйлаган синхрон радиосигналлар бир неча соат давомида тантанали равишда эшитилиб турди. Бу воқеа коинотдаги ҳаёт ҳақидаги тасаввуримизни тубдан ўзгартириб юборди: замон ва макон, масофаларнинг тузилишига доир билимларимизни остин-устун қилди... Наҳот, дунёда, биз ўзимиз ёлғиз эмасмиз, чексиз оламнинг ақл бовар қилмайдиган кенгликларида биз танҳо эмасмиз, Ердаги инсон тажрибаси Коинотдаги рух кашфиётида ягона эмас...

Ғайризаминий тараққиётни кашф қилганимизнинг чинлигини текшириб кўриш учун азалдан мавжуд бўлиб, ҳозир ҳам ҳаёт давом этиб келаётган Ер шаримиз массасининг формуласини радиосигнал орқали юбордик. Ўз навбатида, жавоб тариқасида, шунга ўхшаш улар сайёрасининг масса формуласини қабул қилдик. Бундан шундай хулосага келдикки, онгли мавжудотлар яшайдиган мазкур сайёранинг ҳажми бизникидан анча катта бўлиб, тегишли тортиш кучига эга экан.

Биз шу тариқа физика қонунларига кўра илк бор ўзаро фикр алмаша бошладик ва илк бор ғайризаминдаги онгли мавжудотлар билан алоқага киришдик.

Биз билан бўлган ўзаро алоқаларни чуқурлаштириш ва яқинлаштиришда ўзга сайёралар ҳам фаоллик кўрсатишди. Уларнинг сайё-ҳаракатлари туфайли алоқаларимиз тобора янги мазмун касб эта бошлади. Кўп ўтмай, уларда нур тезлигида уча оладиган аппаратлари борлиги маълум бўлди. Бу маълумотларнинг барчасини аввало ўзаро математик ва химиявий формулалар алмашиш орқали би-

либ олдик. Кейинчалик эса улар гапира олишга ҳам қодир эканликларини англатишди. Аён бўлдики, биз — ерликлар Ернинг тортиш кучини бартараф этиб коинотга чиқиб, у ерда барқарор яшай бошлаганимиздан бери улар Галактикадан келувчи ҳамма товушларни аниқ эшиттирувчи аудиоастрономия аппаратлари ёрдамида бизнинг тилимизни ўрганишаётган экан. Улар коинот ва Ер ўртасидаги радиоолоқа сигналларини мунтазам равишда тутиб олиб, қиёслаш ва таҳлил этиш туфайли бизнинг сўз ҳамда ибораларимиз маъносини билиб олишибди. Улар биз билан инглиз, рус тилларида суҳбатлашишга уринганларида бунга ишонч ҳосил қилдик. Бу яна бир ақл бовар қилмайдиган, кишини лол қолдирадиган кашфиёт эди...

Энг муҳим гапларга ўтамыз. Биз гайризаминий тараққиётга эга бўлган ана шу саиёрани бориб кўришга жазм этдик. Уларнинг сайёрасини сигнал-ишораларига асосланиб, тахминан Тўқайтўш деб атадик. Бизни тўқайтўшликларнинг ўзлари таклиф этишди, бу фикр улардан чиқди. Сўнг пухта ўйлаб кўргач, боришга қарор қилдик. Уларнинг нур тезлигида учадиган аппаратлари бизнинг самовий бекатимизга йигирма олти-йигирма етти соатларда етиб келиши мумкинлигини тушунтиришди. Хоҳлаган пайтимизда яна самовий бекатимизга худди шу муддат оралиғида олиб келиб қўйишга ваъда беришди. Самовий бекат билан уларнинг аппаратини қандай туташтиришимиз мумкинлигини сўраганимизда, бунинг унчалик қийин масала эмаслигини айтишди, яъни тўқайтўшликларнинг учувчи кемаси ҳар қандай шаклдаги ва ҳар қандай қурилмадаги нарсага геометрик йўл билан туташа олиш имкониятига эга экан. Чамаси қандайдир электромагнит орқали туташини хусусиятига боғлиқ нарса бўлса керак бу. Уларнинг учар аппарати бекатимизнинг очик коинотга чиқадиган эшиги олдига келиб ёндашса, биз бекатимиздан тўқайтўшликларнинг кемасига ўтишимиз мумкин бўлади, деган фикрга келдик. Тўқайтўшга қилган саёҳатимиз дориламон тугаса, яна худди шу усул билан ортга қайтамыз, деб мўлжалламоқдамиз...


Шундай қилиб, биз «Паритет» бекати бортида ўз мактубимизни қолдирапмиз. Эҳтимол, бу изоҳномалардир, очик хатдир, муружаатномадир — қандай деб қабул қилсаларингиз, ихтиёр ўзларингизда. Гап бунда эмас, албатта. Биз қандай ишга журъат қилганимизни, бунинг қанчалар масъулиятли эканини жуда яхши тушунамыз. Инсониятга хизмат қилишдек бундай ноёб имконият бизга насиб этганини, бундан ҳам каттароқ бахт йўқлигини англаб турибмиз...

Бироқ, шундай бўлса-да, бурч туйғуси, ўзаро боғлиқлик туйғуси, мажбурият туйғуси, ниҳоят, интизом деган масалалар виждонимизни роса қийнади. Ниҳоят, ҳар биримиз азалий анъаналар, қонунлар, ижтимоий қоидалар асосида тарбияланганмиз. Биз «Паритет»ни тарқатар эканмиз, на Қўшмарбош раҳбарларини, на ерликлардан бирон кишини хабардор қилиб қўймадик, мақсад ва вазифамизни ҳеч ким билан, ҳеч қандай йўл билан келишиб олмадик. Бунинг сабаби —

Handwritten notes in the upper left corner, including the word "L'Espresso" and other illegible scribbles.

Handwritten notes in the middle left area, including the word "L'Espresso" and other illegible scribbles.

Handwritten notes on the right side, including the word "L'Espresso" and other illegible scribbles.



Ердаги ижтимоий ҳаёт қоидаларини менсимаганлигимиздан эмас, албатта. Бу нарса бизни кўп ўй-хаёлларга толдирди. Тасаввур қилиб кўринг-а: ҳатто хоккей ўйинидаги қўлга киритилган ортиқча голлар ҳам ҳар қимнинг ўз давлати системасининг ғалабаси ва устуңлиги деб қабул қилингани каби ўз ечимимизни ошқора эълон қиладиган бўлсак, унда халқлар орасидаги ўша кучлар ҳаракатга келиб, турли кайфиятлар, зиддиятлар, эҳтимоллар аланга олишини, ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетиши мумкинлигини назарда тутиб, хабар қилмасдан жўнаб кетишга мажбур бўлганимизни сизлар тушунасиңлар, деб ўйлаймиз. Ҳайҳот, қайси бирини айтайлик, биз Еримиздаги ҳаётни, туриш-турмушни ўта даражада яхши биламиз! Ғайризаминий тараққиёт билан алоқа боғланадиган бўлса, ерликлар орасида жаҳон уруши бошланишига яна бир баҳона топилмасмикин? Бундай бўлмайди деб, ким кафиллик бера олади?

Ерда сиёсий курашдан четда туриш қийин ёки бу деярли мумкин эмас. Лекин биз узоқ муддат, кўп кунлар ва ҳафталар давомида олис космосда юрганимизда — бу ёқдан Ер шарни автомобиль ғилдирагидек аранг кўринар экан — ердаги алғов-далғовларни ўйлаб изтироб чекдик, изза бўлдик ҳатто. Сабаби ҳозирги энергетик инқироз жамиятни шундай бир танг ҳолатга солган, бу айрим мамлакатларнинг атом бомбасини дастак қилишга интилишига олиб келиши мумкин, бу эса нари борганда, йирик техникавий муаммодир, холос. Башарти бу мамлакатлар ўзаро бир-бирлари билан келишганлари тақдирда, яъни яхшиси бунинг ўрнига...

Шусиз ҳам турли хавф-хатарлар ичида қолган ерликларни яна ташвишга солмаслик учун ўз зиммамизга мислсиз оғир масъулият юкладик — фазодаги онгли мавжудотлар билан бутун инсоният номидан сўзлашишга, эътиқодимиз ва виждонимиз амрига қараб иш тутишга журъат этдик. Биз ўз ихтиёримиз билан зиммамизга олган бу вазифани муносиб равишда уддалаймиз, деган зимдамиз.

Охирги айтар сўзимиз шуки, бизнинг мулоҳазаларимиз, шубҳаларимиз, иккиланишларимизнинг асосий сабабларидан яна бири — «Демииург» программасига, инсониятнинг еру осмон тарихидаги энг буюк ташаббуслардан бирининг бажарилишига заррача зиён-заҳмат етказмаслик ташвиши эди. Бу программа машаққатлар чекиб келган ўзаро ишончсизлик вазиятида ҳамда ўзаро ҳамкорлик соҳасидаги яқинлашиш ва узоқлашишларимиз натижасида юзага келган эди. Лекин бари бира ақл-идрок тантана қилди, бинобарин, ўз куч-қобилиятимизга яраша умумий ишимизга сидқидилдан хизмат қилдик. Лекин воқеаларни бир-бирига нисбат бериб ҳамда тилга олинган хавф-хатарларга кўра, «Демииург» программасини хавф остида қолдиришни истамаган ҳолда Тўқайтўш сайёрасига ташриф буюрганимиз натижаларидан инсониятни хабардор этиш мақсадида «Паритет»ни вақтинча тарк этмоқдамиз. Мабодо биз мангуга ғойиб бўлиб кетсак ёки раҳбарларимиз бизнинг «Паритет»да ваҳтани давом эттиришимиз-

ни лозим кўришмаса, ўрнимизга бошқа одамларни қўйиш қийин иш эмас. Биздан яхшироқ ишлайдиган йигитлар ҳаммавақт топилади.

Биз номаълум йўл сари кетдик. Билимга ташналик, ўзга одамлардаги ўзимизга ўхшаш ақли мавжудотларни кашф этиш истаги, ақл-заковатларимизни янги сайёра ақл-заковати билан қўшиш истаги бизни мана шу йўл сари даъват этмоқда. Бироқ ғайризаминий таракқиётнинг тажрибаси ерликларга яхшилик келтирадими, ёмонлик келтирадими — буниси ҳали ҳеч кимга маълум эмас. Биз кўрган-билганларимизга холисона баҳо беришга ҳаракат қиламиз. Мабодо бу кашфиётимиз Ер курраси учун қандайдир таҳдид солишини ва вайронагарчилик келтиришини сезиб қолсак, шу заҳотиёқ Ерга заррача фалакат етказмаслик чорасини кўришга қасамёд қиламиз.

Яна бир қарра сўнгги сўзимизни айтмоқчимиз. Биз Ерни иллюминаторларимиздан кўриб турамиз. У гўё зулмат денгизи ичра нур сочиб турган гавҳардай кўринмоқда. Ер беқиёс даражада ажойиб-ғаройиб феруза рангда ғоятда гўзал, олисдан қараганда, норасида боланинг бошидай нозик ва заиф кўринади. Биз бу ёқдан қараб турарканмиз, оламда яшаётган ҳамма одам бизнинг ака-укаларимиз ва опа-сингилларимиздек туйилиб, гўё уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмагандаймиз. Аслида эса, маълумки, Ер юзидаги одамлар бир-бирлари билан биз ўйлаганчалик аҳил яшай олмаётганларига ичимиз ачийди.

Биз Ер курраси билан хайрлашяпмиз. Бир неча соатдан кейин «Трамплин» орбитасини тарқ этамиз, шундан сўнг Ер кўзимиздан ғойиб бўлиб кўринмай қолади. Ўзга сайёраликлар — тўқайтўшликлар йўлга чиқишган. Улар орбитамизга яқинлашмоқда. Кўп ўтмай етиб келишади. Жуда оз вақт қолди. Кутяпмиз.

Яна бир гап. Биз ўз оилаларимизга ҳам хат ёзиб қолдирияпмиз. Бу ишга алоқадор кишиларнинг ҳаммасидан ўтиниб сўраймизки, хатларимиз эгаларига етиб борса...

Дарвоқе, бизнинг ўрнимизга келиб, «Паритет»да ишлайдиганлар учун изоҳнома. Биз ўзга сайёралар билан алоқа боғлаб, фикр алмашиб туришда фойдаланадиган канални ва радиотўлқинлар частотасини навбатчилик журнаliga ёзиб кўрсатиб кетдик. Зарур бўлиб қолган вақтда, сизлар билан шу канал орқали алоқа ўрнатиб, ахборотларимизни етказиб турамиз. Тўқайтўшликлар билан олиб борилган радиобоғланишлар шуни кўрсатдики, алоқанинг энг қулай ва ягона усули — самовий бекатининг бортидаги алоқа системаси бўлиб қикди, чунки Коинотдан бевосита Ерга юборилган радиосигналлар Ер атрофини қуршаб олган ионлаштирилган кучли атмосфера қатламидан иборат тўсикқа учраб, уни тешиб ўта олмайди.

Шу билан тамом. Хайр. Биз кетдик.

Мактубимизнинг айнан бир хилдаги тексти икки тилда — инглиз ва рус тилларида битилди.

1—2 Паритет-фазогир.

2—1 Паритет-фазогир.

«Паритет» самовий бекати борти.

«Учинчи навбатчилик вақти 94-кун».

Аниқ белгиланган вақтда, Узоқ Шарқ вақти билан соат ўн бир-да Америка ва Совет Иттифоқи томонидан махсус ваколат олган комиссиялар тушган икки реактив самолёт бирин-кетин «Конвенция» авиабардорининг палубасига қўндирилди.

Комиссия аъзолари протоколда кўрсатилганидек, қатъий суратда кутиб олинди. Уларга тушлик овқат учун ярим соат муддат берилгани дарҳол хабар қилинди. Овқатланиб бўлишлари билан комиссияларнинг аъзолари «Паритет» самовий бекатидаги фавқулудда аҳволни муҳокама қилиш учун кают-компанияда ўтказиладиган ёпиқ кенгаша йиғилишлари керак эди.

Бироқ кенгаш иши энди бошланиши билан тўсатдан узилиб қолди. «Паритет»даги назоратчи — фазогирлар «Конвенция»даги Кўш-марбошга қўшни Галактикадаги Тўқайтўш сайёрасидан 1—2 ва 2—1 паритет-фазогирлардан олинган илк ахборотни узатиб қолишди.

IV

Бу ўлкаларда поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Темир йўлнинг иккала томонида ёвшанзор билан қопланган ҳай-хотдай даштлик — Сариўзак, ўртачўл ястаниб ётади.

Ҳар қандай масофа Гринвич меридианидан ўлчангани сингари бу ерларда масофа темир йўлга нисбатан ўлчанади...

Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Найман қозоқларининг аждодлари дафн этилган қабристон Она Байитгача озмунча йўл дейсизми, Сариўзак дашти бўйлаб тўғри кесиб чиқилган тақдирда ҳам нари-бериси бўлиб ўттиз қақирим келади.

Эдигей Бўрон шу куни барвақт уйғонди. Тун бўйи деярли мижжа қоқмай чикди, фақат тонгга яқин бир оз кўзи илинди, холос. Қолган вақт ичида эса марҳумни сўнгги йўлга кузатиш ишлари билан банд бўлди. Одатда, марҳумни дафн куни уйдан чиқариш арафасида — жаноза ўқиш олдидан ювишади. Бу сафар эса кечикиб қолмасдан эрталаб вақтлироқ йўлга чиқиш учун илитилган сув олиб келиб берганини айтмаса, қолган ишларнинг ҳаммасини Эдигей ёлғиз ўзи бажарди. Эдилбой юраги дов бермай, ўликдан ўзини бир оз четга олиб турди. Сесканиши табиий эди, албатта. Бироқ Эдигей сўз орасида пайқамагандай деди:

— Сен, Эдилбой, яқинроқ келиб эътибор қил, кўзинг пишсин. Туғилиш бор, ўлиш бор деганларидек ҳамманинг бошида бор бу нарса.

— Тўғрику-я,— деди журъатсизлик билан Эдилбой.

— Мен ҳам шуни айтмоқчи эдим-да. Айтайлик, эртанги кун мен ўлгудек бўлсам, ювиб-тараб, кафанга солиб кўмадиган одам топилмас экан-да, бирор ўрага тиқиб кетаверар экансизлар-да?

— Нега ундай бўлар экан,— хижолат тортиди Эдилбой ўлик олдада чироқ тутиб турар экан, бир оз ўзини кўниктириб олгандай бўлиб,— Сизсиз бу ерлар ҳувиллаб қолади. Соғ-омон бўлинг, худо умрингизни берсин. Ура бўлса шошмай турар.

Жасадни дафнга тайёрлаганларича бир ярим соатча вақт кетди. Ҳарҳолда, Эдигей ўз ишидан кўнгли тўқ эди. Марҳумни қондасига кўра ювди, қондасига кўра қўл-оёқларини тўғрилаб боғлаб, бошини қиблага қаратиб ётқизиб қўйди. Оқ сурпдан керагича ишлатиб кафан тикди ва қондаси билан марҳумни кафанлади. Иш орасида Эдилбойга кафан қандай тикилишини кўрсатди. Сўнг ўзини ҳам тартибга солди, соқолини тозалаб олиб мўйлабини текислади. Унинг мўйлови ҳам қошлари сингари қалин ва ғайир эди. Аммо оқ оралаб, мошгуруч тусга кириб, сийраклашиб бораётган эди. Эдигей солдатлик медалларию орденларини ва меҳнат зарбдори нишонларини ярқиратиб тозалашниям унутмади — уларни камзулнинг ёқасига тақиб, эрта билан кийиб чиқишга тайёрлаб қўйди.

Шу тарика тонг отди. Бу ишларнинг ҳаммасини бамайлихотир удалай олганига Эдигей Бўроннинг ўзи ҳам ажабланди. Илгари бирор одам Эдигей мана шунақа аза кунлариям ишни қойиллатади деса ҳеч ким ишонмасди. Демак, бу иш пешонасига ёзилган экан, Казангапни дафн этиш унга насиб этибди. Такдир дегани шу экан-да.

Қисматни қаранг. Бир вақтлар иккаласи Кумбел бекатида бири-ничи марта учрашиб қолишганида охири шундай бўлади, деб ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Эдигей қирқ тўртинчи йилнинг охирида контузияга учраб, фронтдан қайтиб келди. Юзаки қараганда тўрт мучаси соғ, оёқ-қўли бутун, боши ўз ўрнида. Аммо шу бош гўё ўзиники эмасдай, тинимсиз шамол эсаётгандай. Қулоғи гувиллашдан тинмайди. Бир неча қадам босса боши айланиб, кўзи тиниб, гандираклаб кетадигандай ҳис қилади ўзини. Гоҳ иссиқ, гоҳ совуқ терга ботади. Тили ҳам гоҳида калимага келмай бирор сўзни айтиш мушкул бўлиб қолади. Немис снарядининг портлаш тўлқини уни ақлдан озиш даражасига келириб қарахт қилиб қўйган эди. Тирик деса тирикка, ўлик деса ўликка ўхшамайди. Ушанда Эдигейнинг кўнгли бутунлай чўкиб кетган эди. Кўринишдан навқирон ва соппа-соғга ўхшарди. Бироқ Оролга, уйига қайтиб келгач нимага ярайди? Худо ёрлақаб, бахтига яхши врач учраб қолди. Уша врач дори-дармон қилиб уни даволагани ҳам йўқ, у ёқ-бу ёғини қараб кўрди, сўзини тинглаб текширди, холос. Уша кунлар ҳозиргидай эсида — оқ халат, оқ қалпоқ кийган, кўзлари чақнаган, бурни катта, норғулдан келган малларанг рус чоли эди. У хурсанд бўлиб қулганича Эдигейнинг елкасига уриб қўйган эди.

— Биласанми, оғайни,— деган ўшанда у,— ҳадемай уруш тугайди. Бўлмаса сени бирпасда тузатиб, сафга қайтарардим, яна бир оз жанг қилардинг. Майли энди, сенсиз ҳам галаба яқин қолди. Фақат сен кўнглингга олма, бирор йилда, балки ундан ҳам илгарироқ соғайиб етдай бўлиб кетасан, шу гапни мен айтяпман сенга, кейин эслаб юрасан. Ҳозир эса тайёргарлигингни кўриб, юртингга қайтавер. Кўнглинг тўқ бўлсин, сендақа одамлар юз йил яшайди...

Кейин билса ўша маллавоё дўхтир тўғри айтган экан. Аммо бирор йил дегани айтишгагина осон, холос. Госпиталдан чиқдию эғнида гижимланган шинель, елкасида тугун, ҳар эҳтимолга қарши қўлтиктаёқ билан шаҳарга кирди, худди қалин ўрмон ичида юргандай эди: боши ғувиллар, оёғи қалтирар, кўзи тиниб кетарди. Вокзалда ҳар ким ўз юмуши билан овора, сон-саноксиз одамлар кимнинг кучи етса, поездга чиқиб кетяпти, кучи етмагани четга сурилиб қоляпти. Бир амаллаб поездга чиқиб олди, манзилига етди. Бир ойча саргардонликдан сўнг поезд кечаси Орол бекатига келиб тўхтади. «Беш юз еттинчи, шўх поезд» дейишарди ўша «машҳур» поездни. Бундай поездда юриш ҳеч қачон ҳеч кимнинг бошига тушмасин...

Бирок ўша кезларда шунисини етказганига ҳам минг қатла шукр қилган. Қоронғиликда поезддан тушгач, худди тоғдан тушгандай гарангсиз, бир зум туриб қолди. Атрофда жон асари кўринмайди, ўлда-жўлда бекат чироқлари аранг милтирайди. Ғир-ғир шамол эсиб турибди. Эдигейни мана шу шамол кутиб олди. Қадрдон Орол шамоли! Юзига Орол нафаси урилди. Ўша кунлари денгиз ёнгинасида, темир йўлнинг биқинида чайқалиб турарди. Ҳозир эса дурбиндан қараганда ҳам сувни кўриб бўлмайди...

Чўлдан сезилар-сезилмас шувоқ ҳиди димоққа урилди. Оролнинг нарийғидаги кенгликлардан энди уйғонаётган баҳор нафаси уфуради. Чихоят, қадрдон юртига етиб келди!

Эдигей бекатни, унинг яқинидаги денгиз соҳилига жойлашган шаҳарчанинг қинғир-қийшиқ тор кўчаларини яхши биларди. Этиги лойга ботиб қоларди. У танишлариникига йўл олди. Бугун шу танишларидан бириникида тунаб қолиб, эртасига ўзларининг балиқчилар овули Жонкелдига етиб бормоқчи эди. Бироқ унганча хийлагина юришга тўғри келарди. Тор кўча орқали шаҳарча четидаги денгиз бўйига чиқиб қолганини ўзиям сезмай қолди. Шунда ўзини тийиб туролмай денгиз сари бурилиб, сувнинг қумли қирғоққа урилиб, шалоплаётган жойига келиб тўхтади. Қоронғи тунда денгиз юзаси билинар-билинмас жимжирлаб шуъла таратиб турарди, бир-бирига мингашиб кетган жимжимадор ўрқачли тўлқинлар шовуллаб келарди-да, яна шу ернинг ўзида ғойиб бўларди. Тонг олдидаги ой юксакликдаги сур булутлар орасидан оқиш доғ сингари ғарибона боқарди.

Ниҳоят, дийдор кўришиш насиб этган экан.

— Омонмисан, Оролим!— дея ўзича пичирлаб қўйди Эдигей. Сўнг нариги ёқдаги тошга ўтириб олиб, тамаки тутатди. Докторлар кон-

тузия бўлдинг, чекмаганинг маъқул дейишган бўлса-да, ҳозир ўзини тиёлмади. Кейинчалик эса бу ёмон одатни ташлади. Лекин ўшанда ҳаяжонланиб кетди, у вақтда тамаки тутунини ўйларди, бу ёғига тирикчилик қилишни ўйлаб кетди. Денгизда ишлайдиган одамнинг қўли чайир, бели бақувват ва энг муҳими, боши бутун бўлиши керак. Акс ҳолда қалқиб турадиган баржада бошинг айланиб гангиб қолишинг ҳеч гап эмас. Фронтга қадар у балиқчилик корхонасида ишларди, энди эса ҳеч ким эмас. Инвалид бўлиб инвалид эмас, иш десанг ишга ярамайди. Ҳаммадан ҳам ёмони шунда эдики, энди бу бош билан балиқчиликда ишлаб бўлмайди.

Эдигей энди ўрнидан туришга чоғланаётган эди, қирғоқда алла-қаяқдандир оқ бир ит пайдо бўлиб қолди. У соҳил бўйлаб чопиб юрарди. Гоҳо тўхтаб қолиб ниманидир сезгандай нимхуш кумни ҳидлаб кўрарди. Эдигей итни чақириб олди. У ҳам бегонасирамай яқинига келиб, думини ликиллатиб тураверди. Эдигей унинг пахмоқ бўйнидан силади.

— Қаердансан сен? Қаёқдан йўртиб келяпсан? Отинг нима. Арслонми? Йўлбарсми? бўрибосарми? Ҳа, энди билсам қирғоқдан балиқ излаб юрган кўринасан. Дуруст, дуруст! Бироқ денгиз деганинг ҳаммавақт ҳам оёғинг тагига чала ўлик балиқни чиқариб ташлайвермайди. Илож қанча! Югуриш керак. Қоқсуяк бўлиб кетганинг ҳам шундан экан-да. Мен эса оғайни, уйимга қайтаётган одамман. Кенигсберг яқинидан қайтиб келяпман. Шул шаҳарга етай деб қолганимда снаряд портлаб қолса бўладими, аранг тирик қолдим. Мана энди бу ёғи нима бўлади, деб ўй-хаёл суриб ўтирибман. Нега менга бундай қараяпсан? Сенга бергудай ҳеч нарсам йўк. Фақат ордену медаллар... Уруш дегани шу экан оғайни, ҳаммаёқда қаҳатчилик. Бўлмаса, сендан бир нимани аярмидим?.. Тўхтаб тур-чи, манови ерда новот бор, ўғилчамга олиб боряпман. Ҳозир у чопкиллаб кетган бўлиши керак...

Эдигей эринмасдан ярми бўшаб қолган халтачасини очди, унда газетага ўралган бир ҳовуч новот, йўлда келаётиб хотинига деб олган дуррача, чайқовчилардан олган бир жуфт совун бор эди. Халтада яна бир жуфт солдат ич кийими, камар, пилотка, запас гимнастёрка, шим бор эди — унинг бутун бисоти шу.

Ит Эдигейнинг кафтидаги новотни ялаб олиб, қисирлатиб чайнаб жорди-да, думини ликиллатганча чақнаган кўзларини ихлос ва умидворлик билан тикиб тураверди.

— Энди хайр, оғайни!

Эдигей ўрнидан туриб, қирғоқ ёқалаб юрди, бекатдаги одамларни безовта қилгиси келмади. Тонг отишига ҳам оз қолган эди. Шунинг учун ҳам ўз овули Жонкелдига етиб олишга ошиқди.

Шу куни Эдигей денгиз ёқалаб юриб Жонкелдисига аранг тушга яқин етиб борди. Контузия бўлмасдан илгари у бу йўлни икки соат деганда босиб ўтарди. Бориши билан мудҳиш хабарни

эшитди — фарзанди-дилбанди аллақачон оламдан ўтган экан. Эдигей хизматга чақирилганда, бола эндигина олти ойга тўлган эди. Насиб этмаган экан, ўн бир ойлигида нобуд бўлибди. Чақалоққа қизамик чиқиб, иситманинг зўрлигида куйиб-ёниб, адоий тамом бўлибди. Унга хат ёзишни лозим кўришмабди. Қаерга ёзишади, ёзишга хожат ҳам бормиди? Бусиз ҳам уруш кулфатлари етиб ортаётган эди. Эсон-омон қайтиб келса ўзи билар, куйиб-ёниб, йиғлаб-сиқтаб кўникиб ҳам кетар, деб қариндош-уруғлар Уккуболани кўндиришга ҳаракат қилдилар. Ҳали ёшсизлар, уруш тугасин, худо хоҳласа ҳали қанча фарзанд кўрасизлар. Чинорнинг шохи синса ҳам ўзи синмасин. Яна бир хил мулоҳазалар ҳам бор эдики, буларни одамлар дилда ўйлашар, лекин тилига чиқаришмасди: минг қил-саям уруш-урушда, ажали етиб, ўққа учраса, ёруғ дунёдан кўз юмиши осонроқ бўлади — ҳар қалай, уйда фарзандим қолди, мендан кейин чироғим ўчмайди, деган умид билан кетади...

Уккубола айб ўзимда деб, ич-эттини ерди. Қайтиб келган эрини кучоклаганча хўнг-хўнг йиғларди. У ахир, мана шу кунни тақдирга тан бергандай ҳам умид, ҳам чексиз азоб-изтироб, туганмас дард-алам билан кутди. Эри олдида дув-дув кўзёши тўкиб, билармон кампирларнинг гапига кулоқ солмай, доғда қолганини гапириб берди. Кампирлар болага қизилча чиққан, бу ёмон нарса, чақалоқни туя жунидан қавилган кўрпага иссиққина ўраб, қоп-қоронғи уйда сақлаш лозим, айтгандай, ҳадеб муздек сув бериб туравериш керак, у ёғига худо раҳм қилиб, иситмага бардош беролса, тузалиб кетади, деб огоҳлантиришган эди. Мен — иши ўнгидан келмаган бахти қаро овулдаги кампирларнинг гапига кулоқ солмабман. Қўшнилари аравасини сўраб, бетоб гўдақни бекатдаги дўхтур хотинга олиб бордим. Тарақа-туруқ аравада Оролга етгунча болагинамнинг жони йўлда узилди. Дўхтур хотин кампирларнинг гапига кулоқ солишинг даркор эди, деб қаттиқ қойиб берди...

Эдигей остонага қадам босиши билан эшитган хабари шу бўлди. Шу заҳотиёқ ғам-андухдан куйиб кул бўлди, тош бўлиб қотди-қолди. Ҳали кўлига олиб, тузукроқ эркалатишга ҳам улгурмаган мурғак бола — тўнғич фарзандининг дийдорига зор бўлиб, бу даража соғиниб келиши биланоқ бундай оғир жудоликка учрашини илғари ўйлаб ўйида, ухлаб тушида кўрмаган эди. Эдигей ҳали тиши чиқмаган, кўзларини мўлтиратиб ишонч ила боқиб, кулимсираб турадиган маъсум гўдагини ёслаб, жону жаҳони ўртаниб кетар эди.

Шу кундан бошлаб ўз овули кўзига совуқ кўрина бошлади. Бир вақтлар қирғоқдаги тепаликда эликтача хонадон яшар эди. Хонадон эгалари Оролдаги балиқчилик артелида ишлашиб, тирикчилик қилишарди. Энди эса жарлик ёқасида ўн чоғли пахса уй қолган, холос. Эркак зоти қолмаган, ҳаммасини уруш олиб кетган. Қолган қарию ёшлар ҳам бармоқ билан санарли. Кўпи очликдан жон сақлаб қолиш учун чорва билан шуғулланувчи атрофдаги

колхоз овулларига жўнаб кетишган. Балиқчилик артели туғаб, денгизга чиқадиган одам ҳам қолмади.

Уккубола дашт уруғларидан бўлиб, у ҳам туғишганлари ёнига кетиб қолиши мумкин эди. Қариндошлари келиб ёлғиз қолдиришни истамай олиб кетишмоқчи бўлишди. Қаҳатчилик йиллари ёнимизда бўлгин, Эдигей фронтдан қайтиб келгандан сўнг ҳеч ким сени ушлаб турмайди, Жонкелди айилига яна тезда қайтиб келасан, дейишди. Бироқ Уккубола кўнмади: «Эримни кутаман. Ўғилгинамдан айрилдим. Отаси омон қайтса, ҳеч бўлмаганда хотинига дуч келсин. Бу ерда ёлғиз эмасман, ёшу қарилар бор, уларга кўмаклашиб тураман, кўп қатори бир амаллаб кун ўтказармиз», деди.

Уккубола тўғри қилган экан. Лекин Эдигей биринчи кунлариёқ энди бундан бўёғига денгиз бўйида бекорхўжа бўлиб тирикчилик ўтказиб бўлмайди, деди. Унинг гапийам тўғри эди. Эдигейни кўргани келган Уккуболанинг қариндошлари яна бирга олиб кетайлик, деб қисташди. Даштда кўй-кўзига қарашиб юрасан, кейинчалик соғайиб кетганингдан сўнг мол боқарсан, дейишди. Эдигей миннатдорчилик билдирди-ю, аммо рози бўлмади. Уларга оғирлиги тушишини истамади. Хотинининг қариндошлариникига бир-икки кун меҳмон бўлиш бошқа гап. Аммо қўлингдан тузукроқ иш келмаса, кимга ҳам керак бўлардинг.

Уккубола иккаласи иш излаб темир йўл бўйига боришга қарор қилишди. Эдигейга қоровулми, қузатувчими ёки бўлмаса қўтармани очиб-ёпиб турувчими — ишқилиб, бирор енгилроқ иш топилиб қолар, деб ўйлашди. Уруш ногиронининг ҳам кўнглига қараш керак-ку.

Баҳорда овулдан кўчиб кетишди. Ҳали иккаласи ҳам ёш-яланг, сўққа бошларидан бўлак оёқларига тушов бўладиган нарса ҳам йўқ. Дастлабки пайтлари дуч келган бекатларда қўниб-тунаб юришди. Бироқ ҳадеганда кўнгилдагидек иш топа олмадилар. Уй-жой масаласи ундан ҳам қийин бўлди. Темир йўлда дуч келган ишларни бажариб, бедананинг уйи йўқ, қайга борса — битбилдик, деганларидек, тўғри келган жойда истиқомат қилишди. Уккубола шунда жонига ора кирди. Унинг тани-жони соғ, ўзи ҳам ҳали навқирон бўлиб, ҳар қанақа ишларни тортиниб ўтирмай бажариб кетаверарди. Сиртдан соғлом кишилардай кўринган Эдигей юк ортиш ва тушириш ишларига тутинса-да, асосий ишни Уккубола бажарарди.

Шу йўсинда баҳорнинг ўрталарида бир неча йўлларни туташтирувчи катта бекат — Қумбелга келиб, кўмир тушираётганларнинг устидан чиқишди. Кўмир ортилган вагонлар запас йўл билан тўғри депо хўжалиги орқасидаги ҳовлига киритиларди. Бу ерда вагонларни тезроқ бўшатиш учун кўмирни аявал ерга туширишар, кейин эса галтак аравачаларда уй сингари баланд уюмларга олиб чиқиб тўкишарди. Шу зайлда бир йиллик кўмир запаси ғамланарди. Ҳаддан ташқари оғир, чанг-тўзонли, ифлос иш эди бу. Бироқ ҳар қанча

оғир бўлса-да, тирикчилик қилиш керак. Эдигей катта курак билан аравачага кўмир ташлаб турар, Уккубола эса уни тахта йўл орқали тепаликка олиб чиқиб ағдарарди-да, яна пастга қайтиб тушарди. Эдигей яна қайтадан аравачани тўлатарди. Уккубола аравага кўшилган қирчанғи отдай аёл киши кўтариши лозим бўлмаган оғир юкни силаси қуриб яна тепаликка олиб чиқар ва тўка солиб орқага қайтиб тушарди. Бунинг устига, кун қиздиргандан қиздирар, бурқсиган кўмир тўзони Эдигейнинг кўзини тинитиб, кўнглини айнитиб юборарди. Кун сайин ҳолдан тойиб бораётганини ўзи сезиб турарди. Шундоққина, кўмир уюмига чўзилсаю қайта турмасдан чўзилиб ётаверса. Ҳаммасидан ҳам уни деб аёлининг қоп-қора чанг-тўзон ичида нафаси қисилиб ишлаётганини кўриб, ич-ичидан ачинар ва ўзини кўярга жой тополмас эди. Хотинининг уст-бошига қараб бўлмасди: қоп-қора курумга бурканган, фақат икки кўзию тишларигина йилтираб кўринарди, холос. Ўзи эса курум аралаш ердан шалаббо бўлиб кетган эди. Бурунгидай куч-қуввати бўлганда Уккуболани шу ахволга солиб кўярмиди?! Аёл кишининг қийналганини кўрганда бир ўзиёқ ўнлаб вагонларни бу қуриб кетгур кўмирга тўлдириб, уйиб ташлаган бўларди-ку.

Улар ҳувиллаб ётган балиқчилар овули Жонкелдини ташлаб, ярадор аскарга лойиқ бирор енгилроқ иш топилар, деган умидда йўлга чиққанларида, унга ўхшаган ярадор аскарлар ҳамма жойда тўлиб-тошиб ётганини ҳисобга олишмаган экан. Урушдан қайтганларнинг ҳаммаси ҳам қайтадан янгича ҳаётга мослашаётган кезлар эди. Яхшиям, Эдигей оёқ-қўли омон қайтган. Қўлсиз, оёқсиз, қўлтиқтаёқда, ясама оёқларда темир йўл бўйлаб сандирақлаб юрган ногирон кишилар сон-саноксиз эди. Одамлар билан тўлиб-тошиб, сасиб-бижиб кетган бекат биносининг бурчагига жойлашиб олишиб, мудрашганча тонг отишини кутиб ўтиришган узун тунлари Уккубола ич-ичидан худога тавба-тазарру қилиб: ўзинг кечир, одамзот бошига қирғин келтирган даҳшатли урушдан эримни бутунлай майиб-мажруҳ қилмай, эсон-омон қайтарганинг учун ўзингга минг қатла шукр, деб розилик билдириб ётарди. Негаки у бекатлардаги мудҳиш манзарани кўриб юрак-бағри қақшаб кетарди. Кийилавериб тўзиб кетган шинель ва турли-туман йиртиқ-ямоқ кийимдаги майиб-мажруҳ, қўлсиз, оёқсиз кишилар, бировларининг остида қўшғилдиракли аравача, бировлари қўлтиқтаёқда, баъзилари икки кўзидан ажралиб, қўлидан етаклаб олишган, бошқалари эса уйсиз-жойсиз, тинчлигини йўқотиб, поезддан-поездга, бекатдан-бекатга ўтиб, ошхонаю буфетларнинг эшигини кўполлик билан очиб кириб, маст-аласт, бақириб-чақириб, ўкириб йиғлашарди... Буларнинг ҳар бирини олдинда нималар кутади, қайтариш мумкин бўлмаган нарсаларнинг ўрнини нима билан қопламоқ керак? Уккубола шундай бало-қазолар эрини четлаб ўтиб, контузия бўлса ҳам тўрт мучаси соғ-омон қайтиб келганига шукрона қилиб, бутун азоб-

укубатларга бардош бериб меҳнат қилишга тайёр эди. Шунинг учун ҳам у ҳолдан тойиб, мажоли қуриб, тоқати тоқ бўлган кунларда ҳам бўш келмасдан, нолимасдан, сир бой бермасдан ишлашда давом этди.

Аммо буни кўрган Эдигей ич-ичидан зил кетаётган эди. Турмушни ўнглаб олиш учун қандайдир қатъий бир қарорга келиш керак. Умр бўйи дарбадарликда юриб бўлмайти-ку, ахир. Таваккал қилиб шаҳарга кетворсақмикин, балки у ёқда омадимиз келиб қолар, деган фикр тез-тез хаёлидан ўта бошлади. Ишқилиб, соғайиб кетса, лаънати контузия балосидан қутулса бўлгани. Унда ўзини ўнглаб олиб яна кураша олиши, ор-номуси ва инсонийлик кадр-қимматини ҳимоя қила олиши мумкин... Шаҳарда ҳам тақдир уларни ҳар кўйга солиши ёки эҳтимол, вақти келиб кўникиб, кўп қатори шаҳарлик бўлиб кетишлари ҳам мумкин, ким билади? Бироқ насиб қилмаган экан, тақдир дегани шу экан-да...

Улар Қумбел бекатида вагонлардан кўмир тушириб, жон олиб, жон бериб юрган кунларнинг бирида депо ҳовлисида туя минган қандайдир бир қозоқ пайдо бўлди — чамаси, даштдан иш билан келган кўринади. Келган киши туясини яқинроқдаги ерга тушювлаб қўйди-да, бўш қопини қўлтигига қисиб, ташвишли киёфада у ёқ-бу ёққа аланлаганча одимлаб кетди.

— Ҳой, ука,— мурожаат қилди у Эдигей ёнидан ўтаётиб,— умрингдан барака топ, шу туяга кўз-қулоқ бўлиб турсанг, болалар шўхлик қилиб тегишмасин тагин. Тушовини секин ечиб юборишдан ҳам тойишмайди тентаклар. Мен тезда қайтиб келаман.

— Боравер, боравер, қараб тураман,— деди катта курагида аравачага кўмир ортаётган Эдигей жикқа ҳўл бўлиб кетган латта билан терини артар экан.

Юзидан реза-реза тер куйиларди. Эдигей бу одам тайинламаса ҳам аравачага кўмир юклаб, кун бўйи шу ерда иш билан андармон бўлиб юрарди. Бекатнинг бебош болалари туяга тегинмасин деб иш орасида қараб туриш унга малол келармиди. У бирда болаларнинг ўйнашиб туянинг гашига текканларини, бояқиш туя ҳам жаҳли чиқиб бўкириб, оғзидан кўпик сачратиб, уларнинг орқасидан қувлаб берганини кўрган эди. Болалар эса худди шуни кутиб тургандай завқланишиб, ибтидий овчилар сингари даҳшатли ҳайқиришиб, жониворни ҳар томондан ўраб олишганча тош ва таёқлар билан урар эдилар. Эгаси келганча бечора туя бўлганича бўларди...

Ҳозир ҳам, аксига олгандай, аллақайқдан бир тўда жулдурвоки болалар копток тепиб, келиб қолишди. Улар бор кучлари билан коптокни тушовланган туяга қараб тепишарди. Туя қочар, болалар эса копток билан туянинг биқинига гупиллатиб уришар, ким кучлироқ ва чаққонроқ уришга баҳслашар эди. Ким туянинг биқинига тегизса, голь ургандай қувониб, кийқирарди...

— Хой, зумрашалар, қани йўқолинглар бу ердан, туяга тегишманглар!— дея Эдигей белкураги билан пўписа қилиб кўйди.— Бўлмаса, ҳозир таъзирларингни бериб кўяман!

Болалар ўзларини четга олишди. Эҳтимол, туянинг эгасидир ёки бўлмаса кўмир юкловчининг бадбашарасидан чўчиганлиги учундир, яна бунинг устига ичиб олган бўлса, кунимизни кўрсатиб кўймасин, деб коптоқларини тепганча нариги ёққа югуриб кетишди. Болалар Эдигейнинг белкурагини кўтариб шунчаки хўжа кўрсинга ўдағайлаганини ҳисобга олмаганда аслида унинг мадорсизлигидан ва болаларни қувишга ҳам ҳоли келмаслигидан беҳабар эдилар, агар билишганларидами туя бечорани истаганча кийнаб, жонидан тўйдиришлари мумкин эди. Аравачага ортилаётган кўмирнинг ҳар бир кураги зил-замбил туюлиб, катта куч сарфлашни талаб этарди. Камқувватлилик, хасталик, бирор ишга яроқсизлик одамни бунчалик хор қилишини, бунчалар кучсиз ва ношуд қилишини илгари ҳеч қачон ҳаёлига келтирмаган эди. Боши айланиб, ҳадеб тер қуйиларди. Эдигейнинг ҳар лаҳзада мадори куриб, кўзлари тиниб борарди, кўмирнинг чанг-тўзонидан юраги қисилиб, аранг нафас олар, бир зум дам олиб томоқ қоқмоқчи бўлса ўпкасию бурнига тўлган кўмир қуруми қоп-қора тупик бўлиб тушар эди. Уккубола ондасонда эрини четроққа чиқиб бир оз дам олволсин, деб кўлидан курагини олиб аравачани ўзи тўлдирар ва уни уюм тепасига олиб чиқиб бўшатиб тушар эди. Аммо Эдигей хотинининг ўлар-тириларига қарамай, жонини жабборга бериб ишлаётганини кўриб тоқат қилиб ўтиролмади ва яна ўрнидан туриб гандираклаганча ишга тутинди.

Туясини қолдириб кетган бояги одам орадан кўп ўтмай, копини кўтариб қайтиб келди. У юкини жойлаштиргандан сўнг йўлга тушиш олдидан икки оғиз гаплашиб олиш учун Эдигейнинг ёнига келди. Иккаласи ҳам дарҳол сўзга киришиб кетишди. Бўронли бекатида Қазангап дегани шу киши эди...

Улар бир юртдан бўлиб чиқишди. Қазангап ҳам ота-боболари Оролбўйи қозоқларидан эканини сўзлаб берди. Шунинг учун ҳам бир-бирлари билан тезда тил топишишди.

Бу учрашув Эдигей билан Уккуболанинг бутун келгуси тақдири-ни ҳал қилишини ҳали ҳеч ким ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Қазангап уларни Бўронли бекатига бориб ишлаш ва ўша ерда яшашни маслаҳат қилган эди, холос. Биринчи кўриб танишишдаёқ баъзиларнинг самимий одамлар эканлиги англашилиб туради. Сиртдан қараганда, Қазангапнинг бошқалардан фарқланадиган ортиқ жойи йўқ, аксинча оддий киши эди; бу оддийлик замирида эса оғир ҳаёт тажрибаси — донолик мужассамлашган. Кўринишидан, кийилавериб ранги ўчиб, ўзига мослашиб кетган энгилбошдаги оддий бир қозоқ эди. Доимо туяда юрганидан тери шим кийиб олган. У қай маҳал нимани кийишни ҳам яхши билади — сафарга

чиққанда кийиладиган, ҳали унчалик оҳори тўкилмаган темирйўлчилар фуражқаси унинг катта бошига жуда ярашиб турарди. Оёғида эса қайта-қайта ямоқ солиниб, эътибор билан қайта-қайта кўклаб тикилган хиром этиги. Унинг ҳақиқий дашт одами эканини жазирама иссиқ ва доимий шамолдан қорайиб, қотиб кетган юзларию сертомир, чандир қўлларидан сезиб олиш мумкин. Оғир меҳнатдан барвақтроқ букчайиб қолган елкалари маҳобатли осилиб туради, шунинг учун ҳам бўлса керак, ўзи ўрта бўйли бўлса-да, бўйни ғознинг бўйни сингари чўзилиб кетгандай туюлади. Ҳаммасидан ҳам кўзлари ўзгача: кулимсираб турувчи бу қоп-қора кўзлар, одамнинг дилидагини сезиб тургандай эътибор билан боқади.

Казангап ўша кезлари қирқ ёшлар атрофига бориб қолган эди. Тозалаб қайчиланган қора мурти, бурул тортиб қолган чўққи соқоли бу одамнинг ёшини анча улуг қилиб кўрсатарди. Унинг ўта мулоҳазали одамлигини кўрган Уккубола сўзларини тинглаб, дарҳол маъқул кўриб қолди. Дарҳақиқат, оқилона фикр юритган эди у. Модомики, контузия деган бало билан жароҳатланган экансан, яна бунинг устига ортиқча жабр чекишнинг нима ҳожати бор. Кўриб турибман, Эдигей, бу сен бажарадиган иш эмас. Мунақа юмушларга ҳали ярамайсан. Оёғингни аранг судраб босаяпсан-ку яна... Ҳозирча енгилроқ ишда ишлаб, тоза ҳавода юриб, хоҳлаганингча қаймоғи олинмаган сут ичишинг керак. Мана, айттайлик, бизнинг бекатимизда йўл ишларига одам тополмай жонимиз ҳалак. Янги бошлиғимиз бўлса ҳар гал: ўзинг шу ерлик бўлсанг, ишлайдиган муносиб одамларни топмайсанми, деб кулоқ-миямни ейди. Қани, у айтган одамлар? Ҳаммаси урушда. Урушдан қайтганларга эса истаган ердан иш топилади. Тўғри, бизда ҳам яшаш осон эмас. Турган жойимиз чаток, кимсасиз, сувсиз, қуп-қурук ҳувиллаб ётган даштликдангина иборат. Ҳафтасига бир мартагина цистернада сув келтирилади, холос. Келмай қолган пайтлари ҳам бўлади. Бундай пайтларда, чўлнинг олис қисмидаги қудуқдан мешда сув ташишга тўғри келади. Эрта чиқсанг, аранг кечга қайтиб келасан. Турли томонларда сарсон-саргардонликда юргандан кўра, ёмон бўлса ҳам Сариўзакда ўз кулбангда турганингга нима етсин, деб гапида давом этди Казангап. Бошпананг бўлади, тайинли ишинг бўлади. Нима иш қилиш зарур бўлса, ҳаммасига ўзимиз ёрдамлашамиз, рўзгорингни ҳам бутлаб оларсан. Бу, албатта, ҳаракатингга боғлиқ. Иккалаларинг ҳам ҳали ёшсизлар, дунё топишга қурбиларинг етади. Тани-жонинг соғайиб кетса, у ёғини ҳаётнинг ўзи кўрсатар, зерикиб қоладиган бўлсаларинг, кўнгил тортган томонга бораверишларинг мумкин.

Казангап мана шунақа маслаҳатни берди. Эдигей ўйлаб кўрдию охири рози бўлди. Шу куниеқ улар Казангап билан бирга Сариўзак қайдасан, деб Бўронли бекати сари равона бўлишди. Ҳатто ўша кезларда ҳам худди йўлга ғамлаб қўйгандай иккаласининг ҳам

ўзларига яраша йиғиб қўйган дунёси бор эди. Ана-мана дегунча, кийим-кечакларини йиғиштириб, йўлга тушдилар. Ўшанда уларга бари бир эди, ўз бахтларини синаб кўрмоқчи бўлишди. Кейинчалик билишса, Бўронлига тақдир тақозоси билан бориб қолишган экан.

Кумбелдан то Бўронли бекати сари Сариўзак даштлигини кесиб ўтган ўша йўлни Эдигей бир умрга эслаб қолди. Аввалига улар темир йўл ёқалаб юришди. Сўнгра аста-секин паст-баландликлар бўйлаб четлаб кетишди. Казангапнинг маслаҳатига кўра, ўн чақиримча йўлни қиялаб, кўндалангига кесиб чиқдилар, чунки темирйўл бир замонлар шўртанг кўл бўлиб, кейинроқ суви қуриб қолган ана шу катта майдонни айланиб ўтаркан. Кўл қаъридан ҳанузга қадар шўр чиқиб ботқоқланиб тураркан. Ҳар йили баҳор келиши билан шўр сайхонлик қор-ёмғирнинг суви билан яна уйғониб, ботқоқлашиб, одам ўтолмайдиган бўлиб қолар, ёзда эса яна шўрхок туз қатлами билан қопланиб, тошдай қотиб қолар эди. Йил сайин шу такрорланарди. Казангап бир вақтлар бу ерда каттагина кўл бўлганини Сариўзак даштини кезиб чиққан геолог Елизаров тилидан ҳикоя қилиб берарди. Кейинчалик Эдигей Бўрон ҳам у билан қалин дўстлашиб кетди. Ақлли киши эди у.

Ўша кезларда Эдигей ҳали «Бўрон» деган лақаб олмаган эди. Оролик оддий козок урушдан яраланиб қайтди, аёли билан бирга иш, бошпана излаб юриб тасодифан темирйўл ишчиси Казангап исми бир йўловчига дуч келди ва унинг маслаҳати билан аллақандай Бўронли бекатига келиб қолди, вассалом. Аммо бу ерда умр бўйи қолиб кетишини ҳали у билмасди.

Баҳор пайтлари қисқа муддат яшил тусга кириб, сўнг қуёш нурида қовжираб, сарғайиб қоладиган бепоён Сариўзак даштлиги Эдигейни гангитиб, ҳангу манг қилиб қўйди. Орол кўли атрофларида ҳам қанчалаб чўлу биёбонлар бор, биргина Устюрт ясси тоғининг ўзини айтмайсизми! Бироқ Сариўзак даштлиги сингари чексиз кенгликни умрида биринчи бор кўриши эди. Саҳронинг улуғворлигини ўзининг руҳий ҳолати билан таққослаб тенглаштира олишга лаёқатли кишигина кимсасиз хувиллаб ётган Сариўзак чўлида бардош бера олиши мумкинлигини Эдигей кейин тушунди. Ҳа, Сариўзак ҳақиқатдан ҳам бепоён, аммо инсон хаёли ундан ҳам кенг.

Елизаров доно одам, бошқаларнинг хаёлига келса-да, тилига кўчмаган фикрларни жуда усталик билан, содда тилда тушунтириб қўяр эди.

Олдиларида туя етаклаб шахдам қадам ташлаб бораётган Казангап бўлмаганида, ким билсин, кимсасиз даштда Эдигей билан Уккуболанинг ҳоли не кечарди. Эдигей ҳар хил юкларнинг устига ўтириб олганча туяда борарди. Аслида уни эмас, туяга Уккуболани ўтирғизиш керак эди. Бироқ Казангап, айниқса Уккубола, Эдигейни туяга чиқишга мажбур этишган эди: «Биз соғ-саломат одамлармиз, сен ҳали қувватга киришинг керак, тортишиб ўтирма, вақт кетма-

син, хали қанча йўл босишимиз даркор», дейишди. Йўл олис, туя бўлса ёш — хали оғир юкни кўтара олмасди, шунга кўра биттаси туяга миниб иккаласи пиёда юришига тўғри келди. Ўшанда Эдигейнинг ҳозирги Қоранори бўлганда, бошқа гап эди, бир йўла учаласи миниб олиб йўртириб юришса, уч ярим — тўрт соат деганда манзилга етиб борган бўлишарди. Ўша куни эса Бўронлига ярим кечада етиб боришди.

Атрофдаги нотаниш жойларни кузатиб, йўлбўйи суҳбатлашиб борганликлари сабабли вақтнинг қандай ўтганини сезмай қолишди. Казангап йўл-йўлакай бу ердаги турмуш-тирикчилик, ўзининг Саризак томонларга қачон, қандай қилиб келиб қолганию темир йўлда ишлаб қолгани тўғрисида гапириб берди. Ёши ҳам хали у айтган даражада эмас эди, мундоқ караса, рушнинг охириги йили атиги ўттиз олтига қадам қўйибди. Унинг овули Бешоғоч, Жонкелдидан кирғоқ бўйлаб юрилса, ўттиз чақиримча экан. Казангапнинг у ердан чиқиб кетганига кўп йиллар ўтган бўлса-да, қайтиб бормабди. Бунинг сабаби бор экан. Қулоқларни синф сифатида тугатиш вақтида отасини ҳам қулоқ қилиб ҳайдашган, аслида эса отаси қулоқ эмас экан. Текшириб кўрганларида, унга ўхшаш қанчалаб ўртаҳол чорвадорларга нисбатан янглиш йўл тutilганлиги, тўғрироғи, хато иш қилингани маълум бўлиб қолибди. Шундан сўнг отасини озод қилишганда сургундан қайтиб келаётиб уйига ҳам етиб келмасдан йўлда қазо қилиб қолган. Ота қулоқ қилинган ўша кезларда бутун оила — ака-ука, опа-сингиллар кўздан узок бўлиш учун ҳар томонга тарқаб кетишибди. Шу-шу улар дом-дараксиз кетишибди. Ўша вақтда алоҳида фаоллик кўрсатган қизикқон кишилар хали ёш йигит Казангапни йиғилишлардан бирида, эл олдида: отам ёт унсур сифатида тўғри жазоланди, бундай отадан воз кечаман, отам сингари бундай синфий душманларга ер юзида ўрин бўлмаслиги керак, қаерда бўлмасин улар ўлимга маҳкум этилмоғи даркор кабилида сўзлайсан, деб мажбур этишибди.

Бундай шармандалиқдан қутулиш учун Казангап узок ўлкаларга бош олиб кетади. Олти йил Самарқанд яқинидаги Мирзачўлда — Бетпоқдалада ишлади. Асрлар бўйи инсон кўли етмаган кўрик ерларни ўзлаштириб, пахта далаларига айлантириш ўша йиллари бошланган эди. Одам етишмайди. Чўлқуварлар баракларда яшаб, ариқ-зовур қазишарди. Казангап дастлаб зовур қазиди, сўнг трактор ҳайдади, бригадирлик қилди, зарбдор меҳнати учун фахрий ёрлик олди. Ўша ерда уйланди. Иш ҳақи дуруст деб ўша йиллари Мирзачўлга турли томонлардан одамлар оқиб келишарди. Бетпоқдалада ишлаш учун Хива яқинидан Бўкей деган қорақалпоқ қиз ҳам акасининг оиласига қўшилиб келибди. Пешонага ёзилгани бўлади, деганларидек улар шу ерда топишиб, оила қуришди. Сўнг Казангапнинг эли юртига — Орол бўйига қайтишга қарор қилишди. Бироқ кейинчалик йўлаб караса, янглишган экан. Поезддан-поездга ўтиб узок йўл юриб

«Максим»¹ да етиб боришди, охири Кумбелга бориб яна бир бошқа поездга чикмоқчи бўлиб турганларида тасодифан ороллик ҳамқишлоқларини учратиб колди. Улардан суриштириб билса, ҳозирча Бешоғочга қайтиб боришга ҳожат йўқ, чунки у ерда ҳам дўппи ўрнига бош оладиган ҳалиги одамлар ўзбошимчалик қилишаётган экан. Шундай бўлгач, овулимга бориб нима ҳам қилдим, деб ўйлади Казангап. Нимадандир кўрққанидан эмас, йўқ, у энди кўрқмайди — керак бўлиб қолса қўлида хизматини далилловчи Ўзбекистоннинг фахрий ёрлиғи бор. Эл олдида шармандаю шармисор қилиб калтаклаган кимсаларни яна қайта кўришни истамади, холос. Ҳозирча буларнинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. «Ўша воқеа»дан кейин гўё ҳеч нарса содир бўлмагандай улар билан бамайлихотир учрашиб, салом-алик қилиб юра олармиди у!

Казангап «ўша воқеа»ни эслашни хуш кўрмас, нима учун ўзидан бошқа ҳамма у кўргиликларни аллақачон нутиб юборганини ҳам тушунолмасди. Сариўзакка келиб ўтроклашиб қолганларидан сўнг орадан узок йиллар ўтиб, бу воқеани яна икки марта эслашга мажбур бўлди. Биринчисида, ўғли уни қаттиқ ранжитган бўлса, иккинчисида, Эдигей қалтис ҳазил қилиб қўйган эди.

Собитжон келган кунлардан бирида чой устида гурунглашиб қолишди, шаҳар янгиликларидан тинглашди. Собитжон гап орасида коллективлаштириш йиллари Синцзянга кетиб қолган қозоқлар билан қирғизлар энди яна қайтиб келишаётганини қулиб гапириб берди. Хитой уларни коммуналарга киритиб, кўргилигини кўрсатаётган эмиш. Одамларга уйда овқатланиш таъқиқланиб, фақат умумий қозондан қунига уч маҳал овқат беришаркан. Каттаю кичик қўлида қосаси билан навбат кутиб туришаркан. Хитойлар шунақа ҳам таъзирини беришибдики, охири оёғи қуйган товукдай уй-жойини ташлаб қочиб қолишибди. Келиб оёғимизга бош уришяпти, нима бўлса ҳам қайтишга рухсат берсаларинг, деб ялиниб-ёлборишяпти, шўрликлар...

— Бунинг нимаси яхши?— деб қош-қовоғини уйиб олди Казангап.

Ғазабдан лаблари дир-дир титрарди. Унинг камдан-кам пайтларда жаҳли чиқарди, ўғлига ҳам камдан-кам пайтлардагина қаттиқ гапирарди. Деярли уни қойимасди деса ҳам бўлади. У ўғлини ортиқ даражада севарди, ўқитиб саводини чиқариш учун ундан ҳеч нарсани аямасди, катта одам бўлади деб умид қилиб юрарди.

— Нега сен уларнинг устидан куляпсан?— давом этди у бошига қон қуйилганидан тобора жиддийлашган ҳолда.— Бу — одамларнинг бошига тушган мусибат-ку, ахир.

— Нима дейин бўлмаса? Бу ёғи қизик бўлди-ку!— эътироз билдирди Собитжон.— Қандай бўлган бўлса, шуни гапиряпман.

Отаси лом-мим демади, олдидаги чой қуйилган пиёлани суриб

¹ Одам ташийдиган эшелонлар ўша вақтда «Максим» деб аталар эди.

қўйди. Унинг сукут сақлаб ўтиришидан уй ичига оғир жимлик чўкди.

— Умуман, кимдан хафа бўламиз?— Собитжон ажабланиб елкасини қисди.— Тушунолмаёпман. Қайтариб айтаман: кимдан хафа бўламиз? Даврданми — уни ўзгартиролмаимиз. Ҳукуматданми? Ҳақкимиз йўк.

— Биласанми, Собитжон, мен ўз ишимга ўзим жавоб бераман. Бошқаларнинг ишига аралашмайман. Лекин, бунга ўғлим, ўзингни ақлинг етади деб ўйлагандим, бари бир, шуни унутмагинки, фақат биргина худодан хафа бўлишга ҳақкимиз йўк, ажалини юборса, кунимиз битгани шу деймиз, олло-таолодан ташқари, ким бўлишидан катъий назар, сўроқ олдида жавоб бериши керак!— Казангап шартта ўрнидан турди-да, ҳеч қаёққа қарамай, жаҳл билан ташқарига чиқиб кетди.

Бошқа бир сафар Қумбелдан кетишга қарор қилганларидан сўнг, орадан узоқ йиллар ўтиб, Бўронлига келиб жойлашиб олгач, болаличақали бўлиб, уларни ундириб-ўстириб, кўникма ҳосил қилгач, баҳор кунларидан бирида, кечга яқин, қўй-қўзиларни қўрага ҳайдаб олиб киришаётганда Эдигей уларнинг туёғи кўпайиб қолганини кўриб, ўртоғига ҳазил қилиб қўйди:

— Иккаламиз ҳам бойиб кетдик, Казаке, бизни энди бошқатдан кулоқ қилишсаям бўлади!

Казангап унга ялт этиб тикилиб қаради, ҳатто мўйлови ҳам тиккайиб кетди:

— Ўйламай сўзлаган оғримай ўлар, дейдилар. Тилингдан тутилиб ўтирмагин тагин!

— Нима, ҳазилни ҳам тушунмайсанми?

— Ҳазилнинг таги зил бўлиб чиқмасин.

— Қўйсанг-чи, Казаке. Ўтган ишлар ўтди-кетди...

— Ҳамма гап шунда-да. Бойлигингни олиб қўйишса ўлмайсан — бир амаллаб кун кўриб кетаверасан. Аммо кўнгил шишаси синса — уни ҳеч нарса билан бутлаб бўлмайди...

Бироқ Қумбелдан Сариўзақ чўли орқали Бўронлига йўл олганларида ҳали бу гапларга жуда узоқ эди: Бўронли бекатига келиб бу ерда туриб қолишадими-йўкми ёки яна дарбадарликда олам кезишадими — ҳали бу ёғи номаълум эди. Йўлда улар шунчаки, у ёқ-бу ёқдан гаплашиб боришди. Эдигей гап орасида Казангапдан тани соғлигинг кўтармадими ёки бошқа бирор сабаби борми деб, унинг фронтга бормай қолганини қизиқиб сўраб қолди.

— Йўк, худога шукр, соғ-саломатман,— деб жавоб қилди Казангап.— Ҳеч қанақа касалим йўк. Урушга борганимда ҳам бошқалардан қолишмай жанг қилардим. Гап бошқа ёқда...

Бетпоқдаладан келаётган Казангап Бешоғоч овулига боришдан воз кечгандан сўнг яна Мирзачўлга қайтиб бориш қалай бўларкин, йўл олис, бориб нима ҳам қилишади, ундан кўра турган жойимиздан жилмаганимиз маъқул эди, деб қаерга боришларини билмай Қумбел

бекатида туриб қолишди. Ё Оролга боришсамикин? Шунда уларга катта бекат бошлигининг кўзи тушиб қолди. Раҳмдил киши экан, самимий кутиб олиб, қаёқдан келиб қаёққа кетаётганини ва нима иш билан машғул бўлмоқчи эканини суриштиргач, Казангап билан Бўкей иккаласини юк вагонига миндириб Бўронли бекатига жўнатди. «У ерда одам етишмай турибди, айни сизларга ўхшаган одамлар керак», деди-да, бекат бошлиғига икки энли хат ёзиб берди. У янглишмаган экан. Мирзачўл одамлар билан тўлиб-тошган, иш ҳам кизигандан-кизиган эди. Уни кимсасиз, сувсиз Сариўзак дашти билан таққослашнинг ўзиёқ киши кўнглини беҳуд қилиб юборади. Бироқ шунга қарамай, чўл қанчалик даҳшатли бўлмасин, аста-секин кўникиб, мослашиб кетишди. Яхшими, ёмонми, ҳар қалай, ўз ҳолича яшай бошлашди. Иккаласи гарчи ҳисобда «темир йўл ишчиси» саналишса ҳам тўғри келган ишни бажарар эдилар. Шу тарика иккала ёш — Казангап билан Бўронли Бўкей Сариўзак даштидаги хувиллаган Бўронли бекатида рўзғор қуриб тирикчилик қила бошладилар. Тўғри, улар ўша йиллари бир-икки бор етарли пул жамғариб, катта бекатга ёки шаҳарга яқинроқ бирор жойга кўчиб кетишга ҳам чоғланиб юришди. Лекин бу орада уруш бошланиб қолди. Шу-шу Бўронлида тиним бўлмади: солдат тўла эшелонлар мағрибга, эвакуация қилинган тўла эшелонлар машрикқа, озиқ-овқат ортилган эшелонлар мағрибга, ярадорлар тушган эшелонлар машрикқа қараб тинимсиз катнай бошлади. Ҳаётнинг издан чиққани ҳатто мана шу Бўронлидек хувиллаган кичик бир тупка бекатдаги аҳволдан ҳам сезилиб турарди...

Орқам-кетин қаторлашиб кетган паровозлар семафор очилишини талаб қилиб тинмай бўқирар, қаршида навбат кутиб турганлари ҳам улардан қолишмасди... Оғир юкларни кўтаролмай шпаллар майишиб, эгилиб-букилиб кетар, тўлиб-тошган вагонларнинг оғирлигидан темир излар ҳам барвақт ишдан чиқарди. Темир йўлнинг бир жойини ремонт қилиб улгурмасдан, иккинчи бир жойи ремонтталаб бўлиб қоларди...

Эшелон кетидан эшелон узилмай, одам тўла вагонлар фронт сари ҳафталаб, ойлаб, кейинчалик эса йиллаб тинимсиз ўтаверди. Бунчалик сон-саноксиз одам зотининг қаердан пайдо бўлганини кўриб ақлинг учади. Шуларнинг ҳаммаси мағрибга томон — икки олам бир-бири билан олишиб ётган мағрибга ҳаёт-мамот жанги сари йўл олишган экан...

Бирмунча муддатдан сўнг Казангапнинг ҳам гали келди. Урушга чақиринди. Чақирув қоғозини Қумбелдан бериб юборишибди, тўпланиш жойи ўша ер экан. Бекат бошлиғи бундан хабар топиб, оғир изтиробга тушди: кичик бир бекатчада сон-саноксиз поездлар ўтиб-қайтиб турган бўлса, бу икки тоқа йўл резина эмас-ку шунча бардош берса, бунинг устига қўлидан иш келадиган ёлғиз ишчини ҳам фронтга олиб кетиб қолишса, ҳолимиз хароб бўлар экан-да,

деб бошини ушлаганча зорлана бошлади. Аммо шундай пайтда унинг додини ким ҳам эшитарди, дейсиз... Семафор олдида поездлар тинмай бақиришади... Зудлик билан яна бир запас йўл қуриш керак десанг, устингдан кулишади. Ёв дегани Москва остонасига келиб қолган бўлса, бу гаплар кимнинг ҳам қулоғига киради дейсиз...

Урушнинг эрта келган туман аралаш, изгиринли илк киши эшик қоқмоқда. Кунлар қисқариб, ана-мана дегунча кеч кириб, совуқ тушадиган кезлар. Казангап армияга жўнашдан бир кун аввал тунда қор ёғиб чиқди. Аввалига майдалаб ёққан бўлса, кейинчалик росмана гупиллаб уриб берди. Сариўзакнинг буюк сукунати узра, чексиз ястаниб кетган кенгликларию қир-адирлари узра беғубор, мусаффо самовий оқлик чойшаби тўшалди. Шунгача қор учқунларини майин елпиб, энгил чарх уриб ўйнаётган Сариўзак шамоли бирдан кўзғалиб қолди. Бу ҳали шамолларнинг шунчаки бошланиши — набираси эди. Шамолларнинг отаси туриб қолса борми, кучли қор бўронини кўтариб, увиллаганча гирдобланиб бутун борлиқни ўз ҳукмига олади. Унда одамнинг чакка томири сингари сарғайиб-бўзариб ётган буюк Сариўзак саҳросининг у чеккасидан бу чеккасига кесиб ўтган қилтомир — темир йўлнинг ҳоли не кечади? Чакка томир уриб тургани янглиг поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон ўтиб турган бўлса...

Ўша кеча тонг маҳалида Казангап фронтга жўнади. Ҳеч қандай кузатувчиларсиз ёлғиз ўзи жўнади. Уйдан чиққанларида бола кўтариб олган Бўкей қордан бошим айланиб кетди, деб тўхтаб қолди. Казангап йўрғакланган болани унинг қўлидан олди. Бу вақтга келиб, Ойзода туғилган эди. Эҳтимол, иккаласининг ўша тонг қор бетида қолдирган оёқ излари сўнгги излар бўлиб чиқар? Тақдирни кўрингки, Казангапни аёли билан бола кузатиб қўйиш ўрнига, аксинча, Казангап уларни йўл кўрсаткичларини буриб-бошқариб турадиган иш жойи — йўл уйчасигача олиб борди-да, ўзи Қумбелга бораётган юк поезди-га тушмоқчи бўлди. Энди Бўкей эри ўрнида йўл бошқарувчи бўлиб қолаётган эди. Эр-хотин шу ерда хайр-хўшлашишди. Кеча кечасиёқ улар бир-бирига айтадиган гапларини айтиб, йиғи-сиғи қилиб бўлишган эди... Йўлга шай паровоз буғ таратиб, оғир нафас олди, машинист эса уни шошилтирди. Казангап энди чиқиб ҳам олган эди, паровоз узоқ чинқириб, жойидан кўзғалди ва аста-секин тезлигини ошира бошлади. Филдираклар йўлнинг туташган жойларига келиб урилиб тарақа-туруқ овоз чиқаради. Паровоз кўрсаткичларнинг йўналиши орқали йўл очиб турган Бўкейнинг ёнгинасидан ўтиб кетди. У бошини рўмол билан танғиб, белани маҳкам боғлаб олган, оёғида эрининг этиги, бир қўлида байроқча, бир қўлида бағрига босганча боласини кўтариб турибди. Улар сўнгги бор бир-бирларига қўл силкишиб қолишди... Кўз олдидан хотинининг сиймоси, дардли боқиши, қўлини кўтариб қолишию семафор чироғи бирин-кетин ўта бошлади.

Бу орада поезд гўё тушда кўргандай сассиз-садосиз кўз олдинга ёпирилиб келиб, яна сассиз-садосиз орқада ястаниб қолиб кетаётган Сариўзакнинг сутдай қор босган далаларидан ўтиб кулоқни қар қилгудек даражада гулдираб елдай учиб борарди. Паровозга келиб урилаётган шамол ўтхонадан чиқиб киши кўнглини беҳузур қилувчи кўмир ҳидини янги ёққан дашт қорининг беғубор ҳиди билан аралаштириб юзга уради... Казангап Сариўзак кенгликларининг мана шу киши хавосидан тўйиб-тўйиб нафас олар экан, бу улкан чўлнинг қон томири, шу кундан эътиборан унинг ўз қон томири билан узвий туташиб кетганини қалбдан чуқур ҳис этди...

Қумбелда армияга чақирилганларни фронтга жўнатишаётган эди. Ҳаммани сафга тизиб, йўклама қилгач, вагонларга бўлишди. Шу пайт кутилмаган воқеа юз берди. Казангап ўз колоннаси билан бирга энди вагонга чиқмоқчи бўлаётганда ҳарбий комиссариат ходимларидан аллақандай киши унга етиб олди.

— Асанбоев Казангап! Ораларингизда Асанбоев борми? Бўлса, қатордан чиқсин! Қани, орқамдан юр-чи!

Казангап буйруқни бажарди.

— Мен — Асанбоевман!

— Ҳужжатларингни бер!.. Тўғри. Худди ўзи. Энди мен билан юр.

Шу аснода улар яна бекатга, тўпланиш пунктига келишди. Ҳалиги ходим унга:

— Кулоқ сол, Асанбоев, сен ҳозирок уйингга қайт. Тушундингми?— деди.

— Тушундим,— деб жавоб қилди Казангап ҳеч нарса тушунмаган бўлса ҳам.

— Ундай бўлса, жўна, бу ерда ўралашма. Сен озодсан.

Казангап кузатувчилар ва жўнаб кетаётганларнинг ғала-ғовури ичида нима қилишини билмай, гангиб қолди. Аввало ишнинг бунчалик ўзгариб кетганидан қувонган бўлса ҳам кейинчалик бирдан ҳушига келиб юрагига ғулғула солган аллақандай шубҳадан муздек терга ботди. Э-ҳа, гап бу ёқда экан-да! Шундан сўнг, у оломон орасидан ёриб ўтиб йиғин бошлиғи эшиги олдига борди.

— Ҳой, қаёққа суқиялсан?— деб бақиришди навбат кутиб ўтирган бошқа одамлар.

— Шошилич ишим бор! Эшелон кетиб қоляпти. Шошилич ишим бор!— дея у бошлиқ олдига кирди.

Чекилавериб тутун тўлган хона, телефонлар ва ҳар хил қоғозлар орасида одамлар қуршовидаги сочлари оқара бошлаган бўғиқ овоздаги киши Казангап яқинлашиши билан бужмайган юзини столдан кўтарди:

— Сенга нима керак? Қандай иш билан келдинг?

— Мен норозиман.

— Нимадан норозисан?

— Отам оқланган! У кулоқ эмас! Ишонмасангиз, ҳамма қоғозла-

рингизни текшириб кўринг! Ўртаҳол чорвадор бўлгани учун оқланган.

— Шошма, шошма! Сенга нима керак ўзи?

— Шу сабабдан мени армияга олмаётган бўлсаларинг, унда нотўғри қиласизлар.

— Нима деб алжираяпсан? «Кулоқ-сулоқ», «ўртаҳол» — қаёқдаги унутилиб кетган гапларни айтасан, ҳозир бу билан кимнинг иши бор? Қаёқдан келиб қолдинг? Кимсан ўзинг?

— Бўронли бекатидан, Асанбоевман.

Бошлик рўйхатлардан унинг номини қидириб топди.

— Боядан бери шундай демайсанми, «Ўртаҳол», «камбағал», «кулоқ», деб жудаям бошимни оғритиб юбординг-ку! Сенга брон бор! Янглиш чақирилган экансан. Ўртоқ Сталиннинг буйруғи бор-ку, темирйўлчиларга тегилмасин, ўз жойларида қолишсин, деган. Бор, бу ерда ўралашма. Ўз жойингга бориб ишингни қил, уқдингми?..

Бўронлига етай деб қолишганда кун ботди. Энди улар яна темир йўлга яқинлашишди, у ёқдан-бу ёққа ўтаётган поездларнинг тарақа-туруқи эшитилиб, вагонлар ҳам ғира-шира кўрина бошлади. Улар олисдан қараганда, даштлик қўйнида ўйинчоққа ўхшаб кўринарди. Ортада секин ботаётган куёш теварак-атрофдаги сойликлару қир-адирларга сўнгги нурларини таратиб, айна чокда соя соларди. Шу лаҳзада билинар-билинемас кош қорайиб, ҳали қиш рутубатидан қутулмаган ернинг баҳорий нафаси билан тўйинган изғирин ҳаво аста-астакин мовий пардага буркалиб борарди.

— Ана, Бўронли деганимиз шу бўлади, — деди Казангап қўли билан туяда ўтирган Эдигейга ва унинг ёнида ҳаллослаб келаётган Уккуболага ўгирилиб қараркан. — Бу ёғи оз қолди. Ҳозир етиб борамиз, худо хоҳласа, мириқиб ҳордик чиқарасизлар.

Олдинда — темир йўлнинг бир оз бурилиб ўтадиган жойида, яйдоқ далада бир неча уйча кўринди, запас йўлда эса поезд семафорнинг очилишини кутиб турарди. Атрофга қарасанг, қилт этган нарса кўринмайди, ҳаммаёқ сассиз-садосиз, ҳадсиз-худудсиз чўлибиёбон...

Эдигейнинг юраги орқасига тортиб кетди. Денгиз бўйида яшаб, Орол даштларига кўникиб кетган Эдигей бу манзарани кўриб ҳангу манг бўлиб қолди. Қачон қарама, мовий тусга кириб, мавжланиб турадиган роҳатбахш кадрдон денгиз бўйидан одамни ютиб юборгудек кимсасиз чўлга келиб қолса-я! Бу ерларда жон сақлаб бўладими?!

Уккубола эрига яқин келиб, унинг салмоқланган оёғига қўлини қўйганча бир оз ёнида юриб борди. Эдигей аёлининг «Майли, энг муҳими, соғайиб кетсанг бўлгани. У ёғи бир гап бўлар...» демоқчи эканини тушунди.

Шу зайлда улар Сариўзак даштига, кейинчалик маълум бўли-

шича, узоқ йиллар, яъни бир умрга яшайдиган манзилгоҳлари бўлмиш жойга яқинлашардилар.

Кўп ўтмай, қуёш ҳам ботди. Бўронлига эса улар тун кириб Сариўзак осмонида юлдузлар чарақлаган пайтда кириб келишди.

Бир неча кун Казангапникада туришди. Сўнг алоҳида яшай бошлашди. Уларга йўл ишчиларига қурилган баракдан бир хона ажратилди. Шундай қилиб, янги жойда ҳаёт кечираверишди.

Кимсасиз, ҳувиллаган Сариўзак чўлида, айниқса янги турмушнинг оғир ва машаққатли кунларида икки нарса Эдигейнинг жонига ора кирди: бири тоза ҳаво, иккинчиси туя сути. Ҳавонинг софлигини айтмайсизми, бунақаси етти иқлимда ҳам бўлмаса керак. Қимизни бўлса, Казангап тўғрилади, иккита она туясидан биттасини уларга инъом қилди.

— Биз хотин билан маслаҳатлашиб, шундай фикрга келдик,— деди у.— Ўзимизга етарли сутимиз бор. Сизлар соғиш учун бизнинг Окбошимизни олинглар. У соғинга кирган, ҳали ёш, болаланига иккинчи йил кетяпти. Ўзларинг боқиб, ўзларинг фойдаланинглар. Фақат боласини оч қолдирманглар. Бу туя энди сизларники, хотиним билан шу фикрга келдик. Бу сенга, Эдигей, урчитиб кўпайтириш учун моя. Яхши қарасанг, пода бўлади. Бу ердан кетишни хоҳлаб қолсанглар — ақча бўлади.

Окбошнинг бўталоғи Қорабош, кичкинагина, жажжигина, ўр-каччалари қора — тугилганига бир ярим ҳафта бўлди, холос. Жониворнинг кўзлари бирам чиройли, намчил тортган бу йирик, тиник кўзлар болаларники сингари ёқимли ва умидвор боқади. Гоҳида у онасининг ёнида шўхлик қилиб, шатолоқ отиб ўйнайди, яна бир қизиғи шундаки, у кичкина қўрачада ёлғиз қолса, худди одамга ўхшаб бўзлаб онасини чақиради. Мана шу бўталоқни вақти келиб, бутун Сариўзакда ном таратишини, машхур Қоранор бўлиб етишишини ўша вақтда ким ўйлабди, дейсиз. Эдигей Бўроннинг ҳаётидаги кўпгина воқеалар шу Қоранор билан боғлиқ экани кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Ўша кезлари унга кўз-қулоқ, соат сайин хабардор бўлиб туриш керак эди. Эдигей унга жуда ўрганиб қолди. Сал бўш қолди дегунча, ёнида бўлади. Илгарилари, Оролдалигида ҳам бунака ишларга кўникиб қолган эди, билганлари энди бу ерда ҳам асқотди. Қишга бориб жажжи бўталоқ анча бўй тортиб қолди. Шунда совуқ тушиши билан унга иссиқкина ёпқич тикиб беришди, ёпқичнинг қорин остидан қадаб қўядиган тугмалари ҳам бор эди. Ёпқич ёпилиб, тугмалари қадаб қўйилгандан сўнг бўталоқ ғоятда қулғили бўлиб қоларди — фақат боши, бўйни, оёқлари ҳамда икки ўрқачигина кўзга ташланарди, холос. У бутун кишни мана шу энгилда эртау кеч чўлда очик ҳавода юриб ўтказди.

Ўша йилнинг кузида Эдигей аста-секин қувватга кириб, ҳийла ўнгланиб олаётганини сездди. Бош айланиш балосидан қутулганини ўзи ҳам сезмай қолди. Салгина ишга тер босиб, қулоғининг гувил-

лаши аста-секин бархам топа бошлади. Қиш ўртасига келиб темир йўлни калин қор босиб қолган кунлари Эдигей ҳамма катори йўл тозалашга чиқадиган ҳам бўлиб қолди. Ёш эмасми, яна бунинг устига табиатан пишиқ, тиришқоклиги туфайли бора-бора қадимги ҳолига келди, ҳатто яқин-яқинларгача оёғини аранг судраб босиб юрганини унутиб юборди. Малласоқол докторнинг айтгани ниҳоят тўғри чиқди.

Кайфи чоғ бўлиб турган пайтлари Эдигей бўталокни бўйнидан кучоклаб, эркалатиб бундай деб ҳазиллашарди:

— Иккаламиз эмикдош, оға-инимиз. Оқбошнинг сутини эмиб, сен қанақа катта бўп кетдинг, мен бўлсам контузия балосидан қутулдим чоғи. Худоё худовандо бир умрга қутулганим рост бўлсин. Фарқимиз шундаки, сен онангни эмдинг, мен бўлсам, онангни сутини соғиб, шубат ичдим...

Орадан узок йиллар ўтиб, Қоранор Бўрон Сариўзак даштида шу қадар машҳур бўлиб кетдики, ҳатто унинг суратини олиш учун қандайдир одамлар махсус келишадиган бўлишди. Бу — уруш суронлари унутилиб, болалар ўсиб-униб мактабда ўқиб юрган, Бўронли бекатида ўз қудукларини қазиб, сув ташиш азобидан қутулган кезларда, Эдигей тунука том қуриб, неча йиллар сарсон-саргардонликдан кейин ниҳоят азоб-укубатлардан қутулиб, ўз кадр-комматини топиб, турмушини ўнглаб, одатдагидай ҳаёт кечири бошлаган пайтларда бўлган эди. Ўшанда айтилган бир гапни Эдигей кейинчалик узок вақт ёдидан чиқармай юрди.

Келганлар ўзларини фотомухбирлармиз деб таништиришди. Бўронли тарихида камдан-кам учрайдиган ҳодиса бу, ҳатто уларнинг биринчи марта келиши деса бўларди. Ҳазилкаш, сўзамол фотомухбирлар уч киши эди, «Қоранор Бўронни ва унинг эгаси, яъни сизнинг суратингизни барча газета ва журналларда босиб чиқарамиз, биз шунинг учун келдик», деб оғизларига сиққанча ваъда беришди. Атрофдаги кишиларнинг ортиқча ҳаракатларию шовқин-суронлари Қоранорга унчалик ёқмади, у жини кўзиб, тишларини ғижирлатиб, бош чулғаб ҳеч кимни яқин келтирмасликка ҳаракат қиларди. Мухбирлар Эдигейдан туянгизни тинчлантурсангиз, у ёққа буриб турсангиз, энди бу ёққа буриб турсангиз, деб ҳар лаҳза жониҳолига қўйишмасди. Эдигей эса, ўз навбатида, бирга тушганимиз маъқул, деб ҳадеб бола-бақраю хотин-халажларни ва Казангапнинг ўзини ҳам чақириб жонсарақ бўлаётган эди. Фотомухбирлар ҳам бунга эътироз билдиришмай ҳар хил аппаратлар орқали шик-шиқ эткизиб турли томондан суратга олишарди. Ҳаммадан ҳам қизиғи Қоранорга болаларнинг ҳаммасини мингизиш бўлди: икки бола бўйнига, бешта бола белига, Эдигейнинг ўзи эса ўртага ўтириб олди. Шунда паҳлавон туя ўрнидан кўзгалиб тураркан, атрофда «Ана гўяю мана туя!», деган кулги ва қийкирик овозлари янгради. Ёунга икром бўлган суратчилар энди Қоранорнинг ўзини алоҳида

суратга олиш муҳим эканини айтишди. Эдигей бўлса, марҳамат, истаганларингизча олаверинглар, деб хайрхоҳлик билдирди. Шунда фотомухбирлар Қоранор Бўронни ҳали у ёғидан, ҳали бу ёғидан, дам яқиндан, дам олисдан туриб хоҳлаганларича суратга ола бошлашди, сўнг Эдигей билан Казангап ёрдамида туянинг бўйни, кўкрак кенглигини, оёқларининг йўғонлигию танасининг узунлигини ўлчаб, ҳамма-ҳаммасини завқланиб ёзиб олишди.

— Ажойиб бактериан экан! Генларнинг қойилмақом иш берганини кўринг! Бактерианнинг классик намунаси! Кўкрагининг кенглигини каранг, ажойиб экстерьер!¹ — деб макташарди.

Туяси ҳақидаги бундай мактовларни эшитиш Эдигейга, албатта, хуш ёқарди. Аммо, у кўп сўзларни тушунмасди, жумладан «бактериан» сўзининг маъносини сўраб олишга тўғри келди. Айтишларича, илмда икки ўрқачли туяларнинг қадимий зотларини шундай аташаркан.

— Демак, бактериан дегани шу экан-да?

— Ниҳоятда тозаси. Олмос деяверинг.

— Бу ўлчовларни сизларга нима кераги бор?

— Илмий маълумот сифатида жуда зарур.

Газета-журналларда чиқарамиз, деб лоф уришганларида меҳмонлар кўпроқ бўронлиликлар олдида ўз обрў-эътиборларини оширмоқчи бўлган эканлар. Орадан ярим йил ўтгач, Эдигей қалин посылка олди, унда туячилик бўйича зоотехника факультетларига мўлжаллаб чиқарилган дарслик бўлиб, муқовасида бактерианнинг классик намунаси — Қоранор Бўрон ўзини кўз-кўз қилиб, савлат тўкиб турарди. Китобга қўшиб бир даста фотосуратлар ҳам юборишибди, ичида ранглилари ҳам бор. Ҳатто шу фотосуратларга қараб туриб ҳам ўша кезлар ажойиб, бахтиёр замонлар эканлигини билиб олиш мумкин эди. Урушдан сўнгги дастлабки йилларнинг мусибатлари ортда қолган, болалар ҳали болалик ёшидан чиқмаган, катта ёшдагилар эса соғ-саломат кучга тўлган пайт, қарилик ҳам ҳали олти қирнинг ортида эди.

Ўша уни Эдигей меҳмонлар шарафига қўзи сўйди, барча бўронлиликларни чақириб катта зиёфат берди. Шубат, ароқ дейсизми, бошқа ноз-неъматлар дейсизми — ҳаммаси тўкин-сочин бўлди. Ўшанда бекатга ОРСнинг кўчма вагон-магазини келганди. Кўчма магазиндан исталган нарса топиларди. Фақат пул бўлса бўлган: қисқичбақалар, қора ва қизил увилдириқлар, турли нав балиқлар, коньяклар, колбасаю ширинликлар — ҳамма-ҳаммаси муҳайё эди. Бироқ серобликка сероб эдию одамлар уларни унчалик харид қилишмасди, ортиқча дунёнинг нима кераги бор, дейишармиди? Ўша кўчма магазин бу ерларга аллақачонлар келмай қўйган...

Ўшанда роса ажойиб ўтириш бўлганди, ҳатто Қоранор Бўрон

¹ Экстерьер — бирор хайвоннинг ташқи кўриниши (Ред.).

учун ҳам ичишган. Суҳбат орасида маълум бўлишича, меҳмонлар Қоранор тўғрисидаги гапларни Елизаровдан эшитишган экан. Сариўзак чўлида Эдигей Бўрон деган дўстим яшайди, унинг Қоранор Бўрон, деган туялар бор, дунёда бунақа келишган туя бўлмаса керак, деб Елизаров айтган экан! Эҳ, Елизаров, Елизаров! Олтин одам, Сариўзак чўлининг билимдони эди у. Елизаров Бўронлига келди дегунча, Казангап учаласи тўпланишиб, тонг отгунча суҳбат куришарди...

Ўша ўтиришда меҳмонларга гоҳ Казангап, гоҳ Эдигей навбатманавбат, бирининг сўзини иккинчиси давом эттириб ва тўлдира бориб, бу ердаги туялар зотининг машхур аждоди — Окмоя билан унинг Она Байит кабристонига дафн этилган номдор эгаси Найман она ҳақидаги Сариўзак ривоятларини ҳикоя қилиб беришди. Ҳа, Қоранор Бўроннинг асли таги-зоти қаердан эканини энди билаётгандирсиз! Бўронлиликлар мана шу кўҳна воқеани газетада босиб чиқаришса керак, деб умид қилишган эди. Меҳмонлар воқеани кизиқиш билан тинглашдию аммо буни маҳаллий аҳоли ўртасида тарқалган ва авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бир афсона, деб унчалик эътибор беришмади. Елизаров эса Окмоя афсонаси ўтган замонларда чиндан ҳам бўлиб ўтган тарихий воқеликни тўла акс эттириши мумкин, деган фикрда эди. У мана шунақа гапларни, кунт билан тинглар, ўзи ҳам ўтмишга доир чўл ривоятларининг анча-мунчасини биларди...

Меҳмонларни кечга яқин кузатиб қўйишди. Эдигей шу куни жуда хурсанд, кайфи чоғ юрди. Шу сабабдан ҳам у ўйламай гаприб қўйди. Ҳарҳолда, меҳмонлар билан бирга эди. Айтилган сўз — отилган ўқ эмасми?!

— Ростини айтиб қўя қол, Казаке,— деди у Казангапга — Қоранорни бўталоклигида менга тортиқ қилганинга роса ичинг ачиётган бўлса керак-а?

Казангап унга қараб, мийиғида кулиб қўйди. Афтидан, бу гапни кутмаган эди. Бир оз сукут сақлаб деди:

— Ҳаммамиз ҳам инсонмиз-ку. Билсанг агар, ота-бободан қолган бир удум бор: мол эгаси худойдан, дейишган. Буюрганики бўлади. Қоранор сенга буюрган экан. Бошқа бирон кимсанинг қўлига тушгандами, ҳоли не кечишини ким билсин, эҳтимол, жарликдан қулаб ёки бўлмаса аллақандай касалликка чалиниб ҳаром ўлиб қолармиди. Ҳар қалай, у сенга насиб этган экан. Илгари ҳам қўлимда яхши туяларим бор эди. Улар ҳам мана шу Қоранорнинг онаси Окбошдан таркаган. Сенга тақдим этилгани ўшалардан бири... Худо ёрлақаб, юз йил хизматингни адо этсин. Бироқ, ҳалиги гапингни иккинчи маротаба тилга олма...

— Хўп, айб менда, Казаке, кечирасан,— деди Эдигей бемаврид айтган сўзидан хижолат чекиб.

Яна суҳбатга қайтар экан, Казангап ўз мулоҳазаларини давом

эттирди. Ривоятларга қараганда, зотдор мода Оқмоя еттита бўталоқ туққан бўлиб, уларнинг тўрттаси урғочи, учтаси нор туялар экан. Ушандан буён барча мода туяларнинг боши оқ тусда, нортуяларники эса аксинча қора тусда, танасининг қолган қисмлари эса қўнғир тусда туғилар экан. Демак, Қоранорнинг бу хилда туғилиши ҳам бежиз эмас. Оқбош онадан қорабош бўта туғилдими, буни Оқмоянинг уруғи деябер. Оқмоядан туғилганининг аломати шу. Ундан бери икки юз йилми, уч юз йилми, беш юз йилми, балки ундан ҳам кўп вақт ўтгандир, ким билсин, бироқ Сариўзак чўлида Оқмоянинг насли давом этиб келаётир. Шу тариқа ора-сира Қоранор Бўронга ўхшаш сиртлон туя туғилиб қолиши ҳам шу сабабли экан. Бу ҳам бўлса — Эдигейнинг омади. Қоранорнинг туғилиши унинг йигитлик бахтига насиб этган экан...

Вақти келиб, Қоранорнинг норлиги тутиб, тўполон қила бошлади, одамни яқинига йўлатмай қўйди, бир неча кунлаб дом-дараксиз аллақаякларга йўқолиб кетадиган бўлиб қолди. Шунда Эдигей уни на ахта қилиш, на кишанда сақлаш йўлини топмай, Казангапдан маслаҳат сўраганида, у очигини айтди-қўйди:

— Бу ёғи ўзинга ҳавола. Тинчингни ўйласанг, ахта қил. Ном чиқараман десанг — тегма. Аммо унда бирон ҳодиса юз бергудек бўлса, бутун оғирликни ўз бўйининга олишга тўғри келади. Чидасанг, икки-уч йил бебошлик қилади-да, сўнг ўз ортингдан эргашиб юрадиган бўлади.

Шу маслаҳатга кўниб, Эдигей Қоранор Бўронга тегмади. Ахта қилишга кўли бормади. Уни бўғралигича қолдирди. Аммо кейинчалик бундан минг пушаймонлар еб, бағри қонга тўлиб юрган кезлар ҳам бўлди...

V

Бу ўлкаларда поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Темир йўлнинг иккала томонида ёвшанзор билан қопланган ҳайҳотдай дашлик — Сариўзак, ўртачўл ястаниб ётади.

Ҳар қандай масофа Гринвич меридианидан ўлчангани сингари бу ерларда масофа темир йўлга нисбатан ўлчанади.

Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Эрта тонгда ҳамма нарса тахт бўлди. Қалин наमतда зич ўраб, сиртидан жундан тўқилган тасма билан танғиб қўйилган, боши ўралган Казангапнинг жасадини олдиндан ичига қипик, пайраҳа ва тоза хашак қатлами тўшаб тракторнинг тиркалма аравачасига ётқиздилар. Ортиқча ушланиб қолмасдан вақтлуроқ йўлга тушишлари, қабрис-

тондан узоғи билан кечкурун соат беш-олтиларга қайтиб келишлари зарур эди. Дафн этиладиган жойгача бориш ўттиз километр, келиш ҳам шунча, ўртада кўмиш маросими ҳам бор, хуллас, маърака кечкурун соат олтиларга тўғри келарди. Шу тариқа улар маъракаларга улгуриш учун йўлга равона бўлдилар. Ҳамма нарса тайёр эди. Эдигей Бўрон кечадан бери устига ёпқи тўшаб, эгар жабдуқлаб ясантириб қўйилган Қоранорни тизгинидан етаклаганча одамларни шошилтирарди. Одамлар ҳамон имиллашарди. Тун бўйи мишжа қокмай чиккан бўлса-да, Эдигей бардам ва сергак кўринар, аммо озиб кетган эди. Мошгуруч мўйлов, қоши ҳам мошгуруч, соқол мўрти тозалаб кирилган Эдигей ораста кийинган эди: оёғида хром этик, чийбахмалдан тикилган, чўнтаклари хўппайган галифе шим, оқ кўйлагини устидан қора камзул, бошида эса тантаналарда кийиладиган темир-йўлчиларнинг фуражкеси. Кўксиди ҳамма жанговар орден ва медаллари, ҳатто «Бешйиллик зарбдори» нишони ярқираб турарди. Буларнинг бари унга ярашиб тушган бўлиб, басавлат кўрсатар эди. Эдигей Бўрон Казангапнинг дафн этиш маросимида бундан бошқача киёфада бўлиши мумкин эмас.

Каттадан кичик барча бўронлиликлар буларни кузатишга чикдилар. Улар трактор атрофида тўпланишиб, жўнаш пайтини кутиб турар эдилар. Аёллар уввос солиб тинмай йиғлашарди. Бўронли Эдигей кутилмаганда ўртага чиқиб йиғилганларга қарата деди:

— Мана, биз ҳозир Сариўзакнинг қадимдан муқаддас ҳисобланиб келинган кўҳна Она Байит мозори сари йўл оламиз. Раҳматли Казангап ота шунга муносиб одам эди. Ўша ерга дафн этишни марҳумнинг ўзи васият қилган,— Эдигей яна ниманидир айтмоқчи бўлиб сукут сақлаб қолди ва давом этди:— Демак унинг пешонасига ёзилган туз-насибаси тамом бўлди. Бу инсон бизнинг бекатчамизда роса кирқ тўрт йил ишлади. Бутун умрини шу ерда ўтказди деса бўлади. У дастлаб бу ерда ишлай бошлаган кезларда ҳатто сув чиқарадиган насослар ҳам йўқ эди. Сув ҳафтада бир марта цистерналарда келтириб турилган. У замонларда ҳозиргидек қор тозалайдиган машиналар ва шунинг сингари бошқа машиналар йўқ эди. Ҳатто биз дафнга олиб бораётган мана бунақанги тракторлар ҳам у пайтларда бўлмаган. Бироқ, шунга қарамай, поездлар ўшанда ҳам ҳозиргидек қатнаб ётарди. Уларнинг йўллари ёзин-қишин ҳаммавақт тап-тайёр эди. Казангап ота Бўронлида ўз хизматини ҳалол ўтади. Ҳаммаларинг билар эдиларинг — у яхши одам эди. Энди йўлга тушайлик. Ҳамманинг боришига улов етмайди, бунга ҳожат ҳам йўқ. Темир йўлни қаровсиз қолдириб кетишга ҳаққимиз йўқ. Биз у ёққа олти киши борамиз, нимаки лозим бўлса, ҳаммасини ўрнига қўямиз. Сизлар эса бизни кутинглар, тайёргарлик кўринглар, қайтиб келганимиздан сўнг ҳаммаларинг маъракага тўпланинглар, мен буни марҳумнинг фарзандлари, мана улар — ўғли билан кизи, шулар номидан айтаётирман...

Эдигейнинг хаёлига келдими ёки йўқми, ҳар қалай бу айтилган сўзлар ўз-ўзича бир мотам маросимини эслатувчи митингга ўхшаб кетди. Шу билан улар жўнаб кетишди. Бўронлиликлар тиркалма арава орқасидан бир оз гангир-гунгур гаплашиб, кишлоқ чеккасигача кузатиб боришди-да, сўнг тўп-тўплари билан ортда қолиб кетишди. Яна анча вақтгача уввос йиғи эшитилиб турди — бу йиғи ортда қолган Ойзода билан Укқуболанинг нидоси эди...

Ортдаги ўкирик йиғи овозлари жимиб қолди, улар олтовлашиб тобора темир йўлдан узоклашиб, Сариўзак сари ичкарилаб борар эканлар, Эдигей енгил нафас олди. Энди улар ўз-ўзлари билан бўлиб қолишди. Эдигей ҳам нима қилиш зарурлигини биларди.

Қуёш Сариўзак кенглиklarини сахийлик билан киши руҳини хушнуд этувчи сарғиш нурга буркаб, ер куррасидан кўтарила бошлади. Ҳали дашт салқин эди. Улар йўлда ҳали-ҳозир ҳеч қандай машаққат чекмадилар, даштда одатдагидек юксак парвоз қилиб юрган фақат икки қалхату, яна гоҳ-гоҳида оёқ остидан пириллаб учиб чиққан тўрғайларнинг муаллақ қолганча қанотчаларини қоқиб вижирлаб сайрашларигина ҳукмрон эди. «Ҳадемай, булар ҳам учиб кетишади. Биринчи қор тушиши биланок тўпланишади-да, учиб кетишади»,— дея ўйлади Эдигей учқунланаётган қор пардасида учиб бораётган қушларни бир лаҳза хаёлига келтириб. Негадир яна темир йўл сари чопиб бораётган тундаги ўша тулки эсига тушди. Ҳатто у оҳистагина атрофга назар ташлади. Изидан келмаётганмикан? Яна ўша тунда Сариўзак дашти узра космосга парвоз қилган оловли ракетани ўйлаб кетди. У галати хаёлларидан ҳайратга тушар, ҳарҳолда бунақа хаёллардан ўзини олиб қочишга интилар эди. Йўл йироқ бўлишидан қатъий назар, ҳозир шуларни ўйлаб ўтиришнинг ўрни эмас эди...

Эдигей Бўрон ўз Қоранорида виқор билан ўтирганча Она Байит қабристонини томон олдинда йўл бошлаб борарди. Остидаги Қоранор эса бир маромда катта-катта қадам ташлаб, тобора илгариларди. Унинг ўзига хос одимлаб бориши тушунган одамга, айниқса, кўрам туюларди. Туянинг камондек мағрур эгилган бўйнига ярашган боши тўлқинлар орасида деярли қимир этмай бир тахлитда эркин сузиб бораётганга ўхшар, узун-узун пайдор оёқлари эса ҳавони кесиб, ҳормай-толмай тинимсиз равишда ер юзини одимлаб ўлчаб борар эди. Эдигей туя ўрқачлари орасига мустаҳкам ва қулай ўтириб олган, у мамнун эди, негаки Қоранор эгасининг ниқталашини кутмай, унинг ҳукмига дарҳол итоат этган ҳолда енгил юриб борарди. Эдигейнинг кўксидagi орденлари ва медаллари секингина жаранглаб, қуёш нурида шуъла таратиб туради. Лекин Эдигей ўз хаёллари билан банд эди.

Уларнинг изидан тиркалма аравачали «Белорусь» экскаватори борарди. Кабинада, ёш тракторчи Қолибекнинг ёнида Собитжон ўтирибди. Кеча у, ҳарҳолда, яхшигина ичиб олгани учун радио орқали бош-

қарилувчи кишилар ҳақидаги турли чўпчак ва бошқа бемаъни сафсаталари билан бўронлиликларни банд этган бўлса, энди руҳи тушган ҳолда сукут сақлаб боряпти. Унинг боши у ёқдан-бу ёққа чайқалиб кўяди. Ишқилиб, кўзойнаги синиб қолмасайди, деб хавотирланарди Эдигей. Тиркалма аравада Казангапнинг жасади ёнида ғам-ғуссага ботган ҳолда Ойзоданинг эри ўтирарди. У қуёш нуридан кўзларини қисиб, ора-сира атрофга назар ташлаб кўяди. Абгор бўлган бу пиёниста шу гал ўзининг одамийлигини кўрсатди, бир томчи ҳам оғзига олмади. Ҳамма ишда бош-қош бўлиб, барчага ёрдам беришга интилди. Айниқса, марҳумнинг жасадини олиб боришда астойдил жонбозлик кўрсатиб, елкадошлик қилмоқда. Эдигей туясига мингаштириб олай деб таклиф қилган эди, унамади. «Йўқ,— деди у,— қайнотамнинг ёнида ўтирақолай, сўнгги манзилигача ёнида бўлай». Унинг бу иши Эдигейга ҳам, бўронлиликларнинг барчасига ҳам маъқул тушди. Улар йўлга чиққанларида аравада ўтириб, марҳумнинг наमतга ўралган жасадини ушлаб олганча, ҳаммадан кўра кўпроқ ва ҳаммадан кўра қаттиқроқ йиғлади. «Ким билсин, шу кундан бошлаб ўзини қўлга олиб, ичкиликни ташлаб юборсами, Ойзода ва болаларининг бахти очилар эди», деб умидланарди ҳатто Эдигей.

Кимсасиз даштдаги бу кичик ва ғалати карвонни попукли ёпқи тўшаб безатилган туя устидаги киши бошлаб кетяпти, орқада «Белорусь» экскаватори. Кабинада Эдилбой билан Жумағали ўтирибди. Экскаваторни ҳабаш сингари қоп-қора, пакана бўйли Жумағали ҳайдаб келяпти. У одатда ҳар хил йўл ишларини шу машинасида бажариб юрарди. Жумағали Бўронлига келганига ҳали унча кўп вақт бўлмаган, бу ерда яна қанча вақт туриб қолиши маълум эмас. Эдилбой иккаласи бутун йўл бўйи аллақандай нарсалар ҳақида қизгин сўзлашиб келишди.

Бекат бошлиғи Ўспаннинг яхшилигини ҳам унутмаслик керак. Маросим учун бекат ихтиёридаги барча машиналарни ажратган ҳам ўша. Тўғри иш тутди бекатнинг ёш бошлиғи — шунча йўл пиёда босиб ўтилса, яна бунинг устига қабр кетмон-курак билан қўлда қавланадиган бўлса, кечга қайтиб келишлари даргумон эди. Негаки, қабрни чуқур қазиш, қазиганда ҳам яна мусулмон одатига кўра ёнидан девори тагидан лаҳад қазиш зарур, демак техникасиз иш битмайди.

Бу фикр даставвал Эдигей Бўронни бирмунча ўйлантириб қўйди. Қабрни қўл билан эмас, экскаваторда қазишни у хаёлига ҳам келтиролмасди. Шунинг учун у Ўспаннинг қаршисида қовоғини солиб, ишончсизлик билан ўтирди. Бирок Ўспан йўлини қилиб, чолни хотиржамлантирди:

— Эдике, мен сизга ишнинг қулай томонини айтаётирман, ҳеч нарсадан хижолат тортманг, аввал-бошда қўлда қазийсизлар. Ҳа, бошда белкуракда қазигач, сўнг экскаваторга навбат берасиз. Ўзин-

гизга маълум — Сариўзакнинг ерлари бамисоли тошдек қотиб кетган. Экскаваторда керагича қазийвериш керак, қолганини яна қўл билан охирига етказасизлар. Шундай қилинса, ҳам вақтдан ютасизлар, ҳам барча расму русумига риоя қилган бўласизлар...

Орадан маълум вақт ўтиб, Сариўзак чўлига кириб борган сари Эдигей Ўспаннинг маслаҳатлари тамомила тўғри ва унга амал қилиш зарур эканига иқрор бўлаверди. Ва ҳатто, бу тадбир хаёлига келмаганлигидан ажабланди ҳам. Ҳа, худо хоҳласа, Она Байитга етиб олганларидан сўнг шундай қилишади. Марҳумнинг бошини Каъбага — қиблага мангу қаратиб қўйиш учун қабристондан аввал қулай жойни танлаб олишади, сўнг тиркалма аравада олиб келишаётган белкуракларда қазишади, бир оз чуқур қавлашгандан кейин қабрни тубигача қавлаш учун экскаваторни ишга солишади, жасад қўйиладиган лаҳадни эса қўл билан битиришади. Ўшанда қабр тез ва кўнгилдагидек хозир бўлади.

Сариўзак бўйлаб айна шу ният билан йўл олишган эди. Улар дам ўру-қирлардан турнакатор чўзилиб боришар, дам кенг сойликлар ичида кўздан ғойиб бўлишар, гоҳ яна кенг сайҳонликка чиқиб кўзга равшан ташланиб қолишарди — олдинда Эдигей Бўрон туяда, ортида трактор тиркалма араваси билан, унинг кетида эса кураги ва ер қавлагич чўмичини икки томонида осилтириб, қўл оёқлари тарвақайлаган аллақандай кўнгизсимон «Белорусь» экскаватори борарди.

Эдигей кўринмай орқада қолиб кетган бекатга сўнгги бор ўгирилиб қараркан, бирдан жиддий қиёфада йўртиб келаётган малла ит Йўлбарсни кўриб ҳайратда қолди. Қачон эргаша қолдийкин. Ана холос! Бўронлидан йўлга чиққанларида кўзга чалинмаган эди шекилли бунақа қилиқ чиқаришини билганида, уни боғлаб қўйган бўларди. Қандай айёр-а! Эдигей Қоранори билан қаёққадир жўнайдиган бўлса, дарҳол сезиб қолиб, пайт пойлайди-да, эргашганича ҳамроҳ бўлади-қолади. Бу сафар ҳам ер остидан чиққандай пайдо бўлди-қолди у. Ҳечкиси йўқ, деб қўйди Эдигей. Уни ҳайдаб юборишга кечиккан эди. Қолаверса, итни деб вақтни ўтказмаслик керак. Майли, чопиб юраверсин... Худди эгасининг фикрини пайқаб етгандай, Йўлбарс тракторни қувиб ўтиб, Қоранорнинг олд томонида йўрта бошлади. Эдигей унга қамчи дастаси билан пўписа қилди. Ит бўлса ҳатто қулоғини ҳам кимириб эткизмади. Пўписа қилармиш, энди кечикдинг дегандай ит йўртишда давом этди. Шунақа маросимларга қатнашса? Нимаси ёмон? Кенг ўмовли, бўйинлари бақувват, сержун, қулоқлари кесилган, акли, боқишлари мулоим малла ит Йўлбарс ўзича кўркам, савлатли эди.

Она Байит сари боришар экан, Эдигей шу аснода йўл-йўлақай турли хаёлларга ғарқ бўлди. Уфқ узра бош кўтара бошлаган қуёш ҳаёт оқимини ўлчаб, бўлиб ўтган жамики турмуш аччиқ-

чучукларини эслатди унга. Эдигей Казангап билан ўтказган ёшлик йилларини эслаб кетди: ўша кезлари ҳар иккаласининг ҳам кучга тўлган қирчиллама пайтлари эди. Уларнинг иккаласи бекатнинг доимий ишчиси, асосий кучи бўлса, бошқалар Бўронлида унча кўп турмай, қандай келган бўлишса, шундай кетиб қолишар эди. Казангап иккаловининг нафас ростлаши учун вақт етишмасди, чунки хоҳлайсанми-йўқми, зарурат туғилиб қолса, суриштириб ўтирмасдан ҳар қандай ишни бажаришга тўғри келарди. Энди булар ҳақида ошқора гапирсанг ёшлар кулади, ўз умрларини зое кеткизган шўрлик қариялар, деб мазах ҳам қилишади. Дарвоқе, нима мақсадда шундай ишлар эдик? Демак, қандайдир кўзланган мақсад бор эди.

Қор босиб қолган кунларнинг бирида йўлни тозалаш учун икки кеча-кундуз тинмай ишлади. Кечаси жойни ёритиб туриш учун паровоз чирогидан фойдаланишди. Қор шамол аралаш ҳамон бўралаб ёғарди. Бир ёғини тозалагунингча иккинчи томонини қор босиб қоларди. Совуқ ҳам гапми, юз, қўллар қабариб кетади. Паровозга чиқиб беш дақиқа исиниб оласан, сўнг яна Сариўзакнинг ана шу ўламса ишига тутинасан. Ҳатто уларни ёритиб турган паровоз филдиракларини ҳам қор босиб қолган. Янги келган ишчиларнинг учтаси бир кечадаёқ безор бўлиб, ўзларини четга олишди. «Шуям тирикчилик бўлди-ю, ахир биз маҳбуслар эмасмиз-ку. Қамоқхонадаям тўйиб ухлаш учун вақт берилади»,— деб Сариўзакдаги оғир ҳаётни тўзатиб бўралаб сўкдилар. Йўл тозаланиб, поезд юрганда эса бир кун аввалгидек дарғазаб бўлиб, хуштак чалишиб, ярамас сўзлар билан сўкинганча жўнаб қолишди:

— Эй, аҳмоқлар, муз тишлагунча, мана буни тишланглар!

Гап вақтинча ишга келган бу ўспиринларнинг сўкиб кетганлигида эмас, бошқа нарсада эди. Эдигей ўша қор тозалашдаги оғир меҳнат кунлари Казангап билан муштлашиб қолган. Ҳа, шундай ҳам бўлган. Тун бўйи ишлайвериб мадордан кетишган эди. Қор бўралаб ёғар, изғирин шамол худди ўчакишган итдек авжига минар эди. Ундан ҳеч қаяққа қочиб қутулиб бўлмасди. Паровоз иссиқ буғини таратарди, бироқ ундан фақат туман ҳосил бўларди. Чироклар эса қоронғиликни аранг ёритарди. Ҳалиги уч киши кетиб қолгач, Казангап билан иккаласигина туяга чангал судратиб, темир йўл ёқасидаги қорни тозалашди. Йўл чеккасидаги қор туянинг ўмгагидан келарди. Жониворлар тортолмас, бу қиёмат қойимдан улар ҳам безиллашар эди. Казангап икки туянинг тизгинидан тортса, орқадан Эдигей қамчилаб ҳайдарди. Шу алфозда ярим тунгача тер тўкишди. Охири туялар қорга чўкиб, ётиб олишди. Ўлдирсанг ҳам турадиган ҳоли йўқ. Нима қилиш керак? Ҳаво тингунча ишни тўхтатиб туришга тўғри келди. Улар паровознинг ёнида шамолдан беркинишиб туришди.

— Етар энди, Казаке, паровозга чиқиб ўтиратурайлик, ҳаво тинса, бир гап бўлар,— деди Эдигей музлаб қолган қўлқопларини бир-бирига уриб.

— Хавонинг бўлгани шу. Бундан яхшисини кутма. Бари бир бизнинг вазифамиз йўлни тозалаш. Қани, куракни ол, бекор туришга ҳаққимиз йўқ.

— Ҳой, биз нима, — одам эмасмизми?

— Йўқ, одаммасмиз, инига беркиниб олган бўри ёки бўлмаса, бошқа ҳар хил ҳайвонлармиз.

— Ҳа, аблаҳ!— ғазабланди Эдигей.— Сенингча одам ўлса ҳам майли экан-да, ҳали ўзинг ҳам ўлиб кетасан бу ерда!— деб унинг чаккасига қўйиб юборди.

Иккаласи олиша кетишди ва бир-бирларининг лабини уриб ёришди. Яхшиямки, паровознинг ўт ёқувчиси сакраб тушиб, вақтида ажратиб қўйди.

Мана шунақа одам эди Казангап. Энди бунақа одамларни топиб бўлсан. Бу кунларда Казангаплар йўқ. Мана, охиргисини дафн этгани олиб боряпмиз. Марҳумни ер қаърига узатиб, унинг қабри тепасида видолашув сўзини айтиш қолди, холос, шу билан тамом-вассалом.

Эдигей Бўрон шуларни ўйлар экан, хотирасидан бир оз кўтарилган қуръон оятларини ичида қайтарар, қатъий сўзлар тартибини ҳамда ҳақ таолога қаратилган фикр изчиллигини ёдга туширмоқчи бўлар эди. Қуръон сўзи — худо сўзи. Кўзга кўринмайдиган кодири яктогина инсон ибтидоси ва интиҳоси ўртасидаги, ҳаёт ва ўлим ўртасидаги муросазликни келиштира олиши мумкин. Қуръон асли шу мақсадда яратилган бўлса керак! Одам ўлиш учун туғиладими, нега энди сен оламини шундай яратгансан, деб олло-таолодан сўрай олмайсан-ку?! Ҳар қанча бақирганинг билан овозинг эгасига бориб етмайди-ку. Дунё дунё бўлибдики, кишилар шу тарзда келишмасдан муроса қилиб келади. Қуръон ҳам, ундаги айнан такрорланувчи сўзлар ҳам одам беҳудага зорланмасин, ўзига тасалли берсин, деб азал-азалдан ўқиб келинади. Аммо минг йиллар мобайнида олтин ёмби сингари сайқал топиб келаётган бу қуйма сўзлар — марҳумнинг жасади устида тириклар томонидан айтилиши шарт бўлган энг сўнгги сўзлар. Удум шу.

Осмонда худо борми ёки мутлақо йўқми — бундан қатъий назар, инсон бари бир мушкул аҳволга тушганда худони эслаб қолади. Эдигей яна мана шулар ҳақида ҳаёл суриб келарди. Балки шунинг учундир, худога ишонмайдиган кишилар бошлари оғримагунча уни эслашмайди, деган гаплар бор. Шундайми, йўқми, ҳар қалай, одам тиловат қилишни билиши керак.

Трактордаги ёш ҳамроҳларига қараркан, Эдигей Бўрон астойдил афсусланди — биронтаси ҳам қуръон ўқишни билмайди-я. Бир-бирини қандай қилиб дафн этишаркин? Мавжудотнинг ибтидоси ва интиҳосини ўзида жам эта оладиган қайси сўзлар билан инсон умрига хотима ясашаркин? «Алвидо, ўрток, сени ҳаммиша ёдда тутамиз», деб ёки бўлмаса, яна қандайдир олди-қочди сўзларни айтиб кетаверишармикин?

Бир куни область марказида ўтказилган дафн маросимига қатнашишга тўғри келиб қолди. Эдигей Бўрон ҳайратдан ёқа ушлади — қабристон қандайдир мажлисга айлантириб юборилган эди: марҳумнинг тобути олдида қўлларида қоғоз ушлаганча нотиклар сўзлашар, ҳадеб бир гапни такрорлашар эди. Марҳум тириклигида қайси ловозимда, ким бўлиб ва қандай ишлаган, кимга қандай хизмат қилган ва ҳоказо... Сўнг музика чалинди, қабр гулларга тўлиб кетди. Лекин ақалли биронтаси асрлар бўйи борлиқ ва йўқлик силсиласида инсон топган билимларнинг гултожи бўлмиш оят сўзларига ўхшаш бирорта сўз топиб айта олмади. Гўё дунёда бу кишидан аввал ҳеч ким ўлмагандай ва ундан кейин ҳам ҳеч ким ўлмайдигандай гапиришди. Гўё ҳамма осмонга устун бўладигандай. Улар имонга шак келтириб: «Марҳум абадий ўлмас бўлиб қолди!..» деб роса валақлашди.

Эдигей бу жойларни яхши биларди. Қолаверса, Қоранори устидан теварак-атроф унга кафтдагидек аниқ кўриниб турарди. Тракторга қулай бўлсин учун ўйдим-чуқур йўлларни четда қолдириб, Она Байитга иложи борича тўппа-тўғри Сарийўзак даштидан йўл солишга интиларди.

Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлаётган эди. Улар бир маромда юриб, йўлнинг учдан бир қисмини босиб ўтдилар. Қаранор эгасининг амрига риоя қилган ҳолда катта-катта қадам ташлаб, ҳормай-толмай лапанглаб юриб борарди. Унинг орқасидан тарақа-туруқ қилиб трактор тиркалма араваси билан, араванинг ортидан эса кўнғизсимон экскаватор «Белорусь» келарди.

Бироқ, олдинда уларни ғаройиб воқеалар кутарди; ақл бовар қилмас бу воқеалар эшитган қулоққа қанчалик ғалати туюлмасин, Сарийўзак космодромида содир бўлаётган ишлар билан қандайдир узвий алоқадор эди...

«Конвенция» авиабардори бу пайт ўз ўрнида — тиккасига ҳисоблаганда Владивосток билан Сан-Францисконинг қоқ ўртасида, Тинч океандаги Алеут ороллариининг жанубий қисмида турарди.

Океанда об-ҳаво ўзгармаган эди. Куёш куннинг биринчи ярмида тинимсиз жимирлаётган сув юзасига аввалгидай кўзни қамаштирувчи ёғду сочиб турибди. Об-ҳавонинг ўзгаришидан ҳеч қандай далолат йўқ эди...

Гарчи атроф-муҳитда бирон ҳодисанинг юз бериши учун ҳеч қандай асос кўринмаётган бўлса ҳам, бари бир авиабардордагилар авиақанотлар ва ички хавфсизлик группалари фавқулудда ҳолатда турардилар. Фавқулудда ҳодисанинг сабаби эса космос чегарасидан ташқарида эди.

Тўқайтўш сайёрасидаги паритет-фазогирлардан «Трамплин» орбитаси орқали «Конвенция» бортига юборилган хабар Қўшмарбош раҳбарлари махсус ваколатли комиссиясининг аъзоларини қаттиқ

саросимага солиб қўйди. Саросималик шу даражада эдики, иккала томон аввало ўз манфаатлари ва ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда юз берган вазиятни алоҳида-алоҳида ойдинлаштириб олишга, шундан кейингина умумий фикрларни муҳокама этишга қарор қилдилар.

Дунёда ҳеч ким инсоният тарихидаги мислсиз кашфиёт — Тўкайтўш сайёрасида ғайризаминий тараққиётнинг борлигини билмасди. Ҳатто содир бўлган воқеадан ғоят махфий равишда огоҳлантирилган томонларнинг ҳукуматлари ҳам кейин нима бўлганидан хабарсиз эдилар. Бу ҳукуматлар шу иш билан махсус шуғулланувчи комиссияларнинг ўзаро келишиб олишларини кутаётган эдилар. Авиабардорнинг ҳамма қисмларида қатъий тартиб ўрнатилган, ҳеч ким, жумладан авиақанот ҳам ўз ўрнини тарк этмаслиги керак эди. Ҳеч ким бирон сабаб билан кемани тарк этиши, шунингдек, бирон бир бошқа кема «Конвенция»га эллик қақирим радиусда яқин келиши мумкин эмас. Бу атрофдан учадиган самолётлар ҳам авиабардор турган жойга яқин келмаслик учун ўз йўналишини ўзгартириб, камида уч юз қақирим олисдан ўтиши зарур эди.

Шундай қилиб, томонларнинг умумий кенгаши узилиб қолди, фанга номаълум бўлган Тўкайтўш сайёрасидаги 1—2 ва 2—1 паритет-фазогирлар юборган маълумотларни ҳар бир комиссия «Демидур» программасига биноан, ўзларининг раҳбарлари билан бирга муҳокама қилишди.

Уларнинг сўзлари ақл бовар қилмайдиган чексиз самовий оликдан етиб келган эди:

«Дикқат! Дикқат!

Трансгалактикадан гапирамиз!

Бизга мутлақо бегона бўлган нарсаларни тушунтириш амри-маҳол. Бироқ кўп жиҳатлари муштарак ҳамдир.

Булар ҳам одамсимон — ўзимизга ўхшаган одамлар экан! Яшасин бутун олам ривожланиши! Ривожланиш бу ерда ҳам универсал принципдаги гоминиднинг нухасини баркамол қилиб яратиб қўйибди!

Булар ўзга сайёралар гоминидларининг ажойиб типлари! Бадани буғдойрангида, сочлари мовий, кўзлари кўкиш-яшил, киприклари момикдек оқ...

Биз уларни орбитал бекатимизга яқин келганларида кўрдик. Кеманинг қуйруғидан бизларни ўзларининг кемаларига таклиф этиб, кулиб қараб туришарди.

Шундай қилиб, биз бир дунёдан иккинчисига сакраб ўтдик.

Парракли учар аппарат кемамиздан ажралди; ёруғлик тезлигига баробар суръатда (кема ичида бу деярли сезилмасди) биз вақтлар оқимини ортда қолдириб, чексиз фалак сари йўл олдик. Даставвал эътиборимизни тортган ҳамда бизни қутилмаган қулайлик билан сийлаган жиҳат — вазнсизлик ҳолатининг йўқлиги эди. Бунга қандай қилиб эришилганлигини ҳали биз англаб етмаганмиз. Улар русча ва

инглизча сўзларни аралаштириб «Вел ком бизнинг Юлдуз!», дейишди. Агар астойдил уринсак мушоҳада оркали ҳам фикр-мулоҳазаларимизни ўртоқлашишимиз мумкин экан. Мовий сочли бу кишилар новчадан келган бўлиб, бўйлари қарийб икки метрча келади. Жами беш киши эди улар — тўрт нафар эркак, битта аёл. Аёл киши новчалиги билан эмас, балки қадди-бастию баданининг оқишлиги билан ажралиб туради. Мовий сочли тўқайтўшликларнинг барчаси бизнинг шимолий арабларга ўхшаб қорамағиз экан. Дастлабки дақиқаларданок бизда уларга нисбатан ишонч туйғулари уйғонди.

Улардан учтаси аппарат учувчилари, бир эркак билан бир аёл эса ердаги тилларнинг билимдони экан. Аввало коинот радио тўлқинларини тутиш йўли билан инглиз ва рус сўзларини илк бор ўрганиб, бир қолипга луғат тузган ҳам шулар экан. Биз билан учрашган пайтда икки ярим мингдан ортиқ сўз ва терминнинг маъносини ўзлаштириб олган эканлар. Бизнинг мулоқотимиз ҳам ана шу луғат ёрдамида бошланди. Албатта, уларнинг ўзлари бизга мутлақо нотаниш тилда гапиришар эдилар, аммо талаффузлари испанчани эслатади.

«Паритет»дан парвоз қилганимиздан ўн бир соат ўтиб, биз Қуёш системасининг чегарасидан чиқиб кетдик.

Бизнинг ўз юлдуз системамиздан бошқа системага ўтишимиз бирон-бир нарсада айтарли сезилмади. Коинот материяси ҳамма жойда бир хилда. Аммо коинотга теран кириб борганимиз сари олдимизни аста-секин қизғиш шафак қоплайборди. Эҳтимол, биз келганда бу юлдузлар системаси шундай ҳолатда бўлгандир. Ҳалиги қизғиш ёғду борган сари ёпирилиб, бутун оламини қоплаб борарди. Бу орада йўл-йўлакай бир неча сайёранинг ёнидан ўтиб бордик. Уларнинг бир томони ёруғ бўлса, иккинчи томони қоронғу эди. Кўз ўнгимиздаги коинот бўшлиғидан кўпчилик қуёш ва ойга ўтиб турарди.

Биз гуё тун қоронғилигидан ёруғликка чиқиб бораётган эдик. Ногоҳ осмон қаърида бизга шу вақтгача номаълум бўлган улкан, қудратли Қуёшдан таралаётган ўткир ва чексиз нурликка учиб кирдик.

— Бу бизнинг Галактика! Ана у, нур таратиб турган бизнинг Эгамиз! Ҳадемай Тўқайтўш кўриниш беради!— деди тилчи аёл.

Дарҳақиқат, чексиз космик кенгликдан биз янги Қуёшни кўрдик, буни улар Эга дейишаркан. Кучли нур таратиши ва улканлигига қараганда, буларнинг Эгаси бизнинг Қуёшга қараганда анча устуңлик қилади. Худди ана шу хусусиятлари билан — Тўқайтўш сайёрасининг суткаси йигирма саккиз соатни ташкил этади — бу олам бизнинг оламга нисбатан ўзига хос бир қанча геобиологик тафовутларга эга эканини ҳам айтиб ўтмоғимиз керак.

Буларнинг барчаси ҳақида балки кейинги сафар ёки бўлмаса «Паритет»га қайтиб борганимизда хабар қилармиз, ҳозирча баъзи

муҳим маълумотлар хусусидагина йўл-йўлакай ахборот берамиз. Тўқайтўш сайёраси баландликдан худди бизнинг Ерга ўхшаш булутлар қатлами билан қопланган. Бирок беш-олти минг метр куйи тушиб борилгач (тўқайтўшликлар ўз сайёраларини бизга кўрсатиш мақсадида атайлаб яна бир айланиб ўтишган эди), мисли кўрилмаган гўзалликнинг гувоҳи бўлдик: тоғ-тошлари, кир-адирларию водийлари ёппасига зумрад яшилликка бурканган, уларнинг оралигида дарёлар, денгизлару кўллар ястанган. Сайёранинг баъзи қисмлари, айниқса, чекка қутб томонлари хувиллаб ётган бепоён даштлик билан қопланган — унда ҳамиша чанг-тўзонли изғирин шамоллар ҳукмронлик қилади. Аммо бизда ҳаммадан кўпроқ таассурот қолдиргани уларнинг шаҳарлари ва кишлоқлари бўлди. Тўқайтўшликлар жойлашган ландшафтдаги бу оролсимон иншоотлар аҳоли ниҳоятда зич яшашидан далолат берар эди. Бу сайёрадаги мовий сочли кишиларнинг шаҳар қуриш маҳорати олдида ҳатто Манхаттан ҳам ип эшолмасди.

Тўқайтўшликларнинг ўзлари эса, бизнинг назаримизда, оламдаги ақлли мавжудотларнинг ғаройиб турига киради. Аёлларнинг ҳомиладорлик муддати Тўқайтўшнинг ўн бир ойига чўзилар экан. Гарчи улар узок умр кўрсалар ҳам жамиятнинг энг муҳим муаммоларидан бири, ҳаётнинг мазмуни умрни узайтиришдан иборат, деб ҳисоблайдилар. Тўқайтўшликлар ўртача ҳисобда бир юз ўттиз — бир юз элли йил, айримлари ҳатто икки юз йилгача яшар эканлар. Аҳоли жами ўн миллиарддан зиёдни ташкил этади.

Биз ҳозир мовий сочли кишиларнинг тирикчилик тарзи ва юксак тараққиётга эришганликлари ҳақидаги маълумотларни изчил баён қилиш имкониятига эга эмасмиз. Шунинг учун ҳам бизни ғоятда ҳайратга солган нарсалар тўғрисидагина қисқача хабар қилмоқдамиз.

Булар қуёш, аниқроғи Эга энергиясини иссиқлик ва электр энергиясига айлантириш йўлларини билишаркан. Бу ҳаракатларнинг фойдали коэффициентни бизнинг гидротехник ишларимизга нисбатан анча юқори туради. Яна шуниси ғоятда муҳимки, улар кундузи ва тунда ҳар хил ҳаво ҳароратини ўзлари ҳосил қила олар, эканлар.

Тўқайтўшликлар иқлимни бошқаришни ҳам ўрганиб олишган. Сайёраларини бизга кўрсатиш учун қайта айланиб ўтаётганларида учувчи аппаратдан қандайдир нур юбориб, бир зумда жойларда тўпланиб қолган булутлару туманларни тарқатиб юборишди. Яна шу нарса маълум бўлдики, булар ҳаво массаси ҳаракатига ҳамда океан, денгизлардаги сув оқимиغا ҳам таъсир эта олар эканлар. Шу билан бирга сайёра устидаги ҳаво намлиги ва ҳароратни ўзгартириш жараёнини ҳам бошқара олишаркан. Бугина эмас, гравитацияни бошқаришни ҳам ўрганиб олишибди, бу эса юлдузлараро учишда кўл келаркан.

Шундай бўлса-да, уларнинг олдида ҳал қилиниши зарур бўлган

жуда катта муаммолар борки, ҳали билишимизча Ерда бундай муаммоларга дуч келганимиз йўқ. Улар қурғоқчиликдан азиат чекишмайди, чунки иқлимни ўз измларига олишган. Аҳолиси Ердаги аҳолига нисбатан икки ярим баробардан зиёд бўлишга қарамай, озик-овқат ишлаб чиқариш масаласида ҳозиргача тақчиллик деган нарсани билишмайди. Бироқ сайёранинг талай қисми аста-секин яроқсиз бўлиб бориб, бундай жойларда тирик жоннинг ҳаммаси ёппасига қирилиб кетаётган экан. Ичдан қуриш ҳодисаси дейиларкан бу. Сайёрани айланиб ўтаётганимизда Тўқайтўшнинг жануби-шарқий томонида чанг-тўзонли бўрон ҳукмрон эканининг гувоҳи бўлган эдик. Биздаги вулкон ҳаракати жараёнларини эслатувчи бу ҳолат балки Тўқайтўш бағридаги қандайдир даҳшатли реакция натижасидир. Лекин қандайдир секин отилиб чиқаётган нур шаклида содир бўлиб, сайёранинг устки қатлами емирилади, аввалги ҳолатини йўқотади ва ундаги тупроқ ҳосил қилувчи моддаларнинг ҳаммаси куйиб кетади. Тўқайтўшнинг Саҳрои Кабирдек келадиған ўша чўл қисми мовий сочлиларнинг ерларини йил сайин бир чеккадан емириб бораётган экан. Тўқайтўшликлар учун энг катта фалокат ҳам шу. Булар сайёра қаърида юз бераётган бундай жараёни аниқлашга ҳам ожизлик қилишаркан. Ичдан куйиб емирилишдек бу даҳшатли ҳодисага қарши курашга не-не куч ташланган, жуда катта илмий ва моддий воситалар ажратилган. Уларнинг юлдузлар системасида Ой йўқ, аммо бизнинг Ойни билишаркан, ҳатто у ерга келиб кетишган. Бизнинг Ойни ҳам, эҳтимол, ўзларининг сайёрасига ёпирилиб келаётган офатга ўхшаш бир нарса қуритгандир, деб фараз қилишмоқда. Буни эшитиб, бирмунча ўйланиб қолдик. Ойдан Еримиз унчалик узок эмас-ку. Ҳалигидай бало-қазо ёпирилса, уни даф қила оладиган бирон чора топа олармиканми? Унда ички ва ташқи сиёсатларимизнинг оқибати қандай бўларкин? Ердаги доимий келишмовчиликлар туфайли ўз ақлий тараққиётида кўп нарсаларни йўқотганликларини ўйлаб қолишмасмикин?!

Айни вақтда, Тўқайтўшнинг илмий доираларида умумсайёрага оид мунозаралар олиб борилмоқда. Ички куйишнинг сирларини аниқлаш ва юз бериши мумкин бўлган бу фалокатнинг олдини олиш йўлларини излаб топиш учун куч-ғайрат сарфлаш керакми-йўқми, ёки бўлмаса, вақтнинг борида Фалакдан ўз ҳаётий эҳтиёжларига мувофиқ келадиған бошқа бир янги сайёрани қидириб топишсинми, вақти келиб янги масканга Тўқайтўшдаги тараққиётни қайта тиклаш мақсадида аҳолини оммавий равишда кўчириб келишсами — мунозаранинг асосий муаммолари шулар. Қаёққа ва қайси бир янги сайёрага кўз тикишлари ҳозирча маълум эмас. Ҳарҳолда ўз сайёраларида ҳали миллион-миллион йиллар бемалол яшайверишлари ҳам мумкин. Бирок ҳайратга соладиган жойи шундаки, улар олис келажак ҳақида ўйлашиб, ғайрат ва шижоатга тўлиб-тошганда гўё бу муаммонинг ҳал этилиши бевосита ҳозирги яшаётган

халқларга тааллуқлидай «Биздан кейин дунёни сув босмайдими?!» деган қабихгина фикр наҳотки ҳеч кимнинг хаёлига келмайди? Умумсайёра яли маҳсулотининг анчагина қисми ўша ички куйишнинг олдини олиш учун сарфланаётганини англаб етганимиздан сўнг юқоридаги фикр хаёлимизга келганидан ўзимиз хижолатга тушиб қолдик. Улар ҳозир неча минглаб чақиримга чўзилиб кетган ва секин-аста ёпирилиб келаётган балои-қазонинг йўлига жуда теран пармалаш усули билан тўсиқлар пайдо қиляптилар, тубсиз чуқурликларга узоқ вақт нейтраллаштирувчи моддаларни юбориб туришга ҳаракат қилмоқдалар. Айтишларича, бундай моддалар сайёранинг ички ядровий реакциясига кераклича таъсир кўрсата олар экан.

Албатта, уларда ижтимоий турмушга оид азалдан бошни қотириб, ўйлантириб келаётган маънавий, ахлоқий ҳамда ақлий руҳдаги муаммолар бор ва бўлиши табиий. Маълумки, қанчалик фаровон ҳаётга эришган бўлмасин, бари бир, ўн миллиарддан зиёд аҳолининг ҳаёт кечириши ўз-ўзидан бўлмайди-ку, ахир. Аммо шуниси ҳайратланарлики, улар давлат, қурол-яроқ ва уруш нима эканини билишмас экан. Қадим ўтмишда уруш ҳам, давлат ҳам, пул ҳам ва уларга боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг бошқа турлари ҳам эҳтимол бўлгандир, бунисини айтишга ожизлик қиламиз, бироқ ҳозирги пайтда зўрлик воситаси бўлмиш давлатни ва кураш воситаси сифатида урушни тасаввур қила олмайдилар. Агар тўғри келиб қолиб, Ергаги тинимсиз урушлар моҳияти ҳақида гапириб берсак, бу уларга қандайдир маъносиз нарса ёки масалаларни ваҳшийларча ҳал қилиш бўлиб туюлмасмикин?

Буларнинг бутун ҳаёти биз ерликларнинг мушоҳада андозамизга унча тушунарли бўлмаган бошқа асосларга қурилган.

Улар курашнинг бир йўли сифатида урушни сайёрадаги бутун коллектив онги ва тушунчасидан қатъий чиқариб ташлаш даражасига эришган эканлар; тараққиётнинг бу формаси, эҳтимол, оламда мавжуд барча сайёралардаги тараққиётга нисбатан энг илғори деб фараз қилишга имкон беради. Балки улар илм-фан тараққиётини шу даражага етказгандирларки, оқибатда замон ва маконда инсонпарварликни вужудга келтириш, шу тариқа олам тараққиётини янги, юксак ва чексиз босқичларда ҳам давом эттиравериш онгли мавжудотларнинг асосий мақсади бўлиб қолгандир.

Биз муқояса қилиниши мумкин бўлмаган нарсаларни муқояса қилмоқчимиз. Кези келиб биз ерликлар ҳам шундай юксак тараққиётга эришармиз, ҳозирги кунда ҳам фахрланса арзийдиган ишларимиз бор. Ҳар нечук, кўнгилни ноҳуш қиладиган нарсалар ҳам йўқ эмас: мабодо тарихни урушлар тарихидан иборат деб, Ер юзидаги инсоният фожиавий янглишиш билан яшамаятимикин? Ҳали-ҳалигача шу йўлдан бораётганимиз аввал бошданок нотўғри, истиқболсиз бўлиб чиқса-чи? Мабодо шундай бўлса, биз унда қаёққа қараб кетяп-

миз ва бу қандай оқибатларга олиб келади? Мабодо шундай бўлса, инсоният буни тан олиш учун ўзида журъат топишга ва ялпи уруш хавфидан ўзини олиб қочишга улгурармикин? Тақдир тақозоси билан Ердан ташқаридаги ижтимоий ҳаётни илк бор кўриб, гувоҳи бўлиб, мураккаб ҳис-туйғуларни бошдан кечирмоқдамиз. Ерликларнинг келажақ истикболи ҳақида ўйлаб ваҳимага тушяпмиз ва яна эзгуликка ундолмоқдамиз. Умидимизга асос бўларли нарса — Ердан ташқаридаги биз кўрган ижтимоий ҳаётдирки, унда ҳар қандай зиддият урушсиз ҳал этилади; мана шу жамият бизга ўрнак бўларли эмасми?!

Коинотнинг қайси бир чеккасида, ўзларидан чексиз узокликда Ер мавжуд эканини тўқайтўшликлар билишади. Улар ерликлар билан шунчаки, табиий равишда билимга чанқоқ бўлганликларидан эмас, балки ўзлари мақбул кўрганликларидан, даставвал ақл-идрок мўъжизасининг тантанаси, тараққиёт тажрибаларини алмашиш, Коинот ақл-идрокини ифодаловчи кишилар тафаккури, руҳини тараққий эттиришда янги давр очиш учун алоқа бошлашга интиломқдалар.

Тўқайтўшликлар бизга нисбатан кўпроқ нарсаларни олдиндан кўришар экан. Ҳар қандай энергиянинг муқаррар равишда таназзулга юз тутишини, ҳар қандай сайёранинг вақти келиб ҳалокатга учрашини назарда тутиб, бутун олам ақл-идрокининг бу икки тармоғини бирлаштириб умумий куч сарфласак, табиат умрини чексиз узайтириш йўлларини тезроқ топармидик, деб ўйлашяпти. Шунинг учун ҳам улар ерликлар билан ўзаро алоқа боғлашдан манфаатдор. «Охир замон» муаммоси ҳақида бундан миллиард йиллар илгари бош қотириб келишган, эндиликда эса, Коинотда жамики мавжудотлар яшай оладиган янги база ташкил этишнинг космик лойиҳасини ишлаб чиқишмоқда...

Улар ҳозирнинг ўзидаёқ учар аппаратларида ёруғлик тезлигида бизнинг Еримизга учиб тушишлари мумкин. Аммо ерликларнинг розилиги ва тақлифсиз буни иштамайди. Чақирилмаган меҳмон сингари ўзларича бостириб келишни эп кўришмайди. Шу билан бирга улар танишмоқ учун кўпдан бери сабаб қидираётганликларини ҳам англатдилар. Космик кемаларимиз орбита бўйлаб узоқ вақт учиб юрган ўша кезлардан бошлаб, улар учрашиш пайти келганини ва ўзлари ташаббус кўрсатишлари лозим эканини билишган, пухта тайёргарлик кўриб, қулай пайтни кутиб юришган экан. Бу фурсат оралик муҳитда — самовий бекатда турганимиз учун бизнинг чекимизга тушган эди...

Уларнинг сайёрасида пайдо бўлишимиз, табиийки, кутилмаган ҳодиса бўлди. Шу муносабат билан эфирда бутун сайёра бўйлаб катта байрам тантаналаридагина ишлатиладиган махсус баҳайбат телеконтат системаси ишга туширилди. Атрофимиздаги ёритилган ҳаво қатламида минг-минглаб чақирим олисликдаги кишиларнинг чеҳрасини ва турли хил буюмларни худди қаршимизда тургандай

аник кўриб турардик, айна чоқда, юзма-юз туриб, табассум билан, қўл сиқишиб сўзлашиб, қаҳ-қаҳ уриб кулишиб, ўзаро апоқ-чапоқ бўлиб кетиш имконияти ҳам бор эди. Бу, албатта, ўз-ўзидан ҳам-жиҳатлик асосида содир бўлди. Қандай кўркем тўқайтўшликлар, шу билан бирга бир-бирларига қанчалик ўхшамайдилар, ҳатто сочлари ҳам тўқ мовийдан тортиб, оч мовий тусгача бор; чолларнинг сочлари эса худди бизнинг чолларникига ўхшаб оқарар экан. Антропологик тузилишлари хилма-хил, чунки улар ҳам турли этник группалардан ташкил топишган экан.

Буларнинг ҳаммаси ҳақида, яна ҳайратга соладиган бошқа кўпгина антиқа нарсалар ҳақида «Паритет»га ёки бўлмаса ерга қайтиб тушганимизда гапириб берамиз. Ҳозир эса, энг муҳимлари хусусида сўз кетади. Тўқайтўшликлар лозим кўрган вақтимизда бизнинг сайёрамизга келиш ниятлари борлигини билдириб, бу ҳақда «Паритет» алоқа системаси орқали хабар қилишимизни сўрашмоқда. Бунгача улар дастлабки учрашув жойи бўлиб хизмат қиладиган ва келгусида ўзаро қатнов базаси бўлиб қоладиган оралиқдаги юлдузлараро бекат барпо қилиш программасини келишиб олишимизни таклиф қилишяпти. Бироқ бизни шунга алоқадор бўлган бошқа масала ташвишлантиряпти.

Бу хилдаги фалаклараро учрашувларга биз ерликлар тайёرمизми, онгли мавжудот сифатида бундай учрашувлар учун пишиб етилган-мизми? Бир-биримиздан ажралиб, ўртада зиддиятлар мавжуд бўлиб турган бир пайтда, кафилликни ўз зиммамизга олиб, умуминсоният номидан, бутун Ер курраси номидан гапира оламизми?

Рақобатнинг, сохта илғорлик йўлида курашнинг янги ўчоғини алангалатиб юбормаслик учун мазкур масалани ҳал этишни фақат БМТ га топширишларингизни сизлардан ўтиниб илтимос қиламиз. Шу билан бирга, биз вето¹ ҳуқуқини суиистеъмом қилмасликни сўраймиз. Эҳтимол, бу сафар истисно тариқасида бу ҳуқуқнинг бекор қилинишини илтимос қиламиз. Қўшни Галактикада туриб бундай нарсалар ҳақида ўйлаш бизлар учун жуда оғир ва аламли, бироқ биз ерликлармиз, бинобарин планетамизда истиқомат қиляётган кишиларнинг табиатларини ҳарҳолда яхши биламиз.

Ва ниҳоят, ўзимиз ҳақимизда ва яна хатти-ҳаракатларимиз хусусида тўхтаб ўтайлик. Самовий бекатдан ғойиб бўлишимиз сизларни ҳайратга солиб, шошилиш суратда қандай чоралар кўришга олиб келганини тушунасизлар. Сизларни шунчалик ташвишга солиб қўйганимиздан ғоят афсусланмоқдамиз. Бироқ, бу жаҳон тажрибасида шундай ноёб ҳодиса эдики, биз ҳаётимиздаги бундай улуғвор ишдан бош торга олмадик ва бош торгишга ҳаққимиз ҳам йўқ эди. Қатъий белгиланган қонун-қоидага одатланган бўлсак ҳам ўша мақсадни деб қоида бузишимизга тўғри келди.

¹ Таъқик маъносида. (Ред.)

Майли, бу бизнинг виждонимизга ҳавола, майли, тегишли жа-зоимизни олайлик. Аммо буни ҳозирча қўятуринглар. Ўқиб олинглар биз коинотдан хабар юбордик! Биз ҳозирга қадар номаълум бўлган фалақдан хабар юборяпмиз, ҳозирга қадар номаълум бўлган юл-дузлар туркуми — Эга ёритғичидан белги беряпмиз. Мовий сочли тўқайтўшликлар ҳозирги замон тараққиятининг юқори чўққисига қў-тарилган экан, улар билан учрашиш бутун ҳаётимизга, бутун инсоният тақдирига жуда катта таъсир кўрсатиши мумкин. Аммо биз, таби-ийки, Ер манфаатларига амал қилган ҳолда бунга журъат қила олар-миканмиз?..

Бу сайёраликлар бизга ҳеч қандай хавф туғдирмайди. Ҳар қалай, бизлар шундай хулосага келдик. Аммо уларнинг тажрибаларини ўзлаштириб олсак, теграмизни ўраб олган моддий дунёдан энергия ишлаб чиқариш усулидан тортиб, то қуролсиз, зўрликсиз, урушсиз яшай олишимизгача бизнинг турмуш тарзимизда кескин ўзгариш ясаган бўлардик. Гапларимиз ғайритабиий туюлса ҳам, аммо биз ҳам жихатидан Ерга тенг келадиган геобиологик жойни эгаллаб турган Тўқайтўш сайёрасида ақлли мавжудотлар мислсиз дориламон ҳаёт кечириш даражасига эришилганига тантанали равишда гувоҳ-лик берамиз; дарҳақиқат, улар шундай мўъжизавий тараққиёт дара-жасига эришишган. Коинот миқёсида юксак даражада фикрлаш қобилиятига эга бўлган бу кишилар келажакда ўзларининг ҳам-касблари — ерликлар билан оқилона иш юритиб, иккала томоннинг эҳтиёжи-ю, хошиш-истагига мос келадиган адолатли алоқа ўрнатишга тайёрдирлар.

Ғайризаминий тараққиётни кашф этганимиздан қанчалик завқ-ланиб, ҳаяжонга берилмайлик, бари бир, тезроқ қайтиш ва галакти-кадан ташқарида Эга ёритғич системасидаги сайёралардан бирини кўриб, шоҳиди бўлганимизни юртдошларимизга батафсил сўзлаб бериш иштиёқидамиз.

Йигирма саккиз соатдан сўнг, бошқача айтганда, алоқанинг шу сеансидан тўппа-тўғри бир сутка ўтгандан сўнг яна орқага — ўзимизнинг «Паритет»га қайтиш ниятидамиз. «Паритет»га етиб кел-гач, Қўшмарбошнинг буйруғига тўла бўйсунамиз.

Кўришгунча, хайр. «Паритет»га етиб боришимиз муддатини Қуёш системасига йўл олишимиз олдидан хабар қиламиз.

Шунинг билан Тўқайтўш сайёрасидан берган биринчи ахбороти-мизни тугаллаймиз. Тез орада кўришгунча, хайр! Оилаларимизга хавотир олмаслигини айтиб қўйишларингизни сўраймиз...

1—2 Паритет-фазогир.

2—1 Паритет-фазогир».

«Конвенция» авиабардори бортидан алоҳида ваколатга эга бўлган комиссиялар «Паритет» бекатида юз берган фавқулодда

ҳодисани алоҳида-алоҳида мажлисларида муҳокама қилиб бўлгач, тўла составда юқори доиралар билан маслаҳатлашиш учун учиб кетишди. Авиабардорнинг палубасидан бир самолёт Сан-Францискога, бир оздан сўнг иккинчи самолёт қарама-қарши томонга, Владивостокка қараб йўл олди.

«Конвенция» авиабардори ҳамон ўша ерда, доимий манзилида — Тинч океанда, Алеут ороллариининг жанубий қисмида турарди... Авиабардорда каттик тартиб ўрнатилган. Ҳар бир киши ўз иши бошида, ҳар бир киши сергак. Ҳамма сукут сақларди...

Бу ўлкаларда поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради.

Темир йўлнинг иккала томонида ёвшанзор билан қопланган хайҳотдай даштлик — Сариўзак, ўртачўл ястаниб ётади...

Она Байит йўлининг учдан бир қисми босиб ўтилди. Қуёш бошда Ер курраси узра шитоб билан кўтарилган бўлса ҳам, энди Сариўзак тепасига келиб, бир нуқтада муаллақ туриб қолгандай туюларди. Демак, кун кунлигини қилиб, ҳаво росмана қизий бошлади. Эдигей Бўрон баъзан соатига, баъзан қуёшга, баъзан эса қаршисида чўзилиб кетган даштликка қараб қўяр экан, ҳамма нарса кўнгилдагидай бораётганидан қаноат ҳосил қилди. Эдигей ҳамон аввалгидай катта-катта қадам ташлаб, лапанглаб бораётган туяси устида, орқасида тиркалма арава, араванинг ортида — кўнгизсимон «Белорусь» экскаватори, уларнинг ёнида эса малла ит — Йўлбарс...

«Ажабо, инсон мияси бир дақиқа ҳам ўйламасдан туролмайди. У шундай тузилганки, хоҳлайсанми, хоҳламайсанми — ўйлаганинг ўйлаган, бир фикрдан иккинчиси тугилаверади. Шу ҳол, афтидан, ўла-ўлгунигича давом этса керак!» Йўл бўйи тинмай ўйлаб кетаётган Эдигей ажиб янгилик кашф этгандай ўзича қулиб қўйди. Денгиз тўлқинлари сингари ўй кетидан ўй тугилаверарди. Болалик кезлари шамол эсиб турган пайт Орол денгизи қирғоқларига ўтириб олиб, олислардан жимирлаб қайнаб, жўшиб келаётган оқ ёлли ўрқач-ўрқач тўлқинлар қирғоққа келиб урилишини соатлаб кузатар эди. Денгиз сатҳи, бир вақтнинг ўзида мавжланиб-босилиб, яна мавжланиб қайтадан сўниб турарди. Шунда бола оқ чорлоққа айланиб, тўлқинли денгиз узра, жилваланиб турган сув томчилари узра парвоз қилиб, юқоридан буюк сувнинг қудратли ҳаракатини кузатишни орзу қиларди.

Сариўзак даштиниинг киши руҳини маъюслантирувчи куз олдидаги тунд манзараси, туянинг бир маромда залворли қадам ташлаб бориши Эдигей Бўронни аллалаб, турли хаёлларга ғарқ қилар, манзил узоклиги, ҳеч ниманинг халақит бермаётгани туфайли ўзи ҳам хаёлларига эрк бериб борар эди. Қоранор ҳар галгидек бу сафар ҳам йўл юрган сари ғайратга миниб борарди, ёлдан ва бўйнидан таралаётган тер ҳиди димоғни ёргудай эди. «Ҳа, жонивор,—

дея мамнун кулимсираб қўйди Эдигей ўзича,— терлаб кетдинг-а! Чотинг кўпикланиб кетибди! Эх, ханвон зоти, уятни билмайсан! Ёмонсан, ёмон!»

Эдигей Бўрон ўтган кунларни эслай кетди. Казангапнинг соғ-саломат, кучга тўлган пайтлари юз берган воқеа-ҳодисаларни хотирлади, шундай хаёллар оғушида қай бир замонлар пайдо бўлган дард яна беихтиёр қўзғалди. Тавба қилиб, калима ўгирса ҳам бўлмади. Юрагидаги ўша дардни унутиш учун пичирлаганча қайта-қайта калима келтирса ҳам фойдаси бўлмади. Қош-қовоғи солиниб, ноилож қолган Эдигей Бўрон ғайрат билан илдам бораётган туясининг гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига ҳеч қандай сабабсиз қамчи ура бошлади ва кепкасининг соябонини кўзигача бостириб олиб, орқадан келаётган тракторга ҳам ўгирилиб қарамай илгарилаб кетди. Майли, эргашиб келаверишсин, адашиб кетишмас. Ҳатто хотинига ҳам айтмаган, аллақачонлар бўлиб ўтан воқеа билан бу ғўр ёшларнинг неча пуллик иши бор, деди ўзича, буни фақат Казангапгина ҳар қачонгидек тўғри ва ҳаққоний тушунган эди. Шундай бўлмаганида Эдигей аллақачон Бўронли бекатидан кетарди.

Ўша эллик биринчи йилнинг охири, қиш фаслида бекатга бир оила кўчиб келди. Эр, хотин ва икки бола. Иккаласи ҳам ўғил: каттаси — Довул беш ёшда, кичиги — Эрмак уч ёшда. Абутолиб Қуттибоевнинг ўзи Эдигей билан тенгдош. У урушгача ёшгина йиғит бўлиб, овул мактабида бир йил муаллимлик қилган, сўни қирқ биринчи йилнинг ёзига келиб уни биринчилар катори фронтга жўнатишган. Уруш тугагач, Зарифа иккиси турмуш қуришади. Шу ерга кўчиб келганларига қадар Зарифа ҳам бошланғич синф муаллимаси бўлиб ишлаган экан. Шундай қилиб, тақдир тақозоси билан Сариўзакка, Бўронли бекатига келиб қолишди.

Бу ҳувиллаб ётган кимсасиз чўлга ишқлари тушиб эмас, балки шўрларига шўрва тўкилиб келиб қолганлари дарҳол аён бўлди. Абутолиб билан Зарифа бошқа жойда ҳам бемалол ишлаб кетишлари мумкин эди. Бироқ, туз-насиба дегандай, шароит тақозоси билан бу ерга келиб қолган эдилар. Бошда бўронлиликлар улар бу ерда узоқ вақт чидаб туришолмайди, бугун бўлмаса эртага бошлари оқан ёққа равона бўладилар, деб ўйлашган эди. Булар-ку булар, мана ман деган қанчадан-қанча азамат келиб-кетмади дейсиз бу ерга. Эдигей билан Казангап ҳам шундай фикрда эдилар. Аммо-лекин одамлар Абутолибнинг оиласи билан тезда апок-чапок бўлиб кетишди. Инсофли, андишали, маданиятли киши экан. Хокисоргина оила. Эр-хотин ҳамма қатори меҳнат қилишди, беллари букилиб шпал ташишди, қор тозалаб совуққа қотишди. Хуллас, темир йўл хизматчиси қилиши лозим бўлган ҳамма ишни бажаришди. Шуни айтиш керакки, ҳаммага маъқул муросали, аҳил, тотув оила эканига қарамай, Абутолибнинг немислар қўлида бўлгани туфайли бу оила бахтсиз эди. Бу кезларга келиб, уруш йилларидаги ур-йиқитлар бирмун-

ча тингандек эди. Энди асирда бўлиб қайтганларга худди уруш йилларида бўлгани сингари хоин, халқ душмани деб қарамас эдилар. Бўронлиликлар бунга кўп ҳам эътибор беришмасди. Асир тушган бўлса тушгандир, уруш ғалаба билан тугади, бу даҳшатли қиёмат койимда одамлар бошидан нималар кечмади, дейсиз. Баъзилар ҳанузгача кўним топмай, дарбадар ҳолда жаҳон кезиб, урушнинг совуқ шарпаси эса одамлар ортидан: ҳамон соядек эргашиб юрибди... Шунинг учун ҳам бўронлиликлар янги келган кўшнани безовта қилмаслик учун унчалик сўраб-суриштираверишмади, бусиз ҳам дардаламай етиб ортар, дилини оғритиб нима ҳам қиламиз, деб ўйлашди ўзларича.

Вақти келиб, одамлар Абутолиб билан аста-секин иноқлашиб кетишганини ўзлари ҳам билмай қолишди. Ақлли одам эди у. Эдигейга маъқул бўлган жойи — турмуши аччик кечган бўлса ҳам, сир бой бермай юради. Қисматидан ҳадеб нолийвермас, одамлар орасида ўзини муносиб тутар эди. У дунё ташвишлари билан ҳисоблашмаслиги мумкин эмас эди. Қисмати шу эканини тушунди, шекилли. Қаллиғи Зарифа ҳам, эҳтимол, шундай ҳаёлда юрган бўлса керак. Иккаласи жабру жафоларга бардош берган ҳолда турмуш маъноси ни бир-бирларига меҳрибонлик қилишда, ардоқлашда, тотувликда ва ғамхўрликда кўрдилар. Улар ана шу биргина туйғу билан яшаб, шу туйғу туфайли бир-бирларини ва фарзандларини ҳаёт қуюнларидан ҳимоя қилиб, жон сақлаб келган эдилар, Эдигей буни кейинчалик тушуниб етди. Айниқса, Абутолиб бир кун ҳам оиласидан ажралган ҳолда яшай олмасди. Фарзандларининг ўзи унинг учун бир олам. Ишдан сал қўли бўшадими, дарҳол улар билан машғул бўлади: хат-савод ўргатади, турли эртак, топшимоқлар айтиб беради, ўзича аллақандай ўйинларни ўйлаб топади. Авваллари хотини билан ишга кетган пайтлари болаларини баракда ёлғиз қолдириб кетишарди. Уккубола бунга хотиржам қараб туrolмади. Болаларни ўз уйига олиб келиб юрди, Абутолибларникига қараганда уларнинг уйи иссиқроқ бўлиб, ўша кезлари турмушлари ҳам анча яхшиланиб қолган эди. Бу ҳам оилаларини яқинлаштиришга олиб келди. Шу йилларга келиб Эдигейнинг иккала қизи катта бўлиб қолишган, улар Абутолибнинг болалари билан деярли тенгқур эдилар.

Бир куни ишдан қайтаётиб, болаларни олиб кетишга кирган Абутолиб:

— Эдигей, болаларимга қўшиб сенинг қизларингни ҳам ўқитсамчи, — деб таклиф қилиб қолди. — Ахир, ҳозиргача булар билан шунчаки бекорчиликдан иш олиб бораётганим йўқ. Бир-бировларига ўрганиб қолишди, бирга ўйнашяпти. Кундузи сизларникида, кечқурунлари бизникида бўлишсин. Буни нима учун айтяпман? Элу халқдан узокда яшаяпмиз, зерикарли албатта. Шунинг учун ҳам уларнинг кўзини очиш керак. Ёшлик чоғлариданок билим олишсин — замон талаби шу. Ҳозирги муштдек болалар илгариги азамат йи-

гитларнинг билганича билишлари керак. Бўлмаса, ростакам саводли бўлолмай қолишади...

Абутолибнинг бу ҳаракатида катта маъно борлигини Эдигей анча ўтгач, ҳалиги кўнгилсиз воқеадан сўнг тушунди. Бўронли шароитида Абутолиб учун болаларга ўз имконича билим беришдан бошқа илож йўқ эканини Эдигей энди фаҳмлаб етди. У, олдиндан сезгандай, болаларига иложи борича кўпроқ билим беришга шошилиб, шу йўл билан фарзандлари онгида чуқур из колдириб, яна улар калбида яшаб қолишга ошиққан экан. Кечқурунлари Абутолиб ишдан қайтгандан сўнг, Зарифа билан биргаликда ўз болалари ва Эдигейнинг болалари учун мактаб-боғчани ташкил этди. Болалар ҳарф таниб, ҳижжалаб ўқиб ўрганишарди. Ким ўзарга мусобакаланиб, расм чизишиб, ўйнаб-қулишар, ота-оналари ўқиб берган китобларни қунт билан тинглашар, ҳатто ҳаммалари биргаликда ҳар хил ашулаларни ўрганардилар. Машғулотлар шунчалик мароқли ўтар эдики, Эдигей ҳам уларникига кириб кузатадиган бўлди. Уккубола ҳам қандайдир ишни баҳона қилиб тез-тез кириб турарди, ҳақиқатда эса қизларининг қилаётган ишларини кўздан кечирарди. Эдигей Бўроннинг кўнгли товланиб кетди. Саводли кишининг садағаси кетай, ўқитувчига нима етсин! Катта ёшдаги кишининг болага болаларча муомалада бўлиб, иш юритаётганини кузатиб туришнинг ўзиёқ қанчалик завқли. Эдигей бундай машғулотларга халал бермаслик учун бир чеккада ўтириб, жимгина томоша қиларди. Уйга кириб келиши билан бош кийимини олиб:

— Ассалому алайкум! Кўряпсизларми, болалар боғчасига бешинчи ўқувчи кириб келяпти,— дерди.

Унинг кириб туришига болалар ҳам кўникиб қолишган эди. Қизларнинг қувончини айтмайсизми. Отасининг кўзи олдида сидқидилдан тиришишарди. Эдигей билан Уккубола оқшомлари болалар совуққа котмасин, бемалол юрсин, деб уларнинг печкасига дамбадам ўт ёқиб туришар эди.

Ўша йили Бўронлига мана шундай оила келиб, паноҳ топиб туриб қолди. Шуниси қизиқки, бунақа одамларнинг омади келавермайди кўпинча.

Абутолиб Қуттибоевнинг мусибати шунда эдики, у немислар қўлида асирликда бўлибгина қолмай, омади келганиданми ёки келмаганиданми, бир гуруҳ асирга тушган кишилар билан бирга Жанубий Бавариядаги концлагердан қочиб чиқиб, қирқ учинчи йили Югославия партизанлари сафига келиб қўшилган эди. Уруш тамом бўлгунга қадар Абутолиб Югославия озодлик армиясида жанг қилиб юрди. Ўша ерда яраланиб, ўша ерда даволанди. Югославиянинг жанговар орденлари билан мукофотланди. У ҳақда партизан газеталарида ёзишиб, суратларини босиб чиқаришди. Қирқ бешинчи йилда ватанига қайтиб келганидан сўнг, элакдан ўтказувчи тафтиш комиссияси томонидан кўриб чиқилганда шу нарсалар жонига ора

кирди. Концлагердан қочиб чиққанлар ўн икки кишидан иборат бўлиб, улардан тўрттасигина омон қолган эди. Бу тўрт кишининг иши ўнгидан келгани яна шунда эдики, Совет тафтиш комиссияси Югославия озодлик армияси бўлинмалари ўрнашган жойга махсус бориб, Югославия командирларидан собиқ совет асирларининг жанговар ва маънавий сифатлари, уларнинг фашистларга қарши партизанлар ҳаракатида катнашганликлари тўғрисида ёзма маълумотлар олишди.


Хуллас, орадан икки ой ўтиб, кўп марталаб текшириш, сўроқ қилиш, юзма-юз қилиш, интизор бўлиб кутиш, умид ва умидсизликлардан сўнг Абутолиб Қуттибоев ўз ҳақ-ҳуқуқини сақлаган ҳолда кадрдон Қозоғистонига қайтиб келди. Лекин унга ҳарбий хизматдан бўшаб келаётганларга берилиши керак бўлган имтиёзлар берилмади. Бунга у ранжимади. Урушга қадар география муаллими бўлган Абутолиб Қуттибоев яна ўз касбини давом эттирди. Район марказидаги мактаблардан бирида ишлайдиган бошланғич синф ўқитувчиси, ёшгина муаллима Зарифа билан учрашди. Ҳар иккала томонни қониқтирувчи бундай бахт камдан-кам бўлса-да, учраб туради. Бусиз турмуш бўладими!

Бу орада урушдан кейинги дастлабки зафарли йиллар ўтди. Зафар ва шодлик тантаналари кетидан яна кўк юзида «совуқ уруш»нинг илк изғиринлари бошланди. Бора-бора изғирин заптига ола бошлади. Оламнинг турли қисмларида урушдан кейин сал бўшаган асаблар яна таранглаша бошлади...

География дарсларидан бирида асаб зорманда тагин бир карра панд берди. Эртами-кечми, бу ердами ёки бошқа бир жойдами, қандай бўлмасин, бундай ҳол содир бўлиши муқаррар эди. Абутолибнингми ёки бўлмаса унга ўхшаган бошқа бировнингми чекига тушиши мумкин эди.

Саккизинчи синф ўқувчиларига дунёнинг Европа қисми ҳақида дарс ўтаётиб, Абутолиб Қуттибоев ўз саргузаштларини ҳам эслаб ўтди. Кунлардан бирида немислар концлагердаги асирларни Жанубий Бавариядаги Альп тоғларига тош қазिश ишларига олиб чиқади, ўшанда бир гуруҳ асирлар соқчиларни қуролсизлантириб қочишди ва Югославия партизанларига келиб қўшилишади. Абутолиб, ўзининг ҳикоя қилишича, уруш йиллари ярим Европани айланиб чиқди, Андриатика денгизи ва Ўрта Ер денгизи қирғоқларида ҳам бўлди, у жойларнинг табиати ва маҳаллий аҳолининг яшаш тарзи билан яхши танишди. Буларнинг ҳаммасини дарсликда ёзиш имконияти йўқ, албатта. Кўриб шоҳиди бўлган бу нарсаларни ҳикоя қилиш орқали ўқитувчи дарсни бойитишни назарда тутган эди.

Муаллим кўлидаги кўрсаткич таёқчасида доскада осифлик турган география картасининг Европа қисмидаги кўк-яшил ва жигарранг жойларини кўрсатди; тепаликларни, текисликларни, дарёларни кўрсатиб келиб, ҳали-ҳалигача тушига кириб чиқадиган жойларга ҳам



Всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни



Всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни

Всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни
всё, что осталось от жизни

тегиб ўтарди. У ерларда кечаю кундуз, неча ёзу неча киш тинимсиз жанг бўлиб турган. Шундай жангларнинг бирида Абутолиб душманнинг кўққисдан ёғдирган ўқиға учиб, ўт-ўланларни ва тошларни қонга бўяб, қиялик томон секин ағанаб кетган. Эҳтимол, кўрсаткичининг учи унинг қони тўкилган ўша кўз илғамас кичик нуқтага ҳам тегиб ўтгандир. Ўша қип-қизил қон гўё бутун ўқув харитасига тўкилиб кетаётгандай... ҳатто бу қирмизи қон харита бўйлаб оқиб ҳам кетди, шунда боши айланиб, кўзи тиниб, бутун борлик ағдар-тўнтар бўлиб кетди. Абутолиб ўтган ёзда Бавариядаги тош қазиш жойидан бирга қочиб келган поляк дўстини жон талвасасида: «Казимир! Казимир!», деб қичқирганча ёрдамга чақирар, ўртоғи бўлса эшитмас эди, чунки бу Абутолибнинг жонҳолатидаги талвасаси бўлиб, ҳақиқатда эса, у оғиз ҳам очмаган эди.

Дунёнинг Европа қисми хусусида ўқувчиларга ҳикоя қилар экан, Абутолиб Қуттибоев бошидан кечган шунча воқеалардан фақат оддий мактаб географиясига тааллуқлиларинигина жиддий киёфада гапираётганидан ўзи ҳам ажабланди.

Олдинги қатордаги партадан шартта қўл кўтарган бир бола унинг сўзини бўлиб қўйди:

— Оғай, демак сиз асирликда бўлган экансиз-да?

Безрайган совуқ кўзлар унга қадалган эди. Ўспирин бола бошини хиёл орқага ташлаб, қимир этмай қаққайиб турарди. Кемшик боланинг пастки тишлари юқоридагиларини ғайритабиий беркитиб туриши негадир Абутолибнинг кўз ўнгида бир умр сакланиб қолди.

— Ҳа, нима эди?

— Унда нега ўзингизни отмадингиз?

— Нега энди ўзимни ўзим ўлдиришим керак экан? Бусиз ҳам ярадор эдим-ку!

— Душман қўлига асир тушмаслик ҳақида буйруқ бор-ку?!

— Кимнинг буйруғи?

— Юқорининг.

— Буни сен қаердан биласан?

— Мен ҳамма нарсани биламан. Бизникига Олмаотадан, ҳатто Москвадан одамлар келиб туришади. Демак, сиз юқорининг буйруғини бажармаган экансиз-да?

— Сенинг отанг урушда бўлганми?

— Йўқ, у ҳарбий хизматга чақирилганлар билан машғул бўлган.

— Ундай бўлса, сен билан биз бир-биримизни тушунишимиз қийин экан. Гапим битта — ўша пайтда менинг бундан бошқа иложим қолмаган эди.

— Барибир, буйруқни бажаришингиз керак эди.

— Нега бунча ёпишиб қолдинг? — деб бошқа бир ўқувчи ўрндан турди. — Сенга нима? Бизнинг оғай Югославия партизанлари билан бирга жанг қилган.

— Барибир, буйруқни бажариши керак эди! — деб туриб олди ҳалиги бола.

Шундан сўнг болалар синфни бошларига кўтаришди: «Бажариш керак эди!», «Бажариб бўлмасди!», «Бажариб бўларди!», «Бажариб бўлмасди!», «Тўғри!», «Нотўғри!» Ҳикматчи столни тарс эткизиб урди:

— Бас қилинглар! Ҳозир география дарси бўляпти. Менинг қандай жанг қилганимни ва нималар бўлганини тегишли жойда, тегишли одамлар билишади. Энди эса машғулотни давом эттирайлик!

Шу аснода кўрсаткични тутиб турган ўқитувчи яна чап қанотдан ёғдирилган душман автомати ўқига учиб, кўк-яшил, жигарранг Европа харитасини кип-қизил қонига бўяб, қиялик томон яна секин ағанаб кетди, харитадан илғаб олиш қийин бўлган бу нуқтани синфдагилардан ҳеч бири яна кўролмади...

Бир неча кундан сўнг уни РайОНОга чақиришди. У ерда гапни чўзиб ўтирмасдан Қуттибоевга урушда асирга тушган кишининг ўсиб келаётган ёш авлодга дарс беришга маънавий ҳуқуқи йўқлигини айтиб, ўз ихтиёрига кўра ишдан бўшаб кетишини таклиф қилишди.

Абутолиб Қуттибоев Зарифа билан тўнғич ўғли Довулни олиб, область марказидаги бошқа бир районга кўчиб кетди. Овул мактабига ишга жойлашишди. Уй топиб, бир оз эпга келтирган бўлишди, қобилиятли ёш ўқитувчи Зарифа ўқув ишлари бўйича мудир этиб тайинланди. Аммо шу пайт бу ерда қирқ саккизинчи йилдаги Югославия билан боғлиқ бўлган воқеа кўзғалиб қолди. Энди Абутолиб Қуттибоевга урушда асир тушган кишигина эмас, балки Югославияда узоқ вақт туриб келган шубҳали одам сифатида ҳам қарайдиган бўлишди. У Югославия партизанлари билан бирга жанг қилганини исбот қилиб берган бўлса ҳам, эътиборга олишмади. Ҳаммалари тушуниб, ҳатто ачингандай бўлишди-ю, аммо биронтаси жавобгарликни ўз бўйнига олиб, унга ёрдам беришга ботина олмади. Яна РайОНОга чақиришди ва ўз ихтиёрига кўра, ишдан бўшатишни сўраб ариза бериш ҳангомаси билан тугади...

Шу йўсинда бир жойдан иккинчи жойга кўчиб-қўниб юриб, Абутолиб Қуттибоевнинг оиласи эллик биринчи йилнинг охирида, қаҳратон кишининг ўрталарида Сариўзак даштидаги Бўронли бекатига келиб қолди...

Эллик иккинчи йил ёзи одатдагидан кўра иссиқ келди. Қақраган ер тарс-тарс ёрилиб, ҳарорат шу қадар заптига олдики, Сариўзакнинг эчкиэмарлари ҳам жонини қўярга жой топмай, ўзини қуёшдан қаёққадир олиб қочиш учун одамлардан чўчимасдан, ҳалқумини лиқиллатганча оғзини катта очиб, остоналаргача чопиб келишарди. Калхатлар салқин жой излаб, юксак-юксакларда сайр этиб юришарди — оддий кўз билан кўриб бўлмасди уларни. Фақат аҳён-аҳёндагина кучли овоз чиқаришиб, бир-бирларини йўқлаб қўйишарди ва яна шу қўйи жимираб турган қайноқ сароб ичида узоқ вақт жимиб қолишарди.

Бироқ иш ишлигича қолади. Поездлар машриқдан мағрибга томон ва мағрибдан машриққа томон ўтаверади, ўтаверади. Бўронли бекатига

неча-неча поезд келиб кетмади, дейсиз. Мамлакатнинг асосий қон томири бўлган транспорт қатновига ҳеч қанақа иссиқ халал беролмайди.

Ҳаммаси ўз маромида давом этарди. Йўлда қўлқопда ишлашга тўғри келарди, қўлқопсиз тошни, хусусан, темир-терсақни ушлаб бўлмасди. Куёш тепадан олов пуркарди. Сув, одатдагидек, цистерналарда келтириларди, бекатга етказиб келтирилгунча деярли қайнаб кетади. Эгнингдаги кийимнинг икки кун деганда куйиб тамом бўлади. Бунақа иссиқдан кўра Сариўзакнинг қаҳратон қишида яшаш енгилроқ туюларди. Шунинг учун ҳам Эдигей Бўрон ўша кунлари Абутолибнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилди.

— Бизда бунақа иссиқ ҳар йилиям бўлавермайди. Бу сафар йил шунақа келди ўзи,— деди у худди бунинг учун ўзи гуноҳқордай.— Яна ўн беш-йигирма кунлардан сўнг ҳарорат қайтиб қолар. Падарига лаънат, ҳаммани кийнаб юборди бу иссиқ. Бу ернинг ҳавосига ишониб бўлмайди, ёзнинг охирида ҳаво бирдан ўзгариб, неча бор турланиб турган пайтлар ҳам бўлган. Шунда бутун куз бўйи, деярли қишгача об-ҳаво яхши келиб, моллар этга киради. Мени айтди дерсан, бу йил ҳам ўшанақа келади, сабр қилсанг кўрасан, шундай бўладиган аломатлар бор.

— Демак, об-ҳавонинг кафиллигини оласан, шундайми? — дея Абутолиб Эдигейнинг фикрини маъқуллагандай, жилмайиб қўйди.

— Ҳа, кафиллик берсам ҳам бўлаверади.

— Шунисига ҳам раҳмат! Мен бўлсам ҳозир ҳаммомда ўтиргандайман. Қийналганим учун нолимайман. Зарифа иккаламиз чидаймиз. Бундан оғирларига ҳам чидаганмиз. Фақат, болаларга қийин бўлди... Қарашга юзим чидамайди...

Бўронлининг болалари нафасни бўғувчи жазирама иссиқда ҳолдан тойиб, ўзларини кўярга жой топмай, озиб-тўзиб кетган эдилар. Яқин атрофда болалар сув ва ҳаводай зарур бўлган на бир диккайган дов-дарахт, на жилгадан асар бор. Баҳорда Сариўзак атрофидаги сойликлар, манзилгоҳлар қисқа муддатга бўлса-да, ям-яшил тусга кирганда болақайлар яйраб қолишарди. Тўп тепиб, бекинмачоқ ўйнашиб, дала-тузда кийқиришиб чопишиб, юмронқозикларни қувлашарди. Уларнинг узоқ-узоқларга таралиб кетган қувноқ овозларини эшитиш кишига ҳузур бахш этарди.

Бу йилги иссиқ ҳаммани ташвишга солиб, тиниб-тинчимас болаларни ҳам ланж қилиб қўйди. Улар иссиқдан қочиб ўзларини деворлар панасига олиб, ўтган-кетган поездларни кузатишарди. Бу томонга қанча ва у томонга қанча поезд ўтганини, уларда қанча пассажир вагонларию қанча юк вагонлари борлигини санашарди — болаларнинг топган эрмаклари шу эди. Пассажир поездлари бекатга ўтатуриб, суръатни камайтирганда, болаларга худди тўхтаётгандай бўлиб туюларди ва шунда қўллари билан куёш нурини тўсганча нафаслари тикилиб, хансирашиб, уларнинг орқасидан чопқиллашарди. Эҳтимол, болалар соҳадилик билан бу жазирамадан бош олиб кетишни орзу

килишар. Бўронли болаларининг қаёқларгадир кетаётган вагонлар ортидан катталар сингари гамгин қараб қолиши жуда оғир эди. Деразашиклари ланг очиб юборилган вагонлардаги пассажирлар ҳам димикиб кетган, сассиқ ҳаводан, ғуж-ғуж пашшалардан хуноб бўлиб боришарди, ammo икки суткалардан сўнг салқин дарёлар ва яшил ўрмонларга етиб бориш ишончи ҳукмрон эди уларда.

Ўша ёз Бўронлида болаларга раҳми келиб ачинмаган бирорта онаота қолмаган бўлса керак. Бироқ болалари учун Абутолиб чеккан азобни Зарифадан бўлак Эдигейгина биларди, холос. Зарифа иккисининг ораларидаги дастлабки суҳбат ҳам шу ҳақда бўлган эди. Шу мулоқотда иккаласининг тақдирдаги яна баъзи бир нарсалар очилиб қолди.

Ўша куни улар темир йўл изларидаги шағалларни янгилаб юришган эди. Шпаллар ва темир изларнинг остидаги очилиб қолган жойларга шағал тиқиб жойлаштиришар, шу йўл билан тебраниш натижа-сида силжиб кетиши мумкин бўлган темир йўл кўтармаларини мустаҳкамлар эдилар. Бу ишлар ора-сирада, поездлар ўтказиб юборилгандан сўнг бажарилар эди. Тушга яқин Абутолиб бўшаб қолган бидонни кўтариб, ўзи айтгандай, бурчакдаги цистернадан сув опкелишга, бир йўла болалардан хабар олиб келишга кетди.

Куёш олов пуркаётганига қарамай, у тез юриб борарди, болалар сари шошиларди, авзойи ҳам бежорок эди. Кир босиб, ўнгиб кетган майкаси суяклари чиқиб қолган елкасида осилиб турарди, бошида офтобдан куйиб кетган похол шляпа, озиб кетган эгнида шалвираган кенг иштон, оёғида кийилавериб йиртилиб кетган боғичсиз иш ботинкаси. У шпаллар устидан ўзи билан ўзи бўлиб, ҳеч нарсага эътибор бермасдан шалошлаб юриб борарди. Оркасида поезд келаётганига ҳам қарамай, парвойи палак кетаверди.

— Ҳой Абутолиб, йўлдан чиқ! Нима, кар бўлиб қолганмисан?! — деб қичқирди Эдигей.

Абутолиб эшитмади. Паровоз гудок бергандагина пастга тушди, бироқ шунда ҳам ёнгинасидан ғизиллаб ўтиб бораётган составга ўгирилиб қарамади, машинистнинг мушт ўқталиб кетаётганини ҳам кўрмади.

Урушда юриб, асирликда бўлиб, сочига оқ тушмаганди. Тўғри, унда ёш эди, ўн тўққизга чиққанда армияга қақирлиди, кичик лейтенант бўлиб жангга кирди. Шу ерга келиб сочига оқ оралади. Сарийўзак оқартирди сочини. Оралаганда ҳам қуюқ, қалин сочларининг дам у ерига, дам бу ерига қутилмаганда тез оралади. Хусусан, чакка сочларидаги оқлар кундан-кунга кўпая борди. Яхши замонлар бўлганида, у албатта хушрўй ва басавлат йигит бўларди — кенг манглайли, қирғий бурун, кекирдаги чиққан, лаблари қимтинган, кўзлари сузик, бўйи-баста ҳам келишган. Зарифа қаттиқ ҳазил қиларди: «Омадинг келмади, Абу, сен саҳнада Отелло ролини ўйнашинг керак эди». Абутолиб кулимсираб: «Унда мен сени энг пасткаш инсон сифатида бўғиб ўлдирган бўлардим, буни сенга нима кераги бор!» дерди.

Абутолибнинг орқадан етиб келаётган поездни пайқамагани Эдигейни қаттиқ ташвишга солди.

— Сен унга айтиб қўйсанг бўларди, нима қилгани бу,— деди Эдигей ўпкалагандай.— Поезднинг йўлидан юриш ман этилган, уриб кетса, машинист жавоб бермайди. Гап бунда ҳам эмас. Бунақа қалтис ишнинг нима кераги бор ўзи?

Зарифа қорайиб, бўғриқиб кетган юзларидаги терни енглари билан артиб, оғир хўрсинди.

— Ундан қаттиқ хавотирдаман.

— Нима учун?

— Қўрқаман, Эдике. Сиздан яширадиган сир йўқ. Мен деб, болаларни деб виждон азобида қйналиб юрибди. Унга турмушга чиққанида туғишганларимнинг розилигини олмаган эдим. Катта акам фиғони чиқиб: «Бир умр афсус-надомат чекиб ўтасан, нодон. Сен эрга чиқмаяпсан, бахтсизликка юз тутяпсан, болаларинг ҳам, уларнинг болалари ҳам туғилмасиданок бахтсизликка маҳкум этилганлар. Севгилингни ақли бўлганда, уйланиб юрмасдан, ўзини-ўзи осиб ўлдирган бўларди. Унга энг яхши йўл шу!», деб бакириб берди. Биз бўлсак, ўзимизча иш тутдик. Модомики, уруш тамом бўлган экан, ўлган-қолган билан кимнинг иши бор, деб умидвор бўлдик. Биз ҳамманинг кўзидан узоқда, қариндош-уруғларимиздан четроқда юрдик. Ниҳоят, кейин билишимча, акамнинг ўзи ариза ёзишгача бориб етибди, унда мени огоҳлантиргани, бизнинг турмуш қуришимизга қаршилик кўрсатганини айтибди. Яна аризасида, синглим ва чет элда узоқ вақт юриб келган ўша Абутолиб Қуттибоев деган кимса билан ҳеч қандай алоқам йўқ, деб ёзибди. Шундан сўнг яна дарбадарлик бошланди. Қаерга бормайлик, ишимиз ўнгидан келмайди, мана энди замоннинг зайли туфайли шу ерга кеб қолдик, бошқа борадиган жойимизнинг тайини йўқ.

Зарифа ўчакишгандай шағални кураб, шпал остига жойлаштирар экан, жимиб қолди. Олдинда яна бир составнинг келаётгани кўзга ташланди. Улар белкурак ва замбилларни олиб, йўлдан четга чикиб туришди.

Бошига оғир кун тушган одамларга нима биландир ёрдам бергиси келди Эдигейнинг. Бироқ бу мусибатнинг манбаи Сариўзакдан ташқарида эди, шунинг учун унинг қўлидан ҳеч нарса кетмасди.

— Биз бу ерда яшаётганимизга анча вақт бўлди. Сизлар ҳам бир амаллаб кўникиб кетасизлар ҳали. Яшаш ҳам керак-ку! — дея таъкидлади у Зарифанинг юзига тик қараб. «Эҳ, бечорагина, Сариўзак чўлида яшашга ҳамма ҳам бардош бера олмайди. Қишда келганда оқиш юзли эди, энди бўлса юзига қараб бўлмайди, дея ўйлади ўзича Зарифанинг кўзларидаги гўзаллик сўниб бораётганини кўриб, ич-ичидан ачинганча.— Сочлари қанақа эди, ҳозир рангиям билинмайди, кинрикларини айтмайсизми, улар ҳам қуёшдан куйиб кетибди. Лаблари ҳам чатнаб кетган, боқкишнинг жони азобда қолди. Бундай ҳаётга одатланмагансан, шундай бўлса-да, бўш келмаяпсан, чекинмаяпсан. Иккита боланг бўлатуриб каёққа ҳам чекинардинг. Баракалла, отангга раҳмат!..»

Шу орада куйиб-оловланиб турган ҳавони тўлқинлантирганча, автоматдан ёғдирилган ўқдек тарақа-туруқ қилиб яна бир состав ўтиб кетди. Улар ишни давом эттириш учун қурол-яроғларини кўтаришиб, йўл ёқасига чиқишди.

— Зарифа, кулок сол.— деди Эдигей унинг руҳини кўтараркан ҳақиқатга очиқ қарашга даъват этиб.— Тўғри, болаларга бу ерда анча оғир. Уларнинг аҳволини кўриб, юрагим ачиб кетади. Аммо об-ҳаво қачонгача шунақа бўлади, дейсан. Қайтиб қолар. Қолаверса, Сариўзакда сизлар ёлғиз эмассизлар-ку, атрофда одамлар бор, ҳеч бўлмаганда, мана, биз бормиз. Хўш, пешонага шу насиб қилган бўлса, ҳадеб ўки-навермоқдан нима наф?

— Мен ҳам худди шунга гапиряпман-да, Эдике. Жароҳатини тир-найдинг бирор сўз айтмасликка ҳаракат қиламан. Қийналиб юргани-ни яхши тушунаман-ку.

— Тўғри қиласан. Сенга айтмоқчи бўлган насиҳатим ҳам шу эди, Зарифа. Фурсат кутаётганидим. Ҳаммасини ўзинг билиб турибсан-ку. Кези келиб айтдим-да, мени кечир.

— Турмуш баъзан жонингга тегиб кетади, денг. Ўзимга ҳам, унга ҳам раҳмим келиб кетади, болаларни ўйлаб, яна хунобим ошади; ҳеч бир гуноҳи бўлмаса ҳам бизни бу ёқларга бошлаб келганидан ўзини айбдор сезиб, ичидан зил кетиб юради. Ҳаётни эса, ўзича ўзгартира олмайди. Нимасини айтасиз, бизнинг юртларда ҳаёт бутунлай ўзгача, иқлим ўзгача эди: Олатов тоғлари, дарёлар... Ҳеч бўлмаса, болаларни ёзда ўша ёққа юбориб турсак экан. Лекин кимнинг олдига юборамиз? Ота-оналаримиз аллақачон оламдан ўтишган. Ога-ини, қариндош-уруғ-лар борку-я... Уларни ҳам айблаб бўлмайди, ўзларининг ташвиши етиб ортади. Улар авваллари ҳам биздан ўзларини олиб қочиб юришарди, ҳозир эса кўрарга кўзлари йўқ. Шундай экан, болаларимизни сиғ-диришармиди? Бир-биримизга ошқора айтмасак ҳам, умр бўйи шу ер-да қолиб кетамизми, деб чўчияпмиз, изтироб чекапмиз. Ҳаммадан кў-ра унга оғир бўлди... Олдинда бизни нималар кутаётганини биргина эгамнинг ўзи билади...

Иккаласи ҳам ҳаёл дарёсига ғарқ бўлишди. Сўнг бу гапларга қайт-масдан, поездларни ўтказиб юбориб ишга тутинишди. Бошқа нима ҳам қиларди? Бу бир бедаво дард бўлса. Уларнинг мусибатларига кўмак-лашиб, кўнгилларига яна нима билан таскин берса экан? «Дунё кезиб, мусофирчиликка юз тутиш даражасида эмасмиз-ку, деб ўйлади Эди-гей,— Иккаласи ишлайди, тирикчилик ҳам бир амаллаб ўтар, ахир. Уларни ҳеч ким бу ерга мажбуран юбориб, қамаб қўйгани йўқ. Эртага ҳам, индинга ҳам шу аҳвол давом этадиганга ўхшайди».

Бу оиланинг тақдири шахсан унга боғлиқдай, ачиниш ташвишла-наётганидан Эдигейнинг ўзи ҳам ажабланарди. Улар сенга ким бўлиб-ди, аслида бу ишларнинг сенга қанақа даҳли бор ўзи, деб айтадиган одам йўқ. Ким бўнсан ўзинг, бировнинг ишига аралашишни сенга ким қўйибди? Иш деса жонини жабборга берадиган сенга ўхшаган дашт-

ликлар камми? Нечун сен бу ишларга жиғибийрон бўлиб ғазаблана-сан, адолат нимаю адолатсизлик нима, деган масалалар билан бошинг-ни ачитасан, виждонинг қийналиб безовта бўласан? Нечун? Бу ишларни ҳал этаётган кишилар сен — Эдигей Бўронга қараганда минг чандон ортиқ билишса керак. Сариўзак чўлида яшаётган Эдигейга нисбатан бу масалалар у ердагиларга янада равшанроқдир? Бу ишларга сен — Эдигей, нечун ташвиш чекасан? Аммо, бари бир у томошабин бўлиб туролмасди. Ҳаммасидан кўра, Зарифага ич-ичидан ачинарди. Унинг Абутолибга нисбатан бўлган чексиз садоқатига ва ҳар қандай қийин-чиликларга бардош бериб, сабр-тоқат билан мардонавор курашиб келаётганига Эдигей қойил қолиб, тан берарди. Зарифа қаноти билан ўз ошёнини бўрондан химоя қилаётган қушга ўхшарди. Бошқа аёл йиғлаб-сиқтаб, ўз ота-онасининг олдига бориб, кечирим сўраб, тиз чўк-кан бўларди. У эса, уруш келтирган жабру жафоларни эри билан бир-га тортяпти. Эдигейни ҳаммадан кўпроқ безовта қилиб, ташвишга солиб қўйган нарса ҳам Абутолиб билан унинг болаларини бу фавқу-лодда мушкул аҳволдан химоя қила олмаганлиги эди... Тақдир шумлик қилиб бу оиланинг Бўронлига кўчиб келганига Эдигей кўп афсус-надоматлар чекиб юрди. Бундай қайғу-ҳасратнинг унга нима кераги бор эди? Бундан хабар топмаганда, билмаганда, аввалгидай бемалол ҳаёт кечириб юрган бўлармиди...

VI

Куннинг иккинчи ярмига бориб Тинч океанидаги Алеут ороллари-нинг жанубий қисмида тўлқинлар кўзғала бошлади. Америка қитъаси этагидан бошланган жануби-шарқдан эсаётган шамол аста-секин куч-га кириб, бора-бора бир йўналишга тушиб, авжига чиқарди. Чексиз кенгликлардаги маҳобатли сув ҳам ҳаракатга келиб чайқалиб, шовул-лаганча турнақатор тўлқинларни тобора ўрқачлантира бошлади. Буни-си пўртана бўлмаса ҳам, ҳарҳолда, сувнинг узоқ муддатга тўлқинлиниб туришидан дарак берарди.

Очиқ океандаги бундай тўлқинлар «Конвенция» авиабардори кема-сига хавф туғдира олмасди. Бошқа вақтда-ку кема ўз ҳолатини ўзгар-тирмаган ҳам бўларди, бироқ махсус ваколатли комиссиялар юқори доиралар билан бўлган кенгашлардан сўнг шошилинич суръатда яна қайтиб келишаётганию ҳадемай палубага келиб қўнишлари кутилаёт-гани сабабли авиабардор кема ёнбошдан келиб урилаётган тўлқинлар-га чап бериб, тумшугини шамолнинг йўналишига қарши тўғрилаганча туриб олди. Ҳамма иш кўнгилдагидай бўлди. Аввал Сан-Франциско, сўнг Владивосток ҳаво лайнерлари палубага келиб қўнишди.

Комиссиялар тўла состав билан қайтиб келишди, ҳамма сукутда, қиёфалари ташвишли. Ун беш дақиқадан сўнг улар ёпиқ кенгаш олиб бориш учун йиғилишди. Фазовий комиссия иш бошлагандан сўнг ора-

дан беш дақиқа ўтгач, Эга Галактикасидаги 1—2 ва 2—1 паритет-фазогирларга уларни «Паритет» самовий бекатининг бортига шошилинч суратда маълум қилиш учун шифрланган радиограмма юборилди: «Паритет» самовий бекатидаги 1—2 ва 2—1 назоратчи-фазогирларга. Куёш системасидан ташқаридаги 1—2 ва 2—1 паритет-фазогирлар ҳеч қандай фаолият кўрсатмасин, деб огоҳлантирилсин. Қўшмарбош махсус кўрсатма бермагунча ўринларидан жишлимасин».

Шундан сўнг махсус ваколатли комиссиялар фазовий тенгликни бартараф этиш юзасидан ўзларининг нуқтаи назарларини ва таклифларини баён этишга киришдилар...

«Конвенция» авиабардори Тинч океанининг тинимсиз тобора авжга минаётган тўлқинлариаро тўшини шамолга қарши тўғрилаб турар эди. Шу лаҳзада унинг бортида бутун сайёрамизнинг тақдир-қисмати ҳал этилаётганини ҳеч ким билмасди...

Бу ўлкаларда поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Темир йўлнинг иккала томонида ёвшанзор билан қопланган ҳайхотдай даштлик — Сариўзак, ўртачўл ястаниб ётади.

Ҳар қандай масофа Гринвич меридианидан ўлчангани сингари бу ерларда масофа темир йўлга нисбатан ўлчанади.

Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Она Байит қабристонига етишга яна икки соатча вақт бор эди. Сариўзак сари йўл олган дафн маросими карвони ҳамон бир маромда борар, туясига миниб олган Эдигей Бўрон олдинда, Қоранор ҳам аввалгидай ҳормай-толмай катта-катта қадам ташларди.

Ортада — тиркалма аравали трактор. Аравада марҳум Казангап, унинг ёнида куёви — қизи Ойзоданинг эри ёлғиз ўзи ғиқ этмай, сабртоқат сақлаб ўтиради, уларнинг ортидан эса «Белорусь» экскаватори келар эди. Ёнда эса тўшдор малла ит Йўлбарс гоҳ олдга йўртиб ўтиб, гоҳ орқада қолиб, гоҳида аллақандай муҳим нарсани кўргандай бир зум тўхтаб қолиб, ўз ишининг кўзини билгансиб, ҳамон аввалгидай бамайлихотир эргашиб келарди.

Куёш найзага келиб, борлиқни қиздира бошлади. Буюк Сариўзак даштининг бепоён қир-адирларидан ўтиб борганингиз сари яна уфққача туташиб кетган янгидан-янги кимсасиз, чексиз кенгликлар кўз ўнгингизда гавдаланарди. Сариўзак даштининг боши-кети кўринмайди. Бир замонлар бу ерларда жунгжанг деган бадқирдор келгиндилар яшаганлар. Улар Сариўзак ерларининг қарийб ҳаммасини босиб олиб, узок йиллар мобайнида ўз кўлларида сақлаб турганлар. Бу ерларда яшаган бошқа кўчманчи халқлар яйловлар ва қудуқлар учун ўзаро талашиб, икки ўртада мунтазам равишда уруш давом этиб келган. Гоҳ

унисининг, гоҳ бунисининг кўли баланд келиб, енганлар ҳам, енгилганлар ҳам шу атрофда яшаб қолаверган, бироқ ғолиб келганларининг ерлари ортиб, мағлубларининг ерлари эса камайиб бораверган. Елиза- ровнинг айтишича, Сариўзак манзилгоҳ, қуриб тирикчилик қилиш учун ҳар қанча жангу жадалга арзигулик жой эди. Негаки, ўша замонларда бу ерларда баҳорда ҳам, кузда ҳам ёғин-сочин мўл-кўл бўларди. Ўт- ўланлар ҳар қанча мол-ҳолу қўй-қўзиларга етиб ортарди. Ўша кезлари бу ерларга турли томонлардан савдогарлар қатнаган, савдо-сотик иш- ларининг авжи баланд бўлган. Бироқ кейинчалик бу ерларнинг иқлими кескин ўзгариб кетади. Деярли ёғин-сочин бўлмай, қудуқларнинг суви қуриб, яйловлардаги ўт-ўланлар қувраб, қайта чиқмай кўяди. Ана шун- да Сариўзакдаги халқлар ва қабилалар ҳар томонга булутдай тарқаб кетишади, ҳайдар кокилли жунгжанглар эса бутунлай йўқ бўлишади. Улар Эдил дарёси — у вақтларда Волга дарёси шундай аталарди — бўйларига бориб, ўша томонларда ном-нишонсиз ғойиб бўлишган. Уларнинг қаёқдан келиб, қаёққа кетганини ҳам ҳеч ким билолмаган. Миш-мишларга караганда, жунгжанглар қарғишга учрабди — қишда музлаб қолган Эдил дарёсидан тўп-тўп бўлиб ўтаётганларида бирдан муз ёрилиб, ҳаммаси мол-ҳоллари билан биргаликда муз остига чўкиб кетишибди...

Сариўзакнинг туб қозоқларигина ўша замонларда ҳам ўз ерларини ташлаб кетишмади, улар янгидан қудуқлар қазиб, сув чиқаришга му- ваффақ бўлдилар. Лекин Сариўзак даштининг энг гуллаб-яшнаган дав- ри урушдан кейинги йилларга тўғри келади. Сув ташувчи машина- лар пайдо бўлди. Битта сув ташувчи машина — агар унинг ҳайдўвчиси бу жойларни яхши билса — олис яйловлардаги уч-тўртта турар овулни бир йўла сув билан таъминлай олади. Сариўзакдаги яйловларнинг ижа- рачилари — шу атрофдаги областларнинг қолхоз ва совхозлари энди Сариўзак чўлида боқиладиган чорва молларининг доимий қишлови учун базалар ташкил этиш ҳақида ўйлаб қолишди ва бундай бинолар қуриш учун қанча маблағ сарфланишини хомчўт қилиб кўришди. Ях- шиямки, улар ошиқишмаган экан. Бирсв билиб, биров билмай, секин- аста Она Байит мозори атрофида Почта кути деган номсиз шаҳар пай- до бўлди. Шунинг учун ҳам уни: Почта қутига кетибди, Почта қутида бўлибди, Почта қутидан сотиб олдим, Почта қутида кўриб қайтдим ва ҳоказо, деб айтадиган бўлишди... Почта кути кундан-кунга ўсиб, кен- гайиб, обод шаҳарга айланди, унга чет кишиларнинг кириши эса ман этиб қўйилди. Асфальтланган йўлнинг бир учи космодромга олиб бора- ди, иккинчи учи темир йўл бекати билан туташади. Сариўзакнинг ян- ги, индустриал қурилиши мана шу кезлардан бошланди. Бу томонлар- да ўтмишдан фақат туянинг қўш ўрқачини эслатьвчи Эгизтепа дўнг- лигига жойлашган Она Байит қабристонигина қолган эди, холос. Эгизтепа Сариўзак туманидаги энг мўътабар қадимжо эди. Қадим за- монларда марҳумни Она Байит мазорига дафн этиш учун шунақа олис жойлардан келишардики, баъзан одамлар қоқ чўлда тунаб қолишарди.

Лекин шунча ташвиш тортиб келганларига қарамай, Она Байитга кўмилган марҳумнинг авлодлари аждодларимизни эъзозлаб жуда азиз, муқаддас жойга қўйдим, деб фахрланиб юришарди. Бу ерга элда иззат-ҳурмат топган, узоқ умр кечириб, кўпни кўрган, сўзи, иши билан шуҳрат қозонган энг мўътабар одамлар қўйишарди. Елизаров буларнинг ҳаммасини биларди ва шунинг учун ҳам Она Байитни Сарийўзакнинг юраги, деб атарди.

Мана бугун ўша жойга Бўронли бекатдан чиққан, туя — трактор аралаш, ит ҳамроҳлигида ғаройиб дафн қарвони яқинлашмоқда эди.

Она Байит қабристонининг ўз тарихи бор. Ривоятга кўра, ўтган замонларда Сарийўзакни босиб олган жунжанглар асирга тушган жангчиларга нисбатан беҳад шафқатсизлик қилар эканлар. Улар кези келиб бундай тутқунларни қўшни ўлкаларга кул қилиб сотиб юборишаркан. Бу эса тутқуннинг омади келгани ҳисобланаркан. Чунки сотиб юборилган кул эртами — кечми, бир кун ўз ватанига қочиб келиши мумкин экан-да. Жунгжангларнинг қўл остида тутқун бўлиб қолганларнинг эса шўри қуриркан. Улар маҳкумнинг бошига териқалпоқ тортиш йўли билан даҳшатли бир тарзда қийнаб, унинг хотирасини йўқотар эканлар. Одатда бундай жазога жангда асир тушган ёш йигитлар гирифтор бўлишарди. Аввалига жунгжанглар тутқуннинг сочини дастлаб ўнгидан, сўнгра тескарисидан тақир қириб ташлашади. Сартарошлик маросими тугагач, жунгжангларнинг чапдаст қассоблари каттакон бир туяни сўйиб, терисини шила бошлайдилар. Улар биринчи навбатда, энг қалин ва энг оғир бўлган бўйин терисини ажратиб бўлақларга бўлишар, ҳовури чиқиб турган ёпишқоқ терини шу заҳотиёқ ҳозирда сузувчилар киядиган қалпоқча сингари, тутқуннинг янги қирилган тақир бошига кийгизиб қўйишарди. Мана шу — тери қоплаш дейилади. Бундай қийноққа дучор этилган кул ё даҳшатли азобларга бардош беролмай ўлиб кетар, ё хотирасидан умрбод маҳрум этилиб, ўтмишини эслай олмайдиган кулга — манқуртга айланиб қолар эди. Битта туянинг бўйин териси беш-олтита қалпоқча етади. Қалпоқ қоплангандан сўнг, ҳалокатга маҳкум этилган ҳар бир кул, қийналганда бошини ерга теги-за олмасин учун, бўйнига ёғоч бўйинтуруқ боғлашарди. Шу алфозда уларнинг юракни эзувчи, қулоқни қоматга келтирувчи беҳуда дод-фарёдлари эшитилиб қолмасин, деб одамлардан йироққа, сувсиз, емишсиз, кимсасиз яйдоқ далага, оёқ-кўллари боғлиқ ҳолда жазирама офтоб тигига элтиб ташлар эдилар. Бу қийноқлар бир неча кун давом этарди. Керакли жойларга соқчилар қалин қўйилиб, асирларнинг қабилалошлари уларни қутқаришга келиб қолишса ўтказмаслик учун чора-тадбир қўриб қўйилган эди. Бироқ, қутқазिशга уринишлар жуда кам бўларди, чунки очиқ далада қилт этган шарпа дарҳол сезилиб қоларди. Бунинг устига, жунгжанглар фалончини манқурт қилишибди, деган хабар тарқалган тақдирда, тутқуннинг энг яқин биродарлари ҳам уни қутқазिशга ёки пул эвазига қайтариб олишга уринмаёқ қўярдилар, негаки, бу ўша одамнинг қуруқ жасадинигина қайтариш деган сўз эди.

Фақат биргина найман волидаси — ривоятларда Найман она номи билан машҳур бўлиб кетган аёлгина ўз ўғлининг бу тахлит аччиқ қисмати билан мураса қила олмади. Сариўзак афсонаси шу ҳақда. Она Байит¹ — Онаизор макони қабристонининг номи ҳам шундан келиб чиққан.

Далага ташланган асирларнинг кўпи Сариўзак қуёши тигида даҳшатли қийноқларга бардош беролмай ҳалок бўлган. Беш-олтита манқуртдан битта ёки иккитасигина тирик қолган. Бошқалари очликдан эмас, ҳатто ташналикдан ҳам эмас, каллага қопланган терининг қуёш иссиғида қовжираб, қоқ мияни чидаб бўлмас даражада сиқиши натижасида жон таслим қилар эдилар. Олов пурқаб турган қуёш остида тери қалпоқ шафқатсиз равишда торайиб, қулнинг қирилган бошини темир чамбарак сингари жингиртоб қилиб қисарди. Орадан бир кун ўтиши билан жабрдийдаларнинг тақир бошида соч ниш ура бошлайди. Осиёликларга хос тикондай тик дағал сочлар баъзида хом терини тешиб чиқарди, кўп ҳолларда эса, чиқишга йўл тополмай яна қайтадан қайрилиб, бош терисига қараб ўсарди ва аввалгидан ҳам баттар азоб берарди. Сўнгги синов давомида тутқунлар эс-хушларини буткул йўқотар эдилар. Орадан беш кун ўтгачгина жунгжанглар келиб тутқунлардан қай бири тирик қолганини кўздан кечиради. Ақалли битта тутқун тирик қолган бўлса ҳам, мақсадга эришилган ҳисобланарди. Бундай қулни қийноқдан бўшатиб, сув бериб, аста-секин кучга киритиб, оёққа турғизишарди. Бироқ у энди бари бир одам саногидан чиқарди, зўрлаб эс-хушидан жудо этилган қул — манқуртга айланарди, худди шунинг учун ҳам бундай қуллар ўнта соғлом тутқундан кўра қимматроқ турарди. Ҳатто шундай қонун-қоида ҳам бор эдики, ўзаро тўқнашувларда ўлдирилган битта манқурт учун бошқа эркин тутқунга нисбатан уч баробар ортик ҳақ ундириб олинарди.

Манқурт ўзининг ким эканини, қайси уруғ-аймоқдан эканини, исмини, болалик кезларини, ота-онасининг кимлигини бутунлай ёддан чиқарган бўлиб, ўзининг одамлигини ҳам унутиб юборади. Ўзининг инсоний кадр-қимматини идрок этолмаган манқурт хўжалик ишлари нуқтаи назаридан бир қанча афзалликларга эга эди. У нотавон ва забонсиз бир махлуқ бўлгани учун ҳам мутлақо итоаткор ва беозор. Қочаман-қўяман деган ҳаёл унинг тушига ҳам кирмайди. Қулдор учун энг даҳшатли нарса — қулларнинг исёни. Ҳар бир қул сиймосида исёнкорлик руҳи яширинган. Ёлғиз манқуртгина бундан мустасно, исён кўтариш, бўйин товлаш унга бутунлай ёт. Бундай тушунчалар унга бегона! Унга соқчи қўйишга, айниқса бузуқ ниятли киши сифатида ундан гумонсирашга ҳожат йўқ. Манқурт худди ит каби фақат ўз эгасини танийди. Бошқалар билан иши йўқ. Унинг фикри-зикри қорин тўйи-

¹ Она Байит номидаги иккинчи сўз «байт» мълносини билдиради, яъни фарзанд доғида изтироб чекаётган онанинг аламли фарёди, муножаатини англатади. (*Таржимон.*)

газишда, шундан бошқа ташвиши йўқ. Аммо ўзига топширилган ишни ўйламай-нетмай, ўлар-тириларига қарамай, муқаррар бажо келтиради. Манқуртлар одатда энг паст, энг оғир ишларни бажаришга мажбур этилар ёки бўлмаса, уларга энг зерикарли, энг машаққатли, овсарларча сабр-тоқат талаб этиладиган машғулотлар топширилар эди. Кимсасиз Сариўзак яйловларидаги туялар подасидан бир қадам ҳам нарига жилмасдан, яккаю ёлғиз яшашга маҳкум этилган манқуртгина бундай азоб-уқубатларга чидай олиши мумкин эди! Биргина манқуртнинг ўзи бундай олис жойларда бир қанча туячиларнинг ўрнини боса олар эди. Бор-йўғи нияти — қорни тўйса. Шунда у қишин-ёзин демай, ёлғизлик азобига ҳам, бошқа ҳар қандай маҳрумликларга ҳам парво қилмай, тинимсиз ишлайверади. Хўжайиннинг амри манқурт учун ҳам фарз, ҳам қарз. Унинг ўзига эса, хўрагу дашти биёбонда музлаб қотиб қолмаслик учун кифоя қиладиган уст-бош бўлса бас. Бўлак ҳеч нарса-ни талаб қилмайди.

Инсоннинг инсонлик фазилати, яратилганда бирга яратилиб, ўлганда яна ўзи билан бирга кетадиган ва бошқа мавжудотлардан ажралиб турадиган бирдан-бир ноёб фазилати — хотираси, ақл-идроки бўлса-ю, уни таг-томири билан юлиб олсалар, ахир, бу қандай ёвузлик, қандай бедодлик?! Ундан кўра тутқуннинг қалбини поралаб, истаганча зиён-заҳмат етказиб, ўлимга маҳкум этишлари ёки бўлмаса бир йўла бошидан жудо этишлари юз чандон яхши эмасми? Ўзларининг мудҳиш тарихида хиёнаткор сифатида шуҳрат қозонган кўчманчи жунгжанглар энг муқаддас нарса — инсоннинг муқаддас инсонийлик моҳиятига ҳам чанг солдилар. Улар қулларни жонли хотирадан маҳрум этиш йўлини ўйлаб топдилар, бу билан бани одам зотига ақл бовар қиладиган ва бовар қилмайдиган ёвузликлар орасида энг қабиҳ жиноятга қўл урдилар.

Балки, шу боисдандир, манқуртга айлантирилган, ўглининг ғами-гуссаси оловида қоврилган Найман она шундай зикр қилди:

«Бўталоғим, сени хотирангдан жудо этаётганларида, бошинга кўринмас терикалпок ўрнатиб эс-ҳушингдан ажратаётганларида, ёнғок чақадиган қисқичдек бошинга кийдирилган туятери аста-секин қуриб-қовжираб бош чаногингни жингиртоб қилиб сиқаётганида, даҳшатли кўрқувдан кўзларинг косасидан ирғиб чиққанида, Сариўзак даштининг дудсиз оташи остида ўлим талвасаси билан олишиб, лабингни ҳўллашга ҳам еру кўкдан бир томчи сув тополмай ташналик азобида қоврилаётганинда, ҳатто борлиққа ҳаёт бахш этувчи хуршиди олам сенга сўкир, бало-қазо бўлиб, дунёдаги жамики юлдузлар қаро зулмат бўлиб кўрингандир?»

Тулпорим, жон азобидаги юракни ўртовчи оху фарёдинг саҳро узра фалакка кўтарилганда, илондай тўлганиб, бакириб-чакириб куну тун тангрига илтижо қилганинда, нажотсиз кўкдан мадад кутганинда, азоб-уқубат ичра нафасинг хипна бўғилганида, оғиз-бурнингга сув келиб, аъзойи баданингдан тер чиқиб, ўша бадбўй ҳидга булганиб ётга-

нингда, мўр-малахдай пашшалар тўдасига ем бўлиб эс-ҳушингни йўқотаётганингда бу дунёда барчамизни яратиб қўйиб, сўнгра унутиб қўйган тангрига жон-жаҳдинг билан лаънат ўқидингми?

Тулпорим, кийноқлардан майиб-мажруҳ бўлган ақл-идрокиннга мангу тун чойшаби ёпилаётганда, хотиранг ришталари зўрлик билан юлиб-ситиб олиниб, ўтган умринг билан сени боғлаб турувчи ҳалқалардан, жон талвасасида ўзингни ҳарён уриб она нигоҳини, ёз кунлари кирғоғида сен ўйнаб юрган тоғ жилғасининг шовуллашини унутаётганингда, шуурингни парчалаб, хотирангдан ўз номингни, отангнинг номини ўчириб ташлаётганларида, атрофингдаги сен билан униб-ўсган одамларнинг чеҳралари сўнаётганида ва сенга уялиб-ийманиб табассум қилаётган маҳбубанинг жамоли қоронғилашаётганида, хотирасизлик жарига кулар экансан, ўз вужудида ҳомила пайдо этишга журъат этиб ва шу мудҳиш кун учун сени ёруғ дунёга таваллуд топтирган онаизоринга лаънатлар ёғдиргандирсан?..»

Бу воқеа Осиёнинг кўчманчи жанубий сарҳадларидан сиқиб чиқарилган жунгжанглар шимол сари ёпирилиб келиб, Сариўзак даштларини узоқ вақтгача эгаллаб, босиб олган ерларини кенгайтириш ва аҳолини қулликка солиш мақсадида туб халқлар билан тинимсиз уруш олиб борган замонларда юз берган эди. Дастлабки пайтларда улар тинч аҳоли устига тўсатдан бостириб келганлари туфайли Сариўзак атрофида яшовчи кўп сонли кишиларни, шу жумладан аёлларни ва болаларни асир туширадilar. Қўлга тушган тутқунларни эса ҳаммасини қулликка маҳкум этадилар. Бироқ келгиндиларнинг босқинчилик ҳаракатига қарши кураш тобора кучая боради. Аёвсиз тўқнашувлар бошланади. Жунгжангларнинг Сариўзакдан кетадиган сиёғи сезилмасди, билъақс, улар чорва учун кенг-мўл яйловлари бўлган бу манзилга тиш-тирноқлари билан ёпишиб олдилар. Маҳаллий қабилалар эса ўз ерларини йўқотишни истамас, эртами-кечми босқинчиларни бу ердан ҳайдаб чиқаришга ўзларини ҳақли ва бурчли ҳисоблашарди. Алқисса, бундай катта-кичик жангларда гоҳ у томоннинг, гоҳ бу томоннинг қўли устун келиб турди. Аммо бундай урушлар орасида осойишта дамлар ҳам бўларди.

Осойишта дамларнинг бирида найманликларнинг юртига карвонда мол ортиб келиб қолган савдогарлар чой ичиб, гурунглашиб ўтираркан, ўзлари кўриб шоҳиди бўлган бир воқеани гапириб беришади. Айтишларича, Сариўзак даштининг жунгжанглар томонидаги қудуқлар ёнида бамайлихотир ўтиб бораётганларида йўлда каттакон туялар подасини ўтлатиб юрган бир навқирон чўпонга кўзлари тушиб қолади. Савдогарлар у билан гаплашмоқчи бўлиб оғиз очганларида чўпоннинг манкурт эканини пайқаб қоладилар. Сиртдан қараганда, чўпон соғлом йигитга ўхшар, бошидан нималар кечгани ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди. Балки у ҳам қачонлардир бошқалар сингари эсли-ҳушли, сўзамол бўлгандир. Ун гулидан бир гули очилмаган, мўйлаби эндигина сабза ура бошлаган, келбати келишган, аммо икки оғиз гаплашмоқчи бўлсанг,

худди кеча тугилганга ўхшайди, боякиш на ўзининг, на ота-онасининг исмини билади: жунгжанглар уни қандай куйга солишганини, уруғ-аймоқлари кимлигини ҳам унутиб юборган. Бирон нарса сўрасанг ломим демайди, фақат «ҳа» ёки «йўқ» деган жавобни беради, доим бошига бостириб кийилган телпагидан қўлини туширмайди. Гуноҳ эканини билишса-да, жисмоний майиб-мажруҳларни ҳам одамлар мазах қилишади. Шундай манқуртлар ҳам бўлар эмишки, уларнинг бошига кийдирилган туя териси баъзан бош териси билан бирга қўшилиб ўсар эмиш ва ҳоказо, ҳоказолар хусусида сўз юритиб кулишади. Бундай манқуртларни, кел, бошингни буғлаб юмшатамиз, деб қўрқитишса, гўё бундан ортиқ жазо йўқдек, кўзлари кинидан чиқиб кетар экан. Асов от сингари депсиниб, бировнинг қўлини бошига яқинлаштирамас экан. Бу хил манқуртлар қуну тун, ҳатто ухлаганда ҳам телпагини ечмас экан... Аммо лекин, суҳбатни давом эттиришарди меҳмонлар, манқурт гирт аҳмоқ бўлса ҳам, ишига пухта экан — токи биз унинг туяларидан узаб кетмаганимизча кўз-қулоқ бўлиб турди. Карвончилардан бири ўша манқурт-ни мазах қилмоқчи бўлиб сўрабди:

— Борар еримиз олис. Сендан кимга, қайси сулувга, қайси юртларга салом айтайлик? Айтавер, яширмай. Эшитяпсанми? Балки, номингдан рўмол тортиқ қилайликми?

Манқурт йўловчига тикилганча узоқ вақт индамай турди-да, сўнг:

— Мен ҳар қуни ойга тикиламан, ой эса менга тикилади. Аммо биз бир-биримизнинг овозимизни эшитмаймиз... У ёқда кимдир ўтирибди... — деди ғўлдираб.

Гурунг пайти ўтовда савдогарларга чой қуйиб ўтирган бир аёл ҳам бор эди. Бу Найман она эди. Сариўзак афсонасида у шундай ном билан қолди.

Найман она йўловчи меҳмонларга сир бой бермади. Бу хабарни эшитиб, ногоҳ даҳшатга тушганини, ранги-рўйи ўзгариб кетганини ҳеч ким сезмади. У савдогарлардан ёш манқурт тўғрисида яна нималарнидир сўраб-суриштиргиси келар, аммо худди мана шу нарса — яна ҳам кўпроқ нарсани билишдан ваҳимага тушарди. Найман она тилини тийди. Яраланган қушинг чинкироғи сингари қалб тугёнини ичига ютди... Бу орада суҳбат мавзун ўзгариб, турмушда нималар бўлмайди, деганларидай бечора манқурт ҳақидаги ҳозиргина гаплашиб ўтиришган воқеани бутунлай унутишди. Найман она бўлса, бутун вужудини камраб олган кўрқувдан ўзини тинчитишга, қўлларининг титроғини босишга ҳаракат қиларди. У энди кўпдан бери оқара бошлаган сочларига ташлаб юрадиган қора рўмолини манглайи узра юзига тушириб олган эди.

Савдогарларнинг карвони кўп ўтмай ўз йўлига равона бўлди. Ўша кеча тонг дастунга қадар турли ўй-хаёллар оғушига чўмган Найман она Сариўзак даштидаги ўша манқурт-чўпонни топиб, унинг ўғлими, йўқми эканига ишонч ҳосил қилмагунча кўнгли тинчимаслигини англади. Она кўнглини аллақачонлардан бери жанг майдонида қолган ўғлининг бедарак кетгани ғаш қилиб келар эди, энди ўша сезги, ўша гумон қайта кўз-

ғалиб, уни дахшатга сола бошлади... Бундай кийноқлару азоб-уқубатлардан бир умр ғам чекиб, гумонсираб, хавотирланиб юргандан кўра, албатта, ўғлини бир эмас, икки бор кўмгани яхши эмасми?

Унинг ўғли Сариўзак томонларда жунгжанглар билан бўлган жангда шахид бўлган эди. Эри ундан бир йил муқаддам ҳалок бўлган — Найман элида маълум ва машҳур киши эди у. Кейин ўғил отасининг ўчини олиш учун биринчилардан бўлиб жангга отланди. Бу элат одатида ҳалок бўлганларни жанг майдонида қолдириб кетиш номус саналади, қариндош-уруғлари жангчининг жасадини олиб келишлари лозим. Бироқ бунинг иложи бўлмади. Ҳақ катта жангда қатнашганлардан кўпгина киши душман билан рўбарў келиб жангга киришганида Найман онанинг ўғли от ёлини қучоқлаганча йиқилганини, жанг суронидан чўчиган от уни олиб қочганини кўришган экан. Шунда йигит эгардан қулайдию бир оёғи узангидан чиқмай ўзи отнинг ёнида осилиб қолади, бундан баттар хуркиб кетган от жон-жаҳди билан унинг жонсиз танасини чўл ичкарисига судраб кетади. Водариг, от ғаним томон суриб кетади. Олатасир қиёмат кўпганига, ҳар бир жангчи кураш майдонида бўлиши лозимлигига қарамай, қочиб бораётган отни ва марҳумнинг жасадини зудлик билан қўлга киритиш учун қабиладошларидан икки киши отларини йўрттириб кетишади. Аммо шу пайт жунгжангларнинг сой ичида пистирмада турган бир неча ҳайдар кокилли суворилари кийқиришганча, йўлни кесиб чиқишади. Найманлардан бири шу заҳотиёк камон ўқиға учиб ҳалок бўлади, иккинчиси эса оғир яраланиб ортга қайтади, сафдошлари ёнига аранг етиб келиб шу ерда қулайди. Шу воқеа сабаб бўлиб, урушнинг ҳал этувчи энг қулай пайти жунгжангларнинг ён томондан зарба беришга шайланиб турган гуруҳлари пистирмада яшириниб ётганини вақтида сезиб қолишади. Найманлар қайта саф тузиб, яна жангга кириш учун шошилиш равишда чекинишди. Албатта, бундай қизгин жанг ичида Найман онанинг ўғли — ёш жангчининг нима бўлганини суриштириб ўтиришга ким ҳам фурсат топибди, дейсиз. Отида чоғиб келиб, ўз сафига аранг қўшилган ҳалиги ярадор найман йигитнинг кейинчалик онага айтиб беришича, ўғлини судраб кетаётган отни қувлаб бораётганларида, от номаълум томонга бурилиб кетиб, дарҳол кўздан ғойиб бўлган...

Жангчининг жасадини излаб найманлар неча кунлаб дала йўллари кезиб чиқдилар. Бироқ на марҳумнинг жасадини, на олиб қочган отини, на тушириб қолдирган қурол-яроғини, на бошқа бирон белги-аломатни топа олдилар. Унинг ҳалок бўлгани ҳеч кимда шубҳа қолдирмаган эди. Боринги, ярадор бўлган тақдирда ҳам орадан ўтган кунлар орасида чўлда сувсизликдан ёки бўлмаса, қон кетишидан ҳалок бўлиши муқаррар. Ёш биродарларининг кимсасиз Сариўзак чўлида дафн этилмай қолиб кетгани аламидан ҳасрат-надомат чекдилар. Бу ҳаммага иснод эди. Найман она ўтовидида овоз чиқариб йиғлашган хотин-халалар эрлари ва оға-инилари шаънига таъна тошларини ёғдирдилар:

— Унинг кўзларини қузғунлар чўқиди, шоқоллар гўштини бурдалаб

кетди, энди сизлар қайси юз билан эл орасида бош кўтариб юрасизлар!..

Ўша кундан бошлаб Найман она учун еру кўк ҳувиллаб қолди. Тўғри, уруш қурбонсиз бўлмайди, буни она ҳам яхши тушунади, бироқ ўғлининг жасади кўмилмасдан жанг майдонида қолиб кетгани унга сира ҳам тинчлик бермасди. Аччиқ қайғу, поёни йўқ ўй-хаёллар она қалбини поралар эди. Чексиз дард-андухини енгиллаштириш учун кимга айтиб, кимга зорлансин, ғам-андухини енгиллаштириш учун парвардигордан бўлак кимга ҳам илтижо қилсин...

Ўғлининг ўлимини ўз кўзи билан кўриб ишонч ҳосил қилмагунча, бундай мудҳиш хаёллардан қутулиб, жони жой топмас эди онанинг. Ушанда тақдирга тан беришдан бўлак чора қолмаган бўларди. Ўғлининг оти ҳам дом-дараксиз кетгани кўнглини баттар хижил қиларди. От ҳалок бўлмаган, балки ҳуркиб қочган. У уюрдаги отлар сингари эртами-кечми, бир куни узангига осилиб қолган чавандоз жасадини судраб кадрдон жойига қайтиши керак эди. Шунда қанчалик даҳшатли бўлмасин, она ўғлининг жасади устида дод-фарёд, ўпкаси тўлгунча йиғлаб, кўнглини бир оз бўшатиб олган бўларди. У ўз қисматидан, бахтиқаролигидан нолиб, юзларини тирноқлари билан юмдалаб тангрини лаънатлар эди. Ўғлининг дараги чикқанида-ку, эртаю кеч ич-эттини еб, гумонсираб, кўнглида совук шубҳани кўтариб юрмаган бўларди. Худодан узок умр бергин, деб илтижо қилиб ўтирмасдан, орзу-умидларидан бирийўла маҳрум бўлган ҳолда ўлимга тайёр туриб берган бўларди. Бироқ ўғлининг жасади топилмади, оти қайтиб келмади. Ҳар қандай йўқотиш бора-бора эсдан чиқарилгани сингари бу воқеа ҳам, вақт ўтиши билан уруғ-аймоқлари хотирасидан кўтарила бошлади... Фақат у — ёлғиз онаизоргина бесару омон, бетоқат кутарди. Ўй-хаёллар гирдобиде онанинг фикри чувалгани чувалган. Отни қандай жин урди, эгар-жабдуқлари, қурол-яроқлари қаерда қолдийкин? Ақалли шулар топилганда ҳам ўғлининг аҳволи не кечганини тахминлаб аниглаб оларди. Ахир, жунгжанглар Сариўзак даштининг бирон ерида ҳолдан тойган отни ушлаб олган бўлишлари мумкин. Яхшигина эгар-жабдуқли, яна бунинг устига ўз оёғи билан келган тулпор нақд ўлжа-ку. Ундай бўлса узангида оёғи илиниб келган ўғлининг жасадини ғанимлар нима қилишди — ерга кўмишдими ё чўл даррандаларига емиш бўлдимми у? Бордию ҳали ўлмаган, фалакнинг гардиши билан тирик қолган бўлса-чи? Чала ўлик йигитни улар уриб ҳалок қилишган ённки яйдоқ далага қуруқ жасадини ташлаб кетишган бўлишса-чи? Ё... агар...

Гумон-шубҳаларнинг чеки йўқ эди. Сайёҳ савдогарлар чой ичишиб ўтиришганда, Сариўзакда учраган ёш манкурт ҳақида гап очиб Найман онанинг ўртанган юрагини баттар ўртаб, ярасига туз сепишганини ўзлари ҳам пайқашмаган эди. Она қандайдир фалокатни сезиб, юраги орқасига тортиб кетди. Ўша манкурт менинг ўғлим бўлиб чиқса-я, деган ҳадик борган сари кучайиб, унинг ақлу ҳушини, бутун вужудини тобора чуқурроқ, тобора кучлироқ чирмаб ола бошлади. Ўша ман-

күртни излаб топиб, ўз кўзи билан кўриб, унинг ўз пушти-камаридан бўлган ўғли эмаслигига ишонч ҳосил қилмагунча кўнгли тинчимаслигига кўзи етган эди.

Найманлар ёзлик манзил қурган тоғ этагидаги адирларда жилғалар жилдираб оқади. Найман она сувнинг жилдираб оқишига туни билан кулоқ тутди. Онанинг исёнкор руҳига ва муножотига унчалик ҳамоҳанг бўлмаган сув нималарни шивирлаётган экан? Қалб таскинга муҳтож. Ҳайҳотдай гунг-соқов Сариўзак чўли сари равона бўлиш олдидан шошқин сувнинг мусиқасини тўйиб-тўйиб тинглашга орзуманд эди. Кимсасиз чўлга якка-ёлғиз бориш хавф-хатарли эканини она биларди, аммо шунга қарамай ўйлаган ниятини бирор кимсага айтишни, кўнгил ёришни истамасди. Бари бир, дардинга дардманд бир кимсани тополмайсан ҳам. Ҳатто энг яқин кишилари ҳам унинг бу ниятини маъқулламаган бўларди. Аллақачонлар ўлиб кетган ўғлини излаб чиқиш на ҳожат. Мабодо аллақандай тасодиф туфайли ўғли ўлмай, манқуртга айлантирилган тақдирда ҳам, уни кидириб, пораланган юракни қайта поралаш на ҳожат?! Чунки манқурт аввалги одамнинг шунчаки ташқи қиёфаси, зохирий кўринишидан иборат, холос...

Ўша туни йўлга тушиш олдидан Найман она ўтовдан бир неча бор ташқарига чикди, узоқ вақт тун қаърига тикилиб, атрофга назар ташлаб, кулоқ осиб, ўй-хаёлларини бир ерга жамлаб олишга ҳаракат қилди. Ярим кеча. Мусаффо осмон, тепага келган ой қир-адирларни бир текисда оппоқ сутга чайиб олгандай нур таратиб турибди. Қир-адирларнинг ёнбағирларига сочилиб кетган оқ ўтовлар шовқин солиб оқаётган шўх жилғалар бўйига тунаш учун келиб қўнган қушлар галасини эслатади. Овулнинг этагига жойлашган қўй қўралари ва ундан нарида — жилғалар бўйида ўтлаб юрган от уюрлари томондан итларнинг ҳуриши, одамларнинг гангур-гунгур овозлари эшитилиб турарди. Ҳаммадан ҳам овулнинг бериги томонидаги қиз-жувонларнинг бир-бирига жўр бўлиб куйлашидан Найман онанинг юраги жиз этиб кетди. Ўзи ҳам бир вақтлар тунлари мана шу қизлар сингари ўлан айтарди... Янглишмаса, келин бўлиб тушганидан бери улар ҳар йил ёз мол-жони билан шу ерга кўчиб келишарди. Бутун умри шу ерларда ўтган. Оилада одам сони кўплигида улар бирданига тўртта ўтов тикишарди — бири ошхона, бири меҳмонхона, иккитаси ётоқхона бўларди. Кейин эса — жунгжанглар истилосидан сўнг ҳувиллаган уйда ёлғиз ўзи қолди...

Мана энди эса у ҳам бу ёлғиз ўтовдан бадар кетмоқда... Кеча оқшомдаёқ сафар жабдуқларини бут қилди. Егулик ва ичгулигини ғамлади. Айниқса, сувни мўлроқ олди. Сариўзакнинг чўлида қудуқ топилмай қолғудай бўлса дегандай, ҳар эҳтимолга қарши, икки мешни тўлдирди... Кеча оқшомдаёқ совлай туя Оқмойни шай қилиб қозикка боғлаб қўйган эди. Умиди-ишончи ҳам, бирдан-бир ҳамроҳи ҳам ўша. Оқмойнинг куч-қувватиғаю йўрғасига ишонмаганда Сариўзакдек соқов чўлга йўл олишга журъат эта олармиди?! Оқмоя икки бор болалагандан сўнг ўша оли қисир қолиб, обдан дам олган. Унинг айни авжи кучга тўлиб, ми-

нишга қўл келиб турган кезлари эди. Озғин, чайир оёқлари узундан келган, товонлари юмшюққина, қарилугу оғир юкдан ҳали толикмаган, қўш ўрқачли, камондек эгилиб келган бақувват бўйнию боши келишимли, капалакнинг қўш қанотидай дириллаб, енгил елиб, йўл-йўлакай ҳавони сипқариб бораётган Окмоя бебаҳо туя бўлиб, унинг бир ўзига бутун бир уюрни алиштира арир эди. Бундай йўрға туя айни авжи кучга тўлганида, уздан насл олиб қолиш мақсадида ҳамёнини аямаган кишилар четдан излаб келишарди. Найман она қўлидаги сўнгни хазина, бор бисотидан қолган ягона ёдгорлик эди бу туя. Қолган бойликларининг кули кўкка соврилди. Топган-таянганини қарзга тўлади, урушда ҳалок бўлган фарзандларининг қирқию йиллик маърака ошларига сарфлади... Мана, ҳозир ғам-ғуссага тўлиб, ўзини кўярга жой тополмай, тонг отиши билан излаб йўлга чиқмоқчи бўлиб турган ўғлининг ҳам сўнгни маъракасини ўтказди, ўтказгандаям яқин-атрофдаги Найман уруғларининг барчасини қақирган ҳолда, каттагина қилиб ўтказди.

Найман она эрта тонгда ўтовдан чикди. Чикдио остона ҳатлаганича эшикка суяниб, уйқуга чўмган овулга нигоҳ ташлаб ўйланиб туриб қолди. Ҳозир у мана шу қадрдон овулни ташлаб йўл торгади. Ҳали ҳам аввалги қадди-қоматини, гўзаллигини йўқотмаган Найман она олис сафарга жўнаётган кишилар сингари белини маҳкам боғлаб олган эди. Оёғида ўкчали этик, эгнида чалвор, кўйлаги устидан енгсиз камзул кийиб, устига чакмон ёпиниб, бошини оқ рўмол билан маҳкам танғиб олган. Модомики, ўғлимни тирик кўриш насиб қилармикан, деган умидда йўлга чиққан эканман, мотам либоси кийишга на ҳожат, мабодо умидим рўёбга чиқмаса, кейин ҳам ўла-ўлгунча қора рўмол ўраб юришга улгураман-ку, деб ўйлади она. Ҳаёт уринишлари она қалбига ўз муҳрини босиб улгурган эди. Субҳи козиб шу лаҳзаларда қайғу-алам чекавериб ҳасратда доғ бўлган онанинг оқ оралаган сочларию юзларидаги чуқур ажинларини яшириб турганди. Она кўзларига ёш олиб, оғир хўрсинди. Бошида бундай савдолар борлигини ўйлаганмиди, билганмиди? Бироқ у дарҳол ўзини қўлга олди. «Ашҳади анлоилоҳа оллоху»¹ деб пичирлаганча қалима қайтарди. Сўнг туяси томон шахдам одимлаб бориб, уни чўктирди. Окмоя жаҳли чиққанидан эмас, балки шунчаки, одатга кўра секин бақириб қўйди-да, бемалол кўкрагини ерга бериб чўкди. Найман она хуржунларини иккала ўрқач оралигига ортасолиб, ўзи ҳам дарҳол туянинг устига чиқиб ўтириб олди ва қани, бўлақол, дегандай уни ниқтаб қўйди. Туя у ён-бу ён кўзгалиб тура бошлаганда Найман она гўё қанот боғлаб заминдан учиб кетгандай бўлди. Узоқ сафарга йўл олаётганларини Окмоя энди тушунди...

Найман онанинг овулдан чиқиб кетаётганини узатишга чиқиб, уйқуси очилмай эснаб турган қайнсинглисидан бошқа ҳеч ким сезмади. Она унга кеча окшомдаёқ турқунлари — қизлик кезларидаги қариндошуруғлариникига меҳмонга кетаётганини, агар у ердан зиёратга бораёт-

¹ Оллодан ўзга олло йўк.

ганлар билан учрашиб йўли тушиб қолса, бирга-бирга қипчоқлар манзилига, ҳазрати Яссавий мақбарасини зиёрат қилиб келишга бормоқчи эканини айтган эди...

Найман она одамлар сўраб-суриштириб бошни қотирмасин деб барвақтроқ йўлга чиққанининг сабаби ҳам шунда эди. Овулдан узоқлашиб бораркан, Найман она Сариўзак дашти томон бурилди, уни олдинда гира-шира кўзга ташланган тунд, чексиз чўл кенгликлари кутарди...

Бу ўлкаларда поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Темир йўлнинг иккала томонида ёвшанзор билан қопланган ҳайхотдай даштлик — Сариўзак, ўртачўл ястаниб ётади.

Ҳар қандай масофа Гринвич меридианидан ўлчангани сингари бу ерларда масофа темир йўлга нисбатан ўлчанади.

Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

«Конвенция» авиабардоридан «Паритет» самовий бекатидаги назоратчи-фазогирларга яна битта шифрланган радиogramма узатилди. Бу радиogramмада айни ўша катъий таҳдид оҳангида Қуёш Галактикасидан ташқарида парвоз қилаётган 1—2 ва 2—1 паритет-фазогирлар билан уларнинг самовий бекатга қайтиш ваки ва имкониятини муҳокама қилиш мақсадида радиоалақа қилмаслик, шундан сўнг Қўшмарбош кўрсатмаларини кутиш маслаҳат берилди.

Уммон секин тўлқинланиб, авиабардор сезиларли даражада чайқалиб турарди. Кичик-кичик, аммо шиддатли тўлқинлар улкан кеманинг қуйруғига келиб урилиб ўйнади. Қуёш эса тўлқинлар ҳаракатидан тинимсиз мавжланиб, сутдай кўпикланиб турган океан юзасига ҳамон нур сочар, бир маромда ғир-ғир шамол эсиб турар эди.

«Конвенция» авиабардори, авиақанотлар ва давлат манфаатлари хавфсизлиги гуруҳлари ишга шай, ҳушёр туришарди...

Оқмоя неча кундан бери буюк Сариўзак даштининг қир-адирларию сойликлари бўйлаб пишқирганича, бир маромда йўртиб борарди. Найман она ҳамон уни қайноқ қумлар устидан қичаб, қамчилаб ҳайдашда давом этарди. Улар йўлда дуч келиб қолган бирорта қудуқ бошида кечаларгина тўхташарди. Тонг отиши билан яна оёққа туриб қат-қат ястаниб кетган Сариўзак адирларини кезиб, катта туялар тўдасини излашарди. Ҳалиги савдогарларнинг айтишларига қараганда, улар туячи манқуртни Сариўзак чўлининг худди мана шу қисмида — олис-олис-ларга чўзилиб кетган Малақумдичоп жарлиги этагида кўришган. Найман она худди мана шу манқуртни излаётган эди. Мана икки кундирки, она жунжанларга йўлиқиб қолишдан кўрқиб, атрофга олазарак бўлиб қараб, Малақумдичоп жарлигининг у ёқ-бу ёғини айланиб юрар, аммо у қаёққа кўз югуртмасин, қаерни изламасин, фақат чексиз дашти-биёбонларга, алдоқчи саробларга дуч келарди, холос. Бир сафар шундай саробга дуч келиб алданди, олисдан мачитларию қалъа деворлари билан муаллак ҳолда элас-элас кўринган шаҳарга кўзи тушиб у томон

йўл олди ва илон изи сўқмоқлардан ўтиб, йўл босса ҳам мўл босди. Ўғлим балки ўша шаҳарда, қуллар бозорида учраб қолармикан, деб умид қилган эди, бояқиш. Қанийди, шундай бўлса, ўғлини Оқмоёга мингаштириб оларди-да, Найман яйлови қайдасан, деб дарҳол жўнаб қоларди, қани шунда уларга етиб олишсин-чи... Чўли азимда ёлғиз юра-вериб қолдан тойган она кўзига сароб кўринган эди.

Аслида Сариўзак чўлларидан одам зотини излаб топиш амрима-қол, бу ерларда одам қум заррасидай гап. Аммо катта майдонда катта-кон уюр ўтлаб юрган бўлса, уни кўрмасдан бўлармиди, албатта. Аввало битта-иккита туянинг қораси чалинса, сўнг қолганлари кўзга ташла-нади. Уюр топилдими, туячиси ҳам топилди, деган сўз. Найман она-нинг кўзлаган умиди шу эди.

Бирок ҳали ҳеч нарсадан дарак йўқ. Вақт ўтган сари Найман она хавотирлана бошлади, уюрни бошқа томонларга ҳайдаб кетишмаганми-кин, ёки жунгжанглар бу туяларни кўтарасига сотиш учун Хива ёки Бухоро бозорларига ҳайдаб кетишмаганмикин? Агар улар шунчалик олис ерга кетишган бўлса, ҳалиги туячи яна қайтиб келармикин ёин-ки туя билан қўша сотилиб ном-нишонсиз кетармикин?.. Ўғлимни ти-рик кўрсам, манқурт бўлса ҳам, ақлдан озиб ҳеч нимани эслай олмай-диган меров бўлиб қолган бўлса ҳам майли, ўша чўпон ўғлим ишкилиб жони омон бўлса, бас... Шунга ҳам минг катла шукр — соғинчу гумон-лардан жони бўғзига келган онанинг овулдан чиқиш олдидаги биргина умиди шу эди. Бирок она Сариўзак сари ичкарилаб, ҳалиги қарвон тортган савдогарлар биз туячи манқуртни шу ерда кўрдик, деган мўл-жалга яқинлашиб борар экан, ўғлимнинг ўрнига овсар ва мажрух бир кимсага дуч келиб қолсам ҳолим не кечади, деб дили хуфтон бўлавер-ди. Шунда у яна худодан ёлвориб сўрадики, агар ундай бўлса, ўша ман-қуртнинг ўғлим бўп чиқмасдан бошқа бир бахтиқаро гумроҳ бўп чиқ-қани маъқул, ўшанда мен ҳам: «Ўғлим энди йўқ, у ўлган экан», деб так-дирга тан берган бўлардим. Ҳозир эса онанинг нияти ўша манқуртни бир кўриш, фарзанди эмаслигига ишонч ҳосил қилгандан сўнг яна ор-та қайтиш эди, шунда шубҳа-гумонлардан эзилиб, азоб чекиб юрмайди, тақдир яна нимани раво кўрган бўлса, шукрона айтиб яшайверади... Соғинчдан тутдек тўкилган юрак бунга ҳам бардош бера олмади, дашти биёбонни кезиб юриб, нима бўлса ҳам, бирон кимсани эмас, балки ўз дилбандини топиш иштиёқи она қалбини чулғаб олган эди...

Мана шундай минг хил ўй-хаёллар ва шубҳалар оғушида бораркан, она ясси қум тепаликларидан ошаётиб ногаҳон кўп сонли туялар уюр-ни кўриб қолди: қўнғир тусга кириб, семириб кетган юзлаб туялар май-да буталару янтоқларнинг учларини кемириб, кенг майдона бемалол ўтлаб юришарди. Найман она Оқмоёсига камчи босиб, чоптириб кетди. Уюрни излаб топганидан қувончи ичига сиғмай нафаси бўғзига тикил-ди. Аммо шу заҳотиёқ манқурт қилиб қўйилган ўғлини кўришни эслаб, қўрққанидан аъзойи бадани музлаб кетди. Сўнг юраги яна қувончга тўлди ва шу билан не аҳволга тушганини ўзи ҳам англамай қолди.

Мана, туялар ўтлаб юрибди, аммо гуячи қаерда экан? Ҳарҳолда, шу атрофда юргандир. Шу пайт яйловнинг нариги чеккасида одамнинг қораси кўринди. Олисдан унинг кимлигини таниб бўлмасди. Туячи узун таёғига суянган ҳолда ортидаги юк ортилган туясининг тизгинини ушлаб, қош устига бостириб қийган телпаги остидан онанинг яқинлашиб келаётганини бамайлихотир кузатиб турди.

Найман она туячига яқин келиб уни танидию туясидан қандай тушганини билмай қолди. Йиқилиб тушдими, сурилиб тушдими — шу топда онага бунинг аҳамияти йўқ эди!

— Ўғилгинам, қароғим! Сени изламаган жойим қолмади! — дея ўғли томон талпинди. — Мен сенинг онангман!

Бирдан она аҳволни тушунди. Тушундию депсиниб кичкирганча йиғлаб юборди. Алам ва даҳшатдан лаблари дириллаб, шунча уринса ҳам ўзини қўлга ололмасди. Йиқилиб тушмаслик учун лоқайд ўғлининг елкасига ёпишиб олиб, қачонлардан бери хавф солиб турган, энди эса уни босиб тушган тоғдай ғам юки остида эзилиб фарёд чекар, кўзёшлари селдай оқарди. Она бўзлаб йиғлар экан, кўз ёшлари орасидан, ҳўл бўлиб чаккаларига ёпишиб қолган бурул соч толалари орасидан, юзларини чанг билан булаган қалтироқ бармоқлари орасидан фарзандининг таниш қиёфасига боқар, унинг ўзига нигоҳ ташлашини орзиқиб кутар ва мени таниб қолар, деб умид қилар эди. Ахир, туккан онасини таниб олиш қийин эмас-ку!

Бироқ онанинг келгани унга гўё ҳар доим ёнида юргандай, заррача таъсир қилмади. У ҳатто онадан кимсан, нега йиғлаяпсан, деб сўрамади ҳам. Маълум лаҳзалардан сўнг туячи онанинг қўлини елкасидан суриб ташлаб, устида юк бор туясини етаклаганча одимлаб кетди: у шўхлик қилиб бир-бирлари билан ўйнашаётган бўталоклар уюрдан узоқлашиб ажралиб кетмасин, деб туялар тўдасининг нариги чеккаси томон йўл олган эди.

Найман она букчайиб ўтириб қолди, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлади ва шу ўтиришда юзини чангаллаганча бош кўтармай узоқ қолиб кетди. Сўнг бор кучини тўплаб, ўзини хотиржам кўрсатишга уриниб, ўғли томон юра бошлади. Манкурт ўғил ҳеч нимани кўрмагандай-билмагандай, пинагини бузмасдан, бостириб кийиб олган телпаги остидан маъносиз ва лоқайдлик билан қараб турарди. Чўл шамолида қорайиб, дағаллашиб кетган юзида хиёл жилмайиш пайдо бўлди. Аммо кўзлари дунёни тарк этган кишининг кўзларидай лоқайд боқарди.

— Ўтир, гаплашамиз,— деди оғир хўрсиниб Найман она.

Улар ерга чўкдилар.

— Мени танияпсанми? — сўради она.

Манкурт йўқ дегандай бош чайқади.

— Отинг нима?

— Манкурт,— деди у.

— Сени ҳозир шундай деб аташади. Аввалги отинг эсингдами? Асли исмингни эслаб кўр-чи.

Манқурт жим қолди. У ҳақиқий исмини эслашга ҳаракат қилаётгани, қийналганидан қаншари устида мунчоқдек тер томчилари пайдо бўлиб, қўз ўнгини туман қоплаганини она кўриб турди. Аммо қаршида қандайдир тўсик пайдо бўлдию уни енгиб ўтишга қурби етмади...

— Отангинг отини биласанми? Ўзинг кимсан? Эли-юртинг қаерда? Қаерда туғилганингни биларсан, ахир?

Йўк, манқурт ҳеч нимани тушунмасди, ҳеч нарсани эслай олмасди.

— Ҳали, шунчалик аҳволга солишдимиз сени! — дея пичирлади она.

У нажотсизликдан лаблари титраб, ғам-ғуссаю қаҳр-ғазабдан ўзини тута олмай яна қайтадан ўксиниб-ўксиниб йиғлади, тинчланишга беҳуда уринар эди, холос. Онанинг оҳу-фигонига манқурт пинагини ҳам бузмади.

— Ердан маҳрум этиш мумкин, мол-дунёдан маҳрум этиш мумкин, ҳатто инсонни яшашдан маҳрум этиш ҳам мумкин, — дерди она ўз-ўзича гапириб, — бироқ одамни хотирасидан маҳрум этишни ким ўйлаб топди экан, бунга кимнинг қўли борди экан?! Ё раббий, агар оламда бор бўлсанг, бандаларингга бу ёвузликни қандай раво кўрдинг. Ер юзиде ушиз ҳам ёвузлик каммиди?

Она манқурт ўғлига қараб туриб, куёш, худо ва ўзи тўғрисида тўқиган машҳур марсиясини айтди. Сариўзак воқеалари ҳақида гап очилиб қолганда, билган кишилар, ҳанузга қадар Найман онанинг ўша сўзларини бир-бирларига ривоят қилиб айтиб юришади...

Шунда она машҳур марсияни бошлади, билган кишилар бу сўзларни ҳозирга қадар эслаб юришади:

Тулубин келиб искаган,
Бўтаси ўлган бўз мояман...¹

Она қалбидан отилиб чиққан дод-фарёд оҳанги кимсасиз, ҳад-ҳудудсиз Сариўзак чўлини ларзага солгандай янграб турди...

Бироқ бу нола-фарёд манқуртнинг тўпигига ҳам чиқмади.

Шунда Найман она сўраб-суриштиришлар билан эмас, балки аклини қовлаш, қитиклаш билан эс-ҳушини ўзига келтирмоқчи бўлди.

— Сенинг отинг Жўломон. Эшитдингми? Сен Жўломонсан, отангинг оти — Дўнанбой. Отангни эслай олмайсанми? Ахир, у сени болалик чоғингдан камон отишга ўргатган. Мен сенинг онангман. Сен эса, менинг ўғлимсан. Сен найман уруғидансан, тушундингми? Сен наймансан...

Онасининг ҳамма гапларини ўғил аввалгидай мутлақо лоқайдлик

¹ Туянинг боласи ўлганида, сут бермай қўймасин, деб бўталогининг терисига сомон тикиб, онасига кўрсатилади. Шунда ҳайвоннинг меҳри товланиб елинига сут келади. (Тарж.)

билан эшитди. Она гўё деворга гапираётгандай эди. Онанинг сўзлари карнинг қулоғига азон айтгандай гап эди.

Найман она манқурт ўгилдан сўради:

— Бу ерга келганинга қадар нималар бўлди?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ,— деди ўгил.

— Кечасимиди ё кундузимиди?

— Ҳеч нарса,— деди у.

— Ким билан гаплашгинг келади?

— Ой билан. Бироқ бир-биримизнинг гапимизни эшитмаймиз. У ерда кимдир ўтирибди.

— Яна нимани истагинг келади?

— Хўжайинимнинг бошидаги сингари кокил қўйишни.

— Қани, бери кел-чи, бошингни бир кўриб қўяй, улар нима қилиб қўйишганини — деб она унга томон талпинди.

Манқурт шартта тисарилиб, ўзини олиб қочди, бошидаги телпагини чангаллаган бўйича қайтиб онага боқмади. Бош ҳақида ҳеч қачон сўз очиш мумкин эмаслигини она энди тушунди.

Шу пайт олисдан туя минган кишининг қораси кўринди. У шу ёққа томон келаётган эди.

— Бу келаётган ким? — сўради она.

— У менга овқат олиб келяпти,— деди ўгил.

Найман она ташвишга тушди. Бевақт пайдо бўлиб қолган бу жунгжангнинг кўзига чалинмаслик учун тезроқ ғойиб бўлиши керак эди. У туясини чўктириб, дарҳол миниб олди.

— Сен унга ҳеч нарса айтмагин. Мен тезда қайтиб келаман,— деди Найман она.

Ўғли лом-мим демади. Унинг парвойи палак эди. Ўтлаб юрган туялар орасидан қочиб бораётган Найман она хато иш қилиб қўйганини тушунди. Бироқ вақт ўтган эди. Оқ туяга миниб бораётган онани жунгжанг кўриб қолиши мумкин эди. Оқмоясини етаклаб, ўтлаб юрган туялар орасидан беркиниб яёв жўнаган маъқул эди.

Яйловдан хийла олислаб кетгач, Найман она четларида эрманшувоклар ўсиб ётган чуқур жарликка кириб борди-да, Оқмояни чўктириб кузата бошлади. Гумони тўғри чиқди, пайқаб қолган экан. Кўп ўтмай, туясини йўрттириб келаётган ҳалиги жунгжангнинг қораси кўринди. У найза ва ўқ-ёй билан қуролланган эди. Жунгжанг, ҳалиги оқ туя миниб олган одам қаёққа ғойиб бўлди, дегандай атрофга аланглаб қарар эди ҳайратланиб. У қайси томонга қараб юришини билмай, гангиб қолган эди. Гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа туя чоптириб ўтди. Ниҳоят, жарликка жуда яқинлаб келди. Яхшиямки, Оқмоянинг тумшугини рўмол билан боғлаб қўйиш эсига келган экан. Акс ҳолда, у бўкириб ёки пишиқриб юбориши ҳам мумкин эди. Найман она жарлик ёқасидаги эрман орасига яшириниб олган жойидан жунгжангни энди аниқ кўра бошлади. У барок туя устида атрофга олазарак бўлиб қарарди, кўпчиб кетган юзлари жиддий тусда, бошидаги қора қалпоғининг иккала учи тепага

қайрилиб кетган, гўё қайикни эслатарди. Бошининг орқа томонида эса бир ўрам қоп-қора хайдар кокили ялтираб, осилиб турарди. Жунгжанг узангида тик туриб, найзасини ўқталганча кўзларини чақчайтириб атрофга назар ташларди. Бу одам Сариўзакни босиб олиб, қанчалаб аҳолини қул қилиб ҳайдаб кетган, онанинг оиласига ҳам чексиз қулфатлар келтирган ғанимлардан бири эмасми? Мана шу кутурган йирткич ёвга қарши ёлғиз она — қурол-яроксиз аёл нима ҳам қила оларди? Инсонни хотирасидан маҳрум этишдек шавқатсизлигу ваҳшийликка уларни қайси турмуш, қайси воқеа-ҳодисалар мажбур этди экан, деб ўйларди ожиз қолган она ўзича...

Жунгжанг у ёк-бу ёкқа зир югуриб ҳеч нимани учратмагандан сўнг тезда ортга, туялар тўдаси томон қайтди.

Кеч кириб қолган эди. Қуёш ботган бўлса ҳам осмонни оловлантириб турган шуъласи алламаҳалгача дала юзини ёритиб турди. Сўнг бирдан қош қорайиб, борликни тун зулмати қоплади.

Найман она бу тунни танҳо ўзи бечора манқурт ўғли яқинида — даштда тунаб ўтказди. Ўғлининг ёнига боришга чўчиди, ҳалиги ҳамфсираб қолган жунгжанг кечаси уюр олдида қолиши ҳам мумкин.

Ўғлини қулликда ташлаб кетмай, бир амаллаб бирга олиб кетишга қарор қилди она. Ўғли манқурт бўлса ҳам, майли, ҳеч нимани тушуниб, англаб етмаса ҳам майли, кимсасиз чўлда, жунгжангларнинг туясини боқиб хор бўлиб юрганидан кўра ўз уйида, ўз одамлари орасида яшагани яхши эмасми? Она қалби шуни истарди. Бошқалар тақдирга тан бериб кетиши мумкин бўлган ҳолга она сира ҳам кўна олмасди. У ўз қони ва жонини, кўз қорачиғини қулликда қолдириб кетишни сира-сира истамасди. Балки боласи ўз ерида ҳушига келиб, болалик кезларини эслаб, барча кўрган-кечирганларини қайта тиклаб олар, дея умид қиларди.

Эртасига эрталаб Найман она Оқмояга миниб яна йўлга тушди. Уюр бу ердан хийла узоқлашиб кетган эди. Излаб, айланма йўллардан эҳтиёткорона ўтиб, узоқ йўл босди. Туяларни кўргандан кейин ҳам жунгжанглардан биронтаси кўриниб қолмасин, деб узоқ вақт кузатиб турди. Ҳеч кимнинг йўқлигига кўзи етгач, ўғлининг отини айтиб чакирди.

— Жўломон! Жўломон! Омонмисан?

Ўғли бурилиб қараган эди, она қувончидан бақириб юборди, аммо шу заҳотиёк, ўғли шунчаки, овоз чикқан томонга қараганини пайқаб қолди.

Найман она ўғлининг хотирасини тиклашга яна уриниб кўрди.

— Отинг нима, эслаб кўр-чи! — деб ялиниб-ёлбориб инонтиришга ҳаракат қиларди у.— Отангнинг оти Дўнанбой, билмайсанми уни? Сенинг исмиңг манқурт эмас, Жўломон. Найманларнинг яйловига кўчиб бораётганимизда йўлда туғилгансан. Шунинг учун отингни Жўломон қўйганмиз. Сен туғилганиңда биз ўша ерда қолиб уч кеча-кундуз тўй-томоша қилганмиз.

Бу гаплар манкурт ўғилга заррача таъсир этмаётганини билса ҳам, бари бир она унинг сўнган хотирасида нимадир йилт этиб кўриниб қолар, деган умидда беҳуда уринарди. Аммо у деворга гапираётгандай эди. Шунга қарамай, ўтган-кетганлардан гапириб, ҳадеб ўзиникини такрорлайверди:

— Отинг нима, эслаб кўр! Отангинг оти Дўнанбой!

Сўнг она ўзи билан олиб келган таомларидан едириб-ичириб бўлгандан сўнг, алла айта бошлади.

Алла манкуртга маъқул келгандай бўлди шекилли, қулоқ солиб тинглаб ўтирди. Қорайиб, униқиб кетган юзига қандайдир илиқлик юзургандай бўлди. Шунда она ўғлини бу ердан — жунгжангларнинг измидан ўз тугилиб ўсган кадрдон ерига бирга олиб кетишга кўндиришга киришди. Манкурт эса туяларни қолдириб, қаёққадир бош олиб кетишни миясига сингдира олмади: йўқ, хўжайиним туялардан бир кадам ҳам жилмайсан деб буюрган, шунинг учун уюрни ташлаб бирон ёкка кетмайман...

Чиқмаган жондан умид деганларидай, Найман она барбод этилган хотира эшигини очиб киришга қайта-қайта ҳаракат қиларди:

— Эслаб кўр-чи, кимнинг ўглисан? Отинг нима? Отангинг оти Дўнанбой!

Ўғлини хушига келтириш учун беҳуда уринаётган она орадан қанча вақт ўтганини ҳам пайқамай қолди, шу маҳал уюр чеккасидан яна ўша жунгжанг туя миниб келаётганини кўриб эси чиқиб кетди. Бу сафар жунгжанг жуда яқин келиб қолганди, юриши ҳам жуда илдам. Найман она тезда Окмояга мина солиб, кочиб қолди. Бироқ яйловнинг нариги томонидан яна бир жунгжанг туя йўрттириб онанинг йўлини кесиб қикди, шунда Найман она туясида уларнинг ўртасига қараб солди. Бедов туя олға томон елдай учиб кетди, ордан таъқиб остига олган жунгжанглар бақиришиб-қийқиришиб, найзаларини силтаб, дағдаға қилганча уни қувлаб боришарди. Бироқ Окмояга етмоқ қаёқда?! Уларнинг ҳарсиллаб чарчаб қолган туялари орқада қолиб кетди. Окмоя бўлса тобора кизишиб, нафасини ростлаб, Найман онани ўлимдан қутқарганча, Сариўзак чўллари бўйлаб қушдай учиб борарди.

Ҳазабланган жунгжанглар қайтиб келгандан сўнг манкуртни роса дўппослашганини она билмасди. Аммо дўппослашгани билан манкурт нимани ҳам биларди. У ҳадеб бир гапни такрорларди:

— У сенинг онанг бўламан, деб айтаяпти.

— Ҳеч қанақа онанг эмас у! Сенда она йўқ! Бу ёкка нима учун келганини биласанми? Биласанми?! Телпагингни сидириб олиб, бошингни қайноқ сувга солгани келган! — деб баттар қўрқита бошлашди жунгжанглар шўрлик манкуртни.

Бу сўзларни эшитиб, манкуртнинг қорамтир юзлари бўздай оқариб-кўқариб кетди, қўллари билан телпагини чангаллаб, бўйинини елкалари орасига кисиб, худди йиртқичдай ола-кула атрофга қарай бошлади.

— Сен қўрқмагин! Мана буни ушла!— деб жўнганнинг каттаси манкуртга ўқ-ёй тутказди.

— Қани, мўлжалга ол-чи! — кичик жунган қалпоғини осмонга отди. Ўқ қалпоқни тешиб ўтди.— Ўҳ-ў,— ажабланди қалпоқ эгаси.— Қўлида хотира сақланиб қолибди!

Уясидан чўчитиб учуриб юборилган куш каби Найман она Сариўзак чўллариди оёғи куйган товукдай елиб-югурарди. Энди нима қиларини, нимага умид боғлашни билмасди. Жунганлар энди нима қилишаркин? Ўтовдаги туяларни, манкурт ўғлини она етиб бора олмайдиган бошқа ерларга, ўзларининг катта ўрдаларига яқин жойга ҳайдаб кетишармикин ёки уни қўлга тушириш учун пайт пойлаб ётишармикин? Минг хил хаёлларга фарқ бўлган она боши қотиб, пасткам йўллардан ўтиб бориб, яйловни синчковлик билан кузатаркан, ҳалиги иккита жунган уюрни ташлаб кетиб бораётганини кўрди-да, қувониб кетди. Улар ўнгу сўлига қарамасдан ёнма-ён кетиб боришарди. Найман она узок вақт кўз узмай турди, қачонки уларнинг қораси кўринмай қолгач, ўғли томон йўл солиб қандай бўлмасин, уни ўзи билан бирга олиб кетмоқчи бўлди. У ким бўлса ҳам майли, тақдир бошига шундай қора кунларни солиб, душманлар шунчалик таҳқир этган экан — бу унинг айби эмас. Майли, овсар бўлса ҳам ўғлини қулликда, асоратда қолдириб кетмайди. Боскинчилар тутқун этилган фарзандларимизни майиб-мажруҳ қилганларини, хўрлаб, ақлдан оздириб, нотавон бир аҳволга солиб қўйганларини найманлар кўриб қўйсин-да, ғазабдан, ор-номусдан қўлга қурол-яроғ олсин. Гап босиб олинган ерда эмас. Ер ҳаммага етиб ортади. Аммо-лекин, жунганларнинг ёвузлигини сира ҳам кечириб бўлмайди, уларнинг хиёнаткорлиги етти ёт қўшни бўлиб ҳам яшаш мумкин эмаслигини кўрсатиб турибди...

Она ўғли томон борар экан, шу кечасиёқ бу ердан кетиш зарурлигини унга қандай қилиб тушунтирсам экан, деб йўл-йўлакай ўйлар эди.

Қош қорая бошлади. Қанчалаб ўтган ва ўтиши лозим бўлган сон-саноксиз тунлар сингари ложувард-қизғиш шуълага чулганган тағин бир тун сойлиқлару водийлар узра буюк Сариўзак саҳросини босиб кела бошлади. Оқмоя катта уюр томон бекасини елдириб борарди. Ботаётган қуёш шуълалари қўш ўрқач ўртасида ўтириб олган она қиёфасини баралла кўрсатарди. У жиддий тусда, юзларининг қони қотган ҳолда хушёр тортиб, хавотирланиб ўтирарди. Соцлари оқариб кетган, манглайини ажин босган, ғам-ғуссали кўзларига эса Сариўзак хуфтони сингари ғам-ташвиш чўккан эди... Мана, у уюрга ҳам етиб бориб, ўтлаб юрган туялар орасидан ўтиб кузата бошлади, бироқ ўғли кўринмасди. Туяси эса тизгинини чувалантириб судраганича бемалол ўтлаб юрарди... Нима бўлди экан унга?

— Жўломон! Кулуним Жўломон, қанисан? — деб чақира бошлади Найман она.

Қилт этган жон кўринмади, ҳеч қандай овоз эшитилмади.

— Жўломон! Қаердасан? Бу мен, онанг бўламан! Қаердасан?

Она ташвиш ичида атрофга олазarak боқар экан, манкурт ўгли туясининг соясига беркиниб, тиззалаб ўтирганича камонни таранг тортиб мўлжалга олаётганини пайқамай қолди. Фақат у қуёш нури кўзини камаштираётгани сабабли қулай вазиятни кутаётган эди.

— Жўломон! Болагинам! — деб чақирди она ўғлини, бирон ходиса юз бермадимикан деб ташвишланиб. Сўнг эгарда ўтирганча ўгрилиб қараган эди, ўзини мўлжалга олиб турган ўғлига кўзи тушиб қолди. Шу заҳотиёқ Окмояни буриб чап бермоқчи бўлган ҳам эдики, визиллаб келган ўқ унинг чап қўлтигининг остига санчилди. Она: «Отма!» дейишга улгурди, холос.

Бу ўлим зарбаси эди. Найман она икки букилди ва Окмоянинг бўйнига ёпишганча шилқ этиб тушди. Лекин ундан олдинроқ бошидан оқ рўмол учиб кетиб, ҳавода қушга айланиб чиркирай бошлади: «Кимнинг фарзандисан, эслаб кўр! Отинг нима? Отангнинг оти Дўнанбой! Дўнанбой! Дўнанбой!..»

Ўшандан бери Сариўзак дашти тепасида ҳар куни кечаси Дўнанбой деган қуш учиб юради, дейишади. Ўша қуш йўловчига дуч келиб қолса: «Кимнинг фарзандисан, эслаб кўр! Эслаб кўр! Отинг нима? Отангнинг оти Дўнанбой, Дўнанбой, Дўнанбой!..» деб садо чиқарар экан.

Шундан бери Найман она дафн этилган ўша жой Сариўзак музофатида Она Байит қабристонини — Онаизор макони деб аталади...

Оқмоя туясидан кўп насллар қолди. Урғочилари ўзига тортиб, оқбош туғилиб, найман элига маълум ва машҳур, норлари эса, аксинча, ҳозирги Қоранор Бўрон сингари қорадан келган, жуда бақувват бўлади.

Раҳматли Қазангап Қоранор Бўрон оддий туялардан эмас, балки Найман она ўлгандан сўнг Сариўзак даштида қолган машҳур Окмоянинг наслидан таркаган, деб ҳар доим гапириб юрарди ва буни доимо исботлаб берарди. Мана, энди унинг жасадини Она Байит қабристонига олиб боришяпти.

Эгидей Қазангапга жуда ишонарди. Нега ишонмасин... Қоранор Бўрон Окмоянинг зотидан дейишга арзиғулик. Қанчалаб яхши-ёмон кунларни ўтказиши бошларидан, ҳамиша жонларига ора кириб келди жонивор Қоранор... Бирок бир ёмон томони — куйиккан пайтида ёвузлашади. Ҳар гал киш чилласи кириши билан Қоранор ҳам чилла аёзи каби қутура бошлайди. Икки киш кетма-кет шундай бўлди. Шундай кезларда у бир лаҳза тинчлик бермай жонингдан безор қилиб юборарди... Бир куни Қоранор Эдигейни шарманда қилишига сал қолди. Мабо-до Қоранор, фараз қилайлик, ҳайвон бўлмасдан бошқа бир эсли-ҳушли мавжудот бўлганда эдими, Эдигей Бўрон унинг бу қилиғини сира ҳам кечирмаган бўларди... Бирок қочириш муддати келиб мояталаб бўлиб қолган ҳайвон билан ўчакишишдан нима фойда?! Гап бунда ҳам эмас. Ахир, одам деган ҳайвондан ҳам хафа бўладими? Гапнинг келишимиде айтилди-қўйилди-да, бу шунчаки тақдир тақозоси, Қоранор Бўронда нима айб? Бу воқеани Қазангап яхши биларди, агар у аралашмаганда ким биларди — яна бошига не кунлар тушишини.

1952 йил ёзининг охирларию кузининг бошларини Эдигей Бўрон яхши эслайди. Эдигейнинг башорати мўъжиза янглиг юзага чикди. Ўша йили жазирама иссиқдан жон сақлаш илинжида ҳатто Сариўзак калтакесаклари кўланка излаб, хонадонларнинг бўсағасигача келишган эди. Бироқ августнинг ўрталарига келиб ҳаво бирдан ўзгарди, куёшнинг дами қайтиб, аста-секин салқин тушди — ҳарҳолда кечалари тинчроқ ухлаш мумкин бўлиб қолди. Бундай оромбахш дамлар Сариўзакда ҳар йили бўлмаса-да, ора-сира бўлиб туради. Қиши ҳамиша бир хилда, қаттиқ келади, ёзи эса мўътадил. Бундай ҳодиса, бир пайтлар Елизаров гапириб бергандай, ҳаво оқимининг юқори қатламларидаги катта силжишлар натижаси само оқимларининг йўналиши ўзгариши сабабли содир бўлади. Елизаров одатда бунақа нарсалар хусусида марок ила сўзларди. Унинг айтишича, осмону фалакда тарам-тарам тармоқлари, соҳилларию оқимларига эга бўлган кўз илғамас улкан дарёлар узлуксиз ҳаракатланиб, ер шарини гўё ювиб турар экан. Шамоллар билан қуршаб олинган ер шари ўз доираси бўйлаб ҳаракат қиларкан, мана шунинг ўзи вақт оқими ҳисобланаркан...

Елизаровнинг гапларини тинглаш кишига бир олам ҳузур бағишларди. Бундай бағри кенг кишилар камдан-кам учрайди: Эдигей Бўрон уни беҳад ҳурмат қилар, Елизаров ҳам уни юксак кадрларди. Демак, шундай қилиб, Сариўзак даштларига гоҳ-гоҳ ором бахш этувчи самовий оқим авжи саратонда нима учундир пасайиб, Ҳимолай тоғларига келиб урилади. Ҳимолай дегани қаерда, унинг қанчалик олислигини тангрининг ўзи билади, холос. Аммо, бари бир у ер шари микёсида унчалик олис эмас. Ҳаво оқими Ҳимолайга келиб урилади-да, яна тўлқинланиб ортига қайтади; аммо Ҳиндистон билан Покистонгача етиб боролмайди, у ердаги иссиқлик ўзгармасдан, аввалгисича қолаверади. Ортга қайтган ҳаво оқими Сариўзакнинг тепасига келганда ёйилади, чунки Сариўзак даштлиги денгиз сингари очик бўлиб, дарё оқимини тўса олмайди... Шу тариқа ўша оқим Ҳимолайдан салқин шабада келтиради...

Ўша йил ёзининг охири ва кузининг бошларида ажойиб кунлар бари бир туриб берди. Сариўзакда ёмғир ёғиши жуда танқис ҳол. Ҳар бир ёққан ёмғирни узоқ йиллар эслаб юришади. Айниқса, ўша кезларда ёққан ёмғирни Эдигей Бўрон умр бўйи ёдидан чиқармайди. Аввалига секин-аста қоплаб келган булут, қутилмаганда абадий бўм-бўш, мисдай қизиб турган Сариўзак осмонининг қаърига буркаб олишининг ўзи кишини танг қолдиради. Буғга айланган димиктирувчи ҳаво нафасни қиса бошлайди. Эдигей ўша кун вагонларни тирковчи бўлиб ишларди. Бекатнинг боши берк йўлида шағал ва янги келтирилган қарағай шпалларидан бўшатилган учта платформа турарди. Юкларни кечаги куниеқ тушириб олишган. Одатдагидай, олдин бирон ишни зудлик билан бажариш талаб қилинади, кейинчалик эса, унчалик зарур эмаслиги

маълум бўлади. Юкдан бўшаган платформалар яна бир кун бекор турди. Юкларни туширишга эса ҳамма ёпирилиб киришган эди: Казангап, Абутолиб, Зарифа, Уккубола, Бўкей — темир йўлдагиларнинг барчаси бу долзарб ишга сафарбар этилган эди. У вақтлар барча юмушлар қўлда бажариларди. Эх-хе, ўша кунлар қуёш тепадан олов пурқарди. Худди ўчакишгандай юкларнинг яна шундай жазирамада келганини айтмай-сизми. Бажариш керак деб айтилдими, демак, бажариш керак. Улар жонларини жабборга бериб ишлашди. Уккубола кўнгли беҳузур бўлиб, қайт қила бошлади. У қатронланган шпалларнинг иссиқ ҳидини кўтара олмагач, уйга жўнатишди. Сўнг уйда қолиб, иссиқдан қийналиб кетган болаларнинг раҳмини еб, бошқа аёлларга ҳам жавоб бериб юборишди. Фақат эркакларгина қолиб, ҳолдан тойиб бўлса-да, ишни охиригача етказишди.

Эртаси — ёмғир ёққан куни, бўш вагонлар йўл-йўлакай Кумбелга келаётган паровоз билан қайтди. Наридан-бери ҳайдаб, паровознинг қўйруғини то вагонларга тақаб тиркагунча аскарларнинг ҳаммомдаги сингари нафасни димиктирувчи ҳаводан Эдигейнинг жони ҳалқумига келди. Бундан кўра қуёш жазирамасида ишлаш маъқул эди. Яна, аксига олгандай, машинистнинг бир ландовури тўғри келиб қолди — аччиқ ичкадай вақтни чўзгани-чўзган. Охири, вагон остидан уч букилиб, у ёқдан-бу ёққа ўтиб юрган Эдигей жahl устида машинистни чунон бўралаб сўқди. Аммо машинист ҳам жавоб қайтарди. Унга ҳам паровоз ўтхонаси олдида туриб ишлаш осон эмас-да. Иккаласи иссиқдан эҳушини йўқотаётган эди. Хайрият, юк ташувчи состав жўнаб кетди.

Шу маҳал бирданига жала қуйиб берди. Қуйганда ҳам шунақа қуйдики, гўё осмоннинг туби тешилгандай эди. Қанчадан бери ёлмаган ёмғир бир йўла хуморидан чиқмоқчидек эди. Ер ларзага келди. Бир зумда ҳаммаёқ кўлоблару пуфакчаларга тўлиб кетди. Ёмғир тобора қутуриб, даҳшатли равишда ёғарди. Агар ўша гап рост бўлса, Ҳимолайнинг мангу музликларидан келаётган салқин намлик запаслари Саризакнинг иссиқ даштларига ёмғир бўлиб қуйилаётган эди. Ҳимолай деганлари ҳам бор бўлсин! Қудратингдан ўргилай! Эдигей уйи томон югуриб қолди. Нега эканини ўзи ҳам билмасди. Шунчаки таомилига. Ёмғирда қолган киши одатда уйига ёки бўлмаса бирон панарок жойга чопади-ку. Бўлмаса, бунақа ёмғирдан қочиб қутулишга на ҳожат? У буни кейин тушунди, Қуттибоевларнинг барчаси — уйлари олдида чиққан Абутолиб, Зарифа, иккала ўғли Довул ва Эрмакларнинг ёмғирда бериб-бери билан қўл ушлашиб, сакрашиб, ўйинга тушаётганларини кўриб тўхтаб қолди. Бу манзара Эдигейни ҳайратлантирди. Эдигей уларнинг ёмғир ёғишидан қувониб, севиниб ўйнаётганларидан эмас, бошқа нарсадан ҳайратланган эди, яъни ёмғир ёғиш олдидан ишдан қайтаётган Абутолиб билан Зарифанинг темир изларидан наридан-бери ҳатлаб ўтишиб, уй томон шошилаётганларини кўрган эди. Аслида улар ёмғир ёғишини бутун оиласи, бола-чақаси билан биргаликда кутиб олмоқчи бўлишган экан. Бу эса Эдигейнинг хаёлига ҳам келмаган эди.

Улар бўлса худди Орол денгизига тасодифан учиб келиб қолган ғозлар сингари жала селида чўмилишиб, ўйинга тушишар, ғала-ғовур кўтаришарди. Ёмғир табиат инъом этган қут-барақа, катта бир байрам эди. Сариўзакда юриб, ёмғирни кўмсаб, тоқатлари тоқ бўлган эди-да. Уларнинг Бўронли бекатидаги йилт этган бундай бахтли дақиқаларни шунчалик шод-хуррамлик билан қаршилаётганларини кўриб турган Эдигейнинг ҳам қалби қувонди, ҳам ўксиди, ҳам кулгиси қистади, ҳам ачинди.

— Эдигей! Қани биз билан! — деб бақирди Абутолиб савалаб ёгаётган ёмғир аралаш юзувчилардай қўл силтаб.

Ўз навбатида болалар қувонганидан у томон югуриб қолишди.

— Эдигей амаки!

Эндигина уч ёшга кадам қўйган, Эдигей жуда яхши кўрадиган Эрмак қўлларини кенг ёзиб, оғзини катта очиб ёмғирдан энтикканча Эдигей сари чопиб келарди. Чексиз қувончдан кўзлари чакнаб, ғайрати ичига сиғмасди. Эдигей болакайни дарҳол қўлтиғидан кўтариб олди-да, айлантира бошлади. Бирок боланинг қувончига шерик бўлган Эдигей сўнг нима қиларини билмай гангиб қолди. Эдигей уларнинг оилавий байрамларига қўшилайин, деган хаёлда эмасди. Бирок шу маҳал бурчакдан кий-чув кўтаришиб кизлари — Саула билан Шарофатлар Қуттибоевларнинг шовқин-суронини эшитиб югуриб чиқишди. Қизлар бахтиёрлигидан: «Ота, юринг, чопамиз!» — дея қўлидан ушлаб торткилашарди. Уларнинг қистови отани ноқулай аҳволдан қутқазгандай бўлди. Энди ҳаммаси биргалашиб, тинимсиз жала остида роса ўйин тушишди.

Эдигей болакайни, тўс-тўполон ичида йиқилиб, оғзига сув кирмасин, деб хавфсираганча қўлидан туширмасди. Абутолиб бўлса унинг кенжа қизи Шарофатни елкасига мингазиб олган эди. Шу тахлит болаларнинг қўнглини кўтариб, дилхушлик қилиб анча чопиб юришди. Эрмак Эдигейнинг қўлида талпинар, овози борича кичкирар, оғиз-бурунларига сув кирганда дарҳол Эдигейни қучганча юзларини яширар — бу эса жуда қўнғили эди. Эрмакнинг амакиси билан бунчалик иноқлашиб кетганидан мамнун бўлган Абутолиб билан Зарифа уларга миннатдорчилик билан завқланиб қараб қўйишарди. Буни пайкаган Эдигей ич-ичидан руҳланиб кетди. Қуттибоевлар бошлаган бу олатасир шодиёнадан унинг кизларининг ҳам қўнгли чоқ эди. Шу ғала-ғовур ичида беҳосдан Эдигей Зарифа нақадар латофатли эканини пайқаб қолди. Ёмғир Зарифанинг қоп-қора сочларини юзлари, бўйни, елкалари узра ёзиб тарар, бошидан то оёғигача сизиб тушаётган сув қўйлагини баданига ёпиштириб, миқти гавдасини, кифти, қўлларини бўрттириб, сонларию яланг оёқларининг болдирларигача ажратиб кўрсатар эди. Кўзлари эса бахтиёрликдан нур сочиб чакнаб, кумуш тишлари тобора яркирар эди.

Сариўзакда ёмғир жала бўлиб қуйилади, қори эса аста-секин эриб, ерга сингиб кетади. Ёмғир қанақа ёғишидан қатъи назар, қафтдаги

симоб сингари тўхтамасдан, шиддат билан шовкин-сурон солиб келадиди, худди сув сепгандай бир зумда жарликлар сари оқади-кетади. Жала бошлангандан сўнг орадан сал ўтмай ариклар тўлиб тўлқинланиб, кўпикланганча тобора шиддат билан оқа бошлайди. Шунда бўронлиликлар арик бўйлаб чопишиб, сакрашиб, жом ва тосларини сувга ташлашиб, қийқириб ўйнашарди.

Ёмғир ҳамон авжида. Улар сузишга берилиб кетиб, тос-қайиқлар ортидан қувлаб боравериб бекатнинг бошланишига, темир йўл кўтармасининг шундоққина ёнбошига келиб қолишган эди. Шу маҳал Бўронлидан пассажир поезди ўтиб бораётган эди. Поезднинг ланг очиб қўйилган эшик ва деразаларидан то ярим белигача чиқариб олган йўловчилар бу бечора сахройи афандилардан кўзларини узмай кулиб боришарди. Улар алланималар деб қийқиришар: «Эй, чўкиб кетманглар!», дегандай ичак узилгудек қаҳ-қаҳ уриб кулишар, ҳуштак чалишар эди. Бўронлиликларнинг бу хатти-ҳаракатлари уларга жуда ғалати бўлиб туюлган бўлса керак. Йўловчилар бир-икки кундан кейин, уй-уйларига етиб олгач, суҳбатдошларини кулдириш учун балки кўрган-кечирганларини ҳикоя қилиб беришар. Сал вақт ўтмай, поезд жалада ювилганча ўтди кетди.

Зарифа йиғлаётгандек бўлиб туюлмаганда эди, Эдигей буларни ўйлаб ҳам овора бўлмасди. Челақлаб қуяётган ёмғир кишининг юз-кўзидан оқиб турганда, у йиғлаб турибдими, йўқми — билиши қийин. Ҳар нечук Зарифа йиғлаётган эди. У ўзини чексиз қувончдан қаҳ-қаҳ уриб, қийқириб кулаётгандек кўрсатмоқчи бўларди, аслида йиғлаётган эди. Абутолиб хавотирланиб хотинининг қўлини олди:

— Сенга нима бўлди? Мазанг қочдимми? Юр, уйга борамиз.

— Йўғ-э, шунчаки ҳикичок тутяпти,— жавоб қилди Зарифа.

Улар беҳос ёғиб қолган ёмғир саховатидан баҳраманд бўлиб қолишга ошиқиб, қайтадан болаларни ўйнатишга киришди. Бирок Эдигейнинг юраги орқасига тортиб кетди. Бу ердан, бу одамлардан йироқда бошқача турмуш тарзи мавжуд эканини, у ерда ёмғир ёғиши оддий бир ҳодиса бўлиб, одамлари тоза ва тиниқ сувда чўмилишларини, болалар учун эса ўзгача шарт-шароит, ўзгача ўйин-кулги, ўзгача ғамхўрлик муҳайё этилганини англаб, буларга қанчалик оғирлигини тасаввуридан ўтказди... Бирок болаларнинг кўнгли кўтарилсин, ўйин-кулги қилаётган Абутолиб билан Зарифа хижолатга қолмасин, деб улар қанчалик шодланса, Эдигей ҳам шунчалик шодланар эди...

Болалар ҳам, катталар ҳам роса яйраб, мириқиб ўйнашди, ёмғир эса ҳамон тинмасди. Ниҳоят, ҳаммалари уй-уйларига югуришди. Шунда Эдигей болалари билан бирга ёнма-ён чопиб кетаётган Қуттибоевларнинг ортидан хайрихоҳлик билан қараб турди. Ҳамма шалаббо бўлди. Бир кунгина бўлса-да, Сариўзакка бахт кулиб боққан эди!

Кенжа қизалоғини кўтариб, каттасини етаклаб олганча, остонада Эдигей пайдо бўлганда уларнинг туркени кўрган Уқкубола ҳангу манг бўлиб, дарҳол қафтларини бир-бирига уриб қўйди.

— Вой-бўй, сизларга нима бўлди? Кимларга ўхшаб кетдиларинг?
— Кўркма, онаси,— дея Эдигей уни тинчлантирмоқчи бўлдию ўзи кулиб юборди.— Нор туя маст бўлса, бўталоқлари билан ўйнашар, дейишади.

— Кўриб турибман,— дея таъна қилди Уккубола кулимсираб.— Кани, сувга тушган товукқа ўхшаб турмасдан тезроқ ечина қолинглар.

Ёмғир тинди, бироқ у ҳали олисдан эшитилиб турган момақалдирик овозига қараганда, Сариўзакнинг чекка қисмларига тун бўйи ёғиб чиққанга ўхшарди. Уйғониб кетган Эдигей кўзларини йириб-йиртиб бўлса-да, даштнинг турли бурчакларида ярқ-юрк этиб чақнаётган яшин нурларининг деразаларидаги аксини кўриб қоларди.

Ўша тун Эдигей Бўрон туш кўриб чиқди. Тушида у яна фронтда, ўк ёмғири остида ётган эмиш. Бирок негадир снарядлар унсиз келиб турар, унсиз портлаб, кўкка кўтарилган қуюнли тупроқ қалқиганча осмонда муаллақ туриб қолар ва яна қалқиганча вазминлик билан секин-аста ерга қайтиб тушар эди. Шундай портлашлардан бирида ўзи ҳам осмону фалакка учиб кетди ва муаллақ ҳолда секин-аста қулай бошлади, қулаганда ҳам жон талвасасида чексиз бўшлиқ сари қулаб борарди... Сўнг у шиддатли ҳужум сари югуриб кетди, ҳужумга ўтган кулранг шинелли аскарлар жуда кўпчилик эди, бироқ уларнинг юз-кўзларини кўриб бўлмасди. Гўё ёлғиз шинелларгина кўлларда автоматлари билан чошиб бораётгандай. Бир маҳал шинеллар «ура» деб қийқириб қолишган ҳам эдики, Эдигейнинг рўпарасида ёмғирга ботиб кулиб турган Зарифа пайдо бўлди. Танг қолдирадиган бир хол. Чит кўйлаги баданига жикқа ёпишган, ёзиглик сочларию юзларидан ёмғир қуйилар, ўзи бўлса тиним билмай қулар эди. Эдигейга эса кечикиш бўлмайди, чунки у ҳужум қилмаётибди. Шунда: «Нега мунчалик қуляпсан, Зарифа? Бу яхшиликка эмас», деди Эдигей. «Қулаётганим йўқ, йиғлаяпман», деди Зарифа ва савалаётган ёмғир остида яна қулаверди...

Кўрган тушини эртаси куни у Абутолиб билан Зарифага айтиб бермоқчи бўлди. Аммо тушининг тахлили унчалик ўзига маъқул бўлмагани учун фикридан қайтди. Уларни беҳудага хафа қилгиси келмади.

Бу катта ёғиндан сўнг Сариўзак даштида иссик қайта бошлади. Қазангапнинг таъбири билан айтганда, энди ёзнинг ҳақи битган эди. Худди шу пайтдан Сариўзак кузининг роҳатбахш дамлари бошланди. Бўронлининг болалари ҳам толиктирувчи жазирамадан қутилиб, кўнғироқдай овозлари яна чиқиб қолди. Шу маҳал Кумбел бекатидан бизга Кизил Ўрданинг қовун-тарвузлари келтирилди, улушларингни олиб кетасизларми ёки бериб юборайликми, деб хабар қилишди. Бу Эдигейга яхши баҳона бўлди. У ўзимиз бориб танлаб оламиз, бўлмаса, қаёқдаги яроқсиз хомхаталани юборишлари мумкин, деб бекат бошлиғини кўндирди. Маъқул, Қуттибоевларни ҳам бирга олинглар, яхшисидан танланглар, деди бошлик. Эдигейга худди шу керак эди. У Абутолиб ва Зарифа икковини болалари билан бир кунга бўлса ҳам Бўронлидан олиб чиқиб, шамоллатиб келишни ният қилган эди. Қолаверса, ўзлари

хам бир оз айланиб келишади-ку. Шу тарика, икки оила бола-чакалари билан бирга эрта азонда Кумбелга бораётган йўловчи поездга тушиб жўнаб қолишди. Ҳаммалари кийинишган, яسانيшган эди. Болаларнинг суюнганини айтмайсизми?! Эртақларда тасвирланган ғаройиб бир ўлкага бораётгандай хурсандчиликдан учиб-кўниб, йўл-йўлакай саволларни ёғдиришарди: у ерда дарахлар ўсадими? Ўсади. У ернинг ҳам ўт-ўланлари ям-яшилми? Ям-яшил. Ҳатто гуллар ҳам борми? Уйлари каттами, кўчаларидан машиналар ғизиллаб ўтиб турадими? Ковун-тарвуз истегагингча кўпми? Музқаймоқ борми? Денгиз-чи?..

Шамол юк вагонига келиб уриларди. Вагон эшигининг шундоқкина тагида Абутолиб билан Эдигей бўш яшчиклар устида ўтирган бўлишларига қарамай, болалар йиқилиб тушмасин учун ҳар эҳтимолга қарши эшик тахта билан тўсиб, миҳлаб қўйилган эди. Қия очик эшикдан ёқмили ҳаво кириб турарди. Икки эркак у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб боришар, ора-сира болаларнинг саволларига ҳам жавоб беришарди. Эдигей Бўрон бирга бораётганларидан, ҳавонинг қулиб турганидан, болаларнинг севишиб қувонишганидан беҳад мамнун эди. Ҳаммасидан ҳам Абутолиб билан Зарифанинг қувнок чеҳраларини кўриб, ўзини қушдек енгил ҳис этди. Улар ғам-ташвишдан, рухий тушқуликдан бир оз бўлса-да, озод бўлиб эркин нафас олишяпти-ку. Балки Абутолибга Саризўзада қўлингдан келгунча, бардошинг етгунча яшайвер, деб рухсат этишар. Эҳ, худойим, қани энди шундай бўла қолса эди. Зарифа билан Уккуболанинг турмуш икир-чикирлари ҳақида дилдан суҳбатлашиб ўтиришганини кўришнинг ўзи мароқли. Улар шу дамда ўзгача бахтиёр эдилар. Шундай ҳам бўлиши керак. Инсон учун энг кераги шу... Эдигей Қуттибоевларнинг бошқа йўриғи бўлмагани учун ҳам Бўронлининг ҳаётига бир амаллаб кўникаиб, ўтроқлашиб қолишларини ва бошдан ўтган барча кўнгилсизликларни эсдан чиқариб юборишларини жон-дилидан истарди. Улар асабга тегувчи ҳуда-беҳуда гапларни қўзғамай, бир-бировлари билан нима демоқчи эканликларини дарҳол англаб олишар эди. Абутолиб у билан ёнма-ён, елкама-елка ўтириб бораётгани, унга умид-ишонч билан қараш ҳам Эдигейни мамнун қилган эди. Эдигей Абутолибнинг ақлли-ҳушли, камсуқумлиги учун, ҳаммадан ҳам кўра уйга — оилага меҳр қўйгани, уни деб яшаб, барча кийинчиликларга бардош бериб келгани ва ундан мадад олаётгани учун ҳам кадрларди. Абутолибнинг сўзларини эътибор бериб тинглаб, Эдигей инсоннинг ўзгаларга қилган энг катта яхшилиги ўз оиласида муносиб фарзандларни тарбиялаб етиштиришдан иборат экан, деган хулосага келди. Тарбиялаганда ҳам кимнингдир ёрдами билан эмас, балки шахсан ўзи кун сайин, соат сайин бутун қалбини бахш этиб, иложи борича улар билан бирга бўлиш қанчалик муқаддас иш эканини тушуниб етди.

Э-ҳе, бу Собитжон дегани қаерларда ўқимади, дейсиз: интернат ҳам, институт ҳам, турли малака ошириш курслари ҳам қолмади. Бечора Қазангап бутун топган-тутганини унга сарфлади. Ишқилиб, шаҳарда тарбия топсин, бошқалардан ёмон яшамасин, деди. Охир-оқибат нима

бўлиб чиқди? Билими-ку бошқалардан қолишмайди, бироқ ҳеч кимга нафи тегмайдиган ярқисиз одам бўлиб чиқди. Ушанда улар қовун-тарвуз олиб келиш учун Қумбелга бораётганларида Эдигейнинг ўйлаган ўйи шу бўлди: ҳамонки бошқа бир яхшироқ йўли топилмай турган экан, унда Абутолиб Қуттибоевнинг Бўронлига яхшироқ ўрнашиб олишига нима етсин. Ҳўжалигини тиклаб олади, мол-ҳол қилади, сўнг даштда фарзандларини қўлидан келгунча тарбиялаб вояга етказди. Тўғри, унга акл-идроқ ўргатмоқчи эмас, аммо Абутолибнинг ҳам, сўзининг авзоига қараганда, шу фикрда эканини фаҳмлади. Картошкани қандай ғамлаб олиш кераклигини, хотини билан болаларига қаердан кигиз этик излаши зарурлигини йўл-йўлакай сўраб борди. Ўзим ҳам қишни этикчан ўтказаман, дейди. У яна Қумбелда кутубхона борми, бекатчага олиб кетиш учун китоб берадими, деб ҳам сўради.

Ўша куни кечкурун улар ОРСдан ўзларига ажратилган қовун-тарвузларни олиб, яна йўловчи поездда уйга қайтиб келишди. Болалар чарчаганига қарамай, кўнгиллари чоғ эди. Қумбелни ҳам кўришди, ўйинчоқлар харид қилишди, музқаймоқ ейишди, хуллас, яйраб келишди. Айтгандай, бекат сартарошхонасида бир оз кўнгилисиз воқеа содир бўлди. Болаларнинг сочини олдириб кетайлик, деб киришган эди, Эрмакнинг навбати келганда ҳаммаёқни бошига қўтариб, шунақа йиғлаб бердики, қани энди бирон кимса уни кўндира олса. Ҳаммани чарчатди. У кўрқар, юлқиниб, кичкириб, отасини чақирарди. Абутолиб шу маҳал ёнларидаги дўконга чиқиб кетган эди. Зарифа нима қиларини билмай, хижолат тортиб қизариб-бўзариб кетди. Сочлари жуда ҳам чиройли, жингалак бўлгани учун ҳам туғилганидан буён ўз эркига қўйиб қўйди, олдиришга кўзимиз қиймади, деб ўзини оқлагандай бўлди, бечора. Ҳақиқатан ҳам Эрмакнинг сочлари ойисиникига ўхшаб гоятда кўркам, қалин ва кўнғироқли, ўзи ҳам Зарифага тортган эди. Боши ювилиб, жингалак сочлари тараб қўйилгандан сўнг чиройига қараб тўймасди киши. Ниҳоят, ҳийла ишлатишгача боришди. Уккубола Сауланинг сочини кирктирмоқчи бўлди: мана кўряпанми, қиз бола бўлсаям кўркмай ўтирипти, деди. Эрмак сал тинчлангандай бўлди. Бироқ сартарош қўлига машинкасини олиши биланок яна қий-чув қўтариб сапчий бошлади. Шу тобда эшикдан бирдан Абутолиб кириб қолди. Эрмак отасининг қучоғига отилди. Отаси уни қўтариб олиб, бағрига босди. Болани ортиқча қийнаш фойдасиз эканини тушунди.

— Кечирасиз,— деди у сартарошга.— Бошқа сафар келармиз. Белни маҳкам боғлаб олмасак бўлмайдиганга ўхшайди, ўшанда... Ҳозирча юратурсин, шошилмаса ҳам бўлади. Яна йўлимиз тушиб қолар...

«Конвенция» авиабардори бортидаги алоҳида ваколатга эга бўлган комиссияларнинг фавқулодда кенгаши давомида иккала томоннинг розилиги билан «Паритет» самовий бекатига яна бир кодланган радиограмма жўнатилди. «Паритет» у радиограмmani гайризаминий тараққиётга эришган сайёрадаги 1—2 ва 2—1 паритет-фазогирларга

етказиши мўлжалланган эди. Радиограммада Қўшмарбошнинг махсус кўрсатмасисиз бирон бир ҳаракат қилиш мумкин эмаслиги айтилди.

Кенгаш аввалгидек ёпиқ ҳолда олиб бориларди. «Конвенция» авиабардори одатдагидек ўз ўрнида, Тинч океанидаги Алеут ороллариининг жанубий қисмида — Сан Франциско билан Владивостокнинг коқ ўртасида турарди.

Олам олам бўлганидан бери Галактикалараро буюк воқеа содир бўлганини — Эга ёритқич системасида гайризаминий тараққиётга эришган сайёра кашф этилганини ва ундан онгли мавжудотлар ерликлар билан алоқа ўрнатишни таклиф этганликларини ҳали ҳеч ким билмасди.

Фавкулудда кенгаш қатнашчилари кутилмаганда бу муҳим муаммо юзасидан, ниманидир ёқлаб, қарши чиқиб, баҳслашиб ётган эдилар. Ҳар бир комиссия аъзосининг столи устида ёрдамчи материаллар билан бирга 1—2 ва 2—1 паритет-фазогирлар томонидан юборилган маълумотларнинг тўла текстлари турарди. Хужжатлардаги ҳар бир фикр, ҳар бир сўз ўрганиб чиқилди. Тўқайтўш сайёрасидаги онгли ҳаёт курилишига доир келтирилган ҳар бир деталь факт сифатида, энг аввало, ердаги тараққиёт эришган тажрибага асосланган ҳолда, шунингдек сайёранинг етакчи мамлакатларнинг манфаатларига мос келиши ёки келмаслиги нуқтаи назаридан ёндашилган ҳолда қараб чиқилди. Бундай муаммоларга ҳозирга қадар ҳеч ким дуч келмаган эди. Яна бунинг устига масалани зудлик билан ҳал этиш талаб этиларди...

Тинч океани аввалгидек секин тўлкинланиб турарди...

Куттибоевлар оиласи Сариўзак ёзининг даҳшатли жазирамасига бардош берганидан сўнг, яъни кўч-кўронини кўтариб, умидсизлик билан Бўронлидан боши оққан ёққа кетиб қолмаганидан кейин бўронлиликлар, энди улар шу ерда қолиб ҳозирча яшаб туришади, деб ишонч ҳосил қилишди. Абутолиб Куттибоев бирмунча дадилланиб, Бўронлининг оғир юмушларига бир оз кўникиб қолган эди. Ҳа, албатта бекатчанинг турмуш шароитини ўз кўзи билан кўрди, ўрганди. Ҳар қандай бошқа одам сингари Бўронли дунёнинг қарғишига учраган жой экан, дейишга у ҳақли эди. Ичиладиган сув бир ёқла турсин, ҳатто бошқа эҳтиёжларга ишлатиладиган сув ҳам аллақерлардан поездда цистерналаб келтирилса, бунга нима ҳам дейиш мумкин. Кимда-ким ҳақиқий тоза сув ичгиси келиб қолса, албатта, туяни жабдуқлаб, мешларни гамлаб, тупқанининг тагидаги қудуққа бориб келиши керак. Шундай ишга Эдигей билан Казангапдан бошқа ким ҳам журъат эта оларди, дейсиз.

Дарвоқе, бу аҳвол эллик иккинчи йилдан то олтмишинчи йилларгача, қўйингки, бекатга электр-шамол ёрдамида сув тортигич ўрнатилгунга қадар давом этди. Бироқ у кезларда бунга ҳали ҳеч ким умид ҳам қилмаган эди. Буларнинг ҳаммасидан катъи назар, Абутолиб ҳеч қачон Бўронли бекатини ҳам, Сариўзак даштини ҳам лаънатлаб сўккан эмас.

Ёмонни ёмонлигича, яхшини яхшилигича қабул қилиб юраверган. Ахир, бу ер ҳеч ким ва ҳеч нарса олдида гуноҳкор эмас-ку. Яшайдими, йўқми — буни инсоннинг ўзи ҳал этиши керак...

Шунака ерларда ҳам одамлар, қандай бўлмасин, яхшироқ яшашнинг ҳаракатида эди. Қуттибоевлар бошқа ерларга бориш ниятидан воз кечиб, Бўронлида қолиб яшашга қатъий қарор қилганларидан сўнг, ташвишлари яна кўпайди: мустаҳкам ўрнашиб олиш учун уй-жой дегандай юмушларга вақт етишмасди. Кундалик смена ишларини адо этиши керак, шундан кейин ҳам ташвишлари етиб ортарди. Печкани қайта қуриш, эшикларга мато қоқиш, дераза ромларини созлаш каби кишга тайёргарлик ишлари билан олишиб, Абутолибнинг шашти анча қайтиб қолди. Колаверса, унинг бунака ишларга айтарли уқуви йўқ эди. Шунинг учун ҳам Эдигей уни ёлғиз қолдирмасдан асбоб-ускуна ва материаллар билан ёрдам бериб турди. Бостирмаси ёнидан ертўла қазий бошлаганларида Казангап ҳам қараб турмади. Учаласи биргалашиб кичикрок ертўла қазишиб, устини шпаллар билан ёпиб, сўнг похол тўшаб, унинг устига эса лўмбаз ётқизиб, шуваб қўйишди. Ниҳоят, бировнинг моли келиб қулаб тушмасин учун томчасини ҳам жуда мустаҳкам қилиб қуришди. Учаласи қайси иш билан банд бўлмасин, Абутолибнинг ўғиллари уларнинг атрофида гирдикапалак эди. Баъзан ишга ҳалал бериш ҳам, аслида кишига аллақандай қувноқлик ва ўзгача ҳузур-халоват бахш этар экан. Эдигей билан Казангап Абутолибнинг уй-рўзғор ишларига ёрдамлашиш юзасидан маслаҳатлашиб, бу ҳақда маълум қарорга келишгандай бўлишди. Келаси баҳорга чиқиб унга соғин туя ажратишни лозим кўришди. Муҳими — у соғинни ўрганиб олса бўлгани. Ахир, бу сигир эмас, уни туриб соғин керак. Ортдан далама-дала юриш керак, ва энг асосийси, елинига кўз-қулоқ бўлиб туриш керак: вақтида эмизиб, вақтида ажратиб турмаса бўлмайди. Ҳар қалай, ташвиши оз эмас. Йўлини билиш керак...

Ҳаммадан ҳам Эдигей Бўронни қувонтирган нарса Абутолибнинг хўжалик ишларига киришиб кетгани ёки бўлмаса Зарифа билан бирга иккала оила фарзандларини ҳар куни ўқиш-ёзишга, расм чизишга ўргатишларигина эмас, балки Бўронлини тарк этмасдан, унинг оғир шароитига бардош бериш, ўзининг ҳам билимини ошираётгани бўлди. Ахир, Абутолиб Қуттибоев ўқимишли киши эди-да. Китоб ўқиш, нималарнидир ёзиш-чизиш унга сув билан ҳаводек зарур эди. Шундай дўсти бўлганидан Эдигей ич-ичидан фахрланарди. Шу сабабли ҳам юраги унга талпиниб турарди. Бу томонларга серкатнов бўлиб турган Сариўзак геологи Елизаров билан унинг дўстлашиб қолиши ҳам бежиз эмасди. Умуман, Эдигей кўпни кўрган, кўпни билган одамларни, олимларни ҳурмат қиларди. Абутолиб ҳам кўп нарсаларни биларди, лекин у ҳудабехуда гапиришни ўзига эп кўрмасди. Аммо бир куни уларнинг жиддий суҳбатлашиб олишига пайт ҳам бўлди.

Кечкурун йўл ишларидан қайтиб келишарди. Ўша куни еттинчи километрдаги йўл ёқасига қор тўсувчи ғов ўрнатишди, чунки киш фасли

у ерда ҳамиша бўрон кўтарилиб, йўлни қор босиб қоларди. Куз энди бошланаётганига қарамай, кишининг ғамини ҳозирданок кўриб қўймаса бўлмайди. Шундай қилиб, иккаласи секин келишаётган эди. Ним қоронғу оқшомда бамайлихотир суҳбатлашиш ўзгача гаштли эди. Шундай ойдин оқшомларда сокинлик оғушига чўмган Сариўзак кенгликларни гўё қайқома сузиб бораётиб Орол денгизининг тубини кузатгандай қуёш шафағида элас-элас кўзга ташланарди.

— Абу дейман, кечалари қачон ўтмай, доимо дераза олдида ўтирганингни кўраман. Алланималарни ёзасанми ёки ўқиб ўтирасанми, ёнингда чироқ ўчмайди? — деди Эдигей.

— Шунчаки, одатдаги ишлар-да,— мамнунлик билан жавоб берди Абутолиб белкурагини у елкасидан бу елкасига оларкан.— Ёзув столим йўқ. Зумрашалар уйқуга кетиши биланок Зарифа ниманидир ўқишга тутинади, мен бўлсам унутилиб кетмасин, деб хотирамда қолган баъзи бир нарсаларни — урушни, энг муҳими Югославияда ўтган қунларимни ёзиб ўтираман. Йил сайин улар тобора узоқлашиб кетяпти.— У бир оз жимиб қолди-да, яна давом этди: — Болаларим учун нима қилсам экан, деб ўйлаб ўйимга етмайман. Едириш-ичириш, тарбия қилиш — булар ўз йўлига. Қўлимдан келгунча ҳаракат қиламан. Бошимдан шунчалик оғир қунларни ўтказдимки, худо кўрсатмасин, бошқа биров буни юз йилдаям кўриб улгурмасе керак. Ҳозир ҳам яшаб турибман. Демак, беҳудага ҳаёт кечирмабман, аҳтимол тақдир менга қолганда шафқат қилгандир, балки у болаларингга дилингдагини айтиб қол, деяётгандир. Молдомки, уларни дунёга келтирган эканман, фарзандларим олдида ҳисоб беришим керак, деб ўйлайман. Ҳамма учун умумий ҳақиқат бор, албатта. Аммо, шу билан бирга, ҳар бир киши ўз тушунчасига эга. У эса инсоннинг ўзи билан бирга кетади. Ҳаёт билан ўлим ўртасидаги қонли кураш гирдобидан ўтаётганингда у сени юз марталаб ўз қомига тортиб кетиши мумкин. Агар сен ундан тирик чиқсанг, яхшилик билан ёмонликнинг ва ҳақиқат билан ноҳақликнинг моҳиятини чуқурроқ англаб оласан...

— Шошмай тур, бир нарсага тушунмаяпман.— Эдигей ажабланиб унинг сўзини бўлди.— Ҳақ гапни айтаётганга ўхшайсан, бироқ болаларинг ҳали мишигини эплаёлмайди, ҳатто сартарошнинг машинкасидан чўчийди, улар нимани ҳам тушунарди, дейсан?

— Шунинг учун ҳам ёзаётгирман-да. Уларга сақлаб қўймоқчиман. Ким билади яна қанча яшашимни. Овсарга ўхшаб, сал бўлмаса ҳалиги поезднинг остига тушиб қолаёзганимни уч кундан бери ўйлаб, ўзимни-ўзим сўкаман. Агар Қазангап йўлдан туртиб чиқармаганда... Сўнг шунақаям тўзитиб сўқдикди, асти қўяверинг, болаларинг худога минг қатла шуқр қилишсин, дейди.

— Тўғри айтибди. Мен сенга алақачон айтганман, Зарифага ҳам,— Эдигей қизишиб кетди ва фурсатдан фойдаланиб хавотир олиб юрганини яна бир бор айтиб қўймоқчи бўлди.— Йўлнинг ўртасида сенга нима бор, паровоз издан чиқиб сенга йўл бериши керакми? Хавфсиз-

лик коидалари бор, ахир. Саводли киши бўлсанг, тоқайгача айтиб туриш керак. Энди темирйўлчисан, нишолда бозорида юрганинг йўк. Ажал билан ўйнашма.

— Агар шунақа ҳодиса юз берганда, ўзим айбдор бўлардим,— деди Абутолиб маъюслик билан бош иргаб.— Ҳар қалай, сен аввал сўзларимни тинглагин, кейин гапирасан.

— Шунчаки ўрни келиб қолди-да, сен гапиравер.

— Қадим замонларда одамлар болаларига мерос қолдиришган. Яхшиликками, ёмонликками, ҳарқолда, ҳар ким қурбига яраша мерос қолдирган. Бу ҳақда ўша замонларда қанчалаб китоблар ёзилиб, эртаклар айтилиб, театрларда қанчалаб пьесалар ўйналган. Уларда меросни қандай бўлиш ва меросхўрлар тақдири хусусида ҳикоя қилинади. Нега дейсанми? Сабаби, ўша мероснинг кўпчилик қисми ноҳақ йўллар билан юзага келар эди, бошқаларнинг пешона тери эвазига, алдоқчилик йўли билан тўпланар эди. Шу сабабли ҳам бу мерос бошланишиданок ёвузлик, гуноҳкорлик ва адолатсизликлар билан тўлиб-тошган бўларди. Биз эса, худога шукр, бундан холимиз. Мен ўзимга шу билан тасалли бераман. Менинг қолдирадиган меросим ҳеч кимга зиён-заҳмат келтирмайди. Бу ёзганларим менинг руҳимгина холос, уларда урушда кўрган-билганларим жамланган. Болаларимга қолдирадиган бошқа бойлигим йўк. Сариўзақ даштида юриб шундай фикрга келдим. Тақдир мени шу ёқларга сургаб келибди, энди мен болаларимга кўнглимдагиларимни ёзиб қолдирмоқчиман, қачонлардир кези келиб, улар ҳам бунини тушунишар. Мен эриша олмаган, урдасидан чиқа олмаган нарсаларга эҳтимол эришишар... Бизга нисбатан улар оғирроқ турмуш кечиришади. Шундай экан, ёшлигидан ақли тўлишиб боргани яхши...

Уларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз ўй-хаёллари билан банд бўлиб, бирмунча вақт сукут сақлаб боришди. Бундай сўзларни эшитиб Эдигей ҳайратда қолди. Дунёга келган одам ҳаётнинг маъносини бундай тушунса ҳам бўлар экан-да, деб таажжубланди. Гарчи шундай бўлса-да, у ўзини таажжублантирган нарсани аниқлаб олмоқчи бўлди:

— Элу халқ, бу ёқда радио ҳар куни болаларимиз келгусида яхши ҳаёт кечиришади, деб турса, сен бўлсанг бизга нисбатан оғирроқ бўлади дейсан. Атом уруши бўлади, шуни ўйлаб айтяпсанми?

— Йўк, унгагина эмас. Эҳтимол, уруш бўлмас. Бўлганда ҳам ҳалибери бўлмайди. Гап ризк-рўзда эмас. Шунчаки замон чархи тезлашиб бормоқда. Болалар буларнинг барчасини ўз ҳаракатлари, ақл-идроклари билан тушуниб олишлари керак, қолаверса, бизлар учун ҳам қисман жавоб беришларига тўғри келар. Ақл юритишнинг эса ўзи бўлмайди. Шунинг учун ҳам бизга нисбатан уларга қийинроқ бўлса керак, деб ўйлайман.

Ақл юритиш ҳаммавақт ҳам осон эмаслигини Эдигей ойдинлаштириб ўтирмади. Кейинчалик у бўлиб ўтган суҳбатни эслар экан, бу гапнинг мазмунини сўраб-суриштириб билиб олмагани учун жуда-жуда афсусланди...

— Буларни нима учун айтяпти дерсан,— Абутолиб Эдигейнинг шубҳаларини сезгандай, сўзида давом этди: — Ёш болаларнинг назарида катталар ҳамиша ақлли, эътиборли бўлиб кўринади. Улғайгандан сўнг кўришадикки, муаллимлари, бошқача айтганда бизлар улар ўйлаганчалик кўпни кўрган, ақлли одамлар эмаслигимиз маълум бўлади. Ҳалиги мулоҳазакор кишилар устидан энди кулиб қўйса ҳам бўлади, ҳатто бу кекса мураббийлар ёшларнинг кўзига баъзида аянчли кўринадилар. Замон чархпалаги борган сари тезроқ айланаётир. Шунинг учун ҳам ўзимиз ҳақимизда сўнгги сўзни болаларга қолдирмай ўзимиз айтиб кетишимиз керак. Ота-боболаримиз бундай сўзларни ривоятларда айтиб кетишган. Ўзларининг нақадар улуғ кишилар эканликларини авлодлар билишсин, дейишган. Энди биз уларни руҳи бўйича баҳолаймиз. Ўсиб келаётган болаларимни деб кўлимдан келгунча ишлаётганимнинг боиси ҳам шунда. Менинг ривоятларим — урушда бошдан кечирганларим. Фарзандларимга атаб партизанлик дафтаримни битаётирман. Кўрган-билганларимни, бошимдан кечирганларимни қандай бўлса шундай ёзиб қолдираман. Болалар улғайганда асқотиб қолар. Бундан ташқари, яна баъзи бир ўйлаб қўйганларим бор. Болаларимиз Сариўзакда ўсадиганга ўхшайди. Вояга етганларида қуппа-қуруқ даштда ўсган эканмиз, деб ўйлашмасин яна. Қадимги кўшиқларимизни ёзиб олдим, кейин уларни топиб олиш қийин бўлиб қолади. Кўшиқ менинг тушунчамда — ўтмиш хабарчаси. Сенинг Уккуболанг уларнинг кўпини билади-ку. Ёдимга келиб қолса, яна янгиларини айтиб бераман, деб ваъда берди.

— Бўлмасам-чи? Оролнинг кизи эмасми! — деди Эдигей дарҳол ғурурланиб кетиб.— Орол козоқлари денгиз бўйида яшайди. Қирғоқ бўйлаб қуйлашга нима етсин. Денгиз ҳаммасини тушунади. Нимани айтма, дилдан чиқариб айтсанг, денгизга хуш келаверади.

— Буни тўғри айтдинг. Ҳақ гап. Ёзиб олганларимни яқинда қайта ўқиб чикдим. Зарифа иккаламиз йиғлаб юборишимизга сал қолди. Қадимда нақадар гўзал қилиб қуйлашган! Ҳар бир кўшиқ ўзи бир тарих. Ўша одамларни шундоққина кўриб тургандайсан. Улар билан сирлашсанг, ўшалардек сева олсанг, куя олсанг... Кўрдингми, уларнинг қолдириб кетган ёдгорлигини. Мен Казангапнинг Бўкейинни ҳам кўндиришга ҳаракат қилдим, қорақалпоқча кўшиқларимизни сдингга келтир, алоҳида дафтарга ёзиб оламан дедим. Демак, қорақалпоқ дафтари ҳам бўлади бизда...

Улар шу йўсинда темир йўл бўйлаб секин юриб боришарди. Уларнинг суҳбати фароғатли дамга тўғри келган эди. Ўша куз олди кунларидан бирининг сўлим окшоми, бутун борлиқ қоронғулик оғушига чўмиб бораётгандек эди. Сариўзак ўрмонлари ҳам, дарёлари ҳам, далалари ҳам кўздан ғойиб бўлиб бораётгандай, бироқ ботиб бораётган қуёш ер саҳнидан нур ва сояларнинг ҳаракати туфайли дашт бағрини тўлдириб тургандай таассурот қолдирарди. Бутун кенгликни чулғаб олган беқарор, кўкимтир осмон ўзига мафтун этиб, фикрга қаноат боғларди, узок яшашга, кўп ўйлашга даъват этарди...

— Ҳа, айтгандай, Эдигей,— деди Абутолиб сўраб олмоқчи бўлган нарсаси ёдига тушиб,— кўпдан бери сўрамоқчи бўлиб юрардим Дўнанобой деган қуш хусусида. Сен бу ҳақда нима дейсан, шунақа қуш бўлса керак-а табиатда, номини ҳам шундай атасалар керак. Учратганмисан бунақа қушни?

— Афсона-ку бу.

— Тўғри, буни ўзим ҳам биламан. Аммо афсона ҳам кўпинча турмушдан олинган ҳақиқат бўлиб чиқади. Масалан, зарғалдоқ деган қуш бор, бизнинг Еттисувда тоғдаги боғларда кун бўйи «Биёв-биёв, мен кимга кўёв», деб сайрагани-сайраган. Бу ерда шунчаки сўз ўйини, яъни оҳанг билан сўзларнинг ўзаро мослашуви бор, холос. Бироқ қушнинг нима учун шунақа сайраши ҳақида эртақ ҳам тўқилган. Дўнанобой хусусидаги эртақда ҳам шунақа ўхшашлик йўқмикин, деб ўйлайман. Балки даштда шундай бир қуш бордир. Дўнанобой деган сўзга мослаб сайрайдиган. Эҳтимол шунинг учун афсона тўқилгандир?

— Йўқ, билмайман. Бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман,— дея шубҳаланди Эдигей.— Бу ерлардан неча бор ўтиб қайтганман, аммо бунақа қуш борлигини учратмаганман. Умуман, бўлмаса керак.

— Эҳтимол,— деди Абутолиб ўйланқираб.

Эдигей безовталана бошлади.

— Модомики, бундай қуш бўлмаган экан, унда буларнинг бари бекорчи гап бўлиб чиқадими?

— Йўқ, нега? Она Байит қабристонига борми, демак, бу ерда нимадир бўлиб ўтган. Ҳар қалай, мен негадир ҳалиги қуш бор бўлса керак, деб ўйлаб юраман. Уни кимдир, қачонлардир учратади, албатта. Болаларга шундай деб ёзиб қўяман.

— Болаларга бўлса майли,— деди Эдигей қатъиятсизлик билан,— унда тўғри қиласан...

Найман она ҳақидаги Сариўзак афсонасини ўз вақтида фақат икки кишигина ёзиб олганини хотирлайди Эдигей Бўрон. Даставвал, эллик иккинчи йилнинг охириларида болаларим улғайганда ўқишар, деб Абутолиб Қуттибоев ёзиб олган эди. У қўлёзмалар йўқолиб кетди. Шундан кейин тортган азобларини айтмайсизми. Қассоб мой қайғусида, эчки жон қайғусида, дегандай уни эслашга фурсат бўлибдими! Кейинчалик, орадан аллақанча вақт ўтиб, эллик еттинчи йилларда Афнасий Иванович Елизаров бу афсонани ёзиб олди. Энди Елизаровнинг ўзи йўқ. Унинг қўлёзмалари ким билсин, балки Олмаотадаги уйда, қоғозлари орасида қолиб кетгандир... Иккаласи ҳам асосан Казангапнинг оғзидан ёзиб олган. Ўша суҳбатда Эдигей қатнашган; у айтиб-эслатиб турган.

«Йилларнинг учишини!.. Тавба, бу гапларнинг ҳаммаси қайси замонларда бўлган эди!» ўйларди Эдигей Бўрон ёпки ташланган Коранорнинг икки ўркачи ўртасида тебраниб бораркан. Энди эса у Казангапнинг ўзини Она Байит қабристонига олиб боряпти. Вақти келиб, ҳаммаси ўз ўрнига қарор топади. Афсонани қалбида ардоқлаб сақлаб, эл

орасига ёйиб, авлодларга етказган айтувчининг ўзи энди қабристонда сўнгги оромини топиши керак.

«Энди ёлғиз ўзимиз — мену Она Байит қолдик. Ҳа, кўп ўтмай, мен ҳам ўша ерга бораман — жойи ростонимга. Бу ёғи шунга қараб бораётир!» дея ғамгин қиёфада ўйга чўмганча, Эдигей туя устида дафн қарвонини бошқариб борарди. Ортида тиркалма аравали трактор, орқасида ғилдиракли «Белорусь» экскаватори. Дафн қарвонига ўзича кўшилиб олган малла ит Йўлбарс гоҳ олдинда, гоҳ тўданинг ортида, гоҳ ён томонда йўртиб борар, гоҳ бир зум кўздан ғойиб бўлар эди... У ўз ишининг кўзини билгандай, думини диккайтириб, теварак-атрофга жиддий кўз ташлаб кўярди.

Қуёш найзага келди. Қоқ пешин. Она Байит қабристонига оз қолган эди.

VIII

Ҳар қалай, эллик иккинчи йилнинг охирлари — аниқроқ қилиб айтганда, куз фасли, сал кечикиб бўлса-да қор-бўронларсиз тушган киш фасли ҳам ўша кезлардаги Бўронли бекатининг бир сиқим аҳолиси учун маъқул келди. Эдигей кейинчалик ўша кунларни узоқ эслаб юрди.

Бўронлиликларнинг оқсоқоли Казангап хушмуомалали киши бўлиб, бировларнинг ишига бўлар-бўлмасга аралашмасди. Унинг айни кучга тўлган пайтлари эди. Ўғли Собитжон Қумбелдаги интернатда ўқирди. Қуттибоевлар оиласи эса эндигина Сариўзак шароитига кўникиб, ўтроқлашиб қолишган кезлар. Қишга бориб баракни иситиб, картошка ғамлаб олишди, Зарифа билан болаларига кигиз этик харид қилишди, Қумбелдан бир қоп ун келтиришди. Унни Эдигей бакувват Қоранорида ортиб келди. Абутолиб вақтида ишлаб, бўш вақтларини одатдагидай, болалар ёнида ўтказар, тунлари эса дераза токчасидаги мойчирик ёруғида ниманидир ёзгани-ёзган эди.

Бекатда яна икки-уч оила бўлиб, афтидан вақтинча туришарди. Ўша кезлардаги бошлиқлари Абилов ҳам ёмон одам эмасди. Бўронлиликлардан биронтаси касалга чалинмади ҳисоб. Болалар ўсиб-униб, ишлар ўз маромида давом этаверди. Темир йўлларни ихоталаш, ремонт қилиш сингари киш олди ишлари ўз муддатида бажарилаётган эди.

Қизариб пишган ширмойи нон сингари кўнғир тусга кирган Сариўзак кузининг фароғатли дамлари! Киш ҳам кириб келди, ана-мана дегунча, атрофни оппоқ парқуга бурқаб, у ҳам ўзгача гўзаллик касб этганди. Сутга чўмган ана шу сокин буюк даштликни таранг тортилган қора ип сингари кесиб ўтган темир йўлдан одатдагидек поездлар пайдар-пай қатнаб ётади. Темир йўлнинг ёнбошида мўъжазгина қишлоқча — Бўронли бекатининг жамоаси жойлашган. Бир нечта хонадон ва уларга ёндош қурилган майда иморатлар... Ўтган-кетган қатновчилар вагонлардан кўз қирини ташлаб ўтишар, баъзи бирлари эса уйқу ара-

лаш кўзларини йириб-йириб қараганча ёлғиз яшаётган бекатча аҳоли-сига ачингандай боқишарди...

Бироқ ўткинчиларнинг бундай лаҳзалик ачинишлари ўринли эмас эди. Бўронлиликлар ёз жазирасини ҳисобга олмаганда — у ортада қолган эди — йилни яхши ўтказаяётган эдилар. Умуман олганда, урушдан кейин ҳамма ерда ҳам ҳаёт аста-секин изга тушиб борарди. Янаги йилда озиқ-овқат, саноат молларининг нархи яна тушса керак, деб умид қилишар, дўконларда мол-мулк ошиб-тошиб ётмаса ҳам, хайтовур, турмуш йилдан-йилга яхшиланиб бораётган эди...

Одатда, бўронлиликлар Янги йилга унчалик эътибор қилишмас, тунги соат ўн икки бўлишини орзиқиб кутиб ўтиришмасди ҳам. Бекатда ҳар қандай шароитда ҳам иш тўхтамасди. Янги йил қачон, қаерда қирмоқ келишидан қатъи назар, поездлар елиб ўтаверарди. Киш келиши ҳамонок ҳўжаликда ишлар яна ошиб-тошиб кетарди: печкаларни иситиш, яйловдагими, қўрадагими мол-ҳолларга кўз-қулоқ бўлиб туриш... Одам уззукун ишлаб чарчаганиданми, кечга бориб, сал вақтлироқ ётиб дам олгиси келади.

Шу йўсинда бирин-кетин йиллар ўтаверади...

Лекин, эллиқ учинчи йил арафасида бўронлиликлар ҳақиқий байрам қилдилар. Байрамни Қуттибоевлар оиласи бошлаб берди. Янги йил тайёргарлигига Эдигей кечроқ келиб қўшилди. Ҳамма нарса Қуттибоевлар оиласи болаларга атаб арча ясатмоқчи бўлишганидан бошланди. Арчани қаердан топишади? Сариўзақда динозавр тухуми топила топилдики, арча топилмайди. Елизаров геология сўқмоқларида кезиб юрган чокларда бундан миллион йиллар илгари яшаган динозавр тухумини Сариўзақдан топиб олган-ку, ахир! Катталиги тарвуздай келадиган бу тухумлар тошга айланиб кетганди, уларни Олмаотадаги музейга олиб кетишганлари ҳақида газеталарда ҳам ёзишган эди.

Абутолиб Қуттибоевга киш чилласида Кумбелга боришга, катта бекат маҳаллий комитетига учраб, Бўронлидек катта бекат учун у ерга келган бешта арчадан биттасини ундириб олишга тўғри келди. Ҳамма гап шундан бошланди. Дала шамолида қиров босган юк поезде биринчи йўлда тўхтади, Эдигей шу пайт омбор ёнида бекат бошлиғидан янги қўлқопларни олаётган эди. Тўрт гилдиракли узундан-узун юк вагонларининг ҳамма эшиклари тамғаланиб ташланганди. Охирги вагоннинг очик майдончасидан муздек этиклари ичида тарашадек қотиб қолган оёқларини аранг судраб Абутолиб тушди. Поездни кузатиб бораётган қалин пўстинли, мўйнали қалпоғини томоғигача бостириб қийиб олган кондуктор майдончада ўралашганча Абутолибга қўпол бир нарсани узатди. Арча-ку, деди Эдигей дарҳол фаҳмлаб, аммо дейишга дедию ўзи хайратда қолди.

— Эй, Эдигей! Эдигей Бўрон! Бу ёққа кел, қани манави одамга ёрдамлашиб юбор-чи! — дея бақирди кондуктор норғул гавдаси билан вагон зинасидан пастга тушаркан.

Эдигей дарҳол етиб келдию Абутолибни кўриб кўркиб кетди. У кошларигача оппок қорга ботган, шунчаки совкотганидан лабларини кимирлатишга ҳам ҳоли келмасди, кўлини ҳам кимирлата олмасди. Ёнгинасида эса арча турарди. Ана шу игнабаргли арчани деб, Абутолибнинг нариги дунёга равона бўлишига сал қолибди!

— Одамларингиз шу аҳволда ҳам йўлга чиқадими? — деди кондуктор бўғик овозда норози бўлгандай.— Орқангдан уриб турган шамол жонингни суғуриб олгудай. Пўстинимни ечиб берай десам, ўзим совқотиб қолгудайман.

Абутолиб оғзини аранг очиб, узр сўради:

— Кечирасиз, шунақа иш бўлиб қолди. Етиб келдим-ку, энди исиниб оламан.

— Ман ана унга айтаман! — ҳамон бўғилиб гўлдирарди кондуктор Эдигейга юзланиб.— Мени кўр, устимда почтапўстин, ичимда нимча, оёғимда кигиз этик, бошимда шапка. Шунда ҳам поездни манзилга етказиб олгунимча ўлиб бўламан. Дийдираб юриб бўладими бу совукда!

Эдигей ўзини ноқулай сезди:

— Бундан кейин ҳисобга оламиз, Трофим! Раҳмат. Энди жўнавер, оқ йўл сенга.

У арчани қўлига олди. Одам бўйи келадиган арча муздек эди. Арчадан қишки ўрмоннинг ҳиди келиб турарди. Эдигейнинг юраги шув этиб кетди. Урушда кўрган ўрмонларни эслади. У ёқда арчазорларни кўз билан илғаб бўлмасди. Уларни танклар қулатиб, снарядлар туби билан кўпориб кетишаварарди. Ушанда арча ҳиди бунчалик қимматга тушишини ким хаёлига келтирибди, дейсиз.

— Кетдик! — деди Эдигей Абутолибга назар ташлаб, арчани елкасига оларкан.

Абутолибнинг юзлари гезариб, кўзёшлари ёноқлари узра музлаб қолган бўлса-да, аммо оппок кошлари остидаги кўзлари шодликдан тантанавор чакнаб турар эди. Эдигейни бирдан ваҳима босди: болалари отанинг бу меҳрини қадрлашармикин? Ахир, ҳаётда кўпинча тескариси бўлиши мумкин. Миннатдорчилик ўрнига лоқайдлик, гоҳо эса нафратланишади ҳам. «Бундайлардан ўзинг асра. Бусиз ҳам ғам-ташвишлари етарли», ўйлади Эдигей.

Арчани, даставвал катта ўғли Довул кўрди. У шоду хуррамлик билан қичқириб, ўзини баракка урди. Ичкаридан Зарифа билан Эрмак ички кийимда югуриб чиқишди.

— Арча, арча! Қара, қанақа арча! — тинмай сакраб қичқирарди Довул.

Зарифанинг қувончи ҳам уларникидан қолишмасди:

— Ҳарҳолда, топиб келибсан! Қандай яхши!


Эрмак арчани энди кўраётган эди. У Эдигей елкасидаги арчадан сира кўз узмасди.

— Апа, арча шуми? Яхши-а? У энди бизникида яшайдими?

— Зарифа,— деди Эдигей,— руслар айтгандек шу «ёлка-полка»-



Handwritten text in a cursive script, possibly a letter or a note, located in the upper right corner of the middle photograph.



Handwritten text in a cursive script, possibly a letter or a note, located in the lower left corner of the bottom photograph.

ни деб, эрингни музлаб қолишига сал қопти. Тезроқ уйга олиб кириб илитиш керак. Аввало этигини ечинглар.

Этик музлаб, тарашадай қотиб қолганди. Ҳаммалари биргалашиб этикни унинг оёғидан ечиб олишга киришдилар, оғриқдан Абутолибнинг юзлари буришиб кетди, у тишини-тишига қўйиб инграб юборди. Айниқса, болалар жон-жаҳдлари билан ҳаракат қилишарди. Улар мол терисидан тикилган зил-замбил этикни қўлчаларида гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа тортишар эди, бироқ тошдек қотиб қолган этик қани энди чиқа қолса.

— Болаларим, нари туринглар, қани мен ўзим,— дея опаси қувласа ҳам пашшалашарди.

Аммо Эдигей паст овозда деди:

— Майли, ўз ҳолига қўявер.

Болаларнинг меҳрибонлиги, куйиб-пишиб қайгуришлари Абутолиб учун катта мукофот эканлигини у қалбдан сезиб турарди. Демак, болаларининг одам қаторига кириб қолгани, ниманидир ўзларича тушуна бошлаганлари ана шунда эмасми. Айниқса, кенжасининг ҳаракатлари одамнинг кулгисини қистаб, қалбини қувончга тўлдирарди. Эрмак негадир отасини «атика» дер эди. Одамзот тилида пайдо бўлган энг биринчи сўзни бола ўзича ўзгартириб олгандан сўнг ҳеч ким уни қайта тўғрилаб ўтирмади.

— Атика! Атика!— деб дадаси атрофида гирдикапалак бўларди бола беҳуда уринишлардан қип-қизариб кетиб. Унинг жингалак сочлари тўзғиб кетганди. Кўзлари энг зарур бир ишни дўндириб қўйиш иштиёкида чакна, ўзи эса шунчалик жиддий эдики, кўрган одамнинг беихтиёр кулиб юборгиси келар эди.

Болалар ўз ниятларига тезроқ эришишни истаб қолишганди. Эдигей дарҳол чорасини топди: этиклар бу орада эрий бошлади, энди уларни Абутолибнинг жонига озор бермасдан суғуриб олиш мумкин.

— Қани болалар, орқамга келиб ўтиринглар-чи. Поездга ўхшаб бир-биримизни тортамиз. Довул, сен мени ушла, Эрмак сен эса Довулни.

Абутолиб Эдигейнинг мақсадини тушунди шекилли, бош ирғаб маъқуллаб қўйди. Музлаб иссиқда эрий бошлаган кўзёшлари аралаш жилмайди.

Эдигей Абутолибнинг рўпарасида ўтирар, ортидан эса болалар занжирдай боғланишган эди. Улар тайёрланиб бўлишгач, Эдигей этикни суғуриб олишга тутинди.

— Қани болалар, ҳа денглар, бараварига тортинглар! Бўлмаса — эплотмайман. Ёлғиз ўзимнинг кучим етмайди. Ҳа, денглар Довул, Эрмак! Яна қаттиқроқ!

Болалар орқадан кучаниб, зўр бериб тортишди. Зарифа: «Ҳай баракалла!», деб қараб турди. Эдигей атайлаб ўзини зўр бераётгандай қилиб кўрсатарди болаларга. Ниҳоят, этикнинг бири суғуриб олинганда, болалар ғолибона қичқириб юборишди. Зарифа жун мато билан

эрининг товонини укалаш пайига тушиб колди, аммо Эдигей уни тўхтади.

— Қани болалар, қани опаси! Бу нима деган гап? Иккинчи этикни ким тортади? Ёки отларингни бир оёғини сарпойчанг, иккинчисини эса музлаган этикда қолдираверамизми?

Хаммаси бирдан хохлаб юборишди. Полда ағанашиб, узок вақт қотиб-қотиб кулишди. Айниқса, Абутолиб билан болалар росаям кулишди.

Ким билсин, Эдигей Бўрон ўша даҳшатли жумбоқни тагига етиш учун ўша кезларда кўп бош қотиргандир, ким билсин, эҳтимол, худди ўша вақтлар қаердадир, Бўронли бекатидан жуда олис жойларда Абутолиб Қуттибоевнинг номи қайтадан қоғоз юзига тушиб, бу қоғозни олган кишилар унга асосланиб, на Қуттибоевлар хонадониди, на бекатда ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган масалани ҳал қилаётгандирлар?!

Бу мусибат қутилмаганда содир бўлди. Бунақа ишларда Эдигей тажрибали ва айёрроқ бўлганда ҳам, ҳар қалай фаҳмига унча етмасида, эҳтимол, кўнгли бир оз ташвиш тортган бўлармиди...

Нимадан ҳам ташвиш тортсин? Одатдагидек, йил охирида бекатга участка ревизори келарди. График бўйича бекатма-бекат айланиб чиқарди. Бир-икки кун бўларди-да, маошлар қандай тарқатилляпти, материаллар қандай сарфланяпти, хуллас, шунга ўхшаш нарсаларни текшириб, бекат бошлиғи ва яна бирорта ишчи билан уч кишиларни ревизия актига қўл қўярди-да, сўнг яна қайтиб кетарди. Бекатда нима иш ҳам бўларди? Баъзан Эдигей ҳам тафтиш актларига қўл қўйган. Бу гал ревизор Бўронли бекатида уч кун туриб колди. Бекатнинг асосий биносидаги навбатчи хонада тунади — бу ерда телефон ҳамда бошлиқнинг кабинети деб аталмиш кичкинагина хона бор эди. Бекат бошлиғи Абилов югуриб-елиб унга чойнақда чой таширди. Бир гал Эдигей ревизор турган хонага мўраллади. Бир одам қоғозларга кўмилиб ўтириб, папирос буркситарди. Эдигей аввалги таниш ревизорларданмикин, деб ўйлади. Бирок, буниси нотаниш эди. Аллақандай юзлари қип-қизил, тишлари тушган, сочларига оқ оралаган кўзойнакли бир киши эди. Унинг кўзлари аллақандай маккорона кулимсираб турарди.

Қош қорайганда тўсатдан учрашиб қолишди. Эдигей навбатчиликдан қайтиб келаётган эди. Қараса, навбатчилар хонаси олдида фонарь ёруғида ревизор нари-бери юриб турган экан. Барра ёқасини кўтариб олган, бошида ҳам барра телпак, кўзойнақда, этиги билан қум устида ғарч-ғурч босиб, ҳаёлчан чекиб юрарди.

— Ассалому алайкум. Чеккани чикдингизми? Ишлаб чарчагандирсиз? — деди Эдигей хайрихоҳлик билан.

— Ҳа, албатта,— деб жавоб берди у илжайиб.— Осон иш йўқ...

— Тўғри айтасиз,— деди Эдигей одоб юзасидан.

— Эртага эрта билан жўнаб кетаман,— деди ревизор.— Ун еттинчи поезд тўхтаб ўтади. Ўшанга тушиб кетаман,— деди-да, яна кулимсиради. У паст овозда ҳатто қийналиб гапирар эди. Кисик кўзлари би-

лан эса ниманидир излаётгандай тикилиб қарар эди.— Эдигей Жонкелдин деганлари сиз бўласизми? — суриштириб қолди ревизор.

— Ҳа, мен бўламан.

— Мен ҳам шундай деб ўйлагандим.— Ревизор сийрак тишлари орасидан бамайлихотир тутун буркситарди.— Урушда бўлгансиз. Қирк тўртинчи йилдан бери бекатда ишлайсиз, шундайми? Йўловчилар сизни Бўрон деб аташадими?

— Тўғри, тўғри,— соддадиллик билан жавоб берди Эдигей. Унга ўзи ҳақида бунчалик кўп нарса билгани қанчалик кўнгилли бўлса, аини пайтда, ревизорнинг бунчалик маълумотларни билиб, эсида сақлаб қолгани уни танг қолдирди.

— Хотирам яхши,— деди ревизор Эдигейнинг нима ҳақда ўйлаётганини пайқагандай илжайиб. Сўнг у: — Мен ҳам Қуттибоевларингизга ўхшаб ёзиб тураман,— дея папирос тутунини шуъла таратиб турган дераза томонга пуфлади. Дераза олдида Абутолибнинг дафтарга энгашганча нималардир ёзаётгани кўришиб турар эди.— Уч кундан бери кузатаман — ҳадеб ёзгани-ёзган. Ўзим ҳам ёзиб турганим учун, бунга тушунаман. Аммо мен фақат шеър машқ қиламан. Депонинг кўптиражли газетасида тез-тез чиқиб туради. Бизда адабиёт тўғараги бор — ўзим бошқараман. Область газетасида ҳам чиқиб тураман. Бир сафар саккизинчи мартда, бу йил эса биринчи май сонидан чиқдим.

Улар жимиб қолишди. Эдигей хайр-хўшлашиб кетмоқчи бўлиб турган ҳам эдики, ревизор яна гап бошлаб қолди:

— У Югославия ҳақида ёзадими?

— Очигини айтсам, бу ҳақда ҳеч нарса билмайман,— деди Эдигей.— Афтидан, ўша ёқларда кўп йил партизанлик қилиб юрган кўрилади. Асосан, ўзининг болалари учун ёзади у.

— Хабарим бор. Абиловдан суриштириб, билиб олдим. Асирда ҳам бўлган экан. Қайси бир йилларда ўқитувчилик ҳам қилган. Энди ёзувчиликда омадини синаб кўрмоқчи эмиш,— дея чийиллаб кулиб қўйди.— Аммо, бу ўйлаганчалик осон иш эмас. Мен ҳам каттароқ асарлар устида ўйлаб юраман. Фронт, фронт орқаси, меҳнат ҳақида. Э-э, бизга ўхшаган кишиларнинг бош қашишга қўли тегмайди. Умримиз командировкада ўтади...

— У ҳам фақат тунлари ёзади, кундуз юмушдан бўшамайди.

Улар яна жимиб қолишди. Эдигей кетишга ҳозирланаётганда, яна гапга тутиб қолди.

— Ёзгани-ёзган! Бошини ҳам кўтармайди-я! — деб яна илжайди ревизор Абутолибнинг деразасидан тушиб турган шарпаси томонга ишора қилиб.

— Бекор ўтиргандан кўра эрмак-да,— деди Эгидей.— Билимдон одам бўлса. Атроф жимжит, ҳеч ким халал бермайди. Шундай бўлгандан сўнг ёзади-да, ёзмай нима қилади.

— Ийи, рост айтдингиз. Атроф жимжит. Ҳеч ким халал бермай-

ди.— Ревизор кўзларини қисиб, ўзича ниманидир мулоҳаза қилди-да, тўнғиллади.— Атроф жимжит. Ҳеч ким халал бермайди... Билган номаъқулчилигингни қил. Ўзингга ўзинг хўжайинсан... Ҳа, бу ҳам бир ғоя...

Шу билан иккаласи хайрлашишди. Эдигей ревизор билан ораларида бўлиб ўтган тасодифий суҳбат тафсилотини эрта-индин Абутолибга айтиб бераман, деб чоғланиб юрдию, аммо пайти келмади, кейин эса бутунлай хаёлидан кўтарилиб кетди.

Кишнинг ташвишлари ҳам ўзига яраша бўлади. Ҳаммадан ҳам Қоранорни айтмайсизми. У аини кучга тўлиб, бошга битган бало бўлди. Бичилмаган Қоранор икки йил муқаддам кучга тўлиб, етилган эди. Аммо у икки йил олдин бунчалик қайноқ хирс билан қутуриб кетмаганди, харҳолда, бақириб-чақириб, чўчитиб йўлга солса бўларди. Яна бунинг устига бўронлиликлар уюридаги Казангапнинг бўғраси Қоранорга кун бермас эди. Уни тепиб, тишлаб модаларга яқин йўлатмасди. Бироқ чўл поёнсиз. Бир ёқдан ҳайдаса, иккинчи ёқдан кириб келаверади. Шу бўйи қари туя уни кун бўйи қувавериб, охири, ўзи ҳолдан тойиб қолар эди. Шунда қони жўшиб кетган ёш Қоранор бир амаллаб ўз мақсадига эришарди.

Аммо қиш чилласи тушиб, табиатнинг азалий қонунияти бўйича туяларнинг қони кўпирадиган янги мавсум бошланганда, бўронлиликлар уюрига Қоранор бош бўлиб олди. У қудратли кучга эга бўлиб, ҳеч кимга бўйсунмай қўйди. Казангапнинг қари туясини кимсасиз чўлга бемалол ҳайдаб бориб, жарликка қамаб тишлаб, ғажиб, чала жон қилиб ташлайди. Уларни ажратадиган кимса йўқ. Табиатнинг бу шавқатсиз қонуни муттасил давом этади, ахир, энди кези келиб Қоранор ҳам насл қолдириши керак-да.

Бироқ ана шуни деб Казангап билан Эдигей биринчи бор айтишиб қолишди. Жар тубида депсиниб ётган бўғрасини кўриб, Казангап чидаб туrolмади. Яйловдан хафа бўлиб келди-да, Эдигейга захрини сочди:

— Бу нима қилганинг-а, Эдигей? Майли, уларни-ку, ҳайвон дейлик, аммо сен билан биз одаммиз-ку, ахир! Қоранорнинг қирғин келтирди-ку! Сен бўлсанг, уни бемалол даштга қўйиб юборяпсан!

— Уни мен қўйиб юбораётганим йўқ, Казаке. Ўзи бўшалиб кетибди. Уни қандай қилиб боғла дейсан? Занжирлаб қўяйми? У занжирни ҳам узиб кетади. Ўзингдан қолар гап йўқ. «Куч отасини ҳам танимайди», деганлари шу экан-да. Қоранорнинг ҳам фурсати келди.

— Сен бунга қувонаяпсан-а. Шошмай тур, ҳали бундан баттари бўлади. Сен уни аяб, бурнига тешиб чўп солишга кўнмаяпсан. Ҳали зор-зор йиғлаб орқасидан зир югуриб қоласан. Бундай йиртқич битта уюр билан қаноат ҳосил қилмайди. У ҳали бутун Сариўзак бўйлаб саниғиб кетади. Ўшанда ҳеч кимга тутқич бермайди. Ана айтди дерсан...

Эдигей ҳурмат юзасидан Казангап билан сану манга бормай қўя қолди. Қолаверса унинг гапида жон бор эди. У муросага келиб мингиллаб қўйди:

— Нима қилай, эмизиклигида уни ўзинг ҳадя қилган бўлсанг, энди мазаммат қиляпсан. Маъкул, ўйлаб кўрай-чи, бир йўли топилар.

Аммо Қоранордек келишган бўғранинг бурнини тешиб чўп ўтказиб, бедаво қилиб қўйишга унинг ҳечам қўли бормади. Ҳақиқатан ҳам, кейинчалик Эдигей Казангапнинг сўзларини тез-тез эслаб турадиган бўлди. Ғазабланиб кетган чоғларида туясининг бурнини тешиб, чўп ўтказмоқчи бўлиб қоларди-ю, лекин, бари бир, яна қўли бормасди. Бир вақтлар ахта қилдирмоқчи ҳам бўлди. Аммо ботина олмади, бунга юраги дов бермади. Йиллар эса ўтаверди. Ҳар гал қиш чилласи келган саяин қони қайнаб қутурган Қоранорнинг ташвиши ошиб-тошиб кетарди...

Аслида бу ишларнинг ҳаммаси ўша кишдан бошланди. Кечагидек эсида турибди. Қоранорни қамаб қўйиб бир оз ақлини киритиш учун кўра ҳозирлай дегунча янги йил ҳам кириб келди. Қуттибоевлар айни арча байрамига тайёргарлик кўра бошлаган кезлар эди. Бўронлининг барча болалари учун бу катта воқеа бўлди. Уккубола қизчалари билан тўғридан-тўғри Қуттибоевлар барагига кўчиб келди, деса ҳам бўлади. Кун бўйи арчани безатиш билан банд бўлишди. Эдигей ишга кетаётганда ҳам, ишдан қайтиб келаётганда ҳам Қуттибоевлар арчани қандай ясатаётганликларини бир бор кўриб ўтмаса, кўнгли жойига тушмасди. Арча қўлда ясалган ҳар хил ўйинчоқлар, ленталар билан безатилиб, яна ҳам очилиб, чиройли бўлиб кетган эди. Буларнинг бари Зарифа билан Уккуболанинг хизмати — улар болақайларни деб бор хунарларини ишга солишган эди. Албатта, гап фақат арчадагина эмасди, улар Янги йилдан ҳамма учун янги ўзгаришларни, эзгу ишларни умидвор бўлиб кутмоқда эдилар.

Абутолиб бу ишлар билан тинчиб қолмади, у болаларни ҳовлига бошлаб чиқиб, каттакон қорбобо ясай бошлади. Бу, аввал Эдигейга эрмакдай туюлди, кейин эса буни ўйлаб топганларидан ҳайратга тушди. Нақ одам бўйи келадиган улкан Қорбобо — қорбобо эмас, балки қордан ясалган аллақандай бир ялмоғиз пайдо бўлди: қошлари кўмирдан ясалган, кўзлари қоп-қора, бурни қизил, оғзини очиб кулиб турарди. Казангап титиғи чиқиб кетган тумоғини қийшайтириб кийиб бекатнинг рўпарасидан ўтган поездларни кутиб оларди. Бир қўлида темир-йўлчиларнинг «Йўл очик» деган яшил байроқчаси, иккинчи қўлида: «Янги 1953 йилинги қутлуғ бўлсин!» деган табрик сўзлари ёзилган фанерли тахтачани ушлаб турарди у. Жудаям ғаройиб бўлган эди ўшанда! Бу Қорбобо биринчи январдан кейин ҳам узоқ вақт турди...

Ўтиб бораётган йилнинг ўттиз биринчи декабрь куни Бўронлининг болалари номозшомгача арча атрофида ва ҳовлида ўйин тушишди. Навбатчилигини тугатиб келган катталар ҳам шу ерда бўлишди. Абутолиб Эдигейга эрта тонгда болаларнинг бурниларини тортишиб тўшагига суқилиб кириб келишганини, ўзини эса қаттиқ уйқуга солиб ётганини гапириб берди.

— Туринг атике, туринг!— дея Эрмак мени тортқилай бошлади.— Ҳадемай Қорбобо келади. Кутиб олишга чиқамиз.

— Яхши,— дедим.— Ҳозир туриб ювинамиз-да, кийиниб борамиз. Қорбобо келишга ваъда берган.

— Қайси поездда келади? — дея сўрайди каттаси.

— Ҳоҳлагани билан,— дедим.— Қорбобога қайси поезд бўлса ҳам тўхтайверади, бизнинг бекатда ҳам тўхтайди.

— Унда тезроқ туришимиз керак!

Шундай қилиб, тантанавор, жиддий равишда тўпландик.

— Апамлар-чи? — сўради Довул.— Апамлар ҳам Қорбобони кўришни хоҳлайдилар-а?

— Албатта-да. Апаларнингни ҳам чақиринглар.

Ҳаммамиз йиғилишиб уйдан чиқдик. Болалар навбатчилар хонаси томон чопкиллаб кетишди. Биз уларнинг кетидан борардик. Болалар атрофда зир югуришар, аммо Қорбободан дарак йўқ эди.

— Атике, Қорбобо қани?

Эрмакнинг кўзлари жовдираб, йиғламсирагандай бўлиб турарди.

— Ҳозир, шошмай тур-чи,— дедим унга.— Навбатчидан сўраб билайлик-чи.

Навбатчилар хонасига кирдим. У ерга кеча Қорбобо номидан хат ёзиб совға тайёрлаб, халтачада яшириб қўйган эдим. Ташқарига чиқишим билан болалар:

— Нима бўлди, атике? — деб сўрай бошлашди.

— Ҳа, мана, — дейман, — Қорбобо сизларга хат қолдириб кетибди. Мана у: «Азиз болаларим, Довул билан Эрмак! Мен сизларнинг машхур Бўронли бекатларингга эрталаб соат бешда келдим. Сизлар ҳали ухлаб ётган эдиларинг. Тун жуда совуқ эди. Менинг ўзим ҳам қордан ясалганман, соқолим ҳам қор толаларидан. Поезд бўлса икки дақиқагина тўхтади, холос. Ушбу хатни ёзиб улгурдим-да, сизларга олиб келган совғаларим билан бирга қолдириб кетдим. Халтачада бекатнинг ҳамма болаларига мендан биттадан олма, иккитадан ёнғоқ бор. Хафа бўлманглар, ҳали қиладиган ишларим кўп! Бошқа болаларга ҳам боришим керак. Улар ҳам мени кутиб ўтиришибди. Келаси Янги йилда, албатта, сизлар билан учрашадиган бўлиб келишга ҳаракат қиламан. Ҳозирча хайр. Қорбоболарингиз, Аёзота». Ия, тўхтанглар-чи, бу ерда яна аллақандай ёзувлар ҳам бор-ку. Поезд юриш олдида шошилиб ёзган бўлса керак — ўкиб бўлмайди. Ҳа, мана бундай дебди: «Довул, кучукчангни урма. Бир куни сен уни калишинг билан урганинга, росаям фингшиганини эшитиб қолдим. Бироқ кейин бошқа кўрмадим. Эҳтимол, унга яхши қараётган бўлсанг керак. Шу билан сўзим тамом. Яна бир бор Аёзотангиз». Тўхта, тўхта, бу ерда яна аллақандай ёзувлар бор. Ҳа, ҳа тушундим: «Қорбобони жудаям қойилмақом қилиб ясабсизлар. Мен у билан қўл олиб кўришдим».

Болаларнинг қувончи ичига сиғмасди, албатта. Қорбобонинг хатига дарҳол ишонч ҳосил қилишди. Ҳеч қанақа хафагарчилик бўлмади. Аммо, Қорбобонинг совға-саломлар солинган халтасини ким кўтариб боришлиги хусусида тортишиб қолишди. Онаси эса уларни мурасага келтириб қўйди:

— Довул катта бўлганлиги учун аввал ўн кадам ерга кўтариб боради; сўнг Эрмак ўн кадам жойгача кўтариб боради, ҳар қалай кичкинасан...

— Уларнинг ўрнида бўлганимда мен ҳам чиппа-чин ишонган бўлар эдим,— дея чин дилдан яйраб кулди Эдигей.

Кундузи эса болалар орасида ҳаммадан ҳам Эдигей оғиздан тушмади. У болаларга учиш учун чана ҳозирлаб берди. Казангапнинг қачонлардан бери ётган бир чанаси бўлар эди. Чанага Казангапнинг хомутда тинч ва осойишта юрадиган қари туясини кўшишди. Қоранорни бунақа ерга йўлатиб бўлармиди. Кўшишди-да, устига тўдалашиб чиқиб олишди. Роса шовкин кўтаришди. Эдигей эса туякаш бўлди. Ҳаммалари унинг ёнида ўтириш учун ўрин талашиб ёпишишар, «Тезроқ, тезроқ ҳайданг!» дея унга илтижо қилишарди. Абутолиб билан Зарифа чананинг ёнида гоҳ юриб, гоҳ чопиб боришарди. Аммо нишабликка келганда чананинг бир четига ўтириб олишарди. Бекатдан икки чакиримча олислаб кетишди. Сўнг тепаликдан нишаблик сари сирпаниб тушишди. Қари туя чарчаб қолиб, дам олишга тўғри келди.

Кун ажойиб келди. Сариўзакнинг оппоқ қор босган чексиз кенгликлари узра сукунат чўккан. Қир-адирлару паст-баландликлар билан ястаниб кетган бепоён даштлик қор остида сирли яширинган. Сариўзак осмонида жилосиз нур ёғилиб, иликлик таралади. Ўлас-элас майин шабада қулоққа чалинади. Олд томонда темир йўл бўйлаб қизил-сарғиш тусдаги узун составни иккита қоп-қора паровоз иккита мўрисида тугун пуркаб тортиб боради. Мўриларидан кўтарилаётган қоп-қора тутун ҳалқа шаклида қалқиб аста-секин ҳавода тарқаб кетарди. Семафорга яқинлашганда олдинги паровоз бор овозда узоқ гудок берди. У бекатга кираётганидан хабардор қилиб, гудокни яна икки бор такрорлади. Бу ўткинчи поезд бўлганлиги учун ҳам худди бошқа жой қуригандай нақ темир йўл биқинида, нобоп жойлашган беш-олтита кулба ҳамда семафорлар олдидан тезлигини пасайтирмай бекат бўйлаб гулдираганча ўтиб кетди. Яна ҳаммаёк музлагандек жимжит бўлиб қолди. Қимир этган жон йўқ. Фақат Бўронлининг томлари тепасидан чиқаётган кўкимтир тутун тўлғаниб кўкка бўй чўзади. Ҳаммаёк сокин. Ҳатто шу аснода чанада учавериб қизиб кетган болалар ҳам жимиб қолишган эди. Зарифа эрига оҳистагина пичирлади:

— Қандай яхши ва қандай даҳшат!

— Тўғри айтасан! — деди Абутолиб ҳам оҳистагина.

Эдигей уларга бошини бурмасдан, кўз қирини ташлаб турди. Эрхотин бир-бирларига жуда ўхшаб кетишарди. Зарифанинг пичирлаб бўлса-да, аниқ-аниқ айтган сўзлари, гарчи Эдигейга тегишли бўлмаса ҳам, унинг қўнглини ранжитди. Тутун чиқиб турган ана шу ўн чоғли уйларга Зарифа қанчалик соғинч ва даҳшат ила термулиб турганини Эдигей ногоҳ англаб қолди. Бироқ Эдигей уларга ҳеч қандай ёрдам беролмасди, негаки, темир йўлнинг биқинига жойлашган мана шу уйлар уларнинг ҳаммаси учун бирдан-бир бошпана эди.

Эдигей чанага қўшилган туяни камчи уриб ҳайдади. Чана орқага бурилди-да, бекат томон йўл олди...

Янги йил кечаси арафасида жами бўронлиликлар Эдигейникига йиғилишди. Бир неча кун илгари Эдигей билан Уккубола шу қарорга келиб қўйишган эди:

— Ҳамонки янги кўчиб келган Қуттибоевлар болаларимизга Янги йил арчасини ясатишдими, худо бизга шуни лозим кўрган,— деди Уккубола.— Келинг, биз ҳам қўлдан келганча хизмат қилайлик.

Эдигей бундан фақат хурсанд бўлди. Тўғри, ҳамма ҳам ўтиришга қатнаша олмади. Баъзи бирлари навбатчиликда бўлса, бошқалари кечқурун навбатчиликда туришлари лозим. Поезд қатнаб турибди. Унга оддий иш куними, байрамми, барибир, ҳисоблашиб ўтирмайди. Казангап бир оз ўтирди-да, кейин кечанинг бошланишидаёқ чиқиб кетди. У кечқурун соат тўққизда темир йўл кўрсаткичларини бошқаришга кетди. Эдигей эса график бўйича биринчи январь куни эрталаб соат олтида линияда бўлиши лозим. Хизмат тақозоси шунақа. Лекин, барибир, чиройли ўтириш бўлди. Ҳаммаларининг кўнгиллари чоғ эди. Кунига ўн марталаб кўришиб-сўрашиб юришган бўлсалар-да, ўтиришга худди узоқдан келган меҳмонлардек ясаниб келишган эдилар. Уккубола ҳар хил таомлар билан дастурхонни қойилмақом қилиб безатганди. Арак, шампан ичимликлари ҳам бор эди. Кўнгли тусаган одам Казангапнинг тиниб-тинчимас хотини Бўкейнинг қисир қолган туя сүтидан тайёрлаган шубатидан татиб кўрди.

Биринчи қадахларни кўтариб юбориб, газакбосди қилишгач, ашула бошлаганда, ўзиям байраммисан байрам бўлиб кетди. Охири шундай дақиқалар келдики, уй эгаларининг меҳмоннавозлиги бир оз енгиллашиб, майда-чуйда нарсаларга алаҳсимамай, эл билан бир бўлишиб, меҳмонлар эса тортинмасдан ёзилиб-яйралиб кўнгилхушлик қила бошлашди. Бундай пайтларда доимо кўриб юрган, беш бармоғингдай билган одамлардан янги-янги фазилатлар топасан, кашф қиласан, аслида байрамнинг яхши бир хосияти ҳам одамларни бир-бирига қўшиб янгидан яратишида эмасми?! Тўғри, номатлуб томонга ўзгартириб юборган вақтлар ҳам бўлади. Аммо бу ерда, бўронлиликлар орасида бундай бўлиши сираям мумкин эмас. Сариўзақда яшаб турганда одамови ёки жанжалкаш, деб ном чиқарсанг, нима деган гап бу... Эдигейнинг бир оз кайфи ошиб қолди. Бироқ унга бу ярашиб туради. Уккубола эрига:

— Эрта билан соат олтида ишга боришингни унутма,— деб секингина эслатиб қўйди.

— Хўп, Укку тушунарли,— деди у.

У Уккуболанинг бўйнидан кучоқлаб олганча хиргойи қилиб ўтирди, тўғри, унчалик ўрнига қўйиб айтмаса-да, уй ичини сидқидилдан янгра-тиб ўтирди. Ақл равшанлиги билан кўнгил кўтаринкилиги бирлашиб, Эдигей қалбини яйратиб юборган эди. У қуйларкан, меҳмонларга меҳри товланиб табассум билан зимдан қараб қўяр, бошқаларнинг ҳам ўзи сингари, шоду хуррам ўтирганидан кўнгли тўқ бўларди. Қора мўрт,

қорақош Эдигей Бўрон қўй кўзлари чакнаб, садафдек тишлари порлаб
гоят очилиб кетган эди. Уни ҳозир ҳар қандай учқур хаёллар қариган
чоғида қандай бўлишини тасаввур қилишдан ожиз қолдирарди. Ўтир-
ганларнинг ҳаммаси унинг назар-эътиборида эди. Хушфёъл Бўкейни
елкасига қоқиб, бўронлиликларнинг момоси деб, сиҳат-саломатлиги
учун, унинг сиймосида Амударё соҳилида яшаётган қорақалпоқ халқи
уачун қадаҳ кўтаришни таклиф этди ва Казангап иши борлиги туфайли
даврандан барвақт чиқиб кетганлиги сабабли Бўкейга кўнгли чўкмасин
деб мулозамат қилиб ўтирди.

— Шундоғам жонимдан тўйдириб юборган! — тажанг ҳолда жавоб
кайтарди Бўкей.

Эдигей Уккуболасини тўлик, асл номи билан эркалаб «Уккунинг
боласи» деб атарди. Бу ўтиришда Эдигей ҳар бир одам учун самимий
илиқ сўзлар топарди, бу кичик ўтиришдаги одамларнинг ҳамма-ҳам-
масини, Сариўзақдаги кичкина темир йўл ходими бўлиб ишлайдиган
бекат бошлиғи Абиловни ҳам, унинг яқин вақт ичида Қумбелдаги ту-
ғуруқхонага олиб бориб қўймоқчи бўлиб юрган рангпар хотини Сакен-
ни ҳам ўзи учун оға-ини, ака-ука, опа-сингилдек яқин тутиб ўтирди. Ҳақи-
қатан ҳам, барилари бирга туғишгандай бўлиб қолганларига, бошқача
бўлиши ҳам мумкин эмаслигига Эдигейнинг имони комил эди. Ашула
айта туриб кўзларини бир лаҳза юмдим, бас, кўз олдида Сариўзақнинг
қор билан қопланган ҳудудсиз кенгликларини уйда ахил бир оиладек
жамланган шу бир гуруҳ одамлар келаверарди. Аммо ҳамма ҳам Абуто-
либ билан Зарифага қараб ич-ичидан қувонарди, ҳаваси келарди. Бу
иккаласи шунга муносиб эди. Зарифа дўбирани сайратиб чертар, куй-
дан куйга ўтиб куйларди. Унинг овози тоза, кўнғироқдек, Абутолиб
бўлса бўғиқ овозда чўзиб куйларди. Улар татарча йўсинда лапар айтиш-
ди. Иккаласи бири қўйиб бири куйлашар, бошқалар эса уларга жўр
бўлишарди. Қадимий ҳамда замонавий қўшиқлардан қанчалик кўп
айтишса-да, бари бир чарчашмасди, қайтанга баттар авжга чиқишарди.
Бундан меҳмонларнинг кўнгли чоқ эди. Эдигей Абутолиб билан Зари-
фанинг рўпарасида ўтириб олиб, улардан кўзини узмасди. Агар аччиқ
тақдир уларни не-не куйларга солмаса, ҳамиша мана шундай яшаган
бўлур эдилар. Ёзнинг даҳшатли жазирамаси Зарифани худди ёнғинда
қолган дарахтдек қовжиратиб юборганди, кўнғир сочлари ўнгиб, лаб-
лари қуруқшаб ёрилиб кетган эди. Аммо у ҳозир таниб бўлмас дара-
жада ўзгарган, қоп-қора кўзларидан нур ёғилиб, осиеча сип-силлик
юзлари тиниқ тортиб, ҳозир ўта даражада гўзаллашиб кетган эди.
Унинг қалбини, руҳиятини қошлари шундоққина айтиб турарди: у гоҳ
ўйнаб, гоҳ чимирилиб, гоҳ учиб қадимий қўшиқлар билан парвоз қилиб,
бирга куйлаётгандек эди. Абутолиб ҳар бир сўзнинг маъносини чуқур
хис қилиб, чайқалган кўйи жўр бўлар эди:

... Йўргачамнинг белидан айил изи кетмайди,
Ўтган севги онлари хотирамдан ўчмайди...

Зарифа бармоқлари билан чертаётган дўмбира торлари Янги йил кечаси бу кичик даврада гоҳ хазин, гоҳ шодон сас таратарди. Эдигейнинг тасавурида гўё Зарифанинг ўзи ҳам куйга сингиб кетгандек эди. Бу куйларга маҳлиё бўлиб ўтирган Эдигей хаёлидан қайирма ок ёқали кўкимтир нимчада Зарифа дўмбирасини сайратиб, гоҳ қор босган кенг далада қўшдай энгил чопиб борарди; гоҳ тун зулмати тарқалиб, туман ичида гашиб бўлиб кетарди, фақат дўмбиранинг аллақандай нолиш килган овози эшитилади, бироқ Бўронли бекатидаги одамларга унинг-сиз кийин бўлади, деган хаёлда ортига қайтиб, ногаҳон дастурхоннинг бошида ўтирган бўйича пайдо бўлади...

Кейин Абутолиб партизанликда юрганда қўлларини бир-бирларининг елкаларига қўйиб олиб, оёқлари билан ер тепиб, қандай ўйинга тушганликларини кўрсатиб берди. Зарифа уларга жўр бўлди, Абутолиб эса сербча шўх бир ашулани бошлаган эди, ҳаммалари қўлларини бир-бирларининг елкаларига қўйиб, «опля, опля...» дея кичқирганча, давра олиб, ўйинга тушиб кетдилар.

Кейин яна ашула айтишди, ичишди, Янги йил билан бир-бирларини табриклашди, кимдир чиқиб кетди, кимдир кириб келди... Бекат бошлиғи билан унинг ҳомиладор хотини ўйин бошлангунга қадар чиқиб кетишганди. Шу тарика Янги йил кечаси шодон ўтди...

Зарифа ҳаво олгани ташқарига чиққан эди, кетидан Абутолиб ҳам кўзғалди. Ҳаммалари терлаб турганликлари учун Уккубола уларни кийинтирмасдан совуққа чиқармасди. Зарифа билан Абутолиб анча вақтгача қайтиб келишмади. Эдигей кетидан боришга қарор қилди — уларсиз байрамнинг файзи кетганди. Уккубола уни чақириб тўхтатди:

— Эдигей, шу аҳволда қаёққа, кийиниб ол, шамоллаб қоласан!

— Мен ҳозир, — дея Эдигей остонадан ҳатлаб, ярим тунда муздек тоза ҳавога чиқди ва: — Абутолиб! Зарифа! — дея чақирди чор-атрофга назар ташларкан.

Ҳеч ким жавоб қайтармади. Уй орқасидан гангур-гунгур товуш эшитилди. Эдигей уйга қайтиб киришини ҳам, ёки яқин бориб эргаштириб келишини ҳам билмай жойида туриб қолди. Улар орасида гап қочганди, шекилли.

— Кўриб қолмагин деб бу ёққа чиққан эдим, — пиқ-пиқ йиғларди Зарифа. — Кечир, беҳад қийналиб кетдим. Кечир, мени жоним...

— Тушунаман, — Абутолиб унга тасалли берарди. — Ҳаммасини тушунаман. Бироқ шундай яралиб қолган бўлсам, менда нима гуноҳ. Агар биргина менга тегишли бўлганда майли эди-я. Э, худойим-эй, бир одамни деб дунё камайиб қолармиди. Бунчалик ёпишиб олмасалар. — Иккалови жимиб қолишди, сўнг Абутолиб яна қўшимча қилди: — Болаларимиз бунақа ташвишлардан холи бўлишади. Бутун умид шулардан...

Эдигей гап нима ҳақда бораётганини тушунмай, елкалари совуқдан учиб, товуш чиқармай секингина изига қайтди. У уйга кириб борганда байрам ниҳоясига етиб, ҳамма нарса хира тортиб қолгандек эди. Янги йил ўз йўлига, бироқ ҳар бир нарсанинг ҳам меъёри бўлиши керак-да.

1953 йил 5 январь куни эрталаб соат ўнда Бўронли бекатига пассажир поезди келиб тўхтади. Йўлларнинг ҳаммаси очик бўлганлиги учун ҳар сафаргидек тўхтамай ўтиб кетавериши мумкин эди. Бироқ буниси тўхтади. Тўхтаганда ҳам ҳаммаси бўлиб бир ярим дақиқа тўхтади. Афтидан, шу вақтнинг ўзи кифоя эди. Қора хром этик кийган бир хил фасондаги уч киши бир вагондан тушишди-да, тўғри навбатчилар турадиган хонага қараб юришди. Улар ён-верларига қарамай ишонч билан жимгина боришарди. Фақат қорбобо рўпарасида бир дақиқагина тўхтаб қолишди. Тахтачадаги табрик сўзларини жимгина ўқигач, қорбобо бошига қўндирилган Казангапнинг эски тумоғига қараб қўйишди, кейин навбатчилар хонасига ўтишди.

Кўп ўтмай, эшик шартта очилиб, бекат бошлиғи Абилов отилиб чиқди. Қорбобо билан тўқнашиб кетишига сал қолди. У сўкиниб олди-да шошилиш равишида нарига югуриб кетди. Бунақа одати йўқ эди-ку? Орадан ўн дақиқалар ўтгандан сўнг Абутолиб Қуттибоевни иш жойидан топиб, хансираганча ёнида бирга олиб келарди. Ранги оқариб кетган Абутолиб тумоғини қўлига ушлаб олган эди. Иккаласи навбатчилар хонасига кириб кетишди. Аммо у ердан бояғи келган хром этикли икки киши кузатувида дарҳол чиқиб, ҳаммалари Қуттибоевлар яшайдиган баракка томон йўл олишди. У ердан ҳам тезда қайтиб чиқишди. Улар Абутолибдан бир қадам ҳам нари жилишмасди, қўлларида эса унинг уйдан олиб чиқишган аллақандай қоғозлар.

Кейин ҳаммаёқ жимжит бўлди-қолди. Навбатчилар хонасига ҳеч ким кирмасди ҳам, чиқмасди ҳам.

Эдигей бу воқеани Уккуболадан эшитди. Уккубола Абиловнинг топириғига биноан, ремонт ишлари кетаётган тўртинчи чақиримгача деярли югуриб борди. Эдигейни бир четга чақириб:

— Абутолибни сўроқ қилишяпти,— деди.

— Ким сўроқ қияпти?

— Билмадим. Қаердандир келишибди. Абилов, агар суриштириб қолишгудек бўлишса, Янги йилда Абутолиб, Зарифалар билан бирга бўлишганини айтмасин, деди.

— Нима бўпти?

— Қайдам. Сенга шуни айтиб қўйишимни сўради. Кейин ўзинг ҳам соат иккиларда бўлишинг керак экан. Афтидан, Абутолиб тўғри-сида сендан ҳам у-бу нарсаларни сўраб-суриштиришса керак.

— Нимани сўраб-суриштиради?

— Мен қаёқдан билай? Чўчиб кетган Абилов келиб менга шуларни айтди. Мен эса сенга айтяпман.

Бусиз ҳам Эдигей соат иккида уйига овқатлангани борарди. Йўлда бораётиб ҳам, уйда ўтириб ҳам нима бўлаётганига ақли етмасди, жавоб тополмасди. Наҳотки ўтмишда асир тушгани учун бўлса? Аллақачон текшириб бўлишган эди-ку. Яна нима гап? Қўрқувдан юраги безовталана бошлади. Уградан икки қошиққина ичди-да, нарига суриб қўйди. Соатига қаради. Иккига беш дақиқа қолибди. Иккига кел, дейишибди-

ми, демак иккига боради. Уйдан чикди. Навбатчилар хонаси олдида Абилов нари бориб, бери келиб турарди. У руҳи тушган, хаяжонланган ҳолда эди.

— Нима гап?

— Фалокат, фалокат юз берди, Эдике,— дея кўрқа-писа эшик томон қараб кўярди Абилов лаблари титраганча.— Қуттибоевни қамаб кўйишди.

— Нима учун?

— Қандайдир таъқиқланган ёзувларни топиб олишди уйдан. Кечалари билан нималарнидир ёзиб чиқарди. Буни ҳамма биларди-ку! Мана охир-оқибати.

— Ёзса болалари учун ёзар эди-да.

— Кимга атаб ёзганини билмайман. Умуман, ҳеч нарса билмайман. Бор, сени кутишяпти.

Бекат бошлиғининг кабинети деб аталмиш чоғроқ хонада қарийб Эдигей билан тенгдош, балки ундан ҳам ёшроқ чиқар — ўттизлар чама-сидаги сочини кирпи тикан қилиб олдирган хумкалла бир киши нима-нидир ўқиб ўтирарди. Ўқиб фикр юритаверганиданми кенг катакли гўштдор бурни терлаб кетган эди. У ковоғидан қор ёғиб рўмолчаси билан бурнини артди. Кейин бутун суҳбат давомида ҳам терлаб турган бурнини артиб турди. У стол устидаги «Қазбек» қутисидан бир дона узун папиросни олиб, эзғилаб-эзғилаб чекди ва эшик бўсағасида турган Эдигейга лочин кўзи сингари сарғиш чағир кўзлари билан тикилиб қаради-да, қисқа қилиб:

— Ўтир! — деди.

Эдигей стол рўпарасидаги курсига ўтирди.

— Ҳеч қандай шубҳа бўлмасин учун,— дея чағиркўз расмий кителнинг кўкрак чўнтагидан қандайдир жигарранг муқовали билетини олиб очиб кўрсатди-да, сўнг дарҳол ёнига солиб «Тансиқбоев»ми ёки «Тисиқбоев»ми деди ғўлдираб, Эдигей шу бўйидан унинг фамилиясини аниқ эслаб қололмади.

— Тушунарлими,— деди чағиркўз.

— Тушунарли,— деди Эдигей ноиложликдан.

— Ундай бўлса, ишга киришайлик. Сени Қуттибоевнинг энг яқин дўсти дейишяпти. Тўғрими?

— Шундай бўлса ажаб эмас.

— «Шундай бўлса ажаб эмас» дегин,— такрорлади чағиркўз папирос тутунини чўзиб тортар экан, эшитган сўзини мулоҳаза қилиб кўраётгандай.— Шундай бўлса ажаб эмас. Маъқул ҳам дейлик. Тушунарли.

У шу гапни айтар экан, олдиндан лаззатланиб қувончга тўлгандай ва бу қувонч унинг шишадек тиниқ кўзларидай акс этиб тургандай ногоҳ илжайганча сўз қотди:

— Шундай қилиб, жон дўстим, ёзиб ўтирибмиз дегин-чи?

— Нимани ёзиб ўтирар эканмиз? — деди Эдигей тоқатсизланиб.

— Шуни билмоқчиман-да.
— Гап нима ҳақда эканлигини тушунолмаяман.
— Наҳотки? Бир ўйлаб кўр-чи!
— Айтаяпман-ку, гап нимадалигини тушунолмаяман.
— Қуттибоев нималар ҳақида ёзиб юради.
— Билмайман.
— Нега билмайсан? Ҳамма билганда сен билмасанг.
— У нималарнидир ёзиб юришини биламан. Аммо, нималарни ёзади, мен қаёқдан билай? Нима ишим бор? Ёзгиси келса, ёзаверсин. Кимнинг иши бор?

— Кимнинг иши бор деганинг нимаси? — чағиркўз хайратланганча ўқ каби тешиб юборгудай тикилиб қаради.— Демак, кимки нимани хоҳласа, ўшани ёзаверсин, демокчисан-да? Буни сенга ўша ўргатдимми? — У менга ҳеч нарсани ўргатгани йўқ.

Чағиркўз унинг гапига эътибор ҳам бермади. У жуда тутокиб кетди: — Душманнинг ташвиқоти дегани шу бўлса керак! Ҳар ким ҳар нарсани ёзаверса, нима бўлади, ўйлаб кўрдингми? Бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмисан? Ҳар бир кимса хаёлига келган нарсаларини ёзаверса! Сенга шу керакми? Бундай ёт ғояларни қаердан олгансан? Йўқ, оғайни, бунга биз йўл қўймаймиз. Бунақа контрреволюция кетмайди!

Эдигей бу дағдагадан руҳи тушиб, саранг бўлиб чурқ этмай ўтирди. Бироқ атрофда одатдагидек ҳаёт давом этаётганлигидан хайратланди. Ҳамма нарса ўз жойида, ўз маромида эди. Деразадан лип-лип ўтиб бораётган Тошкент поездини кўриб, бир лаҳза хаёлга чўмди: вагонларда ўз тирикчилиги билан бораётган кишилар, бирлари чой, бошқалари ароқ ичиб гангур-гунгур килиб боришарди. Худди шу маҳал бу Бўронли бекатида Эдигей бошига бало-қазодек ёпирилиб тушган мана бу чағиркўзнинг қаршисида ўтиргани билан кетиб бораётганларнинг ҳеч қанча иши йўқ эди, улар Эдигейни хаёлига ҳам келтиришмасди. Эдигей шу лаҳзадаёқ навбатчилар хонасидан отилиб чиқсам-да, узаб кетаётган поездни қувиб етиб, дунёнинг нариги бурчагига бўлса ҳам бош олиб кетсам, ишқилиб шу ерда ўтирмасам, деб ўйладию юраги санчиб оғрий бошлади.

— Хўш, масаланинг моҳиятига тушуниб етдингми?
— Тушуниб турибман,— деди Эдигей.— Фақат бир нарсани сўрамоқчиман. Унинг ёзганлари болаларига аталган эскиртма-ку. Фронтда, тутқунда, партизанликда бошидан кечганларини ёзиб қолдирсам, деган эди. Бунинг нимаси ёмон?

— Болалар учунми? — дея яна қичқирди чағиркўз.— Бу гапингга ким ишонади! Гўдаклар учун ким хотира ёзади? Жумбоғингни қўйсангчи! Мана, кўрдингми, тажрибали душман қандай ҳаракат қилади. Чор атрофи кимсасиз, ҳеч ким кузатмайдиган овлоқ жойга кириб олади-да, хотираларини ёзиб ўтираверади!

— Ёзгиси келса нима қилсин,— эътироз билдирди Эдигей.— Эҳтимол, ўзининг шахсий сўзларини айтгиси келгандир, болаларим ул-

гайганда ўқир, деган ниятда қандайдир фикрларни баён этмоқчидир.

— Яна қанақа шахсий сўз? Бу деганинг нимаси? — чағиркўз таъна қилгандай бошини сарак-сарак қилиб, ўпкасини тўлдириб нафас олди.— Яна қанақа шахсий фикри, шахсий сўзи бўлиши мумкин? Шахсий дунёқараши демоқчимисан? Алоҳида, шахсий фикрми ёки?.. Ҳеч қандай шахсий сўзи бўлиши мумкин эмас. Қоғозга тушдими, демак шахсий бўлмай қолади. Айтилган гап — отилган ўқ. Ҳамма хаёлига келганини айтаверсинми? Унда эл қутуриб кетмайдими. Мана унинг ёзган «Партизанлик дафтарлари». «Югославиядаги кунлар ва тунлар» деб тагига сарлавҳача ҳам қўйибди яна. Мана улар! У клеёнка билан муковаланган учта қалин дафтарни стол устига ташлади.— Бемаънилик-ку бу! Сен бўлсанг дўстингни ҳимоя қилишга ҳаракат қиляпсан. Биз эса уни фош қилдик!

— Нимасини фош қилдингиз?

Чағиркўз ўтирган жойида бир кўзғалиб қўйди-да, яна боягидай, олдиндан лаззатланиб қувончга тўлгандай бадхоҳлик билан киприк қокмай, илжайганча сўз қотди:

— Нимасини фош қилганимизни бизга қўйиб берасан.— У ҳар бир сўзни қироат билан талаффуз этиб унинг зарбасидан роҳатланарди.— Бу бизнинг ишимиз. Ҳар кимга ахборот беравермайман!

— Ундоқ бўлса, нима ҳам дердик? — деди довдираб қолган Эдигей.

— Унинг ғаламислик руҳида ёзилган эсдаликлари оқибатсиз қолмайди, албатта, — таъкидлади чағиркўз ва ниманидир ёзишга тутинди гапиратуриб.— Мен сени ақлли, ўзимизнинг одам деб ўйловдим. Илғор ишчи, собиқ жангчи, душманни фош қилишда ёрдам берар, деган умидда эдим.

Эдигей ҳурпайиб олган эди, у шубҳага ўрин қолдирмайдиган қилиб вазминлик билан шартта деди:

— Мен ҳеч нарсага қўл қўймайман, мен буни сизга ҳозирок айтиб қўяйин.

Чағиркўз еб қўйгудек тикилди:

— Сенинг имзоингни бизга кераги йўқ. Қўл қўймасам, иш битмайди деб ўйлаяпсанми? Чучварани хом санабсан. Уни жавобгарликка тортиш учун сенинг қўлингсиз ҳам бизда материаллар етарли.

Эдигей руҳи тушиб, ичидан зил кетаётганини сезиб, жим бўлиб қолди. Айни пайтда, бўлиб турган воқеага нисбатан ички қаҳр-ғазаб ва порозилик туйғулари Орол денгизи тўлқинларидек ич-ичидан босиб келарди. Шу дамда бу чағиркўзни қутурган ит каби бўғиб ўлдиргиси келди. Бунақа иш қўлидан келарини ҳам билиб ўтирди. Мана шу қўллари билан бўғиб ўлдирмаганмиди урушда ўша чайир, бўйни йўғон фашистни. Бошқа иложи ҳам йўқ эди. Душманнинг мудофаа чизигини ёриб киришаётганда иккаласи тўсатдан ҳандақда рўбарў келиб қолишди. Ён томондан ҳандақларга гранаталарни улоқтириб, йўлакларга автоматлардан ўқ ёғдирганча йўлни душмандан тозалаб олға томон жанг қилиб

боришаркан, тўсатдан тўкнашиб қолди. У, афтидан, пулемётчи бўлса керак, окоп олдида туриб сўнгги ўқларни ҳам отиб бўлганга ўхшайди. Уни асир олсам яхши бўларди, деган фикр хаёлидан ўтди. Аммо душман Эдигейнинг боши узра ханжар кўтаришга улгурди. Эдигей унинг юзига каскаси билан калла қўйган эди — шунда иккалови ҳам бирдек ағанаб тушди. Томоғидан маҳкам бўғиб олишдан бошқа чора қолмади. Душман эса типирчилаб хириллар, бармоқлари билан қўлидан тушиб кетган ханжарини пайпасларди. Ҳар лаҳзада орқасига ханжар урилишини кутган Эдигей, баттар ўчакишиб, қорайиб-қўқариб кетган ва тиржайганча оғзи очилиб бораётган душманни жон-жаҳди билан кекирдагидан ушлаб, ғайритабиий, ваҳшиёна бир куч билан бўкиртириб сикарди. Дами ичига тушиб, сийдик иси аниқ кетгандан кейингина томоғига ботиб кетган чангакдек бармоқларини бўшатди. Шу заҳотиёқ кўнгли айниб, қайт қилиб юборди, қусуғига беланиб кўз олди қоронғулашиб инграганча нари кетди. Бу ҳақда Эдигей ўша вақтда ҳам, ундан кейин ҳам ҳеч кимга ҳеч нарса айтмади. Бу даҳшатли воқеа гоҳо тушлариға кириб, эртасига ҳам жонини кўярга жой тополмай, ҳаётдан ҳам воз кечгиси келиб кетар эди... Эдигей ҳозир ўша воқеани эсларкан, жирканиб, ижирганиб кетди. Бироқ Эдигей чағиркўзнинг айёр ва муттаҳамлиги билан устун келаётганлигини сезиб турди. Бу иззат-нафсига тегарди. Эдигей чағиркўз ҳали ёзиб ўтираркан, унинг далилларидан нуқсон топишга интилди. Чағиркўз айтган гаплардан бири ўта мантик-сизлиги билан Эдигейни ҳайратга солди: бирор кимсани ўтмишни «душманлик руҳида хотирлади», деб айблаш мумкинми? Одамнинг хотираси душманлик ёки нодушманлик руҳида бўлиши мумкинми, ахир? Хотира — бу қачонлардир ўтмишда бўлиб ўтган воқеалар, ҳозир эса улар мавжуд эмас. Демак, инсон ҳақиқатда нимаки содир бўлган бўлса, ўшани эслайди.

— Бир нимага ақлим етмай турибди,— деди Эдигей ҳаяжонланганидан томоғи қақраётганини сезиб. Аммо у бу сўзларни хотиржамлик билан айтишга мажбур қилди.— Сен айтяпсанки... У атайлаб «сен»-сираб гапирди. Бу билан: «Билиб қўй, сенга хушомад қилмайман, сендан кўрқадиган жойим ҳам йўқ, мени бари бир Сариўзакдан нариға ҳайдаб юборолмайсан» демоқчи бўлди.— Сен айтяпсанки — такрорлади у,— душманлик руҳидаги хотиралар деб. Буни қандай тушуниса бўлади? Хотира душманлик ёки нодушманлик руҳида ҳам бўлиши мумкинми? Менимча, одам аллақачон ўтиб кетган воқеаларни қаерда, қачон, қандай содир бўлганлигини хотирлайди. Ёки бундан чиқди, яхши нарсаларни эслаш керагу, ёмон, нохуш нарсаларни эса унутиш керак демоқчимисан? Бунақаси ҳеч қачон бўлмаган бўлса керак. Ёки бирон туш кўрсанг уни эслаш мумкин эмасми? Агар у туш ёмон туш бўлса-чи, бировларга ёқмайдиган кўрқинчли туш бўлса-чи?..

— Оббо сен-эй! — дея ажабланди чағиркўз.— Баҳслашгинг келиб қолдим. Бу ернинг философи бўлиб чиқмасанг эдинг. Бўпти, қани бўлмас.— У чоғланиб, ҳозирлик кўраётгандай, бир лаҳза тўхтаб қолди-да,

яна сўзга киришди: — Тарихий воқеалар сингари ҳаётда ҳар хил ҳодисалар юз бериши мумкин. Нималар бўлмайди дейсан. Аммо кечмишни оғзаки, айниқса, ёзма равишда тасвирлаганда замон талабига яраша, ҳозирги кунимиз талабларига яраша тасвирлаш муҳим. Бизнинг манфаатимизга хизмат қилмайдиганларини эса эслатмаса ҳам бўлади. Бунга амал қилмасанг, душманлик йўлига кирганинг шу бўлади.

— Мен бунга қўшилмайман,— деди Эдигей.— Бундай бўлиши мумкин эмас.

— Сен қўшилсанми-қўшилмайсанми бунга ҳеч кимнинг муҳтожлик жойи йўқ. Гапдан гап чиқиб айтдим-да. Сен сўрадинг, мен сенга яхшилиқча тушунтираяпман. Бўлмаса, сен билан ади-бади айтиб ўтиришим шарт эмас. Яхшиси, курук гапдан ишга ўтайлик. Хўш, менга айт-чи, Қуттибоев билан кўнгилхушлиқ қилиб гапиришиб ўтирган пайтларингга ёки ичкилик устида, дейлик, қандайдир инглизча исмларни сенга айтмадими?

— Бу кимга керак экан? — Эдигей очиккўнгиллик билан таажжубланди.

— «Бу кимга керак экан?» Мана, эшит кимга кераклигини. Чағиркўз Абутолибнинг «Партизан дафтарлари» дан бирини очиб, қизил қалам билан ости чизилган жойини ўқиди: «27 сентябрь куни биз турган жойга бир полковник ҳамда икки майордан иборат инглиз вакиллари келди. Биз уларнинг олдидан саф тортиб ўтдик. Улар биз билан саломлашди. Кейин командирлар чодирида ҳамма бирга овқатланди. У ерга югославиялик партизанлар билан бирга жанг қилиб юрган чет элик партизанлардан беш-олти киши келиб, бизни ҳам таклиф қилишди. Мени полковник билан таништирганларида у астойдил қўлимни қисиб, бу ерга қандай тушиб қолганимни таржимон орқали сўраб-суриштирди. Мен қисқача гапириб бердим. Менга вино қуйишди, улар билан бирга мен ҳам ичдим. Кейин узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Инглизларнинг очиккўнгил, содда одамлар эканлиги менга ёқиб қолди. Полковник: «Европада фашизмга қарши қўлни-қўлга бериб курашганимиз улкан бахтдир,— деди, яна унинг таъбири билан айтганда, худонинг қудрати бизга мадад берибди. Бусиз фашизмга қарши курашиш жуда оғир бўларди, эҳтимолки, бу кураш бирлашмаган халқлар учун фожиали қисмат билан тугарди» — деди ва ҳоказолар. Чағиркўз ўқиб бўлгандан сўнг дафтарни бир чеккага суриб қўйди. «Қазбек»дан яна бир дона олиб жимгина чекиб ўтирди-да, тутун бурқситганча сўзида давом этди: — Демак, Қуттибоев инглиз полковнигига Европада партизан бўлибми, ёки бошқача йўллар биланми қанчалик уринмангиз, барибир, Сталиннинг даҳоси бўлмаганда ғалабага эришиб бўлмасди, деб эътироз билдирмаган. Демак у ўртоқ Сталинни ҳаёлига ҳам келтирмаган! Энди тушунгандирсан?

— Эҳтимол, у бу ҳақда гапирган бўлса ҳам ёзаётганда унутиб қолдирган бўлиши мумкин,— Эдигей Абутолибни ҳимоя қилишга уриниб кўрди.

— Қаерда шундай деб ёзилган? Исботлаб беролмайсан! Бундан ташқари, биз Қуттибоевнинг бу ёзувларини қирқ бешинчи йилда у югослав партизанлари кўшилмасидан қайтиб келиб, назорат комиссиясидан ўтиш олдида берган сўроқлари билан солиштириб кўрдик. Унда инглиз миссияси ҳақида ҳеч нарса эслатилмайди. Демак, бир балоси бор. Унинг инглиз разведкаси билан алоқаси йўқ, деб ким гувоҳлик бера олади!

Яна Эдигейнинг кўнгли вайрон бўлиб кетди. Чағиркўз гапни каёққа бураётганини тушунолмади қолди:

— Қуттибоев сенга бирон нарса демадимми? Инглиз исмларини атамадимми? Ҳалиги инглиз миссиясидагиларнинг кимлигини билиш биз учун жуда ҳам муҳим.

— Уларнинг исмлари қанақа бўлади?

— Мисол учун Жон, Кларк, Смит, Жек, дейлик...

— Бунақа номларни умримда эшитмаганман.

Чағиркўзнинг қоғозидан қор ёғиб, ўйлаб қолди. Эдигей билан суҳбати уни қаноатлантирмади. Кейин айёрлик билан сўради:

— Қуттибоев бу ерда қандайдир мактаб очиб, болаларни ўқитар эмишми?

— Қанақа мактаб бўлсин! — Эдигей беихтиёр кулиб юборди.— Унинг иккита ўғли, менинг иккита қизим бор. Мактаб дегани, шу бўлади. Катталари беш ёшда, кичиклари уч ёшда. Бояқишлар учун яйраб ўйнайдиган жойнинг тайини йўқ, атроф хувиллаган чўл. Болалар уйга ўрганган, уйда тарбиялашади. Эр-хотин иккаласи ҳам собиқ ўқитувчилар эмасми, китоб ўқиб беришади, сурат чиздиришади, ҳисоб ўргатишади.

— Қанақа ашулалар айтишади?

— Ҳар хил. Болаларнинг ашулалари. Ёдимда йўқ.

— Болаларга нималарни ўргатиб, нималарни ёздиривади?

— Ҳарфларни. Қандайдир одатий сўзларни.

— Масалан, қанақа сўзларни?

— Қанақа сўзлар! Буниси эсимда йўқ.

— Эсингда бўлмаса, мана! — чағиркўз қоғозлар орасидан дафтар варағини излаб топди-да, — мана дастлабки сўзлар, — деди. Варақда бола қўли билан ёзилган «бизнинг уй» деган сўз бор эди.— Кўряпсанми, боланинг ёзган биринчи сўзини. Нима учун «бизнинг ғалаба» деб ёздирмаган? Ҳозир болаларнинг биринчи навбатда айтадигани қайси сўз бўлиши керак, қани айт-чи? «Бизнинг ғалаба» деган сўз бўлиши керак. Шундай эмасми? Нима учундир бу сўзлар Қуттибоевнинг хаёлига ҳам келмаган. Ғалаба билан Сталин эгизак сўзлардир!

Эдигей гангиб қолди. У ҳали эс-хушини танимаган шу болаларни деб бутун борлигини бериб, қанча вақт сарфлаб келаётган Абутолиб билан Зарифага ичи ачиб кетганидан, ўзини эса буларнинг ҳаммаси олдида таҳқирланаётгандай ҳис этиб кескин деди:

— Агар шундай бўладиган бўлса, биринчи навбатда: «Бизнинг

Ленин» деб ёзиш керак. Шундай ёзиш бизнинг бурчимиз. Ҳарҳолда, Ленин биринчи ўринда турмайдими!

Чағиркўз кутилмаганда бу гапдан дами ичига тушиб кетди. Кейин хийла вақтгача оғздан тутун бўрқситиб ўтирди. Ниҳоят, ўрнидан турди. Бир оз юргиси келиб қолди, шекилли. Аммо қаёққа ҳам юрсин бу тор уйчада.

— Биз Сталин деганда Ленинни англаймиз! — У сўзларни дона-дона қилиб чертиб-чертиб гапирарди. Сўнг чопиб келган одамдай енгилгина нафас олиб, мурасага келди:— Бўпти, орамизда бунақа гап бўлмади, деб ҳисоблаймиз.

У ўрнига ўтирди-да яна аввалгидек нурсиз юзидаги лочинникидек тиниқ, сарғимтир кўзлари билан амирона қадалиб қаради.

— Қуттибоев болаларни интернатда ўқитишга қарши чиққан, деган маълумотлар бор бизда. У бу хусусда гапирганда сен ҳам бор экансан. Хўш, бу ҳақда нима дейсан?

— Бунақа маълумотлар қаердан олинган? Ким берди бундай маълумотларни.— Эдигей танг қолди ва шу заҳотиёқ хаёлидан бир ҳадик ўтди: бунинг ҳаммасига бекат бошлиғи Абилов айбдор! Буларнинг ҳаммасини ўша етқизган. Чунки бу гапнинг устида Абилов ҳам бор эди.

Эдигейнинг саволи чағиркўзнинг ғазабини яна кўзғатиб юборди:

— Мана қара, сенга айтдим-ку, маълумотни қаердан олиш билан сенинг ишинг бўлмасин деб! Бу бизнинг ишимиз. Биз ҳеч кимнинг олдида ҳисоб бермаймиз. Буни ёдингда тут. Сен менга у нима деганини айтиб бер.

— Нима деган эди? Эслаб кўриш керак. Хўш... Бекатимизнинг энг кекса ишчиси кўшнимиз Казангапнинг ўғли Қумбелдаги интернатда ўқийди. Ўспирин бола эмасми, бир оз бебошроқ чиқди. Гоҳо одамларни ҳам алдаётганга ўхшайди. Сентябрь олдида болани яна ўқишга юбориш керак бўлиб қолди. Отаси уни туяда олиб борди. Онаси, Казангапнинг хотини Бўкей эса йиглаб-сиктаб зорлана бошлади — болам интернатга бордию ўзгарди-қолди, бутун ўй-хаёли, қалби билаф уйга боғланган бояғи бола эмас, аввалгидай ота-онанинг ҳурмати қолмади дейди. Чаласавод аёл-да. Тўғри, болани ўқитиш керак, лекин у ота-онасидан йирокда...

— Майли, майли,— дея Эдигейнинг сўзини бўлди чағиркўз.— Ўшанда Қуттибоев нима деди?

— У ҳам орамизда эди. Она-да, юраги ёмонликни дарров сезади, деб айтди. Оилада бир ишқал бўлмаса, ҳеч ким боласини интернатга бермайди. Интернат болани оиладан, ота-онадан ажратиб қўяди, узоклаштиради. Бу, умуман, жуда мушкул масала. Ҳамма учун — унинг учун ҳам, бошқалар учун ҳам бирдек қийин масала, деди. Бошқа чораси бўлмагандан кейин, на илож! Мен унинг аҳволини тушунаман. Мениям болаларим бор, катта бўлишяпти.

Интернатни ўйласанг нима бўлади, деб ҳозирдан жонинг ачишадди. Албатта, ёмон...

— Буниси кейин,— дея Эдигейнинг сўзини кесди чағиркўз.— Демак, у совет интернати ёмон деб айтибди-да?

— У «совет» деб айтмади. Интернат, деди холос. Болаларимиз ўқийдиган интернат Қумбелда. «Ёмон», деб мен айтдим, у эмас.

— Бунинг аҳамияти йўқ. Қумбел ҳам Совет Иттифоқининг бир бўлаги.

— Нега аҳамияти бўлмасин? — чағиркўз уни чалғитиб ётганлигини сезиб, Эдигейнинг жаҳли чиқиб кетди.— У гапирмаган гапни нега унга тикиштирасан? Мен ҳам шундай фикрдаман. Бекатда эмас, бошқа жойда яшаганимда болаларимни сираям интернатга бермасдим. Мана, менинг ўйлаган ўйим. Демак мен...

— Ўйлайвер, ўйлайвер! — деб ғулдиранди чағиркўз, бир оз сукут сақлаб, сўнг яна сўзида давом этди:— Демак, у коллектив тарбияга қарши. Тўғрими?

— Ҳеч ҳам қарши эмас-да! — Эдигей ўзини тутиб туролмади.— Нега тухмат киласан? Шунақаям бедодлик бўладими?

— Бўлди, бўлди, бас кил,— деб қўл силтади чағиркўз тушунтириб ўтиришни ҳам ўзига эп кўрмай.— Сен ундан кўра мана бу — «Дўнанбой куши» деган дафтар ҳақида гапириб бер-чи, унда нима ёзилган? Қуттибоевнинг айтишича, буни Казангапнинг сўзларидан, анча-мунчасини эса сендан ёзиб олган эмиш. Шундайми?

— Худди шундай,— дея жонланди Эдигей.— Қадимда Сариўзақда бир воқеа содир бўлиб, кейинчалик эл оғзида афсонага айланиб кетган эмиш. Сал нарида найманларнинг қабристонни бор, бир вақтлар у найманларники экан, ҳозир ҳаммага қарашли — Она Байит деб аталади. Ўша ерга манқурт ўғли томонидан ўлдирилган Найман она дафн этилган экан...

— Бўлди, бўлди, дафтарни ўқиб чиқиб бу қушнинг қаноти остида қандай сир-асрор борлигини ўзимиз билиб оламиз — деди чағиркўз дафтарни арақлаган Эдигейга боягидек эшиттириб ўқиб, ўз муносабатини билдиргандай: — Дўнанбой куши эмиш! Хм, ўйлаб топганларини қара. Одамнинг исмига қўйилган қуш эмиш. Яна бир янги ёзувчи чиқибди-да. Янги Муҳтор Аvezов пайдо бўлганга ўхшайди. Феодал ўтмиш ёзувчиси. Дўнанбой куши ҳам... Бизни тушунмайди деб ўйласа керак...Хилватхонада яшириниб олиб, ёзиб ётибди. Болаларига эмиш, ҳм... Мана бу-чи, бу нима? Бу ҳам сенин-ча болаларига аталганми? — чағиркўз клеёнка муковали яна бир дафтарни Эдигейнинг юзига тутди.

— Бу нима? — деди Эдигей тушунмасдан.

— Нима эмиш? Нималигини сен билишинг керак. Мана кўр, нима деб номланганини: «Раймали оғанинг иниси Абдилхонга айтгани».

— Тўғри, бу ҳам афсона,— деб гап бошлади Эдигей.— Бу бў-

либ ўтган воқеа. Эски одамлар бунинг тарихини яхши билишади...

— Овора бўлма, мен ҳам биламан! — чағиркўз Эдигейнинг гапини бўлди. — Қулогимга чалингандай бўлувди. Алжиб қолган қари чол ўн, тўққиз яшар қизни севиб қолади. Бунинг нимаси яхши? Бу Қуттибоев деганинг душмангина эмас, маънавий бузуқ киши ҳам экан-ку! Бу ифлосликларни ипидан-игнасиғача ёзиб олганига қара-я.

Эдигей кизариб кетди. Уялганидан эмас, унинг қалби ғазабдан жўшиб кетган эди, чунки Абутолибга нисбатан бундан ортиқ адолатсизлик бўлиши мумкин эмас эди.

Эдигей аранг ўзини босиб деди:

— Сен шуни билиб қўйки, қанақа лавозимда эканлигингни билмайман, аммо бу масалада Абутолибга тил теккиза кўрма. Қанийди, энди ҳамма ҳам шундай эр бўлса! Қанақа одамлигини шу ердаги истаган кишидан сўра, айтиб беради. Бу ердагиларни бармоқ билан санаса бўлади, бир-биримизни беш қўлдай яхши биламиз.

— Бўлди, бўлди, ўпкангни бос,— деди чағиркўз. — Бошларингни айлантириб қўйибди у. Душман ҳаммавақт ўзини турли мақомга солиб юради. Биз эса уни фош этамиз. Бўпти, озодсан, бораверсанг бўлади.

Эдигей ўрнидан турди. Телпагини киятуриб, тутилиб қолди:

— Унинг тақдири нима бўлади? Энди нима қилиш керак? Шунақа ёзувлар учун ҳам одамни қамаш мумкинми, ахир?

Чағиркўз ўрнидан туриб кетди:

— Эй, сенга яна қайтариб айтаман: бу сенинг ишинг эмас! Душманни нега таъқиб этамиз, қанақа муомала қиламиз, қандай жазолаймиз — буни ўзимиз биламиз. Бунинг учун сен бош қотирмай қўякол. Ўз йўлингни бил. Бор!

Шу куни кечаси ётар олдида пассажир поезди Бўронли бекатида яна тўхтади. Фақат бу гал тесқари томонга борарди. У кўп турмади. Уч дақиқалар чамаси. Биринчи йўлнинг саҳнида қоронғида Абутолибни олиб кетаётган ҳалиги хром этикли уч киши поезднинг келишини кутишарди. Улардан бир оз нарироқда, бесўнақай гавдалари билан Абутолибни тўсиб турган ўша кишилар ортида бўронлиликлар — Зарифа билан болалари, Эдигей, Уккубола ва бекат бошлиғи Абилов туришарди.

Абилов бўлар-бўлмасга бўзчининг моқсидек у ёқдан-бу ёққа юриб турарди, чунки поезд жадвалда кўрсатилганига қараганда ярим соат кечикаётган эди. Аммо, унинг бу ишга даҳли йўқ-ку! Жимгина туравермайдими. Абутолибнинг уйидан топилган ўша машъум ривоятлар хусусида сўроқдан ўтган Казангап эса бу маҳал навбатчиликда эди. У Абутолибни Сариўзакдан олисларга олиб кетадиган поездга ўз қўли билан йўл очиши керак эди. Бўкей Эдигейнинг уйида унинг кизалокларига қараб қолган эди.

Этик кийган ўша уч киши шамолдан ёқаларини кўтариб, Абу-

толибни бу ёқда турганлардан гавдалари билан тўсиб олгандай жиддий бир қиёфада сукут сақлаб туришарди. Абутолиб билан видолашишга чиққан бўронлиликлар ҳам чурқ этишмасди.

Шамол қор тўзонини учириб биланар-билинмас хуштак чалиб турарди. Чамаси, қор бўрони бошланишидан дарак берарди. Қоп-қоронғи Сариўзак осмони рутубатли ҳаво билан тўйиниб, янада қуюқлашиб бораётгандек. Ой бўлса сарғиш бир доғ сингари маъюс тортиб аранг шуълаланиб турарди. Аёз қулоқ-чаккани чимдилайди.

Зарифа эрига бериб юбормоқчи бўлиб олиб келган кийим-кечакни, озиқ-овқат солинган тугунчагини ушлаганча, ич-ичидан йиғлаб турарди. Уккуболанинг оғзидан бўралиб чиқаётган қалин буғ унинг энтикиб-энтикиб йиғлаётганини кўрсатарди. У пўстагининг бари билан Довулни ўраб-чирмаб олганди. Довул ниманидир сезгандек индамасдан холаси Уккуболага ёпишиб олганча безовталанарди. Ҳаммадан ҳам Эрмакка қийин бўлди. Эдигей уни шамолдан пана қилиб, қўлига кўтариб олганди. Бу нарсалардан ҳали унинг хабари йўқ эди.

— Атика, атика!— дея чақирарди у отасини.— Бу ёққа келинг, биз ҳам сиз билан бирга борамиз!

Абутолиб ҳар гал боласининг вижир-вижирини эшитганда бутун вужуди қақшаб унга ялт этиб қараб оларди-да, беихтиёр, нималарнидир демоқчи бўларди-ю, лекин унга қайрилиб қарашга рухсат беришмасди. Охири ўша уч кишидан бири ўзини тутиб туролмади:

— Бу ерда турманглар! Эшитяпсизларми? Нарӣ кетинглар! Кейин келасизлар,— дея ўшқиргандан кейингина орқага чекинишга тўғри келди.

Бу орада узоқдан паровознинг чироғи кўринди. Ҳаммалари ўринларидан кўзғалиб қолишди. Зарифа ўзини тута олмай энтикиб, йиғлай бошлади. Унга қўшилиб Уккубола ҳам йиғлай бошлади. Ахир, бу поезд унинг бошига айрилиқ савдосини солиб кетади-да. Поезд пешонасидаги ёғду билан аёзли ҳавонинг зулмат қатламини ёриб ўтиб, паға-паға туман орасидан даҳшат солиб яқинлашиб келарди. Яқинлашган сайин паровознинг ловиллаб ёнаётган чироқлари ер узра юқорилаб борар, темир излар орасида гўжғон ўйнаётган қор учқунлари ёғду аралаш кўзга янада равшанроқ ташланар, тинимсиз ишлаб турган паровознинг шовқини тобора кучайиб, ерни ларзага келтирарди. Мана, унинг ўзи ҳам кўзга яққол ташланди. Шунда Эрмак:

— Атика, атика! Қаранг, поезд келяпти,— деб қичқирди-да, отасининг жавоб бермаётганидан ҳайратлангандай яна жим қолди. Сўнг яна унинг эътиборини тортмоқчи бўлди:— Атика, атика!

Куймаланиб юрган бекат бошлиғи Абилов ҳалиги уч кишининг ёнига борди:

— Почта вағони составнинг бошида бўлади. Барака топкурлар, олдинга юринглар, марҳамат, анави ёққа.

Ҳаммаси у кўрсатган томонга тезгина юриб кетишди, негаки ордан поезд етиб келиб қолган эди. Олдинда портфелини кўтариб олганча ҳеч қаяққа қарамай чағиркўз борарди, ортидан Абутолибни кузатиб чағиркўзининг кенг елкали икки ёрдамчиси, улардан сал орқарокда ҳаллосланганча Зарифа, сўнг Довулни етаклаган Уккубола, ниҳоят ён томонда ҳаммадан кейин Эрмакни кўтариб олган Эдигей биргалашиб боришарди. У аёллар билан болаларнинг олдида кўзёши қилишни ўзига эп кўрмас, йўлда бораётиб томоғида қадалиб турган аллақандай аччиқ бир нарсанинг иложини қилолмай ўзи билан ўзи олишиб борарди.

— Сен ақлли боласан-а, Эрмак. Тўғрими, ақллисан-а? Ақлинг кўп, йиғламайсан, тўғрими? — деб жужикни бағрига босганча поймапой сўзлаб борарди.

Бу орада поезд юришини секинлатиб, тўхташ жойига етиб келди. Паровоз яна хиёл юриб, уларнинг ёнидан вишиллаганча буғ таратиб кулокни коматга келтириб хуштак чалганда Эдигейнинг қўлидаги бола кўрққанидан сесканиб тушди.

— Кўркма, кўркма,— деди Эдигей.— Сен билан биргаман-ку. Ҳа-миша бирга бўламан.

Поезд узоқ ғижирлаб тўхтади, қор тўзони билан қопланиб, деразалари музлаб хириллашиб кетган вагонлар таққа тўхтади қолди. Ҳаммаёқ сукунатга чўмди. Бироқ, паровоз шу заҳотиёқ яна йўлга ҳозирланиб, пишиллаб буғ чиқарди. Почта вағони паровоздан кейинги юк вағонига тиркалган эди. Унинг деразаларига панжара тутилган бўлиб, икки табақали эшиги ўртада эди. Эшиклари ичига очилди. Бошларига почта ходимларининг фуражка, эғниларига эса пахталик шим ва фуфайка кийиб олган бир эркак билан бир аёл боти чиқариб қаради. Чироқ кўтарган семиз, кўкракдор аёл лавозими жиҳатидан каттарокқа ўхшарди.

— Ҳа, сизларми? — деб сўради у чироқни ҳаммани ёритадиган даражада боши узра кўтариб.— Сизларни кутяпмиз. Жой тайёр.

Биринчи бўлиб каттакон портфель кўтариб олган чағиркўз кўтарилди.

— Қани бўлинглар, бўлинглар, йўлдан қолдирманглар! — дея шошилтиришди бу ёқдаги иккаласи.

— Тезда қайтаман! Бирон англашилмовчилик бўлса керак! — Шошилиш равишида деди Абутолиб.— Тезда қайтаман, кутинглар!

Уккубола чидаб туролмади. Абутолиб нима бўлаётганини тушунмай аланглаб кўрқиб турган болаларини жон-жаҳди билан бағрига босиб, юз-кўзларидан ўпиб, алланималарни айтаётганини кўрганда, Уккубола чидаб тураолмай, чинқириб йиғлаб юборди. Паровоз эса йўлга чиқишга шай турарди. Бутун воқеа ҳалиги аёл кўтарган чироқнинг ёруғида содир бўлаётган эди. Шу пайт яна гўё поезднинг у бошидан бу бошигача электр токи югуриб ўтгандай, қучли хуштак овози янгради.

— Қани энди, бўлди, вагонга чик, тез бўл! — деб ўша икки киши Абутолибни вагон зиналари томон торткилашди.

Эдигей билан Абутолиб сўнгида қаттиқ кучоқлашиб, тикандек дағал, намли юзларини босишиб, бирининг қалбидагини иккинчиси бутун борлиги, ақл-идроки билан сезиб тургандай, бир зум жим туриб қолишди.

— Болаларга денгиз ҳақида сўзлар бер! — дея шивирлади Абутолиб. Унинг охириги айтган сўзи шу бўлди. Эдигей буни дарҳол тушунди. Ота болаларимга Орол денгизи ҳақидаги ривоятларни сўзлаб бер, демоқчи эди.

— Бўлди энди, етар, бўл деяпман сенга! — Йигитлар иккаласини икки томон торткилашди. Улар орқадан елкалари билан сурганча Абутолибни вагонга киргизишди. Мана шундагина болалар видолашувнинг даҳшатли моҳиятини фаҳмлаб қолишди. Улар бараварига чинқириб йиғлаб юборишди:

— Атика! Ата! Атика! Ата!

Шунда Эдигей, чўчиб кетгандай, кўлида Эрмак билан вагон томон отилди. Чирок кўтарган аёл кенг елкаларида ёпирилганча йўлакни тўсиб олиб:

— Қаёққа, қаёққа? Худо кўтарсин сени! — дея жон-жаҳди билан Эдигейнинг кўкрагидан итара бошлади.

Бирок болалар чинқириб йиғлаганда жони ачиб кетган Эдигей Абутолиб билан бирга қамалиб кетишга ҳам рози бўлиб, йўлда бораётганда чағиркўзни ўз қўлларида бўғиб ўлдиришга тайёр эканлигини ҳеч ким хаёлига келтирмади.

— Бу ерда турманглар! Нарига кетинглар, нарига! — деб чирок кўтарган хотин шовкин соларди. Оғзидан тамаки ҳиди билан пиёз ҳиди аралашиб чиққан буғ Эдигейнинг юзига урилди.

Тугун кўлида қолганини Зарифа бирдан эслади.

— Мановини бериб қўйинг, йўл озиги! — деб у тугунини вагон ичига ирғитди.

Почта вагонининг эшиклари ёпилди. Ҳаммаёқ жимиб қолди. Паровоз сигнал бериб, ўрнидан кўзгалди. Гилдираклар гижирлаб айланаб, секин-аста юриб кетди.

Бўронлиликлар зич ёпилган вагон билан ёнма-ён юриб, поезд жўнаётган томонга талпиниб боришарди. Аввало Уккуболанинг эсига келди. У Зарифани кучоқлаб, бағрига босганча қўймай турди:

— Довул, кетиб қолма! Шу ерда тур! Опангни қўлидан ушлаб ол! — дерди у баланд овозда ёнгиналаридан тобора тезлигини ошириб ўтиб бораётган гилдиракларнинг така-туқ овозини босишга уриниб.

Эдигей Эрмакни кўтариб олганича поезд билан баравар югуриб кетаверди, ниҳоят вагон қуйруғини қизартириб ўтиб кетганидан сўнгина аранг тўхтади. Поезд тиниб бораётган овозларини ўзи билан бирга олиб олислаб кетди, милтираган чироклар ҳам сўниб қолди. Паровознинг сўнги бор чўзиб гудок бергани эшитилди.

Эдигей орқасига бурилди. У йиғлаётган болани анча вақтгача овута олмади...

Уйига келгандан сўнг печка ёнида боши гангиб ўтираркан, тун ярмига бориб Абиловни эслади. Урнидан туриб, кийина бошлади. Уккубола дарҳол тушунди:

— Қаёққа?— деб эрининг енгидан ушлаб олди.— Яхшиси, унга тега кўрма! Хотини кўз ёрай деб турган бўлса. Қолаверса унга тегишга ҳақкинг йўқ, исботлашга қўлингда далилинг ҳам йўқ!

— Сен ташвиш тортма,— деди Эдигей бамайлихотир.— Мен унга тегмайман, бироқ бу ердан кетиши маъкул эканлигини билиши керак. Ишончинг комил бўлсин, қўл кўтармайман! — дея енгини тортиб олиб, уйдан чиқиб кетди.

Абиловлар деразасидан ҳали ёруғ тушиб турарди. Демак, ҳали ухлашмабди.

Эдигей ёлғизоёқ йўлдан ғарч-ғурч қор босиб келди-да, музлаб қолган эшикни қаттиқ тақиллатди. Эшикни Абилов очди.

— Ҳа, Эдике, кир, кир,— деди-да кўриқиб кетганидан ранги ўчиб орқага тисланди.

Эдигей совуқдан буг таратиб, индамай ичкарига кирди-да, ўзи билан эшикни ёпиб олди.

— Сен бу шўрликларни нега етим қолдирдинг? — деди у ўзини вазмин тутишга ҳаракат қилиб.

Абилов тиз чўкиб, Эдигейнинг пўстини этагига ёпишди.

— Худо урсин, мен эмасман Эдике! Агар ёлғон гапирган бўлсам хотиним туғолмай ўлсин!— У бирдан тилга кириб, кўркувдан қотиб қолган ҳомиладор хотинига ўгирилиб қаради.— Худо урсин мен эмас, Эдике! Наҳотки мен шундай қилсам! Бу ўша ревизорнинг иши! Эсингдами, Қуттибоев нима ёзади, нега ёзади, деб ҳадеб сўраб-суриштираварди. Ҳа, бу ўша ревизор! Наҳотки мен шу ишни қилсам! Хотиним туғолмай ўлсин, майли! Ҳали поездни кутиб турганда ўзимни кўярга жой тополмай қолдим. Ер ёрилмадию ерга кириб кетсам! Ўша ревизор жони-қолимга қўймай ҳадеб саволга тутаверди, тутаверди, мақсадини мен қаердан билайин... Агар билганимда эди...

— Майли, қани ўрнингдан тур,— деб сўзини бўлди Эдигей. Одам қатори гаплашайлик. Мана, хотининг гувоҳ. Ишқилиб, омон-эсон қутилиб олсин. Гап ҳозир бошқа ёқда. Сен ҳатто сувдан тоза, сутдан оқ бўлган тақдирда ҳам... Қаерда яшасанг, сенга бари бир эмасми. Биз бўлсак, эҳтимол, ўла-ўлғунимизча шу ерда қолиб кетармиз. Бир ўйлаб кўр. Балки вақти келиб бошқа ишга ўтиб олганинг маъқулдир. Маслаҳатим шу. Гап тамом-вассалом! Бу тўғрида бошқа гап очмаймиз. Сенга шуни айтгани келган эдим, холос...

Эдигей эшикни шартта ёпиб, ташқарига чиқди.

Тинч океанда, Алеутнинг жануб томонида аллақачон кеч кира бошлаган эди. Океан хали ҳам секин тўлқинланиб, сув юзаси ҳамон кўз иллаганча жимирлаб-кўпикланиб, тўлқинлар ортидан тўлқинлар қувлашиб, уфқдан-уфққача ёйилган бутун сув олами ҳаракатланиб турарди. «Конвенция» авиабардори тўлқинда чайқалмоқда. У аввалги ўрнида, Сан-Франциско билан Владивосток орасидаги ҳаво йўлининг қоқ ўртасида эди. Халқаро илмий программани бажараётган кеманинг барча ишчи-хизматчилари ҳаракатга шайланиб туришарди.

Эга ёруғлик системасида ғайризаминий тараққиёт борлиги аниқлангани натижасида вужудга келган фавқулодда ҳолатни тадқиқ этиш учун авиабардор бортидаги махсус ваколатга эга комиссиянинг шошилинич йиғилиши ниҳоясига етаётган пайт. Ўзбошимчалик билан ўзга сайёралардан келган жонзотларга кўшилиб кетиб қолган 2—1 ҳамда 1—2 паритет-фазогирлар ҳанузгача Тўқайтўш сайёрасида туришган эди. Улар Қўшмарбош томонидан, «Паритет» самовий бекатининг радиоалоқаси орқали уларнинг кўрсатмасисиз ҳеч қандай хатти-ҳаракат қилмаслик тўғрисида уч маротаба огоҳлантирилди.

Қўшмарбошнинг бунчалик қатъий талаби ҳақиқатда кишиларнинг саросимага тушиб қолганидангина эмас, балки ҳамкорликнинг тўлатўкис барбод бўлишидан, айниқса, очикдан-очик қарама-қаршиликка олиб борувчи ғоятда мураккаб ва тобора кескинлашиб бораётган вазиятдан, томонлар орасидаги ихтилофнинг шиддатли тус олаётганидан дарак берарди. Яқиндагина буюк давлатларнинг илмий-техникавий қудратини мутаносиблаштириш мақсадида икки томонни бир-бирига боғлаб турган «Демидург» программаси ўз-ўзидан иккинчи планга тушиб қолди — ғайризаминий тараққиётнинг кашф этилиши муносабати билан қутилмаганда пайдо бўлган супермуаммолар қаршида илгариги аҳамиятини йўқотиб қўйди. Комиссия аъзолари шуни яхши тушунар эдиларки, мисли кўрилмаган ва ҳеч нима билан қиёс этиб бўлмайдиган бу кашфиёт ҳозирги жаҳон уюшмаси асосларини, авлод-аждодларнинг онгида асрлар давомида тарғиб этилиб, шаклланиб келган тушунчаларни, яъни яшаш қоидаларининг бутун мажмуини мутлақо янгича имтиҳондан ўтказишни тақозо қиларди. Ер юзининг умумий хавфсизлиги ҳақидаги мулоҳазалар қаршида бундай қалтис ишга ким журъат эта оларди, дейсиз?!

Тарихий инкироз пайтларида рўй берганидек, бу сафар ҳам Ердаги икки ижтимоий-сиёсий системанинг асосий зиддиятлари бор кучи билан ошкор бўлди.

Бу масала муҳокамаси қизгин мунозарага айланиб кетди. Нуқтаи назарларнинг турличалиги, масалага бўлган муносабатнинг ҳар хиллиги сабабли баҳс тобора муросасиз тус ола бошлади. Баҳс-

тортишувлар кучайиб тўқнашувларга, ўзаро дўқ-пўписаларга, агар томонлар ўзларини тия олмасалар, албатта, жаҳон урушига айланиб кетадиган ихтилофларга яқинлашмоқда эди. Томонлар воқеаларнинг бу йўсинда жиддий тус олиши ҳамма учун хатарли эканини назарда тутиб, ўзларини тийишга ҳаракат қилишарди, бироқ ҳар икки томонни ўзини тия билишга ундайдиган яна бир муҳим омил, бу — Ердан ташқари тараққиёт тўғрисидаги хабарнинг бутун одамизот орасида тарқалишини хоҳламаслик, аниқроқ айтганда, Ер юзидаги онг-сезгининг стихияли равишда портлаб кетиши хавфи эди. Бу тақдирда, ишнинг не оқибатларга олиб келишига ҳеч ким кафил бўла олмас эди...

Охири ақл-идрок устунлик қилди. Томонлар ноилоҳликдан бу сафар ҳам қатъий бараварлик негизида муросаи мадорга келишди. Шу муносабат билан «Паритет» самовий бекатига Қўшмарбошнинг қуйидаги мазмунда кодлашган радиограммаси жўнатилди:

«1—2 ҳамда 2—1 назоратчи-фазогирларга. Сизларга «Паритет» борт системалари орқали Куёш Галактикасидан ташқарида — «Эга» деб аталмиш ёруғлик системасидаги Тўқайтўш сайёрасида юрган 1—2 ҳамда 2—1 паритет-фазогирлар билан тўхтовсиз равишда радио алоқаси боғлаш вазифаси юкланади. Уларни зудлик билан хабардор этмоқ керакки, 1—2 ҳамда 2—1 паритет-фазогирлар кашф этган ғайризаминий тараққиёт тўғрисидаги маълумотларни ўрганиб чиққан иккала томон комиссияларининг хулосасига асосланиб, Қўшмарбош қуйидаги қатъий қарорга келди:

а) собиқ 1—2 ва 2—1 паритет-фазогирларни Ер тараққиётига номатлуб шахслар сифатида «Паритет» самовий бекатига, шу билан бирга Ерга қайтиб келишларига йўл қўйилмасин;

б) ерликларнинг бугунги тарихий тажрибаси, ҳаётий манфаатлари ҳамда ҳозирги тараққиёт хусусиятлари Тўқайтўш сайёрасида истиқомат қилувчи жонзотларга мутлақо тўғри келмаслиги туфайли улар билан ҳар қандай алоқа боғлашдан воз кечганимиз маълум этилсин;

в) собиқ 1—2 ва 2—1 паритет-фазогирлари, шунингдек, улар билан муносабатда бўлган ўзга сайёралар огоҳлантирилсинким, ўзга сайёраликлар «Трамплин» орбитасидан «Паритет» самовий бекатига келган чокларидагидек яна ерликлар билан алоқа боғлашга, айниқса, Ер атрофи муҳитига киришга ҳаракат қилмасинлар;

г) ўзга сайёраларнинг учар аппаратлари бостириб келиш эҳтимолидан Ер атрофидаги космик фазони асраб қолиш мақсадида «Чамбарак» деб аталмиш фавқулудда транскосмик тезликда операция бошланганини Қўшмарбош эълон қилади. Коинотда Ер куррасига яқинлашиб келаётган ҳар қандай нарсани ядро-лазер нури билан йўқ қилиб ташлашга мўлжалланган ҳарбий ракета-роботлар белгиланган орбиталарни қўриқлаб учиб юришлари программалаштирилсин;

д) ўзга сайёралик мавжудотлар билан ўзбошимчаларча алоқага

киришган собиқ паритет-фазогирларга ерликларнинг хавфсизлиги ҳамда барқарор геосиёсат структурасини сақлаб қолиш мақсадида улар билан алоқа боғлаш мумкин эмаслиги маълум қилинсин. Сўнг, содир бўлган ҳодисани ниҳоятда қаттиқ сир сақлаш ва янгидан алоқа боғлашга йўл қўймаслик учун барча чора-тадбирлар қўрилсин. Шу мақсадда «Паритет» бекатининг орбитаси тўхтовсиз равишда ўзгартирилиб, бекатнинг радиоалоқа каналлари янгидан кодлаштирилсин;

е) Ер курраси атрофини куршаб олган «Чамбарак» зонасига яқинлашиш хавфи экани ҳақида ўзга сайёраликлар қайта огоҳлантирилсин.

Қўшмарбош. «Конвенция» авиабардори борти».

Қўшмарбош ана шундай хавфсизлик чораларини қўриш билан бирга, номаълум сайёрани ўзлаштириш учун курилган «Демидург» программасини белгиланмаган вақтга қадар тўхтатиб қўйишга мажбур бўлди. «Паритет» самовий бекатини бошқа айланиш параметрларга ўтказиш, ундан кундалик космик кузатишлар учун фойдаланиш лозим. Илмий-тадқиқот учун кооперативлашган «Конвенция» авиабардорини сақлаб туришни нейтрал Финляндияга топширишга қарор қилинди. «Чамбарак» системаси олис космосга учирилгач, барча паритет хизмат соҳалари, илмий ва маъмурий ходимлар, жамики ёрдамчи хизмат идораларидан Қўшмарбош фаолиятининг тўхташ сабабларини ўла-ўлгунча ҳеч кимга ошкор этмайман, деган мазмунда тилхат олингандан сўнг уларни тарқатиб юбориш лозим топилди.

Кенг жамоатчиликка номаълум сайёрада жуда катта тадқиқотлар ўтказиш зарурати туғилгани муносабати билан «Демидург» программаси бўйича белгиланган ишлар маълум вақтгача тўхтатилади, деб эълон қилиш назарда тутилди.

Ҳамма нарса пишиқ-пухта ўйлаб қўрилган, «Чамбарак» шошилинч равишда Ер курраси айланасига чиқарилиши биланоқ ана шу тадбирларнинг ҳаммаси амалга оширилиши лозим эди.

Бундан олдин, комиссиялар кенгаши тугатилиши биланоқ барча ҳужжатлар, шифровкалар, собиқ паритет-фазогирлар юборган маълумотлар, протоколлару плёнкалар ҳамда бу қайғули воқеага бирор-бир алоқаси бўлган жамики қоғозлар йўқ қилиб ташланди.

Тинч океанда, Алеутнинг жануброғида кеч кирарди. Об-ҳаво аввалгидай мўътадил. Бирок, ҳарҳолда океан тўлқинлари аста-секин кучая бошлади. Чор атрофдан тўлқинларнинг шов-шуви эшитиларди.

Авиабардордаги авиақанот хизматчилари махсус ваколатга эга бўлган комиссия аъзоларининг кенгаши тугаб самолётга чиқишларини сабрсизларча кутарди. Ниҳоят, улар бир-бирлари билан хайр-хўшлашиб бир қисми шу самолётга, қолгани эса бошқа самолётга чиқишди.

Авиабардорнинг сал-пал чайкалиб туришига карамай, учиш хий-ла яхши ўтди. Лайнерларнинг бири Сан-Францискога, иккинчиси карама-қарши томон — Владивостокка қараб йўл олди.

Шамол ялаб-юлкаётган Ер ўзининг азалий ўқи атрофида айланарди. У ҳад-ҳудудсиз коинотда қум зарраси янглиғ кўринарди. Оламда бундай қум зарраларининг адоғи борми?.. Фақат ана шу заррада, яъни Ер сайёрасидагина одам зоти яшаб келмоқда экан. Яшаганда ҳам кўлидан келганча, ақл заковати етганча яшаб келмоқда. Гоҳида эса бошқа сайёраларда ҳам бизга ўхшаш жонзотлар бормикан, деб билишга уриниб кўришди. Баҳс-мунозара, фаразларга ишониб, Ойга ҳам кўнишди, автомат аппаратларни бошқа самовий жисмларга учуришди, бироқ Қуёш системаси атрофида уларга ўхшаган ҳеч ким ва ҳеч нарса, умуман ҳаёт йўқлигига ишонч ҳосил қилиб, қаттиқ афсусланишди ҳам. Сўнг улар буни унутиб юборишди. У ҳақда ўйлаш у ёқда турсин, турмушларини, ўзаро муносабатларини ўнглай олмай қолдилар. Яшаш учун ризқ-рўз топиш қийин бўлиб қолди-да... Кўпчилик осмон билан шуғулланиш бизнинг ишимиз эмас, деган хулосага келди. Ер эса ҳамон ўз ўқи атрофида айланаварди.

Ўша январь ойи киш қаттиқ келиб, қуёш ғира-шира нур сочарди. Бу совуқ Сариўзакка қаёқдан келди экан! Поездлар изғирин аёздан оқариб, тўнғиб қолган буксалар билан ўтишарди. Ажиб бир манзара: қорайиб кетган нефть қуювчи қатор-қатор цистерналар изғирин шамолдан, қировдан бутунлай оқариб кетганча бекатга келиб тўхташар эди. Уларни силжитиш ҳам осон эмас. Бир-бирига уланган паровозлар гўё икки елка билан тортгандай цистерналарни кучаниб тортишар, тўнғиб қолган ғилдиракларни рельслардан узиб олгудек бўлишарди. Вагонларни кўзғатишга зўр бераётган паровозларнинг ўшқириши темирларнинг тарақ-туруқ садоларига қўшилиб, аёзли ҳавода узок-узокларгача эшитиларди. Тунлари бўронлиликларнинг болалари гумбур-гумбурдан чўчиб уйғонар эдилар. Бу ҳам камлик қилгандек, йўлларни қор уюмлари беркитиб ташлаган. Ўлганнинг устига тепгани шу-да! Ўчақишгандай шамол қутура бошлади. Сариўзакда шамол учун кенг майдон мавжуд, унинг қайси томондан бошланишини билиб бўлмайди. Бўронлилар наздида, шамол қорни атайлаб темир йўлга суриб келаётгандек туюларди. У гўё ҳар қандай кичик тешикни қидириб топарди-да, уни қор билан тўлдириб, темир йўлни кўмиб юбормокчи бўларди.

Эдигей, Казангап, яна уч нафар ишчи эртадан кечгача йўл тозалаш билан овора. Бекатнинг гоҳ у томонида, гоҳ бу томонида йўл тозалашади. Туя чаналари ишга яраб қолди: қор уюмларининг устки қатламнинг чана билан суриб, йўлдан чиқариб ташлар, қолганини қўл билан қурашарди. Эдигей Қоранорни аямасди, юк тортишда Қоранорга тенг бир туяни чанага қўшиб қичаганча камчилаб

ишлатарди. У қор тўдаларини кўндаланг қўйилган тахта ёрдамида чиқариб ташлар, оркасидаги тахтанинг устига чикиб, чанани оғирлиги билан босиб турарди. Бундан ўзга мослама у маҳаллари йўқ эди. Махсус қор тозалаш машинаси — қор уюмларини икки томонга суриб, йўл очадиган локомотивлар чиққани хақида миш-миш гап тарқалган эди, холос. Тез орада ана шундай машиналардан юборамиз, деб ваъда беришди, аммо бу ваъдалар куруқ гаплигича қолаверди.

Ёзда икки ой чамаси ҳаво мияни суюлтириб юборгудай кизиди, энди аёз ҳаводан нафас олишга киши юраги бетламайди, ўпкани ёриб юборгудай бўлади. Бари бир, поездлар бу йўлдан ўтиб туришарди, демак ишни тўхтатиб қўйиш мумкин эмас. Эдигейнинг соколи роса ўсиб кетди. Ўша қиш биринчи марта соқолига оқ оралаганини кўрди. Уйқусизликдан кўзлари қизариб, қовоқлари шишиб кетди, юзини кўзгуда кўриш кўрқинчли, чўянга айланиб кетган эди. Пўстини эғнидан сира тушмайди. Унинг сиртидан брезент чопон кийиб олган. Оёғида кигиз этик.

Бироқ, Эдигей қандай иш билан машғул бўлмасин, қийинчиликларга дуч келмасин Абутолиб Қуттибоевнинг бошига тушган мушкулот хаёлидан нари кетмасди. Юрагига қаттиқ ботган экан. Қандай қилиб бу ҳодиса юз берди, нима билан тугалланади, деб Казангап иккови ҳадеб бош қотиришарди. Казангап кўпинча хомуш юрар, қовоғини солиб, узоқ хаёлга чўмарди. Бир марта у:

— Ҳамиша шундай бўлиб келган. Текшириб кўришганларича... Илгари замонларда: «Хон худо эмас. У ёнидагиларнинг нима билан банд бўлиб юрганини ҳамиша ҳам билавермайди, ёнидагилар эса бозорда солиқ йиғиб юрганларнинг нималар билан шуғулланаётганини билишмайди», деб бежиз айтишмаган. Ҳамиша шундай бўлган,— деди.

— Шу ҳам гап бўлди-ю, ақлингга баракалла! — Эдигей норози бўлгандай уни мазах қилди.— Шунинг учун ҳам хонларнинг адабини бериб қўйишди-да. Ахир, гап бунда эмас-ку!

— Нимада бўлмаса? — сўради Казангап ҳақли равишда.

— Нимада, нимада! — Эдигей жаҳли чиқиб пўнғиллади, бироқ жавоб қайтармади. Бу савол миясига ўрнашиб қолдию жавоб тополмай юраверди.

Фалокат келса устма-уст келар экан. Абутолибнинг тўнғич ўғли Довул қаттиқ шамоллаб, иситмаси ошиб ётиб қолди. У алаҳсирарди, йўталдан қийналарди, томоғи оғрир эди. Муртак безлари шамоллагани учун Зарифа уни ҳар хил дори-дармонлар билан лаволамоқчи бўларди. Аммо афсуски, болалар ёнида доимо бўлолмасди: стрелкачи — йўл очувчи бўлиб ишлар, гоҳ кечаси, гоҳ кундузи навбатчилик қилишга тўғри келарди. Болалар тапвишини Уккубола ўз зиммасига олди. Абутолиб оиласи шароитини кўриб ўзининг икки қизи билан бирга тўрт болани боқарди. Эдигей ҳам

кўлидан келганча ёрдам берди. Эрта тонгда бостирмадан улар ба-
рагига кўмир олиб келар, вақти бўлганида, печкага ўт ёкиб ке-
тарди. Ахир, тошкўмирни тутатиш учун ҳам маҳорат керак. Бо-
лаларга кечгача иссиқ бўлсин деб, бир ярим чезлак кўмирни печ-
кага солиб кўяди. Боши берк йўлда турган цистернадан ҳам ўзи
сув олиб келади, тутантирик қилиш учун ўтин ёради, хуллас кўлидан
келганини қилади. Булар-ку, унча оғир эмас. Бироқ Абутолиб бо-
лаларининг мўлтираган кўзларига қараркан, саволларига жавоб бера
олмай юрак-бағри эзиларди. Каттаси тўшакда касал ётибди, у
ўзини босиб олган, камгап, лекин кенжаси Эрмак онасига торт-
ган. Ҳаракатчан, меҳрибон, ниҳоятда сезгир, ҳам кўнгилчан. У би-
лан бирга бўлиш осон эмас. Эдигей эрталаб кўмир келтириб, печ-
кага ўт ёққан пайтларда болаларни уйғотиб юбормасликка ҳара-
кат қилар, ахён-ахёнда болаларга билдирмай чиқиб кетарди, хо-
лос. Эрмак сал нарсага уйғонарди. Кўзини очиши биланоқ унинг
биринчи саволи шу эди:

— Эдигей амаки, атикам бугун келадими?

Болакай яланғоч, оёқяланг ҳолда кўзларида сўнмас умид би-
лан у томон югуради, Эдигей «ҳа» деса — бас, гўё отаси эртаси-
гаёқ, албатта, қайтиб келиб, яна улар билан уйда бирга бўлади-
гандай. Эдигей бу озғин болани кучоқ очиб бағрига босиб ола-
ди-да, яна қайта тўшагига ётқизади ва катта киши билан гап-
лашгандай гаплашади:

— Бугун отангинг келиш-келмаслигини айтолмайман, Эрмак.
Бироқ, у қайси поездда келарини бекатдан хабар қилишлари
керак. Пассажир поездларнинг бизда тўхтамаслигини ўзинг яхши
биласан. Энг катта диспетчер буйруғи билангина тўхтайди. Тахминим-
ча, эрта-индин хабар қилишади. Ана ўшанда икковимиз, агар
унгача Довул ҳам тузалиб қолса, учаламиз отангни кутиб олгани
чиқамиз.

— Атика, мана, биз сизни кутиб олгани чикдик, деймиз-а?—
дейди катталардек бола.

— Албатта, худди шундай деймиз! — дея унинг сўзини маъқул-
лайди Эдигей.

Зийрак болани алдаб кетишнинг ўзи бўлмайди.

— Эдигей амаки, келинг, у сафаргидек поездга тушмайлик-да,
ҳалиги энг катта диспетчерга бориб, атикам келаётган поездни
тўхтатиб беришини сўрайлик.

— Ахир, у маҳал ёз, кун иссиқ эди. Ҳозир юк ташувчи
поездда қандай борамиз? Аёз, изғирин. Ана кўряпсанми, дераза
ойналари музлаган, етолмасдан қотиб қоламиз. Йўқ, у ёққа бориш
жуда хавфли.

Бола кўнгли чўкиб, индамай қолади.

— Сен ҳозирча ётиб тур, мен Довулга қарайин,— дея Эдигей
баҳона топади-да, касалнинг тўшаги олдига келиб, кафтларини
боланинг иссиқ чаккасига босади.

Довул зўрға кўзини очиб, иситмадан қақраган лаблари билан аранг жилмаяди. Иситмаси ҳали ҳам пасаймаган, шекилли.

— Устингни очма. Терлабсан. Тушундингми, Довул? Бешбаттар шамоллаб қоласан. Эрмак, Довул ёзилгиси келса жомни олиб бер, хўпми? Ўрнидан турмасин. Ҳадемай, ойинг ҳам навбатчиликдан келиб қолади. Уккубола янганглар эса, ҳали-замон келиб овқат беради сизларга. Довул соғайгандан сўнг бизникига чошиб келасизлар-да, Саула, Шарофатлар билан ўйнайсизлар. Мен ишга бораин, йўкса, поездлар тўхтаб қолишади, қара, қор ёғяпти,— дерди Эдигей кетиш олдидан.

— Эдигей амаки,— дерди шунда тиним билмас Эрмак бўсағага етиб қолган Эдигейга.— Атикамнинг поезди келиб тўхтаган куни агар кўп қор ёғса, мен ҳам бориб қор курайман. Кичкинагина куракчам бор.

Эдигей ҳар сафар болалар олдидан юраги ўртаниб чиқиб кетарди. Аламдан, ожизликдан, ачинганидан изтироб чекарди. Бутун олам кўзига қоронғи кўринар, охири аламини шамолдан, қор уюмларидан, тиним бермай ишлаётган туялардан олмоқчи бўларди. Бутун Сарйўзакда кўтарилган бўронни гўё бир ўзи тўхтата оладигандек, жон-жаҳди билан ишларди.

Кунлар томчилардек бир зайлда орқама-кетин ўтиб борди. Ма-на, январь ҳам ўтиб, совуқнинг заҳри бир оз пасайди. Абутолиб Қуттибоевдан эса ҳеч қандай хабар йўқ. Эдигей билан Казангап турли ўй-хаёлларга бориб, бошлари қотарди. Бошқалар учун эмас, ўзи учун бир нима ёзганнинг айби нимада, у ерда ҳеч қандай ортиқча нарса ёзилмаган-ку, ахир. Шунинг учун яқин кунлар ичида бўшатиб юборишлари керак, деб ўйлашарди. Иккаласининг ҳам умиди сўнмаган эди. Улар кўнгли чўкмасин, руҳи тушмасин, деб Зарифага ҳам ўгит беришга ҳаракат қилар эдилар. Зарифанинг ўзи ҳам азбаройи болаларни деб, тош-метиндек бардошли бўлиши зарурлигини тушунарди. У чиндан ҳам тош-метинга айланди: ўз дарди билан бўлиб индамай юрар, оғиз очиб биров билан гапиришмас, фақат кўзларигина хавотириланаётгандай жовдираб турарди. Бу сабр-тоқатнинг қанчага етишини ким билибди?!

Эдигей Бўрон бу маҳал қўли ишдан бўшаб яйловдаги ўтлаб юрган туя подаларидан, аввало Қоранорнинг қандай юрганидан хабар олиб келмоқчи бўлди. Қоранор подадаги туяларнинг биронтасини майиб қилиб қўймадимикин? Ҳовиридан тушмаганмикин?

У чанғида овулдан чиқди. Йўл унча узоқ эмас эди. Тез бориб, тез қайтди. Ҳаммаси жойида. Моллар Тулки Қуйруқ сойликларига ўтлаб юрибди, қор деярли йўқ. Шамол қорларни учуриб, ёнбағирлардаги ўтларни очиб кетган. Хавотириланмаса ҳам бўлади, деб Казангапга айтиб қўймоқчи бўлди. Бирок, Эдигей аввал чанғини уйга ташлаб чиқай, деб йўлдан қайрилди. Катта қизи Саула уйдан чўчиб чиққан қўйи отасига назар ташлаб:

— Ота, ойим йиғлапти! — дедию яна ичкарига кириб кетди. Эдигей чанғини ирптитб хавотирланганча шошиб уйга кирди. Уккуболанинг хўнграб йиғлаётганини кўриб, нафаси ичига тушиб кетди.

— Нима гап? Нима бўлди ўзи?

— Бу лавнати дунёда ҳамма нарса куриб кетсин! — дея энтикиб-энтикиб йиғларди Уккубола. Ахир у жуда ҳам бардошли, ақли-иродали аёл эди-ку.

— Ҳаммасига сен айбдорсан! Сен!

— Нега? Нима учун? — деди Эдигей хайратланиб.

— Бечора болаларнинг бошини айлантириб, ёлғон-яшиқ гапларни айтибсан. Эҳ, яна бир пассажир поезд келиб тўхтаса бўладими?! Қараса, рўпарадан бошқаси келаётган экан. Уни ўтказиш юбориш учун тўхтаб турибди. Икковининг шу бекатда учрашганларини айтмайсанми? Поезднинг тўхтаганини кўриб қолган Абутолибнинг икки боласи бирдай қичкирганча югуриб: «Ота, отажон! Отажоним келди!» деб поездга ёпишса бўладими. Мен болаларнинг ортидан югурдим. Иккалови вагондан-вагонга ирғиб: «Ота! Отажон! Отамиз қани?» дея чинқириб юришди. Поезднинг тагида қолади, деб жоним чиқаёзди. Бирор эшик очилмасди. Улар эса оталарини чақиришиб, югуриб-елиб боришарди, қичқиришарди, вагондан-вагонга ирғиб чиқишарди. Поезднинг узунлигини-ей! Мен етиб келиб кичигини ушлаб олдим, каттасининг кўлидан тортгунимча поезд юра бошлади. Иккаласи ҳам кўлимдан юлқиниб чиқиб «Отажонимиз кетти, поезддан тушолмай кетти!» деб шундай ўкириб додлашдики! Бирам йиғлашди, бирам йиғлашдики, юрагим зардобга тўлди, жинни бўлиб қолмасам, деб ўйладим. Эрмак ёмон аҳволда. Бориб болани юпат! Бор! Пассажир поезд келиб тўхтаганда, отанг келади, деб айтган сенсан. Поезд кетиб, отаси келмай қолганини кўрсанг эди! Кошки кўрсанг эди! Нега энди ҳаёт шундай қурилган, нега энди ота болага, бола отага шунчалик юрак-бағри билан бирлашиб яратилган экан-а? Жонни шунчалар қийнаш нима зарур экан-а!

Эдигей болалар олдига қатл этилган киши сингари йўл олди. Худойим, бу маъсум қалбларни беихтиёр алдаганим учун ўларимдан олдин кечир, деб тангрига илтижо этиб борарди. Ахир, уларга ёмонликни раво кўрмаган эди. Энди нима дейди, қандай жавоб қайтаради?

У кириб келиши билан йиғидан кўзлари таниб бўлмас даражада шишиб кетган Эрмак билан Довул қайтадан ўкириб йиғлай бошлашди, «Поезд келиб тўхтадию, отамиз туша олмай кетиб қолди, Эдигей амаки, сиз поездни тўхтатинг», деб бўзлаб, бир-бирига гал бермай чуғурлашиб унга бўлган воқеани тушунтирмоқчи бўлишди.

— Соғиндим, отажонимни! Соғиндим, соғиндим! — дея Эрмак чин-

кирар, умид, ишонч билан, бутун вужуди билан ялиниб-ёлворарди Эдигейнинг бўйнидан кучоқлаганча.

— Мен ҳозир ҳаммасини билиб келаман. Жим бўлинглар, бас энди, йиғламанглар.— Эдигей йиғидан ўзини тиёлмай болаларни ишонтиришга, юпантиришга интиларди, уларнинг назарида ишонган, таянган кишиси бўлгани учун ҳам ўзини йўқотиб қўймасликка киёфасини ўзгартирмасликка ҳаракат қиларди. Лекин буниси ўта кийин бўлди. «Мана, биз ҳозир борамиз, учовлон борамиз! — дерди-ю, «Қаёққа борамиз? Қаёққа? Кимга борамиз? Нима қилмоқ керак? Қандай иложи бор?» каби саволлар миясини чулғаб олди. Мана, ҳозир ташқарига чиқамиз, сўнг ўйлашиб, гаплашиб оламиз.— Эдигей нималарнидир ваъда берарди, нималарнидир айтиб гулди-рарди.

Зарифа каравотда юзини ёстикка буркаб олганча чўзилиб ётарди. Эдигей унинг ёнига борди.

— Зарифа, Зарифа! — деди Эдигей елкасига қўл текизиб.

Бирок, у ҳатто бошини ҳам кўтармади.

— Биз ташқарига чиқиб, бир оз сайр қилмоқчимиз, сўнг бизникига кирамиз,— деди у Зарифага.— Мен болаларни олиб кетяман.

Болаларни юпатиш, қолаверса, ўй-фикрларини жамлаб олиш учун ўйлаб топган бирдан бир йўли шу бўлди. Эрмакни опичлаб, Довулни эса қўлидан ушлаб олди. Кейин темир йўл бўйлаб гангиб кетаверишди. Эдигей Бўрон ўзгалар қайғусини ҳали ҳеч қачон бунчалик чекмаган эди. Уни опичлаган Эрмак ҳануз ҳиқиллаб йиғларди, ғам-ғуссага тўлиб нафас оларди. Ана шу увовқина, соғинчдан қалби дард-аламга тўлиб-тошган мурғак бола унинг елкаларидан ушлаб кетаётирки, Эдигейнинг ўкиргиси келарди.

Шу зайлда уловлон темир йўл бўйлаб, бепоён Сариўзак саҳроси сари кетаверишди. Фақат поездлар гоҳ у томон, гоҳ бу томон гулдираб ўтишарди. Келишарди кетишарди...

Эдигей иложсизликдан яна бир марта болаларга ёлғон гапиришга мажбур бўлди. Сизлар янглишибсизлар, деди. Ҳалиги, тасодифан бу бекатга тўхтаб қолган поезд бошқа томонга кетмоқда, отангиз бўлса тескари томондан келади. Афтидан, у яқин орада келмайди. Маълум бўлишича, уни катта бир кемада қандайдир денгизга матрос қилиб юборишган экан, ҳалиги кема узоқ сафардан қайтиб келган заҳоти отангиз уйда ҳозир бўлади. Ҳозирча сабр қилиш керак. Эдигей бу ёлғон сўзни болаларга ҳақиқат рўёбга чиққунча сабр-тоқат қилиб туриш учун мадад бўлади, деган ниятда айтган эди. У Абутолиб Қуттибоевнинг қайтиб келишига шубҳаланмасди. Вакт ўтиб, ҳақиқат қарор топгач унга жавоб беришлари керак. Болаларини шунчалар севган ота бир дақиқа ҳам чидаб тура олмайди...Шунинг учун ҳам Эдигей ёлғон гапирди. Абутолибни яхши билган Эдигей уй, бола-чақасидан ажраб юриш-

нинг унга нақадар оғирлигини ўзгалардан кўра яхшироқ тасаввур этарди. Ўз эрки билан кетмаган бўлса ҳам, яқинда қайтарман, деган умидда оиладан вақтинча йироклашиб кетган бошқа биров балким, бунчалик қаттиқ қайгуриб, азоб чекмаган бўларди. Аммо Абутолиб учун бу айрилиқ энг оғир жазога тенг эканини Эдигей жуда яхши биларди. Шунинг учун ҳам суд ишини текшириб, тақдирини ҳал этгунларича чидаб тура олармикин деб, Абутолибдан хавотирланар эди...

Зарифа бу орада эрини сўраб, у билан учрашиш мумкинми ёки йўқлигини хабар қилишларини илтимос қилиб, тегишли идораларга аллақачон бир нечта хат ёзиб юборди. Ҳозирча ҳеч қандай жавоб келгани йўқ. Казангап билан Эдигей ҳам бош қотиришарди. Аммо улар бунинг учун Бўронли бекатида бевосита почта алоқаси йўқлигини сабаб қилиб кўрсатишга мойил эдилар. Мактуб ёзган киши уни бирон кимса орқали юбориши ёки бўлмаса ўзи Қумбел бекатига олиб бориб ташламоғи лозим эди. Қолган хат-хабарлар ҳам аввало Қумбел бекатига келади, сўнгра ҳалигидай восита орқали юборилади...Алоқанинг бундай йўли, маълумки, ҳамма вақт ҳам ишончли бўлавермайди.

Бир сафар шундай ҳам бўлди...

Февраль ойининг сўнги кунларида Казангап интернатдаги Собитжондан хабар олиб келиш учун Қумбелга борди. Туясини миниб кетди. Қиш совуғида ўткинчи юк поездларига тушиб бориш осон эмас. Вагонларга киролмайсан, ман этилган, тамбурда кетсанг манзилга етгунча изғирин шамолга чидаб бўлмайди. Иссиққина кийиниб, туяда жўнасанг, шунда ҳам қичаб ҳайдаганда, бир кунда бориб келиш мумкин, ишларинг ҳам битади.

Казангап ўша куни кечгача қайтиб келди. Туясидан тушаётганда негадир хафахонлигини, қош-қовоғидан қор ёғилаётганини кўриб, балки ўғли интернатда бирон ишқал қилиб қўйдимикин ёки туя устида юравериб чарчагандир, деб ўйлади Эдигей.

— Хўш, қандай бориб келдинг? — деб гап қотди у.

— Бир нави — дея истар-истамас жавоб берди Казангап, юкларини тушираёттиб. Кейин ўтирилиб қарадио бир оз ўйланиб туриб: Ҳозир уйингда бўласанми? — деб сўради.

— Уйда бўламан.

— Иш бор, ҳозир кираман.

— Кирақол.

Казангап кўп ўтмай Бўкейини эргаштириб кириб келди. Ўзи олдинда, хотини ортида. Ҳар иккаласи ҳам нимадандир ташвиш тортган кўринарди. Казангап афтидан чарчаган эди: узун бўйни янада чўзилиб, елкалари чўкиб, саланглаб, мўйловлари хурпайиб турарди. Семириб кетган Бўкей хансирар, худди юраги талпинаётгандай энтикиб нафас оларди.

— Нечук хурпайиб турибсизлар, уришиб қолган эмасмисизлар? —

дея кулиб қўйди Уккубола.— Ярашгани келдингларми? Қани, ўтиринглар.

— Уришиб қолган бўлсак майли эди-я,— дея йиғламсираб жавоб берди Бўкей, ҳамон оғир нафас олар экан.

Казангап атрофга қўз югуртириб:

— Қизларинг қайда? — деб сўради.

— Зарифаникида, болалари билан ўйнаб юришибди,— деб жавоб берди Эдигей.— Уларнинг нима кераги бор сенга?

— Хунук хабар олиб келдим,— деди Казангап Эдигей билан Уккуболага юзланиб.— Ҳозирча болалар билишмасин. Оғир мусибат. Абутолибимиз ўлибди.

— Нима деяпсан?! — Эдигей ўрнидан ирғиб турди. Уккубола эса, бир чинқирди-да, оғзини кафти билан тўсди, ранги девордек оқариб кетди.

— Ўлибди! Ўлибди! Шўрлик болалар, тирик етимлар! — дея Бўкей хириллаб йиғлай бошлади.

— Қандай ўлар экан? — Эдигей ҳали ҳам эшитганига ишонмай, қўрқувдан Казангапга яқинлаша бошлади.

— Катта бекатга шунақа қоғоз келибди.

Уларнинг ҳаммаси ерга боққанча сукут сақлаб қолишди.

— Қандай бахтсизлик! Қандай бахтсизлик! — Уккубола бошини ушлаганча ҳар томонга тебраниб инграй бошлади.

— Қани у қоғоз! — сўради ниҳоят Эдигей.

— Қоғоз ўз жойида, бекатда,— дея сўзлай бошлади Казангап.

— Интернетга бориб болани кўрдим-да, сўнг Бўкейнинг совун олакелинг дегани эсимга тушиб, вокзалдаги, ўша кутиш залидаги дўконча томон қайрилдим. Эндигина эшикни очмоқчи эдимки, бекат бошлиғи Чернов билан рўбарў келиб қолдик. Кўпдан бери танишмиз. Кўришиб бўлгач, у менга: «Йўлиққанинг яхши бўлди, юр, кабинетимга кирайлик, хат бор, бекатгача олакетасан», деди. Кабинетини очди, иккаламиз кирдик. Столидан муҳрланган конверт чиқарди. «Абдутолиб Қуттибоев сизларнинг бекатчангизда ишлаганими?», деб сўради у. «Ҳа, ишлаган. Нима бўпти?» «Мана бу хат келганига уч кун бўлди. Бўронлига элиб берадиган бирон кимса топилмайди. Ма, аёлига олиб бориб бер. Унинг сўроқларига жавоб кепти. Эри ўлди, деб ёзишибди бу ерда». Сўнг у менга яна қандайдир сўз айтди, тушунмадим. Инфарктдан ўлган, деди. Инфарктдан дегани нима дегани деб сўрадим. Юраги ёрилиб ўлган, деб тушунтирди. Қара-я, юраги ёрилган эмиш! Ўтирган жойимда ҳанг-манг бўлиб қолибман. Аввалига ишонмадим. Қоғозни қўлимга олиб қарадим. Унда бундай деб ёзилган экан: «Қумбел бекатининг бошлиғига. Бўронли бекатчасида яшовчи фалончи гражданкага билдириб қўйиш учун сўроғига расмий жавоб...» Сўнгра сўроқда ётган Абутолиб Қуттибоев ана шу тарзда, касали хуруж қилиб ўлди, деб айтилган. Худди шундай ёзил-

ган. Ўқиб бўлгач, Черновга мўлтираб қараб ўтираверибман. «Гап-лар ана шунақа,— дея Чернов икки кўлини ёзди.— Олакет, хотинига берасан». Йўқ, дедим мен, бизнинг одатга кўра бундай қилишмайди. Шум хабар тарқатишни истамайман. Болалари ҳали ёш, уларни тириклайин ўлдирман-ку! Йўқ, дедим! Биз бўронликлар аввалига ўзаро кенгашиб олиб, кейин бир қарорга келамиз. Ёки бировимиз атайин келиб, бу қоғозни олиб кетармиз, қайғули хабар етказишнинг ўз йўл-йўриғи бўлади. Ахир, чумчук эмас-ку, одам ўлибди. Эҳтимол, хотини Зарифа Қуттибоевнинг ўзи келиб, кўлингиздан ўзи олар. Ўшанда қандай содир бўлганини ўзингиз айтиб тушунтириб берарсиз. Чернов эса: «Бу сенинг ишинг,— деди.— Билганингча қил. Бирок, мен нимани айтиб тушунтирардим. Ҳеч қандай тафсилотни билмайман. Бу қоғозни тегишли кишига топшириб қўйишим керак. Вассалом». Ундай бўлса, кечирасиз, дедим Черновга, бирок қоғоз хозирча сизда тура турсин, мен бориб, оғзаки айтиб бераман-да, сўнг ўша жойда ўзаро маслаҳатлашиб оламиз. «Майли, нима қилишни ўзинг биларсан», деди Чернов. Шундан сўнг у ердан чиқдим. Бутун йўл бўйи туяни чоптириб келдим. Энди нима қиламиз? «Унга бу шум хабарни айтишга ким журъат этар экан?» деб ўйлайвериб юрагим эзилди.

Казангапнинг нафаси ичига тушиб кетди. Эдигей эса, устига тоғ кулагандек икки букчайиб қолди.

— Энди нима бўлади? — деди ниҳоят Казангап.

Лекин унга ҳеч ким жавоб қайтармади.

— Шундай бўларини билган эдим,— деб куйинганидан бош чайқади Эдигей.— Болаларидан ажраганига чидай олмабди. Шунисидан кўпроқ кўрқардим. Жудоликка чидай олмаган. Кўмсаиш — бу даҳшатли нарса. Болалар эса отани соғиниб, шунчалар кўмсашиб юришибдики, уларга назар ташлашга юрак дов бермайди. Абутолиб ўрнида бошқа киши бўлганда-ку, нима учунлигини билмасак ҳам, судланиб қамоққа ҳукм этилди дердик, бир йилми ёки икки йилми ўтириб, охири чиқиб келарди. Ахир, у немисларга асир тушган, концлагерларда инсон кўрмаган кўргуликларни бошидан кечирган, партизанликнинг ҳам азоб-уқубатларини кўрган, шунча йиллар ўзга юртларда урушиб, иродаси синмаган эди, чунки у маҳаллар ёлғиз-бош, хотин, бола-чакаси йўқ эди...Энди бўлса, уни энг азиз нарса — болаларидан юрак-бағрини, этини тириклай шилиб олишгандек, юлиб олишди. Ана шунга у чидай олмади. Охир-оқибат нимага олиб келди...

— Ҳа-а, мен ҳам шуни айтмоқчиман-да,— деди Казангап.— Одам жудоликдан ўлади, деган сўзларга ишонмасдим. У ёшликка-ку ёш эди, ақли, билимдон эди, текшириб бўлгач, бўшатиб юборишларигача чидаб турса бўларди-ку... Ахир, бирор гуноҳи йўқ эди-ку! Буларнинг ҳаммасига, албатта, ақли етиб турган бўлса-да, афтидан юраги бардош беролмаган экан-да. Устига устак, шўрига шўрва тўкилиб болаларини ўлгудек яхши кўрар эди.

Узоқ вақт ўтиришиб, вазиятни мулоҳаза этиб кўришди, Зарифага қандай қилиб ётиғи билан тушунтириш, уни бу мудҳиш хабарга руҳан тайёрлаш йўлини кидиришди, нари ўйлашди, бери ўйлашди, лекин бориб-бориб ҳамма гап ана шу аччиқ ҳақиқат билан тугалланди, оила отадан ажралди, болалар етим қолишди, Зарифа бева қолди, ўнгланмас, ўрни тўлмас фожиа юз берди. Охирида, Уккуболадан ҳар нечук оқилона гап чикди:

— Зарифа бекатга бориб, қоғозни ўзи олсин. Бу мудҳиш дамларни бу ерда, болалари олдида эмас, даставвал, ўша ерда бошидан кечирсин. Ўша ерда, бекатда йиғлаб, эс-ҳушини йиғиб олар. Кейин йўлда қайтиб келаётиб нима қилиш зарурлигини ўйлаб кўриш учун ҳам вақти бўлади. Болаларнинг ҳозирча бу гапдан хабардор бўлишлари керакми, йўқми, балким улар бир оз улғайиб, кўникма ҳосил қилгунларича кутиб туришар, буни ҳам ўйлаб олсин. Уларга кўкқисдан айтиб бўладими бу воқеани...

— Тўғри айтасан,— дея маъқуллади Эдигей.— У она. Абутолибнинг ўлганини болаларига айтадими, йўқми, буни унинг ўзи ҳал этсин. Менинг эса, бу ишга юрагим бетламайди. — Кейин Эдигей айтадиган гапини айтиш учун тили бормади, раҳми келганлигидан нимадир томоғига тикилгандай бўлди-да, йўталиб олди.

Бир қарорга келишгач, Уккубола:

— Казаке,— дея маслаҳат солди Казангапга,— Зарифага ўзингиз гапиринг, бекат бошлиғида унга келган қандайдир бир хат бор экан, деб айтинг. Балки сўровларингизга жавоб хатидир, денг. Ўзи келсин, деб айтишди, денг. Яна бир гап, Зарифани бу аҳволда ёлғиз юбориб бўлмайди. Унинг бу ерда қариндош-уруғлари ҳам йўқ, яқин кишилари ҳам. Ғам-алам пайтлари ёлғиз қолишдан ёмони йўқ. Эдигей, сен биргалашиб бор, бу дамларда унинг ёнида бўл. Бундай бахтсиз кунларда бирор хунук ҳодиса юз бермасин яна. Бекатда ишим бор деб, кўшилиб кетавер. Болалари бизникида бўлиб туришади.

— Бўпти,— деди Эдигей хотинининг фикрларига рози бўлиб.— Зарифани бекатдаги касалхонага олиб бораман, деб эртага Абиловга айтаман. Ўткинчи поездни бир зумга ўзин тўхтатсин.

Ана шундай қарорга келишди. Бироқ Кумбелга фақат икки кундан кейин аранг чиқишди, бекатча бошлиғининг илтимоси билан тўхтаб ўтган поездга тушиб кетишди. Ўша куни 5 март эди. Эдигей Бўроннинг ёнида ана шу кун бир умр сақланиб қолди.

Умумий вагонга тушиб боришарди. Вагон ичи турли одамларга лик тўла: бола-чақалари билан, йўл учун албатта олинаниган юклари билан сафарга чиккан кишилар, арок-шаробнинг анкиган хиди, вагондан-вагонга тинмай нари-бери ўтаётганлар, миялари суйилиб кетгунча қарта ўйнаётганлар, тирикчиликнинг оғирлигию эркакларнинг ароқхўрлиги, эр-хотинларнинг ажралишларию аллакимларнинг никоҳ тўйлари, дафн маросимлари тўғрисида бир-бировларига

паст овозда кўнгил бўшатаётган аёллар... Йўловчиларнинг манзили олис. Йўлда кетаётган бўлсалар ҳам ҳар хил кундалик юмушлар давом этарди... Зарифа ва Эдигей Бўрон ҳам ўз кулфатлари, ғам-аламлари билан қисқа муддатга бўлса-да, уларга қўшилишди.

Албатта, Зарифа қаттиқ изтиробла эди. Бекат бошлиғидаги хатда қандай жавоб берилгани ҳақида ўйлаётир, шекилли, йўл бўйи чехраси очилмай, хаяжонланиб, ўй-хаёллар огушида индамай келарди. Эдигей ҳам кўпинча сукут сақлаб ўтирарди.

Инсон қалбида бир нохушлик кечаётганини бир қарашда пайқаб оладиган сезгир, меҳрибон кишилар дунёда оз эмас. Зарифа ўрнидан туриб, тамбур деразаси ёнида ўз ўй-хаёллари билан бўлиш учун чиққанда Эдигейнинг рўпарасида ўтирган рус кампир бошини кўтариб, ёшлик чоғлари тиниқ-қўқимтир бўлган бўлса керак, ҳозир эса қарилекдан туси ўчиб бораётган меҳрибон кўзлари билан тикилиб:

— Ҳа, ўғлим, аёлинг касалмандми? — деб сўради.

Эдигей бу гапдан чўчиб тушди:

— Аёлим эмас, бувижон, синглим бўлади. Касалхонага олиб бораёпман.

— Шундай дегин... Қарасам, бояқиш қийналиб боряпти. Аҳволи оғирга ўхшайди. Кўзларида битмас-туганмас қайғу. Ич-ичидан кўрк-япти, шекилли. Касалхонада бирор-бир даҳшатли дардни кидириб топишмасалар, деб кўрқаётган бўлса керак. Эҳ, тирикчилик қурсин! Туғилмасанг ёруғликни кўрмайсан, туғилсанг яна бир дарди-бедаво. Дунё шундай қурилган экан-да. Тангри ёрлақасин, ҳали ёш, тузалиб кетади,— дерди кампир унга чой тутар экан. Кампир бекатга яқинлашган сайин Зарифанинг қалбини тобора кучлироқ қамраб олаётган изтироб ва қайғуни қандайдир бир йўсинда пайқаб, чуқур ҳис этиб бораётган эди.

Бўронлидан Қумбелгача бир ярим соатлик йўл. Пассажирлар учун қандай жойлардан ўтаётганларининг аҳамияти йўқ. Фақат бундан сўнғ қайси бекат келади, деб сўрашади. Сариўзакнинг ким-сасизлик ҳукм сурган бепоён бўшлиқлари эса, хануз қор остида. Бироқ, киш этагини йиғиб, баҳор яқинлашганининг илк аломатлари аллақачон кўзга ташланди. Тоғ бағирларининг кунгай томонларида қорлар эриб, ер қорайган, жарлик чеккалари қордан очилиб қолган, қир-адирлар ола-чипор бўла бошлаган. Март ойи келиши билан қор эриб чўқа бошлаган эди. Аммо ҳавонинг пастки қатламида сузиб юрган кулранг булутлар ҳали ҳам куюш юзини беркатиб турарди. Қиш ҳали қишлигини қилиши мумкин, ёмғир аралаш қалин қор ёғиши ё кучли изгирин кўтарилиш эҳтимоли бор эди...

Эдигей гоҳ-гоҳ деразага қараб қўяркан, рўпарасидаги раҳмдил кампир билан онда-сонда гаплашиб, ўз жойидан жилмай ўтираверди. Аммо Зарифанинг ёнига яқинлашмасди. Вагон деразаси олди-

да ёлғиз туриб, ўз ҳолатини мулоҳаза қилиб кўрсин, деб ўйлади Эдигей. Эҳтимол, ички кечинмалари унга бирор йўл-йўрик кўрсатар. Балким ўтган йили куз бошида ҳаммалари биргалашиб, икки хонадон бола-чақалари билан юк ташийдиган вагонга тушиб, тарвуз, қовун олиб келиш учун Қумбелга борганлари, ўшанда ниҳоятда шод-хуррам бўлганлари, айниқса болалар учун бу саёҳатнинг унутилмас байрамга айлангани ёдига тушар. Шуларнинг ҳаммаси яқиндагина бўлиб ўтгандай туюларди. Ўшанда Эдигей билан Абутолиб қия очилган эшик олдида юзларини шамолга тутиб, у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб боришар, болалар атрофларида гир айланишиб, ташқарида гўё сузиб ўтаётган қир-адирларни кизиқиб томоша қилишарди. Зарифа билан Уққубола эса қандайдир юрак сирларини айтиб ўтиришарди. Сўнг дўкондан дўконга ўтиб, бекат боғида сайр этишган, кино кўришган, сартарошхонага киришган. Болалар музқаймоқ ейишган эди. Ҳаммасидан ҳам Эрмакнинг кўрканидан сартарош машинасини бошига яқинлаштирмагани кулгили бўлган. Ҳаммалари бир бўлиб ҳам уни соч олдиришга кўндиролмаган эдилар. Ўшанда Абутолиб сартарошхона бўсағасида пайдо бўлиши билан ўглининг ота кучоғига отилгани, ота ҳам уни ердан кўтариб, сартарошдан ҳимоя этгандек бағрига босгани, куч-ғайратимизни йиғиб, келаси сафар келамиз, ҳозирча туратурсин, дегани ҳали-ҳали Эдигейнинг кўз ўнгида. Эрмакнинг қоп-қора жингалак сочи туғилганидан бери ўсаётган эди, энди эса у етим бўлиб қолди.

Эдигей Бўрон нима учун Абутолиб Қуттибоев иши ҳал бўлгунча қутолмай ўлгани сабабини яна қайта-қайта ўйлаб, бунинг маъносини тушуниб етмоқчи бўларди. У яна ўша хулосага келарди: болаларини ҳаддан ташқари соғинганидан юраги бардош беролмаган. Абутолиб болаларисиз яшашни ҳатто ҳавосиз нафас олишдек тасаввур этадиган киши эди. Ҳавосиз ҳаёт эса бир зумда тўхтаб қолади. Жудоликнинг қанчалик оғирлигини ҳамма ҳам Абутолибчалик сезавермайди. Болалар отасидан ажраб, қандайдир бир бекатчада, кимсасиз, сувсиз Сариўзақда тақдирнинг қаҳрига учраб қолди, деган мунгли ўй-хаёлларгина ўлдирди уни...

Эдигей бекат ёнидаги хиёбонда скамейкада ўтирган қўйи Зарифани кутиб олаётганида ҳам ҳамон шу ҳақда ўйларди. Улар Зарифа бекат бошлиғи олдига кириб, қоғозларни олиб чиққач, шу ерда учрашишга аҳдлашган эдилар.

Кун яримлаб қолган, бироқ ҳали ҳам ҳавонинг авзойи бузук эди. Қор учкунларими, ёмғир томчиларими, ҳарқалай, нимадир, орасира киши юзига уриларди. Даштлик бўйлаб аллақачон эрий бошлаган қор ҳидидан тўйинган шамол эсиб турарди. Эдигей совқо-тиб, паришонхотир ўтирарди. У одатда мавриди келса бекатда ҳар ёққа ўтаётган одамлар орасида тикилишиб юришни яхши кўрарди. Ўзи-ку узок ерга бормайди, бирор нарсадан ташвишланмайди,

лекин келган-кетган поездларни кўради, вагондан сакраб тушиб перронда шошилиб, югуриб-елиб кетаётган пассажирларни томоша қилади. Турмуш кинога ўхшаб кетарди: поезд келса эл йиғилиб, кино бошланади, поезд кетса одамлар ҳам тарқалишади, перрон бўм-бўш бўлиб қолади.

Хозир эса бунака нарсаларнинг мавриди эмасди. Ўтган-кетганларнинг бефарқ киёфасини, уларнинг қандайдир бепарво, чарчок ҳолда эканликларини кўриб ҳайрон қоларди... Бунинг устига шамоллаб, томоғи оғриб қолган кишидек хириллаб, бекат майдонига радиодан таралаётган музика ҳам ўзининг бир зайлда увлаган садоси билан кишини ғам-ғуссага соларди. Шу ҳам музика бўлдию! Негадир дикторларнинг салобатли, улуғвор овозлари ҳам жимиб қолди. Гўё бошқаси қуригандек шу музикани қўйгани-қўйган!..

Зарифанинг вокзал биносига кириб кетганига йигирма дақиқача, эҳтимол ундан ҳам кўпроқ вақт ўтди. Эдигей безовталана бошлади. Ўтган сафар Абутолиб болалари билан келишганларида шу ўриндиқда ўтириб музқаймоқ ейишган эди. Эдигей Зарифа билан қатъий келишган бўлса ҳам кўнгли тинчимаё ортидан бормоқчи бўлди.

Шу пайт у Зарифани вокзал эшиги ёнида кўриб, бирдан чўчиб кетди. Зарифа кириб-чикиб турган одамлар тўдаси орасида ҳамма нарсадан холи, ёлғизлангандай кўзга ташланди. Ранг-рўйи мурданикидай оқариб кетган, худди атрофда ҳеч нарса йўқдек, даштликда ёлғиз ўзи юриб бораётгандай эди. Кўзлари ожизларники сингари юмилган, бошини тик тутиб, ғам-ғуссасини ичига ютиб, лабларини қаттиқ қимтиб олганча келарди. Яқинлашганда Эдигей ўрнидан турди: у секин яқинлашиб келаётгандай туюлди, қаршисида ҳеч нарсани илғамай, кўз олди шу қадар қоронғилашиб, секин-аста тунд ҳолда келиши даҳшатли эди. Муҳрланган қалин конвертни ушлаб яқин келгунча, афтидан бутун бир абадиёт кечди, чидаб бўлмас интизорликнинг ўртадаги тубсиз, зулматли масофасини босиб ўтгунча бир олам замон ўтди, яқинлашиб келдию аранг шивирлаб сўради:

— Сен билармидинг?

Эдигей оҳиста бошини эгди.

Зарифа ҳолсизланиб скамейкага ўтирди-да, қўллари билан юзини беркитиб, гўё боши танасидан кулаб тушиб, тарс ёрилиб кетгудай қаттиқ сикқанча, бутун вужуди билан дард-алам ва жудоликдан зор-зор йиғлай бошлади. Йиғлаганда ҳам жон азобида ларзага келиб, ўзига эрк бериб йиғлар, чексиз қайғуга берилганидан чўкиб борарди. Ёнида ўтирган Эдигей эса Абутолибни олиб кетаётганларидаги сингари бу муштипар аёлни жабр-ситамлардан кутқариб қолиш учун Абутолиб ўрнига, ҳеч қандай иккиланмасдан, ўзи кетишга, ҳар қандай азоб-уқубатларни бошидан кечиришга тайёр эди. Айни замонда, эс-хушини олиб қўйган бу биринчи зарбадан

зор-зор йиғлаб ўзига келмагунча уни ҳеч нима билан кўнглини кўтариб ҳам, юпатиб ҳам бўлмаслигини тушуниб турарди.

Шу йўсинда улар бекат олдидаги хиёбон скамейкасида ўтиришарди. Зарифа титраб-қақшаганча хўрсиниб йиғларди. У бир маҳал кўлидаги гижимланган конвертни хосиятсиз мактуб билан бирга ирғитиб юборди. Модомики, Абутолибнинг ўзи тирик эмас экан, қоғознинг энди кимга кераги бор? Бирок Эдигей конвертни олди-да, чўнтагига солиб кўйди. Сўнг рўмолчасини чиқариб йиғлаётган Зарифанинг гужанак бўлиб қолган бармоқларини арабг очган ҳолда унга тутқазди ва кўзёшларини артишга ундади. Лекин бу ҳам ёрдам бермади.

Радиодан атайлаб эшиттираётгандек, бекат узра юракни ҳадсиз эзадиган мотам марши тараларди. Март ойи осмонидаги кулранг, намхуш булутлар тепадан босиб тургандек туюлар, изғирин шамол эса кишини беҳузур қиларди. Ўтган-кетганлар Зарифа билан Эдигейга қараб-қараб қўйишарди-да, ичларида уришишган бўлсалар керак, эри хотинини қаттиқ койиган кўринади, деб ўйлашарди. Аммо маълум бўлишича, ҳамма ҳам шундай деб ўйламаган экан.

— Йиғланг...яхшилар йиғланг,— дея кимдир яқиндан ҳамдардлик изҳор этган бўлди.— Меҳрибон отажонимиздан айрилиб қолдик! Энди нима бўлади?

Эдигей бошини кўтариб, олдидан ўтиб бораётган эски шинелда, қўлтиқтаёк билан кетаётган аёлни кўрди. Унинг бир оёғи сонидан йўқ эди. Эдигей уни таниди. Фронтовик, ҳозир бекатнинг билет кассасида ишлайди. У изтироб чекиб йиғлаганидан кўзлари шишиб кетган, йиғи орасида ўзича гапириб борарди: «Йиғлангиз, йиғлангиз. Энди нима бўлади-а?» Йиғлаганича қўлтиқтаёғига суяниб нари кетар экан, икки елкасини ғайритабиий равишда кўтариб борарди, қўлтиқтаёғи тақиллаб ҳатлаганида бир оёғи кийилавериш эскириб кетган солдат этиги ҳам ортидан етиб борарди...

Бу аёл айтган сўзларнинг маъносини Эдигей вокзал дарвозаси ёнида бирдан тўпланган одамларни кўрганда тушунди. Одамлар бошларини юқори кўтарганча бир неча киши нарвонга чиқиб, Сталиннинг мотам лентасига ўралган каттақон портретини терак бўйи баландликка осаетганликларига қараб туришарди.

Радиодан нима учун бунчалик мунгли куй таралаётганининг сабабини ҳам энди тушунди. Бошқа бир вақт бўлганда эди, у ҳам ўрнидан туриб, одамларга қўшилиб, олам чархини ҳеч ким унингсиз тасаввур этолмайдиган бу улуғ инсоннинг нечук, қачон вафот этганлигини сўраб, билиб олган бўларди. Бирок ҳозир ўз қайғусидан ортмасди. У оғиз очмай ўтираверди. Зарифа ҳам ўзи билан ўзи бўлиб, бирон нарсага алаҳсимасди...

Дунёда не-не воқеалар содир бўлаётганлигига қарамай, ўз одати бўйича, ҳаракатда бўлган поездлар келиб-кетишарди. Ярим соатдан сўнг олисга йўл оладиган ўн еттинчи номерли поезд ҳамма пассажир

поездлари сингари Бўронлига ўхшаган бекатчаларда тўхтамай ўтарди. У ўз ҳисоб-китоби бўйича ҳаракат қиларди. Аммо бу сафар ўн еттинчи поезд Бўронли бекатчасида тўхтади, деб ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмаган эди. Эдигей ўзича қатъий равишда ва бамайлихотир уни тўхтатишга қарор қилди! У Зарифага деди:

— Қайтишимизга ҳам оз қолди, Зарифа. Болаларга отасининг нима бўлганини ҳозир айтасанми ёки кутиб турасанми, ҳозирок яхшилаб ўйлаб олишинг керак. Сени юпатмоқчи, ақл ўргатмоқчи эмасан. Энди уларнинг отаси ҳам, онаси ҳам ўзингсан. Бирок, сен бу ҳақда йўлдаёқ фикр юритиб олишинг керак. Агар болаларга ҳозирча айтмай турайлик десанг, унда эс-ҳушингни йиғиб ол. Уларнинг олдида кўзёши қилиш асло мумкин эмас. Ана шунга кучинг етадимми, чидай оласанми? Биз уларнинг олдида ўзимизни қандай тутишимизни билиб олмоғимиз даркор. Тушундингми? Ҳамма гап ана шунда.

— Маъқул, ҳаммасини тушуниб турибман,— деди Зарифа йиғи аралаш.— Уйга етгунча ўйлаб ўйимга етайин, ўшанда нима қиларимизни айтаман. Мен ҳозир... ўзимга келиб олай... Ҳозир...

Қайтишда поездда яна ҳалиги манзара: одамлар тирбанд, ҳаммаёқ папирос тутуни... Поезд аввалгидек бепоён Сарийўзак бўшлиқларининг у чеккасидан бу чеккасига қатнаб турарди.

Зарифа билан Эдигей купе вагонга тушган эканлар. Пассажирлар бу ерда бир оз камроқ эди. Ўтган-кетганларнинг йўлини тўсмаслик ҳамда ўз ишлари юзасидан суҳбатлашиб кетиш учун иккаласи йўлакнинг энг чеккасидаги дераза остига жойлашиб олишди. Эдигей йиғилма ўриндикқа ўтириб олди. Зарифа, ўтир деса ҳам унамай, ёнида тик турганча деразадан ташқарига қараб келарди.

— Шундай турганим яхши,— деди у.

Ҳали ҳам онда-сонда ҳиқиллаб йиғлар, бор кучи билан ўзини қўлга олиб, бошига тушган кулфатга бардош беришга, фикр-хаёлларини йиғиб олишга тиришарди. Деразага қараб турганча ўзининг янги — бевалик турмушини энди қандай изга солишни ўйларди. Илгарилари буларнинг ҳаммаси даҳшатли туш каби бир кунмас бир кун ўтар кетар, бу англашилмовчилик ечими топилмасдан шу ҳолича қолиб кетиши мумкин эмас-ку, ахир, Абутолиб эртами, кечми, ярқ этиб келиб қолар, хонадон аҳли яна бирга яшаб, ҳар қанча қийин бўлса ҳам турмушларини қайтадан ўнглаб, болаларни тарбиялаб ўстиришар, бошқа ҳамма қийинчиликлар аста-секин, бартараф этилар, деган умид бор эди. Энди эса умид қолмади. Хуллас, унинг ўйлаб оладиган нарсалари оз эмас эди...

Бу оила тақдирига бефарқ қарай олмаган Эдигей Бўрон ҳам шу ҳақда бош котиради. Ахир, аҳвол шундай бўлиб қолди. Модомики, энди бундан буён уларнинг таянчи бўлиб қолар экан, ўзини ҳар қачонгидан кўра вазмин, хотиржам тутиб, шу билан Зарифага қандайдир ишонч бағишлаш лозим, деб ҳисобларди. Эдигей уни шоширмасди. Шундай қилгани ҳам тўғри бўлди. Йиғлаб бўлгач, Зарифанинг ўзи сўз бошлади:

— Оталарининг энди йўқ эканини hozирча уларга айтмай туришга тўғри келади,— деди у кўзёшларини ютиб, ўзини йиғидан тўхтатишга уринар экан.— Аммо hozир айтолмайман. Айниқса, Эрмак... Ота-бола бир-бирига шунчалар ҳам меҳр қўядими... Дахшат-ку бу! Умидларини пучга чиқариб бўладими? Энди тирикларнинг ҳоли не кечади? Ахир, улар фақат шу умид билан, соғинч билан яшаб келишар эди... Кун санаб, соатлару дақиқаларни санаб орзикиб кутиб юришарди... Кейинчалик бу ердан кетиб, бошқа бирор жойда яшамасак бўлмас... Бир оз вақт ўтсин. Эрмакдан қўрқаман. Бир оз бўлса ҳам ўсиб-улғайса... Ўшанда айтарман, унғача ўзлари ҳам кам-кам пайқаб қолишар. Hozир бўлмайди, айтишга тилим бормайди... Ундан кўра азоб-укубатни ўзим тортиб турганим маъкул... Ўзимнинг ҳам, унинг ҳам оға-инисию туғишганларимизга хат ёзаман. Энди улар биздан нега қўркишсин? Бирорталари келиб, бизни кўчириб кетишга ёрдам берар. У ёғи бир гап бўлар... Модомики, Абутолиб кўз юмган экан, энди болаларини бир амаллаб ўстирсам...

Зарифа шундай мулоҳаза юритарди. Эдигей Бўрон эса чурк этмай кулоқ соларди, ҳар бир сўзининг мағзини чақиб, уқиб олди, айтилган гаплар унинг хаёлини чулғаб олган туйғулар қуюнининг фақат озгина қисми, энг устки қатламигина эканини англаб етди. Бундай пайтларда ичингдагининг ҳаммасини айтиб тугата олмайсан... Шунинг учун ҳам Эдигей, иложи борича мавзу доирасини кенгайтирмасликка уриниб деди:

— Агар болаларингни кўрмаган-билмаган бўлганимда, сўзларингга шубҳаланган бўлардим. Бирок, сенинг ўрнингда бўлганимда мен ҳам ботиниб оғиз очолмасдим. Бир оз кутиб туриш керак. Қариндош-уруғларинг хабарлашгунча, иккиланмасдан бизга мурожаат қилавер. Кўнглинг тўқ бўлсин. Қандай яшаб келган бўлсак, шундай яшайверамиз. Илгаригидек ишлайвер, болаларинг бизнинг болалар билан бирга бўлишади. Ўзинг биласан-ку, Уккубола уларни ўзиникидек севади. Кейин бир гап бўлар...

Ўша суҳбатда Зарифа оғир хўрсиниб яна бундай деди:

— Турмуш ўзи шундай қурилган экан-да... Накадар қўркинчли, накадар оқилона, шу билан бирга ўзаро узвий боғлиқ: боши, охири ва давоми бор... Агар болалар бўлмаганида эди, ростини айтсам, Эдигей, мен учун энди яшашнинг кизиғи қолмасди. Жонимдан кечиб қўя қолардим. Яшаб нима қилардим? Бирок, уларни тарбиялаш менинг бурчим, улар мени ушлаб туришибди. Нажоткорим шулар... Аччиқ ва оғир бўлса ҳам ҳаёт давом этади... Hozир қўрққанимнинг сабаби болалар отадан жудо бўлганини билиб қолишлари эмас. Тўғри, бир куни билиб олишадилар-ку, албатта. Бундан буён ҳаётимиз не кечаркан, деб ўйлаяпман hozир. Оталарининг тақдирдан қалблари бир умрга жароҳатланиб қолади-да. Ўқишга киришадими, ишга жойлашишадими, эл-юрт кўзига тушишадими,

қачон бўлмасин, бу фамилияда юришнинг ўзи уларга тўғаноқ бўлади... Шу ҳақда ўйлаганимда, назаримда, тақдир бизнинг йўлимизга қандайдир қудратли тўсиқ қўйгандек туюлади. Абутолиб икковимиз бу ҳақда гапиришдан ўзимизни тияр эдик. Мен уни аясам, у ҳам мени аярди. Унинг кўзи тириклигида болаларининг тенгқурларидан кам бўлмай, ўсишларига шубҳаланмас эдим. Бизни ана шу умид ҳар қандай ғам-андуҳлардан, бахтсизликлардан сақлаб келди... Энди эса бошим қотиб қолди. Мен унинг ўрнини босолмайман... Чунки Абутолибнинг ўзигина Абутолиб эди — у ҳаммасининг уддасидан чиқа оларди! Ўзини турли муқомга солиб, болаларининг қалбига сингиб кетгандек яшарди. Шунинг учун ҳам у соғинчдан, фарзандларидан жудо этилганидан ўлиб кетди...

Эдигей унинг сўзларини диққат билан тингларди. Зарифа ўзининг энг яқин кишисидек билиб, юракдаги гапларини айтиб бераётганидан таъсирланган Эдигей қандайдир бир яхшилик билан жавоб қайтаргиси, уни ҳимоя этгиси, ёрдам бергиси келди; аммо ўзининг ноиложлигини тушуниб, алаmidан юрак-бағри эзилди.

Улар Бўронли бекатига яқинлашиб қолишган эди. Кўп йиллардан бери ёзин-қишин ишлаб юрган таниш жойлардан ўтиб боришарди...

— Тайёрлангин, — деди у Зарифага. — Келиб қолдик. Демак, ҳозирча бу ҳақда болаларга оғиз очмаймиз, деган қарорга келдик. Бўпти, ўйлаганимизча бўлсин. Сен сир бой бериб қўймагин яна. Ўзингни сал тартибга солгин. Тамбурга бор, эшик ёнида тур. Поезд тўхташи биланоқ ўзингни бамайлихотир тутиб, вагондан тушгач, мени кутатур. Бирга кетамиз.

— Сен нима қилмоқчисан?

— Ҳеч нима. Буёғини менга қўйиб бер. Осмон узилиб тушса ҳам сенинг поезддан тушишга ҳақкинг бор-ку.

Ўн еттинчи номерли пассажир поезда, одатдагидек, семафор қаршисида юриш суръатини бир оз секинлатган бўлса ҳам, бекатчада тўхтамай ўтиб бораётган эди. Шу пайт, Бўронлига кираверишда поезд кескин тормозландию вишиллаб, буксалари даҳшатли вижирлаганча такқа тўхтади. Ҳамма чўчиб тушди. Поезднинг бошидан оёғигача кий-чув, ҳуштак овозлари кўтарилди.

— Нима гап ўзи?

— Стоп-кранни босибдимиз?!

— Ким?

— Қаерда?

— Купе вагонда!

Шу орада Эдигей эшикни очди-ю, Зарифа поезддан тушди. Ўзи эса проводник билан кондуктор келгунча тамбурда кутиб турди.

— Тўхта! Стоп-кранни ким босди?

— Мен, — деди Эдигей.

— Кимсан ўзинг? Бундай қилишга нима ҳақкинг бор?

— Керак эди.

— Керак эди, деганинг нимаси? Судга тушгинг келдими?

— Шунақа. Судингами, бошқангами, актга истаганингча ёзиб олавер. Мана хужжатларим. Собик фронтчи, темир йўл ишчиси Эдигей Жонкелдин Бўронли бекатчасига етганда, ўртоқ Сталиннинг вафоти муносабати билан мотам аломати сифатида стоп-кранни босиб, поездни тўхтатди, деб ёзиб олинглар.

— Нечук? Нахотки Сталин ўлган бўлса?!

— Ҳа, радио орқали эълон қилишди. Эшитиш керак эди.

— Ундай бўлса, бошқа гап,— дея анови иккаласи гангиб қолишди-да, Эдигейга йўл беришди.— Ундай бўлса боравер.

Бир неча дақиқадан сўнг ўн еттинчи поезд яна йўлида давом этди...

Бу ўлкаларда поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради.

Темир йўлнинг иккала томонида ёвшанзор билан қопланган ҳайҳотдай даштлик — Сариўзак, ўртачўл ястаниб ётади.

Ўша кезлари бу ўлкада — Сариўзак космодромидан ном-нишон ҳам йўқ эди. Эҳтимол, у космик парвозларнинг ижодкорлари хаёлидагина мавжуд эди, холос.

Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Элик учинчи йилнинг ёзи билан кузи Эдигей Бўрон ҳаётида энг оғир, энг машаққатли дамлар бўлди. Ўша йилгача ҳам, ундан сўнг ҳам Сариўзак темир йўлини қор уюмлари босган пайтларда ёки Сариўзакда бир томчи сув тополмай, офтобда куйган чоғларида, фронтда Кенигсберггача жанг қилиб бориб, минг бор ҳалок бўлиши ё ярадор бўлиши, минг бор шикастланган бўлиши мумкин бўлган кезларда ҳам, ўша кунлардагидек азоб-уқубат чеккан эмас эди...

Қандай қилиб ер кўчишини, уни дунёда тўхтатиб қоладиган ҳеч қандай куч йўқлигидан тоғ ёнбағриларининг ўрнидан силжиб, кулаб кетишларини, ҳатто бутун бошли тоғларнинг яширин ётган кўкси ёрилиб, бир ёнга ўпирилиб тушишини Афанасий Иванович Елизаров бир вақтлар Эдигей Бўронга гапириб берган эди. Ўшанда оёғи остида қандай фалокат яшириниб ётганини сезган одамлар ваҳимага тушишадди. Ер кўчишининг энг ҳавфли томони шундаки, бу ҳодиса секин-аста, кун сайин, сезилмасдан етила боради, чунки сизот сувлар ер қатламларини бора-бора ювиб кетади, ўшанда ер озгина силкинса, момақалдиروق ёки қаттиқ сел ёғса, бас, туби бўшаган тоғ пастга қараб аста-секин, узлуксиз равишда жойидан силжий бошлайди. Қор кўчиши-ку бирданига юз бериб, тезда тугайди. Аммо ер кўчиши дахшатли бўлади, уни тўхтата оладиган куч эса дунёда йўқ!..

Шунга ўхшаш ҳодиса одамда ҳам рўй беради: ўзи яккаю ёлғиз



қолганда ичидаги бартараф этиб бўлмас қарама-қаршиликлар натижа-сида рухи тушиб, умидсизланиб, ўзини ҳар томонга уради. Дунёда ҳеч ким ёрдам бера олмайдиган бўлгандан сўнг бировга сир очишининг ҳам кераги бўлмай қолади. Буни ўша кишининг ўзигина тушунади ва шундан кўрқади. Бу кўрқув эса ер кўчиши сингари тўхтовсиз босиб келаверади...

Эдигей ер кўчиши пайтида бўладигандек кўрқув хиссини қалбида биринчи марта сезди, бу ҳодисанинг маъносини Зарифа билан қилган сафаридан сўнг орадан икки ой ўтгач, яна ўз ишлари билан Қумбелга борганда аниқ англади. Эдигей почтага кириб, хат борми ёки йўқлигини аниқлаб, агар хат-хабар бўлмаса, унга — Зарифа берган уч адресга учта телеграмма юборишга ваъда берган эди. Ўша кунгача Зарифа қариндош-уруғларига ёзган бирорта хатига жавоб келмади. Энди ҳалиги телеграммаларни ёза туриб Зарифа фақат бир нарсани — хатларни олишдими, йўқми, шуни билмоқчи эди, холос. Хатларга жавоб ёзиш шарт эмас деган. Афтидан, Абутолибнинг ака-укалари, опа-сингиллари унинг оиласи билан хатто хат орқали ҳам алоқа боғлашни истамай қўйишган кўринади.

Эдигей Бўрон Қоранорига миниб, кечгача қайтиб келишга улгуриш мақсадида эрталаб йўлга чиқди. Юксиз, салтсувой борганда эди, таниш шофёрларнинг қайси бири бўлмасин, уни бемалол машинасида олиб кетарди. Қумбелгача ярим соатлик йўл. Бирок, Эдигей Абутолибнинг болаларидан қочиб, поездга тушишдан ўзини тиярди. Ҳар иккалови, каттасиyo кичиги отасининг қайтишини кутиб, кун сайин темир йўл бўйлаб юришади. Ўйнашса — ўйинида, сўзлашса — сўзларида, айтган топишмоқлариyo чизган суратларида, ишқилиб, уларнинг болаларга хос туриш-турмушларида оталарини жон-дилидан кутиш сезиларди. Болалар учун, шубҳасиз, энг обрўли киши Эдигей амакининг ўзи ҳисобланади, уларнинг ишончи — Эдигей амаки ҳамма нарсани билади ва ундан ўзга ҳеч ким ёрдам беролмайди.

Унингсиз болаларнинг бу бекатда бешбаттар қайғуга берилиб, етимсираб қолишларини Эдигейнинг ўзи яхши билади, шунинг учун ҳам ишдан бўшаши биланок болалар ёнига ўтиб, уларни беҳуда кутишлардан қалғитишга нима биландир андармон қилишга уринарди. Эдигей Абутолибнинг денгиз ҳикояларини болаларга кўпроқ сўзлаб бер, деган васиятини эслаб болалик чоғларида, ўспиринлик вақтларида балиқ овлаганининг янги-янги тафсилотларини хаёлига келтиради-да, Орол денгизи тўғрисида рости ёлғон аралаш ҳикоялар айтиб беради. Бу ҳикояларни болаларнинг онг, сезгисига мослаб айтарди-ю, ҳар сафар уларнинг фаҳм-фаросатига, сезгирлигига қойил қоларди; отасининг тарбияси уларга сингиб кетганини пайқаб жуда хурсанд бўларди. Эдигей бўлган-бўлмаган ҳодисаларни кўпроқ қичигига, Эрмакка мослаб айтарди. Бирок, кенжа Эрмак катталардан қолишмасди. Эдигейнинг икки кизи билан бирга унинг ҳикояларини эшитадиганлар тўрт нафар бўлса-да, Эрмак улар орасида Эдигей кўнглига

энг якини эди, лекин буни бошқаларига сездирмасди. Эрмак унинг айтган ҳикояларини ҳаммадан қизиқиб тинглар, маъносини бошқалардан кўра яхшироқ тушунтириб берарди. Нима ҳақда сўз юритилмасин, қайси бир ҳикоя қаердан бошланиб, қандай ривожланмасин, у ҳаммасини отаси билан боғларди. Отаси унинг учун ҳамма ишда, ҳамма жойда ҳозир у нозир эди. Мисол учун, дейлик, мана бу ҳақда сўз боряпти:

— Орол денгизининг ёқасида қамиш босган қўллар кўп. Қамишлар орасида эса қўлларида қурол билан беркиниб юрган овчилар бор. Баҳор чоғи Оролга ўрдақлар учиб келишади. Улар қишни илик денгизларда ўтказишган, Оролда музлар эриши биланок кечани кеча, кундузни кундуз демай орзиқиб учиб келишади, чунки бу ерларни жуда соғиниб қолишган. Ёлғиз учмай, тўп-тўп бўлиб учишади, сувда сузиб, думбалок ошиб чўмилиғиси келади. Денгиз яқинлашган сайин пастлаб учадилар. Шу пайт қамиш келидан ялт-қолт ўт аралаш тутун бурқсиб чиқади, тарс-турс отилган милтиқ овозлари эшитилади. Ўқ еган ўрдақлар чинқирган кўйи сувга қулашади. Бошқалари эса чўчиб денгиз ўртасига учиб кетишади. Денгиз ўртасида улар қандай яшашларини, қаерга яширинишларини билмай, тўлқинлар устида чинқириб, учиб юришади. Ахир, ўрдақлар қирғоққа яқин яшаб ўрганиб қолишган. Энди қирғоққа яқинлашгани кўркишади.

— Эдигей амаки, ўрдақлардан бири дарҳол келган томонига учиб кетади-а?

— Нега қайтиб учиб кетади?

— Нега бўларди, ахир у ерда менинг отам матрос-ку! У каттакон кемада сузиб юради. Ўзингиз гапириб берган эдингиз-ку, Эдигей амаки.

— Ҳа, тўғри, тўғри, худди шундай,— дея эслай бошлади ноқулай аҳволда қолган Эдигей.— Хўш, кейин нима бўлади?

— Кейин ўрдақ отамнинг ёнига учиб боради-да, овчилар қамишзорга кириб олиб, бизга ўқ узишяпти, деб айтади. Яшайдиган жойимиз йўқ, деб айтади.

— Рост, рост, бу гапинг тўғри.

— Отам ўша ўрдаққа, яқин орада ўзим ҳам борамаң деб айтади, бекатда Довул, Эрмак деган икки бола бор, яна Эдигей амаки бор деб айтади. Мен борганда ҳаммамиз йиғилишиб, Орол денгизига борамиз, қамишзорга беркинган ҳамма овчиларни қувиб чиқарамиз. Кейин сизларга ҳеч ким ўқ узмайдиган бўлади. Орол денгизига учиб келиб яшайверасизлар, деймиз... Ўрдақлар сувда чўмилишаверади, боши билан умбалок ошиб юзишаверади...

Эдигей Бўрон ҳикоялари тугагач, тошчалар билан фол очишга тутинади. Энди у доимо чўнтагида ҳар бири катта нўхатдай келади-ган қирқ битта тошча олиб юрарди. Фолбинлик — бу қадимги усулнинг ўзига хос мураккаб сўз, атамалари бор. Эдигей бу тошчаларни бир жойга тўпларкан: очик айтиб, ҳақ гапир, дея ўзича уларни сеҳрлагандай шивирлаб гапирар, Абутолиб қайда экан, йўли очикми-

кин, ёпикмикин, шуни айт, пешонаси ёруғмикин ё йўкми, кўнгли ғашми ёки хурсандми, бунисини ҳам айт, деб фол очарди. Болалар Эдигейнинг тошчаларни тўпидан ажратиб, сўнг ҳар бирининг ўз ўрнини топиб кўяётганини кўз узмай, диққат билан, индамай кузатиб турадилар. Бир гал Эдигей уйлари муюлишида секин шивирлашиб гапиришаётган болаларнинг овозини эшитиб қолди. Секингина қараса, Абутолибнинг болалари экан. Эрмакнинг ўзи тошчалар билан фол очарди. Тошчаларни билганича жойлаштириб ҳар бирини пешонасига ҳамда лабига тегизиб, тасдиқлаб кўярди:

— Мен сени севаман. Сен жуда ақлли, яхши тошсан. Янглишмай, қоқинмай, Эдигей амакининг тошчаларидай, рост гапни, очигини айтавер.— Кейин у Эдигей амакиси гапларини айнан такрорлаб, тошларни қандай жойлаштиришнинг аҳамиятини тушунтира бошлади.— Мана кўряпсанми, Довул, умумий манзара ёмон эмас, жуда ҳам яхши. Мана бу йўл, йўлни бир оз туман босган. Қандайдир бир туманлик кўзга ташланади. Лекин бунинг ҳечқиси йўқ. Эдигей амакининг айтишича, бу йўл азоби. Йўл бусиз бўлмайди. Отам доимо йўлга ҳозирлик кўради. У отга минайин деса, айили бир оз бўшаб қолибди. Мана, кўряпсанми, айил тортилмаган. Яна ҳам маҳкамрок тортса бўлади. Демак, отамни яна нимадир ушлаб турибди, Довул. Кутишга тўғри келади. Энди ўнг қовурғасини ва чап қовурғасини қарайлик. Қовурғалар бус-бутун. Буниси яхши, албатта. Пешонаси нимани кўрсатар экан?.. Негадир қовоги солиқ. У биз ҳақимизда жуда ташвишланаяпти, Довул. Аммо юраги, мана бу тошларни кўряпсанми, юраги ҳасрат, соғинч билан тўлиб-тошган. У уйни жуда соғинган. Йўли қачон очилар экан?.. Яқин орада. Бироқ, отининг кейинги оёғида такаси бўшаб қолибди. Янгидан такаламаса бўлмайди. Демак, яна кутишга тўғри келади. Хуржунини қарайлик-чи, нима бор экан?.. Эҳ-ҳе, хуржунда бозордан сотиб олинган нарсалар! Мана энди унинг юлдузи тўғри келармикин?.. Мана бу юлдузни кўряпсанми, бу от боғлайдиган олтин қозик. Отнинг изи ўшандан бошланибди. Бу излар ҳали аниқ кўзга ташланмайди. Демак, отам ҳадемай олтин қозикка боғланиб турган отини ечиб минганча йўлга чиқар экан-да...

Эдигей Бўрон буларнинг ҳаммасидан таъсирланиб, ҳам хафа бўлиб, ҳам ҳайратланиб ўзини билдирмасдан нари ўтиб кетди. Ўша кундан бошлаб тош билан фол очишдан воз кечди...

Аммо болаларнинг йўриғи бошқа. Уларни ҳар қалай овутиш, умидлантириш, борингки, гуноҳ бўлса ҳам маълум муддатга алдаб туриш мумкин. Бироқ Эдигей Бўроннинг юрагини бир ғам-ғусса эзарди. Ўша вазиятда, воқеалар шу тарзда рўй бераётган кезларида, бу ғам-ғуссанинг пайдо бўлиши, қачондир ер кўчиши сингари ўридан кўзғалиши турган гап эди, уни эса тўхтатиш қўлидан келмасди...

У Зарифа учун жуда-жуда қайғуларди. Ҳар кунги тирикчиликдан бошқа иккови орасида гап бўлмаса-да, бошқа гап-сўз учун Зарифа ҳеч қандай баҳона кўрсатмаса-да, Эдигей доимо у ҳақда ўйларди.

Эдигей уни шунчаки аяб, раҳми келганидан, бошига тушган кулфатларнинг ҳаммасини кўриб, билиб юрган ҳар қандай киши сингари унга фақат ачиниб юрганидан эмас — ундай бўлганда бу ҳақда гапириб ўтиришнинг ҳам ҳожати йўқ эди — Эдигей Зарифани суйганидан ўйларди, ўйламай туролмаслигидан ўйларди, ҳаётига доир ҳамма масалаларда менга ишониб, таянса, дерди ичида. Зарифа Эдигейнинг энг садоқатли кишиси эканини, уни ғоятда севишини билган бўлса, Эдигей ўзини бахтли инсон, деб ҳисобларди.

У Зарифага нисбатан ҳеч қандай айрича муносабатим йўқ, орамизда ҳеч қанақа гап бўлмайти ва бўлиши ҳам мумкин эмас, деб ўзини-ўзи беҳуда қийнар эди!..

Кумбелга етгунча шу мулоҳазаларга кўмилиб, адоий-тамом бўлаёзди. Миясига ҳар турли хаёллар келарди. Тез орада келадиган байрам ёки бедаво дардга чалинганини олдиндан сезгандек ажиб бир ҳиссиёт оғушида эди. Шундай аҳволда келаркан, ўзини яна Орол денгизида сузиб юргандек ҳис этарди. Денгизда юрган киши, сув юзаси қанчалик тинч бўлмасин, ҳатто бирор хавф-хатардан нишон бўлмаса ҳам ўзини бошқача ҳис қиларди. Теварак-атроф қанчалар кенг бўлса ҳам, қиладиган ишинг бўлса-да, тўлқиндан-тўлқин ошиб, гоҳо қанчалар севиниб-қувонсанг ҳам, қуёш ботиши ва тонг отишининг сув сатҳидаги акси қанчалар гўзал бўлмасин, бари бир соҳилга қайтиш керак, у ёғигами, бу ёғигами, ишқилиб бирор соҳилга қайтиш керак. Бир умр сузиб юролмайсан. Соҳилда эса, бутунлай ўзгача ҳаёт кутади. Инсон денгизда вақтинча, қуруқликда эса, доимо яшайди. Агар соҳилга чиқиб олиш хавфли бўлса, бирор оролни топиб, ўша ерни турар жойинг, қоққан қозигинг деб билишинг керак. У ҳатто ўшандай оролни тасаввур этди: шундай орол топилса, Зарифани болалари билан олиб кетиб, ўша ерда яшайверарди. Болаларни денгизга ўргатарди, ўзи ҳам тақдирдан нолимай, фақат қувониб, умрининг охиригача шу оролда ҳаёт кечирарди. Зарифа доимо ёнида бўлса, Зарифага энг керакли, энг азиз, энг сеvimли киши бўла олишини билса кифоя...

Бирок, ўзига келиб бундай орзу-хаёлларга берилиб кетганидан уялиб кетди. Юзлаб қақиримларга чўзилиб кетган яйдокликда бирор жон зоти йўқлигига қарамай, юзлари қизариб кетганини сэнди. Ёш болалардек оролни қўмсаб, хаёлларга берилиб кетишини қаранг-а! Хўш, нечук, нега энди? Бир умр бола-чақага, ишга, темир йўлга, боринги, Сариўзакка бутун кўл-оёғи, вужуди, жону дили билан ўзи ҳам сезмаган ҳолда боғланиб қолган Эдигей нечук ана шундай орзу-хаёлларга боради?.. Зарифа минг қийналгани билан Эдигей унга керак бўлармикан, нима учун у ўзини эр билиб, нега энди Зарифа мени ёқтиради, деб ўйлайди? Болалар ҳақида-ку шубҳаланмасди; уларни жондан севарди, болалар ҳам доимо унга интилиб туришарди. Хўш, нега энди Зарифа у истагандек бўлишини хоҳласин экан?! Турмуш уни аллақачонлар қозигига чамбарчас боғлаб, умринг тугагунча шу ерда бўласан деб, ҳукмини чиқариб қўйган бўлса-ю, Эдигейнинг бундай орзу-хаёлларга бориш учун ҳақи бормикан?..

Қоранор Бўрон кўп марталаб ўтиб-қайтиб, таниш бўлиб қолган сўқмоқ йўллар бўйлаб юраркан, йўлнинг олис-яқинлигини сезиб, эгасининг камчилашини кутмай елиб-юртиб, Сариўзакнинг чексиз масофаларини ортда қолдириб, баҳорги кир-адирлару сойликлар бўйдаб, бир замонлар қуриб қолган шўр кўлнинг ёнидан шахдам одимлаб борарди, баъзида оғир энтикиб, бўкириб нолиш қилгандек бўларди. Эдигей эса унинг устида ўз ўй-хаёллари билан банд бўлиб, азоб чекарди. Қалбини бу қарама-қарши ҳиссиёт шу қадар камраб олган эдики, ўзини кўярга жой топмай, юраги Сариўзакнинг ўлчанмаган кенг бўшлиқларига сиғмай, орому қарорини йўқотиб борарди. У, ич-ичдан куйинар эди.

Қумбелга ана шундай кайфиятда етиб келди. Зарифа ўз қариндош-уруғларидан зориқиб кутган жавобларини олган бўлсинда, ишқилиб. Бироқ, улар бева қолган Зарифанинг бола-чақаси билан ўз юрталарига кўчириб кетишлари мумкинлигини ўйлаб, юраги ўпирилиб кетгандай бўларди. Почтадаги хат-хабар олиш деразачасидан Зарифа Қуттибоева номига ҳеч қандай хат келмаганини айтишди. У ўзи ҳам кутмаган ҳолда хурсанд бўлди. «Келмагани яхши бўлибди», деган виждонига номуносиб, ғайриинсоний фикр миясидан йилт этиб ўтди. Кейин Зарифанинг топшириғини виждонан бажо келтирди: учала адресга учта телеграмма юборди. Шу билан кечга яқин қайтиб келди...

Бу орада баҳор ўтиб, ёз бошланди. Сариўзакнинг ранги ўчиб, гиёҳлари куйиб кетди. Гўё тушдагидек ўт-ўланлардан ном-нишон қолмади. Сариқ қўл яна сарғайиб қолаверди. Хаво киздиради. Сاراتон чилласи яқинлашарди. Қуттибоевларнинг қариндош-уруғларидан эса ҳали ҳам дарак йўқ. Улар на хатга жавоб беришди, на телеграммаларга. Поездлар эса, Бўронлидан пайдар-пай ўтиб қайтишар, ҳаёт ҳам ўз навбати билан сувдек оқиб ўтарди...

* * *

Зарифа энди жавоб хати кутмасди. У қариндош-уруғларнинг ёрдамига умид боғлаш, уларга ёрдам сўраб хат юбориш фойдасиз эканини тушунди. Ана шунга ишонган Зарифа қайга бош олиб кетишини, не қиларини билмай умидсизлангандан нафаси ичига тушиб кетди. Болаларга отасининг ўлганини қандай айтади, гапни нимадан бошлайди, издан чиққан турмушни қандай қилиб ўнглаб олади? Бу саволларга ҳозиргача жавоб тополмасди.

Эдигей булар ҳақида, эҳтимол, Зарифадан ҳам кўпроқ қайғуради. Бўронлидагиларнинг барчаси улар учун куйинишарди, аммо бу оиланинг фожиаси шахсан Эдигей учун не кулфатлар келтирганини фақат унинг ўзигина билади. Эдигей энди ўзини бу оиладан ажрата олмас эди. У энди куну тун ана шу болаларнинг, Зарифанинг тақдири билан яшарди. Буларнинг ҳоли бундан буён не кечади, деб ич-ичдан

куйинарди. Аммо, буларнинг устига устак, Зарифа томон оҳанграбодек тортиб турган кучни қандай босиб-тийиш тўғрисида ҳам ҳаммаша ўйларди; ўрганиб, изтироб чекиб ўйларди. Бу саволларга ҳеч қандай жавоб тополмасди. Ҳаётида бундай муаммоларга дуч келишини ҳеч қачон ҳаёлига ҳам келтирмаган эди...

Эдигей кўп марталаб Зарифага сир-асрорини очмоқчи бўлди, уни қанчалар севишини, бошига тушган барча қийинчиликларни ўз зиммасига олажагини, чунки уларсиз яшай олмаслигини очиқчасига айтмоқчи бўлди. Бироқ буни қандай қилиб айтиш мумкин? Қай тарзда? Аёл унинг мақсадини тўғри тушунармикан? Ёлғиз бошига шунчалар кулфат тушган бир пайтда Эдигей ўз ҳис-туйғуларини унга изҳор этмоқчи бўлса, бу унинг кўнглига сиғармикан? Пасткашлик эмасми бу? Доим шу ҳақда ўйласа, боши қотар эди; одамларнинг кўз ўнгида қандай бўлиши керак бўлса у ўзини сирдан шундай тутиб юриш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қилар эди.

Ҳар қалай, бир бора... ишора қилиб кўрди. Темир йўлни кўздан кечириб қайтаётганда челақ кўтариб сув олиш учун цистерна томон кетаётган Зарифани узоқдан кўриб қолди. Нимадир уни ўша томонга тортди. У, беихтиёр, Зарифа томон бурилди. Челақ кўтаришга ёрдам беришни баҳона қилиш учун ҳам қулай пайт эмас эди. Деярли кун оралаб, баъзан ҳар куни йўлларда бирга ишлашарди, керагича гаплашиб олишлари мумкин эди. Лекин Эдигей худди шу заҳотиёқ секин-аста унинг ёнига бориб, ичига сиғдирилмай юрган туйғуларини изҳор этиш истагининг бартараф қилиб бўлмас даражада эканини сездди. Тушунмаса ҳам, рад этса ҳам, майли, шуниси яхши, деб ўйларди у, қизикқонлик қилсам юрагимдаги олов сўниб, жоним тинчийди... Зарифа уни кўрмади, яқинлашиб келаётганини пайқамади. Цистерна кранини очиб, тескари ўгирилиб турди. Битта челаги аллақачон сувга тўлиб, четроққа олиб қўйилган, иккинчиси ҳам тўлиб ундан сув тошиб турарди. Кран тўла очилган эди. Сув жўшиб, тўкилиб, челақ атрофида кўлмакчалар ҳосил бўлган, Зарифа эса цистернага суянган ҳолда бошини эгиб, ҳеч нарсага сезмай турарди. У бултурги катта жалани кутиб олган чит қўйлақда эди. Эдигей унинг ўрам-ўрам сочларига қарар экан, онасига тортган Эрмакнинг жингалак сочлари ёдига тушди. Зарифанинг озғин юзлари, нозиклашган бўйни, чўкиб қолган елкалари ҳамда шалвираган қўлларига кўз ташлади. Шилдираб куйилаётган сув Еттисувдаги тоғ сувларию шилдираб оқаётган жилғаларни эслатиб, хушидан кеткиздими ёки шу лаҳзада уни аччиқ ўй-хаёллар қуршаб олдимикан? Ким билсин! Эдигей уни шунчалар ўзига яқин тутганидан, силаб-сийпаб эркалатгиси, ғам-қайғусига сабаб бўлаётган ҳамма нарсадан эҳтиёт қилгиси, асрагиси келганидан чидаб туролмай жони қийнаиб кетган эди. Лекин бундай қилиш мумкин эмас. У фақат индамайгина бориб кранини бураб, сувни тўхтатди. Зарифа уни кўриб ҳайратланмади. Эдигей гўё ёнида эмас, балки узоқ-узоқларда тургандек, унга ўй-хаёл аралаш лоқайд назар ташлади.

— Нима гап? Сенга нима бўлди,— деб сўради у ҳамдардлик билан. Зарифа ҳеч нима демади, фақат лабларининг бир чеккаси кулимсираб кўйгандай бўлди-ю, қошларини чимириб ҳечкиси йўқ, шунчаки, деган маънода қаради.

— Аҳволинг ёмонми?— деб яна сўради Эдигей.

— Ҳа,— деди Зарифа оғир хўрсиниб.

Эдигей нима деярини билмай саросималик билан елкасини қисиб кўйди.

— Бунча жонингни қийнайсан?— деди Эдигей уни койиб, ваҳолонки, айтмоқчи бўлган гапи бошқа эди.— Токайгача шу аҳволда юрасан? Ахир, бу билан ишни ўнглаёлмайсан-ку. Сенга қараб туриб биз ҳам (мен ҳам, демоқчи эди) қийналамиз, болаларга ҳам оғир. Тушунсангчи, бундай қилмагин-да! Бирор чорасини топиш лозим,— деди у, дилидаги дардини ифодалайдиган сўзларни кидириб.— Ўзинг ўйлаб кўр-чи. Хатингга жавоб беришмаса беришмасин, худога сол уларни. Бир куни-мизни кўрармиз. Сен билан биз (мен, демоқчи эди) бегона эмасмиз. Сен фақат руҳингни туширмагин. Ишла, ўзингни маҳкам тут. Болалар эса олдимизда (олдимда, демоқчи эди) ўсиб улғая беришади. Ҳамма нарса аста-секин ўрнига тушиб кетади ҳали. Бирор ёққа кетишнинг на ҳожати бор? Бу ерда ўзимизнинг одамлар. Ўзинг биласан, мен болаларингни кўрмай бир кун ҳам туролмайман.— Эдигей гапиришдан тўхтади, чунки бундан ортиқ кўнглини очиб сўзлашга ботина олмади.

— Ҳаммасини тушунаман, Эдигей,— деди Зарифа.— Раҳмат. Билан, хор-зор бўлиб қолмаймиз. Аммо бари бир бу ердан кетмасак бўлмайди. Бу ерда нима бўлганини болалар унутиши керак. Ўшандан кейингина ҳақиқатни уларга айтишим мумкин. Ўзингга маълумки, бир умр сир сақлаб юриш мумкин эмас. Шунини ўйлаб ўйимга етолмаяпман.

— Гапларинг тўғри,— дея ноилож унинг фикрига кўшилди Эдигей.— Лекин шошилмай тур. Яна ўйлаб кўр. Шу гўдаклар билан қаерга борасан, қандай кунларга дуч келасан? Сизлардан ажраб қолишимни ўйласан, мени ваҳима босади...

Ҳақиқатдан ҳам, Эдигей Зарифани ва болаларни ўйлаган сари ғоятда қайғурмоқда эди. Шунинг учун ҳам эртанги кунни ўйлашга юраги дов бермасди, бироқ шу аҳволда юравериш мумкин эмаслигини ҳам тушунарди. Орадан бир неча кунлар ўтгач, яна бир бор суҳбатлашиш пайти келдию Эдигей ичидаги бутун сир-асрорини бир йўла очиб ташлади-да, кейин ич-этини еб пушаймон қилиб юрди.

...Кумбелга боришганда Эрмак сартарошдан кўркиб, сочини олдирмаган кундан буён кўп ойлар ўтиб кетди. Бола шу бўйи ўсиб кетган жингалак қора сочини олдирмай юрарди, сочи ўзига ярашиб тургани билан бу чумчуқюрак эркатойнинг сочини олиш маҳали аллақачонлар келган эди. Эдигей кези келганда боланинг майин тепа сочларига юзини ишқалаб ўпарди. Бироқ унинг елкасигача ўсиб тушган сочлари ўйнаганда халал берарди. Боланинг назарида соч олдириш одатдан

ташқари, ғайритабиий, тушуниб бўлмас бир ҳолдек туюларди. Шунинг учун ҳам ҳеч кимнинг гапига кирмай юрдию Казангап уни кўндирди. Сочи узун болаларни улоқча ёмон кўради, ғаши келиб, сузади деб бир оз чўчитиб ҳам қўйди.

Казангап чинакамига куч ишлатишга мажбур бўлди: болани икки тиззаси орасига қисиб, машинка билан сочини ола бошлади. Эрмак эса бекатни бошига кўтариб йиғлаб берди. Сартарошлик тугагач, кўнгилчан Бўкей болани овутиш учун, қани, ўзингга қара-чи, қандай чиройли бола бўлиб қолдинг дегандек қўлига кўзгу тутқазган эди, бола ўзини танитай бешбаттар дод-фарёд кўтарди. Зарифа уни ана шундай додлаётган ҳолда етаклаб кетаётган пайт йўлда Эдигейга дуч келиб қолди.

Сочи тақир олинди, афт-ангори мутлақо ўзгариб, ингичка бўйни очилиб, иккала қулоғи диккайиб қолган, қовоқлари шишиб кетган Эрмак йиғлаганича онасининг кўлидан юлқиниб Эдигей томон ташланди.

— Эдигей амаки, буни қаранг, бошимни нима қилиб қўйишди!

Эдигей Бўронга биров оғир аҳволга тушиб қоласан деб аввалроқ айтганда, ҳаргиз ишонмаган бўларди. У югуриб келган Эрмакни ердан кўтариб, бағрига маҳкам босиб олди-да, унинг химоясизлигини, арзу додини, ишончини бутун вужуди билан ўзиникидай, гўё ўз бошига тушгандек сезиб, болани ўпа бошлади:

— Тинчлан жигарим! Йиғлама! Сени ҳеч кимга хафа қилдириб қўймаман, сенга ота бўламан! Сени отадек севаман, фақат йиғлама-санг бас!— Шу пайт ўзини йўқотиб, қотиб қолган Зарифага кўзи тушди-ю, ўзининг қандайдир нозик чегарадан чиқиб кетганини тушунди ва нима қиларини билмай шошилиб қолди, болани кўтарган бўйича ҳадеб бир гапни ғулдираб такрорлаганча тесқари қараб кетди:— Йиғлама! Казангапми, мен унга ҳозир кўрсатаман! Ҳозирнинг ўзидаёқ кўрсатиб қўяман, ҳап Казангап шошмай турсин-чи, бир бошлаб қўй! Мана ҳозир, ҳозир унга кўрсатаман!..

Шундан сўнг Эдигей бир неча кун ўзини Зарифадан четга олиб юрди. Назарида, Зарифа ҳам унга йўлиқишдан ийманиб юрарди. Унингсиз ҳам ғам-ғуссага кўмилиб юрган бояқиш аёлни уялтириб қўйгани учун Эдигей Бўрон қаттиқ пушаймон қилди. Зарифа нима аҳволда-ю, бу бўлса дарду аламини янада ошириб ўтирибди!.. Зарифанинги кўзлари Эдигейнинг ёдида узоқ йиллар, эҳтимол, умрининг охириги дамларигача сақланиб қолиши мумкин.

Эдигей Бўрон ўша воқеадан сўнг бир неча муддат хомуш бўлиб юрди. Қалбида туғён ураётган ҳис-туйғуларни пинҳон сақлади. Эрмаги болалар бўлди. Ишдан қўли бўшаган пайтлари болалар билан бирга бўлиб, денгиз қиссаларининг кўпини такрорлаб, кўпини қайтадан эсга тушириб, айтиб берарди. Болаларга ёққан мавзу ҳам шу эди. Оқ чорлоқлару балиқлар, бошқа томонлардан учиб келган қушлар, Орол кўлларида сақланиб қолган, бироқ бошқа жойларда йўқолиб кетган жониворлар тўғрисида ҳикоя қилиб берарди. Эдигей Орол денгизида

ўзи бошидан кечирган бир воқеани ҳадеб эслайверарди. Лекин у бу воқеани бошқа ҳеч кимга айтмаслигини афзал кўрарди. Қолаверса, уни болаларга тегишли жойи ҳам йўқ эди. Бундан фақат Уккубола иккаласигина хабардор бўлиб, улар ҳам ҳеч қачон бу ҳақда ўзаро оғиз очмасдилар. Бу сир уларнинг бевакт қазо қилган тўнғич ўғиллари билан алоқадор эди. Агар ҳаёт бўлганида Бўронли болаларининг барчасидан каттароғи, ҳатто Казангапнинг Собитжонидан ҳам икки ёш катта бўларди. Бирок умри киска экан. Ота-она болани кўп яшайди, умри узоқ бўлади, ҳатто тасаввур этиб бўлмас даражада чексиз умр кўради, деган ниятда туғилишини кутадилар, акс ҳолда одамлар азоб чекиб бола кўришармиди?!

Ўша балиқчилик қилиб юрган ёшлик чоғлари, уруш бошланмасдан олдин Уккубола билан иккаласи ажойиб бир воқеани бошидан кечиришган. Чамаси, бундай воқеа киши ҳаётида бир мартагина рўй бериб, бошқа ҳеч қачон такрорланмайди.

Эдигей уйлангандан сўнг денгизда узоқ вақт қололмай, уйига шошиладиган бўлиб қолди: Уккуболани севарди. Уккубола ҳам уни орзикиб кутишини биларди. Эдигей учун ундан ортик, ундан азиз аёл йўқ эди. У ўзини Уккубола учунгина яратилгандай, фақат у ҳақда доим ўйлаш учун денгиз кучини, куёш кучини ўзига сингдириб олиб, сўнгра уни кутиб турган хотинига бериш учунгина яратилгандай сезарди. Чунки ана шу икки томонлама фидоийликдан асл бахт юзага келади, қолган нарсаларнинг ҳаммаси шу бахтни тўлдиради, холос. Куёш билан денгиз бахш этган куч эса ўзаро баҳра олишлари учун уларга кўмаклашади. Бир куни Уккубола ўзида қандайдир ўзгариш юз берганини — бўйида бўлганини сезди, яқин орада она бўлиб, бола кўражagini билди, кўнглида илиқ умид уйғонди. Уларнинг ўша кезлардаги ҳаёти кўм-кўк осмон янглиғ мусаффо эди.

Куз оёқлаб, қиш олдидан Уккуболанинг юзига билинар-билинимас¹ доғ туша бошлади. Қорни дўппайиб, билиниб қолди. У бир сафар: «Олтин мекре балиғи қанақа бўларкин, у ҳақда эшитганману, ўзини ҳеч кўрмаганман» деб сўраб қолди. «Камёб балиқлардан бири,— деди Эдигей,— денгиз тубида яшайди, жуссаси хийлагина катта, лекин унинг хосияти гўзаллигида: олачипор-кўкимтир, юзгичларидан тортиб кемирчак тароғигача, хуллас, бошидан то думининг учигача олтин сингари товланиб туради. Шунинг учун ҳам уни олтин мекре деб айтишади».

Бошқа бир гал Уккубола олтин мекре тушига кирганини гапирди. Гўё балиқ унинг атрофида сузиб юраркану балиқни ушлаб олмоқчи бўлармиш. Балиқни тутиб олиб, яна сувга қўйиб юборишни жуда-жуда хоҳлабди. У балиқни ушлаб, олтин тангачаларини бир сийпаласга бўлди экан. Шу қадар тутгиси келибдики, тушида уни қувлаб юрганмиш. Балиқ эса тутқич бермасмиш... Уккубола уйғониб кетиб, ҳақиқатдан ҳам муроди мақсадига етолмай қолгандек афсусланиб, анчагача ҳаяжонини босолмай ётди. Уккубола ўзини койиганча қулиб

кўйди, бироқ ўнгида ҳам олтин мекре балиғини тутиб олиш истаги уни камраб олди.

Эдигей буни ўзича тушунди. Денгизда тўрни сувдан тортиб олаётиб ўй-хаёли олтин мекреда бўларди. Кейин маълум бўлишича, тушни тўғри таъбир этган экан. Унингча, ҳар қандай қилиб ҳам бўлса, олтин мекрени тутиб олиши керак, чунки Уккубола бошқоронғи бўлиб, кўнгли ўшани тусаган эди. Хотин киши турли нарсага бошқоронғи бўлади-да: бирови қандайдир аччиқ-чучук, шўр, ҳатто жуда ҳам аччиқ ё тахир нарсани, бошқа бировлари эса қандайдир ёввойи ҳайвон, қушнинг қовурилган гўштини хоҳлашади. Эдигей хотини бошқоронғи бўлган нарсадан ажабланмади: эрининг касби балиқчилик бўлгач, балиққа бошқоронғи бўлади-да. Ўша катта балиқни кўзи билан кўриб, кўлида ушлаб, олтин тангачаларини сийпалашни унга тақдирнинг ўзи буюрган. Хотин киши бошқоронғи бўлган нарса топилмаса, бола туғилмасданок касалга чалинади, деган гапларни Эдигей эшитган эди.

Уккубола шу қадар ғайриоддий нарсага бошқоронғи бўлдики, унинг ўзи ҳам буни ботиниб айтолмасди. Эдигей ҳам бундай нодир балиқни тута олиш ё тута олмаслигини билмагандан сўнг, гапни чўзиб ўтирмади. Аввалига олтин мекрени тутиб, кейин, сен бошқоронғи бўлган нарса шуми ёки бошқа нарсами деб сўрашга қарор қилди ўзича.

Балиқ ови мавсуми июлдан ноябрь ойигача давом этарди. Бу маҳал — Уккубола бошқоронғи бўлган пайтлари Орол денгизида ов мавсуми тугай деб қолган эди; қишнинг изғирин нафаси сезиларди. Артель қишлоғга тайёрланарди. Бир ярим минг километрлик масофага чўзилган Орол денгизини қалин муз қоплаб олар, ўшанда музнинг ҳар еридан катта-катта қилиб тешардилар, сўнг бир тешикдан иккинчисигача оғир тўр ташлаб, саҳроларнинг толмас дастёри туялар ёрдамида тортиб чиқаришарди. Тўр билан муз устига тортиб чиқарилган балиқлар изғиринли ҳавода кимир этишга ҳам улгуролмай, бир зумда тошдек қотиб қоларди... Артелда ишлаб, ёзин-қишин қанчалаб балиқ тутишдан бўлишларига қарамай, Эдигей ҳали бирор марта ҳам олтин мекренинг тўрға тушиб қолганини кўрмаган эди. Бу балиқ аҳен-аҳенда қармоққа илиниб қоларди, бу эса овчилар учун қутилмаганда катта байрам буларди, фаршончинини эмасди келиб, олтин мекре тутиб олди, дея гапириб юришарди.

Эдигей ўша куни хотинига, сув музлаб қолмасданок уйга балиқ тутиб келайин, деганча эрта тонгда денгиз томон йўл олди. Уккубола эса:

— Уйда балиқдан кўп нарса йўқ. Аёзли кунда чиқиб нима қилсан,— дея уни йўлдан қайтармоқчи бўлди.

Эдигей гапидан қайтмади.

— Уйдаги нарса, уйда-ку,— деди у.— Соғин хола оғир касалланиб, ётиб қолипти, деган эдинг-ку ўзинг. Лаққа ёки оққайроқ балиғининг қайноқ шўрвасини ичса шифо топар. Ундан яхши дори борми? Қариб қолганида у бояқишга ким балиқ тутиб беради дейсан.

Эдигей шу бахона билан эрталаб барвақт олтин мекре тутгани кетди. Ҳамма керакли ов асбобларини олдиндан пухта тайёрлаб кўйган эди. Уларнинг барчасини қайиқнинг тумшуғи томон жойлаштирди. Ўзи ҳам иссиқроқ кийиниб устидан плащини кийиб олди-да, сузиб кетди.

Куз тугаб, қиш бошланай деб турган пайт. Ҳаво тез-тез ўзгариб турарди. Эдигей тўлқинларни қиялаб кесиб ўтиб, қайиқни денгизнинг ўртаси томон йўналтирди. Унинг мўлжалича, олтин мекре ўша ерда бўлиши керак эди. Албатта, ҳамма нарса омадга боғлиқ, чунки овчилик касбида денгизда қармоққа балиқ илинтиришдан кўра ноаниқ нарса бўлмайди. Қирғоқда-ку, мерган билан ўлжаси бир муҳитда бўлади, мерган писиб, пойлаб ётади ё қувлаб ўлжасига яқинлашади. Аммо балиқчи сув тубига тушиб, мергандек ҳаракат қилолмайди. Балиқ борми, йўқми қармоққа илинадими, илинмайдими, хуллас, ҳеч ниманинг тайинини билмай кутиб ўтираверади.

Денгизга одатдагидай балиқ тутиш, озик излаш учун эмас, балки иккиқат хотинининг бошқоронғи бўлгани учунгина овга чиққан Эдигей омад келишини жуда-жуда истарди.

Шу кўйи қайиқни елдай учуриб кетди. Эшкак эшганда навқирон Эдигейнинг бақувват ва чайирлиги сезилиб турарди. У тарам-тарам бўлиб тўлқинланиб турган оқимларни кесиб ўтиб, тиним билмай, бир маромда қайиқни денгиз ўртасига ҳайдаб борарди. Бундай тўлқинни Орол балиқчилари эгри тўлқин деб аташади. Эгри тўлқинлар қаттиқ шамолдан дарак беради. Аммо бундай тўлқиннинг ўзи хавфли эмас, кўркмай сузаверса бўлади.

Ердан узоклашган сари соҳилнинг ўпирилиб тушган жарлик томони ҳамда сув тўлқинлари ювиб, тошлоқ бўлиб қолган ер кўз илғамас даражада тобора кичрайиб борарди-да, охири аранг кўриниб, сўнг секин-аста ғойиб бўлиб кетадиган чизикқа айланарди. Тепада булутлар муаллақ туришар, пастда эса салқин шамол сув юзини ялаб эсарди.

Тахминан икки соат сузгандан сўнг, Эдигей қайиқни тўхтатди, эшкакларини бўшатиб олди; лангар ташлади-да, ов асбобларини ҳозирлай бошлади. Унинг иккита чийриқ ғалтаги, қармоқ ипини керак пайтда тўхтатадиган мосламаси бор эди. Бирини қайиқнинг куйруқ томонига ташлаб, салмоқ тошни юз метрча чуқурликка туширди-да, сув тубигача яна йигирма метрча қолганда ипни боғлаб кўйди, иккинчисини ҳам қайиқнинг тумшук томонидан худди шу йўсинда сувга ташлади. Сўнгра қайиқни бир мувозанатда сақлаб туриш ва қармоқнинг иплари бир-бирига ўраллашиб қолмаслиги учун эшкакларни сувга ботириб ушлаб турди.

Шу ҳолда кутиб ўтираверди. Унинг мўлжалича, ҳалиги ноёб балиқ худди шу жойларда бўлиши мумкин эди. Мўлжалининг тўғрилигига далил-исботи йўқ бўлса-да, кўнгли гувоҳлик бериб турарди. Бундай балиқ бўлиши керак, албатта пайдо бўлиши керак, деб ишонарди.

Унингсиз уйга қандай қайтади! Бу балиқ шунчаки кўнгил хушлиги учун эмас, балки ҳаётида энг муҳим иш учун зарур.

Бир оз вақт ўтгач, балиқлар борлигидан дарак беришди. Бироқ улар Эдигей кутган балиқ эмас. Аввалига окқайроқ балиғи қармоққа тушди. Ипни тортаётгандаёқ, унинг олтин мекре эмаслигини билган эди. Ахир, биринчи уринишданок олтин мекре илиниб қолмасди-ку. Унда турмуш жуда оддийлашиб, қизиғи қолмаган бўлур эди. Эдигей олтин мекре учун меҳнат қилишга, кутишга тайёр. Ундан сўнг Оролнинг энг яхши балиқларидан бири — лаққа қармоққа илинди. Уни ҳам тортиб олиб, бир уриб гангиратдию қайиқ тубига ташлади. Ҳарҳолда, бу балиқлар бетоб ётган Соғин холага шўрва пишириш учун етиб ортади. Яна бир балиқ тушди, уни тран дейишади — Оролнинг леши. Буни қайси шайтон йўлдан оздириб ҳайдаб келган буёққа? Одатда тран сув юзига яқин юради. Майли, гуноҳи ўзи билан. Шундан кейин анчагача ҳеч нарса илинмай, жуда зориқтириб юборди... «Йўқ, мен охиригача кутаман, — деди ўзича Эдигей. — Айтмаган бўлсам ҳам, хотиним олтин мекре учун кетаётганимни биларди. Бола она қорнида қийналмаслиги учун бу балиқни тутишим керак. Онаси олтин мекрени кўлига олиб, ушлаб кўрсин; ахир менинг болам шунни истаяпти. Она ҳам шунга ташна, мен отаси бўлатуриб уларнинг хоҳишини бажо келтирмасам, оталигим қоладими!»

Эгри тўлқин ўз одатини қилиб, қайиқни нари-бери айлантираверди. Эдигей қимирламай ўтирганидан совқота бошлади. Икки кўзи билан чийриқ ғалтаклардан сув остига тушиб турган иплар қачон тортиларкин деб кузатиб турарди. Қайиқнинг тумшук томонида ҳам, қуйруқ томонида ҳам бирор аломат йўқ. Аммо Эдигейнинг сабр-тоқати ҳозирча етарли эди. Олтин мекре келишини у биларди, бунга ишонарди. Эгри тўлқинлар кучайганидан кучайиб борарди. Денгиз бир оз сабр қилиб турса бўларди. Намунча тўлқинланади? Довулнинг ҳозирча шашти йўқдек кўринади. Эҳтимол, кечга бориб ёки бўлмаса тун ўртасида одатдаги олабош тўлқинлар ўкириб, шарқираб кўтарилишар. Ўшанда даҳшатли тусга кирган Орол денгизи бошдан-оёқ оппоқ кўпика бурканиб қайнаб ётади, бу вақт ҳеч кимнинг денгиз ичига сузиб киришга юраги бетламай қолади. Ҳозирча вақт бор, кутиб ўтирса бўлади...

Совқотганидан хурпайиб кетган Эдигей теварак-атрофга назар ташлаганча денгиз тубидаги нотайин балиқни кутарди. «Нега мунча куттирасан, қизиқ экансан, сундан кўрқма, — деди у ичида. — Кўрқмагин демадимми, сени қайта сувга қўйиб юбораман-ку ахир. Бунақаси бўлмайти, демоқчимисан? Ўзинг кўрарсан, шунақаси ҳам бўлади. Сени пишириб ейиш учун тутаётганим йўқ. Уйда ҳар хил таом, турли хил балиқлар тўлиб ётибди. Ана шу қайиқ тубида ҳам учта балиқ бор. Овқат учун сени шунчалик кутармидим, олтин мекре! Тушунасанми, биринчи фарзандимиз туғилади. Кунни кеча сен хотинимнинг тушига кирибсан, ўшандан бери у орому қарорни йўқотган, буни менга

атайлаб айтмаса-да, билиб юрибман. Нега шундай эканини сенга тушунтиролмайман, лекин хотиним сени кўлига олиб кўрмоғи лозим, сенга сўз бериб айтаманки, шундан кейин дарҳол денгизга қўйиб юбораман. Сен нодир балиқсан, ҳамма гап ана шунда. Бошинг олтин, қуйруғинг олтин, орқангдаги кемирчак тароқларинг сузгич қанотларинг ҳам олтин. Сен ҳам бизнинг ҳолимизни тушунгин. Хотиним сени ўнгида ҳам жуда-жуда кўргиси бор, у сенга қўл тегзиб кўрмоқчи, сени ушлаб, силаб-сийпаб, қандайлигингни сезмоқчи, олтин мекре. Балиқман, буларга нима алоқам бор, деб ўйлама. Сен балиқ бўлсанг ҳам, у негадир сингисини соғингандай, инисини соғингандай соғиниб юрибди, фарзанд туғилгунча сени кўргиси бор. Қорнидаги бола ҳам мамнун бўлади. Ҳамма гап ана шунда. Олтин мекре, яхшилигингни аяма. Бери кел, сени ранжитмайман. Сўз бераман, ниятим ёмон бўлса, сен буни аллақачон сезиб олган бўлардинг. Қармоққа илина қол, муштумдек гўшт илиб кутиб ўтирибман, хоҳлаганингни танлаб ол. Таъмини узокдан сезгин деб, бир оз ҳидланган гўшт қўйганман. Тортинмай келавер, ёмонликни ўйлама. Агар сени алдамоқчи бўлиб, ялтироқ темир балиқчани қўйганимда, биринчи навбатда ўшангга интилардинг, лекин бу мен учун виждон юзасидан бўлмас эди. Сен уни ютишга ютардинг-у, бироқ сувга қўйиб юборганимдан кейин ҳам ичингда темир билан қандай яшардинг? Бу ғирт алдамчилик-ку ахир! Мен эса, чин гапимни айтиб, қармоқ солиб ўтирибман. Лабларинг бир оз жароҳатланади, холос. Ташвиш тортма, мен катта саноч олиб келганман. Саночни сув билан тўлдираман, сен вақтинча ўша ерда ётасан, кейин денгизингга қўйиб юбораман, сузиб кетасан. Бироқ, мен бу ердан сенсиз кетмайман. Вақт бўлса кутиб турмайди. Тўлқинлар кучайиб, шамол авжига чиқаётганини наҳот сезмаётган бўлсанг, боламинг отасиз етим бўлиб туғилишини хоҳлайсанми? Яхшилаб ўйлаб кўр-да, менга ёрдам бер...»

Денгиз юзасига қоронғулик чўка бошлади. Қайиқ гоҳ тўлқинлар уз-ра қалқиб чиқар, гоҳ тўлқинлар орасида кўринмай кетиб соҳил томон сузарди. Кўпикланиб, авжига кўтарилган тўлқинларни аранг кесиб келарди. Денгиз гурқираб, ичидан қайнаб, довулдан куч олаётгандек жўшиб, ҳар томонга чайқаларди. Муздек сув томчилари юз-кўзларига сачраб, қайиқ эшакларини тутган қўллар совуқдан кўкариб, шишиб кетган эди.

Уккубола соҳил бўйлаб юрарди. Юраги така-пука бўлиб, ўтиролмай анча вақт илгари соҳил бўйига келиб, эрини кутди. Балиқчига тегаман деганида, даладаги чорвадор қариндош-уруғлари, турмушга чиқишдан олдин қандай оғир ҳаёт кечиришга журъат этаётганингни ўйлаб кўрсанг бўларди, сен балиқчига эмас, балки балиқ сузадиган денгизга тегаётирсан, денгиз бўйида зор-зор йиғлаб, унга ҳали неча бор илтижо қиларсан, деб айтишган эди. Уккубола Эдигейга берган сўзидан қайтмади, эрим нима бўлса, мен ҳам шу бўламан, деди...

Айтганларидай бўлди. Бу сафар у кўпчилик билан эмас, ёлғиз

ўзи кетган эди. Ҳаво қоронғилашмоқда, тинчлигини йўқотган денгиз эса гувуллаб садо чиқарарди.

Шу пайт баланд кўтарилган тўлқинлар орасидан ҳаракатдаги эшаклар билан қайикнинг тумшуғи кўзга ташланди. Қорни дўппайиб чиккан Уккубола жун рўмолига ўранганча тўлқинлар урилайтган соҳилга яқин келиб, Эдигей сузиб келгунча ундан кўзини узмай кутиб турди. Соҳилга келиб урилиб турган сув тўлқинлари бир зарб билан қайикни саёз жойга суриб чиқариб қўйди. Эдигей бир зумда ирғиб сувга тушди-да, ҳўкизни судрагандек қайикни қирғоққа чиқариб қўйди. Бошдан-оёқ шўр сувдан шалаббо бўлиб кетган Эдигей қаддини ростлаган эди, Уккубола яқин келиб унинг плашч остидаги сувга ботган муздек бўйнидан кучоқлади.

— Кутавериб токатим тоқ бўлди, шунчалар ҳам ғойиб бўлиб кетасанми?

— Кун бўйи кутдим, лекин келмади, ниҳоят қаршимга сузиб келди.

— Нечук? Олтин мекре тутгани кетганмидинг?

— Ҳа, ялиниб-ёлвориб, охири кўндирдим. Кўришинг мумкин.

Эдигей қайикдан сув тўлдирилган катта саночни судраб чикди-да, сувини олтин мекре билан қирғоқдаги шағал устига тўкиб юборди: ниҳоятда гўзал балик экан. Олтин қуйруғи билан қутургандай ирғишлаб, буралиб, шағал тошларни ҳар томонга сочиб, қизғиш оғзини катта очарди, ўз олами — денгиз томон, тўлқинлар томон интиларди. Бу янги оламга тасодифан тушиб қолганидан, юм-юмалоқ, мусаффо кўзларини юмай, бир зумгина қимир этмай туриб қолди. Ҳатто нотаниш оламнинг кишки оқшом шуъласидан гангиб қолди шекилли, шу орада тепасида энқайиб турган кишиларнинг порлаган кўзларини, соҳилни, осмонни кўрди, сўнг олис-олисларда, уфқда денгиз устидаги сийрак булутлар орасидан кўзни қамаштирувчи ўткир нурларини сочиб, ботиб бораётган куёшни кўрди. У нафаси қисилиб, яна типирчилаб, сувга етмоқчи бўлиб, ўзини ерга урганча талвасалай бошлади. Эдигей олтин мекрени жабрасидан ушлаганча кўтарди.

— Қўлингни узат, ушла!— деди у Уккуболага.

Уккубола болани кўтаргандек баликни икки қўллаб кўтариб кўкси-га босди.

— Сўлқиллаганини-ей!— дея хитоб қилди у баликнинг барқ уриб турган ички кучини сезган ҳолда.— Оғирлигини қара-я! Шундоққина денгизнинг ҳиди келиб турибди. Гўзаллигини айтмайсанми! Ма, Эдигей, миннатдорман, жуда миннатдорман. Муродимга етдим. Уни тезроқ сувга қўйиб юбор!..

Эдигей олтин мекрени олиб денгиз сари йўналди. Соҳилга урилиб қайтаётган тўлқинларга қарамай тизза бўйи сув кечиб борди-да, баликни қўйиб юборди. Балик сувга тушгач, шу заҳотиёқ бошидан то қуйруғигача олтин тусда ялт-юлт этиб товланиб, денгизга шўнғиб кетди.

Кечаси қаттиқ шамол туриб денгизда улкан тўлқинлар кўтарила бошлади. Уйнинг нариги томонида, жарлик остида денгиз гуркираб-шаркираб турарди. Эгри тўлқинларнинг бўрондан дарак беришларига Эдигей яна бир бор ишонч ҳосил қилди. Тун яримлаб қолган эди— Эдигей мудраб ётаркан, гуриллаган тўлқинлар овозига қулоқ солиб, тилаб олган олтин мекресини ёдига келтирди. Ҳозир қандай сузиб юрган экан? Денгиз тубида бундай тўлқинлар бўлмаса керак. Балиқ ҳам ўзининг чуқур зулмат дунёсида сузиб юриб, юқорида тўлқинлар ҳаракатини сезиб тургандир. Эдигей мамнун бўлиб жилмайди-да, кўзи уйқуга кетар экан, қўлини хотинининг бикинига қўйди-ю, қутилмаганда туртки овозини эшитди: бола дунё юзини қўришдан дарак бераётгандек эди. Эдигей бунга ҳам қувониб жилмайди-да, тинчгина уйқуга кетди.

Йил ўтмай уруш бошланишини ва ҳаётда ҳамма нарса ағдар-тўнтар бўлиб кетишини, денгиздан биратўла бош олиб кетиб, уни кейин эслаб юришини кошки ўша вақтда билса эди. Айниқса, бошидан не кунлар кечишини билганда эди ўшанда...

Бу ўлкаларда поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Темир йўлнинг иккала томонида ёвсанзор билан қопланган ҳай-хотдай даштлик — Сариўзак, ўртачўл ястаниб ётади.

Эдигей Бўрон учун унутилмас ўша даҳшатли эллик учинчи йил-нинг киши ҳам эрта тушди. Сариўзакда ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. Октябрь ойи тугамасданок қор тушиб, совуқ бошланди. Яхшиямки, ўзларига, Зарифага Қумбелдан картошка олиб келиб ғамлаб қўйган экан. Билгандек шошилибди. Юк поезди вагонларининг очик тамбури-да келгунча картошкани совуқ урмасин деб, кейинги сафар туяда борган эди. Шунча картошкани беҳудага нобуд қилмаслик учун Қоранор Бўронга миниб борди-да, ўша ердаги кишиларнинг ёрдами билан қопнинг бирини туянинг ўнг томонида, иккинчисини чап томонга ортди. Устидан кигиз тўшаб, шамол урмасин учун чеккаларини ёпди, ўзи эса икки қоп орасига жойлашиб олиб, хотиржамгина Бўронлига етиб келди. Қоранор устида у ўзини худди филга миниб олгандек сезарди. Одамларнинг филга миниб юришларини бу ерликлар яқингача билиш-масди. Куз маҳали ҳинд фильмини кўрсатишди. Кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бу ўлканинг киносини кўриш учун Қумбел бекатининг барча одамлари ёпирилиб келишди. Фильмда битмас-туганмас қўшиқ ва рақслар қатори тўқайзорларда фил миниб, йўлбарс овига чиққан кишилар кўрсатилган эди. Бу фильмни эл қатори Эдигей ҳам кўриш-га муваффақ бўлди. Касаба союз мажлисига Бўронлидан бекат бошли-ғи билан иккови делегат бўлиб боришган, мажлис тугагач, депо клуби-да ҳалиги ҳинд фильми кўрсатилган эди. Гап-сўз ўшандан бошланди. Кинодан чиқиб бораётган темирйўлчилар фил минган ҳиндистонлик-

ларга қойил қолиб, баҳс-мунозара қилишарди. Кимдир ўшанда баланд овоз билан:

— Нимасига ҳайрон қоласизлар? Мана бу Эдигейнинг Қоранор Бўрони қайси филдан қолишади? Қанча юк ортсанг ҳам филдай тортаверади, жонивор!— деди.

— Бу гапинг ҳам тўғри,— деб кулишди теварақдагилар.

— Филнинг нима бўпти!— дея кимдир гапга кўшилди.— Фил фақат иссиқ юртлардагина яшайди. У бизнинг Сариўзак қишига келиб кўрсин-чи, қотиб қолади. Қоранорга тенг келиб бўпти!

— Гапга кулок сол, Эдигей, ҳой Бўрон, сен ҳам ҳиндистонликлар филлари устига хонача ўрнатиб олганидек Қоранорнинг устига ўшандай бир кулба ўрнатиб олсанг бўлмайдими? Ҳинд бойларига ўхшаб ўша хоначага жойлашиб олардинг.

Эдигей кулиб кўйди. Ўртоқлари Эдигейни мазах қилишарди-ю, аммо унга машхур туяси ҳақида айтилган мақтов сўзлари ёкибу тушарди.

Бирок Эдигей ўша мақталган Қоранорни, деб қанчалар азоб-уқубатлар чекиб қайғурмади, дейсиз.

Бу ҳодиса ўша қиш чилласида рўй берди. Ўша куни йўлда бўралаб ёғаётган дастлабки қалин қорга дуч келди. Қор бундан аввал ҳам бир-икки ёғиб, тез эриб кетган эди. Бу сафар эса бутунлай ўзгача: Сариўзак осмонини қора булут қоплаб, қуюн кўтарилиб, қалин қор парчалари бўралаб урарди. Унчалик совуқ бўлмаса ҳам қор ёқангдан кириб ғашингни келтирарди. Ҳаммадан ёмони қор туфайли теварақ-атрофни кўз илғамасди... Нима қилмоқ керак? Сариўзакда бу қор тингунча кутиб турадиган бирон бир жойдан дарак йўқ. Қоранор Бўроннинг кучига, сезгисига умид боғламасдан ўзга илож қолмаган эди. Мол одатда ўз уйини топиб бормайдими! Эдигей туяни ўз эркига кўйиб кўйди, ўзи эса ёқасини кўтариб, телпагини бостириб кийиб, чакмонига бурканиб олганча кўзга бирор нарса қалиниб колармикин, деган ниятда сабр-тоқат билан атрофга назар ташлаб кетаверди. Аммо девор каби тўсиб олган қордан бошқа нарса кўринмасди. Хўжайинининг энди унга хўжайин бўлмай қолганини, устига ортилган юк каби чурқ этмай ўтирганини сезган Қоранор қор қуюнини назар-писанд қилмай, шаҳдам йўл босарди. Қоранорга даладаги қалин қор устидан бундай оғир юкни кўтариб юриш учун анча куч-қувват керак! Бор кучи билан йўл босиб, иссиқ нафаси буғланиб, устида жимгина ўтирган эгасини кўтариб бораркан, Қоранор гоҳида йиртқич ҳайвондек овози борича бўқиради, гоҳида узок бўзлаб, юз-кўзларига урилиб ёғаётган қор орасидан ҳормай-толмай тинимсиз юриб борарди...

Эдигейнинг хаёлида йўлнинг ниҳояси йўқдай туюлди. «Тезроқ етиб олсам бўларди», деб ўйларди у. Ҳаво айниб турганида ўзининг холи не кечганини, қай алфозда етиб боришини уйдагилар ўйлаб изтироб чекишаётганини тасаввур қилар эди. Уккубола хавотирланса ҳам буни ошқор айтмасди — у хаёлидан кечган ҳамма гапни лоп

этиб айтиб қўядиганлар хилидан эмас. Эҳтимол, Зарифа ҳам уни ўйлаб, хавотирланиши турган гап, лекин чурқ этиб оғиз очмаслиги аниқ. У илоҳи борича Эдигейнинг кўзига кўринмас, юзма-юз келиб қолишдан ўзини олиб қочар эди. Лекин чекинишнинг нима ҳожати бор, бирор ёмон савдо юз берадими? На бирон оғиз сўз, на бирон қалтис ҳаракат билан одамларнинг надомат қилишлари учун баҳона туғилишига йўл қўймаган-ку. Олдин қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Бор-йўғи бир зум ҳамроҳ бўлиб, сўнгра тўғри йўлдан кетяпмизми деб бир-бирларига қайрилиб қарадилар, холос... Сўнгра яна ҳар ким ўз йўлидан кетаверди. Вассалом. Шу аснода холи не кечганлигини унинг ўзи билади. Қисмати шундай бўлса не қилсин, асли, тақдиротда шундай битилган бўлса не қилсин?! Бу нарса унинг ўз иши — симобдай парчаланган қалби билан нима қилиш кераклиги ўзига аён. Олдинда уни қандай кўргиликлар кутаётганию холи не кечиши билан кимнинг иши бор! У гўдак эмас, ўз айби билан баттар чувалашиб кетаётган калавининг учини ўзи бир амаллаб топиб олар...

Битмас-туганмас изтиробли хаёллар уни эзиб борарди. Мана, Сариўзакка қиш-қиров ҳам етиб келди. У эса на Зарифани унута олар, на Уккуболадан воз кечар эди. Бахтга қарши, Эдигей Зарифага ҳам, Уккуболага ҳам эҳтиёж сезар, улар бўлса кўмак беришга атайлаб шошилмас эдилар. Зоҳиран қараганда, ҳеч нарса ўзгармаган: аёлларнинг бир-бирига муносабати ўша-ўша, иккала хонадонда ўсаётган болакайлар ҳам ягона оила фарзандларидай бир жон, бир тан, мудом бирга ўйнаб-қулишар, гоҳ бу уйга, гоҳ нариги уйга чопкиллашар эдилар. Шу алфозда ёз ҳам, куз ҳам ўтиб кетди.

Эдигей Бўрон бу қалин қор орасида етимсираб, ўзини ғарибона сезарди. Атроф жим-жит, бирор жонзот йўқ. Қоранор бошига ёпишган қорни онда-сонда силкитиб туширарди-да, елиб бораётиб, бақириб-чақирганча атроф сукунатини бузарди. Бу йўлда эгасининг аҳволи танг эди. Эдигей ўзини қўлга ололмай қийналарди, ўзини на тинчлантира олар, на узил-кесил бирор қарорга кела оларди. Зарифага ҳам дардини очиқ-ойдин айтолмас, Уккуболани ҳам ташлаб кетолмасди. Ўшанда ўзини-ўзи энг охирги сўзлар билан сўка бошлади: «Хайвонсан! Туянг ҳам, ўзинг ҳам хайвонсан! Аблах! Ит! Мияси айниган!» Яна шунга ўхшаш сўзлар орасида палид сўзларни ҳам айтиб, эс-хушимни йиғиб олармиканман, бирор қарорга келармиканман, деган ниятда жаҳл аралаш, ўзини ҳақоратлаб сўкарди. Аммо ҳеч нарса фойда бермасди... Ўзи эса худди ҳалиги бир қўзғалиб, сўнг ўзини тўхтата олмайдиган ер кўчкиси сингари... Уни овута оладиган бирдан-бир куч — кутаётган болаларигина, холос. Улар Эдигейни туриш-туриши билан севишади, айтадиган масалалар қўйиб, миясини қотиришмайди. Нима ёрдам керак, уйга нима олиб келиб, нимани ўнглаш керак — Эдигей бу юмушларни ҳаммиша жон-дили билан бажарарди. Мана ҳозир ҳам икки катта қоп картошкани юклаб бораётир. Қишлик ўтин ҳам ғамлаб қўйилган.

Болалар ҳақида ўйлаганда, Эдигейнинг жони таскин топарди, руҳий азобларини нутиб юборарди. Ҳозир Бўронлига қандай етиб олишини, буни эшитган болаларнинг уй-уйидан югуриб чиқишларини, уйга киринглар десанг ҳам қулоқ солмай, «Эдигей амаки келди! Қоранорга миниб келди! Картошка олиб келди», дея қор остида қаттиқ қичкиришларини тасаввур этиб борарди. Эдигей амирона туяни чўктиради, қордан оппоқ оқарган ҳолда Қоранордан тушиб, уст-бошини қоқади, иш орасида болаларнинг бошини силайди, сўнг юкни тушира бошлайди-да, Зарифа уйида бўлса чиқиб қолар, деган умидда аланглаб қарайди. Зарифа чиқиб ёнига келган пайтда ҳам унга айтарлик бирон нарса демайди, Зарифа ҳам индамайди, Эдигей унга фақатгина бир назар ташлаб кўяди, холос. У шунисига ҳам рози, яна секин-аста тинка-мадорини қуритадиган, юрагини ўртайдиган ҳам шу, аммо иложи қанча! Болалар эса атрофида ўралашади, ишлашга халақит беришади, туянинг бўкиришидан кўрқиб-писиб, унинг олдига келишадию, яна кўркувларини босиб, унга ёрдам бермоқчи бўлишади. Ана шунинг ўзи Эдигейнинг бутун азоб-укубатларини ювиб кетгандек бўларди...

Абутолибнинг болалари билан тезроқ учрашишга у ўзини тайёрлар экан, бу гал ёш дўстларига нималарни ҳикоя қилиб бериш ҳақида ўй сураб эди. Яна Орол денгиздан гапирсинми? Энг сеvimли ҳикоялар денгизда кечмиш воқеалар эди, бу воқеаларни улар муқаррар оталари билан боғлар ва ўзлари сезмаган ҳолда у билан, унинг хотираси билан улаб юборишганини ўзлари ҳам сезмай қолардилар... Эсизки, Эдигейнинг денгиз ҳаёти ҳақида билган, эшитганлари тугаб қолган. Уларни болаларга бир неча марталаб айтиб берган эди. Бор-йўғи олтин балиқ ҳақидаги қисса айтилмай қолган эди, чамаси. Лекин бу воқеани айтиш керак. Узоқ ўтмишда содир бўлган ўша воқеа замирида нималар юз берганини ўзидан бошқа яна кимга тушунтира олади?

Ўша қор босган кун Эдигей бутун йўл бўйи ана шундай оғир ўй-хаёлларга банд бўлиб борди. Қор эса ҳамон забтига оларди. Ана шу эрта келган қор билан бирга Сариўзакка киш ҳам биратўла ўрнашиб олди. Чилла совуғи бошланиши биланок Қоранор Бўроннинг норлиги тутиб, қутура бошлади — ҳеч ким, ҳеч нарса унинг эркига зид бора олмасди. Бундай пайтларда ҳатто эгаси ҳам бирор фалокатга дучор бўлмаслик учун ундан чекинишга интиларди.

Қор тушгандан сўнг уч кун ўтгач, Сариўзакнинг изғирин шамоли кучайиб, кир-адирларни текислаб, ана-мана дегунча қор юзасини қатрон қилиб ташлади. Оёқ остидаги ғижирлаган ҳар бир товуш, ҳар бир шарпа, йўлдаги поездларнинг овози узоқ-узоқлардан ҳам қулоққа чалинарди. Эрта тонгда Қоранорнинг кўрада увиллаб ўкиришидан чўчиб уйғонган Эдигей туянинг ер депсиниб, кўра ёғочларини ғижирлатиб синдираётганини эшитиб яна жини кўзияпти, деб ўйлади. Дарҳол кийиниб қоронғида у ёқ-бу ёққа қоқиниб кўрага яқин борди-да, аччиқ

совуқ томоғига наштардек қадалганидан овозининг борича ҳайкирди:

— Сенга нима бўлди?! Яна ўз билганингни қилмоқчимисан? Яна конимни сўрмоқчимисан? Эҳ, ҳайвон, дамингни ўчир! Дамингни ўчир, деяпман. Бу йил негадир қилигингни эрта бошлайдиганга ўхшайсан. Элдан уялсанг бўларди!

Эдигей сўзлари елга учиб кетаётган эди. Эҳтироси жўшиб кетган туя уни назар-писанд ҳам қилмади. У ўз билганини талаб қиларди. Ўқириб-ўқириб, оғиз кўпигини пуркаб, тишларини даҳшатли ғижирлатганча кўрани бузиб ётган эди.

— Демак кўзгаган экан-да?— деди эгаси ғазабини таънага йўйган бўлиб.— Ҳа, тушундим, ҳозирнинг ўзидаёқ кечикмай уюр томон югуриб қолишинг керак-а? У ерда бир каймалча¹ борлигини сезиб турибсан, шекилли? Оббо! Шовқин-суронсиз бажариш мумкин бўлган ишни нега олло-таоло томонидан йилда бир мартагина бажарадиган қилиб яратилган экансан. Ушандай бўлганда сенлар билан кимнинг иши бўларди? Энди эса, худди ер ағдар-тўнтар бўлиб кетаётгандек!..

Эдигей Бўрон бу гапларнинг ҳаммасини шунчаки хўжақўрсинга, бир оз ҳовурдан тушиш учунгина айтарди, чунки у ўзининг ожизлигини жуда яхши тушунарди. Начора, қулоқни қоматга келтириб бўкираётганидан кўра уни бўшатиб юборгани маъқул. Йўғон ғўлалардан қурилиб, занжирлар билан мустаҳкам боғланган, одам бўйи келадиган залворли эшик очилар-очилмас Қоранор ташқарига отилди, сал бўлмаса эгасини йқитиб кетаёзди. Қоранор бесўнакай қадам ташлаганча ўқириб, сапчиб, таранглашган қора ўрқақларини силкилатиб дала сари чопиб кетди. Ортидан қор тўзони кўтарилдию бир зумда ғойиб бўлди.

— Балога йўлиққур-эй!— деди Эдигей ерга тупириб ва яна жаҳл устида кўшиб кўйди:— Югур ярамас, кечикиб қоласан!

Ўша куни Эдигей ишга эрта чиқмоқчи эди, бироқ Қоранорнинг ғалаёни бунга имкон бермади. Бу ишнинг оқибати нима билан тугашини билганида уни кўйиб юборармиди — тарс ёрилиб кетса ҳам бўшатмасди. Ахир, бу уйда қутурган туя билан бас келадиган киши йўқ эди-да! Унинг кўздан йирокда бўлгани яхши. Эркинликка чиқиб, шамоллаб, қизиган қонини совутиб, бир оз тинчлансин, деган ниятда эди Эдигей...

Тушга бориб Казангап етиб келди ва дили оғригандай жилмайиб туриб айтди:

— Ишинг чаток, бой бува. Ҳозиргина яйловдан келаётибман. Сенинг Қораноринг сафарга чиққан, шекилли. Ўзимизнинг каймалчаларимиз унга озлик қилганга ўхшайди.

— Бирон ёққа боши оғиб кетибдими? Калака қилмасдан ростини айта қол тезроқ.

— Калаканг нимаси? Айтяпман-ку, бошқа уюрларга кетиб қолган-

¹ К а й м а л ч а — моя туя.

га ўхшайди деб. Бирон нарсанинг ҳидини билган, шекилли. Хабар олиб келай-чи, деб ўша ёқларга йўлим тушган эди. Катта йўлга чиқаётган эдимки, дала даштни қалдирашиб бир бало-қазо келяпти. Қарасам, Қоранор. Кўзи чаноғидан чиқиб бақириб, огзидан сўлакайи оқиб бораётибди. Нақ гулдираб бораётган паровоз, дейсан. Ортидан куюн кўтариларди. Мени янчиб кетади-ёв, деб кайфим учди. Шу алфозда ёнимдан гув этиб учиб кетди. Олдида одам бораётганини ҳам назар-писанд қилмади. Малақумдичоп томонларга қараб кетди. У ёқлардаги жарликларда бизникидан кўра каттароқ туя уюрлари ўтлаб юради. Ўзимизнинг туяларни назари илмай қолганга ўхшайди. Бизнинг ерлар унга торлик қилган. Айни кучга тўлган пайти ҳаромининг.

Эдигейнинг кайфи учиб кетди: энди қанчадан-қанча галва, дили-сиёхликлар бўлади деяверинг.

— Бунча хавотир олаверма. У ёқларда ҳам ман-ман деган кутурган туялар бордир, ахир. Улар Қоранорнинг бошлаб адабини бериб қўйишса, калтакланган итдай думини қисиб қайтиб келади, очик мозорга борармиди.

Фронтдан келган маълумот сингари эртаси кунёк Қоранор Бўроннинг жанговарлик фаолияти тўғрисидаги хабарлар кела бошлади. Манзара яхши эмас эди, албатта. Қайси бир поезд Бўронлига келиб тўхтамасин, машинист ё ўт ёқувчи, ёки кондуктор бири-бирига гап бермай, йўлдаги бекатларга яқин ерларда ёйилиб юрган туя подалари орасида Қоранорнинг бебошлик қилиб, қирғин солиб юганини ҳикоя қилишарди. Айтишларича, Малақумдичоп бекатида Қоранор иккита бўғрани ўлар ҳолатга келтириб, ғажиб ташлаган эмиш, тўртта урғочи туяни кенг далага ҳайдаб кетаётган пайтда эгаси уларни аранг ажратиб олибди. Одамлар осмонга қаратиб ўқ узиб ҳам Қоранорни кўрkitолмабди. Бошқа бир ерда эса урғочи туяни миниб келаётган эгасини кулатиб, тортиб олибди. Нортуя урғочиси билан ўйнаб хумордан чиқ-қач, жавобини берар деб, подон эгаси икки соат чамаси кутиб ўтирибди, лекин урғочи туянинг ўзи бу ярамасдан ажралишни хоҳламас эмиш. Шунда эгаси бир маҳал миниб уйига қайтиш ниятида туясига яқинлашган экан, ҳайвон ҳайвонлигини қилиб унга ташланиб қувлабди. Агар у бечора мушукдан қочган сичқон сингари чуқурга сакраб тушиб жон саклашга улгурмаганида ўлдириб қўйиши ҳеч гап эмас экан. У ўзига келиб, жарлик бўйлаб нариги томондан чиқибди-да, омон-эсон қолганига шукр қилиб, уйига жўнабди.

Ёвуз Қоранорнинг саргузаштлари тўғрисидаги бу каби хабарлар Сариўзакнинг оғзаки телефони орқали етиб келарди, ammo энг ташвишлиси ва даҳшатлиси Оқмўйноқ бекатидан келган хат эди. Етиб борган жойини қаранг-а, иблисни, Оқмўйноқ дегани Қумбел катта бекатидан ҳам нарида, озмунча ерми! У ёқдан Коспан деган бир кимса хат ёзиб юборибди. Бу ажойиб хатда бундай дейилган эди:

«Салом ҳурматли Эдигей ога! Сариўзакнинг атоқли кишиси бўлсанг ҳам, нохуш гапларни эшитишингга тўғри келади. Мен сени мард

одам деб юардим. Қирғин келтирувчи Қоранорингни бўшатиб юбориб, нима иш қилдинг? Сендан буни қўтмаган эдик. Туя ҳаммаёкка даҳшат солди-ку. Нор туяларимизни майиб қилиб, энг яхши учала урғочи туямизни олиб кетди. Бу ёққа ёлғиз ўзи келмади, жабдуқланган аллақандай урғочи туяни ҳам ҳайдаб келибди, кўринишдан эгасини йўлда ҳайдаб туширган. Бўлмаса жабдуқланган ҳолда келармиди! Хуллас, ҳалиги урғочи туяни далага ҳайдаб кетгандан буён одамни ҳам, ҳайвонни ҳам яқинига йўлатмади. Бу нима деган гап, ахир? Бир ёш нор туямиз ковурағалари синиб нобуд бўлди. Осмонга ўқ узиб, уни чўчитиб, туяларни қайтариб олиб келай десам, фойдаси йўқ. Ҳеч нарсадан ҳайиқмайди, яқинлашганни тирикликин гажиб ташлағудай. Юмушимга ҳалал берма, дегандек бўлади. Ўтламайди ҳам, сув ҳам ичмайди, урғочи туяларни бирин-кетин қочириб, ҳаммаёқни ларзага солади. Бу ишларни қанчалик йиртқишларча қилаётганини кўрсанг, кўнглинг айнийди. Аини пайтда, киёмат қойим бўлгандек бешбаттар ўкирадики, овози бутун далани тутади. Қулоқни қоматга келтиради! Назаримда, юз йил тинимсиз шу иш билан шуғулланишга тайёрдек кўринади. Дунёга келиб, бундай ёвуз йиртқични кўрмаган эдим. Қишлоғимиз одамлари кўрқувдан эси чиқаёзди. Аёллару болалар уйларидан чиқишга кўрқишади. Шунинг учун тезроқ келиб Қоранорингни олиб кетишингни талаб қиламан ва сенга муҳлат бераман. Агар эртагаёқ келиб, бизни бу балодан қутқармасанг, мендан ўпкалама, кадрли оға. Катта трубади милтиғим бор. Гувоҳлар олдида жирканч калласига қараб ўқ узаман-да, шу билан ҳамма ишни тугатаман. Терисини эса юк ташувчи ўткинчи поездларда бериб юборамиз. Бу — Қоранор Бўрон, деб қараб турмайман. Мен сўзимнинг устидан чиқадиған кишиларданман. Иссиқнинг борида корингни қил.

Оқмўйноқлик ининг Коспан».

Хуллас, ишлар ана шунақа. Афандичалиш хат бўлса-да, ундаги огоҳлантирув жиддий эди. Эдигей Казангап билан маслаҳатлашгач, Оқмўйноқ бекатига зудлик билан етиб борилмаса бўлмайди, деган қарорга келишди.

Айтишга осон, бироқ амалда бажариш қийин.

Эртаси куни эрта билан йўлга чиқди. Уккубола йўл учун емиш тайёрлади. Эдигей иссиқ кийиниб олди. Пахталик шим, пахталик нимча, устидан пўстин кийди, оёғида эса кигиз этик, бошига тулки терисидан тикилган қулоқчин кийиб олди. Демак, орқа-олдидан шамол урмасди, бутун бўйин-боши мўйна кийимлар билан ўраб олинганди, қўлида эса иссиққина тери қўлқоп. Оқмўйноққа бориш учун урғочи туяни жабдуқлаётганда Абутолибнинг икки боласи югуриб келишди. Довул қўлда тўқилган юнгли шарф олиб келаркан:

— Эдигей амаки, ойим бўйни шамоллаб қолмасин деб берди,— деди.

— Бўйин? Томоқ деб айтмайсанми?

Эдигей қувонганидан болаларни бағрига босиб қайта-қайта ўпиб қўйди, ҳаяжонланганидан сўз ҳам тополмади. Бу Зарифанинг Эдигейга кўнгли борлигидан бир нишона эди. Эдигей ёш болалардек қувониб кетди.

— Ойингга бориб айт,— деди у болаларга,— мен тезда қайтаман, худо хоҳласа, эртагаёқ қайтиб келаман. У ерда бир дақиқа ҳам ушланиб қолмайман. Сўнгра ҳаммамиз йиғилишиб, чой ичамиз.

Кургур Окмўйноққа эртароқ етиб, эртароқ қайтиб келсам, Зарифани тезроқ кўриб, кўзларига боқиб, бу шарф тасодифий бўлмай, балки маълум бир ишора эканлигига ишонч ҳосил қилсам, деб ошиқарди Эдигей. У шу аснода шарфни камзулининг ички чўнтагига авайлаб солиб қўйди. Овулдан чиққанда ҳам, ундан анча узоқлашиб кетгандан кейин ҳам йўлдан қайтмоқчи бўлдию аранг ўзини тийиб олди. Жин урсин, бу Қоранорни. Ҳалиги Коспан деган кимса отмоқчи бўлса отаверсин, хоҳласа, терисини ҳам юборсин. Бебош туянинг азобини қачонгача тортади, ўзидан кўрсин! Майли. Қилмишига яраша!.. Қизиқ устида яна йўлдан қайтмоқчи бўлдию бироқ уялди. Эл олдида, ҳаммадан ҳам Укқубола, Зарифа олдида шармандаю шармисор бўлишини ўйлади. Ниҳоят, ниятидан қайтди. Тоқатсизликнинг бирдан-бир давоси иложи борица тезроқ бориб, тезроқ қайтиб келиш, деб ўйлади ўзича.

Шу зайлда у елиб борарди. Кун хийла изғиринли. Шамол ўзининг аччиқ тили билан бетларни ялайди. Тулки терисидан тикилган қулоқчин бетни тўсади. Туянинг оғзидан чиққан ҳовур қулоқчиннинг майин юнгига ўрнашиб киров босиб қоларди. Афтидан, қиш забтига олаётган эди. Дала-даштларни туман қоплаган. Ён-верида туман йўқдай, лекин синчиклаб қарасанг узоқ-узоқларни туман қоплаган. Илгарига илдамлаган сайин туман ҳам сен билан бирга юраётгандай туюлади. Йўловчи туманга қанчалик яқинлашиб борса, у шунчалик чекинади. Оқ чойшаба бурканиб қотиб қолган Сариўзакнинг бағри совуқ эди.

Ёш, лекин йўрга урғочи туя бўз ерда қорни ғирчиллатиб илдам юриб боради. Шундай бўлса-да, бу тезликдан Эдигейнинг кўнгли тўлмайти. Қоранорнинг юриши бошқача эди-да. Унинг одимлари ўзига ярашган. Бурунгилар бекорга айтишмаган:

Отдан отнинг фарқи нимадир?

Ариллаган юриши бор, билиб қўй.

Ботирдан ботирнинг фарқи нимадир?

Фаросати, ақли ортик, билиб қўй...

Йўл йирок, ҳамроҳ йўқ. Зарифа тухфа қилган шарф бўлмаганда Эдигейнинг роса тинка-мадори қуриган бўларди. Бутун йўл бўйи ўша одмигина нарса қалбини иситиб борди. Шунча умр кўрса ҳам сеvimли аёл совға қилган бўлса, бир парча нарса дилни бу қадар равшан

қилишини билмаган экан. Бутун йўл бўйи ана шундай ширин хаёллар унинг фикрини чулғаб олган эди.

Қўлини қўлтигига солиб шарфни силар ва нимадандир мамнун бўлиб, табассум қилар эди. Шунда у бирдан ўйланиб қолди. Нима қилиш керак, буёғига не тариқа яшасин? Боши берк кўчага кириб қолган эди. Қандай қилиш керак? Танасида жони бор одам бир мақсад учун, шу мақсадга етиш учун яшамоғи даркор. На мақсад, на унга эришиш йўли кўринар эди.

Сариўзакнинг аёзли далаларини қоплаган сукутли туман сингари Эдигейнинг кўз олдини ғуссали бир парда қоплаган. Эдигей бу жумбоқларга жавоб тополмас, хуноб бўлар, изтироб чекар, руҳи тушар, ночор орзулар билан ўзини умидвор қиларди...

Шу заҳотиёқ уни бу сукунат ва танҳолик ичида даҳшат босарди. Нега унинг чекига шундай ҳаёт тушдийкин? У қандай қилиб Сариўзакка келиб қолди? Такдир қувғини ҳайдаган бу бахтсиз оила қандай қилиб Бўронли тарафларга келиб қолди? Булар барчаси бўлмаганида у ҳеч қандай азоб-уқубатлар ҳам билмас, ўз кўйича тинч, осойиштагина истиқомат қилган бўлар эди-ку. Эсини йўқотмаганда ноилож нарсага интилган бўлармиди?.. Устига устак мана бу Қоранор қутуриб даҳмаза бўлиб турибди. Худонинг қаҳрига учради, иши сира юришмайди. Чиндан ҳам ҳаётда у омадсиз.

Эдигей Окмўйноққа кечга яқин етиб келди. Туяси анча ҳориган эди. Олис йўл, бунинг устига киш фасли.

Окмўйноқ деганингиз Бўронлининг баайни ўзи. Фақат сув ўзларидан чиқади, қудуқлари бор. Бошқа ҳеч қандай фарқи йўқ — Сариўзакнинг ўзгинаси.

Окмўйноққа келиб тушиши билан бир йигитдан Коспан деган киши қаерда туришини сўраб-суриштирди. Йигит Коспан худди шу аснода хизматда эканлигини ва ҳозир навбатчиликда турганини айтди. Эдигей ўша ёққа равона бўлди. Навбатчи хонага етиб овоз берган эдики, микти, кулимсираган, эгнига пўстин кийиб олган, оёқларига уринган кигиз этикни илган, бошига эса эски қулоқчин кийган бир киши пайдо бўлди.

— Саломатлигингиз керак, Эдигей оға! Қадрдонимиз Бўронли оға! — деб юзланди ҳалиги одам уни таниб. — Етиб келибсиз-да. Биз бўлсак кўзимиз тўрт бўлиб кутиб ётибмиз. Ўйлаб ўйимизга етмаймиз келармикин, келмасмикин деб.

— Шундай дағдағали хат олганингдан кейин келмай кўр-чи? — дея жилмайди Эдигей.

— Бўлмаса-чи? Хат-ку майли-я, биродар. Хат бир парча қоғозда. Бу ерда аҳвол шундайки, сен тезда ўз Қоранорингдан бизни халос қилмасанг бўлмайди. Акс ҳолда, биз қуршовда қолдик. Чўлга боришга йўл бўлсин! Бировнинг қорасини узоқдан кўриб қолди дегунча, худди қутургандай эзиб ташламоқчи бўлади. Бу қандай шум махлук ўзи? Бундай туяга эга бўлиш даҳшат.— У тин олиб Эдигейга назар

ташладию яна кўшимча қилди:— Ҳайронман, сен уни қандай қилиб қурук қўл тушовга оласан?

— Нега қурук қўл билан бўлсин? Мана, менинг қуролим.— Эдигей хуржундан ғилофга ўралган камчинни олиб кўрсатди.

— Шу камчин биланми?

— Бўлмасам-чи, туяга қарши замбарак ишлатиш керакми бўлмаса?

— Биз бўлсак милтиқ билан ҳам эплотмаяпмиз. Билмадим, эхтимол сени хўжайин деб билиб шаштидан тушар... Ҳай, билмадим-да, кўзларига қон қуйилган...

— Буёғини кўрамиз-да,— деди Эдигей.— Вақтни ўтказиб нима қиламиз. Авзойингдан ўша Коспан дегани сен бўлсанг керак. Агар шундай бўлса, мени йўлла, қаердалигини кўрсат, қолганини менга қўявер.

— У ер узоқ,— деди Коспан ва чор атрофга кўз ташлади, сўнгра соатига қаради.— Гап бундай Эдигей оға, вақт кеч бўлди. У ёқларга етамиз дегунча кеч кириб қолади. Қоронғининг кўзи кўр. Сенга ўхшаш одамларни туя сўйиб ҳам меҳмонга чақира олмайсан. Бу кеч меҳмон бўл. Тонг ёришгач, ихтиёр ўзингда.

Иш бундай бўлиб чиқишини Эдигей кутмаган эди. Агар Қоранорни ушласа, шу бугуноқ тунда Қумбелга етиб олиб бекат яқинидаги таниш-билишларникида тунаб, эрта тонг маҳалда уйга равона бўлишни мўлжаллаган эди. Эдигей кетмоқчи бўлганини пайқаган Коспан қатъий раддия билдирди.

— Бўлмайди, Эдигей оға, бу ишинг дуруст эмас. Хатга жаҳлинг чиқмасин, узр. Бизнинг ҳам иложимиз йўқ эди. Туянг ҳол-жонимизга қўймади. Бироқ мен сенга жавоб беролмайман. Худо кўрсатмасин, бу кимсасиз чўлда бирон ишқал бўлиб қолгудай бўлса, бутун Сариўзак юртига бадном бўлишни хоҳламайман. Қолгин, йўқ дема. Эрталаб билганингни қил. Хув чекқадаги менинг уйим. Яна бир ярим соатлик навбатчилик қолди. Ўз уйингдай жойлашиб ол. Туянгни кўрага қўй. Ем берамиз. Сув истаганингча бор.

Ҳаш-паш дегунча қош қорайди. Коспан ва унинг оила аҳли ажойиб кишилар экан. Кампир онаси, хотини, беш яшар ўғли (катта кизи Қумбел интернатида ўқир экан), Коспаннинг ўзи меҳмоннинг иззат-икромини бажо келтириш билан овора эдилар. Уй иссиқ, қандайдир кўтаринкилик сезиларди. Ошхонада сўким гўшти қайнамоқда. Чой ичиб ўтиришди. Кампир Эдигейга чой қуйиб узатаркан уй-жойидан, бола-чақасидан, тирикчиликдан, об-ҳаводан гапириб, асли қаерлик эканини сўраб-суриштириб ўтирди. Ўзи ҳам Оқмўйноқ бекатига қачон ва нечук келиб қолганларини сўзлаб берарди. Эдигей ҳам бажонидил суҳбатга араллашиб, сарёғни мақтаб, иссиқ нондан синдириб, мойдан еб ўтирди. Сариўзакда мол ёғи табаррук. Қўй, эчки, туя ёғи ҳам чакки эмас, бироқ мол ёғи ҳарҳолда мазалироқ. Уларга мол ёғини қариндошлари Уралдан юборишган экан. Нонга мой суртиб еб ўтирган Эдигей бу ёғдан яйлов ўт-ўланларининг ҳидини сезиб турибман деган эди,

бу гапи кампирга жуда ёқиб қолди. У ўзининг туғилиб ўсган жойлари — Жайик кенгликлари, у ердаги ўтлоқлар, ўрмонлару дарёлар ҳақида ҳикоя қила бошлади...

Шу маҳал бекат бошлиғи Эрлепес кириб келди. Уни Эдигей Бўроннинг меҳмон бўлиб келиши муносабати билан Коспан таклиф этган эди. Эрлепес келиши билан сўз дарҳол эркакларнинг тирикчилиги, ҳизмат, транспорт, қор босиб қолган йўллар ҳақида кетди. Эрлепес билан Эдигейнинг илгари ҳам бир оз танишлиги бор эди. У темир йўлда кўпдан бери ишларди. Энди эса яқиндан танишишга тўғри келди. Унинг Эдигейдан ёши улуғроқ. Эрлепес уруш тамом бўлиши билан Окмўйноқ бекатининг бошлиғи бўлиб ишлаб, бекат ахлининг хурматини қозонган эди.

Аллақачон кеч кириб қолган эди. Бўронлидаги сингари бу ерда ҳам поездлар тарақ-туруқ қилиб ўтишар, дераза ойналари шарақларди. Ташқарида гувиллаб шамол эсарди. Гарчи яна ўша Сарийўзак темир йўли бўйида ўтирган бўлса ҳам бу ер бўлакча — Эдигей бутунлай ўзга кишилар орасида меҳмон бўлиб қолган эди. Бебош Қоранорни деб келган бўлса ҳам уни муносиб кутиб олишди.

Эрлепес келгач, Эдигей ўзини кадр-қиммати ошгандек ҳис этди. Эрлепес улфат одам эди. У қозоқларнинг ўтмишини яхши биларди. Бора-бора суҳбат ўтган замонларга, атоқли кишиларга, машхур воқеаларга уланди. Ўша кечаси Эдигей окмўйноқлик янги дўстлари билан апоқ-чапоқ бўлиб кетди. Бунинг боиси ёзилиб-яйраб қилинган суҳбатгина бўлмай, балки уй эгаларининг самимий меҳрибонликлари ҳамда яхши зиёфат ва ичимликларга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ эди. Арак бор эди. Совуқда узок йўл босиб келган Эдигей ярим стакан ичди-да, пастаккина думалоқ стол устидан ёш туянинг шўрланган ўрқач ёғидан олиб еди ва ҳузур қилганидан бутун вужуди яйради. Бир оз кайф ҳам қилди, руҳи тетикланиб, юзига табассум югурди. Меҳмон хурмати учун Эрлепес ҳам ичди, у ҳам ўзини хушнуд сеза бошлади.

— Коспан, айланайин сендан, бориб дўмбирамни олиб кел-чи,— деди у.

— Мана бу бошқа гап,— деб маъқуллади Эдигей.— Дўмбира чертган кишига болалигимдан буён ҳавас қиламан.

— Катта дўмбирачи эмасман, Эдике, бироқ сенинг хурматинг учун бирор нарса қўлимдан келиб қолар,— дея Эрлепес камзулини ечиб қўйди-да, енгини шимара бошлади.

Эпчил ва сергап Коспанга нисбатан Эрлепес анча вазмин эди. Ялпоқ юзидан, барваста жуссасидан унинг салобатли киши эканлиги сезилиб турарди. Қўлига дўмбирани олар экан, ҳар кунги ташвишлардан худди узоклашган кишидек фикр-ўйини йиғиб олди. Одатда, ички сирларини сиртга чиқармоқчи бўлган кезларда киши ана шундай ҳолатга тушади-ку. Эрлепес дўмбирасини созлар экан, ақлли кўзлари билан Эдигейга узок тикилди — унинг чақнаб турган катта қора кўзларида, денгиз юзасидаги сингари нур шуъласи акс этарди. Қўш торли

дўмбирасини динғиллатиб, ўнг қўли дўмбиранинг узун бўйни узра у бошидан бу бошигача йўргалаб ўтганда турфа оҳанглар янграб кетди. Куйлар ҳар хил мақомда оромбахш, сеҳрловчи садо чиқарар экан, Эдигей уни шунчаки лоқайд идрок эта олмаслигини англаб етди. У кейин билса меҳмондорчиликда ўтириб ўзини бир оз унутиб алаҳсиб қолган экан. Аммо дўмбира садолари уни яна ўзига келтирди, бутун вужудини яна ғам-алам гирдобига тортди. Нимага шундай бўлди экан? Афтидан, бу куйларни яратган қадимги одамлар Эдигей Бўрон бошига не-не савдолар тушишини, не-не азоб-укубатларга йўлиқишини, пешонасига нималар ёзилганини ўшандаёқ билишганга ўхшайди. Бўлмаса, Эрлепес чертган куйлардан улар Эдигейнинг ичидаги ғам-аламларни қандай қилиб сеза қолишди? Эдигейнинг қалби талпиниб, тўлқинланди, нола торта бошлади. Сўнг сирли дунёнинг барча эшиклари бир-данига очилиб кетди.

Эрлепес дўмбирани чинакамига сайратиб юборар эди. Худди гулханда қуруқ ўтин чарс-чурс қилиб ёнгани сингари қалбларни ёндирган ҳолда дўмбиранинг торларида ўтмишда яшаган одамларнинг оҳу фиғонлари жонланарди. Эдигей шу аснода камзулининг ички чўнтагида яширинган шарфни силаб-силаб кўяр экан, бу ёруғ дунёда у севган бир маҳбуба борлигини ўйлашнинг ўзиёқ хузур ва азоб эканини, унингсиз яшаш эса даҳшатли эканлиги, шунинг учун бу аёлни умрбод севишни ўйлар эди. Эрлепеснинг қўлидаги дўмбира ҳам гоҳ тиниб, гоҳ ёниб худди шу тўғрида нидо чекар эди. Эдигейнинг қалби оҳанглар силсиласида тўлқинлар устидан бораётган қайиқ сингари жўшиб, қалқиб борар эди. У хаёлан яна Орол денгизида ўзини кўрди. Соҳилларга урилиб оқаётган денгиз ёдига тушди. Тўлқинларнинг йўналишини аёл сочлари сингари таралаётган сув ўтларининг узун ва қалин толаларидан билса бўлар эди. Бир вақтлар Уккуболанинг сочлари ҳам худди шундай тақимиға урарди. Уккубола чўмилган пайтларида ҳам унинг сочлари денгиз оқими бўйлаб сув ўтлари сингари таралиб кетарди. Бахт ришталари орасида сузиб бораётган қиз қаҳ-қаҳ уриб кулар, қорачадан келган вужуди гўзал ва бежирим эди.

Оҳанрабо куй Эдигей Бўронга шу қадар хуш келдики, ҳаяжонланганидан чиройи очилиб кетди. Фақат шу куйни деб Сариўзакдан бутун киш куни давомида узоқ йўл босиб келса арзийди. «Қоранорнинг бу ёққа келиб қолгани маъқул бўлган экан,— деб ўйлади Эдигей беихтиёр.— Ўзи келгани етмагандай, мени ҳам йўлдан оздирди. Дўмбиранинг овозини эшитиб, ҳеч бўлмаганда бир яйраб олайин. Қандингни ур, Эрлепес! Маҳоратингга тасанно! Бунчалигингни билмаган эканман...»

Эрлепеснинг куйларини тинглаб ўтирган Эдигей ўз турмуши ҳақида ўйлар, ўз ҳаётига четдан қарашга интиларди. Хаёлида овоз чиқариб, осмону фалакда учиб юрган бургутдай қанотларини кенг ёзиб юбориб пастга кўз югуртирди. Кўз ўнгида кишки Сариўзакнинг улкан манзараси намоён бўлди. У ерда темир йўлнинг билинар-билинимас муқолиши-

даги ёндош қурилган бир неча хонадонлардан чироқ нури кўриниб турарди. Бу ўша Бўронли бекати эди. Бу биноларнинг бирида Уккубола кизлари билан яшайди. Эҳтимол, улар ухлаб қолишгандир, Уккубола балки уйғокдир. Ниманидир ўйлаб, ниманидир юраги сезаётган бўлса керак. Бошқа бир уйда Зарифа болалари билан. У ҳойнахоёй ухламаган бўлиши керак, қийин бўлди бояқишга. Ҳали у яна қанчадан қанча кулфат чекар. Болалари-ку ҳали отасининг нима бўлганлигини биланмайди. Илож қанча, ҳақиқатни яшириб бўлармиди.

Шунда у ял-ял ёниб тун бағрини ёрганича поездлар ўтаётганини ҳамда атроф-теваракни тилсиз чексиз тун босиб ётганини тасаввур қилиб кўрди. Ҳозир ўзи дўмбирага махлиё бўлганича меҳмон бўлиб ўтирган жойга яқин бир ерда бийдай далада, қор ва шамол бағрида тиниб-тинчимас Қоранор ухламай юрибди. Мизғиш нима, тинчиш нима билмайди. Табиатнинг қароматига қойил қоласан киши. Йил бўйи куч-қувват йиғади, ўтлаб емини чайнаб юраверади. Ошқозони шунга мослашган: кундузи уни емишга тўлдириб туни билан қавш қайтариб, емишини ҳазм қилиб, ҳатто уйқусида ҳам жағи тинмайди жониворнинг. Шу тариқа ўрқачига куч йиғади. Ўрқачи қанчалик пишиқ ва тик бўлса, ўрқач мойи қанчалик қаттиқ бўлса туянинг қиш маҳалидаги югуриб елиши ҳам шунчалик тезлашади. Ана шунда қор ҳам, ёгин-сочин ҳам, совуқ-киров ҳам — бошқаларни-ку кўяверинг, ҳатто ўз хўжайини ҳам писанд эмас унга. Бундай вақтларда кучи ошиб-тошиб, маст бўлиб қутуради, ўзи хон, кўланкаси майдон бўлади, чарчаш, толиқиш, кўрқиш нима — билмайди, қудратли, тизгинсиз нафсониятини қондиршдан бошқани билмайди. Худди шунга деб йил бўйи яшаган, худди шунга деб кун сайин куч тўплаган! Айни шу соатда Эдигей Бўрон илиққина ҳаловатли хонада меҳмон бўлиб еб-ичиб, кўшиқ тинглаб ўтирар ва қаердадир жимирлаган қор орасида ўз нафсониятига содиқ Қоранор жини ёқтирган урғочи туяларни сийлаб-севиб, уларни жамики ташки офатлардан асраб-авайлаб, паррандаю даррандаларни-да яқинлаштирамай, итни ҳам, битни ҳам раво кўрмай, тун бўйи бақириб-чақириб, чор атрофга чопгани-чопган...

Дўмбира садолари остида Эдигейнинг хаёлидан ана шулар кечди.

Куй ўй-хаёлларини бир зумда қадим замонлардан ҳозирги замонга ва яна ўтмишга олиб кетарди. Шунда Эдигей қалбида ажиб бир истак пайдо бўларди — ҳеч кимга, ҳеч нарсага ёмонликни раво кўрмаслик учун азиз бўлган жамики нарсаларни, кўз ўнгида намоён бўлган бутун оламни хавф-хатардан сақлаб қолсам, деб хаёл қиларди. Эдигей туриш-турмуши билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсалар олдида ўзини қандайдир гуноҳкордек сезар ва бу туйғу уни қайғуга соларди...

— Ў, Эдигей, — дея овоз қилди Эрлепес хаёл суриб жилмайганча, торларин секин чертиб, чалаётган куйини яқунлар экан. — Йўл юриб чарчагансан. Мен бўлсам дам олдиришга ҳам қўймай дўмбирамни динғиллатиб ётибман.

— Йўғ-э, нега энди Эрлеке, — деди Эдигей ҳақиқатдан ҳам уялиб,

қўллари кўксига қўяркан.— Аксинча, кўпдан бери ҳозиргидай роҳатланган эмасман. Агар ўзинг чарчамаган бўлсанг, дўмбирангни чалавер. Хизматингни аяма. Чалавер.

— Нимани эшитишни хоҳлардинг?

— Бунисини ўзинг яхши биласан, Эрлеке. Уста ўз ишини яхши билади. Рост, эски куйлар юракка яқинроқ. Нега шундайлигини ўзим ҳам билмайман, ўйга солиб, кўнглинга қанот бағишлайди.

Эрлелес тушунгандек бош чайқади.

— Бизнинг Коспан ҳам ана шундай,— деб кулди Эрлелес одатдан ташқари тинчиб қолган Коспанга қараб.— Дўмбирани эшитди дегунча эриб кетади—да, бошқа кишига айланиб қолади. Шундай эмасми, Коспан? Бироқ бугун уйингга меҳмонинг бор. Буни унутма. Ҳалигидан киттай томизиб қўй.

— Қуйишми, мана ҳозир—да,— дея тетикланди Коспан ва стаканларнинг тубига қайтадан қуйиб чиқди.

Ичиб бўлишгач, кетидан газак қилишди. Бир оздан сўнг Эрлелес яна дўмбирани қўлига олиб, торларни созлай бошлади.

— Модомики, эски куйларни ёқтирар экансан,— деди у Эдигейга ўгрилиб,— бир воқеани сенга эслатайин, Эдике. Буни қарияларнинг кўпи билишади, сен ҳам билишинг керак. Дарвоқе, сизларнинг Казангап ҳам яхши билади, лекин у фақат гапириб беради, мен бўлсам куйга солиб айтиб бераман, бутун бир театрни кўрсатаман. Хурматинг учун, Эдике: «Раймали оғанинг иниси Абдилхонга қарата айтган сўзи».

Дўмбира садосига жўр бўлиб куйлаётган Эрлелеснинг майин ва бўғиқ овози жирловчи оқин Раймали оғанинг фожиаи тақдирини ифодалашга жуда мос бўлиб тушар эди. Раймали оға олтмишдан ошганда йўлидан юлдуз каби чакнаб чиққан кенг даланинг ўн тўққиз яшар эркин ва эрка жирловчи Бегимойга ошиқ бўлиб қолади. Аслида, киз унга ошиқ бўлиб қолган экан. Бироқ эркин ўсган эрка қиз Бегимой кўнгли истаганча иш тутарди. Кўпчилик эса, эл оғзига тушган Раймали оғани койирди. Шундан буён бу севги тарихини ёқловчилари ҳам, маҳкум этувчилари ҳам бор. Холис қолган киши йўқ. Баъзилар Раймали оғанинг қилмишини қоралаб, унинг оти ўчин, унутинглар дейишса, баъзи бировлар унга юраги ачишиб куйиниб, муҳаббатини топган бу оқиннинг оғир қисматини оғиздан—оғизга, уруғ—да—уруғга айтиб келишарди. Раймали оға хусусидаги ривоят шу йўсинда яшаб келмоқда. Қайси замонда бўлмасин, Раймали оғанинг ўз қораловчилари ва ҳимоячилари бўлган...

Абутолиб Қуттибоев қоғозлари орасида Раймали оғанинг укаси Абдилхонга ёзган хатларини топиб олиб сўкиниб гапирган чағиркўз кишини эслади Эдигей. Абутолиб эса, аксинча ўзи айтгандай дала Гётеси ҳақидаги поэмани юксак баҳоларди; маълум бўлишича, немисларда ҳам улуғ ва донишманд бир қария бўлиб, у ҳам ёш қизга ошиқ бўлиб қолган экан. Болаларим ўсиб улғайганда ўқисин, деган умид билан Раймали оға ҳақидаги қиссани Казангап оғиздан ёзиб

олган экан. Баъзи бир воқеалар, баъзи бир кишиларнинг умри-тақдири бўладик, улардан кўпчилик баҳра олишади, дер эди Абутолиб, чунки бу қиссалар сабоғининг баҳоси шу қадар юксак ва ўз замирида шу қадар катта мазмунни қамраб оладик, бир одамнинг тақдири ўша замонда яшаганларнинг, ҳатто анча кейинроқ дунёга келадиганларнинг ҳам тақдири билан боғланиб кетади...

Унинг қаршисида илҳом билан дўмбирасини чалиб, Эрлеспес куйлаб ўтирарди. У бекат бошлиғи сифатида темир йўлнинг белгиланган қисмида, аввало, йўл ишлари билан банд бўлиш ўрнига бечора Раймали оғанинг аллазамонлар рўй берган мудҳиш тарихини юрагида саклаб, ўша азоб-уқубатларни ўзи бошидан кечиргандек эзилиб, азоб чекиб нима ҳам қиларди?! Қалбдан чиққан қўшиқ билан юракни тўлқинлантирувчи куй дегани шу экан-да, деб ўйларди Эдигей, бундай пайтларда ўлиб, қайтадан тирил десалар, шундай қилишга ҳам тайёр эди... Эҳ, кошқийди ёришиб кетган қалбингда шундай бир олов порласаю ундан фикри-зикринг тозаланиб, энг ноёб эзгу ниятларинг ҳамиша ўчмасдан сенга ҳамроҳ бўлиб юрса...

Гарчи Эдигей ётиш олдида тоза ҳавога чиқиб айланиб келган бўлса-да, уй эгалари унга қулай иссиқ кўрпа-тўшак солиб, меҳмон отангдан улуг деб махсус сақлаб қўйилган тоза чойшаб солиб берган бўлсалар ҳам янги ўринда ҳадеганда ухлай олмади. У дераза ёнида ётаркан, ташқаридан шамолнинг хуштак чалиб эсиши, поездларнинг дам у томон, дам бу томон қатнаб туриши эшитиларди. Тонг отишини кутди. Кутириб кетган Қоранорни ушлаб, эртарок йўлга чиқиб, эртарок Бўронлига етиб олишга ошиқарди. Эдигейни икки хонадон болалари кутишаётган эди. У ҳам болаларнинг барчасини бирдек севарди, бу заминда ўшаларни деб яшарди, уларнинг биронтаси ёмонлик кўрмасин деган умидда яшаб келаётган эди... У ҳозир Қоранорни қай йўсинда ушлаб олиш йўлини ўйларди. Туяси бошқаларникидай эмас — тутқич бермайди, бунинг устига ўлгудек бадфеъл, одамлар унинг кўринишиданок қўрқиб қочишади, энди эса отиб ўлдирмоқчи бўлишибди. Бироқ яхши билан ёмоннинг фарқини ҳайвонга қандай қилиб тушунтириш мумкин.

Бу ёқларга боши оғиб келганлиги беҳуда эмас. Қоранор улкан ва қудратли, шу боисдан унга ҳеч қандай тўсиқ писанд эмас, кимки йўлига тўсиқ бўлса, уни дангал мажақлаб ташлайди... Нима қилиш керак, қандай қилиб Қоранорни эплаб бўлади? Уни занжирбанд қилишга ва қиш бўйи кўрада сақлашга тўғри келади, акс ҳолда ҳолига вой, Коспан бўлмаса бошқа бирон киши отиб ташлайди, вассалом... Кўзларини уйку элитар экан, яна бир бор Эрлеспеснинг кўшиғини, унинг дўмбира чертишларини эслади ва тун бўйи суҳбат қурганидан мамнун бўлди. Ўша дўмбира садоларидан бир замонлар севгилиси туфайли шўри қуриган оқин Раймали оғанинг изтироблари қайта жонланиб, дилини ғусса қоплади. Гарчи улар ўртасида ҳеч қандай умумийлик бўлмаса-да, Эдигей Раймали оғанинг ўша севги саргузаштлари билан

Ўзининг туйғулари орасида қандайдир ҳамоҳанглик, қандайдир муштарак дард борлигини ҳис қилди. Юз йиллар чамаси муқаддам Раймали оғанинг бошидан кечмиш савдолар эндиликда Сарийўзак саҳроларида яшамис Эдигейнинг қалбида акс-садо бериб турибди. Эдигей оғир хўрсинар, тўшақда ағанар, булут сингари босиб келаётган кийноқлардан уни қайғу қопларди. Бошини қаёқларга олиб кетсин ва нима қилсин? Зарифага не дейди, Уккуболага қандай жавоб қилади? У йўлдан адашган, сарсон-саргардон, калавасининг учини йўқотганди. Уйкуга кетар экан, яна Орол денгизида кўрди ўзини... Ложувард осмон, сув ҳамда шамол оғушида маст бўлиб, боши гир айланди... Ўша вақтларда, болалик чоғларида бўлганидай хаёлида окқуш сингари парвоз қилиш учун денгизга равона бўлди, соҳил устида эркин қанот ёзди. Ўзининг бу ҳолатига беҳад шодланиб, қувнаб, денгизни туш кўрар ва дўмбира садолари остида Раймали оғанинг бахтсиз муҳаббати ҳақидаги Эрлеспеснинг кўшиқларини тинглар, яна денгизга қўйиб юборилган ўша олтин балиқни эслар эди. Мекре силлиқ ва микти бўлиб, уни сувга томон етаклар экан, балиқнинг бутун вужудини шундоққина ҳис этар, унинг ўз макони томон жон-жаҳди билан интилганини сезиб турарди. У сув ёқалаб борар, денгиз унга томон талпинар, насимнинг ёқимли юзларидан бўса олар, сўнг эса бармоқларини ёзаркан, олтин балиқ қуюқ-кўкиш ҳаво бағрида камалакдек товланиб порлар экан, сувга сирғаниб тушиши узоқ вақт давом этарди. Худди шу зайлда узоқ-узоқларда музика нола қилади. Кимдир ўз тақдирдан нолиб йиғлайди.

Ўша кечаси далада изғирин шамол эсди. Аёз кучайганидан кучаярди. Қоранор Бўрон танлаб олган туялар тепалиқнинг тубида, чуқурликда туришарди. Шамол аралаш қор қуюни туяларни саваларди, улар ғуж бўлиб, бошларини бир-бировларининг бўйинларига қўйишиб исинишар эди. Аммо қутурган Қоранор бечораларга тинчлик бермас, урғочи туялар атрофида елиб-югуриб, кимдандир қизғанаётгандек ғазаб билан ўкирарди. Кимдан ҳам қизғансин, бирон жон зоти йўқ. Наҳотки осмондаги булутлар орасидан аранг шуъла таратаётган ойдан қизғанаётган бўлса? Қоранор ўзини кўярга жой топмасди. Кўш ўрқачли қора алвасти, узун бўйин, пахмоқ калла изғирин шамол ялаб кетган қор устида депсиниб, нари-бери юрганча атрофга қараб алангларди. Унинг куч-қудрати битмас-туганмасдек! Хумори қонмаган Қоранор ҳамон мода туяларнинг гоҳ унисига, гоҳ бунисига тегишиб, жони-ҳолига қўймай, тўпиғидан ва сонидан қаттиқ тишлаганча четга тортарди, бироқ буниси ўта даражада ҳаддан ошиш эди. Урғочи туялар кундузи етарли равишда Қоранорнинг бемаъни истакларини иштиёқ билан бажо келтиришарди, тунда бўлса, дам олишни исташарди. Шунинг учун улар ҳам бунга жавобан адоват билан бақиршар, ортиқча ёпишишларига қаршилик кўрсатиб, итоат этиш ниятида эмас эдилар. Кечаси тинчгина ётишни истар эдилар-да.

Тонгга яқин Қоранор Бўрон ҳам шаштидан тушиб, тинчланиб

қолди. Уйқудан уйғонган сингари атрофга аланглаб қараб онда-сонда бакириб кўяр, урғочи туялар эса ёнида жимгина туришарди. Шунда уларнинг тўртталаси ҳам бир-бирларининг ёнида бўйинларини чўзишиб, бошларини ерга қўйиб бир зумгина мудраб олишди. Бу урғочи туяларнинг тушига ўзларининг ёнларида чопкиллаб юрган, бу ёқларга аллақаклардан келиб бошқа туялар билан жангу жадалда ғолиб чиқиб, ўз бағрига олган қора нортуядан тарқаган жажжи бўталоклар кирарди. Уларнинг тушига яна ёз, ёвшан бўталокларнинг елинга эркаланиб талпинишлари кирар ва елинлари оғриб, ич-ичидан игнадай санчир эди... Қоранор бўлса ҳамон собит турарди. Шамол унинг ёллари орасида хуштак чалади.

Ер ўз доираси бўйлаб айланиб, сирти шамолга ювилганча сузиб борарди. Куёш ўз ўқи атрофида айланаркан, охири бир ёни Сарйўзакка тўғри келди, бу ерда тонг отди. Ана шунда Қоранор Бўрон икки кишининг туяга миниб яқинлашиб келаётганини кўрди. Улар Эдигей билан Коспан эдилар. Коспан милтиғини ҳам олиб чиққан эди.

Бу одамлар у турган жойга келишга қандай журъат этишди, уюрга нечук яқинлашишади, унинг раёйига зид боришга кимнинг ҳаққи бор, деётгандек Қоранор Бўрон ғазабнок ўкира бошлади. Қоранор узун бўйнию бошини силкитиб, кўпикланган даҳшатли жағларини катта очиб, тишларини шақирлатганча бор овози билан бўкирарди. Оғзидан чиққан иссиқ ҳовур шу заҳотиёқ аёзли ҳавода ҳурпайган жунларига ёпишиб музлаб қоларди. Жаҳлга минган ҳайвон ўзини тия олмай, оёқларини керганча шамолга қаратиб чоптира бошлади — ҳавода сийдик ҳиди анкиди, тўнғиб қолган томчилар учиб келиб Эдигейнинг юзига урилди.

Эдигей ерга ирғиб тушди-да, пўстинини қор устига ташлади, устида енгил кийими — пахталик нимчаю пахталик шими қолди, холос. Қамчинини ёзиб, яхшилаб ушлаб олди.

— Ўзингни эҳтиёт қил, Эдике, агар ҳужум қиладиган бўлса, уни отиб ташлайман,— деди Коспан милтиғини туяга тўғрилаб.

— Асло бундай қилма. Мен учун ташвиш тортма. Мен — эгасиман, ўзим жавоб бераман. Эҳтиёт бўл, агар сенга ташлангудек бўлса, ўзинг билиб ишингни қилавер.

— Бўпти,— деди Коспан туясидан тушмай.

Эдигей қамчинини тарсиллатиб силкитганча қор парчаларини тўзғитиб, Қоранор томон яқинлашаверди. Қоранор уни кўргач, бешбаттар қутуриб Эдигейга пешвоз чикди. Шу орада мода туялар ҳам турли томонга югура бошладилар. Одатда, темир йўлдаги қор уюмларини чанада туяга торттириб тозалаганларида ичлатадиган қамчисида ерни тарсиллатиб уриб, овозимдан танир, деган умид билан олисдан каттик кийқириб борарди Эдигей.

— Эй, Қоранор! Жиннилик қилма! Жиннилик қилма, деяпман! Бу менман. Нима, кўр бўлиб қолдингми? Бу менман, деяпман!

Аммо Қоранор пинагини ҳам бузмасди: кўш ўрқачларини салангла-тиб, бостириб келаётган улкан қора махлукни кўрганда Эдигейнинг эси чиқаёзди. Шунда у қулоқчинини бостириб олди-да, қамчисини ишга солди; мойланиб, обдан пиширилган чармдан тўқилган етти метр-лар чамасидаги узун қамчи теккан жой ачишиб оғрирди. Туя буй-нини чўзиб, ўкириб-бўкирганча Эдигейни йикитиб, мажаклаб ташлашга интилар, аммо Эдигей уни ўзига яқинлаштирмас, бор кучи билан қамчилар, чап бериб қочар, эгасини танисин, деган ниятда наридан-бери югурган кўйи ҳадеб қийқирар эди. Иккови ҳам ҳақини бермай олишишарди. Қоранорнинг тутқич бермай, жон-жаҳди билан ташла-наётганини кўриб, Эдигей хайратда қолди; уни бир бахтдан махрум этаётганлигини тушунди, бошқа илож ҳам йўқ эди. У фақат бир нарса-дан, Қоранорнинг кўзига уриб кўр қилиб кўйишдан чўчирди. Қолга-ни ҳеч гап эмас. Инсон жасорати охирида ҳайвоннинг қайсарлигини енгди. Ҳайқириб-қийқириб туяни қамчи билан савалаб, бир амаллаб унга яқинлашди-да, бир сакраб юқори лабидан шу қадар куч билан ушлаб олдики, сал бўлмаса узиб олаёзди! Шу заҳотиёқ чаққонлик билан олдиндан тайёрлаб қўйган ўрама сиртмоқ ташлади. Қоранор чи-даб бўлмас оғрикдан бўкира бошлади. Унинг кўркуви оғрик азобида хонасидан чиқаёзган даҳшатли кўзларида Эдигей худди кўзгуда кўр-гандек ўз аксини кўриб қолди ва ўз важоҳатидан ўзи чўчиб кетди. Бундай даҳшатли, ғайритабиий ҳолат унинг жунбушга келган, тер би-лан қопланган юзларини бузиб акс эттирарди. Ҳатто атрофдаги қорлар-нинг ўнқир-чўнқирларигача Қоранорнинг телба қорачиғларида кўринар эди. Ҳеч гуноҳсиз жониворни шунчалар қийнаганига ачинди ва бу ишларнинг ҳаммасидан воз кечиб, боши оққан томонга кетгиси келди. Лекин шу ондаёқ ўйланиб қолди: Бўронлига Қоранорсиз қайтиб бори-ши мумкин эмаслигини, Оқмўйноқдаги одамлар туяни отиб ташлаш-ларини кўз олдига келтирди. У ўзини-ўзи енгиб, ғолибона қийқириганча туясини чўктира бошлади: уни жабдуқлаш лозим эди. Қоранор Бўрон ҳамон бақириб ўкирар, оғзидан чиқаётган иссиқ нафаси билан эгасини қоплаб олар эди. Эдигей шаштидан қайтмади. Охири туяни ерга чўк-тирди.

— Коспан, эгар-жабдукни бу ерга ташлагин-да, анови туяларни бунинг кўзидан нарига, тепалик орқасига ҳайдаб юбор!— деб қичқирди Эдигей.

Коспан моя туя устидан жабдукни ечиб олди-да, у томон ирғитди, ўзи эса Қоранор уюрини ҳайдаш учун югурди, Эдигей унғача ишини бажарди-қўйди: Қоранорини тезда эгарлаб олди, шу орада Коспан ҳам Эдигейнинг пўстинини кўтариб етиб келди. Эдигей пўстинини кия солиб, жабдуқланган Қоранорга миниб олди.

Қоранор ҳали ҳам газабдан жўшиб, мода туялар сафига қайтиб бориш учун интиларди, ҳатто бўйинини ён томон чўзиб, эгасини тиш-лаб олмоқчи бўларди. Аммо Эдигей ўз ишининг устаси эди. У ёвуз-ларча бақирганига ҳам, бўзлаганига ҳам қарамай, Қоранорни қорли кенг далага ҳайдади ва қамчилаб гап уқтирмоқчи бўлди:

— Бас қил, етар энди!— дер эди унга.— Овозингни ўчир! Бари бир, орқага қайтмайсан! Мияси айниган! Мен сенга ёмонликни раво кўрармидим? Мен бўлмаганимда сени қутурган йиртқич ҳайвон сингари отиб ташлашарди. Хўш, нима демоқчисан? Қутурганинг чинми? Қутуриш ҳам шунчалик бўладими?! Ўз уюринг озлик қилгандек бу ёқларда нима қилиб юрибсан? Шунини унутмагинки, уйга етиб олганимиздан сўнг ўзга уюрларга чопишни бас қиласан. Акс ҳолда занжирлаб, бир қадам ҳам жилдирмай қўяман сени!

Эдигей Бўроннинг бу дўк-пўписалари кўпроқ ўзини оклаш учунгина айтилаётган эди, холос. Модомики, Окмўйноқчаца келиб уни туялардан зўрга ажратиб кетаётгани, умуман олганда адолатсизлик эди. Кошқийди Қоранор ювош махлуқ бўлса! Унда ортиқча ташвишга ўриш қолармиди. Ҳалиги миниб келган туяни Коспанга ташлаб келяпти-ку. Вақти-соати келиб уни Бўронлига ташлаб келаман, деб ваъда берди Коспан. Бу ярамаснинг ташвишидан сира қутулмади-да.

Сал вақт ўтгач, Қоранор эгар-жабдуққа ҳам, эгасининг миниб юришига ҳам кўникиб қолди. Энди камроқ бақириб, илдам одимлаб, бора-бора лўкиллаб чопганча Сарийўзакнинг олис йўллариини босиб ўтарди. Эдигейнинг кўнгли тинчиди; туянинг икки ўрқачи орасига қулайроқ ўрнашиб олди-да, кулоқчинини юкорироқ кўтариб Бўронли қайдасан, деб бораверди.

Бироқ йўл анча олис эди. Об-ҳаво бирмунча яхши, фақат бир оз шамол эсиб, осмон булутланиб турарди. Яқин орада қор бўрони туришидан хавфсирамаса ҳам бўларди, аммо тунга бориб бўрон кўтарилиши мумкин. Эдигей Бўрон Қоранорни нўхталаб олганидан, айниқса, кеча кечаси Эрлепеснинг дўмбираси билан қуйлаган қўшиқлариини тинглаганидан кўнгли тоғдай кўтарилиб борарди.

У шу йўсинда хаёл суриб бораркан, яна беихтиёр ўтган умрини эслади. Ечилмас муаммо бўлди-ку! Қандай қилиб «Зарифа, гап ана шундай, мен сени ёқтириб қолдим», деб очикдан-очик айтиши мумкин. Агар Абутолибнинг болаларига отасининг номида бўлиш зиён келтирадиган бўлса, Зарифа хоҳласа, улар Эдигейнинг фамилиясига ўтиб қўя қолсинлар. Фамилияси Довул билан Эрмакка қўл келиб қолса, у ўзини бахтиёр ҳисобларди. Ишқилиб, улар мусибат кўрмасин, ўз кучи, ақл-идроки билан обрў-эйтибор топсинлар... Бутун йўл бўйи Эдигей шундай ўй-хаёлларга ботиб келарди.

Кун охирлаб қолган эди. Аввал қанчалик қутуриб қаршилиқ кўрсатган бўлмасин, жиловланган Қоранор толиқиш нималигини билмай тобора илдамлаб борарди. Олдинда Бўронли кенгликлари ҳам кўриниб қолди. Мана, қор уюмлари билан қопланган қир-адирлар. Мана, катта-кон тепалик, нариги томонда, темир йўлнинг бурилиш қисмида эса Бўронли бекати. Мўрилардан тутун чиқиб турибди. Кадрдон оила аҳлининг ҳоли не кечди экан? Уйдан чиққанига атиги эир кун ўтган бўлса-да, гўё орадан бир йил ўтиб кетгандай хавотирланарди. Уларни соғинган эди, айниқса, болаларни. Қоранор овулни кўргач,

қадамими яна тезлатди. Терлаб-пишиб, оғзидан ҳовурини буриқситиб борарди. Эдигей уйига яқинлашгунча бекатга иккита юк поезди келиб, қарама-қарши томонга ўтиб кетишди: бири мағрибга, иккинчиси маш-рикка...

Эдигей Қоранорни биратўла қамаб қўймоқчи бўлиб уй ортидаги кўра ёнига келиб тўхтади. Шошилганича якка козиққа боғлаб қўйилган йўгон занжирнинг бир учини олиб туянинг олдинги бир оёғини боғлади ва «Тери бир оз қотсин, кейин эгарини оларман», дея ўз ҳолига қўйди уни. Негадир жуда шошиларди. Увишиб қолган бўйни, оёқларини ёзиб қўрадан чиқиб келаётганда катта қизи Саула уни кўриб югуриб келди. Эдигей пўстинда бесўнақай энгашганча кизини кучоқлаб олди-да, юзларидан ўпди.

— Совкотибсан-ку,— деди у кизининг енгил кийинганини кўриб,— уйга чоп, мен ҳозир...

— Ота,— деди Саула эркаланиб,— Довул билан Эрмак кетиб қолишди.

— Қаёққа кетиб қолишади?

— Бутунлай кетишди. Ойиси билан бирга. Поездга тушиб кетишди.

— Бутунлай кетишди? Қачон?— У гап нима тўғрисида кетаётганини тушунмай, кизининг кўзларига тикилиб қайта сўради.

— Бугун эрталаб.

— Шунақа дегин-а!— деди Эдигей овози титраб. Сўнг уйга югур, тезроқ, дея кизини қўйиб юборди.— Мен кейинроқ бораман. Кейин. Сен борақол, ҳозирок жўна...

Саула бурчақдан айланиб ўтди-да, кўздан ғойиб бўлди. Эдигей қўранинг эшигини ҳам ёпмай, тўғри Зарифалар уйи томонга йўл олди. Бораётиб эшитган гапларига ишонмади: бундай бўлиши мумкин эмас! Эшик олдида тўп-тўп оёқ излари кўринарди. У чала ёпилган эшикни шартта очиб, остонадан ичкарига кирдию эски-туски кийим-кечакларнинг сочилиб ётганини, аллақачонлар ташлаб кетилган бўм-бўш уйни кўрди. На болалар, на Зарифа бор эди!

— Шунақа ҳам бўладими?— дея пичирлади Эдигей нима бўлганини ҳамон тушунгиси келмай.— Демак, кетишибди-да!— У уй эгаларининг кетгани аниқ кўриниб турган бўлса-да, лекин кўзларига ишонмасди.

Юраги орқасига тортиб кетди. Ҳеч қачон бундай оғир аҳволга тушмаган эди. У хона ўртасида, муздек печка олдида нима қиларини билмай, ичдан қайнаб чиқаётган аламини босолмай, тик туриб қолди. Дераза пештахтасида Эрмакнинг унутиб қолдирган қирк битта фолбинлик тошлари — умид ва муҳаббат тошлари сочилиб ётарди. Аллақачон дунёдан ўтган отанинг қачон қайтиб келарини билиш учун бу тошлар билан фол очишни Эдигей уларга ўргатган эди. Эдигей тошларни ҳовучлаб олди-да, кафтида силаб ушлаганча,— мана, қолган эсдалик шуларгина, деди. Сўнг деворга бурилиб, юзларини муздек тахталарга суйкай-суйкай, ҳўнграб йиғлаб юборди. Қўлидаги тошлар бирин-кетин

ерга туша бошлади. У қалтираган қўллари билан тошларни тутиб қолмокчи бўлардию, лекин панжалари қовушмасди; тошлар бирин-кетин ерга тушиб, ҳувиллаб қолган хонанинг бурчак-бурчакларига юмалаб кетди...

Эдигей деворни ушлаганча секин-аста чўққайиб ўтириб қолди. У орқаси билан деворга суянган кўйи хўрсиниб-хўрсиниб йиғларди. Чўнтагидан Зарифа берган шарфни олиб, кўз ёшини артди...

Ташландик баракда нима воқеа юз берганига ақли етмай ўтираверди. Демак, Зарифа болаларини олиб атайлаб Эдигей йўқлигида кетган. Эдигей бундан хабар топса, кетгани кўймайди, деб ўйлаган. Ҳақиқатан ҳам, у ҳеч қачон, ҳар қандай шароитда ҳам кетгани кўймасди. Ўзи бу ерда бўлганида эди, охири нима билан тугалланмасин, барибир руҳсат бермаган бўларди. Сафарга чикмаганимда нима бўларди, деб бош қотириш фойдасиз. Энди улар йўқ. Зарифа йўқ! Болалари йўқ! Ахир, Эдигей улардан ажралмасди-да. Буни яхши тушунган Зарифа унинг йўқлигида ишини битирган. Ўзининг кетишини осонлаштиришга осонлаштирибдию, аммо Эдигейни ўйламабди, уни эгасиз қолган уйни кўриб қанчалик даҳшатга тушишини ўйлаб кўрмабди.

Ҳойнаҳой, кимдир бекатга чиқиб поездни тўхтатиб берган! Кимдир... Казангап-да. Казангапдан бошқа ким бўлиши мумкин! У Эдигей сингари Сталин вафот этган кундагидек стоп-кранни юлқиб олган эмас, албатта, пассажир поездлардан бирини тўхтатиб беришни бекат бошлиғидан ўттириб сўраган. У ана шунақа кимса... Уларни бу ердан тезроқ кўчириб юборишда Уккуболанинг ҳам кўли бўлса керак. Ҳап сизларми, ҳали қараб туринглар!

Қон миясига урди-да, ҳозир бор кучини тўплаб, Бўронли деб аталмиш худонинг қарғишига учраган бекатдан кўлига илинган нарсаларнинг барчасини таг-туғи билан яксон қилиб, кулини кўкка совуриб юборгиси, сўнг Қоранорига минганча Сариўзакнинг кенг бўшлиқларига бош олиб кетгиси, ўша ерларда ёлғиз ўлиб кетгиси келди. Эдигей бу кимсасиз уйда шу зайлда ҳолсизланиб, изтироб ичида эсанкираб, ақли етмаган бир саволни бот-бот такрорларди: «Нега кетди, қаёққа кетди? Нега кетди, қаёққа кетди?»

Охири у уйига қайтди. Уккубола сукут сақлаганча пўстинини, телпагини, кигиз этигини олиб бурчакка элтиб қўйди. Эдигей Бўроннинг тошдек қотиб, бўздай оқариб кетган юзидан нималарни ўйлаб, нималар қилиш ниятида эканини билиб бўлмас эди. Гўё ҳеч нарсани кўрмаётгандай кўзлари ҳеч нарсани ифода этмасди. Эдигей ўзини босиб ўтириш учун ҳаддан зиёд ортиқча куч сарфлаганини яширарди. Уккубола эрининг бош кўтарар маҳалини кутиб, икки-уч бор самоварга ўт қўйиб чой қайнатди. Чой қайнаб, олов ёнаверганидан самовар ичи кулга тўлиб қолган эди.

— Чой иссиқ,— деди хотини.— Ҳозир ўтдан олдим.

Эдигей унга қарадию индамай чойини ичаверди. Чойнинг қайноқлигини ҳам сезмади. Иккови ҳам ким олдин сўз очишини кутиб, тумтайиб ўтиришарди.

— Зарифа кўчиб кетди,— деди ниҳоят Уккубола.

— Биламан,— деди Эдигей бошини кўтармай. Бир оз сукутдан сўнг:— Қаёққа кетди?— деб сўради ўша алфозда бошини кўтармай.

— Бунисини бизга айтмади,— деб жавоб қилди Уккубола.

Шу билан улар яна хомуш бўлиб ўтиришди. Оғзи куйса ҳам парво қилмасди, хаёли фақат бир нарса билан банд ишқилиб, ўзимни жаҳлдан тия олайин, қутурган туядек ҳаммаёқни тўс-тўполон қилмасам гўрга эди, болаларнинг ўтакасини ёриб, бирон фалокатни бошламасам бўлгани, деб ўтирарди Эдигей ичида.

Чойни ичиб бўлгач, ташқарига чикмоқчи бўлди. Яна кигиз этигини, пўстинини, телпагини кийди.

— Қаёққа бормоқчисан?— деб сўради хотини.

— Молга қарай-чи,— деди у эшикдан чиқаётиб.

Кишнинг қиска куни ҳам охирлаб, ана-мана дегунча теварак-атрофни тун зулмати коплаб олаётган эди. Борган сари совуқ кучайиб, шамол жонланиб, қорни тўзғитиб учирарди. Эдигей қовоғини солганча қўрага кирди. Кирдию занжирини юлқиб тортаётган Қоранорга жаҳл билан қараганча кичқирди:

— Яна ўкириб-бўкираяпсанми? Сира тўймас экансан-да?! Ялмоғиз, қараб тур ҳали! Масалангни энди узил-кесил ҳал қиламан-қўяман. Энди менга бари бир!

Эдигей жаҳл аралаш Қоранорнинг қорнига туртди-да, сўкиниб, устидан эгарини олиб ирғитди, оёғидаги занжирини ечди. Сўнг жиловини бир қўлида, дастасига ўралган қамчисини эса бошқа қўлида ушлаб олганча хумори тутиб бўкираётган туясини етаклаб дала томон йўл олди. Қоранор Бўрон тинмай бўзлаб бораётгани учун эгаси бир неча бор уни қўрқитмоқчи бўлиб арқонни силтаб тортди, фойдаси бўлмагач, ерга тупурганча эътибор бермай кетаверди. У ўжарларча қалин қорни кечиб, зулмат қўйнига чўмаётган дала сари шошилар, энтикиб нафас олганча борарди. Бошини қуйи солиб, қовоғини очмай узоқ йўл босди. Бекатдан узоқлашиб бир тепаликка етганда тўхтадию туясидан қасдини олмоқчи бўлди ва ёпкини қорнинг устига ечиб ташлади-да, туя қочиб кетмаслиги учун нўқтанинг учини белбоғига боғлади. Сўнг қамчинини икки қўллаб ушлаб олганча Қоранорни савалашга тушди. Ўзи ҳам туядан беш баттар бақириб, сўкиниб саваларди.

— Мана, сенга! Мана! Ҳаром ўлгур, ҳайвон! Буларнинг бари сенинг касофатингдан! Ҳа, ҳаммасига сен сабабчисан. Энди сени ўз эркиннга қўйиб юбораман, бошинг оққан ёққа кетаверасан, лекин аввал сени мулла қилиб қўяман! Мана сенга, очофат! Бари сенга озлик қилади! Овлоқ жойларга илиқиб югуришинг шартмиди? У эса болаларини олиб кетиб бўлди! Не кунларга қолганим билан ҳеч бирингизнинг ишингиз йўқ! Энди мен қандай яшайман? Қандай яшайман? Сизларга бари бир бўлса, менга ҳам бари бир! Мана сенга, ит!

Қоранор қамчи азобига дош бермай бақирар, юлқинар, ўзини ҳар томонга урарди, бир маҳал Эдигейни уриб йикитди-ю, уни қор устида

судраганча жўнаб қолди. Ишқилиб, ўша зўрлаб олиб келишган жойга яна етиб борсам, деган ниятда эгасини ваҳшиёна бир кучда ходани тортгандек тортиб борарди.

— Тўхта! Тўхта!— деб бақирарди Эдигей судралиб бораркан гоҳ қорга кўмилиб, гоҳ оғзига қор тикилганча.

Қулоқчин бошидан учиб кетди, боши қор уюмларига кирганда юз-кўзига қор урилиб, бўйнию кўйниларига муз кирарди. Туяни бир амаллаб тўхтатиш, нўхтани белбоғидан ечиб олишнинг ҳеч қандай иложи йўқ эди. Туя эса бундан фақат қочиб қутиламан, деб судраганча кетаверди. Ким билсин, агар Эдигей бир амаллаб белбоғини бўшатиб, нажот топмаганда бу иш нима билан тугарди? Эдигей яна нўхтани ушлаб тортганча туя уни яна бир неча метр жойга судрадида, кейин нўхтани бор кучида тортиб тўхтаб қолди.

— Ух, ярамас!— Эдигей бир оз ўзига келгач, дилтанг бўлиб, гудранди.— Қилар қилмишинг шу бўлса, йўқол кўзимга кўринма! Лаънати ҳайвон, иккинчи бор сени кўрсам, кўзим чиксин! Ҳаром ўлгур! Ўлигингни қарға-қузғунлар еб битсин! Қутурган ит каби далада қолиб, ном-нишонинг ўчиб кетсин!

Қоранор бақириб Оқмўйноқ томон қочарди. Эдигей эса унга етиб олиб, қамчисида савалар, оғзига келган сўз билан сўқар эди. Қасос олишнинг, айрилиқнинг вақти-соати етди. Эдигей унинг кетидан ҳамон қикчирарди:

— Кўзимдан йўқол, ит ули! Югур! Очкўз махлук! Пешонангдан ўққа учиб ўлгур!

Қоранор қоронғилашиб бораётган далада қочиб бораётиб, қор бўрони ичида дарҳол кўздан ғойиб бўлди. Аҳён-аҳёнда узоклардан бўзлаган овози эшитилиб турди. Энди бу ярамас Қоранор Оқмўйноққа етиб олмагунча чарчаш нималигини билмай, тун бўйи елиб-югуради, деб ўйлади Эдигей ўзича. Сўнг «Туф», дея ўзи судралавериб пайҳон қилиб юборган йўлак бўйлаб орқага қайтди. Қулоқчинисиз, пўстинисиз, юз-қўли ачишиб, қамчисини судраганча қоронғи тунда тентираб келаркан, бутунлай ҳолсизланиб, нотавон бир аҳволга тушганлигини сездди. Шунда у қорга чўқди-да, бошини чангаллаганча хўнграб юборди. Маҳобатли Сариўзақ кўйнида яккаю ёлғиз чўнқайиб олган Эдигей куюн аралаш ер бағирлаб эсаётган изғирин шамолнинг ҳуштак чалиб эсишини, тепадан савалаб ёғаётган қорнинг шивирини эшитиб турди. Севимли аёлингдан, суюмли болаларингдан айрилиб яшаган умринг курсин, бундай умрнинг маънисини йўқ, дегандек миллионлаб қор учқунлари ҳавода майин шитирлаб, қулоғига гапираётгандек бўлиб туюлди. Эдигей шу ернинг ўзидаёқ қор остига кўмилиб ўлишни афзал кўрди.

— Худо йўқ! Ҳаётнинг маъносини у тушунмагандан сўнг, бошқалардан нимани кутиш мумкин? Худо йўқ!— дер эди у Сариўзакнинг қоронғи тунда танҳо қолиб.

Шу пайтгача бундай сўзларни ҳеч қачон овоз чиқариб айтмаган эди. Ҳатто худони доимо эслаб турадиган Елизаров, илм нуктаи назаридан

караганда, худо йўқ, деб ишонтирмоқчи бўлганида ҳам у инонмаган эди. Энди эса инонди...

Ер ўз ўқи атрофида айланар, коинот шамолларига ювилиб, сузиб борарди. Қуёш атрофида айланарди ва шу дам ўз чархи бўйлаб айланган кўйи Сариўзакнинг қорли даштларида тиз чўкиб ўтирган кишини олиб кетмоқда эди. Эдигей Бўрон семимли аёлидан ажралган ўша кунни шу қадар тушқунликка тушиб, умидсизликдан тиз чўқдики, ҳеч бир қирол, ҳеч бир император, ҳеч қандай ҳокими мутлак тахти-бахтидан ажралиб қолган чоғда ҳам ёруғ дунё қаршисида бунчалик ғам-ғусса билан тиз чўкмагандир?! Ер эса сузиб борарди...

Орадан уч кун ўтиб, Эдигей омбор эшиги олдида Казангага йўлиқди: улар темир йўл ременти учун зарур бўлган гулмих олишаётган эди.

— Сен негадир одамови бўлиб қолдинг, Эдигей,— деди у темир-терсақни забилга солаётиб.— Ўзингни мендан четга олиб юрганга ўхшайсан, гаплашиб олайлик десам, тутқич бермайсан.

Эдигей унга шартта ўгрилганча ўқрайиб қаради:

— Сен билан гаплашадиган бўлсак, шу заҳотиёқ бўғиб ўлдириб кўйишим мумкин. Буни ўзинг ҳам яхши биласан!

— Менигина эмас, бошқаларни ҳам бўғиб ўлдиришга тайёр эканлигингга шубҳаланмайман. Бироқ, бунчалик ғазабланишингнинг боиси нимада?

— Уни бу ердан кетиб қолишига сизлар мажбур этгансизлар,— деди Эдигей кўпдан бери тинчлик бермай, изтиробга солиб келаётган ўй-фикрини тўкиб сочаркан.

— Топган гапингни қара-ю!— деди Казанган бошини чайқаб. Жаҳли чиққанданми, уялганиданми қизариб кетди.— Ақлингга шу гап келган бўлса, унда биз тугул, ўша келин тўғрисида ҳам ёмон фикрда экансан. Сенга қараганда унинг ақли бутун экан. Бу ишнинг охири нима билан тугагини бирор марта танангга ўйлаб кўрганмидинг? Келин ақл юритиб, обрўйи борида кетишга қарор қилган. Кўчириб юбориш учун ёрдан сўраган эди, қарашиб юбордим. Болаларингни етаклаб қаёққа борасан, деб суриштириб ҳам ўтирмадим, у ҳам бирон нима демади. Бунисини тақдирдан ўзга ҳеч ким билмайди. Тушундингми энди? Ўз шаънига ҳам, хотининг шаънига ҳам доғ туширмай кетди. Икковлари ҳам миннатдорчилик билан хайр-хўшлашди. Сени ёмон йўлдан сақлаб қолганликлари учун ҳар иккаласига ҳам бошинг ерга етгунча таъзим қилсанг арзийди. Уккуболадай аёлни бир умр излаб тополмайсан. Унинг ўрнида бошқа биров бўлганида таъзирингни шундай бериб кўярдики, Қоранордан ҳам олдинроқ ўзинг дунёнинг нариги бурчагига бош олиб кетишга мажбур бўлардинг...

Эдигей индамади. Нима ҳам дерди. Аслини олганда, Казангап ҳақ гапларни айтди. Бироқ Казангап ақл бовар этмаган бир жумбоқни англаб етмабди. Бетгачопар Эдигей ҳам бўш келмади:

— Бўпти!— деди-да, уни менсимагандек четга қараб тупурди.— Битта донишманднинг айтгани шу бўлса, ўргулдим сендек ақли таъмиз-

лардан. Шунинг учун йигирма уч йилдан буён ўрнингдан жилмай, фариштага ўхшаб юрган экансан-да. Сен бунақа ишларни қаердан ҳам тушунардинг? Бўпти. Панд-насихат эшитишга вақтим йўқ!— У шуларни айтиб, четга бурилиб кетди.

— Майли, билганингча қил!— деган сўзларни эшитди у ортидан.

Ана шу гаплардан сўнг Эдигей кўнгли совуган Бўронли бекатини тарк этмоқчи бўлди. Чиндан ҳам кетишга қарор қилди, чунки бу ерда ўзини овутолмасди, юрак-бағрини эзаётган ғам-алам, соғинч азобларини енгишга ожизлик қиларди. Зарифасиз, унинг болаларисиз бу ердаги жамики нарсалар ҳувиллаб, бўм-бўш бўлиб қолган эди. Азоблардан кутулиш учун бекат бошлиғига росмана ариза бериб, ишдан бўшаб, хотин, бола-чақаси билан боши оққан томонга кетишга аҳд қилди Эдигей. Ишқилиб, бу ерларда қолиб кетмаса бўлгани. Ахир, у аллақачонлар тангри-таолонинг ҳам ёдидан бу бекатга занжирбанд қилиб ташланмаган-ку! Кўпчилик одамлар бошқа тарафларда; ўзга шахарлару қишлоқларда бинойидек яшашади-ку. Уларни бўйнидан боғлаб қўйсанг ҳам бу ерларда бир кун туришмас. Нега энди Сариўзақда бир умр ҳаққадай ҳақкалаб юриши керак? Қайси гуноҳи учун? Бас, кетади. Орол денгизига қайтади ёки Қарағанда, Олмаота томонларга йўл олади. Ёруғ дунёда бундан бошқа жойлар қуриб кетибдими?! Ўзи яхши хизматчи, тўрт мучаси соғ, саломатлиги жойида; ҳамма нарсага қўл силтайди-да, жўнайди-кетади. Эдигей Уккуболанинг олди-дан ўтиш, уни рози қилишни ўйларди, қолганлари чўт эмас. У оғиз очиш учун қулай фурсат кутиб, режа тузиб юраркан, орадан бир ҳафта ўтиб кетди ва бир куни хўжайини томонидан ҳайдаб юборилган Қоранор пайдо бўлди.

Эдигей қарасаки, ит уй олдида тоқатсизланиб чопиб, вовуллаб яна қайтиб келарди. Эдигей ташқарига чиқдию кўрага яқин жойда бир махлуқ — туя серрайиб турганини кўриб қолди. У худди қоккан қозикдай кимир этмас эди, Эдигей яқин боргачгина бу махлуқ ўзининг Қоранори эканлигини таниди.

— Э, бахайр! Шу кунга қолдингми, сен бечора. Дабдала бўлибсан-ку!— деб бақириб юборди Эдигей.

Олдинги Қоранордан бор-йўғи тўрттагина суяк қолган эди, холос. Қилтираб қолган бўйнида каттакон боши осилиб турарди. Тиззаларидан пастга осилиб тушган жунлари гўё ўзиники эмас, балки атайлаб ёпиштириб қўйилгандай осилиб турарди, қора гумбаздай салобат билан гуркираб турган ўрқачларидан дарак ҳам йўқ; кампирларнинг қуп-қурук сийнасидек шалвираб тушган эди. Атанинг шу қадар тинкамадори қуриган эдики, кўрага судралиб боришга ҳам мажоли етмас эди. Нафас ростлаб олиш учун шу ерда тўхтаганга ўхшайди. Илиқиб юриб, охириги мадори қолгунча чопган, эндиликда шалдираган бир қоп суяк ҳолида аранг етиб келган эди.

— Баракалла!— деб пичинг қилди Эдигей Қоранорни тўрт томонидан ўтиб томоша қиларкан.— Ана сумбату, мана сумбат! Сени ит ҳам

танаймай қолибди-ку! Бир вақтлар нақ атан эдинг! Балли! На инсоф, на диёнат бор сенда! Моятларинг жойидами ўзи, яна йўл-пўлда тушириб қолдирмадингми? Ўзинг ҳам такадай сасиб кетибсан. Орқангга кўнғирокчалар осилибди-ку, курук устихонинг қолибди-ку! Бечора!

Қоранор кимир этмай турарди, на олдинги камолидан, на бурунги виқоридан дарак бор. Бошини чайқаб-чайқаб зўрага турарди.

Атанга Эдигейнинг раҳми келди. У уйга бориб бир челақ буғдой келтирди. Устига ярим ҳовуч туз сепди ва:

— Ол, емингни егин,— деб идишни туянинг олдига қўйди.— Шояд кучга энарсан. Кейин мен сени қўрага элтиб қўяман. Ётиб, ўзингга келасан.

Ўша куни у Казангап билан суҳбатлашди. Унинг уйига бориб гап очди:

— Мен сенинг ҳузурингга бир иш билан келдим, Казангап. Ҳайрон бўлма кеча гаплашгиси келмовди, али-бали деб хархаша қилувди, бугун ўзи келибди, деб. Жиддий гапим бор. Мен Қоранорни сенга қайтармоқчиман. Қуллук қилгани келдим. Бир вақтлар бўталок эканида менга уни совға қилган эдинг. Раҳмат сенга, биродар. У оғиримни енгил қилди. Яқинда тоқатим-тоқ бўлганидан уни ҳайдаб солувдим, бугун ўзи кириб келибди. Ҳозир қўрада ётибди. Икки ҳафталардан сўнг олдинги ҳолига қайтади. Куч-қувватга тўлади. Фақат бокиб туриш керак.

— Лаббай?— дея унинг сўзини бўлди Казангап.— Гапни қаёққа буряпсан? Нима, ҳе йўк, бе йўк, менга Қоранорни қайтариб берадиган бўлдинг? Мен сенга товалло қилган эдимми?

Ана шунда Эдигей дилида бор гапини айтди: оиламни олиб кетмоқчиман, деди у. Сариўзак меъдага тегди, бошқа ёққа кетмоқчиман. Эҳтимол, бу хайрли бўлар. Казангап Эдигейнинг сўзларини диққат билан тинглагач, унга шундай жавоб қилди:

— Начора, ихтиёринг. Шуниси борки, наздимда, нима қилмоқчи бўлаётганингни ўзинг ҳам тушунмасанг керак. Хўш, кетдинг ҳам дейлик, лекин ўзингни тарк эта олмайсан-ку. Қаёққа улоқмагин шўрингни қурита олмайсан. Қаёққа борсанг, у сен билан бирга боради. Йўк, Эдигей, агар сен эркак бўлсанг, мана шу ерда ўзингни ўзинг енгил ол. Кўчиб кетиш марднинг иши эмас. Ҳамма ҳам кета олади. Лекин ўзини-ўзи йўлга солиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Ҳа деганда, Эдигей унинг фикрига қўшилавермади, лекин адибади ҳам айтишиб ўтирмади. У уйга чўмди ва оғир хўрсинганича сукут сақлади. «Ҳар қалай бошқа ёқларга жўнаб юборсаммикин?— деб ўйларди у.— Аммо унута олармиканман? Нега унутишим керак? Нима қилсам экан? Айтсам тилим куяди, айтмасам дилим. Зарифанинг ҳоли не кечдийкин? Гўдақлари билан қаёқларда тентираб юрибди? Бошига бирон иш тушиб қолса, ҳолинг не кечди, деб сўрайдиган одам топилармикин? Уккуболага ҳам осон тутиб бўлмайди, мана неча кун бўлдики, менинг ёввойилигимга чурқ этмай чидайди...»

Казангап Эдигейнинг дилидан нима кечаётганлигини тушунарди. Унинг аҳволини енгиллатиш, эътиборини тортиш учун бир йўталиб олиб, гапира бошлади. Эдигей бошини кўтаргач, шундай деди:

— Сирасини айтганда, нега мен сенга сабоқ беришим керак, Эдигей. Худди менга бирон нафи тегаётгандай?! Ўзинг ҳам оқ-қорани яхши ажратасан, гапнинг индаллосини айтганда, сен — Раймали оға, мен эса Абдилхон эмасмиз. Қолаверса, атрофимизда биргина қаққайган дарахт ҳам йўққи, унга сени қўл-оёғингдан боғлаб қўйсам! Инон-ихтиёринг ўзингда, билганингни қил. Фақат жилиш олдидан ўйлаб кўр.

Казангапнинг сўзлари узоқ вақтгача Эдигейнинг ёдидан чикмади.

Х

Раймали оға ўз замонасининг машхур оқини эди. У ёшлигидан элга танилди. Худо ёрлақанган жирловчи эди; ҳам шоир, ҳам ўз шеърларига куй басталаган бастакор, ҳам нафаси ўткир оқин. Замондошларини ҳайратга солган жирчи эл-юрт йиғинларида дўмбирасини қўлга олиши билан куйга пайваст кўшиқ қуйилиб келаверарди. У куйлаган кўшиқ эртасига оғиздан-оғизга кўчиб, ёд бўлиб, овулдан-овулга, қўналгадан-қўналгага тарқалиб кетарди. Ўша кезлар йигитлар оғзидан тушмай куйлаб юрилган мана бу кўшиқ ҳам Раймали оғаники эди:

Олис йўлдан келаётган ташна отга
Учраб қолса жимир-жимир кўм-кўк чашма —
шудир дунё роҳати.
Кўмсаб келиб висолингга бир етганим,
Эгардан энкайиб, бўса олиб кетганим —
шудир дунё роҳати...

Раймали оға ораста кийиниб юрарди. Буни ҳам худонинг ўзи раво кўрган эди. Айниқса, мўйна қопланган ҳар мавсумга мўлжаллаб тикилган қалпоқ кийишни хуш кўрарди. Унинг ажралмас ҳамроҳи — ҳаммага маълум ва машхур, олтиндек товланиб турадиган ахалтекин зотли Сарала деган оти бўлиб, у туркманларнинг катта бир тўйида тортиқ қилинган эди. Халқ оқинни қанчалик алқаса, унинг отини ҳам шунчалик мақташарди. Сараланинг қадди-коматию кўркама ва улғувор юришига қараб шинавандалар хузур қилишарди. Шу сабабли ҳам Раймалининг бор мол-дунёси қўлидаги дўмбирасию Сараланинг йўрғалаша, деб ҳазил қилишарди одамлар.

Ҳақиқатда ҳам шундай эди. Раймали оға бутун умрини от эгар устида, дўмбира чертиб ўтказди. Халқ орасида шухрат қозонган бўлса ҳам мол-дунё орттирмади. Баҳор булбулидай ҳамиша катта йиғинларда, тўй-томошаларда халқнинг иззат-ҳурматию эъзозида яшади. Унинг севган оти ҳам сийлову парваришда бўлди. Бироқ баъзи бир

ўзига бақувват, давлатманд одамлар уни ёқтиришмасди. Дайди шамол сингари беҳудага умргузаронлик қилиб юрибди, деб орқаваротдан гапиришиб ҳам юришарди.

Бироқ Раймали оға катта тўй-томошаларга келиб, дўмбирасини қўлга олиб куйлай болаши билан ҳамма, ҳатто унинг турмуш тарзини ёқтирмаган ҳалиги одамлар ҳам сеҳрлаб қўйгандай қўлларини юзқўзларига қараб анграйиб қолишарди. Дўмбирани созлаб, оҳанграбо куйлар чалиб, инсоннинг қалб туйғуларини қўзғагани учун унинг қўлларига термилишарди; бутун тафаккур кучию руҳий ҳолати ўтдек чакнаб тургани, юзларидан нур ёғилаётгани учун ҳамма унга термиларди. Куйлаётганда нурли юзи шабададан енгил мавжланаётган денгиз сингари ўзгариб турарди...

Хотинлари аразлаб, тоқати тоқ бўлиб ташлаб кетишарди, бегона жувонлар эса уни бир кўришга муштоқ бўлиб, тунлари бедор йиғлаб чиқишарди.

Шу тариқа у қўшиқдан қўшиққа, кечадан кечага, тўйдан тўйга ўтиб умр ўтказаверган, қарилик ҳам зимдан етиб келган. Аввал муртига оқ оралаб, сўнг соқоли оқара бошлади. Сараланинг ҳам силласи қуриди, ёли ва думи сийраклашди. Уни қадимги Сарала эканини юришидангина англаб олиш мумкин эди, холос. Раймали оға ҳеч нимага бўй бермай сўппайиб ёлғиз ўсган, қуриб бораётган улкан терак сингари умрининг қиш фаслига қадам қўйган эди... Мундоқ ўйлаб қаралса, унинг на оиласи, на бир тайин Аб-жойи, на мол-ҳоли, на бошқа бирор дунёси бор. Кичик укаси Абдилхон уни ўз қарамоғига олди. У аввало яқин қариндошларини тўплаб, ўзининг бу ишдан норозилигини билдириб қойган бўлдию лекин унга алоҳида уй бериб, нон-тузидан, кир-чиридан хабардор бўлиб туришни амр этди...

Раймали оға энди кўпроқ кексалик ҳақида куйлайдиган, охират тўғрисида ўйлайдиган бўлиб қолди. Аллақандай маҳобатли қўшиқлар тўқиди ўша кезларда... «Инсон нега ёруғ дунёга келади?»— дея азал-азалдан донишмандлар бош қотириб келган ўй-фикрлар энди уни ҳам ўйлантириб қўйган эди. Энди аввалгидай эл оралаб тўйма-тўй юришлардан қолди. Кўпинча уйда танҳоликда қолиб хазин қуйлар чалади, кечмишини бирма-бир кўз олдига келтиради ёки бу фоний дунё ҳақидаги кексалар билан узоқ вақт суҳбатлашиб ўтирарди...

Ёши қайтган чоғида бутун борлигини алғов-далғов қилган бир воқеа содир бўлмаганида, худо шоҳидки, Раймали оға қолган умрини осойишта ўтказган бўлармиди.

Кунларнинг бирида Раймали оға уйда қамалиб ўтира олмай, қари оти Саралани эгарлаб, кўнгил ёзиб келиш учун катта бир маъракага йўл олди. Ҳар эҳтимолга қарши, дўмбирасини ҳам ёнига олди. Ўтиборли кишилар, кадрдон улфатлари куйламасанг ҳам ҳеч бўлмаса меҳмон бўлиб кетасан, дея ўтиниби сўрашган эди. Раймали оға тезроқ қайтиб келарман, деган ўй билан йўлга тушди.

Борган ерида уни иззат-икром билан кутиб олишди. Азиз меҳмон-

лар ўтирган энг яхши ўтовга — бўз уйга таклиф қилишди. Таниқли одамлар қаторида ўтириб қимиз ичди, тўй эгасининг шаънига илиқ сўзлар айтиб, оқсоқолларга хос бамаъни гаплардан сўзлаб ўтирди.

Овулда тўй-томоша қизигандан-қизиди, чор атрофдан ёш-ялангларнинг қувноқ ўйин-кулгисини ашула садолари янгради, базми-жамшид авжига чиқди. Келин-куёвлар шарафига от пойғасига тайёргарлик кўрилаётгани, қозон-товоқ бошида уймалашган жонсарак ошпазларнинг гангир-гунгирлари, нариги томондаги отлар уюрининг дўпир-дўпирларию кишнаб ўйнашлари, бериги ёқдаги дайди итларнинг ўйноқлаб вовуллаши аллақандай ёқимли туюларди. Дашт бўйлаб эсаётган майин шабада эса гуллаб ётган гиёҳларнинг хушбўй ҳидини димоққа урарди... Ҳаммасидан ҳам қўшни ўтовлардан эшитилаётган куй ва кўшиқлар, қизларнинг атрофга таралаётган жарангдор кулгиси Раймали оғани ўзига мафтун этиб, унинг бутун вужудини қамраб олган эди...

Кекса жирловчининг юраги жиз этиб кетди. Сиртдан қараганда, Раймали оға суҳбатдошларига сир бой бермай бамайлихотир ўтирган бўлса ҳам аслида хаёлида ўтмиш умрининг қанотида парвоз қилиб юргандай ҳис қилар эди ўзини: ёш ва кўҳлик даври, қирчиллама ўйноқи тулпори Саралада дала кезиб елдек учиб юрган кезлари, отининг туёқлари остида янчилган майса-гиёҳлар ҳам сўлиб, ҳам кулиб боққан чоғлари, у куйлаган кўшиқларини тинглаб қуёш унга талпинган дамлар, дўмбирасининг овозидан одамлар қалбида қон жўшган пайтлар, оғзидан чиққан ҳар бир сўз дилларни ром этиб сеҳрлаб қўйган вақтлар, ўзи ҳам сева билган, ҳам куя билган, от устида хайр-хўшлаша туриб севги изтиробларидан кўзёши тўқа билган замонлар ўтди-кетди... Буларнинг нима кераги бор эди? Қўр остида сўниб бораётган чўғга қараб кексайган чоғингда афсус-надоматлар чекиш учун керак эдими?

Раймали оға онда-сонда бир гапириб, ўйга чўмганча мунғайиб ўтирарди. Шу маҳал ўтовга яқинлашиб келаётган қадам товуши, одамларнинг гангир-гунгури, бўйинтумор тангаларининг жиринглаши ва шохи кўйлак этакларининг ёқимли шитирлаши қулоғига чалинди. Кимдир ўтов эшигидаги каштали пардани баланд кўтарган эди, бўсағадан дўмбирасини кўксига қисиб ушлаб олган очик чеҳрали қора кўз, камон қош, қарашлари шўх, мағрур, сарвқомат, либослари ҳам ўзига ярашиқли, табиатнинг моҳир қўллари томонидан яратилган бир қиз бўсағада пайдо бўлди. Унинг қиёфаси ғоятда журъатли эканидан далолат берарди. Қиз остонада дугоналари ва бир нечта йигитларнинг қуршовида таъзим бажо келтириб, ҳурматли кишилардан узр сўраб турган эди. Ўтирганлардан бирон киши оғиз очишга ҳам улгурмасдан қиз Раймали оғага юзланиб ажиб маҳорат билан дўмбирасини чертганча муборақбод кўшиқни баралла куйлаб юборди:

«Чанқоғин қондирмоқчун олисдан йўл тортиб, қудук излаб келаётган сарбон сингари ҳузурингга шощдим мен, доврўкли Раймали оға. Шовқин-сурон кўтариб, бостириб келганимиз учун кечир, тўй-

томоша, базми-жамшид дегани шу эмасми? Журъатимдан танг қолма, Раймали оға, куйлаб кирмоққа жазм этдим, илк муҳаббатимни изҳор этгандагидай сирли кўркув ичра изтироб чекиб келдим. Ўқланган милтиқдай ўктам бўлиб туғилдим, афв этгайсан, Раймали оға. Тўй ва томошаларда доимо эркин куйлаб юрган бўлсам-да, қатралардан бол тўплаган асалари сингари, бу учрашувга умр бўйи интилдим. Гунча янглиғ шу кутга интиқ эдим, минг шукрки, ниятимга эришдим!..»

«Ижозат бер, гўзал қиз, кимсан ўзинг?», деб сўрамоқчи бўлди Раймали оға, аммо унинг қўшиғини бўлгиси келмади. Бутун борлиғи билан қиз томон интилди-да, ҳайратдан лаб тишлаб ўтирди. Юраги ҳаприкиб кетди, агар шу маҳал одамлар ўзгача назарга эга бўлганлари-да эди, унинг парвоздаги бургут сингари талпиниб, қанот қоқиб қолганини пайқаган бўлур эдилар. Кўзлари яйраб, равшанлашиб кетди, орзикиб кутгани осмону фалақдан бир нидо эшитилгандай хушёр тортди. Мана шунда Раймали оға қарилигини унутиб, бошини мағрур кўтарди...

Кўшиқчи қиз эса куйлашда давом этарди:

«Кимлигимни айтайин, улуғ жирловчи, кулоқ сол. Ёшлигимдан севаман — эгам берган оқинсан, Раймали оғажон. Қаерларга бормагин, қаерларда куйламагин, ортингдан изма-из эргашиб юрдим, Раймали оға. Маъзур тутгин, жирловчим, оқинларнинг оқини, сендай оқин бўлишни кўпдан орзу қиламан. Соядай эргашиб, сўзларингни, куйларингни ёд олдим, сеҳрландим, санъатингга топиндим. Бахтим кулган бир куни сен билан салом-алиқ қилиб, севгимни изҳор этсам, ғойибона таъзим этганимни ошқора айтиб берсам, деб ният қилиб, тангридан мадад сўрадим. Бахтим кулган куни ҳузурингда соз чертиб куйлаб берсам, енгилиб қолсам ҳам майли, менинг бу беодоблигимни яна худонинг ўзи кечирсин, сендек улуғ жирловчи билан бир айтишиб кўрсам, деб ният қилдим. О, Раймали оға, висол онларини кутган ошиқ сингари мен бу саодатли дамларни соғиниб, энтикиб кутдим. Бироқ мен ёш эдим, улуғ оқин сен бўлсанг, эл ардоғида маст бўлиб, давру даврон суриб, шон-шухратга ғарқ бўлиб кетдингми, тўй-томошаларда, кўпчиликнинг ичида мендек ёшгина бир қизни қаёқдан ҳам пайқар эдинг? Мен эса куйларинг асири бўлиб, севгимни айтишга уялиб, сени қалбимда пинҳон сақладим; юзма-юз келиб, тортинмасдан сиримни ошқора айтмоқ учун эртароқ аёл бўлсам, деб ўзимни-ўзим ошиктириб юрдим. Сўнг ҳузурингга келиб, ҳеч қанча иккиланмай, синовчан кўзларингдан чўчимай муҳаббатим изҳор этиб, айтишувга тортмоқ учун сўз санъатию дўмбира сеҳрини сен қадар ўрганайин, устозим, куйламакни сен қадар ўрганайин, устозим, деб онт ичдим. Ўша қиз — мана мен, ҳаммангизнинг қаршингизда турибман. Балоғатга етгунча, гул бўлиб очилгунча шошилгандан-шошилдим. Аммо дамлар имиллаб ўтарди, ахири бу йил ёзида ўн тўққиз ёшга тўлдим. Сен эса, Раймали оға, ҳали ҳам ўша-ўшасан — менинг болалик чоғларимдагидайсан. Фақат соч-соқолингга бир оз оқ оралабди. Аммо бу

севгига халал бермайди, шоп мўйловли йигитлар ҳам сенинг ўрнингни боса олмайди. Мана мен хузурингдаман. Энди эса очик айтиб, ҳақиқатни сўзлашга ижозат бер: киз бола, деб таклифимни рад этсанг, эркинг ўзингда. Бироқ мени жирловчи сифатида камситолмайсан, модомики, сен билан мушоирага келиб турибман. Айтишувга таклиф этаман, устозим, энди навбат ўзингга!»

— Ўзинг ким бўласан? Қайдан келдинг?— дея хитоб килди Раймали оға ва ўрнидан турди.— Исми-шарифинг нима?

— Исми Бегимой.

— Бегимой? Шу вақтгача қайда эдинг? Қайдан келяпсан, Бегимой?!— деб юборганини Раймали оғанинг ўзи ҳам сезмай қолдию, бошини куйи эгди.

— Айтдим-ку, Раймали оға, ёш эдим, вояга етдим.


— Ҳаммасини тушунаман,— деб жавоб килди Раймали оға.— Фақат бир нарсага — ўз тақдиримга тушуна олмаяпман! Умримнинг киш фасли кириб келаётган пайтда нега бунча сулув қилиб яралдинг?! Нега? Ўтган умримдан нолимасдан, кўрадиганларимни кўрдим деб, шу ёшга етганимда сени ато этиб, дийдорингни кўрсатиб, овозингни эшиттириб, азобли роҳатга дучор этгани тангрининг, қасосими бу!

— Бунчалик қайғуришнинг на ҳожати бор, Раймали оға,— деди Бегимой.— Агар ўз тақдирингни менинг сиймомда кўриб турган бўлсанг, унда кўнглинг тўқ бўлсин, Раймали оға. Чексиз меҳр-муҳаббатим, севги-садоқатиму дилрабо кўшиқларим билан сени махлиё қилиб, хузур бахш эта олсам — бас, дунёда менга бундан ортик бахт йўқ. Кўнглинг тўқ бўлсин мendan, Раймали оға, бари бир сени беҳад севаман. Ҳар қандай синовларга бардош бериб, сен билан айтишувга киришганимдан беҳад фахрланаман.

— Нималар деяётирсан! Сўз айтувда синашув дейсанми, Бегимой! Даҳшатли севги синови олдида мушоира синови нима деган гап? Йўқ, Бегимой, сен билан майдонга тушишга ҳаддим сиғмайди. Кучдан кетганман ёки оташ нафасим сўниб қолган деб айта олмайман. Гап унда эмас. Мен фақат сен билан завқланишим, сенинг куйингда ҳам чекиб ўтишим ва шу севги бобидагина сен билан синаша олишим мумкин, Бегимой.

Шу сўзларни айтгач, Раймали оға дўмбирасини олиб созлади-да, дафъатан янги бир кўшиқни куйлай бошлади, куйлаганда ҳам одатдагидай, гоҳ майин шабададек майсаларни силаб, гоҳ гулдирган момақалди роқ сингари баланд овоз билан куйлай бошлади. Шу-шу, «Бегимой» деб аталмиш бу кўшиқ ер юзида янграйди:

«...Келсанг чанқаб йироқдан, сув ичсам деб булоқдан, сарин эсан ел каби йўлинг тўсиб чиқсам мен ва пойинг узра бажонидил чўқсам мен, Бегимой. Тақдиримга ёзилгани — тугаб турган бўлсам ҳам, лекин ҳали ўлимдан йироқман, Бегимой. Айрилганим ўзингдан, айрилганим кўзимдан, шунинг учун Бегимой, асрлар ўтар-кетар, аммо сени деб



кариликка бўй бермай, ўлим сари йўл тутмай мангу яшаб қоларман...»
«Бегимой», деган ашулани у шундай куйларди.

Ўша кун кишилар хотирасида узоқ сақланиб қолди. Раймали оға билан Бегимой тўғрисида миш-мишлар тарқалди. Оқ ўтовдан келинни куёвниқига халатиш куни безатилган отлардаги суворилар орасида, ясан-тусан залойиқ хузурида, қалликни кузатиб бораётган карвон бошида Раймали оға ва Бегимой виқор билан турфа макомда ашулалар айтиб, тўй кечасини қизитиб бордилар. Ёнма-ён юришиб, узангилари бир-бирига тегиб, икки оқин борар, ўзларин кўз-кўз этишиб, эл кўзини яйратиб, келин-куёвларга бахт тилаб қўйишарди жўр бўлиб, жўра бўлиб. Дўмбирада куйлашарди, най тилида сўйлашарди; гоҳ униси куйларди, гоҳ буниси куйларди, бири қўйиб, бири жирларди...

Бундай сеҳрли кўшиқларни тинглаб улус ҳайратда қолди, ўт-ўланларга жон кириб, гулханлар шуъла сочаверди. Қушлар қувноқ сайрашиб, той минган болакайлар чув-чувлашиб тойчоғини гижинглата бошлади.

Кекса оқин Раймали оға ҳаммани сеҳрлаб, ҳангу манг қилиб қўйган эди. Одатдагидек овози жарангдор, аввалгидек эпчил ва чечан, ям-яшил ўтлоққа тикилган оқ ўтов ичидаги кўш чирок сингари кўзлари ёғду сочарди. Ҳатто Сарала оти ҳам бўйнини гажжак этиб, эгаси билан фахрлангандек эди.

Аммо Раймали оғанинг бу ишини ҳамма ҳам маъқул кўрмаётган эди. Кўпчилик ичида гижиниб ўтирарди. Улар оқиннинг қабиладошлари — Баракбой уруғига мансуб кишилар. «Шу ҳам иш бўлдию қариган чоғида Раймали эс-хушини еб қўйибди. Бу қари кўппак бизни бунақа масхара қилиб ўтирганда, сени навбатдаги сайловда бўлисликка қандай кўтара оламиз, шарманда бўлмаймизми?», деб унинг укаси Абдилхоннинг қулоғини қоқиб жаврашиб ўтиришган эди. Эшитяпсанми, худди ёш айғир кишнаётгандек-а? Жононаси ҳам ўзига монанд экан, берган жавобларини тинглаяпсанми? Бундан ортик шармандаю шармисорлик бўладими! Ҳамманинг кўз ўнгида унинг ақлини шошириб ётибди. Оқибат яхшилик билан тугамайди. Бу бегамиз билан қандай илашиб қолди экан? Бу ҳангома овулма-овул дoston бўлмаслиги учун унинг танобини тортиб қўйиш керак...

Абдилхон йўлдан озган акасининг бундай бемаъни ишларидан кўпдан бери ғазабланиб юрарди. Қариди, хориди, энди нуроний чол бўлди деганда, буни қарангки, аксини қилиб, бутун Баракбой уруғига иснод келтиряпти.

Шунда Абдилхон от ўйнатиб акаси ўтирган тўда ичига ёриб кирди ва қамчи ўқталганча таҳдид солиб бақирди: «Эсингни йиғ, уйга қайт!» Аммо дилрабо кўшиқ оғушига чўмган акаси унинг овозини ҳам эшитмади, ўзини ҳам кўрмади. Оқинларни зич қуршаб олиб, бирон сўзини ҳам оқизмай-томизмай мириқиб тинглаётган ихлосманд суворилар тўдаси эса шу заҳотиёқ ёпирилиб келиб Абдилхонни четга суриб чиқаришди, ҳатто бўйнига кетма-кет қамчи туширишга ҳам

улгуришди. Кимнинг қамчиси эканини қаёқдан билсин. Абдилхон отини буриб, туёғини шиқиллатиб қолди...

Ҳамон кўшиқ кетидан кўшиқ янграрди. Яна бир янги кўшиқ дунёга келди.

«...Ошиқона оқ марол эрта тонгда ун солиб хушторини чақирса киру сойда жаранглар»,— деб Раймали оға куйларди.

«...Модасидан айрилган оққуш, эрта туриб куёшга боқса, куёш юзи мутлақо доғга ботган кўринадан»,— дея жавоб қиларди унга Бегимой.

Келин-куёвлар шаънига қарата улар шу тарзда куйлашарди — гоҳ униси, гоҳ буниси, гоҳ униси, гоҳ буниси куйларди...

Шу аснода қалби кўшиқ сеҳри билан тўлиб-тошган Раймали оға интиком ўтида ёнган қариндошларининг, Барақбой уруғи вакиллари-нинг қони қайнаб, қаҳр-ғазабга тўлиб қочиб бораётган Абдилбой ортидан изма-из қувлаб бораётганларини ҳам сезмай қолди. Ўзини қандай жазога лойиқ кўришларини ҳам хаёлига келтирмасди...

Ҳамон кўшиқ ортидан кўшиқ тараларди — гоҳ униси, гоҳ буниси, гоҳ униси, гоҳ буниси куйларди...

Қора булут сингари эгарга қайишиб олган Абдилхон елдек учиб борарди. Овул томон, уйи томон! Ҳамюртлари қутурган бўрилар тўласи каби у билан ёнма-ён қушдай учиб боришаркан:

Акангни шайтон йўлдан урибди. Ақлдан озибди! Фалокат босди! Дарҳол олдини олмоқ керак!— деб қийқиришарди.

Кўшиқ эса ҳамон чарх урарди; гоҳ униси, гоҳ буниси, гоҳ униси, гоҳ буниси куйларди...

Шу тариқа улар келин-куёвлар тўдасини манзилга қадар тантанавор куй ва кўшиқлар садоси остида узатишиб, яна бир бор ашула айтишиб, эзгу-тилаклар билдиришиб хўшлашдилар. Шунда Раймали оға халққа мурожаат қилиб, шунча ёшга кирганда, тақдир кулиб боқиб айтишувда унга тенг келадиган Бегимойдек ёш оқинни йўлиқтирганидан бахтиёр эканлигини айтди. Яна шуни айтдики, чақмоқтошга чақмоқтош урилмагунча ўт чикмайди. Кўшиқчилик санъатида ҳам худди шунинг сингари оқинлар бир-бирларига эргашиб куч синашмагунларича санъат сири ва сеҳрини очолмайди. Бироқ Раймали оға учун ҳаммадан ҳам азиз ва мўътабар, ҳаммасидан ҳам муқаддас нарса шу эдики, у тобора тўлишиб, каттариб, бор кучи билан парпираганча борлиққа нур сочиб, ботиб бораётган куёш сингари умрининг охирида излаганини топганини, ўзи ҳам куч-қувватга тўлганини, тўлганда ҳам умр бўйи ўзи пайқамай юрганини энди англаб етди. Шу алфозда куйлар эди кекса оқин.

— Раймали оға!— дея жавоб қайтарди Бегимой.— Мен ниятимга эришдим. Энди сенинг изингдан қолмайман. Айтган жойингга, айтган вақтингда дарҳол дўмбирам билан етиб борайин, тил-тилга, дил-дилга қовушсин. Тақдир деганлари шу бўлса, майли, ҳаётимни бағишладим.

Шу тарзда ашула янграрди.

Сўнг улар эндиги учрашувимиз эртанги сарбозорда бўлсин, ҳар тарафдан келган халойиққа айтиб берайлик, деб эл орасида ваъдалашишди.

Шу заҳотиёқ оқинларни кузатар эканлар, бозор куни Раймали оға билан Бегимой ашула айтишаркан, деган хабар чор-атрофга тарқалди:

— Сарбозорга!

— Сарбозорга борамиз! Отни эгарланг!

— Сарбозорда, жирловга марҳамат!

Дув-дув гаплар оғиздан-оғизга кўчиб, акс-садодек тарқалди:

— Хақиқий байрам энди бўлади!

— Ана томошаю мана томоша!

— Роса томоша!

— Ғирт шармандалик!

— Тасқара!

— Беҳаёлик!

Раймали оға билан Бегимой йўл ўртасида хайрлашишди:

— Сарбозорда учрашгунча, дилбандим Бегимой!

— Сарбозорда кўришгунча, Раймали оға!

Узоклашиб боришаркан, узангида тик туришиб, яна садо беришди:

— Сарбозорда учрашгунча-а-а!..

— Сарбозорда кўришгунча, Раймали оға-а-а!

Кеч кириб, бепоён даштлик узра аста-секин оқшом чўка бошлади. Ёз қайтиб, пишиб етилган ўт-кўкатларнинг димокни китикловчи хушбўй ҳиди таралди. Тоғ-тошларга ёмғир ёғиб ўтган. Кун ботиш олдидан ер бағирлаб бамайлихотир учиб бораётган калхатлар кўзга ташланади. Даррандалар осойишта, сўлим кечани шарафлаб мадҳия ўқиётгандай чуғурлашади...

— Сукунат оғушида савлат тўкиб, ястаниб ётган қадрдон далам!— деди Раймали оға беихтиёр отининг ёлини панжалари билан силаб, майин тараб бораркан.— Эҳ, Сарала, эҳ, қаримсоғим, довруқдорим, нечун ҳаёт бу қадар лаззатли; сочингга қиров тушганда ҳам шунчалик севиш мумкинми?!

Сарала гоҳ-гоҳ пишқирганча, залворли юриб борар, тун бўйи эгарлоғлик юриб толиққанидан ҳордиқ чиқариш, оқар сувдан қониб ичиш ва ойдин кечада ўтлаб юрмоқ учун уйга шошиларди.

Мана, дарёнинг муқолишида овул ҳам кўриниб қолди. Ана уйлар, ҳовлилардан кўтарилаётган тутун аллақандай гаштли туюлади.

Раймали оға шошилаётган эди. Отидан туша солиб, уни қантариб қўйди ва ичкарига кирмасданок ўчоқ бошига бир оз чўққайиб ўтирганича дам олгандай бўлди. Кимдир унинг ёнига келди, қараса, қўшинининг боласи экан.

— Раймали оға, сизни чодирга чақиришяпти.

— Ким улар?

— Ўзимизнинг одамлар, ҳаммалари Баракбой уруғидан.

Остона ҳатлаб ичкарига кираркан, Раймали оға уйда уруғ оксоқолларининг ярим доира қуриб ўтиришганини кўрди. Бир оз четроқда эса укаси Абдилхон гўё одамлар нигоҳидан ўзини олиб қочгандай бошини қуйи солиб ўтирарди.

— Ассалоу алайкум, жамоат жам-ку!— деди Раймали оға.— Тинчликми ўзи?

— Сени кутяпмиз,— деди тўрда ўтирган улуғлардан бири.

— Агар мени кутаётган бўлсаларингиз, мана мен келдим,— деди Раймали оға.— Аввал жой топиб ўтириб олай.

— Тўхта! Остонада туратур! Тиз чўк!— деган фармон эшитилди.

— Бу нимаси?.. Ўтовнинг эгаси менман-ку.

— Йўк, сен ўтов эгаси эмассан! Эсини еган чол ўтов эгаси бўла оладими!

— Лаббай?

— Гап шундаки, бундан буён ҳеч қачон ва ҳеч қаерда қуйламайман, тўйма-тўй тентираб ҳам юрмайман, сизларни ва ўз обрўйимни унутиб, соқолимни оқини эсдан чиқариб, бугунгидек ҳалиги қиз билан ҳаёсизларча қуйламайман, иккинчи марта уни кўрсам — кўзим чиқсин,— деб онт ичгин.

— Бекорга овора бўляпсизлар. Эртадан кейин у билан бирга сарбозорда, эл-юрт олдида қуйлайман.

Шунда қий-чув, тўполон бошланди:

— У бизни шарманда қилмоқчи!

— Эсинг борида этагингни ёп!

— Эсини еб қўйган бу!

— Қани жим бўлинг! Шовқин солманг!— деди катта бий уларни тартибга чақариб.— Демак, шундай қарорга келдингми, Раймали?

— Ҳа, айтар сўзим шу.

— Эшитдингларми, Баракбой уруғи вакиллари, бу беорнинг ҳозир нима деганини?

— Эшитдик.

— Ундай бўлса сўзимни тингланглар. Аввало сенга айтадиганим шу, шўрлик Раймали, бутун умрингни ёлғиз отда юриб, тўй-томошаларда ўтказиб, дўмбирангнинг қорнини қашлаб, масхарабозлик қилиб келдинг — ҳаётингни бошқаларнинг кўнглини хушлашга сарфладинг. Бебошлигингни шу пайтгача ёш деб кечириб келдик. Энди шартинг кетиб, партинг қолди, йўрғалик кетмайди. Сендан ҳазар қиламиз, тақдирга тан бериб, охиратни ҳам ўйлашинг керак. Сен бизнинг маслаҳатимизга кирмай, урф-одатимизни оёқ ости қилиб, аллақандай қиз билан бегона овулларда кўнгили очиб, ҳаммага майна бўлиб юрибсан. Хўш, нима ҳам дердик, сени худовандонинг ўзи жазоласин, уволинг ўзингни тутсин. Яна шуни айтмоқчиманки, Абдилхон ўрнингдан тур-чи, қароғим, у билан бир қориндан талашиб тушгансизлар, таянчимиз ҳам, умидимиз ҳам сенсан. Сени бутун Баракбой уруғи номидан бўлис-

ликка кўтарсак, деган фикрдамиз. Аммо аканг ақлдан озиб, нима қилаётганини ўзи ҳам тушунмай турибди. Бу ахволда у ишимизга зиён келтириши турган гап. Эсини еган ўжар аканг одамлар орасида юзимизни шувит қилмаслиги, ўзгалар бизни масхаралаб кулиб юришмасин учун уни нима қиламан десанг ҳам ҳаққинг бор!

— Ҳеч ким менга пайғамбарлик ҳам, қозилик ҳам қила олмайди,— дея тилга кирди Раймали ога пешгирлик қилиб.— Бу кенгашда иштирок этаётган ва ҳозир бўлмаган бошқа хеш-ақраболар ҳам, ҳаммаларинг ҳам бир гўр — гумроҳлардирсиз. Сизларга ачинаман. Сизлар айбсиз айбдор деб ҳисобланган кимса устидан халқ олдида эмас, балки ўз билганларингизча ўзбошимчалик билан ҳукм чиқармоқчи бўласизлар. Бу дунёда ҳақиқат қаердаю бахт қаерда эканини кўрмаётирсизлар. Ахир, куй қуйилиб келса, қуйламоқнинг нима айби бор? Ҳаёт менга умр шомида севги ҳадя этган бўлса, севмоқнинг нима уяти бор? Бу дунёда севишганлар бахтиёрлигидан ҳам ортиқ нарса борми? Модомики, сизлар кечикиб топган севгим қувончини тап тортмай қуйлаганим учунгина мени телбага чиқараётган бўлсаларингиз, унда сизлардан юз ўгирганим бўлсин! Олам кенг, куним сизларга қолган бўлса, бошим оққан ёққа кетаман. Ҳозироқ Саралага минаман-да, севгилимга бораман ёки бўлмаса куй-қўшиқларимизу феъл-атворимиз билан сизларни безовта қилмаслик учун у билан бирга бошқа ўлкаларга бош олиб кетамиз.

— Йўқ, кетмайсан!— деди боядан бери сукут сақлаб ўтирган Абдилхон даҳшатли хириллаганча.— Ҳеч қаёққа чиқмайсан, ҳеч қандай сарбозорга ҳам йўл йўқ сен учун. Эс-ҳушинг ўзига келгунча, биз сени даволатамиз.

У шундай дедию дарҳол акасининг қўлидан дўмбирасини тортиб олди.

— Мана сенга!— деб подачига ташланган қутурган букадай нозик асбобни оёқлари остига олиб, синдириб ташлади.— Бундан буён куйлаш нима эканини ҳаёлингга ҳам келтира кўрма! Ҳой, йигитлар, ана у қирчанги Саралани бу ёққа келтиринглар!— ишора қилди у.

Ташқарида ишорага шай турганлар зум ўтмай боғлоқлик турган Саралани етаклаб келишди.

— Эгар-жабдуғини ол! Бу ёққа ташла!— дея Абдилхон беркитиб қўйилган болтани қулай ушлаб олганча буюриб турди.

— Мана сенга! Бир қадам ҳам жилмайсан! Ҳеч қанақа сарбозорга ҳам бормайсан!— деб жазаваси тутганча эгар-жабдуқларни парчалаб, узанги қайишларини кесиб ташлади, узангининг бирини у ёққа, бирини бу ёққа — буталар орасига улоқтириб ташлади.

Жонивор Сарала бўлса ўзининг бошига ҳам шундай қисмат тушишини сезгандай сувлиқни чайнаб, хириллаб, орқа оёқларида чўнқайганча юлқина бошлади.

— Бундан чикдики, ҳали Саралага миниб сарбозорга бормоқчи эканлар-да?.. Кўрсатиб қўяман.

Кўзи қонга тўлган йигитлар шу заҳотиёқ Саралани шахд йиқитишди-да, ҳаш-паш дегунча тўртгала оёғини қил арқон билан чандиб ташлашди. Абдилхон эса темирдек панжаси билан Саралани ғиппа бўғиб, бўғзига пичоқ тиради.

Раймали оға жон-жаҳди билан ушлаб турганлар қўлидан юлқиниб чиқишга интилди.

Шу вақт пичоқ тиғидан тизиллаб отилиб чиққан иссиқ қон Раймали оғанинг кунини тунга айлантириб, кўз ўнгини зимистон қилди-кўйди. Уст-боши Сараланинг буғ кўтарилиб турган қонига беланган Раймали оға гандираклаб, ердан аранг кўтарилди.

— Беҳуда уриняпсан! Ахир, пиёда бораман-ку. Эмаклаб бўлса ҳам бораман!— деди таҳқирланган оқин чопонининг бари билан юзларини артиб.

— Йўқ, пиёда ҳам бормайсан!— дея тишлари тиржайиб қолган Сараланинг калласи узра бошини кескин кўтарди Абдилхон.— Бу ердан энди бир қадам ҳам жилмайсан!— деди босиқ овоз билан ва шу заҳотиёқ яна дағдаға қила бошлади:— Ушланглар! Кўряпсиэларми, у телбала-ниб қолди! Боғланглар, бўлмаса ўлдиради!

Яна қий-чув, тўс-тўполон бошланди:

— Чилвирни бу ёққа олиб кел!

— Қўлини қайир!

— Қаттиқроқ боғла!

— Эси оғиб қолди. Тавба!

— Кўзларига қара!

— Вой-бой, ақлдан озиб қолди!

— Қани, бу ёққа торт!

— Қайин томонга судра!

— Тезроқ бўл!

Ой қоқ тепага келган маҳал. Еру кўкда осойишталик. Аллақандай афсунгарлар келиб, гулхан ёқишиб, жазаваси тутгандай гир айланиб, ақли меровланиб қолган улуг оқинга ёпишиб олган жин-ажиналарни ҳайдай бошлашди.

Оқин эса қўли орқасига қайрилиб, қайинга чирмаб боғланган ҳолда турарди...

Сўнг домла келиб, куръон суръаларидан ўкиб, дин номидан панд-насихатлар айтди.

Оқин эса қўли орқасига қайрилган куйи қайинга чирмаб боғланган ҳолда турар эди.

Раймали оға Абдилхон томон юзланиб бирдан куйлаб юборди: «Сўнги зулмат — барин олиб тун кетар, тонг бўзариб яна ёрқин кун келар. Бироқ, менинг ёруғ куним қоронғу. Бадбахт иним, Абдилхон, сен куёшим ўчирдинг, ёруғ куним тун этдинг. Ёшим қайтиб, раббим менга севги ато этганда, дилбандимдан жудо этиб, мотамсаро гердайдинг, қувончингнинг боиси ҳам шундадир. Аммо шўрлик иним

Абдилхон, қалбим уришдан тўхтаб, нафасим чиқмай қолгунга қадар қандай севги билан банд бўлиб, қандай севги билан яшаётганимни билганингда эди! Сен мени дарахтга боғлаб ташладинг, бироқ мен бу ерда эмасман, укам, Абдилхон. Бу ерда жисмигина банди, холос, жоним — дилим эса сабо каби кенг далани қучиб, ёмғир каби ерга сингиб кетмоқда. Мен ҳар лаҳзада у билан бирга, унинг қони, тандаги жони бўлиб яшайман. Субҳидамда ноз уйқудан турганда ёввойи кийик каби тоғдан сакраб тушаман ва унинг хиромон қадамлар билан ўтовдан чиқишини кутиб қояда интизор бўлиб тураман. Дилбарим кечувдан ўтмоққа чоғланса, от чоптириб сув кечса, мен унинг ловуллаган юзларию қўлларига туёқ остидан отилиб чиққан кумуш томчилар бўлиб сачрайман. Дилбандим куйлаганда мен унинг дилбар қўшиғи бўлиб янграйман»...

Тонг ели майсаларни секин шитирлатиб, янги кун бошланганидан дарак берарди. Раймали оға жинни бўлиб қолибди, деб теварак-атрофдан келган ҳангоматалаб қўшнилари отларидан тушмай, нарироқда тўпланиб туришарди.

Оқин эса қўллари орқасига қайрилган ҳолда эгни-боши тилка-пора бўлиб, қайинга боғланганча турарди. У қўшиқ айта бошлади. Бу қўшиқ кейинчалик халқ орасида ёйилиб кетди:

Қоратовдан қўч келар, қўч келганда
Қўлимни ечиб юбор, инижоним Абдилхон.
Олатовдан қўч келар, қўч келганда
Қўлимни ечиб юбор, қийин жоним Абдилхон.
Саралани жойладинг, қўл-оёғим бойладинг,
Сендан хўрлик кўришни ўйламабман, адо жон.
Қоратовдан қўч келар, қўч келганда,
Олатовдан қўч келар, қўч келганда
Қўлимни ечиб юбор, инижоним Абдилхон,
Эрки-ла учиб кетсин танамдаги тирик жон...

Қоратовдан қўч келар, қўч келганда
Сарбозорга етмасман, Бегимой.
Олатовдан қўч келар, қўч келганда
Сарбозорда кутма мени, Бегимой.
Сарбозорда сен билан мен сирлашолмам яйрашиб,
Саралам ҳам жойланди, қўл-оёғим бойланди.
Қоратовдан қўч келар, қўч келганда,
Олатовдан қўч келар, қўч келганда
Сарбозорда кутма мени, Бегимой.
Рухдай енгил фалакка учиб кетгум,
Сени суйиб васлингга қачон етгум...

Бу кечмишнинг ҳангомаси ана шундай.

Эдигей Казангапни сўнги манзилга — Она Байит қабристонига узатиб бораркан, йўл-йўлакай ана шу воқеалар унинг хаёлидан нари кетмасди.

XI

Бу ўлкаларда поездлар машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради.

Темир йўлнинг иккала томонида ёвшанзор билан қопланган ҳай-ҳотдай даштлик — Сариўзак, ўртачўл ястаниб ётади...

Ҳар қандай масофа Гринвич меридианидан ўлчангани сингари бу ерларда масофа темир йўлга нисбатан ўлчанеди...

Поездлар эса машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Улар бир замонлар Найман она манқурт ўғлини излаб гир айланиб юрган Малақумдичоп жарлиги бўйлаб ўтишгач, Она Байит қабристонини яқинига келиб қолишгандай бўлишди. Эдигей Бўрон гоҳ соатига, гоҳ Сариўзак тепасидаги куёшга мунтазам равишда қараб борар экан, ҳаммаси кўнгилдагидай бораётганига ишонч ҳосил қилди. Марҳумни дафн этганларидан сўнг улар вақтида бекатгача қайтиб келиб, маърака ўтказишга ҳам улгуришади. Тўғри, кун охирлаб қолади. Ҳар бир ишнинг ўз вақтида бўлганига нима етсин. Эҳ, ҳаёт шунақа экан-да! Казангап Она Байитдан ўз тинчини топарди, булар эса, уйга қайтиб келгач, марҳумни яхши сўзлар билан яна бир бор ёдга олишар...

Ҳамон аввалгидай — олдинда попукли гилам тўшаб безатилган Қоранор устида Эдигей, кетидан тиркалма арава, унинг ортидан эса кўнгизсимон «Белорусь» экскаватори борарди. Улар тилини осилтирганча бамайлихотир йўртиб бораётган малла ит — Йўлбарснинг кузатувида Малақумдичопдан ўтиб, Она Байит текислигига чиқиб олишган эди. Худди мана шу ерга келишганларида биринчи ишқал ҳодиса юз берди. Кутилмаганда тиканли сим билан ўралган тўсиққа дуч келиб қолишди.

Биринчи бўлиб Эдигей тўхтаб қолди. Ана холос! У ҳатто узангида тик туриб Қоранор устидан ўнгга, сўлга қаради — ҳар беш метрга ўрнатилган тўртбурчак темир-бетон устунларга бир неча қатор қилиб тортилган, ўтиб бўлмас тиканли сим чўл бағрида кўз этган жойгача илондек чўзилиб кетган эди. Бу тўсиқ шунчаки бўлмай, ҳамिशаликка ўрнатилган эди. Унинг қаердан бошланиб, қаерда тугашини билиб бўлмасди. Балки унинг поёни йўқдир. Ўтиб кетадиган бирон йўл ҳам кўринмайди. Энди нима қилишади. У ёғига қандай қилиб ўтиб олишади?

Бу орада орқадаги тракторлар ҳам тўхтади. Кабинадан биринчи бўлиб Собитжон, ортидан эса Эдилбой Дароз сакраб тушишди.

— Нима гап?— деди Собитжон тўсиқ томонга ишора қилиб.— Бошқа ёқдан чиқиб қолдикми?

— Нега бошқа жой бўларкан? Айни ўзига келдик, фақат манави симтўсиқ қаёқдандир пайдо бўлиб қолибди. Жин урсин!

— Нима, олдин тўсиқ йўқмиди?

— Йўқ эди.

— Энди нима қилдик? Қандай қилиб ўтамиз?

Эдигей индамади. Нима қилишни унинг ўзи ҳам билмасди.

— Эй, тракторингни ўчирсанг-чи! Етар ақиллагани!— деди Собитжон кабинадан бошини чиқариб турган Қалибекка.

У моторни ўчирди — экскаваторнинг овози ўчди. Атроф бутунлай жимиб қолди. Эдигей туясида ковоғи солинган кўйи ўтирар, ёнида Собитжон билан Эдилбой Дароз. Қалибек билан Жумағали тракторлари кабинасида қолишди. Оқ наमतга ўралган Казангапнинг жасади тиркалма аравада, ёнида ароқхўр куёви — Ойзоданинг эри. Малла ит Йўлбарс пайтдан фойдаланиб, трактор ғилдираги кўланкасига бориб, тумшугини юкорига кўтарганча, чўккайиб ўтириб олди.

Бепоён Сариўзак чўли осмон остида оламнинг у чеккасида бу чеккасигача ястаниб ётар, аммо Она Байит мозори сари йўл йўқ эди. Ҳаммалари ҳайрон бўлишиб, сим тўсиқлари қаршисида туриб қолишди.

Жимликни аввал Эдилбой Дароз бўзди:

— Эдике, бу ерда илгари тўсиқ бўлмаганмиди-а?

— Ҳеч бало йўқ эди! Биринчи марта кўриб туришим.

— Бундан чиқди, майдон атайлаб ўралган. Эҳтимол, космодром учун мўлжаллашгандир?— деб тахмин қилди Эдилбой Дароз.

— Шунақага ўхшайди. Бўлмаса, яп-яйдоқ далага бунчалик меҳнат сарфлашга на ҳожат бор? Кимнингдир ақлига шу ўй келиб қолганда. Нимани ўйлашса шуни қилишаверади, жин ургурлар!— деб Эдигей сўкина бошлади.

— Жин-пин деб сўқинишдан не фойда! Шундай олис йўлга отланишдан илгари ҳаммасини суриштириб билиш керак эди,— тўн-ғиллади Собитжон.

Орага оғир жимлик чўқди. Эдигей тепадан Қоранор ёнида турган Собитжонга ёвқараш қилди.

— Сен, қароғим бир оз сабр қил, кўпам безовталанаверма,— деди у иложи борича ўзини босиб.— Бу ерда илгари ҳеч қандай симтўсиқ йўқ эди, бундай бўлишини ким билибди, дейсан?

— Мен ҳам шуни айтяпман-да,— дея минғирлади Собитжон тескари ўғрилганча.

Яна жим қолишди. Эдилбой Дароз ақл бермоқчи бўлгандай, ниманидир мулоҳаза қилиб турган эди.

— Энди бу ёғи нима бўлди, Эдике? Нима қилиш керак? Мозорга бундан бошқа биронта йўл бормикан?

— Ҳа, бўлиши керак. Нега бўлмасин? Бундан беш чақиримча нарида, ўнг томонда йўл бўлгучи эди,— деб жавоб берди Эдигей атроф-

га аланглаб қарар экан.— Қани, шу томонга қараб юрайлик-чи. Наҳот-ки у ёқ-бу ёққа ўтадиган биронта йўл бўлмаса.

— Бу — аниқми, у ерда йўл борлиги аниқми ўзи?— дея тагин меъдага тега бошлади Собитжон.— Йўқса, на у ёққа, на бу ёққа ўта олмай, мушкул аҳволга тушиб қолмайлик.

— Бор дедим-ку, бор!— деб ишонтирди Эдигей.— Жой-жойларингизга ўтиринглар, жўнадик. Вақтни зое ўтказмайлик.

Улар яна йўлга тушишди. Тракторлар яна тариллай бошлашди. Тиканли сим ёқалаб илгарилашди.

Эдигей жуда қийналди. Кўнгилсиз воқеа уни эсанкиратиб қўйган эди. Буниси қанақа бўлди деб ичида ғижиниб борарди. Ҳаммаёқни ўраб-тўсиб ташлашибди-ю, мазорга бориш йўлини кўрсатишмабди. Шу ҳам тирикчилик бўлди-ю! Шундай бўлса-да, бу тарафдан, жануб томондан ҳам қандайдир йўл ўтиши керак, деган умид бор эди унда. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Тўппа-тўғри кўтарма ғовнинг устидан чиқиб қолишди.

Кўтарма ғовга яқинлашар эканлар, ўтказиш пунктининг астойдил дид билан мустақкам ишланганига эътибор қилишди: кираверишдаги икки қанот қаттиқ бетонда яхлит тошдан ишланган, бир оз юриб борилгач, йўлнинг чеккасида чор-атрофни кузатиб туриш учун ғиштдан қурилган ойнаванд уйча; кечаси йўлни ёритиб туриш учун бўлса керак, текис том устига иккита прожектор фонари ўрнатилган. Кўтарма ғовдан ичкарига қараб асфальт йўл кириб кетади. Эдигей бундай мустақкамликни кўриб, ташвишлана бошлади.

Улар пайдо бўлиши биланоқ, қоровулхонадан автоматнинг стволни ерга қаратиб елкасига осиб олган ёшгина, ҳали жудаям ёшгина малларанг солдат бола чиқиб келди. У йўл-йўлакай виқор билан гимнастёркасининг этагини тортиб тўғрилаб, бошидаги фуражкасини ҳам яхшилаб қўндириб олгач, ола-була кўтарма ғовнинг ўртасига келганда қотиб туриб қолди. Бирок, Эдигей йўлни тўсиб турган яккачўпга яқинлаб келавергач, ҳарқолда, у биринчи бўлиб салом берди.

— Салом,— дея чеккасига қўлини қўйди соқчи болаларникидек беғубор кўзларини Эдигейга тикиб.— Ким бўласизлар? Қаёққа кетяписизлар?

— Биз шу ерлик бўламиз, солдат. Оқсоқолимиз қазо қилди, уни мазорга қўйгани олиб келяпмиз.

— Рухсатномасиз рухсат йўқ,— дея солдат бола бошини чайқабди-да, Қоранорнинг қавш қайтараётган тумшуғидан сесканиб кетгандай ўзини нари олди.— Бу ер қўриқланадиган зона,— деб тушунтирди у.

— Тушунаман, бирок биз қабристонга бораётган кишилармиз. У мана шу ерда, узоқ эмас. Нима бўпти борсак? Дафн этамизу орқамизга қайтамиз. Бошқа ишимиз йўқ.

— Ўтказа олмайман, ҳаққим йўқ,— деди соқчи.

— Менга қара, қароғим,— Эдигей кўксидаги жанговар орден ва медаллари яхшироқ кўринсин учун эгардан энгашди,— бегона одамлар

эмасмиз. Бўронли бекатиданмиз. Эшитган бўлсанг керак. Мархумни кўмиш керак-ку, ахир. Қабристонга керамизу изимизга қайтамиз.

— Тушунаман, ахир,— соқчи соддалик билан елка қисиб энди гап бошлаган эди, шу пайт Собитжон шошиб турган мартабали кишидек бемаврид сохта юриш қилиб келиб қолди.

— Нима гап ўзи? Мен облпрофсоветданман,— деди у хириллаб.— Нега тўхтаб қолдик?

— Кириш ман этилган.

— Ахир, ўрток соқчи, мен облпрофсоветданман, деб айтдим-ку.

— Қаердан эканингизнинг менга аҳамияти йўқ.

— Буниси қанақа бўлди?— деди Собитжон тайсаллаб.

— Шунақа. Қўриқланидиган зона!

— Унда гапни чўзиб ўтиришга на ҳожат бор?— деди Собитжон изза тортиб.

— Ким чўзаяпти? Мен сизга эмас, манави туя минган чолни ҳурмат қилганимдан тушунтиряпман тушуниб олсин учун. Аслини айтганда, бегона одамлар билан гаплашишга ҳаққим йўқ. Постда турибман.

— Демак, мозорга йўл йўқми?

— Дарвоқе, шундай. Қабристонга ўтиш у ёқда турсин, умуман, бу ердан ўтиш энди ман этилган.

— Начора, ўйлаганимдай бўлиб чиқди,— дея зарда қилди Собитжон.— Шундай бўларини билиб, қўйинглар, бу ишни десам, йўқ бўлмади! «Она Байит!» Она Байит!», деб кулок миямни единглар. Мана энди сенга «Она Байит!»— у шу сўзларни айтиб газаб билан ерга туширганча нари кетди.

Соқчи олдида Эдигей ўзини ноқулай сезди.

— Кечир, ўғлим,— деди у оталарча меҳрибонлик билан.— Ҳаммаси равшан, сен хизмат бурчингни ўтаяпсан. Бироқ, мархумни нима қиламиз энди? Бу, ахир гўла эмас-ку, ағдарсанг-да, кетаверсанг.

— Мен тушуниб турибман, бироқ иложим қанча? Менга нима дейишса, шуни бажаришим керак. Бу ерда бошлиқ эмасман-ку, ахир.

— Ҳа-а, шунақа-а,— Эдигейнинг ҳафсаласи пир бўлди.— Ўзинг асли қаерлик бўласан?

— Вологдадан, отахон — соқчи уялиб, болаларча хурсанд бўлиб «о» га урғу бериб гапирди. Бундай саволга жавоб бериш мароқли эканини яширмай илжайиб турарди.

— Нима, у ёқда сизларнинг Вологдангизда ҳам мозорда соқчилар туришадими?

— Бу нима деганингиз, отахон, нега энди! Бизда қабристонга қачон хоҳласанг ва қанча хоҳласанг бораверсан. Гап унда эмас-ку. Бу ер ёпик зона. Ахир, сизнинг ўзингиз ҳам, отахон, ҳарбий хизматни ўтаган экансиз, кўриб турибман. Хизмат хизматлигича қолади. Истайсанми-йўқми, бу бурч, ундан ҳеч қаёққа бош олиб кета олмайсан.

— Шундайликка шундай-а,— дея маъкуллади Эдигей,— бироқ марҳумни нима қиламиз?

Улар жим қолишди. Мовий кўзли, маллақошли солдат жиддий ўйланиб туриб, афсусланганча бош чайқади:

— Йўқ, отахон, бўлмайти! Ҳаққим йўқ!

— Нима ҳам қилардик,— деди Эдигей мушкул аҳволда қолиб.

Ҳамроҳлари томон қарашга унинг юзи чидамади. Чунки Собитжон борган сари тутақиб, Эдилбой Дарозга нималарнидир гапираётган эди. Унинг аччиқ-санчиқ сўзлари экскаваторнинг ёнида турганларга ҳам эшитилаётган эди:

— Айтмадимми, шунчалик олис жойга бориб юришнинг ҳожати йўқ деб. Бу — эскилик қолдиғи, хурофотнинг қасофати! Ҳам ўзларингизни, ҳам бошқаларни миясини ачитасизлар. Ўликни қаерга кўмишнинг нима фарқи бор. Йўқ, ўламан оллох, нима бўлса ҳам Она Байитга элиб кўмамиз, кетавер, сенсиз ҳам кўмиб келамиз, дейсан! Мана, кўмавер энди!

Эдилбой Дароз индамай ундан узоқлашди.

— Менга қара, оғайни,— деди у кўтарма ғовнинг олдига келиб соқчига.— Мен ҳам хизмат қилганман, биламан баъзи тартиб-қоидаларни. Телефонинг борми?

— Бор, албатта.

— Ундай бўлса қоровул бошлиғига кўнғироқ қил. Шу ерлик кишилар келиб, Она Байитга ўтишга рухсат сўрашяпти, деб айтгин.

— Нима, нима? Она Байит?— деб қайта сўради соқчи.

— Ҳа, Она Байит. Ота-бобомиз ётган қабристон шундай деб аталади. Телефон қил, оғайни, бошқа иложимиз йўқ. Ўзи бизга рухсат олиб берсин. Биз эса — ишонавер дарҳол қайтамиз, мазордан бошқа бирон нарса бизни қизиқтирмайди.

Соқчи оғирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига ташлаб тураркан, ковоғи солинганча ўйланиб қолди.

— Сен шубҳа қилма,— деди Эдилбой Дароз.— Ҳаммаси устав бўйича бўлади. Постга бегона одамлар келишди, сен қоровул бошлиғига ахборот беряпсан. Бўлгани шу. Қизиқ экансан! Айтиб қўйиш сенинг вазифанг-ку, ахир.

— Хўп, майли,— деб бош ирғади соқчи.— Ҳозир кўнғироқ қиламан. Бироқ қоровул бошлиғи кўпинча постларни кузатиб, айланиб юради — ўрнида бўлмаслиги ҳам мумкин. Территорияни эса ўзларинг кўриб турибсизлар, қанчалик катта эканини!

— Балки менга ҳам рухсат берарсан ёнингда бўлсам?— деб сўради Эдилбой Дароз илтимос қилиб.— Керакли гапларни айтиб турарман.

— Бўпти, юринг,— рози бўлди соқчи.

Иккаласи қоровулхонага кириб кетишди. Эшик очиқ, Эдигей ҳамма гапларни эшитиб турарди. Соқчи қаёққадир кўнғироқ қилиб ҳамон қоровул бошлиғини сўради. Уни эса топмасди.

— Йў-ўк, менга қоровул бошлиғи керак!— деб тушунтирарди у.— Шахсан ўзи... йўғ-э. Муҳим иш бор.

Эдигей асабийлашди. Қоровул бошлиғи қайси гўрда экан? Иш бир ўнгидан келмадими — бўлди!

Нихоят, топилди.

— Ўртоқ лейтенант! Ўртоқ лейтенант!— соқчи жарангдор овоз билан ҳаяжонланиб гапирарди.— Маҳаллий кишилар эски қаб-ристонга бир кимсани кўмишга келишибди. Нима қилайин?.. Эдигей хушёр тортди. Лейтенант бир оғиз ўтказиб юбор, деса бўлди. Баракалло, Эдилбой Дароз! Нима қилса ҳам фаҳм-фаросатли йигит. Бироқ соқчининг гапи ҳамон тугамаётган эди. Энди у ҳадеб савол-ларга жавоб берарди.

— Об-бо... Қанча дейсизми? Олтита. Марҳум билан етти киши. Қандайдир чол ўлибди. Уларнинг бошлиғи туя миниб олган. Яна прицепли тракторлари ҳам бор. Трактор ортида эса экскаватор... Қандай? Мен нима дейин? Демак, мумкин эмас?! Рухсат йўқ денг. Хўп, айтаман.

Шу чок Эдилбой Дарознинг овози янгради. У трубкани тортиб олган эди.

— Ўртоқ лейтенант! Бизнинг аҳволимизни тушунинг. Ўртоқ лейте-нант, Бўронли бекатидан келдик. Энди қаерга борамиз? Аҳволимизни тушунинг, ўртоқ лейтенант. Биз шу ерлик одамлармиз. Ҳеч қандай ёмон фикримиз йўқ. Фақат ўликни кўмамиз-у изимизга қайтамиз... А? Нима? Бу қанақаси бўлди? Келинг, келиб ўз кўзингиз билан кўрсангиз, ишонч ҳосил қиласиз! Бу ерда бизни бошлаб келган оксоқолимиз бор. Уруш қатнашчиси. Унга ўзингиз тушунтирел.

Эдилбой Дароз қоровулхонадан асабийлашиб чиқди: лейтенант ҳозир ўзи келиб, масалани шу ерда ҳал қилишини айтибди. Унинг ор-тидан келган соқчи ҳам шу гапни айтиб, бир оз енгил тортгандай бўлди, чунки буёғини қоровул бошлиғининг ўзи ҳал этиши керак эди. У энди ола-була кўтарма ғовнинг олдида у ёқдан-бу ёққа юриб турарди.

Эдигей Бўрон ўйга толди. Йўлнинг бундай бўлиши кимнинг хаёлига келибди, дейсиз. Лейтенантнинг келишини кутишдан бошқа илож йўқ. Эдигей шу маҳал туясидан ирғиб тушди-да, уни етаклаб бориб экска-ваторнинг чўмичига боғлаб қўйди. Сўнг яна кўтарма ғов томон қайт-ди. Тракторчи Қалибек билан Жумағалилар ўзаро гангур-гунгур суҳбатлашиб ўтиришар эди. Собитжон одамлардан четда бўзчининг мокисиди у ёқдан-бу ёққа ўзича ғижиниб юриб турганди. Қазан-гапнинг куёви — Ойзоданинг эри эса ҳамон аввалгидай тиркалма арава устида марҳумнинг ёнида ўтирарди.

— Эдике, у ёқда нима гап, бизни ўтказиб юбормоқчи бўлиш-дими?— деб сўради у Эдигейдан.

— Ўтказиб юборишар. Ҳозир бошлиқ — лейтенантнинг ўзи кела-ди. Нега қўйишмас экан? Нима, биз жосусмидик. Аравадан тушиб, бир оз оёқларингни ёзсанг бўлармиди.

Соат уч бўлиб қолган эди. Улар эса ҳали ҳам Она Байитга етиб келишмаганди.

Эдигей соқчининг ёнига қайтиб:

— Ўғлим, бошлиғингни ҳали анча кутамизми? — деб сўради.

— Йўғ-э. Ҳозир келиб қолади, остида машинаси бор. Ун-ўн беш дақиқалик йўл.

— Ҳа, майли, унда кутамиз. Бу тиканли симларни тортилганига кўп бўлдимми?

— Ҳа, анча бўлди. Уни биз тортганмиз. Бу ерда хизмат қилаётганимга бир йил тўлди. Демак, теварани ўраб қўйганимизга ярим йилча бўлай, деб қолибди.

— Шунга айтганман-да. Бунақа тўсиқ борлигини мен ҳам билмасдим. Марҳумни бу ёққа дафн этиш учун мен бошлаб келган эдим, энди эса гуноҳкордай бўлиб турибман. Бу ерга бизнинг қадимий мазоримиз — Она Байит жойлашган. Марҳум Казангап эса жуда яхши одам эди. Бекатчада ўттиз йил бирга ишладик. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлсин, деган эдим.

Солдат, афтидан, Эдигей Бўронга ҳамдардлик билдираётгандай эди.

— Менга қаранг, отахон, — деди у уддабуронлик қилиб. — Ҳозир қоровул бошлиғи Тансиқбоев келиши билан яхшилаб тушунтиринглар. У ҳам одам-ку, ахир. Юқоридагиларга хабар қилсин. Эҳтимол, улар руҳсат бериб қолишар.

— Яхши маслаҳатинг учун раҳмат. Бўлмаса, биз нима қиламиз? Нима дединг, Тансиқбоев дедингни? Лейтенантнинг фамилияси Тансиқбоевми?

— Ҳа, Тансиқбоев. Бу ерга келганига кўп бўлгани йўқ. Нега сўра-япсиз, танишми? У сизларнинг миллатингиздан. Балки бирон яқин кишиларингиз бўлиб чиқар?

— Э, йўқ, — деб кулимсиради Эдигей. — Сизларда Ивановлар кўп бўлганидек бизларда ким кўп — Тансиқбоевлар кўп. Шунчаки, шунақа фамилиядаги бир киши эсимга тушиб қолди.

Шу пайт постдаги телефон жириглаб, соқчи ўша ёққа югуриб кетди. Эдигей ёлғиз қолди: қошлари хурпайиб, машина кўринмаяптими, дегандай йўлга маънос қараб, бошини чайқаб қўйди. «Бу ўша — чағиркўзнинг ўғли бўлиб чиқса-я? — ўйлади у ва ўзини-ўзи қойиб кетди ичида. — Яна қайси балони ўйлаб топдинг? Миясига келган нарсани қара-я! Бунақа фамилиядагилар озмунчами. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас». У Тансиқбоевлар билан кейинчалик орани очиқ қилиб олган бутунлай... Ҳар нечук, ер юзида ҳақиқат бор! Бор! Қандай бўлмасин, ҳақиқат ҳар доим бўлади...

У бир четга чиқди-да, лейтенант Тансиқбоевнинг кўзига дарҳол кўринсин учун дастрўмолчасини олиб кўксидаги орден ва медалларини, зарбдор меҳнати учун олган значокларини эринмасдан ялтиратиб артди.

Халиги чағиркўз Тансиқбоевнинг кейинги ҳаёти бундай бўлган эди.

1956 йил баҳорининг охирларида Қумбел депосида катта митинг бўлиб, унга ҳамма бекат ва бекатчалардан темирийўлчилар тўпланишган эди. Ўша куни фақат йўлда навбатчиликда турганларгина ўз постларида қолишди. Эдигей Бўрон ўз умрида не-не йиғилишларни кўрган бўлса ҳам, бу митинг унинг учун унутилмас бўлди.

Улар паровоз ременти цехига йиғилишди. Ҳаммаёқда тумонат одам. Айримлар жой бўлмаганидан нақд шифтнинг тагигача тирбанд бўлиб, тўсинларнинг девордан чиқиб турган жойларигача ўтириб олишган эди. Бирок, энг муҳими — қандай зўр нутқлар сўзланмади! Бериянинг бутун қилмишлари бошдан-охиригача очиб ташланди. Ярамас жаллоднинг шармандасини чиқаришди! То кечгача сўзга чиқишлар давом этди, депо ишчиларининг ўзлари бирма-бир минбарга кўтарилаверишди, бирор одам кетмади, гўё ҳамма ўз ўрнида михланиб қолгандай эди. Фақат овозлар тўлқини худди ўрмоннинг шовуллашидек гувиллаб турарди. Кимнингдир оломон қаторидан тоза русча талаффузда: «Худди бўрон олдидаги денгизга ўхшайди-я», дегани ҳам хотирада қолди. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Унинг юраги дук-дук уради, фронтда хужум олдидан шундай бўларди, у жуда чиниққан эди. Томоғи куриб борарди. Аммо оломон ичида қаердан сув топиб бўларди? Сув қидиришга вақт ҳам йўқ эди, чидашга тўғри келди. Танаффусда Эдигей одамлар орасида туртиниб зўрға депо парторги, собик катта бекат бошлиғи Чернов ёнига ўтиб олди. У президиумда эди.

— Менга қара, Андрей Петрович, мен ҳам сўзга чиқсаммикин-а?

— Майли, агар зарурат бўлса.

— Хоҳишим бор, ҳатто жуда ҳам хоҳлайман. Лекин олдин сен билан маслаҳатлашиб олишимиз лозим. Эсингдами, бекатимизда Қуттибоев деган киши бўларди. Абутолиб Қуттибоев. Ревизор унга Югославия ҳақида хотиралар ёзаяпти, деб айб таққан эди. Абутолиб у ёқда партизанлар сафида жанг қилган. Яна ҳар хил бўлмағур айбларни кўшиб ёзган ўша ревизор. Кейин бериячилар келиб бечорани банди қилиб кетишди. У шу бўйи ўлиб кетди, бекордан-бекорга йўқ бўлиб кетди шўрлик! Эсингга тушдими?

— Ҳа, эслайман, хотини справкага келган эди.

— Ана ўша! Кейин оиласи ҳам кўчиб кетди-ку. Бугунги гапларни эшитиб ўтириб, ўйланиб қолдим. Югославия билан дўст бўлсак, ҳеч қандай ихтилофимиз бўлмаса, нега бегуноҳ одамлар жабр кўриб кетаверар экан? Абутолибнинг болалари ҳам катта бўлиб қолишди, мактабга қатнашяпти. Шундай бўлгач, масалани ойдинлаштириб олиш керак. Акс холда, ҳамма уларга таъна тошини отаверади. Болалар кўп жабр кўришди — отасиз қолишди, ахир.

— Сабр қил, Эдигей. Демак, сен шу ҳақда гапирмоқчисан, шундайми?

— Шундай.

— Ҳалиги ревизорнинг фамилиясини биласанми?

— Билиб олиш қийин эмас. Мен уни кейин ҳеч учратмадим.

— Шу топда кимдан биласан? Ундан кейин, у айнан нима ёзганлиги ҳақида қўлингда бирор ҳужжатинг, далил-исботинг борми?

— Ушандан бошқа ким ҳам ёзарди?

— Бу ўринда фактик далиллар керак бўлади, оғайни Бўрон. Мабо-до, сен ўйлагандай бўлиб чиқмаса-чи? Бу ҳазилакам гап эмас. Менга қара, Эдигей, маслаҳатга қулоқ сол. Шуларнинг ҳаммаси ҳақида Олмаотага хат ёз. Бу воқеа қандай бўлганини, бутун тафсилоти билан айнан ёзиб, республика партия Марказий Комитетига жўнат. У ерда ўзлари аниқлаб олишади. Пайсалга солиб ўтиришмайди. Партия бу ишга қаттиқ киришиди. Ўзинг кўриб турибсан-ку.

Бошқаларга кўшилиб ўша митингда Эдигей Бўрон ҳам: «Партияга шон-шарафлар бўлсин! Партиямиз йўлини қўллаб-қувватлаймиз!», дея баланд овоз билан ҳайқирди. Кейин, митинг охирида орқароқда кимдир «Интернационал»ни бошлаб юборди. Унга бир неча овоз кўшилди, бирор дақиқадан кейин бутун оломон депони тўлдириб барча замонларнинг буюк гимнини, барча мазлумлар гимнини бир одамдек куйлай бошлашди. Эдигей ҳеч қачон бунчалик кўп одамлар орасида куйламаган эди. Тантанавор, мағрур, айти пайтда аччиқ алам ифодаланётган куй садоси худди тўлқиндек кўтарилиб, узок-узокларга кетаётгандек туюларди. Коммунистлар гимни қалбларда жасорат туйғуларини тошириб, бахтли келажак учун курашга чорларди.

Эдигей кўпинча, қаттиқ ҳаяжонланган пайтларида бўлгани каби ҳозир ҳам ўзини Орол денгизига юргандек ҳис этди. Унинг хаёллари тўлқинлар устида учиб юрган эркин чайкалар сингари бепоён осмон бўйлаб парвоз қиларди.

Ана шундай қувончли туйғуларга кўмилиб, уйига қайтди. Чой устида Уккуболага митингда бўлган гапларни бутун тафсилоти билан ҳаяжонланиб ҳикоя қилиб берди. Ўзининг ҳам сўзга чиқмоқчи бўлгани, ҳозирча парторг Чернов унга бошқа маслаҳат берганини ҳам айтиб ўтди. Уккубола эрининг сўзларини мириқиб тинглар, унга дам-бадам самовардан иссиқ чой куйиб узатарди.

— Сенга нима бўлди, бир самовар чойни ичиб қўйдинг-ку!— дея хайрон бўлди хотини жилмайиб.

— Биласанми, митингда нима сабабдандир шунчалар чанқадимки, асти қўяверасан! Ниҳоятда ҳаяжонландим. Одам кўп эди, қимирлаб бўлмайди. Митинг тугагандан кейин отилиб чиқиб, сувга чопдим. Қарасам, бир состав биз томонга жўнамоқчи. Югуриб бориб машинистнинг ёнига чиқиб олдим. Ўзимизнинг йигит бўлиб чиқди: тўғроқтомлик Жондўст экан. Йўлда сувидан ичдим, албатта, лекин чанқоқни кондириб бўлармиди!

— Шунинг учун экан-да, кўриб турибман,— деб сўз қотди Уккубо-ла. У яна қайтадан чой куяркан, деди:— Гап бундай, Эдигей, сен

Абутолибнинг болаларини эслаб яхши қилибсан. Шундай экан, етимлар елкасини қисиб юрмасин десанг, журъатлироқ бўл. Хат яхши, аммо то ёзилиб, етиб боргунча ўқилиб, тегишли одамлар ўйлаб кўргунча кўп вақт ўтади. Яхшиси ўзинг Олмаотага борақол. Бўлган воқеани ўша ернинг ўзида айтасан-қўясан.

— Сенингча, Олмаотага ўзим боришим керакми? Тўппа-тўғри энг катта бошлиққа учрашайми?

— Ҳа, нима бўпти? Иш юзасидан борасан-ку. Дўстинг Елизаров қанчадан бери чақиргани-чақирган. Ҳар сафар адресини қолдириб кетади. Мен бормаганимдан кейин, сен бор. Мен уйни ташлаб чиқолмасам, болаларни кимга қолдирамиз? Сен бу ишни пайсалга солма. Отпускангни ол. Шунча йил ичида қанча отпуска олишинг мумкин эди — юз йиллик. Бирор марта ол, бориб ўша ернинг ўзида катта одамларга айт.

Эдигей хотинининг ақлига қойил қолди.

— Рост, хотин, гапнинг пўсткаласини айтяпсан. Ўйлаб кўриш керак.

— Кўп ўйлайверма. Мулоҳаза қилиб ўтирадиган вақт эмас ҳозир. Қанча эртароқ ҳаракат қилсанг, шунча яхши. Афанасий Иванович сенга албатта ёрдам беради. Қаерга бориш, кимга учрашиш кераклигини у яхши билади.

— Тўппа-тўғри.

— Шунинг учун айтяпман-да. Кечиктиришнинг ҳожати йўқ. Бир йўла уйга керакли нарсалар ҳам ола келасан. Қизларимиз ҳам катта бўлиб қолишди. Саула кузда мактабга боради. Интернатга жойлаштирамизми ё нима қиламиз? Бу ҳақда ўйлаб кўрдингми?

— Ўйлаб қўйганман, ўйламай бўлармиди! — қизларининг тез ўсганидан, яқинда мактабга бориши мумкинлигидан ҳайрон қолганлигини яширишга уринди Эдигей Бўрон бирдан ўз хатосини фаҳмлаб.

— Агар ўйлаган бўлсанг,— дея давом этди Уккубола,— бор, биз ўша йиллари не кунларни бошдан кечирганларимизни одамларга етказ. Улар етимларга оталарининг таъна-маломатидан кутулишлари учун ёрдам беришсин. Кейин вақтинг бўлса, қизларингга, менга у-бу нарса қарасанг ёмон бўлмасди. Мен ҳам ахир энди ёш эмасман.

Эдигей хотинига қаради. Қизик, ҳамиша кўриб юриб пайқамаган нарсангни бир қарашда англаб қоласан экан. Албатта, у ёш эмас, аммо кексаликка ҳам ҳали анча узок эди. Лекин у хотинининг қарашларида оқилалик пайдо бўлганлигини тушунди. Сочига оқ оралаганини ҳам пайқади. Унинг чаккаларидаги оқ сочлари уч-тўрттадан кўп эмасди, аммо шунинг ўзиёқ бошидан кечирганлари тўғрисида гувоҳлик бериб турарди...

Орадан бир кун ўтгач, Эдигей Қумбел бекатида йўловчи сифатида турарди. Дарвоқе, Олмаота поездига чиқиш учун Бўронлидан бир қадам орқага юришга тўғри келди. Эдигей бунга афсусланмади. Чунки

аввало бораётгани хақида Елизаровга телеграмма жўнатиши керак эди. Бунинг учун катта бекатга бориш зарур эди.

Кейин Москва — Олмаота поезди етиб келди, Эдигей шу поездда ўзининг Бўронли бекати орқали Олмаотага жўнаб кетди. Унинг жойи купели вагонда, юқори полкада эди. Эдигей нарсаларини жойлаштириб, ўз бекатини кўрмай ўтиб кетмаслик, уни йўловчи сифатида поезддан туриб кузатиш мақсадида дархол йўлакка чикди ва вагон деразалари ёнига келди, шундан кейин ўз полкасига чиқиб олиб ухлайвериши мумкин-ку. Олдинда икки суткалик йўл бор. Дастлаб шундай деб ўйлаган Эдигей иккинчи кунгидея мажбурий бекорчиликдан ўзини қаерга қўйишини билмай қолди. Поездда фақат еб-ичиш ва ухлашдан бошқани билмайдиган ишқмасларни кўриб ҳайратланди.

Бирок биринчи кун, хусусан, биринчи соатларданок оиласидан узок муддатга чиқиб кетишга одатланмаганидан кўнгли нотинч бўлиб, ташвишлана бошлади. У вагон деразалари олдида бирмунча ҳаяжонли, уст-боши тартибли турарди: катта бекатдаги магазиндан шундай кунларда кийиш учун сотиб олинган янги шляпа, эгнида тоза кўйлак ва Казангапнинг уруш давридан бери яхшигина сақлаб юрган кители. Унга бу кителни Казангап мажбуран кийдирган, орден ва медалларини кўксингга тақиб олсанг, галифе шиму офицерлар киядиган хром этик билан жуда ярашади, деган эди. Бу этикни Эдигей аҳён-аҳёнда кийса ҳам, ниҳоятда ёқтирарди. Эдигей одам савлатли кўриниши учун энг аввал яхши этик ва янги бош кийим бўлиши керак, деб ҳисоблар эди. Ҳозир унда буларнинг иккаласи ҳам бор.

Дераза олдида у шундай ҳолатда турарди. Вагондан у ёқ-бу ёққа ўтганлар унга хурмат билан назар ташлаб ўтирдилар. Эдигей Бўрон қиёфасида бутун фазилатлари ва изтироблари ифодаланган бўлса-да, бошқалардан ажралиб турар эди.

Поезд Сариўзак ялангликлари бўйлаб гўё олдинда югуриб кетаётган уфқнинг тиниқ гардишини қувиб етишга шошилаётгандай елдек учиб борарди. Дунёда фақат икки табиий куч мавжуд эди: осмон ва яланг чўл. Узокда улар туташгандек кўринар, тезюрар поезд ҳам ўша томонга интиларди.

Бўронли ерлари ҳам яқинлашиб қолди. Бу ерда ҳар қарич ер, ҳар бир тош таниш. Бўронлига яқинлаша бораркан, Эдигей руҳи кўтарилиб, деразага яқин келди, мийиғида илжайиб қўйди, гўё кўп йиллар бу ерда бўлмагандай ҳис қилди ўзини. Мана, бекатгача ҳам етиб келди. Семафор, уйчалар, ёнма-ён қурилган бинолару омбор ёнида тахлаб қўйилган рельслар ва шпаллар кўз ўнгидан лип-лип ўтиб турди. Эдигей ҳатто ўз қизчаларини ҳам таний олди. Улар бугун мағрибдан машриққа йўл олган барча пассажир поездларини кузатган бўлишлари мумкин.

Саула ва Шарофат шу ерда эканликларини билдириш учун ҳам қўлларини силкитиб, сакраб-сакраб қўйишар, вагон деразаларига қараб жилмайишарди. Уларнинг майда ўрилган сочлари силкинар, кўзлари порлар эди. Эдигей беихтиёр деразага ёпишиб олди-да, уларга қарата

қўл силкитди, минғирлаб эркаловчи сўзлар айтди, лекин қизлари уни кўришмади, ё таний олмади. Шунга қарамай, улар поезд ўтиб кетишини кутиб турганлигидан Эдигей хурсанд бўлди. Бироқ йўловчилардан ҳеч бири ҳозиргина унинг болалари, уйи, бекати ортда қолиб кетганлигини пайқамади! Айниқса, бекатчадан нариёқдаги далада туялар галасида унинг машхур Қоранори юрганлигини ҳеч ким тасаввур ҳам этолмасди. Эдигей эса узокдан кўриб, уни дарҳол таниди ва кўзларида қувонч пайдо бўлди.

Кейинчалик, уйдан бир неча бекат узоклашгач, Эдигей уйкуга кетди. У вагон ғилдираklarининг бир маромдаги тақа-туқ овозлари, йўловчилар суҳбатларининг аллаловчи садолари остида анчагача ширингина ухлади.

Иккинчи кун тушдан кейин Чимкентдан то бутун Еттисув бўйлаб чўзилиб кетган Олатов тоғлари бошланди. Бу тоғлар шу қадар чиройли эдики, одамнинг кўзи қувонарди! Эдигей Бўрон темир йўл билан ёнма-ён то Олмаотагача чўзилиб кетган қорли чўққиларнинг улуғвор киёфасини кўриб, ҳар қанча севинмасин, уларга қараб тўймади. Унинг учун, сариўзаклик чўл кишиси учун бу бир мўъжиза бўлиб, абадийликни томоша қилаётгандек эди. Олатов тоғлари уни фақат мафтун этибгина қолмасдан, чуқур ўйга толдирди ҳам. Тоғларга қараб туриб ўй суриш унга ёқар эди. Шу тарзда у хаёлан ҳали ўзига нотаниш бўлган, ўтмишдаги хатолар энди сира такрорланмаслиги кераклигини айтган масъул кишилар билан учрашувга, уларга Абутолиб оиласининг аччиқ қисмати тўғрисида сўзлаб беришга тайёрланарди. Текшириб кўришсин, қандай қилиб бу ишни тўғрилаш масаласини ҳал қилишсин. Абутолибнинг ўзини-ку, тирилтириб бўлмайди, бироқ унинг болаларини ҳеч ким ранжитмаслиги, уларга ҳам йўл очиб қўйилиши керак-ку, ахир. Каттаси Довул шу йил кузда мактабга боради, ҳеч кимдан хавотирланмай бемалол ўқисин. Лекин ҳозир қаерда улар? Қисмати нима бўлди? Зарифа нима қилиб юрган экан?

Шу ҳақда ўйларкан, Эдигейнинг кўнгли қаттиқ ранжиди. Энди ўтган воқеаларни унутиб, ғазабдан тушадиган вақт келди. Улар ўтмишда қолган экан, бу ҳақда бутунлай ўйламаслик мумкин-ку, ахир. Лекин нима унутилди, нима унутилмади — бу фақат ёлғиз худонинг ўзига маълум! Эдигей Бўрон хафа бўлди, тақдирга тан бериб, ўзини босди. Буни кимга ҳам айта олардинг-у, ким тушунади? Осмонга тиргович бўлиб ўтирган қорли тоғларгами — уларнинг ердагилар ташвиши билан қанчалик иши бор. Шунинг учун ҳам улар тоғ, улуғвор Олатов саналади; минг-минглаб одамлар келаверадилар, кетаверадилар, бу тоғлар эса абадий тураверади, одамлар уларга қараб ўй ўйлайдилару тоғлар эса метиндек, жим қолаверади...

Эдигей хаёлга берилиб, Абутолибнинг «Раймали оғанинг иниси Абдилхонга мурожаати»ни ёзиб олганидан кейин, бу ривоят устида кўп ўйлаганини, бир суҳбатда Раймали оға билан Бегимой каби кишилар ҳаёт йўлида учрашиб қолиб, бир-бирларига қанча бахт кел-

тирсалар, шунча қайғу-алам ҳам келтириши, ҳатто бири иккинчисининг бошига кулфат солиш, бироқ ҳеч бир кимса ўз атрофидаги кишилар ҳукмидан қочиб қутулмаслиги тўғрисида айтганларини бирма-бир эслади. Раймали оғага яхшилик қилишни раво кўрган яқин кишилари унга нисбатан ўзлари ўйлаганларича иш тутдилар. Бу бир пайтлар Эдигей учун доно сўзларгина эди, чунки ҳали у бу сўзларнинг ҳақ эканлигини синаб кўрмаган, азоб-уқубатларни бошидан кечирмаган эди. Майли, Зарифаю у бундай воқеалардан ер билан осмондек узоқ бўлишсин — уларнинг ораларида ҳеч вақо бўлмаган. Бари бир, Зарифа ҳақида кўп ўйлар, уни чин дилдан севарди. Бироқ Зарифа ўша муқаррар қийинчиликдан қутулиш учун биринчи бўлиб ўзини зарбага тутиб берди. У ўзи учун шундай қилди, томирдаги қонни тўхтатиб қўйгандек бирданига шу қарорга келди, лекин у Абутолиб ҳақида ўйламади, ўзининг бу қарори унга қанчалик қимматга тушиши мумкинлигини ҳаёлига ҳам келтирмади. Яхшики, у тирик қолди. Эндиликда шундай кўргулик яқинлашгудай бўлса, уни бир кўриши ёки эшитиши биланоқ дунёнинг нариги чеккасигача қочиб кетишга тайёр эди.

Эдигей ўздан кулиб, бир вақтлар Абутолибдан Германияда Гёте деган машҳур шоир бўлганлигини эшитиб, ажабланганлигини ҳам эслаб қўйди. Унинг номи козоқчада унчалик жарангдор эшитилмайдю лекин гап бунда эмас. Ҳар бир шахс тақдир тақозоси қилган исми билан юради. Кекса Гёте ёши етмишдан ошганида ёшгина сулувга кўнгил қўйган, киз ҳам шоирни сидқидилдан севган, дейишади. Буни ҳамма билгану, ҳеч ким Гётенинг оёқ-қўлини боғлаб қўйиб, уни ақлдан озганликда айбламаган... Раймали оғага нисбатан қандай муносабатда бўлдилар! Инсонни хўрладилар, йўқ қилдилар, аслида эса унга яхшилик қилмоқчи эдилар... Зарифа ҳам ўзича эрига яхшилик қилди... Шу сабабли у Зарифадан норози эмас. Севган кишисидан ҳафа бўлиш мумкин эмас-ку, ахир. Аксинча, ўзингни нимадандир гуноҳқор қилиб, айбдор ҳисоблайсан, ўзингга оғир бўлса майли, хотинингга асло ёмон бўлмасин... Агар қўлингдан келса, хотининг сени ташлаб кетганда ҳам, уни ёдингдан чиқарма ва сев!..

Эдигей Бўрон ана шундай ўйлар билан хотинини эслаб ва суюб, Абутолибни, унинг етим қолган болаларини хотирлаб, йўлида давом этди.

Эдигей Олмаотага яқинлашаркан, бирдан ўйлаб қолди: борди-ю, Елизаров жойида бўлмаса-чи? Унда нима қиламан? Оббо! Нега бу фикр уйда ҳаёлига келмади? Уккубола ҳам бу ҳақда ўйлаб кўрмабди. Ўзлари истаганларича иш тутишибди. Сариўзакдан ҳеч қаёққа чиқмай яшайдиганлар, албатта, бошқаларни ҳам худди шундай деб ўйлардилар-да. Ахир, Афанасий Иванович уйда бўлмаслиги мумкин-ку. У академияда ишлайди, жойларда боришини орзиқиб кутишади, шундай олимнинг ишлари кам бўлармиди. Иш билан бошқа шаҳарга кетган бўлиши, у ерда бир неча кунга қолиб кетиши ҳам эҳтимолдан

холи эмас. Шуларни ўйларкан, Эдигей: «Ишим ўнгидан келмайди», деб ташвишланди. Борди-ю, шундай бўлса, Эдигей қозоқ тилида чиқадиган газета редакциясига мурожаат қилиши мумкинлигини ўйлади, чунки газетанинг ҳар бир сониди унинг адреси кўрсатилган бўлади. Редакциядагилар унга қаерда, кимга учрашиш кераклигини тушунтиришади, албатта. Бироқ шундай масалалар билан қаерга бориш, кимга учрашиш кераклигини газета ходимлари билмаслиги ҳам мумкин-ку. Уйда булар ҳаммаси осонгина туюлган эди. Йўлга отланди-ю, жўнади кетди. Энди-чи, мўлжаллаган жойига яқинлашган сайин Эдигей Бўроннинг ташвиши орта борди, ёмон овчи уйда ўтириб овни ўйлайди, деган гап бекорга айтилмаган. У ҳам худди шундай бўлди. Лекин Елизаровга ишонган эди-да, Елизаров ўзининг одами, кўп йиллик кадрдони, унинг бекатдаги уйда бир неча марта бўлган, Абутолиб Куттибоев тарихини ҳам билади. Елизаров бўлса-ку, яхши-я, оғзидан бир сўз чиқар-чикмас ҳаммасини тушунади. Нотаниш одамларга куни қолса қандай қилиб айтади, гапни нимадан бошлайди, судда гувоҳлик қилгандек нутқ сўзлаш ёки доклад қилишни удалай оладими? Унинг гапларини биров тинглармикин, тингласа, қандай жавоб қайтараркин? Аслида сен ўзинг кимсану, нега Абутолиб Куттибоевни оклаш учун ҳаммадан кўпроқ сен қайғуришинг керак? Сенга нима? Унга сен ким бўласан — аками ёки ука, қудами ёки божа?

Поезд Олмаотага яқинлашиб қолган эди. Йўловчилар тараддулланиб, коридорга чиқишган ва поезд тўхташини кутардилар. Эдигей ҳам тушишга шайланди. Ана, вокзал ҳам кўриниб қолди, йўл ҳам охирлади. Перрон одамлар билан тўлиб кетган — бировни кутиб олишга чиққан, бирор томонга жўнашга шошилаётган турли-туман кишилар сон-саноксиз.

Поезд секинлаб тўхтади. Эдигей Бўрон бирданига деразадан перронда турган кишилар орасида Елизаровни кўрдию, худди ёш боладай қувониб, терисига сиғмай кетди. Елизаров очик чехра билан унга қараб шляпасини охиста силкитар ва вагон билан ёнма-ён қадам ташлаб борарди. Омадни қаранг-а! Эдигей Елизаров уни чиқиб кутиб олишини хаёлига ҳам келтирмаганди. Ўтган куздан буён кўришмагандилар ҳам. Йўк, Афанасий Ивачович анча ёшга бориб қолган бўлса-да, ўзгармабди. Ўша-ўша, серҳаракат, қотмагина, Казангап уни арғумок, яъни зоти тоза чавандоз от, деб атаган эди. Арғумок Афанасий — бу унинг учун катта мақтов эди. Елизаров бу гапни эшитиб, очикқўнгиллик билан кулган, майли, сен айтганча бўла қолсин Казанган, деганди. Кейин қўшимча қилган: кекса арғумок, аммо, бари бир, арғумок-да! Шунисига ҳам раҳмат, деган. Одатда у Сариўзакка кирза этик, рангини йўқотган эски-туски шапка кийиб келарди. Ҳозир эса эғнида тўқ кулранг костюм-шим, галстук ҳам таққан. Кийими унга жуда ярашган, гавдасига, айниқса, ярми оқарган сочи рангига жуда мос тушган эди.

Поезд тўхтагунча Афанасий Иванович вагон деразаси олдида турган Эдигейга қараб, юриб келди. Елизаровнинг малла киприкли қўй кўзлари орзикиб кутилган учрашувдан самимий қониқиш билан порлаб турарди. Бу Эдигейнинг қўнглини ёриштириб, йўлдаги шубҳаларини тумандай тарқатиб юборди. «Бошланиши яхши,— хурсанд бўлди у,— худо хоҳласа, ишим ўнгидан келадиганга ўхшайди».

— Ниҳоят, ташриф буюрибсан-да! Неча замонлар ўтиб-а! Салом, Эдигей! Салом, Бўронли дўстим!— дея кутиб олди уни Елизаров.

Улар маҳкам кучоқлашиб кўришдилар. Атрофда одам кўплигидан, қувончининг зўрлигидан Эдигей бир оз ўзини йўқотиб қўйди. То вокзал олди майдонига чикиб олишгунча, Елизаров саволларга кўмиб ташлади. Ҳаммани бирма-бир сўраб чикди: ким қандай турмуш кечиряпти, Казангап, Уккубола, Бўкей, болалар қалай, ҳозир бекат бошлиғи ким, ҳатто Қоранорни сўрашни ҳам унутмади.

— Сенинг Қоранор Бўронинг қандай юрибди?— деб кизикди у нима учундир қувнок жилмайиб.— Ҳалиям ўшандай — арслондай наъра тортиб юрибдимиз?

— Юрибди, наъра тортиб,— дея жавоб қилди Эдигей.— Сариўзакдай кенг далада яйраб яшайди. Унга яна нима керак?

Вокзал олдида яп-янги қоп-қора катта машина турарди. Бундай машинани Эдигей биринчи марта кўраётган эди. Бу «ЗИМ»— эллигинчи йилларнинг энг яхши автомобили.

— Бу менинг Қоранорим,— деб ҳазиллашди Елизаров,— ўтир, Эдигей,— деди сўнг олдинги эшикни очаркан.— Кетдик.

— Машинани ким ҳайдайди?— сўради Эдигей.

— Ўзим,— деди Елизаров рулга ўтираркан.— Кексайганимда бир таваккал қилдим-да. Бизнинг америкаликлардан нимамиз кам?

Елизаров моторни юргизди. Машинани юргизишдан олдин қулимсираб, меҳмонга савол назари билан қараб қўйди.

— Мана, ниҳоят етиб келдинг ҳам. Энди ростини айт: бу ерда анча вақт бўласанми?

— Мен иш билан келганман, Афанасий Иванович. Шунинг йўригига қараймиз. Аввал сизнинг маслаҳатингизни олишим керак.

— Ўзим ҳам билгандим, иш билан келасан фақат, бўлмаса сени Сариўзагингдан кўзғатиб бўлармиди? Қандай иш экан? Кел, бундай қилайлик, Эдигей. Ҳозир бизникига борамиз. Ўша ерда яшайсан. Ҳеч қандай меҳмонхона керак эмас! Кунда келаётганинг йўқ. Сариўзакда мен сизлар учун қандай бўлсам, сен ҳам бу ерда мен учун шундайсан. Сийлаганни сийлаш лозим — қозоқчасига шундайми, ахир! Ҳурмат қилсанг, ҳурмат топасан.

— Шундайликка шундайку-я,— тасдиқлади Эдигей.

— Шундай бўлса келишдик. Мен ҳам зерикмайман. Бизнинг Юлия Москвага — ўғлимникига кетган, яна невара кўрди. Қувонганидан ёшларнинг ёнида бўлай, деб шоша-пиша жўнаб қолди.

— Иккинчи невара! Табриклайман!— деди Эдигей.

— Буни қара, аллақачон иккинчи,— деди Елизаров ҳайрат билан елка қисиб.— Бобо бўлганинда, менинг ҳолатимни тушунасан! Ҳали бунга узоқдир-а? Сендайлигимда бошимда шамол ўйнади. Шуниси ғалатики, сен билан биз ёшимиздаги тафовутга қарамай, бир-биримизни яхши тушунамиз. Демак, юридик. Бутун шаҳар бўйлаб юрамиз. Тепаликка чиқамиз. Ҳў, тоғларни кўрясанми, чўққиларида қор турибди. Ўша ёққа, тоғнинг этагига, Медеога. Мен сенга айтиб берганим чамаси, уйимиз шаҳар ташқарисида, қарийб қишлоқ жойда деб.

— Эсимда, Афанасий Иванович, уйингиз дарёнинг бўйгинасида, сувнинг шарқираб оқиши ҳамиша эшитилиб туради, деб айтганидингиз.

— Ҳозир ўз кўзинг билан кўрасан. Жўнадик. Қоронғи тушмасидан шаҳарни кўриб қол. Баҳор-да, қара, ҳаммаёқ гулларга кўмилган.

Йўл тўғрига, тик кетган бўлиб, тераклару, боғлар оралаб шаҳарни кесиб ўтар, бора-боргунча юқорига ўрлар, ниҳояси йўқдай кўринади. Елизаров машинани шошмасдан ҳайдарди. Йўлда қаерда, нима жойлашганини у айтиб борар — уларнинг аксарияти турли муассасалар, магазинлар, тураржой бинолари эди. Шаҳарнинг қоқ ўртасида кенг майдонда ҳамма томони очиқ маҳобатли бир бино турар, Эдигей унинг расмини ҳам кўрган, бу — ҳукумат уйи эди. Марказий Комитет, бош ирғиб кўрсатди Елизаров.

Бино олдида ўтишаркан, эртаси куни иш юзасидан баайни шу бинога киришларини хаёлларига ҳам келтиришмади. Тўғри йўлдан чап томонга бурилганларида тагин бир бино Эдигей Бўроннинг кўзига таниш кўринди. Бу — Қозоғистон опера театри эди. Икки кварталдан сўнг Медеога элтувчи тоғ йўлига қайрилишди. Шаҳар маркази орқада қолди. Йўл тоғнинг тошқин сувлари тўлиб оқаётган ариқлар ёқалаб кетган эди. Чор тарафдаги боғлар гулга бурканганди.

— Чиройли!— деб қўйди Эдигей.

— Сафаринг айна шу пайтга тўғри келганидан хурсандман,— деди Елизаров.— Олмаотада бундай фусункор пайт бўлмаса керак. Бу ерлар қишда ҳам чиройли бўлади. Ҳозир бошқача — дил яйрайди, дил.

— Кайфиятинг яхшига ўхшайди,— деди хурсанд бўлиб Эдигей.

Елизаров унга нигоҳ ташлаб олди-да, бош ирғади, жиддийлашди, сўнг қулиб юборди.

— Бу баҳор ўзгача, Эдигей. Ўзгаришлар баҳори. Шунинг учун ҳам, гарчи ёшинг бир жойга бориб қолган бўлса-да, яшагинг келади. Эсимизни йиғиб олдик, босган изимизга назар ташлаб, ўз камчиликларимизни пайқадик. Сен ҳеч вақт янгидан ҳаёт таъмини тотишга интилганмидинг?

— Эслолмаяпман,— соддадиллик билан жавоб қилди Эдигей.— Контузиядан кейинги ҳолатимни ҳисобга олмаганда...

— Ҳўкиздай бақувватсан-ку!— ҳазиллашди Елизаров.— Мен

бошқа нарса ҳақида гапиряпман, ўрни келиб қолди-да. Эшит. Партия-мизнинг ўзи бор гапни рўйи-рост айтди. Мен ана шундан, гарчи так-диримда бунга алоқадор гап бўлмаса ҳам, жуда хурсандман. Худди ёшлик чоғимдагидек кўнглимда яна янги умид учқунляпти. Ёки бу кексайиб қолганимнинг аломатимикин, а? Нима дейсан?

— Афанасий Иванович, мен шу масала юзасидан келгандим.

— Хўш, хўш, қандай масала экан у?

— Балким, эсингиздадир? Мен сизга Абутолиб Қуттибоев ҳақида гапириб бергандим.

— Бўлмасам-чи, эсимда Жуда яхши эслайман. Мана, гап қаёқда дегин. Сен масаланинг илдизини кўряпсан. Зўрсан. Пайсалга солиб ўтирмай дарҳол келганингни қара-я!

— Мен эмас буларни режалаштирган. Уққуболанинг ақли бу. Фақат нимадан бошлаш керак? Қаерга учрашайин? Шунга...

— Нимадан бошлаш керак? Буни иккаламиз ўйлашиб кўрамиз. Уйда, чой устида, бамайлихотир кенгашиб оламиз.— Бир оз жим қолгач, Елизаров маънодор қилиб деди:— Замона ўзгарганини қара, Эдигей, уч йил олдин шунақа масала юзасидан бу ёққа келиш бировнинг хаёлига ҳам келмасди. Бугун бўлса — ҳеч қандай хавотирсиз... Аслида ўзи шундай бўлиши лозим. Энди ҳар бир киши мана шу адолат этагидан маҳкам тутиши керак. Шундай қилайликки, истисно тариқасида ҳеч кимга ҳеч қандай ҳуқуқ берилмасин. Тўғрими?

— Албатта. Сизга ҳаммаси беш қўлдай маълум бўлса керак, ахир олим одамсиз,— деди Эдигей.— Бизларда, депомизда бўлган митингда ҳам шу ҳақда гапирилди. Ўшанда Абутолиб эсимга тушди, унинг дарди анчадан буён юрагимнинг бир четида туради. Митингда сўзга чиқмоқчи ҳам бўлдим. Масала нафақат адолат хусусида. Абутолиб бечоранинг болаларини айтмайсизми, ахир, эсларини таниб қолишди, кузда каттаси мактабга боради...

— Ҳозир қаерда улар?

— Билмайман, Афанасий Иванович, дом-дараксиз. Ўша кетишганича. Яқинда шунгаям уч йил тўлади.

— Майли, бу ёғини ўйламаса ҳам бўлади. Излаймиз, топамиз. Ҳозир ҳамма гап, юристлар тили билан айтганда, Абутолиб ишига оид масалани кўзғашда.

— Ҳа, дангал гапни айтдингиз. Ўзи, мен сизнинг олдингизга шунинг учун келдим-да.

— Тўғри қилгансан.

Ўйлаганидек бўлиб чиқди. Эдигей қайтгач, уч ҳафта ўтар-ўтмас Олмаотадан хат келди. Унда Бўронли бекатининг собиқ ишчиси, тергов лаврида вафот этган Абутолиб Қуттибоев жиноий иш қилмаганлиги учун тўла оқланди, деб бўлиб эди. Ҳа, худди шундай дейилган, ҳужжат жабрдийда ишлаган коллективга ўқиб эшиттирилиши лозимлиги уқтирилган эди.

Ҳужжат катори Афанасий Иванович Елизаровдан ҳам хат келди.

У муҳим аҳамиятга молик эди. Эдигей уни оиланинг керакли ҳужжатлари — болалар гувоҳномаларию жанговар мукофотлар, фронтда ярадор бўлгани ҳақидаги қайднома ҳамда меҳнат характеристикалари катори бир умр сақлаб келди...

Афанасий Иванович унда Абутолиб иши тез кўрилиб, у оқланганлигидан бағоят хурсанд бўлганлигини хабар қилган эди. Шу фактнинг ўзиёқ, деб ёзгани у, замонамиз яхшиланиб бораётганидан далolat беради. Унинг таъбирича, бу бизнинг ўзимизнинг устимиздан ўзимиз қозонган ғалабамиз эди.

Хатнинг давомида у Эдигей қайтгач, иккаласи бирга кирган ўша муассасаларга яна боргани, керакли гапларни билиб олгани ҳақида ёзган эди. Биринчидан, терговчи Тансиқбоев ишдан бўшатишга, хизмат унвони олиб ташланган, олган ҳукумат мукофотлари бекор қилинган ва жиноий жавобгарликка тортилган. Иккинчидан, унга маълум қилишларича, Абутолиб Қуттибоев оиласи Павлодарда яшар экан. (Қаранг, тақдир уларни қаёқларга бошлаб кетибди!) Зарифа мактабда муаллималик қилар экан. Оилавий аҳволи: турмуш қурибди. Унинг яшаш жойидан олинган ҳужжатда шундай маълумотлар бор эмиш. Яна у, сенинг ҳалиги ревизор ҳақидаги шубҳаларинг Эдигей, ишни қайта кўриб чиқишда тасдиқланди, дея ёзарди. Маълум бўлишича, айнан шу ревизорнинг ўзи Абутолиб Қуттибоевга туҳмат қилган, ҳужжатларни бичиб-тўқиган экан. «Нега у бунчаликка бордийкин? Бундай аблаҳликка нима уни мажбур қилдийкин? Ўзим билган воқеаларни, сенинг ҳикояларингни эслаб, бу ҳақда жуда кўп бош қотирдим, Эдигей. Шуларни ўйларканман, бу адолатсизлик сабабларию моҳиятни тушунишга озмунча уринмадим. Ўйлаб ўйимга етолмадим. Мен, бу шахс ўзига етти ёт бўлган Абутолиб Қуттибоевга нисбатан бунчалар нафратни қаёқдан олган экан — ҳалигача ҳам тушунолмаман. Балки бу бир иллат, муайян босқичда одамларни заҳарлайдиган касаллик — эпидемиядир. Балки ҳалокатга олиб борувчи бу хусусият инсонда ҳасаддан туғилар. У хувиллаб қолган қалбда тўпланармикин, деб ўйлайман. Яна ҳайрон бўламан. Ахир, Абутолиб нимаси билан бошқаларда ҳасад уйғотиши мумкин, дейсан? Бу савол ҳамон жумбоқлигича қолиб келаётир. Жазо усулларига келсак, у кўҳна дунёнинг ўзи каби жуда қадимийдир. Кимдир вақтида бировни кофир, деб гап таркатса ёки чақимчилик қилса, бундайларни Бухоро бозорида тошбўрон қилишган, Европада эса гулханда куйдиришган. Ушанда бу ҳақда кўп гаплашганмиз, Эдигей. Абутолиб ишининг қайта кўрилиши натижасида аниқланган фактлар яна бир бор шунга амин этдики, одамлар ҳали бу иллатдан — инсон шахсига нафрат ҳиссидан қутулиш учун узоқ курашишларига тўғри келади. Шунчалар узоқ курашиладики, унинг қачонгача давом эттишини ҳатто айтиш ҳам қийин. Ҳаёт шуниси билан ажойибки, ер юзидан адолатни сидириб ташлаб бўлмайди. Мана, бу сафар ҳам у яна тантана қилди. Жуда кўп қийинчиликлар билан бўлса-да, тантана қилди! Ҳамиша, дунё тургунча шундай бўла-

веради. Мен шундан хурсандманки, Эдигей, тамагирликсиз адолат тантанасига эришдинг...»

Эдигей бир неча кун шу хатдан олган таассуротлари билан юрди. Аини пайтда ўзидаги ўзгаришдан ҳайрон бўлди. Бир қарашда ҳеч нарса ўзгармагандай, аммо синчиклаб қарасанг, нимасидир анча тиниқлашгандай, улуғворлашгандай туюлади. Шунда у илк дафъа, кексалик фаслига кириб бораётганини чуқур хис этди...

Елизаровнинг мактуби Эдигейнинг ҳаётини белгилайдиган қандайдир бир чегара бўлди: мактубгача кечган умри, энг муҳими, Зарифанинг турмушга чиққанлигини билиб олди. Бу хабар Эдигейни хаёллар гирдобига тортди. Зарифанинг қаердалигини, болалари билан бегона одамлар орасида қандай яшайётганлигини билмаса ҳам, ички бир туйғу сабаб, унинг турмуш курганига ишонар, ўзини тинчлантиришга уринарди. Поездда Олмаотадан қайтаётганда буни аниқ кўз ўнгига келтирган. Нима сабабдан шундай хулосага келганига ўзи ҳам ҳайрон. Аммо шуниси аниқки, қалбида нохушлик сезганидан эмас бу. Аксинча, Олмаотадан Эдигей яхши кайфият билан қайтди. Елизаров иккалови қаерга киришмасин, хайрихоҳлик ила қабул қилишди. Бу эса ўз-ўзидан қилаётган ишларининг тўғрилигини, ҳаммаси хайрли тугашига ишончни оширди. Шундай бўлиб чиқди ҳам. Эдигей Олмаотадан жўнайдиган кун Елизаров уни вокзалдаги ресторанга, тушликка олиб кирди. Поезд жўнашига анча вақт бўлганлигидан кўнглили ўтиришди, озроқ ичишди ҳам, дўстона баҳслашишди ҳам. Ана ўша суҳбатда, Эдигейнинг фахрлашича, Афанасий Иванович кўнгли хазинасида сақлаб қўйган ўй-фикрларини баён қилди. У — собиқ москвалик комсомол, йигирманчи йиллардаёқ Туркистон ўлкасига келиб, босмачиларга қарши курашган, бу ўлкада бир умрга илдиз отиб, палак ёйган, геология илми билан шуғулланган одам бутун ер юзи Октябрь инқилоби бошлаб берган янги ҳаётга беҳуда катта ишонч ва умид билан қарамаган, бу ишонч окланган, деб ҳисоблайди. Йўл қўйилган хатолар, камчиликлар қанчалик қимматга тушган бўлмасин кўз кўриб, қулоқ эшитмаган тараққиёт йўлидаги олға босиш бир дақиқа ҳам тўхтаб қолмади — тарихнинг моҳияти ҳам мана шунда. Яна у шуни таъкидладикки, энди бу ҳаракат янги куч билан давом этади. Жамиятнинг ўз-ўзини тузатиш, ўз-ўзини тозалаш йўли билан раванқ топиши бунинг тасдиғидир. «Ҳамонки биз ҳали ўз-ўзимизга нуқсонларимизни очик айта оларканмиз, демак, бизда келажагимизни таъминлай оладиган қудрат бор», деганди ўшанда Елизаров. Ўшанда суҳбатлари бир умрга татигулик бўлган эди.

Ана шу кайфият билан Эдигей Бўрон ўзининг Сарийўзагига қайтиб келганди. Олмаотадан қайтишда яна унинг қўз олдида анча нарида бутун Еттисув бўйлаб чўзилган кўкимтир-қорли Олатов тоғлари пайдо бўлиб, у тушган поезд билан бирга ҳаракатга тушди. Йўлда у Олмаотادا бўлгани тўғрисида ўйларкан, қандайдир ички туйғу билан Зарифа аллақачон эрга тегиб кетган, деб кўнглидан ўтказди.

Баланд тоғларга, ям-яшил далаларга тикилиб, Эдигей бу оламда Елизаров сингари ажойиб кишилар борлиги, агар сўзи билан иши бир бўлган шундай одамлар бўлмаганида, ҳаёти оғир кечишини хаёлидан ўткарди. У тезкор ва шунчалик ўзгариб турувчи замонанинг бевафолигидан бир оз ранжиди. Агар Абутолиб тирик қолганида унинг бўйнига қўйишган айбни ювиб ташлашар, балки ўз оиласи, болалари бағрида қайта кўқариб, бахти кулиб кетармиди. Тирик бўлганида эди! Шу жумлада ҳаммаси жамулжам. Агар у тирик бўлганида, Зарифа сўнгги нафасигача кутарди. Бу — турган гап! Бундай хотин бошига ҳар қанча кулфат тушса ҳам эрини кута оларди. Кутадиган ҳеч кими, ҳеч вақоси бўлмаса, ёшгина жувонга ёлғизликда яшашнинг нима кераги бор. Шундай бўлгач, тенги топилганидан кейин эрга чиқади-да, нега чиқмасин? Бу мулоҳазалардан Эдигейнинг таъби хиралашди. У хаёлини чалғитмоқчи бўлди, ўйламасликка ҳаракат қилди. Аммо бунинг иложи йўқ эди... Шундан сўнг вагон-ресторанга кирди. Бу ерда одам кам. Ҳаммаёқ озода, ҳаво соф эди. Эдигей дераза яқинига бориб ўтирди. Ўзини нима биландир овунтириш учун аввал бир шиша пиво сўради. Вагон-ресторан кенг, бир йўла тоғларни ҳам, чўлни ҳам, осмонни ҳам томоша қилиш мумкин эди. Бу — ям-яшил кенгликлар бир томондан чўққилари қор билан қопланган баланд тоғлар улуғворлиги, иккинчи томондан руҳини кўтариб амалга ошувчи қийин бўлган орзулар сари етаклаган эди. Энди... алампдан ичгиси келди. У ароқ келтиришларини сўради. Бир неча қадаҳ ичса ҳам, ҳеч таъсирини сезмади. Шундан сўнг яна пиво бужурди-да, ўйга толди. Қош қорайиб борарди. Темир йўлнинг икки томонидаги ерлар қочиб бораётгандек кўринарди. Посёлкалар, боғлар, йўллар, кўприклар, одамлар ва подалар кўз олдидан лип-лип ўтар, булар ҳаммаси Эдигейга сира таъсир қилмас, хаёлини банд этган оғир ғашлик кайфиятини бузиб, қалбини эзмокда эди.

Шу пайт яна Раймали оғанинг сўзлари эсига тушди:

Кўчманчилар кетганида қора тоғлардан,
Кўчманчилар кетганида мовий тоғлардан,
Кутма мени Сарбозорда, Бегимой...

Эдигей Бўрон худди Раймали ога каби ўзини арқон билан қайинга боғлаб қўйилгандай ҳис қилди...

Шу тарика то қоронғи тушиб, вагон-ресторан одамлар билан тўлгунча ва тамаки тутунидан нафас олиш қийинлашгунча ўтирди. Эдигей атрофидагилар нега бунчалик беғам-беташвиш эканлигини, стол атрофида ўтиришиб, сариқ чақага арзимайдиган гап-сўз билан машғуллигини, нима сабабдан улар арақ ва тамакидан ҳузур-ҳаловат топишларини сира тушунмас эди. Эркакларга эргашиб бу ерга келган аёллар ҳам унга ёқмади. Айниқса, кулишлари... У ўрnidан турди,

патнис кўтарганча ҳарсиллаб юрган официанткани чақириб, ҳисоб-китоб қилди-да, купеси томон юрди. Эдигей тебраниб борар экан, ёлғизлигидан эзилиб, ўзини ғариблардек ҳис қила бошлади.

Яшашнинг нима кераги бор эди, каёққадир бориш кимга зарур эди?! Энди унинг учун қаердан келиб қаерга бораётгани, ярим тунда тезюрар поезд қаёққа шошилаётганлигининг аҳамияти йўқ эди. У қайси бир вагон танбурида тўхтади-да, ўтдек ёнаётган пешонасини муздек ойнабанд эшикка тақаб, ҳеч кимга қарамай, йўловчиларга ҳам эътибор бермай тураверди.

Поезд чайқалганича илгарилаб борарди. Вагон эшигини очиши ҳам мумкин, Эдигейда темирйўлчиларда бўладиган калит бор... Эдигей қоронгиликда қаердадир узоқдан милтиллаган иккита чироқни кўрди. Бу чироқлар анчагача кўриниб турди. Улар бирор уйнинг деразасидан кўринган ёруғми ёки кичик бир гулхан шуъласими — билиб бўлмасди. Ўша чироқлар атрофида қандайдир одамлар юрганга ўхшарди. Улар ким бўлди экан? У ерда нима қилиб юришибди? Эҳ, ўша ерда Зарифа болалари билан бўлса эди! Поезддан ҳозирок сакраб тушиб, унга қараб югурар, бир зумда етиб бориб, оёқлари остига йиқилар ва ҳамма дард-аламларини, қайғу-ҳасратларини кўз ёшлари билан тўқар, уялмай-нетмай йиғлар эди...

Эдигей Бўрон кўринмай қолаётган ўша гулханларга қараб бўғиқ овозда инграб юборди. У танбур олдида хўрсиниб йиғлаган кўйи анча туриб қолди. Кўз ёшлари юзини ювиб тушар эди... Шу пайт танбур эшиги очилиб, у вагонга кирди...

Поезд чайқалганича ҳамон илгарилаб борарди.

Кўчманчилар кетганида қора тоғлардан,
Кўчманчилар кетганида мовий тоғлардан,
Кутма мени Сарбозорда, Бегимой...

...Бу ўлкаларда поездлар машрикдан мағрибга томон, мағрибдан машрикқа томон пайдар-пай қатнаб туради.

Темир йўлнинг иккала томонида ёвшанзор билан копланган ҳайҳотдай даштлик — Сариўзак, ўртачўл ястаниб ётади...

Ҳар қандай масофа Гринвич меридианидан ўлчангани сингари бу ерларда масофа темир йўлга нисбатан ўлчанади...

Поездлар эса машрикдан мағрибга томон, мағрибдан машрикқа томон пайдар-пай қатнаб туради...

Малакумдичоп жарлигидаги инидан кўтарилган каттакон окқуйруқ-калхат атрофни кузатиб келиш учун осмонга парвоз қилди. У ўзига тегишли ерларда кунига икки марта: тушга қадар ва тушдан сўнг кузатув парвози ўтказарди.

Калхат саҳрони кўздан кечираркан, пастда қимир этган ҳар бир тирик жонни — ўрмалаб кетаётган қўнғизлару эпчил калтакесаклар-

гача ҳамма-ҳаммасини назар-эътиборидан ўтказиб, даштлик узра мағрур қанот қоқиб учар, чўл сайхонликларини янада кенгрок, равшанрок кўриш илинжида тобора баландликка кўтарилар, айна пайтда, бир маромда қанот сирпаб ўзининг хуш кўриб ов қиладиган жойи — ёпиқ зона томон яқинлашиб бораверарди. Бу текисликнинг чор атрофи ўраб олинганидан кейин турли хил майда жониворлару паррандаларнинг сони сезиларли даражада кўпайди, чунки уларнинг кушандаси бўлган йиртқич ҳайвонлар бу ёқларга бемалол кириб кела олмайдиган бўлиб қолганди. Аммо калхат учун бу жойни кўриш ҳеч қандай писанд эмас эди. У ўзининг мана шу имкониятидан фойдаланарди. Бу унга омад келтирди: уч кун давомида бир куёнчани тепадан туриб кузатди. Ниҳоят унинг турган жойини нишонга олиб, ўзини ўқдек отганди, куён эпчиллик билан симтўсиқнинг остига кириб кетди, шунда калхат тиконнинг устига ағанашига бир баҳя қолди; қанотлари ўткир тиконларга илиниб, аранг ўзини ўнглаб олганча жон талвасасида осмонга парвоз қилди. Кўксидан илиниб чиққан патлари ҳавода тўзғиганича қолди. Шу бўйи сим тўсиқларидан узоқроқда учадиган бўлди окқуйрук.

Уша соатда мағрур, бу ерларнинг ҳокимидек, ердаги жонзотларни бирор ортиқча ҳаракати билан чўчитмай, сокин парвоз қиларди. Эрталаб биринчи парвози ва тушдан кейинги иккинчи парвози давомида космодромнинг бетон ётқизилган кенг даласида одамлару машиналарнинг гавжумлашиб қолганини пайқади. Машиналар нари-бери юрар, ракеталар турган қурилмаларнинг ёнида кўпроқ уймалашарди. Осмонга қаратиб қўйилган бу ракеталар аллақачонлардан бери ўз майдончаларида алоҳида-алоҳида туришар, калхат ҳам кўпдан бери уларга кўниқиб қолган эди. Бироқ бугун бу ерда нимадир содир бўлаётганди. Машиналар ҳам кўп, одамлар ҳам кўп, ғала-ғовур...

Ҳалиги туя миниб дала кезиб келаётган одам ҳам, иккита шалоғи чиққан трактор ҳам, паҳмоқ малла ит ҳам калхатнинг назар-эътиборидан четда қолмади. Улар тиканли сим тўсиғи олдида ўтолмай туришар эди. Малла ит ўзининг беҳуда юриши билан калхатнинг ғашини келтираётганди, айниқса, одамлар орасида ўралашиб юриши унга ёкмади. Окқуйрук бамайлихотир айланаркан, энди буёғи нима бўлади, малла ит одамлар орасида думини ликиллашиб яна нима қилмоқчи экан, деб уни таъқиб остига олганча кузатарди.

Эдигей соқолини селкиллашиб осмонга қараркан, фалакда парвоз қилиб юрган калхатга кўзи тушди. «Окқуйрук улкан экан,— дея ўйлади ўзича.— Эҳ, қани калхатга айланиб қолсам, ким йўлимни тўса оларди, бемалол учиб бориб, Она Байит мақбарасига кўнардим!..» Шу пайт олдинда, яқинлашиб келаётган машинанинг овози эшитилди. «Келяпти!— дея хурсанд бўлиб кетди Эдигей Бўрон.— Ишқилиб, ишимиз ўнгидан келсин-да!», «Газик» кўтарма ғовнинг ёнига шитоб билан келди-да, қоровулхона эшиги олдида таққа тўхтади. Қоровул машинанинг яқинлашишини кутаётганди. У шу захотиёқ қаддини ғоз тутиб,

«Газик»дан тушган қоровуллар бошлиғи лейтенант Тансиқбоевга честь берди-да, бўлиб ўтган воқеалардан хабардор қилди:

— Ўртоқ лейтенант, сизга маълум қиламанки...

Аммо қоровуллар бошлиғи ишора билан уни тўхтатди, соқчи сўзининг ярмида қўлини чаккасидан тушираркан, кўтарма ғовнинг нариги томонида турганларга ўгирилди.

— Бегона одамлар шуларми? Ким мени кутяпти? Сизми?— сўради у Эдигей Бўронга қараб.

— Биз, бизмиз қароғим, Она Байитга етолмай қолдик. Қандай бўлса ҳам ёрдамнинг аяма, қароғим,— деди Эдигей кўкрагидаги орденларига ёш офицернинг кўзи тушишига ҳаракат қилиб.

Лейтенант Тансиқбоевга бунинг ҳеч қандай таъсири бўлмади, у шунчаки йўталиб қўйди, кекса Эдигей яна қайта гапиришга оғиз жуфтлаганда эса совуққина оҳангда:

— Ўртоқ бегона одам, менга рус тилида мурожаат қилинг. Мен ҳозир хизматдаман,— тушунтирган бўлди у чағир кўзлари устидаги қора қошларини чимириб.

Эдигей Бўрон уялиб кетди:

— Э-э, узр, узр. Хато қилган бўлсам, кечир мени,— дедию ўзини йўқотиб, гапирмоқчи бўлган гапини ҳам эсидан чиқариб жим қолди.

— Ўртоқ лейтенант, илтимосимизни баён қилишимизга рухсат беринг,— чолни хижолатдан қутқариш учун мурожаат қилди Эдилбой Дароз.

— Баён қилинг, фақат қисқача,— огоҳлантирди қоровуллар бошлиғи.

— Бир дақиқа. Бундан марҳумнинг ўғли ҳам хабардор бўлсин.— Эдилбой Дароз Собитжон томонга ўгирилди.— Собитжон, ҳой Собитжон, бу ёққа қара!

Аммо нари-бери юриб турган Собитжон ўзини четга олиб, лоқайдлик билан қўл силкиб қўйди.

— Ўзларинг гаплашаверинглар.

Эдилбой Дароз хижолат тортганидан кизариб кетди.

— Кечирасиз, ўртоқ лейтенант, у ишнинг бунақа бўлиб турганидан хафа. Қариямиз марҳум Казангапнинг ўғли шу. Унинг куёви ҳам бирга келган, хув ана, ўтирибди.

Куёв бола ўзини чақиршияпти деб ўйладими, тиркалма аравадан туша бошлади.

— Майда-чуйда гапларнинг менга кераги йўқ. Масаланинг моҳиятини айтинг,— деди қоровуллар бошлиғи.

— Яхши!

— Қисқа ва тартиб билан сўзланг.

— Яхши. Қисқа, тартиб билан сўзлайман.

Эдилбой Дароз бўлган воқеани: ким эканликларини, қаердан келаётганларини, бу ерга нима учун ва қай мақсадда келганларини

бир бошдан гапириб берди. У гапираётган пайтда Эдигей лейтенант Тансиқбоевнинг юзига синчков разм солиб, ундан бирон-бир яхшилик чиқмаслигини сезди, у кўтарма ғовнинг нариги томонида, шунчаки бу бегона кишиларнинг арзини тинглаш учунгина қулоқ солиб турарди. Эдигей буни пайқаб, юраги орқасига тортиб кетди. Казангапнинг ўлими билан боғлиқ бўлган ишларнинг ҳаммаси — йўлга чиқиш тарадудни, марҳумни Она Байитга қўйиш зарурлигини айтиб ёшларни кўндиргунча она сути оғзидан келгани, ўзининг бутун ўй-хаёллари, Сариўзак тарихи билан боғлиқ бўлган барча воқеа-ходисалар — мана шуларнинг барчаси бир лаҳзада Тансиқбоев олдида фойдасиз, чақага ҳам арзимайдиган нарсага айланди-қолди. Эдигей эзгу ниятлари барбод этилиб ҳақоратлангандай бўлди. Кечагина арокка шубат қўшиб ичиб, худолару радио билан бошқариладиган одамлар ҳақида сафсата сотиб, бўронлиликларни ўз билимдонлиги билан қойил қолдирмоқчи бўлган кўрқоқ Собитжоннинг айна пайтда ўзини четга олиб, лом-мим демай туришини кўрган Эдигейнинг бир йиғлагиси ва бир кулгиси келди! Қоранорнинг попукли ёпиқ ёпиб беҳуда ясатилганлигини кўриб ҳам хўрлиги келди — кимга ва нимага кераги бор эди энди унинг! Она тилида сўзлашни хоҳламаган ёки бундан чўчиган кимса, лейтенантча Тансиқбоев Қоранор устидаги маросим жиҳозларининг кадрига қаёқдан етсин! Казангапнинг бечора пиёниста куёви кечадан бери оғзига бир томчи ичкилик олмай, шақирлаган тиркалма аравада марҳумнинг ёнида бўлиш мақсадида келарди, энди эса қабристонга ўтказиб юборишар, деган умидда тобутнинг ёнига ўтиб турди — буни кўриб Эдигейнинг бир йиғлагиси ва бир кулгиси келди. Ҳатто мана шу малла ити Йўлбарсни кўриб ҳам Эдигейнинг бир йиғлагиси ва бир кулгиси келди. Ахир, ит нима учун ўз эрки-ла уларга эргашди, нима учун чидам билан уларнинг яна йўлга чиқишларини кутиб ўтирибди? Хўш, бу ишларнинг итга нима даҳли бор? Балки, бояқиш ит хўжайинининг шундай аҳволга тушишини олдиндан ҳис қилиб, шундай пайтда ёнида бўлиш учун бирга келгандир. Ана кабиналарда тракторчи ёш йигитлар Қалибек билан Жумағали ўтирибди — энди уларга нима дейди?

Хўрланиб, юрак-бағри эзилган Эдигей ғазабга тўлиб, юрагида қони жўшиб кетаётганлигини ва унга эрк бериш ғоятда хавфли эканлигини яққол сезгани ҳолда ўзини ирода кучи билан бостиришга, аламини ичига ютишга ҳаракат қиларди. Йўқ, ўзини қўлга олмасдан бошқа иложи йўқ эди, чунки унинг ёнида тиркалма аравада ҳали дафн этилмаган ўлик ётарди. Кекса кишининг ўқириб-бақириб овоз солиши одатдан эмасди. У шу дақиқаларда қалбида нималар кечаётганини сиртига чиқармасликка интилиб, тишини-тишига қўйиб турарди.

Эдигей кутганидай Эдилбой Дароз билан қоровуллар бошлиғининг суҳбати ана-мана дегунча, аксига бурила бошлади.

— Ёрдам беролмайман. Зона ичкарисига кириш бегона кишилар учун қатъиян ман қилинган,— деди лейтенант Эдилбой Дарознинг сўзини тинглаб бўлгач.

— Бундан хабаримиз йўқ, ўртоқ лейтенант. Билганимизда шунча ердан келиб овора бўлармидик? Ҳамонки, овора бўлиб келган эканмиз, катта бошлигингиздан илтимос қилинг, марҳумни кўмишга рухсат берсин. Ахир, уни қайтариб олиб кетолмаймиз-ку.

— Мен бу ҳақда хабар қилганман. Қандай баҳона билан бўлмасин, ҳеч ким ичкарига киритилмасин, деган кўрсатма олдим.

— Баҳона деганинг нимаси, ўртоқ лейтенант?— ҳайрон бўлди Эдилбой Дароз.— Баҳона кидиришнинг нима ҳожати бор? Итимиз адашибдими, бунинг нима қизиғи бор бизга? Ўлик бўлмаганда, шунча йўлга овора бўлиб келиб юрармидик?

— Сизга яна бир бор айтяпман, ўртоқ бегона одам, бу ёққа ҳеч ким қўйилмайди.

— Бегона деганинг нимаси!— дея қутилмаганда сўз қотди шу пайтгача индамай ўтирган пиёниста куёв.— Ким бегона экан? Биз бегона-мизми?— деди у заҳил юзи қизариб, лаблари кўкарганча.

— Ҳа-я, қачондан бери биз бегона бўлиб қолдик?— Уни қувватлади Эдилбой Дароз.

Одоб чегарасидан чиқмаслик учун пиёниста куёв овозини баландлатмади, фақат ўзининг рус тилини ёмон билганлигидан тутилиб, сўзларини тўғрилаб давом этди:

— Бу бизнинг Сариўзак қабристонимиз. Сариўзак халқи одамларини шу ерга дафн этишга ҳақлимиз. Бир замонлар Найман она бу ерга кўмилганида ёпиқ зона бўлади, деб кимнинг хаёлига келибди, дейсан!

— Мен сизлар билан баҳслашиб ўтирмакчи эмасман,— деди қатъий лейтенант Тансиқбоев.— Айни пайтда, қоровуллар хизматининг бошлиғи сифатида яна бир қарра айтаманки, қўрикланаётган зона территориясига ҳеч ким, ҳеч қандай сабаб билан киритилмайди!

Ҳамма жимиб қолди.

«Ишқилиб, ўзимни тугиб тураин-да, уни сўкиб юбормасам бўлгани!»— деди Эдигей Бўрон ўз-ўзига қасам ичгандай бўлиб. У бир лаҳза кўкка қараркан, яна узокда оҳиста учиб-айланиб юрган ўша калхатга кўзи тушди. Бу гал ҳам эркин, кучли қушга ҳаваси келди ва ниҳоят, «Энди бўлар иш бўлди, қайтиб кетишга тўғри келади, зўрлик билан иш битмайди», деган қарорга келди. Калхатга яна бир назар ташлаб оларкан лейтенантга деди:

— Ўртоқ лейтенант, майли, биз қайтиб кетамиз. Аммо каттангиз генерали, ундан каттароқми, айтиб қўйгин — нотўғри қиялпсилар! Мен бир кекса солдат сифатида айтяпман — бу ишларинг нотўғри!

— Нима тўғрию нима нотўғри — юқоридан берилган буйруқни муҳокама қилишга менинг ҳаққим йўқ. Яна бундан кейин билиб қўйишларингиз керак,— буни айтиб қўйиш менга буюрилган: қабристон тугатилиши лозим кўрилган!

— Она Байит-а?— ҳайратланди Эдилбой Дароз.

— Ҳа. Агар у шундай деб аталса.

— Нима учун? Мозор кимга халақит беряпти?— қазабланди Эдилбой Дароз.

— У ерда янги микрорайон қурилади.

— Баракалла!— дея қўлларини ёзди Эдилбой Дароз.— Нима, сизларга бошқа жой қуриб қолдими, ер етишмаяптими?

— Лойиҳада шундай кўзда тутилган.

— Менга қара, сенинг отанг ким ўзи?— сўради Эдигей Бўрон лейтенант Тансиқбоевга тикилиб қараганча.

Лейтенант ҳайратга тушди.

— Буниси нимага керак бўлиб қолди? Ишингиз нима?

— Ишим шуки, сен бу гапни бизга айтмасдан, мозоримизни бузмоқчи бўлганларга тушунтиришинг керак эди. Ёки сенинг ота-боболаринг ўлмаганми, ёки ўзинг ҳеч қачон дунёдан ўтмайсанми?

— Ишга бунинг ҳеч қандай тегишли жойи йўқ.

— Яхши, бўлмаса, ишдан гаплашайлик. Унда кел, ўртоқ лейтенант, сизларда ким энг катта бошлиқ бўлса, ўшанга айт, арзимни тингласин. Мен энг катта бошлиққа шикоятимни айтишга рухсат беришларингни талаб қиламан. Айтгинки, кекса фронтчи, сариўзаклик Эдигей Жонкелдиннинг унга айтадиган икки оғиз гапи бор!

— Мен бу ишни қилолмайман. Нима қилишим белгилаб қўйилган.

— Сен нимани ҳал қилоласан?— яна гапга аралашди пиёниста куёв.— Бозордаги мелиса ҳам сендан яхшироқ муомала қилади.

— Бебошликни бас қилинг!— деди қаддини ғоз тутиб, ранги ўчиб қоровуллар бошлиғи.— Бас қилинг! Мановини симтўсиқдан олиб ташлаб, йўлни тракторлардан бўшатинг.

Эдигей билан Эдилбой Дароз пиёниста куёвнинг қўлтиғидан олиб, бир чеккага, йўлдаги тракторлар томонга тортишди. У бўлса энди орқасига ўгирилганча кичкирарди:

— Сенга йўл ҳам етмайди, ер ҳам! Тупурдим сендайларга...

Шу пайтгача оғзига мум солиб, бир чеккада у ёқдан-бу ёққа хомуш юриб турган Собитжон энди ўзини кўрсатиб қўйгиси келди:

— Қалай? Дарвозага етганда, орқаларингга тепишдими? Шундай ҳам бўлиши керак эди! Она Байит, Она Байит, деб роса учиб-қўндиларинг! Мана сизларга Она Байит! Мана энди калтакланган итдек бўлдиларингми?

— Ит деганинг ким ўзи?— дея жаҳлидан аранг ўзини босиб турган пиёниста куёв Собитжонга ташланди.— Агар орамизда ит бўладиган бўлса — ўша сенинг ўзингсан, аблаҳ! Анави ит нимаю, сен нима? Яна мақтанганига ўлайми, мен давлатнинг одами, давлатнинг одами деб! Сен умуман одам эмассан!

— Сан пиён, тилингни тий!— қичқириб пўписа қилди Собитжон постдағилар ҳам эшитсин деб овозини баландлатиб,— мен уларнинг ўрнида бўлганимдами, сендек мутт ҳамни шу гапларинг учун оборадиган жойимга олиб борардим, токи арвоҳинг ҳам қайтиб келмайдиган қилиб! Сенлардан жамиятга нима фойда, сенга ўхшаганларни йўкотиш керак!

Шу гапларни айтиб бўлиб, Собитжон орқасига ўгирилди, бу билан у сенга ҳам, ёнингдагиларга ҳам тупурдим, дегандек бирдан фаоллашиб, каттиққўл бошлиқлардек баланд овозда тракторчиларга бақира бошлади:

— Сизлар нега анграйиб турибсизлар? Қани, тракторларни юргизинглар-чи! Қандай келган бўлсак, шундай кетамиз. Жин урсин! Қани орта бур! Етар энди! Сенларнинг гапингга кириб аҳмоқ бўлганим қолди!

Қалибек тракторини ўт олдириб, секин йўлга бура бошлади, шу пайт пиёниста куёв тиркалма аравага сакраб чиқиб, маржумнинг ёнидан яна ўз жойини эгаллади. Жумағали бўлса Эдигей Бўрон ўз Қоранорини экскаватор чўмичидан ечиб олишини кутиб турарди.

Буни кўра-била туриб, Собитжон яна кичкирди:

— Сен нега қараб турибсан? Ўт олдир, ҳечқиси йўқ, орқага бур! Ўлгани кўмиш шунақа бўлар экан-да, э-э! Бошда айтган эдим-а! Бас! Етар энди! Уйга ҳайда!

Эдигей Бўрон туяга миниш учун ерга чўктириб, жабдуқлаб уни ўрнидан турғизганча, трактор кутиб турмасдан келган йўлидан анча илгарилаб кетди. Уларни биринчи тракторнинг кабинасига ўтириб олган Собитжон шошилтирган эди...

Фалакда ҳамон ўша калхат айланиб юрарди. У баланддан туриб ҳали ҳам ўзининг бемаъни ҳаракатлари билан ғашини келтираётган малла итни кузатарди. Тракторлар кўзғалганда ит нега уларга эргашмай туяли киши ёнида қолди, одам туяга миниб олгунча кутиб турди-да, сўнг ортидан йўрта бошлади — бу ҳол калхат учун жумбок эди.

Олдинда икки трактор, уларнинг изидан туяли киши, ортидан эса йўртиб бораётган малла ит — ҳаммалари Сариўзак чўли билан Малакүмдичоп жарлиги томон боришарди. Малакүмдичопнинг сув ўйиб кетган қуйи бир қисмида калхатнинг ини бор эди. Бошқа пайтда бўлганда калхат безовталаниб, олисдан бўлса-да кўзини узмай, «куркур»лашиб овоз чиқариб, парвозини тезлаштириб, ўзига қарашли қонуний ерлардан ов қилиб юрган модасини ёрдамга чақирар, ҳар эҳтимолга қарши ўз инини биргаликда кўриқларди. Аммо бу сафар оққуйруқ-калхат безовталанмади, чунки болалари аллақачон полапон бўлиб, уяни тарк этишган эди. Ҳозир бу қаҳрабо кўзли, қайрилма тумшукли калхатчалар кундан-кунга тўлишиб, қанотлари кучга кириб, аллақачон, мустақил ҳаёт кечира бошлаган, Сариўзак кенгликларида ўз ерларига эга бўлиб, ҳатто бу кекса калхатнинг ўзини ҳам, йўл-йўлакай уларнинг ўлкаларига кўз ташлаб ўтишини ҳам хуш кўришмасди...

Калхат одатига кўра, ўз ерларида кимирлаган ҳар бир тирик жонни кузатганидай, орқага қайтаётган одамларни кузатишда давом этди. Айниқса, одамлардан сира ажралмасдан бирга юрган ўша малла, пахмоқ итнинг ҳаракатлари унда алоҳида қизиқиш уйғотаётганди.

Итни бу одамларга нима боғлаб турган экан? Нега у ўзича овини килиб юравермасдан, ўз иши билан банд бу одамлар ортидан думини ликиллатиб чопгани-чопган? Бундай яшашнинг унга нимаси яхшийкин? Яна калхатнинг диққатини туяда кетаётган одамнинг кўксига аллақандай ялтироқ нарсалар ҳам тортди. Шунинг учун ҳам калхат туяли одамнинг тракторлар изидан кетатуриб ўз йўлини кескин ўзгартирганини ҳам пайқади. Тракторлар айланиб боргунча, сой орқали йўлни кесиб ўтмоқчи бўлди-ёв.

Бу одам қамчисини ўйнатиб туясини тобора қичаб ҳайдар, шунда; кўксигаги ялтироқ нарсалар сапчиб, жиринглаганча овоз чиқарар, туяси катта-катта одимлаб, йўртиб борар, малла ит ҳам уларнинг ортидан сакраб чопар эди. Туя минган одам Малақумдичоп дарасига олиб борадиган йўлни кесиб чиққунга қадар орадан маълум вақт ўтди. Шу орада тракторлар ҳам ёнига келиб тўхташди:

— Нима гап? Яна нима воқеа содир бўлди?— дея сўради кабинадан бошини чиқариб Собитжон.

— Ҳеч нарса. Моторни ўчир,— буюрди Эдигей Бўрон. — Гап бор.

— Яна қанақа гап? Йўлни тўсма, шунча сайр қилганимиз етар!

— Йўлни ўзинг тўсиб турибсан. Казангапни ана шу ерга дафн этамиз.

— Етар шунча хўрлик!— деб қизишиб кетди Собитжон ушлана-вериб мижиғи чиқиб кетган галстугини тортқилаб.— Ўзим кўмаман бекатга олиб бориб, гап тамом.

— Сабр қил, Собитжон! Бу сенинг отанг, ҳеч ким буни инкор қилмайди. Аммо бу дунёда фақат ёлғиз сен ўзинг яшамайсан-ку. Сен, ҳар қалай, ўзингдан каттанинг гапига қулоқ сол. У ерда нима бўлганини ўзинг кўрдинг. Ҳеч қайсимиз бундай бўлиб чиқишига айбдор эмасмиз. Сен бошқа нарса ҳақида ўйлаб кўргин. Қаерда кўргансан, ўликни ўз уйига қайта олиб келишганини? Бунақаси ҳеч замонда бўлмаган. Бу бизнинг шаънимизга доғ бўлиб тушади...

— Мен тупурдим буларнинг ҳаммасига,— эътироз билдирди Собитжон.

— Ҳозир сен шундай дейсан. Жаҳл устида нималар дейилмайди. Аммо эртага уялиб қоласан. Яна бир ўйлаб кўр. Уят ўлимдан қаттиқ, иснодни ҳеч нима билан ювиб бўлмайди. Уйдан олиб чиқилган ўликни яна қайтариб олиб келмайдилар, ахир!

Шу пайтда Эдилбой Дароз экскаватор кабинасидан тушди, пиёниста куёв ҳам тиркалма аравадан тушиб келди, экскаваторчи Жумағали ҳам нима гаплигини билиш учун яқинлашди. Эдигей Бўрон Қоранор устида уларнинг йўлини тўсиб турарди.

— Гапга қулоқ солинглар, йигитлар,— деди у.— Одамзоднинг урф-одатларига қарши борманглар, табиатга қарши зид иш қилманглар!

Мозордан ўликни орқага қайтариш ҳеч қачон бўлмаган иш. Кимники кўмишга олиб кетилдими, кўмиб келиниши керак. Бошқача йўл бўлиши мумкин эмас. Мана, Малақумдичоп жарлиги. Бу ҳам бизнинг еримиз, Сариўзак ерлари! Мана шу Малақумдичопни таянч билган Найман она марсия айтиб, зор қақшаб йиғлаган. Эдигей қарияларингнинг гапига қулоқ солинглар. Қазангапнинг қабри шу ерда бўлсин. Майли, мени ҳам шу ерга кўмингиз. Худо хоҳласа, ўзларинг кўмасизлар. Ўтиниб сўрайман сизлардан буни. Ҳозир эса ҳали кеч эмас, вақт бор — ҳу ана у ерга, жарнинг тепасига мархумни дафн этамиз!

Эдилбой Дароз Эдигей кўрсатган жойга кўз ташлади.

— Нима дейсан, Жумағали, экскаваторинг ўтоладими?— сўради у.

— Ҳа, ўтолади, нега ўтмасин. Ҳу нариги томондан ўтиш мумкин.

— Тўхта, нариги томонинг нимаси! Сен аввал мендан сўра!— гапга аралашди Собитжон.

— Сўраяпмиз-ку,— деб жавоб қилди Жумағали.— Эшитдингми Эдигейнинг нима деганини? Сенга яна нима керак?

— Етар энди ҳазил-мазахларинг! Яна таҳқирлашми? Қани, кетдик бекатга.

— Мархумни мозордан уйга қайтариб олиб кетамиз дейишингнинг ўзи ҳақорат эмасми?— деди Жумағали.— Шундай экан, яхшилаб танангга ўйлаб кўр.

Ҳамма жим қолди.

— Бўлмаса,— деди Жумағали,— сизлар билганларингизни қилинглар, мен эса қабрни қазийверайин. Менинг вазифам қабрни чуқурроқ қилиб қазиш. Ҳозирча вақт бор. Қоронгида ҳеч ким бу ишни бажара олмайди. Сизлар бу ерда жанжаллашиб тураверинглар.

Шундай дедию Жумағали ўзининг «Белорусь» экскаватори томон юриб, тезда моторни юргизди ва тракторни йўлнинг чеккасига буриб Малақумдичоп қирлиги томон кўтарила бошлади. Унинг кетидан Эдилбой Дароз, сўнг Қоранорида Эдигей Бўрон юра бошлади.

Пиёниста куёв тракторчи Қалибекка деди:

— Агар бу ёққа юрмайдиган бўлсанг,— у жарлик томонга ишора қилди,— тракторнинг остига ўзимни ташлайман. Бу мен учун ҳеч гапмас.— Шундай дея тракторчи олдида тик туриб олди.

— Нима қилай, қаяққа ҳайдай?— деб сўради Қалибек Собитжондан.

— Ҳаммалари аблаҳлар, ҳаммалари итфеъллар!— сўкинарди Собитжон.— Нега қараб турибсан, юргиз тракторингни, ҳайда ўшаларнинг кетидан!

Осмондаги калхат энди одамлар жарлик тепасида гимирлашаётганини кузатди. Машиналардан бири жойида туриб олиб, худди ўз ини олдидаги юмронқозикдай ерни ковлаб, олдига тупроқ уя бошлади. Шу пайт орқадан тиркалма аравали трактор чиқиб келди. Унда ҳали ҳам ўша бир одам оқ наमतга ўралган галати, ҳаракатсиз нарса

ёнида ёлғиз ўтирарди. Малла, пахмоқ ит одамлар ёнида суйкалиб юрардию кўпинча туя ёнига бориб, оёқлари остига ётиб оларди.

Калхат бу келганлар ер казиётганини кўриб, улар хали бу жарликда узоқ туриб қолишларини сезди. У оҳиста қанот қоқиб бир томонга бурилди-да, даштлик узра кенг доира ясаб, ёпиқ зона томон ов қилиб келиш ва йўл-йўлакай космодромда нима воқеалар бўлаётганини бишиш учун учиб кетди.

Мана, икки кундирки, космодромда кечаю кундуз иш тўхтамасди. Бутун космодром барча махсус хизмат постларию зоналари кечалари юзлаб кучли прожекторлар билан ёритилиб турарди. Ер саҳни кундузгидан ҳам ёруғ, ўнлаб оғир, енгил ва махсус машиналар, кўплаб олиму инженерлар «Чамбарак» операциясини тайёрлаш иши билан банд эдилар.

Фазода учувчи аппаратларни уриб тушириш учун тайёрланган ракеталар аллақачонлардан бери осмонга қадалганча космодромнинг махсус майдончаларида туришарди. Аммо бу ракеталар ОСВ — 7 битимига кўра, махсус шартнома вақти тугагунга қадар ишлатмаслик мақсадида тўхтатиб қўйилган эди. Америка томони ҳам шундай қилганди. Энди улар «Чамбарак» транскосмик операциясини ўтказиш учун фавқулудда программага мувофиқ ўзининг янги вазифасида қўлланishi мумкин. Худди шундай робот-ракеталар «Чамбарак» операцияси бўйича синхрон учуришга мўлжаллаб Американинг Невада космодромида ҳам тайёрланаётган эди.

Сариўзак кенгликларидан учуриладиган ракета старти кечки соат саккизга мўлжалланган. Роппа-роса саккизу ноль-нолда ракеталар старт олади. Шундан кейин ҳар бир ярим дақиқа оралиғида узоқ космосга йўлдош уриб туширувчи тўққизта Сариўзак ракетаси йўл олиши, улар Фарб — Шарк ҳалқаси ясаб, Ер шари устида ҳамиша ҳаракатда бўлган чамбарак ҳосил қилиши ва ўзга сайёралардан келадиган учувчи аппаратларга қарши туриши лозим эди. Невадалик робот-ракеталарга эса Шимол — Жануб ҳалқаси ҳосил қилиш вазифаси юкланган эди.

Роппа-роса тушки соат учда «1-Сариўзак» космодромида «Беш дақиқа»лик назорат старт олди системаси ишга туширилди. Ҳар беш дақиқада барча экранлару таблоларда овоз дубляжлари билан огоҳлантирувчи қуйидаги ёзув пайдо бўларди: «Стартга тўрт соат элик беш дақиқа бор! Стартга тўрт соат элик дақиқа бор!..» Стартга уч соат қолганда «Диқиқа» системаси ишга туширилиши керак эди.

Бу орада «Паритет» самовий бекати ўзининг коинотдаги учиш параметрларини ўзгартиришга улгурди ва шу орада 1—2 ва 2—1 паритет-фазогирлар билан ҳеч қандай алоқа қилмаслик учун бекатнинг борт системасидаги радиоалоқа каналларининг коди янгиланди.

Айни пайтда, коинотдан ҳуда-беҳудага 1—2 ва 2—1 паритет-фазогирларнинг узлуксиз радио сигналлари алоқани узмасликни ўтиниби сўрашар эди. Улар Кўшмарбошнинг қарорига эътироз билдирмай,

Тўқайтўш тараққиёти билан боғланиш муаммоларини қайта-қайта ўрганишни таклиф қилишар, бундан, биринчи навбатда, ерликлар манфаатдор бўлишларини таъкидлашар, бирдан шошма-шошарларча фавқуллода чоралар кўрмасликни, уларнинг бундай тадбирлари ҳар икки томон галактикалараро манфаатдорликка бўйсундирилиши лозимлигини; бироқ «Чамбарак» операциясини тўхтатилсин, негаки, бу операция ҳар икки томон муносабатларига раҳна солишини ва умуман, бутун Ер атрофини кенг миқёсда халқа билан ўраб олиш инсониятга кони зарар ва бунинг учун камида минглаб йиллар талаб қилинишини уқтиришди... Аммо энди кеч эди... Бу оламда ҳеч ким уларнинг овозини эшитмас, бу олам кенглигида овозлари унсиз чиқаётгани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмас эди...

Бу пайтда «I-Сариўзак» космодромида аллақачон «Дақиқа» системаси ишга туширилган, қайтариб бўлмас «Чамбарак» операцияси бошланишига эса санокли дақиқалар қолганди...

Калхат навбатдаги кузатув парвозида тағин Малақумдичоп жарлиги тепасида пайдо бўлди. Одамлар ҳамон ўз ишлари билан банд, белкуракларда ер қазишарди. Экскаватор бўлса катта тупроқ уюмини қазиб чиқарган, энди чўмичини ҳандақнинг чуқур еригача чўзиб, сўнгги тупроқ қолдиқларини олаётганди. Охири, тариллашини секин-латди-да, бир четга чиқди, одамлар бўлса, ҳандақнинг тубига тушиб олиб, яна қўшимча ниманидир кавлай бошладилар. Туя ўз ўрнида турар, аммо малла ит кўринмасди: қаёққа кетиши мумкин? Калхат яқинлаб учиб, жарлик тепасида оҳиста айланди, бошини гоҳ ўннга, гоҳ чапга буриб қаради, ниҳоят, малла итнинг тиркалма арава остида, шундоққина ғилдиракларнинг ёнгинасида чўзилиб ётганини кўрди. У дам олаётганга ўхшайди, балки мудраётгандир? Калхат билан унинг қанча иши бор? Калхат устидан кун бўйи неча бор айланиб учиб ўтди, у бўлса бирор марта бошини кўтариб осмонга қарамади ҳам. Ҳатто юмронқозик ҳам тик туриб олиб, бирон хавф-хатар йўқмикин, дегандек теварак-атрофга синчков қараб олгандан сўнг осмонга бир қараб олди. Ит бўлса, одамлар орасида яшашга ўрганганлигиданми, ҳеч нимадан хавотирланмайди ҳам, ташвиши ҳам йўқ. Керилиб ётганига қарамайсанми! Калхат унга бир сония ҳасад билан қаради-да, «Мана сенга!» дегандек думи остидан пирт этказиб оққўкиш паталоғини отди ва яна снгил парвоз қилаверди. Нимадир осмондан Эдигей Бўроннинг энгига тап этиб келиб тушди. Қараса, қушнинг ахлати экан. Бу қаёқдан тушди? Эдигей энгини қоқиб ташлади-да, бошини кўтариб осмонга қаради. «Яна ўша оққўйрук, ўшанинг ўзи. Боядан бери тепадан кетмай учиб юрибди. Бу ниманини аломати бўлсайкин? Унга қандай мазза-я! Ҳавода қанот сирпаб сузиб юрибди». Унинг хаёлини чуқурнинг тубидан қийқирган Эдилбой Дарознинг с зози бўлди:

— Қалай, Эдике, қараб кўр-чи! Бў тадими ёки яна қазийверайми? Эдигей ковоғчини солганича, қабрнинг чеккасидан энқайиб қаради.

— Нариги бурчакка ўт,— деди Эдилбой Дарозга қўли билан ишора қилиб.— Сен эса, Қалибек, чиқавер, баракалла сенга. Назаримда чуқурлиги етарли бўлди. Шундай бўлса-да, Эдилбой, лаҳадни яна бир оз кенгайтир, «Ўлсанг гўринг кенгрок бўлсин» деган нақл бор мусулмонларда.

Эдигей Бўрон ишни буюргач, сув тўла кичик канистрни олди-да, экскаваторнинг нариги ёғига ўтиб, одат бўйича номоз олдидан таҳорат олди. Мана шундагина унинг кўнгли озми-кўпми таскин топди: ҳар қалай, Казангапни Она Байитга кўмишнинг имкони бўлмаган эсада, ҳарна бўлганда ҳам иснодга қолишмади. Жасадни дафн этолмай, уйга қайтариб кетишмади. Агар у қатъият кўрсатмаганда шундай бўлиши турган гап эди. Энди қандай бўлмасин, қоронғи тушмасдан марҳумни ерга топшириб, Бўронлига етиб бориш зарур. Уйда, албатта, уларни кутиб ўтиришибди, соат олтига қолмай етиб келамиз, дейишган. У ёқда кутишади, кечикаётганлигимиз учун безовта бўлишади. Мана, соат тўрт ярим ҳам бўлиб қолибди. Ҳали ўликни кўмиш ва Сариўзак даштини босиб ўтиш керак. Қанчалик тез юрилганда ҳам камида икки соатсиз етиб олишади. Айни пайтда, дафн маросимини қонун-қондасига амал қилмай, наридан-бери ўтказиш ҳам одатдан эмас. Жуда бўлмаса, жанозани хуфтонга бориб ўқишар. Бошқа илож қанча...

Таҳорат олгандан сўнг енгил тортган Эдигей энди маросимни ўтказишга ўзини ҳақли деб билди. Канистрнинг қалпоғини ёпаркан, у экскаватор ортидан соқол-мўйловини силаганча, салобат билан чиқиб келди.

— Оллонинг кули Казангапнинг фарзанди Собитжон, менинг чап томонимда тур, сизлар тўрттовларинг жасадни қабрнинг четига олиб келиб, марҳумнинг бошини кунчиқар томонга қаратиб қўйинглар,— буюрди у бирмунча тантанавор оҳангда. Буларнинг барчаси бажарилгач:— Мана энди ҳаммамиз муқаддас каъба томонга қараб ўтираммиз. Қафтларингни ёзинглар, оллои-таолони ёдга олинглар, бизнинг фикру хаёлимиз унинг даргоҳида қабул бўлсин,— деди.

Кизиғи шунда эдики, Эдигей ўз ортидан ҳеч қандай истеҳзо, қулиш, шивир-шивир овозларини эшитмади. У шунисига ҳам рози эди. Бўлмаса: «Кўйсангиз-чи мўсафид бошни оғритмай, сиз қанақа мас-харавоз мулласиз, келинг, яхшиси ўликни тезроқ кўмайлигу, эртарок уйга қайта қолайлик», дейишлари ҳам мумкин эди-да. Бунинг устига, Эдигей жанозани қабр устида ўтириб эмас, балки тик турганча ўқишга жазм қилди: ислом дини келиб чиққан араб мамлакатларидаги қабристонларда қуръонни тик туриб ўқишларини билимдон кишилардан эшитганди. Ҳақиқатан ҳам шундайми, йўқми, ҳар қалай, нима бўлганда ҳам Эдигей боши билан тангрига яқин бўлишни истади.

Бироқ жанозани ўқиш олдида ёруғ дунёнинг ўнг томонига бир, сўл томонига бир бош эгиб, таъзим қилиб, оламни яратганнинг ўзига сиғиниб одам зоти бу ёлгончи дунёга тасодифан келиб, бир куни, хоҳ кундуз, хоҳ кечаси оламдан ўтишини ёдга олиб, худо бир, расул

барҳақ дея кўкка бош кўтариб қараркан, Эдигей яна ўша окқуйрук калхатни кўрди. У бамайлихотир секин-аста қанот сирпаб, бир текисда доиралар ясаб, яқинлашиш пайида парвоз қилиб юарди. Аммо калхат ўй-хаёлларига асло халал бермади, алаҳситмади, аксинча, фикрларини бир ерга жамлаб олашишга ёрдам берди.

Қуқур қазилган қабр ёнида, замбил тобутда оқ наматга ўралган Казангапнинг жасади ётарди. У ҳаммага ва ҳар бир кимсага, охират дунёгача бўлган барча давр ва замонларга мўлжаллаб, олдиндан башорат қилиб айтиб кўйилган қуръон оятларини пичирлаб ўқирди, марҳумлар учун ҳам, тириклар учун ҳам, бандаси қайси даврда яшамасин ва ким бўлишидан қатъи назар ва ҳатто туғилиши зарур бўлган янги авлод ҳам худонинг қули эканлиги, демак пайғамбарларнинг мерос қилиб қолдириб кетган ва жамики нарсани ўзида мужассам этган турмушнинг ана шу умумий формуласи ҳақидаги сўзлар ҳаммага тегишли эканлигини пичирлаб тиловат қилар эди. Эдигей Бўрон уларни ўз қалбидан чиққан ва ҳаёт тажрибасидан олган ўз шахсий фикрлари билан ҳам тўлдиришга ҳаракат қилди. Инсон дунёга шунчаки келиб кетавермайди-ку, ахир!

«О, танграм, агар тинглаётганинг рост бўлса, ота-боболарим китоблардан ёд олиб айтиб ўтган Қуръонни мен ҳам улар изидан бориб, қайта такрорлаётганимни эшит. Ўйлайманки, менинг айтган фикрларим ортиқча бўлмас.

Мана, биз Малақумдичоп жарлигида, кимсасиз ва бегона жойда, Казангап учун қазилган қабр устида турибмиз. Уни ўзи васият қилган қабристонга дафн этиш иложини тополмадик. Кафтларимизни ёзиб Казангап билан видолашаётганимизда осмондан окқуйрук қушинг қизиқиб қараб турибди. О, яратган эгам, агар ўзинг бор бўлсанг, бизни афв эт, гуноҳимизни кечир, қулинг Казангапни ўз паноҳингга лутфан қабул эт, агар у шунга лойиқ бўлса, руҳига мангу ором бағишла. Биз қўлимиздан келганини қилдик. Қолгани ўз эркингда!

Энди эса, сенга шундай дақиқаларда мурожаат қилар эканман, кўзим тириклигида, фикр юритишга қодир эканлигимда мени эшит. Бандаларингни сенга айтари аниқ: раҳм қил, мадад бер, паноҳингда сақла! Гуноҳсизлар ҳам, гуноҳқорлар ҳам сендан ортиқ даражада кўп ёрдам кутишади. Ҳатто қотил ҳам сени ўз томонига тортиши келади. Сен эса, ҳамон сукутдасан. Нимасини айтмай, бизнинг назаримизда, кимки жуда қийналиб қолганда, ўша одам учун сен мавжудсан. Сенга қийин, тушунаман, ахир бизнинг илтижоларимизнинг чеки йўқ. Сен эса ёлғизсан. Мен сендан ҳеч нарса сўрамайман. Ушбу дамларда дилимда кечаётган гапларни айтмоқчиман, холос.

Найман она ором олаётган табарруқ қабристонимиздан бундан буён маҳрум этилганлигимиз учун суягим қакшайди. Бинобарин, шундай экан, мен ҳам унинг муқаддас пойқадами теккан Малақумдичопда

ётишни истайман. Ҳа, биз ҳозир тупрокка топшираётган Казангап билан ёнма-ён ётайин. Одам ўлгандан сўнг руҳи нимагадир айланиши рост бўлса, унда мен чумолига эмас, балки окқуйрук калхатга айлана қолайин. Негаки, ҳув осмондаги калхатдек Сарийўзак узра қанот қоқиб парвоз қилиб, юксаклардан кадрдон заминимизга суқланиб қарайин. Вассалом.

Васиятимни эса бу ерга мен билан келган ёшларга айтиб кетаман. Мени шу ерга кўмишларини уларга васият қиламан. Бироқ тепамда Қуръонни ким ўқийди, буни билолмайман. Булар худога ишонишмайди, бунинг устига, ҳеч қандай оятни ҳам билишмайди. Ахир, оламда худо борлигини ҳеч ким билмайди ва ҳеч қачон билолмайдилар ҳам. Биров «бор» деса, бошқаси «йўқ», дейди. Мен сенинг борлигингга ишонгим келади, сен менинг қалбимдасан, ўй-хаёлимдасан, қуръон ўқиётимб сенга мурожаат этар эканман, аслини олганда, ўзимга сен орқали мурожаат қилгандай бўламан. Ўшанда сен қандай ўйлаган бўлсанг, мен ҳам шундай ўйлаган бўламан, яратган эгам. Ҳамма гап шунда-да! Ёшлар бўлса бу ҳақда ўйлашмайди, Қуръон деганни назар-писанд қилишмайди. Ажабо, ўлим дақиқаларида улар ўзларига ва яна бошқаларга нима дея олишаркан? Уларнинг ҳар бири ўзини худо санаб юргани билан ўз инсоний кадр-қимматини англаб етмагандан сўнг юксак инсонийлик маъносини қаердан ҳам тушунсин? Бу масхараомуз сўзларим учун афв эт... Уларнинг биронтаси худо ҳам бўла олмайди, бироқ унга интиломасанг одамийлик қиёфасидан ҳам чиқасан. Инсон ўзини махфий равишда худо санаб сен бандаларинг учун жон куйдирганинг каби жон куйдирганларида эди, яратган эгам, унда сенинг ўзинг ҳам бўлмаган бўлар эдинг-да... Мен эса сенинг беному нишон йўқолиб кетишингни хоҳламас эдим...

Менинг арз-армонларим шулар. Ошқора айтган бўлсам, афв сўрайман. Мен оддий одамман, шунга яраша фикрлайман. Ҳозир жанозани ўкиб бўлганимдан сўнг, дафн қилишга киришамиз. Омин, оллоху акбар...»

— Омин,— деб фотиҳа қилди-да, Эдигей Бўрон бир оз жимиб қолди, кейин осмондаги калхатга яна бир дафъа қайғу аралаш тикилиб олгач, ортда турган одамларга қараб ўғирилди — улар тўғрисидаги фикрларини эндигина олло-таолога айтиб бўлганди. Тангри билан бўлган суҳбат тугади. Қаршисида ҳамроҳлари, ниҳоят чўзилиб кетган дафн маросимини бирга ўтказишлари лозим бўлган беш киши турарди.

— Мана,— деди у ўйчан,— жанозада ўзим учун ҳам, сизлар учун ҳам айтишим лозим бўлган гапларни айтдим. Энди ишга киришамиз.

Эдигей Бўрон орденли камзулини ечиб ташлагач, ўзи қабр тубига чўкди. Унга Эдилбой Дароз ёрдамлашди. Собитжон марҳумнинг ўғли бўлгани учун қўшилмай, бир чеккада қайғули бош эгиб турди. Қалибек, Жумагали ва пиёниста куёв — учаласи замбилдан наматга ўралган мурдани олиб, қабрнинг ичига, Эдигей билан Эдилбой Дарознинг кўлига узатишди.

«Видолашиш маҳали ҳам келди!— деб ўйлади Эдигей Бўрон Казангапнинг жасадини мангуга лаҳадга узатар экан.— Эртадан бери жой тополмай овора бўлиб юрганлигимиз учун кечир. Кун бўйи сени гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа олиб юридик. Начора, шундай бўлди-да. Сени Она Байитга дафн этолмаганлигимиз учун биз айбдор эмасмиз. Аммо хафа бўлма, бу ишни мен шундайлигича қолдирмайман. Қаерга бориш лозим бўлса — бораман. Кўзим тирик экан, жим турмайман. Айтадиганимни айтаман уларга! Тинч ёт ўзинг, ётган жойингда. Замин нақадар поёнсиз, сенга эса бир парча ер шу ердан насиб этган экан. Бу ерда сен ёлғиз эмассан. Яқинда мен ҳам ёнингга келаман, Казангап. Бир оз кутгин мени. Кўнглинг тўк бўлсин. Агар бирор бахтсиз ҳодиса юз бермаса, ўз ажалим билан ўлсам, ёнингга келаман ва яна бирга бўламиз. Биз Сариўзак хокига айланамиз. Аммо буни ўзимиз билмай қоламиз-да. Бу тирикларгагина раво кўрилган. Шунинг учун ҳам сенга гапираётганим билан, аслида ўзимга гапираяпман. Ха, биз бордан йўқлик сари шундай кетаверамиз. Поездлар бўлса Сариўзак бўйлаб елаверади, бизнинг ўрнимизга ҳам бошқалар келаверади...»

Узоқ йиллар мобайнида Бўронли бекатида бирга юриб, иссиқ-совуқни бирга татиб, қайғу ва қувончларини бирга баҳам кўришиб кечирган ҳаёт икки оғиз видолашув сўзига жо бўлиб жони ачиган Эдигей шу ерга келганда чидаб тура олмади, хўрсиниб йиғлаб юборди. Инсонга буюрганининг қанчалик кўп ва қанчалик озлигига қаранг!

— Гапимни эшитяпсанми, Эдилбой?— деди Эдигей лаҳаднинг ичида елкама-елка тураркан.— Сен мени ҳам шу ерга дафн эт, ёнгинасида ётай. Мени ўз қўлларинг билан мана бундай қилиб жойлаштир. Қулай ётишим учун ҳозир қандай қилаётган бўлсак, худди шундай қилиб ётқиз. Сўз берасанми?

— Бас қил, Эдике, кейин гаплашамиз. Энди тепага чиқавер. Чаласини ўзим битираман. Хотиржам бўл, Эдике, қани чиқақол. Изтироб чекаверма мунча.

Тер босган Эдигей юзидаги тупрокни артар экан, қабр тубидан кўтарилди, юқорида турганлар унга қўл чўзишди, у аллақандай мунгли сўзларни айтиб энтиқиб йиғлаганча тепага чиқди. Калибек чолнинг ювиниб олиши учун сув солинган канистрни олиб келди.

Кейин лаҳадга бир сикимдан тупроқ ташлаб, шамолга тескари турганча тупроқ торта бошладилар. Дастлаб белкурак билан кўмишди, сўнгра Жумағали бульдозери билан тупроқни суриб берди, сўнгра яна белкуракларда қабр устидаги тупроқни текислаб шиббалашди...

Оққуйруқ калхат эса булутлар ортидан Малақумдичоп жарлигида чанг-тўзон кўтариб ишлаётган бир тўда кишиларга назар ташлаб, қанот қоққанча сайр қилиб юрарди. Лаҳад ўрнида тупроқ уюми бино бўлгач, калхат одамлар орасида қандайдир бир жонланишни сезди. Малла ит ҳам тиркалма арава остидаги ўрnidан туриб, одамлар олдида айланиб қолди. Унга нима бор экан? Фақат попукли ёпик

солинган қари туягина тинимсиз кавшаниб, пинагини бузмай кавш қай-гарарди.

Афтидан, одамлар кетишга ҳозирланяпти. Йўғ-э, ана, улардан бири — туянинг эгаси кафтларини очиб, юзига тортди, бошқалари ҳам худди шундай қилишди...

Вақт ўтиб борарди. Эдигей Бўрон ёнида турганларга шошмасдан синчковлик билан кўз югуртириб чиқди-да, деди:

— Мана, тугатдик. Казангап қандай одам эди-и-и?

— Яхши одам эди,— жавоб беришди бошқалар.

— Унда ҳеч кимнинг қарзи қолмадими? Мана, бу ерда унинг ўғли турибди, отасининг қарзлари бўлса, бўйнига олсин.

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Шунда Қалибек ҳамманинг номидан:

— Йўк, унда ҳеч кимнинг қарзи қолмаган,— деди.

— Хўш, сен нима дейсан, Казангапнинг ўғли Собитжон?— мурожаат қилди унга Эдигей.

— Ҳаммаларингга раҳмат,— қисқа жавоб қилди у.

— Ундай бўлса, уйга жўнадик!— деди Жумағали.

— Ҳозир. Яна битта гапим бор,— уни тўхтатди Эдигей Бўрон.— Ораларингда энг кексаси ўзимман. Ҳаммаларингга илтимосим бор: агар шундай ҳол юз берса, мени ҳам мана шу ерга, Казангапнинг ёнига қўйинглар. Эшитяписизларми? Буни менинг васиятим, деб биллинглар.

— Буни ҳали ҳеч ким билмайди, Эдике, ҳали нима бўлади, нима қўяди, элдан бурун гапиришнинг нима кераги бор,— деди Қалибек.

— Барибир,— дея ўз гапини маъқуллади Эдигей.— Айтиб қўйиш менга қарз, ўкиб олиш сизларга парз. Вақти-соати келганда васият қилиб кетган эди, деб эслайсизлар.

— Яна қандай васиятларинг бор? Эдике, бир йўла айтақол,— вазиятни ўзгартириш учун ҳазил қилди Эдилбой Дароз.

— Сен аралашма,— хафа бўлди Эдигей.— Мен жиддий гапиряпман.

— Эслаб қоламиз, Эдике,— уни тинчлантирди Эдилбой Дароз.— Агар бирор гап бўлса, ҳаммасини сен истагандек адо этамиз. Хотиржам бўл.

— Мана бу — йигитнинг гапи,— деди каноат ҳосил қилгандай Эдигей.

Тракторлар қўзғала бошлади. Улар жарлик тепасидан пастга тушгунча Эдигей Бўрон Қоранорнинг жиловидан ушлаб, Собитжон ёнида борди. У ичини тирнаётган нарса ҳақида Собитжон билан ёлғиз гаплашиб олмоқчи эди.

— Гапимга қулоқ сол, Собитжон, мана қўлимиз ҳам бўшади, энди бир нарсани гаплашиб олишимиз лозим. Қабристонимиз Она Байит борасида энди нима қиламиз?— савол оҳангида деди у.

— Нима ҳам қилардик? Бош қотириб ўтиришнинг ҳожати йўк,— деди Собитжон.— Лойиҳа лойиҳа-да. Уни лойиҳа бўйича йўк қилишди. Бор гап шу.

— Мен бу ҳақда гапирмоқчи эмасдим. Унда ҳар қандай ишга кўл силтаб, ташлаб кетаверса бўлади. Мана, сен шу ерда туғилиб, шу ерда униб-ўсдинг. Отанг сени ўқитди. Мана бугун эса уни кўмдик. Бийдай далага кўмдик, дилга таскин берадиган биргина нарса — нима бўлса ҳам ўз кадрдон ерига дафн этдик. Саводинг бор, областда ишлайсан, худога шукр, истаган кишинг билан тиллаша оласан. Ҳар хил китоблар ўқигансан...

— Бундан нима фойда?— унинг гапини бўлди Собитжон.

— Гап шундаки, эртагаёк бу ернинг бошлиғига биргалашиб бор-сак, у билан гаплашишимга ёрдам берсанг, бу шаҳарчанинг энг каттаси бордир-ку, ахир. Она Байитни ер билан яксон қилишларига йўл қўйиб бўлмайди! Ахир, бу ерда тарих ётибди.

— Буларнинг бари эски чўпчаклар, тушунсанг-чи, Эдике. У ерда оламшумул, коинотга доир масалалар ҳал этилади, биз бўлсак қандайдир бир қабристон хусусида шикоят қилиб борамизми. Бунинг кимга кераги бор? Улар учун бу — тфу! Бари бир, бизни у ёққа киритишмайди.

— Бормасак, қўйишмайди-да. Агар талаб қилсак, киритишади. Агар иложи бўлмаса, бошлиқнинг ўзи келмасмикан. У тоғ эмаски, ўрнидан қўзғалмаса.

Собитжон Эдигейга ғазабкорона назар ташлади.

— Бу бемаъни гапингни қўй, қария. Мендан эса умид қилма. Шахсан менга бунинг ҳеч қандай кераги йўқ.

— Ҳа-а, шундоқ демайсанми. Гап тамом. Чўпчаклар эмиш?..

— Сен нима деб ўйлагандинг? Оёғини қўлига олиб югуриб қолади, деб ўйлагансан-да, мени! Хўш, менинг оилам, ишим, болачақаларим бор. Нимага энди шамолга қарши чоптиришим керак? Бу ердан қилинган битта кўнғирок туфайли орқамга бир тепиб ишдан хайдасинларми? Э, йўқ, раҳмат!

— Раҳматинг ўзингга буюрсин,— деди Эдигей Бўрон ва жаҳл аралаш қўшимча қилди:— Орқамга бир тепиб ишдан хайдасинларми, дедингни?! Бундан чиқди, сен фақат орқанг учун яшаб юрган экансан-да!

— Сен эса нима деб ўйлагандинг? Худди шундай! Бу сенга осон. Ким бўлсан? Ҳеч ким. Бизлар эса орқамиз учун яшаймиз. Оғзимизга ширинроқ лўқма тушсин, деб шундай яшаймиз.

— Э, ҳа! Илгарилари бош учун эъзозлашарди, бундан чиқди, энди орқаларинг учун эъзозлашар экан-да.

— Қандай истасанг, шундай тушунавер. Бироқ аҳмоғингни топиб бўлсан.

— Тушунарли. Гап битта!— унинг гапини чўрт кесди Эдигей Бўрон.— Отангнинг маъракаларини ўтказ, худо хоҳласа, сен билан бошқа учрашмаймиз.

— Шундай қилишга тўғри келади,— юзини буриштирди Собитжон.

Шу гапдан кейин ажралиб кетишди. Эдигей Бўрон туяга миниб олгунча тракторчилар моторни юргизиб, кутиб туришди. Аммо Эдигей уларнинг иложи борича тезроқ боришларини, маъракада одамлар кутиб қолишганини, ўзининг эса туяда истаган йўл билан секин-аста боражагини айтди.

Тракторчилар жўнаб кетишди. Эдигей жойидан кимирламай, бундан буён қандай йўл тутиш кераклигини ўйларди.

Энди у содик ити Йўлбарсни ҳисобга олмаганда, Сариўзак даштида танҳо ўзи қолган эди. Ит, аввало, кетаётган тракторлар ортидан чопди, сўнгра, эгаси билан уларнинг йўли бир эмаслигини англаб, ортига қайтди. Аммо Эдигей унга эътибор бермади. Мабодо ит уйга қочиб кетганида ҳам чол буни сезмаган бўларди. Юрагига қил ҳам сиғмасди. Собитжон билан ораларида бўлиб ўтган гапдан сўнг юрагини эзаётган, руҳий тушқунликка солган қалб тугёнини босолмасди.

Эдигей Бўрон ўкинарди, у билан гаплашгани учун қаттиқ ўкинарди — сўзларини елга совурди. Маслаҳатлашишга ва ёрдам сўрашга арзийдиган одамми Собитжон? Саводли, маълумотли, ўзига ўхшаганлар билан осон тил топишда, деб умидвор бўлганди-да. Турли курсларда, институтларда таълим олган бўлса нима қилибди? Эҳтимол, уни ҳозир қандай бўлса, шундай бўлиши учун ўқитишгандир. Эҳтимол, қайлардадир Собитжонни бошқа биров эмас, айнан Собитжон бўлиб етишиши учун кўп меҳнат сарф қилган иблисдек ўткир ақл соҳиби бордир. Ахир, Собитжоннинг ўзи радио орқали бошқариладиган одамлар ҳақидаги бемаъни бир нарсани бутун тафсилотлари билан ҳикоя қилиб берган эди-ку. Шундай вақт яқинлашиб келаётганмикин?! Ўша кўринмас ва ҳар нарсасга қодир куч буларни аллақачон радио орқали бошқараётган бўлса-чи...

Эдигей чол бу ҳақда ўйлаган сари, зилдай хаёллардан баттар хуноби ошди, боши берк кўчага кириб бораверди.

— Сен манқуртсан! Ҳақиқий манқурт!— Собитжондан нафратланиб ва ачиниб ичида шивирлади у.

У мурасага келишни истамас, ҳали букчайиб қолмасидан нимадир қилиш кераклигини яхши тушунарди. Агар чекинадиган бўлса, барчанинг кўзи олдига мағлубиятга учраган бўлади. Буни Эдигей Бўрон жуда яхши тушунарди. У Она Байит борасида нимадир қилиш лозимлигини англаб, лекин нимадан бошлаш, қандай ҳаракат қилиш, қаёққа бориш, қандай тадбир кўриш кераклигини аниқ билмасди.

Эдигей Қоранор устида ўтириб, залворли хаёлларга чўмганча, атрофни кузатарди. Чор атрофи жимжит саҳро. Малақумдичопнинг кизил қумли жарларида шомги соялар пайдо бўлди. Тракторлар аллақачон кўздан ғойиб бўлиб, овозлари ҳам тиниб қолганди. Ёшлар кетишди. Сариўзак ҳақидаги бор ҳақиқатни билган, хотирасида сақлаб қолганлардан бири бўлмиш кекса Қазангап энди поёнсиз саҳро ўрта-сидаги яқиндагина тупроғи тортилган якка қабрда ётибди. Бу тепа аста-секин чўкиб, кичрайиб, Сариўзак гулларига бурканишини, кейин-



чалик бу қабрни бошқа ерлардан ажратиб бўлмаслигини Эдигей тасаввуридан ўтказарди. Ҳа, шундай — ҳеч ким ердан узок яшамайди, ҳеч ким тақдирдан қочиб қутулолмайди...

Кечга яқин қуёш оғирлашиб қолгандек секин-аста уфққа томон ёнбошлай бошлади. Унинг нурлари дақиқа сайин ўзгарарди. Кунботар ёқда мовийлик билан қоронғилик билинар-билинамас даражада қоришиб, кеч кира бошлаган эди.

Эдигей Бўрон вазиятни ҳисобга олиб кўргач, зонага ўтиладиган кўтарма ғов ёнига қайтиб боришга қарор қилди. Бошқа йўлини ўйлаб тополмади. Дафн маросими ҳам ортда қолди, энди ҳеч ким ва ҳеч нарсага боғлиқ эмас, хуллас, ўйлаганларини амалга оширадиган энг қулай фурсат келган эди. Ҳаммасидан ҳам аввал қоровулда турганларга катта бошлиқ олдига олиб боришларини, соқчилар назорати остида бўлса ҳам майли, муҳими, бошлиқ олдига олиб боришларига кўндиришни дилига тугди. Агар бунинг иложи бўлмаса, ўша бошлиқни кўтарма ғов ёнига келиб, Эдигей Бўроннинг тапларини тинглашга мажбур қилиш керак. Ана шунда у бор гапини юзига айтади...

Буларнинг ҳаммасини пухта ўйлаб олганди. Энди Эдигей Бўрон бу режасини имилламасдан амалга оширишга қарор қилди. У кўтарма ғов олдига қатъият кўрсатиб, киришга руҳсатнома олишга ёки бошлиқ билан учрашишга эришиши керак. Ҳа, шундан бошлайди. Қандайдир Тансиқбоев эмас, энг катта бошлиқ гапини эшитмагунча тинчимаслиги, қоровулда турганларни тушунишга мажбур этиши керак...

У руҳан дадилланди:

— Таваккал! Агар итнинг эгаси бўлса, бўрининг худоси бор! — ўзига далда берди у ва ўша ёққа йўл оларкан, Қоранорга қамчи босди.

Шу аснода офтоб ботиб, қоронғилик қуюқлаша бошлади. У зонага яқинлашиб қолганда, атрофни зулмат қоплаган эди. Пост чироклари аниқ кўриниб, симтўсиққа ярим қақиримлар қолганда, Эдигей бирдан шошила бошлади. У туядан сирғалиб тушди. Бундай ишда туянинг нима кераги бор! Ким билсин, қанақа бошлиққа дуч келади. Эҳтимол, гаплашишни ўзига эп кўрмай: «Туянг билан даф бўл. Қаёқдан пайдо бўлдинг? Сени қабул қилмайман», деб кабинетига ҳам киргимас. Зеро, Эдигей ўз режасининг нима билан тугагини, у ерда қанча кутиши кераклигини ҳали билмасди, Қоранорни эса ҳозирча тушовлаганча далада қолдирса бўлади.

— Сен ҳозирча шу ерда кутиб тур, мен бориб уриниб кўраман, — туяга қараб пўнғиллади у аслида ўзига далда бермоқчи бўлиб. Туяни чўктиришга тўғри келди, хуржундан тушовни олиш керак эди.

Эдигей тушов билан овора бўларкан, атроф жим-жит эди. Атрофга шундай сукунат чўккан эдики, у ўзининг нафас олишини, ҳаводаги қандайдир ҳашаротларнинг дам-бадам чириллаши ва ғувиллашини эшитиб турарди. Боши узра сонсиз юлдузлар чарақларди. Борлик

шундай сокин эдики, ҳозир нимадир содир бўлиши керакдек эди. Борлиқ алланимани кутгандек сукутда...

Ҳатто Сариўзак сукунатиға кўникиб кетган Йўлбарс ҳам сергак тортиб, нимагадир гингширди. Бу сокинликда уни нима безовта қилаётган экан?

— Ҳали ҳам оёқларим остида ўралашаяпсанми!— деди норози оҳангда итнинг эгаси. Сўнг ўйлаб қолди: итни нима қилиш керак? У бари бир орқамдан қолмайди. Ҳайдасанг ҳам кетмайди. У ерга ит билан бориш яхши эмас. Юзимга айтишмаса ҳам манови чолни қаранглар, ҳақлигини ҳимоя қилиб келибди, ёнида эса итдан бошқа ҳеч ким йўқ, деган хаёлга борадилар. Итсиз боргани маъқул. Эдигей итни узун арқон билан туянинг абзалиға боғлаб қўймоқчи бўлди. Қайтиб келгунича ит билан туя бирга бўлгани тузук. Шу мақсадда итни чақирди: «Йўлбарс! Йўлбарс! Бу ёққа кел!» У итнинг бўйниға арқон солиш учун эгилди. Худди шу маҳал ҳавода нимадир юз берди, осмонда нимадир кучайиб бораётган вулкондек гумбурлаб кўзғолди. Яқингинада, космодром зонасида даҳшатли олов устунининг ёрқин алангаси шиддат ила осмонга кўтарилди. Эдигей Бўрон қўрқувдан ўзини орқага ташлади, туя бўлса бўкириб, ўрнидан сапчиб туриб кетди. Ит даҳшатдан эгасининг оёғи остиға ўзини ташлади.

Транскосмик тўсувчи «Чамбарак» операцияси бўйича биринчи ҳарбий ракета-робот ҳавоға кўтарила бошлаганди. Сариўзакда роппа-роса соат кечки саккиз. Биринчисидан сўнг иккинчиси, ортидан учинчиси кўтарилди ва яна, яна... Ракеталар ер шари атрофини доимий ҳаракатланувчи кардон билан тўсиш учун олис фазоға йўл олаётган эдилар. Ердаги ишларда ўзгариш бўлмаслиғи учун, ҳаммаси қандай бўлса шундайлиғича қолиши учун қилинаётган эди бу ишлар...

Аланга аралаш кулранг-кўкиш тутун буркираб отилиб чикди-да, гўё бош узра ағдарилиб тушгандек бўлди... Одам, туя, ит — бу оддий жонзотлар ақл-ҳушини йўқотиб, бу ердан узокроққа қочишарди. Улар бир-бирини йўқотиб қўйишдан қўрқиб, маҳобатли оловли яшин билан ёритилган чўл бўйлаб қочишарди...

Улар қанчалик узок чопишмасин, худди бир жойда туриб чопаётгандек эдилар, ҳар бир янги портлашдан борлиқни ёруғлик камраб олар ва атрофни яксон қиладиган гумбур-гумбурлар бошлари узра янграрди.

Одам, туя ва ит орқаларига қарамасдан қочишарди. Кутилмаганда Эдигейнинг ёнгинасида оқ қуш, Найман она ўз ўғли — Манқуртнинг ўқидан эгардан кулаган пайтда унинг оқ рўмолидан бино бўлган оппоқ қуш пайдо бўлди. Оққуш гумбурлаш ва тўс-тўполонда одам билан ёнма-ён учар, қичқирарди:

— Кимнинг ўғлисан? Сенинг исминг нима? Исмингни эсла! Сенинг отанг Дўнанбой, Дўнанбой, Дўнанбой...

Зичлашаётган коронғиликда унинг овози яна узок вақт янграб турди...

Бир неча кундан сўнг, Қизил Ўрдадан Бўронли бекатига Эдигейнинг иккала қизи — Саула билан Шарофат эрлари, болалари билан етиб келишди. Улар Казангапнинг ўлими ҳақида телеграмма олишгач, ҳар бир ёмоннинг бир яхсиси бор, деганларидек таъзия билдириш, шу баҳонада, бир-икки кун ота-оналари хузурида меҳмон бўлиб кетиш учун ҳам келишган эди.

Улар бир тўда бўлиб поезддан тушиб, Эдигейнинг остонасига қадам қўйишганда оталари уйда йўқ эди. Уккубола югуриб чиқди, у болалари билан кучоқлашиб йиғлаб, ўпишиб кўришаркан, тинмай жаврарди:

— Ўзингга шукур, эгам! Айни вақтида келдиларинг! Оталаринг қанчалар хурсанд бўлади. Қандай яхши, ҳаммаларинг йиғилиб келибсизлар! Оталаринг хурсанд бўлади!

— Отамнинг ўзи қаерда?— сўради Шарофат.

— У кечга яқин қайтади. Эрталабдан Почта қутисига, у ернинг бошлиқлари олдига кетди. Қандайдир ишлари бор! Мен кейинроқ айтиб бераман. Вой, нега қараб турибсизлар? Ўз уйларинг ахир, болаларим...

Бу ўлкаларда поездлар одатдагидек машриқдан мағрибга томон, мағрибдан машриққа томон пайдар-пай қатнаб туради.

Темир йўлнинг иккала томонида ёвсанзор билан қопланган ҳайхотдек даштлик — Сариўзак, ўртачўл ястаниб ётади.

Чўлпонота, 1979 йилнинг декабрь — 1980 йилнинг март ойлари.



БИРИНЧИ ҚИСМ

I

Қишнинг қиска куни нораства нафасидай бирпасгина илиб турди-ю, тоғларнинг кунгай бетларида кўп ўтмай ҳавонинг авзойи бузилди, музликлардан совук шамол изғиди, дара-ўнғирларга эрта тушган хуфтон қоронғилиги шитоб билан ёйилди, қор-қуюнли кечанинг изғирин совуғи турди.

Теваракка қалин қор тушган. Табиатнинг бевош хоҳишига кўра худди тўрт томонга ўт кетгандай бундан икки кун бурун тўсиндан қаттиқ қорбўрон қутуриб ўтган, Иссиққўл тоғ тизмалари қор кўрпалари билан қоплашиб ётарди. Тоғлар қора қуюн ичра ғойиб бўлди, осмон кўздан йўқолди, атроф-жавониб кўринмай қолди. Сўнг сукунат чўқди, ҳавонинг ранг-рўйи очилди. Ушандан буён киш бўрони тиниб, ўнгу сўли жами қор забтида қолган тоғлар ётсираб, жимжит аёзда хўмрайганча қотиб турардилар.

Фақат ўша кунботар чоғида Узун Чот дараси бўйлаб осмоннинг узок шамолгоҳида, салладор булутлар кўйнида тутаб ётган Ола Мўнгу муз довони сари ўтиб бораётган оғир вертолётнинг гулдираган овози дам сайин яқинлашиб, кучайгандан кучайиб борар ва ниҳоят, атроф-тумонат, товуш ҳамда ёруғликдан бўлак ҳеч нарса етиб боролмайдиган чўққилар, тизмалар, мангу кўк музликларни тамом ўз ҳукмига олди. Тоғу тошларга урилиб, аввалгисидан яна бешбаттар зўрайгандан зўрайган қалдирок бошлар узра шунчалар аёвсиз даҳшат солар эдики, гўё яна озгина шундай давом этса, яна ўша ер қимирлаганидай... қиёмат-қойим қўпадигандай эди.

Ўзи шунга яқинлашиб ҳам қолди — вертолёт учиб ўтаркан, йўл устидаги шамоллар ялаб кетган тик қоя бағридан гулдуроснинг зўри туфайли тош уюмлари кўчиб ўрнидан кўзгалди-да, сўнг яна шу заҳоти худди қон қуюлгандай айланиб тўхтади. Худди шуни кутиб тургандай беқарор, муаллақ тошлар, бир неча оғир харсанг баланд учурумдан йўл-йўлакай чанг-тўзон кўтариб, шиддат ва сурон солиб қулади. Тоғ ёнбағрига етганда, улар худди замбаракнинг ўқидай қарсиллаб тушиб, ёрилиб, қизил тол ва қорағат буталарини ўпириб ўтиб, қор тўзонларини қўкка совурганча юксақдан осилиб турган қоя тагида, қуюқ бутазорлар билан тўсилган ўнғирда, икки қиргоғи яхлаган жилға бўйидаги бўри ини оғзида тўхтадилар.

Урғочи бўри Акбара тепадан қулаган тошлар ва қор уюмларидан чўчиб ўзини орқага олди, қоронғи ўнғир сари тисарилди, елкасидаги ёллари тиккайиб, кўзлари ғира-ширада ваҳшиёна ўт сочиб, қандай бало келмасин, унга қарши сапчишга ҳозирланиб турди. Лекин у бекорга хавотирланган эди. Очиқ дашт ёмон. Унда телангда қува-лаётган вертолётдан ҳеч қаерга қочиб қутулолмайсан, у тинмай, орқангдан қолмай, изма-из таъқиб қилиб келаверади, вертолёт паррақларининг қасирғаси, автоматдан дўлдай ёғилган ўқларнинг чийиллаши юрагингни азоб ва қўрқинч билан тўлдиради, ёруғ дунёда вертолётдан омонлик йўқ, қочиб қутуладиган, шўрлик бошингни пана қиладиган тешик-туйнук ҳам йўқ — шундай пайтда ер ҳам ёрилмайди, қувиб келаётганлардан жонингни қутқариб, ерга кириб кетаман десанг.

Тоғларда йўриғ бошқа. Бу ерда доим қочиб қутулиш мумкин. То хавф-хатар ўтиб кетгунча писиб ётадиган бир жой албатта топилади. Бу ерларда вертолёт қўрқинчли эмас, вертолётларнинг ўзи қўрқади тоғлардан. Бирок қўрққанга қўшалок кўринади деган гап бор. Бунинг устига бир марта юрагингни олдиргансан. Вертолёт яқинлашиб келаркан, Акбара каттик ғингший бошлади, бошини ичига тортиб, ғужанак бўлиб олди, лекин барибир дош беролмади, ожиз, аянчли, ғайришуурий бир қўрқувга тушиб, бирдан бор овозини қўйиб ушлаб юборди: тишларини алам-аччиқ устида ғижирлатиб, шу ернинг ўзидаёқ қаттол олишувга чоғланиб, қорни билан ғор оғзи томон судралди, гўё назарида шундай қилса, темир ялмоғиз Узун Чотдан қочиб кетадигандай, тоғу тошлар тинчидигандай, зилзилалар тўхтайдигандай эди.

Акбара қўрқиб ушлаб, ғингшийвергандан кейин ғор ичига унинг жуфти Тошчайнар бошини сукди. Акбара оғироёқли бўлиб қолгандан бери Тошчайнар кўп вақтини инида эмас, ўнғирдан узоқ кетмай қалин ва тинч қорағат бутазорлар орасида ўтқазарди. Тишлари ханжардай ўткир бу бўри ҳар қандай нарсани ғажиб ташлашга тайёр бўлгани учун шу атрофдаги чўпонлар унга Тошчайнар деб ном берган эдилар. Тошчайнар жуфтининг ёнига судралиб келди-да, уни бало-қазолардан ҳимоя қилгандай гавдаси билан тўсиб, таскин бергандай ириллади. Акбара унинг пинжига маҳкамроқ тикилди, адолатсиз осмонданми ё бошқа бировданми ёхуд шўр-пешона қисматиданми нола-фарёд қилгандай ғингшиди. Вертолёт Ола Мўнгунинг оқ қорли, кўк музли довонидан ошиб ўтиб, булутлар ортида кўздан ғойиб бўлгандан кейин ҳам Акбара яна анчаганча ўзига келолмай, қалт-қалт титраб турди.

Қоинотни босган сукут каби тоғларга бирдан жимжитлик чўкди. Акбара қутилмаганда ичидан нимадир қимирлаётган, туртинаётганлигини аниқ ҳис қилди. Бир қуни Акбара, унда овга энди-энди чиқаётган пайтлари эди, бир сакраб каттақон қуённи босиб олганлигини эслади. Ўшанда қуённинг қорнида қандайдир кўзга қўринмас махлуқчалар қимирлаганлигини сезгандай бўлган ва бу нарса ёш урғочи бўри-

ни ҳайрон қилиб, қизиқтириб қўйган, қулоқларини диккайтирганча, ўлжасига анграйиб тикилиб қолган эди. Бунга шунчалар тонг қолиб қизиқиб кетган эдики, худди мушук чала ўлик сичқонни ўйнагандай, у ҳам ўша ўзи кўринмай қимирлаётган махлуклар билан ўйнашмоқчи эди. Мана энди ўз қорнида ҳам қутилмаганда тириклик ҳомиласини ҳис қилиб турибди. Эсончилик бўлса, бир ярим-икки хафтадан сўнг дунёга келадиганлар ўзларидан хабар бераётган эдилар. Лекин ҳозирча ҳали туғилмаган қип-қизил обжиш болалар она курсоғидан ажралмаган, у билан бир жон, бир вужуд бўлиб туришар, шунинг учун онани кўрқитиб юборган, таҳлика ва талвасага солган бояғи ҳолларни улар ҳам қоринда ётган қўйи сезган, бошдан кечирган эдилар. Улар ташқи олам борлигини, унда ёвуз муҳит мавжудлигини шу тариқа илк маротаба туйган эдилар. Онанинг қийналганлигини сезиб, улар курсоқда ҳаракатга келдилар. Улар ҳам кўрқиб кетдилар, кўрқинч уларга она қони билан ўтди.

Вужуди ичра яна бир вужуд битганини сезган Акбара тинчини йўқотди. Юраги гурсиллаб ура бошлади. Кўкраги остида вояга етаётган болаларини хавфу хатарлардан асраш ва қўриш иштиёқида ғайратшижоатга минди. У ҳозир ҳеч нарсадан тап тортмас эди. Табиат ато этган наслни асраш сезими кучга кирган эди. Шунда у меҳр бутун вужудига иссиқ қондай югурганлигини ҳис қилди, энди дунёга келадиган болаларини эркалагиси, бағрига олиб иситгиси, уларни тўйдириб-тўйдириб эмизгиси келди. Бу оналикнинг энг биринчи бахтиёрлиги эди. У қорнида икки қатор тўлиб, қизариб, бўрсиллаб турган эмчақларидан сут тошиб, повиллаб келишини ўйлаб орзиқиб кетди, азбаройи маза қилганидан инграб юборди ва кўзларини юмиб олди. У ини имкон берганча жисмини ёзиб, оҳиста-оҳиста эркалашиб керишди ва шундан сўнг кўнгли биратўла жойига тушиб, яна ўзининг кўк ёлли Тошчайнарига яқинроқ сурилди. Тошчайнар ёллари қалин ўсган ҳайбатли ва чайир бўри эди. Шунча ўжар ва дўлайган эканига қарамай, у ҳам жуфтининг юрагида нималар кечаётганлигини сездди. Назарида жуфтининг курсоғида бир нарсалар бўлаётгандай эди, буни ўйлаб унинг чеҳраси очилди. Тошчайнар қулоғини диккайтириб гувалакдек қийшиқ ва чўнг калласини кўтарди, шунда унинг ичига чуқур ботган қорамтир кўзларининг қорачуқлари совуқ йилтиллаб, улардан қандайдир бир шарпа, аллақандай татти башорат ўтгандай бўлди. У оҳиста томоғини қириб, йўталгандай ириллади. Шу билан жуфтига меҳр-оқибатини, уни ҳар қандай бало-қазолардан ҳимоя қилишга тайёр эканлигини, кўккўз қанжиғига ғинг демай бўйсунини изҳор этди ва шундан сўнг Акбаранинг бошини, айниқса унинг порлаб турган кўк-кўзлари ҳамда тумшугини қатта, иссиқ сўлақайи оқиб турган тили билан эркалаб ялаб-юлқай кетди. Акбара Тошчайнарнинг тилини яхши кўрарди. Арлонининг қони жўшиб, бетоқат ҳирсга тўлиб, нари сакраб-бери сакраб ўйноқлаб, шунда ҳам тили илондай эшилиб-тўлғаниб, шиддатга киришини ёқтирар, лекин ўзини гўё ҳеч нарсани сезма-

гандай бепарво кўрсатар эди. У эт-мойга кўп тўйиб, осуда роҳатланиб ётган чоғларида ҳам арлонининг сўлакайи оқиб турган ипакдек юмшаган тилини хуш кўрарди.

Бу икки жондорнинг бошчиси, акли-эси Акбара эди. Овни у бошлаб берарди. Арлон эса унинг қора кули — амру иродасини гинг демай бажо келтирар, бинобарин, ишонган тоғи эди. Арлон ҳеч қачон қарчаш нималигини билмасди. Ўрталаридаги шу муомала йўсини ҳеч қачон бузилган эмас. Фақат бир куни қутилмаган синоат бўлиб ўтди. Арлон кечаси билан йўқ бўлиб кетди-да, тонг азонда бутунлай бошқа қанжиқнинг бадбўй исини эргаширганча қайтиб келди. Дайдиган арлон бўриларни ўн чақиримлаб узоқ ерлардан мараз хидига чақирадиган ўша ебтўймас юҳо бўрининг исига Акбара сира тоқат қилолмади. Ёмон ғаши келиб, аччиғи чиқди, нафрати кўзиди, тўсиндан шартта эркагининг елкасига тишларини қаттиқ ботирди. Сўнг бир неча кунгача унга ҳеч рўйхуш бермай, орқасидан ялинтириб юрди. Сўлжайган, обрўсини тўккан аҳмоқни ўзига яқинлаштиради. У дод деб, қанча ув солмасин, ўзига гўё ҳеч бир алоқаси йўқдай, худди энди у ўзи учун ўлгандай, ҳатто йўлига бўлсин, бир марта қайрилиб қарамади. Тўхтамади. Агар Тошчайнар шунда унга яқинлашиш ва кўнглини овлаш учун яна осилгудай бўлса, Акбара чиндан у билан тап тортмай олишарди. Зотан, бу икки махлукнинг боши ўзи, арлони эса — оёғи эди.

Ҳозир эса Тошчайнарнинг кенг бағрида ётиб, пича хуши ўзига келди. Қўрқинчли дамларда эркагининг бирга бўлганидан, унга далда берганидан рози эди. Шунинг учун арлонининг эркалашларига қаршилик қилмади, ҳатто унга жавобан ўзи ҳам унинг тумшугини бирикки бор ялаб қўйди. Лекин бояғи ваҳиманиннг асорати ҳали кетмаган, дам-бадам вужудига титроқ кирар, шунда батнига қулоқ тутар, ҳали туғилмаган болалари нима сабабдандир безовта бўлаётганликларини тингларкан, ҳаммасига: ини борлигига ҳам, тоғларга қатта қор тушганига ҳам, совуқ тун шитоб билан бостириб кириб келаётганига ҳам шуқурлар қиларди.

Ургочи бўрини қаттиқ кўрқитиб юборган кун ана шундай ўтиб борарди. Оналик табиатининг барча ғайришуурий сезимларига тобе ҳолда у ўзи учунгина эмас, болаларим деб, мана шу қоронғи ўнгирда яқинда туғиладиган бўричаларим деб кўрқди. Ахир худди шуларни деб, икковлашиб қидира-қидира, ниҳоят, мана шу хайбатли тик қоя остидаги қалин чангалзорлар ва тош-тепалар билан тўсилган холи ўнгирни бошпана қилган эдилар.

Бунинг устига Акбара билан Тошчайнар бу ерларга келгинди эдилар. Разм солиб қаралса улар у ерлик бўрилардан ажралиб турардилар. Уларнинг елка ёллари кўкрак жунларига қуюндай буралиб тушар, бутун елкаларини то қаллага довор қалин жун қоплаган, худди дашт бўрилариники қаби ёллари оқиш-қўкиш тусда товланар эди. Шунинг учун буларни оқёл деб аташарди. Оқёллар Иссиққўлнинг тоғ

атрофларини ўзига макон тутган ерлик бўрилардан йирикрок, бўлалирок эдилар. Агарда Акбарага яқинроқдан бировнинг кўзи тушса, унинг тип-тиник кўккўзларидан тамомила ҳайратга тушган, бунақасини бошқа ҳеч қачон учратмаган бўлар эди. Шу ерлик чўпонлар бу қанжик бўрини Окдил деб юришди. Кейин-кейин бориб Акбари дедилар, яна бирмунча вақтлар ўтиб эса Акбара — Улуғ деб атадилар. Ким айтса айтганидиру, лекин унга шундай ном берилиши бежиз эмасди. Бунда қазонинг ҳам ҳукми борга ўхшаб кўринарди...

Бултур бу ерларда кўкёллар йўк эди. Улар келишга келдилару, лекин ҳеч кимга қўшилмай бўлак бўлиб юрдилар. Бошида бу ерларнинг туб эгалари билан тўкнашиб қолмайлик деб, кўпинча эгасиз ерларда четлаб-четлаб изғишди, бориға қаноат қилиб жон сақлашди. Кейин ўлжа излаб одамлар яшайдиган пастдаги жойларга ҳам панжа ура бошлашди. Лекин бари бир туб ерлик бўри тўдаларига қўшилишмади. Кўккўз бўри Акбара очдан ўлса ўлардики, лекин бировларга қарам, сиғинди бўлиб яшашга асло кўнмас эди.

Ҳамма нарсани вақт ҳал қилади. Бора-бора келгинди кўкёллар оёққа мустаҳкам туриб олишди. Сон-саноксиз омонсиз жангларда Исиккўл адирларидаги кўп ерларни ўзларига қарам қилишди. Келгиндилар ҳар нарсага эга чикдилар. Маҳаллий бўрилар уларнинг аймоқларига асти яқин йўлай олмасдилар. Жон сақлаш учун бегона жойлардан қочиб келган кўкёлларнинг ҳаёти Исиккўлда шу анғиз изга тушиб кетди. Лекин шунгача улар, эҳ-хэ, қанчалаб воқеаларни бошларидан кечирмадилар. Сезгир, зийрак Акбара уларнинг ҳаммасини қайта бошдан ўтқизгандай бўлиб юради, тез-тез эслаб қўяди. Қанийди, махлуқлар ҳам кўрган кунларини бирма-бир сўйлаб берсалар эди. Балки яна ким билади, эсига тушганда, ҳаммаси тағин кўз ўнгидан ўтиб, аламли ёшларини тиёлмай оғир-оғир инграса, ажабмас...

* * *

Ўша қўлдан кетган дунё Мўйинкумнинг бу ердан узоқ саксовулзор далаларида қолди. Чек-чегарасиз Мўйинкум саҳроларида сайғоқларнинг ададсиз суруқларини ададсиз қарра суриб қувиб юрган ов кунлари орқада қолди. Ота-бобо замонларидан бери қарроқ саксовулзор саҳроларда тўда-тўда бўлиб умр кечирадиган, худди чексиз вақтнинг ўзи каби жуда қадим, чопиб чарчамайдиган, айритуёқ, қулушшоҳ, дўнгтумшук шу жониворлар муртидан океан сувларини пуркаган китлардай бурунларидан пишқириб ҳаво олиб, пишқириб ҳаво чиқариб, кун ёришгандан кун ботгунга қадар тўхтамай югура олардилар. Улар ўзларининг абадий ҳамроҳлари — бўрилар таъқибига учраб, бирдан ҳаракатга келганларида, ўтақаси ёрилган бир суруқ бошқасини талва-сага солиб ўз ортидан эргаштирганда, сўнг уларга яна бир, яна икки, яна уч кийик тўплари ҳуркиб қўшилганда, сўнг яна ва яна янги-янги, катта-кичик тўдалар дам сайин қўшилаверганда — сайғоқлар Мўйин-

кумнинг кўз илғамас кенгликлариди — адирлар, пасттекисликлар, яйдоқ кумликлардан худди ер юзига тушган тўфон каби тошганда, ана ўшанда замин гўё тескари айланаётгандай бўлар, ёз фаслида довуллар ҳамда дўллар савалагандай туёқлар остида тинимсиз гувиллар, шунда ҳаво қуюн янглиғ кўзғалар, осмонга чақин чақилгандай учкунлар сочар, ҳаммаёқни ҳайвон суруқларининг хидлари, ҳаёт-мамот учун бораётган телбаворий қувди-кочдининг хидлари тутиб кетар, бўрилар кийик издиҳомининг икки биқинидан ва орқасидан тўшлари ер бағирлаб чопишар, подаларни ўзларининг пистирмалари сари ҳайдаб боришга уринишар, пистирмада эса шўрлик қувғиндиларни ашаддий, сара ваҳший бўрилар кутиб туришар, улар саксовуллар орасидан бўриларга ташланишиб, хунрезлик қилишар, ўзлари ҳам улар билан барабар қора тупроққа думалаб-думалаб кетишар ва шунда сайғокнинг кекиртагини шартта узиб ташлашар, варақлатиб қонини оқизишар, сўнг яна қочаётган пода ортидан таъқибни давом эттирар эдилар. Бирок сайғоклар қандайдир йўллар билан бўрилар биқиниб ётган ерлардан хабардор бўлишар ва кўпинча ўша жойларни айланиб ўтишар эди, қув-қув шундан кейин яна шиддатлироқ авжига минар ва уларнинг ҳаммалари — қочаётганлар ҳам, қуваётганлар ҳам — шу бераҳм борликнинг банди балолари ҳарс-ҳарс қилиб, тиллари бир қарич осилиб, ўлар ҳолатга етиб жон-жаҳдлари билан югуришар, қандай бўлмасин, ишқилиб, яшаш, омон қолиш учун азиз қонларини олов қилиб ёқишар, энди бу қувғиндилару қувиб борувчиларни худованднинг ўзи тўхтатмаса, бошқа ҳеч кимнинг бу нарса қўлидан келмас, зотан, гап ўлиш ё қолиш устида борар, бинобарин, бундай кўз кўриб қулоқ эшитмаган қувди-қувдига дош беролмаган, олишув учун яратилмаган бўриларнинг юраклари ёрилиб кетар ва улар чанг-тўзонга қоришганча ерга қулар, жон таслим қилар эдилар, қувиш-қочиш эса бир зум бўлсин сусаймас, осмон довул турган каби қортўзон билан қопланар, ҳолдан тойиб йиқилган бўрилар, мабодо, ўлмаётган қолган тақдирларида ҳам, бу ерларда турмай, бошқа ёқларга бош олиб кетишар, кейин заррача ҳам қаршилиқ кўрсатмайдиган, ҳатто қочишга ҳам уриниб кўрмайдиган ювошгина қўй сурувларини бўғизлаш билан машғул бўлар эдилар: тўғри, бу ерларни ҳам хатарсиз деб бўлмасди — тағин буниси барча хатарлар ичида энг хатарлиси эди — бу ерларда подаларга одамлар қарашарди, қўй-қўзиларнинг худоси ҳам, қўй-қўзиларнинг қули ҳам шулар эдилар, булар ўзлари кун кўрардилару, лекин бошқаларга сира кун бермас, айниқса, уларга қарам бўлмаганларни, ўз эрки билан яшашга уринганларни қўймас эдилар...

О, одамлар, одамлар — одамхудодлар! Ўша одамлар ҳам азалдан Мўйинқум сайғокларини овлаб келадилар. Аввалда улар отларга миниб, устиларига териб ўтишиб, ўк-ёй отиб келдилар, кейин милтиқ кўтариб варанг-варанг ўк қўйиб айюҳаннос кўтардилар, у ёқдан-бу ёққа ҳалоқунинг итидай от қўйиб чопдилар. Сайғоклар эса тўда-тўда бўлиб дам у ёққа, дам бу ёққа қочишар, ниҳоят, чексиз саксовулзорлар ичра қойиб

бўлишар эди. Ана, энди уларни топиб кўр-чи! Булар ҳам ўтиб, одамхудо-лар кейин сайғоқларни машиналарга миниб қира бошлашди. Худди бўрилар каби сайғоқларни аввал ҳолдан тойдириб, сўнг милтиқлари билан кирон солишди. Ундан ҳам ўтиб, одамхудо-лар вертолётларда учиб келишди, кейин сайғоқларни улар ўтлаб юрган ерлардан топишиб, белгиланган жойларига ҳайдаб, қуршаб олиб келишди, бу пайт ерда, машиналарда пойлаб турган мерганлар тезликни юз-юздан ошириб таъкиб қилишга тушар, вертолётлар эса тепадан уларга йўл ва нишон кўрсатиб турардилар. Машиналар, вертолётлар, тезотар милтиқлар зулмидан Мўйинкумнинг ҳаёти остин-устин бўлиб кетди. Сайғоқлар учун охирзамон, қиёмат-қойим бошланди.

Кўккўз Акбара унда анча ёш эди. Бўлажак жуфти Тошчайнар эса ундан пича каттароқ эди. Улар бўри тўдаларига кўшилиб ов қилишнинг машқини ола бошлашди. Бошда улар олғир бўрилар билан тенглашолмай, ерга қулаган, чалажон ҳолда йиқилган кийикларни бўғизлаб, қорнини ёриб юришди. Сўнг ўзлари куч-қувватга тўлиб, кўп бўриларни ва айниқса, қари бўриларни орқада қолдириб кетишди. Ҳаммаси табиатнинг ўз йўл-йўриғи билан борганда, улар кўп ўтмай бўри галаларининг серкаси бўлардилар. Бирок икки ўртада ҳеч хаёлга келмаган ишлар рўй берди...

Йил йилга тўғри келмас экан. Ўша йили кўкламда сайғоқлар хўп баракали қулунадилар — кўплари эгизак туғди. Ўтган куз ойлари, сайғоқлар куйиккан кезлари кунлар илиқ келди, уст-устига ёгин-сочин тушди, шундан сўнг қуруқ чексиз сайхонларда икки марта майса кўклади. Ўт-ўлан мўл-кўл, болалаш ҳам шунга яраша эди. Кўз ёрийдиган пайт келганда сайғоқлар эрта кўкламдаёқ Мўйинкумнинг энг ич-карисидаги қор тушмас қумликларга кетиб қолишади. Негаки, бу томонларга бўрилар яқин йўлай олмас, бунинг устига барханларда сайғоқларни қувиб етадиганнинг ўзи йўқ эди. Қумликларда кийик қувмоққа йўл бўлсин. Бирок куз ва киш ойларида сайғоқлар чўл, чала саҳроларга тушиб келган маҳаллар кўкёл галалари ўз ҳиссаларини ошиғи билан оладилар. Худо берди қашкирларга, дегани ана ўшанда бўлади. Ёзда кунлар қаттиқ исиб кетганда, бўрилар сайғоқларга тегмайдилар. Бу ёқда шундоқ тумшуклари тагида бошқа емишлар тўлиб-тошиб ётмайдими. Суғурлар киш уйқусидан чиқишиб, тамоми саҳро бўйлаб югургилашиб юришади. Бошқа махлук ҳамда жониворлар йил бўйи еб-ичиб, умргузаронлик қиладиган нарса-ларга улар фақат ёз ичи етишадилар. Ана шунда суғур галаларининг беҳаловат югур-югурларини кўринг. Улар хавф-хатарга ҳам қарамай қўядилар. Ана шунда бўри деганининг куни туғади. Суғур ови бошланади. Ахир ҳар нарсанинг ўз вақти-соати бор-да. Кишда суғур анқонинг уруғи. Ёз ойларида бўрилар илвасин, каклик-каркилдак каби қушлару жониворларни ўлжа қилиб кун кечир-ишади. Лекин энг улуг ови — сайғоқ ови кузда бошланади. Сўнг то киш оёқлагунча чўзилади. Ҳар нарсанинг ўз вақти-соати келади.

Чўлу даштларда ҳаётнинг шу маромда тебраниб туриши табиатнинг адолатидан бўлса керак. Мўйинқумда азал-азалдан бери давом этиб келаётган тирикчиликнинг бу йўриғини ё табиий офат ва ё инсон боласигина издан чиқариб юбориши мумкин эди...

II

Тонгга яқин чўлга салқин тушди. Ер юзидан неки қимирлаган жонзот бор бари енгил нафас олди. Утиб бораётган дим, таффот тун билан шўр босган тала-тузни ўртаб, сарғоонинг оппок алангасида ёндириб юборадиган кундуз ўртасидаги энг рохатижон пайт шу эди. Ерга кўк сурмаранг шуъаларини сочиб, Мўйинқум узра сарик тўлин ой чикди. Қаеридан қараманг, бу ернинг боши ҳам, охири ҳам кўринмасди. Чор атроф олис-олисларгача қорайиб борар ва серюлдуз осмон билан қўшилиб кетар эди. Тунги ўлик сукунатга жон кирди, илондан бўлак барча жониворлар тонг палласидан баҳра олиш учун ғимирлаб қолди. Чангал-чангал бўлиб ўсган жилғин буталари тағларида полапонлари чийиллаб қушлар уйғонди. Типратиканлар ер искаб югургилади. Туни бўйи тинмай чириллаган чирилдоқлар яна бошқатдан хуружга кирди. Уйқудан уйғонган суғурлар инларидан бошларини чиқариб, ҳар томонга аланг-жаланг боқишиб, саксовул тагига тўкилган уруғларни терсакмикин, термасакмикин, дегандай уйқутираб туришарди. Каттакон япалоққуш бешта бўз учирмаси билан бирга ўзаро чакчақлашиб, чакиришиб, бир-бирларидан айрилмай дам учиб, дам кўнишар эди. Бошқа турли-туман жониворлару махлуқлар оқариб келаётган чўл тонгида бири олиб бири қўйиб уларга жўр бўлишарди...

Кўккўз Акбара билан Тошчайнарнинг бошлари ковушган биринчи ёз кунлари эди. Улар энди ўзларини катта овларда чопиб чарчамас зўрабор бўри эканликларини кўрсатишган ва Мўйинқум бўрилари орасида таниқли эдилар. Икковининг бахтига — чўл жониворлари орасида ҳам бахтли ҳамда бахтсизлари бўлса керакким — табиат Акбарага ҳам, Тошчайнарга ҳам чўл жондорларига ўта зарур бўлган муҳим сифатларни мўл-кўл берган, иккови ҳам жуда сезгир, овни олдиндан яхши хис қилишар ва кўзлашар, кучлари таналарига сиғмас, чопағон ва босағон; шиддаткор эдилар. Ҳаммаси келажакда бу икки бўрининг ови бароридан келишидан, уларга тирикчиликнинг барча азоблария рохатлари ҳам тўла ёр бўлишидан, қисматларида неки ёзилган бўлса, баридан қочиб қутулолмасликларидан дарак берарди. Ҳозирча Мўйинқум чўлларида ёлғиз ҳукмрон бўлишга уларга ҳеч қандай куч тўсқинлик қилолмасди. Ҳали одамлар бу чўлларга кўпда қадам босмаган ва бўрилар ҳам улар билан сира тўқнашмаган эдилар. Табиатнинг уларга ато этган яна бир инъоми шунда эдики, бошқа барча жониворлар каби бу йиртқичлар ҳам эртага нима бўлади, деб ташвишланмай, қўркмай, қалтирамай кун кечирардилар. Одил табиат

азалдан махлуқларни тирикликнинг бу қарғиш теккан ташвишидан халос этган экан. Гарчи табиатнинг худди мана шу инъомида жамийки Мўйинқум жониворлари бошига қора кун, хун-бийрон қиргин солган бир куч ҳам яширин эди. Лекин жониворларнинг ҳеч бири буни фаҳм-ламасди. Бош-кети йўқ Мўйинқум қанчалар чексиз ва худудсиз бўлиб кўринмасин, Осиё қитъасининг харитасидан нимсирғиш тусга бўялган бармоқ изича бир жой эканлигини англамасдилар. Йилдан йилга бокиладиган мол кўпайяпти, янги қудуқлар казишиб, ўтлок жойлар излашиб, Мўйинқумни тўрт томондан қисиб келишяпти. Каналлар қазилляпти, йўллар ўтяпти. Мўйинқум атрофларида дунёда энг йирик газ қузури ётқизилиб техника билан қаттиқ қуролланган одамлар машина, моторларга ўтириб, ёнларига сув ғамлаб олиб, радиоалоқа ёрдамида ҳар қандай дашту саҳро ичига, шу жумладан, Мўйинқумга шитоб билан кириб боряпти. Лекин булар келажакда наслар фаҳр-либ юришига арзийдиган кашфиётлар қиладиган фидокор олимлар эмас, ҳар кимнинг қўлидан ҳам келаверадиган ишни бажарадиган оддий кишилар. Чек-интихоси кўринмаган, ҳеч қандай бало-қазо йўлай олмайдигандек туюлган Мўйинқум саҳросини мана шу жўнгина одамлар тўрт тарафдан қисиб кела бошлашди. Бироқ инсон ҳаёти-нинг жуда ҳам одми ва жўн кўринган ишларида яхшилик билан ёмонлик қўшилиб кетганлигини Мўйинқум жониворлари қаердан билсинлар. Бу ерда ҳамма нарса одамларнинг ўзларига боғлиқ эди — улар инсон жамоатчилиги учун одатий бўлиб қолган бу нарсаларни нималарга йўналтирар эканлар: яхшиликками ё ёмонликка, тузишгами ё бузишга — буни саҳро махлуқлари қаёқдан билсинлар. Одамлар ақл-идрок билан иш юрита бошлаган замонлардан бери ўзларини ўзлари билишга уриниб келаятганликлари, ўз чигал ишларидан сира қутулиб кетолмаётганликлари ва азал-азалдан нима учун ёмонлик доим яхшилик устидан ғолиб чиқади деган муаммони, бошларини қотириб келаятган жумбоқни ечолмаётганликларини забонсиз махлуқлар қаердан билсинлар...

Одам боласининг мана шу каби ишлари, йўл-йўриқлари Мўйинқум жониворларига мутлақо қоронғу эди. Бинобарин, бу нарсалар уларнинг сезимлари, тажрибалари ва умуман, табиатларида йўқ эди. Хулласи калом, ҳозирги кунларгачайин Осиёнинг шу буюк ярим чўл, ярим саҳро жазирамаларида дарахт бўлиб дарахтмас, чўп бўлиб чўпмас, аммо тошдай қаттиқ, метиндай мустаҳкам, темир арқон каби чийралган, қурғоқчиликка чидамли жингилзорлари, қумлок саксовулзорлари, какра ўтлари ва ҳаммасидан ҳам ой шуъбаларида, кун ёруғида олтин тусли шаффоф ўрмон каби ловуллаб ёнадиган, ичига қирган ҳар қандай зот бошини кўтарган заҳоти тўрт томондан баравар кўзга ташланадиган чий қамишзорлари бўлган шу даштлардаги жонзотлар-нинг яшашига ҳеч нарса тўсқинлик бермай келарди.

Янги бўри хонадони — Тошчайнар билан Акбаранинг қисмат-лари мана шу ерларда кечадиган эди. Бу орада махлуқлар ҳаётида

жуда муҳим бир воқеа ҳам бўлиб ўтган, Акбара учта тукқан эди. Бу унутилмас воқеа Мўйинқумда ўша кўклам чоғи жингил чангалзор орасида, кекса саксовул тагидаги ўнгирда рўй берган эди. Бу уя бўри болаларини сайрга олиб чиқиш учун жуда қулай эди. Бўричалар анча тиккайиб қолишган, қулоқларини диккайтириб туришар, лекин бир-бирлари билан ўйнаган, думалашган чоғларида қулоқларининг шалпайиб тушгани билан ишлари йўқ эди. Улар энди оёқда анча маҳкам турадиган бўлиб қолган, ҳар бирлари ўзларига яраша феъли ҳўй орттирмоқда эди. Катта бўрилар овга чиқадиган пайтлари улардан қолмай эргашардилар.

Яқинда бўрилар бир кеча-кундуз овда бўлишди. Ов қутилмаган фалакат билан туғашига оз қолди.

Ўшанда Акбара тонг қоронғусида бўриваччаларни эргаштирганча Мўйинқумнинг овлоқ бир чеккасига йўл олди. Ўша ерларда, бепоён даштларда, айниқса, нимқоронғи сойлар, ўйдим-чуқур жарликларда ҳушни ажабтовур элитиб, бошни айлантирадиган ғалати ўт-ўланлар кўп ўсиб ётарди. Бўйи бардан урадиган, қорайиб ётган, бўғриққан мана шу ўтлар ичида уларнинг турфа ўткир чанг-ҳидларини бирпас димоғингга тортиб кезсанг, бирдан ўзингни осмонда учиб кетаётгандек, ҳавода сузаётгандек енгил ва хушқайф сезасан, кейин беҳол ўйқу босади. Акбара бу ерларни бўриваччалигидан бери билар, банг ўт гуллайдиган кезлар бир келиб кетган эди. У йўл-йўлакай чўлнинг майда жониворларини чангалидан ўтказиб, қуюқ ўтлар орасида айланиб юришни, улар устида ағанаб ётиш, ўткир исларни ичига тортиш, сўнг қанот чиқаргандай бўлиб учиб ва ниҳоят, хуморланиб ухлаб қолишни яхши кўрар эди.

Ҳозир эса улар Тошчайнар билан ёлғиз ўзлари эмас, орқаларидан оёқлари беўхшов ва узун бўричалар ҳам эргашиб келар эди. Бундай сафарлар пайтида бўри болалари иложи борица кўп нарсаларни билиб, ўз мулқатларини кичикликдан яхшилаб ўзлаштириб олишлари керак эди. Урғочи бўри эргаштириб бораётган мулк чеккасидаги хушбўй ўтлоқларга ҳам шу бўрилар эгалик қиладилар. Ундан у ёғи бегона маконлар эди, у томонларда одамларга дуч келиб қолиш ҳеч гап эмасди. Ўша кўз илғамас ёқлардан гоҳо куз шамолларининг увиллашидай паровоз товушлари қулоққа чалинар, у ёқлар бўриларга мутлақо ёт эди. Улар Акбара етагида ўз мулкларининг энг чекка ёқаси томон кетиб борардилар.

Акбаранинг орқасидан Тошчайнар лўкиллаб боряпти. Бўричалар эса жонлари ичига сиғмай, дам сайин шўхлик қилишади. Ўйнашиб олдинга ўтиб кетишади. Лекин Акбара уларнинг бебошлик қилишларига изн бермайди. Ҳеч бир махлуқ унинг олдида тушмаслиги керак.

Бошида саксовулзорлар ва чўл шувоклари босган қумлоқ ерлардан боришди. Кун тобора юқорига кўтарилиб, ҳаво одатдагидай очик

ва иссиқ бўлишидан дарак берди. Окшомга тортиб бўри тўдаси чўлнинг чеккасига етиб келди. Хали кун ёруғ эди. Ўтлар бу йил баланд бўлиб ўсган, улар ичида юрган бўриларнинг ёлларигина кўринарди. Банг ўтнинг кун бўйи офтоб тифида қизиб ётган тук босган шохчаларидаги кўзга унчалик ташланавермайдиган гуллари кучли хид таратарди, айниқса, ўт қалин ўсган жойлардан хид ғоятда ўткир ва куюк эди. Узок йўл босиб келган бўрилар кичикроқ бир сой ичида дам олишди. Тинмағур бўри болалари чарчок нималигини билмай атрофда ўмбалок ошишар, ер искашар, хид олишар, ҳар нарса уларга кизик кўринарди. Бўриларнинг қоринлари тўк, бинобарин, кечаси шу ернинг ўзида тунаб қолсалар ҳам бўлаверарди. Йўл-йўлакай бир неча семиз-семиз суғур билан битта куён тутиб ейишган, бир қанча қуш уяларини тинтишган, сўнг йўлда учраган жарликдаги булоқдан тўйиб-тўйиб сув ичишганди. Лекин ўртада қутилмаган бир воқеа юз бердиким, шундан сўнг бўрилар бу ерларни жадаллик билан тарқ этишга, орқага, сахро ичкарасидаги уяларига қайтишга мажбур бўлдилар. Улар тун бўйи йўл босдилар.

Воқеа бундай бўлди. Кун ботиб борарди, Акбара билан Тошчайнар банг ўтнинг хидидан маст, хумор ҳолда ўт-ўланлар узра чўзилишган эди. Шу пайт яқин атрофдан қулоқларига одам саси эшитилди. Одамни бошқалардан бурун жар ёкасидан ўйнаб, қувалашиб юрган бўри болалари кўрдилар. Улар баногоҳ пайдо бўлган ушбу ғалати хилкат одам эканлигини ҳатто хаёлларига ҳам келтирганлари йўқ. Япроқдай иштон, яланг оёғига кеди, бошига янгилгида оқ, ҳозир эса бутунлай яғирлашиб кетган панама кийган махлуқ яланғоч ҳолда банг ўтлар орасида телба каби чопиб юарди. У ўт қалин ўсган жойларни танлаб дам у ёққа, дам бу ёққа лўкиларди, бундан маза қилаётганга ўхшарди. Бунақасини умрларида биринчи маротаба кўриб турган бўри болалари андак чўчиб, андак ажабланиб писиб-нетиб қараб қолишди. Анави махлуқ эса, худди жин теккандек, нари бориб, бери чопиб келишини кўймасди. Бўри болалари кўркувдан ўзларини ўнглаб, юраклари қизиди. Лўкиллаб чопиб юрган, баданида туки йўқ, икки оёкли ғаройиб махлуқ билан ўйнагилари келди. Шу пайт қип-яланғоч одамнинг ўзи ҳам бўричаларни кўриб қолди. Ҳайрон қоладиган ери шундаки, бу ерда қашқир болалари нима қилиб юрибди, деб ўйламай, хушёр тортмай, бу эси йўқ кўлларини олдинга чўзиб, бўри болаларини эркалай бошлади.

— Вой, булар нима?— дер эди у юзларидан оқиб тушаётган терларни сидириб.— Бўри болалари эмасми? Ё бошим айланиб, кўзимга шундоқ кўриняптими? Йўқ-эй, учаласи ҳам катта-катта бўлиб қолган бўри болалари-ки! Вой, менинг бўривойларим! Йўл бўлсин? Қайдан келдингиз? Қайси орасисиз? Бу ерларда нима қилиб юрибсиз? Мени-ку ёмонлигим бу ерларга хайдаб келди, сизлар-чи! Бу чўлларда, қарғиш теккан бу банг ўтнинг ичида нима қиляпсиз? Қани, маҳ-маҳ, бери келинлар, кўркма, кўркма, маҳ-маҳ! Вой, тентак бўривойларим-эй!

Эсипаст бўри болалари одамнинг эркалатганига чиндан ишониб, куйрукларини ликиллатиб, букилиб-букилиб бағирларини ерга теккизиб кувлашмачок ўйнаш иштиёкида якинлашиб бора бошладилар. Лекин шунда жар ичидан Акбара отилиб чиқди. У вазият қанчалар хатарли эканлигини кўз очиб-юмгунчалик вақт ичида англаб етди. Акбара босиқ ириллаб, чўл қуёшининг қизғиш шафакларига беланган яланғоч одамга ташланди. Шу сакраганда унинг қорнини ёриб ташлаши ёки кекиртагини узиб олиши ҳеч гап эмасди. Ҳалиги киши эса ўқдай отилиб келаётган бўрини кўрган захоти кўрқувдан кўзлари ола-кула бўлиб кетди, эс-ҳушини йўқотиб, бошини қўллари билан пана қилганча чўккалаб ўтириб қолди. Ана шу уни қутқарди. Ўқдай учиб келаётган Акбаранинг фикри яшин тезлигида ўзгарди. У яланғоч ва ҳимоясиз, бир зарбалик ҳоли йўқ одамнинг устидан қуюндай ўтиб кетди. Шунда одамнинг чехрасини, кўрқувдан қотиб қолган кўзларини кўрди. Акбара одам танасининг хидларини сезди. У яна бир ирғиб ўзини одам устидан орқага отди ва болалари ёнида пайдо бўлди, уларни думчаларидан оғритиб тишлаб, шиддат билан жар ёқасига суриб хайдаркан, Тошчайнарнинг рўпарасидан чиқди. Тошчайнар одамни кўрган, унинг баҳайбат ёллари кўрқинчли хурпайган эди. Акбара уни ҳам нари суриб, бир тишлаб олди ва орқасига қайирди. Сўнгра ҳаммалари жар ичига тушиб кетдилар ва кўз очиб-юмгунча ғойиб бўлдилар...

Шундан кейингина бояги одамнинг эси жойига келди, у ўрнидан дик этиб туриб қоча бошлади... Орқасига қарамай, нафас чиқармай чўлда анча ергача чоғиб борди...

Акбара галасининг одам билан тўқнашуви биринчи маротаба мана шундай юз берган эди... Бунинг оқибати нима билан тугашини ким билибди дейсиз...

* * *

Кун оғди. Ботиб бораётган қуёшдан оташин ҳарорат ёғилар, унга кун бўйи қизиби ётган ердан кўтарилаётган тоқат килиб бўлмайдиган иссиқ ҳовур қўшилди эди. Қуёш ва чўл азалдан муқоясада: кунга қараб чўлнинг — офтоб ўз сепларини ёйган маконнинг қанчалар чексиз эканлиги билинади. Чўл осмонининг бепоёнлиги эса калхатларнинг баланд парвозларидан аён. Ўша кунботар чоғи Мўйинқум чўллари узра кўз илғамас юксакларда бир тўп айридум калхатлар учиб юришарди. Улар ҳеч нимани мўлжалга олмай, қанотларини кенг ёзиб, билинар-билинемас уқпар парда билан қопланган, доимо салқин кўк денгизда роҳатланиб сузишарди. Улар худди ушбу вақт ва ушбу осмоннинг азалийлиги ҳамда ўзгармаслигидан хабар бергандек, бирининг орқасидан бошқаси давра солиб айланишарди. Ўша онларда калхатлар ўзларидан узокда, пастда, қанотлари остида нималар бўлаётганлигини жимгина томоша қилишарди. Уларнинг кўзлари ўткир, ҳамма нарсани

кўради (ҳа, аввал кўради, сўнг эшитади). Худди мана шунинг учун ҳам улар чўл осмонининг энг буюк йирткичлари ҳисобланишар, гуноҳкор ер узра эса фақат ўлжа олиш ва тунаш учунгина кўнар эдилар.

Афтидан, ўша дақиқаларда ўша кўз етмас баландликдан уларга чоғроқ тепа устида ола-қуроқ бўлиб ўсган жилгинлар ва тилладай жилвиллаб ётган чийлар орасида жойлашган арлон бўри, серка бўри ва уч бўри боласи аник-тиник кўринган бўлса керак. Бўрилар юксакда калхатларга томоша бўлаётганларини хаёлларига ҳам келтирмай, иссиқдан тилларини осилтирганча дам олиб ётишарди. Тошчайнар ўзига жуда ёқадиган ҳолатда, олдинги оёқларини чалиштириб, бошини баланд кўтарганча чўзилган. Бу ғажиб бўри бошқалардан пот-ҳайбати, келбатининг зўри билан ажралиб турарди. Унинг ёнида калтабакай, йўғон думини тагига босиб, худди тошдан йўнилган санамдай бўлиб серка Акбара чайир қўлларини ерга маҳкам тираганча узала тушган. Қанжикнинг оқариб кўринган кўкраги, энди анча шалвираб қолган эмчаклари, ичига ботиб турган икки биқини унинг куч-қудратга тўлганлиги, бели жуда бақувват эканлигидан дарак беради. Бўричалар эса учовлон шу атропода ғужғон ўйнашади. Уларнинг тиниб-тинчимасликлари, энтак-тентак шўхликлари, ҳадеб суйқалиб осилаверишлари катта бўриларнинг зиғирча бўлсин ғашига тегмасди. Майли, тўйиб-тўйиб ўйнаб олишсин, дегандай қарашарди...

Калхатлар эса, ҳамон кўкда парвоз қилганча, пастда, Мўйинқумда, кунботар чоғида нималар бўлаётганига совуқ назар ташлашарди. Бўрилар тўдаси жойлашган ердан бир оз нарироқда кенг жилгинзорлар оралаб окқуйрук сайғоқлар ўтлашарди. Бу суруқдан пича нарида бутазорлараро яна бир каттакон пода ёйилганди. Калхатлар кийикларга қизиқиби қараганларидами, ўнлаб чақиримга чўзилган чўлнинг икки томони ҳам юзлаб, минглаб сайғоқларнинг подалари билан тўлганлигини пайқашар эди. Сайғоқлар ярим сахро-ярим чўл мана шу ўнғай ерларни қадим-қадим замонлардан бери ватан қилиб кўпайишиб келадилар. Сайғоқлар кечки иссиқ қайтишини кутиб, кеча салкинда олис-олисларда жойлашган булоқлар сари йўл оладилар. Айрим сайғоқ подалари ҳозирнинг ўзида тўп бўлиб сув ичгани йўлга тушмоқда эди. Сув деб улар жуда узоқ масофаларни босиб ўтадилар.

Сайғоқ суруқларидан бири бўрилар ётган тепалик ёнидан ўтиб борар, жилвираган қуроқ чий орасидан окқуйруklarнинг шувиллаб ўтиб турган сағри ва биқинлари, така кийикларнинг шохлари туртиб чиққан, ерга томон эгилган каллалари кўриниб қоларди. Улар ҳавонинг ортиқча қаршилигига учрамаслик учун доимо бошларини қуйи эгиб юрадилар ва бир зум ичида шиддат билан югуриб кетадилар. Табиатнинг ўзи уларни шундай қилиб яратган, улар ҳар қандай хавф-хатардан бемалол қочиби қутуладилар. Сайғоқларга шу афзаллик ато этилган. Сайғоқлар ўзларига тинч пайтларида, бафуржа бораётганларида ҳам, бир маромда, сира чарчаш нималигини билман. Бўрилардан

бошқа хеч бир махлукқа тутқич бермай йўртиб кетаверадилар. Кийикларнинг сон-саногии йўк, уларнинг кучи ҳам мана шунда...

Ҳозир улар буталар орасида ётган Акбара галасини ёнлаб ўтиб боришар, ортларидан шамол кўтарилар, шамолга поданинг чанг-тўзони ва бадбўй тер хидлари аралашиб кетган эди. Тумшукларига урилган бу ислардан бўри болаларининг қонлари кўпирди. Учовлари ҳам ҳавони ютокиб искашар ва нималигини ўзлари ҳам билмаган ҳолда ўша қонларни жўштирадиган пода иси анкиётган томонга, чийлар оралаб ўтиб бораётган бўлик таналарга ташланмокчи бўлишарди. Бирок катта бўрилар — на Акбара ва на Тошчайнар жойларидан кимирладилар. Ваҳоланки, улар бир сакрашда подага етиб олишлари, унга даҳшат ва кўрқув солиб ўтиб кетишлари, ҳаёт-мамот талашувида жониворларни буткул ҳолдан тойдириб, сўнг бир қанчасини қаптастик билан ерга ағанатиб, бўғизлаб ташлашлари мумкин эди. Ҳа, шундай қилса бўларди. Бунинг кийин жойи йўк эди. Лекин омад келмай ўлжани қўлдан чиқариб юбориш ҳам хеч гап эмасди. Бунақаси бўлиб туради. Ишқилиб, Акбара ҳам, Тошчайнар ҳам суруқлар ортидан қувишни хаёлларига келтирмадилар. Ўлжа шундок ёнларидан ўтиб бораётганига қарамай ўринларидан жилмадилар. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор эди. Ўша қуни уларнинг қоринлари тўк эди. Қорин тўқида, куннинг шу иссиғида кийикларни қувиш, қутуриб ов қилиш ўлим билан баравар эди. Лекин гап бошқа ёқда. Мухими, хали бўричаларнинг ов қиладиган пайти келмаган эди. Улар қув-қув, чоп-чопга дош беролмай, ўлжани ололмай шахдини йўқотиб қўйиши мумкин эди. Юрагини олдириб қўйган, шашти қайтган бўри бўри бўлмайди. Ҳали киш кирсин, катта овлар бошланади, ана ўшанда кучга тўлган, вояга етган бўрилар нималарга қодир эканликларини кўрсатиб қўядилар. Ўзларига ишонч орттирадилар. Ҳозирдан ишнинг пачавасини чиқаришнинг ҳожати йўк. Лекин вақт-соати келсин, ўшанда кўринг буларни! Зўр маърака бўлади ўшанда!

Акбара ов тамайида ўйноқлаб, ирғишлаб ўзига осилаверган бўри-ваччалардан безор бўлганда бошқа жойга сакраб ўтарди. Чийларнинг кумуш укпарлари оралаб худди урчийдиган пайти дарёдан юқорига қараб сузган балиқлардай ҳаммаси бир томонга қараб бораётган кийиклардан кўзларини узмай қараб турди. Кийикларни бир-бирларидан сира ажратиб бўлмасди. Акбаранинг нигоҳидан, майли, ҳозир ўтаверинглар, яшаганча яшаб қолинглар, лекин вақти соати келадики, саҳрода нимаики бўлса, яна саҳронинг ўзига қайтади, ундан асло қочиб қутулолмайди, деган маънони уқиш мумкин эди. Бу орада бўри-ваччалар мудраган Тошчайнарга осилиб, тирмашиб, ўрнидан қўзғаш пайдан бўлишарди.

Шунда Акбара бирдан буюк саҳрога тушадиган кишнинг илк қуналарини тасаввурига келтирди. Тонгга яқин ҳаммаёқ оппоқ қор билан қопланади. У ярим кун, узоғи билан бир кун туриб, сўнг эриб кетади. Лекин ўша қор бўриларга катта овлар палласи келганлигидан

дарак беради. Шундан эътиборан бўриларнинг эс-хушлари сайғок овида бўлади. Ўша дориламон кунлар ҳали келади. Сойликларни туман ўрайди. Оппок, мунгли чийларни киш қирови босади. Жилғинларнинг қалин шохлари қор юкини кўтаролмай эгилиб тушади. Ҳарорати қайтган чўл қуёшининг бети ҳовурланиб туради. Урғочи бўри ўша кунни кўз олдига шу қадар равшан келтирдик, бирдан сесканиб кетди: ўпкасига муздай киш хавоси киргандай туюлди, гўё ғуж юлдуз каби пишиқ панжалари қор бетига тушгандай, ўз таниш изларини ҳам, ўсиб-улғайиб, феъл-атвори ҳам анча белгили бўлиб қолган болаларининг изларини ҳам, буларнинг барига ёнма-ён йирик, қудратли, тирноқ ўринлари худди каттакон қушнинг қайрилган тумшугидай ўйилиб тушган излари — Тошчайнарнинг омонсиз изларини ҳам равшан ўқигандай бўлди. Кенг ўмровли, бароқ тўшли Тошчайнарнинг панжалари қорга чуқур ботади, унинг куч-қудрати босган изидан ҳам билиниб туради. Тошчайнар сайғокларнинг кекиртақларига қадалган ханжар, у чалиб ўтган сайғок қизил қони билан чўл қорини бўйайди. Гўё қонга беланган қуш қанотларини тапирлатиб қор бетига ётгандай. Бировнинг қони — бошқа бировга ем. Бирининг қонини ичмаса, иккинчиси яшолмайди. Азал-азалдан шундай, тирикликнинг бошқа йўсини йўқ. Бунга ҳеч ким қозилик қилолмайди. На ҳақ бор бунда, на ноҳақ. Ким бировнинг қонини ўзга биров учун ем қилиб яратган бўлса, айб ўшанда. (Фақат одам боласигина бошқача қисмат билан яралган: у нонини заҳмат чекиб топади, заҳмат чекиб эт топади. Одам ўз табиатини ўзи бино қилади.).

Мўйинқумнинг илк қорига тушган бояги ғужум юлдуздай катта-кичик излар — бўрининг турқум панжалари сойларнинг туманлари оралаб боради-боради-да, шамолдан пана бир жилға бўйида, буталар орасида тўхтайди — бу ерда бўрилар маслаҳат маърака қиладилар: ким қувишга боради, ким пистирмада қолади...

Эҳ, бир қуни орзиқиб қутилган дамлар ҳам келади — Акбара қор узра қорни билан судралиб, тўнғиб қолган ўтларга суйқаниб, билинар-билинемас нафас олиб, ўтлаб юрган сайғокларга оҳиста яқинлашиб боради, кўзи уларнинг ҳозирча осуда бокқан кўзларига тушади ва шунда бирдан соядай сапчийди. Ана энди кўринг бўрининг қуни тук-қанини! Акбара бўривачаларига сабоқ бўладиган ўша биринчи овни шунчалар яққол тасаввур қилдики, беихтиёр инграб юборди ва сакраб туриб кетишдан ўзини базўр тийиб қолди.

Оҳ, ўша илк киш кунларидаги чўлдаги ов! Сайғок суруқлари ўтдан қўрққандан баттар қўрқиб, қутуриб қочишга тушади. Қорнинг оппок бети бир зумда қора чўтирга айланади. Акбара ҳаммадан олдинда улар ортидан қувиб боради. Ёш бўрилар — унинг қонидан бўлган насл ортда қолмай чопади. Ахир қазову қадар уларни худди мана шу соат, мана шу ов учун дунёга келтирган; улардан сал нарида ҳайбатидан от ҳурқадиган, елдай илдам, қудратли Тошчайнар; унинг мақсади битта: сайғокларни пистирма ётган томонга ҳайдаб бориш, ана ўша

ерда у ўғлонларига ов қандай бўлишини кўрсатади. Ана қув-қув, ана ов! Акбара учун бунда ўлжа олишдан ҳам завқлироқ бошқа нарса бор. Ҳа, ов фасли тезроқ кела қолсайди, чўл бағрида ҳайё-ҳайт қувғин солиб, қушдай учиб кетса... бўри ҳаётининг кизиги шунда, лаззати, гумори шунда...

Табиат урғочи бўрига шундай хаёл ато этган. Яна тагин ким билади, шу сирли хаёлларни кейинчалик аччиқ алам, чидаб бўлмас ўкинч билан эслар. Ажабмаски, булар дардли армонга айланар ва тез-тез тушларига кирар... Ўша хаёллардан балки факат надомат қолар, хуноба ёшлар қолар. Ахир хаёл деган нарсанинг ўзи бошида кўнгил мулкида шундай хаволаниб пайдо бўлди-ю, сўнг кўпинча илдиз отмай япроқ ёзгани учун муқаррар талафотга юз тутади. Худди баъзи гуллар ва дарактлар каби... Қурук ҳавойи хаёлнинг қисмати бошқа нима ҳам бўларди. Яхшилик билан ёмонлик нисбатларини англашнинг аччиқ зарурати ана шундай...

III

Мўйинқумга киш тушди. Бир марта қор ҳам ёғиб ўтди. Хийла қалин ёғди, аммо узоқ турмади. Эрталаб жамики чўлу саҳрони худди тўлкинлари югуриб кета туриб бирдан қотиб қолган оппоқ уммонга айлантириб юборди. Оқ муҳитда қамғокларни тиркиратиб қувиб юрган шамолгина ҳоким бўлиб қолди. Қумлоқларга нам сингиди. Баданига ҳўл теккан қатқалок тақирнинг бағри юмшади. Чўлга қоинот — беҳудуд осмоннинг жимлиги чўқди... Бундан сал илгарироқ саҳро тепасидан ғозлар ғағиллаб учиб ўтдилар. Улар Мўйинқум узра жуда юксакларда баланд овоза солишиб, Ҳимолай томонларга боришарди. Шимолнинг дарё ҳамда денгизларидаги ёзги қароргоҳларидан Ҳинд ва Брахмапутранинг азалдан ҳам азал сувларини мўлжал қилиб учишарди. Чўл жониворларининг қанотлари бўлсайди, улар, албатта, ғозларнинг ҳазин чорловларига жавобан ҳавога кўтарилар эдилар. Бироқ ҳар махлукнинг пешонасига ўз жаннати ёзиб қўйилган... Ҳатто юксак парвозларга ўрганган чўл қалхатлари ҳам ўз учар жойларидан узоққа кетмайдилар...

Акбаранинг болалари киш бошланишида вояга етиб, кўзга ташланиб қолишди. Ҳар бирининг ўзига етгунча феъли бор. Рост, Акбара уларга исм, атов қўйгани йўқ. Худонинг ўзи буюрмагандан кейин, йўриғидан чиқиб қаёққа ҳам борарди. Лекин Акбара одамлар билмайдиган ҳид-бўйларидан ва бошқа ўзига таниқ белгилардан болаларини яхши ажратиб олар ва ҳар бирини адашмай аниқ қақирарди. Бўричаларнинг энг каттаси худди Тошчайнарга ўхшаган қалладор эди. Шунинг учун уни Хумқалла деб фарқлайди. Ўртанчаси ҳам бўла ва йирик. Унинг оёқлари узун ва қучли эди. Вақти соати келиб у овда ҳайдовчиларга бош бўлади. Шунинг учун уни Илдам деб билади. Учинчи бўрича

эса Акбаранинг худди ўзи — кўккўз, човида оқ ямоғи бор, энасининг суюкли ўйинкароғи. Акбара уни ўз назарида Суйгиной деб атаган. Ҳали унинг бўйи етсин, эҳ-хэ, не-не умидвор ошиқлар уни деб бир-бирларига қирон соладилар...

Кечаси билинтирмай ёғиб чиққан қор ҳамманинг баҳри-дилини очиб юборди. Бўри болалари аввал уяларининг теварак-атрофини бутунлай бошқача қилиб юборган ўзларига номаълум бу галати нарсани кўриб, димокларига унинг ҳидини чуқур-чуқур тортиб, андак ҳуркиброк туришди. Кейин қорнинг роҳатбахш муздек салқини қонларини жўштириб юборди, бир-бирларини қувлашиб, хириллашиб, қорга думалатишиб, босишиб, азбаройи жонлари кирганидан инграшиб, акиллай кетишди. Уша қиш бўрининг тўнғич болалари учун мана шундай бошланди. Қиш оёклаганда, улар бир-бирларидан, ота-оналаридан ажралиб чиқадилар, ҳар бирлари мустақил ҳаётга қадам қўйишлари керак бўлади.

Кечга томон яна қор сепалаб ёғди. Эртасига эрталаб, ҳали куёш чикмасданок, чўл тиниқ ёришиб кетди. Ҳаммаёкка осуда сукунат чўкди. Қиш совуғи иштаҳаларини очиб юборди. Бўрилар галаси қулоқларини динг қила атрофга аланглаши — ўлжа қидириб чиқадиган вақт етганди. Акбара бошқа бўри галаларидан сайғоқ овини бошлаш ҳақида хабар қутмоқдайди. Ҳозирча ҳеч қандай ишора йўқ. Лекин ҳамма шунга маҳтал турарди. Хумкалланинг ўтиришини кўринг. Қулоқлари дикрайган, кўзларида сабрсизлик. Лекин овнинг қанчалик машаққатлари борлигини ҳали билмайди. Ана, Илдам ҳам ҳозир но-зир; мана, Суйгиной — онасининг кўзларига тик ва садоқат билан боқади; уларнинг ёнида Тошчайнар, нари бориб-бери келиб турибди. Ҳаммалари Акбаранинг амрига мунтазир. Лекин буларнинг бари устидан яна бир буюк ҳоким — Очлик, нафс ҳукмрон.

Акбара вақт етди дегандай ўрнидан кўзғалди, йўртиб йўлга тушди. Ортиқ кутиб бўлмасди. Бошқалар ҳам унга эргашдилар.

Акбара, болалари ҳали кичкина экан, овни қандай орзу қилган бўлса, худди шундай бошлайди. Гала-гала бўрилар бир жойга йиғилиб, чўлда катта ов бошлаб юборадиган пайт. Яна жиндак вақт ўтсин, қора совуқлар туради, ўшанда ёлғиз дайидиган бўрилар жамоага бирлашади ва то қиш охирларига қадар биргаликда ов қилади.

Акбара ва Тошчайнар унғача тўнғич фарзандларини синаб кўргани биринчи катта сайғоқ овига олиб бормоқда эдилар.

Бўрилар бирда одимлаб, бирда йўртиб чўлга қараб ичкарилар, уларнинг излари теп-текис момик қорга худди ягона қуч ва ирода рамзидай чуқур ботар, йиртқиқлар йўлларида бута келса, эгилиб ўтишар, лозим бўлса, худди соядай овоз чиқармай сакрашар эди. Энди ҳаммаси уларнинг ўзларига боғлиқ, омадларига ҳавола...

Бир ерга етганда, Акбара атрофга кўз ташлаб қўйиш учун тепалик устига югуриб чикди. Кўккўзларини чўлнинг олис-олисларига қадаганча тек қолди. У димоғи билан шамол келтирган ҳидларни

сараларди. Улуғ сахро уйғониб келарди. Кўз илғагулик енгил, харир туманлар ичра сайғок суруклари ўтлаб юрарди, суруклар жуда катта эди; уларга бир ёшга тўлган тўкли подалари ҳам аралаш эди; лекин кўп ўтмай улар ўзлари алоҳида сурук бўлиб чиқадилар. Уша йили сайғоклар мўл болалаган эдилар. Бу — бўриларга ҳам барака демак...

Акбара чий ўсган тепада бир оз туриб колди: мўлжални расо олиш, шамолнинг эсишига кўра овни қайси томондан бошлашни аниқ билиш керак эди.

Худди мана шу пайт аллақайлардан, осмон тарафдан ғалати қалдирраган товуш чикди. Чўлни шу гулдурос босди. Лекин у сира момақалдиروق сасига ўхшамасди. Нотаниш шовқин дам сайин кучайиб келарди. Тошчайнар ҳам жойида туролмай сакраб Акбаранинг ёнига кўтарилди, шунда хар икковлари ҳам қўрқиб орқаларига тисарилдилар — осмонда нимадир бўлмоқда эди. Узокда кулоқларни батанг қилиб қалдирраган қандайдир темир куш пайдо бўлди. У худди қумга тумшуғини тикиб олай деб, пастлаб, энқайиб, қийшайиб учарди. Ундан пича нарироқда яна бир худди шундай куш учиб келарди. Кейин улар кўздан йироклаб кетдилар. Шовқин-сурон аста-секин тинди. Булар вертолётлар эди.

Шундай қилиб, мисоли сувда из қолдирмайдиган балиқлардек икки вертолёт Мўйинқум осмонини тилиб ўтди. Бирок на кўк ва на ерда бирон нарса ўзгарди. Бу ҳаводан қилинган азмойиш эди. Ҳозир учувчилар қаерда, хаританинг қайси бўлагидан қанча, нима кўрганликлари ҳақида радио орқали тегишли жойга хабар бермоқда. Мўйинқумга қирадиган вездеходлар, юк прицеplarига қулай йўлларни кўрсатмоқда эдилар...

Бўриларми, уларни нима ҳам деб бўларди, бирпаслик саросимадан сўнг, улар вертолётларни эсларидан чиқариб, сайғоклар макони сари лўкиллаб жўнашди. Уларнинг ҳаммалари, барча чўл жониворлари ва йиртқичлари энди дафтарга тушганликлари ҳамда ёппасига қиргин қилишга маҳқум этилганликларини қаердан билсинлар, ахир. Бу уларнинг етти ухлаб тушларига ҳам кирмаган, буларни билиш, англашдан маҳрум ҳам эдилар. Қолбуки, уларни кириш режалаштирилган, кўп жойларда келишилган, мана, ҳозир, шу тобда қанча-қанчалаб мотор-машиналарга миниб бу ёқларга қараб йўлга тушишганди...

Чўл бўрилари ўзларининг азал емишлари — сайғоклар — одамларга гўшт топшириш планини бажариш учун керак бўлиб қолганлигини қаердан билишсин, ахир, «Ҳал қилувчи» йилнинг охириги кварталда областнинг аҳволи ниҳоятда чаток, юқори доираларда асабий ҳолат ҳукмрон эди. «Беш йиллик плани» тўлмай турарди. Шунда область бошқармасидаги ақлли устаси фаранглардан бири Мўйинқум гўшт заҳираларини «ҳаракатга келтиришни» тақлиф этди. Бунинг маъноси шу. Гўшт етиштириш муҳим эмас. Муҳими гўшт топшириш. Халқ

олдида, талабчан юкори ташкилотлар олдида юзни ёруғ этишнинг бирдан-бир йўли шу. Лекин буларнинг барини дашт бўрилари не билсинлар. Марказлардан областларга тўхтовсиз сим қоқишади. Шу куннинг қатъий талаби: қандай бўлмасин, ернинг тагидан бўлса ҳам топиб, гўшт топшириш планини бажариш керак, вассалом. Етар шунча пайсалга солингани. Беш йиллик яқунланадиган йил ахир, биз халққа нима деймиз. Қани план, қани гўшт, қани мажбуриятлар? Аммо буларни чўл бўрилари не билсинлар.

«Планни албатта тўлдирамиз,— жавоб йўлларди область бошқармаси,— якин ўн кунлик ичида бажарамиз. Жойларда қўшимча имкониятлар мавжуд. Зўр берамиз, талаб қиламиз...»

Бу орада ҳеч нарсадан асти хабари йўқ чўл бўрилари ҳамон Акбара етакчилигида юшоқ қор устидан сас-сабарсиз юриб, чекка, холи жойларни паналаб, босқин бошлайдиган ерларига келиб тўхтадилар. Ўзларини баланд ўсган чий тўплари орасига урдилар. Уларни чийларнинг қўнғир илдиз тўпларидан сира ажратиб бўлмади қолди. Акбаранинг тўдасига ҳаммаси бу ердан баралла кўриниб турарди. Яратилганларидан бери ҳаммалари бир-бирларига ўхшаш, бўксалари ок, елкалари малла кийикларнинг¹ сон-саноксиз подалари хавф-хатардан холи кенг жингилзор водийда янги тушган қор остидаги эрман, шувокларни иштаҳа билан чимдиб юришарди. Акбара пайт пойларди. Пайт пойламаса бўлмасди. Босқин олдидан нафасни ростлаб олиш керак. Ундан сўнг барчалари баравар подага ташланадилар ва дарҳол ҳайда-ҳайдани бошлаб юборадилар. Ўшанда қувиб кета туриб яна нималар қилиш кераклиги ўз-ўзидан равшанлашади. Ёш бўриларнинг тоқатлари тоқ, думларини асабий типирлатишади, қулоқларини дам тиккайтириб, дам шалпайтиришади. Оғир, босик Тошчайнарнинг ҳам қони жўшади, тишларини ўлжасининг биқинларига санчиш зуғумида ғижирлатади. Бироқ Акбара кўзларидан чакнаган ўтни яширар, бўрилари ҳали босқинга бошламас, энг қулай пайт келишини пойларди. Фақат шундай қилгандагина ов бароридан келади. Акс ҳолда сайғоқлар бир зум ичида шамолдек елиб, кўздан ғойиб бўладилар. Бошқа ҳеч қайси ҳайвон улардек тез югуролмайди. Ҳа, пайт пойлаш керак.

Шунда худди ёздаги чакиндек, осмонда яна бояги вертолётлар кўринди. Бу сафар улар тез пастлаб учиб келишди. Бемалол ўтлаб юрган сайғоқларнинг қалин тўплари устига ёпирилишди. Сайғоқлар каттик ҳуркиб кетдилар. Ҳаммаси бир зум ичида рўй берди. Юзлаб, минглаб қўрқиб кетган сайғоқлар серкаларини йўқотиб, кўзлари олакула бўлиб, ўзларини бошолмон ҳар томонга ура бошладилар. Беозор махлуқлар кўздан тушган темир балога тоқат қилолмадилар. Вертолёт-

¹ Айрим туркий халқлар, жумладан, қирғизлар бу кийикларни бўқан ҳам дейдилар. Бўқантоғ деган жойларимиз шунга ишора (*таржимон изоҳи*).

ларга эса худди шунинг ўзи керак эди. Улар қутурганча тўзғиб бораётган подаларни ерга қисиб, ўраб, ундан олдинга ўзиб ўтиб, бир подани нарида ўтлаб юрган бошқа подалар билан тўкнаштириб, аралаш-қуралаш қилиб юбордилар. Ҳеч қачон бундай офатга дуч келмаган, тўз-тўз бўлиб кетган минглаб чўл кийиклари эс-хушларини йўқотиб, у ёқдан-бу ёққа югуришар, Мўйинкумда бамисоли жаҳаннам кўпганга ўхшар эди. Чўлда ҳеч қачон бунақаси бўлмаганди. Жуфт туёқларгина эмас, уларнинг азалий ҳамроҳлари — бўрилар ҳам худди шундай ёмон аҳволга тушдилар.

Вертолётларнинг бу мудхиш босқинчилигини кўрган бўрилар ҳам эхсонлари чиққанча, писиб чийларнинг дўмпайган илдири тўплари тагига биқиндилар. Лекин бари бир юраклари дош бермай, лаънати ердан ура қочишга тушдилар. Бўрилар бу ердан иложи борича тез бош олиб кетишлари, кўздан йўқолишлари, бехатар жойга етиб олишлари керак эди. Бирок худди мана шунинг иложи топилмай қолди. Улар қочиб ҳали узокқа ҳам бормаган эдилар, баногоҳ тўфон кўчгандай ернинг гувиллагани, зириллагани эшитилди. Вертолётлар керакли томонга ҳайдаб бораётган сон-саноксиз сайғоқлар ақлдан оздирадиган тезлик билан бўрилар томонга бостириб келардилар. Бўрилар на бир чеккага қочиб чиқолдилар, на ўзларини панага олдилар. Улар йўлида нимаки учраса, ҳаммасини остин-устин қилиб, мажақлаб ташлайдиган, қора булутдай шиддат билан ёпирилиб келаётган талотум остида қолдилар. Агарда улар шу онларда бир зумгина тўхтасалар эди, кўз очиб-юмгунча сайғоқларнинг туёқлари тагида топталиб, қаро ерга қоришиб кетардилар. Бошвоғини йўқотган, ўзини мутлако идора қилолмай қолган бу подалар мисоли жонли сел каби ваҳшат солиб келарди. Бўрилар қадамларини секинлатмай ва аксинча, ваҳиманинг кучи билан янада зўр бериб қоча бошлаганлари учун ҳам ўлмай омон қолдилар. Лекин энди улар ҳам ақл бовар қилмас мана шу буюк қочқинда сиртмоққа тушган эдилар. Аёвсиз ваҳший оқим уларни суриб кетгандан суриб кетди. Энди улар ўзлари боягина қувғин қилиб, кирғин-баротга солиб, этини бир бурдадан қилиб ташламоқчи бўлганлари сайғоқлар — азал қурбонлари билан умумий ёвуз хатардан биргаликда, ёнма-ён жонларини ҳовучлаб қочишар эди. Омонсиз қисмат уларни теппа-тенг қилиб қўйганди. Бўрилар билан сайғоқларнинг мана шундай бир тўп ичида қочганлигини қари Мўйинкум ҳатто энг улуғ ёнгин пайтлари ҳам кўрмаганди.

Акбара бир неча маротаба тўп ичидан чиқишга уришиб кўрди. Лекин эпини қилолмади. Ёнма-ён чопиб бораётган кийикларнинг туёқлари остида қолиб кетиш ҳеч гап эмасди. Акбаранинг бўрилари қутурган бу талотумда ҳозирча жипслашиб борар эдилар. Акбара уларни кўз қири билан кўриб турарди — ана, улар кийиклар орасида тобора илдамроқ югурмоқдалар, ана, кўзлари кўрқинчдан жайноқланган тўнғичлари — ҳов ана Хумқалла, ҳов ана Илдам, ана, ҳочман тойиб, базўр етиб келаётган Суйгиной, ана, Мўйинкумнинг қаҳрли

ботири — Тошчайнар, эвох, у хам даҳшатли қўрқув ичида тирақайлаб қочиб келади. Кўккўз Акбара шуларни орзу қилганмиди ахир. Кўринг, катта ов ўрнига улар сайғоқларга қўшилиб қочиб боряптилар. Шундан ўзга чоралари хам йўқ, гўё дарё чирпирак қилиб кетаётган хасдай... Биринчи бўлиб Суйгиной кўздан йўқолди. Издиҳом туёғи остида қолиб кетди. Фақат бир чинкирик эшитилди. Сўнг бу овоз минглаб туёқларнинг ола-тасири ичида йўқ бўлиб кетди.

Кувгин солган вертолётлар эса улкан қочок поданинг икки ёнида учар, пода тўзғиб кетмасин, яна чўлдан қайтариб келиш қийин бўлади деб, уни четдан қисиб келишар, рация орқали бир-бирлари билан сўйлашар, бир-бирларига мослашиб ҳаракат қилишар, жониворларнинг ўтақасини ёришар, уларни янада тезроқ чопишга мажбур қилишар эди. Шлемофондан қувгинчиларнинг кулокни батанг қилувчи хиркираган овозлари эшитиларди: «Йигирманчи, менга қара, йигирманчи! Қани, яна бир зўр бер! Яна, яна!» Тепада учиб юрган вертолётларга пастда оппоқ қор узра сел каби оқиб бораётган кутурган қора дарё яққол кўриниб турарди. Кулокчиндан йигирманчининг чинкирок овози келади: «Бўпти, зўр берамиз! Ҳа-ҳа-ҳа! Э, кўряпсанми, уларнинг орасида бўрилар ҳам бор экан! Ана холос! Қўлга тушдинглар, калтадумлар! Жонингдан умидингни уз, баччағарлар! Бу сенларга кинодаги «Ҳали шошмай тур!» эмас!»

Кувгинчилар ҳайвонларни зўриктириб, ҳолдан тойдириб қувардилар. Олдиндан шундай қилиш келишилган ва кўзланган эди. Худди кўзлангандай бўлди.

Кувгинда кийиклар катта, теп-текис ёйикликка кириб борганларида уларни қурол тутган отувчилар кутиб олдилар. Вертолётларнинг эрталабдан бери қилаётган ҳаракатлари мана шунга эди. Булар овчилар эмас, қирувчилар. Усти очик «уазик»ларга ўтириб олган отувчилар сайғоқларни кува кетдилар. Улар сайғоқларни йўл-йўлакай автоматлардан ёппасига ўт очиб, ҳатто мўлжалга олиб ўтирмай киришар, жониворларни худди томорқада ўт ўргандай ўриб ташлашарди. Уларнинг орқаларидан эса юк прицеplари борар — ўлжаларни бирма-бир унинг устига иткитиб ташлашар, одамлар мўмайгина ҳосил кўтаришар эди. Эпчил ва бақувват йигитлар дарҳол бу ишнинг ҳам пайховасини олишди. Улар ҳали жони чиқмаган кийикларни сўйишар, ярадорларнинг орқасидан қувишар ва сўнг уларнинг томоқларига пичок тортишарди. Лекин асосий қиладиган ишлари ерда қонга беланиб ётган кийикларни кўтариб, оёқларидан силкитиб, кейин бир зарб билан машина тепасига кўтариб ташлашдан иборат эди. Чўл — чўл бўлгани учунгина худоларга мана шундай қонли солиқ тўламоқдайди. Хунғарқоб кийиклар қузовларга тоғдай уюлди.

Киргин эса давом этарди. Машиналардаги отувчилар ҳолдан тойган сайғоқларнинг қалин тўпларига ёриб кирар, ўнгу сўлига қарамай уларни отиб қулатар, жониворларни баттар ваҳима ва харосонликка солардилар. Кўрқинч аросат шу даражага етган эдики, гўё киёмат-

койим бўлаётгандек, отишмалардан қулоғи том битган Акбарага гўё оламнинг ўзи қар ва гунгга айлангандек, еру осмон остин-устин бўлиб кетгандек, ҳатто кўкда унсиз-овозсиз шуъла сочиб турган қуёшнинг ўзи ҳам улар билан бирга қутурган қувғинга учрагандек ва ўзини тўрт томонга уриб нажот қидаётгандек, ҳатто вертолётлар ҳам ўз қалдираган, гулдираган, қийиллаган товушларидан ажраб, соқов бўлиб қолгандек туюлар эди. Улар поёнсиз зулматга чўмган сахро узра ваҳимали қора калхатлар каби овоз чиқармай сузиб юришарди... Оммавий отувчилар эса тиззалаб ўтириб ҳам отишар, «уазик»ларнинг бортларидан туриб ҳам отишар, лекин ўқ товуши чиқмас, машиналар шамолдек елар, сакрар, кўтарилар, учиб тушар, лекин уларнинг ҳам овозлари чиқмас, жинни бўлиб қолган кийиклар гўё қанот чиқариб учар, лекин саслари чиқмас, дўлдай ёғилган ўклардан қонга беланиб қулар, ағдарилар, лекин овозлари чиқмас эди... Бу охир замон сукунатиغا ўхшарди. Шунда Акбаранинг кўзига одам киёфаси кўринди. У одамнинг кўрқинчли башарасини шунчалар яқиндан, шунчалар аниқ-таниқ кўриб, шунчалар дахшатга тушдики, сал бўлмаса машина ғилдираги тагига кириб кетай деди. «Уазик» унинг шундоққина ёнгинасига келиб қолганди. Анов одам белидан ярмисини машинадан ташқарига чиқарганча олдинда ўтирарди. У кўзини шамолдан эҳтиёт қилиб катта-қон кўзойнақ тақиб олганди. Ўпкадай қип-қизил башарасини ел ялаб кетган, қорайиб кўринган оғзига микрофон тутган, ўтирган жойида тинмай сакрар, бутун чўлга эшиттириб алланарсаларни бўғилиб кичқирар, лекин унинг сўзлари эшитилмас эди. Афтидан, у қирғин ва қувғинни бошқарарди. Агарда шу онларда Акбара шовкин-сурон товушларини эшитганда ва одам боласининг тилини тушунганда эди, унинг рацияга кичқираётган шу сўзларини англаган бўларди: «Четидан отинглар! Четидан! Хой! Ўртасига отманглар! Э, нима қиялпсизлар! Ҳаммаси оёқ остида қолиб кетади-ку!» Ўлдирилган кийикларнинг гўштлари ерда пайҳон бўлиб кетмасин дейди-да...

Шунда микрофонга бақираётган киши машина билан ёнма-ён қочкин кийиклар орасида битта бўри, унинг орқасидан эса яна бир нечта бўрилар чопиб кетаётганлигини кўриб қолди. У бир силтанди, алланарса деб хириллаб кичқирди, ҳаҳ, шошмай тур, дегандай микрофонни ташлаб, кўлига милтиқ олди ва шу заҳоти уни ўқлади. Акбаранинг қўлидан нима ҳам келарди, кўзига ойнақ тутган одам ўзини мўлжалга олаётганлигини у тушунмасди, тушунганда, билганда ҳам, хўш, нима қила оларди — қувғин ичидан чиқиб кетолмасди, бошини панага ололмасди, одам эса ҳамон мўлжалга оларди. Шу Акбарани кутқариб қолди. Нимадир бўрининг оёқ остига тарсиллаб урилди, бўри боши билан ўмбалок ошиб тушди, лекин издиҳом остида қолмаслик учун дарҳол сакраб турди, шунда тўнғичи Хумқалланинг осмонга баланд сапчиб, сўнг ерга қулаганлигини кўрди. Уни чопиб кетаётганида отган эдилар. Тўнғичи ёнига аста ағдарилиб, гавдаси чўзилиб он-тарилганча ўз қонига олуда бўлиб тушди. Балки у оғриқдан ушлаб

юборгандир. Балки ўлим хавфи фарёд кўтаргандир, лекин буни бўри эшитмади. Отган одам азбаройи хурсанд бўлиб кетганидан милтикни боши узра кўтариб нукул силкитарди. Яна бир дақиқадан сўнг Акбара ўлиб ётган боласининг лоши устидан сакраб ўтиб кетди. Шунда яна унинг кулоғи очилди, оламнинг бутун қийлу қолини эшита бошлади — ана шовкин, ана сурон, ана ола-тасир ўқ овозлари, машиналарнинг гувиллашлари, одамларнинг бақирик-чақириклари, жон бераётган кийикларнинг хиркирашлари... Кўпгина сайғоқлар ерга таппа-таппа қулар, оёқларини типирлатиб ерда ётар, туришга мадорлари етмас, ўпкаларига ҳаво тикилган, юраклари ёрилиб кетган эди... Одамлар шу ернинг ўзида уларнинг томоқларига шартта пичок тортиб сўйишар, сўнг яна жони чиқмаган, титраб-қақшаган кийик таналарини оёғидан ушлаб, юк машиналарга улоқтирар эдилар. Бошдан-оёқ конга ботган бу одамларга қараш жуда қўрқинчли эди...

Агарда тубсиз осмон қаъридан бировнинг сергак нигоҳи буларнинг барини кузатиб турганда эди, у киргин қандай бўлганлигини ва Мўйинқум шундан сўнг нечоғлик абгор аҳволга тушганлигини кўрган бўлар эди. Лекин бундан кейин нима рўй бериши, бунинг оқибати қандай тугаши, афтидан, унинг ўзига ҳам қоронғилигича қолаверарди...

Мўйинқум киргини кечга томон тўхтади. Қувган ҳам, қочган ҳам тамомила ҳолдан тойди. Чўлга хуфтон кирди. Эртага вертолётлар базадан мойларини янгилаб келгандан сўнг киргинни яна давом эттириш кутилларди: уларнинг чамаларича, бу ерларда иш ҳали уч-тўрт кунга етиб ортарди. Вертолётларда ўтказилган текширишларга қараганда, Мўйинқумнинг энг қумлоқ ғарбий қисмида ҳали ҳеч тегилмаган сайғоқ сурувлари сон-саноксиз эди. Расмий тилда уларни ўлжанинг ҳали очилмаган резервлари деб аташарди. Бинобарин, резерв мавжуд экан, уни зудлик билан ўлканинг гуллаб-яшнаши йўлида план оборотига қўшиш керак. Мўйинқум «юриши»га худди мана шу нарса расмий асос бўлганди. Лекин маълумки, ҳар қандай расмий хулосалар ортида, албатта, тарихнинг ҳаракатини белгилаб берадиган у ёки бу ҳаётий шарт-шароитлар туради. Шарт-шароит деганимиз эса, бу аввало, одамлар, уларнинг интилишлари ва ҳаяжонлари, яхшилик ва ёмонликлари, нима билан тугашини билиб бўлмайдиган ахтаришлари ва бош-кечи йўқ зиддиятлари. Шу маънода Мўйинқум фожиаси мустасно бир ҳодиса эмасди. Ўша кеча ўзи хоҳлабми, хохламайми, шу ваҳшийликни қилган кишилар чўлда тунаб қолган эдилар.

Бўри галасидан Акбара билан Тошчайнарга аросатдан омон чиқкан, энди туни бўйи тентираб киргинжойлардан узоқроққа кетиб борардилар. Қиёмат кўпган дала-тузда қочавериб кўкраклари, човлари то сағирларигача лой-балчикқа ботган бўрилар зўр-базўр қадам ташлардилар. Тилинган, шилинган, яраланган оёқлари тинмай зирқиллаб оғрир, куйгандай ачишар, ҳар қўйилган қадам мисоли бир азоб эди. Қани энди, тезроқ инимизга етиб олсак, шўрлик бошимизга

тушган бу оғир кунни тезроқ унутсак, оёғимизни ёзиб, кўзимизни юмсак — бўриларни ҳозир бирдан-бир истаклари шундай эди.

Лекин бу ерда ҳам омадлари келмади. Инларига яқинлашиб қолганда улар одамларнинг устидан чиқдилар. Қадрдон инларининг шундоқ ёнгинасида каттакон юк машинаси қорайиб кўринар, унинг ғилдираклари жилғин буталари ичига ёриб кирган эди. У ерда одамларнинг говур-ғувури эшитилди. Бўрилар бирпас жим қулоқ солиб туришди-да, сўнг индамай очик чўлга қараб юришди. Негадир худди шу пайт тун қоронғилигини ёриб машинанинг ўткир чироқлари ёнди. Гарчи уларнинг шуълалари нариги томонга тушган бўлса-да, лекин бўрилар учун шунинг ўзи ҳам етарли эди. Улар чўлоқлана, чўлоқлана, оғрик азобидан диконглаб бош оккан томонга жўнадилар. Акбаранинг, айниқса, олдинги панжалари ачишиб оғрирди... Зада бўлган оёқларига озгина ором бериш учун у эримай қолган қорлар устидан қадам босишга уринарди. Бўри панжасидан тушган эзгин нақшли гуллар қорда аламли, маъюс судралиб борарди. Болалари ўлди. Бошпана йўли берк. Чўлда одамлар изғияпти...

Улар олтовлон эдилар. Ҳайдовчи Кепани ҳам ҳисоблаганда, тасодиф туфайли бир жойга йиғилиб қолган ўлжа тўпловчилар, эртага ишни барвақтроқ бошлаймиз, деб чўлда тунаб қолгандилар. Иш ҳам уларга жуда маъқул келди. Ёмонми, машинага ортилган ҳар бир кийик учун эллик тийин тўлашади. Бугун учта кузовни лик тўлатдилар. Лекин барибир қоронғи тушгунча ҳамма отилган, йиқилган кийикларни йиғиб, улгуришолмади. Эрталаб йиғилмай қолганларини топиб, машинага ортиб, сўнг прицепларга жойлаштиришади. Улар эса ўлжаларни Мўйинқумдан узокларга олиб кетади.

Ўша кеча ой тўлган эди. Тўлин ой баркаши уфқдан жуда эрта кўтарилди. Ой қути ўчган, қори бутунлай эриб кетмаган чўлнинг ҳаммаёғидан баралла кўриниб турарди. Унинг мовий шуълалари чўлдаги бутазорлар, ўр-жарлар, дўнг-тепаларни дам ёритиб, дам кўлкалангириб кўяди. Лекин шу хувиллаган, кимсасиз жойларда улкан юк машинасининг қорайган шарпасига ҳеч кўникиб бўлмайди. У бўриларнинг жонларига қутқу солади: ҳар сафар ўгирилиб қарайдилару юраклари орқаларига тортиб кетади, думларини чотларига қисиб, қадамларини тезлатадилар. Шунга қарамай, улар ҳадеса тўхтаб, яна ортларига тикилиб қоладилар, ўзи нима бўляпти, нега одамлар уларнинг ини олдида тўхташди, нима бор уларга? Анови кўрқинчли катта машина бу ерда ҳали узок турармикин ё кетармикин? Дарвоқе, бу машина ҳарбий йўриқ билан чиқарилган, усти брезент билан ёпиладиган, баҳайбат ғилдираклари юз йил юрса ҳам емирилмайдиган, истаган жойда бемалол юриб кетаверадиган «МАЗ» вазеходи эди. Кузовда эртага жўнатиш учун қолдирилган ўнлаб сайғоқ тўшлари орасида кўллари худди асир олингандай боғлаб қўйилган бир одам ётар, у тагидаги ва ён-атрофид... сайғоқларнинг лошлари вақт ўтган сайин совиб, қотиб бораётганлигини ҳис қиларди. Ҳарқалай, уларнинг

териси уни иситиб, жонига ора кириб турар, бўлмаса ахволн жуда чаток эди. Машина устига ёпилган брезентнинг тирқишидан оёи мўралар, лекин ётган одамнинг нигоҳи бўшлиқдан ўзга нарсани илгамас, кути ўчган чехрасида азоб-укубат шарпаси аксланарди.

Энди унинг тақдирини мана шу одамларга боғлиқ. Бу ерга улар билан бирга келди. Худди уларга ўхшаб Мўйинқум киргинидан пул ишлаб кетмокчи эди...

Одамнинг умри нима, деган саволга жавоб топиб бериш кийин. Инсон муносабатлари шунчалар турфа, табиати, феъл-атвори шунчалар ранг-баранг ва мураккабдирки, ҳатто энг мукаммал, энг замонавий компьютер системалари ҳам энг оддий инсон табиатининг умумий чизиғини ажратиб беролмайди. Мана шу олти кишини олинг. Тўғрироғи, беш киши, чунки вездеходнинг шофери Кепа ўз ҳолича, буларга фақат ҳайдовчи бўлибгина қўшилган, яна уларнинг ичида бирдан-бир бола-чақали одам, лекин очигини айтганда, шерикларидан унчалар фарқи ҳам йўқ, шуларнинг биттаси, хуллас, мана шу олтовлон ҳаётда бир-бирига тамомила қарама-қарши ҳолатлар бўлиши ва бунда компьютер ҳисоб-китобига ҳам ҳожат йўқлиги, шунингдек, гап одамларнинг энг кичкина, арзимас коллективлари устида бораркан, ақл етмайдиган, англаш кийин ҳоллар ҳам кўп эканлигига мисол бўлаолади. Худонинг хоҳиши шу экан-да, бўлмаса, уларнинг ҳаммалари ҳайратомуз тарзда бир хилдаги одам бўлиб чиқармидилар. Яна қим билади, ҳар ҳолда, улар Мўйинқумга отланган чоғларида ахвол шундай эди...

Бедананинг уйи йўқ, қайга борса, питпилдик дегандай, булар ҳам тайини йўқ, қамғокдек шамол қаерга учирса, шу ерда дайдийдиган кимсалар эди. Фақат Кепагина бундан мустасно эди. Учасини хотини ташлаб кетган, ҳаммалари ҳам на бировни ялчитган, на ўзлари ялчиган; шунинг учун ҳам дунёдан тўйган, ҳамма нарсадан норози эдилар. Улар ўртасида ёшгина бир йигит ажралиброқ турарди. Унинг исми ҳам ғалати — Авдий эди. Бу ном қадим китобатда бор: Инжилнинг учинчи Мулк битигида айтилган. Ўзи асли дьяконнинг ўғли бўлиб, Псков томонлардан эди. Отасининг вафотидан сўнг, черков ходимининг куртаги деб, таҳсил учун диний семинарияга қабул қилинган, аммо икки йилдан сўнг куфронага йўл қўйиб у ердан ҳайдалган эди. Мана энди икки қўли боғланганча «МАЗ»нинг тепасида жазосини кутиб ётибди. Обернинг тили билан айтганда, у кемада исён чиқармокчи бўлди.

Уларнинг ҳаммалари Авдийни ҳисобга олмаганда, ўлгудай арақхўр эдилар. Касбимиз арақ ичиш дейишарди ўзлари. Бирок бунда ҳам Кепа уларга кўп қўшилолмади, шоферлик қоғозини сақламаса бўлмайди, акс ҳолда хотини иккала кўзини ўйиб олишдан ҳам тоймайди. Лекин ўша кеча Мўйинқумда бошқалардан асло қолишгани йўқ — бўкиб ичди. Фақат Авдий-Авдюха, шу дайдивой, ичмайман, деб оёғини тираб туриб олди. Обернинг баттар ғазабини кўзғади.

Кўл остидаги тўш йиғувчиларга ўзини қисқа қилиб, Обер деб чақи-

риш кераклигини айтиб қўйган эди. Эҳтимол бу сўз катта деган маънони англатишини кўзлаб шундай қилгандир. У чиндан ҳам, жазо олмасидан илгари жарима батальонининг катта лейтенанти эди. У унвонидан маҳрум қилинганда, хайрихоҳ кишилар: хизматини ортиғи билан адо этгани учун куйди бечора, деб анча хафа бўлиб юришди. Ўзи ҳам бошликлар менга нисбатан адолатсизлик қилишди деб ҳисоблар, сўраганларга шундай деб тушунтирар, ичидан қиринди ўтар, лекин армиядан ҳайдалишининг ҳақиқий сабаблари ҳақида чурк этиб оғиз очмасди. Ўтгани эсласанг, эсинг кетади. Нима қилади эслаб, Обернинг ҳақиқий фамилияси Кандалов эди, асли Хандалов бўлиши ҳам мумкин, лекин бу билан кимнинг нима иши бор — Оберми-Обер, бундан ортик яна нима керак.

Бу тўп ўзини хунта деб атайди. Ҳаммалари шунга келишганлар. Фақат область драма театрининг собиқ артисти Гамлет-Галкингина «хунта» деб аташга эътироз билдирган: «Э қўйинглар, шу хунта-пунтасини. Жиним ёқтирмайди шу хунтани, болалар. Биз сафарга отлангандимиз. Келинлар, номимиз ҳам «сафар» бўлсин!» Лекин Гамлет-Галкиннинг бу таклифига ҳеч ким қўшилмади. «Сафар» сўзи унча тушунарли эмасди. «Хунта» дегани эса дадил ва ўктам эшитиларди. Шунинг учун кўпроқ шу сўз маъқул бўлди шекилли. Ана шу хунтанинг иккинчи одами Мишаш деган кимса. Тўла айтганда, Мишка Шабашник. Қўтосдек серзарда бу зот истаган одамими, ҳатто Обернинг ўзини ҳам бўралаб сўкиб юборишдан тоймасди. Мишашнинг одатларидан бири шу эдики, ҳар икки сўзнинг бирида «онангни...» деб турарди. Бу унга нафас олгандай ўрганиш бўлиб кетган эди. Авдийни боғлаб машина кузовига ташлаш фикри ҳам бошқалардан эмас, айни шу Мишашдан чиқди. Хунта эса унинг таклифини кўз очиб юмгунча бажо келтирди.

Хунта ичида энг кўзга кўринмайдиган камсукум одам бу — Гамлет-Галкин. Ичкиликка муккасидан кетган, саҳнани жуда эрта тарк этган ушбу кимса дуч келган ишни қилиб кун кўрарди. Мана, орадан осмондан тушгандай бу мўмай иш чиқиб қолди. Кийик дейдими-ей, сайғоқ дейдими-ей, унга нима фарқи бор, оёғидан кўтариб шартта-шартта машинага ташлар экансан. Бир ойда ҳам тополмайдиган акчангни икки-уч кунда бемалол ишлаб оласан. Яна Обер кургурнинг сийловини айтмайсизми? Бир яшик арақ. Тўғри, бу ўртадаги умумий даромаддан олинади. Лекин барибир-да. Ниҳоят, бу тўп ичида энг қўй оғзидан чўп олмагани бу — Узукбой. Унинг оёқ-кўли жуда чаққон. Узукбой ўзи шу ерлик, Мўйинкум атрофларидан. Негадир уни Абориген деб чақиришади. Узукбой ор-номус деган нарсаларнинг ҳатто кўчасидан ҳам ўтмаган. Нима десанг, барига рози, барига кўнади, қўшилади. Бир шиша арақ учун Шимолий Кутбга десангиз ҳам боради. Абориген-Узукбойнинг қисқача таржимани холи бундай: тракторчилик қилиб юрган эди. Кейин бошини кўтармай ичадиган одат чиқарди. Бир куни кечаси тракторини катта йўлнинг ўртасига

ташлаб кетибди. Унга бир машина келиб урилиб, одам нобуд бўлади. Узукбой шундан сўнг икки йил ўтириб чиқди. Бу орада хотини болаларини олиб кетиб қолди. Шундан кейин Узукбой, қайдасан деб, шаҳарга жўнади. Тайинли бирон ишнинг бошини тутмади. Озиқ-овқат дўконида юк ташиб юрди. Уйларнинг қоронғу йўлақларида чўк тушиб ўтириб шиша бўшатди. Обер уни шундай қоронғу йўлақларнинг биридан топди. Узукбой унга мик этмай эргашди. Нимасига ҳам мик этсин... Обер Кандаловга йўқ деб бўлардим — узокдан хид билишга жуда уста одам...

Обер Кандалов бош бўлган хунта мана шу тахлит топишган эди. Улар Мўйинқум маъракасида юзага чиқишди...

Агар тақдир ва тақдирлар ҳақида, ҳодисаларни олдиндан белгилаб берадиган тирикчиликнинг турли-туман ҳол-аҳволлари ҳақида сўз юритадиган бўлсак, унда айтишимиз керакки, Авдий Каллистратов ўз вақтида диний мактабни муваффақият билан битириб, шу йўлда кўшиш кўрсатиб, яхши унвонларга мушарраф бўлиб юрганда эди, унда худо шохид, Обер Кандаловни ҳеч қандай ташвишга қўймас, бош.лини бунчалар қотирмасди. Дарвоқе, Авдийнинг барча синфдошлари, енгилтаккина ўқувчи болалар кейинчалик ҳам танлаган ҳаёт йўллари собитқадамлик билан давом эттиришди, уларнинг ҳаммалари бу соҳада собиқ дьяконнинг ўғли Авдийдан кўра абжирроқ, чапдастроқ чиқишди. Улар диний таҳсилни тугатгач, черков мансаб шотисининг пилла-пояларидан муваффақият билан кўтарилиб боришарди. Ваҳоланки, Авдий руҳоний оталарнинг севимли, истеъдоди порлоқ ўқувчиларидан ҳисобланарди. Ўз синфдошлари қаторидан чиқмаганда эди, у ҳеч қачон Обер Кандаловга ҳам дуч келмасди. Обер Кандалов эса попларни дунёга янглишиб келиб қолган одамлар, деб биларди. Ўзидан қолар гап йўқ, у умри бино бўлиб черков остонасига яқин йўламаган ва ҳатто черков нима экан деб кизиқиб кўрмаганди.

Агар-магар деймиз... лекин шундай бўлишини ким билибди дейсиз. Ҳаммасини олдиндан билиб бўлсайди... Бир марта бирга қилинадиган ишга ким анкета тўлдириб ўтиради. Пул ишлашдан бошқасини ҳаёлингга келтирмайсан. Бу худди коллектив билан картошка йиғишга чиққандай омади гап. Фарқи шуки, бу ерда картошка эмас, ўққа учган сайғоқларни йиғиштирасан. Обер Кандалов ўзига вокзалда дуч келган дайди Авдийнинг эсипаст, девона эканлигини билгандайди, Мўйинқумда энди буни нима қиламан, қандай қилсам, бу шўрпешанадан омон-эсон, беэиён қутуламан деб, бош.ини қотириб ўтирмасди. Обер Кандалов бу ишни бир чеккаси ўтган гуноҳларимни юваман деб, жон куйдириб бошлаган эди. Ана шу ишни тентак Авдий барбод қилишига оз қолди. Ҳаммаси ақл бовар қилмайдиган даражада ғалати бир тарзда, бунинг устига ғоятда аҳмоқона бир тарзда бир жойдан чиқиши кининг ҳаёлига келибди дейсиз. Шуларни ўйлаганда, Обер Кандаловнинг ичгиси келади. Бор, нима бўлса, бўлди, десинми? Лекин буни у жуда

боплайди. Ярим стаканни шартта отади. Кейин яна. Ундан кейин яна ярим стакан. Қарабсизки, энди унинг йўлини тўсадиган ҳеч қандай куч йўқ дунёда, жини жўшади, қони қайнайди, ҳамма нарсанинг қатиғини чиқариб ташлагиси келади... қок миясига урсам, мажаклаб ташласам дейди... Аммо у худди мана шундан кўрқарди. Чунки кейин иш қанчалар пачава бўлишини биларди...

Қайдан келиб қолди ўзи бу Авдий деган бало! Яна агар тақдир ва тақдирлар хусусида, бошқа ходисаларни келтириб чиқарадиган турли-туман хол-аҳволлар хусусида сўзлайдиган бўлсак, унда айтишимиз керакки, буларнинг бари анча илгари бошланган ва бу ерлардан анча олис ерларда бошланган эди...

Уша кезлар Авдий диний семинариядан куфроний фикр учун ҳайдалган, область комсомол газетасининг штатдан ташқари ходими бўлиб ишларди. Газета редакцияси ўқувчилар севадиган мавзуларда бинойидай ёзадиган ва бунинг устига семинариядан ҳайдалган ёш йигитга бирмунча қизиқиб қарарди. У черков томонидан муртад деб эълон қилинган, динга қарши ташвиқот олиб бориш учун анча кулай эди. Ўз навбатида семинария билан чиқишолмаган йигитга ёшлар матбуотида ўзига яқин ахлоқий-маънавий масалаларни кўтариш анча-мунча қизиқарли бўлиб туюларди. Область матбуотини тўфон пайтидаги сувдай босган бир қолипдаги зерикарли ақлбозликлар, тумтароқ фол очишлар орасида унинг газета саҳифаларидаги антиқа фикрлашлари шубҳасиз, ўқувчилар эътиборини тортар, ёшларгина эмас, бунга катталар ҳам қизиқардилар. Ҳозирча ҳар иккала томон ҳам бир-бирини тўлдириб, бир-бирларига керакли эканликларини англаб туришар, лекин янги ойдек эндигина балқиб келаётган бу йигитнинг юрагида қандай алангали ниятлар бош кўтариб келаётганлигини жуда оз кишилар, тўғрироғи, бир одамдан бошқа ҳеч кимса билмасди. Авдий мухбир сифатида номи бора-бора кўпчиликка танилгандан сўнг қандайдир муносиб бир шакл, қандайдир ўртача мафкураравий ора йўл топиб, шунинг воситасида назарида жуда ҳам долзарб ва ҳаётий жиҳатдан ғоятда муҳим бўлган, ҳозирги замонда Худо ва инсон ҳақидаги жадидона фикрлари ҳамда тасаввурларини эски диний таълимотнинг қотиб қолган ақидаларига зид қўйиб ифодалаб бермокни кўнглига туккан эди. Ният қилишга қилгану, лекин ўз олдида икки бўйсунмас, ишғол қилиб бўлмас зўр истеҳком турганлигини ўйламагани кулгили эди. Бу икки куч ҳеч қачон бир-бировини ёқтирган эмас, ёқтирмайди ҳам. Бир-бирига ҳеч вақт бўйсунган эмас, бўйсунмайди ҳам. Бир томонда минг йиллардан бери диний эътиқоднинг софлигини ҳар қандай янгиликлардан ва ҳаттоки яхши ният билан юзага чиққан янги фикрлардан тиш-тирноғи билан кўриқлаб, асраб, химоя қилиб келган, ўзгармас, вақтга тобе бўлмаган маврусий диний қарашлар ва иккинчи томонда, динни унинг ҳар қандай кўринишида тағ-томири билан инкор этадиган, рад қиладиган илмий атеизмнинг қудратли мантиқи. Бояқиш йигит шуларнинг орасида тегирмон тош ўртасида

колгандай ўртанарди. Бирок умид чироғи сўнмаганди. «Инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида ва унга боғлиқ ҳолда Худо категориясининг вақтга кўра ривожланиши», деган янги ақидани куйиб-пишиб кўтараётган бидъатчи Авдий Каллистратов: тақдир эртами, кечми, барибир менга ўз қарашларимни одамларга маълум қилиш учун имконият беради деб ишонарди. Зотан, инсон қудрати ўзининг энг юксак нуқтасига етган, саноат ҳукмрон кучга айланган даврда одамларнинг ўзлари Худога бўлган муносабатларини аниқлаб, билиб олиш пайига тушадилар. Бўлаётган ишларнинг бари худди мана шунга қараб боряпти. Авдийнинг хулосалари ҳали тугал эмас, анча мунозарали эди. Лекин расмий диний таълим унинг бу эркин фикрини ҳазм қилиб, кечириб кетолмади. У тавба-газаррудан бош тортгандан сўнг, епархия уни диний семинариядан ўчирди.

Авдий Каллистратовнинг манглайи кенг, бўздай оқ эди. Ўзи қатори кўп ёшлар каби у сочларини елкасигача ўстирган, кўнғир тусли қуюқ сокол қўйганди. Булар унга кўркамлик бағишламаса-да, лекин чеҳрасини қандайдир мўмин-мулоим қилиб кўрсатарди. Косасидан бўртиб чиққан кўзлари безовта йилтиллаб турар, уларда унинг ўз феълига мос беором, нотинч ўй-хаёллар акс этар, яна ўзи қийнала-қийнала топаётган нарсалардан бекиёс мамнунлик ва шу билан бирга у яхшилик қилмоқчи бўлиб интилаётган атрофдаги одамлардан келаётган кўп оғир азоб-уқубатлар ҳам ифодаланарди...

Кийгани кўпроқ катак қўйлак, свитер, жинси, совуқ кунлар тўзиган пальто, отасидан қолган қалпоғини кийиб юради. Мўйинкум чўлида ҳам шу уст-бошда пайдо бўлди...

Ушбу соатда қўллари боғланган ҳолда машина устида ётаркан, хаёлидан ҳар турли аччиқ, аламли ўйлар ўтарди. Лекин шу тобда ҳаммасидан ҳам ёлғизлик алами кўнглини ўртаб юборди. Шунда қайсидир Шарқ шоирининг эсида чала-ярим қолган сатрларини такрорлади: «отадан олтов бўлсанг-да, бир ёлғизлик бошингда, жафодан ёлғиз бўлсанг-да, шу ёлғизлик бошингда». Яна баттар изтироб ичида кейинги пайтларда дунёда ўзига энг яқин бўлиб қолган ўша хилқат тўғрисида алам билан ўйлаб кетди. Уни ўз жонидан айру тасаввур қилолмади. У хаёлларига доим ҳамроҳ. Қийналса ҳам, қувонса ҳам, унга мурожаат қилади. Оғир ҳолатга тушганда бир-бирларига жуда яқин кишиларнинг телепатия йўли билан фавқулодда мулоқатга киришишлари рост бўлса, унда ўша мунис-меҳрибон хилқат ўша кеча нимадандир қаттиқ ўртаниб, ниманидир қаттиқ соғиниб, нимадандир юраги бир нотинчликни сезган бўлиши керак...

Мана шунда ўша Шарқ шоири айтган ғалати сўзларнинг асл маъноси бирдан унга аён бўлди. Олдинлари шу сўзлардан қулиб юрарди. Ишонмасди уларга: «Жуда қаттиқ сева олган чин севгига ета олмас...» Тавба! Энди бўлса, ўша хилқат ҳақида ўйлаб ётаркан, у овоз чиқармай йиғлар, агар уни кўрмаганимда, билмаганимда, ўртаниб-қуйиб севмаганимда, бунчалар азоб-уқубат чекмаган бўлардим. Соғинмасдим,

ёнмасдим, ҳозирнинг ўзида, ҳа, худди мана шу тобда уни кўргим, совук, бераҳм тун қаърини ёриб ўтиб унинг қошида пайдо бўлгим келмасди. Ахир, чеки борми бу телба, бу енгиб бўлмас, бу оғрик-азобнинг! Кани эди, ҳозир Осиёнинг чек-чегараси йўқ чўллариди, шу чўлларнинг бир чеккасида, трансконтинентал темир йўл ёқасида жойлашган Жалпоқ-Соз бекатига бориб қолсанг, худди хўв ўшандагидай касалхона ёнидаги мўъжазгина уйнинг остонаси олдида ярим соатгина турсанг, бу ахир, унинг уйи... Лекин кутулиб кетишнинг иложи йўқлигини кўриб, Авдий ўзининг, эҳтимол ўша кизга сира керак бўлмаган садокатини лаънатларди. Ахир фақат ва фақат уни деб, иккинчи марта яна қайтиб Осиё ўлкаларига келди, уни деб, мана, Мўйинкумда тушовланиб ётибди ит кўрмаган хўрликларни кўриб. Уни кўришнинг иложи йўқлигидан жони баттар ўртанар, баттар ўзини ёлғиз сезарди. Аини замонда шу хиссиётлар унга Худога умтилиш ва унинг висолига етиш йўлини очгандай бўлди. Худо инсонга муҳаббат орқали намоён бўларкан ва шунда одамга тирикликнинг энг олий саодатини ҳадя этаркан. Бунда тангри-таолонинг хайри саховати чексиздир, худди вақт дарёсининг чексизлигидай, ва муҳаббатнинг йўли ҳам такрорланмасдир, ҳар бир одам учун, ҳар бир ҳол учун...

— Ўзига ҳамду санолар бўлсин!— деб шивирлади у ойга қараб ётаркан. Сўнг ўйлади: «Дилни муҳаббатга ошно қиларкан, бу ҳам лутфу марҳаматининг чексизлигидан... қанийди, у буни тушунса...»

Шу пайт пастда — машина ёнида қадам товушлари эшитилди. Кимдир кекириб, хириллаганча машина устига тармаша бошлади. Мишаш экан. Унинг ортидан Кепанинг калласи кўринди. Роса тортишганга ўхшайди. Улардан гупиллаб арақнинг қўланса хиди анкийди.

— Ётаверасанми ҳадеб, онангни... Кани тур ўрнингдан итнинг пони. Обер қакиряпти. Терингни шилиб оламан дейди,— Мишаш сўқинганча сайёқлар устидан айик нида гандираклагандай алпанг-талпанг босиб келарди.

Кена ҳам милжинглади:

— Терисини шилиб шу чўлга ташлаб кетамиз.

— Чўл ҳам гапми!— кекирди Мишаш.— Шу қилиғи учун Сибирга жўнатиш керак бу итти, ҳе онангни... Тоза бошимизни қотирдинг. Нима, сўпи килмоқчимисан бизни! Тоза топибсан одамини, онанг...

IV

Шу вақт ичида Авдий Каллистратов Жалпоқ-Соз бекатига Инга Фёдоровна номига бир қанча хатлар ёзиб жўнатди. Инга Фёдоровна ҳам шаҳар почтасининг «Сўраб олиш» бўлимига жавоб йўллаб турди. Чунки Авдийнинг шаҳарда ҳозир бошқа тайинли адреси йўқ эди. Авдий онадан эрта айрилди. Тул қолган дьякон Каллистратов юрагининг бутун кўрини, барча дунёвий ва диний билимларини ўғли билан

кизига бағишлади. Авдийдан уч ёш катта опаси Варвара Ленинградга ўқишга кетди. Педагогика институтига кираман деб юрган эди, лекин уни черков ходимининг кизи, мактаб болаларини буларга ишониб бўлмади деб, қабул қилишмади. Шундан сўнг у конкурсдан ўтиб Политехника институтига кирди ва шу бўйича Ленинградда қолиб кетди. Турмуш қурди. Бола-чақали бўлди. Ҳозир қайсидир лойиҳа институтида чизмакашлик қилади. Авдийнинг йўли руҳоний улум соҳалари сари тушганди. Бир чеккаси, ўзи шуни хоҳласа, иккинчи томондан, отасининг ҳам, айниқса, Варваранинг институтга кириш воқеасидан сўнг, хоҳиши шундай эди. Авдий семинарияда таҳсил ола бошлаганлигини кўриб дьякон Каллистратов ич-ичидан ғурурланиб, ўзида йўқ хурсанд бўлиб юрди — у орзулари ниҳоят ушалганидан, меҳнатлари ва ўғитлари зое кетмаганидан, нолалари Худого етиб борганидан беҳад бахтиёр эди. Лекин сал вақт ўтмай у омонатини топширди. Яна ҳам тақдирнинг меҳрибончилиги экан, зеро, у фарзанди қобил Авдийнинг оламнинг ўзидай кўҳна илми илоҳиёт — тангри-таолонинг боқий ва чексиз қудрати билан мангу яратилган диний таълимот соҳасида бидъатга берилиб кетишини, куфроний ўйларга йўл қўйишини кўрса, буни асло кўтаролмаган бўларди.

Авдий Каллистратов область ёшлар газетасида катнаша бошлагандан сўнг дьякон Каллистратов узоқ йиллар ўз оиласи билан истиқомат қилган мўъжазгина квартира янги тайинланган черков хизматчисига берилиб, собик семинария ўқувчисидан уни бўшатиб қўйиш талаб қилди. Энди унинг черков билан алоқаси узил-кесил узилганди.

Авдий Ленинграддан опасини чақирди. Хоҳласа, ота-онамиздан қолган ўзига керакли нарсаларни, асосан, санамлару сувратларни хотира учун мерос тариқасида олиб кетсин, деди. Ўзига отасининг китобларини олиб қолди. Опа-ука ўшанда охирги марта учрашган эдилар. Уларнинг ўзларига яраша ўз ҳаёт йўллари бор эди. Ўшандан бери кўришганлари йўқ. Бир-бирларига муносабатлари ёмон эмасди. Лекин, начора, умр йўллари бошқа-бошқа эди. Ўшандан бери Авдий бировларникида ижарага яшайди, пули борида алоҳида хонада, пули йўғида сиғинди бўлиб туради. Шунинг учун ҳам, унга ёзилган хатлар почтанинг «Сўраб олиш» бўлимига жўнатиладди.

Область комсомол газетаси редакцияси томонидан Авдий Каллистратовнинг Ўрта Осиёга юборилиши худди мана шу пайтларга тўғри келади. Бу фикр ҳам Авдийнинг ўзидан чиқди. У мамлакатнинг Европа қисмидаги ёшлар ўртасида нашавандлик қандай йўллар ҳамда воситалар билан тарқалаётганлигини ўрганмоқчи ва шарҳлаб бермоқчи эди. Наша эса Ўрта Осиёда, Чу ҳамда Мўйинқум чўлларида ўсарди. Наша — машҳур марихуананинг туғишган опаси, жануб даштларида ўсадиган қуврайнинг ёввойи бир тури. Ёввойи қуврайнинг япроқлари, гуллари ва чангларида одамнинг бошини айлантирадиган, чекканда ҳушини элтадиган ва ҳаёлини кўкларда сайр қилдирадиган, лекин меъеридан ортса, руҳни эзадиган, қийнайдиган ва охир-окибат жинни

килиб кўядиган моддалар бўлади. Уни чеккандан сўнг одам атрофдаги-лар учун ғоятда хавфли бўлиб қолади.

Авдий Каллистратов сафардан олган таассуротларини йўл очерк-ларида батафсил тасвирлаб ёзди. Чўлда кутилмаганда, бўри галасига дуч келганлигини, кўйинг-чи, ўз кўзи билан нимани кўрган, бошидан нимани ўтказган бўлса, барини ҳам гувоҳ, ҳам граждан сифатида алам ва ташвиш билан тасвирлади. Банг ўтнинг жамиятга қанчалар зарар келтириши мумкинлиги ҳақида куюниб огоҳ қилди. Бироқ редак-ция бошида қучоқ очиб кутиб олган очерклар аввал кечиктирилди, сўнг бутунлай чикмай қолди.

Иши ҳеч юришиб кетмаётганлиги, ўзи дуч келаётган кийинчилик-лар ҳақида Авдий Инга Фёдоровнага ёзиб турди. Авдий уни тақдир-нинг ўзига ато этган тухфаси, дунёдаги энг яқин одамим, деб биларди. Назарида Инга Фёдоровна бир дарё эди, шу дарёга бир чўмиб олсам, ўлиб бораётган вужудим яна тирилади, яна турмуш уринишларини енгиш учун ўзимда куч пайдо қиламан, деб ўйларди. Бора-бора Авдий Инга Фёдоровна билан ёзишлари ўз ҳаётининг энг катта воқеаси, умрининг асл маъноси ва мазмуни бўлганлигини англаб етди.

У хат жўнатгандан сўнг фақат шуни ўйлаб яшарди. Ҳамма ёзган-ларини хотирасида яна бир бошдан тиклаб чиқар, уларни изоҳлар, ўзича тушунтирарди. Бу ўртада жуда олис масофалар ётган ғалати бир мулоқот эди — унинг аламангиз юрагидан вақт ва макон сари узлуксиз отилаётган шуъланамолар эди.

«...Кейин мен анчагача ўйланиб юрдим. Хатимнинг бошидаги сўз-лар Сизни таажжубга солиб қўймадимикин: «Падару Ўғилу Муборак Рух исми билан!» Ўзим шундай анъаналар ичида тарбияланганим учун уларни келтирган эдим. Ҳар бир жиддий гап олдидан уларни эслайман. Чунки шу сўзлар юрагимни китиклайди, тилимни созлайди ва бурро қилади, худди ибодат қилаётгандек бир аҳволга тушаман. Шунинг учун мен бу одатимни ўзгартириб ўтирмадим. Рухонийлар табақасидан чиққанлигим ва семинарияда ўқиганлигимни Сизга яна бир қарра эсла-тиб ўтапман. Мен Сиздан ўзимга тегишли ҳеч нарсани яширишни истамайман. Сизга бўлган муносабатим шуни тақозо қилади.

Яна шуни ҳам кўп ўйлайманки, Сиз билан хайрлашган чоғимизда яқин бўлиб қолган ва санлашиб гаплашган эдик. Энди эса яна Сиз деб ёзаяпман. Мени кечиринг, хайрлашганимиздан бери ҳали кўп вақт ўтгани йўқ. Лекин менга нимадир бўлди. Инчунин, барча тентак одамлар ўзларини оқлаш учун доим бўлмағур бир баҳоналар ўйлаб топадилар. Бу омади бир гап-да. Ҳар ҳолда орамизда шунчалар масофа ётибди. Ижозат этинг, Сизни сизлаб ёзайин. Шундай қилсам, ўзимни анча ўнғай сезаман. Мабодоки, Сиз билан яна кўришмоқ менга насиб этса, юрагимдаги энг муқаддас, энг эзгу орзу-омолим шу (орзуларим менга ўз фарзандларимдай бўлиб қолганлар. Мен уларни орзулаб ўстираман. Уларсиз бир зум ҳам туролмайман. Ўз пушт-камарингдан бўлган болаларни севиш, уларни худди орзу каби севиш нечоғлик

бахт-саодат эканлигини яхши тасаввур қиламан). Бу орзулар руҳнинг абадий жозиб ва сўнгсиз илоҳий баркамолликка умтилишидан туғилганлар. Шундай қилиб десангиз, ўзим ҳам билмаган ҳолда шу орзулар туфайли мен йўқлик дағдағасига қарши устивор тураман. Эҳтимолки, муҳаббат ўлимнинг зиддидир. Шунинг учун ҳам, туғилиш синоати катори у тирикликнинг асл калити бўлса ажабмас. Мен буларни Сизга худди фол каби такрорляпман бизга яна дийдор кўришмоқ насиб этсин деб. Ўшанда, учрашган чоғимизда, Сизни хижолатга қўймасликка ваъда бераман — Сизга сен деб мурожаат этишга ваъда бераман... Ҳозирча айтиш керак бўлган гаплар шунчалар кўпки...

Инга Фёдоровна, эсингизда бўлса керак, Сизнинг юртингизга боришдан мурод — мақола ёзиш эди. Мақолаларим газетада чиқиши билан авиапочта орқали уларни Сизга юбораман деб, айтган эдим. Афсуски, нашаванд болалар, наша қидирган ўсмир йигитчалар ва шулар билан боғлиқ бўлган ҳаётимиздаги барча қайғули ҳодисалар ҳақидаги очеркларим тез орада газетада чиқишига ақлим етмай қолди. Мен бизнинг кунларимизда деяпман. Чунки наша бу ерларда жуда эски замонлардан бери ёввойи ҳолида ўсиб ётади. Бундан ўн беш йил бурун — буни ўзингиз ҳам биласиз, нега мен буни сизга, ўзи мутахассис бўлган одамга айтяпман, билмайман, лекин маъзур тутинг, мен барибир, Инга Фёдоровна, буни ҳикоя қилишим керак ва яна фақат Сизга ҳикоя қиламан ва фақат ёлғиз шугина ўша ишларнинг ҳаммасига қандайдир маъно бағишлаб туради. Шундай қилиб, ўн беш йилча бурун бу баттол гиёҳни, нашавандлар уни гиёҳ деб айтишади, — чекиш учун ёки бошқа бирон мақсадда йиғиш ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаган экан. Ўша ерлик одамлар шундай дейишади. Бу офат яқин-яқинларда пайдо бўлди. Албатта, бунда Фарбнинг таъсири ҳам озмунча эмас. Мана энди десангиз, менга қайсидир ташкилотларга баёнот ёзишни таклиф қилишяпти. Ҳеч ақлга тўғри келадими шу гап. Тушунаман, бу масалани кўтариш осон эмас. Ёшлар ўртасида, адолат юзасидан айтиб кўяйлик, ёшларнинг онги паст қисми ўртасида, гиёҳвандликка бағишланган ўткир шов-шув тарзидаги мақола гўё обрў-эътиборимизга путур етказар эмиш. Ҳаммани дарғазаб қилармиш. Кулгига қолармишмиз. Чўчиган нарсаларини қаранг. Қалбакилик эмасми бу, сиёсатда туяқушга ўхшаб қолиш эмасми бу... Оқибати ҳаддан ташқари оғир кўчадиган бундай обрўнинг кимга кераги бор!

Бу сўзларни ўқиб туриб, Инга Фёдоровна, вой боласи тушмагур-эй, мунча содда бўлмаса, мунча ёниб-қуймаса деб, мийиғингизда қулиб қўйсангиз керак. Балки аксинча, ташвишланиб қошларингизни чимир-гандирсиз. Ростини айтсам, бу сизга жуда ярашади. Қошларингизни чимирганларингизда, Сизнинг чехрангиз илоҳиётнинг моҳиятига етишга уринган ёш роҳибаларнинг руҳсорларидай пок ва ғоятда теран бўлиб қолади. Ўша Исо қалъчаларининг чин гўзаллиги ҳам уларнинг илҳомбахш мафтункорлигида эмасми ахир. Агар мен бу сўзларни овозимни чиқариб ва яна бошқа одамларнинг олдида айтсам, унда

тилёғламалик қилаётгандай бўлиб қолардим. Лекин боя айтган эдим. Сизнинг кошингизда менинг на камайтириб ва на кўпайтириб кўрсатадиган мутлако ҳеч нарсам йўқ. Ва мабодо, Сизнинг ташвишли хаёл билан тўлган чехрангиз хотирамга Уйғониш даври санъатининг Биби Марямини тушираётган бўлса, унда бу ҳолни менинг санъат соҳасидаги тажрибасизлигимга йўйиб қўя қолинг. Ишкилиб, қандай бўлмасин, сўзларимнинг самимий эканлигига ишонарсиз деб умид қиламан... Ахир, ҳаммаси шундай бошланмадимми? Сиз оғзимдан чиққан биринчи сўзимданок менга ишондингиз ва менинг ҳаётимда бутунлай янги бир саҳифа очдингиз...»

* * *

Бугун яна мақолам юзасидан редакцияга бордим. Аҳвол ўша-ўша, ҳеч қандай ўзгариш йўқ, ҳеч қандай силжиш йўқ, ҳеч қандай ёруғлик йўқ. Нега менинг чўл очеркларимни редакцияда аввал шод-хуррамлик билан қарши олишди-ю, нега энди бутунлай кўнгиллари совиди, буни менга ҳеч ким тузукрок қилиб тушунтириб беролмайди. Кўтарилган масалалар қанчалар муҳимлигини ахир ошқора тан олишган эди-ку. Газетанинг бош муҳаррири мендан ўзини олиб қочгани қочган, кошки кўнғирок қилиб олиб бўлса уни, котибаси доим банд деб жавоб беради — дам ҳайъат, дам йиғилиш, дам юқори чақирган, улар айниқса, мана шуни рўқач қилишни жуда яхши кўришади.

Яна таниш кўчалардан ёлғиз ўзим кетиб боряпман. Бу ерга четдан келиб қолган бегонага ўхшайман. Гўё шу ерда туғилмагандай, болаликдан катта бўлмагандай, юрагим ҳувиллаган, бўм-бўш, ўзимни ёт сезаман. Гоҳи танишларим мен билан сўрашмайдилар. Улар мени диндан қайтган, муртад деб билишади, семинариядан қувилган, бидъатчи ва ҳоказо ва ҳоказо. Фақат бир нарса юрагимга ҳарорат бағишлаб туради, фақат бир ўй доим мени ўзига тортади — бу менинг хатларим. Йўл-йўлакай нимани ёзишимни ўйлаб бораман. Кейинги хатимда унга қизиқарли бўлган барча нарсалар ҳақида ҳикоя қилиб бераман. Суюкли аёл ҳақида хаёл суриш, унга мактублар ёзиш ҳаётимнинг асл маъносига айланади деб, сира ўйламаган эдим. Қанийди, канотим бўлса, тезроқ унинг олдига парвоз қилсам, яна у билан биринчи учрашган жойга етсам. Тезроқ бўла қолсайди! Юриб кетяпману нукул шуни ўйлаганим ўйлаган. Чоғи, бошқа одамларнинг бошларидан ҳам шундай кунлар ўтгандир, улар ҳам маълум бир вақт ҳаётларининг мазмунини фақат муҳаббатда билиб, шундан қувониб, бошлари осмонга етиб юргандирлар. Лекин улардан фарқим шундаки, мен то ўлгунча севаман ва ҳаётимнинг бутун маъноси ёлғиз шунда бўлади...

Мана, хиёбонларда япроқлар тўкиляпти. Ахир, мен ёзган нарсалар ёзнинг бошида бўлиб ўтган эди-ку. Редакция ўша кезлари менинг фикримни маъқуллаб тезроқ ёзишга кистар эди. Амалий ишга келганда, редакция ўзини орқага тортиши мумкинлиги хаёлимга ҳам келма-

ганди. Оммавий матбуот саҳифаларида фақат ўзимизга маъқул ва ёқадиган, обрў келтирадиган, ютуқларни умумлаштирадиган нарсаларнигина ёзиш керак, деган ғалати одат бунчалар кучли эканлиги ҳақида ўйламаган эканман.

Ўша кунлари бутун фикру зикрим жануб ўлкаларига қиладиган сафарим билан банд эди. Россиянинг ичкарасида туғилиб-ўсганим учун у нотаниш ерлар менга жуда жозибали кўринарди. Борсам, наshawанд чопарларнинг бири бўлиб, уларнинг махфий тўдаларига қўшилиб бораман, деб кўнглимга тугиб қўйган эдим. Четдан туриб кузатиш билан бунда ҳеч нарсага эришиб бўлмасди. Тўғри, ёшим наshawанд чопарлардан кўра сал каттароқ, лекин ташқаридан қараганда, шубҳа уйғотадиган даражада эмасди. Редакциядагилар, агар эски жинси билан тўзиган кроссовка кийиб олсангиз, бунинг устига соқолингизни ҳам олдириб ташласангиз, сизни ўша жўн болалардан сира ажратиб бўлмайди дейишди. Бўпти, дедим-да, соқолимни кирдириб ташладим. Ҳеч қандай ён дафтар тутганим йўқ. Хотирамга ишондим. Мен қандай бўлмасин, уларнинг ичларига кириб олишим, бу йўлга болаларни нималар бошлаганлигини аниқлашим, пул топиш ва савдосотикдан ўзга яна нима уларни бунчалар машғул қилиб қўйганлигини билишим керак эди. Мен бангилик ҳодисаларини шахсий, ижтимоий, оилавий, қолаверса, психологик ҳолатларини ичдан туриб ўрганишим зарур эди.

Шунга қараб, ҳозирлик кўрдим. Май ойи эди. Наша май ойдан гулга кирази. Шундан бошлаб унинг гулини териш учун махсус одамлар Мўйинқум ва Чу чўллари сари отланадилар. Буларнинг ҳаммасини менга шахримиздаги мактаблардан бирининг тарих ўқитувчиси Виктор Никифорович Городецкий деган танишим ҳикоя қилиб берди. У билан иккимиз бир боғдан, бир тоғдан дегандай суҳбатлашиб ўтирганларимизда, ҳазиллашиб мени ота Авдий деб қақирарди. Унинг ёши ҳам мендан унчалар катта эмас, опам Варвара билан тенгкур эди. Виктор Никифоровичнинг бир жияни бўлиб, туғилганда унга ўзи Паша, Пахом деб от қўйган экан. Ана шу Пашаси тушмагур боши оғиб наshawандлар тўдасига тушиб қолибди. Буни кейинроқ билишган. На ота-онаси ва на Виктор Никифоровичнинг хабари бўлган.

Бир куни Паша ота-онасидан Рязанга, бобомнинг олдига бориб келаман деб, руксат сўрабди. Бобосининг олдига тез-тез бориб тураркан. У жўнаб кетгандан сўнг беш кунлар ўтгач, Виктор Никифорович Қозоғистоннинг жуда узок бир бекатидан йўл назорат прокуратурасининг терговчиси Жаслибековдан телеграмма олибди. Телеграммада, сизнинг жиянингиз темир йўлда жиноий тарзда наша олиб кетаётганда қўлга тушди, қамокда ўтирибди, деб хабар қилинган эди.

Виктор Никифорович Жаслибеков нега боланинг ота-онасига эмас, унга телеграмма юборганлигини дарров сезган. Паша ҳаддан ташқари каттиққўл отасидан кўркан. Виктор Никифорович дарҳол Олмаотага учган, у ердан поездга тушиб, бир кеча-кундуз йўл юриб, ўша чўл

бекатига етиб борган. Караса, Пашанинг ахволи жуда чаток. Махсус конун бўйича у дарҳол суд қилиниши, камида уч йилга кесилиши ва камок муддатини оғир шароитли колонияда ўтказиши керак экан. Жиноят исботланган — иш судга тушиши тайин эди. Виктор Никифорович афсусланибди, жиянига бўлар иш бўлибди, энди илож қанча, аттанг дейишдан бошқа чора йўқ, жиноят қилгандан кейин жазосини тортасан деб тушунтиришга уринибди. Ўзини қандай тутиш, судга нима деб жавоб бериш кераклигини тайинлабди. Ота-онанга ўзим тушунтираман, колонияга бориб хабар олиб тураман, деб юпатибди. Жаслибеков тоға-жияннинг ҳамма гап-сўзларини эшитиб ўтирган экан. У бирдан шундай деб қолибди:

— Виктор Никифорович, агар жиянингиз бу жинойий ишга бошқа ҳеч қачон қўл урмайман, деб айтса ва сиз уни қафилликка олсангиз, мен ҳам масъулиятни ўз устимга олиб, уни қўйиб юбораман. Менимча, бу болани тўғри йўлга солиш сизнинг қўлингиздан келади. Агар у яна бир марта наша билан қўлга тушса, худди оғир жиноятчидай қамалади. Ана энди, ўзингиз ҳал қилинг.

Виктор Никифорович хурсанд бўлиб кетиб, Пашани кафолатга олади. Жаслибековга нима деб миннатдорчилик билдиришни ҳам билмайди. Жаслибеков эса бундай дейди:

— Сиздан, Виктор Никифорович, бир илтимосим бор. Ўз турган жойларингизда бизга ёрдам беришингизни сўрайман. Матбуотда шу ишларни жиддий кўтариб чиқилса, жуда яхши бўларди. Сиз ахир муаллимсиз-ку. Биз рўй берган ёки рўй бераётган жиноятларга қарши курашамиз. Лекин мана бунақа она сути оғзидан кетмаган болаларни бу кимсасиз овлоқ чўлларга, айниган кимсалар, ашаддий жиноятчилар орасига кимлар, қандай қилиб жўнатаётганларини бизлар билмаймиз. Ахир, биз бу ўсмирларни судга беряпмиз, суд қилишга мажбур бўляпмиз. Сиз дарров етиб келганингиз соз бўлди, менга ёрдам бердингиз. Аксар қариндош-уруғлар — улар кўпчилик — умуман, келишмайди. Кейин ўн беш яшар бола оғир шароитли колонияга тушади. Колонияда нима бўларди дейсиз? Нимани ўрганишарди у ерда? Тубан, ҳеч нарсага ярамайдиган нобакор бўлиб чиқишади. Ўзингиз биласиз, Виктор Никифорович, мажбур бўламиз турмага ўтказишга. Одамнинг жони қуяди бу ишларни кўриб. Ишонасизми, ўтган мавсумда факат бизнинг бўлимимизнинг ўзида юздан ортиқ ўсмирни суд қилдик. Қўлга тушмаганлари, кўзимизни шамғалат қилиб қочганлари қанча денг. Улар сон-саноксиз. Келаверишади. Архангельскдан тортиб Камчатка томонлардан келишади худди балиқ уруғлагандай. Охири борми ахир бунинг? Ҳаммани қамаб бўлмайди-ку. Улар наша йиғишнинг миридан-сиригача ишлаб чиқишган. Ўзларининг йўл бошловчилари бор — баъзилари шу ерликлар, баъзилари бошқа жойлардан — улар болаларни наша кўп ўсган жойларга бошлаб боришади. Биз уларни ҳам суд қиламиз. Улар поездларни нима қилаётганликларини биласизми? Пассажир

поездига чиқишмайди. Юк поездларини тўхтатишади. Пассажир поездда уларни дарров ушлаб олишади. Улар қандайдир бир махсус дори топишади. Шунинг кечаси рельслар, шпаллар устига сепиб чиқишади. Узоқдан поезднинг чироғи тушганда, шу сепилган нарса худди ёнаётгандек, йўл, шпаллар, рельслар аланга ичида қолгандек туюлади. Албатта, ҳайдовчи составни тўхтатади. Чўлда нималар бўлмайди дейсиз. Чопиб пастга тушади. Қараса, тинчлик, ҳеч нарсага ўт кетган эмас. Нашавандлар бўлса, шу фурсатдан фойдаланиб, сумкалари, жомадонлари, қопларини кўтариб вагонларга чиқиб оладилар. Ҳозирги составларни биласиз, бир чақиримлаб чўзилиб кетади. Минг караган билан фойдаси йўк. Улар поездга чикқач, катта бекатгача бориб оладилар. У ерда эса йўловчилар кўп! Кимнинг кимлигини билиб кўринг-чи! Рост, кейинги йилларда милиция махсус ўргатилган итлар боқяпти. Улар нашани ҳидидан топади. Сизнинг жиянингизни ҳам итлар ушлаб беришди...

Виктор Никифорович ўша ерда яна бошқа кўп гапларни ҳам эшитибди. Буларнинг ҳаммасини менга у айтиб берди. Лекин ўзим ҳам тахминан шундай бир гапга ич-ичимдан етилиб қолган эдим. Ўзимга тенгқур ёшларнинг ақл ва юракларига ҳеч кимнинг хаёлига келмаган бир йўл топсам деб, ич-этимни еб юрардим. Уларни мен эзгуликка чорлашим керак дердим. Зиммамга юқоридан худди шу нарса юклатилгандай эди. Шундай ўйлаб, эҳтимол, ўзимга ўзим ортиқча баҳо бериб юборгандирман. Лекин ҳар қалай, нима бўлмасин, чин юракдан шундай қилишни истардим. Балки буни ижтимоий келиб чиқишим юзасидан тушунтириш мумкинди. Ким билсин яна. Мен айрим мақолаларимда, гарчи умумийроқ тарзда бўлса-да, ичкиликнинг ёшларга ҳалокатли таъсири ҳақида тўхталган эдим. Ғарбнинг фожиали тажрибалари асосида гиёҳвандлик хусусида ҳам шунга яқинроқ нарсаларни ёзгандим. Лекин буларнинг ҳаммасини ё бошқалардан эшитган ва ё китоб-газеталардан ўқигандим. Ёшлар ва айниқса, ўсмирлар ўртасида тарқалаётган, кўп қайғули оқибатларга олиб бораётган, ҳаммага маълум, шу билан бирга кўплар вабодан қўрққандай номини айтишга қўрқадиган гиёҳвандлик ҳодисалари — шахснинг ўз-ўзини емиришидан тортиб, то қийноққа солиб ўлдиришларигача — ўзининг ўйларим ва кечинмаларим акс этадиган ёрқин, таъсирчан материал тайёрлаш учун муаммони ичидан барча тафсилотлари билан очиб берадиган билим етишмаётган эди. Буни қарангки, шу аснода, бундай воқеалар билан шахсан ўзи тўқнашган Виктор Никифорович Городецкий менга барча бошидан кечирганлари, ўй-хаёлларини сўйлаб берди. Пашани нашаванд улфатлардан ажратиб олиш учун ота-она, ака-ука, бутун хонадон уйларини кичикроқ, лекин бошқа шаҳардаги квартирага алмаштириб кўчиб кетишга мажбур бўлдилар. Буларнинг барини Виктор Никифорович қуюниб, хафа бўлиб ҳикоя қилди.

Шу-шу кўнглимга туккан ишимга дадил киришдим.

* * *

Мен Москвага келдим. Бу ердан, Қозон вокзалидан наша ўсадиган чўлларга жўнашим керак эди. Гап шундаки, худди мана шу Қозон вокзалида ўсмирларнинг нашага борадиган чопарлари, — ҳа, улар наша йиққани борадиган болаларни чопар дер эдилар, — тўда бўлиб оладилар. Кейин бу нарсани ўз кўзим билан кўрдим. Чопарлар Шимол ҳамда Болтиқбўйининг турли шаҳарларидан, айниқса, Архангельск билан Клайпедадан кўп келишарди. Чамаси, бу шаҳарларда нашани йўлга чиқаётган денгизчиларга пуллаш кулай бўлса керак. Нашаванд чопарларнинг изларига тушиш учун мен Қозон вокзалида Утюг ёки Утя лақабли кўкрагига саксон еттинчи рақам осган юк ташувчини топишим, унга эски бир танишидан салом етказишим лозим эди. Танишининг номи бизга Паша орқали маълум эди. Утюг патта кассаларини яхши билар — андак музд эвазига йўлда кетишни таъминлар эди. Лекин ким шундай қилади билолмадим, ундан бошқа яна кимдир шу ишларни махфий бошқариб туриши аниқ эди. Ўша Утя болаларнинг ҳаммасига бир поездга патта топиб, уларни хар турли вагонларга жойлаб, жўнатиши керак эди. Нашаванд чопарлар билан яқинроқдан танишиб шуни билиб олдимки, наша олиб келиш учун борадиганлар аввало, мабодо қўлга тушиб қолсалар, миқ этиб оғиз очмаслик, бир-бирларини сотмаслик учун сўз берар эканлар. Шунинг учун улар одамлар кўз ўнгида ўзаро кам гаплашар эканлар.

Шундай қилиб, мана, Москвага илгари келган-кетган пайтларимдан яхши таниш уч вокзал майдонидаман. Одам кўп. Айниқса, метро билан вокзалнинг ўзи тикилинч, ўтиш маҳол. Шунча одам қаердан келяпти, қаерга кетяпти — гирдобга тушган чўпдек чирпирак бўлиб айланади бу уч вокзал майдонида. Лекин барибир мен Москвада юришни, шаҳар марказига, сал кенгликка чиқиб олгач эса, кўчаларда тентираш, эски китоб дўконларида ивирсиш, афиша ва турли эълонларни ўқишни, иложини топсам, яна Третьяковка ёки Пушкин музейига боришни жуда севардим.

Бу сафар электрикадан Ярославский вокзалида тушиб Қозон вокзали томон одамлар издиҳоми ичра ўтиб борарканман, бир фикр миямдан ўтди. Буни қаранг, илгари ўзимга ўзим хўжайин эканман. Камсуқум хохиш-истакларим ўзимга тобе, зиммамда ҳеч қандай юк йўк, ҳеч қандай иш-ташвиш вақтимни банд қилмайди. Москва кўчаларида қанча хоҳласам ва қандай хоҳласам, шундай тентиб, ўйнаб юраман. Бундан ортиқ бўлиши мумкинми, ахир. Хўп, замонлар экан-да, ўша замонлар. Ҳозир эса чумолининг уясидек, одамлар гужғон ўйнаб ётган улкан Қозон вокзалида кўкрагига саксон еттинчи рақам осган Утюг лақабли алоқачи ва юк ташувчини зудлик билан топишим керак. Ох, худойим, бунинг рақами саксон еттинчи бўлса, Қозон вокзалида унга ўхшаган арава судраганларнинг ўзи канчайкин, юздан кам эмасдир хар ҳолда. Чиндан ҳам, бу издиҳом ичидан уни топиш осон бўлмади. Ярим соат вақт сарфлаб юк ташувчилар юрадиган ҳамма жойларни

айланиб чикдим. Ниҳоят, уни Тошкентга жўнаётган поезд перронидан топдим. Утюг аллакимнинг юклари — жомадонлари ва қутиларини аравадан вагонга жадал ортиб берар, дам-бадам проводниклар билан ҳазил-мазақ қилар, ўзига жуда ёкса керак, вокзалларда кенг тарқалиб кетган битта майнавозчиликни ҳадеб такрорларди: «Пулим бор — Козонга бораман, пулим йўқ — Чашмага бораман». Мен бир чеккада унинг бўшабини, йўловчилар вагон-вагонларга жойлашиб, кузатиб қолаётганлар эса состав бўйлаб купеларнинг ойналари қаршисига тарқалишларини кутиб турдим. Ниҳоят, у олган чойчақасини чўнтакка суққанча, ҳарсиллаб чикиб келди. Девдек малла йигит экан, кўзлари тўрт томонга аланглаб туради. Сал бўлмаса ишнинг пачавасини чиқариб қўяй дебман. Унга сизлаб сўзлашим, устига-устак, безовта қилганим учун узр сўрашимга оз қолди.

— Бормисан, Утюг, ишларинг қалай?— дедим иложи борича ўзимни бепарво ва бетакаллуф тутиб.

— Ишларимиз худди Польша. От-арава кимники — панники,— мени худди юз йилдан бери танийдиган одамдай чечан жавоб берди у.

— Пан ўзинг экансан-да,— дедим унга аравасини кўрсатиб.

— Бўлмасам-чи! Биз ҳам оғайни, биламиз пулнинг сассигига чи-долмаётганларни. Ўзинг нима қилиб юрибсан, чавағим? Обориб қўяйми юк-пукинг бўлса, ё нима дейсан? Хўш!

— Обориб қўйиш ўзимнинг ҳам қўлимдан келади,— ҳазил қилдим.— Сенда ишим бор.

— Айт, нима иш экан.

— Бу ердасиз. Сал четга ўтайлик.

— Юр унда, чавағим, нарироқ борайлик.

Узун перрондан ўтиб, вокзал биносига қараб юрдик. Тошкент поезди жилди, ёнимиздан катор-катор ойналару ойналарга бурниларини тираган башаралар ўта бошлади. Кўшни йўлга аллақайдан бошқа состав келиб тўхтади. Поездлар саф-саф туришар, одамлар шошилишар, югур-югур қилишар, радиокарнайдан дам сайин келаётган ва жўнаб кетаётган поездларни эълон қилишарди.

Вокзал биносига етганимиздан сўнг, Утюг аравасини бурчакка бурди, бу ерда ҳеч ким йўқ эди, атрофга сарасоф ташладим-да, унга Пашка айтган одамнинг дуойи саломини етказдим. Унинг оти Игорь бўлиб, чопарлар ўртасида Морж лақаби билан танилган эди. Нега Морж эканлигини бир худонинг ўзи билади.

— Моржнинг ўзи қани?— сўради Утюг.

— Етиб келади,— жавоб бердим.— Ичакдаги яраси қийнаб юборди бечорани.

— Ўзим айтувдим-а,— ачиниб пешанасига урди Утюг. Бир чеккаси айтгани тўғри чиққанидан мамнун ҳам эди.— Унга айтганман, чавағим, ўтган гал айтганман, тентаклик қилма, деганман. Аввал ўзингга бок, кейин ногора қоқ. Экстрага зўр бераётган эди, бели синади-да. Ичак чақа бўлмай, мен чақа бўлайми шундан кейин.

Мен ачиниб кулок солгандай бўлдим. Лекин очиги, экстра дегани нима — арақми ё бошқа нарса — билмасдим. Аммо худога шукур, ундан буни сўраб ўтирмадим. Кейин билишимча, экстра дегани наша чангидан килинган мум-сакич экан. У худди пластилинга ўшаркан. Нашидан олинадиган энг кимматли нарса ана шу экан (мен пластилин ҳақида Виктор Никифоровичдан эшитган эдим). У қорадорига ҳам ўхшайди. Кимёгарлик тажрибахоналарида экстра героинга ўхшаш суюкликка айлантирилиши мумкин. Бунга Моржга ўхшаганлар ё бошқа чавақ нашаванд чопарларнинг қурби етмайди. Лекин жуда кўнгиллари тусаб қолса, экстрани тиллари тагига ташлаб сўриш, чайнаш, араққа кўшиб ичиш, нонга кўшиб ейиш қўлларидан келади. Улар экстрага хумор бўлсалар, миямизни бир чалғитайлик, дейдилар. Лекин энг қўлболаси — нашани чекиш. Бунда ҳам ҳар ким ўз ҳолига яраша: ким тозасини чекади, ким тамакига кўшиб аралаштиради. Чекканда ҳам мия анча чалғийди. Лекин бунда нашанинг кайфи бошқа усуларга караганда тезроқ тарқайди.

Буларнинг ҳаммасини ва яна нашаванд чопарлар хаётига оид бошқа кўп нарсаларни мен «Халхингол»га борганимда аста-секин билиб олдим. «Халхингол» деб ўша наша ўсадиган жойларни айтишаркан. «Халхингол»и қурсин, сал бўлмаса, чув тушай дебман.

— Сен ҳам чавағим, «Халхингол»гами?— сўради Утюг гап орасида.

Олдин тилим тутилиб қолди, тушунмадим «Халхингол» деганига, кейин бирдан фаросатим ишлаб кетди:

— Шундай десак ҳам бўлади. Умуман олганда менга бу...

— Унда гап бундай. Билет тўғрисида чавағим, ташвишланма. Ҳаммаси жойида. Қолган гапларни ўт-мўт олиб келганларингда Догнинг ўзи ҳал қилади. Бу менинг ишим эмас.

Бизга билетлар олиб берадиган Догнинг кимлиги, у нимани ҳал қилишини мен билолмадим, охиригача ҳам буни аниқлай олмадим. Лекин Утюг билан ўртамиздаги гап-сўздан «Халхингол»га бугун эмас, эртага юришимизни билдим. Маълум бўлишича, ҳали барча чопарлар етиб келишмаган. Мурманскдан икки чопар тунги поезд билан келади. Яна биттаси, қаердан экан билмайман, эрталаб шу ерда бўлади. Лекин энди буларнинг менга сира дахли йўқ. Бир кун ҳам харна Москвада турганга не етсин.

Эртага тайинланган вақтга Козон вокзалига келадиган бўлдим (келсам-келмасам, барибир, шу вокзалдан бўлак ётадиган жойим йўқ). Мен билан хайрлашаркан, Утюг гиёҳ соладиган юкхалта ва елим пакетларинг борми деб сўради. Жомадонимда юкхалта ва пакетлар бор эди. У, магазинларни қара, агар қопқоғи маҳкам, зич ёпиладиган шиша ёки пластмасса қутича топсанг, сотиб ол, ўшанга нашанинг ширасини йиғасан, деди.

— Шалпангулок бўлма. Жуда қийин иш-ку, лекин бир озгина ширач тўпла,— деб шипшиди у.— Ўзим ҳеч бормаганман, лекин кўп эшитганман. Шу ерда бир Лёха дегани бор. Икки марта сафар қилиб

келдию, дарров «Жигули» олди. Москвада маза қилиб юрибди, шаталок отиб... Одам узоғи билан ўн кунгина қийналади, холос...

Шундан сўнг ҳар қайсимиз ўз йўлимизга кетдик. Мен жомадонимни сақлаш жойига топширдим-да, Москвани айлангани отландим.

Май ойи охирлаб қолган. Ёз бошланиши олдида Москва жуда бошқача бўлиб кетади. Ундай десам, куз-чи, ҳаво беҳад мусаффо, японроқларнинг тилларанг шуълалари ҳатто одамларнинг кўзларида акс этадиган эрта куз палласи ҳам мислсиз чиройли. Лекин мен кўпроқ ёзга кириб бораётган Москвани яши кўраман — унинг кундузги кўчалари гаштли, сутдай оппоқ кечалари гаштли, бундай чоғларда шаҳарнинг ўзи ҳам, шаҳар узра юлдузли осмон ҳам то тонгга қадар тун ёғдуси шуълаларига чўмилиб ётади.

Мен вокзалдан тезроқ тоза ҳавога чиқмоқчи эдим, лекин шаҳар марказига метрода бориш қулайлигини эсладим у яна одамлар оқими-га қўшилдим. Ҳали кечки тикилинчга вақт бор. Кўз ўнгимда қоронғулик ва ёруғлик липиллаб ўтаркан, марказга бемалол етиб олдим. Свердлов майдонида ўзим яхши кўрадиган боғчага қардим. Боғча худди сўлим оролга ўхшайди. У кўм-кўк яшнаб ётади, атрофида машиналарнинг тинимсиз оқими ва зич қуршаб келаётган гўж бинолар. Мен беихтиёр йўловчилар тўлкинига қўшилиб, Манеж томонга юрдим. Бирон кўргазма очилган бўлса кўраман, дедим. Аммо Манеж берк экан. Шундан сўнг эски университет биноси олдида, Пашков уйдан ўтиб, Валхонкага ва ундан Пушкин музейига бордим. Нега-лигини билмайман. Лекин дилим жуда осуда ва фараҳли эди. Балки бу ҳали тикилинч бошланмаган Москва марказининг кўчалариданмикин ёки балким, шаҳарнинг бу қисми узра гўё нурамас тоғ тизмаларидай ястаниб турган Кремлнинг ғиштин деворлари ташлаган сояларданмикин, руҳимга ажиб бир фароғат ёғиларди. «Нималарни кўрмаган бу деворлар ва ҳали яна нималарни кўрмайди?» деб ўйлардим. Кўчаларда ўзидан-ўзи ёпирилиб келаётган хаёларга берилиб кетиб, соқолимни қуни кечагина қириб ташлаганимни ҳам унутиб, ўзим сезмаган ҳолда тўхтовсиз яланғоч иягимни силардим. Шунда Козон вокзалида уя қуриб олган кулфатнинг сирига етмоқчилигимни ҳам вақтинча эсдан чиқардим.

Йўқ, ҳар қалай, тақдир деган нарса бор, яхшилик ҳам ундан, ёмонлик ҳам. Пушкин музейи томон борарканман, омадим юришганини қаранг, ҳеч хаёлимга келмаган иш бўлди. Мен музейда жилақурса янги экспозицияларни кўрарман деб, ният қилгандим. Агар у ҳам бўлмаса, залларни яна қайта айланиб чиқаман, кўп нарсаларни эсимга тушираман, таассуротларимни янгилайман, дегандим. Бунини қарангки, музейга кираверишда, боғча олдида қиз билан йигит рўпарамдан чиқишди-да, мени тўхтатишди:

— Менга қара, ошна, сенга билет керакмасми? — деди ялтироқ кўк галстук таққан, оёғига малла туфли кийган ва туфлиси оёғини қисаётганлиги шундоққина кўриниб турган аллаким.

Ҳар икковлари ҳам жуда зерикиб кетганга ўшардилар, башараларидан бетоқатлик акс этарди.

— Нима, билетлар йўқ эканми? — деб сўрадим навбат турган бирон кимса йўқлигини кўриб.

— Э, йўқ, бу концертга. Фақат иккаласини оласан.

— Қанака концерт? — сўрадим яна.

— Ким билади дейсан, черков хори дейишяпти.

— Музейда-я? — ҳайрон бўлдим.

— Оласанми, йўқми? Иккита билет уч сўм, ол.

Мен иккала билетни олдим музейга шошилдим. Пушкин музейида концертлар қўйилишини эшитмагандим. Администратордан сўраб билдим. Кейинги вақтларда музей қошида классик музика лекторийсига ўхшаш бир нарса ташкил этилган экан, кўпроқ машҳур музикантлар томонидан камер куйлар ижро қилинган. Бу сафар — во ажабо — Италиян саҳни деб аталган залда эски булғор ибодат куйлари концерти бўларкан. Ҳатто тушимга ҳам қирмаган эди ижро этилса? Афсуски, администратор хотин тафсилотларини айтиб беролмади. Ҳурматли меҳмонлар қутиляпти, болгар элчиси келса ажаб эмас, деди у. Менга буларнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ эди, барибир, хурсанд бўлганимдан тўлқинланиб кетдим. Булғор ибодат куй-қўшиқлари ҳақида илгари отамдан эшитган эдим. Буни қаранг энди — шундай ажойиб тортик, яна хатарли сафар олдидан. Концерт бошланишига ярим соат вақт қолган. Мен музейни айланиб ўтирмадим-да, ўпкамни босиб олай деб, тоза ҳавога чиқдим.

Ох, Москва, Москва! Москва-река яқинидаги етти катта баландликнинг бири, май ойининг охирлари! Юрагингда ғубор йўқ, борликда муваққат уйғунлик ҳоким, ана шунда шаҳар жуда серфайз ва ҳамма нарса жуда маънодор бўлиб кўринади. Кўкрагимни тўлдириб, чуқур-чуқур нафас олар, осмон тиниқ, ер-хаво — мўътадил, мен музей олдидаги боғнинг чўян панжараси бўйлаб нари бориб-бери келардим.

Кутадиган ҳеч кимим йўқлигидан ўқинардим. Эҳтимол, чўнтагимда иккита билетим борлиги учун шундай ўқсингандирман. Қанийди, у ҳозир келиб қолса, бу қанчалар табиий ва ажойиб бўларди-ку. Унга қўчанинг нариги бетиде турганида кўзим тушади, ишқилиб, кечикиб қолмай деб, қўчанинг бу томонига ўтмоқчи, у шунчалар гўзал, шунчалар тентак ва эҳтиётсиз, мен уни деб қўрқаман, юрагим ҳовлиқади, хапrikaди, унга зўр бериб, ҳаяжонланиб ишоралар қиламан, шошма, ўтмай тур, ҳовликма дейман, — ана, кўряпсанми, машиналар келяпти, одамлар кўп ҳаммаёқда, лекин ёлғиз сен, сен менинг бахтиқболимни ўзинг билан бирга олиб юрасан, дейман. Шунда у менга қараб табассум қилиб қўяди, ахир у юзимга қараб, юрагимдаги барча сўзларимни уқиб оларди-да. Ўшанда мен ундан олдинроқ қўчанинг нариги бетига, унинг олдига чопиб ўтаман, мен ўзим учун қўрқмайман, чаққонлигимни биламан, чопиб ўтиб шартта унинг қўлларидан ушлаб олар-

дим-да, кўзларига термулиб қарардим. Нима учундир шу манзараларни кўз ўнгимга келтирарканман, ҳақиқатан ҳам, юрагимда муҳаббат интизорлигини ҳис қилдим ва нечанчи маротаба пешонамга ёзилган суюкли қизни ҳали-ханузгача учратолмаганлигимни ўйладим. Лекин ўша менга аталганнинг ўзи бормикин, буни мен ўзимча тўқиб чиқармадиммикин ва жуда оддий нарсаларни чигаллаштириб юрмаганмикинман? Бу ҳақда мен кўп ўйлардим ва ҳар гал ҳаммасига ўзим айбдорман деб, ўқинар, маънос тортардим,— ё ҳаддан ортиқ кўп нарсаларни кутяпман ёки, менда қизларни ўзига тортадиган ҳеч нарса йўқ. Ҳар ҳолда тенгқурларим бу борада мендан кўра омадлироқ ва кўнгилнинг кўзини биладиганроқ одамлар чиқишди. Диний семинария ёш кўнгилнинг ўз хоҳишига қараб яшашга йўл қўймасди, деб баҳона қилишим мумкин эди. Лекин семинариядан кетганимдан кейин ҳам, мен бу борада бирон-бир муваффақиятга эришганим йўқ. Нега? Агар ҳозир мен севишни истаган одам чиндан ҳам бу ерга келиб қолса, унга ҳаммадан бурун бундай дердим: юр, бирга-бирга ибодат мусикасини тинглаймиз ва ўзимизни шу мусикадан топамиз. Лекин кейин мени шубҳалар кемира бошлайди: мабодо, буларнинг бари унга ғоятда зерикарли ва туссиз кўринса, унчалар тушунмаса, ана унда нима бўлади? Ахир, ибодатхона ичидаги ибодат, само мусикаси бошқа, оддий бинонинг оддий залида не турфа одамлар ичида айтилган куй-қўшиқ бошқа. Чунончи, Бах хоралларини физкультура майдонида ва ёки жўшқин маршларга одатланиб қолган авиадесантчилар казармасида ижро этилгандек таассурот қолмасмикин?

Пушқин музейга ялтир-юлтир машиналар келиб тўхтаб бошлади. Ҳатто битта интурист автобуси ҳам келди. Вақт бўлганга ўхшайди. Италиян залига кираверишда одамлар тўдалашиб туришарди. Кишилар жам ҳолида бир нарсани кутаётганларида шундай туюлади. Кимдир ортиқча билет йўқми, деб сўради. Мен ортиқча билетимни ўзига ярашмаган кўзойнак таккан талаба йигитга бердим. Кейин пушаймон қилдим. У одамлар ўртасида чўнтагидан барча танга-чақаларини чиқариб санашга тушди. Тангалар қўлидан ерга тўкила бошлади. Мен, бўлди, бас қилинг, бу билетни менга совға қилишган эди, мендан сизга туҳфа десам ҳам, ҳеч қўймайди, ниҳоят, залга кириб бораётганимизда тангаларни бир ҳовуч қилиб қурткамнинг чўнтагига ташлади. Рост, пулим ошиб-тошиб ётгани йўқ, ўз кунимни ўзим бир амаллаб кўриб юрибман. Лекин шундай бўлса ҳам ҳар ҳолда... Пойтахт одамлари концертга мос кийинганларини кўриб, яна бир хижолатга тушдим. Ўзим сийкаси чиққан жинси, олди очик қуртка, беўхшов бошмоқ кийиб олган, бунинг устига соқолим қирдирилганди. Бунга эса сира кўниқолмас, худди бир нарсамни йўқотиб қўйлардай эдим. Мен ўзим билмаган узоқ, номаълум ўлжага, назорат чўлларга отланган, ҳамроҳларим эса аллақандай худобехабар банги чопарлар... Лекин булар бари ҳатто гапириб ўтиришга арзимайдиган майда-чуйда нарсалар...

Икки қаватли юксак италян саҳнидаги барча кўргазмалар, чама-

си, ўз жойида турар, фақат залнинг ўртасига бир-бирига зич қилиб стуллар қўйилганди. Биз ана шу стулларга ўрнашдик. Қаршимизда на сахна, на микрофон, на парда — бунақа нарсалар йўқ. Залнинг тўр томонига чеккароққа ўртачароқ катталиқдаги минбар ўрнатилган. Икки дакикалардан сўнг барча жой-жойига ўрнашиб бўлди. Эшик олдида яна бир неча одамлар тўдаланиб қолди. Афтидан, залдагиларнинг кўпчилиги бир-бирларини танишса керак, ҳаммалари чақчақлашиб ўтиришарди. Фақат мен жимгина хаёл сураб, ўзим билан ўзим овора эдим.

Лекин мана, ниҳоят, ён томондаги эшикдан икки аёл чиқиб келишди. Улардан бири — Пушкин музейининг ходимаси, иккинчисини — Софийадаги Александр Невский жомеси музейидан келган болгар ҳамкасабасини таништирди. Залда ғовур-ғувур тинди. Сочлари силлиқ таралган, яхши туфли кийган, оёқлари ғоятда чиройли, негадир шунга эътибор берганимни кўринг, сипо ва ёш болгар аёл каттакон қора кўзойнақ устидан залга вазмин бир нигоҳ ташлади-да, саломлашди, сўнг тузуккина рус тилида мухтасар маъруза қилди. Ўз музейларида черков меъморчилигининг бебаҳо ёдгорликлари, қадим қўлёзмалар, санам чизиш санъати намуналари ҳамда эски китобатчилик тарихи асарлари билан бир қаторда ўрта аср черков музикасини ҳам тарғиб қилаётганликларини сўйлаб берди. Улар жоменинг тагида жойлашган пастки қаватларида — буни крипт дейишар экан, — кечки концертлар уюштиришиб, уларда тирик экспонатларни катнаштиришаркан. Хоним шундай дегач, табассум қилиб қўйди. Пушкин музейининг таклифига кўра «Крипт» капелласи мана энди Москвага меҳмонга келибди.

— Сўраймиз! — деб таклиф қилди у ичкаридагиларни залнинг қарсақлари остида.

Кўшиқчилар шу ерда туришган экан. Улар биз кириб келган эшикдан залга ўтишди. Улар жами ўн киши эдилар. Бор-йўғи ўн киши. Ҳаммалари навқирон, мен билан бир ёшдаги йигитлар. Ҳаммалари бир хилда концертбоп қора костюмда, оппоқ ёқаларида котирма капалак галстуклар, қора ботинка. На чолғу асбоблари, на микрофонлар, на овозни кучайтириб берадиган усқуналар, на махсус сахна ва на кўзни қамаштирадиган ранго-ранг чироклар. Фақат залдаги чирокларнинг ёруғлигини бир озгина пасайтиришди, холос.

Назаримда, бу ерга капелла ҳақида тушунчага эга тингловчилар йиғилган, лекин негадир барибир кўшиқчилар учун кўркиб кетдим. Озмунча одам йиғилганми? Бунинг устига бизнинг ёшларимиз бакирок электрон овозларга ўрганиб қолишган — кўшиқчилар жанг майдонида қуролсиз қолган аскарларга ўхшардилар.

Улар елкама-елка ярим доира ясаб туришди. Чехралари осуда, сердиққат, ўзларига ишонч барқ урган. Яна бир қизик нарсани ҳам пайқадим — уларнинг ҳаммалари негадир бир-бирларига худди қуйиб қўйгандек ўхшардилар. Юраклари шу тобда бир ташвиш, бир интилиш, бир мақсад билан ураётганлиги боисидан шундай кўринса керак.

Бундай пайтларда бошқа нарсалар, ҳатто ҳар бирининг ҳаётидаги энг муҳим нарсалар ҳам орқага чекинади, улар ҳаёлдан мутлақо чиқариб ташланади — бу жангга киришдан олдин ҳамма ғалаба қозонишни ўйлагандай гап.

Бу орада бояги болгар жувон концерт бошланмасдан бурун қора кўзойнагидан бизга вазмин назар ташлаганча, қисқача тарихий маълумот бериб ўтди. Болгар черковининг ўзига хослиги, Византияга бориб тақаладиган илдизлари, ажралиб турадиган хусусиятлари, ибодат маросимлари ва қўшиқлари ҳақида сўзлади, болгар қўшиқчилигининг миллий анъаналарига тааллуқли айрим тафсилотларга тўхталди. Сўнг концерт бошланганлигини эълон қилди.

Қўшиқчилар тайёр эдилар. Улар нафасларини ростлаб яна бир зум жим қолдилар. Бир-бирларига елкама-елка янада жипсроқ турдилар. Шунда жимжитлик чўкди. Зал худди бўшаб қолгандек туюлди — одамларнинг қизиқишлари ортганди: қани, бу ўн йигит бизга нима бераркин, нима ҳунар кўрсатаркин. Улар ўзларининг нимасига ишонаркин. Ниҳоят, ўнг томондан учинчи бўлиб турган қўшиқчи — у тўданинг етакчиси шекилли — ишора қилди ва қўшиқ бошланди. Овозлар парвоз этди...

Ўша жимжитлик ичида гўё самонинг порлоқ ҳавойи араваси оҳиста ўз ўрнидан жилди ва кўзга кўринмас ҳаво тўлқинларига миниб залдан чиқароқ кўқларга интилди, бу жонон араванинг ортидан руҳнинг битмас-туганмас захираларидан куч-қувват олароқ ва ҳар сафар қайта тирилароқ овозларнинг тантанавор ҳамда сарафроз излари ўчиб кетмай чўзилгандан чўзилиб борарди.

Сарахборданоқ капелладаги барча овозлар ўзаро жуда нозик мослашганлиги, овозларнинг ҳаракатчан ва уйғун-мутаносиблигига эришилганлиги билинди. Ўнта бир-бирига асло ўхшамайдиган одам, улар қанча вокал қобилият ва моҳирликка эга бўлмасинлар, бунчалар уйғунликка эриша олишларини ҳатто тасаввур қилиш қийин эди. Ва агарда мабодо, мана шу қўшиқ ижросига ҳар қандай музика ва айниқса, замонавий музика асбоблари жўр бўлганда эди, ўнта мустақкам устун тутиб турган манавиндай ноёб иморат ҳам кулаб тушиши шак-шубҳасиз эди. Ноёб қисматгина бундай мўъжизани ярата олиши мумкин. Яъни мана шу, ҳа, худди мана шу ўнта одам қазову қадарнинг марҳамати билан бир пайтда туғилиши, вояга етиши, бир-бирларини ахтариб топиши, бир ерга тўпланиши, қачон-қачонлардир етиб ҳам, ажратиб ҳам бўлмас Рухдан яралган Илоҳни не азоб-уқубатлар ичида излаган, ўйлаган ва ниҳоят, топган або-боболар олдида фарзандлик бурчини ҳис қилиши керак эди — ахир, сўз билан ифодалаш қийин туғёнли, нолақор қўшиқлар фақат мана шу ҳолдагина дунёга келиши мумкин эди. Улар шу қадар зўр қудрат билан вужудан куйга айланиб, ўртаниб, ўз қуйларига тамомила берилиб айтардиларки, бу санъатнинг сарвати унинг туганмас эҳтиросида жо бўлганди. Бунда илоҳий сўзлар баҳона эди, холос. Илоҳга қарата муножот эди.

Хаммасининг бошида эса, ўз улугворлигининг мумтоз чўккилари сари умтилган инсон руҳи турарди.

Тингловчилар асиру мафтун бўлган, буткул ўй-хаёлга ботгандилар. Уларнинг ҳар бирларига ўзини мудом ташқаридан излайдиган ақл-ид-рокнинг неча-неча асрлар мобайнида фожиали адашувлар ва қароматлар ичида яратган нарсасига ўз ҳолича, якка-якка ҳолда, кўшилмоқ, бобахра бўлмоқ имкони туғилганди. Шу билан бирга улар бошқа ҳамма билан биргаликда, жам ҳолида Сўзни англашга муяссар бўлган, жуда кўп дилларнинг кўри кўшилган кўшиқларнинг куч-қуввати ҳам бундан яна ўн чандон ортиб кетганди. Яна шу билан бир вақтда ҳар бир тингловчининг тасаввури инсон ҳаётининг йўлларида дуч келган хотиралар, алдамчи ҳаёллар, соғинишлар, айрилиқлар, қувончлар, армонлар, виждон кийналишлари, таънаўпка ва ёзғиришлардан иборат доим ўзингга кадрдон, лекин, ноаён ва мубҳам дунё сари тортиб кетарди.

Ростини айтсам, ўша соатда бошимдан нима кечаётганлигини англамас, англашни ҳам истамас эдим. Кўринишдан худди менга ўхшаган, худди мен каби одам бўлган ўн кўшиқчига нега бу қадар берилиб кетдим билмайман, аммо улар айтаётган қасидалар, алёрлар худди менинг кўксимдан, дарду аламларимдан, хоҳишларим, шу пайтгача ташқарига чиқишга йўл топмаган ташвиш-қувончларимдан отилиб юзага чиқаётгандай ва шу заҳоти, янгича нур ва янгича башорат билан тўлаётгандай эди. Шу кўшиқчиларнинг санъат, маҳоратлари туфайли мен ибодатгоҳ само кўшиқларининг азалий маъносига тушуниб етгандай бўлдим. Бу ҳаётнинг фарёди, кўлларини кўкларга чўзган инсон боласининг нола-афғони эди. У кўз илғамас коинот бўшлиқларидан ўзига таянч изларди, ўзига ишонч ҳосил қилишни истарди, ўз аҳволини яхшилашни хоҳларди, бунда ундан ташқари яна ўзига ёру мададкор бўла оладиган аллакандай илохий кучлар борлигига умид киларди, фожиона бир алфозда улардан нажот кутарди. Ана сизга янглишнинг зўри! О, одам болалари ўз оҳ-фарёдлари кўкларга етиб боришини нақадар истайдилар! Қанчалаб куч-ғайрати, ақл-фаросатини у ишонч-эътиқодга, тавба-тазарруга, ҳамду саноларга бахш айлади. Кони қайнаб, жўшиб турган бўлишига, табиатида азалий исён, инкор, янгилик яратиш иштиёки туғён уришига қарамай ўзини сабр-матонатга, мўминликка, ҳар нарсага чидашга, андишага ўргатди — буларнинг бари кўкда ҳисобга олинади-ку, деди. О, қанчалар азоб-уқубатлар, қийинчиликлар билан эришарди буларнинг барига, Ригведа, муножотлар, сеҳр-жодулар, ромлар, дуолар, ҳамду наътлар, шомонлар! Асрлар бўйи қанча-қанчалаб илтижолар, ибодатлар, дуолар кўкка ёғилиб турди. Мабодо уларнинг бари бирдан дарё ёҳуд уммонга айланиб қолсайди, кирғоқларига сиғмай тошиб чикқан, аччиқ ва шўр баҳри муҳит каби ер юзини босган, буткул кўмиб ташлаган бўларди. Қанчалар мушкулликлар ичида туғилди одамнинг одамийлиги...

Худонинг қудрати билан бир жойга жам бўлган ўн муғанний кў-

шик айтар, бизни ўз хаёлларимизга ғарки об айлар, онгимизнинг коп-коронғу гирдобларига чўктирар, ўтмишни, адам мулкига кетган инсон авлодларининг руҳи ва ғам-хасратларини тирилтирар ва шу асно, бизни юксакларга парвоз қилдирар, ўзимиздан, оламдан баландрок кўтарилишга, ҳаётимизнинг маъноси ва гўзаллигини топишга чакирар — ҳаётга бир мартагина келасан, унинг мўъжизий иморатини сев, дерди. Ўн муганний эхтимол ўзлари ҳам билмаган ҳолда илоҳий кўшиққа муносиб бўлиб шу қадар фидойилик билан, мафтун ва маҳлиё куйлардиларки, мутаассирликдан юракларда олий умтилишлар жунбушга келарди. Кундалик турмушда, жонга теккан ташвиш, югур-югур, ҳаловатсизликлар ичида одам бундай кечинмаларни камдан-кам бошидан ўтказди. Шунинг учун ҳам, тингловчиларнинг баҳри дили очилган, юзларида ҳаяжон зуҳур этар, айримларнинг кўзларида эса ёш ҳалқаланарди.

Шу ажиб байрамни тортик қилиш учун мени етаклаб келган тасо-дифга тахсинлар ўқир, ўзимда йўқ қувонар, бутун вужудим гўёки вақтдан, макондан буткул холи бўлиб, кўз илғамас кенгликларга чиққан бунда ўтган кунлар хотираси ҳам, шу онларнинг сезим ва тушунчалари ҳам, келажак орзулари ҳам — бари-бари менинг барча билган нарсаларим, бошдан кечирганларимга мўъжизакор бир тарзда қўшилиб, бирлашиб кетгандай эди. Шу хаёллар ичида бирдан мен ҳали севмаганман, деб ўйладим, конимда яшаб, ўз вақти соати келишини кутиб юрган муҳаббат соғинчи кўкрагимни каттик сиркиратиб, оғритиб ўтди. Ким у, каерда у, қачон ва қандай юз беради бу? Бир неча мартаба эшикка беихтиёр қараб-қараб қўйдим — балки у келиб қолгандир, ўша ерда туриб эшитаётгандир, менинг қачон қарашимни кутаётгандир. Унинг мана шу дамларда шу залда эмаслигига жуда ачиндим. Қанийди, у билан мени ҳозир шу қадар тўлқинлантирган, тасавурларимни жонлантирган нарсаларни унга айтиб, ўртоклашсам. Лекин афсус... Бу ерда яна бошқа бир нарсани ҳам ўйладим. Такдир ишкилиб, буларнинг барини кулгили қилиб қўймасин, кейин эслаганда, уялиб, хижолат чекиб юрадиган бўлмасин...

Нимагадир ойимни, гўдаклик чоғларимни эсладим... Киш пайти эди, эрталаб ҳаммаёк оқарган, ёп-ёруғ хиёбонларга эринибгина қор учқунлайди, ойим кулар кўзлар билан юзимга тикилади, валангар пальтомнинг тугмаларини қадайдди, нималардир дейди, мен ундан қочиб кетаман, у эса кулиб кетимдан қувади, тепаликда жойлашган черковдан бутун шаҳарга жом овози таралади, отам ўша ерда дьякон бўлиб хизмат қилади. У худога каттик ишонган одам эди, шу билан бирга, одамзотнинг худо учун ва унинг номидан яратган барча нарсалари шартли эканлигини яхши тушунарди. Мен буни энди фаҳмлаяпман. Мен эсам, у кишини қанчалар эъзозламай, бутунлай бошқа йўлдан кетдим. Унинг хоҳишини адо этолмадим. Отам нариги дунёга рози бўлиб кетди. Мен-чи, ўзимни ҳар ёққа ураман, ўтмишни рад қиламан ва яна бундан баттар юрагим сикилади. Лекин шунда ҳам, асрма-аср

тарқалиб, бутун дунёда, инсон авлодларига, уларнинг қарашларига ҳоким бўлиш учун барча қитъалар ва ороллардаги одамларни ўз қомига тортиб, ақидаларига ишонтирган, чакмоқни ерга ўтказиб юборган яшинқайтарғич каби одам боласининг абадий исёнкор даъватларини босиб тўхтатиб, уларни мутелик ва итоат қаррига чўктирган, бир пайтлар чексиз қудратга эга Мутлақ ғоянинг илгариги улугворлиги ҳамда мислсиз ифодавийлигидан сурурга тўламан. Шукрлар бўлсин — Имон ва Гумонгаким, улар ҳаётни тўхтовсиз ҳаракатга келтириб турадиган кучлардир.

Мен шак, гумон кучлари устун келган замонда туғилдим. У шубҳалар ўз навбатида яна янги шубҳаларни вужудга келтирди. Мен ана шу жараённинг мевасиман. Мени бир томон қўкрагимдан итариб, четга суриб қўйди, иккинчи томон эса, мени бутун мураккабликларим билан ўзига қабул қилишни истамайди. Нима ҳам қилардик, тарих менга ўхшаганлардан қасдини олади, уларни эрмакка айлантиради... Эски булғор қўшиқларини қуйлаётган муғаннийларни тинглар эканман, ана шуларни ўйлардим.

Қўшиқлар ўша залда худди ўтган замонларнинг акс садосидай бири кетидан бири янграрди. «Кеча қурбони», «Сабийларни таҳқирлаш», «Малоиклар ноласи» каби Инжил эҳтирослари дин-иймон йўлида азият ва риёзат чекканларнинг оғир алангали қўшиқлари билан алмашарди. Гарчи, буларнинг кўпи менга аввалдан таниш бўлса-да, мени ижро этувчиларнинг ўзлари мафтун этиб қўйган эдиларки, буни тўла ифодалаб беролмайман. Ўн муғанний ўзига асир қилар, маълум нарсаларни тенгсиз санъатга айлантирар, бу санъатнинг кучи халқ руҳининг тарихан кенг қамралганида эди. Зотан, азоби кўпнинг билиги ҳам кўп...

Ўз қуйларидан завқ-шавққа тўлиб, мастона қўшиқ айтаётган София муғаннийларининг овозларига қулоқ тутар, уларнинг хатти-ҳаракатларига разм соларканман, қутилмаганда, чап томондан иккинчи бўлиб турган, буғдойранг, қора сочли болгарлар ичида бирдан-бир малла қўшиқчи жуда ҳам менга ўхшаб кетишини сезиб қолдим. Ўзингга баайни ўхшайдиган одамни учратсанг, ғалати бўлиб кетаркансан киши. Унинг кўзлари қўқимтир оч, елкалари тор,— эҳтимол, уни ҳам болалигида ориқ деб қақиришгандир,— узун сочлари оч сарғиш, қўллари серпай ва ингичка, у ҳам тортинчоқлигини қўшиқ айтиб енгса ажабмас, бундай ҳолат менда ҳам кўп бўлади, ўнғайсизлигимни яшириш учун кўпинча гапни диний мавзуларга буриб юбораман. Хотинлар билан танишганда ҳам, жиддий ва сипо гаплардан оламан, ташқаридан қараган одамга бу ўлғудай аҳмоқона кўринса керак. Кўккўз йигитнинг чехраси ҳам баайни ўзим — икки чаккаси ичига бутган, кирғийбурун, пешанасига икки узун чизик тушган ва ҳаммадан ҳам, соқолини айтмайсизми, нақ менинг қириб ташланган соқолимнинг худди ўзгинаси. Қўлим иягимга чўзилганини ўзим ҳам сезмай қолдим. Шунда эртага нашаванд чопарлар билан чўлга отланишим ёдимга

тушди. Ўзимдан ўзим тонг қоламан: каерга кетяпман, нимага? Ҳеч солиштириш мумкинми, илоҳий самолар қайдаю вокзалга ин куриб олган утюгларнинг кабоҳатлари қайда? Бирок барча замонларда ҳам чинакам ҳаёт ҳамма яхшиликлари ва золимликлари билан ибодатгоҳлардан ташқарида кечган. Бизнинг замонамиз ҳам бундан мустасно эмас...

Ўша концертда шундай ўхшаш қиёфаларни кашф қилдим. Кейин мен адашимдан кўзимни узганим йўк. Қўшиқ айтаётганда, юзининг қандай чўзилиши, авжини олаётганда оғзининг қанчалар очилишини кузатиб ўтирдим. Ўзимни унинг ўрнига қўйиб кўрдим. Гўё у менинг аксим эди. Шу йўсин мен ҳам қўшиқ айтишда иштирок этардим. Вужудим қўшиққа айланиб кетгандай эди. Хор билан бир жону бир тан бўлдим. Кўксимда ажиб биродарлик туйғулари жўш ураб, йиғлагим келар, узок айриликдан сўнг ўз оғаларим билан учрашгандай, шу мардона, танти кишиларни бағримга босгандай, қандайдир улуғворлик, яқдиллик ҳис қилар, бизнинг овозларимиз эса қўк тоқларига ўрлар, оёғимиз эса заминда мустаҳкам турарди. Биз шундай қўшиқ айтаверамиз, хоҳлаганча айтаверамиз ва узок замонлар айтамыз...

Улар шундай куйлашар ва мен ҳам улар билан бирга эдим. Мен кўпинча эски грузин қўшиқларини эшитганда, ўзимни шундай йўқотиб қўяман. Бунга тушунтириб беришим қийин. Лекин ҳар қалай учта оддий грузин йиғилиб қўшиқ айта бошласа, дилинг яйраб кетади. Ўз уйғунлиги билан ғоятда содда ва ноёб санъатнинг баланг парвозини кўрасан, руҳинг ҳам канотланиб учади. Бу уларга табиатнинг эъзоз тухфаси, маданият даражаси, балки Худонинг тўппа-тўғри лутфи карамидир. Уларнинг нима ҳақда куйлаётганларини тушунмайман. Лекин менга улар билан бирга қўшилиб айтаётганим муҳимрок.

Шуни ўйларкан, қўшиқ эшитиб ўтириб, бирдан хаёлим чарақлаб очилиб кетгандай туюлди. «Олтовлон ва еттинчи» деган грузин ҳикоясини ўқиганимни эсладим. Бирдан шу ҳикоянинг маъноси менга ярқ этиб аён бўлди. Бундай ҳикоялар вақтли матбуотда оз эмас. Ҳикоянинг унчалар ажралиб турган хусусияти ҳам йўқдай эди. Унда психологизмдан кўра кўпроқ фабула кўзга ташланар, йўналиши романтикрок эди. Аммо ҳикоянинг нима билан тугаганлигини қаттиқ эслаб қолган, у худди зирапчадек менга тинчлик бермасди.

Ҳикоя, тўғрироғи, «Олтовлон ва еттинчи» деб аталган баллада-нинг (ҳали унча танилмаган муаллифнинг қийин номини эслай олмайман) мазмуни ҳам ўзига ярашарок эди. Революция аланга олган, конли граждандлар уруши кетяпти, инқилоб душман тўдалари билан охири жангларга кирган, Грузиянинг тарихий йўли муқаррар — совет ҳокимияти ғалаба қозониб, энг овлок тоғ кишлоқларидан ҳам қуролланган аксилинқилобчиларнинг қолган-қутган тўдалари сиқиб чиқарилаётган пайтлар. Бундай шароитда асосий қонун битта — агар душман таслим бўлмаса, уни янчиб ташлайдилар. Аммо шафқатсизликка жавобан шафқатсизлик юзага чиқади — бу ҳам қадимдан қолган қонун. Айниқ-

са, жўмард Гурам Жўхадзе деганнинг тўдаси тиш-тирноғигача қаршилиқ кўрсатади. Гурам Жўхадзе ўзи асли йилкибоқар, теварак-атрофдаги тоғларни беш қўлдай билади. Уни ушлаш қийин, қутилмаган ерлардан келиб босқин ясайди, кирон солади. Синфий кураш ичида оёғи чалкашиб қолган. Лекин унинг ҳам қуни битган. Кейинги вақтларда уст-устига тепки еяпти. Гурамнинг тўдасига бир чекист кириб олган. У жонини минг хатарга қўйиб Гурам Жўхадзенинг ишончини қозонган, тўдадаги энг абжир йигитлардан бирига айланган. Омонсиз жанглардан бирида Жўхадзе тўдаси кўп талафот кўради, чекинишга мажбур бўлади. Шунда Жўхадзе чекистнинг усталиқ билан қўйган тузоғига тушади. Гурам Жўхадзе дарёдан кечиб ўтаётган маҳалда пистирмага дуч келади. Йигитлар шитоб билан қочиб дарё қирғоғига етиб келганлар. Улар бир дам ҳам пайсалланмай отларни дарёга соладилар. Чекист минган отнинг эса айили бўшаб кетади. У буталар панасида отдан тушади. Жўхадзенинг йигитлари кўпирган отларда пишқириб оқаётган тоғ дарёсининг белига етадилар. Дарё ўртаси тўрт томондан кафтдай очик. Шунда ҳар иккала қирғоққа яширинча ўрнатилган икки катта пулемёт йигитларни баробар ўққа тутаяди. Омонлик йўқ. Йигитлар тоғ дарёсининг ўртасида тутдай тўкиладилар. Лекин Гурам Жўхадзенинг вақти соати битмаган экан! — у дўлдай ёғилган ўқ остидан омон-эсон қутулиб чиқади. Отини шитоб билан орқага қайиради. Ўзини дарё ёқалаб ўсган қалин бутазорларга уради ва зум ўтмай кўздан ғойиб бўлади. Бир нечта тирик қолган содиқ йигитлари унга эргашадилар. Мўлжалдаги иш тўла амалга ошмай кўр бошлиғи қочиб бораётганлигини кўрган чекист дарҳол яна уларга қўшилади.

Дарёдаги қирғинда Жўхадзе кўри тамомила тор-мор келтирилган, кириб ташланган эди.

Гурам Жўхадзе ниҳоят таъқибдан қутулиб, ҳолдан тойган отини тўхтатганда, кўрдан ўзини ҳам қўшиб ҳисоблаганда етти йигитгина омон қолганлигини кўради. Еттинчиси ўша Сандро деган йигит эди. Ҳикоянинг номи ҳам шунга ишора қилади чоғи: «Олтовлон ва еттинчи».

Сандро қандай бўлмасин, кўрнинг бошлиғи Гурам Жўхадзени йўқотиш ҳақида топшириқ олган. Жўхадзе хавфли душман. Лекин эндиликда унинг яна қайта жангларга кириши дарғумон. Демак, уни отиб ташлаш ҳам анча мушкул. Бунинг устига энди ёлғиз қолгач, тузоққа тушган йиртқичдай жуда ўзини эҳтиёткор тутаяди. Кўпроқ ўз кучига ишонади. У охиригача олишади, охириги нафасигача...

Мана, ўша воқеанинг охири... у мени ҳаммасидан кўпроқ хаяжонга солади...

Йигитлар кўрига кирон келгач, тоғ дараларини беш қўлдай билган Гурам Жўхадзе қош қорая бошлаган паллада Туркия чегарасидаги одам ўтиб боролмайдиган хилват ўрмонга кўнади. Ҳаммалари — олтовлон ҳам еттинчи ҳам, отларни апил-тапил эгар-жабдуқдан чиқариб, чарчокнинг зўридан ўзларини ҳам таппа-таппа ерга ташлайдилар. Беш киши шу заҳоти ўликдай донг қотиб ухлаб қолади. Икки

кишининг эса кўзларига уйқу келмайди. Чекист Сандронинг ташвиши ўзига етиб ортади. Энди нима қилсамикин, буларнинг ишини қандай бажарсамикин, қандай қасос олсамикин, деб боши қотгандан қотади. Аскарларидан айрилган Гурам Жўҳадзенинг ҳам кўзидан уйқу қочган — мана, боридан бирйўла мосуво бўлиб ўтирибди. Эртага куни не кечади, худо билади. Инкилоб қок икки томонга ажратиб ташлаган бу икки азамат — икки қаттол, мурасиз душман яна нималарни ўйлардилар, ёлғиз яратганга аён.

Тўлин ой уларнинг бошларининг ўнг томонида нур ёғдиради. Тунги ўрмон оғир, босинқи хўрсинади. Пастда тошлардан тошларга урилиб дарё шағиллайди. Атроф-тоғлар тош сукутга кетган. Шу пайт худди бир нарсадан безовта бўлгандай Гурам Жўҳадзе даст сакраб ўрнидан туради.

— Сен ухламаяпсанми, Сандро? — хайрон бўлиб сўради у еттинчидан.

— Йўқ. Нега туриб кетдинг? — ўз навбатида сўрайди Сандро.

— Ўзим шундай. Уйқум қочди. Бу ерда ҳеч ётолмаяпман. Кўзимга ой тушяпти. Форга бориб ётаман.— Жўҳадзе буркаси, қурол-яроғи, бошига қўйиб ётиш учун эгар-жабдукни олди. Кета туриб деди: — Қолганини эртага гаплашамиз. Бошқа гаплашадиган вақт ҳам қолмади.

Кетди. Мағоранинг нақ оғзига бориб жойлашди. От боқиб юрган кезлари бу ерда ёмғир-қордан қочиб кўп беркинган. Мана, энди ҳам бошини шу панага олди. Балки адоқсиз қулфати, дарди-аламини ёлғиз ўзи чекмакчидир, ёхуд, нимадандир хавфсирагандир, ёнимга ҳеч кимса йўлай олмасин, кимда-ким бу томонга яқинлашса, дарров кўзимга ташлансин, дегандир. Сандро этаги куйгандай типирчилаб қолди. Қўр бошлиғи бу қилиғи билан нима демокчи, аслида-ку, унинг қилаётган иши тўғрику-я? Ишқилиб, сезиб қолмадимикин?

Ўша кеча шундай ўтди. Эрталаб Гурам Жўҳадзе отларни эгарлашни буюрди. Ҳеч ким унинг нима ўйда эканлиги, нима қилмоқчилигини билмасди. Отлар эгарланиб, ҳамма жиловни тутганча индамай қараб тураркан, у хўрсиниб деди:

— Йўқ, туғилган еримиздан бундай қилиб кетиш ярамайди. Бугун бизни ўстириб катта қилган она-Еримиз билан хайрлашамиз. Кейин ҳар қайсимиз ўз йўлимизга равона бўламиз. Лекин ҳозирча ўз уйимизда тургандай кўнгил очайлик.

У икки отлик йигитни яқин атрофдаги кишлокқа вино ва егулик олиб келиш учун жўнатди. Кишлокда унинг содиқ одамлари бор эди. Сандро билан яна бир йигитни қурук ўтин йиғиш ва отларни қўриқлаш учун қолдирди. Ўзи икки йигитни олиб ов қилгани кетди. Кечки хайрлашув зиёфатига бирон кийикми, тоғ эчкисини отиб келмоқчи эди.

Сандронинг бўйсунишдан, топширикни бажариш учун бошқа қулай пайт пойлашдан ўзга иложи қолмади. Лекин қачон келади ўша қулай вазият, номаълум.

Шом тушганда олтовлон ва еттинчи бир жойга тўпландилар. Ўрмон-

нинг чекка ёқасида ўт ёқдилар, ерга қалин дастурхон тўшаб, унга қишлоқдан Гурам Жўҳадзенинг содик одамлари бериб юборган нон, туз, вино ва бошқа таомларни қўйдилар. Гулхан алангаси осмонга ўрлади. Етовлон ўтга яқинроқ келдилар.

— Ҳамма отлар эгарландими? Ҳамма дўстлар узангига оёқ қўйишга шайми? — сўради Гурам Жўҳадзе.

Ҳамма тасдиқлаб бош силкиди.

— Хей, Сандро, — деди Гурам Жўҳадзе, — яхши ўтин йиғиб келибсан, нега ўтинларингни гулхандан узоққа қўйдинг?

— Ташвиш қилма, Гурам, бу менинг ишим, гулханга мен қараб турман. Сен айтарингни айт.

Шунда Гурам Жўҳадзе айтди:

— Биродарларим. Биз ишимизни бой бериб қўйдик. Икки тараф урушганда кимдир енгиб чиқади. Бошқаси мағлуб бўлади. Уруш дегани шу. Биз қон тўқдик. Бизнинг қонимизни тўқишди. У тарафдан ҳам, бу тарафдан ҳам қўп асл ўғлонларнинг бошлари кетди. Бўлганича бўлди. Ҳалок бўлган дўстларимдан ва ғанимларимдан узр-маъзур сўрайман. Жангда ўлган ғаним — ғаним эмас. Оёғим узангида турганда ҳам, барибир мен ҳалок бўлганлардан кечирим сўрар эдим. Лекин қисмат биздан юзини ўгирди. Шунинг учун ҳам халқнинг кўпчилиги бизга ишонмай қўйди. Ҳатто бизни йўрғақлаб вояга етказган жонажон еримиз ҳам бизни сиғдирмаяпти. Бизга жой йўқ бу ерда. Бизга афв ҳам йўқ. Худо шоҳид, агар мен ғалаба қилсам, душманларни омон қўймасдим. Бизга бирдан-бир йўл қолди. Бошимизни олиб бегона юртларга кетамиз. Ҳўв анави катта тоғнинг орқаси — Туркия, қўл узатсанг, етади. Ундан сал чеккароқда ой кўтарилиб келаётган тоғ ўрқачининг нариёғи — Эрон. Ким қаерга бораман деса, ўзи билади. Мен Туркияга кетаман. Истамбулда кемаларда юкчилик қиламан. Ҳар биримизга бошпана керак. Биз етти киши қолибмиз. Қўп ўтмай ҳаммамиз ҳар ёкка, бегона юртларга тарқалиб кетамиз. Пешанада борини кўрамиз. Бошқа ҳеч қачон кўришмаймиз. Бир-биримизни охириги марта кўриб турибмиз. Охириги марта бир-биримизнинг сўзларимизни эшитяпмиз. Келинлар, бир-бирларимиз билан хайрлашайлик, она-Еримиз билан хайрлашайлик, грузиннинг нони-тузи билан хайрлашайлик, вноси билан хайрлашайлик. Бундай вино бошқа ҳеч ерда йўқ. Видолашгач, ҳар ким ўз йўлига кетади. Биз ўзимиз билан тарикча нарса олганимиз йўқ. Ватанни олиб кетиб бўлмайди. Фақат соғинч ва армонларимизни олиб кетамиз. Агар ватанни хуржун каби олиб юриш ва ташиб кетиш мумкин бўлганда, у сариқ чақага ҳам арзимасди. Келинлар, йўлимиз олдидан ичайлик, йўл олдидан қўшиқларимизни айтайлик...

Вино деҳқонча мешларга солинган эди, унга ер ва осмоннинг таъми қўшилиб кетганди. Вино юракларга сархуш дов солди. Ғам-қайғуни тўқиш истагини уйғотди. Кўнгиллар яна шодумонлик ва ҳасрат билан тўлди. Кўшиқ ўз-ўзидан куйилиб келаверди. У худди тоғу тошлар

бағрини ёриб чиққан ва йўлида нима дуч келса, шуни гуллаб-яшнатадиган булоққа ўхшарди. Улар оҳиста ота-боболарнинг қўшиқларини бошладилар. Сўнг тоғ ёнбағридан ташаётган чашма сувидай қўшиқ саси аста кўтарилиб, борган сари куч олди. Етовлари ҳам қўшиқни бошлаб айтишарди. Негаки, қўшиқ айтмайдиган грузиннинг ўзи йўқ. Ҳар ким ўз овози билан, ўзига яраша куйлар, лекин овозлари бир-бирларига ғоятда қовушар, шунинг учун куй ўртада ёнаётган гулхан каби тобора авжга чиқарди.

Етовлоннинг, тўғрироғи, олтовлон ва еттинчининг хайрлашув қўшиғи ана шундай бошланди. Бироқ еттинчи ўз зиммасидаги топшириқни бир зум бўлсин унутмасди. Уларнинг ҳеч қайсилари ва айниқлиги, Гурам Жўҳадзе ўз жазосини олмасдан чет элларга чиқиб кетмаслиги керак эди. Чекист бунга асло йўл қўёлмасди. Шундай буйруқ олганди. У буйруқни бажариши керак эди.

Кўшиққа янги қўшиқ уланар, вино ичилар ва ичилган сайин яна кўпроқ ичилгиси келар, юрак ҳам шунга монанд аланга олиб ёнар, ёнган сайин яна майга ташна бўлар, яна қўшиқ тошарди.

Улар давра ясаб туришар, баъзан қўлларини бир-бирларининг елкаларига ташлашар, баъзан қамчидай ерга солинтиришар, баъзан эса, билиб бўлмас ва кўриб бўлмас, лекин ҳар нарсани билувчи ва ҳар нимани кўрувчи илохий қудрат эшитсин дебми, қўлларини осмонга кўтарар эдилар. Агар Яратган ҳаммасини кўриб турган ва билиб турган бўлса, нега унда уларни ўз она-Ерларидан қувғин қилмоқда, бу қандай бўлди ахир? Нега ахир бундай, нега ахир одамлар бир-бирлари билан урушадилар, қон тўқадилар, кўзёшларни дарё қилиб оқизадилар, ҳаммалари ўзларини ҳақ, бошқаларни ноҳақ деб ҳисоблайдилар, қани ахир ҳақиқат, ким ҳақиқатни айтади, ким? Қани уларни адолат билан ажрим қилувчи набий?.. Халқ хотирасида сақланиб қолган ўша қадим қўшиқларда олис-олис замонларда рўй бериб ўтган азоб-уқубатлар, яхшилик ва ёмонликларнинг азалий тажрибалари, уларга ота-боболарнинг бағишлаган маънолари, улар орқали ҳис қилинган гўзаллик ва абадият акс этмасмиди, шулар ҳақида эмасмиди ўша қўшиқлар? Шунинг учун етовлон бир қўшиқ тугар-тугамас бошқасини улаб юборар ва қўшиқларнинг ҳалқаси сира узилмасди. Фақат Сандрогина вақти-вақти билан даврадан чиқиб, ўтин келтириб, яна гулханга қаларди. Бекорга у шунча қуруқ ўтин йиғмаган экан ўрмонда (ҳаётда ҳар бир нарсанинг ўз баҳонаи сабаби бўлади), мана энди, оловга ўзи зўр бериб ўтирибди. Қўшиқларни ҳам у барча қатори чин юракдан айтар — ахир қўшиқ ҳаммага баб-баравар тегишли эмасми? Бошқалар айтиши ман этилган, фақат подшоҳларнинг ўзларигина айтадиган қўшиқлар йўқ. Қўшиқ айт, қувна, яйра, дард чек ва йиғла, ўйнаб қол бу тириклик айвонида...

Кимни жондан севган эдинг, кимни титраб-қалтираб қутган эдинг, ким сени ташлаб кетди, қанчалар ўртандинг, куйдинг, сени тушунмадилар бундан кўра ўлганим яхшийди дединг, ўлим олдида айтган

сўнги кўшиғингни у эшитишини орзу қилдинг, онанг қанчалар эркаларди сени гўдақлигингда, дов ва танти отангнинг боши қайларда қолди, қандай жанг қилишарди жасур дўстларинг, қайси худоларга очардинг беғараз ва пок дилингни, ўйлаганмидинг ҳеч одам нега туғилади-ю, нега ўлади ва нега ўлим доим сен билан бирга, сендан нари жилмайди ва ўлгандан сўнг ўлим йўқ, лекин ҳаёт ўлимдан юқори, дунёда ҳаётдан кўра юқори ўлчов йўқ — шунинг учун тирик жонни махв этма, лекин элингга ёв бостириб келса, дарҳол химояга отлан, севганингни номусини асра худди она-Ерни ётлардан асрагандай; айрилиқни ҳеч тотиб кўрганмисан, биласанми айрилиқнинг душворлигини, худди елкангга чўнг тоғларнинг юклари ортилгандай; суйганинг бўлмаса, ҳеч нарса кўзларингни қувонтирмайди: на гуллар, на нурлар ва на келажак кунлар — ана, нималар куйланмайди кўшиқда, айтиб адо қилиб бўлармиди барини...

Ўша кеча ҳижрон чоғи алам ва илҳом билан кўшиқ айтаётган шу етти грузиндан кўра бир-бирига жондош ва кадрдон одамлар дунёда йўқ эди. Кўшиқ оханглари уларни янада яқинлаштириб қўйганди. Ота-боболар насларга шу дилбар руҳафзо сўзларни қолдириш учун қанча-қанчалаб хуноба ютганлар, аччиқ воқеаларни бошларидан кечирганлар. Қушни учишидан билгандай грузин ҳам грузинни кўшиқ айтишига қараб ўн чақирим наридан билади ва унинг қаерлик эканлиги, бошига нима савдо тушганлиги, юрагида нима борлиги, қайси тўйда шўх ўйнаб-кулганлиги ёки қандай ғам-қайғу жонини қийнаётганлигини бехато айтиб беради...

Ой тоғлар узра анча ҳаволаб кетганди. Бутун ер унинг ёғдуларига чўмиб ётарди — ўрмондаги дарахтларнинг қора чўққилари тунги шамолда чайқалади, дарё шалдирайди, нам босган харсангтошлар кумушдай жилоланади, тун қушлари гулхан атрофида куйлаётган одамлар устидан шарпадай учиб ўтади ва ҳатто эгарланган отлар эгаларини сабр-тоқат билан кутиб, қулоқларини тиккайтириб, қимирлатиб-қимирлатиб кўядилар, уларнинг кўзларида олов шуълалари ўйин тушади... Отлар бегона ўлкалар сари йўлга чиқишлари керак, вақт яқинлашиб келарди...

Лекин кўшиқнинг охири кўринмасди. Гурам Жўҳадзе ҳаммаси учун юрагини биратўла бўшатиб олмоқчига ўхшарди: «Оғайнилар, кўшиқ айтинг, май ичинг, даврага йиғилиш бошқа насиб этмайди, яна қачон айтамыз грузин кўшиқларини...» Дам якка-якка, дам ҳаммалари жам бўлишиб кўшиқ айтишар, дам худди ўлим олдидан ўйинга тушаётгандай гурсиллаб, шаҳдам рақс бошлаб юборишар, сўнг яна давра ясаб қаторга туришарди етовлон грузин, тўғрироғи, олтовлон ва еттинчи. Сандро эса дам-бадам даврадан чиқиб, гулханга ўтин ташлар, олов қарсиллаб, тобора қиздириб, куйдириб баланд ўрларди.

Охири кўшиқни айтамыз дейишди, кейин яна ва ундан кейин яна хайрлашув олдидан айттайлик, дейишди, ҳеч тинчийдиган эмас, яна даврага туришди, бошларини қуйи эгиб, кўшиқ бошлашди —

оҳанг гўё ер остидан гувиллаб келаётгандай ўйчан ва қудратли янграб борарди. Гарчи гулхан аланга олиб ёнаётган бўлса ҳам, Сандро яна ўтин келтиргани орқага ўтди. Бунини у аниқ ҳисобга олган эди — четдан у олов атрофида қур ташлаган, кўзлари ўтдан ёшланиб қўшиқ айтаётган олтовлоннинг ҳар бирини аниқ-таниқ кўриб турар, уни эса ҳеч ким кўрмасди... Оғир маузер аллақачон шай эди. Қасос палласи етганди. Кўп ўқли тезотар маузерни иккинчи қўли устига қўйди. Биринчи ўқ билан қўр йигитлар бошлиғи Гурам Жўхадзени қулатди. Тўппонча овози тун қўйнида момақалди роқдек гумбураб кетди ва шу заҳоти, йигитлар бўғзидан ҳали қўшиқ сўзлари узилмаёқ бошқа бешовини ҳам кетма-кет отиб йикитди. Улар нима рўй берганлигини ҳатто англолмай қолдилар. Шундай қилиб, ўлим чархи яна бир шармандали айланди. Тўкилган қоғлар учун яна қонлар тўкилди.

Шундай. Инсон муносабатларининг қонунлари алжабр ҳисоб-ки-тобларига бўйсунмайдилар. Замин эса қонли фожиаларнинг каваси каби дўнаверади...

Наҳот, ахир, бу қаваба то охир замон бўлгунча, Ер офтоб атрофида кезиб чарчагунча эврилади, наҳот айланаверади қонли чарх?

Ўқлар мўлжалга аниқ урилди. Фақат бир одам титраганча қўлига тиралиб турмоқчи бўлди. Сандро сакраб сакраб бориб, унинг чаккасидан ўқ қўйди... Отлар қўрқиб орқага тисарилдилар ва сўнг жиловланган ерларида қотиб қолдилар...

Гулхан ёниб битмаганди. Дарё вағилларди, ўрмон ва тоғлар бари ўз жойида эди, ой юксақларда сокин кезарди ҳеч нарса юз бермагандай, ёлғиз узоқ давом этган таронагина узилди, узилди...

Сандронинг башараси тун шуъласида бўздай оқариб кўринарди. У ҳарс-ҳарс нафас олар, ўпкасига ҳаво етмасди. У мешни шарт кўтарди-да, тагида қолган винони тўкиб-сочиб ютокиб ича бошлади, у ичида ёнаётган оловни босмоқчи бўларди... Кейин сал ўзига келди, гулхан атрофида ётган ўликларни хотиржам айланиб чиқди. Сўнг ўлганларнинг қуролларини олди, уларни эгарларнинг бошларига осиб қўйди. Отларни жилов, нўхталаридан батамом бўшатди, уларни эркинликка қўйиб юборди. Ҳамма отларни, жумладан, ўз тўригини ҳам бўшатди... Отлар эркинликни сезгач, тоғдан пастга, одамлар қўналғаси томон турнақатор тизилишиб тушиб кета бошладилар. Ахир отлар доим одамлар яшайдиган томонга қараб юрадилар... Уларнинг ортларидан бирпас қараб турди... Лекин мана, тақаларнинг овозлари ҳам эшитилмай қолди, пастда ойнанинг тутаб ётган беқарор шуъалари қўйнида қатор тизилиб бораётган отларнинг шарпалари ҳам кўздан ғойиб бўлди...

Ҳаммаси тугади. Сандро яна бир марта ерда ағанаб ётган олтовлон атрофидан айланиб чиқди-да, сал чеккароққа ўтди. Маузернинг оғзини чаккасига тиради. Тоғларда яна бир ўқ овози садолади. Бу еттинчи эди. У ҳам ўз қўшигини айтиб битирганди.

Ўша грузин балладаси мана шундай якунланарди.

Эски булғор кўшиқларини ижро этган ёш болгар муғаннийларини тингларканман, бирдан шу ҳақда эсладим. Бу кўшиқлар асрлар зулматидан туриб Яратганга тавалло қилаётганларнинг нолаларидан тугилганди. Улар Яратганни йўқдан бор қилиб, сўнг уни руҳоний мавжудиятга айлантирган эдилар. Улар ўзларини ёруғ дунёда жуда ёлғиз ҳис қилардилар, ёлғиз кўшиқлар ва дуолардагина уни топамиз, деб, ишонардилар.

Мен ўша воқеани фавкулудда бир зум ичида, санокли сониялар ичида ёдимга туширдим ва барча ҳаяжонлари билан бошимдан кечирдим. Тафаккур тезлиги олдида ёруғлик тезлиги ҳеч нарса, хаёл ўтмишга қараб йўл олиб яна орқага қайтиб, вақт ҳамда макон ичида ҳаракат қила олади, унинг суръати билан ҳеч нарса тенглашолмайди....

Ўша йиллар шундай бўлиши мумкин эди. Мен бунга мана ҳозир ишондим. Муаллиф ҳикоянинг хотимасида Сандро ўлимидан сўнг орден билан тақдирланганлигини ёзганди.

Аммо бир тарафнинг янги кириб келаётган тарихга қаршилиги ва иккинчи тарафнинг худди мана шу тарихни тезлатиш учун бесабр кураши ҳаётни туб томирлари билан ўзгартирмаса, граждандар урушининг фожиалари миллатнинг фожиаларига айланмасайди, инқилоб далаларидаги бу даҳшатли чек-чандиқлар қаердан пайдо бўларди ва грузин балладаси шундай якун топармиди унда?.. Ахир ўша еттинчи тантана қилиши, яшаши мумкин эди-ку. Лекин у буни истамади. Бунинг сабабларини тушунтириш жуда қийин. Ҳар ким бу сабабларни ўзича келтириши ва изоҳлаши мумкин. Мен эса, ўша соат узоқ-узоқларда турмушнинг очик уммонларида абадий сузиб юрувчи руҳафзо ҳаёлнинг оппоқ елканларини кўтарган булғор кўшиқларининг кемачасида сайр қиларканман, грузин нақлининг шундай тугашига кўшиқ сабаб бўлди, деб ўйлардим. Ўша кўшиқларда етовлоннинг имони, диёнати жамланган эди...

Бир нарсани ўзинг учун кашф қилсанг, ўзингдан ўзинг рози бўласан, юрагинг, руҳинг ёришади, файзу киром топади. Муқаддас алёрларни куйлаётган София муғаннийларининг кўзлари тақво, илҳом, вафо билан чарақлаб тургани, уларнинг ол чехралари азбаройи зўриқишдан реза-реза тер билан қопланганини кўриб, қанийди, мен ҳам улар орасида, адашимнинг ўрнида бўлиб қолсам, деб ҳавас қилардим.

Ярқ этиб ёришган ҳаёлимга яна шу фикрлар келди: инсонда бу нарсаларнинг ҳаммаси — мусика, тарона, муножот, кўшиқ қаердан, уларнинг одам боласига қандай зарурияти бор ва бўлади? Ҳаёт чархи абадий айланиб, эврилиб туради, ҳамма нарса келади ва ҳаммаси кетади, яна эврилиб келади ва эврилиб кетади, одам шуларнинг дардини беихтиёр ҳис қилади ва ўзини англатмоқчи, ифодаламоқчи, ўзидан нишон қолдирмоқчи бўлади. Ахир, бир кунмас-бир кун бари тугайди, миллиардлаб йиллар ўтгач, ахийри охир замон келади, замин деб атал-

ган куррамиз ўлади, сўниб битади, ана ўшанда бошқа галактикалардан келган қандайдир умумқоинот онги зимдан азим бўшлиқ ва жимжитлик қўйнида албатта бизнинг тароналаримиз ва қўшиқларимизни эшитади. Кўрдингизми, биз яралганимиздан бери шундаймиз — ўлгандан кейин ҳам яшамокни истаймиз. Ўз умрини узайтириш мумкинлигига ишонч, шунинг ҳиссиёти билан яшаш одамзодга қанчалар муҳим, қанчалар зарур. Одамлар ўзларидан кейин қандайдир автомат қурилма, аллақандай вокал-музика абадий двигатели қолдириш фикрига келсалар, ажаб эмас — бу ҳамма замонлар учун инсон маданияти эришган энг яхши нарсаларнинг антологияси бўлади. Мен муғаннийларнинг қўшиқларидан беҳад лаззатланардим ва ишонардимки, бу сўзлар ва бу тароналарни эшитганлар заминда яшаган, бирдан-бир онг эгаси одамлар қанчалар мураккаб, зиддиятли, қанчалар даҳо ва мустар хилқат бўлганликларини англаб, ҳис қилиб етадилар.

Ҳаёт, ўлим, муҳаббат, шафқат ва илҳом — ҳаммасини муסיқа айтади, зотан, биз мусиқада энг олий ҳурликка эришамиз, бу ҳурлик учун эса онгимиз ёришган замонлардан бошлаб, бутун тарихимиз давомида курашганмиз, лекин унга фақат мусиқадагина етишганмиз. Фақат мусиқагина барча замонларнинг акидаларини енгиб ўтиб, доимо келажак сари умтилади... Шунинг учун биз айтолмаган нарсаларни у айтади, шунга чорланган...

Соатимга қарарканман, мен севган Пушкин музейидаги концерт ҳали-замон тугайди-ку, деб юрагим орзиқарди. Ўшанда мен тагин Козон вокзалига, бутунлай бошқа олам, бутунлай бошқа ҳаёт ичига қайтаман. Дунё бино бўлибдики, бу ҳаловатсиз ҳаёт югур-югурлар ўпқонида ва буқаламун тентирашлар ичида бекарор эврилади, эврилаверади, унда илоҳий қўшиқлар йўқ, уларга ўрин ҳам йўқ... Бирок худди шу боисдан мен ўша ерда бўлмоғим фарз...

V

Ярим кун ҳам ўтди. Поезд Волгабўйи ерларидан кетиб борар, купе вагонларда ҳамма узок сафар тадорикини кўриб, жойлашиб олган, Авдий Каллистратов тушган умумий вагонда эса одатдаги ғала-ғоввур ҳаёт бошланганди. Йўловчилар ҳар хил, ҳар ким бирор баҳонайи сабаб билан йўлга отланган. Бунинг ажабланишли жойи йўқ — йўлга чиқиш керакми, керак, вассалом. Улар орасида нашаванд чопарлар — Авдий Каллистратовнинг ҳамроҳлари ҳам бор. Назарида мана шу поездда ўндан ортиқроқ чопар кетаётгандек эди. Лекин ҳозирча улардан фақат иккитасинигина билади. Чаққон Утюг вокзалда уни шуларга бириктириб қўйган. Бу азаматлар Мурманскдан келишяпти. Уларнинг каттароғи Петруха йигирмаларга чиккан, иккинчиси ҳали ёш бола, ўн олтиларга кирган, унинг исми Лёня, лекин Лёнянинг ҳам у томонларга иккинчи мартаба бориши. Шунинг учун ўзини ҳар балони кўрган

одамдай тутади, хатто керилиб ҳам кўяди. Мурманлик болалар аввал ўзларини сал тортиброк туришди. Лекин Авдий ишончли кишиларнинг тавсияси билан чопар бўлиб бораётгани, демак, ўз одамлари қатори эканлигини билишади ва уни шимолликларга хос талаффуз билан Авдйя деб чақиришади. Қилинадиган ишлар ҳақида кўпроқ тамбурда, чеккани чиққанда гаплашиб туришади. Одамлар вагонда чектиришмайди. Чунки вагон тикилиб кетган, шусиз ҳам нафас олиш мушкул. Шу сабабдан чекиш, у ёқ-бу ёқдан лакиллаб гаплашиш учун тамбурга чиқишади. Авдий ҳали чекишни қойиллата олмайди, бунга ҳаммадан бурун Петруха эътибор берди:

— Нима, Авдйя, илгари ҳеч чекмаганмисан? Қиз боладай ичингга тортишга қўркасан?

Авдийнинг ёлғон гапиришдан бошқа иложи қолмади:

— Илгари чекардим, кейин ташлаганман...

— Кўришиб турибди. Мен кичкиналигимдан ўрганганман. Бизнинг Лёнькамиз бўлса худди бангининг ўзи. Тутатгани-тутатган. Чол болалардай тоза бурқсатади. Онда-сонда отиб ҳам кўяди. Тўғри ҳозир ҳеч мумкин эмас. Лекин кейин ҳиссасини чиқарамиз.

— Ҳали ёш бола-ку!

— Ким ёш, Лёньками? Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни. Сен ўзинг энди боряпсан бундай катта ишга. Ҳашар деб ўйлама буни. Лёнька бўлса, бало, ҳаммасини билади.

— Ўзиям ўт-пўт тутатадими ё фақат бориб-келиб турадими? — кизиқиб сўради Авдий.

— Лёньками? Чекмай бўладими? Ҳозир чекмаган одам йўқ. Лекин чекишини ҳам билиш керак,— донолик қила бошлади Петруха.— Бировлар оғзидан кўпиги келгунча чекади. Бунақалар ишга ярамайди, Палағда. Тайёр ошни бузади. Ўт деганимиз қанақа — одамни хурсанд қилади, кайфнинг чоғ бўлади, ўзингни жаннатга киргандай сезасан, яйрайсан.

— Нимаси кайфнингни чоғ қиларкин?

— Нимаси бўларди? Шу кетяпсан. Олдиндан бир кичкина жилға чиқди. Ўтаман десанг, бир сакраб ўтасан-кетасан. Сенинг назарингда бўлса, у катта дарё, океан, баҳри-дилинг ҳам очилади-да. Ана шу-да сенга кайф. Ўзи бўлмайди бу кайфнинг. Қаердан топасан ўша кайфни? Нон сотиб оласан, кийим-кечак сотиб оласан, оёғингга оласан, бошингга оласан. Аракни ҳам ҳамма ўз пулига олиб ичади. Ўт бўлса, жуда қиммат, лекин роҳатижон-да: ширин бўлиб пинакка кетасан. Худди кино кўраётгандай бўласан. Фарқи шуки, кинони юзлаб, минглаб одамлар кўради. Сен эсанг, ўзинг хон — кўланканг майдон. Бировнинг сен билан иши йўқ. Тумшуғини суқадиган бўлса бошлаб башарасига туширасан. Жўна. Нима ишинг бор, итвачча. Қандай хоҳласам, шундай яшайман. Аралашма. Ана, гапнинг пўскалласи шу! — У жим бўлиб қолди. Кейин жинчиروقдек милтиллаган кўзларини қисиб, юзсизлик билан деди: — Менга қара, Авдйя, балки

тотиб кўрарсан, а? Бир кайф қилмайсанми? Жиндеккинасини бекитиб қўйганман...

— Олдин ўзим топай,— бош тортди унинг таклифидан Авдий,— кейин тотиб кўрарман.

— Рост айтасан,— қўшилди унга Петруха,— ўзингники беминнат.— Яна жим бўлди. Сўнг яна жағи очилди: — Бу ишда жуда эҳтиёт бўлиш керак. Атрофдаги ҳамма бизга ёмон кўз билан қарайди. Кампиршолардан тортиб кўкрагига тақир-туқирларни осиб олган ветеранларгача, ҳар бир пенсионер, бошқаларни айтмай қўя қолай, ҳаммаси бизга душман, бизни кўролмайдди. Уларга қолса, дарров бизни суд қилса-ю, ит бормас жойларга бадарға қилиб юборса. Шунинг учун бўйнимизни қисиб, кўзга ташланмай, ғариб-бечора бўлиб юрамиз. Лекин ҳақимизни олайлик-чи! Ана унда кўринг бизни! Чўнтакда пулинг жарақлаб турганидан кейин уларнинг қош-қовоғига қараб ўтирасанми!.. Лекин сира эсингдан чиқарма, Авдьясь. Бир гап бўлса, мик этиб оғзингни очма! Бу қонун. Гуллаб қўйсанг, тамом. Жонингдан умидингни уз. Итдай бўғизлаб кетишади. Ҳатто қамокда ётган бўлсанг ҳам, қўллари етади. Ҳазиллашиб бўлмайдди булар билан...

Гап узок чўзилди. Маълум бўлишича, Петруха алақайларда, бир қанча қурилишларда ишлаб кўрибди. Ёз келиши билан Мўйинкум атрофларидаги чўлларга жўнаркан. Бу ерларда нашапоярларни яхши биларкан. Айниқса, сойлар ва жарликларда чангалзор бўлиб ётади. Ана, ҳосил! Истаганингча йиғиб ол. Бутун дунёга десанг ҳам етиб ортади. Уйда ёлғиз қари онаси бор экан. Ичаркан. Ақалари қутб томонларга, газопровод қурилишига кетишган экан. Пулни катта-катта иш-лашаркан. Лекин қишининг совуғига чидаб бўлмас экан. Ёзда эса чивин мўр-малаҳдек одамга ёпириларкан. У бўлса ҳар йили бир марта кўзи қисик Осиёда ўйнаб келаркан. Кейин то янаги йилгача ялло қилиб юради. Хоҳласа тукуради, хоҳласа кўпиради. Шериги Лёньканинг оиласи бундан ҳам ишқалроқ. У на онасини кўрган ва на отасини. Болалар уйда ўсган. Мурманскда узок сафарларга чиқадиган кема капитани бор экан. Кўпроқ Кубага катнаркан. Бир қуни у хотини билан келиб, ҳамма қоғозларни тўлдириб Лёнькани ўзига ўғил қилиб олибди. Уларнинг болалари йўқ экан. Лекин беш йилдан сўнг яна бари айқаш-уйқаш бўлиб кетибди. Капитаннинг хотини ўйнаши билан Ленинград томонларга қочибди. Капитан ичкиликка берилибди. Уни портнинг ўзида ишлашга қолдиришибди. Лёнька мактабда ўлганининг қунидан ўқибди. Гоҳ капитаннинг холасиникида, гоҳ бухгалтер бўлиб ишлайдиган акасиникида турибди. Бухгалтернинг хотини эса нақ ялмоғизнинг ўзи. Дард устига чипкон дегандай бола шўрлик қаровсиз қолибди. Дийдаси қотибди. Жонидан тўйиб капитанниқидан кетиб қолибди. Кейин сув ости кемасининг собиқ жангчиси, уруш ногирони бўлган бир одамниқидан бошпана топибди. Лекин бу киши Лёнькага ҳеч қандай таъсир кўрсатолмабди. Бола бевошликка ўрганиб қолган. Хоҳлаган жойига боради, хоҳлаганда келади. Мана, бу йил Лёнька иккинчи марта нашага

кетяпти. Ўзи ҳам нашавандликка ўрганиб қолганга ўхшайди. Қаранг, эндигина ўн олтига қирган бола, ҳали ўн гулидан бир гули очилмаган...

Авдий Каллистратов бу ачинарли гапларни эшитаркан, юраги жуда эзилди, йиғламоқдан бери бўлди. Нашавандлик борган сари ўз қомига кўпроқ навқирон ёш йигитларни тортиб кетяпти. Тезроқ бу ҳодисанинг моҳиятини очиб, авра-астарини ағдариб ташламаса бўлмайди. Авдийнинг энг катта мақсади ҳозир шу. Ҳаёт денгизининг усти сокин кўрингани билан унинг тагида кўзга чалинмайдиган шиддатли оқимлар борлиги равшан. Шунга ўхшаш қайғули воқеалар ичига чуқурроқ қиргани сайин бунга кўпроқ ишонч ҳосил қилмоқдайди. Турли бемазагарчиликлар қилишга майллар уйғотадиган шахсий ва хусусий сабаблар бўлиши мумкин. Лекин ёшлар ўртасида бу каби касалликлар ва бемаънигарчиликларни келтириб чиқарадиган ижтимоий сабаблар ҳам мавжуд. Бир қарашда бу сабабларни илғаб олиш осон эмас. Улар касалликни бутун танага тарқатадиган, бири-бири билан боғланган қон томирларини эслатарди. Ўз шахсий миқёсинг ва даражанингдан туриб ушбу сабабларнинг тагига етиб бораман деб, қанча уринган, барибир фойдаси йўқ. Умуман ҳеч қандай натижага эришолмайсан. Бунда кам деганда йирик социологик тадқиқот яратиш, ундан ҳам яхшиси, матбуот ва телевидение орқали кенг баҳс уюштириш керак. Осмондаги ойни хохламайсизми, мабодо? Худди ўзга сайёралардан келган мавжудотга ўхшайсиз, а? Унинг семинаристларга хос чекланганлиги, кундалик ҳаётни билмаслигини ҳисобга олганда, осмондан тушган деса ҳам, хато бўлмасди. Кейин у бир нарсага ишонди: бундай воқеалар ҳақида очик-ошқора фикр юритишдан ҳеч ким манфаатдор эмас экан. Ва бу нарсалар гўё жамиятимизнинг обрўсини сақлаш учун қилинади. Ваҳоланки, бунда аввало, ҳамма гап бошқа шахсларнинг қайфиятлари ҳамда фикрларига чамбарчас боғлиқ ҳолда ўз мавқеига путур етказмаслик, уни яна бир қарра хавф остига қўймаслик устидагина боради. Жамиятнинг қайсидир бир қисмида рўй бераётган ишқалликлар ҳақида бонг уриш учун афтидан, бошқа кўп нарсалар қатори, ўзига зарар келтириб қўйишдан чўчимаслик керак. Бахтигами, бахтсизлигимами, Авдий Каллистратов бундай ғаддор кўрқинч юкидан холи. Лекин ҳали турмушнинг барча паст-баландликлари, кашфиётлари олдинда эди. У эндигина бу йўлга кириб келаётганди. Эндигина адашган дилларга меҳру шафқат ва хайрихоҳлик юзасидан ҳаётнинг ўзига қоронғу томонларини ташналик билан ўрганмоқчи, тажрибаларидан ўтказмоқчи эди. Йўлдан озганларнинг жилла қурса бир қисмига мадад етказсам, дерди. Йўқ, у насиҳатлар қилмоқчи, ваъзлар ўқимокчи, таъналар ёғдирмоқчи, айбламоқчи эмас. У ҳалокатли ҳаётни ёлғиз қайта қуриш бадалигагина қутулиш мумкинлигини ўз шахсий иштироки ва шахсий намунаси орқали уларга исботламоқчи, шу маънода, уларнинг ҳар қайсилари жилла қурса, ўз қалблари доирасида инқилоб қилишлари зарурлигини уқдирмоқчи эди. Лекин бундай гўзал тилак, гоёлар бениҳоя қимматга тушишини ҳатто ҳаёлига ҳам келтирмасди.

Ёш эди-да. Факат ёш эдими... Ахир, семинарияда Исонинг тарихини ўрганаётганда, унинг чеккан азоби ва риёзатини ўз жонида туймаганмиди ва ўшанда уни Гефсиман богида Иуда сотганлигини ўқиганди, хўнг-хўнг йиғламаганмиди! Ўша кун тиғида Исо Рухиллони Фулкоф тоғида қатл қилганларида, буни олам иморатининг инкирози ва ҳалокати деб англамаганмиди! Дунё ўз фарзандларини уларнинг энг покизи ғоялари ва рухий умтилишлари учун ҳаммадан кўпроқ жазолайди. Лекин ўшанда ҳали ғўр йигитча олам қурилишининг бу қонунияти устида ўйлаб кўрмаганди. Балки бу ўша ғоялар ўлмаслиги ва охиروқибатда тантани қилиши учун зарурдир. Эҳтимол, буни мулоҳаза қилиб кўриш керакдир? Ростдан ҳам, шундай бўлса-чи? Бу ғалабининг баҳоси эмасмикин?

Авдий бошда бу ҳақда Виктор Городецкийга оғиз очган эди. Ёшлари ўртасида унча катта фарк йўқ эса-да, Авдий уни Никифорович деб ҳурмат қиларди. Бу суҳбат Авдий диний семинариядан кетиш фикрига тушган кезларда ўтган эди.

— Нима ҳам дердим? Биласанми, ота йигит, сени ота йигит деганимга ранжима, Авдий, сени шундай деб чақириш менга жуда ёқарди, — деб мулоҳаза юритарди Городецкий, чой ичиб ўтиришаркан. — Сен семинариядан кетасан, тўғрироғи, сени черковдан чиқаришади. Уламоларинг сени осонликча қўйиб юборишмайди. Сени шаккок деб эълон қилишади. Черков унда-мунда бўлиб турадиган бунақа ишларни ёқтирмайди. Ахир, у ерда сенга ҳеч ким адолатсизлик қилгани йўқ. Сени ҳеч ким хўрлагани, эзгани, қонингни ичгани ҳам йўқ. Черков кишилари билан заррача ҳам сан-манга бормагансан. Ота йигит, сенинг олдингда черков заррача ҳам айбдор эмас... Нима десамикин, сен соф ғоявий мақсадлар туфайли алоқангни узяпсан.

— Ҳа, Виктор Никифорович, рост айтасиз. Тўғридан-тўғри сабаблар йўқ. Гинахонлик, хафагарчиликнинг ҳам ўрни эмас. Булар жуда жўн гаплар. Ундан кейин гап менинг ўзимда ҳам эмас. Масала шундаки, маврусий динлар бугунга келиб мутлақо эскиб қолди. Улар эндигина уйғониб келаётган ибтидоий уруғчилик онгига қарата мурожаат қилган эди. Ўзингиз ҳам тушунасизки, агар тарих динларнинг умумжаҳон уфқига янги бир бош сиймо — Худо — Замондош сиймосини илгари сурса, ушбу сиймо ҳозирги давр талаб-эҳтиёжларига жавоб берадиган янги илохий ғояларни кўтариб чиқса, ана ўшанда диний таълимот ҳали ўз кадр-қимматини йўқотмаганлигига ишонса бўлади. Менинг у ердан кетишимнинг сабаби шунда.

— Тушунаман, тушунаман! — кўнгилчанлик билан қулиб қўйди Городецкий чой ҳўпларкан. Сўнг давом этди: — Бу гапларинг одамнинг этини жимирлаштириб юборди. Сенинг назариянг ҳақида фикр билдиришдан олдин шуни айтиб қўяй. Мана, бемалол, гашт қилиб чой ичиб ўтирибмиз. Мен чин дилдан ўрта асрларда яшамаганим учун суюнаман. Биласанми, кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бундай бидъат учун католик Европада, Испания ёки Италияда сенинг ботир оғзингдан чиқ-

кани ва менинг тешик қулогим эшитгани учунгина, ота йигит, аввал ик-каламизни ҳам нимта-нимта қилишарди, кейин ўтда ёкишарди, ана ундан кейин кулимизни кўкка совиришарди. Янчиб, майдалаб. Инквизация жон-жон деб, бизни тилка-пора қилиб ташлаган бўларди. Бир шўрликнинг устидан у худонинг модарзодлиги устида гап кетганда, кулиб қўйди, деб ёзган эканлар. Муқаддас инквизация нега худодан куласан деб, уни ўтга ташлаган. Кўрдингми, сен билан бизни-ку, асти қўявер, нима бўлишимизни...

— Виктор Никифорович, узр, гапингизни бўламан,— Авдий мийиғда истеҳзоли кулиб, семинаристлар киядиган қора ридонинг тугмаларини асабий қадай бошлади.— Билиб турибман, нимага кулаётганингизни. Лекин ҳазилни қўяйлик. Агар бизнинг замонамизда инквизация бўлганда ва мабодо, эртага бидъат учун ўтда ёнишга тўғри келганда, мен барибир ўз сўзимдан қайтмас эдим.

— Ишонаман,— деб бошини силкиди Городецкий.

— Мен бу фикрга тасодифан келганим йўқ. Насронийлик тарихини ўрганиб ва ҳозирги замонни синчиклаб кузатиб шундай хулосага келдим. Мен Худонинг янги, замонавий шаклини излайман, майли, уни ҳеч қачон тополмасам ҳам...

— Тарихни тилга олганинг яхши,— унинг фикрини бўлди Городецкий.— Энди менга қулок сол. Сенинг янги Худо ҳақидаги бу фикринг — ғализ, мавҳум назария. Бизнинг ақлли зиёлиларимиз уни нима-си биландир актуал ғоя деб атаган бўлардилар. Илгариги одамларнинг тили билан айтганда, бу мулоҳазаларинг — ақлбозлик. Сен Худо яратмоқчисан. Лекин ҳар қанча жозибадор ва сеҳрли кўринмасин, уни ақлий муҳокамалар билан яратиб бўлмайти. Биласанми, агар Исо қатл қилинмаганда, у Худо бўлмасди. Ҳамма тенг, баробар одил салтанат қуриш ғоясига мубтало ул ноёб зотни одамлар олдин ваҳшиёна бир тарзда ўлдирдилар, сўнг уни юксакларга кўтардилар, ҳамду сано ўқидилар, қайғурдилар, унинг азобини ўз юракларига олдилар. Бунда тавоф ва ўз-ўзини айблаш, тавба ва умид, жазо ва марҳамат — инсонни севиш аралаш бўлиб кетди. Лекин кейин бориб, ҳаммаси бузиб талқин қилинди ва маълум кучларнинг маълум манфаатларига бўйсундирилди. Ҳа, барча умумбаشارий порлоқ ғояларнинг тақдирини доим мана шундай бўлган. Мана, энди ўзинг ўйлаб кўр. Катта ғоя туфайли дорга тортилган, хоч азобини бошидан кечирган, бошини жодига қўйган Худо-Мажзуб кудратлироқ, мафтункорроқ ва яқинроқми ёки замонавий фикрлайдиган мукамал олий хилқат, мубҳам идеал афзалроқми?

— Мен бу ҳақда ўйлаганман, Виктор Никифорович. Сиз ҳақсиз. Лекин мен ўтмишни қайта қўрадиган вақт етди, деган фикримдан воз кечмайман. Бизнинг Худо ҳақидаги тасаввурларимиз қанчалар мутлақ ва ўзгармас бўлмасин, улар эндиликда дунё ҳақидаги янгича билимларга сира мос келмай, эскириб қолди. Бу аён ҳақиқат. Бу ҳақда тортишиб ўтирмаймиз. Балки мен мубҳам фикрга асосланаётган, қидирилмайдиган нарсани қидиришга уринаётгандирман. Нима ҳам дер-

дик! Майли менинг фикрларим мутлақ диний таълимотга тўғри келмасин. Лекин мен нима қилай ахир. Кимда-ким мени бу фикримдан қайтаролса, ўзимни бахтли санардим.

Городецкий тушунарли дегандай қўлларини ёзди:

— Сени тушуниб турибман, ота Авдий. Лекин бари бир, сени огоҳлантириб қўйишим керак. Худо излаш черков кишиларининг тасаввурда черковга қарши энг кўрқинчли жиноят билан баробар. Улар назарида бу дунёни ағдар-тўнтар қилиб юбориш билан тенг.

— Буни биламан,— деди хотиржам Авдий.

— Лекин Худо излашни черковдан ташқаридагилар ҳам қайтага баттарроқ ёқтирмайдилар. Сен буни ўйлаб кўрганмисан?

— Ғалати фикр-а,— ҳайратланди Авдий.

— Бош омон бўлса, кўраверасан ҳали...

— Лекин нега ундай? Шу ерга келганда уларнинг фикрлари бир жойдан чиқадими?

— Гап бир жойдан чиқишида эмас. Умуман, бунинг ҳеч кимга кераги йўқ...

— Қизик. Энг керак нарсанинг кераги бўлмаса...

— Қайдам. Сенга жуда кийин бўлади, ота Авдий. Сенга ҳавас қилмайман, лекин сени йўлингдан тўхтатмайман ҳам,— хулоса қилди Городецкий.

У ҳақ эди. Ҳамма гаплари ҳақ. Кўп ўтмай Авдий Каллистратов бунга тўла ишонди.

Семинариядан ҳайдалиш арафасида шундай воқеа бўлиб ўтди. Уша куни уларнинг шаҳарчасига мўътабар зот — патриархиянинг ўқув юрталари бўйича Координатори ота Димитрий ташриф буюрди. Уни ректорат вокзалда эъзоз-икром билан қарши олди. Семинарияларда уни ота Координатор деб аташарди. Кўринишидан кўркам, салобатли, оқил ва доно (бу вазифада шундай бўлиши ҳам керак), ўрта ёшлардаги ота Координатор рўй берган фавқулудда ҳодиса муносабати билан келган, бунинг сабабчиси аълочи семинаристлардан бири Авдий Каллистратов бўлиб, у муқаддас битикни очикдан-очик тафтиш қилиш ва бидъат йўлига кирган, Худо-Замондош деган шубҳали фикрни кўтариб чиққан эди. Оқил ва ориф ота Координатор ўз обрў-эътибори, эътимодли сўзи билан адашган сабийни хидоят йўлига қайтариш, бу ишни шовқин-сурон кўтармай ими-жимиди амалга ошириш ниятида эди. Мухими, диндан қайтганининг овози кўчага чиқмаслиги керак. Шу маънода черков ўз шаъни, обрў-эътиборини ҳамма нарсадан юқори қўядиган бошқа дунёвий идоралардан фарқ қилмайди. Авдий Каллистратовнинг ўрнида бошқа пишиқроқ, тажрибалироқ одам бўлганда, ота Координаторнинг ниятини тўғри пайқар ва шунга яраша иш қиларди. Лекин Авдий кўзга кўринган черков намоянчасини ҳақиқатан ҳам тушуниб етмади. Шу билан руҳоний отани ҳам мўлжалидан адаштириб юборди.

Авдий ота Координаторнинг ҳузурига кун ўртасида чакирилди

ва унинг қошида озмас-кўпмас, уч соат ўтирди. Бош корпуснинг залларидан бирига академик черковнинг меҳроби ўрнатилган эди. Ота Координатор олдин ана шу ерда бирга ибодат қилишликни таклиф этди.

— Чироғим, фаҳмлаб тургандирсан, сен билан жиддий гапимиз бор. Лекин бот шошмагаймиз. Аввало, мени тангри-таолонинг муқаддас меҳробига бошла,— деди у Авдийга косасидан бўртиб чиккан қизарган кўзларини қадаб,— аввало биргаликда ибодат қилиб олайлик, сўнг кўргаймиз.

— Худо хайрингизни берсин, тақсир,— деди Авдий,— мен тайёрман. Шахсан мен учун ибодат олло-таолога қаратилган турли ўй-хаёлларимнинг энг уйғун нуқтасидир. Худо-Замондош ҳақидаги фикр миямга қаттиқ ўрнашиб қолганга ўхшайди.

— Сабрсизлик шайтон иши, чироғим,— босиқ деди ота Координатор юмшоқ ўриндикдан тураркан. У Худо-Замондош, турли уйғун ўй-хаёллар ҳақидаги сўзларни ҳам қулоғининг бир чеккасидан ўтказиб юборди. Тажрибақор руҳоний арбоб бошданок барини чигаллаштириб ўтиришни маъқул кўрмади.— Ибодат қилайлик. Сенга айтсам,— давом этди у,— қанча кўп яшаганим сари Худонинг марҳамати бизга шунчалар чексиз, раҳм-шафқати шунчалар улуғ эканлигига тобора кўпроқ имон келтиряпман. Ҳаммасини унутиб ибодатга берилган чоғингда буни янада чуқурроқ ҳис қиласан ва ўзингни аржуманд сезасан. Яратган тангримнинг бизга муҳаббати ҳақиқатан ҳам чексиз. Бизнинг ибодатларимиз унинг олдида ҳавоий чулдирашлардан бошқа нарса эмас. Лекин бу Худо бирлан чамбарчас бирлигимизнинг далолатидир.

— Баайни ҳақиқатни айтдингиз, тақсир,— деб қўйди Авдий эшик олдида бошини эгиб тураркан.

Лекин у ҳали чиндан ҳам ғўр ва сабр-қаноатсиз эди. Сухбат чоғида у одоб юзасидан сукут сақлаб ўтирмади ва дарҳол гапнинг пўскалласига кўча қолди.

— Изн берсангиз, айтай. Бизнинг тушунчамизда Худонинг чек-чегараси йўқ. Лекин ер юзининг одамларида фикр билишдан яна билишга томон ўсиб боради. Бундан бир хулоса келиб чиқади: Худо ҳам ўсиши керак. Сиз нима деб ўйлайсиз, тақсир?

Координатор ота энди жавобдан ўзини олиб қочолмади.

— Кизикқонлик қиляпсан, чироғим,— деди у томоғини оҳиста қириб йўталиб, сўнг уст-бошини тўғрилаган бўлди.— Ёшликда нима-лар бўлмайди. Лекин ўшанда ҳам Худо ҳақида бундай хаёлга бориш керак эмас. Яратган эгамни билиш азал-абад бандасининг қўлидан келмайди. У бизнинг ихтиёримиздан ташқарида мавжуд. Ҳатто материализм ҳам тан олади: борлик онгимиздан ташқарида деб. Инчунин, Худо ҳам.

— Маъзур тутинг, тақсир. Лекин ҳамма нарсани ўз оти билан атаган маъқул. Бизнинг онгимиздан ташқарида Худо йўқ.

- Сен шунга аминмисан?
- Ҳа. Шунинг учун ҳам айтяпман.

— Майлинг. Лекин шу билан бирга нукта қўймаймиз. Айтайлик, таълим юзасидан андак муноқаша қиламиз. Бунга биз ибодатдан сўнг қайтурмиз. Қани, энди марҳамат қил, мени ибодатга бошла.

Ота Координатор академик черковда Авдий билан бирга ибодат қилмоқчи бўлганлигининг ўзи мантиқан олиб қараганда, ёш семинаристга кўрсатилган катта илтифот эди. Шунинг учун ҳайдалай деб турган талаба ушбу кулай вазиятдан фойдаланаман деса, не ажаб.

Улар узун йўлакдан олдинда ота Координатор, ён томонда пича орқароқда Авдий Каллистратов юриб борардилар. Руҳоний отанинг адл қоматига, ишонч билан қадам ташлашига, тўпиғига эркин тўкилиб турган, унга ўзгача бир улуғворлик бағишлаган қора ридосига қараркан, унда асрлар бўйи етилиб келган нуроний бир қудрат мужассамлигини хис қилди Авдий. Бу куч ҳар бир инсон фаолиятида дин-иймон ақидаларини ҳимоя қилароқ, ҳаммадан бурун ўз манфаатларини кўзлайди. Ҳаётда ҳақиқат йўлларини ахтараркан, Авдийга мана шу қарши турган куч билан тўкнашишга тўғри келади. Ҳозирча ҳар қайсилари ўзларича ишонадиган ва имон келтирадиган У сари қадам ташлардилар. Ҳар бир инсонга У номи билан дунё ва одам боласининг ўрни ҳақидаги барча учун баробар фикрларни уқдиришлари лозим эди. Униси ҳам, буниси ҳам, У номига таваккул қилардилар, зеро, ёлғиз Ўзигина ҳамма нарсадан хабардор ва ҳаммага баробар марҳаматли. Улар юриб борардилар...

Ўша соат академик черковда ҳеч ким йўқ эди. Шунинг учун бўлса керак, у ҳайҳотдай бўм-бўш кўринди. Умуман, унинг бошқа черковлардан фарқи ҳам йўқ эди. Фақат қоронғилатиброк қўйилган меҳробнинг ичкарисидаги кўзлари бир нуктага хаёлчан тикилган Исонинг қорамтир сочлар ўрамидаги юзи ҳаддан зиёда оқариб кўринарди. Унга бўздай ёруғ тушириб қўйилганди. Ҳар икковлари — худонинг шўбони ҳам, ҳали ҳур фикрлашдан маҳрум бўлмаган талаба ҳам чўнқайиб тавофга турдилар, нигоҳларини Ўзига тикдилар, бутун ўй-хаёллари билан Ўзига берилдилар. Улар ёлғиз Ўзига роз айтиш умидида эдилар. Зеро, Ўзи ер юзининг истаган нуктасида, куннинг истаган вақтида истаганча одамлар билан, ҳаттоки бутун инсоният билан бир вақтда мулоқот қила оларди. Мана шунда ҳам зоҳир эди Ўзининг интиҳосизлиги.

Бу сафар ҳам ҳар қачонгидай бўлди: ибодат ойинини адо этаркан, уларнинг ҳар бири ташвиш-андуҳларини Ўзига баён қилмоқни, Ўзига имон-этиқоддан келиб чиқадиган хатти-ҳаракатларини оқламоқни истарди. Уларнинг ҳар бирлари коинотда шу қадар кичкина бир нуктани шу қадар кичик муддатга ишғол қилиб тураркан, ўзларини тасаввурдаги шу коинот билан мувофиқлаштиришга уринар, чўқинар, ёруғ оламга меҳмон бўлганлиги учун Яратганга шукрона айтар, ҳамма кунлардан ҳам кейин келадиган охир кун эшикка ташриф буюрганда, тилда ва дилда Ўзининг номи билан жон олишини илтижо қилардилар...

Кейин улар яна ўша хонага ўз вазифаларини адо этгани қайтдилар. Юзма-юз ўтириб, очикдан-очик сўйлашиб олдилар.

— Шундай қилиб, чироғим, сенга панд-насихат айтмоқчи эмасман,— деб сўзини бошлади ота Координатор Авдий Каллистратовнинг рўпарасидаги юмшоқ чарм ўриндикка қулайроқ жойлашиб оларкан. Авдий студла ўтириб, семинариянинг одми кийимлари остидан ёғочдай туртиб чиққан ориқ тиззаларига қўлларини тираганча тавозе билан уни эшитишга ҳозирланди.

Авдий масалани узил-кесил қиладиган гапни кутганди. Лекин ҳазратнинг нигоҳида на қаҳр ва на бошқа бир ғараз укмай бир оз ажабланди. Аксинча ота Координатор ташқаридан бағоят хотиржам, вазмин кўринарди.

— Кулоғим сизда, таксир,— деди итоат билан талаба.

— Гап шундай. Мен сенинг танобингни тортиб қўйгани келганим йўқ. Сенга ўғит айтиб ҳам ўтирмайман. Булар жўн нарсалар ва сенга муносиб эмас. Сени енгилтак деёлмайман. Лекин ўйламай-нетмай қизишиб айтаётган гапларинг одамнинг ғашини келтирмай иложи йўқ. Фаҳмлаган бўлсанг керакким, сен билан ўзимни тенг қўйиб гаплашяпман. Очиғини айтсам, сен анча-мунча ақллисан... Сирли жойи йўқ, черков ўз таълимотига қарши боришингдан манфаатдор эмас. Аксинча, Худо йўлида буткул ва сира оғишмай кўшиш кўрсатишингни истайди. Мен ҳам буни яшириб ўтирмайман. Сенинг марҳум падарингни яхши билардим. У билан доим фикримиз бир жойдан чиқарди. Шунинг учун кулоғингни оталарча чўзиб қўйишим мумкин эди. Отанг чин христиан, эзгу одам эди. Бунинг устига анча билимдон, маърифатли ҳам эди. Насиб этган экан, мана сен билан идора одамларининг расмий тили билан айтганда, дьякон, кўп йиллар черковда хизмат қилган марҳум дьякон Иннокентий Каллистратовнинг солиҳ фарзанди билан ҳам кўришдим. Нима бўляпти ўзи? Яшириб ўтирмайман, бошда сен ҳақингда кўп яхши гапларни эшитгандим. Лекин бу ерда ҳозир одамни анча ташвишга солиб қўйган масала устида келдим. Сен ҳали оддий талабасан. Лекин ҳалитдан Худонинг таълимотини тафтиш қилишга тушибсан. Оғзингдан чиқаётган бефаришта гапларга кулоқ солсам, ёшлигингга бориб, чакки қадам ташлаётганга ўхшайсан. Бир нарсага ишонгим келади. Гап шундаки, анчайин сабабларга кўра одам ёшликда ўзига каттиқ бино қўяди. Турли-туман одамлар феъл-атвори, таълим-тарбиясига кўра бу турлича намоён бўлади. Турмушнинг тегирмонидан бутун чиққан, ёши бир ерга бориб қолган одам ҳаёт шомида Худога ишончини йўқотгани ёки илоҳий истилоҳ ва тушунчаларни ўзбошимчалик билан талқин қилганлигини ҳеч эшитганмисан? Йўқ, бунақа воқеа рўй берса ҳам, аҳён-аҳён тасодиф билан рўй беради. Одамнинг ёши улғайган сари илоҳиётнинг моҳиятини шунча чуқур англайди. Ахир, барча Европа файласуфлари, хусусан, алғов-далғов инқилоб даври арафасида динга қарши даҳрийларча кескин ҳужум бошлаган (бу ҳужум уч юз йилдан бери тинмай давом этиб келяпти) анави фран-

цуз энциклопедист алломалари ҳам жуда ёш эдилар, шундай эмасми?

— Рост айтасиз, тақсир, ёш эдилар,— тасдиқлади Авдий.

— Ана кўрдингми? Бу ёшликка, нима десамикин, экстремизм хос эканлигини кўрсатмайдими? Ҳозир ёш-қари барчанинг оғзида шу сўз. Шундай қараганда, экстремизм ёш билан боғлиқ бир нарса бўлиб чиқади.

— Тўғри-ю, лекин сиз айтган ўша экстремистлар, адолат юзасидан тан олишимиз керакки, эътиқодлари бениҳоя кучли одамлар, тақсир,— луқма ташлади Авдий.

— Ҳеч шубҳасиз, шубҳасиз,— шоша-пиша рози бўлди ота Координатор,— аммо бу алоҳида масъала. Ҳар ҳолда улар черков ходими бўлмаганлар, динга муносабатлари ҳам хусусий ишдан нарига ўтмаган. Уларнинг йўллари бошқа. Сен эса, келажакда шўбон бўласан, чароғим.

— Ана кўрдингизми,— унинг сўзини бўлди Авдий,— ахир, одамлар менга ва менинг билимларимга тўла ишонишлари керак.

— Сабр қил,— қовоғини уйди ота Координатор,— сенинг фойдангни кўзлаб айтаётган гапларимни тушунишни истамасанг, унда майли, бошқача сўзлашамиз. Хўш, биринчидан, дин-иймонга шак келтирадиганлар сендан аввал ҳам ўтганлар, сендан кейин ҳам бўладилар. Сенга ўхшаган шаккоқларни черков кўп кўрган. Нима бўпти? Ҳар бир ишнинг бир қийғи бор. Бундай ўткинчи, тасодиф воқеалар бундан кейин ҳам бўлиб туради. Лекин уларнинг бари муқаррар бир ечимга келади: ё кимса ўз шубҳа-гумонларидан бутунлай воз кечади ва оғишмай, ғайрат-жиход кўрсатиб чин дин-иймон йўлини тутати, натижасида руҳонийлар ўртасида ҳам мағфиратли бўлади, ё куфр йўлидан қайтмаса, ундай муртад черков томонидан рад этилади ва бошига тавқилаънат ёғилади. Учинчи йўл йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Биласанми шунга?

— Ҳа, тақсир, лекин учинчи йўл менданам кўпроқ черковнинг ўзига керак.

— Ана холос,— масхаралагандай бошини чайқади ота Координатор.— Топган гапингни қара,— деб хитоб қилди ва аччиқ киноя билан давом эттирди: — Қани, марҳамат қилиб, менга айтиб бер-чи, Муқаддас черковга тақлиф қиладиган учинчи йўлинг нима экан? Инкилоб эмасми ҳайтовур? Мунақасини ҳали тарихнинг қулоғи эшитмаганди...

— Асрлар бўйи қотиб қолган фикрларни ўзгартиш, ақидабозликдан қутулиш, инсон руҳига Худони англашда ҳурлик бериш ва Худони инсон борлигининг энг олий зуҳуроти деб билиш...

— Астафурилло, бас, бас! — титраб, тутаб кетди ота Координатор.— Бу ўзбошимчалик жуда кулгили, чироғим!

— Агар сиз, тақсир, мустақил фикрга эга бўлишликни бесарлик деб қораласангиз, гаплашиб ўтиришимизнинг бошқа маъноси йўқ!..

— Баайни ҳақиқат — сира маъноси йўқ! — қизишиб кетди ота

Координатор ва ўрнидан турди. Унинг овози гулдираб чиқа бошлади:— Кўзингни оч, бола! Такаббур бўлма! Ҳалокат чоҳига бориб қолибсан! Сен бадбахт, Худони фақат ўз тасаввурингда мавжуд деб биласан. Одамни Худо узра Худо деб тушунасан. Ҳолбуки, онгнинг ўзи фалакнинг иқтидори билан яратилгандир. Сен янгича фикрлаш никоби остида бидъатга берилиб, бани башар неча минг йиллаб оғир қийноқ ва изтироблар ичида топган, унга бениҳоя қимматга тушган, ҳалолни — ҳалол, ҳаромни — ҳаром қилган сўзларни йўққа чиқармоқчисан. У сўзлар неча-неча авлод инсон қавмларининг илоҳий аҳқомига айланган. Сен ақидабозликдан халос бўламан деб, нимага эришасан. Ҳолбуки, бу ақида бу аҳқом Худонинг иноятидир. Черков бидъатсиз яшаб келган, яна яшайверади. Ақидасиз, аҳқомсиз дин-иймон йўқ. Ҳамон гап очилди, эсингда тут: ақидапарастлик — ҳар қандай қонун-қоида, низомлар, ҳар қандай ҳокимиятнинг тағ-заминидир. Эсингдан чиқмасин. Сен Худони гўё янги фикр билан яхшиламоқчи бўласан, аслида эса уни бутунлай инкор этасан. Ҳатто ўзингни Унинг ўрнига қўйишдан ор қилмайсан! Лекин яхшилик ва марҳамат сенга боғлиқ эмас. Сенга ўхшаганларга ҳам боғлиқ эмас. Худонинг инон-ихтиёри ўзида. Бизни нима қилса, ўзи билади. Сенинг шаккоқлигинг ўз бошингни ейди. Худо-ванди карим эса боқий ва тонукдир! Омин.

Авдий Каллистратов ота Координатор қошида лаблари қумдай оқарганча турарди: унинг бунчалар қаҳр-ғазабга миниб, жазавага тушишини кўриб юраги эзилди. Лекин барибир ўз деганидан тоймади:

— Маъзур тутинг, тақсир. Ўзимиздан чиқаётган нарсаларни илоҳий кучларга нисбат бериб ўтирмайлик. Нега бўлмаса, У бизни бу қадар оқиз ва нотугал қилиб яратди. У ўзи бино қилган махлуқларни ҳам иккита тесқари томонга — яхшилик ва ёмонликка ажратиб юбормаслиги мумкин эди-ку. Нега Ўзи бизни бунчалар шак-шубҳалар, иллатларга гирифтормоқчи қилиб қўйди? Нега одамлар бунчалар маккор? Худонинг ўзига мурожаат қилганларида ҳам, маккорликдан ўзларини тийиб туролмайдилар. Худога бунинг нима кераги бор? Сиз дин-иймон таълими мутлақ кучга эга бўлишини истайсиз. Олам ва одам руҳининг моҳияти бир марта бирваракай, абадиятга очилган деб ҳисоблайсиз. Лекин ахир, бу мантиска тўғри келмайди-ку. Наҳотки биз христианликнинг икки минг йили давомида ўша алмисоқдан қолган аҳқомларига бир оғиз ҳам ўз янги сўзимизни қўшолмасак? Сиз ҳақиқатга бир ўзингиз ҳокимлик қилмоқчи бўласиз. Лекин бу оз деганда ўз-ўзини лақиллатишдир. Зеро, ҳақиқатни бир марта ва бирваракай билиб етган таълимотнинг, ҳатто илоҳий таълимотнинг бўлиши мумкин эмас. Мабодо, шундай бўла қолса, у ўлик таълимотдир.

У жим бўлди. Ўртага тушган сукунатда дераза ортидан шаҳар черковининг жом садолари эшитилди. Жом садоси Авдийга худди инсонни Худога боғлаб турган Мулоқот тимсоли каби ғоятда яқин ва шунчалар таниш эди. Шунда Авдий худди ушбу садолар каби чексизлик аро сузиб, кўздан йироқлашиб, йўқ бўлиб кетгиси келди...

— Сен жуда ҳам ҳаддингдан ошяпсан, бўтам,— деб тўнғиллади ота Координатор, энди унинг товуши совуқ ва бегона эди.— Сен билан диний мавзуларда тортишиб ўтиришнинг ҳожати йўқ эди, зеро, билимларинг ифрот, ғўр ва ҳатто шубҳали. Сени бани башарнинг ғаддор душмани иблис васвасага солиб қўймадимкин? Лекин сўзимнинг охирида сенга бир нарсани айтиб қўяй: бундай фикрлар билан сен ҳеч қачон рўшнолик кўрмайсан. Зотан, асос-эътиборли таълимотларни шубҳа остига оладиганларни динга алоқаси йўқлар ҳам асло ёқтирмайдилар. Ахир, ҳар қандай мафкура ўзини ҳақиқатнинг энг сўнги эгаси деб билади. Сен албатта, ҳали бу нарсалар билан тўкнашасан. Бир қарашда унчалик билинмаса-да, лекин дунёвий ҳаёт ғоятда шафқатсиз. Сен ҳали енгил ўйлашнинг жадиға қоласан. Ўшанда менинг гапларимни эслайсан. Лекин бас, семинариядан кетасан, ҳозирлик кўр, черков сендан кўз ўгиради. Худо уйини ортик тарк эт!

— Менинг черковим доим ўзимда,— бўш келмасди Авдий Каллистратов.— Менинг черковим — мен ўзим. Мен ибодатгоҳларни тан олмайман. Рухонийларни ҳам уларнинг ҳозирги савиясига кўра тан олишни истамайман.

— Нима ҳам дердик, бўтам, Худонинг ўзи раҳм қилсин. Лекин билиб қўй: дунё сенга ўз айтганини қилдиради. У ерда ўз кунингни ўзинг кўришингга тўғри келади. Неча-неча миллионлаб сенга ўхшаганларнинг беллари синиб ётибди бир кунимни кўраман деб...

Кейинчалик Авдий яниб айтилган бу сўзларни бир эмас бир неча марталаб эслади. Лекин унга ҳаётининг энг олий маъноси ҳар доим ҳали олдинда — нурли уфқларда кўринар, йўлидаги барча чигалликлар, турмуш савдолари вақтинчадай туюлар, одамлар ахийри, бир кунмас бир кун ортидан эргашиларига ишонарди. Ҳаётнинг асл маъноси ҳам ахир шунда эмасми?

Ўша кунлари нашаванд чопарлар билан чўллар қўйнига кириб бораркан, поезд даричасидан кета-кетгунча бўм-бўш ҳувиллаган тақир маконларга эрталабдан кечгача тикилиб, ўзига ўзи дерди: «Мана, ниҳоят, инон-ихтиёринг ўзингда, редакциянинг топшириғини ҳисобга олмаганда, сени боғлаб, қўлингни ушлаб турган ҳеч нарса йўқ, нимани хоҳласанг, шуни қиласан. Хўш, нима? Не топяпсан бу сарсонлик-саргардонликда? Асл, ростмана ҳаётнинг ўзи мана шу. Сен у билан юзма-юз турибсан. Юз йил илгари қандай бўлса, ҳозир ҳам шундай. Одамлар қайлардандир қайларгадир борадилар, сен эса шу йўловчиларнинг бири, нашаванд чопарлар ҳам йўловчи, лекин ашаддий йўловчи — улар энг дахшатли иллатлардан бирининг устига тухум қўйиб кун кўрадилар. Ўша сизловқдай тутун, ўша кайфу мастоналик арзимаган нарсага ўхшайди, лекин одамни одамликдан чиқаради, мосуво қилади. Аммо уларнинг ўзлари ўзларини қурбон қилиб турган чокларидан сен қандай қилиб уларни ҳимоя қиласан? Биласанми, булар қаердан келиб чиқяпти? Сабаблари қаерда? Индамайсан. Қайси томондан ёндашиш, қайси томондан тушунтириш, нима қилишни билмай-

санми? Семинария бағридан хаёт тўлқинлари ичига нима учун отилиб чикдинг? Уни андаккина бўлсин, яхши томонга ўзгартирмоқчи эмасми-динг? Семинариядоги синфдошларинг сени идеалист деб чакиришарди. Балки, тўғридир. Манави чопарларнинг кўзлари менга учиб турмагандир, уларнинг ишига, хулқи-атвориغا аралashi зарурми? Кўлингдан нима ҳам келарди? Нима қилиб беришинг мумкин уларга? Кирган йўлларида қайтара оласанми? Бошқача яшашга кўндир биласанми? Сен қийналиб, ич-этингни еяпсан бу ёғи нима бўлади деб. Улар эса ўз олдиларига битта мақсад кўйганлар ва бу мақсадларидан асло қайтмайдилар, омадим келса-ю, бойисам дейдилар, бахтларини шунда кўрадилар. Қани, уларни қайта ишонтириб кўр-чи, улар ҳақиқатга тик қарай олармикинлар? Агар аралашмасанг, ёрдам бермасанг, улар эртами-кечми камоққа тушадилар, колонияларни тўлдирадилар ва бунга айб деб эмас, кулфат деб қарайдилар. Қани энди, уларни шу расволиклардан қайтара олсанг, қани энди, пушмон бўлиб, тавба қилиб, диллари тозаланса, жиноятдан юз ўгириб, чинакам бахт-саодат нимада эканлигини англасалар. Қандай гўзал бўларди-я! Лекин уларнинг бахтлари нимада? Биз кадрлаган нарсалардами? Аммо кадрятларимизнинг асл баҳосини тушириб юборганмиз, ғоятда дағаллаштириб ташлаганмиз. Балки кулгига қолган чол-кампиарларнинг Худосидамикни уларнинг бахтлари, лекин бу ахир чўпчак-ку? Умуман олганда, даста-даста пул топиш имкони турганда, сўз нима қилиб берарди? Ҳозир кимни қарама — шунинг тилида бир гап — курук раҳматга мушук офтобга чиқмайди. Пул ўз оти билан пул-да! Чопарларнинг чўнтақларига қираётган ўша пуллар фақат ўзимизники эмасдир, чет пуллар ҳам бордир уларнинг ичида,— қаранг, қанча талабгорлар келишяпти — Мурманск, Одесса, Болтикбўйи, хаттоки Узок Шарк порт шаҳарларидан? Каерга кетяпти шунча наша? Унинг сақичи, мумидан ишланган бошқа нарсалар-чи? Гап қаерга кетаётганлигининг ўзидагина эмасдир-ку? Нега бундай бўляпти, нега бизнинг ҳаётимизда, бизнинг ижтимоий системамизга иллатлар ёт деб, бутун дунёга жар солган бизнинг жамиятимизда бундай бўлиши керак? Қанийди, шундай бир нарса ёзсангки, унга ҳамма ўз жонажон ишидай муносабат билдирса, унга ўз уйида бўлаётган ёнғиндай, фарзандларининг бошига тушган офатдай қараса, ана ўшанда айтилган сўз барча холис ниятли кишиларнинг қўллаб-қувватлаши билан пулдан устун чиқади ва ёмонликни енгади! Илоҳим, шундай бўлсин, ёзилган сўз бекор кетмасин, чиндан ҳам, «аввалда сўз бўлган» экан, у ўз азал-абад қудратини кўрсатсин... Шундай яшасангки, шундай ўйласангки...

Лекин ё раб, сендан сўрайман: жарак-жарак пуллар турганда, сенинг каломинг нодир? Яширин иллатлар олдида сенинг ҳукминг недир? Сўз билан ёвузлик моддиюнини қандай енгиш мумкин? Менга Ўзинг куч-қувват ато қил, бошлаган йўлимда ва ишимда мени тарк этма, мен ёлғиз ўзимман, ҳозирча ҳеч кимим йўқ, пулга муккасидан кетганларнинг эса адади йўқ, сон-саноксиз...»

Москва — Олмаота поезди Саратов ерларини оркада колдириб, икки кундан бери Козогистон чўлларида борарди. Авдий Каллистратов Турон томонларни биринчи кўриши. У бир пайтлар Россия томонидан эгаллаб олинган жуғрофий маконларнинг, ўлканинг бу қадар кенглиги ва миқёсларидан ҳайратга тушар — чиндан ҳам кўз ўнгиди бошқети йўк, беҳудуд ерлар ястаниб ётар, агар Сибирь билан қўшиб ҳисобласак, деб хомчўт қиларди у, ер юзидаги қуруқликнинг деярлик ярми... Яна бу ерларда одам турадиган қўналғалар онда-сондагина учрайди... Шаҳарлар, кишлок ва овуллар, бекатлар, унда-мунда кўзга чалиниб қоладиган молхоналар, чўпон-чўликларнинг пастак кўралари ҳаммаси темир йўлга қараб ёпишиб келар, улар бепоён чўл сувратини чизиш учун тайёрлаб қўйилган, лекин илк бўёқларигина чаплаган матога ўхшар, бироқ суврат кейинчалик ишланмай, фақат бир тусдаги бўз ранглари билан чала қолиб кетгандай эди... Бу томонда кета-кетгунча яйдоқ чўл, ҳозир бу ерда жамики ўт-ўлан гуллаб-яшнаган фасл, чўл бир неча кун мана шундай жаннатмисол гуркираб ётади, сўнг тагин офтобнинг бераҳм иссиғига дош беролмай сарғайиб сўлади ва келаси баҳорни кутади...

Вагонларнинг очик ойналаридан гулга кирган чўл чечакларининг муаттар бўйлари ёпирилади. Айниқса, поезд тўрт томони очик аллақандай кичкина бекатларда тўхтаганда, одамнинг дим вагондан сакраб пастга тушгиси, ўзи кўримсиз, лекин хидлари ёвшандай ўткир, қурғок ерда ўсганига қарамай эти сувлик майса-ўланлар устида эркин-эркин чошиб юргиси келади. Қизиқ-ку, деб ўйлайди Авдий, наҳотки ўша ярамас наша ҳам мана шундай бемалол ўсиб ётса ва хидлари ҳаммаёққа гуркираб тарқалса? Одамларнинг димокларини китикласа? Чопарларнинг оғизларидан гуллашларига қараганда, нашанинг ҳиди ҳаммасидан ҳам ўткир ва кучли бўлса керак. Ҳаммасидан ҳам, дейишадди чопар болалар — наша баланд бўлиб, шоҳлари ҳар ёққа тарвақайлаб ўсади. Нашазорларда унинг баландлиги одамнинг белига уради. Ёввойи наша тўғри келган жойда ўсиб ётавермайди. Наша кенг тарқалган алоҳида нашапоя майдонлар бор. Шунисига ҳам шукр. Уни топиш учун шунча оворагарчилик бўлмаса, ҳаммаси оппа-осон кўнса, унда нималар рўй беришини тасаввур қилиш мумкин... Мана, талабгор хумор чопарлар узок порт шаҳарлардан дунёнинг у чеккасида бу чеккасига наша савдос тутиб боришяпти... Ҳали йўл узок, яна канча йўл босиш керак — худо билади, яна охири нима бўлади, бу ишлардан нима чиқади.

Айрим вақтлар Авдий Каллистратов нимага кетаётганлигини ҳам унутиб, бу эл-юртларда илгари замонларда яшаган халқларни тасавурида жонлантиришга уринар, ўқиган китобларини, ўқувчилик йилларида кўрган киноларини эслар, адам даштида ғойиб бўлган ўша ҳаётнинг излари ва қолдиқларини кўрганда, бирдан хурсанд бўлиб кетарди.

Худди ташлаб кетилган кўналгалардай чўлларда яккам-дуккам как-кайиб турган кўнғир туялар, кўхна мақбаралар, мазоратлар, уч-тўрт-тагина хужрадан иборат кўримсиз овуллар, кўз базўр илғайдиган ёлғиз чодир, юрталар, дунёда бор-йўклигини ҳеч ким билмайдиган, хароб, номаълум капаларда яшайдиган кишиларнинг холини ўйлаб юраги увишиб кетар, ваҳм босарди... Кўз ўнгидан худди қадим-қадим замонлардагидай кўхна эгар-жабудук урилган отларга минган, бошларига тепаси чўкки қулоҳ кийган отлиқлар ўтиб қолардилар дам якка-якка, дам тўда-тўда бўлиб... Қандай яшашган экан одамлар бу ерларда, юраклари сиқилиб ўлиб қолмасмикинлар, сувсизликдан қирилиб кетмасмикинлар бу бепоён дашт-биебонларда? Кечаси-чи, кечаси нима бўлади? Фалак тунда кимсасиз саҳроларга эниб тушади, ўша чоғларда одам ўзини қандай сезаркин? Чексиз само рўбарўсида одам ўзини бениҳоя ёлғиз ва ғариб ҳис қилса не ажаб? Шунинг учун ўқтин-ўқтин ўтиб қоладиган поездлар уларга далда берса керак. Поездларнинг шовкинлари катта шаҳарлардагина одамларнинг қулоқларига ёқмайди, зериктириб юборади. Эҳтимол, бари бутунлай аксинчадир. Азим чўлларнинг тунлари кўнгилларда улғувор баётларни уйғотар, шеърят ахир, олам поёнсизлиги узра инсон руҳининг ҳур парвози эмасми?..

Лекин бундай хаёллар уни узоқ машғул қилмас, яна чопар болалар билан бораётгани, қонун юзасидан қараганда, жинояткор қимсалар қаторига қўшилгани эсига тушар, газета учун ижтимоий-маънавий репортаж ёзаман деб, то вақти-соати келгунча шу ҳаётга, қолаверса, нашавандларнинг бадқирдорлиқларига чидашдан ўзга иложи йўқ эди. Шунда назарида кўкраги беихтиёр музлаб кетгандай бўлар, қорнига аллақандай оғриқ кирар, гўё ўзи ҳам чопарларнинг бирига айланиб қолгандай, жиноят йўлига киргандай эти сесканиб, ваҳимага тушарди. Шунда у юрагининг тубида оғир махфий юк билан юрадиганларнинг ҳолига тушунгандай бўларди. Жаҳон қанчалик улўғ кўринмасин, янги таассуротлар нечоғлиқ қувончли туюлмасин, агарда онгинг ва хотиранг-да нўхотдан ҳам кичик оғриқ нукта бўларкан, буларнинг ҳаммаси на татийди, на ақлинг, юрагингга ҳаловат беради. Ўша оғриқ нукта яширинча, билинтирмасдан одамнинг кайфиятини ҳам, атрофдагиларга муносабатини ҳам белгилайди. Авдий Каллистратов нашапоя чўлларга бирга бораётган чопарларга разм солиб қарайди, уларни гапга солмоқчи, очикчасига сўзлашишга тортмоқчи бўлади. Шунда хаёлига бир фикр келади: гарчи чопар ҳамроҳларим ташқаридан қараганда, ўзларига жуда ишонгандай кўринсалар-да, лекин уларнинг ҳар бири қилаётган ишидан хавфсирайди, бир кунмас бир кун барибир жазога тортилишидан ўлғудай кўрқади. Ҳа, шу кўрқинч уларга доим эргашиб юради. Шуларни ўйлаб Авдийнинг уларга юраги ачийди. Уларнинг курукликлари, бетамизликлари, бефайз вирди-забонлари, қартавозликлари, арокхўрликлари, чапаниликлари, ё остидан ё устидан деб туришларини бошқа ҳеч нарса билан изоҳлаб бўлмайди. Бинобарин, бундан бошқача яшашни улар тасаввур ҳам қилолмайдилар. Авдий Каллистра-

тов бу одамларни ёмон йўлдан қайтарсам, кўзларини очсам, улар ўзларига бошқача, очик бир назар билан қараб кўрсалар, ҳаётларини захарлаб турган кўрқинчдан ва шу кўрқинчнинг таъкибидан халос этсам, деб орзу қилади. Олган билимлари, жуда бой бўлмаса-да, лекин етарлича орттирган. турмуш тажрибалари заминиди у олижаноб, эзгу ниятларини амалга ошириш йўлларини изларди. Ҳозир у семинариядан кетгани, расмий черковдан чиқарилганига қарамасдан дилида тарғиботчи ҳамда ваъзхон бўлиб қолганлигини, инчунин, ҳаёт йўлида қилиши мумкин бўлган бирдан-бир улуғ иш — одамларга ҳақиқат ва яхшилик сўзини ўзи билган, англаган даражада етказиш деб тушунарди. Бунинг учун алоҳида фатво олиш шарт эмас, бунинг учун ўзинг сизинг нарсага садоқатли бўлишинг кифоя. Лекин буларнинг бари ҳали яхши ният, холос. Юрак ва ақл амри билан у нима қилиши зарурлигини ҳали тўла тасаввур эта олмасди. Кўнгилда ширин хаёлларга берилиш, шу хаёлларда тубанларни тубанликдан халос этиш бошқа ва шу билан бирга, сенинг панд-насихатингга, маслаҳатингга асло муҳтож бўлмаган тирик одамлар ўртасида яхшилик қилиш — бутунлай бошқа. Улар мисол учун худди ўзларига ўхшаган, дунёнинг бир чеккасига наша йиғиш ва пул ишлаш учун кетаётган аллақандай бир Авдийнинг ваъз-қарсонига зормикинлар. Уларнинг тақдирларини нузли томонга буриш иштиёқида ёнган Авдий Каллистратов билан уларнинг неча пуллик ишлари бор дейсиз. Авдий Каллистратов Худо қалима ичида яшайди ва қалима илоҳий қудрат касб этмоғи учун у чин ва пок ҳақиқатдан туғилмоғи керак, деган бўлса уларга нима. Авдий эса бунга худди борликнинг қонунидай ишонади. Лекин у ҳали бир нарсани билмайди: яхшилик ёмонлик йўлига кирганларга ёрдам бермоқчи бўлганда ҳам, ёмонлик барибир яхшиликка қарши тураверади... Аммо бу кўргиликлар ҳали олдинроқда...

VI

Тўртинчи кун тонг азонда қорли тоғларнинг букир тизмалари кўзга чалинди. Поезд улар кетаётган Чу ва Мўйинқум чўлларига яқинлашарди. Теп-текис кенгликлардан сўнг келадиган қорли тоғлар тархи чўлмақонларда ўзига яраша бир белги бўлиб қолганди. Чўллар бағрига кириб кетаверган сари тоғлар кўздан узайиб сўнг йўқоларди. Лекин мана, ернинг ҳув четидан қуёш бошини кўтарди ва оламни осуда нурлари билан тўлдирди. Тақдирлари бир-бирларига сира ўхшамаган турли-туман йўловчилар тушган поезд тоғларга етмай турнақатор тизилган вагонлари қуёшнинг илк шуълаларида ярак-юрук қилганча, тонгнинг арғувон қўйлаги ёйилган биёбонларга бурилди — у ёқлардан энди тоғлар кўзга ташланмайди...

Нашаванд чопарлар Жалпок-Соз бекатида тушишлари керак эди. Ундан уёғига ҳар ким ўзича, ўз билганича таваккал ҳаракат қилади.

Аммо тўда ўша-ўша — битта, ният ҳам ўша-ўша — битта. Лекин буларнинг ҳаммасини ким бошқаради, ким ўша Ўзи — доим уларни кўз юммай кузатиб турган — Авдий Каллистратов ана шуни билишни истарди. Лекин айрим узук-юлук, ивир-шивир сўзлардан бўлак ҳеч нарса унга маълум эмасди.

Уч соатдан сўнг Жалпок-Соз бекати келади. Чопарлар йиғиштири-ниб ғимирлаб қолишди. Кечаси ўлгудай ичишган эди. Петруха охирги топшириқларни олиш учун Ўзининг хузурига боришдан аввал хожатда узоқ ювинди. Йўловчилар тоза диққат бўлишди. Чопарлар ўтган кеча шампандан бошлашди. Шампанни худди лимонад ичгандай эрмакка стаканлаб ичишаркан. Кейин араққа ўтишди. Шунинг асорати эрталаб анча билинди. Тирмизак Лёнька-ку, қийшанглаб, росмана чулдираб колди. Авдий эрталаб уни базўр оёкка турғизди. Жалпок-Созга етдик дегандан кейингина Лёнька зўрға кўзини очиб, тахтага оёғини осилтириб ўтирди. Сочлари тўзғиб кетган боши ингичка, қилтирик бўйнида аранг осилиб турарди. Шу зумраша ғайриконуний йўл билан анча-мунча пул топади. Ҳаёти ҳалитданок бутунлай барбод бўлган деса, албатта, бунга ҳеч ким ишонмасди.

Поезд поёнсиз текисликлардан равон кетиб борарди. Каердадир, қайсидир вагонда унинг Ўзи кетяпти. Боши чириллаб айланган, қарахт Петруха бошоғриғини босиш учун бир стакан қорайиб кетган аччиқ чойни шимириб ичди-да, Ўзи қошига шошилиб жўнади. Чамаси, Ўзи ичкиликбозларни хуш кўрмаса керак. Йўл бўйи Авдий Каллистратов Ўзини ҳатто узоқдан бўлса ҳам кўролгани йўқ. Ваҳоланки ҳаммалари битта поездда кетишяпти. Ким у? Қандай одам? Юзлаб йўловчилар орасидан уни топиб кўр-чи. Худди қамишзорлар орасида қоронғу чуқур ичида бекиниб олган махлукдай ғоятда эҳтиёткор, йўл бўйи салча бўлсин, сиёқини кўрсатмади. Кўп ўтмай Петруха унинг қошидан ковоғи солинган, жаҳли чиққан, лекин бутунлай хушёр тортган ҳолда қайтиб келди. Албатта, ҳали маконга етиб бормай туриб қилинган тунги ичкиликбозлик учун Ўзи бошлаб адабини берган. Тушуниш мумкин Ўзини ҳам. Поезд Жалпок-Созга етиши билан иш қизиқ кетади. Шундай пайтда шалпангқулоқ Петруханинг ғирт маст бўлиб юриши сира тўғри келмайди. Мана энди, бир ҳафта бошоғриғидан қутулмай юради. Петруха худди Авдий бир айб иш қилиб қўйгандай унга норози қараб, тўнғиллади:

— Юр, гап бор.

Улар тамбурга ўтишди. Чекишди. Поезд ғилдираклари тинмасдан тарақа-туруқ қилади.

— Менга қара, Авдьяй, у кулоғинг билан ҳам, бу кулоғинг билан ҳам эшитиб ол,— деб бошлади Петруха.

— Хўп, эшитаман,— пешанасини тириштирди Авдий.

— Сен кўпам бурнингни жийираверма,— диққати ошди Петруханинг.— Ким бўлсан ўзи?

— Э, қўйсангчи, Петр,— уни тинчлантиришга уринди Авдий,— ни-

ма қиласан бекорга хафа бўлиб? Хўп, мен ичмайман, сен эса ичасан, хўш, нима бўпти шунга, нима қиласан сўкиниб? Яхшиси, бу ёғига нима қиламиз, ана шуни айт.

— Уёғини Ўзи айтади.

— Мен ҳам шуни сўраяпман-да. Нима деди Ўзи?

— Ишинг бўлмасин,— шартта унинг оғзига ургандай қилиб деди Петруха.— Сен янги одамсан. Шунинг учун Лёнька икковимиз билан борасан. Уч киши бўламиз. Бошқа болалар ҳам ким ўзи, ким шерик бўлиб боришади.

— Тушунарли. Факат қаерга борамиз?

— Ишинг бўлмасин, мен обораман. Жалпоқ-Созда тушамиз. У ёғига ўзимиз кетамиз. Йўл-йўлакай машиналарга тушиб, «Мўйинкум» совхозига етиб оламиз. Ундан у ёғида тирик жон йўк — пойи пиёда.

— Ана, холос.

— Ҳа, нима деб ўйловдинг. «Жигули»да олиб бориб қўйишади девдингми? Оласан, ошна! У ерда сал шубҳа уйғотсанг, дарров ушлаб олишади, машина ё мотоциклда борганларни-ку таппа босишади. Қалпоқ қилишади.

— Ўхў-ўхў! Анов, ким, Ўзи қаерда бўлади, у ким билан боради?

.. — Нима ишинг бор? — ўдағайлади Петруха.— Нега ҳадеб уни сўраб-суриштириб қолдинг? Борадими, келадими! Балки умуман бормас! Нима у сенга ҳисоб бериши керакми, а?! Нима деб тушунайлик буни?!

— Нимасига тушунмайсан? Бошлиғимиз бўлгандан кейин билиш керак-да қаердалигини. Бирон қор-қол юз бериб қолиши мумкин.

— Худди мана шу нарсани билишнинг сенга ҳеч кераги йўк,— кибр билан деди Петруха.— У қаерда бўлади, нима қилади, сен билан бизнинг ишимиз эмас. Керак бўлса сени ернинг тагидан ҳам топади,— Петруха гапим қандай таъсир қилди экан деб бирпас атай жим қараб турди, кейин ҳали кайфнинг асорати таркамаган лойка кўзларини унга тик қадади-да, қўшиб қўйди: — Сенга шундай деди, Авдий: ишни уддалаб кетсанг, доим бориб-келиб турасан. Агар худо кўрсатмасин, сотадиган бўлсанг, яхшиси, хозирок орқангга қайтиб кет. Бекатга тушганимиздан кейин секин жўнавор. Тўрт томонинг очик. Сенга қўлимизни ҳам теккизмаймиз. Лекин иш бошладингми, тамом, орқага қайтиш йўк. Сотсанг — тирик қолмайсан. Билдингми?

— Билдим. Билмай нима? Ёш боламидим,— жавоб қилди Авдий.

— Ундай бўлса, эсингда тут: айтдим-қўйдим. Икки қулоғинг билан эшитдинг. Кейин билмовдим, эшитмовдим, кечиринглар, деган гаплар кетмайди.

— Бас қил. Петр,— унинг сўзини бўлди Авдий.— Ҳадеб битта гапни чўзаверасанми. Ақли-хушим жойида. Нимага боряпман, нима қиламан, ўзим биламан. Яхшиси, сенга бир гапим бор, эшитиб ол. Шу бугундан эътиборан ичкиликни йиғиштир. Лёнькани ҳам ичирма. У тентак. Сен ҳам нима қиласан? Ўша ерларда шу иссиқда қалламиз қизиб турса, нима қойил қилиб йиғамиз?

— Тўғри,— деб тан олди Петруха ва тупук сачраган лабларини кийшайтириб жилмайди. Унинг кўнгли жойига тушган эди.— Тўғри гапни тан оламиз. Ишон, ўзим ҳам оғзимга олмайман, Лёнькага ҳам ичирмайман. Тамом, бўлди!

Улар фикрлари бир жойдан чиққанига хурсанд бўлиб жим қолдилар. Поезд чайқалганча Жалпок-Соз томон жадалларди. Бу ерда машинистлар алмашадилар, поезд ҳам янгиланади. Кўпгина йўловчилар тушишга ҳозирлик қўрардилар. Лёнька ҳам ташвишланиб тамбурга қаради.

— Нима қиялпсизлар? — деди у боши оғриганидан юзини буриштириб.— Нарсаларни йиғиштириш керак. Бир соатда етамиз.

— Қўркма,— жавоб қилди Петруха.— Бизга йиғиштириш чўтми? Киз бола эмасмиз-ку. Халтамызни елкамызга осамизу, ҳайё-ҳайт!

— Лёня,— болани ёнига чақирди Авдий.— Қани, берирок кел-чи. Бошинг оғрияптими? — Лёнька айбдорларча бошини силкитиб қўйди.— Петр билан шундай келишдик. Бугундан бошлаб оғзингга бир томчи ҳам олмайсан. Хўпми? — Лёнька индамай бош ирғади.— Бўпти, бор. Биз ҳозир. Қўркма, улгурамиз.

— Ҳали анча вақт бор,— деди Петруха соатига қараб.— Бир соатдан ҳам кўп.— Лёнька кетгач, деди: -- Лёнькани тўғри айтдинг. Чилтоннинг ўзи ичаман деб ёпишади. Ичгандан кейин оёқда туролмайди. Бўлди энди! Ишми иш! Йўлда озгина эркалик қилдик. Ҳа, тагин, ўйлаб юрма, мен Лёньканинг пулига ичганим йўқ. Балки унинг ўзи шу... лекин мен ўзим олиб ичаман.

— Гап унда эмас,— деди алам билан Авдий.— Болага одамнинг юраги ачийди.

— Рост айтасан,— унинг гапига қўшилиб хўрсинди Петруха. Уни анчадан бери бир фикр безовта қилиб келса керак, шуни Петруха ҳозир очикчасига гаплашаётганларидан фойдаланиб эслади.— Кулоқ сол, Авдй, бизгача, бизга келиб қўшилгунингча, нима иш қилардинг, ишлармидинг? Олибсотарлардан эмасмисан, мабодо? Сен яширма, энди биз ё ресторанда бирга ўтириб, мазза қиламиз, ё камерадан ахлат челақни бирга олиб чиқамиз. Ё униси, ё буниси!

Авдий яшириб ўтирмади:

— Чайковчи эмасман. Яширадиган ерим йўқ. Мен илгари диний семинарияда ўқиганман.

Бундайини Петруха сира қутмаганди.

— Шошма, шошма! Семинарияда дейсанми? Э, бундан чиқди, сен поп бўлиш учун ўқиган экансан-да?

— Шундай десак ҳам бўлади...

— Ўху! — кўзларини ола-кула қилди Петруха ва лабларини чўч-чайтириб хуштак чалди.— Нега у ердан кетдинг, ё ҳайдаб юборишдими?

— Ундок десанг ҳам тўғри, мундок десанг ҳам. Умуман, ташлаб кетдим.

— Нимага? Худони талашиб колдингларми? — шўхлик билан сўрашни қўймасди Петруха.— Ана кулги!

— Ҳа, талашиб колдик шекилли.

— Бўлмаса, қани айт-чи, ҳаммасини билсанг... худо борми, йўқми?

— Бунга жавоб бериш кийин, Пётр. Биров учун бор, биров учун йўқ. Ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ. Одамлар ер юзида қанча яшасалар, шунча худо борми, йўқми, деб ўйлайдилар.

— Унда, агар бўлса қаерда, Авдяй?

— Бизнинг ўй-хаёлларимизда, айтаётган сўзларимизда...

Петруха ўйланиб жим бўлиб қолди. Вагон ғилдирақларининг товуши бирдан кучайди — вагондан вагонга ўтган йўловчилар тамбур эшигини очик қолдирган эдилар. Петруха тамбур эшигини ёпди. Ғилдирақларнинг тарақа-туруғи бир оз босилди, ниҳоят деди:

— Унда менда йўқ экан-да. Сенда Авдяй, у борми, йўқми?

— Билмадим, Пётр. Бўлса эди дейман, кошкийди...

— Сенга у керакми?

— Ҳа, усиз иложим йўқ...

— Ана холос,— норози бўлди Петруха. Нимадир унинг гашига текканди.— Худо керак бўлса, унда нима п... еб биз билан юрибсан?

Авдий гапни чуқурлаштиришнинг вақти ҳам, ўрни ҳам эмаслигини сезди.

— Лекин ахир, пул ҳам керак-ку,— деди у муроса оҳангида.

— Э, гап бу ёқда десанг-чи. Ё Худо, ё мулла жиринг! Пулнинг кетидан қувибдилар-да!

— Шундайроққа ўхшайди,— тан олишга мажбур бўлди Авдий.

Бу гапдан кейин Авдий Каллистратов анча нарсаларни ўйлади. Аввало, йўл бўйи қорасини кўрсатмай чопар болаларга кўз-қулоқ бўлиб келаётган Ўзи унча-мунчага ишонавермайдди. Афтидан, пихини ёрган ва жуда бераҳм бўлса керак. Агар қилаётган ишининг бирон ерида ишқаллик сезса, у ўзини ва ўз ортида турганларни хавф остига қўймаслик учун ҳар қандай йўл билан ўч олади. Ҳеч нарсдан қайтмайди. Бошқача бўлиши ҳам мумкинмас. Буни ўзи оти билан гиёҳ билан савдо қилиш деб қўйибди. Авдийнинг биринчи чиқарган хулосаси шундай эди. Петруха ва бошқалар билан йўлдаги гап-сўзлардан иккинчи аниқлаган нарсаси шу бўлдики — чопар болаларга сўз билан таъсир ўтказса бўларкан. Ваъзхоннинг вазифаси ҳам шу: чин дилдан самимий сўз юритиш, ҳеч қандай хавф-хатарга қарамай сўз билан фидокорларча тушунтириш; ахир, бир пайтлар фидойи дин ёювчилар жонларини худо йўлига тикиб, ёввойи Африка қабилалари ичига Исо Рухилло каломини етказмаган эдиларми; зеро, адашган дилларни халос этиш — унинг асл тақдирда бор, ҳаётининг тугал маъноси ва мазмуни ҳам эҳтимол, худди мана шундадир,— ҳа, у дилларни халос этади.

Улар Жалпок-Соз манзилига эрталаб соат ўн бирларда етиб келдилар. Бекат катта, ундан яна бошқа поездларга ўтириларди. Темир йўлнинг икки изи тонгда кўзга чалинган узоқ қорли тизма тоғлар сари

кетарди. Шунинг учун бу ерда турли томонларга борадиган йўловчилар сероб. Чопар болаларга бу ҳам кулай. Гала-говур бекатда бемалол кўзга ташланмай юрса бўлади. Ҳаммаси хамирдан қил суғургандай силлиққина ўтди. Тушлик пайти барчалари вокзалдаги ошхонага киши билмас, лекин чаққон йиғилиб келганларида, Авдий ҳайрон қолди. Авдийни ҳам қўшиб ҳисоблаганда, чўлга наша йиғиш учун борадиганлар ўн икки киши эди (унга шундай туюлди). Чопар болалар столлар атрофида битта-иккитадан бўлиб ўтиришарди. Ҳамма бир-бировининг кўз ўнгида. Лекин ҳеч ким ҳеч кимга очиқ сўз қотмайди. Улар оддий йўловчилардан асло фарқ қилмайдилар. Кўпроқ Лёнькага ўхшаган ўсмирлар ва Петрухадай бўйи чўзилиб қолган йигитчалар. Айни ёз мавсуми. Ким қаёққадир кетяпти, ким қаёққандир келяпти. Одатдагидай осиеликлар европаликлар билан аралаш-қуралаш... Тартибни сақлаш учун бу ерга милиция ходимлари дам-бадам кириб чиқаётган ва бекатнинг ўзида ҳам ҳар қадамда милиционер юрган бўлишига қарамай, чопарларнинг авзойидан ҳеч нарса билинмасди. Улар тезгина овқатланиб, ўринларини бошқа навбат пойлаб турганларга бўшатдилар. Шундан сўнг худди бир ишора бўлгандай дарҳол ҳар томонга ими-жимиди тарқалдилар. Ҳар бирининг ўзига яраша юки ҳам бор: нон, консерва ва бошқа турли-туман зарур нарсалар солинган тўрхалталар, чарм сумкалар, портфеллар. Мана шундай қилиб, нашаванд чопарлар жой-жойларига, Мўйинкум атрофидаги яйдок чўллар ичига сочилиб кетдилар.

Петруха, Авдий ва Лёнька Ўзи белгилаб бергани ва топшириғи бўйича учовлон йўлга тушдилар. Авдий Ўзини бари бир кўролмади. Лекин бутун иш Ўзи томонидан бошқариб турилганига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ эди. Улар энг олис жойга, «Учқудук» совхозининг Мўйинкумга тақалган бўлимигача Ўзи томонидан ажратилган ва Петрухага бериб қўйилган йигирма беш сўмга йўловчи машинани кира қилиб тушиб бордилар. Ҳар эҳтимолга қарши улар ўзларини уй қурувчи уста деб таништирадиган бўлдилар. Авдий — дурадгорлик қилади. Дурадгорларни бу ерларда кўзга суртишади. Аслини олганда ҳам, Авдий дурадгорлик ишларидан дурустгина хабардор эди. Отаси бу ҳунарни унга болаликдан ўргатган эди. Петруха унинг юкхалтасига уйдан олиб чиққан — ранда, болта, искана сингари асбобларни солиб қўйди. Петруха ўзини ва Лёнькани сувоқчи ва бўёқчи уста деб таништиради. Улар гўё ПТУнинг ўқувчилари, «Учқудук»қа, Мўйинкум чўлларига ёзги таътилда уй қуриб, пул ишлаш учун келишяпти. Ким ишонмайди бунга.

Кун иссиқ. Лекин очиқ юк машинасининг тепаси анча шабада, офтобнинг иссиғи унчалик билинмайди. Тўғри, чўл йўлининг мазаси йўқ, ўнқир-чўнқир, чанг-тўзон.

Машина чўнқирларга келиб, секинлаганда, филдираклар остидан кўтарилган чанг устиларига ёпирилади, йўталиб, кўзларини уқалаганлари уқалаган. Йўл оғир, аммо атроф кенг, баҳаво эди. Беихтиёр

хаёлингга шундай фикр келади: қанотим бўлсайди, учиб кетардим... «Энди мен бутунлай ишондим: ер ҳам сайёра экан,— деб ўйларди Авдий кабина тепасида туриб.— Нега одам ерга сиғмайди, доим торлик қилади, тўймайман, оч қоламан, деб қўрқади, баайни ўзига ўхшаганлар билан ҳеч чиқишолмайди. Олдиндан ҳосил қилинган фикрлар, қўрқинч, нафрат сайёрани стадион даражасида торайтириб қўйяпти. Барча томошабинларнинг умрлари ушбу стадионда гаровга қўйилган, бинобарин, ҳар икки команда ҳам ўйинда ютиб чиқиш учун ўзлари билан бирга ядро бомбаларини олиб келган, ишкибозлар эса ҳеч нарсага қарамасдан кичкириб ётибдилар: гол, гол, гол! Сайёра — мана шу. Ҳолбуки, ахир, ҳар бир инсон олдида муқаррар бир вазифа кўндаланг бўлиб турибди — одам бўлиш. Бугун, эртага, доим. Тарих шундан яралади. Ҳозир нимага кетиб боряпмиз. Қандай муҳим ҳаётий зарурат ёки эҳтиёж борки, одамлар ўзларига ҳам, бошқаларга ҳам заҳар-зақкуш ахтарадилар. Уларни бунга нима мажбур қилади? Ўз-ўзини унуттиришнинг ўша даҳшатли гирдобидан улар нима топадилар?»

* * *

Учқудук деганлари дунёнинг бир тупкасидаги гадоё топмас кўналга экан. Улар бу ерда ўзларига дарров иш топиб олдилар. Бир чўпоннинг чала ётган иморатини битириб берадиган бўлдилар. Чўпоннинг ўзи бола-чақаси билан пода ҳайдаб кетган, кўшни турадиган қариндошига тайинлаган экан, агар бултургидай уй қурадиганлар келиб қолса, иморатни биткизиб беришсин деб. Шунинг билгандай учта азамат чопар — Петруха, Авдий, Лёнька етиб келишган эди.

Улар шу ернинг ўзида томи битган чала уйда ётиб юришди. Ҳаво очик, кунлар иссиқ. Ҳовлида ўзларига ўчоқ қуриб олишди, гоҳо об-овқат қайнатиб туришди. Ростини айтиш керак, итдай ишларди. Петруха эрталаб барвақт турар, артелчи шериклари Авдий ва Лёнькани уйғотар, шу билан бир ишга тушганча қоронғу хуфтонга бориб бас қилдилар. Ҳовлида андак олов ёқиб, шунинг ёруғида овқатланар, фақат шундан кейингина Петруха хордиқ чиқариб, ундан-мундан гаплашиб ўтиришга ижозат берарди.

— Авдй, қараб турсам, бу иш сенга жуда ёқиб қолганга ўхшайди. Албатта, хўжайиндан тегишимизни оламиз. Лекин бу пул тупукка етмайди. Сарик чака! Одамларнинг кўзи учун ишлаймиз-да. Асл жойларни топиб йўлга тушайлик, ана ўшанда кўрасан. Гулиниям, ширасиниям икки қўллаб терасан. Бир кун нашапояга шўнғиб чиксанг, бир йил министрдан кўра яхшироқ яшайсан. Сен биласан-ку, а, Лёнька? Тўғрими, гапим?

— Озроқ биламан,— деб жавоб беради шу кунларда сира овози чикмай қолган Лёнька.

— Фақат кўзларингга қаранглар, болалар,— жиддий огоҳлантиради Петруха,— ҳеч кимга, на қўшниларга, на бошқаларга оғизларингдан гуллай кўрманглар. Бу ернинг одамлари яхши одамлар. Лекин ба-

рибир, ўлсанг ҳам, миқ этма. Айниқса, бошқа ёқдан битта-яримта келиб сўраса, асло сир бой берманглар. Авдий, сен айт: ўламан саттор, ҳеч нарсани кўрганим йўк, билмайман, эшитмаганман деб. Керак бўлса, ана, бошлиғимиз бор, ўша биледи, деб менга рўпара қил. Мен кичкина одамман, ҳеч нарсани билмайман де. Хўпми?

Хўп демай иложинг канча, хўпми, хўп... Лекин Авдийнинг диққатини ошираётган бу нараса эмасди. Индамай жим юришга мажбур бўлаётганидан, катта-катта пул ўмаришнинг тайғок ва жиноий йўлига кирган болаларга ўз таъсирини ўткази олмаётганидан хуноб эди. Юраги ваъз айтиш иштиёқи билан тўлиб-тошар, лекин кўнгил амрини адо этолмасди. Агарда Авдий фикр ва сўзнинг қудрати билан болаларни иккилантириб, ўйлантириб қўя олганда, қанчалар тубанликка тушганларини уларга уқтира билганда ва улар виждон сасига қулоқ тутиб, бундай номуносиб ҳаётдан батамом воз кечиш фикрига келганларида ҳам, барибир охир-оқибатда бунга уларнинг қурблари етмаган бўларди. Сабаби оддий ва осон: улар ўч олишга ҳақи бўлган бошқа одамлар билан оғир аҳд-паймон қилинганлар, бу исқанжадан ўзларини асло бўшатолмайдилар. Хиёнат йўлига кирмоқчи бўлганни эса даҳшатли қасос кутади. Шу бузук чевирикни қандай пачақлаб ташлаш мумкин? Нашавандлар ва чопарларнинг ҳаётларини ўз кўзим билан обдан кўриб, сўнг буларни газетада жиддий ёритиб бераман, одамларнинг кўзларини очаман, олижаноб мақсадлар учун хизмат қиламан, деган ҳаёлгина Авдийга андак таскин бериб турарди. Бу бир ховуч йўлдан озган ёшларни ҳалос этиш учун олиб бориладиган ахлоқий қурашнинг бошланиши бўлади, деб умид қиларди Авдий. Бу машамаларга беихтиёр аралашиб қолгани, Петруханнинг тўдасига тоқат қилиб келаётганлигининг боиси ҳам фақат шу эди.

Учқудуққа келганларининг учинчи куни арзимаган бир воқеа бўлиб ўтди. Авдий бунга унчалар ҳам эътибор бермади. Петруха эса воқеани билгач, оёғи қуйган товукдай безовталаниб қолди. Ўша куни Петруха овулдаги қўшнилари, уруш ногиронининг аравачасида совхоз марказига консерва, сигарет, канд-курс келтиргани кетган эди. Чунки эртасига сахарлаб чўлга отланадиган эдилар. Элнинг кўзига эса гўё бошқа жойга уй солгани жўнагандай бўлиб чиқардилар.

Лёнька уйнинг ичини сувокдан чиқарар, Авдий эса, сояроқ жойни танлаб омборхона учун эшик ясарди. Бирдан кўча томондан мотоциклининг патиллагани эшитилди. Авдий ўгирилиб қўлини пешанасига кўйиб қаради. Уй олдида тариллаб катта мотоцикл тўхтади. Эгаси ундан қушдай енгил сакраб тушди. Мотоциклни ёшгина аёл ҳайдаб келганлигини кўриб Авдий ҳайрон қолди. Бундай ваҳимаси зўр машинани абжағи чиққан уйдим-чукур ерларда қандай ҳайдар экан-а?! Хотин бошидан икки четида камарчалари лиқиллаб турган каскасини ечди, кўзларидан шамолҳимоя кўзойнагини олди, бошини силкиб-силкиб қўйди, сарик сочлари елкаларига сарсарак сочилди.

— Иссиғ-ей! — жилмайди у қатор оппоқ тишларини кўрсатиб.—

Вой худойим-эй, чангга ботганимни қаранг! — хушчақчақлик билан де-ди у устидан чангларини қоқаркан.— Салом!

— Яхшимисиз,— тортиниброк саломлашди Авдий. Петруханинг аҳмоқона панд-насихатлари унга ўз таъсирини кўрсатган эди. «Ким бўлди? Нега келганинги бу ерга?» — миясидан ўтди Авдийнинг.

— Хўжайин шу ердами? — сўради мотоцикл миниб келган хотин ҳамон чехрасидан табассум аримай.

— Қанақа хўжайин? — тушунмади Авдий.— Уйнинг эгасими?

— Ҳа, уйнинг эгаси.

— Ҳозир уйда йўқ шекилли. Молларини ҳайдаб кетганга ўхшайди.

— Нима, сиз уни кўрмадингизми?

— Йўқ, кўрмадим. Йўқ, кўрдим сал-пал, яқинда келиб кетган эди.

Лекин у билан гаплашганим йўқ.

— Кизик, қандай қилиб у билан гаплашмайсиз, сиз шу ерда ишля-яписи ми ўзи, унга уй соляписиз шекилли?

— Кечиринг. Мен ҳақиқатан ҳам, у билан гаплашолганим йўқ. У шошиб турган эди. Каттамиз гаплашган у билан. Каттамизнинг оти Петр. Ҳозир бу ерда йўқ. Тезда келиб қолиши керак.

— Менга бунинг алоқаси йўқ, айбга буюрманг. Ўрмонни кўрмоқ-чийдим. Ишим бор эди ўрмонда. Йўл-йўлақай кириб ўта қолай, уйда-дир девдим. Хўп, кечиринг, мен халақит бердим шекилли.

— Йўғ-ей, нима деяписиз.

Мотоциклчи хотин яна икки тасмачаси ликиллаб турган қалпоғини кийди, моторини ўт олдириди, қайрилиб кетаркан, шамолхимо я кўзойна-гидан Авдийга қия назар ташлади ва билинар-билинимас бошини қимир-латиб қўйди. Авдий эса негалигини ўзи ҳам билмай унга қўлини сил-китиб қолди. Кейин анчагача унинг хаёли шу арзимас, тасодифий во-қеа билан банд бўлди. Йўқ, унинг кўнглига шубҳа оралагани йўқ: энди ҳосил йиғиштиришга чиқай деб турганларида бу хотиннинг келиб қолишида бир гап бормикин, ишқилиб бирон нарсани сезмадимикин, деб ўйлагани йўқ, Авдий бутунлай бошқа нарса ҳақида ўйларди. Жувон орқасидан куюк тўзон кўтариб жўнаб кетгандан сўнг, Авдий худди бир умрга эслаб қолмоқчидай уни бошдан-оёқ яққол кўз ўнгига келтирди. Унинг ўртачагина, жуда хушбичим, малоҳатли қадди-бастини тасаввурида жонлантириб, бирдан дили равшан тортди ва чехраси очилди. У шундай ҳамма нарсаси ўзига ярашган хотинларни ёқтирарди. «Рост-да, ҳазили йўқ,— деди ўзига-ўзи, худди аллаким билан баҳслашаётгандай.— Хотин деган шундай бўлиши керак! Ҳа, шундай бўлиши керак хотин деган». Унинг бениҳоя нозик, нафис чехраси, порлаб турган қора кўзлари, юзини те-кис ўраб елкаларига тўлқинланиб сочилган сарғиш сочлари Авдийнинг кўз ўнгидан кетмасди. Бунинг устига кўзининг қорамтирлиги билан сочининг ок-сариклиги бир-бирини ажиб тарзда тўлдириб, чехрасига ўзгача жозиба, латофат бағишларди. Авдийга унинг ҳамма нарсаси: чап ёноғидаги билинар-билинимас чандиқ ҳам (болалик чоғларида йи-

килганининг аломатимикин), усти-боши — жинси, куртка, кўнжи қайтарилган эски этикчаси ҳам, мотоциклни қандок ҳайдаб кетиши ҳам (ахир, Авдийнинг ўзи велосипеддан бошқа нарсани минмаган эди-да) жуда-жуда ёқди... Тағин у хўжайинни сўраса, эс-хушини паққос йўқотиб қўйганлигини айтмайсизми: йўқ, кўрмадим, йўқ, кўрдим, йўқ... худди ёш боланинг ўзгинаси, нега мунчалик тили чулдираб қолмаса?

У ҳақда ўйлаган сари яна ўйлагиси келаверарди Авдий Каллистратовнинг. Ундай деса, эслайдиган тузукрок нарсанинг ўзи ҳам йўқ — қутилмаганда жувон келди, қутилмаганда жувон кетди, ана, бор гап шу. Лекин ким бўлди экан-а ўзи, қаердан келдийкин? Бирон ердан келаётгани аниқ. Лекин бунақанги аёл кимсасиз чўл-биёбонларда нима қилиб юрибди?..

Петруха мотоцикл минган ғалати хотин келиб кетганини эшитиб, бир оз эсанкиради ва тўхтовсиз минғирлаб, нима деди, нимани сўради, Авдий нима жавоб берди, деб жонга тегди. Ўртада бўлиб ўтган гапни бир неча марталаб қайта сўзлаб беришга тўғри келди.

— Бу ерда бир гап бор, бир гап бор, — шубҳаси тарқамай бошини чайқарди Петруха. — Аттанг, ўзим бўлмабман-да, дарров у жононнинг кимлигини билиб олардим. Шу дейман, Авдий, сен аклли, ўқиган боласан-ку, лекин мен буни дўндириб қўйган бўлардим. Ҳаммасини ўзидан сўраб билардим. Кимсиз, сизга нима керак, дердим. Сен бўлсанг, ош-на, ўзингни йўқотиб қўйибсан. Кўриб турибман, ҳушинг бошингдан учган. Айтган эдим-а сенга...

— Мунча хавотир оласан? — уни тинчлантиришга уринди Авдий. — Нимасига шунча ваҳима қилаверасан?

— Э, қизиқ экансан-ку, изимизга исковучлар тушиши мумкин. Ўша хотинни айғоқчи қилиб юборган бўлсалар-чи, бор, ҳаммасини кўриб кел, деб?

— Қўйсангчи, бўлмағур гапларни!

— Думингдан босиб, олиб кетсинлар-чи, унда нима деб сайраркинсан? Ё ўзига нима деб жавоб қиларкинсан ҳали? У исковучлардан ҳам багтар сўроқ қилади: терингни шилиб олади. Сўкиб юборишдан ҳам тоймайди. Сўкиш нималигини биласанми ўзинг?

— Ўзингни бос, Пётр. Бошга тушганни кўз кўради. Буни олдинроқ ўйлаш керак эди. Ана, Лёнька, ҳали кичкина бола, ким уни бу ишга тортди? Ёки ўзингни олайлик. Нечага кирдинг? Йигирмага чиқиб қолгандирсан, ҳойнаҳой? Аҳмоқсан, Ўзи-Ўзи деб бир қадам ортикча кўёлмайсан, миқ этиб оғзингни очолмайсан. Ҳали охири нима бўлади? Ундан кўра шуни ўйла.

Лекин Авдийнинг бу сўзлари нишонга тегмади. Петруханинг ғазаби қайнади.

— Онангга айт бу насиҳатларингни, Авдйяй. Лёнькага ҳам тил теккизма. Кашишларни китобларини ўқибсан, энди буларни эсингдан чиқариб ташла. Эсингдан чиқар. Ўғитларингдан бир тийинлик фойда йўқ. Сен Ўзи дединг. Унинг соясида жарақ-жарақ пул топяпмиз. Билдинг-

ми? Лёнька тирик етимча. Хеч кимга кераги йўк. Чўнтаги пулга тўлиб юрса, бировга мухтож бўлмайди. Хоҳлаганча ейди, хоҳлаганча ичади. Сенинг чўпчакларинг корин тўйдирмайди. Қачон ўйнаб-куласан бу беш кунлик дунёда? Столнинг усти ҳар турли ноз-неъматларга тўлиб турса, эстрадада жонон қизлар тинмай кулинг ўргилсан қўшиқларни айтиб ўйнаса, жигарингдан урса, қани, қачон кўрасан бундай яхши кунларни? Менинг ака-акажонларим қора терга тушиб ишлаганлари ишлаган, бир кўрсайдинг уларнинг қандай ишлаётганларини! Ишдан бошларини кўтармайди бечоралар. Мен-чи, хоҳласам, қоғоз пулга артаман! Фақат аҳмоқ одамгина пулни яхши кўрмайди, тўғрими, Лёнька?

— Тўғри,— талтайиб бош силкиди Лёнька, бунга ҳеч қандай шубҳа бўлиши мумкин эмас дегандай.

Шу тарика Авдий гапнинг учини чиқариб қўйди, холос. Вақти келса, бафуржароқ сўзлашади. Лекин ҳали пишмаган ғўрани узиш ярамайди. Авдий буни тушуниб турибди. Акс ҳолда, ким уни намага келган, пулнинг кетидан қувиб юрган бола дейди?

Эртасига тонг қоронғусида турдилар. Субҳи содиқ эндигина оқариб келяпти. Чекқароқдаги ҳовлилар ҳали уйқуда. Уч чопар томорқалардан ўтиб, овоз чиқармай чўлга чикдилар. Ҳатто итлар ҳам ҳуригани йўк. Петруханнинг гапига қараганда, борадиган жойлари узоқ эмас. У йўлни билар, ёввойи наша дуч келиши билан Авдийга кўрсатаман деб ваъда берган эди.

Кўп ўтмай Авдий ниятига етди. Нашанинг пояси пишиқ, қаттиқ, баланд шохлаб ўсаркан. Шохларининг уч томонига қараб қорамтир япроқлар ичра гуллари майда-майда бўлиб поясига ёпишиб ётади. Осиёга Европадан мана шу ўсимликни деб келган эдилар. «Худойим-эй,— деб ўйларди Авдий наша тупларига қараб,— шўрага ўхшаган кўримсизгина ўт экан. Айримлар учун унда канчадан-қанча кайф қиладиган лаззатли шира, банг бор, шуни деб бошларини ҳам тикиб юборадилар! Ер билан битта бўлиб ўсиб ётибди бу ерда!» Ҳа, наша дегани шу эди. Офтоб кўтарилиб елкаларни қиздира бошлади. Атрофда бир туп дарахт йўк. Кимсасиз, адоксиз чўл. Улар чўл ўртасида турганча ёввойи наша япроқларини бармоқларида эзиб уқалаб, унинг ёпишқоқ, ўткир, ачимсик ҳидини димоқларига тортар эдилар. Неча замонлардан бери гиёҳвандлар буни чекиб келадилар. Не-не гўзал рўёлар уйғонмаган уларнинг кўкнори хаёлларида! Авдий Ҳиндистон, Афғонистон ёки Туркиядаги Шарқ бозорларини тасаввур қилиб кўрди (улар ҳақида китобларда ўқиганди). Истамбул ёки Жайпурнинг эски шаҳар қўрғонлари тагида, бир замонлардаги машҳур саройларнинг дарвозалари атрофида тарёк, афюнни очикдан-очик сотган, очикдан-очик олган, шу ернинг ўзида такяхоналарда чўккалаб ўтириб чеккан бўлсалар керак. Кейин хумор хаёл уларни узоқларга олиб қочган, албатта — ким бу хаёлга оғушта бўлиб, ҳарамларда мислсиз гўзаллар билан кайфу сафолар сурган, ким шоҳона ясатилган филларда, гулдор шодурвонларда гавжум шаҳар кўчаларини шодиёна сайр этган, ким мерт бўлиб қолган

онгнинг зулматли қаърларида тугиладиган аламангиз ёлғизлик кучоғига шўнғиган, сўнг шу зулмат жонидан тўйдириб, ғазаб отига минган — дунёни таг-томири билан емириб, бузиб, кулини кўкка совурмоқчи бўлган ҳозирнинг ўзида, дарҳол, ёлғиз яккама-якка!.. Бир замонлар жаннатдай гуллаб-яшнаган Шарқнинг ҳалокати ва таназзулининг сабаби шунда эмасмикин? Наҳотки сувсиз чўлларда ҳар қадамда оёқнинг тағида ўсиб ётган шу нашапоёда одамнинг миясини айнитадиган фараҳбахш оғу яшириниб ётса?..

— Ох, сиз кадрдонларим! — деб ирғишларди Петруха қўлларини кенг чўлларга ёзиб кўрсатиб. — Қара, ана яна, ана, ана! Ҳаммаси ўзимизники, бизнинг нашамиз! Лекин бу ердан йиғмаймиз. Булар ҳали нима! Ҳеч нарса эмас! Сизларни шундай жойларга бошлаб борайки, анқайиб қоласиз...

Улар яна ичкарилаб кетдилар ва бир соатлардан сўнг ўрмон бўлиб ўсган нашапоёдан чиқдилар. Атроф-тумонатни одамни маст қиладиган гуркираган наша ҳиди тутганди. Чопарлар хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Улар наша барглари ва гулларини йиғишга тутиндилар. Йиғганларини қуритиш учун ёйиб қўйдилар. Петруха икки соат қуритилса етади, ортиқ керак эмас дерди. Иш қизигандан қизиб борарди... ҳаммаси жойида эди. Лекин, кутилмаганда аллақайқлардандир вертолётнинг гулдирагани эшитилди. У чўл тепасидан пастлаб учиб улар томонга қараб келарди.

— Вертолёт, вертолёт! — болаларча хурсанд бўлиб кичкира бошлади Лёнька турган жойида ирғишлаб.

Лекин Петруха ўзини йўқотиб қўймади.

— Ерга ёт, аҳмоқ! — деб кичкирди у шалок сўкинганча.

Ҳаммалари ерга биқиниб ётишди. Ўтлар орасида яширинишди. Вертолёт бир оз нарироқдан учиб ўтди. Учувчилар уларни пайқамаган бўлсалар керак. Петруха анчагача ўзига келолмади. У Лёнькани сўккани сўккан эди. Вертолёт атай бизни қидириб келган, дерди нуқул.

— Нима, — дер эди минғирлаб — тепадан ҳаммаси кўриниб туради, ҳатто сичқон ҳам кўринади. Биз аҳмоқлар эса юз чакирим наридан кўринамиз. Тепадан кўзи тушиши билан керакли жойга хабар қилади. Милиция машинада келса, қочадиган жой йўқ. Қўлингни кўтар! Ўлдинг!

Аммо сал ўтмай ҳаммаси унутилди. Ишлаш керак эди. Худди шу кунни ҳеч ақлга сиғмаган ҳодиса рўй берди. Авдий бўрилар галасига дуч келди. Воқеа бундай бўлди.

Дам олишга ўтирдилар. Овқатланиб олдилар. Шунда Петруха деди:

— Менга қара, Авдйай. Ўзимизнинг одам бўлиб қолдинг. Бизга киришиб кетдинг. Сенга бир нарса айтиб қўяй. Сенга ўхшаган янгилар учун бир одатимиз бор. Агар биринчи марта ишга тушаётган бўлсанг, Ўзига ҳадями, тортиқми, бир нарса қилишинг керак.

— Яна қанақа тортиқ? — қўлларини хайрон бўлганча ёзиб сўради Авдий.

— Э, тўхта. Мунча кўркмасанг. Сенга биров магазинга бориб кел деяптими? Магазиннинг ўзи йўқ бу ерда. Мен нима демоқчиман. Сен гугурт қутичадай бўлса ҳам, ширачини йиғ. Нашапоя ичида бирпас чопиб юрсанг, вассалом. Нима қилиш кераклигини айтаман. Ўша ширачни Ўзи билан кўришганда қўлига тутқизасан. Дўстлигимиз учун дейсан. Ақли одамсан-ку, биласан нима дейишни. Ҳаммасига — Ўзи бош, сен унинг қўл остидаги одам. Ишончини қозонишинг керак...

Авдий ўйга толди: нима кипти, чакки эмас. Нашанинг асилини — ширачини ўзига тўхфа қилсанг, йўлинг очилади, танишиб ҳам оласан. Ниҳоят, Ўзини кўришга муяссар бўласан. Бу жуда ҳам зарур эди! Ҳаммани титраб-қакшатиб ўз ҳукмида тутиб турган Ўзи билан учрашиш! «Ҳокимлик, ҳокимлик, иккита одам йиғилган жойда албатта бири ҳоким бўлади!» — ачиқ кулиб кўйди Авдий Каллистратов.

— Бўпти,— деди у,— керагича йиғиб сўнг Ўзига бераман. Қачон бериш керак? Бекатга боргандами?

— Аниғини билмайман,— тан олди Петруха.— Балки эртага берарсан.

— Эртага?

— Шундай. Вақт бўлди. Кетамиз. Етади. Эртага йигирма биринчи. Эртага соат тўртгача албатта айтилган жойда бўлишимиз керак. Йўлга тушамиз.

— Каерда?

— Каерда бўларди,— билағонликдан керилиб деди Петруха.— Борайлик. Ўшанда биласан. Уч юз ўттизинчи километрда.

Авдий бошқа сўраб ўтирмади — уч юз ўттизинчи километр Чу темир йўлидаги жой эканлигини тушунди. Ҳаммадан, Ўзи билан учрашув эртага ўша ерда бўлиши мумкин. Шунинг учун вақтни бой бермай тезроқ ширач йиғиш керак эмасми?

Бу ишнинг ўзи қийин эмас экану, лекин одамни жуда чарчатиб юбораркан. Ишнинг усули ҳам ёввойиларча. Қип-яланғоч бўлиб нашапоя ичида чопиб юриш керак. Шунда баданга наша гулларининг чанглари ёпишади. Кейин уларни аста уқалаб олинади. Ўша куни Авдий Каллистратов тоза ҳалак бўлиб югурди. Умрида бундай чопмаганди! Нашанинг шира чанги кўзга базўр чалинади. Рангини билиб бўлмайди. Лекин жуда ёпишқоқ ширачдай бўлади. У баданга ўрнашиб ёпишиб қолади. Аммо уни сидириб олиш осонмас. Кўп уриниб озгинагина ширач йиғиш мумкин. Лекин Ўзи билан кўришмаса бўлмайди. Бу мамлакатга жар соладиган, оғир дард-касалликдан огоҳ этадиган, бонг урадиган газета мақоласи учун гоёта зарур. Авдий буни жуда яхши ҳис қилади ва шунинг учун жавзонинг сўхта қилиб юборадиган офтобига қарамай у ёқдан-бу ёққа чопгани чопган.

Қалин ўсган нашапояларда чопачопи Авдий шерикларидан хийла узоклашиб кетганди. Шунда қутилмаганда, у ўзини енгил парвоз қилаётгандай, хаёли кўқларда ҳаволаётгандай сездди. Бу қачон, қандай бўлганлигини Авдий пайкамай қолди. Осмонда офтоб саховат билан нур

сочади, ҳаво иссик, аллақандай кушлар пирпираб учишади, сайрашади, айниқса, чўл тўрғайлари тинимсиз чулдирашади, капалаклар пир-пир учиб, дам қўнишади, дам кўтарилишади, анвойи хашаротлар ҳам алланечук ўз куйларини куйлашади — мисоли ер юзидаги жаннатга ўхшайди. Ана шу жаннатмаконда шимоллик оқбадан йигит Авдий наша ҳидларидан ғоятда сархуш бўлиб, худди мурвати бураб қўйилгандай у томондан-бу томонга югургани югурган. У қип-яланғоч. Бошида панамаси-ю, кўзида ойнак, оёғида кеди ва устида кичкина иштончасигина колган. У энг қуюк ўсган нашапояларни топиб ўзини улар ичига уради. Унинг атрофида гуллаб уруғ боғлаётган нашанинг чанги оқариб кўтарилади. Улар ҳаво билан Авдийнинг ичига киради, бошини айлантиради, ғувиллатади, кўзига ҳар турли рангин манзаралар кўринади. Сархуш ҳаёл тасвирларга тўлади: ана, у мотоциклда учиб боряпти. Кечаги мотоциклчи хотиннинг орқасига ўтириб олган. Одатда мотоциклнинг орқасига хотин-халаж минади. Лекин Авдий йигит бўла туриб каттакон мотоциклни ўзи эмас, аёл бошқариб бораётганидан хижолатга тушмайди. У мотоцикл ҳайдашни билмаса ва умуман, техникадан узоқ бўлса, не қилсин. Хотин билан битта мотоциклда кетишнинг ўзи маза эмасми. Аёлнинг сочлари қалпоғи остидан тўзиб чиқади, шамолда учиб, унинг юзига урилади, сирпалади, китиклайди уни худди шамолдай, лаблари, кўзларига ёпишади, томоқларини кичитади, оҳ, қандай яхши, қандай соз: гоҳида жувон орқасига ўгирилиб қарайди, унга шўх-шан кулиб қўяди, кўзлари чўғдай порлайди — о, қанийди, доим-доим шундай бўлса, узоқ-узоқ давом этса, асрларча...

Шунда бирдан унинг кўзи уч бўри боласига тушиб колди-ю, дархол хушёр тортди. Ана холос! Қайдан келиб колдингиз, азаматлар? У кўзларига ишонмасди. Учта бўри боласи думчаларини ликиллатиб унга яқинлашмоқчи, у билан ўйнашмоқчи бўлар, лекин — юраклари тўла дов бермас, анжо, қочиб кетмас ҳам эдилар. Оёқлари ўсмирларники каби узун-узун, қулоқлари дам дикқайган, дам шалпайган, тумшуклари чўзинчок, жайноқланган тамтам кўзлари одамга кулгини кистатадиган даражада ишонч билан боқади. Худди шу нарса Авдийнинг дилини китиклаб юборди-да, бошқа ҳамма нарсани унутиб, уларни ўз олдига эркалаб, авраб, кизиктириб чақира бошлади. Авдий бўричаларни яхши кўриб тамомила ийиб кетганди. Шу он кўз ўнгида гўё оқ йилдирим пайдо бўлди. Тишлари оппоқ йилтираган қанжик бўри унинг устига ўқдай отилиб келарди... Бу кутилмаганда, тез, лекин шунчалар секин ва дахшатли тарзда содир бўлдики, тиззалари ўз-ўзидан букилиб, беихтиёр чўккалаб ўтириб колгани, қўллари билан бошини тўсганини билмади. Худди шу нарса унинг ҳаётини қутқариб қолди. Лекин у бундан ҳам беҳабар эди. Бўри уч қадамча нарида эди, у бирдан шиддат билан сакраб Авдийнинг бошидан нари ошиб кетди. Авдийнинг димоғига ҳайвон ҳиди гупиллаб урилди. Шунда уларнинг кўзлари тўқнашди. Авдий бўрининг қўк олов сочган нигоҳини, мислсиз қўм-қўк ва қаҳрли кўзларини кўрди. Вужуди музлаб кетди. Бўри эса зум ўтмай

яна унинг устидан орқага сакради ва кучукчаларини тишлаб, турткилаб худди шамол янглиғ орқага суриб юборди. Йўл-йўлакай жар ичидан ёллари тикка-тикка бўлиб, баҳайбат калласини чиқариб қараган ваҳимали бўрини ҳам кўкраги билан уриб, тишлаб шитоб билан орқага қайтарди. Улар худди бўрон учириб кетгандай, бир зумда кўздан ғойиб бўлдилар...

Авдий эса оёғини қўлига олиб қочди, чўлда қанча чопганини билмайди, кўркинч бўғзидан фарёд бўлиб отиларди. Чопиб бораркан, боши чириллаб айланар, оёғи чўян осиб қўйилгандек оғирлашиб кетган, чалкашган оёқлари тагида ер чайқаларди. Йиқилсаму турмасам, ухлаб қолсам дерди. Шунда у ўкчиб-ўкчиб қуса бошлади. Ана энди ўлдим, деб ўйлади. Холи-жони қолмаган, лекин шундай бўлса ҳам, ўзини қусукдан нари олишга куч топар, яна югуришга тушар, яна ўкчиб, букчайиб-букчайиб қусгани-қусган эди. Қорнида чидаб бўлмайдиган оғриқ турди. Ичакларини худди биров тинмай тилаётгандек эди. Оғу ичидан сўлакайланиб тушаркан, азобдан етти букилган Авдий титраб-қақшаб худога ёлворарди: «Ох, худойим, бўлди, бас қил! Бошқа ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон наша йиғмайман, о, Худо, ўзинг менга раҳм қил...»

« Нихоят, кўнгли айниши тўхтади. У кийимларини ахтариб топиш учун ўрнидан турганда, олдига Петруха билан Лёнька чопиб келишди, Бўрилар ҳақидаги хикоя уларга қаттиқ таъсир қилди. Айниқса, Лёнька кўркиб кетди.

— Ўзингни тут, хей! Мунча қалтирайсан? — деб қичқирди унга Петруха. — Одамлар олтин қидирганларида нималар бўлмаган, биласанми, лекин орқаларига қайтишмаган... Сен бўлсанг, қандайдир бўрилардан кўркиб ўтирибсан. Улар алақачон қочиб кетган...

— Олтиннинг йўли бошқа-да, — деди Лёнька бир оз жимликдан сўнг.

— Нима фарқи бор? — ўдағайлади Петруха. Авдий фурсатдан фойдаланди.

— Фарқи бор, Пётр, — деди у заиф овоз билан. — Катта фарқи бор. Олтин ҳам кўп ёмонлик келтиради. Лекин у тақиқланмаган. Наша бўлса, ҳамма учун оғу. Бошимдан ўтказдим. Ўлиб қолай дедим. Бутун чўлга қусиб чиқдим...

— Бас қил, шу гапларингни! Ўрганмагансан. Озроқ заҳарлангансан. Шунга шунчами? — қўлини норози бўлиб силкиди Петруха. — Нима, сени биров мажбур қилиб олиб келдим бу ерга? Нуқул Худо дейсан. У яхши, бу ёмон деб нах урасан. Нега бизга пишанг беряпсан? Нега сувни лойқатаяпсан? Пул деса, ўзингни томдан ташлайсан. Шундан шунга пул деб келгансан. Тағинам бўри қорнингни ёриб ташламабди!

— Лойқатмоқчи эмас, тозаламоқчиман сувни, — Авдийнинг назарида янада очикроқ гапириш палласи келгандай эди. — Ўзинг ақлли боласан, Пётр. Жиноят йўлига кирганингни билмайсанми, ақлинг етмайдимми...

— Ҳа, шу йўлга кирганман! Сен-чи, сен қайси йўлга киргансан?!

— Мен кутқаришни истайман!

— Кутқариш дейди! — жаҳл билан кичкирди Петруха.— Сенми хали бизни кутқарадиган? Қандай кутқарасан, қани, айтиб бер-чи!

— Олдин — Худога тавба қиламиз. Кечиришини сўраймиз. Кейин одамларга...

Авдий уларнинг кулмаганларига ажабланди. Фақат Петруха оғзи-га бемаза нарса теккандай чиртиллатиб тупурди.

— Тавба эмиш! Гапини қаранг! — тўнғиллади у.— Э, сен тавба қил. Биз пул ишлаймиз. Бизга пул керак, билдингми. Гап тамом. Сен тавбангни қилавер! Авдйй, агар ҳазиллашаётган бўлсанг, сал кўзингга қараб ҳазиллаш! Бизни йўлдан ураётганингни Ўзи эшитса, чиққан жойингга киргазиб юборади, билиб қўй! Сенга жўрам деб айтяпман. Бизни ҳам алағда қилма. Пулдан бошқасига кизиқмаймиз. Лёнька, ўзинг айт. Сенга пул керакми, худоми?

— Пул! — жавоб берди бола.

Авдий ғиқ этмади. Гапнинг давомини бошқа пайтга қолдирди.

— Хўп, қани, гапни бас қилдик. Етар, йўлга чиқайлик,— муроасага келгандай деди Петруха.— Сен ширач қилолдингми, Авдйй?

— Йиғолмадим. Бўри хужум қилди. Қолганларини қаерга қўйганман, эсимдан чиқди. Уст-бошимни ҳам топиб келишим керак...

— Кийимларингни-ку топарсан, қаерга кетарди. Лекин ширач йиғиб улгурмайсан. Бугун кетишимиз керак. Майли нима бўлганини айт-сак, тушунар. Тушунмаса, келаси сафар йиғиб берарсан...

Наша тўлдириб солинган юкхалталарини елкага ортганча, ярим кечага довур темир йўл томонга қараб юрдилар. Юриш унча қийин эмасди. Қурилган гиёҳнинг қанча оғирлиги бўлади дейсиз. Лекин нашанинг ҳатто елим пакетлардан ҳам гуркираб турган ҳиди бошни айлантирар, кўзни уйқуга тортарди. Чопар болалар тун ўртаси ухлагани кўндилар. Йўлни тонг қоронғусида давом эттирадиган бўлдилар. Лёнька Авдий билан Петруханинг ўртасига тикилиб ётди. У бўрилардан кўрқиб қолганди. Бола-да ҳали. Бари аксинча бўлди. Йўл юрганларида уйқу босганди. Ухлагани ётганларида Авдийнинг уйқуси қочди. Лёньканинг ўртага тикилиши кўнглини ийитиб юборди. Кимнинг ҳаёлига келибди дейсиз. Кап-катта бола бўрилардан кўрқиб ўтирибди. Лекин кўрдингизми, иллатнинг кучини, ҳаёт қақидаги тасавурларнинг гўдақидан бузилганини. Боя Лёнька заррача ўйлаб ўтирмай дарҳол Худонимас, пулни яхши кўраман, деди-я. Худо бунда шартли бир нарса эди, такводор ҳаётнинг рамзи... Авдий шуларни ўйларди...

Ёз чоғларида чўл кечаларининг ўз гўзаллиги бор. Замин ва само бепоён, ундан чиқаётган сукунат ҳам чексиз. Кеча илиқ. Анвоий ўтўланларнинг ҳидлари гуркирайди. Сон-саноксиз юлдузлар, ярқирок ой одамни қаттиқ ҳаяжонга солади. Юлдузлар ва нигоҳ аро зарра губор йўқ, ҳаво шу қадар мусаффо. Одам турмуш уринишларидан чалғиган ноёб дамларда ҳаёл ўша сирли оламлар бағрига шўнғийди. Афсуски, бу узок давом этмайди...

Хаммаси ўзим ўйлаганимдек, мўлжаллаганимдек бўлди, деб фикр юритарди Авдий: чопарлар билан нашазорларга келдим, барини ўз кўзларим билан кўрдим, бошимдан ўтказдим. Энди энг мураккаб иш — поездга ўтириб жўнаш колди. Чопарлар учун энг хатарлиси — нашани олиб кетиш. Милиция уларни кўпинча Осиё станцияларида ушлайдди. Россия томонларда бу жиҳатдан анча осон. Москвага бориб олсанг ва ундан у ёғига омон-эсон етиб олсанг, марра сеники! Турмушнинг улуг заволи кичкина одамларнинг кичкина ютуғига айланиб мана шундай тантана қилади...

Авдий бу билан ҳатто хаёлида чиқишолмасди. Лекин айтайлик, жиноятнинг олдини олишгина эмас, чопарларнинг фикрини ўзгартириш, уларни бу йўлдан қайтариш, қайта тарбиялашга келганда, бунга кучи етмаслигини энди у тушунарди. Шу чўлларда ҳам қайлардадир ўралашиб, ҳамма нарсани, жумладан, Авдийни ҳам чангалида тутиб тургач, барча чопарларнинг жиловини ўз қўлига олган, ўша Ўзи деб аталадиган кимса унга буткул қарши турар ва ундан анча-мунча кудратлироқ эди. Уларнинг нашачўлга юришлари Ўзининг ҳукми ва назоратида эди. Балки ундан ҳам ортик — Ўзи микродиктатор эди. Улар орасида Авдий кароқчиларга қўшилган дайди роҳибдай жуда аянчли эди... Аммо художўй ва мутаассиб роҳиб ҳар қандай шароитда ҳам роҳиб бўлиб қолиши керак... У ҳали ҳаётнинг бу жомидан ҳам ичади...

Кундузи бўлиб ўтган таажжуб ходиса яна хаёлини банд этди. Анави узуноек тентак кучукчаларни қаранг-а. Одамни кулгили, беэён махлук деб ўйлашди чоғи. У билан жуда ўйнашгилари келди. Катта бўрининг туркини кўринг, қутуриб кетган, кўккўзлари ёнади. Роса аччиги чиққан эди. Йўқ, шукр, ҳаммаси ўтиб кетди. Нега унинг устидан икки марта сакраб ўтди? Не маъноси бор бунинг? Бир ҳамла қилганда уни поропора қилиб ташлаши мумкин эди-ку? Панамаю кичкина иштони демаса, шаҳарнинг кип-яланғоч аҳмоқ одамини нега аядийкин? Фақат ҳангомалардагина шундай бўлиши мумкин. Буни кўринг энди — бўриларнинг марҳамати — тақдирнинг марҳамати эмасми? Демак, у ҳали ҳаёт учун керак экан-да? Лекин унга томон қаҳру ғазаб билан ташланган, болалари учун кўркиб кетган кўккўз бўри қанчалар шиддатли ва қанчалар ажойиб эди. Ҳа, у ўз йўлига ҳақ эди. Лекин отасига балли-ей, унга ташланмади, гўштарини ғажимади. Ахир, Авдийнинг ҳам ҳеч қандай гуноҳи йўқ эди-да. Авдийни ўша ҳолатда анави мотоцикл минган хотин кўриб колгандами, тоза қотиб-қотиб кулармиди-ей? Авдий шуни кўз ўнгига келтириб оҳиста кулиб кўйдди. Ҳа, худди циркда масхарабозни кўргандай маза қиларди. Лекин у бирдан кўркиб кетди: кимсасиз чўлда кетаётганда мотоциклнинг мотори ўчиб қолса-я, бир ўзи, бу ёқдан бўрилар ташланса?! Шунда Авдий кўккўз бўрига мурожаат қилиб ёлвора бошлади: «Сўзларимни тингла ёй, гўзал она бўри! Сен шу ерларда яшайсан. Ўзингга қандай яхши бўлса, шундай яша, табиат қандай буюрган бўлса тирикликни шундай адо эт. Ёлғиз шуни ўтинаман сендан: агар унинг мотори ўчиб қолса, Худо ҳақи, бўриларнинг худола-

ри ҳаққи, болаларинг ҳаққи, унга тегма! Унга зиён-заҳмат еткизма! Шундай катта мотоциклни миниб кетаётган ўша гўзал хотинга ҳавасинг келса, унинг ёнгинасида, йўлнинг чеккасида бирга чопиб бор, лекин асло унга кўринма. Канот чиқаргину уч. Буддодийлар айтганларидай, балки сен, эй кўккўз бўри, уни одам киёфасидаги ўз эгачинг, деб тан оларсан? Нима, шундай бўлиши мумкин эмасми? Нима килибди сен бўри бўлсанг, у эса одам, лекин икковингиз ҳам, ахир жуда гўзалсиз, ўзингизга ярашган чиройлисиз! Сендан яшириб ўтирмайман, уни чин юракдан яхши кўриб қолишим мумкин. Лекин мен тентакман, ҳа, тентакман, яна ким ҳам бўлардим! Факат ғирт девоналаргина шундай орзу қиладилар. Мабодо, менинг нима деб ўйлаганларимни у билиб қолса, кула-кула кўзларидан ёш чиқиб кетарди! Лекин шундан хурсанд бўлса, майли, тўйиб-тўйиб кулсин...»

Чўлда тонг ёришиб кела бошлади. Петруха Авдий билан Лёнькани уйғотганда, ҳали тонг қоронғулиги кетмаганди. Уч юз ўттизинчи километрга йўл олиш керак эди. Қанча барвақт бўлса, шунча яхши. Чунки ўша ерга бошқа наша тўпловчилар ҳам йиғилиб келишлари қутиларди. Биронта юк поездини тўхташиб, унга ими-жимиди чоқиб, Жалпोक-Соз бекатига етиб олишлари керак. Сўнг бу ердан аста бошқа поездларга ўтирадилар. Умуман, чопарлар учун йўлнинг энг хатарли қисми бошланмоқда эди. Ҳаммасига Ўзи раҳбарлик қиларди чамаси. Уч юз ўттизинчи километрда ким кимни: улар — Ўзиними ё Ўзи — уларни топадимми, Петруха бунни тузукрок айтмади. Ё билмайди, ё айтишни истамайди.

Шундай қилиб, яна юкхалталарини елкаларига ортдилар-да, Петруханинг ортидан йўлга равона бўлдилар. Петруханинг хотираси, йўлни билишига Авдий қойил қолди. Қаерда жар бор, қаерда киши билмас буюк миладираб оқади, қаерда сой-ўр бор, барини олдиндан биларди. Шундай хотира, шундай қобилият ҳайф кетаётганига Авдий афсусланди. Бир кўрган ерини эсидан чиқармас экан бола!

Мен ахир дехқон боласиман-да, дерди у. Петруханинг айтишича, бу ердан икки юз қақирим нарида Мўйинкум саҳроси бор. У ерда сайғоқлар — чўл кийиклари гала-гала бўлиб юради. Идоранинг «газиги»га миниб юрадиган уздабурон одамлар ҳатто Оренбург томонлардан овга келишади. Келгандаям яна қандоқ! Бу ёқда тирик кабоблар истаганча чопиб юрибди. Ичкилик эса ўзларида етарли. Ана, шохона ов! Лекин хатарли жойи ҳам бор. Машина бузилиб қолса. Ана унда кўринг хангомани. Овчилар саҳрода сув кидириб, адашиб, ташналикдан ўлиб кетган пайтлар бўлган. Қиш пайтлари эса бўронларга чидолмаганлар. Кейин факат суяқлари топилган. Битта овчи жинни бўлиб қолган экан. Уни вертолётда кидиришган. Вертолёт уни қутқараман деса, у вертолётдан қочармиш. Беркиниб олармиш. Орқасидан кува-кува алоҳа етиб қутқариб олишибди. У бўлса, гапиришни ҳам эсидан чиқариб юборган экан. Хотини ҳам орада бошқага тегиб кетибди. Вой ифлос-эй! Уларнинг ҳаммаси шунақа! Мен уйланмайман. Шаҳарда биттаси бор. Жуда

кетворган. Озгина пул ташлаб кўйсанг, тамом, жонингни киргизади. Сўз ҳам берган — бола бўлмайти деб! Зўр мото ҳам олиб кўйибман, чехларники, спортчилар минадиганидан. Саройда қантариб кўйганман. Хоҳласам, «Жигули» ҳам оламан. Чўт эмас. Лекин ҳаммаси «Волга» дан ўтаверсин. Ҳозир «Мерседес»га ўхшагани чиққан. Ушандан олсангда, олганга яраша. Кўлга туширса бўлармикин-а, шунақасини? Кассета жойлаб кўйсанг. Ястаниб эшитиб ётсанг ичида. Ашула дегани ҳам мундоқ жигарларингни эзиб турса-да. Ҳаммасига таниш керак, ҳаммасига пул керак, чўзис керак ҳаммасига. «Волга»ни миниб қайдасан Воркута деб жўнасанг. Кўриб кўй аканг қарағайлар деб. Ҳе-хе, ичиқора кеннайилар ёрилиб ўлади. Юкхонада шишалар лиқ тўла. Асл тоза ичимликлар. Кўпи четники. Ўзимизники ҳам бор. Ўзи шундан яхшиси йўқ. Мингани эса «Волга», ана холос... Шунинг учун, азиз жўраларим, нашанинг кетидан қувиб юрибман-да. Сизлар ҳам бир нарсалик бўлиб қолинглар деб жон куйдирияпман-да... Давринг келди — сур бегим, давринг кетди — тур бегим...

Петруханинг маза-матрасиз, гўл алжирашларини эшитиб, Авдийни яна хаёли олиб қочди. Инсон боласи бойиш васвасасида ялпи тус олган тақлидчиликка тақлид қилиш ва манманлик ўртасида овора-сарсон бўлиб юради. Мана шу уч нарса — оммавий онгнинг уч наҳанг балиғи. Ҳамма ерда ва ҳамма замонларда одми одамларнинг ҳаётлари шулар заминиде барқарор туради. Барча катта-кичик кулфатлар улардан ҳосил бўлади. Уларга ин қуради. Эътиқодлар ва қарашларнинг қашшоқлиги, ночорлиги ҳам улардан. Одми одамларнинг тенгсиз қудратга эга бўлган бу мафқурасини енгадиган кучни ер юзиде топиш мушкул. Дин ҳам бундан мустасно эмас. Ичи бўш ва ҳавол бўлса-де, ҳеч қачон нурамас бу қояга рухнинг қанчалан-қанча парвозлари ўзини уриб парча-парча бўлиб кетмаган дейсиз... Унинг чопарларга қўшилиб бораётгани ҳам ўшандан далолат — рух ночор, лекин ҳоримас... Пешанада бор эканда. Ёзмиш... У йўл бўйи Ўзи билан учрашувга ҳозирланиб борди — жангга тайёр туриш керак эди.

Уч юз ўттизинчи километрга улар вақтидан икки соат бурун етиб келдилар. Соат учда улар шу ерда эдилар. Темир йўл бўйлаб кетган жарликка яқинлашарканлар, Петруха юкхалталарни мен кўрсатган ерга қўйинглар, ўтиб турган поездларга қорангларни кўрсатманглар, бошларингни кўтарманглар, нима гап бўлса, ҳаммасини ўзим айтаман, деб тайинлади.

Ўлгудай чарчашган экан. Осонми бир кунда шунча йўлни босиш! Жар тагидаги маврак ва чалов аралаш ўсган бахмалдай майсага чўзилиш қанчалар роҳат. Узокдан поездларнинг гулдираб яқинлаб келишларини эшитиб ётиш алақандай фароғат бағишлади. Узок-узокларга чўзилган зил вагонлар остиде темир излар зинғиллаб ва-зувиллаб кетар, кейин оғир чўян филдиракларнинг қалдир-қалдир, қалдир-қалдир ўтгани эшитилар, сўнг темир ва мой хиди анқирди. Бу шовқин кейин яна анчагача олис-олислардан қулоққа чалиниб турар, сўнг аста-секин олам

океанини қуршаган жимжитликка сингиб кетарди... Шамолдай елиб бири — у томонга, бошқаси — бу томонга пассажир поездлар ўтарди. Авдийнинг юраги орзиқиб кетди. У болаликдан пассажир поездларни, вагон ойналарида лип-лип ўтиб бораётган одамларнинг башараларини томоша қилишни яхши кўрарди. Ҳой бахтиёр одамлар, мени ҳам ола кетинглар ўзларинг билан! Лекин ҳозир шу ўткинчи хавасдан ҳам маҳрум. Бута панасида бошини чиқармай ётишга тўғри келади. Лекин энг чатоғи — шу ерда юк поездини қароқчиларга тўхтатишда иштирок этади. Тўғри, ҳеч ким составни таламоқчи эмас. Поезд тўхтаса, чопарлар унга липпа-липпа сакраб чиқиб оладилар. У ёғи ўз йўли билан кетаверади. Уёғига юк вагонларда пусиб боришади...

Поездлар у ёқдан-бу ёққа тинмай ўтарди. Кейин узоқ жимлик чўқди. Авдийнинг энди кўзи илинган экан, бирдан ҳуштак овози келди. Петруха қулоғини динг қилди, сўнг ўзи ҳам ҳуштак чалди. Унга яна бир ҳуштак чалиб жавоб қилишди.

— Ҳўп, сизлар бемалол кутиб туринглар,— деди Петруха,— мен борайчи, чакиришяпти. Менсиз кимир этманглар, эшитяпсанми, Авдий, эшитдингми, Лёнька? Юк поездини тўхтатиш осон иш эмас. Каллани ишлатиш керак, каллани.

У шуларни айтиб ғойиб бўлди. Ярим соатлардан сўнг қайтиб келди. Андак шахди сустроқ эди. Чехраси қандайдир ўзгарган, кўзлари ўғринча аланг-жаланг қилар, одамнинг юзига тик қарашдан ўзини олиб қочарди. Авдий бундай пайтларда гумонсираб ўтиришни ёқтирмас, ноҳуш ўйларни ўзидан нари қуварди. Ўз эркига қўйиб берсанг, хаёлга нима-лар келмайди. Балки кишининг қорни оғриётгандир... Шунинг учун хотиржам ўсмоқчилади:

— Ҳўш, Пётр, ишларимиз қалай?

— Ёмон эмас, тузук. Яна озроқ кутамиз.

— Поезд тўхтатамизми?

— Албатта. Юк поезди бизга қулай. Поезд бекатга кечаси борса ва қўшимча йўлда турса, ундан ҳам яхши.

— Шундай де.

Улар жим қолдилар. Петруха сигарет тутатди. Тутунини ичига чуқур тортаркан, гўё ҳеч нарса билмагандай деди:

— Бир жўрамизнинг оёғи лат ебди. Оти Гришан. Бориб кўриб келдим. Иши юришмабди. Чўлокланиб қанча йиғиб бўларди. Таёкка таяниб юрибди. Албатта, одамга алам қилади. Балки, ҳаммамиз оз-оздан унга йиғиб берсақмикин. Ўн киши эканмиз. Жиндак-жиндак наша берсақ бечоранинг кўнгли кўтарилади.

— Майли,— деди Авдий.— Лёнька ухляяпти. Лекин у ҳам қизган-чиқ эмас.

— Э, Лёнька ўзимизнинг хотамтой-ку! Авдй, сен бориб Гришан билан гаплашиб келсанг, бўларди. Нима қилди, нима бўлди, деб ҳолаҳвол сўрасанг, сал ёзилармиди чўлоқ шўрлик...

— Ўзи қаерда, ўша ердамикин? — эҳтиётсизлик қилиб сўради Авдий.

— Э, сени нима жин урган ўзи? Оғзингдан Ўзи, Ўзи тушмайди,— жаҳли чикди Петруханинг.— Мен қаердан билай? Сенга Гришанни айтсам, яна Ўзими дейсан. Керак бўлса Ўзи бизни топиб олади. Бўлма-са хап ўтир. Бурнингни сукма. Нега хадеб суриштираверасан?

— Бўлди, бўлди. Сўрадим қўйдим-да. Тинчлан. Гришан қаерда? Кайси томонда?

— Хув ана, ўша ёкка бор — хув ана, сояда, бута тагида ўтирибди. Бор, бор.

Авдий ўша томонга юрди ва кўп ўтмай Гришанга кўзи тушди. У ўт-ўланлар орасида мўъжазгина курсичада қўлида таёкча уйнаб ўтирарди. Кепкасини манглайига бостириб кийган. Сезгир одам бўлса керак, Авдий ҳали яқинлашмай туриб, ўгирилиб қаради ва кафтига йўталиб қўйди. Ундан нарироқда яна икки киши ўтиришарди. Ҳаммаси бўлиб уч киши. Шунда Авдий тушунди: Ўзи мана шу одам... Кадами тайсаллаган Авдий баданига совуқ ўрмалаганлигини ҳис қилди. Юраги гурсиллаб тез-тез уриб кетди...

27

137

138

139

140

141

142

143

144

ИККИНЧИ ҚИСМ

I

— Ярадорга саломлар,— деди Авдий иложи борича одмигина килиб, шу билан у қаттиқ дуқирлаб ураётган юрагини босмоқчи эди.

Худди балиқчиларникидай мўъжазгина йиғма курсичада таёк ўйиб ўтирган Гришан бир кўзини қисиб қаради.

— Салом-ку, салом, лекин кимдан экан бу салом?

Авдий беихтиёр кулиб қўйди.

— Аввало сенинг соғ-саломатлигинг керак одамдан-да, бу саломлар.

— Э шундайми! Ғоят миннатдорман, ҳаддан ташқари миннатдорман, яхши бошланган ишнинг охири ҳам ёмон бўлмайди. Кимсасиз чўлда кўнгил сўраганнинг йўриғи ҳам бошқа. Нимасини айтасан! Ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз-да, тўғрими?

«Гапга чечан экан, бунинг устига кўп китоб ўқиган бўлса, иш чаток. Бунақасини сира кутмаган эдим, ўлай агар. Оҳанжама қилади, ўзини маҳмадона килиб кўрсатяпти,— деб ўйлади Авдий.— Нима сабабдан? Ёки Ўзининг найрангимикин бу?» Авдий Гришаннинг чеҳрасига қараб, эса қоладиган ҳеч нарсаси йўқ экан, деб қўйди ичида. Ташқаридан у ғоятда жўн одамга ўхшаб кўринарди: бўйи ўртачада, баландроқ, сочлари бирмунча кўнғир уст-боши ҳам ёшига монанд, кўзга унчалик ташланиб турмайди, жинси шим, ёқаси «молния»ли эскигина кўйлак, бошида чўнтакка ҳам сиғиб кетаверадиган кўримсизгина шапка. Агар Гришан чўлоқланмаса ва шу туфайли кўлида йўғон ғўдир таёк кўтариб юрмасайди, уни одамлар орасидан ажратиб олиш қийин бўларди. Кўпроқ тикилиб қараган киши балки Гришаннинг кўзларини эслаб қолса ажабмасди. Жайноқланган қўйкўзларининг маъноси тўхтовсиз суратда ўзгариб турар, эҳтимол ўзи ҳам сезмаган ҳолда у тинмай кўзларини қисар, ўғринча қия қарар, рангини билиб бўлмайдиган кошларини учирар, худди бурчакка қисиб қўйилган, ташланиб, човут солиб, тишламоқчи бўлаётган, лекин журъати етмаётган ва шунга қарамасдан бари бир юрак ютиб, ириллаётган, пўписа қилаётган ваҳший жондорга ўхшарди. Эҳтимол гапирганда баралла кўзга ташланадиган синган тепа курак тиши туфайли шундай таассурот туғилса ҳам ажабмас. «Тилла тиш қўйдириб олиши ҳам мумкин эди, лекин негадир буни хоҳлама-

ган,— деб ўйлади ўзича Авдий.— Балки ортикча кўзга ташланиб туришни истамас».

— Оёққа нима қилди? Қайрилиб кетдимиз? Қарамай кадам қўйгандирсан-да? — одоб юзасидан сўради Авдий.

Гришан бошини ноаниқ чайқаб қўйди.

— Ха, жиндай лат еди шекилли. Кўзимга қарамаганман, тўғри айтдинг, Авдий, исминг шундай шекилли, а?

— Ха, исмим Авдий.

— Инжилдан олинганми дейман. Хўп исмлар бўлади-да, а,— сўзларни атай чўзиб, тамшангандай ямланиб фикрларди Гришан.— Авдий — черковнинг иси келиб турадиган исм,— ўйчанлик билан деди у.— Қаранг-а, одамлар бир пайтлар худони дилларига туғиб яшашган. Рус ўлкасидаги Пречистенскийлар, Боголеповлар, Благовестовлар мана шундан чиқишган-да. Сенинг фамилиянг ҳам исмингга яраша бўлса керак дейман, а, Авдий?

— Каллистратов.

— Ана кўрдингми, ҳаммаси тўғри келяпти... Менинг номим эса жуда жўн, қора ишчининг номи — Гришан. Лекин гап бунда эмас. Шундай қилиб десанг, сен ҳақсан, Авдий Каллистратов, оёғимга қарамаганман. Бундан кўрқинчли бир хулоса чиқади: одам агар гирт аҳмоқ бўлмаса, албатта оёғининг тағига қараб юрсин. Бош ақлсиз бўлса оёққа жабр, дегани ҳам мана шу ҳақда айтилган. Кўриб турибсан, оксоқланиб қолдим. Шу десанг, бемаза ишлар.

— Оқибати ҳам анча билингандир? — сўради Авдий Петруха айтган гапга шама қилиб.

— Гушунмадим,— сергак тортиди Гришан.

— Шу бемазагарчилик туфайли ишинг ҳам яхши юришмагандир, демокчиман, холос? — очикроқ шама қилди Авдий.

— Ана бу бошқа гап! — Гришан шу заҳоти майнавозчиликни йиғиштириб дарҳол тўнани ўзгартирди.— Ишни назарда тутаётган бўлсанг, гапларинг ҳақ. Лекин ҳозир бунинг аҳамияти йўқ, мени бошқа нарса ташвишлантиряпти. Ўзинг ҳам сезаётгандирсан, акс ҳолда менга нимага керак, сен билан али-бали деб шакаргуфторлик қилиб ўтиришинг... Гапнинг қисқаси, мени ўзларига оксоқолдай кўришади, ҳарбийчасига айтганда старшина, шунинг учун мен одамларимни сақлаб фронт чизиғидан омон-эсон ўтиб олишим керак, менга ҳаммадан зарури шу.

— Унда менинг ёрдамим керак бўлса, бажонидил. Умуман, бир гаплашиб олсак, ёмон бўлмасди,— таклиф қилди Авдий.— Менинг ҳам шу одамлар тўғрисида айтадиган гапларим бор...

— Фикримиз бир жойдан чикканини кўр, гаплар бўлса, бўпти, отамлашамиз,— рози бўлди Гришан.— Ўзим ҳам худди шуни мўлжаллаган эдим. Мисол учун десанг, мана, битта масала бор, лекин орамизда қолсин,— муғамбирларча шама қилди у, кейин бир чеккада гапга қўшилмай ўтирган икки чопарга буюрди: — Сизлар бекор ўтирмай болинглар, тайёргарлик кўринглар!

Чопарлар олдиндан келишиб кўйишгандек айтилган юмушни адо этгани чурк этмай кетишди. Гришан топшириқ бергач, соатига қаради.

— Бир соатлардан сўнг поездга чиқиш операциясини бошлаймиз. Кўрасан, бизнинг қандай ишлашимизни,— деди у Авдийга писанда билан.— Биз интизомга қаттиқ риоя қиламиз. Худди десант ташлагандай. Биз чиндан ҳам ватаннинг энг фидойи десантчиларимиз. Катта ҳарфлар билан ёзиладиган. Сен ҳам буюрилган ишни бажар. Бу ерда «ундоғ эди», «мундоғ эди» деган гаплар кетмайди. Ҳаммамиз жон куйдириб ҳаракат қилсак, кечкурун Жалпоқ-Созга етиб оламиз.

Гришан маъноли сукут қилди. Кейин Авдийга бадхоҳ назар ташлади-да, синган тишини кўрсатиб иршайди:

— Энг муҳим гап бошқа ёқда. Бу ерга нега келганинг тўғрисида... Сен ҳовлиқма, шошилма. Нима десамикин, жиноятчилар ичига бошинг оғиб тушиб қолибсан, ҳали яна бу ҳақда гаплашамиз, ҳозирча сен — чопарсан, ичимизга кириб олдинг, кўп нарсалар энди сенга маълум. Ранг-рўйингга қарасам, унчалар тентакка ҳам ўхшамайсан. Лекин бу тузоққа ўз ихтиёринг билан тушдинг. Ҳамон шундай экан, барака топ, шунча ишонч билдирдикми, сен ҳам ишончимизни оқла.

— Бу билан нима демоқчисан?

— Назаримда, ўзинг сезиб турган бўлсанг керак...

— Сезиш бошқа, очиғини билган бошқа.

Улар ўтиб кетаётган составнинг шовқини тинишини кутиб жим бўлиб қолдилар. Ҳар икковлари ҳам бўлажак муқаррар жангга ҳозирлик кўрардилар. Одамларнинг муомалалари қанчалар ғалати бўлади-я, деб ҳаёлидан ўтказди ўша онда Авдий: мана шу овлоқ чўлда ҳамма тенг, ҳамманинг имконияти баробардай, иш ўнгидан келмаса, ҳаммаси қўлга тушади — қонун олдида тенг жавоб беради, омад чопса, ҳамма бирдай манфаатдор бўлади, лекин ҳатто мана шу ерга ҳам одамлар ўз қонлари янглиғ қонунларини судраб келганлар ва Гришан улар устидан ҳоким бўлиб олган, бу ерда унинг ҳукми ўтади.

— Демак, сен очиқчасига гаплашмоқчи экансан-да,— деб ўртадаги жимликни бузди Гришан.— Бўпти унда,— дудмал қилиб чўзди у, сўнг худди сергак тортгандай муғамбирлик билан кўшиб кўйди: — Менга қара, сенга бўрилар ҳужум қилганмиш, ростми шу?

— Ҳа, шундан бўлди,— деб тасдиқлади Авдий.

— Сенга бир неча саволим бор. Уларга жавоб беришинг учун қисмат сени тирик қолдирганга ўхшайди, шундай эмасми, Авдий Каллистратов? — кемтик тишини кўрсатиб иршайди Гришан.

— Балки шундайдир.

— Унда гапни айлантирма. Менга ҳозир шу тобда шу ернинг ўзида жавоб берасан. Нега менинг йигитларимни йўлдан уряпсан?

— Битта тузатиш киритайлик,— унинг сўзини бўлди Авдий.

— Нима дейсан? Қонунга яна нима тузатиш киритмоқчисан?

— Мен уларни тўғри йўлга солмоқчиман, шунинг учун бу ерда «йўлдан уриш» деган гап кетмайди.

— Йиғиштир, бу маҳмаданагарчиликни, ўртоқ Каллистратов. Тўғри йўлми, нотўғрими, бу ҳақда ҳар кимнинг ўз тушунчаси бор. Сен ҳазил-мазакни кўй. Гапни айлантириб ўтирадиган жой эмас. Сен ўзи бу қилиқларинг билан нималарга эришмоқчисан, ҳазрат отахоним?

— Нима, ўзига фойда кўзлаб юргандир, деб ўйлаяпсанми?

— Бунга шубҳам йўқ. Бўлмаса, нима? — кўлларини кенг ёзди Гришан ва худди топдимми дегандай масхарамуз тиржайди.

— Ҳеч нарсани кўзлаган эмасман, ҳеч нарса керак эмас, — кескин жавоб берди Авдий.

— Жуда соз! — хурсанд бўлиб кичқирди Гришан.— Айни муддао! Ҳаммаси тўғри келяпти. Сен ғирт ғирфтор телбалардан экансан-ку, анови.

— Бас қил! Биламан, сенинг нима демоқчи эканлигингни!

— Бундан чикди, Мўйинқумга наша йиғиш баҳонасида келган, суркалиб, ичимизга кириб олганингга сабаб мўмайгина пул топиш эмас, шундайми, ахир сен пулнимас Исони яхши кўрасан-ку, тўғрими? Бунинг сабаби сени семинариядан ҳайдаганларидан кейин бошингни қарерга уришни билмай қолганингда ҳам, ишинг ҳамма жойда чакки кетганида ҳам эмас, топдимми? Э, мен ўша хашишларнинг ўрнида бўлганимда сени илло-биллога кўймай тепиб-тепиб жўнатардим — бу аҳволда сени бошига урадим улар. Хашишлар алмисокдан қолган эски ўйинларни ёктиришади. Сен бўлсанг, эсингни еб кўйганингдан ҳаммасига жиддий қарайсан...

— Ҳа, жиддий. Сен ҳам менга жиддий қара,— деди Авдий.

— Бўлмаса-чи! Мени тушунмайди деб ўйлаяпсанми? Мен ҳаммасини кўриб турибман. Авра-астаринггача кўриб-билиб турибман кимлигингни. Сен — девонасан, жиннилигингдан шу кўйларга тушиб юрибсан. Аксинча бу ерларда сенга пишириб кўйибдимми? Наша йиғиб, ман қилинган оғуни пуллаб, кун кечириб юрган биз тубан бечораларни кўзимизни очиб кўйгани, разолат чоҳидан халос этгани келгансан. Ҳиди уч қақирим наридан туриб одамнинг кўнглини айнитадиган сийқаси, чиқиб кетган панд-насихатларни таркатаман дегансан, халоскор бўламан деб кўнглингга туккансан. Уларни ёмон йўлдан қайтараман, деб ўйлагансан. Бизнинг ўзгаришимиз, тавба-тазарру қилишимиз, ҳамма қандай бўлса, худди шундай бўлишимизни истагансан. Ахир, сен ялпи онг андозаларини ғоятда кадрлайсан-ку, шундай эмасми? Мана, Ғарб ҳам бизда ҳамма бир андозада фикрлайди деб даъво қилади.— Гришан кутилмаганда йиғма курсичасидан дик этиб туриб кетдики, унга қарган одам сира оёғи лат еган демасди, у Авдийга яқинлашиб, қизариб кетган башарасини унинг юзига тақади.— Ҳой, сен халоскор-вакил, сенга қарши қандай куч турганини ўзинг биласанми, йўқми?

— Биламан. Шунинг учун ҳам бу ерга келдим. Яна огоҳлантириб кўяй: мен орқага қайтмайман. Сизларни деб, шу йўлга кирдим. Энди пешонамда борини кўраман. Сен бунга ҳайрон бўлиб ўтирма.

— Э, ҳали бизни деганмисан! — Гришаннинг афти буришиб кет-

ди.— Кўнглингни тўк тут хайрон бўлиб ўтирмайман. Инсониятнинг халоскори ҳам эсини еб қўйиб чормих қилинган эди, бунинг нимасига хайрон бўламан... Кўллари хочга михланган, боши кўксига осилган башараси азобдан тиришган — кўринглар-у, йиғланглар-у, тавоб қилинлар-у охиратгача, ол-а! Баъзи акли бошидан ошиб-тошиб кетганлар неча замонлардан бери бизни қутқармоқчи бўлиб юришади, ўзларига шуни касб қилиб олишган! Охири нима бўлди? Бу дунёда ким қутулди-ю, нималар қутулди? Қани, жавоб бер! Ғулқофга қадар қандай бўлса, ҳамон ўшандай. Одам боласи ўша-ўша. Ўшандан бери одамнинг ҳеч нарсаи ўзгармади. Биз бўлсак, ҳали-ҳанузгача кутамиз, кўзларимиз тўрт бўлиб, қани, ким келиб биз гуноҳкорларни халос этаркин деб. Шу ишга сен, Каллистратов етмай турган эдинг. Лекин мана, сен ҳам юзингни кўрсатдинг. Хайтовур моғорлаб қолмаган экансан! — истехзо билан лабини бурди Гришан.— Марҳабо, эй, навжувон Христос!

— Мен ҳақимда оғзингга сикқанича гапираверишинг мумкин, лекин Исо номига шак келтирма! — танбеҳ берди Авдий.— Бу қандай келиб қолди деб ажабланысан, жаҳлинг чикяпти. Ваҳоланки, ҳеч хайрон бўладиган жойи йўқ. Пешонага сен билан учрашиш ёзилган эди. Бундоқ танангга ўйлаб кўр! Наҳотки сен буни тушунмасанг! Мен бўлмасам, бошқа биров сен билан албатта тўқнашиши керак эди. Мен эсам сен билан учрашишни ҳисоблаб чиққанман...

— Эҳтимол, сен мени ҳам ҳисоблагандирсан?

— Ҳа, сени ҳам. Бизнинг бир-биримизга дуч келмоғимиз муқаррар эди. Мана, мен етиб келдим. Сен ўйлаганча, моғорлаб қолмаган эканман.

— Фаросатингга балли, ўғлон. Биз бир-биримизсиз кун кўролмаймиз. Бунинг ўзига яраша бемаза бир қонуният бўлса ҳам керак. Лекин ўпқангни бос, халоскор Каллистратов. Сенинг ақиданг билан амалда ҳеч нарсага эришиб бўлмайди. Лекин қизиқ йигит экансан. Шундай бўлса ҳам, бас қилайлик, бу маҳмаданагарчиликни. Бўлди, кимлигинг менга равшан! Ҳамон гап айланиб шунга келган экан, сенга битта яхши маслаҳат берай, бор, йўлингдан қолма, Каллистратов, ҳаммадан бурун ўз жонингни қутқар, сенга ҳозир ҳеч ким қўл теккизмайди. Чўлдан йиққан нарсаларингни эса хоҳласанг, бошқаларга бўлиб бер, ё ёқиб юбор, ё шамолга соч,— бу сенинг ихтиёринг. Лекин ўнг қулоғинг билан ҳам, чап қулоғинг билан ҳам, яхшилаб эшитиб ол: бошқа ҳеч қачон бизга яқин йўлама! — Шундай деб Гришан таёғини тошга маънодор тўқиллатиб урди.

— Аммо мен сенинг бу маслаҳатингга юролмайман. Бу менга тўғри келмайди.

— Менга қара, ҳей, сен кип-қизил жинни экансан-ку! Нима сенга ҳалақит беради?

— Мен Худо олдида ҳам, ўз олдимда ҳам, сизлар учун жавобгарман... Балки, сен буни тушунмасанг ҳам керак...

— Йўқ-йўқ! Нега энди? — деб овозини кўтариб қичқирди Гришан

газабдан туси оқарган ҳолда.— Мен, ҳар қалай, театр кишилари хонадонида ўсганман. Менга ишон, нима ўйин қилмоқчи бўлаётганингга ақлим етиб турибди, тушунаман. Лекин сен ўйинга ҳаддан ортик берилиб кетмадингмикин. Ахир, ҳар қандай, ҳатто энг буюқдан буюқ ўйиндан сўнг ҳам парда туширилади-ку. Мана ҳозир, ўртоқ Каллистратов, парда бирдан-бир томошабин иштирокида ёпилади. Кўзингга қара, бола. Сени деб, ортикча гуноҳга ботиб юрмай тагин. Вақт борида этагингни йиғиштир.

— Гуноҳ дейсан. Билиб турибман, нима демокчи бўлаётганингни. Лекин мен учун қабоҳатни кўра билан туриб, ундан юз ўгириб кетишдан ортик журму гуноҳ йўқ. Мени йўлдан кайтараман деб овора бўлма. Айтайлик, ўша кичкинтой Лёнька, Петруха, сенга жиловини бериб қўйган болаларнинг ҳоли нима кечади, мен бунга бефарқ қараб туролмайман. Шу жумладан, сенга ҳам.

— Тасанно! — унинг гапини кесди Гришан.— Бизнинг ҳаётимизга аралашшига нима ҳақкинг бор? Қандай яшаш ҳар кимнинг ўз ихтиёри. Умрим бино бўлиб, сени ҳозир кўриб туришим. Сен кимсанки, мен ва бошқалар ҳақида қайғурасан, худди сенга осмондан муборак ваҳий тушгандай. Суф, сенга! Жонингга жабр қилма. Жинни бўлсанг, ўзингга. Худо хайрингни берсин, жўна бу ердан. Сенсиз ҳам бир кунимизни кўрармиз. Тушундингми?!

— Йўқ, мен бундай қилолмайман! Осмондан ваҳий келганми деясан. Менга ҳеч қандай ваҳий ё ҳабар келмаган. Адолат ва бурч туйғуси мен ана шуларга вакил қилинганман, буларни ҳисобга олиш-олмаслик сенинг ишинг, аммо мен қандай бўлмасин, уларни адо этажакман. Мана, ҳозир ўз тақдиримни ўзим ҳал этаман дединг. Эшитган қулоққа чиройли бу гап. Бироқ бир-бирига дахлсиз тақдир йўқ. Туғилиш ва ўлишдан бошқа тақдирни тақдирдан ажратадиган чизик йўқ. Туғилмоқ ва ўлмоқ ораллиғида эса биз худди эшилган иплардай бир-бировимизга қўшилиб кетамиз. Гришан, ахир, сен ва сенга тобе анови одамлар ўз фойдаларингизни кўзлаб, бошқаларга мана шу чўллардан наша билан биргаликда бахтсизлик ва кулфат олиб борасизлар-ку. Одамларни кайф васвасасига соласизлар, тузоқларингизга илентирасизлар, уларни қайгу-алам ва тубанлик чоҳига ташлайсизлар.

— Сен нега бизга қозилик қиялсан? Биз нима қилиш, қандай яшашни сендан ўрганишимиз керакми?

— Мен қози эмасман. Сизларга ўхшаган бир одамман, фақат...

— Нима фақат?

— Фақат мен ҳаммамизнинг тепамизда диёнат ҳамда раҳм-шафқатнинг энг олий ҳаками Худо борлигига ишонаман.

— Яна Худо! Хўш, бу билан яна нима демокчисан?

— Худонинг марҳамати бизнинг иродамиз орқали намоен бўлади. У бизда яшайди, онгимиз орқали бизга таъсир этади.

— Менга қара, қўй, бу сердахмаза гапларни. Хўп, боринги, нима бўпти? Бизга бунинг нима дахли бор?

— Нега дахли бўлмас экан! Ақл-идрокнинг қудрати билан инсон ўзига ўзи худди Худо каби таъсир этади. Ахир ёмонликни чин дилдан тан олиш нима дегани? Менимча, бу ёвузликни Худо даражасида туриб қаргашдир. Инсон ўз моҳиятига янгича қарашни ўзи белгилайди.

— Сенинг бу қарашинг омманинг онгидан нимаси билан фарқ қилади? Биз тўдага ўхшашни истамаймиз ва ундан ўзимизни олиб қочамиз. Сизлар бизга тенг бўлмайсизлар, биз ўзимиз алоҳидамиз.

— Хато. Эркинлик қонундан қўрқмагандагина ҳақиқий эркинлик бўлади, акс ҳолда, у саробдир. Сенинг эркинлигинг мудом қўркув ичида, қонуний жазони кутиб яшайди...

— Хўп, нима бўпти шунга? Сенга бунинг қандай оғирлиги тушяпти? Сен эмас, ўзимиз танлаганмиз бу йўлни.

— Тўғри, ўзинг танлагансан. Лекин бу йўлга сендан бошқалар ҳам кирган. Тушунсанг-чи, ахир, бу охири берк кўчадан чиқиб кетиш мумкин. Мана шу ернинг ўзида, чўлда, очик осмон тагида тавба-тазарру қилинглр, бу ишдан бутунлай воз кечаман деб, ўзларингизга сўз беринглр, хуфя савдонинг файдасидан, ярамас одамлардан юз ўгириинглр, ўзингиз билан, Худо номини атанган ва ҳаммамизни воҳид онг воситасида бирлаштирган зоти шариф билан мурасага келинглр...

— Хўп, кейин нима бўлади?

— Кейин сиз яна инсон деган номга мушарраф бўласиз.

— Жуда чиройли бўлиб кетди-ку! Яна бунчалар осонлигини қаран! — Гришан таёғини ўйнаб ўтираркан, ковоғини солди, тепалик ортида ўтиб бораётган яна бир юк составининг шовкини босилишини кутди, сўнг бирдан тушган сукунат ичида, тили ҳаддан ташқари ешилиб кетган Авдийга тешиб юборғудай масхараомуз тикилиб туриб, деди: — Энди гап бундок, муҳтарам Авдий, сенинг гапларингни камоли диққат билан эшитдим. Хурсанд бўлмай қўя қол. Сен қаттиқ хато қиласан. Ўзингча ўйласанг керак, мендан бошқа ҳеч ким Худо билан дилдан гаплашолмайди деб. Билиб қўй, Худо билан муомала қиладиган ёлғиз сен эмас. Сен такводор бўлсанг, биз ҳам маҳрум эмасмиз бу неъматдан. Ана қўрдингми, дарров шу гапдан нафасинг ичингга тушиб кетди. Азбаройи ҳайрон бўлганингдан. Менга ўхшаган бир одамнинг Худо билан алоқа қилиб туриши сенга жуда ғалати эшитилди,а?

— Ундай эмас. Фақат «алоқа» деган сўз андак қизиқ туюларкан. Аксинча, сенинг оғзингдан бундай гапни эшитиб хурсанд бўлдим. Балки сен фикрингни ўзгартиргандирсан?

— Асло! Мунча содда бўлмасанг. Хўп, унда билиб қўй, Каллистратов, фақат тилингни тишлаб қолма. Худога менинг ўз борар йўлим бор, мен унинг ҳузурига орқа эшиклар қираман, ҳолос. Худойинг сен ўйлаганчалик ноз-фирик қилиб танлаб ўтирмайди...

— Худо олдига орқа эшикдан кириб сен нимага эришардинг?

— Эришадиган нарсам сеникидан кам эмас. Мен одамларга шодлик бағишлайман. Улар кайфда Худонинг висолига етадилар. Мен берадиган нарсани улар на сизнинг панд-нисихатлар, на ваъзлар ва на

дуо-ю ибодатлардан топадилар... Мен ўз одамларимни Худога бошқа хар кимдан кўра тезроқ етказаман.

— Пулга сотиб олинган Худога еткizasанми? Оғу ёрдамидами? Мияларини айнигибми? Яна сен буни Худонинг висолига етиш бахти деб атайсанми?

— Ҳа, нима бўпти? Шаккоклик, худони оёкости қилиш дейсанми? Ана холос! Нозик кўнгилларига озор бердикми? Сенинг нонингни ярим-та қияпманми? Йўлингни тўсиб кўяманми? Хўп, пул, хўп, қорадори, хўп, нима бўпти! Пул деганинг ҳазилакам нарса эмас. Пул — ҳамма нарса! Нима, пулнинг Худоси бутунлай бошқа деб ўйловмидинг? Черковлару яна бошқа ташкилотларда нима, сизлар пул ишлатмайсизларми?

— Э, бу бутунлай бошқа нарса-ку!

— Бас! Дийдиё қилма! Дунёда ҳамма нарса сотилади ва олинади, жумладан, сенинг Худойинг ҳам. Лекин мен одамлар маза қилиб кайф сурсинлар дейман. Сизлар сўзда ва бунинг устига нариги дунёда ваъда қилган нарсаларга мен бу дунёнинг ўзида муяссар этаман. Ёлғиз кайф роҳат-фароғат бағишлайди, оламда ўзингни қушдай эркин хис қиласан, кўкларга учасан. Майли, бу роҳат, бу лаззат кўз очиб юмгунча ўтиб кетсин. Майли, у фақат рўё бўлсин. Лекин унда бахтиёрлик, унда саодат ва унга фақат хушни йўқотиб етиш мумкин. Сиз, такводорлар эса, ҳатто мана шу рўёдан ҳам махрумсизлар.

— Лекин гапинг тўғри — булар бари рўё.

— Бўлмаса-чи? Беш тийин тўлаб, ҳақиқат топмоқчимисан? Бекорларни айтибсан, авлиё ота! Бошқа бахт бўлмагандан кейин аччиқ оғу унинг ўрнини босади.

— Йўк нарсанинг ўрнини тўлдир деб, сенга ким айтди! Буларнинг бари ёвуз ниятдан бошқа нарса эмас!

— Ўпкангни бос, ўпкангни бос, Каллистратов! Дурустроқ ўйлаб кўрсанг, мен ахир сизларнинг ёрдамчингизман!

— Яъни қандай?

— Қандай бўларди. Сира хайрон қоладиган ер йўк! Одам яратилгандан бери унга нималарни ваъда қилишмади, хўрланган ва ҳақоратланганларнинг қўйни-қўнжларини не-не ажойиботлар билан тўлдириб ташлашмади: ана, қарасанг, Худо салтанати кириб келяпти, ана қарасанг, демократия, ана тенглик, ана биродарлик, ана коллектив ҳаёт бахти, иста — ана, Коммуна қуриб яшайвер, ўзингни кўрсатиб ишласанг, ана сенга жаннат боғлари. Ҳақиқатда эса нима? Фақат курук сўз! Мен бўлсам, агар билсайдинг, кўнгли яримталар, ғарибу ғураболар, мунглиг бечораларга эрмак бераман, хаёлларини чалғитаман. Мен яшинқайтаргичман, одамларни орқа йўл орқали етиб бўлмас Худо сари бошлаб бораман.

— Э, сен мен ўйлагандан ҳам хатарлироқ экансан! Сен дунёни бутунлай остин-устин қилиб ташлашинг мумкин. Ҳатто тасаввур ҳам қилиш қийин ва кўркинчи! Яхшиям, Наполеон бўлмаганинг!

— Юкорирокдан келавер. Наполеон ҳам гапми? Мени ўз эркимга қўйиб беришса, эҳ-хе, нималар қилмасдим! Агар биз бирдан Ғарбга бориб қолсак, қулоқимизни қайларга ёзмас эдик, дейсан. Ўшанда сен ҳам мен билан тортишиб ўтиролмасдинг, яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам менинг кўзларим билан қараган бўлардинг...

— Бунга шубҳам йўқ. Лекин сенинг бу сўзларингда кўркинчли бир нарса кўрмайман. Гапларинг янги эмас. Сен, Гришан, одамлар ишончини йўқотиб қўйган жойда кун кўрмоқчи бўласан, бунга ўргатиш ҳам унчалар кийин эмас. Ҳаммаси ёмон, ҳаммаси ёлгон, шундай экан, ўзингни кайф қилиб овунтир. Сен ўтган барча нарсаларни қоралайсан, сенингча шундай бўлса, кани, одамларни дунёга бошқача қарашга ўргатайсанми, қўлингдан келса. Имон — кайф эмас сенга, имон не-не авлодлар бошдан кечирган азоб-уқубатларнинг меваси, имонга эришмоқ учун минг йиллаб ва ҳар кун машаққат чекмоқ керак. Сен ўз шармандалари хунаринг билан оламнинг азал тартиботини бузмоқчи, ёруғ кунни тунга айлантarmoқчи бўласан. Ҳозир айшингни сурасан, кейин кулфатини тортасан, сен кўкларга кўтариб мактаётган кайфдан сўнг, албатта, жиннилик бошланади, сўнг одам бутунлай тубанликка ботади. Нега сен буёғини гапирмайсан? Сен айтган кайф — ғирт аблаҳликнинг ўзи эмасми? Ахир, гўё Худо олдига боргандай бўлиб, аслида иблиснинг қучоғига тушасан-ку. Буниси қандай бўлди?

— Қандай бўларди. Қасосли дунё. Бунга ҳам жазо бор. Яшаганнинг жазоси ўлим... Сен бу ҳақда ҳеч ўйлаганмидинг? Нега жим бўлиб қолдинг? Сен, авлиёга менинг бу фикрим ёкмайди, а!

— Ғайри Исо фикрми? Ҳеч қачон!

— Ҳа-ҳа! Сенинг христианчилигинг холи ғайри Исо бўлмаса, нима кечарди! Ғайри Исо китиклаб турмаса, кимга керак христианлик? Нима фойдаси бор унинг? Шундай бўлгач, менсиз ҳеч нарса қилолмайсиз! Мен бўлмасам, кимга қарши қурашасиз, гоёларингиз жанговарлигини қандай исбот этасиз?

— Жуда ҳам қирриқ экансан-э! — беихтиёр қулиб юборди Авдий.— Чалкашликлардан усталик билан фойдаланаркансан. Лекин гапга зеб берма. Сен билан тил топишимиз кийин. Биз тесқари одамлармиз, бир-биримизга тўғри келмаймиз. Шунинг учун мени бу ердан қувяпсан. Сен мендан кўркасан. Лекин мен барибир ўз сўзимда тураман: қайт бу йўлдан, тавба қил, ёш болаларни тузоғингдан бўшат. Мен сендан ёрдамимни аямайман.

Гришан бирдан жим бўлиб қолди. Таёғига тиранганча ковоғини солиб у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади, кейин юришдан тўхтади.

— Агар сен, ўртоқ Каллистратов, мени кўрқаяпти, деб ўйласанг, қаттиқ хато қиласан. Қолгинг келса, қолавер, сени ҳайдаётганим йўқ. Ҳозир юк вагонларга чиқиб оламиз. Поездга бирваракай босқин ясаймиз.

— Яхшиси, қароқчиларча, деб қўя қол,— унинг гапини тўғрилади Авдий.

— Майли, сен айтганча бўла қолсин, қароқчиларча бўлса, қароқчиларча-да. Лекин мақсадимиз талон-тарож эмас, мақсадимиз — яширинча манзилимизга етиб олиш, бунинг фарқи бор. Ахир сенинг давлатинг бизга эркин бориб-келишга йўл қўймайди...

— Давлатга тилингни теккизма. Хўш, менга нима таклиф қилмоқчисан?

— Айтишга ҳам арзимамайди. Сен айтмоқчи, вагонларга қароқчиларча чиқиб оламиз,— деб темир йўл томонга бошини силкиб кўрсатди Гришан,— ҳамма жам бўлади, ҳамма кўзга кўринади. Ана ўшанда кичкина Лёнькалару лакалов Петрухаларга айтар гапингни айт, уларнинг жонларини қутқар, эй Халоскор! Мен фик этмайман, сенга заррача тўсқинлик қилмайман. Мени мисоли йўқ деб ҳисобла. Мабодо, бу авомни орқангдан эргаштириб кета олсанг, уларни ўз Худойингга ишонтира олсанг, мен шу заҳоти енгилганимни бўйнимга олиб, мутлако қорамни кўрсатмай кетаман. Гапимни тушунапсанми? Кабул қиласанми шу шартимни?

— Бажонидил! — қисқа жавоб қилди Авдий.

— Унда бошла! Ўртамизда бўлиб ўтган гапни ҳеч кимса билмайди. Афдан-бафдан гаплашдик, деймиз.

— Раҳмат! Лекин менинг яширадиган жойим йўқ,— жавоб берди Авдий.

Гришан елкасини қисди.

— Айтдим-қўйдим-да. Инжилда ёзилган: «Сен айтдинг» деб!

Май ойининг охири кунларидан бири эди. Соат кечки еттилар бўлиб қолганди. Лекин теп-текис чўллар узра қуёш ҳамон ял-ял нур сочиб, қиздирарди. Куни билан худди бир жойга боғлаб қўйилгандай нима сабабдандир қимирламай турган қумушсимон булутлар, аввал оппок оқариб, кечга томон уфқ узра қоп-қорайиб осилиб қолдилар, бундан Авдийнинг юрагига англаб бўлмас бир хавотир тушди. Афтидан, момақалдирак бўладиганга ўхшарди.

Поездлар эса ҳамон у томондан бу томонга, шимолдан жануб ёқларга, жанубдан эса шимол ёқларга ўтиб боришар ва замин уларнинг чўнг гилдирақлари остига зириллар, титроққа тушарди. «Қанча ер бор, қанча кўз илгамас маконлар ва ёруғлик бор, шундай бўлса ҳам, одам боласига яна барибир нимадир етмайди, ҳаммасидан бурун-эркинлик етмайди,— деб ўйдарди Авдий поёнсиз яйдоқ чўлларга боқиб.— Одам боласи одамларсиз яшолмайди, яна бунинг устига одамларга ҳам тоқат қилмайди. Мана, ҳозир — нима қилиш керак? Гришаннинг тузоғига илинганлар тўданинг тазйиқига юрмай, уларнинг дўқ-пўписаси, қўрқитишларига қарамай ақл-идрок измига кирсалар нима қиларкин? Бу бадбахт афюнчининг таъсиридан қутулишга ўзларида қуч, ирода топармикинлар? Анавини қаранг-а! Учига чиққан хавфли фирибгар экан. Нима қилай, қандай йўл тутсам, тўғри бўлади?»

Ниҳоят, кутилган вақт етди. Юк поездини тўхтатиш олдидан чопарлар икки-уч киши бўлиб, темир йўл бўйлаб буталар ва баланд ўсган

куюк ўтлар орасига яширинишди. Хуштак чалиб бир-бирларини хабардор қиладиган бўлишди. Йўлнинг олис муюлишида илон каби буралиб поезд кўринди, хуштак овози келди ва дархол ҳаммалари ҳамлага ҳозирландилар. Наша тўлдирилган жомадонлару катта чарм халталар кўл остида эди. Авдий, Петруха билан Лёнька учовлари темир йўл ремонтидан сўнг қолган майда шағал уюмини паналаб ётдилар. Гришан улардан сал нарироқда эди. Унинг ёнида ҳам икки чопар бор: улардан бири, малла сочли йигитчани Коля деб аташар, бурни кўнкайган, кавказча талаффуз билан сўзлайдиган чапдаст иккинчисини Махач деб чакиришар — афтидан, у асли Махачқаладан эди. Бошқаларни Авдий билмас, лекин яна икки-уч чопар ўзларига қулай жойни пана қилиб, поезд келишини пойлар эдилар. Гришан темир йўлга дори сепиб, кўприк устида гўё ўт тушгандай қилиб кўрсатадиган ва шу билан машинистни локомотивни тўхтатишга мажбур қиладиган икки кишини юборган, улар бу ердан хийла олисроқда «330 КМ» белгиси қўйилган ерда эдилар. Ўша ерда баҳорнинг тошқин сувлари ўпириб кетган чуқур жарлик устидан чоғроқ темир йўл кўприги ўтарди. Чопарлар кўпурвичи деб аташадиган анов иккиси ўша нозик жойга ҳозир дори сепишарди.

Поезд шитоб билан яқинлашар, Авдий, ҳамма нима бўларкин, тез ва омон-эсон вагонларга чиқиб олармикинмиз, состав ўзи қандай экан, ишқилиб, цистерна бўлмасин-да, цистернага қандай қилиб ўрнашсан, деб титраб-қакшаб турганлигини тушунарди. Кўриқлаб бориладиган ҳарбий эшелон бўлса ундан ҳам чатоқ, тамом ишқал деяверинг.

Лёнька қўллари қалтираганча сигарет тутатди. Петруха шу заҳоти унга ғазабини сочди:

— Дарров ташла! Ўлдираман ифлос!

Бироқ ранги кўкариб, оқариб кетган Лёнька унга парво қилмай ичига зўр бериб тутун тортарди, шунда Петруха унга йиртқичдай ташланди-да, кулочкашлаб бошига урди, шапкасини учуриб юборди. Лекин Лёнька ҳам қараб турмади, — зарбага зарба билан жавоб берди, ўзини ўнглаб туриб Петрухани оёғи билан тепди. Петруха қутуриб кетди, икковлон жон-жаҳдлари билан тепкилаша бошладилар.

Авдий ўрnidан кўзғалишга мажбур бўлди:

— Бас қилинглар, хозирок бас қилинглар. Петруха, Лёнькага тегма. Уялмайсанми!

Лекин Петруха жаҳл билан Авдийга ташланди:

— Сен аралашма, ит попнинг ўғли. Нега қакқайиб турибсан, тўнка! Бўйинг бир чақирим наридан кўринади! — Шундай деб, жон-жаҳди билан унинг иштонидан тортди. Улар жўжахўрозлардай қизишиб, бир-бирларини бўралаб сўқишганча, ҳансираб яна ўз жойларига бикинди-лар.

Поезд эса яқинлашиб келарди. Чопарларнинг титраб-қалтираши беихтиёр Авдийга ҳам ўтди. Нима ҳам дейиш мумкин, аҳвол ғоят танг ва хатарли эди.

Авдий болалик чоғларидан поездларни томоша қилишни яхши кўрарди: у осмонга қуюқ тутун ва оппок пар чиқарадиган, теваарак-атрофларга қичқириб, шовқин соладиган урушдан кейинги ажойиб паровозларни кўрганди, лекин ҳеч қачон бир кунмас-бир кун поездни бунчалар азоб билан кутарман деб ҳаёлига келтирмаганди. Мана энди, қонунга хилоф тарзда ва ҳатто зўравонлик ишлатиб, поездга чиқиши керак.

Иккита локомотив бирлашиб тортиб келаётган оғир юк поезди тобора яқинлашар, унинг яқинлашаётгани одамнинг бутун вужудига акс садо берар, этни сескантирарди. Илгариги паровозлар ҳозирги дизеллар билан сира беллашолмайди. Уларнинг кучи ичида яширин эди, лекин улар шунчалар кўп вагонларни судраб боришардики, худди уларнинг охири йўққа ўшарди. Сон-саноксиз ғилдираклар тўхтовсиз ғилдирар, вагонлар остидан шамол ғувиллаб чиқар, ғулдираган товушлар, бир маромда дўқир-дўқирлар эшитиларди. Авдий роса шиддат билан келаётган бу девқудрат машинага қарар экан, ҳаддан ортик чўнг ва улкан составни тўхтатиш мумкинлигига кўзи етинқирамасди.

Вагон-платформалар, цистерналар, ёғоч ортилган вагонлар, ёпик контейнерлар — бирин-кетин ўтиб борар, мана, составнинг ярми ҳам ўтиб бўлди, шунда Авдий: ҳеч иш чиқмайди, булар ҳаммаси бекорга уриниб, овора бўлиб ётишибди, деб ўйлади: шундай шиддат билан кетаётган катта поездни тўхтатишнинг иложи йўқ. Лекин бирдан поезднинг тезлиги пасайди, ғилдираклар борган сари секин айланди, тор-мознинг оғир ғажирлагани эштилди-да, эшелон худди кутилмаганда қоқилиб тушгандай оғир асабий силтаниб, юришини секинлатди. Авдий кўзларига ишонмасди: состав тўхтади ҳисоб. Шунда чинқириб, хуштак овози келди.

— Кетдик! — буйруқ қилди Петруха.— Олга!

Улар юкхалталарини кўтарганча, секинлаб қолган вагонларга ўзларини уришди. Ҳаммаси пистирмадан туриб ҳамла қилингандай кўз очиб-юмгунча тез рўй берди. Қўлга нима тўғри келса, шуни ушлаб, тирмашиб, истаган вагон, истаган жойга чиқиб, ишқилиб, жойлашиб олиш керак эди. Кейин томдан томга, вагондан вагонга сакраб қулайроқ жой топиш мумкин. Ундан уёғини Авдий худди ёмон туш каби эслайди: у кўз ўнгида худди осмон қадар қад кўтарган зич вагонлар тагида зир югура бошлади, у ақлининг бир чеккасида ғайришуурий тарзда вагонларнинг бунчалар юксаклигидан, ғилдираклардан чиқаётган қорамой хидларининг бунчалар ўткирлигидан ҳайратга туши, ғилдираклар яна кўз очиб-юмгунча тезлашиб кетиши ҳеч гап эмасди. Лекин шунга қарамасдан Авдий жонҳолатда вагонга тирмашди, кимгадир ёрдамлашди, кимлардир уни ҳам қўллаб юборишди. Поезд икки мартача шарақлаб тортилди, силкинди, ғилдираклар ғасир-ғусур бўлиб кетди — улар тагида қолиш шу тобда ҳеч гап эмасди. Бироқ ҳаммаси жойида бўлди. Поезд яна бир қарра қаттиқ силтаниб, боғ берилган вақтни етказиб олиш учун шитоб билан илгарига жадаллаб кетди, Авдий мундай айланиб қараб, ичи бўм-бўш юк вағонида турганлигини, ўзининг ажралмас ҳам-

рохлари Лёнька ва Петруха, колаверса, Гришан ҳам шу ерда эканлигини кўрди. Лат еган оёк билан унинг қандай вагонга чиқиб олганини худо билади, анави иккиси — Махач ва Коля ҳам у билан бирга эди. Ҳаммаларининг ранг-қутлари оқарган, хансираб нафас олишар, лекин чехралари шод ва мамнун эди. Бари яхши тугагани ва энди энг ишқал жойи орқада қолганига Авдийнинг сира ишонгиси келмасди. Энди наша йиғувчилар Жалпок-Соз бекати томон кетиб боришар, ундан у ёғига йўллар бари катта ерга, катта шаҳарларга, одам издиҳомлари ичига элтади...

Яна беш соатлар чамаси йўл юришлари керак. Омад келганини қаранг: вагонда юк туширилгандан кейин қолган шекилли, бўш ёғоч олишди. Гришан айтгандай қилиб, ташқаридан қараганда, кўринмайдиган бўлиб ўтиришди. Агар бир томондаги эшик очилса, вагон ичи анча ёруғ, бунинг устига ҳаво кириб туриши учун тепадаги тирқишлар ҳам кўтариб қўйилганди.

Қандайдир кичик разъездда тўхтаганларида, улар эшикни маҳкам ёпиб, дим ва иссиқ вагон ичида миқ этмай пусиб ўтирдилар, лекин состав олдига ҳеч ким келгани йўқ. Петруха оҳиста ташқарига аланг-жаланг килди-да, ҳаммаси жойида, ҳеч ким кўринмайди, деди. Қаршидан келаётган пассажир поезди ёнларидан гулдираб ўтиб кетгач, состав яна ўридан жилди, навбатдаги кичик бекатда Махач бир канистр сув топиб келди, вагондаги ҳаёт яна жонланди, қаттиқ нон, консервалар ейилди, Жалпок-Созга борганда, ошхонада тўйиб иссиқ овқат еймиз, деб орзу қилишди.

Поезд эса Чу чўлларида тоғлар томон ўтиб борарди...

Май оғи оқшомлари узоқ давом этади, ҳали-ҳамон ёруғ эди. Ундан-мундан гаплашиб ўтиришар, кўпроқ турли овқатлар, пул эсланарди. Петруха Мурманскда попукдай қиз кутаётганлигини эслади. Шунда Махач соф кавказча жўшиб деди:

— Менга қара, ҳой, Петруха, азизим, нима, сен Мурманскдан бошқа ерда аёлни қилолмайсанми? Нима, Москвада энди қилиб бўлмайдимиз озгина? Ҳа-ҳа-ҳа! Нима, Москвада хотин йўқми?

— Сен мишиқсан ҳали бунақа ишларда, Махачка. Нимани маънисига тушунардинг? — қаҳри келди Петруханинг. — Неччига чикдинг?

— Неччи-неччи! Неччи бўлса неччи! Бизнинг Кавказда мендақалар аллақачон бола ясайдиган бўлишган! Ҳа-ҳа-ҳа!

Бу гап ҳамманинг димоғини чоғ килди. Ҳатто Авдий ҳам Гришанга қараб-қараб қўйиб, беихтиёр жилмайди, у эса бир чеккада такаббурлик билан иршаярди. У боя-боягидай йиғма курсичасига ҳамон ўша эгри таёғини ушлаб ўтирарди. У худди бошқа чопарлар каби жўн сигарет чекар ва фақат шу билангина уларга ўхшарди.

Кўп ўтмай улар ҳазил-хузул қилиб боришаркан, бўш юк вагонини батамом ўзлариники қилиб олишди. Ҳали офтоб уфққа ботмаган, ҳаммаёқ ёп-ёруғ бўлса-да, Лёнька вагоннинг бир чеккасида уйқуга кетган,

бошкалар ҳам ухламоқчи бўлиб турардилар. Қандайдир арзимаган нарсаларни гаплашиб, чекиб ўтирган чопарлар бирдан жим бўлиб қолишди, сўнг Гришан томонга қараб қўя-қўя алланарсани шивирлаша бошлашди.

— Кулок сол, Гришан,— дея унга қарата мурожаат қилди Махач,— биз бу ерда ўтириб, умумий мажлис қилиб қарор чиқардик. Бир оз кайф қилсак-чи, а? Вақт хали бор, кайф қиламизми? Менда, азиз тамада, шунақанги бир олқиндиси борки, воҳ-воҳ, бунақасини фақат Бағдоднинг ўғриси чеккан!

Гришан Авдийга: хўш, қалай, дегандай тезгина қараб олди. Кейин бирпас жим турди-да, вақт ўтказиб, деди:

— Олаверинглар!

Ҳаммаларига жон кириб, Махачни ўраб олишди. Махач куртқасининг қайси бир еридан ўша Бағдод ўғриси чакадиган олқиндисини чиқарди. Узунчоқ ва катта папирос ўради, ўзи биринчи бўлиб тортиди, кейин ёнидагиларга узатди. Ҳар бири наша тутунини ичига хузур қилиб тортиб, сўнг папиросни шеригига чўзарди. Навбат Петрухага етганда, у тутунни ичига ютоқиб кўзларини юмиб, чуқур тортиди-да, сўнг Авдийга узатди:

— Қани, Авдясь, сен ҳам бир торт! Сенинг қаеринг кам? Ма, чек! Э, мунча ўзингни опқочасан, киз боламисан, нима бало?

— Йўқ, Пётр, мен чекмайман, овора бўлма! — Петруханинг қўлини қатъий қайтарди Авдий.

Петруха дарров ранжиди:

— Ҳеч поплигинг колмади-да! Қойилман-э сенга, поп-соп! Сенга яхшилик қилмоқчи бўлсак, сен биздан ирганасан!

— Мен ирганаётганим йўқ, Пётр, тўғримас бу гапинг!

— Бор-э, сенга гап уқдириб бўлармиди! — қўлини силтади Петруха ва яна бир қарра ичига чуқур тортиб, париросни Махачга берди, у эса кавказча чакқонлик билан уни Гришанга узатди.

— Энди, азиз тамада, сенинг навбатинг! Сўз сенга!

Гришан индамай унинг қўлини нари сурди.

— Майли, ўзинг биласан, ўзинг — хон, кўланканг — майдон! — ачинган бўлиб, бошини чайқади Махач, папирос яна давра айлана бошлади. Лёнка сўриб-сўриб чекди, ундан кейин малла Коля, кейин Петруха ва яна Махач. Кўп ўтмай чекувчиларнинг кайфиятлари ўзгара бошлади, уларнинг кўзлари гоҳ туман билан қопланар, гоҳ йилт-йилт этиб кетар, оғизларини қийшайтиришиб сабабсиз илжайишар, ўзларини ғоятда бахтиёр сезишар, фақат Петрухагина ҳалиям гинасини унутмаган, ора-сира Авдий томонга норози назар ташлар, поплар ўзи ҳаммаси тўнғиз бўлади, деб тўнғилларди.

Гришан бир чеккада курсичасида чекувчиларга бамайлихотир қараб ўтирар, лабларидан кўпни кўрган одамлардай кинояли, такаббур, яниб қўйгувчи табассум аримасди. У вагоннинг очик эшиги олдида турган Авдийга дам-бадам ўқрайиб ўғринча нигоҳ ташлар, қарашидан бў-

лаётган ишдан мамнунлиги сезилар, шак-шубҳасиз буларнинг бари покдомон Авдийга қандай таъсир қилаётганлигини фаҳмлаб турарди.

Авдий Гришан чопарларга наша чекишга ижозат бериб, ўзига бир томоша кўрсатмоқчи бўлганлигини англади. Кўриб қўй, қандай бўларкин? Менинг кучим нимада эканлигини билдингми? Сенинг юксак интилишларинг бу баттаринлик олдида қанчалар ожиз эканлигини энди тушундингми?

Гарчи Авдий ўзини уларнинг қилғиликлари билан ишим йўқ дегандай кўрсатаётган бўлса-да, лекин ичида Гришанга ҳеч нарсани қарши қўёлмаётганидан, ожизлигидан қатъий ўкинди. Чопарларни Гришаннинг таъсиридан қутқариш учун амалда нима қилса бўлади, ахир. Ана шунда Авдий чидай олмади. У ғазабини яшириб, жиловлолмай қолди. Петруха папироснинг охирини чекиш учун яна унга тўтганда, у ўзини тутолмади, ниҳоят, ёрилди. Папироснинг қолдиги ҳам сўрилавергандан хунуги чиқиб кетган, сарғиш-заққум тусга кирганди.

— Ол, Авдясь, мунча афтингни бурасан, вой попни боласи-ей! Мен чин кўнгилдан айтяпман. Ҳамма мазаси охирида бўлади, миянг қаймоқдай оқиб кетади! — тиқилинч қилиб қўймасди хира Петруха.

— Нари тур! — силтаб ташлади уни Авдий.

— Ҳали шунақами! Мен сенга чин дилдан айтсам, ноз қилдингми хали! Афтингни буриштирадиган бўлдингми!

— Бўпти, бер бу ёкка, бер! — деди фиғони ошиб Авдий ва чўғла-ниб турган папиросга қўл чўзиб, уни худди Петрухага намойиш қилиб кўрсатгандай боши узра баланд кўтарди-да, вагоннинг очик эшигидан ташқарига улоқтириб юборди. Бу шунчалар кутилмаганда тез рўй бердики, ҳамма ва ҳатто Гришаннинг ўзи ҳам ҳайратдан бақа бўлиб қолди. Орага чўккан сукунатда поезд ғилдирақларининг шиддатли овози янада аниқ ва ваҳималироқ эшитилди. — Кўрдингми? — саннаб деди Авдий Петрухага. — Нима қилганимни ҳамманг кўрдингларми? — аччиқтиззиқ билан деди у яна бошқа чопарларга бир-бир қараркан. — Бундан кейин доим ана шундай бўлади!

Петруха ва ундан кейин бошқалар Гришанга ҳайрон бўлиб, саволомуз қарашди: бу ёғи қандай бўлди, хўжайин, бу тавия каердан келиб қолди?

Гришан дам Авдийга, дам чопарларнинг тумтайган башараларига масхара қилгандай қараркан, индамасди. Махачнинг токати тугади:

— Ҳой, тамада, нега индамайсан? Нима, соков бўп қолганмисан?

— Йўқ, соков бўп қолмаганман! — деб унинг жиғига тегди Гришан ва заҳарханда қилиб чўрт кесди: — Мен манов нусхага оғзимни очмайман, деб сўз берганим. Қолганини ўзларинг ҳал қилинглар! Менинг бошқа гапим йўқ...

— Шу ростми? — ўсмоқчилади Махач Авдийдан.

— Рост, лекин гап бошқа ёкда! — қичқирди Авдий. — Мен уни фош қилмоқчи эдим, — деб Гришанни бош силкиб кўрсатди у, — бу иблис сизларнинг ҳаммаларингизни йўлдан урган! Ҳалокат ёкасига келиб

колгансизлар! Мен жим қараб турмайман, ҳақиқат мен томонда! — Шунда у нима бўлаётганини, нима қилаётгани, нималар деб кичкираётганини англамай, наша тўлдирилган юклар ичидан юкхалтасини куч билан тортиб олди. Гришандан бошқа ҳамма ўтирган ўрнидан сакраб турди: бу поп-сопнинг юмшоқкина боласи асти нима қилмоқчи ўзи?

— Мана, қаранглар, болалар! — Авдий юк халтани боши узра кўтариб силкитди.— Мана шунинг ичида биз одамларнинг бошини ейдиган, офат ва қирон келтирадиган оғу олиб кетяпмиз. Енгил пулга учган сиз чопарлар, сен, Петр, сен, Махач, сен Лёня, сен, Коля, шундай қил-япсизлар! Гришанни гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Унинг кимлигини ўзингиз яхши биласиз!

— Шошма, шошма, Авдий! Қани, тасаддук, халтани менга берчи! — унга томон юриди Петруха.

— Наридур! — итарди уни Авдий.— Яқинлашма! Ўзим биламан бу одамлар бошига битган балони қандай йўқотишни.

Шундан сўнг Авдий ҳали чопарларнинг ҳуши ўзига келмай, юкхалтанинг чизимчасини тортиб ечди-да, вагон эшигидан нашаларни ташқарига соча бошлади. Анча-мунчагина гиёҳ терилган экан, нашанинг сарғимтил-кўк япроқлари ва гуллари темир йўл бўйлаб худди кузги барглар каби пароканда тўзиб учди. Юзлаб, минглаб жарақ-жарақ пуллар ҳавога сувурилмоқда эди! Қандайдир бир зум чопарлар Авдийга анқайиб, шамдай қотиб қолдилар.

— Кўрдингларми! — кичкирди Авдий ва юк халтани ҳам ташқарига отди.— Ана энди сизлар ҳам шундай қилинлар! Сўнг биргаликда тавба қиламиз, Худонинг шафоати ва мағфиратига сазовор бўламиз! Бўлинглар, Лёнька, Петр! Лаънати нашаларингизни тўқинлар, қутулинглар шу ярамасдан!

— Жинни бўлиб қолибди! Бекатда у бизни ушлаб беради! Ур уни, ит попнинг боласини! — чинкирди эс-хушини йўқотиб Петруха.

— Тўхтанглар, тўхтанглар! Кулоқ солинлар! — уларга ниманидир тушунтирмоқчи бўлиб кичкирди Авдий гиёҳвандларнинг қутуриб кетганларини кўриб. Лекин энди кеч эди. Гиёҳвандлар унинг устига кутурган итдай ташландилар. Петруха, Махач, Коля бир-бирига гал бермай унинг бошига мушт ёғдирадилар. Фақат Лёнькагина уларни кучи етганча ажратишга уринарди.

— Қўйинлар, бас қилинлар! — деб атрофда нима қиларини билмай сарсиларди у. Лекин уларни ажратишга кучи етмасди — уч кишини бир ўзи қандай ҳам эпласин. Раҳмсиз, олатасир калтаклаш бошланди.

— Ур! Итар! Вагондан ташлаб юбор! — деб бўқирарди Петруха.

— Попни ўлдир! Пастга от! — жўр бўларди Махач.

— Керакмас! Ўлдирманглар! Илтимос, ўлдирманглар! — чийилларди ранги ўчган, қалт-қалт титраган Лёнька.

— Коч, итвачча, сўяман! — Лёньканинг қўлидан юлкинарди ваҳшийлашган Коля.

Авдий силкиниб бораётган вагоннинг очик жойидан кучи борича нарига, ўртарокка сурлишга уринарди: гиёхвандларнинг бунчалар бераҳм, ваҳший, зўравон бўлишларига у энди ишонди — бўлмаса, ҳозиргина гашт килиб, оғзининг таноби кочиб ўтиришган эди-я. Авдий ҳаёти қил устида турганлигини тушунар, кучлар ҳам тенг эмасди. Кучи ошиб-тошиб ётган, қутурган уч йигитга ёлғиз ўзи қандай бас келсин. Тўғри, Лёнька унинг ёнини оляпти. Лекин унинг кучи қаерга етарди. Гришан эса ҳамон ўша жойида худди цирк ёки театрга тушган томошабиндай ўтирар, кийнақоҳлик билан иршарди.

— Ўху! Ўху! Ана холос! — лабини кийшайтириб мазах қиларди у. Итдай уриштириб қўйди-ку охирида, шундай бўлишини олдиндан ҳисоблаб чиққанди, мана энди, ғалаба нашъасини суряпти — унинг кўз ўнгида одам ўлдиришяпти.

Авдий фақат Гришан ўртага тушсагина жони қутулиб қолишини сезиб тарарди. «Гришан, кутқар!» — дейиши билан чопарлар уни тинч қўйишларини биларди. Лекин калласини кесганда ҳам, у Гришандан ёрдам сўролмади. Бирдан-бир чора вагоннинг ичкарироғига амаллаб ўтиб олиш, бурчакка қисилиб туриш — ундан уёғига калтаклайдиларми, тепкилайдиларми, қўлларидан келганини қилишсин, фақат вагондан ташлаб юбормасалар бўлгани, акс ҳолда жондан умид йўқ...

Лекин ичкари бурчакка етиб олиш осон эмасди. Уни уриб, тепкилаб яна вагоннинг ланг очик эшиги томон улоқтирдилар. Авдий бир зум шу ерда туриб қолса, уни ҳаш-паш дегунча ташқарига итариб ташлардилар. Шунинг учун Авдий қандай қилиб бўлмасин, яна йиқилган еридан турар, ўзини вагоннинг ичкарисига олишга уринарди. Гиёхвандлар ахийри холдан тойиб, ё хушларини йиғиштириб олишар, деб умид қиларди. Аёвсиз жангда биринчи бўлиб, бошига оғир зарба тушган Лёнька қулади. Попнинг ўғлидан, янги чиққан авлиёдан ва демак, чопарларнинг душманидан аёвсиз қасд олаётганда, оёқ тагида ўралашмасин деб, Коля уни тинчитган эди. Гиёхвандлар мушт устига мушт туширар — елга совурилган шунча пулга ичлари куйиб борарди.

— Ур, ур! Жон чикар ерига сол аблахни! — қутуриб кўпик сочарди Петруха. У Авдийни орқасидан келиб маҳкам қисиб олди-да, қўллари орқага қайирди ва Махачга тўғрилади. Махач эса шунда худди шайтонлаган букадай, ғазаб билан Авдийнинг қорнига урди. Авдий ўлар қолатда букчайиб, оғзидан қон кетганча, вагон ичига қулади. Шундан сўнг учовлари уни эшик томонга судраб кетишди. Авдий эса шу аҳволда ҳам, уларнинг чангалидан қутулиб чиқишга уринар, қаршилик кўрсатар, тирноқлари кўчиб кетишига қарамай, вагоннинг тахталарига ёпишарди. Мудҳиш Гришан эса вагоннинг бир четида гўё ҳеч нарса бўлмагандай йиғма курсичасига оёқларини чалиштириб ўтирар, безрайган башарасида мумнунлик ифодаланар, эгри таёғини ликиллатиб ўйнаб, ҳуштак чалиб машк қиларди. Ҳали ҳам раҳм-шафқат сўраб: «Гришан, кутқар!» — деб кичқирса, кеч эмасди ва Гришан ҳам унга раҳми келиб, олижаноблик кўрсатиб, ўлим чангалидан олиб қолиши

мумкин эди. Аммо Авдий омонлик сўраб оғзини очмади. Уни очик жойга қонларини оқизиб судраб кетдилар. Вагоннинг очик эшигида сўнги олишув рўй берди. Улар Авдийни бирийўла итариб юборишга чўчидилар, у билан бирга ўзлари ҳам ташқарига қулашлари мумкин эди. Авдий эшикка, тўғрироғи, эшик оркасидаги темир туткичга маҳкам ёпишди. Поезднинг кучли шамоли уни эшикка миҳлаб ташлади, Авдий чап оёғи билан қандайдир темир чиқиққа базўр илинди ва бутун оғирлиги билан осилиб қолди. Афтидан, у ҳеч қачон яшаш ва кулфатдан қутулиш учун бунчалар жон-жаҳди билан уринмаган эди. Бунчалар куч қаердан келяпти, ўзи ҳам билмасди. Агар уни ўз ҳолига қўйганларида эди, у балки тиришиб-тармашиб яна вагон ичига кириб оларди. Бирок чопарлар худди тўп тепкандай унинг бошига тепишар, оғизларидан боди кириб, шоди чиқар, аямай қора қонга булғашар, у эса ҳамон темир кабзани қўйиб юбормасди. Охирги дақиқалар айниқса даҳшатли бўлди. Петруха, Махач ва Коля ҳаддан ташқари ваҳшийлашиб кетдилар. Шу пайт Гришан ҳам ўзини тўхтатолмай эшик олдига чопиб келди: энди юзини бемалол сидириб ташласа бўлаверади, энди Авдий Каллистратов қандай жон таслим этади, томоша қилиш мумкин. Гришан чопарлар Авдийни батамом асфаласофилинга жўнатишларини кутиб турарди. Тан бериш керак — Гришан ўз ишига ғоятда уста эди. Эртага мабодо Каллистратовнинг ўлигини топиб, унинг йиқилиб тушгани ёки ўзини поезддан ташлаганига шубҳалансалар, Гришан ўшанда ҳам ҳеч нарса билмаган, кўрмаган бўлиб тураверади — шахсан ўзи бу ишга қўл урмаган. Нар и борса, болалар жанжаллашиб, дўппослашиб қолишгану бахтсиз ҳодиса рўй берган — қочаман деб, поезддан тушиб кетган.

Кейин Авдийнинг юзига тепишди. Унинг охирги эслаб қолгани шу бўлди. Чопар гиёҳвандларнинг пошналари қонга бўялди. Шамол Авдийнинг қулоқларида худди аланга каби гувилларди. Унинг вужуди тобора оғирлашиб, пастга қўрқинчли бўшлиқ сари зилдай тортиб борарди. Поезд эса шамолларнинг қаршилигини енгиб, ҳамон ўша чўллардан елдек елар, бутун ёруғ оламда жони қил устида турган шу жабрдийда йигитга ёрдам қўлини чўзадиган бир кимса йўқ эди. Узундан-узок давом этган кун сўнгида ботиб бораётган қуёш унинг қийноқ даҳшатидан олайиб кетган кўзларини қонли шафаққа бўяб, у билан бирга олам зулматига чўкмоқда эди. Лекин қанча тепкиламасинлар, Авдий кўлларини бўшатмасди. Шунда Петруха Гришаннинг таёғини тортиб олиб, сўнги зарбани берди. Инчунун Гришан ҳам худди билмаган кишидай таёғини кўрга ҳасса қилиб ушлаб турган эди, мана, марҳамат, олиб урмайсани қўлларига, мажак-мажак бўлиб кетмайдими, кисталоқ, дегандай...

Шунда Авдий қонли гўшт парчаси каби пастга учиб кетди. У темир йўл кўтармасидан қандай қулагани, нималарга урилиб, сурилганини сезгани ҳам йўқ, эшелоннинг думи у йиқилган ердан шалдираб ўтди, собик ҳамроҳлари тушган поезд кўздан йўқолди, ғилдиракларнинг шовкин-сурони тинди, лекин у ҳеч нарсани сезмади.

Кўп ўтмай қуёш сўнди, қоронғу тушди, моматалок тусига кирган ғарбнинг қўрғошин осмонида қора булутлар қуюқлашди...

Ўша машъум ердан эса энди бошқа поездлар елдек чопар, анави жонини саклаш учун раҳм-шафқат сўраб ялинмаган шўрлик йигит эса темир йўл пастидаги чуқурликда чапараста ағанаб ётарди. Мана энди, ҳақиқатни жонсарақ излаб билган ҳамма нарсалари ва қарор топтиришга уринган нарсаларнинг ҳаммаси ҳозир орқага улоқтириб ташланган, забун этилганди. Ўзини шунчалар аямагани, омонлик тилашдан воз кечганига арзирмиди булар? Ахир, ҳамма гап у эмас-бу эмас, унинг ҳаёт-мамоти устида кетаётган эди-ку. Бор-йўғи учтагина сўзни айтса: «Мени қутқар, Гришан!» — деса кифоя эди. Аммо бу сўзлар унинг оғзидан чикмади...

Чиндан ҳам, худо-таоло таажжуботларининг чеки йўк... Ахир бир маҳал узоқ тарихда шундай воқеа рўй берган эди-ку — Галилиядан чикқан бир мажзуб ўзига шунчалар ишонган эдики, икки оғизгина сўзни айтишни истамай ҳалокатга гирифтор бўлганди. Охири, ширин жондан айрилганди. Одамлар ҳам то ҳалигача, орадан бир минг тўққиз юз эллик йил ўтганига қарамай эс-хушларини йиғиштириб ололмайдилар — бу қандай қилиб юз берди, ахир, шундай бўлиши мумкинми, деб ажабланишади, баҳслашишади, изтиробга тушишади. Ҳар сафар бу уларга худди куни кеча рўй бергандай бўлиб туюлади — яралари ана шунчалар янги. Ва ўша замонлардан буён неча-неча насллар дунёга келмасин, ҳар бири ўртаниб-куяди, агар ўшанда биз Ғулқофда бўлганимизда, ҳеч қачон галилейлик кишини жабрлашга йўл қўймасдик, дейишади. Ана шундай туюлар экан-да, ҳозир. Лекин дунё айлана-айлана ҳамма нарсалар унут дарёсига фарқ бўлиб кетади-ю бироқ ўша кун сира эсдан чикмайди, деб кимнинг ҳаёлига келибди дейсиз...

Айтганча, ўшанда ҳам жума куни эди ва жонини қутқариши мумкин бўлган зот ўшанда ўзини халос этмоқ учун тилга икки оғиз сўз олмоқни раво кўрмаганди...

II

Ўшанда Қуддусда ҳаво эрталабдан кизиб, кун иссиқ бўлишидан дарак берарди. Ирод саройининг Арк айвонида мармар устунлар тагида прокуратор Понтий Пилат ўзига курси қўйишни буюрди. Бу ерда пастдан эсаётган елвизак унинг сандал кийган оёқларини билинар-билинемас елпиб ўтарди. Катта боғдаги адл теракларнинг учлари шабадада эринчоклик билан кимирлар, уларнинг япроқлари бу йил барвақт сарғая бошлаганди.

Саройнинг Арк айвони жойлашган шу тош тепаликдан шаҳар кафт-дек кўриниб турар, ҳозир ҳаво тобора кизиб бораркан, шаҳар манзаралари оқ ҳарир нарда ичра жамирлаб кўзга чалинар. — хатто Қуддуснинг доим равшан кўринадиган теварак-атрофларини ҳам оқариб ётган саҳро сарҳадларида аранг пайкаш мумкин эди.

Ўша куни эрталаб худди кўзга кўринмас иплар билан осмонга осиб қўйилгандай канотларини кенг ёзиб ёлғиз бир куш сас чиқармай сузиб юрар, маълум вақт орасида ҳеч қанда қилмай катта боғ устидан учиб ўтарди. Бургутмикин, калхатмикин, шу иккисидан бўлак ҳеч қандай кушнинг бундай иссиқ кунда узоқ ҳамда зерикарли учишга қурби етмайди. Оғирлигини у оёғидан бу оёғига солиб турган назарлик Исонинг кўкда айланиб юрган кушга бехос кўз қирини ташлаганлигини пайқаб прокуратор бирдан оғринди ва тутокиб кетди. У заҳар сочиб деди:

— Сен қаёққа қараяпсан, Яхудонинг подшоси? Бошингда ажал қуши айланыпти!

— У ҳаммамизнинг бошимиздан айланыпти,— охиста, худди ўзи билан ўзи сўзлашаётгандай жавоб берди Исо ва қорайиб моматалок бўлиб кетган кўзини кафти билан пайпаслаб қўйди: синедрионда суд қилиш учун элтаётганларида бозор олдида рухоний ва оксоқоллар гиж-гижлаган оломон уни уртўқмоқ қилган эди. Айримлар раҳмсиз калтаклаган, бошқалари башарасига тупурган ўша дамларда рухонийлар рухонийси Кайафанинг одамлари ўзини нечоғлик қаттиқ ёмон кўришларини тушунди, ҳа қуддусликларнинг судидан ҳеч қандай раҳм-шафқат кутиб бўлмайди, шундайку-я, лекин уни оломоннинг айнимачоқлиги ва жаҳолатга миниб қутуриши таажжубга солиб қўйди, гўё шу пайтгача улар ичидан ҳеч ким унинг дайдилигини билмагандай, гўё шу пайтгача улар ибодатгоҳлар ва майдонларда нафасларини ичларига ютганча кимир этмай унинг ваъзларини эшитмагандай, гўё улар ҳўтигини эргаштирган кўк эшакка миниб шаҳар дарвозаларидан кириб келганида шоду хуррам қарши олмагандай, гўё улар умид-омол билди: «Салламно бани Довудга! Салламно ва акрам!» — деб қичқиришиб, эшаги оёғи остига гуллар отмагандай.

Мана энди, у йиртилиб далва-далва бўлиб кетган уст-бошда парижон ва фаромуш алфозда такдиримда яна нималар бор экан дегандай Понтий Пилат қошида мустар турибди.

Прокураторнинг эса шу тобда асаби ғоятда бузилган ва қизиғи шундаки, ҳаммадан журут ўзидан — ўзининг сустиги, бировга тушунтириб бўлмайдиган жуърятсизлигидан хафа эди. На Рим қўшинларида хизмат қилиб юрганларида ва на мана ҳозир прокураторлик чоғларида у ҳеч қачон бундай ҳолга тушмаганди. Ростдан ҳам кулгили эмасми, ахир! — синедрионнинг ҳукмини шартта тасдиқлаш ва ортиқча бошоғриқдан қутулиш ўрнига у терговга қучи ҳамда вақтини сарф қилиб ўтирибди. Ҳолбуки, Байтулмақаддас рухонийлар рухонийси ва мушриқлари унинг фармойишига илҳақ, уларни дарҳол чақириб, мана, олинглар, гуноҳкор сизларники, нима қилсаларингиз, ўз ихтиёрларингиз, деса бўлади-ку, ахир. Шунга қарамасдан, Понтий Пилатга шундай осонгина йўл тутишга нимадир ҳалақит бермоқда эди. Бунинг устига манови масҳаравоз шунча овора бўлишга арзирмикин?..

Лекин бу тентакни ҳам кўринг-да ахир! Қарангким, у Яхудонинг подшоси, муҳибби Раббоний эмиш, Илоҳнинг одил салтанатини тўз-

моқ учун Худо томонидан яхудоларга тортик қилинганмиш. Унинг одил салтанатида қайсару қайсарчаларга, уларнинг нойибларига ва ялоқи синагогларга ўрин йўқмиш, жами одамлар эндиликда то охиратга қадар бир-бирларига тенгу биродар бўлар эмишлар. Неча-неча кишилар давлат қушини бошларига қўндиришга ҳаракат қилмаганлар, лекин бунақа ақлли, айёр ва бунақа ғаддорини ҳали ҳеч ким кўрмаган эди. Бунақалар салтанат тепасига келсин-чи, аввал қандай бўлса, худди шундай ҳукм юритавереди, зотан, дунёга ҳаётнинг бошқача йўриғи йўқ ва бўлмайди ҳам. Аммо бадқирдор буни беш қўлдай яхши билади, лекин бари бир найрангини қўймайди! Содда одамларни янги Салтанат қурамиз деб алдайди. Ҳар бир одам ўз юрагидаги гумонига кўра бошқанинг устидан ҳукм чиқарди, деган гап ҳақ бўлса, бу ерда айни шунинг ўзгинаси эди: прокуратор юрагининг энг яширин ерларида оруланган, лекин амалга ошишига ўзи ҳам ишонмаган ҳаёлларни Исога тақамокда эди. Ҳаммасидан ҳам, худди мана шу нарса Понтий Пилатнинг ғашига тегар ва шу боисдан маҳкумга бир вақтнинг ўзида ҳам қизиқиб қарар, ҳам нафратланарди. Прокуратор назарлик Исонинг сирини билиб олдим, деб ўйларди: бу дайди башоратгўй ер юзида ғалаён чиқармоқчи, одамларга Янги Салтанат ваъда қилиб, эскини йикмоқчи ва янгининг устига ўтирмоқчи. Оббо, муғамбир! Румо Салтанатининг Кичик Осиёдаги вилоятлари ҳокими бўла туриб, Понтий Пилат ҳаёлига келтирмаган, тўғрироғи, ҳатто орзу қилишга кўрққан нарсаларни нахот шу ожиз ва ночор Яҳудо кўкрагида кўтариб юришга журъат этса-я. Дайди қароматгўй Исони бошқача йўллар билан тергар ва сўрокка тураркан, тажрибакор прокуратор ўзини мана шунга ишонтирар, шунга чоғлар, шундай хулоса чиқаришга ҳозирларди: ҳар сафар ўзини маҳкумнинг ўрнига қўйиб кўрганда, унинг ҳокимлик даъво қилаётганидан тепа сочи тик турарди. Шундан Понтий Пилатнинг жиғибийрони чиқар, шубҳалар ўтида ковурилар — дам Байтулмақаддас Синедриони томонидан Исо устидан куни кеча чиқарилган ўлим ҳукмини тасдиқлаб, ҳокимлик муҳрини босмоқчи, дам буни орқага чўзиб, Румо давлати учун Исо фикрлари ва хатти-ҳаракатлари нечоғлик хавфли эканлигини охиригача аниқламоқчи бўларди...

Унинг осмонда учиб юрган куш ҳақидаги сўзига маҳкум дайдининг жавоби тўғри ва очиклиги, бетакаллуфлиги билан прокураторнинг энсасини котирди. Ундан кўра индамагани ёки тилёғламалик қилгани ҳам тузук эди. Қаёқда, қайтага ўзига-ўзи таскин беряпти: ўлим гўё барчамизнинг бошимизда кезиб юради. «Буни қаранг-а, ўз бошига ўзи эран-қаран ўлим қақиряпти-я, ростданам, қатлдан ҳеч чўчимаётгандай», — куфр бўлиб кетди Понтий Пилат.

— Бўпти, яна аввалга гапимизга қайтамиз. Шўрлик, биласанми, сени нима кутаётганлигини? — сўради прокуратор товуши хириллаб. У боядан бери тез-тез йилтираган башараси, тепакал боши ва ғўладек бақувват бўйинларидан рўмолча билан терини артарди. Прокуратор Исонинг жавобини кутиб, терлаб кетган бармоқларини бирма-бир қа-

сирлатиб қайириб чиқа бошлади. У шунга ёмон одатланганди.— Сендан сўраяпман, нима бўлишингни биласанми?

Исо бошидан нима кечишини ўйлаб, ранги ўчди ва оғир хўрсиниб, деди:

— Шундай, Румо нойиби, мени бугун қатл қилишларини биламан,— базўр оғзидан чиқди унинг.

«... Биламан!» — масхараомуз такрорлади прокуратор ва қаршисида турган шўрлик пайгамбарга ҳам раҳми келиб, ҳам аччиғи кистаб, мийиғида қулганча бошдан-оёқ назар солиб чиқди.

Ковушмаган, бўйни узун, ўсик сочлари патила-патила тўзиган, либослари йиртилган, сандали оломон талаганда тушиб қолган бўлса керак, оёқ яланг Исо прокуратор қошида бошини ҳам қилиб турар,— унинг орқасида сарой Аркининг тўсиклари оша олис тепаликларда шаҳар уйлари элас-элас кўзга чалинарди. Шаҳар прокуратор тергаётган одамга мушток эди. Қабих шаҳар қурбон истарди. Бугун мана шу жазирама иссиқда шаҳарга қонли тўмоша керак эди, унинг қоронғу, сим-сиёх истаклари жунбушга тушмоқни хоҳларди — худди қаҳрли йўлбарс Ливия саҳроларида зебрани тилка-пора қилаётганда чиябўрилар тўдаси алам билан ақиллашиб, увлашганидай оломон ҳам кўчаларда нолафарёд чекиб кўксини тиглайди ўшанда. Понтий Пилат бундай воқеаларни одамлар ўртасида ҳам, жониворлар ичида ҳам кўрган эди. Шунинг учун, чорқўпга миҳлаш қандай бўлишини бир зум кўз ўнгига келтириб, ич-ичдан эти жимирлашиб кетди. Ва юрағи ачишгандай ўкиниб деди:

— Биламан, дейсан! «Биламан» ҳам гапми? Сени у ёққа олиб чиқишгандан кейин биласан...

— Шундай, Румо нойиби, мен буни биламан, ўйласам, эгим сесканиб кетади.

— Сен гапимни бўлма ва нариги дунёга кўпам ошиқаверма, борасан ҳали,— деб тўнгилади прокуратор гапи чала қолганидан норози бўлиб.

— Афв эт, ҳукмдор, беихтиёр оғзимдан чиқиб кетди, гапингни бўлмоқчи эмасдим,— узроҳдик қилди Исо.— Мен ҳеч ерга шошилаётганим йўқ. Мен ҳали яшасам девдим.

— Эса сен куфроний сўзларингдан воз кечиб қўя қолмайсанми? — тиккасига сўради прокуратор.

Исо қўлларини ёзди, унинг кўзлари болаларникидай маъсум эди.

— Менинг қайтиб оладиган сўзим йўқ, ҳукмдор. У сўзлар қисматда бор. Падарим дилимга солган. Унинг ирсасини адо этиб, сўзларини одамларга етказмоғим керак.

— Айтганингдан ҳеч қолмайсан,— норози бўлиб овозини кўтарди Понтий Пилат. Унинг қийғир бурунли, қайишдай каттиқ лаблари атрофига чуқур чизиклар тортилган юзи нафратангиз совуқ тусга кирди.— Мени чалғитаман деб, овора бўлма, ҳаммасини шундок кўриб турибман,— деди у эътирозга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.— Падарим-

нинг сўзлари, уларни одамларга етказаман дейсан. Аслида бу нима? Аслида бу қора халқни лақиллатиш. Уни қўлга олиш! Авомни бузғунчиликка бошлаш. Балки унинг сўзларини менга ҳам етказмоқчидирсан — мен ҳам одамман-ку!

— Ҳозирча. Румо ҳукмдори, сенга бу ҳожат эмас. Билъакс, сенда изтироб йўқ. Сен бошқача ҳаётни орзу қилмасанг ҳам бўлади. Сен учун ҳукмронлик бу — Худо ва диёнат. Ҳукмронлик эса тамомила ўз қўлингда. Сен учун шундан юқори ҳеч нарса йўқ.

— Рост. Румо ҳукмронлигидан ўзга олий нарса йўқ. Умидворманки, сен шундай демоқчи бўлдинг, шекилли?

— Сен шундай деб ўйлайсан, ҳукмдор.

— Ақлли одамлар ҳар доим шундай ўйлаганлар,— илтифотли оҳангда уни тўғрилади прокуратор.— Бекорга айтмаганлар,— уқдира бошлади у.— Қайсар¹ — Худо эмас, лекин Худо — худди Қайсардай. Агар аксинчасига ишончинг комил бўлса, менга исбот қил. Қани! — У Исога мазах қилгандай тикилиб қолди.— Мен Румо императори Тиверийнинг нойиби бўламан. Унинг номидан мен замину замонадаги нарсаларнинг ҳолатларини бирмунча ўзгартира оламан. Сен эсанг бунга аллақандай олий кучни, гўё сен элтаётган қандайдир ўзгача бир ҳақиқатни қарама-қарши қўймоқчи бўласан. Шоён ғалати, шоён ғалати! Акс ҳолда сени бу ерда тутиб турмас эдим. Синедрионнинг ҳукми қачон ижро этилади деб, шаҳар ошиқмоқда. Хўш, қани, жавоб бер!

— Мен нима дей?

— Қайсарнинг Худодан кичиклигига ишончинг комилми?

— Қайсар ҳам ўладиган одам.

— Албатта, ўладиган одам. Лекин у тирик экан, одамлар учун Қайсардан юқори Худо борми?

— Тирикликнинг ўзга ўлчовини олсак, ҳукмдор, албатта, бор.

— Топган гапингни қара-я,— ўзини хафа бўлгандай кўрсатиб, кошларини чимирганча деди прокуратор.— Одамлар кулади демайсан ҳам. Сенинг бу гапларингга ким ишонади билмайман, тушунмайман.

— Зулмдан эзилганлар менга ишонадилар, адолат истаганлар ишонадилар менга. Менинг сўзларим азоб-уқубатлардан тўйган ва кўзёшлар билан суғорилган заминда ниш отиб, кўкаради,— деб тушунтирди Исо.

— Бас! — қўлини ноумид силкиди прокуратор.— Вақт зое кетмоқда.

Улар ўз хаёлларига берилиб, жим қолдилар. Исонинг бўздай манглайи терчилади. Лекин у терларини на кафти ва на узун кўйлагининг йиртиқ энги билан артди, бу хаёлига ҳам келмасди — қўрқувдан томоғига бир нарса тикилган, кўнгли озар, юз-кўзларидан тер куйилар, серпай ориқ оёқлари тагига — мрамор тахтачаларга чакиллаб томарди.

¹ К а й с а р — ҳукмрон.

— Мана шундан кейин ҳам,— деб давом этди негадир овози ичига тушиб кетган Понтий Пилат,— Рим ҳукмдори сенга озодлик беришини хоҳлайсанми?

— Шундай, яхши ҳукмдор, мени қўйиб юбор.

— Кейин нима қиласан?

— Эларга Худонинг каломини етказаман.

— Одамларни аҳмоқ қиламан де! — деб кичкирди прокуратор ва захраси учиб ўрнидан туриб кетди.— Ана энди ишондим. Сени хақиқатан тахтага тортиш керак экан. Сени фақат ўлим тинчитади!

— Сен янглишасан, шонли ҳукмдор, ўлим руҳ олдида ожиз,— катъият билан дона-дона қилиб деди Исо.

— Нима? Нима дединг? — ўзига ишонмай хайратланди Понтий Пилат Исога яқинлашиб бораркан, унинг ғазаб ва хайратдан ўзгариб кетган юзи қизғимтир қора доғлар билан копланди.

— Сўзларимни эшитинг, ҳукмдор.

Понтий Пилат нимадир демоқчи бўлиб, ўпкасини тўлдириб нафас олди, қўлларини силтаб юкори кўтарди, лекин шу пайт шахсуворнинг гурсиллаган қадам товуши эшитилди.

— Нима дейсан? — ковоғини солиб сўради прокуратор унинг қошига қандайдир ўроғлик қоғоз кўтариб келаётган қуроли сарой аскардан.

— Сизга юбордилар,— деб қиска жавоб берди аскар ва шу заҳоти кўздан йўқолди.

Понтий Пилатга хотини хат йўллаган эди: «Ҳукмдорим, сиздан ўтиниб сўрайманки, ўша саргардон йўловчига оғир азоб берманг. Одамларнинг айтишларига қараганда, уни Христос дер эмишлар. Ҳамма уни беэиён, такводор одам дейди. Ҳар турли майиб-машриқлар, касал бечораларни тузатар эмиш, мўъжизакор эмиш. Уни Худонинг ўғли, Масих, Яхудонинг султони десалар, кулоқ солманг, балки тухмат қилишаётгандир. Яна билмадим, бунга менинг ақлим етмайди. Яхудолар қандай жанжалқаш, сергалва халқ эканлигини ўзингиз биласиз. Миш-мишлар рост чикса-чи, унда нима бўлади? Қора халқнинг оғзида юрган гап кейин кўпинча тўғри чиқади-ку. Мабодо, бу сафар ҳам, рост бўлса, унда сизни тавқи лаънат қиладилар. Эшитишимча, бу ердаги синагоғларнинг кишилари ва шаҳар оксоқоллари Исога халқ эргашганини кўриб, кўрқиб кетганмишлар, ундан ўч олиш пайига тушганмишлар. Рухонийлар Исони қўролмай, жоҳил оломонни унга қарши бўхтон қилиб тезлаган эмишлар. Кеча унинг этагида ибодат қилганлар, бугун уни тошбўронга тутидилар. Ожиз ақлим билан бир нима деёлмайман-у, лекин азизим Пилат, завжайи мухтарамим, агар сиз бугун бу савдойини қатл этишга муҳр чексангиз, кейинчалик фақат сизни ёмонотлик қиладилар. Ахир, биз ўла-ўлгунча бу ерда қолиб кетмасмиз-ку. Мен сизни Римга олий унвонлар ва иззат-хурматлар билан қайтишигизни истайман. Асло бунга йўл қўйманг, азизим Пилат. Боя соқчилар олиб ўтишаётганда, унга кўзим тушди, худди ёш илоҳ каби кўркам

йигит экан. Биласизми, кеча бир туш кўрибман. Кейин ўзингизга сўйлаб бераман. Жуда муҳим. Ўзингиз ва наслларингиз бошини маломатга қўйманг!»

— Ё худо, худо! Не гуноҳ килдим сенга? — деб инграб юборди Понтий Пилат. Ва яна нечанчи маротаба бу девонасор, мажзуб, ёлгон пайгамбарни дарҳол, ҳеч қандай ортиқча гап-сўзсиз кўриқчилар билан шаҳар ташқарисига, Ғулқоф қатлгоҳига жўнатиб юбормаганлиги учун афсус-надомат чекди. Ахир Қуддус ҳақаму ҳуқамолари шуни талаб қилишмаяптими. Мана энди, ҳокимлик идорасига бош қўшмаган бир хотини қолган эди. Бунда ҳам у Исо тарафдорларининг яширин қўллари кўргандай бўлар, йўқ деганда, буларнинг барини осмон кучларининг бу ишга қилаётган қаршилигига йўярди. Бироқ дунёнинг ишлари маъбудларни унчалар кизиктирмайди. Хотини эса, ноқис ақли билан сиёсатни тушунармиди. Қайсарларни беҳурмат қилиб юрган шубҳали дайди Исони деб, Румонинг содик фуқаролари бўлмиш руҳонийлар Қайфафа ҳамда Байтулмақаддас аъён-ашрофлари билан орасини бузсинми, уларни ўзига душман қилиб қўйсинми? Бунинг унга нима кераги бор? Ажабо, бу нусханинг нимаси чиройли? Ёш илоҳ каби эмиш! Ёш бўлса бордир. Шунга шунчами. Унчалар мактайдиган жойи йўқ. Ана турибди, оломон калтаклаган итдай. Хотинининг кўзига нечук кўринди экан? Ҳукмдор хатни мулоҳаза қилиб, ўйчан кезинди. Сўнг оғир хўрсиниб, яна жойига ўтирди. Илгари ҳам шу фикр неча бор калласига келганди: бундай қарасанг, одамлар жуда пастга ўхшайдилар — бавл қиладилар, хўллайдилар, қўшиладилар, туғиладилар, ўлиб-кириладилар, тагин туғиладилар ва ўладилар, қанчадан-қанча ёвузликлар ҳамда тубанликларни ортмоқлаб юрадилар, мана шундай қабоҳат ва баттаринликлар ичида яна қаёқлардандир — башорат, қаромат, расуллар, руҳият эъжозлари ҳам пайдо бўлади. Манавини айтмайсизми энди — у ўз кадрига шунчалар ишонадики, худди осмонда учиб юргандай, туш кўраётгандай. Лекин, бас. Унинг ҳушини жойига келтириб қўйиш керак! Етар энди!

— Ҳар ҳолда мен шу нарсани билмоқчи эдимки,— дея мурожаат қилди прокуратор ҳамон ўз жойида жимгина турган Исога қараб,— айтайлик, сен соддафаҳм одамлар ичида ғалва кўзгаб турган ёвуз ниятли киши эмас, ҳудожўй, такводор бир кимсасан. Айтайлик, сен Адолат салтанати ҳақида сўзлайсан ва Румо қайсарининг жаҳонга ҳокимлик ҳуқуқини тан олмайсан. Айтайлик, хўп, мен сенга борингки, ишондим: хўш, менга тушунтириб бер-чи, сени ўлимга боришга нима мажбур қил-япти? Юрагингни оч менга, нима истайсан? Мабодо, сен шу йўл билан Исроил халқига подшолик қилмоқчи бўлсанг, унда мен буни маъқулламайман, аммо ниятингни тушунаман. Бироқ нима учун сен бошда-ноқ ўтирмоқчи бўлган шохни кесиб ташламоқчисан? Қайсарнинг ҳокимлигини тан олмай қандай қилиб Қайсар бўлмоқчисан? Сени тирик қолдириш ва ёхуд қатлга жўнатиш менинг измимда. Буни ўзинг биласан. Хўп, нега индамай турибсан? Тилинг гапга айланмай қолдимми?

— Шундай, Румо нойиби, мен кийноқдан кўрқяпман. Лекин мен ҳеч қачон Қайсар бўлмоқчи эмасман.

— Унда шаҳар кўчаларига чиқ, тавба қил, янглишган эканман, деб айт. Ёлғон хабарлар қилдим, ёлғон башоратлар айтдим, мен Яхудо подшоси эмасман, деб жар сол. Қора халқни алдама, йўлдан урма, орқангдан эргаштирма, дилларига иштибо солма, жинойтларга бошлама. Ҳеч қандай Адолат Салтанати бўлиши мумкинмас. Доимо мавжуд нарсаларгина адолатли. Дунёда император Тиверий бор ва у жаҳон биносининг мустаҳкам устунли. Сен Адолат Салтанати деб, ҳавоини одамларни йўлдан оздиряпсан. Сен айтган салтанат — йўқ нарса! Ўйлаб кўр! Ўзингни ҳам, бошқаларни ҳам бошларини айлантирма. Сен ўзинг ким бўпсан, Румо императорини ташвишга кўядиган, — кўча-кўйда кезиб юрган дайди, даргумон набий, бакирок ваъзхонсан, Яхудонинг ерлари сенга ўхшаганларга тўлиб-тошиб ётибди. Бироқ сен ўз таълимoting билан одамлар юрагига васваса соляпсан, руҳонийлар руҳонийси тинчини йўқотган, шунинг учун рўёларингни фош қил. Сўнг Шом ёки бошқа ўлкаларга чиқиб кет. Мен ҳам сенга ёрдам қилай. Вақт борида, рози бўл. Нега яна мик этмайсиң?

— Биз бир-биримиздан жуда ҳам фарқли одамлар эканмиз, Румо нойиби, бир-бировимизни тушунишимиз қийинга ўхшайди, мен шуни ўйлаяпман. Мен мунофиқлик қилиб, Худонинг илми-рўҳидан воз кечолмайман. Унда сенга ва Қайсарга манфаат етиб, ҳақиқат завол тутадик-ку?

— Гапни айлантирма. Римга нимаики фойдали бўлса, ўша нарса аъло.

— Ҳаммасидан аълороқ бу ҳақиқат — ҳақиқат эса, битта. Иккита ҳақиқат бўлмайди.

— Яна доғулилик қияпсанми?

— Аввал ҳам доғулилик қилмаганман, ҳозир ҳам. Менинг сенга жавобим шу: биринчидан, ҳақиқат ҳақи айғилан сўздан қайтиш йўқ, зеро, сен ўзинг шуни истаяпсан. Иккинчидан — қилмаган ишининг журмини гарданга олмоқ жойиз эмас ва қорақуя каби бўҳтонлардан кўкракка урмоқ билан қутулиб бўлмас. Асоссиз бўҳтоннинг умри қисқадур.

— Лекин ҳаммадан бурун сенинг кунинг битиб турибди, Яхудонинг подшоси! Демак: сен қандай бўлмасин, халос йўлини тутмайсан ва ўлимни танлайсан, шундайми?

— Менга халос бўлмоқнинг фақат шу йўлигина қолган.

— У қандай йўл?

— Дунёни халос этиш йўли.

— Жинниликни бас қил! — токати тоқ бўлди Понтий Пилатнинг. — Демак, ўз ихтиёринг билан бошингни сиртмоққа тикасанми?

— Шундай бўлиб чиқади энди, менинг бошқа йўлим йўқ.

— О худолар, худолар! — ҳорғин шивирлади прокуратор манглайини чуқур тилиб ўтган чизикларни сийпаб. — Ёндираман дейди-я кун,

айнимасмикин ишқилиб? — деб тўнғиллаб қўйди ўзига ўзи у. Сўнғ катый бир карорга келди: «Менга нима зарур? Ўз фойдасини билмаганинг ёнини олиб нима қиламан? Кизиқман-да, ўзим ҳам!» Кейин айтди: — Ундай бўлса, мен бу ишдан қўлимни ювиб қўлтиғимга ураман!

— Ихтиёринг, нойиб,— жавоб килди Исо ва бошини солиптирди.

Улар яна сукутга чўмдилар. Шунда афтидан ҳар икковлари саройдан ташқарида соя-салқин боғлардан нарида Қуддуснинг офтоб ўртаган паст-баланд кўчаларида дам ўғмай портлашга тайёр теран сукунат чўкканлигини баб-баравар ҳис қилдилар. Ҳозирча кулоқларига ноаён шовқин эласлаб қалинар — эрта тонгдан одамлар, от-уловлар ара-лаш-қуралаш бўлиб кетган бозорларнинг гала-говури келарди. Паст ва юкори олам ўртадан иккига бўлинган эди: сарой деворлари ортида қуролли соқчилар айланиб юришар, пастроқда, чоғроқ дарахтзорда эса суворийлар кўр ташлаган эдилар. Отлар думлари билан пашша кўраётганлари шундоқ кўзга чалинади.

Кўлимни ювामан дегач, прокуратор ўзини бир қадар енгил сезди, зеро, энди бемалол айтса бўларди: «Мен қўлимдан келганча ҳаракат қилдим. Худолар шохид, унга ўжар бўл, оёғингни тираб тур, омолингни хаётингдан баланд тут, деганим йўқ. Лекин у сўзидан қайтмади, майли, у айтганча бўлсин. Бизга шуниси ҳам маъқул. У ўлимига ўзи муҳр босди...» Понтий Пилат шуларни ўйларкан, бирваракай хотинига берадиган жавобини ҳам пишгарди. Қазову қадарда ёзилган тақдирини жимгина, сирли жилмайиб кутаётган Исога қия нигоҳ ташларкан, ҳукмдор яна шуларни хаёлидан кечирди: «Шу тобда нималарни ўйлаётган экан бу одам? Ҳойнаҳой, ичида қаттиқ афсус чекаётгандир? Тўқиб чиқарган ғалати гап-сўзлари ўз бошига етганлигини балки тушуниб қолгандир? Лекин негадир улардан воз кечолмади. Ўз тузоғига илинди. Ана энди, қутулиб кўр-чи: ҳамма-ҳамма учун — бутун замин у замона, бутун бани башар учун — битта Худо. Битта имон. Ҳамма-ҳамма учун битта Адолат Салтанати. У нимага шама қияпти? Несини айтасиз, ҳамма-ҳамма шунчи хоҳлайли. У худди шуни кўзлаб иш тутган! Лекин хаёт бизни ана шундай ўргатади, хаддан ошиб, муғамбирлик қилсак, жазолайди. Пешонангга ёзилмаган тахту бахт учун талашсанг, холинг ана шундай забун бўлади. Кўнгли тахт тилаганини қаранг! Қора халққа қутку солиб, Қайсарга қарши ғалаёнга қақирган, у тўдадан бу тўдага ўтиб дунё тинчинни ўғирламоқчи бўлган. Одамнинг азал тартибот қурилмасини остин-устун қилишни ўйлаган. Бевош тентак! Қойил-э! Йўқ, бундай одамни сира тирик қолдириш мумкин эмас. Кўринишдан калтакланган, шўрига шўрва тўқилган паррихтага ўхшайди. Лекин юрагида нималар яширинган, худо билади — кўзлаган ишларини кўринг, фақат буюк ақл эгасигина бунақа режа тузишга қодир. Унга қараган одам сира шундай деб ўйламайди!»

Прокуратор Понтий Пилат ўзини шу каби ўйлар билан овутарди. Унга яна бошқа бир нарса ҳам таскин берарди. Энди Исо Масихо юзасидан синедрион ҳукмини тасдиқлашни очикдан-очик талаб қилаётган

муфтилар муфтиси Кайафа билан тортишиб, талашиб ўтиришга ҳожат қолмаган эди.

— Даргумон бўлмагилки, эй ҳаким ҳукмдор, ўз ишингдан ўзинг мамнун бўласан ва не қилсанг, ҳақ қиласан,— деб кўйди Исо, худди ҳукмдорнинг ичидаги фикрларни ўқигандай.

Понтий Пилатнинг фиғони ошди.

— Менинг ғамимни емай қўя қол,— Исони силтаб ташлади у,— мен учун Римнинг манфаати ҳар нарсадан юқори. Сен ўзингни ўйла, эй шўрлик!

— Маъзур тут, шавкатли ҳукмдор, менга бу сўзларни айтмасанг ҳам бўларди.

— Айни муддао. Хали ҳам кеч эмас. Яна ўйлаб кўр. Кейин ачиноиб юрма. Мен ҳозир ичкарига кириб чиқаман. Келгунимча ўз фикрингни ўзгартирмасанг, унда охириги сўзимни айтаман. Бани Исроилнинг шохиман, оламнинг таянчиман, мен бўлмасам, ернинг холи не кечади, деб ҳаволанма. Билъакс, ҳамма нарса ўчакишгандай сенга қарши. Вақтинг ҳам алақачон тугади. Сўзингдан қайтсанггина бошингни халос этасан. Уқдингми?

— Уқдим, ҳукмдор...

Понтий Пилат елкасига ташлаган кенг ридосини тўғрилаб, сарой ичкарисига кириб кетди. У суякларни йирик, боши катта ва сочи қолмаган, улуғвор, ўз шаъни-шавқати ва куч-қудратига ишонган киши эди. Арк айвони ҳовлисидан ўтиб бораркан, унинг кўзи яна осмон бағрида парвоз қилиб юрган қушлар шоҳига тушди. Бу бургутмиди ёки шунга ўхшаш бир қуш, у билолмади, бунга ҳозир қизикаётгани ҳам йўқ эди, ҳозир ҳаёлини қушга асло кучи етмаслиги, уни ўз измига бўйсундиrolмаслиги тамомила банд этганди — рост-да, на уни кўрқита ва на ҳайдаб юбора олади ва на қақриб, қўлига қўндира олади.

Ҳукмдор қошларини чимирди, кўк токига кирғийқараш билан бокди: э-хе, айланишини қаранглар-а, тинмайди қурмағур, ҳеч нарса билан иши йўқ. Бу қуш худди само султонига ўхшайди, деб ўйлади у. Бежиз уни шаҳаншоҳ қудратининг рамзи деб билмайдилар — бургутнинг боши кучли, тумшуклари пайзадай уткир, кўзлари чўғдай ёнади, қанотлари худди чўяндан қуюлганга ўхшайди. Шаҳаншоҳ ҳам шундай бўлмоғи даркор! Шаън юсакларда учмоғи, ҳалойикқа кўришиб турмоғи жоиз, токим унга ҳеч кимса етолмасин... Ва ўша мумтозлик мақомидан туриб оламни идора этсин. Ҳеч кимга ва ҳеч нарсага ўзини тенг кўрмасин. Ҳатто шаҳаншоҳнинг худолари ҳам бошқалардан мутлақ фарқли, фақат ўзига тегишли бўлсин. Тобеларга локайд ва кибру кубаро билан боксин. Куч-қудрат мана шунда, мана шу ҳокимият барчани титратиб-қақшатади, дунёнинг тузуги ва устиворлиги ҳам шунда. Анави Исо эса ғоятда ўжар, таълимотига ғоятда ишонади, шаҳаншоҳдан тортиб қора қулгача барчани баробар қилмоқчи бўлади, зеро, Худо битта ва жамийки одамлар унинг қошида тенг, дейди: ҳамма учун Адолат Салтанати келади, деб жар солади. У бани башар ақлини васвасага

қўйди, авомни бузди, дунёни ўз хошиш-иродасига кўра қайтадан бичмоқни кўзлайди. Нима чикди бундан? Ўша оломоннинг оқ калтак-қора калтагига учради, сохта башоратгўй, сохта расул, ёлгончи ва лўттибоз деб башарасига тупуришди... Қандай одам экан-а? Ахволига маймунлар йиғлапти-ю, писанд қилмайди, гўё у эмас, уни жазога тортаётганлар енгилгандай...

Рим императорининг Кичик Осиёдаги нойиби, ўзи ҳам салкам шаханшоҳдан қолмайдиган ҳукмдор Понтий Пилат Исони бир неча дақиқага ёлғиз қолдириб бораркан, ана шуларни ўйларди. Майли, Исо ёлғиз қолсин, тубсиз чоҳ ёқасида турганлигини ҳис қилсин. Унинг иродасини синдириш керак. Токи тиз чўксин, ялиниб, ёлворсин. Ҳамма учун тенг-баробар воҳид Худодан, тенглик, биродорликдан воз кечсин. Сўнг уни бели синдирилган калтакесакдек Бани Исроил заминидан қувғин этилади. Борсин, санғисин, дайдисин, дом-дараксиз йўқолсин. Ўшанда узокқа бормайди, эътиқоди суғуст чўликларнинг ўзи бўйнига уриб ўлдирадилар...

Кўпни кўрган омилкор ҳукмдор Понтий Пилат дилини босган шубҳа-гумонларини ўй-ўйлаб бартараф қилмоқчи, янги чикқан бидъатни даф этишликнинг энг тўғри, энг фойдали ва энг ибратли чорасини топмоқчи бўлиб уринарди. Арк айвонидан чиқиб кетаркан, маҳкум ёлғиз қолгач, ўз ахволининг нақадар аянчли эканлигини тушуниб етади ва мен қайтиб келганимда оёқларимга йиқилиб, нажот сўрайди, деб умид боғларди прокуратор. Лекин ҳукмдор билсайди. Мана шу қисқагина дамларда ушбу ғаройиб одам бутунлай бошқа нарсани ўйлар, ростини айтганда, у буткул хотиралар оғушига чўмганди. Зеро, хотирлаш ҳам тирикларга хос, бинобарин, ҳаёт билан видолашаётган онларда одам боласига шундан бошқа яна нима қолади.

Ҳукмдор қадамлари узилиши биланок ён тимлардан тўрт посбон чикди-да, гўё маҳкум кочиб кетадигандай Арк айвоннинг тўрт томонига бориб турди. Маҳкум сарой посбонларидан бирига мурожаат қилиб, сўради:

— Ўтирсам бўладими, ай, яхши посбон?

— Ўтир,— деди посбон найзасини тош саҳнга дўк этиб уриб.

Исо девордан туртиб чикқан мармар супачага ўтирди, унинг елкалари ҳорғин эгилган, ориқлаган, қони қочган, юзи пастга тўлқинланиб тўкилган узун қорамтир сочлари билан чулғанган эди. У қўли билан кўзларини беркитган кўйи хаёлга фарқ бўлди. «Сув бўлса, ичсайдим,— деб ўйлари у,— дарё бўлса, чўмилсайдим». У қирғоқ бўйларида оқар сувларни шундоқ кўз ўнгига келтирди — сув ерни чўлп-чўлп ўпиб, майса-гиёҳларни силаб-сийпалаб оқиб боради, қулоқларига гўё сув шалдирагани чалинди, гўё аллакимдир уни қайиққа тушириб, бу ердан қайларгадир олисларга олиб кетмоқчи бўлаётганга ўхшайди. Онаси экан. Онаси кўрқинч ва ҳаросонлик ичра унга томон сузиб келарди. «Ойи! — эшитилар-эшитилмас пичирлади у.— Ойи, мен жуда қийналиб кетдим! Ўтган кеча Ҳефсиманияда Зайтун тоғда чўликларим билан бирга эдим.

Ўшанда бошимга қора тун каби ҳасрат ёғилди. Юрагим тарс ёрилай деди. Кўзимга уйқу келмади. Ўзимни кўярга жой тополмадим. Дилимни аллақандай даҳшат босди ва баданимдан тер ўрнига қон сизиб чиқди. Шунда мен Раббимга, осмонда Падаримга ёлвордим. «Раббано,— дедим.— Ажал қосасини бу сафар менга тутмай кўя қол! Яна ўзинг биласан, Сенинг ҳукмингга тобеман». Мана, ўша ажал шарбати билан лиммо-лим тўла қоса менга дам сайин яқинлашиб келяпти, у мени ташлаб ёнимдан ўтиб кетмайди, у муқаррар менга аталган, сиз бунинг нима эканлигини биласиз, ундан қочиб қутулмоқ йўқ. Бундан чиқди, менинг бошимга не синаотлар тушажагини олдиндан билган экансиз-да, унда, шунча йиллар, ё илоҳам, онажоним, меҳрибоним, менга жон ато этиб, умид, орзулар билан парваришлар қилиб, ҳаммасига қандай чидадингиз, ахир. Мени раббим яратганда, мана шу улуғ ва аламангез кун учун, энг шўрида кун учун яратган экан-да; зеро, одам боласига ўз ўлиmidан кўра мусибатлироқ нарса йўқ, она учун эса ўз пушти камаридан бўлган фарзанди ҳалокати — ундан юз чандон оғирроқ ва қайғулироқдир. Кечир, мени, онажон, сенинг ёзмишинг мендан эмас, ёлғиз Падарим Раббимдандир. Шундай бўлгач, Ундан ёзғирмайлик, Унга мусаллам нигоҳ билан қарайлик. Бор қилгувчи ҳам, йўқ қилгувчи ҳам иродасидир!»

У онаси Марйамни эсларкан, болалик чоғларида, беш яшар пайти бошидан кечирган бир воқеа ёдига тушди. Ўша кезлар уларнинг хонадонлари подшоҳ Ироднинг таъқибидан қочиб, Мисрда кун кечирарди. Ирод янги туғилган гўдак — бўлажак Исо Масихонинг жонига қасд қилган, зотан, қоҳинлардан шу кунларда Бани Исроил шоҳи дунёга келди, деган хабарни эшитганди. Бу орада болани яшириб-яшириб катта қилдилар. Улар турган ердан пича нарида жуда катта тўлғин дарё оқарди. Нили муборак деганлари шу бўлса керак — у бетидан бу бети кўринмайдиган улуғ дарё эди. Шу ерлик бошқа аёллар каби Марйам боласини ёнига олиб кир чайгани дарё бўйига тушарди. Улар ўша қуни дарёга келганларида, бир чол қайиғини қирғоқда тўхтатди, оҳиста уларга яқинлашди-да, Марйам ва болакайга илтифот билан салом берди. «Отажон! — деди унга қарата Марйам.— Қайиғингизда ўғлимни сайр қилдирсам, майлими? Жуда ҳам қайиққа тушгиси келяпти, тентаквойнинг». «Майли, Марйам,— деб жавоб берди чол,— бу қайиқни мен шунга олиб келдим. Унда ўғлон Исони ўйнатгил». Чолнинг ўғли ва ўз отини айтиб қақирганидан Марйам ҳайрон бўлиб ўтирмади. Лекин чолдан эшқакни сиз эшинг, деб сўрагани ўғирилган эди, чол худди ҳавода эриб кетгандай бирдан кўздан ғойиб бўлди. Марйам бундан ҳам таажубга тушмади. Болакай қайиққа тушар эканман деб, шу қадар суюниб кетган, азбаройи қувонганидан осмонга сакраб ўйнар, онасини тезроқ бўлинг деб, шоширарди. Шундан сўнг Марйам қирларини қирғоқ бўйидаги тошлар устига ташлади, ўғлини кўтариб, қайиққа ўтқизди, қайиқнинг боғини ечди, дарёга итариб туширди, қайиққа сакраб чиқди, болани тиззасига олиб ўтирди ва улар дарё оқими бўйлаб сузиб кетдилар.

Кирғоқнинг яқингинасида порлаб турган сув узра сузиш — о, қанчалар ғаройиб эди — саёзроқ жойларда қамишлар шувиллаб салом бераб, соҳил бўйларида гуллар чаппар уриб очилиб ётар, бутазорлар оралаб анвойи рангли қушлар не турфа товушлар билан сайрар, илик ҳавода капалаклар учиб-кўниб яйрашар, чирилдоқлар чириллашарди. Оҳ, не фароғат эди бу! Марйям оҳиста хониш қилиб куйлай бошлади, у беҳад бахтиёр эди, ўғлининг эса қайикда сузиб бораётганидан боши осмонда эди. Бундан Марйямнинг дили янада яйрарди. Бу орада, улар ҳам унчалар узок сузмаган, кирғоқдан ҳам олис кетмаган эдилар — дарёнинг саёз ерида ётган каттакон тўнқага бирдан жон кирди ва сувни ўқдек кесиб, уларга қараб таҳдидли сузиб кела бошлади. Бу ғоятда баҳайбат тимсоҳ бўлиб, унинг дўлайган кўзлари еб қўяман деб, оч тикиларди. Болақай кўркиб кетиб чинқириб юборди. Марйям шамдай қотган, нима қилишини билмасди. Тимсоҳ қайикни думи билан уриб ағдариб юборишга сал қолди. Марйям эшқакни ташлаб, болани маҳкам бағрига босди. «Ё, Раббим! — ёлворди у. — Ўғлинг бу! Ўз ўғлинг Исо! Уни ўзинг бергансан! Ўзинг мадад қил, ё Раббим! Ўзинг уни халос эт!»

Хотин шунчалар кўркиб кетган эдики, кўзларини чирт юмиб, Оламини яратганга ва фарзандининг Самовий Падари бўлганга ёлворгани ёлворган эди. «Бизни тарк этма, Худоё. У ҳали сенга керак бўлади!» деб кичкирди Марйям. Бошқарувсиз қолган қайикни сув тубидан тимсоҳ италади ва у оқиб кетди. Марйям бир замон кўзларини кўрка-писа очди, шунда қувонганидан кичкириб юборди. Қайиқ кирғоқ четида тўхтаган, худди биров уни атай шу ерга келтириб қўйгандай эди. Тимсоҳ шундан сўнг орқасига қайрилди, у узокларда кўздан ғойиб бўлди. Эсҳушини йўқотган Марйям эса қайикдан отилиб тушдию хўнғир-хўнғир йиғлаганча ва суюниб қулганча соҳил бўйлаб чопиб кетди. У болани бағрига маҳкам босган, уни тўхтовсиз ўпар, кўзёшларига ғарқ қилиб, энтикиб такрорлагани такрорлаган эди, «Исо! Исо! Кўзимнинг оқу қораси ўғлим! Падаринг сени таниди! У сени халос этди! Ўзи сени халос этди! Сени суйди, сен унинг суюмли ўғлисан, Исо! Сенга донолик ато этди, сен ҳаким бўлдинг, Исо! Сен энди раббисан, Исо! Энди одамларнинг кўзларини очасан, Исо! Улар сенинг изингдан боражақлар Исо. Сен ҳеч қачон, ҳеч қачон, ҳеч қачон одам болаларидан юз ўғир-маяжаксан!» Ана шундай шоду муқаррам нола қиларди «завжалар ичра мухтарам».

Худонинг ўғли мўъжиза юз бериб, хавф-хатардан омон-эсон қутулганидан Марйям ўзида йўқ қувонарди. Бу Яратганининг қаромати эканлиги унинг ҳаёлига келмасди. Ирод зуғумидан Мисрга қочган банно Юсуфнинг жигарбанди Исо кимлигини одамларга шу янглиғ маълум қилган эди Яратган. Бинобарин, Марйям боласини кўтариб ерга тушиб югуриб кетган заҳоти қайиқ ҳам дарёда бир зумда ғойиб бўлган, дарё ёқасида кир чайётган, унинг бақирганини эшитиб, чопиб келган хотинлар эса кейинчалик сиз қочиб бораётганингизда болангизнинг боши теңарагида нузли олтин чамбар кўринди, деб ишонтиришганди.

Бу барчани ҳайратга солди. Кичкина Исо волидасининг кўксига маҳкам ёпишиб, бўйниларидан ачомлаб: «Ойи, мен катта бўлганимда ўша тимсоҳни думидан ушлаб оламан. Кейин бизни бошқа ҳеч кўрқитмайди!» — деб айтганда, ҳаммаларининг диллари юмшаб, кўзларига ёш олган эдилар. Болакайнинг сўзлари кўнгилларини яйратиб юборди ва қайиқнинг эгаси ким экан-да, деб эслай бошлашди. Шунда ўша чолни бу атрофда ҳеч ким танимаслиги ва ҳеч қачон кўрмаганлиги маълум бўлди. Банно Юсуф ўша сирли қайиқчини кечирим сўрай ва зарарнинг ҳақини тўлай деб, кўп кунлар ахтарди, лекин асло изини топмади...

Исо сабийлик чоғларида мана шундай саргузаштни бошидан кечирган ва ўша воқеаларни мана ҳозир, Арк айвонида туриб, волидаи муҳтарамасидан унга етказган азоб-уқубатлари учун узрхоҳлик тилаганда, яна бир карра эслади. «Мен сиз билан видолашаман энди, онажон,— дерди у хаёлан онаизорга,— мени қатл оғочига тортган чокларида сизни ёд этиб улгурмаслигим мумкин, ўшанда мендан ранжида хотир бўлмагайсиз. Бугун иссиққа чидаб бўлмаяпти. Мен ўлимдан кўрқяпман. Оёқларим совқотяпти. Мени кечиринг, онажон, ва ушбу судманд дамда тақдирдан нолиманг. Сизга сабр-тоқат берсин. Одамлар Яратган учун энг оғир юк экан. Одамзодда бор ҳақиқатни ўз ўлимим воситасида барқарор қилмоқдан ўзга йўлим ва ўзга чорам йўқ. Бани башар сари ўзга йўл топмадим. Мен улар сари қадам қўйдим. Алвидо, мени кечиринг, она! Ўша тимсоҳнинг думидан ҳам туюлмадим, афсус. Айтишларича, тимсоҳлар жуда узок, икки-уч инсон умрини яшар эмишлар. Ушлаганимда ҳам, барибир, қўйиб кюрган бўлардим... Уволку... Яна шуни ҳам ўйладимки, онажон, агар ўша қайиқчи чол қиёфасига кирган малоика бўлса, эҳтимол у билан нариги дунёда учрашиб коларман... Эсида турганмикин ўшандаги воқеа? Қадам товушларини эшитяпман, ихтиёрсиз қотил — Понтий Пилат келяпти. Алвидо, она!»

Понтий Пилат Арк айвонидан қандай шахдам чиқиб кетган бўлса, шундай шахдам қадамлар ташлаб қайтиб келди. Посбонлар дарҳол кўздан ғойиб бўлдилар ва икковлари яна айвонда ёлғиз колдилар. Уни кўрган заҳоти ўрнидан турган Исога маънодор нигоҳ ташлаган ҳукмдор ҳаммаси ўзи истагандай бораётганлигини тушунди. Маҳкум сўнгги қадамга чоғланган эди. Лекин бу сафар ҳам прокуратор отни камчилмасликни афзал кўрди. Шусиз ҳам иш кўнгилдагидай кетаётган эди.

— Хўш, нима ҳам дердик, қарасам, гапимиз тугаб қолганга ўхшайди,— деди Понтий Пилат ҳали жойига ўтирмасданок.— Гапингдан қайтмайсанми?

— Йўқ.

— Бекор қиялпсан! Яна ўйлаб кўр!

— Йўқ! — бошини сарак-сарак қилди Исо.— Бўлар иш бўлди.

— Бекор қиялпсан! — деб қайтарди Понтий Пилат ўзига ишонқирамаган оҳангда. Лекин ичидан зил кетди. Иса Назарлининг матонати уни лол қилиб қўйганди. Шу билан бирга у Исонинг ўз аҳдидан

кайтишини, тавба-тазарру қилиб, раҳм-шафқат сўрашини хохламасди. Исо ҳам барини тушунди.

— Кўп ёнаверма,— табассум қилди у салимона.— Сўзларинг чин дилдан деб ишонаман. Сени тушуниб турибман. Мен ҳам яшагим келади. Адам остонасида турганида одам ҳаётнинг қанчалар қимматли эканлигини англайди. Онамга юрагим ачийди. Мен уни жуда ҳам яхши кўраман, болагимдан бери яхши кўраман, лекин буни ўзига айтган эмасман. Лекин нима бўлмасин, Рим ноийби, эсингда тут: сен бир одамнинг жонини қутқаришинг мумкин эди. Сенга бунинг учун минг-минг ташаккур. Мен эсам, кўпни халос этишим, ҳатто биздан сўнг келадиганларни ҳам халос этишим керак.

— Халос этиш дейсанми? Сен ер юзида бўлмасанг ҳам, халос этасанми?

— Ҳа, бунинг учун жисман одамлар ичида бўлишим шарт эмас.

— Ўзингдан кўр. Бу гапга бошқа қайтмаймиз,— қатъий қилиб деди Понтий Пилат яна таваккал этишликни истамай.— Аммо охириг саволимга жавоб берсанг дедим...— деди у тахт олдида тик туриб қолганча ўсиқ қошларини уюб ўйланаркан.— Ҳозир гаплашиш сенга малол келмайдими? — деб сўради у бир оз жим қолгандан сўнг ўзини Исога яқин олиб.— Агар оғирлик қилса, ўзингни, майли, зўрлама, мен сени ушлаб ўтирмайман. Сени Ғулқофда қутишяпти.

— Ихтиёр сенда, ҳукмдор, амрингга мунтазирман,— деб жавоб берди Мусоҳиб ва ҳукмдорга тиник кўккўзларини тикди. Унинг нигоҳида акс этган фикр-хаёли қудратидан прокуратор тонг қолди. Ғўё уни тоғда ўлим жаври қутмаётгандай.

— Ташаккур,— деб миннатдорчилик билдирди Понтий Пилат қутилмаганда.— Унда менинг охириг саволимга жавоб бер. Шуни билмагунча тинчимайман. Озод одамлар каби очик сўзлашайлик. Мен сенга боғлиқ эмасман. Сен ҳам буткул эрк бўсағасида турибсан. Демак, очик гапласак бўлаверади,— деди у ўз жойига ўтираркан.— Айт-чи, сен ўз тарафдорларингга, шогирд-чўлиқларингга мени мабодо қатл этсалар, учинчи кун деганда тирилман ва қулғу бир кунда қайта дунёга келаман, барчани, олам яралгандан бери ёруғ жаҳонга меҳмон бўлган жамийки одамлар наслларини ва ҳатто энди туғилажак авлодларни қиёмат сўроғига тутаман, деганмисан? Мен сенинг акидаларингга ишонмайман. Аммо бу сенинг оламга иккинчи бора ташриф буюришинг бўлармиш. Шундайми?

Исо, гап бу ёқда экан-да, ана холос, дегандай ғалати илжайди. Оғирлигини муздай тош устида у оёғидан бу оёғига олиб, жавоб берсаммикан ёки шарт эмасми, деган каби бир зум сукутга толди.

— Бу ҳавойи гапларни Иуда Искариот айтгандир-да?— сўради у киноя билан.— Сен бундан жуда ташвиш чекяпсанми, ҳукмдор?

— Мен Иуданинг кимлигини билмайман. Лекин менга зоти бобаракотлар, муҳтарам оксоқоллар айтишди. Демак, буларни бари бекорчи гапларми?

— Нима деб ўйласанг, ихтиёринг,— совуқ жавоб берди Исо.— Ҳеч ким сенга ақлинга тўғри келмаган нарсани қабул қил, демайди.

— Мен ҳазиллашаётганим йўқ, жиддий айтяпман,— деб ишонтиришга шошилди ҳукмдор.— Сен билан бундай юракдан гаплашадиган бошқа имконият бўлмайди. Шунинг учун сўрадим. Сени бу ердан олиб кетадилару сўнг ҳеч қачон қайтиб келмайсан, ахир. Аммо ўзим учун билиб олмоқчиман. Тўғилмай туриб, яна қандай қилиб ўлгандан сўнг оламга қайтиб келиш ва тирик жонларни сўроққа тутиш мумкин? Каерда бўлади бу сўроқ? Осмондами, ердами? Абадий роҳат-фароғат топмоқлик учун имон келтирганлар сени қанча, узоқ кутишлари керакми? Ижозат бер, олдин бу ҳақдаги ўз фикримни айтай? Нимани мўлжал қилганингни билиш қийин эмас. Ҳар бир одам нариги дунёда роҳат-фароғатда, тинчгина бўлсам, дейди. Сен шуни назарда тутгансан. Э, бу бебақо одам, мудом бир нарсаларни тама қилиб юради, мудом нимагадир ташна, оч. Мудом уни ваъдалар билан тузоққа илинтириш мумкин. Ҳатто нариги дунёда ҳам улар орқангдан итдай эргшиб борадилар. Аммо, майли, эй набий, сен айтганча ҳам бўла қолсин, ҳаёт шаминг сўниб тугамоқда, уни фақат озгина суҳбат қилиб, чўзишга қурбимиз етади...

— Менга қолса, чўзилмаса ҳам майли.

— Аммо менинг саволимга жавоб бермай кетмассан, ахир. Назаримда, бундай қилиб кетиш — ўлимдан ҳам ёмон.

— Майли, сўйлайвер.

— Фараз қилайлик, сенинг ақидаларинг тўғри. Унда нега айтмайсан сенинг иккинчи қайта дунёга келишинг қачон бўлади? Агар одамларга жуда узоқ, ҳаддан ташқари узоқ кутишга тўғри келса, бунинг уларга нима кераги бор? Бутун умри давомида рўёбга чиқмаган нарсдан одам боласига нима наф? Ундан кейин, ростини айтсам, бундай ақлга тўғри келмайдиган ҳаводисни кутиб юришни ҳатто тасаввурга ҳам сиғдириб бўлмайди. Ёхуд кўр-кўрона ишониб, кутиш керакми? Нима беради бу? Қандай фойда чиқади бундан?

— Сенинг иштиболаринг тушунарли, Рим ҳукмдори. Сен бамисоли юнон устозларинг каби тўпори ва дунёвий фикр юритасан. Ранжима, бу сўзимдан. Ҳозир қошингда фоний кимса каби турибман, бемалол тортишавер. Бунинг устига сен билан иккимиз турли-туман одамлармиз — худди ўт ва сувдек. Фикрлаганда ҳам бошқа-бошқа томондан ёндашамиз. Сенга тинчлик бермаётган нарса ҳақида айтмоқчийдим, ҳукмдор... Иккинчи марта дунёга қайта келишликни узоқ кутиш керак бўлади, бу тўғри. Сен ҳақсан. Ўша кун қачон келади, буни ҳеч ким айтиб беролмайди. Бу олам яратганнинг изми-иродасига боғлиқ. Бизнинг наздимизда минг йиллар чўзиладиган ҳодисотлар унинг учун эҳтимол бир зумгина давом этади. Аммо моҳият бошқа ерда. Яратган бизга дунёдаги энг қутлуғ неъмат — ақл-хуш ато этди. Ва бизга ўз билгимизча яшаш ҳақини берди. Ушбу илохий тўхфани қандай тасаруф қиламиз, одамзод тарихларининг тарихи ана шу бўлади. Одам

тириклигининг маъноси ўз руҳоний даражасини камолга етказа боришидадир. Одамда шундан ўзга олий омон йўқ. Сен буни инкор қилмансанг керак, Рим ҳукмдори? Кун-бакун одам бўлмоқдан кўра оғирроқ нарса йўқ одамга. Шу боис, сен ишонмаган кунни қанчалар узок кутиш-кутмаслик, ҳукмдор, одам боласининг ўзига боғлиқ бўлиб қолади.

— Ана холос!— Понтий Пилат ҳаяжонланиб ўрнидан туриб кетди, тахт суянчигидан ушлади.— Шошма, шошма. Наҳот, бу одамларнинг ўзига қараб қолган, сира ақлим бовар қилмайди! Мен сенинг ақойидингга ишонмайман. Буни тасаввуримга сигдиролмайман. Агар одамзод ўз инон-ихтиёри билан бундай ҳодисаларни яқинлаштира ёхуд узоклаштира олса, улар худога айланиб қолмайдиларми?

— Балки, сен ҳақдирсан, Рим нойиби. Аммо мен аввало ҳақни овозадан фарқлаб, ажратиб олишни истайман. Ҳақ борасидаги миш-миш — адоксиз кулфат. Миш-мишу овозалар бамисол сув тагидаги балчик. Вақт ўтиб балчик йиғилиб, чуқур оқар сувлар кўлмакка айланади. Ҳаётда доим шундай. Башорат ва азобу укубатлар ичра топилган, одамларнинг бахти-саодати учун ярайдиган ҳар қандай буюқ фикрларни миш-мишу овозалар чайнаб-чайнаб алоҳа бузади ҳамда ўзи ва ҳаққа қарши ёвузликка дўндиради. Менинг айтмоқчи бўлган гапим шуки, Рим ҳукмдори, сен ишонган ўша ёлғон-яшиқларнинг ҳаммаси бу — миш-миш, ҳақиқат эса бошқа ерда.

— Ўша ҳақиқатни очиб бермайсанми?

— Майли, уриниб кўраман. Мусохабадан қочмай кўя қолай. Ахир, бу ҳақда охириги маротаба сўзлаяпман. Шуни яхши билгилки, Рим ҳукмдори, Олло-таолонинг ёзмиш йўл-йўриғи бир кунмас-бир кун Бани Башар худди ёз кези чаккан чакмоқдек ер юзига қайтиб, элатлар устидан киёмат ҳукмини ўқишидан эмас, аксинча бўлади, лекин мақсад ўша-ўша қолади. Шаҳардан Ғулқофга ўтиб боргунча яшаш муҳлати қолган мен эмас, сиз, одамлар Исо Масиҳо каби яшаймиз деб, келажаксиз, билгисиз эндиги наслларга айлиниб, олий солиҳот ичра мен томон келажаксиз. Ўша менинг дунёга иккинчи келишим бўлади. Бошқача айтганда, мен азобларим орқали одамларда ўзимга қайтаман, одамларда одамларга қайтаман. Гап ана шу ҳақда. Мен вақт ичида минг йиллар орқада қоламан-у, лекин сизнинг келажагингизга айланаман. Олло-таолонинг ёзмиши шу. Одам боласини унга аталган яхшилик ва гўзаллик тахтига ўтказмоқнинг йўл-йўриғи шу. Менинг ваъзларимнинг маъно-мазмуни ҳам шунда. Ҳақиқатан ҳам мумтоз ғояларни бачканалаштириб юборадиган овозалар ва юримсак миш-мишларда эмас, худди мана шунда. Аммо бу инсон насллари учун энг оғир ва энг олис йўлдир. Сени, Рим нойиби, ана шу нарса хавотирга солаётгани тўғри. Бу йўл бугунги ёзғирик кундан, Худо ўғлининг ўлдирилишидан бошланади. Одамларнинг гуноҳларини ювиш, уларнинг кўзларини очиш ва илоҳий хислатларни уйғотмоқ учун мен бугун жонимни қурбон қиламан. Менинг бахшида жоним ҳар сафар инсон болаларини титроққа солажак. Уларни тавба-тазарру билан яшамокка ундаяжак.

Мен одамзод ўтадиган йўллардаги шамчиरोқман. Шамчирик бўлмоқ учун дунёга келганман. Одамлар мендан имдод кутиб яшайдилар ва азоб-укубатлар чека-чека, ўзларидаги ёвузлик билан олиша-олиша, иллатлар, зўравонликлар, конхўрликлардан нафрат қила-қила мен сари келажақлар. Худога мухаббат билан тўлмаган дил иллатларга тўлади. Инчунун, инсонга мухаббат билан лиммо-лим бўлмаган дил ҳам, вовай-локим, ўликдир!

— Тўхта, тўхта, Исо Назарли. Сен одамни Худо билан бир деяпсанми?

— Шундай десак ҳам бўлади. Мен ҳам аниқроғи, жамийки башари-ят Худонинг ердаги тажаллийсидир. Худонинг ўша нусхасини — Худо-Эрта дейиш мумкин. Бу олам яралгандан бери унга тортиқ қилинган чексизлик Худосидир. Кўпгина истақларинг ҳаммаси келажакка қаратилганлигига эътибор берган бўлсанг, сезгандирсан, Рим нойиби. Бугун ҳаётни қандай бўлса, шундай қабул қиласан. Аммо эртани, албатта, бошқа кўришни хоҳлайсан. Бугун яхши яшаб турган бўлсанг ҳам, бари бир, эртага ундан яхши бўлсин дейсан. Шу сабаб, юракларимизда умид Худонинг нуридай сира ўчмайди. Худо-Эрта — чексизлик рухидир. Бир бутун олганда, у ҳамма нарсанинг моҳияти, инсон амаллари ва интилишларининг жамулжамидир. Ана шунга кўра, Худо-Эртанинг қандайлиги — у гўзал бўладими ёки хунук, оккўнгилми ёки ғаддор — бу одамларнинг ўзларига боғлиқ. Мана шундай ўйлаш жоиз ва зарур. Худо-Яратувчи фикрловчи хилқатлардан шуни талаб қилади. Шунинг учун ер юзидаги эртанги ҳаёт ҳақида одамларнинг ўзлари қайғурсинлар. Ахир, ҳар бир одам Худо-Эртанинг ажралмас зарротидир. Инсон зоти ўзи кунининг ҳоқими ва бунёдкоридир...

— Шошма. Сенинг ваҳимали қиёмат куни сўрови деганинг қайда қолди?

— Қиёмат кун... У ҳар кун бошимиздан ўтаётганини ўйлаб кўр-мовмидинг, Рим нойиби?

— Ҳаётимизнинг турган-битгани қиёмат кун демоқчимасмисан?

— Шундай бўлса керак, Рим нойиби. Одам Атони тавқи лаънат қилмоқдан бошлаб, азоб-укубатлар, қийноқлар ичра ўтган, асрлар бўйи маълум бир одамларнинг бошқа одамлар устидан юргизган зулмлари туфайли ёмонликдан ёмонлик, ноҳақликдан ноҳақликни кўпайтирган бу йўл ёруғ оламда истиқомат этаётганларни бир нарсага ўргатгандир, ахир. Одам Ато ва Момо Ҳаво жаннатдан қувилганларидан бери қандай зулм ўпқонлари очилмади, одамзоднинг боши не урушлар, шафқатсизликлар, қотилликлар, қувғинлар, адолатсизликлар, ҳақоратларни кўрмади! Яхшиликка қарши, одам табиатига қарши олам яратилгандан буён ер юзида рўй берган барча даҳшатли гуноҳи азимлар — нима, буларнинг қаери Қиёмат кун сўроғидан кам? Тарихнинг азал вазифаси нима — ақл эгаларини шафқат ва мухаббатнинг илоҳий юксакликларига етказишми? Аммо одамзод тарихида не-не ёмон синоклар бўлмади? Олдинда эса уммонларнинг тўлқинлари каби қай-

наб, қутуриб турган ёвузликларнинг бош-кети кўринмаяпти. Бу жаҳаннамнинг Қиёмат кундан нима фарқи бор, ахир?

— Ундай бўлса, Назаретдан чиққан Исо, сен тарихни унинг ёвузлигидан тўхтатиб қолмоқчимисан?

— Тарихними? Тарихни ҳеч ким тўхтатолмайди. Мен одам болаларининг онглари ва хатти-ҳаракатларидан қабоҳатни қуритмоқчиман. Мен шунга қайгураман.

— Унда тарихнинг ўзи ҳам бўлмайди.

— Қандай тарих? Сен ўзинг қайгураётган тарихни айтяпсанми? У тарихни надоматлар бўлсинким, одамлар хотирасидан ўчириш мумкин эмас. Лекин у бўлмасайди, ўзимизни Худого яқинроқ сезардик. Мен сени тушуниб турибман, ҳукмдор. Лекин чинакам тарих, инсонийлик гуллаб-яшнаган тарих ҳали ер юзида бошлангани йўқ.

— Сабр қил, Исо, ҳозирча мени бир чеккага қўйиб турайлик. Аммо сен, Исо, одамлар ва халқларни шу мақсадга қандай қилиб етказмоқчисан?

— Адолат Салтанати тузамиз. Унда Қайсарлар зўравонлиги бўлмайди. Ҳа, шундай!

— Шунинг ўзи етарлими?

— Агар ҳамма шуни хоҳласа, албатта...

— Во ажабо. Хайр, майли. Мен сени яхшилаб эшитдим, Исо. Сен узокни кўзлаган экансан. Лекин сен ўзинга ҳаддан ортиқ бино қўйиб юбормадингмикин, одамларнинг ишончларига ҳаддан зиёд умид боғламадингмикин, майдонларнинг тубан эканлигини ва тупроққа қорилиб ётишини унутмадингмикин? Шаҳар қалъасидан чиққанинг замон сен бунга ишонч ҳосил қиласан ҳали. Бироқ сен ҳеч қачон тарихнинг йўлини буриб юборолмайсан, бу дарёни ҳеч ким буролмайди. Мен бир нарсага ҳайронман: нега ҳаммадан бурун ўзинг ёнадиган ўт ёкяпсан? Дунё Қайсарларсиз яшолмайди. Бировларнинг қудрати, шавкати бошқаларнинг тобелиги, мутелиги. Сен дунёни бошқача, ўзинг тўқиб чиқарган тартибга соламан, янги тарих яратаман деб, бекор қиялпсан. Қайсарларнинг ўз худолари бор. Улар сен ўйлаб топган Худо-Эртага сиғинмайдилар. «Эрта»нинг чеки йўқ. Чегараси йўқ. У барчага худди ҳаво каби баб-баробар тегишли. Зотан, барчага баробар мансуб бўлган нарсаларнинг кадр-қиммати ҳам йўқ, ўрни ҳам йўқ. Шу боисдан Қайсарлар ҳамма ва ҳар нарсанинг устидан ҳокимдирлар. Дунёда ҳукм суриб турган Қайсарлар ичра шавкатли Тиверий худоларга суюқлидир. Унинг дов-давлати — Румо салтанати жаҳоннинг ярмини эгаллаб турибди. Мен Тиверий шаён-шавкати остида Яхудода ҳокимлик қиялпман. Ҳаётимнинг маъноси шунда деб биламан. Виждоним пок. Мангу Музаффар Румога хизмат қилмоқдан ортиқ шараф йўқ менга!

— Ҳар бир одам ўзига ўхшаган бошқа бирон одам устидан ҳокимлик қилиш учун ўлиб-тирилади. Сен бундан мустасно эмассан, Рим нойиби. Ҳаммадан ёмони ҳам шунда. Сен, ахир дунё шундай қурилган-да, дейсан. Кусурни ҳар доим осонгина оқлаш мумкин. Лекин ба-

шар қавмининг қарғиш теккан жойи шу. Аммо ким буни ўйлаб ўтирибди? Лекин бозор фаррошларининг оқсоқолидан тортиб, даҳшатли султонларгача ҳаммаси гирифтор бўлган ҳокимиятпарастлик касаллиги — барча ёмонликларнинг энг ёмонидир. Башарият ҳали бунинг оғир жазосини тортажак. Ҳокимлик ва ер даъво қилган халқлар кирилиб кетадилар, бир-бирларини таг-томирларигача йўқ қилиб юборадилар.

Понтий Пилат мусоҳибнинг сўзини токатсизлик билан бўлди ва кўлини кўтарди.

— Бўлди, бас. Сенга шогирд эмасманки, ҳар бир сўзингга соме бўлсам. Етар! Тилнинг суяги йўқ. Оғизда нималар қилмайди киши. Исо, сен қанча қаромат қилма, бари беҳуда. Ҳокимлар бошқарадиган дунёнинг бошқача бўлиши мумкин эмас. Унинг тамал тоши шунга қўйилган, шунга туради абадул-абад: куч кимда бўлса — ҳокимият ҳам шунда. Дунёнинг жиловини зўрлар ўз қўлларида тутадилар. Осмонда юлдузларни ўз ўрнидан кўчириб бўлмагандай, бу низом ҳам ҳеч қачон ўзгармагай. Қани, ўзгартириб кўр-чи. Одамзод учун бекор қайғуряпсан, ҳаётингни қурбон қилганинг билан уни қутқаролмайсан. Одамларни на ибодатгоҳларда войизлар ва на кўқдан тушган ваҳийлар ҳалос этади! Худди пода чўпон ортидан боргандай, Қайсарларга эргашадилар, неъматлар ва куч-қудрат олдида таъзимда турадилар. Ҳаммадан кўра бераҳмрок ва ҳаммадан кўра шавкатлироқ кимсани кўқларга кўтарадилар, саркардаларни ва улар инсон қонларини дарё-дарё оқизган, бировларни ҳукмрон, бошқаларни қул қилган, хўрлаган жанглари оғиз кўпиртириб мақтайдилар. Шунини шижоат руҳи деб атайдилар, авлодлардан авлодларга кўшиқлар битиб қолдирадилар, ғолиблар шарофатига яловлар кўтарадилар, қарнай-сурнайлар чалиб олқишлайдилар; томирларда қон кўпиради, қасамёдлар айтилади — ўзгаларга бир қарич ҳам ер бермаймиз деб, онлар ичилади; халқ номи билан қонли урушлар оқланади, зураурат деб тушунтирилади; насллар юрт ғанимларига нафрат руҳида тарбияланади: ўз шаҳаншоҳимиз бор бўлсин, ўзга шоҳнинг қули кўкка совурилсин, тиз чўқтирилсин, эли банди қилинсин, ер-сувлари тортиб олинсин, ота-бобо замонларидан то ҳанузгача ҳаётнинг, умргузаронликнинг бутун лаззати мана шунда эмасми, ахир. Сен эса, Исо, буларнинг барини қоралаб, лаънат тамғаси осмоқчисан, шўрлик-бечоралар, ғариб-ғурабонинг ҳолига ачинасан, ҳамма жойда хайру барака бўлишини истайсан, инсон — ваҳший ҳайвон эканлиги, вужудимиз туз-намаксиз яшолмагандай бу ҳайвон ҳам урушсиз кун кечиролмаслигини унутасан. Ҳали-замон соқчилар қуршовида Ғулқоф сари қадам қўясан. Жиллақурса, қатлинг олдидан, мана шу соатда нимада янглишиб, қайда саҳву-хатога йўл қўйганингни бир бошдан ўйлаб кўрсанг эди. Сен билан хайрлашарканман, бир нарсани айтиб қўяй! Сен ёвузликнинг томирини одамларнинг ҳад-ҳисобсиз ҳокимиятпарастлигида, халқлар ҳамда элларни зўравонлик билан тобе қилинишида кўрасан, аммо бу билан ўз гуноҳла-

рингни янада кўпайтирасан, зеро, ким зўрликка қарши бўлса, демак, зўравонларга қаршидир. Сен Адолат Салтанати тузиш ниятида Рум давлатига қарши чиқясан. Румнинг кун сайин ортиб бораётган куч-қудрати, бутун жаҳон миқёсидаги ҳукмронлигига тўсиқ бўлмоқчисан, ёлғиз шу бад ниятинг учунок сени яна уч қарра қатл этса арзийди!

— Бунча саховат не даркор, эй яхши ҳукмдор. Бир мартаси ҳам етиб ортади. Аммо гапимиз, майли, чала қолмасин. Лекин, албатта, мени Ғулқофда кутавериб, жаллодлар офтоб тигида саргайиб кетган бўлсалар ҳам керак, бечоралар. Лекин гапимизни тугатиб қўяйлик. Бу менинг ўлим олдидан охирги сўровим. Шундай қилиб, Рим нойиби, сенингча ҳақиқий куч-қудрат зўравонликда. Лекин дунёда бошқа бир куч ҳам бор — бу яхшилик куч-қудрати. Бунга эришиш, менимча, кийинроқ ва мураккаброқ, эзгулик учун урушдан кўра кўпроқ матонат ҳамда саъй-ҳаракат керак. Нойиб, сен ўлимим олдидан менинг энг сўнги мусоҳибимсан, шунинг учун сўзларимга қулоқ сол. Мен сенга дилимни очмоқчиман. Лекин сен чўчима. Сендан марҳамат сўрамоқчи эмасман...

— Кулгимни кистатма.

— Шунинг учун ҳам олдиндан писанда қилиб қўйяпман, хавотир олма деб. Энди буни фақат сенгина биласан. Ўтган кеча дилимга ваҳима тушди. Аввал нега бесабабдан-бесабаб бундай бўляпти, деб ўйладим. Ҳефсиманияда ҳаво дим эмасди. Тоғлик боғда ғир-ғир шабада эсарди. Фақат мен ўзимни қўярга жой топмасдим. Дилим ғам-ҳасрат, кўркинчга ботди. Гўё юрагимдан кўкка мусибат ўрлай бошлади. Сомеларим, мусоҳибларим ухламай менга далда бермоқчи бўлишар, аммо барибир ҳеч енгил тортмасдим. Қазову қадарда битилган соат келганлигини кўнглим сезарди. Остонага ўлим шарпаси ёнбошлаганди. Шунда даҳшатга тушдим... Ахир, ўлим ҳар бир тирик жон учун сўнгсиз зулмат.

— Нега ундай? — заҳарханда қилиб қаради Понтий Пилат маҳқумга.— Нариги дунё нима бўлади, Масихим? Ахир, сен айтмовдингми, ҳаёт ўлим билан якун топмайди деб?

— Яна миш-мишларни тилга оляпсан, ҳукмдор! Нариги дунёда рухлар худди сув устига тушган соядай сассиз кезиб юрадилар. Бу билгисиз маконлараро билгисиз хаёлларнинг зухротидир. У ерларга жисм учун йўл ёпик. Ул ўзга коинот, ул бир ҳаётдирким, уни асло билиб бўлмас. Ул ломаконда вақтнинг ўтиши ҳам ўзга, у ер вақти билан ўлчанмагай. Ҳолбуки, гапимиз ўлчовлик ҳаёт, ер юзидаги ҳаёт устида бораётган эди. Мени ғалати бир ҳис чулғаб олди, гўё ҳамма нарсалар менга бегона бўлиб қолгандай эди. Уша кеча Ҳефсимаан боғида тинчимни йўқотиб, совуқ шамол каби кездим, соя каби паришон эдим, гўё коинот қаватларида мендан бошқа идрок эгаси қолмагандай эди, бамисоли ер узра учардим ва на ёруғ кун ичра ва на зулматли тун ичра бирон-бир тирик инсон боласини кўрмасдим,— бари ўлган эди, барини сўнган ёнғинларнинг қоп-қора кул-кўрони қоплаган эди. Замин

кета-кетгунча харобазорга айланганди — на ўрмон бор, на экинзорлар, на денгизларда кемалар бор, фақат олис-олис алақайлардан жуда ғалати, элас-элас зинғиллаган овоз келади, худди шамол хислатли ингирлагандай, худди тубсиз ер чоҳларида темир тинғирлагандай, худди қабрлар узра кўнғироқлар жингирлагандай, мен эсам кўк токида кўркинч на ҳасратга тўлиб ёп-ёлғиз пар каби учиб юрар, юрагимни ёмон ҳавл ва хабар изтироблари ўртар, мана, охир дунё ҳам етиб келди, деб ўйлардим. Мени босган ҳасратга сира чидаб бўлмасди: одамлар қайда қолдилар, ахир? Мен бошимни энди қайга қўяйин? Жонимга ғалаён тушди: мана, Раббано, охир кун, уни барча инсон насллари интизор кутган эдилар, мана, Қиёмат, мана, идрокнинг интиҳоси, ақли хилқатнинг итмоми... Нега бундай бўлди, қайдан бу ҳалокат, қайдан бу тубсиз чоҳ, нега ўз томиримизни ўзимиз қирқдик, куйдирдик, ҳаёлимга келган фикрдан дунё кўзимга қоронғу бўлиб кетди: мана, одамларни севганингнинг жазоси дедим, мана, ўзингни қурбон қилганинг учун ажир. Наҳот одамзоднинг қаҳрли дунёси қутуриб ўзини маҳв этди, худди ўз заҳри қотили билан ўзини ўлдирган чаёндай. Наҳот одамларнинг одамлар билан чиқишолмаслиги, салтанатларнинг салтанатлар билан чиқишолмаслиги, ғояларнинг ғоялар билан чиқишолмаслиги, такаббурликлар ва ҳокимиятпарастликларнинг чиқишолмаслиги, мутлақ ҳукмронлик нашъасини сурган буюк Қайсарлару тиш-тирноғига қуролланган, сон-саноксиз ўзаро қирғинларда қозонган ғалабалари билан кериладиган, мунофиқона ҳамду санолар ўқийдиган ва қул каби кўр-кўрона бўйин эгиб, эргашиб борадиган халқларнинг чиқишолмаслиги шу ваҳшиёна хотимага олиб келди? Ўзига ато этилган илоҳий ақл туҳфаларини олам даштига олиб кетган инсонларнинг ер юзида қолдирган нарсалари ҳали шуми? Худоё, дилимга исён тушди, нега уларга ақлу идрок, тил-забон бердинг, нега уларнинг қўлларига эрк ато этдинг, ўзларини ўзлари қийратсинлар дедингми, жаннатдай заминни бошдан-оёқ шармандагарчилик мовористонига айлантирсинлар, девдингми! Мен шундай йиғлар, гунгсоков дунёда якка-ёлғиз фарёд чекар, қисматни қаргар ва Худога нола қилиб айтардимки, Сенинг журъатинг етмаган ишни Одамнинг ўзи гуноҳ ичра адо этди... Ҳа, билиб қўйки, Рум ҳукмдори, охир дунё мен туфайли эмас, табиий офатлар туфайли эмас, одам болаларининг душманчилигидан келади. Сен ҳокимиятингдан маст-аласт бўлиб шарафлаётган ўша ғалабалар ва ўша душманчиликлардан келади...

Исо нафасини ростлаб, сўнг давом этди:

Утган кеча кўзимга шундай нарсалар кўринди. Уйкум қочди, узок-узок ўйга ботдим, дуо ўқидим, ибодат қилдим, имон камарини маҳкам боғладим, сомеларимга Падарим иноятидан етган сурат ҳақида сўйлаб бермоқчи эдим, шу пайт Ҳефсиман боғида ифрот кўп халойиқ пайдо бўлди, улар ичида Иуда ҳам бор эди. Иуда тез келиб мени қучоқлади ва ўпди, унинг лаблари жуда совуқ эди. «Хушвақт бўл, Равви», деди у менга. Халойиқ билан олдиндан келишиб олган экан:

«Мен кимни кучоклаб, ўпсам, ўшани ушланглар», деб. Шунинг учун улар мени тутдилар. Мана энди, мен сенинг кошингда амрингни кутиб турибман, Рум нойиби. Биламан, энди Фулкофга боришим керак. Илло, менга марҳамат кўрсатдинг. Мен бир нарсадан розиман. У ҳам бўлса, ўлимим олдидан сенга кеча Ҳефсиман боғида бошимдан кечганларни айтиб бера олдим, ҳукмдор.

— Рост, ҳамма гапларингни эшитдим. Лекин ҳаммасига мени ишонди деб ўйлайсанми?

— Ишонсанг ҳам, ишонмасанг ҳам, ўзинг биласан, Рум нойиби. Тўғриси, ишонмаган бўлсанг керак. Сен билан мен бутунлай бошқабошқа ўйловли одамлармиз. Аммо шунга қарамай, менга қулок солдинг. Сен ўзингга ўзинг мен ҳеч нарсани эшитмадим деёлмайсан-ку ва ўз ўзингга бу ҳақда ўйлашни ман этолмайсан-ку. Мен эсам, ўзимга қааноат бераманки, Ҳефсиман боғида менга очилган кароматни гўрга олиб кетмай, аён килиб кетмоқдаман. Виждоним ҳам энди ризолик топди.

— Айт-чи, Масихо, сен одам ҳодис бозорларда фол очмовдингми?

— Йўқ, ҳукмдор, нега ундай деб сўраяпсан?

— Ажабо, сенинг ўйин қилаётганингни ҳам, ёки бўлмаса, умуман ҳеч нарсадан кўркмаслигингни, ўлим азобига тик бораётганлигингни ҳам билолмайман. Наҳот, нимани айта олдим-у, нимани айта олмадим, ким қулок солди-ю, ким солмади, деган нарсалар ўлимингдан кейин ҳам сени шунчалар кизиқирса? Кимга керак буларнинг бари? Ўткинчи гаплар эмасми булар, ўша-ўша, эски ҳаммом, эски тос?

— Ундай дема, ҳукмдор. Бу ўткинчи гап эмас! Ахир, ўлим олдидан ўйларинг тўғри Худо даргоҳига етади. Худо одам боласи ўлим олдида нима деб ўйлашига қарайди. Барча тирик жонлар ичра энг олий хилкат каби яратилган одамзод ҳақида Худо шу ўйларга қараб ҳукм чиқаради. Зеро, ўйлар ичида энг сўнгги ўй доимо мусаффо ва ҳаддан зиёда самимийдир. Унинг турган-битгани ҳақиқатдир, муғамбирликдан ҳолидир. Йўқ, ҳукмдор, маъзур тут, лекин мен сен ўйлаганча ўйин қилаётганим йўқ. Сабий чокларимда ўйинчоқлар ўйнаганман, холос. Менинг қийноқлардан кўркиш-кўркмаслигимга келганда, яширадиган жойи йўқ, мен боя айтдим. Кўркаман, жуда кўркаман! Мен Раббил оламиндан, архамар-роҳимин Падаримдан илтижо қиламанки, тақдирда борини кўргали менга сабру тоқат ато этгай, онгсиз махлуқотлар каби дод солмагайман, жон топширар маҳалда шармисор қилмагай мени... Мана, мен тайёрман, Рум нойиби, мени ортик тутиб турма, андармон қилма. Вақт етди...

— Фулкоф сени кутяпти. Неча ёшга чиқдинг, Исо масихим?

— Ўттиз учни тўлдиридим, ҳукмдор.

— Жуда ёш экансан! Мендан йигирма ёш кичик,— раҳми келиб деди Понтий Пилат бошини чайкаганча ўйга толиб:— Билишимча, сўққабошсан, ўзингдан кейин қоладиган етимчалар йўқ. Во дариғо...— У жим бўлди. Яна нимадир демоқчидай оғиз жуфтлади-ю, лекин

фикридан қайтди шекилли, индамади. Андиша қилди. Аёл зоти билан қовушганмисан?— деб сўрагиси келди унинг. Лекин сўролмади. Хотин киши каби эзма-чурук кўринишдан истиҳола қилди. Эркак одамнинг гапи эмас бу.

Шу асно кўзи Исонинг кўзига тушди. У нима деб сўрамоқчи бўлганлигини фаҳмлабди. Лекин бундай саволга жавоб беришни ўзига ор деб билади. Исонинг милдираган сувдай тиник кўккўзларига шарпа тушгандай бўлди, у тумтайди. «Кўринишдан шунчалар ювош, мўмин, лекин тоғдай кудрати бор!»— ҳайратланди Понтий Пилат ерга сирғалиб тушган сандалини оёғи билан қидираркан.

— Майли эса,— деб гапини бошқа ёққа бурди у аёл хусусидаги савол ўрнини бошқа нарса билан қоплаш тараддудида.— Қулоғимга чалинган эдики, сенинг отанг йўқ эмиш, тўғрими?

Исо оппоқ текис тишларини кўрсатиб, очик юз, оккўнгиллик билан жилмайди.

— Бир чеккаси ростдир балки.

— Аниқроғи-чи?

— Рост, рост, яхши ҳукмдор,— деб тасдиқлади Исо Понтий Пилатнинг жаҳли чиқаётганини кўриб. Очиғини айтганда бу савол ҳукмдорга муносиб эмасди.— Мени Илохий Падарим Муборак Рухга опичлатиб ер юзига қўйиб кетган.

— Баракалла, энди бошқа ҳеч кимнинг бошини бундай гаплар билан айлантиролмайсан,— лабларини базўр қимирлатиб, ҳорғин деди прокуратор.

— Бўлмаса, волиданг кимдир?

— У Галилияди яшайди. Исми Марйам. Сезиб турибман, бугун етиб келсалар керак. Кечаси билан йўл юрдилар. Билдим.

— Билмадим, фарзандининг ҳоли уни не қўйларга соладир,— тундваш деди Понтий Пилат Назаретдан чиққан девона билан чўзилиб кетган суҳбатга ниҳоят чек қўйиш ниятида.

Шундан сўнг басавлат, калладор, башараси йирик, кўз қарашлари қаттиқ, елкасига оппоқ ёпинчиқ ташлаган прокуратор Арк айвонининг равоқлари остида қаддини ростлади.

— Алқисса, охирги маротаба аниқлаб қўяйлик,— деди у қатъий қарорга келгандай.— Отанг ким эди? Оти — Юсуф, волиданг — Марйам. Назаретда дунёга келгансан. Ёшинг ўттиз учда. Бўйдоқсан. Болаларинг йўқ. Халойикни исёнга чақиргансан. Улуғ Байтул муқаддасни бузиб ташлайман ва уч кун ичида янгисини бино қиламан, деб ғалаён кўтаргансан. Ўзингни пайғамбар, Яҳудонинг подшоҳи деб гап таркатгансан. Сенинг мухтасар тарихинг мана шундай.

— Менинг тарихимни гапириб ўтирма. Лекин сенга айтиб қўяй: Сен тарихда қоласан, Понтий Пилат,— овозини кўтармай оҳиста сўзлади, Исо ҳукмдорнинг юзига тик ва жиддий бокиб.— Буткул қолажаксан.

Қўйсанг-чи!— энсаси қотиб қўл силтади Понтий Пилат. Бари-

бир Исонинг бу гапи унга маъкул тушди. Аммо бирдан овозини ўзгартириб, тантанавор тусда деди:— Тарихда шавкатли император Тиверий қолади. Унга шон-шарафлар бўлсин. Биз эса унинг содик навкарларимиз.

— Барибир тарихда сен коласан, Понтий Пилат,— ўжарлик билан такрорлади Қуддусдан чикиб, Фулкоф сари борар зот...

Кимнидир интизор кутгандай эрта тонгдан бери Ирод саройи узра чарх уриб айланаётган қарчиғай, бургутми, бир куш ниҳоят давра ўрамоқни бас қилиб, хавфли жинойткор каби кишанбанд этилган, Яхудонинг ҳукмдори Понтий Пилатга бунчалар узок мусоҳиб бўлган, ҳозир эса неча ўнлаб соқчилар қуршовида қатлгоҳ сари олиб кетилаётган зот ортидан оҳиста-секин эргашди.

Ҳукмдор эса ҳамон Арк айвонида Фулкоф томон кетиб бораётган кимса изидан учган мутағаййир қушга ҳайрат ва қўрқув ичра тикилганча турарди...

— Бу не синоатдир?— пичирлади ҳукмдор таажжубот ва ташвиш ичида...

III

Ёғаман-ёғаман деб, ёз ёмғири анчагача ёғмай, кеча окшомдан бери уфқ бетида қорайиб, тўлишиб, бағрида ялт-юлт чакинлар чакиб турган юрғун булутлар тун ярим кечадан оғанда ниҳоят қуйиб бердилар. Йирик марварид томчилар қақраган ерга шатир-шутур урилиб, сувлар шариллаб оқа бошлади, ёмғир Авдий Каллистратовнинг юзига ҳам сепалаб ҳушини ўзига келтирди. Бу ҳаётнинг ажиб тортиғи эди.

Авдий поезддан ташлаб юборганларида пастга қулаган кўйи темир йўл бўйидаги чуқурликда ётарди. Хаёлига дастлаб шу фикр келди: «Қаерда ётибман? Ёмғир ёғяпти шекилли?» У инграб, сурилмоқчи бўлди, биқинидаги даҳшатли оғрикдан чинқириб юборай деди, боши чўяндай оғирлашиб кетганди, у яна ҳушини йўқотди, лекин бир оз вақтдан сўнг кўзини очди. Халоскор ёмғир уни ҳаётга қайтарди. Ёмғир саҳийлик билан шаррос солиб қуяр, сув тепадан Авдий ётган чуқурга шарқираб оқиб тушарди. Ёмғир Авдий атрофида зўр бериб чучвара тугар, сув ҳалимазотда унинг томоғигача келиб қолади. Авдий ўзини қўлга олмай иложи йўқ эди, бу хатарли жойдан чиқиш пайига тушди. Дастлабки дақиқаларда шалайим ва қарахт танасини ҳаракатга келтириш азоби азим бўлди. Авдий тирик қолганига ишонгиси келмасди. Ахир, вагонда уни қон қақшатиб қалтақлашмадимми, шиддат билан бораётган поезддан бераҳмларча ташлаб юборишмадимми, лекин, қаранг, у тирикку, ва буларнинг бари ҳеч нарсага арзимаёди, қандай бўлмасин, у тирик экан! Жони чиқмаган экан, мана сурилиши, ҳаракат қилиши, кўриши, эшитиши, эмаклаши мумкин. Манави челақлаб ёғаётган оқ ёмғир

хам қандай яхши! Унинг қон қақшаган баданларига шунчалар ҳам ёқяптики, қўл-оёқларига дармон бўляптики! Ғувиллаб, кизигандан кизиб кетаётган бошига шифо бўлаётганини айтмайсизми! Кучи етганча тепага сурилаверади. Тезда тонг ёришади. Эрталаб бўлади. Тағин ҳаёт, умргузаронлик бошланади... Ушанда у нима қилиш кераклигини ўйлаб топади. Ҳозир эса бир амаллаб оёққа туриб олса бас...

Бу орада жала ва тун қоронғилигини ёрароқ бири кетидан бири поездлар гулдираб ўтдилар... У шунга ҳам хурсанд эди. Нимаики ҳаётдан нишона берса, уни беҳад қувонтирмоқда эди...

Авдий қўлидан келган тақдирда ҳам ёмғирдан қочишни истамасди. Ёмғир бутун вужудига қайта жон ато этаётганлигини ҳис қилиб турарди. Қўл-оёғи бутун бўлса, бас. Шилинган, тилинган, лат еган бўлса ҳам майлига, ҳатто биқинидаги оғриқ ҳам чикора, чидайди... У бир амаллаб бехатарроқ ерга, тепача устига судрала-судрала чиқиб олди. Энди бутун вужудини ёмғир ихтиёрига бериб, нафасини ростларди...

Шундай қилиб, у адам саҳросидан яна тириклик дунёсига қайтди ва ҳаётининг туб мазмунини яна бир бошдан тиклашга киришди. Фикр-ўйлари ажойиб бир равшанлик ва салмоқдорлик касб этаётганлигидан хайрати ортди...

Шунда у Понтий Пилат ҳузуридан Ғулкоф сари олиб кетилаётган Зотга айтди: «Ё равви, мен шу ердман! Ё равви, Сени ҳалос этмоқ истайман, не қилай, не қилайин? Сени нечук қутқариб олайин? Мен яна ҳаётга қайтдим. Сенинг ҳолингни ўйлаб мени ваҳим босяпти!»

Инсон баъзан ҳаёлан бир пайтнинг ўзида юзлаб, минглаб йиллар билан ажратилган вақт бўлаклари ичра яшай олади. Бундай тарихий ҳолат тасаввур қобилятини йўқотмаган ҳар бир одамда бўлиб туради. Бирок ўтмиш воқеаларини кўз ўнгидаги борлик каби яқин кўрадиган одам, узоқ ўтган кечмишларни худди ўз жонажон иши, ўз тақдири деб биладиган одам, ҳақиқий жафокаш, риёзат эгасидир, зеро, у ёхуд бу воқеа нима билан тугаганлиги, нималарни келтириб чиқарганлигини олдиндан кўра-била туриб, воқеаларнинг боришига ҳеч қандай таъсир кўрсатолмай, фақат дард-алам чекади ва ўзини ҳеч қачон амалга ошмайдиган адолатнинг тантанасига қурбон қилади. Кечмиш кун ҳақиқатини тиклаш ва тасдиқлаш муқаддасдир. Ғоялар мана шундай туғилади, янги наслларнинг олдинги ва ундан ҳам, ана ундан ҳам олдинги авлодлар билан рухий чагишуви шундай рўй беради, дунё шу билан устивор, ҳаёт тажрибалари доим ортиб, устма-уст, қават-қават бўлиб бораверади — ёвузлик ва эзгулик насллардан наслларга битмас-туганмас хотира иплари каби, битмас-туганмас тирик вақт ва тирик маконлар каби кўчиб ўтаверади...

Дарвоқе, шунинг учун айтилганким, куни кеча ўтганлар бугун нима бўлишини билмагайлар, лекин бугун кун кечираётганлар кеча нималар бўлганлигини билгайлар, эртага эса бугуннинг кишилари кечаги кун кишиларига айлангайлар...

Дарвоқе, яна шунинг учун айтилганким, бугуннинг одамлари ўтган

кун ичра яшагайлар, лекин эрта кун дунёга келгувчилар бугунни унутсалар, бу энди кулфат, ҳамма учун кулфат...

Авдий ўша кун, пасха арафаси кунни ҳаяжонини боса олмас, умид-сизликка тушарди. Ҳавонинг ҳали иссиғи жайтмаган арафайи ҳайит окшоми паст шаҳардаги саҳобалар маҳфуз кечага йиғилган гўшани ахтариб топишга уринарди. Шу гўшада у нон ушатди, бу менинг хилқатим деди, май қуйиб узатди, бу менинг ҳалол қоним деди, ахир, ўшанда бостириб келаётган хатардан, Иуда Искариотнинг хиёнатидан огоҳ қилмоқ мумкин эди, ушбу кўркинчли шаҳарни дарҳол тарк этиш, зудлик билан йўлга отланиш мумкин эди. Хуфтон чўкиб борарди. У кийшик-қинғир, илонизи кўчаларда чарх уриб айланар, ўша гўшани излар, худди бу ерда таниши учраб қоладигандай пиёда, от-улов минган ўткинчиларнинг юзларига тикилиб қарарди. Лекин на уйларига кечки таомга ошиқаётган ва на дўконлар ёпилмай бурун тез-тез кириб чиқаётганлар орасида у дардини айтгани бир кимса тополмади. Аксаран ўткинчилар эса Исо Масихо кимлигини ҳатто билмас эканлар. Шаҳарда дайдиб юрганлар камми? Бир раҳмдил киши уни қўярда-қўймай уйига олиб кетиб меҳмон қилмоқчи бўлди. Аммо Авдий миннатдорчилик билдириб, рад этди. У Мураббийни хавфдан огоҳ қилмоқчи эди. Кўп ҳаяжонланганидан, дарчалардаги чироқ шуълаларидан, ўчоқларда қайнаётган турли таомларнинг гуштам хидларидан, салқин бўлсин деб, йўллар ва ҳовлиларга сепилган сувларнинг ҳавога кўтарилган ҳовурларидан унинг боши айланиб кетди. Кўнгли беҳузур бўлди. Шунда Авдий Ҳефсиман боғига қараб кетди. Мураббийни мусоҳиб ва чўлиқлар билан бирга тоат-ибодат қилаётган бўлса, шу ердан топарман деб ўйлади. Во дариг! Бу ерда ҳам кеч бўлиб қолган, ҳеч кимса кўринмасди. Боғ хувиллаб ётар, Мураббийни қуроли оломон ушлаб олган катта анжир дарахти атрофи ҳам кимсасиз эди. Мураббий башорат қилгандай мусоҳибларнинг ҳаммалари тумтарақай қочиб кетган эдилар...

Моҳ олис-олис денгизлар ва соҳиллар узра сузар, тун ярмидан оққан, субҳи козиб палласи яқинлашган, оқибати неча-неча асрларга етиб ортадиган машъум кун ҳадемай отади ва у ҳақда инсоният тарихида турли афсоналар тўкилади. Бироқ Ҳефсиманда ва унинг ён-атрофларидаги қирларда ястаниб ётган узумзорлару боғотларда ўша соатда сукунат ҳукмрон эди. Фақат бутазорларда тун қушлари сайрашар, оламни бақа овозлари тутган, мангу уйғок Кедрон эса кедрзор тоғлардан қадим тош ўзанларидан шалдираб, шарқираб, ой шуълаларида ярқираб тушиб келар, неча-неча сойларга анжралиб, бўлиниб кетар, сўнг яна йиғилиб, бир улуг оқимга дўнарди. Ҳаммаси минг йиллардан бери қандай бўлса, шундай сокин ва осуда эди. Ўша кеча замин фараҳбахш ва фаровон эди. Ёлғиз Авдийгина кўним билмас, ҳаммаси қандай бўлиши керак эса, худди шундай бўлган,— у гарчи бари нима билан тугагини билса-да, ҳеч нарсани тўхтатолмас, ҳеч нарсанинг олдини ололмасди. У ўртаниб, қуйиб йиғлар, Худо-Эртага

ёлворар, аммо фойдаси йўқ эди. Ушбу ҳодисот рўй бергандан буён бир минг тўққиз юз эллик йил ўтганига қарамай, сира буни ақлига сиғдирилмас ва ўзини ахтариб ўтмиш кунлар ичига кираркан, замонлар оша эврила-эврила алоҳа унинг тақдир ипи боғланган ибтидо сари хаёлан қайтиб борди. Дам минг йиллар қаърига кириб, дам тагин бугунги кўз ўнгида бўлиб турган воқеликка, елкалари, бошини тинимсиз савалаб ёғаетган дашт ёмғири остига қайтиб, дам хаёл уммонига толиб, дам барча тафсилотларни бирма-бир ақл тарозусида ўлчаб, жавоб ахтарарди.

Ва ҳолис ниятда тарихга нисбатан андак ўзбошимчаликка йўл қўяр — Киёмат ҳақидаги хийла кейинроқ юзага чиққан фикрни бундан анча илгари яшаб ўтган одамларга нисбат берар,— Авдий шу хусусда қандай бўлмасин, Понтий Пилатга айтилишини истарди. Бинобарин, салтанатнинг ҳар нарсага қодир ноийби Пилатнинг шарпаси ҳатто шу бугунга қадар хали буткул йўқолиб кетмаганди. (Ахир, Пилат, бўламан деганлар ҳозир ҳам озми?!) Авдий Каллистратов воқеаларни белгилашда шундай илгарилаб кетаркан, дунёнинг азал қонуниятлари гарчи ўзларини анча вақт ўтиб ошқор қилсалар-да, лекин доим ҳаракатда эканлигидан келиб чиқарди. Киёмат кун ғояси ҳам худди шундай эди — инсоният ақлини ер юзида қилинган барча адолатсизликлар учун бир кунмас-бир кун олинажак қасос ўртарди.

Инсон руҳининг ўз-ўзини англаш фожиалари нега энди Исодан бошланади. Худди илгари ҳаммаёқ бўм-бўш бўлгандай? Ким ўзи Исо? Нимага керак буларнинг бари? Наҳот мангу тавба қилиб ўтмоқ учун фақат бир баҳона ахтарган бўлсак? Ва нима боисдан у то хочга кўтарилгандан буён ақллар ҳамон ўзига келолмайди, ҳамон гаранг? Ахир, ўшандан бери қанча замонлар ўтиб, жуда кўп мангуликка даъвогар бўлган нарсалар унутилиб, хоки туробга айланмадимиз? Бунда одамларнинг ҳаёти кунба-кун камолот касб этиб боради, деган ақоид доим эсда турдимикин? Бугун янги туюлган нарса эртасига эскиради, жуда яхши деб топилган нарсалар эртага ундан ҳам гўзалроқлари олдиди ўз тусини йўқотиб, хиралашиб қолади. Шундай экан, нега Исонинг сўзлари эскирмай, ўз кучини йўқотмай келади? Унинг туғилишидан тортиб, то хочга миҳлангунча бўлган ҳодисалар ва кейин ундан наслару замонларга ўтган нарсалар — наҳот инсониятга шунчалар зарур эди? Наҳот улардан қочиб кутулиб бўлмасди? Ва ниҳоят, инсон тарихида бу ўтилган йўлнинг маъноси нимадан иборат? Одамлар нимага эришдилар? Нима қарорга келдилар? Натижа нима бўлди? Агар бундан кўзда тутилган яширин мақсад инсонпарварлик, алломулар айтмоқчи, гуманизм ғояси бўлса, яъни ақл-идрок ато этилмиш хилкат сифатида инсоннинг ўз-ўзига томон ташлаган қадами, руҳнинг ўз ичида ўзи интиҳосиз ва адоқсиз камолотга интилиши бўлса, ахир, бу йўл аввал-бошдан шунчалар мушкул, оғир ва шафқатсиз қилиб солинадими? Ким бундай қилди, нега? Одамлар ҳар бирлари ўзларича талқин ва тафсир этадиган насроний гуманизмдан то умумжаҳоний-

гача, ижтимоий-махдуд гуманизмдан то синфий ва мутлако мавхум гуманизмгача — шуларсиз ҳаёт кечиришлари мумкинмиди, йўкми? Бизнинг асримизга келиб, ўша йўлда аллақачон эскириб қолган диннинг маъноси нима?

Ростдан ҳам, нима кераги бор? Ахир, ҳаммага ва хат болаларга бари аллақачон маълум. Ахир, материалистик илм-фан христиан ва бошқа динларнинг ақидалари қабристонига ўз қозиғини қоқиб ташламадими, бирдан-бир тўғри йўл — тараққиёт ва маданият йўлидан уларни қатъият ва шахд-шиддат билан супуриб ташламадими? Ҳозирги одам учун динга риоя қилиш эҳтиёжи йўқка ўхшайди, унга куни битган ақидалар хусусида тарихий маълумот бўлса, кифоя. Ахир, буларни бари ўз кучини йўқотди, эскирди, ўтди. Лекин биз нимага келдик? Ўша раҳм-шафқатли, фидойи, ҳаётий дунёқарашлар томонидан аллақачонлар аччиқ қулги остига олинган ва йўл чеккасига улоқтириб юборилган гоё эвазига биз нима топдик? Нимамиз бор бизнинг? Шунга ўхшаш ёки ундан ўткирроқ ва ортиқроқ нимага эгамиз? Ахир, янгилик эскиликдан албатта яхши бўлиши керакмасми? Бор бизда ўша янгилик, бор! Янги қудратли ақида тобора кучга қиряпти — бу ортик даражадаги ҳарбий куч-қудрат ақидаси. Инсон боласи кунбақун, туғилгандан то ўлгунгача бу кучлар уруш чиқарармикин ёки ўзини босиб турармикин деган буткул ваҳима ичида яшаганмиди ҳеч? Ҳозир шу қурол эгалари худо бўлмаса бошқа ким? Фарқи шундаки, ҳозир топинмоқ учун меҳробларига ядро снарядлари сурати нақшланган черковлару, таъзим ва қуллук бажо келтирмоққа генераллар йўқ, холос... Нимаси дин эмас бунинг?

Авдий Каллистратов гоҳида турмуш-тутмуш ҳақида ана шундай ҳаёлларга берилиб кетарди. Бу сафар ҳам, тафаккурнинг ўлчовсиз узунлигида у ўтмиш ичига, ўзидан неча замонлар олдин бўлиб ўтган воқеаларга улар худди ҳозир рўй бераётгандай, кириб борди. Янги сувлар кўҳна қирғоқлардан шундай оқиб ўтади. Шунда у ўша кунларнинг ибтидосига, ҳайит арафа — жума кунига қайтди. У Мураббийни қидириб топмоқчи, ўз ташвиш-надоматларини баён қилмоқчи, неча юз йиллар кечиб, сўнг келадиган замонларнинг таҳликаларини айтмоқчи, тарих саҳнасида янги Худо — ўзининг муфсид ва ҳаммабоб дини билан ер юзидаги жамики одамлар онгини заҳарлаган, ҳатто ҳарбий кучлардан ҳам устун чиққан Худо-Гулиаф пайдо бўлганлигини маълум этмоқчи эди. Нима дерди бунга Мураббий, не даҳшат, ҳаросонликка тушарди: ҳарбий устунлик учун қутуриб мусобақа ўтказаятган инсоният охири қаерга боради, ахир? Ва мабодо, у иккинчи маротаба бизнинг гуноҳларимизни елкасига ортиб, яна хоч учра кўтарилсайди, ўшанда ҳам таъқибкор ва ҳужумкор устун ҳарбий куч дини томонидан асоратга солинган одам болаларининг раҳмини келтиролмасди...

Бирок таассуфки, у Мураббийни тополмади. Иуда сотган ва уни ушлаб олиб кетган эдилар. Ва Авдий ҳувиллаб ётган Ҳефсиман боғида барча бўлиб ўтган ва энди бўлажак нарсаларни ўйлаб йиғлар,

дунёда ўзини ёлғиз сезарди. У шундай орқага тисарила-тисарила, ҳали ўша замонлар шимолдаги чакалакзор коронғи ўрмонларда яшайдиган, ёғочдан чопиб ясалган санамларга топинадиган, ва ҳали унинг Авдий деган исмини ҳам билмайдиган бобокалонлари оша Ҳефсиманда ҳозир бўлган эди. Авдий исми анча кейинрок бориб маълум бўлади ва унинг ўзи ҳам узоқ йигирманчи асрда дунёга келади...

Авдий Мураббий ушлаб олиб кетилган ўша анжир дарахти остида узоқ йиғлаб ўтирди. Кошкийди шунча ўртангани, бағрини тиглаганига яраша оламнинг маъюс тақдири ўзгарса...

Кейин ўрнидан турди. Ғамбода бир ҳолда шаҳар сари йўл олди. Тунги Қуддус деворлари ортида халойик ҳайит арафаси осуда уйқуга чўмганди. Ёлғиз у юраги таҳликага тўлиб, сарсари шаҳар кезар ва яккаш суроқларди: қани, Мураббий, унга не бўлди? Кейин унинг хаёлига ҳали ҳам кеч эмас, ҳали Мураббийни қутқариш мумкин, деган фикр келди ва йўлида учраган барча дарчаларни тақиллатишга тушди: «Одамлар, туринглар, хатар келяпти! Ҳали вақт бор, Мураббийни қутқарайлик! Мен уни Россияга олиб кетаман. Ока деган дарёда бир холи орол бор...»

Авдийнинг фикрича, дарё ўртасидаги ўша оролда Мураббий ҳар қандай хавф-хатардан эмин бўлади. Шу ерда у дунёнинг букаламунликлари ҳақида ўй суради. Эҳтимол, шу ерда Унга янги башорат келар ва у олис-олис замонларга одамзод учун янги йўл топар ва одамзодга янги илоҳий баркамоллик бахш этар, токи шунда у ўз зиммасига ихтиёрий тарзда ортан маҳдиулёлик бурчи ва максоди қонли йўллардан ўтмагай, хорлик, хўрлик ва азоб-уқубатларга гирифтор бўлмагай. Ҳолбуки, у девона одамлар ва адолат деб, шу барча азобларни ўз устига олишга, таъқибларга дош беришга тайёр! Таъқиблар эса ашаддий ва шиддаткор! Ахир, келажак насларнинг бахт-саодати учун у ўша ҳалокатли вазифани ўз зиммасига олди. Инсонни азал адолатсизликларга дахлдорлик зулмидан халос этиш йўли танланганда бундан қочиб қутулмоқнинг иложи ҳам йўқ. Зотан, табиий нарсаларда адолатсизлик бўлмайти. У фақат одамлар ўртасидагина мавжуд ва одамлардан бошланади. Бирок максадга шундай ғайритарихий йўл билан етиб бўлармикин? Аммо Мураббийнинг ушбу сабоғи инсон ўз шахсий манфаатларини кондириш учун интилганда, диёнат ва имон овозини ўчирганда, босганда, ўзини оклаш учун сон-саноксиз баҳоналар тўкиганда, мен ёмонликка қарши ёмонлик билан жавоб беришга мажбур бўлдим деганда, ҳар сафар унутилмасмикин? Шу сабоқ унутилмаслиги учун бир оз бўлса-да, ишонч бормикин? Хилқатлар гултожи инсонни фаровонлик ва қулфатларда, кашшоклик ва дов-давлатмандликда, ҳукм сурганда ва ҳукм сурмаганда ҳар доим унга ҳамроҳ ҳалокатли хирсу-ҳаваслардан қайтариб бўлармикин? Хилқатлар тожи инсонни бошқалар устидан ҳукмронлик юритиш иштиёқи ҳамда жазавасидан қайтариш мумкинми? Мудом кўнгли-хушига нима келса, шуни қилишдан қайтариш мумкинми? Ахир, ўзига бино қўйиш ва такаббурлик инсон куч-қудрат-

да бўлган чоғда уни ҳукм юритиш ва зўрлик кўрсатишга ундайди; куч-қудратдан айрилган чоқда ҳам, ялтоқилик, мунофиқлик ва доғулик билан яна ўша мақсад сари интилади. Шундай экан, ҳаётнинг асл маъноси нимадан иборат, асл мақсад нима, ниҳоят, бу саволга ким жавоб бера олади. Софлиги ва ҳаққонийлиги ҳеч кимда шубҳа уйғотмайдиган шундай жавоб борми ўзи?

Мураббий, сен, инсон яхшилик ва мурувват йўлига кирсин деб, оғир жазони бўйнингга олдинг. Ахир, шу икки нарса аслида оқилни аҳмоқдан ажратади. Инсон ер юзида қийналиб яшайди, унда ёмонлик томирлари жуда чуқур илдиз отган. Хур фикр билан қанотланган ақлни, ўзида ёвузлик сарқитини бамисоли юқумли касалликдай буткул курутган ва қакшатган мумтоз зотни — бизнинг мутлақ идеализмизни шу йўл билан тарбиялаб бўлармиди? Оҳ, қанийди шунга эриша олсак! Илоҳо, нега ўз устингга шунчалар оғир юк олдинг, тузатиб бўлмас дунёни тузатаман деб? Халоскорим, андак тўхта, ахир, сен уларни деб, ўлим азобини қабул қиляпсану, улар эса, кейин устингдан қуладилар. Ҳа, ҳа, хахолаб қуладилар, бошқалари эса минглаб йиллар ўтгач, моддий илм-фан Худога бўлган ишонч тамалларини батамом йўқотгандан, Сен бошдан кечирган барча нарсаларни чўпчак деб атагандан сўнг айримлари Сени мазах ва масхара қилажаклар: «Савдойи! Тентак! Ким шундай қилсин деди? Кимга керак бу хочга михлаш томошаси? Кимни ҳайрон қолдирмоқчи бу билан? Нима берди бу одамга? Уни қилча бўлсин ўзгартиролдими, бошқача қилолдими?» Сенинг жасоратингни бемаъни деб топадиган наслар ана шундай ўйлаяжаклар. Улар бу вақтга келиб, модда қурилишининг азал моҳиятини топажаклар ва ернинг тортиш кучини енгиб, қонинот қаватлари сари йўл олиб, бир-бирлари билан очкўзлар каби осмонларни талашажаклар, сайёраларда ҳукмрон бўлгали уринажаклар, оламнинг чеки бўлмаса-да, уларга барибир оз кўринажак. Ер юзида қўлларидан ҳеч иш келмагач, кибру-ҳаволарга берилиб ва барча нарсаларни унга қурбон қилароқ, Сен Мурувват тамалини ўрнатмоқчи ҳаёл сурган заминнинг қулини кўкларга совиришдан ҳам тоғмайажаклар. Ўйлаб кўр, ахир, улар ўзларини Худодан ҳам юқори деб турганларида Худони тан олармидилар. Ҳамма-ҳамма нарсаларнинг қулини кўкка совурмоқчи, Сенинг ҳам Хотиранинг буткул йўқ қилиб ташламоқчи бўлаётганлар учун Сен фақат мажзубсан, холос. О шўрлик, о содда Мураббийим, юр, бирга Волга, Ока томонга қочайлик, ўша дарё ўртасидаги хилват оролга борайлик, у ер Сен учун мисоли кўкдаги юлдуздай бўлади, ҳар ёқдан кўринади-ю, ҳеч кимнинг қўли етмайди. Ўйлаб кўр, ҳали кеч эмас, ихтиёримизда ҳали бир кеча ва тонг бор, балким, Сен раҳмсиз қисматдан қутула биларсан? Хушингни йиғ, наҳот Сен танлаган йўл бирдан-бир тўғри йўл бўлса?

Азобдан Авдийнинг кўзлари лўкиллаб оғрир, у тунги дим Қуддус кўчаларини тинмай кезар, Яратган томонидан ер юзига азобли ва фоже қисмат учун, одамларга мангу сабоқ ва зикр учун юборилган Зотга

ўз фикрини уктиришга уринарди... Лекин одамзоднинг табиати шундай-ки, ҳеч ким бу маломатни ўз хисобига олмайди ва ҳар ким ўзича баҳона қидиради гўё бунинг унга ҳеч дахли йўқ, гўё дунёнинг ишлари унинг иштирокисиз ҳам битади, нима бўпти, битса, битаверсин... Ўша холис ниятда қанчалар битмас-туганмас киноя яшириниб ётибди, инсон табиати шунчалар ҳисобга олинмаган унда...

Шаҳар дарвозаси атрофида айланиб юраркан, Авдий уч оёкли дайди итга дуч келди. Ит тўртинчи лат еган оёғини қорнига босиб турарди. Ит Авдийга мунглиғ ва ақлли кўзлари билан малқайди.

— Нима қилиб юрибсан, чўлоғим,— деди у итни кўздан кечираркан.— Сен ҳам мендай саргардон экансан, менга эргаши.

Шундан сўнг, ит то тонг-азонгача Авдий билан санғиб юрди. Ит жуда зийрак, ҳамма нарсани тушунарди. Тонг отди. Шаҳар уйғонди. Унинг ҳар кунги ташвиш, югур-югурлари бошланди. Бозорлар ва майдонлар саҳро бадавийларининг, юк ортган туялари, турли-туман молтоварларга тўла от-аравалар, эшак-хачирлар, елкалари, бошларида нарса кўтарган ҳаммолларга тикилиб кетди. Бозор қизигандан қизиди, ола-ғовур, олди-сотди авжига минди... Бирок кўпгина Қуддус шарифликлар шаҳарнинг оқ деворли ибодатгоҳига қараб йўл олишди, сўнг оломон у ердан қайнаб-тошиб Рум прокуратори Понтий Пилат саройига томон юрди. Уларга Авдий Каллистратов ҳам қўшилди: у гап Мураббийнинг тақдири устида бораётганлигини англади. Оломон билан бирга Ирод саройига етдилар, лекин қуролланган посбонлар уларни нойиб қошига қўймадилар. Улар сарой олдида кутиб қолдилар. Кун эрталабдан қизиган, аммо халойиқ ҳамон оқиб келарди. Турли-туман одамлар бу ерга турли-туман истак-хоҳишлар билан йигилмоқда эдилар. Серғулув оломон ўртасида нима гаплар бўлмайди дейсиз: бировлар пайғамбар Исони Рум нойибни ўзига берилган ҳуқуқ баробарида афв этади, Қуддуси шарифдан истаган томонга чиқариб юборади, фақат бу ерга ҳеч қачон қайтиб келмасликни шарт қилиб қўяди, дейишар, бошқалари эса ўлимга ҳукм қилинганлардан бирини ҳайит шарафига албатта овоз қиладилар ва бу Исо бўлади, деб айтишар, учинчи бировлар Исони худо Яхвенинг ўзи ҳамманинг кўз ўнгида қутқаради, деб ишондишарди. Лекин ҳаммалари ҳам саройда нима бўлаётганидан беҳабар интизорлик билан кутишарди. Оломон ичида таги-туғи йўқ тахтни деб, бошидан айрилаётган девона устидан мазах қилиб кулгувчилар ҳам топилар, нега ғойиб гапни чўзаяпти, калласини олиш керакми, шартта олиш керак, ади-бадини кўпайтириб нима қилади, куёшнинг қиздираётганини қаранг, ҳали кун пешингача Ғулқофда ҳамма офтобда сарғайиб адабиети ейди, дегувчилар ҳам йўқ эмасди. Бу Исо деганга гап топиб бериб бўларканми? Истаган одамнинг бошини айлантириб ташлайди. Албатта, у ерда ҳозир тоза шакарғуфторлик қилаётгандир, нойибни лақиллатиб ўтиргандир, худо кўрсатмасин, нойиб ҳали уни қўйиб юбориши ҳам мумкин, бу ерда аҳмоқ бўлиб кутганимиз қолади... Исо ҳам хўп ғалати зот экан-да,

роса ваъдаларни қуюқ қилди, лекин қани ўша Янги Салтанати? Мана энди, ўзини итдай осиб ўлдиришади... Шундай бўлар экан-да дунёда...

Авдий уларнинг гап-сўзларини эшитиб, фиғони ошарди. «Уялмай-сизларми ахир шундай дегани! Ношукур, ноинсоф бандалар! Инсон руҳининг ўз-ўзи билан улуғ қурашини ерга уриб бўладими, ахир! Таҳқиқламанглар уни! У билан фахрланиш керак, одамлар, унинг кўзи билан ўзингизга қаранглар!»— кўксини тиглаб, кўзёшлар тўкиб нола-фарёд чекарди Авдий Каллистратов, Куддус Шариф одамлари орасида. Лекин ҳеч ким унга қулоқ солмасди, биров ҳой, сен ҳам бормисан деб, писанд қилмасди. Ахир, ҳали у узок йигирманчи асрда туғилиши ҳам керак эди...

* * *

Ярим кеча челақлаб қўйган ёмғир аста тина бошлади. Яна аллақайларга жала бўлиб ёғгани йўл олди. Сўнг алоҳа тинди, фақат онда-сонда кечиккан томчиларини ташларди. Субҳи козиб палласи эди. Тип-тиник осмонда юлдузлар чарақлаб кўринди. Лекин осмоннинг туби ҳали қоронғу, фақат ёмғирдан сўнг уфқ четлари оқармоқда эди. Нам ерлардан, тун бўйи ёмғир тагида бўй чўзган ўт-ўланлардан салқин уфурарди.

Лекин чўл жониворларидан ҳеч қайсиси ҳаёт нашъасини ушбу соат Авдий Каллистратовдай ўткир хис қилолмасди. Гарчи унинг таъби очилмаган, лекин тирик ҳаётга чин дилдан шукрона ўқирди.

Бирок Авдийнинг омади бор экан: кун иккача ҳаво қаттиқ исиган, шунинг учун тунда унчалик салқин тушмаган, Авдий совкотмаган эди. Гарчи у бошдан-оёқ ёмғирга бўккан, лат еган, жароҳатланган жойлари ачишиб, лўқилаб турган бўлса ҳам, оғриқни енгиб, хаёлини бир ерга тўплади, равшан фикр йўриғи билан ўзини айни вақтнинг ичида ҳам узок ўтмиш, ҳам ҳозирги дамларидан тасаввур эта олди. Энди ҳаёт унинг кўзларига тамомила бошқача ўринар, уни қисматнинг тухфаси деб қабул қилар, шу боис яшаш ва фикрлаш имкониятини янада кўпроқ кадрларди. Ёмғир тинган чоқда Авдий темир йўл кўприги остида ўтирар, бу ерга сўнгги кучларини сарфлаб қоронғуда базўр судралиб келганди...

Кўприк ости бир оз бўлса ҳам қуруқ эди. У худди санғилардай шу ерга кириб ўтирди. Бошини пана қилгудай жой топилганидан, бемалол хаёл суриш имконияти туғилганидан хурсанд эди. Кўприк таги гулдуросга тўла, одам худди ўрта аср жомесининг юксак равоқлари остида ўтиргандай бўларди. Тепадан поездлар ўтганда узоклардан замбараклар бирварақай ўқ ёғдираётгандай ва сўнг мўлжални аста бошқа ёқларга олгандай кўринарди. Ўша кеча Авдийнинг хаёли эркин қуш мисоли парвоз қилди. Фикр туғиларкан, руҳни ўз-ўзидан ҳеч қандай тўсиқ билмай вақт ва макон чексизликлари сари озод эргаш-

тириб кетарди. Авдий дам Исо ва Понтий Пилат хақида ўйлар, хаёлан ўша замонларда сайр қилар, боши тепасидан ўтиб бораётган поездларнинг гулдурос шовкин-суронлари ўзини қадим Яҳудода Фулкоф тоғидаги сершиква оломон ичра тасаввур қилишига халал бермас ва ўша ерда бўлаётган барча воқеаларни ўз кўзлари била кўраётгандай бўларди. Гоҳ Москвани, Пушкин музейига борганини, болгар қўшиқчиларини тинглаганини эсларди. Кўз ўнгига ўзига икки томчи сувдай ўхшаш болгар йигитни келтирар, хаёлида унинг юзи, қўшиқ айтаётганда катта очилган оғзи жонланарди. Не олий оҳангларни яратарди болгар қўшиқчиларининг овозлари, унинг хаёли ва дилини не юксак парвозларга чоғларди улар! Отаси Дьякон Каллистратов черков қўшиқларини жону дили билан яхши кўрар, эшитганда йиғлаб кўнглини бўшатарди. Бир куни кимдир отасига замонавий роҳиба ўқиган ғаройиб дуони берган эди. Ўша ёшгина жувон болалар уйида тарбияланган, сўнг шу ерда мураббия бўлиб қолган, бир ярим ойгина бирга яшашган севган йигити уруш йиллари немис сувости кемаси чўктириб юборган ҳарбий кемада ҳалок бўлгач, роҳибалик удумини қабул қилган эди. Дьякон Каллистратов надомат ва салавот қўшилиб кетган ўша «кўнгил ҳужжати»ни ҳар сафар ўқиркан, кўзёшларини тиёлмасди. У, сабий Авдий уйнинг қизил пучмоғида эски пианино ёнида тик туриб, ўсмирларга хос жарангдор тоза овози билан чўқиб кетган кема хақидаги салавотни қироат қилиб ўқишини беҳад яхши кўрарди. Авдий болалар уйдан чиқкан қизнинг тиловатини ёдлаб олганди:

«Осмон оқариб келяпти, ҳали қуёш чиқмаган, ҳали ҳамма уйқуда. Сенга, ҳар нарсани Кўргувчи ва ҳар нарсага Раҳм қилгувчи кўнгилдаги зоримни тиловат қилиб айтаман. Худоё, ўзинг кечиргайсан, то Сени ёд этмоқдан бурун ўз арз-додимни эсладим. Лекин мен то тирик эканман, шу тиловат билан яшагайман.

Сен Раҳими Раҳмонсан, Ҳақсан, Ҳаллоқсан, кечир, Сени ўз арзим ила безовта қилмоқдаман. Мен ўзим учун сўрамайман, менга дунё роҳат-фароғати даркор эмас, умрим чироғини узайтирмасанг ҳам майлига. Ёлғиз одамзод болаларининг дилларини ҳалос этмоқликни тилайман. Сен Ғаффори Оламсан, кўнгилларимизга муҳр босма, жаҳолатда қолдирма, токи яхшилик ва ёмонлик ёруғ оламда бирга мавжуд экан, бизни баҳонаи сабаб занжирларидан ҳалос эт. Одамларнинг дил кўзларини очгайсан. Ўзим учун сўрамайман, тилим ожиз. Мен ҳар қандай ажр-оқибатингга ҳозирман — хоҳ жаҳаннам ўтига ташла ва хоҳ чек-чекгараси йўқ Салтанатингга ол. Қисматимиз ўз қўлингда, ё Ҳаллоқ, ё Маллоқ!

Сенинг Роҳибаи қулингман, ҳабий каломинг сомесиман, сенга якка-ёлғиз бир арзим бор, ўзга арзим йўқ. Дилимни ҳаёт ва дунё роҳатидан, кайғу-надоматидан, ўткинчи неъматларидан поку табар этдим. Сенинг пок Рухингга етишмоқ илтижоси билан шундай қилдим, худоё.

Ёлғиз шуни сўрайман, мўъжизангни кўрсат: майли, ўша кема ке-

чани кеча демай, кундузни кундуз демай, ўша йўлида ҳеч тўхтамай давом этсин, то само эврилмоғида кун тунга батамом қуюлгунча, тун кунга батамом қуюлгунча. Майли, ўша кема тўп-тўпхоналарни оғизларин боғлаганча ҳеч тўхтамай уммонлардан уммонларга сузиб юрсин, денгиз тўлкинлари уввос солиб, шалдираб унинг тўшларига урилсин. Уммоннинг аччиқ сувлари унга шовуллаб тўкилсин, зарралар сочилсин, заррачалар зариллаб унга нафас берсин. У кема деворларининг қарсиллагани, машиналарнинг гурсиллагани, шамол билан кемага эргашган чорлоқларнинг ғайқиллаганини эшитсин. Майли, кема энг узок уммонларнинг энг узок соҳилларидаги оппоқ шаҳарга йўл тутсин, лекин бари бир у ерга энди ҳеч қачон етолмагай...

Сендан тилагим ана шу, холос. Тун-кун тиловат қилиб, фақат шуни сўрайман. Ё Раҳими Раҳмон мағфиратингга бегона қилмагайсан, кечир, чўккан кемани тиловатимга қўшдим, арзимас дема. Сен умидлар дарғохсан. Оҳимиз дарғохингга етиб борсин. Сен Қодирсан, Қаҳҳорсан, Раҳмонсан. Ҳар нарсанинг боши сенда, охири ҳам сенда. Сенга ёлвориб борамиз. Сендан нажот сўраймиз ҳар қачон, ҳар қайда. Мен оламдан ўтганда, сендан ким илтижо қилади, ким ёлворади Худоё, майли ўша кема уммонларингда, мангу-мангу уммонларингда чексизликлардан ҳам нарида сузиб юраверсин. Омин!»

Ўша кеча роҳибанинг тиловати нима боисдан яна эсига тушганлигини унинг ўзи ҳам билмасди. Агар Учқудукка мотоцикл миниб келган жувон учраб қолса, унга ҳам шу тиловатни ўқиб берардим, деган ўй хаёлидан лип этиб ўтди ва кулгиси кистади. Авдий беихтиёр кулиб юборди-да, э, бевош тентак, деди ўзига ўзи ва ҳолига маймунлар йиғлаб, шўрига шўрва тўкилиб, худди бесар, беватан ўғир-қароқчилардай кўприк тагида шумшайиб ўлтирганимни у кўриб қолса, нима бўларди, деб тасаввур қилди. Ким деб ўйларди мени, тагин шу аҳволда унга кема ҳақидаги тиловатни ўқиб бермоқчиман. Қип-қизил девона-ку, дерди у ва албатта, ҳақ чиқарди. Бу алфозда унинг кўзига кўринишдан номус қилса ҳам, лекин барибир уни жуда кўргиси келди...

Авдий тонг оқаргунча кўприк остида ўтирди, унинг боши устидан қалдираб чўлнинг поездлари ўтарди. Лекин ҳаммадан кўпроқ хумор чопарларни ўйларди. Қаерда экан улар? Нима қилишаётган экан ҳозир? Жалпоқ-Создан ўтиб олишгандир, йўлда кетишаётгандир. Қаерда ҳозир Петруха, Лёнька ва бошқалар? Худди алвастидай тутқич бермайдиган Гришан-чи? Авдий кўпол хатога йўл қўйганлиги, янглишганлиги учун ҳозир қаттиқ ачинди. Гришан ютди, унинг қора иши тантана қилди, ҳаммаси жуда ёмон натижа билан тугади. Аттанг! Шундай бўлса-да, Авдий мана шу кунлар бошига тушган синоқлар бежиз кетмаганлигини тушунарди. Буларнинг барини кўриши керак эди. У чопарларни хатарли йўлдан қайтаролмади, лекин газетада чиқиши учун кизиқарли материал тўплади, бу материални ўз пешона тери билан топди.

Шу каби мулоҳазалар Авдийга андак тасалли берар, лекин жони

айникса, Лёнькага ачишарди. Уни тўғри йўлга солиш мумкин эди, бирок улгурмади.

Авдий Мўйинқум чўлларида барча кўрган-кечирганларини бирма-бир хаёлидан ўтказди. Бўриларни учратгани, кўкёл бўри ўкдай учиб бошидан ошиб ўтгани, аммо унга зиён эткизмагани эсига тушди. Бу бир синоат, жуда ғалати ходиса. Бўрининг ўт чакнаган, аклли кўк-кўзлари бир умр унинг эсидан чиқмайди.

Аммо каранглар-а, темир йўл узра яна куёш чиқди ва ҳаёт ўзининг янги даврасига кирди. Тунги жаладан сўнг чўл гуркираб кетган эди. Ҳали ҳаво салқин, кўз илғаганча чўл мусаффо, кўк осмонда тўрғайлар сайрарди. Чўл ҳофизлари ер билан осмон ўртасида пирпираб ўрлашар ва беҳудуд қўшиқ тўкишарди. Бу ерлардан олис-олисларда қайнаб ётган ҳаёт ҳақида дарак бериб поездлар чўлнинг у уфқидан бу уфқига шошилишарди.

Кечаси кўкдан ёққан оби раҳмат туфайли ўша чўл тонготарида ажиб тароват ва уйғунлик ҳоким эди.

Куёш юкори кўтарилиб, қиздира бошлаши билан Авдий кийимларини қуритмоқчи бўлди. Уст-бошларини ечаркан, даҳшатга тушди. Улар далва-далва йиртилиб кетган, бу аҳволда одамлар кўзига кўрингандан ўлган маъқул эди. Баданига эса қараб бўлмас, соғ ери йўқ, ҳаммаёғи гурра, шиш, моматалоқ эди. Яхшиямки, ойнаси йўқ экан. Акс ҳолда ўзига қараб кўриб кетарди, лекин ойнасиз ҳам ҳаммаси унга равшан эди; юзига қўл теккиза безилларди.

Бундан ҳам баттар бўлиши мумкин эди, деб тасалли берарди у ўзига ўзи. Ҳар қалай, тирик қолди-ку, шунинг ўзи тенги йўқ бахт эмасми, ахир.

Кўприк тагида ечинаркан, яна бир нарса кўнглини хира қилди. Паспорти билан озроқ пули бутунлай яроқсиз ҳолга келган эди. Йиқилганда паспорт ғижим-ғижим букланган, ёмғирдан сўнг эса таниб бўлмайдиган ҳолга келганди. Пулидан эса йигирма беш сўмлик билан битта ўн сўмликкина яроқли эди. Шу пул билан Авдий Москвага ва ундан Приокс шаҳрига етиб олиши керак эди.

Авдий Каллистратовни ноҳуш ўйлар чулғаб олди. Семинариядан ҳайдалгандан сўнг Авдийга тангроқ аҳволда яшашга тўғри келди. Опаси Варваранинг розилигини олиб, эски пианинони сотди. Варвара болалик чоғларида унда пианино чалишни ўрганган эди. Комиссион магазинда пианинони ярим пулга баҳолашди. Ҳозир бунақа музика асбобига қизиқиш йўқ, улар ҳамма жойда тўлиб ётибди. Ҳатто эски магнитофонларни қўйишга жой топилмади, пианинони қаерга сиғдирамиз деб, баҳоналар қилишди. Илож йўқ эди, шунга рози бўлишга тўғри келди. Мана энди ҳеч вақоси қолмади. Бундан ортиқ яна нима керак!

Янги кун туғди. Яшаш керак эди. Яна турмуш уринишлари хаёл-параст Каллистратовнинг ҳиқилдоғидан олди.

Кечаси билан кўприк тагида ўтириб ўйлаб чиқди. Энди бу ердан

кандай кутулишнинг чорасини излаш керак эди, бундан ташқари корининг ғамини ҳам ейиш керак.

Шунда Авдийнинг омади кулиб боқди. Кун ёришгач, у беркиниб ўтирган кўприк тагидан от-улов йўли ўтганини кўрди. Рост, бу йўлдан машиналар жуда сийрак қатнаса ажабмас. Йўловчи машинани кутса, худо билади, яна қанча ўтиришга тўғри келади. Авдий энг яқин разъездгача пиёда юриб боришга қарор қилди. У ердан бир амаллаб Жалпок-Созгача етиб олар. Йўлга тушиш тадорикида Авдий нигоҳи билан атрофни тимирскилади: бир таёқ топилса, йўлда унга анча мадади тегарди. Поезддан кулаганда ўнг тиззаси лат еб, шишиб чиккан, энди қаттиқ оғримокда эди. Атрофига олазарак назар ташлаб, Авдий кулиб юборди: «Петруха мени боплаб урган таёқни Гришан ташлаб юборган бўлса-чи? Энди таёқни бошига урадимиз?» Таёқ топилмади. Лекин шу асно чўл ичидан кўприк томонга қандайдир машина келаётганлигини кўрди.

Бу юк машинаси бўлиб, тепасига қўлбола қилиб юпқа тахтадан айвонча ишланган эди. Шофёрнинг ёнида қўлида бола кўтарган хотин ўтирарди. Машина дарҳол тўхтади. Шофёр, юзи қорайган йирик козок йигит кабинанинг ярим очик ойнасидан Авдийни кизиқиб томоша қилди.

— Ҳа, йигит, нима, лўлилар калтаклашдими сени?— сўради у.

— Йўк, лўлилар эмас. Ўзим поезддан йикилиб тушдим.

— Маст эмасмисан?

— Мен умуман ичмайман.

Шофёр ва хотин ачиниб, оҳ-воҳ қилишди. Ўзаро козокчалаб гаплаша бошлашди. Улар «бечора» деган сўзни кўп такрорлашди.

— Хой, менга қара, ўтир машинага. Биз Жалпок-Созга кетяпмиз. Бўлмаса чўлда бир ўзинг ўлиб қолсан, бечора. Бу йўлдан машиналар кўп юрмайди.

Авдийнинг томоғига бир нарса ҳикиллаб тикилди, йиғлаб юборишдан ўзини базўр тийди, ёш боладай қувониб кетди.

— Раҳмат, биродар,— деди у қўлини кўксига қўйиб.— Ўзим сиздан ола кетинг деб сўрамоқчи эдим. Юролмаёпман. Оёқ ишқал. Раҳмат.

Шофёр пастга тушди. Авдийга машинага чиқишга ёрдамлашди.

— Қани буёққа кел. Сени кўтаришиб юборай, бечора. Э, қўркма, чиқавер. Тепада жун бор. Совхозники. Топшириб келаман. Қайтанга юшоққина ўтирасан. Фақат чекмасанг бўлди.

— Мен умуман чекмайман. Ташвишланманг,— жиддийат билан ишонтирди уни Авдий.— Мен кечаси ёмғирда қолиб кетдим. Тоза бўқдим. Бу ер иссиққина экан...

— Майли, майли! Айтдим-қўйдим-да. Дамингни ол, бечора.

Аёл кабинадан бошини чиқариб қаради. Шофёрга алланарса дели:

— Хотиним сўраяпти, қорнинг очдир? — тушунтирди шофёр жилмайиб.

— Жуда оч!— очиғини айтиб қўя қолди Авдий.— Раҳмат. Агар бир нима егулик бўлса, беринг, ўла-ўлгунча нутмайман.

Авдийнинг назарида бир шиша кўй сути ва ўчоқда ёпилган, хиди гуркираб турган оппоқ нон кечаси билан чеккан азоблари учун кўкнинг унга инояти эди.

Овқатланиб бўлиб, Авдий мой ва тер хиди анкиб турган кўй жуни тикилган коп-қанорлар устида ухлаб қолди. Машина кечаси жаладан сўнг тароват тўлган чўл бўйлаб ҳамон кетиб борарди. Тузаладиган касал табибга дуч келгандай бу йўл Авдийга шифо бўлди.

У машина тўхтаганда кўзини очди.

— Келдик. Сен каерга борасан?— шофёр пастга тушиб, орқадаги борт олдида юқорига қараб турарди.— Хой, йигит! Тирикмисан?

— Тирик, тирик! Раҳмат,— жавоб қилди Авдий.— Жалпоқ-Созга етиб келдикми?

— Ҳа, бекатга келдик. Биз энди хом-ашё омборига борамиз.

— Мени қутқардингиз. Яна бир қарра раҳмат. Хотинингизга ҳам катта раҳмат. Нима деб миннатдорчилик билдиришимни ҳам билмайман.

Авдий тепадан шофёрнинг ёрдамида тушаркан, оғриқдан инграб юборди.

— Аҳволинг жуда чатоқ, бечора. Сен касалхонага бор, маслаҳат берди шофёр.— Таёқ бўлса, анча ишинг осонлашарди.

Вокзалгача Авдий ярим соат чўлокланиб борди. Яхшиям, йўлда ётган тахта бўлагини кўтариб олган экан, ундан қўлтиктаёқ ўрнида фойдаланди, юриши анча енгиллашди.

Темир йўл излари, кўтарма кўприклар, катта, кучли чироқлар, юк кранлари, келаётган ва жўнаётган поездлар, вокзал майдони ва умуман, бутун бекат шаҳарчаси узра овоз кучайтиргичдан буйруқлар, фармойишлар, эълонлар янграб, чўл узра таралар, локомотивлар ҳуштак чалар, пассажир поездларнинг келгани ва кетаётгани хабар қилинарди. Овлоқдан келаётган Авдийга қайнаган ҳаёт дарров билинди. Атрофда одамлар ўз иш-ташвишлари билан югургилашиб юришар. Жалпоқ-Созни Туркistonнинг энг йирик бекатларидан бири деб ҳисоблашлари бежиз эмасди.

Чўнтакда бор-йўғи ўттиз беш сўм билан қандай қилиш, қайси поездда кетишга Авдийнинг боши қотиб қолган эди. Энди нима бўлади? Москвагача қаттиқ вагоннинг билети ўттиз сўм турар экан, у ҳам билет бўлса ҳали. Тирикчилик-чи? Оёғи бу аҳволда, жароҳатлари-чи? Касалхонага борсамикин ёки дарҳол жўнаб кетаверсинми? Авдий ҳаёлга ботганча одам билан гавжум, дим бекат бинолари ичидан оксокланиб ўтиб борарди. Унинг тўзган, йиртиқ уст-боши, ажива қилиб ташланган афт-ангори, таяниб бораётган чурик тахтаси одамларнинг этиборини тортар — ҳамма унга аланглаб қарамоқда эди. Авдий поездлар жадвали осилган майдонга чиққанида, ўзини милиция ходими кузатаётганини пайқади.

— Қани, тўхта-чи, ҳей йигит! — чақирди уни милиционер яқинлашиб келаркан. Унинг жаҳлдор, қатъий қарашлари яхшиликдан дарак бермасди.— Бу ерда нима қилиб юрибсан? Ким бўласан?

- Менми?
- Ҳа, сен.
- Поездга чикмоқчиман. Жадвал кўряпман.
- Хужжат борми?
- Қанақа хужжат?
- Оддий хужжат: паспорт, гувоҳнома, иш жойидан справка.
- Бор, мен фақат...
- Кани, кўрсат.

Авдий чайналди.

- Биласизми, ўртоқ, бу мен, ўртоқ, ўртоқ...
- Ўртоқ лейтенант,— гаши келиб деди милиционер.
- Мен, ўртоқ лейтенант, шуни айтмоқчийдимки...
- Нима демокчи бўлганингни кейин билаверамиз. Хужжатларни ол.

Авдий товсиллана-товсиллана чўнтагидан ғижимланиб таниб бўлмас аҳволга келган паспортини чиқарди.

— Мана,— деб узатди милиционерга.— Паспортим.

— Паспортмиш!— милиционер Авдийга ғижиниб қаради.— Сен нимага мени лақиллатяпсан? Яна паспорт дейди! Ма, ол, ўзингга сийлов. Мен билан бўлимга борасан. Ўша ерда кимлигингни аниқлаймиз.

— Мен ахир, ўртоқ лейтенант...— ўзининг ночор аҳволдан, таяниб турган тахтасидан, атрофга бирин-сирин йиғилаётган бекорчилардан хижолат чекиб деди Авдий,— мен, биласизми, газетанинг мухбириман.

— Ҳали сен мухбирмисан!— хуноби ошди милиционернинг. Назарида уни очикдан-очик ва сурбетларча лақиллатишаётгандай туюлди.— Э, қани, бу ёққа юр-чи, мухбир!

Йиғилган томошаталаблар мазах қилиб кулишди.

— Топган гапини қаранг — мухбирмиш!

— Балки ҳали ташки ишлар министрима ҳам дерсан?

Жаҳлдор лейтенант орқасидан бориб, кутиш залидан ўтишга тўғри келди. Энди ким дуч келса, шу Авдийга ўгирилиб қарар, бир-бирларига пичирлашар, кулишарди. Катта оғоч ўриндиқда юклари билан ўрнашиб олган оила ёнидан ўтиб бораётганда Авдийнинг кулоғига узуқ-юзуқ сўзлар чалинди:

Кичкинтой кизча. Ойи, ойи, қаранг, ким бу?

Аёл. Вой, болагинам-эй, бу қароқчи. Кўрдингми, уни милиционер амакинг ушлаб олибди.

Эркак. Мунинг нимаси қароқчи. Патак ўғриси. Чўнтаккесар. Худди ўзи.

Аёл. Вой, нима деяпсан, Миша. Кўриниши ўзи шунақа бечора. Хилватроқ жойда дуч келсанг, сўйиб кетади...

Лекин Авдий учун энг даҳшатли, кутилмаган иш ҳали олдинда эди. Лейтенантнинг ортидан вокзал ёнидаги талай уйлاردан бирининг эшигидан ичкарига кадам қўйган Авдий ўзини деразаси майдонга қара-

ган каттакон милиция хонасида кўрди. Телефон қўйилган столда ўтирган унвони кичикрок милиция ходими лейтенантни кўриб, ўрнидан турди.

— Ҳаммаси жойида, ўртоқ лейтенант,— деб ахборот берди у.

— Ўтир, Бекбўлат. Мана яна бир меҳмон,— деб Авдийга ишора қилди лейтенант.— Қара, шахзодаларга ўхшайди! Яна мухбирман дейди!

Авдий ичкарига киргач, атрофга аланглаб қаради ва сал бўлмаса бакириб юборай деди. Шағамдай қотди. Не кўз билан кўрсинки! Эшикдан кираверишда чап томонда қалин симлардан қўпол қилиб ясалган ва хонани полдан шипгача икки бўлакка ажратган тўсик орқасидаги бурчақда худди панжарага солинган махлуқлардай бўлиб чопарлар — наша йиғувчи хуморилар: Петруха, Лёнька, Махач, Коля, икки қўпоровчи чопар ва яна қандайдир болалар ҳаммаси бўлиб ўн-ўн икки чоғлик одам ўтиришарди. Фақат Гришан кўринмасди. Булар орасида Ўзи йўқ эди.

— Болалар, нима қилди? Нега бундоқ бўлиб қолди?— беихтиёр оғзидан чиқиб кетди Авдийнинг.

Чопарлар миқ этишмади. Улар ҳатто кимирлашгани ҳам йўқ. Хуморилар панжара орқасида бир-бирларига зич тикилишиб ўтиришар, башаралари жуда ўзгариб кетган, тумтайган, қовоқлари солиқ эди.

— Танидингми ошналарингни?— галати иршайди жаҳлдор лейтенант.

— Албатта!— деди Авдий.— Булар ҳаммаси бизнинг болалар.

— Э, ҳали шундоқми!— ҳайрон қолди лейтенант Авдийга диққат билан разм солиб.— Нима, бу ошналарингни?— сўради у чопарлардан.

Ҳеч ким жавоб бермади. Ҳамма кўзини ердан узмай жим ўтирарди.

— Ҳей, сизлардан сўраяпман!— жаҳли чиқди лейтенантнинг.— Жавоб бермайсизларми? Майли, кўрамиз ҳали. Товага тушган қискич-бақадай сакратаман ҳали. Ҳаммангга уч юз ўн еттинчини берганда, мени эслаб қоласанлар. Инсон қадами етмаган жойларга бориб ўтирасанлар. Ёшмиз дейсанлар-да. Ёшлигинга қараб ўтирмаймиз. Илгари суд бўлмагансанлар-да, а. Бу ҳисобга ўтмайди. Ҳа, ҳа, бу ҳисобга ўтмайди. Ашё билан қўлга тушдинглар!— у полда сочилиб ётган Авдийга таниш, наша билан тўлдирилган юкхалталар ва жомадонларни кўрсатди. Уларнинг айримлари очилган, айримлари йиртилган, у ер-бу ерда наша сочилиб ётар, хонани ёввойи гиёҳнинг оғир ҳиди тутганди. Стол устида телефон ёнида оғу солинган гугурт қутилари ва шиша идишчалар турарди.— Кўрсатиб қўяман жавоб бермасликни! Хафа бўлишди булар тагин! Ашё билан қўлга тушдинглар-ку!— деб такрорлади лейтенант тажанглиги ортиб, жаҳл устида унинг овози жанранглаб чиқа бошлади.— Мана, далил! Мана, ашёвий далиллар! Мана, сенларга афюн!— у наша тўла юкхалталарни тепиб кўрсатди.— Шайкаларингдан битта аблаҳ қочиб қутулди-да. Лекин у ҳам ҳали шу ер-

га — панжарага келиб ўтиради, ярамаслар! Турларинг! Тур, кимга айтяпман! Ялнайиб ўтириб олганини қаранг! Тикка бу ёққа қараб турларинг! Кўзингни олма! Кимга айтяпман кўзингни олма деб! Сенларга ўхшаган ярамаслар мени вагоннинг тагидан отишди. Мендан раҳмшафқат кутмаларинг энди! Аблахлар, мишиқилар, қуролланиб олишибди! Яна нималарни истайдилар! Ҳаётим борича сизлар билан олишаман. Мен қандай олишишни биламан. Ҳамма поездларда, ҳамма йўлларда сизларни қутурган итдай тутиб оламан! Мендан ҳеч қаёққа қочиб қутулмайсанлар! — кўпириб-тошиб кичкирарди у. — Сенлардан сўраяпман ким манави жулдурвоқи? Мухбирмиш! Ким бу рўдаю! — Лейтенант Авдийнинг кўлидан тутиб, панжара олдига судраб борди. — Айтларинг яхшиликча! Ошналарингми?

Бир зум ҳаммалари жим қолишди. Авдий чопарларнинг бадқовок банараларига разм соларкан, ҳеч ўз кўзларига ишонгиси келмасди. Шуларми кечагина чўлда поезд тўхтатган? Шуларми сўриб-сўриб наша чекиб, кайф сурган? Шуларми уни ўлгудай уриб, вагондан улоқтирган? Шуларми чапдаст болалар? Мана энди камарсиз шим кийиб, яланг оёқ бўлиб (заруратга олиб чиққанда қочиб кетмасинлар деб, шундай қилсалар эҳтимол), шўрларига шўрва тўкилиб, панжара ичида иочор тумтайиб ўтирибдилар.

— Охирги маротаба сўраяпман сенлардан, — газабидан бўғилиб деди лейтенант. — Мен тутиб келган манави тавия ошналарингми, йўқми?

— Йўқ, ошнамиз эмас, — гўдинглаб ҳамма учун жавоб қилди Петруха, Авдийга истар-истамас қараб қўяркан.

— Нега ундай дейсан, Пётр? — хайратга тушди Авдий панжара томон судралиб яқинлашаркан. — Нима, мени эздан чиқардингларми? — таъна қилгандай сўради у панжара ортидагилардан. — Сизларга жопим ачийди, — деб кўшиб кўйди у. — Қандай қилиб бундай бўлди?

— Таъзия билдирадиган жой эмас бу ер сизга, — силтаб ташлади уни лейтенант. — Мен энди ҳар биттангдан алоҳида-алоҳида сўрайман, — пўписа қилди у чопарларга. — Ким ёлғон айтса, — бу бари бир маълум бўлади, — унга яна бир модда кўшилади. Қани-чи, сен айт, — деди у Махачга қарата.

— Бизданмас, — деб жавоб берди у тупук сочилган лабларини кийшайтириб.

— Энди сен айт, — буюрди лейтенант Лёнькага.

— Бизданмас, — деди Лёнька ва оғир ҳўрсинди.

— Бизданмас, — деди маллабош Коля.

Ҳаммалари бир бошдан Авдийни танишни истамадилар.

Кизиқ, чопарларнинг бу қилиқлари Авдийнинг ҳамиятига тегди. Уларнинг ҳаммалари бир оғиздан, қатъий, ҳеч қандай шубҳага ўрин қолдирмай ундан воз кечишгани Авдий Каллистратовга ҳақоратлаган ва ҳўрлагандан баттар алам қилди. Авдийнинг бир зумда иситмаси чиқиб кетди, бошига ёрилгудай сиркирок оғрик кирди.

— Нима бўлди, нега мени танимайман деяпсизлар? — қаловланиб сўрарди у. — Ахир мен...

— Гап бундоқ, «Нью-Йорк таймс»нинг мухбири,— майна қилиб уни тўхтатди лейтенант.— Кўп гапирдингиз, етар. «Ахир мен», «ахир сен». Бўлди, бас. Бошимни айланторма. Сенсиз ҳам иш бошдан ошиб-тошиб ётибди. Жўна, бу ердан. Оёқ тагида ўралашаверма. Булар билан ишинг бўлмасин. Уларга қарши қонун бор. Шафқатсиз қонун. Оғу тайёрлагани, тарқатгани ва сотгани учун дарҳол жазога тортилади. Улар билан гап қиска. Сен, мухбир ошна, тезроқ бу ердан туёғингни шиқиллат. Жўна. Бошқа кўзимга кўринма.

Жимлик чўкди. Авдий Каллистратов оғирлигини дам у оёғига, дам бу оёғига солиб, кетишга шошилмасди.

— Сен ўрток лейтенантнинг сўзларини эшитдингми?— шу пайтга-ча аллақандай қоғозларни тўлдириш билан машғул милиционер ўртага тушди.— Эсинг борида жўна. Раҳмат дегину чиқиб кетавер.

— Сизда манави эшикнинг калити борми?— деб сўради Авдий темир эшикнинг осиглик кулфини кўрсатиб.

— Сенга нима? Бор, албатта,— деб жавоб берди лейтенант Авдийнинг нега шундай деб сўраганлигини тушунолмай.

— Унда очинг эшикни,— деди Авдий.

— Яна нима хоҳлайдилар? Э, кимсан ўзинг!— тутакиб кетди лейтенант.— Жонингдан тўйдингми! Мен сени!

— Ана-ана! Мени дарҳол панжарага ташлашингизни сўрайман. Жойим ўша ерда!— Авдийнинг чеҳраси ловуллаб ёнар, яна унинг каттик жазаваси тутганди. Вагонда нашани ташқарига сочиб ташлаганда худди мана шундай бўлган эди.— Мени камокка олишлари ва суд қилишларини талаб этаман!— деб қичқирарди Авдий.— Мен ҳам мана шу адашган бадбахтларнинг бириман! Дунё разолат ва ярамасликларга тўлиб кетди! Худди улар каби мен ҳам жавобгарман. Мен ҳам наша йиққанман. Эшикни очинг. Мен улар билан бирга ўтирай. Судда улар тасдиқлашади айбим борлигини! Гуноҳларимизга тавба қиламиз, дилимиз пок бўлади...

Милиционер шунда қоғозларини бир чеккага йиғиштирди-да, ўрнидан дик этиб турди.

— Э, бу ғирт жинни-ку, ўрток лейтенант. Қаранг башарасига. Жиннилиги шундоқ кўриниб турибди.

— Ақл-ҳушим жойида,— деб эътироз билдирди Авдий.— Мен улар билан тенг жазо тортишим керак! Жинни бўлиб нима қилибман?

— Шошма, шошма,— иккиланди лейтенант. Транспорт милициясидай оғир ишда шунча йиллар хизмат қилиб бунақа тентакликни энди кўриши эди: айтсанг, биров ишонмайди сира.

Орага сукут чўкди. Шу пайт кимдир ҳикиллаб, сўнг хўнграб йиғлаб юборди. Бошини деворга ўгириб олган Лёнька йиғламоқда эди. Петруха унинг оғзини юмишга уринар, кулоғига бир нарсалар деб пўписа қиларди.

— Гап бундай, ўрток,— деди лейтенант кутилмаганда юмшоқлик билан Авдийга.— Юр, ташқарига чиқайлик, менга ҳаммасини бир бошдан гапириб берасан. Қани, чиқайлик. Юр, юр, рост айтяман.

Улар яна йўловчилар тиқилиб кетган кутиш залига чикдилар. Лейтенант Авдийни бўш скамейкага бошлаб келди, ўтиришга таклиф этди, кейин ўзи ҳам ёнига ўтирди.

— Сендан жуда ҳам илтимос қиламан, ўртоқ,— деди у бирдан дўстона бир самимият билан,— бизнинг ишимизга халал берма. Мабо-до, мендан ўтган бўлса, кўнглингга олма. Ишимиз ўзи шундай, жуда қийин. Ўзинг ҳам кўрдинг-ку. Илтимос, борадиган жойингга жўна. Сен озодсан. Фақат бизга бошқа борма. Тушундингми, а?

Авдий аҳволимни қандай тушунтирсам, ушланган чопарлар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларимни қандай баён қилсам экан деб, ўйлаб, хаёлини йиғиштираётган эди, лейтенант ўрнидан турди-ю, одамлар орасини ёриб ўтиб, жўнаб қолди.

Йўловчилар бекорчиликдан тагин Авдийга аланг-жалам кўз ташлай бошлашди: у турли-туман одамлар йиғилган шу халойиқ ичида ҳам отнинг кашкасидай кўзга ташланиб турмоқда эди. Кийимлари йиртилган, афт-башараси кўкарган, ғурра бўлган, қўлтиғига тахта қистириб олган бир холи-бир сар Авдий одамларнинг ғашини келтириб, нафратини кўзирди. Устига-устак, уни ҳозиргина милиционер бу ерга ташлаб кетган эди.

Авдийнинг аҳволи тобора ёмонлашарди... Қаттиқ иситмай бошлаган, боши сирқираб оғрирди. Кеча бўлиб ўтган воқеалар, тунги жала, шишиб, юролма қолган оёғи, ниҳоят, оғир жазога дучор бўлган чопарлар билан ҳозирги учрашув — Авдийга булар ҳаммаси энди ўз кучини кўрсатмоқда эди. Авдийнинг бадани увишиб, тинмай қалтирай бошлади, жисми худди ёниб кетаётгандай эди. У қунишиб, бўйнини ичига тортиб ўтирар, ўрнидан туришга мажоли йўқ эди. Қуриб кетгур қўлтиқтаёқ эса оёқлари тагида ётарди.

Шунда мурдадай бўлиб қолган Авдийнинг кўз ўнги туман билан копланди. Одамларнинг хира тортган, ёйилиб кетган гавдалари, афт-ангорлари яна чўзилиб, бужмайиб, бири узра бири қалашиб кетарди. Авдийнинг кўнгли беҳузур бўлар, фикрлари чувалашар, нафас олиши тобора оғирлашарди. Авдий одам тиқилинч, ҳавоси дим шу бегона залда бир ўзига келиб, бир ўзидан кетиб ўтирарди. «Вой, мазам қочиб кетяпти,— ўйларди у,— одамлар ҳам кўп ғалати бўлишади-да. Ҳеч ким ҳеч кимга керак эмас. Ҳаммаёқ бўм-бўш, тирик зот қолмагандай». Авдий бу бирпасдан сўнг ўтиб кетади, яна ҳушим ўзимга келади, ўшанда анави қамоқдагиларга балки бирон ёрдамим тегиб қолар, деб умид қиларди. Куни кечагина уни ўласи қилиб уриб, поезддан улоқтириб юборганларини у ҳозир ҳатто эсламас ҳам эди. Бу қабиҳ жиноятчилар, нодон қотиллар унинг раҳмини эмас, ғазабини келтиришлари, унда интиқом ҳиссини уйғотишлари керак эди аслида. Лекин хаёлпараст Авдий Каллистратов ҳаёт сабоқларини ўзлаштиришни истамас, бунда ҳеч қандай мантиқнинг фойдаси йўқ эди. Наша йиғувчиларнинг патароти — ўзининг ҳам патароти эканлигини у ғайри-

шуурий бир тарзда тушунарди. Бу фидойи раҳмдиллик ғояси ҳам тамомила енгилганлигидан дарак берарди. Чопарларни ҳалокат чоҳидан ҳалос этиш унинг қўлидан келмади. Уларга ўз таъсирини ўтказолмади. Шу билан бирга ҳар нарсани кечириб юборавериш ҳам ожизлик аломати эканлигини тушунмай иложи йўқ эди, бу ҳали қанчалар оғир оқибатларга олиб бориши мумкин...

Лекин барибир дунёда яхши одамлар куриб кетгани йўқ, вокзалдаги тасодифий йўловчилар ичидан ҳам шундай киши топилди. Авдийнинг рўпарасидаги скамейкада юкларини олиб ўтирган, бошини рўмол билан ўраган, сочлари оқарган хотин унинг мазаси қочиб, ёрдамга муҳтож бўлиб қолганлигини сезди.

— Гражданин,— деб гапини бошлади-да, шу заҳоти оналарча меҳрибонлик билан сўради:— Тобинг қочдимми, болам? Касал бўлиб қолганга ўхшайсан-ку?

— Тобим қочяпти, лекин сиз ташвиш чекманг,— деб илжайишга уринди Авдий.

— Ҳеч қандай ташвиши йўқ. Вой, худойим-эй, нима гап ўзи, бирон ердан йикилиб тушдингми? Иссиғинг жуда баланд-ку,— деди у Авдийнинг пешонасига қўлини теккизиб кўриб.— Кўзларинг ҳам қизариб кетибди. Менга қара, болам. Сен ҳеч қаерга кетмай шу ерда ўтир. Мен бориб билиб келай, балки биронта врач топилиб қолар, эҳтимол сени касалхонага ётқизиш керакдир. Сени бу аҳволда қолдириб бўлмайди...

— Қўйинг, овора бўлманг,— дерди унга Авдий овози ичига тушиб кетган ҳолда.

— Йўқ, йўқ. Сен бирпас ўтира тур. Мен дарров қайтиб келаман... Болали қўшни аёлдан нарсаларига қараб туришни сўради-да, раҳмдил хотин қайгадир кетди.

Орадан қанча вақт ўтди, Авдийнинг эсида йўқ. Унинг жуда мазаси қочди. Нима бўлаётганлигини энди фаҳмлади: томоғи қаттиқ оғирди. Ҳатто тупугини ютолмасди. «Ангина бўлса керак,— деб ўйлади Авдий. У шунчалар ҳолдан тойган эдики, шу ернинг ўзида полга узала тушиб ётгиси келар — устидан босиб, топтаб ўтсалар ҳам майли эди — фақат кўз юмса бас, кўз юмса бас эди...

Авдийнинг кўзи эндигина илинган экан, бирдан кутиш залидаги ҳалойиқ ҳаракатга келди, ғовур-ғувур эшитилди. Авдий кўзини очди ва милиция хонасидан чопарларни олиб чиқишгаётганини кўрди. Уларни тўрт томондан милиционерлар ўраб олганди. Тажанг лейтенант олдинда — одамлар унга йўл бўшатишар, унинг орқасидан қўллари боғланган чопарлар келишарди. Петруха, Махач, Лёнька, Коля, икки кўпорувчи ва яна аллақимлар — ўн кишининг ҳаммаси шу ерда эди. Уларни соқчилар вокзалдан қатор қилиб олиб чиқишарди.

Авдий зўр бериб, не машаққат билан тахтасини қўлтиғига қистирди-да, чопарлар орқасидан лўкиллади. Назарида жон-жаҳли билан ҳаракат қилаётгандек бўлса ҳам, лекин негадир барибир маҳбусларни қувиб

етолмади. Йиғилган оломон орасидан у томонга ёриб ўтиш осон эмасди. Лекин чопарларни қандоқ олиб кетишаётганини яққол кўриб турди: вокзал эшиги олдида орқа дарчаси панжарали ёпик машина турар — икки милиционер чопар болаларнинг қўлтиқларидан кўтариб, ичкарига жилдириб юборишарди.

Кейин машинага сокчи ўтирди ва эшик ёпилди. Лейтенант ҳайдовчининг ёнига чиқди. Шундан сўнг машина вокзал майдонидан жўнаб кетди. Халойиқ ҳар турли тахминларни бичиб-тўқирди.

— Қароқчиларни ушлашибди. Бир гала.

— Анави уйларга кириб одамларни ўлдириб юрганлар шулар бўлса керак.

— Вой, кўркиб кетяпман-е...

— Э, қароқчимиз шулар! Таги ҳўл болалар-ку ҳаммаси!

— Бола дейсан-а? Ҳозирги болалар дуч келган одамни ўлдириб кетади. Ҳеч нарсага қарамайди.

— Э, кўйинглар-э, барака топкурлар. Булар наша йиғадиган, банги болалар. Нашага келишган. Ҳар куни канчасини тутишади юк вагонларда!..

— Шунча тутгани билан яна ёпирилиб келаверишади булар...

— Қандай замонларга қолдик...

Чопарларнинг аччиқ-аламли ҳикояси ана шундай тугади. Неғалигини ўзи ҳам билмайди: Авдийнинг юраги бўм-бўш бўлиб қолди...

Авдий қаерда ўтирганини яхши эслолмай кутиш залига юрди. У оёқларини базўр судраб босар, боши оққан томонга кетмоқда! Эди! Шунда бояги сочлари оқарган хотинга дуч келди.

— Ҳа, мана ўзи, мана! — деди ўша хотин оқ халат кийган ҳамширага. — Сен қаёққа кетиб қолдинг, болам. Ахтариб юрибмиз. Мана, ҳамшира қиз келди. Иситмалаб турибсан шекилли. Юқумли касал эмасмикин, деб хавотир олишяпти.

— Ундаймас, — зўрға овози чиқди Авдийнинг.

Ҳамшира Авдийнинг пешонасига қўл теккизди.

— Иссиги баланд, — деди у. — Нима бўлди? Сиздан балчик иси келяпти. Ичингиз кетяптими? — ўсмоқчилаб сўради у.

— Йўқ.

— Майли, фарқи йўқ. Медпунктга борайлик. Доктор кўради.

— Майли, мен тайёрман.

— Нарсаларингиз қаерда?

— Нарсаларим йўқ...

IV

Авдий Каллистратовни Жалпок-Соз бекат касалхонасига ётқизишди. Тунд юзли қозоқ врачси Олия Исмоиловна касални кўриб, жиддий деди:

— Ахволингиз унчалар ҳам яхши эмас. Лат еган оёғингизни мутахассис врач кўриши керак. Касал бошқа аъзоларингизга ҳам таркаб кетмаслиги учун ҳозирча антибиотиклар билан даволаб турамиз. Лекин сиз бошингиздан нима кечирган бўлсангиз, ҳаммасини менга сўйлаб беришингиз керак. Нега қизиқиб қолди деб ўйламанг. Врач бўлганим учун сўраяпман...

Ҳаётда неча юзлаб, минглаб учрашувлар ва айрилиқлар ичида гоҳо шундайи ҳам бўладики, уни Худо етказди дейишдан бошқа иложимиз йўқ. Лекин бундай учрашувдан умуман ҳеч нарса чиқмаслиги ҳам мумкин, бироқ одам боласи буни фақат кейин тушунади — шунда у бир зум кўркиб кетади ўша учрашув чиппакка чиқса, нима бўларди, деган фикрдан... Ахир учрашувнинг нима билан тугаши Худога эмас, одамларнинг ўзларига боғлиқ-ку.

Авдий Каллистратов шунга ўхшаш воқеани бошидан кечирди. Учинчи кун деганда касалхонага Авдийнинг олдига ўша қиз келди. Авдий уни фақат орзулар оламидагина кўрарди. Чунки қизнинг кимлигини билмасди. Бинобарин, одам боласи дунёда нималар ҳақида орзу қилмайди дейсиз...

Кундузи турли муолажалардан сўнг беморнинг ҳарорати анча паясайдди, кечга бориб эса ўттиз еттию учдан юқори кўтарилмади. Лекин оёқнинг шиши ҳамон қайтмаган, бунинг устига ўнг қовурғасининг биттаси синган экан, рентгенда дарз тушгани маълум бўлди. Умуман олганда, бемор соғая бошлаган эди. Авдийнинг кайфияти мўътадил, шикоят қиладиган жойи йўқ эди. Олия Исмоиловна ҳақиқий врачлардан экан, у билим, тажрибалари билангина эмас, бутун рўй-равиши билан ҳам даволаркан. Унинг гап-сўзлари, муомаласи, муолажа тайинлаши беморнинг дилига умид ва ишонч бағишлар, касалликни енгиб ўтишига мадад берарди. У беморнинг руҳиятига донолик ва вазминлик билан таъсир ўтказардики, бошидан шунча савдоларни кечирган Авдий гоҳо инсонга бошқаларнинг ғамхўрлиги ва меҳрибончилиги нақадар зарур бўлишини айниқса, қаттиқ ҳис қилди. Очиғини айтганда, бир чеккаси, у касал бўлгани ва яхши врачнинг қўлига тушгани учун беҳад суюнди. Мўъжаз дарахтзор орасида жойлашган кўримсизгина ва сокин бекат касалхонасида у ўзини шунчалар хотиржам ва яхши сезмоқдайди.

Хиёбонга қараган, оппоқ пардалар тутилган дераза очиб қўйилган эди. Ҳавонинг иссиғи авжида. Палатадаги икки шериги ташқарига айлангани чиқишган, Авдий ёлғиз ўзи ётар ва тез-тез ҳароратини ўлчарди. У яна ҳарорат кўтарилишини сира истамасди. Дераза нарёғида ўткир пошналарнинг тақир-туқури эшитилди, аллақим навбатчи ҳамширадан уни сўради. Ким бўлди экан? Овоз Авдийга танишдек туюлди. Кўп ўтмай ҳамшира палата эшигини очди.

— Мана шу ерда ётибди.

— Салом!— деди қиз.— Каллистратов сизмисиз?

— Мен,— деб жавоб берди Авдий ўз кўзларига ишонмай.

Бу ўша Учқудукка мотоцикл миниб келган ва Авдийнинг хаёлини ўғирлаб кетган қизнинг ўзгинаси эди. Авдий ўзини йўқотиб қўйган, қизнинг гаплари қулоқларига кирмас, у ҳақда жуда кўп ўйлаганлиги учунгина нима деётганлигини сўзи ҳали оғзидан чиқмасдан бурун уқиб оларди. Қизнинг исми-шарифи Инга Фёдоровна экан. Бу ерга илмий иш билан шуғулланиш учун келганига уч йил бўлибди. Ўшандан бери Олия Исмоиловна билан таниш, дугона эди. Олия Исмоиловна унга Авдий ҳақида ҳикоя қилиб берибди. Инга Фёдоровна бунга қизиқиб қолибди. Ахир, сиз ҳам худди мен каби наша масаласи билан машғул экансиз. Мен Мўйинқум нашасини ўрганиб юрибман. У шундай деб, нашанинг узундан-узук лотинча номини айтди. Шунинг учун олдингизга келдим, танишгани... балки сизга наша юзасидан бирон маълумот керакдир деб ўйладим... Ахир, унинг назарида, журналистларга илмий маълумотлар ҳам зарур бўлади-ку.

У худойим-ей, илмий маълумот дейди-я. Баногоҳ пайдо бўлиб лолу хайрон қилиб қўйдинг-ку. Сўзларинг қулоғимга эмас, юрагимга оқиб қиряпти. Фақат кўзларингни кўраётирман. Назаримда, дунёда бошқа ҳеч кимда бундай кўзлар йўқ. Мунажжим сон-саноксиз юлдузлар ичидан мана шундай ўз юлдузини топади. Лекин беҳабар одамларга барча юлдузлар мутлақо бир хил бўлиб кўринади. Авдий қизнинг нигоҳидан гўё қанот боғлаб учарди...

Буларнинг барини Авдий кейин ёлғиз қолгач ва ўзини босиб олгач, бирма-бир хотирасида тиклади. Ўша илк дамларда эса у худди жинни бўлиб қолгандек эди. Рост, Инга Фёдоровна буни унинг иссиги чиқаётганига йўйган бўлиши мумкин. Ахир, фақат тентак одамгина дабдурстан: «Доим сизни ўйлаганимни қаердан билдингиз?»— деб сўрайди-да. Қиз жавоб ўрнига қошларини хайрон бўлиб чимирди. Шунда у янада гўзалроқ кўринди ва сирли жилмайиб қўйди. Агар қиз шу бемаъни, маза-матраси йўқ сўзларни бачканалик ва ёки суюқлик деб қабул қилса борми, Авдий унда ҳеч қачон ўзини кечирмас, умр бўйи қийналиб ўтарди. Лекин худонинг марҳаматчилиги, қизнинг сўзига алоҳида аҳамият бермади. Бунга одоб-икромни йўл қўймади. Шундан сўнг улар қизнинг Учқудукка мотоциклда боргани, биринчи марта қандай кўришганларини кула-кула эслашди. Авдий шу унутилмас учрашувдан бир кун кейин чўлда Петруха ва Лёнька деган чопар болалар билан вертолётдан қочиб ўтлар ичига беркинганларини гапириб берди. Инга Фёдоровна қотиб-қотиб кулди. Маълум бўлишича, Инга Фёдоровна вертолётга Тошкентдан келган махсус илмий экспедиция билан бирга учган экан. Тошкентдаги илмий-текшириш институтларидан бири ёввойи нашани у ўсадиган ерларда кимёвий-биологик қуритиш устида шуғулланаётган экан. Шунда Авдийга банг билан кураш икки томонлама олиб борилаётганлиги аён бўлди: ҳам гиёҳвандлик йўқотилмоқчи, ҳам оғули гиёҳларда қуритилмоқчи. Лекин буни ҳал қилиш дунёнинг ҳамма жойларида ҳам осон эмасга ўхшайди. Инга Фёдоровнанинг туншунтиришича, нашанинг ўсиши ва кўпайишига йўл қўймайдиган кимё-

вий дориларни топиш кийин эмас. Аммо бу усул нашадан ҳам баттарок фалокатга сабабчи бўлади, у ерни хароб қилади. Ва у камида икки юз йилга ишдан чиқади. Гиёҳвандлик билан кураш йўлида табиатни хонавайрон қилиш — бу ҳам ақлдан эмас: таёкнинг икки учи бор. Инга Фёдоровна олиб бораётган илмий-текшириш доирасига шу мураккаб табиат муаммоларини ечишнинг энг оқил йўллари ва усулларини ахтариш ҳам кирарди. О худойим-ей, деб ўйларди Авдий, агар табиат фикр қилиш қобилиятига эга бўлганда, ўз ҳолича ўсиб ётган гиёҳлар билан инсоннинг маънавий бузилиши ўртасидаги дахшатли ўзаро боғлиқлик унинг елкасига қанчалар оғир юк бўлиб тушарди. О даҳмаза!..

* * *

Авдий Каллистратов Инга Фёдоровна билан ўрталарида туғилган муносабатларни «тақдиримда янги давр» деб атар ва бунда ростдан ҳам, ҳеч қандай муболаға йўқ эди. Она шаҳрига қайтиб келганининг нақ эртасигаёқ кизга узундан-узоқ хат ёзди. Бу-ку, майли. Лекин йўлда поезд беш дақиқадан кўп тўхтаган ҳар бир бекатдан откриткалар ёзиб жўнатганлигини айтмайсизми. Бу оддий ошиқ-маъшукликка ўхшамасди. Авдий ўз ҳаёт йўлида Инга Фёдоровнани учратгандан бери шунчалар ҳаяжон ҳамда изтироблар ичида яшар эдики, буларни асло ақлга сиғдириб бўлмасди.

У кизга ёзарди: «Менга нима бўляпти — ҳеч ақлим етмайди! Ўзимни вазмин, босиқ одам, деб ҳисоблардим. Ақлим ҳам, туйғуларим ҳам, бир-бирларига равон, уйғун эди. Энди эса, ҳатто нима қилаётганимни ўзим билмайман. Дарвоқе, ҳеч нарсани билишни, таҳлил этишни истамайман. Нега шундай, ҳайронман. Бошимга худди тоғ кўчкисидай бахт ёғилди. Мен шу кўчкининг тагида қолдим. Бир ҳужжатли фильмда кўрган эдим — оппоқ қор тоғ кўчкиси йўлида учраган жамийки нарсаларни созуриб, эргаштириб кетади. Шундай кўчки менинг устимга ҳам ёғилди. Дунёда бошқа бундай бахтиёр одам йўқ, бўлмаган ҳам; омадним бор экан, мен худди ногорасини чертиб ўйинга туншаётган ёввойи одамга ўхшайман. Шу ёз бошимга ёғдирган барча нағмалари учун тақдиримдан розиман: ахир, у мени тирик қолдирди, ҳаёт қийновларию гирдобларини кўриш имконини берди; бошқа яна қайда кўриш мумкин буларнинг барини. Бир шахс доирасидаги муҳаббат — бу чинакам руҳий инқилоб, дердим! Шундай экан, унда яшасин руҳий инқилоб! Совургувчи ва қайта яратгувчи!

Бошолмон сўзларим учун кечир, Инга. Лекин мен сени севаман! Мен учун қанчалар азиз эканлигингни ифодалай олмайман, бунга сўзим ҳам, кучим ҳам етмайди...

Ижозат эт, нафасимни ростлаб олай. Редакцияга бордим. Ҳаммасини мухтасар гапириб бердим. Очеркни тезлатишни айтишяпти, очеркни кутишяпти. Балки бу муҳим мавзуда бир туркум очерклар ёзарман. Агар ниятим йўлдошим бўлса, шояд доимий ишлаш учун шу газетада

қолдиришар. Лекин бу ҳақда гапиришга вақт эрта. Мухими, эртага ёзишга ўтираман. Сафарда атай ҳеч нарса ёзиб бормадим. Ҳаммасини бир чеккадан хотирада тиклашга тўғри келади.

Нима қилганда ҳам, оғу тарқатганлиги учун оғир ва адолатли, қонуний жазосини кутаётган чопарларнинг тақдирларига мен бепарво қараёлмайман. Уларни қисмати аччиқ ва ўнгмаган тирик одамлар деб биламан. Айниқса, Лёнькага ачинаман. Болакай хароб бўляпти. Бу ерда яна ўша ахлоқий масала кўндаланг бўлиб туради. Бу ҳақда сен билан кўп гаплашганмиз, Инга. Сен мутлақо ҳақсан, Инга, Ер куррасининг ҳар қандай нуқтасида рўй берган ҳар қандай инсоннинг ҳар қандай жинояти, ҳар қандай ёвузлиги, гарчи биз бундан беҳабар бўлсак-да, ва гарчи биз бундан жуда йироқда турсак-да, ва бу ҳақда ҳеч нарса билишни истамасак-да, бари бир барчамизга тааллуқлидир. Яшириб ўтирадиган жойи йўқ, гоҳо масхара қилиб қулиб қўямиз: қаранглар-а, бизнинг рақибларимиз қандай аҳволга тушишибди, деймиз. Лекин газеталар мамлакатимиздан ташқарида бўлаётган жиноятлар ҳақида ёзиб тўғри қилишади, бунинг ўзига яраша чуқур маъноси бор. Зотан дунёда инсон елкасига тушган барча оғирчиликларнинг ўз мувозанати мавжуд, коинотда бирдан-бир фикрловчи хилқат — бу одам ва уларнинг мана шу хислатлари,— биз буни истаймизми, истамаймизми, уларни бир-бирларидан ўзаро айириб турган барча нарсалардан кўра афзалроқдир. Барча қарама-қаршиликларимизга қарамасдан, биз охири-оқибат ана шунга келамиз. Ер юзида ақл-идроқ тантанаси шу бўлади.

Инга, шундан ғоятда хурсандманки, мени ҳаяжон ва ташвишга солаётган нарсалар ҳақида сенга бемалол ёзишим мумкин, чунки мени тушунасан, мен бунга аминман. Тўхтовсиз хатлар ёзавериб, жонингга тегиб кетаманми деб, қўрқаман. Нима қилай, ёзмай туролмайман, иложи йўқ, акс ҳолда чидаёлмайман. Фикру хаёлим сенда, доим сен билан бўлишни истайман. Гоҳо канийди, яна Мўйинқумга бориб қолсам, мотоциклда Учқудуққа келганингни кўрсам, мен шўрлик художўй фикри жадидни бир қарашда асиру мубтало этганингни ҳис қилсам, дейман. Ўшанда сени кўриб, шу қадар лол қолган эдимки, ҳали-ҳанузгача эсласам, юрагим гурсиллаб уриб кетади, ўзимни қўйгани жой тополмай қоламан. Одам буни айтишга ҳам ҳатто хижолат чекади. Сен замонавий либосларда мисоли ойдан тушган илоҳодай бўлдинг...

Мана шуларни эслаб ўтирарканман, ўшанда, чопарлар билан тўқнашганларимда инсон азоб-уқубатлари тошу-тарозусида майли, зиғирча бўлса-да, ёмонлик камайиб, яхшиликнинг ҳиссаси андаккина кўпайишига хизмат қилолмаганимдан ўкинаман. Улар Худодан қўрқадилар, деб ўйловдим. Лекин уларнинг худоси пул экан. Мана ҳозир ўша чопар болаларга қандай ёрдам беришим мумкин, деган фикр мени қийнайди. Тақдир экан, уларга дуч келдим, улар ўртасида бўлдим. Мен аввало тавба-тазарруни назарда тутаяпман. Мен уларга тавба йўлини кўрсатмоқчи эдим. Тавба — инсоният руҳияти тарихининг энг улуғ неъматларидандир. Бизнинг кунларда унинг сарик чақачалик эътибори қолмади.

Ҳозирги замон кишисининг маънавий дунёсидан у тамомила бадарга килинди. Лекин одам тавба-газаррусиз одам бўлиши мумкинми? Хоҳ хатти-харакатда, хоҳ, ўй-фикрларда, хоҳ ўзини қийнаб ўртанишларда, хоҳ изтироб, пушаймонликларда айби, хатосини тан олиб, ларзага тушмоғи ва кўзи очилмоғисиз инсон — инсон бўлармиди?.. Ҳақиқатнинг йўли — камолотга эришмоқликнинг кундалик йўлидир...

О, Худойим, яна ўша гапга тушиб кетибман-ку! Мени кечир, Инга. Юрагим тошиб кетяпти, чунки фақат сени ўйлайман. Назаримда, сенга айтишим керак бўлган гапларнинг юз мингдан бирини ҳам айтиб улгуролмаётгандайман...

Қанийди, сени тезроқ, тезроқ кўра қолсам, ахир мундоқ ўйлаб қарасам, кўришмаганимизга бир ҳафта бўлибди...

«Жуда, жуда соғиндим. Дилим тинмасдан ўртанади. Бошқа ҳамма ҳаёт ташвишлари мен учун ўз қимматини йўқотди, ҳеч нарсага арзи-майдиган нарса бўлиб қолди, ажойиб...»

* * *

Июль охирлаб қолганди. Кунлардан бир кун мен газета редакция-сидан кўнглим хира бўлиб чиқдим. Юрагимга қил сиғмасди. Негаки кутилмаганда менинг чўл очеркларимга муҳаррирнинг муносабати ўз-гарган эди. Зарбдор материал олиб келиш учун мени илҳомлантирган редакциядаги ўртоқлар ҳам энди ўзларини галати, худди айб иш қилиб қўйгандай тутишарди.

Буларни кўтариш менга оғир эди. Кишилар олдимда ўзларини алла-нечук гуноҳкор деб ҳис қилсалар, бундан шу қадар қаттиқ қийналамап-ки, уларни тезроқ виждон азобидан қутқариш пайига тушаман, токи, мени кўрганда, қисилиб-қимтиниб ўтирмасинлар дейман. Акс ҳолда уларнинг айблари учун ўзимни айбдор ҳисоблай бошлайман...

Редакциядан чиқиб кетарканман, бу ерга бошқа қадам босмайман, нима қиламан кўзларига хунук кўриниб, агар керак бўлсам қақаришар, деб ўйладим. Агар қақаришмасам, яна ўзларига ҳавола. Жилла курса, бу ишдан ҳеч нарса чиқмаганлиги ва умид иплари кесилганлигини биламан-ку.

Россияда ёзнинг энг гўзал чоғлари эди. Мен хиёбонлардан ўтма-борар, ичимга чирок ёкса ёримасди. Чўл очеркларини ёзиш учун қанча куч-қувват сарфладим, уларда ўзимнинг гражданлик дардимни баён қилмоқчи бўлдим, изҳори дил ва башорат каби қоғозга туширдим. Лекин кутилмаганда, мамлакатнинг обрўйи деган қандайдир гаплар чиқди (бундоқ ўйлаб кўринг-а, биз ўзимиздан ўзимиз нимани яшипамиз?) мана энди, не машаққатлар эвазига қўлга кирган чўл очеркларим шу гап-сўзлар тагида кўмилиб кетмоқчи. Қанчалар хафа бўлганимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Яна энг алам қиладиган жойи шундаки, муҳаррир нима дейди денг:

— Балки буларнинг барини юқори идораларга маълумот тариқасида ёзиб бериш керакдир. Зарур чоралар кўрилар, ахир.

Ҳа, шундай деди.

Мен эсам, тоқатим тоқ бўлиб, эътироз билдирдим:

— Қачонгача биз ўзимизни ҳатто фалокатларимиз ҳам бошқаларникидан яхши деб, ишонтирамиз?

— Бунга фалокатнинг нима алоқаси бор?— қовоғини уйди муҳаррир.

— Алоқаси шуки, гиёҳвандлик ҳам ижтимоий фалокат.

Кейин кетдим. Фақат Инганинг хатларигина кўнглимга ёруғлик олиб кирарди. Уни соғиниб, кўргим келса, дарҳол хатларини такрор-такрор ўқирдим. Телепатия бор, мен бунга ишонаман. Акс ҳолда мени тинимсиз ўйлатган, кийноққа солган, ҳаммадан кўпроқ тўлқинлантирган ва ташвишга қўйган нарсалар ҳақида аввалроқ унинг хатларида гап очилганлигини қандоқ тушунтириш мумкин? Бу хатлар менга умид ва ишонч бағишларди. Йўқ, қисмат мени алдамади, менинг устимдан кулмади. Ахир, ҳозирги замоннинг ёшгина жувонларига менга ўхшаганлар ёқармиди асло? Мен одоб-ахлоқ ҳақида эски тушунчаларда юрган, омади чопмаган, ови юрса-да, дови юрмаган, ўқиб-ўқимаган бир лакалов бўлсам? Алп қомат, алп тақлид йигитларга тенглашолмасам? Бироқ Инга хатларида менга шунчалар ишонч билдирар, ҳурмат-эътибор кўрсатар ва энг муҳими, қалбнинг майлини очик ифодалар эдики, бундан гўё менга қанот битар, кўнглим кўтариларди. Уни, менинг Ингамни учратганимдан қанчалар шоду бахтиёр эдим! Севгининг фасонаси ҳам шунда, бир-бирига тинимсиз талпинишда эмасми...

Ҳозирча ҳеч қандай турмуш иқир-чиқирларига дуч келмаган эдик. Шунга қарамасдан, бундай ташвишлар борлиги ва уларни ечиш зарурлигидан хурсанд эдим. Мен муқим даромади бўлган тайинли бир ишнинг бошини тутишим керак эди. Шу кунгача отамнинг эски китобларини сотиб тирикчилик ўтказиб турар ва бундан ҳаддан ортиқ эзилардим. Мен Осиёга, Инганинг олдига бориш хаёлида юрардим. Ўша ерда ишга жойлашсам, илдиз отсам, доим унинг ёнида бўлсам, дердим. Унинг экспедициясига ёрдамчи ишчи бўлиб киришга, тадқиқотларини муваффақиятли олиб боришлари учун кўмаклашишга тайёр эдим. Бир чеккаси, бу тадқиқотларга ҳам энди бефарқ қарай олмасдим. Икковимизнинг умумий манфаатларимиз шу ерда бирлашар эди: мен гиёҳвандликни ахлоқий-маънавий йўл билан йўқотишни кўзлар, у эса шу вазифани илмий жиҳатдан ҳал қилиш устида ишларди. Унинг ўз ишига фанирланлигини кўриб, завқим келарди. Ваҳоланки, унинг иши унчалик эътиборни ҳам тортмас, обрў, шон-шухрат ҳам ваъда қилмас, тез кўтарилиш учун пиллапоя ҳам бўлолмасди. Очигини айтганда, Инга ёввойи ҳолда ўсадиган нашапояни йўқотишдек илмий муаммо устида жиддий текшириш олиб бораётган бирдан-бир киши эди. Унинг ўзи шу ердан, жамбуллик эди. Тошкентда ўқиган эди. Илмий ишининг худди мана шу

соҳасини танлашида албатта, буларнинг бари маълум даражада ўз таъсирини ўтказганди.

Инга ҳаётининг ўзига яраша ишқалликлари ҳам йўқ эмасди. Олдинги эри — ҳарбий учувчи билан уч йилдан бери бирга туришмасди. Инга ўғил кўргач, ажралишган эди. Ҳозир учувчи бошқага уйланмоқчи бўлиб юарди. Шунинг учун Инга билан охириги марта учрашиб, ҳаммасини ва айниқса, ўғилча тақдирини бирийўла ҳал қилишлари керак эди. Кичкина Игорь Жамбулда бобоси ҳамда момоси қўлида, докторлар хонадониди тарбияланар, лекин Инга ўғли доимо ўзи билан бирга туришини истарди. Инга хатларидан бирида ўғлимни кузда Жалпоқ-Созга олиб келмоқчиман, темирйўлчилар боғчасидан жой ваъда қилишяпти, деб ёзганида, мен бундан чандон хурсанд бўлдим ва унга менад нима лозим эса, ҳаммасини бажонидил адо этажагимни билдириб, жавоб ёзиб юбордим.

Шундан кейин у кузда дам олгани чиқаман, бирга Жамбулга борсак, ўғилчани ва ота-онамни кўриб келсак, деб хат ёзди. Биргаликда сафар қилишимиз ҳақидаги гапдан ниҳоятда тўлқинланиб кетдим. Унга истаган пайтда боришга тайёр эканлигим, ундан жонимни ҳам аямаслигим, умуман олганда, доимо ҳар икковимизнинг, ва энг аввало, унинг манфаатларини кўзлаб иш тутмоқчилигимни ёзиб юбордим. Сенга фойдам тегса ва сенга керак бўлсам, менинг бахтим шу, дедим.

Кузда турмушимизни ҳал қилишимиз керак эди. Ўй-хаёлим фақат шу билан банд эди. Жамбулга Инганинг ота-онаси ва кичкина Игорни кўргани боришимизни ўйлаб, ўзимни кўйгани жой тополмасдим. Кўн нарсалар шунга боғлиқ эди. Сафарнинг ўзи бўлмайди, маблағ керак эди. Боришнинг ўзига қанча пул кетади. Мўйинқум очеркларининг чиқишига умид боғлаган эдим. Лекин, афсуски, бу ҳам чиппақка чиқди. Шундан сўнг область босмаҳонасига вақтинча тунги корректор бўлиб ишга кирдим. Шу билан бир куним ўтиб турди...

Ниҳоят, яна Ингадан хат олдим. У хатида Жалпоқ-Созга октябрь ойининг охириларида кела оласанми, агар кела олсанг, ноябрь байрамига бирга Жамбулга борар эдик, деб ёзарди...

Мен бошимдан ҳушим учиб, ўша заҳоти телеграмма жўнатай деб шаҳар телеграфига югурдим... Китобларни тезроқ сотиб, йўлга тушини керак эди.

V

Обер-Кандалов Мўйинқумда кийик киргинига одам қидириб вокзални айланиб юрганида Авдий Каллистратовга дуч келди.

Бу юмушни Обер-Кандаловга топширган одам ишнинг кўзини биларкан. Кандалов кўпни кўрган киши, темир йўл ёнғиндан сақлаш идорасида комендант бўлиб жойлашиб олган, илгари ҳарбийда ва бунинг устига жазо батальонида хизмат қилгани, (бир балоси бордир-ку,

ахир!) чўлдаги шошилинич тадбирга жуда мос тушарди. Бунда Канда-ловнинг ўзи ҳам баъзи бир нарсаларни кўз остига олиб қўйган эди. Область бошқармасига гўшт топшириш планини бажаришга ёрдамлаш-сам, ўзимни анча тиклаб оламан ва айрим область идораларининг кў-мак-қўшиши билан партия аъзолигига тикланаман, деб мўлжалларди. Ахир уни қандайдир пул, мол ўғирлаганлиги ёки оғир суиистеъмол-ларга йўл қўйганлиги учун партиядан ўчирганлари йўқ-ку. Давлатга ҳам заррача зиёни теккан эмас. Камдан-кам учрайдиган қилгилик билан қўлга тушган; жазо батальони казармаларида бор-йўғи эркаклар билан ётган; хизмат мавқеидан фойдаланиб, уларни шунга мажбур қил-ган, холос. Хўп, муддатдан ташқари хизматга қолган старшина айб қи-либ қўйибди, хўп, баъзи мафкураси шубҳали шахслар ва айниқса, турли-туман маъзабчилару гиёҳвандларни зўрлабди, хўп, шунга шунча-ми, уларнинг нимасига ачиниб ўтириш керак? Қачонгача шуни деб, уни оқ калтак-қора калтак қилиш мумкин? Хотини ташлаб кетгани-нинг ўзи етмайди? Хўп, ичса ичибди, лекин ким ичмайди ҳозир? Ҳолбуки, агар эътибор билан қарашса, у жуда ҳам керакли одам-ку. Мана, жиддий бир ишни топширишди. Кўз очиб-юмгунча одам тўплаб келмадим, ахир. Ярим кечаси вокзалга борди. Халойиққа шундоқ сарасоф сўиди. Унинг кўзлари пишиб кетган. Дарров Мўйинқумга боришга тайёр, пулга муҳтож, мўмай даромадга суяги йўқ одамларни ажратиб олди. Авдий Каллистратовни ҳам ана шунда учратди.

Авдий, Кандаловнинг таклифини муҳтожлик туфайлигина қабул қилгани йўқ: у ҳеч кутмаган, ғоятда ташвишли бир ҳол рўй берди — Инга Фёдоровнанинг хати бўйича Жалпок-Созга келиб, уни бу ерда топмади. Жуда маъюс тортиб қолди. Лекин бу шунчалик хафа бўлишга арзирмиди, номаълум эди. Самолётда келди. Самолётга чиқиш учун Москвага борди. Кунни бўйи югуриб юриб билет топди. Олмаотадан бу ергача поездга ўтирди. Ниҳоят, икки кун деганда, касалхонага қўш-ни лаборатория ҳовлисидаги мўъжазгина уйга етиб келса, эшик берк. Калит солинадиган тешикда Инга Фёдоровна икки энлик хат қолдир-ган экан. Унда вокзал почтасидан Авдий номига ёзилган мактубни талаб қилиб олишни сўраган эди. Авдий зудлик билан почтага чопди. Унга хатни дарҳол топширишди. У юраги уришдан тўхтаб қолай деб, кичкина боғчага кириб, скамейкага ўтирди-да, хатни очди:

«Авдий, меҳрибоним, мени кечир. Бундай англашилмовчиликни биланимда, сенга ҳозирча келмай тур деб, хабар қилган бўлардим. Хайнаҳой, жўнатган телеграммамни олмагандирсан, йўлга чиққандир-сан, бу пайтда. Гап шундаки, Жамбулга қутилмаганда Игорнинг отаси келиб, бола хусусида судга ариза берибди. Тезлик билан Жамбулга жўнадим. Бунга унга ёзган хатим сабабчи бўлса керак. Унга ўзим ғоятда ҳурмат қиладиган одам билан янги ҳаёт қурмоқчи бўлаётган-имни очиқ маълум қилган эдим. Ўртамизда бола борлиги учун буни унга айтишим керак эди.

Севгилим, мени яна бир карра кечир. Шундай бўлиб қолди. Қайтага яхши бўлди. Эртами, кечми, бари бир бу масалани ҳал қилиш керак эди. Бошидан битадиган ишнинг битгани маъқул.

Сен келганинда эшик ёпиқ бўлади. Калитни лаборант кизимиз Саула Алимбоевага қолдириб кетаман. Жуда ҳам яхши қиз. Бизнинг лабораториямиз қаердалигини биласан-ку. Ундан калитни олиб, бемалол меникида туравер. Ҳеч нарсадан қисинма ва мени кут. Афсуски, Олия Исмоиловна дам олишга чиққан, бўлмаса у билан гаплашиб туришинг мумкин эди, антиқа аёл. У сени жуда ҳурмат қилади. Бир ҳафтада ишларимни битирсам керак. Бундан бизга ҳеч нарса тўғанок бўлмаслиги учун қўлимдан келганча ҳаракат қиламан. Кичкина Игорни кўришингни истаган эдим. Менимча, у билан иноқ бўлиб кетасизлар. Ҳаммамиз бирга турсак дейман. Унгача олдин айтганимдай, ота-онамни кўриб келсак, сен Федор Кузьмич ва Вероника Андреевна билан танишиб олишинг керак. Севгилим Авдий, ранжима ва кўнглингни чўктирма. Ҳаммаси жойида бўлади.

Сенинг Инганг.

Айтганча. Агар ишдан ташқари пайтда келиб қолсанг, Алимбоеванинг адреси: Абай кўчаси, 41. Эрининг исми шарифи Даурбек Иксанович».

Авдий хатни ҳовлиққанча ўкиб чиқиб, ўйга толди. У ҳанг-манг бўлиб қолди: ҳеч қутилмаганда иш бутунлай бошқача тус ола бошлаган эди. Авдий калит излаб бормади. Кутиш залида яхшилаб ўйлаб олишга қарор берди. Кейин жомадонини сақлаш учун топширди. Хиёбонга чиқиб ўтирди. Таниш касалхона атрофида айланиб юрди. Кейин бекат билан шаҳарча орасида ёлғизоёқ йўл борлигини кўриб, ундан нари бориб, бери кела бошлади...

Чўлга кеч куз кирган эди. Анча салқин тушган. Момик, уқпар булутлар худди уммонларнинг олис оқ ёллари каби октябрнинг ёз ўтиб бўзранг тус олган осмонини қоплаган эди. Дарахтлар япроқларини тўкиб кўяёзган, оёқлар остида қип-қизил, кўнғир япроқлар шилди-рарди. Отизлар ҳам йиғиштириб олинган, яланғоч бўлиб қолганди. Жалпоқ-Сознинг кўчалари хувиллаган, зерикарли эди. Ҳавода мезонлар учиб юрар, қутилмаганда юзга ёпишарди. Буларнинг бари Авдийни дилгир қиларди. Ўз техника қудрати билан чўл кенгликларини босган бекатда ҳаммаёқни гулдиратган, қалдираган овозлар тутган, ҳаёт томирлари тўхтовсиз гурсиллаб уриб турарди. Ҳисобсиз темир изларда у ёқдан-бу ёққа поездлар юрар, одамлар ўтишар, радиодан навбатчиларнинг овозлари чўлга хириллаб тараларди.

Яна Авдий ўша ёз кунларини, чопарлар киссасининг охириги дамларини эслади. Шу аснода Авдий яна неча-неча бор тавба-тазарру ҳақидаги хаёлларига қайтди. Қанча кўп ўйлаган сари, шунча кўп ишонч ҳосил қилар эдики, тавба — бу ҳаёт тажрибаси кўпайган сайин ортиб

браверадиган виждон қиймати, қўлга киритиладиган қиймат, инсон ақл-идроки томонидан тарбияланадиган, парваришланадиган қиймат экан. Одам боласидан бошқа ҳеч кимга пушаймонлик ҳиссиёти берилмаган. Тавба — инсон руҳининг ўзи ҳақидаги абадий ва ҳеч ўзгармас ғамхўрлигидир. Шундан хулоса чиқариш мумкинки, қилғилик ва ёки жиноят учун бериладиган ҳар қандай жазо — жиноятчини пушаймонга солиши керак. Акс ҳолда бу ваҳший ҳайвонни жазолашдан бошқа нарса эмас.

Шуларни ўйлаганча, Авдий вокзалга қайтди. Эсига анов тажанг лейтенант тушди. Мени эслармикин. Петруха, Лёнькага ўхшаган наша йиғувчиларнинг ҳоли нима кечдийкин, деган хаёлда лейтенантни кўрмоқчи бўлди. Буни билишни истаганининг бошқа бир сабаби ҳам бор эди: у худди осмон четида уюлиб келаётган қора булутлардай ўзини бетиним ўртаб, безовта қилаётган Инга Фёдоровна ҳақидаги хаёллардан жон-жаҳди билан фориг бўлишни хоҳларди. У энди ўзининг бутун хаёти, келажагини шу нарса билан ўлчарди. Унинг тақдири узоқ Жамбулда ишнинг қандоқ боришига боғлиқ бўлиб колганди. Бу ерда у чорасиз эди, шундай экан, буни ўйламаслик, ёпирилиб келаётган хаёллардан нари қочиш керак. Афсуски, тажанг лейтенантни Авдий тополмади. Авдий милиция хонасининг эшигини тақиллатган эди, бир ходим чиқди.

— Нима дейсиз?

— Э, биласизми, бир лейтенантни кўрмоқчи эдим,— деб тушунтира бошлади Авдий, бундан ҳеч нарса чиқмаслигини олдиндан сезиб.

— Ким у? Бизда лейтенантлар кўп.

— Афсуски, унинг исми шарифини билмайман, лекин кўрсам, танийман.

— Ишингиз бормиди?

— Нима десамикин, гаплашмоқчи эдим...

Милиция ходими унга қизиксиниб қаради.

— Майли, қараб кўр, балки лейтенантингни топарсан.

Лекин ичкарида бу сафар телефон олдида бошқа бир одам ким биландир гаплашиб ўтирарди. Авдий узр сўраб чиқиб кетди. Чиқаркан, илгари қўлга тушган жиноятчилар ўтирган тўсиқ орқасига кўз югуртирди. Қафас бўм-бўш эди.

Яна Авдий ўзи истар-истамас юрагини ўртаган хаёллар домига тушди. Ингага нима бўлди? Унинг ҳамон Инга ташлаб кетган калитни бориб олгиси келмасди: Инганинг хувиллаган уйида яна якка, азобли ўйлар исканжасида қовурилиши, ўзини ҳаддан ташқари ёлғиз ҳис қилишини биларди. Агар Инганинг аҳволини ва унинг қачон қайтишини билганда эди, вокзалда ўтириб ҳам кутаверарди. Авдий шу тобда Жамбулда нималар бўлаётгани, ўзи севган аёлга қанчалар оғир эканлигини тасаввур қилишга уринар, қўлидан ҳеч нарса келмаслигидан ўқинарди. Ота-онаси болани отадан маҳрум қилмаслик учун эринг билан яраш деб, туриб олсалар, унда нима бўлади? Иш шу даражага ҳам бориши

мумкин-ку, ахир. Унда тўрва-халтасини кўтариб орқага қайтишга тўғри келади. Авдий яркираб турган, келишган, форма кийган, погон таққан, унвони ҳам майордан кам бўлмаган кишини кўз ўнгига келтириб кўрди. Албатта, унинг олдида Авдийнинг ҳеч қандай афзал жойи йўқ. Инга учун қандайдир унвонлару ташки йилтирокликнинг ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслигига Авдийнинг ишончи комил эди. Ким билсин, балки Инганинг ота-онаси учун бунинг аҳамияти бордир, ҳарбий учувчи, Игорнинг отаси куёв бўлгани маъқулми ёки иш-хушининг тайини йўқ галати бир кимса маъқулми? — улар бунга бефарқ қарай олмасалар керак.

Қош қораймоқда эди. Қоронғу туша бошлаганини кўриб, Авдийнинг дили баттар хуфтон бўлди. Одамлар тиқилиб кетган вокзалнинг ичи ғира-шира ёритилган, ҳаво дим, тамаки тутунига тўлган, Авдийнинг ичига чирок ёкса ёрмасди. Назарида қоронғу, кўрқинчли ўрмонга кириб қолгандай эди. Ғариб эди. Ғарибдан ғариб. Кузнинг шамоллари шувиллаб дарахтларнинг бошларини эгади. Тез орада қор тушади. Қор дарахтларни ҳам, Авдийни ҳам кўмиб кетади. Ҳаммасини қор босади ва ҳаммаси унутилади... Авдий жонидан тўйган эди. Агар шу соатларда у Инганинг келмаслигини ёки мабодо, келса ҳам, ёлғиз келмай, нарсаларини китобларини йиғиштириб, сўнг ўз ҳарбий учувчиси билан жўнаб кетишини билса, шу заҳоти ҳатто ўйлаб ҳам ўтирмай, ўзини поездга тагига ташлаган бўларди...

Мўйинқум сафари учун зарур одамларни тўплаб юрган Обер-Кандалов Авдий Каллистратовни мана шундай оғир соатда, бемаҳал бир вақтда Жалпоқ-Соз вокзалида учратди. Обер-Кандалов анча кўзи пишган одам бўлса керак, ҳар қалай, бир қарашда Авдий гоятда ночор аҳволда эканлигини ва ўзини қўйишга жой тополмаётганлигини билди. Ҳақиқатан ҳам, Обер-Кандалов Авдийни Мўйинқум чўлига икки-уч кунга мўмай пул ишлаб келиш учун таклиф қилганда, у дарҳол кўна қолди. У шони ғарибонда нима бўлади-нима қўяди деб, шумшайиб ўтирмаслик учун ҳар нарсага тайёр эди. Балки Мўйинқумдан пул топиб қайтгунимча, Инга Фёдоровна ҳам келиб қолар ва ҳаммаси жой-жойига тушиб кетар: ёки у (о, қандай бахт!) севгани билан буткул қовушади, ёки орқага қайтишга, яна яшаш учун ўзида куч топишга тўғри келади... Лекин бунисидан у жуда-жуда кўрқади...

Ўша кеча Обер-Кандалов Авдийни ёнғиндан сақланиш биносига олиб борди. У шу ерда бўш каравотда тонг оттирди...

Эртасига эрталаб ҳаммалари машиналар қарвонида Мўйинқум чўлига қирғинга отландилар. Ўйнаб-кулиб келамиз дердилар...

* * *

Мана энди улар Авдий Каллистратовни суд қилишарди. Улар деганимиз — беш арокхўр — Обер-Кандалов, Мишаш, Кепа, Гамлет-Галкин ва Абorigен-Узукбой. Тўғрироғи, Гамлет-Галкин ва Абори-

ген-Узукбой фақат томошабин бўлиб туришар, анов қутуриб суд қилаётган уковни қандайдир юмшатишга қўрқа-писа, ботиниб-ботинмай урунишарди.

Гап шундаки, кечга бориб, ҳўв вагонда бўлганидай яна Авдийнинг жини тудди. Шундан кейин ўч олиш бошланди. Мўйинқум кийиклари-га уюштирилган қирғин Авдийга шунчалар оғир таъсир қилдики, бу хунрезликни дарҳол тўхтатишни талаб қилди, ваҳшийлашиб кетган овчиларни тавбага чақирди, Худодан кечирим сўрайлик деди, Гамлет-Галкин, Узукбойга менга қўшилишлар, деб ялинди. Уковлон бўлиб, Обер-Кандалов ва унинг малайларини ташлаб кетайлик, жаҳонга бир жар солайлик, ҳар биримиз Худони, Оллоҳ Каримни ўйлайлик, Унинг беҳудуд раҳм-шафқатидан умидвор бўлайлик, тирик табиатга етказган зиён-заҳматимиз учун, қилган гуноҳларимиз учун Ундан мағфират тилайлик, инчунун, чин дилдан тавба-тазарру қилибгина марҳаматига етишмоқ мумкин.

Авдий кичқирар, қўлларини осмонга кўтарар, менга қўшилишлар, ёмонликдан покланайлик, истиғфор айтайлик, деб ёлворарди.

У жазавага тушар, бемаъни ва кулгили бўлиб кўринар, худди охир замон келганидан хабар бераётгандай бўқирар, фарёд кўтарар, назарида ҳамма-ҳаммаси зулмат чоҳига, жаҳаннам оловлари ичига қулаётгандай эди.

У мўмай пул ишлаш учун келганларни Худо билан яраштирмоқчи бўларди... Кўз илғамас Мўйинқум кенгликларида авжга миниб бораётган қирғин баротни тўхтатишга кўшиш этарди. Лекин ҳар нарсадан қудратли механизацияга кучи етармиди унинг...

Енгиб бўлмас нарсани енгаман дерди...

Шундан сўнг Мишашнинг маслаҳатига кўра уни арқон билан чирмаб боғлашди-да, машинага юкланган ўлган сайғоқлар устига итқи-тишди.

— Шу ерда ёт, онангни. Сайғоқ билан қўшмозор бўл!— деб ҳирқиради Мишаш азбаройи бўғилиб.— Чақир энди Худойингни! Балки чақирганингни эшитса, олдинга тушар, ҳе, онангни...

Тун эди. Мўйинқум осмонида ой эди. Ҳаммаёқ конга ботганди. Барча тирик жониворлар ва ҳатто бўрилар ҳам олам остин-устун бўлиб кетганлигини ўз кўзлари билан кўрган эдилар...

Хонавайрон қилувчилар эса байрам кайфини суришарди... Фақат Мўйинқумга кулфат тортиб келган Авдийгина кўкка тикилиб йиғлаб ётарди...

Шу боис уни суд қилмоқчи эдилар.

* * *

Мишаш билан Кепа Авдийни машинадан тортиб туширишди-да, Обер-Кандаловнинг олдига судраб келиб, елкасидан босиб чўкқалатишди. Обер-Кандалов бўш яшиқнинг устида бужмайиб гижимланган

плашчининг этакларини икки томонга ёйиб, кирза этикдаги оёқларини кериб ўтирарди. Машина кичик чироқларининг ёруғида у ғайритабиий ваҳимали, бадқовоқ ва ҳаддан ташқари мудҳиш кўринарди. Ён томонида тоза кийик гўштидан пиширилган кабобнинг хиди кўтарилаётган олов, бу ерда жунжиккан, ҳурпайишган Гамлет-Галкин билан Абориген-Узукбой тик туришибди. Икковининг ҳам кайфи тарок, Авдийни Обер қандай тергашини кутиб, нималарнидир пичир-пичир қилишиб, бемаъниларча илжайишар, бир-бирларини туртиб қўйишар, кўз кисисарди.

— Ҳа, нима дейсан?— деб сўради ниҳоят Обер олдида чўккалаб турган Авдийга еб юборгудай қараб.— Ақлинг кирдимми?

— Қўлимни ечинглар,— деди Авдий.

— Қўлингними? Нега қўлинг бойланди, шуни ўйладингми? Исёнчилар, фитначилар, ғаламислар, тартиб-интизомни бузувчиларнинг қўллари бойланади! Бузиқиларни, тушундингми? Тартиб бузиқиларни! Авдий миқ этмади.

— Майли, ечсак, ечайлик қўлингни, ундан кейин нима қилар экансан, кўрамиз,— деб раҳм қилди Обер.— Қани, унинг қўлини ечинглар,— буюрди у,— ҳозир қўли ўзига керак бўлади.

— Онангни... чечиб нима қилади,— тўнғиллади норизо бўлиб Мишаш Авдийнинг қўлини арқондан бўшатаркан.— Буларни дарров кучук боладай сувга чўктириш керак. Бундайларни етти буклаб, ерга қозик қилиб қоқиш керак.

Арқон ечилгандан кейингина Авдий елкалари ва қўллари қанчалар увишиб қолганлигини сизди.

— Мана, илтимосингни бажардик,— деди Обер-Кандалов.— Ҳали вақтинг бор. Ҳозирча, ма, манавини ич!— у Авдийга ароқ тўла стакан узатди.

— Йўк, ичмайман,— қайтарди Авдий.

— Ичмасанг ичма, қон қускур!— Обер стакандаги ароқни Авдийнинг юзига шартта сепиб юборди. Авдий чўчиб тушди, қалқий-қалқий ўрнидан ирғиб туриб кетди. Бироқ Мишаш билан Кепа яна елкасидан босиб, Авдийни ерга қапиштириб қўйишди.

— Ёлғон айтяпсан, онангни... ичасан!— ириллади Мишаш.— Айтмадимми, бундайларни чўктириш керак! Қани, Обер, ароқдан қуй. Оғзидан қуймасам, одаммасман. Ичмасин-чи, итдай уриб ўлдираман.

Стакан Мишашнинг қўлида қисирлаб кетди, чети Авдийнинг лаблари, юзларини тилди. Ўз қонига ҳалқоб бўлган ва ароқ томоғига тиқилган Авдий бошини олиб қочди, Мишаш билан Кепага қаршилиқ кўрсатиб, оёқ-қўлларини тарпитди.

— Болалар, қўйсанглар-чи, худо кўтарсин, ичмаса, ичмасин, ўзимиз ичамиз!— Гамлет-Галкин тепкилашиб ётганларнинг атрофида зир югуриб, зорланарди. Абориген-Узукбой машинанинг орқасига қочди. У ердан нима қилишини билмай қўрқа-писа қараб турди: қочай деса, ҳали шунча ичилмаган ароқ қолиб кетади, қочмай деса, бошига бало

орттиради... Фақат Обер-Кандаловгина тахтада ўтиргандай бўш яшиқдан қимирламай ўмбалок ошиб думалашаётганларни томоша қиларди. Гамлет-Галкин Обер олдига югурди.

— Тўхтат, Обер, барака топқур, ўлдириб қўйишади. Қамалиб кетамиз!

— Қамалармиш!— кибр билан ижирганиб деди Обер.— Мўйинқумда қамоқ нима қилади, тентак? Бу ерда мен судман! Ким билиб ўтирибди нима бўлганини. Уни балки бўрилар бурдалаб кетгандир. Ким кўрган, ким исботлайди!..

Авдий ҳушдан кетиб, уларнинг оёқлари остига қулади. Икковлашиб уни тепкилай беришди. Кўзи қоронғилашаркан, Авдий охириги мартаба Ингани ўйлади: унинг ҳоли нима кечади, уни ҳеч қачон ҳеч ким ўзи севган каби севолмайди.

Унинг қулоғи чип битди, кўз ўнгини туман қоплади. Шунда хаёл лавҳасида кўкёл бўрини кўргандай бўлди. Иссиқ ёз пайти нашазорда устидан оловдай учиб ўтган бўри...

— Мени кутқар, бўрижон,— бу Авдийнинг бўғзидан чиққан охириги сўз эди.

У аллақандай савқи табиий билан Акбара ва Тошчайнар ўз инларига яқинлашиб келаётганликларини аниқ хис қилди. Лекин уя атрофида одамлар бор эди. Махлуқлар, одамлар энди жўнаб кетган бўлсалар керак деб, умидвор бўлиб яна кадрдон жойларини қора тортиб келган эдилар...

Лекин юк машинаси ҳамон ўша ерда ҳайбатли қорайиб кўринар, у ердан бақирик-чақириклар, тўполон, урган, сўккан овозлар қулоққа чалинарди...

Бўрилар яна чўлга қайтишга мажбур бўлдилар. Улар хит, афтодахол, бошлари оққан томонга кетиб борардилар... Одамлар туфайли улар ҳаловатларини йўқотган, на кечаси ва на кундузи тинчимас эдилар... Улар оҳиста судралишар, ой думларини қисганча оқсоқланиб бораётган махлуқларга маюс нурини сочарди...

Суд, тергов эса давом этарди... Фирт маст қирғинчилар Авдийни дўппослаб ерга қулатишаркан, у энди бутунлай ўрнидан туролмай ётиб қолганига эътибор бермасдилар.

— Қани, ўрнингдан тур-чи, попнинг ўғли,— деб тепкилашарди уни дам Мишаш, дам Кепа ўрнидан турғизмоқчи бўлиб. Лекин Авдий тинмай инграрди, холос. Қутуриб кетган Обер-Кандалов қопдай бўшашиб қолган Авдийни ердан кўтарди-да, ёқасидан бўғиб олганча, оғзидан кўпик сочиб бўкира бошлади. У бўкирган сари яна баттар хурушга минарди:

— Сен қанжик, ҳали бизни худо билан кўркитадиган бўлдингми! Кўзимизни худо деб ўйиб олмоқчимисан, ифлос! Бизни Худо билан кўркитолмайсан. Сен ўйлаган одамлар бошқа, қанжик! Ўзинг кимсан! Биз бу ерда давлатнинг топшириғини адо этяпмиз, сен, қанжик, планга қаршисан, областга қаршисан. Бундан чиқадики, сен, ифлос,

халқ душманисан, халқ ва давлат душманисан. Сенга ўхшаган душманларга, зараркунандаларга, қўпоровчиларга ер юзидан ўрин йўқ! Сталин айтган: «Ким биз билан эмас, демак, бизга қарши». Халқ душманларини таг-томири билан қуритиб ташлаймиз! Аямаймиз! Агар душман таслим бўлмаса, уни мажаклаб онасиникига киргизиб юборадилар. Армияда бундай сўзлар учун оёғингни осмондан қиладилар, вассалом! Она заминимизни сендай ифлослардан тозалаймиз. Ҳей, черков каламуши, сен қилаётган ишингни биласанми? Сен ҳаммасини барбод қилмоқчисан! Топшириққа ғов қўйяпсан! Ҳаммамизни юзимизни ерга қаратмоқчисан. Ҳей, мен сени халқ душманидай бўғиб ўлдираман. Менга раҳмат дейдилар. Чунки сен империализмнинг айғоқчисисан, ифлос! Сталин йўқ, хоҳлаган ишимизни қиламиз дейсан-да, а? Сен попнинг газандаси, қани, тиз чўқ, ҳозироқ тиз чўқ. Мана, мен сенга ҳокимман. Қайт Худодан! Танайман, билмайман де! Воз кеч! Аксинча, асфаласофилингга жўнайсан, ифлос!

Авдий тиззасида тўролмади, йиқилди. Уни кўтариб қўйдилар.

— Гапир, ифлос,— бўкирарди Обер-Кандалов.— Худодан юз ўгир! Айт! Худо йўқ, деб айт!

— Худо бор!— ингранди Авдий.

— Э, ҳали шундоқми!— илон чакқандай ўкирди Мишаш.— Мен сенга айтдим-ку, онангни, тилини бермайди деб!

Обер-Кандалов қаҳридан бўғилиб яна Авдийни ёқасидан бўғиб силкитди.

— Библиб қўй, ҳой, художўй, ҳозир онангни учқўрғондан кўрса-тиб қўямиз! Ҳеч эсингдан чиқмайди! Қани, уни ҳув анов саксовулга олиб боринглар. Ифлосни осамиз!— деб чинқирарди Обер-Кандалов.— Оёғининг тагидан ўт қўямиз. Ёниб кетсин бу тўнғиз!

Шундан сўнг Авдийни жар тепасида ўсган қари саксовул сари судраб кетдилар.

— Аркон келтир!— буюрди Обер-Кандалов Кепага.

Кепа кабинага югурди.

— Ҳей, менга қаранглар! Узукбой, мамлакатнинг эгаси, қайдасан, падарингга лаънат! Сен-чи, ҳой, бозори касод артист, нега бир чеккада қараб турибсанлар, а? Қани, келиб бунга бир босларинг-чи! Бўлмаса, ароқ йўқ сенларга?— кўрқитди Обер-Кандалов ароқхўрларни. Шундан сўнг иккови югургилашиб келиб шўрлик Авдийни оса бошладилар.

Безорилик бирдан машъум тус олди. Бемаънилик, масхарабозликнинг охири қатл билан тугайдиганга ўхшаб қолди.

— Онангни, бу чўлда мих билан тахта топилмади-да! Вой, онангни!— афсусланарди Мишаш саксовул шохларини қасир-кусур синди-раркан.— Бунга тахтага қоқсак, кўп зўр иш бўларди-да, онангни! Қанийди михлаб ташласак!

— Ҳеч зиёни йўқ! Уни арконга тортамыз! Михлагандай бўлиб туради!— йўлини топди Обер-Кандалов.— Қўли, оёғидан тортиб бақдай қотириб қўямиз, қимир этолмайди! Эрталабгача осилиб турсин-чи,

кўрамиз. Худо борми, йўқми! Ўйлаб олсин эрталабгача! Мен уни шундай ҳам тарбиялайки, бир умр эсидан чиқармайди, попнинг сарқити! Армияда бундан баттарларини кўп кўрганман! Ётқизиб турғизганман! Қани, кўтарларинг, болалар! Қани, ол, ҳа! Кўлини бу ёққа торт, оёғини бу ёққа!

Авдий энди зиғирча ҳам қаршилиқ кўрсатолмас, шунинг учун ҳаммаси кўз очиб-юмгунча рўй берди. Кўл-оёқлари саксовулнинг шохларига тортиб боғланган Авдий худди янги сўйилган кўйдаи осилди-қолди. Авдий ҳали сўкинган овозларни элас-элас эшитиб турди. Азоб кучини қийиб ташлади. Ўнг биқини чидаб бўлмайдиган даражада ачишарди, белида нимадир узилиб кетди. Авдий ҳушидан айрилиб борарди. Уни қийноққа солганлар оёғининг тагида ёқишга зўр бериб уринишарди. Лекин энди Авдийга бари бир эди. Ўт олдиролмадилар. Куни кеча тушган қор остида қолиб нам тортган шох-шаббани ёндириб бўлмади. Бензин сепиш ҳеч кимнинг эсига келмади. Шусиз ҳам Авдийни бошлаб жабрлаганларидан мамнун эдилар. Ташқаридан қараганда, у худди осилган ва оғочга тортилгандек бўлиб турарди. Бу ҳаммаларининг кайфларини чоғ қилиб, баҳри дилларини очиб юборди. Айниқса, Обер-Кандаловнинг димоғи чоғ бўлади. Э, бу ҳали нима бўпти. Осилса, чўлда битта одам осилибди. Унинг кўз ўнгида ақлни лол қиладиган не-не шу каби манзаралар кенг микёсларда гавдаланарди!

— Ҳар ким билиб қўйсин! Доим ана шундай бўлади!— деб иддао қиларди у саксовулга тортилган Авдийни томоша қиларкан.— Менга қолса, бизга қўшилмаганларнинг ҳаммасини ана шундай оёғини осмондан келтирардим. Тилини осилтириб ётарди. Ким бизга қарши бўлса, ҳаммасини осиб чиқардим. Ер шарини шундай сиқиб, исқанжага олардим. Ана ўшанда ҳеч ким бизга миқ этиб оғзини очмасди. Ҳамма қуллук қилиб турарди... Э, қани, юрларинг, комиссарлар, яна биттадан отайлик, эҳ, биздан нима кетди...

Улар ҳаммалари Обернинг гап-сўзларини маъқуллашиб, тасанно ўқишиб, тўпаланг солиб, машина томон кетдилар. Обер эса чамаси, ёлғиз ўзигагина маълум қўшиқни хиргойи қила бошлади:

Галифени киямиз, ёнимизда
тўппонча,
Бир-икки, бир-икки...

«Комиссар»нинг кайфи тароқ улфатлари жўр бўлишди: «бир-икки, бир-икки». Кейин яна иккита яримталиқни очишиб, шишанинг ўзидан ичишди.

Бир ордан сўнг машинанинг чироқлари порлади, мотор гуруллади, бурилиб, аста чўл ичига юриб кетди. Зимистон қоронғулик қуюқлашди. Атрофга сув қуйгандай жимжитлик чўқди. Дарахтга осилган Авдий дунёда ёлғиз қолди. Кўкраги сирқираб оғрир, ичи ағдарилиб, чидаб

бўлмас азоб берарди... Сув босганда чўкаётган орол каби эс-хуш уни тарк этмоқда эди.

«Менинг Окадаги жазирам... Энди сени ким халос этажак, Мурабий?» — охири фикр учқуни шундай сачраб сўнди.

Хайрул умурнинг сўнги сувлари оқиб борарди...

Унинг сўнаётган нигоҳларига улуг уммон, кета-кетгунча чексиз-худудсиз сув кўринди. Сув сассиз қайнар, худди бўм-бўш далаларда ер бағирлаб югурган ялатма изғириндай сув узра сассиз оқ тўлқинлар мавж солиб югургилардилар. Уларнинг қаердан пайдо бўлаётгани ва қаёққа бораётгани номаълум эди. Лекин ўша гунг уммоннинг элас-элас илганган соҳилларида сув узра бир одамнинг қораси ғира-шира кўзга чалинарди. Авдий бу одамни таниди. У ўзининг отаси дьякон Каллистратов эди. Шунда бирдан Авдийнинг қулоғига ўз ўсмир овози чалинди. Худди болалик чоғлари эски пиано олдида туриб кироат қилган каби овоз яна отасига чўкиб кетган кема ҳақидаги тиловатни ўқирди. Фақат ҳозир ораларида олис-олис маконлар ётарди. Ўсмир овози эса жаҳон мулкатлари узра илҳомкор бир жаранг билан садо-ларди:

«Осмон оқариб келяпти, ҳали ҳамма уйкуда...»

...Сенга, ҳар нарсани Қўрувчи ва ҳар нарсага Раҳм ва Адолат этгувчи, кўнгилдаги зоримни тиловат қилиб айтаман. Худоё, ўзинг кечиргайсан, то Сени ёд этмоқдан бурун ўз додимни эсладим. Лекин то тирик эканман, шу тиловатни тилимдан қўймагайман.

Сен Раҳими Раҳмонсан, Ҳақсан, Каримсан, кечир, сени ўз арзим билан безовта қилмоқдаман. Мен ўлим учун ҳеч нарса сўрамайман. Менга дунё роҳат-фароғати даркор эмас. Умрим чирогини узайтирма-санг ҳам, майлига. Ёлғиз одамзод болаларининг дилларини халос этмоқ истайман. Сен Ғаффори оламсан, кўнгилларимизга муҳр босма, жаҳолатда ёндирма. Токи яхшилик ва ёмонлик бу оламда бирга мавжуд экан, бизни баҳонаи сабаб занжирларидан халос эт. Одам болаларининг дил кўзларини очгайсан. Ўзим учун сўрамайман, тилим ожиз. Мен ҳар қандай ажр-оқибатингга ҳозирман — хоҳ жаҳаннам ўтига ташла, хоҳ худудсиз Салтанатингга қабул эт. Қисматимиз ўз қўлингда, ўзингга аён, ё Халлоқ, ё Маллоҳ!..

Сенга ёлғиз бир арзим бор, ўзга арзим йўк...

Ёлғиз шуни сўрайман: мўъжизангни кўрсат: майлига, ўша кема кечани кеча, кундузни кундуз демай ўз йўлида тўхтовсиз давом этсин, то само эврилмоғида кун тунга батамом қуюлгунча, тун кунга батамом қуюлгунча. Майлига, ўша кема, тўп-тўпхоналарни қантарганча, тўхтовсиз уммонлардан уммонларга кезиб юрсин, тўлқинлар уввос солиб тўшларига урилсин, уларнинг тўхтамас қудратли гулдуриси мудом эшитилиб турсин, уммон зарралари унинг устига шувиллаган ёмғир бўлиб ёғилсин, шу нам ва учқур заррот ила нафас олсин. Майлига, у кема

деворларининг қарсиллагани, машиналарнинг гурсиллагани, шамол эпкинисида кема кетидан эргашган чорлоқларнинг оҳу зорларини тингла-син. Майлига, кема энг узоқ уммонларнинг кўз илғамас соҳилларига ва у ердан оппоқ шаҳарга йўл тутсин, ва лекин ҳеч қачон гарчи у ерга ета олмай... Омин».

Унинг товуши узоқлашиб, тиниб борарди... Авдий ўзининг океанлар узра ҳўнграб йўғлаганини эшитарди...

Мўйинқумнинг интиҳосиз чўлида тун бўйи тўлин ой саксовулга осиб кетилган, энди совуб, қотиб қолган одам танасига кўзни қамаштирадиган яркироқ шуълаларини тўкиб чиқди. Унинг қиёфаси осмонга парвоз қилиб интилган, лекин баногоҳ ўқ тегиб қулаган ва дарахт устига иткитиб юборилган, қанотлари ёзилган каттакон қушни эсла-тарди.

Мана шу ердан бир ярим қақирим нарида эса ўша ҳарбий сиёқли, усти брезент билан ёпилган юк машинаси турар, унда сайғоқларнинг тўшларига чалқанча тушиб, қусиқларига беланган Обер-Кандаловчилар ухлаб ётишарди. Хиркираган оғир хуррак товушлари эшитиларди. Улар Авдийни кечаси ёлғиз қолдириш учун нарироққа кетдилар, унинг таъзирини бериб қўймоқчи эдилар: қани, бир ўзининг қўлидан нима келаркин, ҳали думини ликиллатиб ялинади, балки Худодан ҳам қайтиб қолар...

Авдийга бундай жазо бериш йўлини собиқ артист Гамлет-Галкин қайта-қайта шиша кўтаргандан кейин тўкиб чиқарган эди. Обер-Кандаловга яхши кўриниш учун шуни айтди. Художўйни бир сазо қилайлик, қўрқиб ўтақаси ёрилсин, деди... Осиб, ташлаб кетишди деб ўйла-син. Уларнинг орқаларидан чопай деса аҳвол бундоқ!

Эрталаб, кун ғира-шира ёриша бошлаган пайт бўрилар оҳиста ўз инларига яқинлашиб келдилар. Олдин Акбара борар, тунги қочақодан қорни ич-ичига кириб кетган, хўмрайган калладор Тошчайнар унинг орқасидан оқсоқланиб қадам босарди. Эски кадрдон жойлари кимсасиз ҳувиллаб ётар, одамлар кечаси аллақайга ғойиб бўлган эдилар. Лекин жондорлар бу ерда агар таъбир жоиз бўлса, худди мина кўмилгандай, эҳтиёткор, ҳуркак қадам босишарди... Ҳар қадамда улар ёт-ёвуқ нарсаларга дуч келишарди: ўчган гулхан, бўш тунука идишлар, синган, синмаган, қўланса ҳид таратиб ётган шишалар, машина ғилдиракларининг изи ўрнида қолган резинка ва темир ислари. Булғаб ташланган бу ерни буткул тарк этмоқ ниятида бўрилар жар ёқаси бўйлаб кета бошладилар. Шунда бирдан Акбара ўзини сапчиб четга олди ва турган жойида қотиб қолди — одам! Ундан икки қадам нарида қўлларини ёзиб, бошини солинтирган одам саксовулга осилиб турарди. Акбара ўзини буталар орасига отди, Тошчайнар унинг ортидан ҳатлади. Дарахтдаги одам қимир этмасди. Шамол шохлар оралаб чийиллар, одамнинг оқ манглайига тушган сочлари ўйнади. Акбара ерга қапишди, ҳамла қилишга ҳозирланди. Унинг рўпарасида барча махлуқлар

ичра энг даҳшатлиси, уларнинг бошига шунча кулфатларни солган каттол душман турарди. Акбара қаҳр билан ўзини андак орқага олди. У шиддат билан сакрамоқчи, одамнинг бўғзига ўткир тишларини ботирмоқчи эди. Шунда охирги дамда бўри бу одамни таниди. Лекин қачон, қаерда кўрган эди уни? Э, бу ўша ғалати одам-ку, ёзда нашапояга борганларида дуч келган, болалари билан эркалаб ўйнашмоқчи бўлган, Акбара ҳамла қилиб сакраган ва уни аяб, устидан охиб нарига ўтган. Ўшанда у кўрқиб кетиб, ерга ўтириб қолган, юзини қўллари билан беркитган эди. Акбара унинг хайрат ва кўрқинчда катта-катта очилган кўзларини эслади. Шилингпоча бўлиб, чўлга тирақайлаб қочганди ўшанда... Мана энди, ўша кимса пастак саксовулда қанотлари тарвақайлаган қуш каби ғалати осилиб турибди. У тирикми, ўликми, бўри билолмади. Одам қимирламас, ҳеч қандай сас чиқармас, боши ён томонга қийшайиб тушган, оғзининг бир четидан қон сизиб оқарди. Тошчайнар одамга ташланмоқчи эди, Акбара уни нари итарди. У одамга яқинлашиб, унинг юзига тикилиб қаради ва оҳиста увлаб юборди: ҳалок бўлган болалари ёдига тушди. Ҳаёт эса Мўйинқумда тўс-тўполон, абгор бўлди. Кимга йиғласин, кимга арз қилсин, ахир? Бу одам унга ҳеч ёрдам беролмайди. Унинг ҳаёт шами сўниб боряпти, лекин ҳали жони буткул чиқмаган эди. Одам шишиб кетган ковокларини базўр кўтарди ва секин ув тортаётган бўрига қараб пичирлади:

— Келдингми...— сўнг унинг боши шилк этиб тушди.

Бу унинг охирги сўзи эди.

Шу дам мотор шовқини эшитилди. Чўл бетиди юк машинаси кўринди. У тобора яқинлашиб келар, кабинасининг ойналари хира йилтилларди, Обер-Кандаловчилар жиноят қилган жойларига келмоқда эдилар...

Шунда бўрилар бошқа бир зум ҳам пайсалламай лўкиллаб, борган сари қадамларини тезлатиб бу ерлардан бош олиб кетдилар. Улар орқага қарамасдилар. Бўрилар улуғ Мўйинқум чўлларини буткул тарк этмоқда эдилар...

* * *

Акбара ва Тошчайнар роса бир йил Алдаш бўйидаги қамишзорларда яшадилар. Шу ерда улар ҳаммадан кўп — беш фарзанд кўрдилар. Бўричалар анча катта бўлиб қолишганда, бирдан қамишзорга ўт тушди! Тоғда янги қон очилган, унга йўл шу қамишзордан ўтиши керак эди. Уни ёқишга тўғри келди. Алдаш кўли бўйларидаги юзлаб чақирим ерларга чўзилган қадим қамишзорларнинг кули кўкка совурилди. Урушдан кейин бу атрофларда қимматбаҳо маъдан топилган, мана энди ўз навбатида чўлда яна бир улкан почта яшиги қад кўтармоқда эди. Бундай пайтда қамишзор экану, ҳатто ноёб кўл йўк

бўлиб кетса ҳам, ҳеч ким ҳеч нарса қилолмайди. Ахир, гап камёб ва қиммат хомашё ҳақида боряпти-да. Уни олиш учун ер куррасини қовоқдек кавлаб ташлаш ҳам чўт эмас.

Аввалига қамишзорлар устидан аллақандай ёнилғи сепиб, самолётлар пастлаб учиб юришди. Қамишлар бирдан ўт олсин дейишди шеклиди.

Ўт кечаси қўйилди. Ёнилғи сепилган қамиш бирдан гув этиб аланга олди ва худди калин ўрмон каби ваҳшат билан ёна кетди. Аланга кўк тоқига кўтарилди. Қиш туманидай ерни калин қора дуд чулғади.

Бўрилар олов тафтани сезганлари ҳамон, қамиш ҳар томондан ёнаётганини кўриб, бўричаларни қутқариш учун ўзларини у ёқдан-бу ёққа ура бошладилар. Уларни тишларида дам у ерга, дам бу ерга кўтариб ўтишарди. Алдашбўйи қамишзорларида қиёмат кўпди. Қушлар кўл узра булутдай учишар, тўхтовсиз зорланиб, чағиллар эдилар. Асрлар бўйи қамишзорда кун кечирган қобонлардан тортиб илонларга-ча кўрқинч саросимага тушдилар, ўзларини жонҳолатда тўрт томонга урдилар. Бўрилар бошига ҳам шу кун тушди. Олов ҳар ёқдан ўраб, ўрлаб келар, фақат кўлга ташлабгина қутулиш мумкин эди. Акбара билан Тошчайнар учта бўричани қолдириб, иккитасини тишларида тишлаб кўлда сузиб кетишди. Ниҳоят, нариги қирғоққа етиб борганларида, шу нарса маълум бўлдики, қанча юқорироқ кўтаришга уринмасинлар, бўри болалари сувга бўкиб ўлган эдилар.

Акбара билан Тошчайнар яна бошқа юртларга бош олиб кетдилар. Энди улар тоғ сари йўл олган эдилар. Бўрилар савки табиий билан эндиликда фақат тоғлардагина жон сақлаш мумкинлигини англаган эдилар.

Бўрилар ёнган кулхоналарни ортда қолдириб, узок йўл босдилар. Қурдай тоғликларидан бордилар. Бир неча маротаба кечаси чироклари кўзни оладиган кўрқинчли машиналар тинмай ғизиллаган катта йўлларни кесиб ўтдилар. Уларнинг назарида шу юғурик чироклардан кўра даҳшатли нарса дунёда йўк эди. Қурдайдан сўнг бўрилар Оқ туз тоғларига кўчдилар. Лекин бу ерлар ҳам кўзларига хатарли кўриниб, яна ичкарилаб кетдилар. Оқ туз довонидан ошиб, бўрилар Иссиқкўл ўйиғидан чиқдилар. Йўл тугади. Нарёғи денгиз...

Акбара билан Тошчайнар шу ерда ҳаётни яна қайтадан бошладилар...

Бола кўрдилар. Бу сафар улар тўртта эди.

Насл қолдириш учун бу сўнгги қаттиқ уриниш эди.

Шу ерда, Иссиқкўлда бўрилар киссаси кўз кўриб, қулоқ эшитмаган фожиа билан тугади...

УЧИНЧИ ҚИСМ

I

Одамлар — тақдирни, тақдир — одамларни излаб юради... Хаётнинг азал айланиши шундай... Тақдир мудом ўз нишонини мўлжаллаб туради, деган гап рост бўлса, бу сафар ҳам у тўғри чиқди. Ҳаммаси ҳаддан ташқари оддий юз берди, қазо камонидан чиққан ўкни орқага қайтаришнинг иложи йўқ...

Келиб-келиб ўша куни Бозорбой Нўйғутов геологларга йўл бошловчиликка ёлланиб қолганини қаранг. Бозорбой геологларга йўл кўрсатувчи кераклигини хаёлига ҳам келтирмаган эди, гологлар, уни ўзлари қидириб топишди, ўзлари таклиф қилишди.

Таманга улар ем-хашак ташиладиган, трактор юрадиган йўлдан ўтиб келишган эди.

— Нега бу ерни Таман дейишади? — сўради улардан бирови.

— Нима қилди?

— Ўзим, шундай...

— Таман — Товон дегани. Кўряпсанми, мана этикнинг пошнаси. Ана шу товон. Бу ер тоғларнинг товони. Шунинг учун Таман дейишади.

— Э, шундайми! Анов Тамань ҳам шу ердан олинган экан-да. Машҳур Тамань дивизияси!

— Билмадим, укам. Буни генераллар билишади. Бизнинг ишимиз жўн. Чўпонлик қиламиз.

Шундай қилиб десангиз, геологлар Таманга етиб келишиб, у ёғига аклимиз етмайди, фақат картадан кўрганмиз, яхшиси, бизни шу ерлик одамлардан биронтаси тоғларга олиб чикиб кўйсин, дейишди. Йўқ, деб бўларканми! Бунинг устига яна ҳақини ҳам тўлашаркан. Бор-йўқ иш — тўртта йигитни юклари билан Аччик Тош дарасига бошлаб чиқиш. Геологлар ўша ерда нималарнидир текширишармиш. Нима бўларди — олтиндир-да. Улар фақат олтин қидиришади. Топсалар, катта-катта мукофот олишади. Майли, бу уларнинг иши. Фақат Бозорбой кечқурун Таманга, қўрага етиб келиши керак. У ўтари билан шу ерда қишлаган. Ҳамма гап шу, холос.

Анов йигитлар шахарлик бўлишларига қарамай, пулнинг ҳисобини билишмас экан. Бозорбой озгина оёғини тиради: менинг тоққа чи-

қишга вақтим йўқ, совхоз раҳбарлари келиб қолади, сизга нима, мендан талаб қилади, қани бу, катта чўпон Бозорбой Нўйғутов, қўй қўзилай деб турган пайтда қайларда юрибди, деб қийин-қистовга олишади. Ким ўшанда жавоб беради?— шундан сўнг йигитларнинг саҳийлиги тутиб, йигирма бешни ваъда қилишди. Вой, тентаклар-эй! Э, уларни аяб, қисиниб ўтирармиди, пул давлатники, давлатнинг газна-си эса камаймайди. Бу болаларнинг ўзлари ҳам пулни хазондек супуриб олсалар керак пайтини пойлаб. Тўласинлар-да, ахир. Бозорбой геологларни ҳаш-паш дегунча обориб қўяди. Отга ўтирадию ҳайё-ҳуйт деб кетаверади. Унга нима, барибир кунора бўлар-бўлмас ишларга бошини суқиб лақиллаб юргани-юрган. Айниқса, тўй, таъзия, ишқилиб, ароқ иси анқиган жойдан курук қолмайди. Ойлик олиб келгани совхоз идорасига тушадиган бўлса-ку, чўпон-чўлиқлардан тортиб, тунги коро-вулгача, хотинидан тортиб, (у ҳам ишчилар каторида) қўзилаш пайт-лари ёрдамчи-сокмончиларгача — ҳамма жонини ҳовучлаб ўтиради. Бозорбой кечаси ғирт маст-аласт ҳолда етиб келади, отдан қулаб кетай-кетай дейди, пулга кетган одамнинг аҳволи шу. Ярамас хотини совхоз директорига йиғлаб-сиқтаган шекилли; мана уч ойчадан буён қўрага кассир Бўронбойнинг ўзи маош олиб келяпти. Қонун бўйича ҳар ким пулни ўзи қўл қўйиб олиши керак, дейди. Қатнаса-қатнайвермай-дими, ҳалоқунинг итидай...

Ана муни қаранг энди, аҳмоқ йигирма бешнинг ўзи киссасига тушиб турибди. Тўғри, Аччиқ Тошга чиқадиған сўқмоқ тошлоқлар, тик ўр-жарлардан ўтади, юрагинг орқанга тортиб кетади, қулаб кетиш ҳеч гапмас, ўзи оти билан тоғ-да, бу сенга айланиб чопади-ған ва бўйнингга нишон такиб қўядиган стадион эмас. Нимасига ажабланасан бунинг — дунёда адолат азалдан йўқ эди, ҳозир ҳам йўқ. Қишин-ёзин тоғдан бошинг чиқмайди, на асфальт бор, на водопровод, ва на электр чирок. Қора кунингни билганингча кўр, йил бўйи сассик шилта кечиб қўй бок. У ёқда эса оппоқкина кийинган чаккон йигит ликиллаб стадиондан чолиб ўтади ёки дарвозага копток тепади — ўзиям маза қилади, томошага йиғилган халойиқ ҳам хурсанд бўлган-нидан осмонга сакрайди, чакконбойга шараф-шонлар, ҳамма газеталар оғиз кўпиртириб кўкларга кўтарган, эртадан-кечгача дам олиш, якшан-ба нима билмай, бели букилиб пешона тер тўкканларнинг топгани эса еб-ичишга базўр етади. Аламингдан ичасан. Кейин хотин дийдиё қилади, еган-ичганинг бурнингдан чиқади. Ит ётиш — мирза туриш. Талаб эса катта. Қўзи бер, биттаям қўй кисир колмасин, вазн бер, майин жун бер. Жун ўрнига сунъий тола топамиз, деб-ку, тоза айюхан-нос солишди. Қани, ўша тола? Қирқим бошланганда-ку юзтаси бер-бер деб, калхатдай бостириб келади, қил ҳам колдирмайди. Ҳаммасини топшир, охиригача бер. Майин жун валюта учун керакмиш... Валюта деса, ўлигини осмондан ташлайди булар... Кейин буларнинг ҳаммаси ўпқонга тушгандай бадар ғойиб бўлади-кетади. Э, ҳаммаси куриб кет-майдами — қўйи ҳам, одамлар ҳам, шу жонга теккан ҳаёт ҳам...

Йўлда Бозорбойни мана шундай нохуш ўйлар кемирар эди. Бора-боргунча мик этмади, фақат унда-мунда орқада келаётган геологларга қараб кўяр, хатарли жойлар учраса, огоҳлантирарди... Кўнглига кил сифмасди. Ҳаммасига ярамас хотин сабабчи... Вой, алвасти-ей! Ҳеч бурнини тикмай туrolмайди. Албатта, оҳ-воҳ қилади. Бегона кишилар бор демай, шанғиллаганини қаранг! Вой, шаваки-ей! Дод-вой кўтармаса, кўнгли жойига тушмайди. Уларнинг бари шундай — барбод бўлди! Қадимгилар бекор айтмаганлар: хотин киши кечаси мушукдай сурқалади, кундузи — илондай буралади. Ана, кўрдингизми! Ҳа, шанғи-я! Яна қай гўрга қочяпсиз, дейди. Бошингизга урасизми, бу геологларни. Иш ошиб-тошиб ётибди. Кўй кўзилайман деб турибди. Кўли ёш боладан бўшамасмиш. Катталар интернетда безори бўлиб кетганмиш. Татилга келса, оғзи овқатдан бўшамасмиш. Пишириб бер, куйдириб бер. Кўлларини совук сувга уришмайди. Яна чекканларига бало борми? Ароқ ичишдан ҳам қайтмайди булар! Интернетда уларга қарайдиган одам йўқ. Директорнинг ўзи — ароқхўр. Уйда кимдан ақл ўрганани улар? Сиз бўлсангиз, думингизни тутқизмайсиз, уззукун қорангизни кўрсатмайсиз. Қуриб кеткур ичкиликдан ортмайсиз. Яхшиям, от бор экан, жонингизга ора киради. Аллақачон йўл-пўлда ўлиб-нетиб қолмасмидингиз...

Вой, бу шаллақи-ей! Қанча урма-сўкма, барибир ақл битмайди. Доим кўкариб юради. Шунинг учун Кўк Турсун дейдилар-да. Лекин тили узун. Ҳеч тилини тиймайди.

Бу гал ҳам геологлар бор демай тоза вагиллади, аҳмоқ. Бўлмаса, неча марталаб кўзининг ола-қуласини чиқариб бўғзидан олган! Қайда! Вой, ўлдим, бошқа гап қайтармайман деб, неча марта сўз берган. Қайда! Лекин барибир Бозорбой яна уни тинчителининг эпини топди. Гап бор, бери кел деб, ичкарига чақирди. Уйга киргач, индамай уни деворга босди. Юзини юзига тиради. Нафас олгани кўймади. Ана шунда у хотинининг моматалок бўлиб кетган, сўнган, ажин босган кечхрасида, беҳол очилиб қолган тишсиз оғзида, кўрқувдан хира тортган жонсиз кўзларида ўтган йилларнинг қайғу-ғамлари, ночорлик, омадсизлик, аламзадаликларини ўқиди. Шунда ўзи-ўзига хунук кўриниб кетди-да, вишиллаб захрини сочди:

— Ҳў, қанжик, яна оғзингни вақ этиб очсанг, қурбақадай босиб ўлдираман-қўяман!— шундай деб, уни бир чеккага итқитиб юборди.

Хотини мик этмай челагини кўтарганча эшикни қарсиллатиб ёпиб, ҳовлига чиқиб кетди. Сал ўтмай, ўпқасини босиб олгач, у чикди, отга ўтирди ва геологларни бошлаб йўлга тушди...

Ҳа, яхшики, от қурғур зотли — унинг бирдан-бир қувончи шу от, барака топсин, от заводдан чиққан. Аллакимга унинг туси ёкмай, чикит қилган — ростданам, қора тўриқми, кўнғирми, билиб бўлмайди. Лекин ахир бунинг нима аҳамияти бор? Ақлли от, тоғда қаерга қадам қўйишни биледи, ҳаммадан ҳам, жуда чидамли, нақ бўрининг ўзи. Доим эгарлоғлик, доим кўзи очик. Э, нимасини айтади, оти яхши,

бу атрофда унга тараф йўк, фақат Бўстонникини демасанг. Вой, бу совхознинг илғор чўпони. Э, одам бўлмай кет. Дунёда бунақа қурумсоқ топилмаса керак. Негадир бир-бирларини жинлари суймайди. Ана унинг отини — от деса бўлади. Сирти тилладай йилтирайдиган Дон оти, Дўнкўлик дейишади. Омади бор экан Бўстоннинг. Эртаю-кеч отини парвариш қилади. Бошқа иложи ҳам йўк. Отда юриб, ўзини кўз-кўзламаса бўлмайди, азамат. Хотини ёш, Эрناзарнинг беваси. Эрназар уч йилча бурун Ола Мўнгу довонида муз ёриғига қулаганча, шу-шу ўлиб кетди, ўлиги ўша ерларда қолди...

Тоғларга турнақатор тизилиб кўтарилиб боришар, гаплашишга фурсат йўк, бунинг устига хотини билан уришиб Бозорбойнинг таъби тиррик бўлган эди. Индамай йўл босишарди. Қиш охишлаб қолганди. Тоғ кунгайларида қорлар эрий бошлаган, кўклам нафаси уфурарди. Шу дамда атроф равшан ва сокин эди. Пастда садафдай ярқираб ётган улуғ мовий кўлнинг нариги томонида баланд тоғлар узра қуёш юксакка кўтарилганди. Чошгоҳ эди.

Орадан кўп ўтмай Бозорбой геологларни даранинг бўғзига етаклаб келди. Иссиқкўлнинг мусаффо кўзгуси сўнгги бор кўзга ярк этиб ташланди, манзаралар орқада ғойиб бўлди. Энди бошлари узра кета-кетгунча тумтайган қояли учурумлар ҳайбат соларди. Ҳаммаёк тош, қоя. Кимса йўк. — Нима бор экан уларга бу ерда? — таажжуби ортарди Бозорбойнинг теваракка аланг-жаланг қараб. У геологларни манзилга элтиб қўйган захоти орқага қайтишга аҳд қилди. Аччиқ Тош дараси у билан ёнма-ён тўғри улуғ кўл бўйларига олиб чиқадиган кўшни дарадан кўра қисқароқ. У ичида орқага Бошат дарасидан қайтаман, деб қўйди. Шунда уйга ҳаялламай етиб олади. У геологлар билан хайрлашиб, шундай қилди. Лекин чўнтакка ниҳоят қурмағур йиғирма бешни соларкан, у йигитларга гап қотди:

— Ҳой, оғайнилар, мундоқ қарасам, ҳаммаларинг ўғил бола экансизлар, — деди у иршайиб мўйлабини эрайимларча сийпаркан, — биз ҳам ахир юрган йигитмиз, бир томоқни ҳўллаб олмаймизми, а?

Бозорбой ичсам, бир стакан ичарман, деб чамалаган эди, йигитлар эса саховат билан унга шу ернинг ўзида чиққан кўк шишани ҳадя қилдилар. Ол, уйда ичарсан деб! Бу бахт қайдан тушди деб, Бозорбой ял-ял очилиб кетди. Типирчилаб қолди, чодирни қаерга тикиш, қаердан ўтин чопишни кўрсатди, йигитлар билан навбат-банавбат хайрлашаркан, ҳар бирининг қўлини узоқ силкитиб турди, ҳатто хуржунга ғамлаб олган емдан отга бериб ҳам ўтирмади. Биринчи марта эмас, уйгача чидайди, деб ўйлади. Апил-тапил эгарга ўтирдию, йўлга тушди. Чамалаб, кўп ўтмай сўқмоқни топди ва чала-ярим қор босган тизмалардан ошиб ўтиб, Бошат дарасига кирди. Даранинг ён-атрофларида сийракроқ тўқай, ўрмонлар ўсган, ҳам ёруғроқ, Аччиқ Тошдек қоронгу эмасди. Бу ерда жилғалар ва булоқлар ҳам кўплаб оқиб ётарди. Шунинг учун бу ерларни Бошат дараси — Булоқ дара деб аташарди.

Пахталик устидан кийиб олган ёмғирпўшнинг чўнтагидаги шиша унга тинчлик бермасди. У дам сайин шишани ушлаб-ушлаб кўяр, қайси жилга бўйида тўхтасам экан, деб жой чамаларди. У ўзининг қанча ичишини биларди. Шишанинг ярмини бўшатади, устидан сув ичади, кейин яна йўлга равона бўлади. Бундай ҳолларда Бозорбой эгарга ўтириб олса, бас. У ёғига хоназот отнинг ўзи еткизиб оборади. Шўрлик Кўк Турсун Бозорбойнинг қўлтиғидан шайтон тутиб турали, деб бекорга айтмайди — у хали бирон марта эгардан йиқилган эмас. Ниҳоят, йўлда бир жилғани танлади, унинг устини юпка шаффоф муз қоплаган, сув муз остида тошдан-тошга қилқиллаб урилиб, одамнинг ҳавасини келтириб оқарди. Бозорбой шу жойга тушди. Атрофда ёввойи тол ва зирк буталари ўсиб ётар, қор ҳам кўп эмас, отга ҳам сув ичириб, ем берса бўлади. У отнинг юганини бўшати, сули солинган хуржунни эгардан туширди, боғични ечиб, ечилган томонини отнинг бўйни тагига суриб қўйди. От чарчоғини тарқатаётгандай енгил сўлиш олиб, кўзларини ярим юмиб, куртиллаб сули чайнай бошлади. Бозорбой эса сув бўйида қулаган дарахт танасига жойлашиб ўтириб олди-да, шишани чиқарди, ҳаваси келиб, қуёшга тутиб қаради, лекин нимани ҳам кўрарди, ўша-ўша шиша, фақат кун тугаб борар, тоғларда соялар қиялаб ётар, қуёшнинг ботишига агар кам бўлмаса ҳали бир соатдан ортик вақт бор эди. Лекин Бозорбойнинг шошадиган жойи йўк. У арокнинг мияга урадиган мазасини тамшаниб ҳис қилиб, йўғон тирноғи билан шишани очди, ҳидлади, бошини чайқади, оғзига кўтарди. Титраб-қалтираб қултиллаб ютди. Кейин жилғадан ҳовучида сув олиб, курсиллаган муз парчалари билан қўшиб ичди. Муз тишларига тегиб қисирлади — нақ мияси қасирлаб кетгандай бўлди. Бозорбойнинг башараси хунук буришди, у томоғини қириб йўталди, оғу қачон бошига уришини кутиб, кўзларини юмди. Ҳа, теварак-атроф — тоғлар, қоялар — худди туманга чулгангандай суза бошлашини, ҳаволаниб, кўтарилиши, қизиган миясида ғалати, ноаён товушлар, зингилдок шовкин чиқишини кутди. Ўзини кайф қучоғига ташлаш иштиёкида бужмайиб котди. Сўнг томирлари ёзилди, бўшашди, шунда қаердадир жуда яқин орадан худди ёш бола йиғлагандай оҳиста ингиллаган овоз эшитилди. Нима бўлди бу? Қайдадир зирк чангалзорлари ва уюм-уюм тошлар ортида яна нимадир худди кучук бола каби ангиллади... Бозорбой сергак тортди, яна беихтиёр шишани кўтариб ичди, сўнг уни аста тошга тираб қўйди, лабларини сидириб артди-да, ўрнидан турди. Тағин диққат билан қулоқ солди. Ҳақиқатан, адашмаган экан. Қандайдир ҳайвоннинг болалари овоз чиқармоқда эди.

Бўри уяси... бўри уясидан Акбара билан Тошчайнарнинг болалари узок йўк бўлиб кетган ота-онасини қўмсашиб, ингиллашмоқда эди. Мўйинқум чўлларидан орқа-олдиларига қарамай қочганларидан сўнг, Алдаш бўйларидидаги даҳшатли ёнғинлардан сўнг бир йил қисир ўтиб, мана, тоғларда эрта кўклам пайти Акбара бевақт болалаган — тўртта тўққан эди.

Бу орада Бозорбой бўри уясига йўл топиб аста яқинламоқда эди. Бозорбой хушёр бўлганда, инга боришдан олдин, албатта, ўйлар, мулоҳаза қилиб кўрарди. У камар ичидаги коронғу инни осонликча топгани йўқ. Тажрибаси қўл келди. Қор устини синчиклаб қаради. Аниқтаниқ тушган излар занжирини кўрди. Бўрилар эҳтиёткорлик билан доим эски излари устидан қадам ташлаган эдилар. Яна ҳам нарирок юриб Бозорбой тош уюмлари ва буталар орасида ямланган, кемирилган тўда-тўда суякларга дуч келди. Демак, бўрилар ўлжасининг бир бўлагини судраб келиб, шу ерда бамайлихотир ётиб ғажиганлар. Катта-катта сон ва бўғин суякларининг кўплигига қараганда, ғажирлар бу ерда анчадан бери яшасалар керак. Энди инни топиш қийин эмасди. Бозорбой камарга киришдан нега чўчимасди, бир нарса дейиш қийин. Ахир, бу ерда катта бўрилар ҳам бўлиши мумкин эди-ку! Лекин қорни очиб кетган бўричалар ангиллаб ўзларини ошқор қилишар ва гўё ёнларига чорлар эдилар.

Акбара билан Тошчайнарнинг овга чиқишдан бошқа чоралари қолмаганлигини бўричалар кошки билишса эди. Бўрилар учун эрта кўкламнинг оғир кунлари бошланган эди. Бунақа пайтда барча жониворлар қишдан ориқлаб чиққан бўлади. Бунақа пайтда яқин атрофдаги куч мадордан қолган ёввойи тоғ эчкилари ва архарлар аллақачон забт этилган бўлади. Кийиклар эса болалагани қадам етмас қояларга чиқиб кетадилар. Одамлар босиб турадиган сурувлар ҳам худди мана шу сабабларга кўра бу пайт кўра ва кўтонларга қамаладилар. Шунақада тинмай эмчак сўрадиган тўрт тайлоқни сут билан боқишнинг ўзи бўладими? Акбара эт-устихондан тушди, у энди сира ўзига ўхшамас — хурпайган, калласи катталашиб сўррайган, эмчаклари салқиб осилган эди. Бўрилар умуман, ғоятда чидамли бўлишади. Улар бир неча кунлаб овқат емай юришлари мумкин. Лекин эмизикли бўри ўзини емакдан сиқолмайди. Ҳаёт Акбарани таваккалига катта овга чиқишга мажбур қилмоқда эди. Лекин мабодо у ҳалок бўлса тайлоқлари ҳам ўлиб кетади.

Тошчайнар ҳамон унга эргашиб боради. Улар барига тез улгуришлари керак. Тез ўлжа топиш, уни тез ағдариш, этни тез-тез, катта-катта ютиш ва тез орқага қайтиш, таомни ҳазм қилиш керак эди. Бўри тойлоқларга тез сут бермаса сира иложи йўқ.

Бугун юрган йўллари кун тушган ерларда сирғанчик, терскай томонларда эса қиш аёзидан қаттиқ эди. Шунга қарамай бўрилар зўр бериб тоғдан тоққа лўкиллашарди. Бунақа чоғларда майдарок махлуклар ҳали ер тагидан бошини кўтармайди. Ёввойи ҳамда хонаки сурувларга эса яқинлашиб бўлмайди, бинобарин, тирик ҳайвонлар — отлар, қорамол, туяларга ёнда шериксиз ов қилиш фойдасиз, ҳаётнинг чигаллиги ҳам шунда. Тошчайнар нечоғлик бақувват бўлмасин, йирик ўлжани бир ўзи инга судраб келтиролмайди. Охирги марта икки кун бурун у тоғ ёнбағирларига улоқиб келиб қолган эшакни ўлжа қилди. Акбара тунда инидан чиқиб эшак гўштидан тўйгунча еди. Лекин эшак жонивор-

лар тоғ ялангликларда ҳар куни бундай бош оғанча юравермайдилар-ку. Одатда эшакларнинг ёнларида албатта одам бўлади. Ана шунинг учун ҳам, Акбара овда қорнини тўйдириш учун ўзи инидан чиқди.

Аввалига Акбара иккиланиб турди, инни ташлаб кетишга сира кўнгли чопмади, ҳатто бир икки бор орқага кайтгиси ҳам келди — болаларидан хавотирланди: уларни доим иситиб, сут эмизиб туриш керак, — лекин зўр билан ўзини енгди, инни унутишга мажбур қилди. Кўл атрофларида ўлжанинг исини олганларидан кейин эса, ов нашъаси унинг бутун борлигини камраб олди.

Акбара билан Тошчайнарнинг омадлари бор экан: улар янги тушган изларни искаб борарканлар, кенг ялангликка чиқиб қолдилар.

Бу ерда подадан ажралиб қолган бўлса керак, учта қўтос ўтлаб юрарди. Бўрилар бир йилча бурун мана шундай ночор пайтларида уларга ташланди кўрган эдилар. Ушанда келгинди бўриларнинг дуч келган нарсани ўлжа қилишдан ўзга қоралари қолмаганди. Бўрилар у ёқдан-бу ёққа ўғринча боқишиб, дафъатан хужумга ўтдилар. Қўтослар чолиб келаётган бўриларни кўриб, олдинига ирғишлаб, ўқирганча қочдилар, лекин бўрилар қувиб етаётганлигини фаҳмлагач, тўхташди, — уларнинг бўксалари сандондай кўтарилиб тушарди — бўриларга шохларини тўғрилаб хужумга ўтишди. Қўтосларнинг бошка иложлари қолмаган эди. Шунда қандайдир бир зум ичида дунёдаги азалий мувозанат ҳоким бўлди: осмондаги қуёш, ҳувиллаган сукунат, кимсасиз атроф жондорларга ҳам, қавш қайтарувчиларга ҳам баб-баравар тегишли эди. Қавш қайтарувчилар тўқнашудан қочиб қутулмоқчи эдилар, лекин йиртқичлар осонлик билан орқага қайтиб кетадиган эмасдилар, очлик ич-ичларини таталаб ташламоқда эди. Улар қандай бўлмасин олишиб, жилла курса, битта қўтосни ағдаришлари ва шу билан ҳам ўзлари, ҳам болалари жон сақлашлари керак эди. Қўтослар йирик ҳам эмас, майда ҳам эмас, ўртача; киш чиқишига жунлари патила бўлиб ўсиб кетганди. Думлари от думидай бу қўтослар ҳам жанг қилмай илож йўқлигини тушундилар. Улар қаҳр ва кўркинч ичида бошларини қуйи эгдилар, туёқлари билан ерни тирмаб, ўқириб таталай бошладилар. Қўк бетида қуёш ҳамон чарақлаб турар, теварагини қори эрий бошлаган кимсасиз тоғлар қуршаган сарғайиб ётган очиқ ялангликда ўтхўрлар билан йиртқичлар юзма-юз тўқнашдилар.

Бўрилар қулай фурсатни кутиб, қўтослар атрофида сакраб-сакраб айланишарди. Акбаранинг вақти зик — болалари уни интизор бўлиб пойлаб ўтирибди. Нихоят у андак қучсизрок бўлиб кўринган қўтосга тавакқал қилиб ташланди. Қўтоснинг кўзларига қон тўлганди. Шунга қарамай, Акбара унинг юраги пўкиллаб турганлигини пайқади. Эҳтимол янглишаётгандир. Лекин ўйлаб ўтирадиган пайт эмасди. Акбара ўзини қўтоснинг бўйнига отди. Ҳаммасини сониялар ҳал қилади. Қутуриб кетган қўтос уни елкасидан итқитиб юбориш ва шохлари билан ерга қоқиб ташлаш учун қалласини зўр бериб силкитаётган маҳалда, Тошчайнар унинг иккинчи биқинидан ташланиб, бўйин томир-

ларини узиб, ғажиб ташлаши, конини оқизиши, миясини ишдан чиқариши керак эди.

Шундай ҳам бўлди. Лекин унганча қўтос Акбарани ерга улоқтириб, босиб улгурди, энди ўкириб уни шохларига илиб иткитмоқчи ва яна озгина бўлса, уни бутунлай эзиб, топтаб ташларди. Лекин Акбара қўтоснинг шохлари остидан илондай сирғалиб чикди ва шу заҳоти яна қўтоснинг яғринига сакради, унинг жағни айириб юборадиган даражада қаттиқ жун босган гарданига ўткир тишларини куч билан ботирди. У ўзининг ваҳший ва раҳмсиз бўри табиатини тўла намоён қилди. У яшаш учун ўлдириши керак эди. Лекин бу сафарги ўлжа осонгина жон берадиганлардан эмасди. У — сайғоқ билан қуён — зўравонликка қарши бўйин эгиб турадиган. Баджаҳл қўтос яраланиб, қони оқаётганига карамай, ҳали анча қаршилиқ кўрсатиши ва ҳатто енгиб чиқиши мумкин эди. Бирок, ҳар қалай, Акбаранинг юлдузи бирдан балқиб чикди; Тошчайнар худди шу дамда ён томондан Акбара билан олишаётган қўтосга ёпишди ва унинг кекирдагига тишларини ботирди. Тошчайнарнинг ҳужумига дош бериш қийин эди. Бу ҳужумга у бутун кучини сарфлади. Қўтос ўз қонига беланиб, қалтираб кетди ва ҳирқирай бошлади. Сўнг бўғзидан варақлаб қон отилди ва у оғир бўкириб ерга кулади. Қўтоснинг кўзлари шишадай қотиб қолди. Олишув бораркан, бошқа тирик қолган икки қўтос тирақайлаб қочишди ва анча нарига етиб олгач, қадамларини секинлатиб, гўё ҳеч нарса бўлмагандай шошилмай юриб кетишди.

Бўрилар чалажон қўтосни тортқилаб, юлқилай бошладилар. Ўлжанинг қачон жони чиқишини пойлаб ўтиришга фурсат йўқ. Қайси жойидан бошлаб ейишни ҳам чамалаб турадиган вақт эмасди. Акбара қўтоснинг човига ёпишди, ҳали иссиқ дириллаб турган гўштини тишлари, панжалари билан юлқиб олиб ямламай ютаверди. У иложи борича кўп эт ейиши керак ва иложи борича тезроқ инига қайтиши керак. Болалари зориқиб, маҳтал бўлиб қолишди. Тошчайнар ундан қолишмасди. У ваҳшиёна ириллаб, гўштни бурда-бурда қилар, бамисоли ёввойи қассобнинг ўзгинаси эди.

Бари ўз йўсин-йўриғи билан бўляпти. Қашкирлар олдин роса гўштга тўйишади, кейин тезроқ инларига етиб олиш учун йўлга тушишади. Кечаси яна гўштга тўйгани келишади, сўнг қолган гўштни бирон пана жойга судраб беркитишади. Лекин бунга ҳали вақт бор. Ҳозир эса, ғажирлар очлик билан лаҳм ютишарди...

Осилиб тушган қоя тагидаги торгина камардаги бўрилар уясида очикиб кетган бўри болалари беихтиёр ангиллашар, исиш учун дам ғуж бўлиб бир-бириларига тикилишар, кейин яна ҳар томонга судралишиб тарқалишар, тағин тўпланишарди. Ташқарида шитирлаган овоз эшитилганда ин ичига Бозорбой текилиб кирмоқда эди. Улар аввалгидан ҳам баттароқк ангиллашиб, ўмбалок-дўмбалок ошиб ин оғзига томон интилдилар ва шу билан одамнинг ишини ҳам енгилатдилар. Бозорбой азбаройи кучанганидан бўғриқиб кетганди. У тор камар ичига

пайпаслаб, туртиниб-суртиниб кирди. У пахталигини ечиб ташлаган, нимчанинг ўзида қолган эди. Бўри болаларини бирма-бир тутиб, учтасини қўйнига солди, тўртинчисини бўйнидан маҳкам сиқиб ушлаб олди-да, ташқарига судралди. Ерукка чикканида, кўзлари қамашиб кетди. Баланг тоғлар шу қадар яркираб ётарди. Кўкрагини тўлдириб нафас олди. Кулоқни батанг қиладиган жимжитлик. У фақат ўзининг нафас олганинигина эшитарди. Қўйнидаги бўри болалари гимираб қолишди, қўлидаги эса ўзини қутқармоқчи бўларди. Бозорбой шошилиб қолди. Ҳамон оғир-оғир нафас олганча у пахталигини елкасига ташлаб, жилга томонга жадаллади. У ёғи бир зумлик иш эди. У ўзи ўғирлаб чиққан тўрт бўри боласини бошлаб пулламоқчи. Ҳозирча уларнинг барини хуржунга жойлайди. У бўриваччаларни тузуккина пулга сотишга ишончи комил эди: бултур бир чўпон ҳайвонот базасига аллақанча бўри болаларини сотган, ҳар бир бош бўрига элик сўмдан тўлашган эди.

Бозорбой куртиллатиб ем чайнаётган отнинг оғзидан хуржунни тортиб олди, ичида қолган сулвини ерга тўқди, ҳар бир хуржунга иккитадан бўри боласини жойлаштирди, хуржунни эгардан ошириб икки ёққа ташлади, камар тортиб маҳкамлади, жиловни қўлга олиб, шитоб билан узангисига оёқ қўйди. Рав кетмаса бўлмасди. Мана, бунинг отини омад дейди! Лекин катта бўрилар етиб келмасдан жуфтакни ростламоқ керак. Бозорбой буни яхши билади. Ярим ичилган, тошга тираб қўйилган шишани Бозорбой эгарга ўтириб бўлгач, эслади. Аммо арокка ҳам тупурди. Қолса, қолаверсин. Бўри болалари учун бир дунё пул олади. Бунақа яримталардан қанчасини сотиб олиши мумкин. У отга қичов берди. Куёш ботмасдан бурун иложи борича тезроқ дарадан чиқиб олиши керак.

Кейин-кейин Бозорбойнинг ўзи ҳам ҳайрон бўлиб юрди: қандай қилиб юрак ютиб бўри инига кирди, ҳатто ёнида қуроли ҳам йўқ эди-я, Она бўри ёки эркаги келиб қолса, унда нима бўларди... Буғу жуда ювош ҳайвон, лекин у ҳам болаларини ҳимоя қилади — ганим устига шартта ташланади...

Лекин буларнинг бари унинг хаёлига кейинроқ келди. Бўриларнинг чангалга тушишини ўйласа, кўнгли оза бошлайди. Ўша соатда у сангзор Бошат дарасида йўриғини қичаб ҳайдаб борар, дам сайин орқасига, тоғлар ичкарасида ботиб бораётган куёшга хавотирланиб қараб-қараб қўяр, уни шом қувиб келмоқда эди. Ҳа, шошилмаса бўлмайди, тезроқ тоғ этакларига чиқиб олиши керак, қўл бўйлари ҳаммаси очиқ ялангликлар, от бошини хоҳлаган томонингга қўяверасан, аммо бу ернинг — тор, қўрқинчли даранинг иши бошқа...

Бозорбой қўл бўйларига, таниш яйловларга яқинлашган сайин ўзига ишончи ортар, дадиллашарди. Олган ўлжаси билан мактангиси келиб қолди. Чўпон улфатларимдан биронтасиникига қўниб ўтсаммикин, ўлжаларни кўрсатиб кўзини куйдирсаммикин, юзта-юзтадан қилиб бўриваччаларни ювсаммикин, ахир уларни яхшилаб пулласам, мен ҳам

қарздор бўлиб қолмасман, деб ўйлади. У чала ичилган шишани сув бўйида ташлаб келгани учун ачина бошлади; эҳ, қанийди, ҳозир бир кўтарсанг!.. Унинг шунчалар ичгиси кистади! Лекин барибир ичида бунга ҳали улгураман, аввало, бўричаларни омон-эсон етказиб бориш, коринларини тўйдириш керак, улар жуда чидамли бўлсалар ҳам, лекин ҳали сут эмиб юрган тайлоқ, кўзларини ҳам энди-энди очганга ўхшайдилар, кўр, ана чакчайиб туришларини... Ишқилиб, хуржунда ўлиб қолмасалар бас. Бозорбой бу пайт ўзини даҳшатли тезлик билан қувиб етаётганларини хаёлига ҳам келтирмасди. Худо билади, ҳали буларнинг охири нима билан тугайди...

Буқа гўштини бурунларидан чиққунча еб тўйган бўрилар орқага қайтдилар. Олдинда — Акбара, орқароқда — Тошчайнар борарди. Улар қоя остидаги инимизга тезроқ етиб олсак, болаларимиз билан яйраб давра олиб ётсак, оёқ-кўлимизни ёзсак, ана ундан кейин чала ейилган буқа тепасига борсак, ялангликда таланиб кетмасин тагин, дейишарди.

Хаёт-да бу энди, шунинг учун айтишган экан-да, бўрини оёғи боқади деб... Ахир, тайёр этни кўрса, бошқа бўрилар қараб туришармиди — бу бировники-ку, деб тортиниб ўтирмай, талаб, ғажиб кетаверадиганлар ҳам йўқ эмас. Ана, иннакейин жанжал-тўполон чиқади, қон тўкилади. Лекин ҳақ ўз номи билан ҳақ, қуч ҳам ҳақ томонда...

Ҳали инига етмасдан, ҳали узоқдан Акбаранинг юраги бир кори ҳол бўлганини сезди. Худди ёнгинасида аллақандай қуш соя каби парпираб учаётгандай, ботиб бораётган қуёшнинг сўнгги нурларида англаб бўлмас ваҳим, харосонлик билан туйди. Юксак тоғ зирварларида аксланаётган қонли шафақ шуълалари борган сайин қорайиб, дилга ташвиш ва кўрқинч соларди. Инига яқин қолганда, у янада қаттиқроқ югурди. Тошчайнарга қайрилиб ҳам қарамади. Ниҳоят, у англаб бўлмас ваҳимага тушиб, елдек учиб кетди. Шунда ҳавода димоғига бегона ҳидлар урилди ва унинг ваҳимаси янада ортди: терлаб-пишган отнинг ўткир ҳиди ва яна қандайдир кўнгилни беҳузур қилувчи сассиқ ис анқирди. Нима бу? Қаердан келяпти? Акбара жилғадан сакраб ўтди, буталар орасидан йилдиримдай югуриб камарга чиқди ва лип-ўтиб қоя остидаги инига ўзини урди. Ҳувилаб қолган бўм-бўш уясининг ҳамма бурчакларини овчи итдай искаб чиқди ва пишқирди, бир зум қотиб қолди, сўнг ўзини ташқарига отди, ин оғзида Тошчайнар билан тўқнашди, худди барига у айбдордай, худди эри эмас, ғаним-ёвдай уни алам устида тишлаб олди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ Тошчайнар аввал уяга кириб чиқди, сўнг Акбара орқасидан югурди ва жилга бўйида унга етиб олди. Акбара эс-ҳушини йўқотгудай бўлиб, изларни ҳидлаб юрар, юз берган воқеани англашга уринарди. Шу яқин ўртада бу ерга аллақим келган, у излардан шуларни ўкиди — мана, от сўлагининг ҳиди анқиб турибди, сочилган сули, мана, от тезаклабди, мана, ҳиди кўнгилни айнитадиган шиша, Акбара уни ногоҳ искаб кўриб, азбаройи нафрати қўзиб ёли тикка-тикка бўлиб кетди, мана, одамнинг

кор устидаги излари. Кирза этикдан тушган излар. От миниб, жирканч нарса солинган шиша кўтариб келган қаттол ёв бостириб кириб, болаларини ўғирлаб кетибди! Уларни еб қўйган бўлса-чи! Шунда Акбара яна гуноҳсиз Тошчайнарга ёпишди, уни қутуриб тишлаб ташлади, кейин кўрқинчли ириллаб, из кетган томонга шитоб билан югурди. Тошчайнар унга эргашди.

Бўрилар сира адашмай ис олиб боришар — суриб, қичаб олға кетиб боришар, дарадан чиқар ерни кўзлашар, яна олға, олға таъжил ила югурик қадам ташлашар, одамлар турадиган жойларни, улуғ қўл бўйларини мўлжал олишарди...

Бозорбой эса дарадан чиқиб, отни яланг тоғ этакларидан, пастбаланд адирлар, ёзги яйловлардан йўрттириб борар, ниҳоят, мана олисда қорайиб қўлнинг бир чети кўринди. Яна бир соатларда уйга етиб олади. Бу орада қуёш ернинг у чеккасига, тоғ тизмалари орасига ботди, унинг сўнги нуллари лов этиб, сўнди. Иссиққўл томондан аёзли шамол эсди. «Тайлоқлар совуқ қотиб қолмаса эди»,— деб ўйлади Бозорбой, лекин уларни ўраб қўядиган нарса йўқ эди. Бозорбой уларни тирикмикин, деб хуржунга қараб қўймоқчи бўлди. Булар ўлиб қолса, биров бошига урадимиз! У отдан тушди, камарларни бўшатиб, хуржунни очиб қарамоқчи эди, шу пайт от оёқларини кериб, ҳаммаёққа сачратиб шовдирата бошлади. Шунда бирдан сийишдан таққа тўхтаб, қаттиқ пишқирди-да, ўзини чеккага отди, жилов Бозорбойнинг қўлидан чиқиб кетишига сал қолди.

— Тек!— деб қичқирди Бозорбой отга.— Тек тур!

Лекин от худди ўтдан кўрққандай ўзини чеккага урмоқчи бўларди. Шунда Бозорбой орқасига қарамаёқ нималигини билди. Бир зум ичида муздек бўлиб қолган елкаси билан у қувлаб келаётган бўриларни ҳис қилди. Бозорбой жонҳолатда отга ёпишди, унинг ёлидан маҳкам тутиб, ўзини эгарга олди, от шу заҳоти пишқириб, елдек чопиб кетди. Бозорбой совуқ ел жиҳатидан бошини эгиб олди, атрофга аланг-жаланг қаради. Нарироқда икки бўри чопиб келарди. Қашқирлар югуриб адир устига чиққанларида, от жонивор уларни пайқаб хурқиган экан. Энди бўрилар отнинг йўлини тўсиб чиқиш пайида эдилар. Бозорбойнинг эсига шу тобда худо тушди, унга ялиниб-ёлвора бошлади. Бошқа пайтда худонинг гўрига гишт қалашдан ҳам тоймасди бу одам. Қайси гўрдан келиб қолган геологларни бўралаб сўқарди: «Олтинларинг томоқларингга тиқилсин!» Хотинини қийнаганларидан афсуслар, ундан узр-маъзур сўрарди: «Сенга сўз бераман! Тирик қолсам, чертсам, одам эмасман!» Бўри болаларини олганига тавба қиларди: «Нима қилардим олиб! Нимага кирдим инига? Ҳаммасини тошга уриб, бошини ёриб ташламаймани?» Энди, нима қилдим, қаёққа қўяман уларни?» Хуржун тасмалар билан маҳкам тортиб боғланган, уларни йўл-йўлакай ташлаб кетиб бўлмайди. Бунинг устига шом қоронғуси тушяпти, кимсасиз тоғ ёнбағирларига хуфтон қораси бостириб келмоқда — дунёда ҳеч кимнинг ўладими, қоладими, у шўрлик билан иши йўқ.

Фақат содик от жониворгина кўрқувдан эсини йўқотиб, бор кучи билан чолиб бормокда.

Лекин Бозорбой ҳаммадан ҳам ёнида милтиқ йўклиги учун ачинарди. Милтиғи бўлса, уларга кўрсатиб кўярди: битта-битта отиб қулатарди, ўкни эса кеткизмасди. Милтиқ топилмас матоҳ эканми денг! Ҳамма чўпонларнинг уйида бор. Лекин ким уни доим ёнида олиб юради! Эҳ, билганда-ку! Бозорбой йиртқишларни кўрқитиш учун жони борича бўкирарди. Унинг барча умиди отдан эди. Яхшиям асл, зотдор от...

Ҳаёт-мамот пойгаси...

Ўғирланган бўри болаларини хуржунга солган отлик билан измаиз Акбара ва Тошчайнар хуфтон қоронғулиги тушган тоғ ораларидан ана шундай қочди-қувди бўлиб борардилар. Олиб кочилган тойлоқларининг ҳидини сезган бўрилар ўзларича ёлворар, ўзларича тавалло қилардилар. Кошқийди, от бир мартагина, бир зумгина қоқилса! Агар бука гўштини бунчалар кўп емаганларида, кувиш қандай бўлишини кўрсатиб қўймасмидилар, аллақачон қароқчиға етиб олиб, уни кўз юмгунча пора-пора қилиб ташламасмидилар, насл қолдириш йўлидаги азалий, омонсиз курашда қонли ўч олиб адолатни тикламасмидилар? Мўйинкум чўлларида сайғоқ сурукларини тумтарақай қувган, уларни ўзларига керак томонга буриш учун янада шиддат солиб югурганлари ҳам гапми? Лекин катта овға бўрилар қоринларини тўйдирмасдан, шиддатли қувғинга олдиндан тайёрланиб чиқардилар.

Болаларни боқиш учун устма-уст бўкиб эт еган Акбара, айниқса, кийнаиб чопмоқда эди. Лекин у ҳам бўш келмас, жони борича югурар, агарда отликка етиб олса, бир зум ўйлаб ўтирмай, нима билан тугашидан қатъий назар, ўзини жангга ташларди. Шукрки, ёнида Тошчайнари бор, суянчиғи ва енгилмас мададкори, лекин нима деманг, ҳар кимнинг гўри бошқа... Акбара ҳар қандай ўлимга тайёр эди, ишқилиб етиб олса, ишқилиб, учқур отда кетаётган шу кишини кувиб етса бас... ишқилиб...

Гарчи Бозорбой чиндан ҳам учқур от минган бўлса ҳам, лекин бундай қараб, бўрилар қадам-бақадам яқинлаб, ўнг биқинидан етиб келаётганлари, уни кўл томонга ўтказмаслик учун йўлни кесиб чиқаётганларини кўрди. Ғаддор ғажирлар отликни тоғ томонга қараб ҳайдашга зўр бермоқда эдилар. Шундай қилсалар, эртами, кечми, барибир, албатта, юзма-юз тўқнашар эдилар. Улар ниётларига эришай деб қолган ҳам эдилар: хуркиб кетган от ўзини йўқотиб қўйиб, ўнг ёқдан даф этаётган бўрилардан қўрқиб, бошини тоғлар томонга буришга уринмоқда эди. Бирок отни онгли махлуқ — одам бошқариб бормокда эди, у йиртқишларнинг ниятини англаб турарди, бўрилар худди шу нарсани ҳисобга ололмасдилар, бу уларнинг фожиаси эди.

Бозорбойни яна бир нарса қутқариб қолди. Тақдирнинг марҳамати билан олдинда чироклар кўринди. О, омаднинг келганини қаранг! Улар Бўстон Ўрқунчиев кўрасининг чироклари эди. Ҳа-ҳа, ўша ил-

гор кулок Бўстон, ҳеч жини ёқтирмайдиган Бўстон. Лекин ҳозир ким кимни яхши кўрадио, ким кимни ёмон, суриштириб ўтирадиган пайт эмасди. Нима фарқи бор. У ҳозир ҳар қандай кимирлаган тирик жонни кўзига суртишга тайёр. Ишқилиб, одамлар яшайдиган жойга етиб келди-ку — бундан ортик қувонч бўлиши мумкинми одамга! У ахир, қутулди! У ўзида йўк хурсанд бўлиб, отни яна товони билан кистади, шунда от қўралар, одамлар томонга шамолдек учди. Бирок, ана энди қутулдим дегунча, Бозорбой учун яна бир аср вақт ўтгандай бўлиб кўринди лекин, мана, Бўстон қурган электр движокнинг пулемётдай тариллаган овози эшитилиб қолди, мана, чўпонларнинг итлари бўри исини сезиб, айюҳаннос кўтариб, Бозорбойнинг йўлига пешвоз чиқишди. Айни чоқда, бўрилар ҳам қолишмас — борган сари яқинлашиб келишар, от ҳолдан тояр, Бозорбой жондорларнинг қайноқ тафтини сеза бошлаган эди. «Худойим, ўзинг қутқар! Ё Баҳоваддин, ўзинг мадад бер,— деб илтижо қиларди Бозорбой,— сенга етти қорани қурбон қиламан!» «Омон қолдим! Қутулдим!» — шодланиб қичқирди Бозорбой.

Албатта, у бир соат ўтмай ўз ваъдаю таваллоларини унутади. Одам боласи ўзи шундай...

Унинг қошига чўпонлар чошиб келишди. Бозорбой уларнинг қўларига ўзини отди, тўхтовсиз шу сўзларни такрорларди:

— Бўри, мени бўрилар қувишди! Сув, сув беринглар!

Бўрилар эса афтидан, кетмай шу атрофда айланиб юришар, чидам билан ниманидир кутишарди. Бўстоннинг қўра, қўтонларида югур-югур бошланди. Чўпонлар чошиб юришар, қўраларнинг эшикларини беркитишар, ҳой-ҳуйлашиб қоронғида бир-бирларини қақаришар, улардан бирови том бошига чиқди-да, милтиқдан неча маротаба варанглатиб ўк қўйди. Итлар тинмай вовуллашарди, лекин қўралардан ташқарига чиқишмасди. Ўзларини ёруғроққа олишарди. Итларнинг қўрқоқлиги эгаларини дарғазаб қиларди.

— Ату! Олкиш! Ол! Э, булар бўрибосар эмас, пўқбосар! — кимдир бўғилиб хириллаб итларни кистарди. — Ол, бос! Оқтош, Йўлбарс, Жойсан, Барпалон! Бос! Ату, Ату! Э, ўлларинг, думларингни қисмай! Бўридан қўрқиб ўтирибсанларми?!

— Ит ўз оти билан ит-да! — деб эътироз билдирарди бошқа товуш. — Нимага бақирасан? Бу итлар отликни этигидан тортиб туширади. Лекин бўрига яқин йўлолмайди. Тўғрими? Нима дединг! Бўрига қарши биронта ит боролмайди. Қўй, индама! Акиллайверсинлар!

Лекин бўрилар нега уни қуваляб келишди, Бозорбой анчагача эслолмади. Фақат Бозорбойнинг отига қараётган йигит бирдан: «Бозорбой бойке, хуржунда нима бор? Қимирлаётганга ўхшайди», — деб сўраб қолувди, ана шундагина у эслади.

— Хуржунда дейсанми? Э, бўри болалари-ку улар! Э, қуриб кетсин! Тўртта бўлтуруқ. Бошатда ини бор экан. Тўғри инидан олдим. Шунинг учун бўрилар орқамдан қувиб келишди.

— Шундай демайсизми! Бошлабсиз-ку. Тоза қўлга туширибсиз-да! Инидан дейсизми? Хўп омон қолибсиз-да тағинам...

— Хуржунда ўлиб қолишмабдими? Чопганда бўғилиб, эзилиб кетмабдими ишқилиб!

— Нега эзилади! Ўрикмиди сенга эзилади! Улар итдай чидамли бўлишади, оғайни.

— Қани, кўрайлик, қанақайкин?

Хуржунни туширишди ва Бўстоннинг уйига қараб юришди. Бунақа муҳим ишлар одатда Бўстоннинг уйда қилинади. Бу ерлар, кўра, қўтонларнинг эгаси ўша... Лекин ҳозир Бўстоннинг ўзи уйда йўқ. Районда навбатдаги йиғилишга кетган. Илғор чўпон Бўстон Ўркунчиев яна навбатдаги президиумда ўтириши керак эди.

Бозорбойни Бўстоннинг уйига худди қахрамонлик кўрсатган одамдек олиб боришди. Унинг шунга рози бўлишдан бошқа чораси қолмади. Майли, бир кўниб ўтса, ўтибди-да, ахир, у меҳмон-ку.

Бу уйнинг остонасига Бозорбойнинг биринчи келиши эмас. Кўп йиллардан бери Бозорбой бу ердан етти чақирим нарида Бўстонга қўшни ерларда чўпонлик қилади. Ана шу вақт ичида Бозорбой бу ерда уч марта бўлди: биринчи марта чўпон Эрназар Ола Мўнгу довоида музлик камарга йиқилиб нобуд бўлганда, унинг таъзиясига келган эди; иккинчи мартаба Эрназар ўлгач, олти ойдан кейин Бўстоннинг олдинги хотини (Орзиғул бечора жуда ҳам яхши хотин эди, дейишади) вафот қилганда, маъракасида қатнашган эди, ўшанда атроф-теваракдан тумонат одам йиғилган, отлар, тракторлар, юк машиналарнинг саноғига етиб бўлмаганди. Учинчи мартаба худди бўйнидан судрагандай қилиб олиб келишган эди. Область раҳбарлари бу ерда ишлаб чиқариш семинари ўтказадиган, Бўстон Ўркунчиев чўпонларга ўз илғор тажрибаларини сўйлаб берадиган эди. Бозорбойнинг ҳеч келгиси йўқ эди. Лекин қочиб қутулиб бўлмади, мажбур қилишди. Ярим кун ўтириб ваъз эшитишга тўғри келди: кўзилар ўлмаслиги учун нима қилиш кераклигидан тортиб, қандай қилса, кўпроқ жун ва гўшт топшириш мумкинлигигача. Бир сўз билан айтганда, планни қандай бажариш тўғрисида. Топган оҳанжама гапларини қаранг, унинг ўзи билади нима қилишини: қишда ерни ўз вақтида бер, ёзда тоғларда барвақт туриб, кеч ёт, хулласи калом, яхши ишла, молдан, қўйдан кўзингни узма. Жон куйдир Бўстон ва бошқаларга ўхшаб. Бироқ бировнинг иши яхши чиқадди, бошқасиники мундоқроқ. Бировнинг иши ўнгидан келади, бировники келмайди. Мисол учун Бўстоннинг кўрасида движок патиллаб турибди — кечаси билан уйларда ҳам, саройда ҳам, ҳовлиларда ҳам чирок ўчмайди. Хўш, нимага? Чунки у иккита агрегатни қўлга киритган — биттаси ишдан чиқса ёки ремонтга турса, шу заҳоти иккинчиси ишга тушади. Бошқа чўпонларда эса, шу билан бирга Бозорбойда ҳам движок қурғур йил бўйи битта. Ўзи битта бўлгандан кейин одамни кўп овора қилади: бир қарасанг ишлайди, бир қарасанг, ишламайди, дам ёнилғи бор, дам йўқ, гоҳ бир жойи синган, гоҳ бир жойи чиққан, гоҳ унга қараб турадиган йиғитча ҳамма нарса жонига тегиб, шаҳарга кетиб қолган — шаҳарда ёшларнинг ошиғи олчи, қишлоққа қараганда

юз карра яхши яшашади. Ана шунака ишлар. Ҳамма ҳисоботларда барча чўпон бригадалари электр чироғи билан таъминланди, деб айтилади, аслида эса ҳеч вако йўк...

Шундан кейин ким яхши? Албатта, Бўстон яхши. Бунинг устига ичмайди. Ким ёмон? Бозорбой ва унга ўхшаганлар. Бунинг устига улар ичишади. Хўп, ёмон бўлсанг, бўйнингга бир урсинлару ҳайдаб юборсинлар, тамом вассалом. Ваҳоланки, кетаман деб, ариза бериб кўрчи, дарров сенга милицияни тўғрилашади, паспортни олиб қўйишади, ҳеч қандай ҳужжат-пужжат беришмайди; бор, акаси, ишингни қил, кетишга рухсат йўк, дейишади. Ҳозир ҳеч ким чўпон бўлишни истамайди, аҳмоғи йўк, дейди. Ҳамма шаҳарда яшасам, деб ишқивоз. Шаҳарда ишни тугатасану маза қилиб, маданий ҳордиқ чиқарасан, бўлмаса, квартирангга ётиб дамингни оласан. Ҳамма нарса тайёр, олдингда муҳайё, ўт ёқши керакмас, сув олдингда, чироқ кечасику кундузи бор, хожат ҳам шундоқ бурнингни тагида... Ўтардаги турмуш ҳам турмушми? Мол болалайдиган маҳал-ку салкам бир ярим минг бош сигир-бузукни эплашинг керак, на кечаси тиним бор, на кундузи, бир ярим минг қорамолнинг бари бошингда мўнграб туради. Шиптир-шилта кечмай, кўр-чи, ичмай кўр-чи, хотинингни, чўпон-чўлиқларингни урмай кўр-чи, ғирт ҳайвоннинг ўзи бўласан-қоласан... Хўш, кейин ким ёмон? Бозорбой ва унга ўхшаганлар...

Сал нарсага бармоқларини нуқиб пеш қилиб туришади тагин: Бўстон Ўркунчиевни кўр, ана, илғор, ана, ўрнак... Башарасига солиб-солиб юборсанг шу илғор тавиянинг! Бўстоннинг омади бор, унинг одамлари ҳам яхши, бир борган киши ҳеч қайтиб кетмайди, битта оиладек бўлиб ишлашади. Бозорбойга ўхшаган чўпонлар ўчиб қолган движоклардан аллақачон қўлни ювиб, қўлтиққа уриб, эскичасига, керосин чироқлару қўл фонарларига ўтиб олишган. Бўстоннинг МИ — 1157 деган электр генератор агрегати қўраларнинг орқасида соатдай мунтазам юриб турибди, унинг гуп-гупи узоқ-узоқлардан эшитилади, чироғи не-не жойлардан кўринади. Бўриларни орқага қайтарган ҳам аввало шу бўлди, улар етай-етай деб турганларида чироқларни кўриб, движок овозини эшитдилару тақа-тақ тўхтаб қолдилар.

Итлар ҳамон бири олиб, бири қўйиб ақиллашарди. Бўрилар шу атрофда изғиб юришганга, лекин яқин келишга юрак бетламаётганга ўхшайди...

Ҳа, Бўстоннинг омади чопгани чопган. Ҳаммасини қара, ҳаммаси ораста, ҳамма нарса жой-жойида, уйлари чироқлардан чароғон, гарчи қўй кўрасида турсалар ҳам, лекин ҳаммаёқ озода, супурилган, сидирилган. Этик-пайтаваларни даҳлизда ечишга, гилам пайпоқнинг ўзида ичкарига ўтишга тўғри келди.

Одамнинг бир омади келса, ҳамма нарсада келади. Муни қарангки Бозорбой илгари билмаган экан. Довонда нобуд бўлган Эрназарнинг беваси дуркунгина, ўктамгина жувон экан. Мана, энди шу Гулимхонни, Бўстоннинг хотинини олинг. Қанча ғамларни бошидан кечирмади, ле-

кин ҳозир ўйнаб-кулиб бахтиёр бўлиб юрибди. Ёши ҳам хойнаҳой ҳали қиркка етмагандир. Унинг Эрназардан қолган икки кизи интернатда ўқишади. Бунинг устига омади чопса шунақа бўлади-да, яқинда Бўстонга ўғил туғиб берди. Олдинги хотинидан Бўстонга икки қиз қолишган эди, улар катта бўлишиб, турмушга чиқишиб, ўзларидан тинчиб кетишди. Гулимхоннинг ўзи ҳам очик чеҳраликкина аёл экан, акли-хуши ҳам ўзига етарлича, фаҳми-фаросати ҳам жойида, Бўстон ва Бозорбой икковлари бир-бириларига тоқат қилолмасликларини аниқ билади, лекин заррача сир бой бермай, уни очик юз билан қарши олди, ачинган, тасалли берган бўлди. Келинг, келинг, қўшнимизнинг қўшниси, тўрга ўтинг, ана гилам, ўтиринг, вой, намунча бўрилар сизни қувламаса, вой, омон-эсон қутулибсиз-ей бир балодан, ота-боболаримизнинг арвоҳлари қўллабди сизни, кулфатингиз аригани рост бўлсин. Лекин ўзлари уйда йўқ эдилар. Районга мажлисга кетган эдилар, тезда келиб қолишлари керак. Директорнинг «Газиги»да ташлаб кетишмоқчи эди, ўтиринг, ўтиринг, ўтиринг, ҳозир чой дамлаб келаман, бирпас шошмай турсангиз, иссик овқат ҳам тайёр бўлади.

Кўргилик экан, ҳамон мундоқ меҳмоннавозликлар борлигини билди, Бозорбой ҳар қалай уй бекасини бир синаб кўрай-чи, чақирилмаган кўноққа меҳрибончиликлари ростмикан, деди. Бунинг устига қочақча бўларича бўлган, сал ўзимга келволай деб, ичкиси кистаб, арок сўрагани жазм қилди. У бетини сидириб ташлади:

— Чойни хотинлар ичади,— деди у дабдурустдан.— Гапимдан хафа бўлма. Лекин Бўстондай давлатманд одамнинг уйдан ўткирроқ бир нарса топилмайдими? Доврук солиб юрган одам-ку, Бўстон!

Бозорбойнинг ўзи асли шундай итфёъл эди. Мабодо, ичкилик олиб келмаганларида ҳам, у Бўстоннинг хотини туси қочганлигини кўриб, ич-ичидан мамнун бўлди. Бозорбойнинг бетгачопарлиги Гулимхонга ёкмади. Нима, оҳанжама килиб ўтирадим, хон бўлмаса, бек бўлмаса, бор-йўғи жўнгина бир чўпон — кўйбоқар бўлса?

— Вой, гапингизни қаранг,— деди Гулимхон сал ранги ўчиб.— Бўстонингизни ҳеч шу қуриб кетқурга ҳуши йўқ, шунинг учун...

— Биладан, биладан, Бўстонинг ичмайди!— унинг гапини писанд қилмай бўлди Бозорбой.— Бир айтдим-қўйдим-да. Чойингга раҳмат. Ўйловдимки, ўзи ичмайдию, лекин меҳмонларга...

— Вой у нима деганингиз,— қисинди Гулимхон ва Бозорбойнинг ёнида ўтирган Рисқулга қаради. Рисқулнинг тиззалари бўри болалари солинган ўша қурмағур хуржунга тегиб турарди.

Рисқул арокка чикмоқчи бўлиб, ўрнидан кўзгалган эди, шу пайт эшикда Бўстоннинг иккинчи ёрдамчиси пединститутни чала ташлаб кетган, оёқ-қўли чаққон ва чаптаст йигитча Марат кўринди. Унинг об-ластада кўрмаган жойи, қилмаган иши йўқ, мана энди эси кириб, Бўстоннинг олдида маҳкам ўрнашиб қўя қолган эди.

— Менга қара, Марат,— деди унга Рисқул.— Беркитиб қўйган яримтанг бор эди шекилли. Биладан сени. Кўркма, агар Бўстон сўраса,

мен жавобини бераман. Обке, тезроқ ўша яримтангни. Бозорбойнинг ўлжасини ювамиз.

— Ювамизми? Мен бирпасда!— мамнун бўлиб хахолади Марат.

Ярим стакандан кейин Бозорбойнинг хафагарчилиги ёзилди. Қўрқув кетиб, яна ўша-ўша қашанг ва бетамиз Бозорбой бўлди-қолди. Худди ўз уйидай гиламга ёнбошлаб, бошидан кечирганларини ҳикоя қилди, бўри болаларини хуржундан чиқариб кўрсатди. Шунда ўзи ҳам уларни яхшилаб кўриб олди. Олдин бўричалар кимирлагилари келмай турди, ҳеч нарсага қарашмади, худди ҳимоя истагандай қайгадир яширинмоқчи бўлишарди, кейин иссиқ таъсир қилди шекилли, жонланиб, ғимирлаб қолишди, уй ичида ҳар ёққа думалаб, ингиллаб, тумшукчаларини ўтирганларнинг тиззаларига уришди. Улар ҳеч нарсани кўрмаган, билмаган кўзчаларини мўлтиллаштишиб, оналарини, унинг эмчакларини кидиришарди. Уй бекаси юраги ачиб, бошини сарак-сарак қилди:

— Вой, шўрликкиналар-ей, очқаб кетишибди-ку! Бўри боласи бўлса-да, барибир бола-да. Нима, буларни очдан ўлдирмоқчимисиз? Нима қиласиз?

— Нега энди ўларкан?— хафа бўлди Бозорбой.— Буларнинг жони тошдан ҳам каттик. Икки кун боқиб тураману кейин районга топшираман. Хайвонот базасида билишади уларни қандай боқишни. Хўжайинларнинг кўлидан ҳар нарса келади — хоҳласа, бўрини ҳам қўлга ўргатиб, циркда ўйнатади, чипта сотиб, пул йиғади. Балки буларни ҳам циркка олишар.

Бекач билан бирга ачинишиб турган одамлар бу гапга илжайиб қўйишди. Лекин бўри болаларини томоша қилгани келган хотинлар бир-бирларига пичирлаша бошлашди.

— Бозорбой,— деди Гулимхон,— бу ерда сут бериб боқиладиган кўзилар бор. Кўзиларнинг сутидан бўричаларга ичирсак, бўлмасмикин?

— Бўлади!— кулиб юборди Бозорбой.— Қўйлар бўриларни боқсин. Қойил! Қани, олиб келинлар!

Уларнинг ҳар бири кейин мана шу соатни эслаб, кўриб ёқасини ушлайди. Йиртқич болаларини қўй сути билан боқишаётгани ҳам, бўричаларнинг эркаланиб, алпонг-талпонг қадам ташлашлари ҳам, улардан бирининг кўзи кўк эканлиги ҳам йиғилганларга кизик эрмак бўлиб туюларди. Ахир, киз бўрининг кўзи кўк бўлади деб, ким эшитган? Бунақасини фақат чўпчаклардагина учратиш мумкин. Бўстоннинг кичкинтойи Кенжашнинг хурсанд бўлганини айтмайсизми? Бирдан тўртта ширин думалашиб юрган бўричаларни кўриб кичкинтойнинг кўзлари ўйнаб кетди. Бир ярим яшар Кенжаш фақат ўзи тушунадиган тилда алланарсалар деб чулдирад, бўривойлар билан ачомлашиб ўйнашар, буни кўриб, катталарнинг завқи келарди. Тўртала бўрича ҳам худди бу ердаги энг яқин ва ишончли кимсаларидай негадир тинмай унга суйкалишарди. Катталар: қаранг, бола болани биледи-да, деб бир-бирларига сўз қотишар, Гулимхон, ўғлингиз асти нималар деяпти, деб сўрашарди. Гулимхон эса очилиб-сочилиб, ўғилчасини бағрига босар, эркаларди:

— Вой, кучук, кучугим, вой сени кара! Кўрдингми бўричаларни. Кара, қандай юмшоқ, чиройли. Сен улар билан ўртоқ бўласанми, а? Шунда Бозорбой бир сўз деди. Унинг бу сўзларини кейин эслаб юришди:

— Уйдаги битта бўри бешта бўлди. Бўри бўлишни хоҳлайсанми? Вой Бўстоннинг тўрва қоктиси-ей, сени булар билан бўри инига обориб кўяйми, бирга катта бўласан...

Хаммалари ҳазил-ҳазил қилиб кулишар, чой ичишарди. Бозорбой билан Марат яримтани тугатишган, юзлари кип-қизариб, бўғриқиб кетган, ковурилган гўшт-ёғ ейишар, ичган сайин ўзлари ҳам, тиллари ҳам ешилиб борарди. Ховли жим-жит бўлиб қолди — итлар вовуллашдан тўхташди, жунлари қалин каттакон Жайсон деган малла ит эса бирдан ярим очик қолган эшик остонасида пайдо бўлди. У эшик олдида туриб думини ликиллатар, ичкарига киришга юраги бетламасди. Унга бир бурда нон ташлашди, ит нонни ҳавода илиб олди, тишлари шақиллаб кетди. Шунда кайфи чоғ Марат ҳаммани кулдириш учун бўричалардан бирини ушлаб кўтарди-да уни итга рўпара қилди.

— Қани, Жайсон, ол, ол буни! Ол дейман!— у қалтираб турган мурғак бўричани ит олдига ташлади.

Хаммани ҳайрон қилиб, Жайсон жахли чиқиб ириллади, думини қисди, бўйнини ичига тортиб тирақайлаб қочиб кетди. Кейин ҳовлига, деразининг тагига етгач, ночор ва қулинч вовуллади. Хаммалари хаҳолаб кулиб юборишди. Айниқса, Бозорбой каттик кулди:

— Кўй, бекорга уринма, Марат! Ит деганинг бўрининг хидигаёк ўтириб кўяди! Нима, Жайсонингни йўлбарс деб юрувдингми? Бунақасини ҳеч ким кўрмаган!

Кичкинтой Кенжаш бўри боласи учун кўрқиб йиғлаб юборди. Ҳамма кулишдан тўхтади. Катталарнинг зил ҳазилларидан бўричани химоя қилмокчи бўлгандай, унинг олдига эмақлаб борди.

Кўп ўтмай Бозорбой хуржунга бўри болаларини солди-да, жўнаб кетди. Бу орада оти ҳам анча дам олган, унга бошқатдан эгар-жабдуқ уришган, у шундан сўнг Бўстон кўрасидан шахдам йўлга тушган эди. Марат ва Рискўл отга миниб, елкаларига милтик осиб Бозорбойнинг икки ёнида кузатиб боришди. Уларнинг икковлари ҳам ичишган, лекин Маратнинг кайфи ошиброк қолган, шунинг учун оғзи гапдан бўшамасди. Чакирилмаган меҳмон Бўстоннинг уйдан хайрлашиб чиқаркан, орада андак кўнгилхиралик ҳам бўлиб ўтди. Ана шуни сипоришлаш учун бу бақувват йигитлар Бозорбойни кузатгани чиққан эдилар.

Бозорбой уйдан чиқмокчи бўлиб, кўлидаги бўричалар солинган хуржунни эгарга ташлаб кўярсан дегандай қилиб Маратга берди. У Бўстоннинг кўрасида иззати жойига қўйилгандан хурсанд эди. Бозорбой деворда каттакон бўри териси ёнида осиглиқ турган милтикни қўлига олди. У милтикни диққат билан кўздан кечирди. Қорамтир пўлати ярақлаб турган, кўп ўқланадиган, йирик ўлжа уришга мўлжалланган

сойли милтик кўзни қувонтирар, у Бозорбойга ростданам ёқди. Деворга осилган бўри терисини Бўстон шу милтиқдан аниқ нишонга уриб қўлга киритган эди. Бунини шу атрофда билмаган одам йўқ.

— Менга қара, Гулимхон,— бамайлихотир деди Бозорбой мастона кўзларини милтиқдан узиб бекага тикиларкан. Бу Гулимхон дегани чеккарок ерда қўлимга тушса борми... Хаёлининг бир четидан ўтди унинг. У хотинларга дуч келган жойда, даладами, йўлдами шартта чангал солишга ўрганиб қолган, ниятига етгач, бундан заррача ачиниб ўтирмас, мана, ҳозир Гулимхонни ўз хотини Кўк Турсун билан қиёслаб кўраркан, Гулимхон эмас, шу жонга теккан, совуқ ошдай бўлиб қолган хотин ўз чекига тушганлигидан фиғони ошди. Мабодо шу тобда хотини кўзига тушса, унга тарсиллатиб шапалок тортиб юборишдан ҳам тоймасди бу бадбахт. Бозорбой ўзини базўр қўлга олиб деди:— Яхши яшар экансизлар. Сен яхши бекасан. Мен нима демоқчи эдим? Биласанми, Гулимхон, бўрилар яна кетимдан тушадими деб, кўрқаяпман. Мен шу милтиқни ола кетсам бўлармикин, эртага бировдан жўнаиб юборардим...

— Худо ҳақи, жойига илиб қўйинг,— қатъий деди Гулимхон.— Бўстон милтиғига ҳеч кимнинг қўлини теккизмайди. Милтиғини биров ушласа, ёмон кўради.

— Нима, битта милтиққа кучинг етмайдами?— тумтайиб иршайди Бозорбой. У қулай пайт топса, бу жувонни қандок кучоқлашини ярк этиб кўз ўнгига келтирди.

— Э, нима деяпсиз? Бўстон келиб, милтиқ жойида йўқлигини кўрса, нима, бу менга... Ўқлари қаердалигини ҳам билмайман. Бўстон уларни яшириб қўяди. Бировга бир донасини бермайди.

Бозорбой ичида Бўстонни бўралаб сўқди. Ўзидан ҳам хафа бўлиб кетди: Бўстоннинг бунчалар қурумсоқлигини у билмасмиди, мана, хотини ҳам эридан бир тук қолишмас экан; сал бўлмаса, у жувонга милтиғинг бошингдан қолсин, деб юборай деди. Лекин шу пайт Рискул жонга ора кирди, уни ноқулай аҳволдан қутқарди.

— Бекор ташвиш чекяпсиз, Бозаке. Марат билан сизни отлик кузатиб қўямиз, хоҳласангиз уйингизгача борамиз,— деб ишонтирди у кула-кула.— Вақтимиз эса бор, тун ўзимизники. Бу милтиққа эса сиз, яхшиси, тегманг. Жойига осиб қўйинг. Билмайсизми, уни ўз оти билан Бўстон деб қўйибдилар. Жуда тартибли одам!

Улар энди чикмоқчи бўлиб турганларида Рискул яна бирпас ушланиб қолди. У Бўстоннинг ўғилчасини алдаб юпатишга тушди. Болакай амаки бўричаларни хуржунга солганини кўриб, ариллаб йиғлаб берди. Қаёққа олиб кетяпти деб. Кичкинтой ўзини ерга урар, онасининг бағридан юлқиниб чикмоқчи бўлар, бўричаларни қайтариб беришни талаб қиларди...

Кўрадан чикқанларидан кейин ўқишни чала ташлаб кетган Марат ҳамроҳларини зериктириб қўймаслик учун ўзига қизиқ бўлиб кўринган бир хангомани бошлаб юборди.

— Яқинда районимизда бир антика воқеа рўй берди. Кулавериб ичкаларинг узилиб кетади! Эшитмовдингизми, Бозаке?

— Эшитганим йўқ,— деди Бозорбой.

— Э, тоза ғовға бўлиб кетди. Чин сўзим!

— Қани, қани, эштайлик студентдан,— деди унинг китик патига тегиб Рисқул отини йўрттириб бораркан.

— Областимизнинг раҳбарларидан бири район газетамизнинг редакторига қўнғироқ қилибди. Нима учун сизларнинг «Социализм тонги» газетангизда капиталистик Американи тарғиб этишяпти?— Редактор билан бир пайт бирга ўқиганман, жуда ҳам қўрқок ва лаганбардор одам, раҳбарнинг сўзларидан тили калмага келмай қолибди. «Б-биз А-Американи ё-ёзга-анимиз йў-ўқ! К-кечири-инг, қ-қана-ақа та-арғибот?» Раҳбар айтармиш: «Ҳали ёзмаганларинг шуми? Манови нима, оқ қозга қоп-қора қилиб ёзгансизлар?— «Бўстонга эргашайлик?»

— «Э, бу илғор чўпонимиз Бўстон Ўрқунчиев ҳақида ёзилган».— «Мен ҳам биламан у ҳақда ёзилганини. Аммо кўплар фақат сарлавҳанинг ўзини ўқишади». Ҳа-ҳа-ҳа! Ана, кўрдингизми? Зўрми? «Хўп, унда нима қилайлик?»— деб сўрабди редактор. Раҳбар айтармиш: «Илғорга тайинланг, номини ўзгартирсин».

— Тўхта!— деди Бозорбой,— нима Америкада ҳам Бўстон борми?

— Э, йўқ,— деди кулиб Марат.— Бўстон — Американинг катта шаҳарларидан бири, Нью-Йоркдан қолишмайди. Бизда эса Бўстон — бўз тўн дегани, яъни кулранг чопон. Тушундингми?

— Туф-эй, ана, қурғурни қара, рост, рост!— деб тасдиқлади Бозорбой, бу гапларнинг бари икки пулга қимматлиги, Бўстоннинг обрўйига заррача ҳам путур етказолмаслигидан ачиниш.— Худди ўзи. Бўстон деб чопонни айтаман...

Кечанинг серюлдуз фалаги — сарбаланд тоғлар қоронғуликда қудратли яғрини элас-элас кўзга чалиниб турган кўл узра ёйилди. Уч отлик ҳазил-хузул қилишиб Таманга кетиб боришар, шу кеча бир қанча одамларнинг тақдир калавалари ечиб бўлмайдиган даражада оғир чувалашиб кетганлигини хаёлларига ҳам келтирмас эдилар... Мана, уларнинг гап-сўзлари, от такаларининг тошларга урилган овозлари борган сари секинлаб, сўнг бутунлай эшитилмай қолди... Бўстон движогининг пат-пати ҳам орқада сўнди, унинг чироклари тоғларга чўккан қоронғулик ичидан чўпонларнинг бир неча қўраларию ҳовлиларига оқ шуълалар таратарди.

Қаердадир узок кетмай қашқирлар изғишарди...

II

Гулимхон кичкинтойни алдаб-сулдаб, эркалаб бир амаллаб ухлагани ётқизди, ўзи ётмай — эрини кутди. Эри ҳали-замон келиши керак эди. Ташқарида итлар бирдан баравар вовуллай бошлади. Гулимхон

елкасига иссиқ рўмолини ташлаб, деразага юзини босди. Директорнинг «Газиги» чироклари билан коронғуликни ёриб, кўзилайдиган кўйлар сақланаётган катта кўтон олдидан қайрилди. Бўстоннинг машинадан тушгани, хайрлашиб, кабина эшигини ёпгани ва машина орқасига кескин бурилиб кетганини Гулимхон кўриб турди. Эри дарров уйга кириб келмаслигини Гулимхон биларди. Бунақа пайтларда у аввал кўтонлар ва саройларни айланади, ғарамхонага қарайди, коровул Кудурматдан куни бўйи бўлган иш-хушларни сўрайди, кўйлар ётиб қолмадими, чала ташлаб қўймадими, кўзилаганлари борми, йўкми, ҳаммасини билмагунча тинчимайди.

Куни билан кўчадан ҳориб-чарчаб келган эрини қайноққина об-ош билан кутиб олиш учун Гулимхон ўчоқ тагига олдиндан ҳозирлаб қўйилган ўтинларни ташлади. Гулимхон иссиқ чой бўлмаса эрига ҳеч нарса татимаслигини билади. У қачон келаркин деб, остонага қулоқ сола бошлади. Кичкинтой Кенжаш отасининг совукдан муздай бўлиб қолган мўйловлари юзига теккач, иссиққина тўшагида маза қилиб думалаб, лабларини чапиллатиб қўйишини тасаввурига келтирди-да, Гулимхон жилмайиб қўйди. Одатда кичкинтойни Бўстоннинг ўзи ўринга ётқизарди. Бундан олдин у билан анчагача ўралашар, ва ҳатто ҳушига келса, эшик, деразаларни маҳкам беркитиб, уйни иситиб, ўзи кичкинани тосга солиб чўмилтирарди. Қўшнилари Бўстон ёши қайтиб, болага ҳаддан зиёд меҳр қўяпти, илгари у бундай эмасди, дейишарди. Илгари у болаларидан ҳам кўра ишни кўпроқ яхши кўрарди. Мана, энди олдинги болалари вояга етишиб, ўзлари болалик бўлиб қолишди. Ўз кунларини ўзлари қўришади. Улар Бўстонни кўргани келиб туришади. Лекин боланинг тўрва қоктиси ҳаммадан ҳам лазизроқ бўлар экан. Бирок Бўстоннинг Кенжашга бунчалар қаттиқ меҳр қўйганлигининг бошқа бир аччиқ сабаби ҳам йўқ эмас. Буни бир Гулимхон билмаса, тушунмаса, ким билади, тушунади. Ахир улар бир кунмас-бир кун эрхотин бўламиз, фарзанд кўрамиз деб, ҳеч хаёлларига келтиришибдими: ахир, унинг эри Эрناзар довонда нобуд бўлмасайди, ва шундан сўнг кўп вақт ўтмай Бўстоннинг биринчи хотини Орзигул қазо қилмасайди, бу ишлар қаёққа эди. Улар ўтган ишга салават деб қўйишган, лекин ёлғиз қолган чоғларида ҳар бирлари ўз хаёлларига ғарқ бўладилар, кечган кунларини ўйлайдилар... Кичкинтой — уларни бир-бирларига мустаҳкамроқ боғлаб туради. Ахир, у не-не машаққатларнинг ширин меваси. Ахир довонга йўлни Бўстон бошлаган эди, ўшанда ёрдамчиси Эрназар унинг кўз ўнгига ҳалок бўлди, кўз илғамас чуқур музлик қаърида қолиб кетди... Фақат шу кичкинтойгина Бўстон юрагидаги ўпқонни тўлдириб турар, ярасига малҳам эди. Бинобарин, қадимдан қолган гап бор — фақат туғилишгина ўлимнинг ўрнини тўлдиради.

Мана, ниҳоят қадам товушлари эшитилди, Гулимхон эрининг қошига югуриб чиқди, этигини ечишга қарашди, сув, совун, сочик келтирди. Эрининг қўлига индамай сув қуйди, улар одатда, кейин — чой

устида бафуржа ўтириб гаплашишади. Ўшанда эри: «Мана, энди қулок сол, дунёда нималар бўлмайди-я»,— дейди-да, кўрган-билганларини ҳаммасини бир бошдан окизмай-томизмай ҳикоя қилиб беради. Улар икковлари мана шундай ёлғиз қолган пайтларида ўзларини жуда яхши сезишади. Бу бир-бирларига жуда яқин бўлиб кетган одамларнинг ўзаро гапи,— у худди таниш соҳилга ўхшайди, қаери паст, қаери чуқур-олдидан маълум. Эсида, Орзигул қазо қилганига бир йилдан ошган, барча таъзия маросимлари ўтган эди. Улар алоҳа турмуш қурадиган бўлишди. Ўшанда Бўстон унинг қўл бўйида жойлашган қишлоқ чеккасидаги уйига тоғдан тушиб келди. Ўшанда улар Бўстоннинг отини отхонада қолдириб, одамлар кўз ўнгида ўзларини биргаликда ғоятда ўнғайсиз ҳис қилиб, автобусга ўтириб, район ЗАГСига боришди, зарур қоғозларга тезгина қўл қўйиб, тезгина чиқиб кетишди, кейин яна автобусга ўтиргилари, кўчаларда таниш одамларни учратгилари келмай қўлга қараб юришди, сўнг соҳил бўйидан унинг бева бошпанасига ўтишди. Кузнинг қуруқ қунлари. Қилт этган шабада йўқ. Иссиққўлнинг тиник мовий юзаси ҳар қачонгидай ғоятда сокин ва шаффоф эди. Ўшанда Бўстон тилоғоч бутазори ўсган соҳилга тушган сўкмоқнинг бошида қирғоққа боғлаб қўйилган икки қайикни кўриб тўхтади. Қайиклар оҳиста чайқалишар, сувнинг қумлоқ таги яққол кўриниб турарди.

«Қара, атроф сув, тоғлар, ер — мана шунинг ҳаммаси ҳаёт. Манов икки қайиқ эса тоб сен билан менга ўхшайди. Тўлқин бизни қаёққа бошлаб кетади — ҳали кўрамиз. Бошимизга нималар тушди, нималар кетарди — то тирик эканмиз, доим хотирамизда туради, биздан қочиб қиймайди. Ке, доим бошимиз қовушиб, бирга бўлайлик. Мени чол десанг ҳам бўлади. Қиш кирса, қирқ тўққизга тўламан. Сенинг болаларинг эса ёш, уларни ўқитиш, одам қилиш керак... Юр, буд-шудни йиғиштирайлик. Балиқчининг қизисан. Сени тоғларга олиб кетаман... Мен бир ўзим яшолмайман, тоқатим қолмади...»

Гулимхон негалигини ўзи ҳам билмаган ҳолда йиғлаб юборди. Бўстон уни узоқ юпатиб турди... Кейин ўзлари ёлғиз қолган чоғларида турмуш ҳақида гаплашишар экан, Гулимхон тез-тез соҳилдаги ўша икки қайикни эсларди. Шунинг учун ҳам, энг яқин одамнинг билан қиладиган суҳбатинг худди таниш соҳилга ўхшайди, деб ўйларди у. Бироқ бу сафар эри назарида одатдагидан сал ташвишлироқ кўринди. Бўстон дахлиздаги лип-лип қилиб турган чироқнинг ёруғида йирик дағал қўлларини сочиққа атай эринмай артарди. У хотинига қараганда бўйи анча баланд, бир оз қисилган кўкимтир кўзлари норизо боқар, шамоллар ялайверишди пишиган чўнг ва қуйма даҳани қурч каби қорайган эди. Тинчликмикин ишқилиб? Қўлларини артиб бўлгач, Бўстон Кенжаш тепасига борди. Ўз қўли билан ясаган ёғоч қаравот олдида чўк тушиб ўтирди, ўғлини эркалаб дағал лабларини унинг юзига босди, қичкинтой отасини сезиб, ўрнидан ширин қимирлаб қўйди, буни кўрган Бўстон беихтиёр жилмайди.

— Мен йўғимда бу ерга Бозорбой келган эмиш,— деб сўз котди у овкатга ўтираркан.— Хосияти йўқ бу ишнинг...

Гулимхон бу сўзларни ўзича тушуниб, кизариб кетди, жаҳлини босиб хафа бўлиб деди:

— Мен нима қилай ахир? Ўзлари уйга бостириб келиб қолишди. Бўри болаларини тутишган экан, кўрсатамиз дейишди. Кенжаш ёпишиб олса бўладими — ёш болага ўйин-да... Чой кўйдим кейин олдиларига.

— Буни айтаётганим йўқ. Майли-ку-я, ўзи келар ёр-ёр, ўзи кетар ёр-ёр. Хосиятсиз одам дейман-да...

— Нима кипти шунга?— унинг нима демоқчилигини англолмай деди Гулимхон.— Ўзингиз ҳам бўриларни отгансиз-ку. Ана, териси бултурдан бери осилиб ётибди, хўпам яхши ошлашган экан терисини,— у девордаги бўри терисига ишора килди.

— Туришга-ку турибди-я,— жавоб берди Бўстон хотинига бўш пиләлани узатаркан. Гапинг рост, мен ҳам бир пайт бўри отганман. Нима қилайлик, дунё шундай қурилган экан, бир ёқда одам бор экан, бир ёқда бўри. Лекин мен ҳеч қачон бўри уясини тўзғитмаганман. Шумқадам Бозорбой деганинг бўлтириқларни ўғирлаб олибди, катта бўрилар эса омон қолибди, энди улар тоза қутуришади. Ҳаммадан бизга ёмон бўлади. Бўрилар шу атрофда ин қуришган, аламини биздан олмасалар гўрғайди...

Гулимхон унинг сўзларидан донг қотиб қолди. У ҳамма хотинларга ўхшаб оҳ-воҳ килди, хўрсинди, елкасига оғиб тўкилган соч ўримларини тузатди.

— Вой, шўрим! У шумқадамнинг ўзи нима қилиб бизнинг томонларда адашиб юрибди экан? Бўрининг инига тегиб нима бор? Одам ачинади. Ҳайвон бўлса ҳам, боласи ўзига ширин. Ҳамма биледи буни. Ўшанда бу ақлимга келмаганини қаранг.

— Мен бошқа нарсани ўйлаяпман,— деди ташвишланиб Бўстон.— Қандай бўри экан бўлар? Ановлар эмасми?— Бўстон жим қолди. Сўнг кўшиб кўйди:— Қудурматнинг гапига қараганда, бўрилар Бозорбойни Бошат дараси томондан қувиб келишганмиш.

— Нима қилди?

— Анови келгинди бўрилар — Тошчайнар билан Акбара бўлмасин дейман-да ишқилиб. Шундай бир жуфт бўри бор.

— Вой, кўйинг, ҳазилингиз курсин! — кикирлаб кулиб юборди Гулимхон.— Ҳеч замонда бўриларнинг ҳам одамлардай оти бўладими? Ҳазиллашасиз!

— Ҳазилинг нимаси! Ҳазил гап эмас. Бу бўриларни биз биламиз. Ўзимизнинг бўриларга ўхшамайди. Кўрган одамлар бор. Жуда қаҳри каттиқ бу бўриларнинг. Иккови ҳам кучли. Қопқонга тушмайди. Отаман десанг, кўзга кўринмайди. Қурмагур ароқхўр Бозорбой келиб-келиб уларнинг инларига дуч келиб қолганини қара. Бутун наслини қуритибди. Тағин сен уларнинг ўз отлари борли-

гига хайрон бўлиб ўтирибсан! Эркаги Тошчайнар шунақанги кучлики, ҳатто отни ағдаради. Онабоши Акбара эса ҳаддан ташқари ақлли, мен бунақа ақлли даррандани кўрмаганман! Шунинг учун жуда хатарли.

— Бўлди қилинг, отаси, юрагимни чиқарманг! Нима, мени бола фаҳмлаяпсизми? — ишонмай илжайди Гулимхон.— Худди боладикдан улар билан бирга ўсгандай гапирасиз...Ҳеч одамнинг ишонгиси келмайди...

Бўстон хайр майли, дегандай кўнгилчан қулиб қўйди, лекин ўйла-ниб қолди, хотинини тинчлантирмаса бўлмаслигини билди.

— Бўлар иш бўлибди.— деди у бир оз жим ўтиргач,— хаёлингдан чиқариб ташла. Бир димоғингни чоғ қилай дедим-да. Қани, тўшакни сол. Кеч бўлиб кетди. Эрталаб барвақтроқ туриш керак. Эрта-индин ялписига кўзилаш бошланади. Баъзи қўйлар кечаси ё эртага эрталаб туғиб қўйиши мумкин. Айниқса, иккита, учталаб кўзилайдиганлари!

Чирокни ўчириб ўринга кирганларидан сўнг одатда дарров ухлаб қоладиган Бўстон районда бўлган мажлис, унда мана шу билан нечанчи марта нега ҳозирги ёшлар чорвачиликка қизикмаётганлиги, нималар ва қандай қилиш кераклиги ҳақида икки оғизгина сўйлаб берди. Шунда ташқарида от туёқларининг товуши эшитилди. Гулимхон ўрнидан дик этиб турди, ички кўйлақда елкасига шол рўмолини ташлаб дарча олдига келди. Катта кўтон олдида милтик осган икки отлик отдан тушаётганларини кўрди.

— Рискўл билан Марат қайтиб келишди,— деди у.— Бозорбойни кузатиб қўйгани кетишган эди.

— Вой, тентақлар-эй! — деб гўлдиради Бўстон ва шу заҳоти ухлаб қолди.

Гулимхон анчагача ухлолмай ётди. Каравотда ётган ўғилчасининг устини тўғрилади. Боласи тушмагур, доим устидаги кўрпаларини тепиб ташлайди, корни очилиб қолади. Бола эмас, бало, ҳеч ухлагани бермайди, айниқса, кўзини уйку тортиб кетаётган маҳалда. Ҳозир Гулимхоннинг уйқуси қочди. Хўп серғалва, бевош кун бўлди-да бугун. Ҳаммасига Бозорбой сабабчи. Осмондан тушгандай келиб қолганини қаранг. Кўзим учиб турувди сенга. Айниқса, Бўстон жини суймайди. Бўстон ўзи шунақа, шовқин-суронни, шошқалоқликни, Бозорбойга ўхшаган тамизи йўқларни гарчи шахсан ҳеч қандай ёмонлик қилмаган бўлса ҳам, ёқтирмайди. Бозорбойнинг эса Бўстонга бахиллиги келади, иши юришган, ошиғи олчи дейишади... Лекин иш юришсан деб, қанча тер тўкиш, ақл ишлатиш керак, Бозорбой буни билмайди. Эртага тонг қоронғусидан ишга шўнғиб кетади, то кеч говгумгача қўли бўшамайди, ҳаммасига ўзи қарайди, ўзи режа олади, пухталаб кўз солади...

Гулимхон дераза олдига келиб, сутдай оқариб ётган тун бағрига тикилди. Ой тизим-тизим тоғ ўрқачлари узра порларди, дур-

дона юлдузлар бодраб чиққанди. Эрталабга караб ой ботади, юлдузлар сўнади, аммо шу кеч алламаҳалда туннинг чеки йўқдай, ҳеч қачон тонг оқармайдигандай кўринарди. Тоғ этаклари сукунатида чекдаги пат-патнинг овозигина ҳоким эди.

Гулимхон узоқ ухладими, айтиш қийин, балки кўзи уйқуга энди-гина илингандир, лекин шунда уйку аралаш қулоғига итларнинг ақиллашгани ва қандайдир увлаган овоз чалинди. Гулимхон уйкудан базўр кўзини очди, энди бўрининг чўзиб-чўзиб, нола қилиб улиганини аниқ эшитди. Ув солган овоз кўкка ўрлар ва юракка оғир ваҳима соларди. Гулимхонни титроқ босди, у эрига яқинроқ сурилиб ётди, унинг бағрига тикилди. Сал ўтмай бўри улиши аччиқ, аламли йиғига айланди. Азоб-уқубатда қолган махлуқ ғамини ҳеч қайсига сиғдирилмай фарёд кўтарарди.

— Акбара-ку! — уйку аралаш хириллаган овоз билан деди Бўстон ёстикдан шахд бошини кўтариб.

— Қанақа Акбара? — сўради Гулимхон гап нима ҳақида бораётганлигини англамай.

— Она бўри! — деди Бўстон бўри овозига қулоқ тутиб, сўнг кўшиб кўйди: — Тошчайнар ҳам кўшилишиб увлаяпти. Эшитяпсанми, қассобхонадаги буқадай бўқиряпти.

Улар нафасларини ичларига ютиб қотиб қолдилар.

— Ув-ув-ув-в-ва-ув-В-ва-а-а-у! — андуҳ тўла фарёд тараларди чексиз тун кўйнида.

— Нима, нимага увлаяпти? — кўрқиб пичирлади Гулимхон.

— Нима бўларди? Алаmidан йиғлаяпти!

Улар индамай қолдилар.

— Вой қисталок! — жаҳли чиқиб сўкинди Бўстон. — Сен ёта тур, болага қара, уйғониб кетмасин. Э, кўрқма, нимадан кўркасан, нодон! Бўри хўп увлаяпти яқин ўртада, боласини соғиниб довлаяпти, хўп, нима қилиш керак? Мен кўтонлардан хабар олай-чи, нима гап экан?

У шундан сўнг апил-тапил кийинди, даҳлизга ўтиб этигини оёғига тортди, сўнг хонага қайтиб кириб, чирокни ўчирди-да, эшикни маҳкам ёпиб ташқарига чиқди. Гулимхон унинг дераза ёнидан ўтгани, алланималар деб, сўкингани, «Жайсон! Жайсон! Маҳ!» — деб итни чақиргани ва қадамлари аста узоқлашиб кетганини тинглаб ётди. Шунда яна она бўрининг чўзиб ув тортгани, эркагининг дўриллаб унга жўр бўлгани эшитилди. Улар тортаётган уввос сасида қаҳру-ғазаб кўпириб тошар, дўк йиғи билан алмашар, кейин яна телба васваса шиддатли хуружга минар, сўнг умидсиз ёлвормоққа ўтарди...

Одамнинг юрагини эзиб, буйдалаб юбормоқдайди бўриларнинг уввоси. Гулимхон қулоғини чиппа беркитди, сўнг бориб, худди кашкирлар уйга бостириб кирадигандай эшикнинг иллагини солди, қалтираб, шол рўмолига ўраниб, нима қилишини билмай гарангсиб

ўрин тепасига келди. Ишкилиб, бола уйғониб, қўрқиб кетмасин-да, дебди у. Ичи шундай алағ-чалағ эди.

Бўрилар эса ҳамон уё тортишар, улар худди шу яқин орада айланишиб, у ердан бу ерга ўтишиб, дайдишаётгандек эди. Итлар уларга жавобан қутуриб вовуллашар, лекин ҳовлилардан ташқари чиқишга ботинмасдилар. Шунда бирдан варанглаб милтик овози келди, яна бир отилди. Бўстон билан қоровул Қудурмат бўриларни кўркитиш учун ўк чиқарганларини Гулимхон тушунди.

Сўнг ҳаммаёқ жим бўлиб қолди. Итлар акиллаши босилди. Бўриларнинг ҳам уни ўчди. «Худога шукр, кетишди, одамнинг ўтакасини ёриб юборай дейишди-ей!»— ўйлади Гулимхон энгил тин олиб. Лекин барибир дили хавотирда эди. У ухлаётган Кенжашни қаравотдан ўзларининг тўшакларига олиб ўтиб, ўртага ётқизди. Бу орада Бўстон қайтиб келди.

— Уйқуни ҳам ҳаром қилди, қисталоқлар,— деб норози тўнғиллади у афтидан бўрилар ва итларни назарда тутиб.— Ҳайвон, қипқизил ҳайвон экан, бу Бозорбой! — дерди у куфр бўлиб, қайта ўринга чўзиларкан.

Гулимхон эридан сўраб-суриштириб ўтирмади. Шусиз ҳам уйқу си чала бўлди. Эрталаб азонлаб яна қўтонларни айланиши керак. У мириқиб уйқуни уриб ётадиган чўпонлардан эмас.

Эрининг кўнгли ниҳоят жойига тушганлиги, ўғилчасини бағрига босиб, ширин сўзлар айтиб, эркалаганларини кўриб, Гулимхон ниҳоят энгил тортиди. Бўстон ўзи кенжасини қаттиқ суяр, шунинг учун ҳам унга Кенжабек — наслнинг кенжа беги деб ном қўйганди. Чўпонлар ҳамма вақт бек бўлишликни орзу қилганлар, лекин тақдирнинг кулгисини кўрингни, ҳамма вақт чўпонлар — чўпон бўлиб қолаверганлар. Бўстон ҳам бундан мустасно эмасди.

Улар ўғилчани ўрталарига олиб ётганча ухлаб қолдилар. Лекин ҳаял ўтмай яна мунглик бўри улисидан чўчиб уйғондилар. Итлар яна безовта вовуллаша бошладилар.

— Вой, яна нима бўлди? Қуриб кетсин шу турмуш! — уйқу азобидан норози бўлиб деди Гулимхон ва шу заҳоти айтган сўзи учун афсусланди. Бўстон индамай ўрнидан туриб, қоронғуда тимирскиланиб кийимини устига ила бошлади.— Кетманг,— илтижо қилди хотини.— Увласа увлайверсин...Мен кўрқаман, Керакмас, кетманг!

Бўстон қўна қолди. Шундай қилиб, улар қоп-қоронғу тунда, зимистон қопланган тоғларда, қоронғу уйда бўриларнинг нолакор улиганига кулоқ тутиб ётардилар. Тун ярмидан оғган, ҳализамотда тонг оқаради, бўрилар эса ҳамон қайғули, аламангиз ув тортганлари тортган эди.

— Одамнинг жонини суғуриб олай дейди-я. Уларга нима керак экан ўзи? — ўзини тутолмай деди Гулимхон.

— Нима керак бўларди? Болам қани, деб сўрапгяпти-да, жавоб берди Бўстон.

— Болалари бу ерда эмас-ку, ахир. Олиб кетдилар-ку аллақачон.

— Улар не билсин буни? — деди Бўстон.— Булар — худонинг махлуки. Фақат битта нарсани билишади: излар уларни шу ергача олиб келган. Шу ерда улар учун ҳамма нарса тамом бўлган — дунё охир бўлган. Қани, бориб уларга шуни тушунтириб кўр-чи. Аттанг, ўшанда уйда ўзим бўлмабман-да! Бозорбой аблахнинг шу иши учун бўйнини қайириб ташлардим. Ўлжани олган у — ўлпонини биз тўлаймиз...

Худди унинг сўзларини тасдиқлагандай кўтонлар ва қўй кўралари узра бўриларнинг дам мунгли ва оғир, дам дарғазаб ва қахрли уввослари таралар — аламидан ўзларини кўярга жой топмаган бўрилар атрофда тинмай изғиганлари изғиган эди.

Айниқса, Акбара ўртаниб ёнарди. У худди мозорга борган хотиндек нола чекарди. Шуни Гулимхон Эрназар доводна нобуд бўлганда, бошини деворга уриб йиғлаганларини эслади. Шу тобда аламидан дод деб юборай деди. Бўстонни уйғотиб унга ҳамма-хаммасини бир чеккадан сўйлаб беришига оз қолди, бундан ўзини базўр тўхтатди.

Улар шу тарика миужжа қокмай ётишар, ёлғиз маъсум гўдак Кенжашгина мириқиб ухларди. Она бўрининг болаларидан айрилиб тинмай ув тортаётганини тингларкан, она Гулимхон гарчи ҳеч қандай хавфу хатар бўлмаса ҳам, ўз фарзандидан ташвишланарди.

Тоғларнинг боши окарди. Қоронғулик кўк тоқларида эриб бормоқда. Тунги посбонлигини ўтаган юлдузлар бирин-бирин ўчмоқда. Олис-якин чўккилар равшан тортди. Ер — ерга ўхшай бошлади.

Мана шу соатда Акбара билан Тошчайнар тоғларга, Бошат дараси томон кетиб борардилар. Уларнинг соялари дам адир-тепаликларга тушар, дам қоронғулик ичра йўқоларди. Бўрилар бошларини ҳам қилганча қадам ташлар — болаларидан айрилиш осон бўлмаганидек, тун бўйи олиб чиқиш ҳам осон эмасди. Улар йўл-йўлакай ўлжа кўтос тўши қолган ялангликка ўтишлари ҳам мумкин эди. Одатда улар тўйиб-тўйиб эт ейишдан ўзларини тийиб ўтирмасдилар. Лекин Акбаранинг кўнгли шу тобда эт тусамани ва Тошчайнар ҳам, унга буни эслатишга юраги бетламади.

Куёш чиқай деб қолганди. Акбара инга яқинлашаркан, бирдан худди уни болақайлари кутиб тургандек, югургилаб чопиб кетди. Ушбу ғалати ҳолат — ўз-ўзини алдаш Тошчайнарга ҳам юқди. Энди улар икковлан дара ичидан ҳалака отиб югуриб боришар, бултуруқларни яна тезроқ кўрмоқ умиди юракларини хаприқтирарди.

Яна бари такрор бўлди. Акбара чангалзор оралаб шўнғиди, камарга кирди, ўзини қоя тагидаги инига урди, яна ҳаммаёқни искаб чиқди, совуган ўрнини тимдалади, яна бултуруқлар ғойиб бўлганига ишонди, фарёд чекиб, ўзини индан ташқарига отди, кў-

зига аламидан ҳеч нарса кўринмай, гор оғзида дуч келган ўнғай-сиз Тошчайнарни яна тишлаб-тишлаб олди, яна жилға бўйига бориб, ҳар томонни искай кетди. Бу ерда ҳамма нарса кўзига хунук ва аламшўр бўлиб кўринди. Айниқса, тошга суяб қўйилган шишадан таралаётган ҳидга сира тоқат килолмасди. Аччик, димокни ёрадиган хид Акбаранинг қаҳру-ғазабини ошириб-тошириб юборди. У ваҳшат билан ириллади, ўзини тишлаб ташлади, ерни, тошни тишлаб тирнади. Охири чидолмай фарёд кўтарди, унинг фиғону ошуби кўкдан ошди. Акбаранинг ўхшаши йўк кўккўзларидан олам қонли жала бўлиб ёгилди.

Оламда унга тасалли бергувчи ҳеч ким йўк эди, ҳеч ким унга қўшилиб йиғламасди. Сарбаланд тоғлар совуқ эдилар...

III

Эртасига эрталаб соат ўнларда Бозорбой Нўйғутов район марказига бориш учун отни эгарламоқчи бўлиб туриб, бу ёкка қараб келаётган отликка кўзи тушди. Қизик, Таман кишловида нима иши бор экан? Олди очиқ сариқ поча лўстин, тулки тумоқ кийган отлик кунботар томондан тоғнинг кичик этагидан отни йўрттириб келарди. Эгарда у ўктам ва чапдаст ўтирарди. Бозорбой дарров, отликни ҳам, тикилиброк қараб, саман отни ҳам таниди. Ҳа, чиндан ҳам адашмабди, бу Дўнкўликка миниб олган Бўстон Ўркунчиевнинг ўзгинаси эди. Бўстоннинг қутилмаганда пайдо бўлиши Бозорбойнинг кўнглини хира қилди. Шу дилхираллик билан у эгарни бир чеккага қўйиб, ўзи хуш кўрмайдиган узоқ қўшнисини кута бошлади. Бўстон мени пойлаб турибди деган хаёлга бормасин деб, бир даста сомон билан отни қашлай кетди. Ўзини иш билан овора одамдай кўрсатди. Бозорбойнинг назарида Бўстон уни худди қўлга туширгандай ғалати бир ҳолга тушди. У ҳовлилар, кўралар, кўтонлар, эрталаб ўз иши билан овора чўпонларни ҳаммаси жойидаикин, дегандай кўздан кечирди. Албатта, қишлолда Бўстоннинг хўжалигида тартиб, саранжомлик кўпроқ. Бўстон итдай ишлайди, илғор бўлгач, бошқа иложи ҳам йўк-да (оғзига кучи етмаган ғаламуслар-э, анов ажойиб йиллар бўлсами, Бўстон аллакачон қулоқ сифатида Сибирь қилинарди, деб юришарди), Бозорбой эса, ким бўпти — жўнгина, содагина осиелик чўпон. Тоғу чўлларда ундайларнинг сон-саногии йўк. Улар миллионлаб бош қўй сурувларини суриб юришади, улар ўтган жойлардан ўт-ўлан таги-томиригача қурийди. Ундан кейин ҳар кимники ўзига. Бўстон — ўзига, Бозорбой — ўзига. Бўстон яқинлашиб келаркан, Бозорбойнинг хаёлида фикрлар чарх ура бошлади: «Бу қулоқ каллаи саҳарлаб нимага изғиб юрибди? Таажжуб? — ақли етмай ҳайрон бўларди Бозорбой.—

Нима бўлдийкин? Сабаб?» Бир кўнгли Бўстонни уйга таклиф қилсаммикин, деди, лекин бевош, бесаранжом ҳовлиси ва ҳаммадан ҳам бадбахт, шўртмшук Кўк Турсунни (ахир, уни Гулимхон билан асти тенглаштириб бўлармиди!) кўз ўнгига келтириб, тагин бу фикрдан қайтди.

Таман қишловиға кириб келаркан, Бўстон ҳовли олдида отнинг бошини тортди, атрофга аланглаб қаради ва айвон олдида уй эгасини кўргач, шу ёққа қараб юрди. Улар сиполик билан саломалик қилдилар, Бўстон отдан тушмади, Бозорбой ўз иши билан машғул бўлди. Бу ҳолдан ҳар икковлари ҳам сира хижолатга тушганлари йўқ.

— Уйда экансан, яхши бўлди,— деди Бўстон кафти билан мўйлабларини силаб.

— Уйда бўлмади қаерда бўлардим. Хуш кептилар? Нима гап?

— Гапим бор эди.

— Сенга ўхшаган одам бекор юрмайди,— деди кибр билан Бозорбой.— Тўғри айтдимми?

— Тўғри.

— Иш билан бўлсанг, унда отдан туш.

Бўстон индамай отдан тушди, Дўнкўликни қозикқа боғлади. Одатдагидай, отнинг айилини бўшатиб қўйди, от қоринбоғдан дам олади, бемалол нафас ростлайди. Кейин атрофга синчковлик билан кўз югуртирди.

— Нима қилиб турибсан? Нимага қараяпсан? — гаши кўзиб жеркигандай деди Бозорбой.— Манави тўнкага ўтир,— ўзи оёқ тагида думалаб ётган тракторга ғилдирағига ўтирди.

Улар бир-бирларига ёвқараш қилиб туришарди. Очиғи, Бозорбойга Бўстоннинг ҳеч нарқаси ёқмайди. Чет ёқаларига барра кўзи териси ёпиштириб тикилган ёқаси очик почапўстин қийган бўлса, ўзига, пўстини кенг кўкрағига ярашиб турган бўлса, ўзига; соғлом, бақувват, ўктам, кўзлари тиник, тани мисдай бўлса, ўзига; Бозорбойдан беш ёш катта бўлса, ўзига; кеча кечаси билан Гулимхоннинг қучоғида ётган бўлса, ўзига; унинг булар билан неча пуллик иши бор, ахир.

— Қани, айт гапингни, қулоғим сенда,— деб бошини силқитди Бозорбой.

— Биласанми, нима иш билан келдим,— деб бошлади Бўстон.— Кўряпсанми, хуржун ҳам олиб келганман, ана эгарга боғлаб қўйибман. Ўша бўри болаларни менга бер, Бозорбой. Уларни жойига қайтариш керак.

— Қайси жойига?

— Инига дейман-да.

— Ана холос! — лабини қийшайтирди Бозорбой.— Мен бўлсам, бошим қотиб ўтирибман, илғор чўпонимиз нечук қадам ранжида

килдилар деб. Ишларини ташлаб чошиб келганини каранг. Бўстон, эсингдан чиққанга ўхшайди, мен сенинг қўйчивонинг эмасман. Мен ҳам худди сенга ўхшаган одамман. Менга хўжайин эмасман.

— Гап унда эмас! Олдин сен гапни эшит. Кечаги бўлган ишни бўрилар эсларидан чиқариб юборадилар, десанг, қаттиқ хато қилсан, Бозорбой.

— Менга нима! Эсидан чиқармаса чиқармас, ишим нима, сенинг ҳам бу билан нима ишинг бор?

— Ишимиз шуки, бўрилар кеча кечаси билан кўра атрофида изғиб улиб чиқишди. Энди боласини қайтармагунча, улар тинчлик бермайди. Мен бўриларни биламан.

Бўстон унинг олдида илтимос билан келган эди. Шундан Бозорбой ўзини кўрсатгиси, мазах, майнавозчилик қилгиси келди. Ўз оёғи билан келиб, қуллук қилиб турибди. Мунақаси тушингга ҳам кирмайди. Бозорбой қулай фурсатдан фойдаланиб қолишни кўзлади. Бунинг устига ичида захарханда қулиб қўйди: кечаси билан ухламай чиқишибди, ажаб бўпти; Бўстон Гулимхонни кучоғида олиб ётолмаган бўлса, ажаб бўпти, хўп бўпти. Баттар бўлсин! У Бўстонга қинғайиб кўз қирини ташлади-да, деди:

— Бошимни қотирма, Бўстон! Топибсан аҳмоғингни! Бўри болаларини қайтариб бериш учун олганим йўқ. Ўзингга кўп бино қўяверма! Ҳар кимни кўзлагани бошқа. Сен — ўзингча, мен — ўзимча. Хотининг билан ухлолдингми, ухлолмадингми, менга бунинг алоқаси йўқ.

— Ўйлаб кўр, Бозорбой. Дарров йўқ дема.

— Нимасини ўйлаб кўради буни?

— Бекор қиялсан,— ўзини зўрға босиб деди Бўстон. У қатта хато қилиб қўйганини англади. Энди охириги чора қолган эди.— Ундок бўлса,— деди у ҳамон ўзини оғирликка солиб,— ке, ҳаппа-ҳалол савдолашиб қўя қоламиз, сен сотасан, мен оламан. Сен бари бир уларни пуллайсан, яхшиси, менга пуллаб қўя қол. Нархингни айту — қўлни ташла!

— Сотмайман! — Бозорбой ўрнидан сакраб туриб кетди.— Сенга ҳеч қачон сотмайман! Гапини каранг — сот эмиш! Сенинг пулинг бору меники йўқми! Тупурдим ўша пуларингга! Мен буларни сотиб, пулига ичаман, лекин сенга сотмайман, билдингми? Ким бўлсанг, ўзингга, тупурдим ҳаммасига! Менга қара, ҳой, тезрок, отингга ўтиргин-да, яхшилиқча бу ердан жўнаб қол!

— Тентак бўлма, Бозорбой. Мундоқ эркакларга ўхшаб гаплаш. Сенга нима фарқи бор, кимга сотишининг?

— Ўзим биламан! Менга ўргатма! Ақлим ўзимга етади. Менга қара, ҳой, бу партия мажлисларида ўзингни кўрсатиб мақтанишни биласан, андок килодирмиз, мандок килодирмиз деб, ҳамманинг

бошини қотирасан. Э, агар хоҳласанг, мен ўша партия мажлисида бир пўстагингни қоқайки, ҳеч эсингдан чиқмайдиган бўлади, уйингни тополмай қоласан. Хоҳлайсанми?!

— Вой-бу! — чин юракдан ҳайрон бўлди Бўстон Бозорбойдан ўзини беихтиёр қўли билан тўсиб,— сен мени кўрkitгунча, мундай тушунтириб бер-чи, сени қайси ит талади?

— Мени ит талабдими! Ажаб бўпти! Сен ҳукуматга қарши иш қиляпсан. Билдингми! Сендан бошқа ақлли йўқ! Хўжайинлар ҳамма ерда бўриларни йўқотинглар деб тайинлаб юрибди. Сен бўлсанг, бўриларга ачиниб, уларни кўпайтирмақчисан — шундайми? Қулок бошинг билан ўйлаб кўр, ахир! Мен бутун бошли бўри боласини куригдим. Демак, давлатга жуда катта фойда еткиздим. Сен эса, уларни инига қайтармақчисан. Ўссин, унсин, бўрилар кўпайсин — шундай демоқчимисан? Ниятинг шуми? Яна мени сотиб ҳам олмақчисан.

— Сени сотиб олиб бошимга ураманми! Бўри болаларини олмақчиман. Бекор мени кўрkitяпсан, судга берадигандай дўқ-пўписа қиляпсан. Сен олдин сал каллангни ишлат, нима қиляпсан, шундан кейин қандай одам бўлдинг! Зўр экансан, аввал катта бўриларни йўқотгин эди! Айниқса, она бўрини! Инини топиб борибсан-ку, ахир. Кучинг етмаса, бошқаларга айтишинг керак эди, шундай-шундай деб. Кучи етадиган одам қилсин эди бу ишни.

— Ким экан у — сенми?

— Мен бўлсам, нима! Ана энди катта бўриларни топиб бўлсан. Тутқич бермайди. Ини бузилгандан кейин кетади боши оққан томонга. Думини тутқизмайди. Энди атрофдаги дуч келган молҳолни бўғизлаб кетаверади. Одамдан қасдини олади. Қани ушлаб кўр-чи, уларни. Буни ўйлаганмидинг?

— Гапир-а, гапир. Яхши, бўрига ҳам адвокат чиқибди. Ким ишонади бу гапларингга? Одаммиди улар сенга, бўри-ку битгани. Қачон қараса, бошни айлантирганинг-айлантирган. Лақиллатмай қўя қол. Ичингдагини шундоқ кўриб турибман! Сенга бошқа нарсани айтмақчиман. Агар бу ерга бир жигини эзиб қўяй деб келган бўлсанг...— Бозорбой сўзини тугатмай тақир бошидан қалпоғини шарт тортиб олди-да, худди буқадай Бўстонга хезланиб келди. Улар пишиллаб нафас олганча бақамти, юзма-юз туриб қолдилар, бир-бирларига еб юборгудай бўлиб қарашарди.

— Хўп, қани, нима демоқчисан? — овози хириллаб сўради Бўстон.— Бўл, вақтим йўқ!

— Биламан, сен худо урган зикнасан, доим ўз фойдангни кўзлайсан. Шунинг учун мажлисма-мажлис юрганнинг-юрган, чўпонлар менсиз ҳал қилиб қўйишмасин деб. Лекин бировнинг қосаси оқарганлигини кўролмайсан. Ичингни ит таталайди бошқанинг рўшнолигини кўрганда. Аммо буни ҳеч ким билмайди. Ўлжани сен олма-

динг, сен бўри болаларини қўлга туширмадинг, юрагинг куйиб кетяпти илон чакқандай кечаси билан тўлғаниб чиқасан, бировнинг бахтини кўргани кўзинг йўк!

— Туф сенга-ей! — тоқати тоқ бўлди Бўстоннинг. — Ҳали сенга ўхшаган аблах билан гаплашиб ўтирибманми! Э, ўзим аҳмоқ! Билганимда қадам босмасдим! Бас, етар! Тамом! Энди берсанг ҳам, олмаман. Бор, ишингни қил!

Ҳазилакам жаҳли чиқмаган Бўстон отни қозикдан зарда билан ечди, қоринбоғни шундай тортдики, от дош беролмай тебраниб кетди, сўнг шахд билан ўзини эгарга олди. Шунчалар қони қайнаган эдики, ҳатто орқасидан Бозорбойнинг хотини чақирганини ҳам эшитмади. Шўрлик хотин пичагина кеч қолди. Уйдан эшикка чиқиб, у эри ким биландир қўлларини пахса қилиб, қаттиқ-қаттиқ гаплашаётганлигини кўрди. «Ким бўлди бу? — ўйланиб қолди у. — Бўстонга ўхшайди-ку сиёқидан, нима қилиб юрибди экан, биз ёқларда?»—Шунда у эркаклар нимадир тўғрида тортишаётганларини пайқади. Шошилиб улар томон юрди. Лекин улгуролмади. Бўстон саман отига миниб, анча нарига бориб қолган эди, кўриниши ғоятда дарғазаб эди. Тулки тумоғини бостириб кийди-ю, отига қамчи босди, от учиб кетди, эгасининг лўстини барлари худди қанот каби силкинарди.

— Бўстон! Бўстон! Шошма! Тўхтаб тур! — кичкирди Кўк Турсун, лекин Бўстон қайрилиб қарамади — ким билсин, балки эшитмади, балки ўгирилиб қарашни истамди.

— Нега кишини хафа қилдинг? Нимани талашдинглар! — суриштира кетди Кўк Турсун Бозорбойдан.

— Ишинг бўлмасин! Ўчир овозингни, нега уни чақирасан? Киминг бўлади?

— Юз йилда бир уйингга келибди, сен бўлсанг! Э! Ким сени бундай қилиб туққан ўзи, а?! Одам эмас, ваҳшийсан, ваҳший!

Хотинининг сўзларидан Бозорбойнинг баданига ўт туташди. У жингиртоб бўлиб, дик этиб тўнка устига чиқди-да, Бўстоннинг орқасидан бўқира кетди:

— Онангни...палон-пистон! Ким деб ўйловдинг мени! Малайинг борми сенга бу ерда! Ҳе, онангни палон...

— Бас! Бас қил! — Кўк Турсун шахд билан бориб эрини тўнкадан тортиб туширди.— Мана, яхшиси, мени ур! Нега кишини шарманда қиласан? Нимага?

— Қоч, эй, мараз! — силтаб ташлади уни Бозорбой.— Сенга ким қўйибди! Ҳим-хи, Бозорбой унга ялинармиш! Ма, ол, бўрилар сеники! Оласан-а, оласан! Кўраман олганингни! Ҳали ким деб қўйибсан мени!

— Вой, шўрим! Ҳали бўриларни деб шунча ғавғоми! — ажабланди Кўк Турсун.— Вой, қуриб кетсин матоҳ бўлмай! Қиёмат кўпдими! Вой, шарманда...

Ўша куни бўрилар жойларидан кўчдилар. Уяларини ташлаб кетдилар, тунда бу ерга қайтмадилар ҳам, атрофда дайдиб юра бошладилар. Дам бирон жойда ғамга ботиб уззукун чўзилиб ётишар, дам теваракни чарх уриб кезишар, ўзларини унчалар ҳам яширишмас, одамлардан эҳтиёт бўлишни бас қилгандай, асло тап тормас эдилар. Ўша кунлари атрофдаги кўп чўпонлар уларни ҳеч қутилмаган жойларда кўриб қолар эдилар. Она бўри худди эс-хушидан айрилгандай доим олдинда бошини қўйи солинтириб борар, эркак бўри эса ундан қолмай эргашган эди. Жуфт бўри худди ўлим истагандай хавф-хатарга парво қилмай қўйганди. Улар бир неча маротаба итларнинг юрагига ваҳима ва харосонлик солиб, уйлар ҳамда кўтонлар яқинидан ўтдилар. Итлар жон ҳолатда акиллашар, қутуриб, хужумга ташланмоқчи бўлишар, лекин бўрилар уларга мутлако эътибор беришмас, ҳатто орқаларидан ўқ узишганда ҳам, қадамларини тезлатмай, худди милтик овозини эшитмагандай йўлларида давом этардилар. Бу таажжуб бўриларнинг телбалиги тилларда дoston бўлди. Акбара билан Тошчайнар бўрилар расмини унутиб, одамларга даф қила бошлаганларида ҳаммаёқ шов-шув бўлиб кетди. Бир гал куппакундузи улар йўлнинг ўртасида тракторчи йигитга ташланганлар. У хашак олиб кетаётган экан. Руль ишламай қолибди-да, тракторчи йигит нима гап экан деб, пастга тушибди. Тузатаман деб, анча уринибди. Бир маҳал эрий бошлаган қор устидан икки бўри ўзига томон юриб келаётганларига кўзи тушиб қолибди. Ҳаммасидан ҳам бўриларнинг кўзлари уни лол қилиб қўйибди. Кейин унинг ҳикоя қилиб беришича, бўриларнинг кўзлари қутуриб кетган, бир нуқтага тикилган, она бўрининг эса ёли пастроқ, боши солинган, кўзлари кўм-кўк эмиш. Унинг кўзларига худди ёш тўлиб тургандай, худди шиша каби қотиб қолгандай эмиш. Улар яқинлаб келишаётганда, яхшиямки, йигитча ўзини йўқотиб қўймабди. Кабинага сакраб чиқиб, эшикни ёпиб олибди. Мурувватини бураган экан, мотор дарров ўт олибди. Акс ҳолда доим моторни пастан айлантириб ёндирар экан. Омади юришганини қаранг. Трактор тариллаб юриб кетибди. Бўрилар ўзларини четга олишибди, лекин барибир бутунлай кетмай, тракторга дам у томондан, дам бу томондан яқинлашмоқчи бўлишаверибди.

Бошқа бир сафар эса бир қўйчивон бола мўъжиза билан омон қолган. Уям кундуз куни рўй берган. Эсликкина бола эшагига миниб ўтин-чўп олиб келиш учун йўлга чиққан. Ҳовлидан унчалик ҳам йироқ кетмай, бутазорда қуруқ шох-шаббаларни чопиб йиға бошлаган экан, бир маҳал икки бўри қайдандир пайдо бўлган. Эшак ҳатто овоз чиқаролмай қолган. Уни кўз очиб-юмгунча тилка-пора қилиб ташлаганлар. Бола қўлидан ўткир ўроғини қўймай жон ҳолатда қочган, кўтонгача чопиб келиб йиқилган ва ғайритабиий овоз

чиқариб додлайверган. Одамлар қўрадан милтиқларини кўтариб чиқиб, бутазорга бориб карасалар, бўрилар шошилмай адир орқасига ўтиб кетишаётган экан. Улар ўк товушларини эшитиб ҳам, ҳатто кадамларини тезлатишмаган...

Шундан сал кейинроқ бўрилар қўтондан пича нарига ўтлатиш учун олиб чиқилган бўғоз совлиқларни қийратишган. Нима бўлганини ҳеч ким кўрмай қолган. Тасодиф билан омон қолган кўйлар қўрага тирақайлаб қочиб келганларидагина ишдан вокиф бўлганлар. Ўтлоқда ўн беш чоғлик бўғоз совлиқ қонига беланиб ётарди. Ҳаммаси бемаъниларча, ваҳшиёна бир тарзда бўғизлаб ташланган эди.

Шундай қилиб, Акбара билан Тошчайнар кутургандан кутуришди. Улар ҳақида бир-бирдан қўрқинчли гаплар тарқалди. Лекин одамлар фақат сиртдан қараб фикр юритишар, бу қасоснинг асл сабабларини билишмас — она бўри индан ўғирлаб кетилган болаларини соғиниб бўзлаб, алам ўтида ковурилаётганидан беҳабар эдилар...

Бозорбой эса айшини сурар, оғзини кўпиртириб мактанар — қўлига пул тушиб, ичкиликка муккасидан кетган, ўша кунлари мавсум тугаб бўм-бўш хувиллаб ётган соҳил бўйидаги ресторонларда санғиб юрарди. Ароқ ҳар кадамда қалашиб ётарди. Бозорбой тепакалигача қизариб кетгунча ичиб, сўнг оғзига кучи етганча Бўстоннинг гийбатини қиларди. Жуда димоғидан қурт ёғадиган бўлиб кетган экан, босар-тусарини билмай қолибди бу илоннинг ёғини ялаган курумсоқ, тоза адабини бердим. Илгари замонлар бўлганда-ку, сиртига сув юқтирмас қулоқвачча совет ҳукуматининг синфий душмани сифатида шартта отиб ташланарди-я, оҳ-воҳига қарамай. Аттангга, у пайтлар ўтиб кетди-да. Бунақа турқи совуқларни гумдон қилсанг, фақат савобига қоласан! Рост-да! Йигирманчи, ўттизинчи йилларда хоҳлаган миласа қулоқми, бойми, вассалом, ҳовлисининг ўзида шартта отиб ташлайверарди. Китобларда ёзилган бу гаплар, ҳа. Тунов куни радиодан эшитдим. Бир қулоқ батрак шўрликни эзиб, ҳақини уриб қолган экан, куппа-кундуз куни ҳамманинг кўз олдида суробини тўғрилаб қўйишибди иккинчи маротаба камбағал бечоранинг юрак-бағрини эзмасин деб. Лекин Бозорбой ҳаммасидан ҳам, Таманга келиб қолган Бўстонни эшикдан қувиб солгани, отаси қолмай, онаси қолмай сўккани, Бўстон эса миқ этиб оғиз очолмагани ҳақида бичиб-тўқиб сўйлашни яхши қўрар, ўз сўзларидан ўзи ҳузур қиларди. Бозорбойнинг киш мавсуми бекорчиликдан бўлак иши йўқ домодихчи улфатлари совуқ, тамаки ва ичкиликнинг сассиқ ҳидига тўлган ошхоналарнинг деразаларини зириллатиб қаҳ-қаҳ уришар, Бозорбойнинг қитик патига тегиб, унинг қўлтиғига сув пурқашар, бунга сари маст Бозорбойнинг хуружи авжга минарди. Бу майнавозчиликлар Бўстоннинг ҳам қулоғига етган эди. Мана шу боис бўлиб, совхоз директори чақирган мажлисда қаттиқ жанжал кўтарилди.

Шундан сал бурунроқ Бўстон ёпирилиб келган нохуш ўйлардан уйқуси қочиб кечаси билан тўлганиб чиқди. Ҳаммасига сабаб шу эдики, кишлоқ атрофида яна бўрилар изғиб қолишди, яна юракни ўртаб юборадиган, одамнинг асаблари дош бермайдиган нолишларини бошлаб юборишди, яна Гулимхон қўрққанидан дағ-дағ қалтираб эрининг пинжига тикилди, яна тоқати етмай ухлаб ётган Кенжашни ўз тўшагига олиб келди, худди унинг жонига бир нарса хавф солаётгандай уни гавдаси билан тўсиб, тинмай силаб-сийпалаб ётди. Буларни кўриб Бўстоннинг юраги сиқилар, аёл киши-да, қоронғудан, турли ваҳимали товушлардан кўрқади, деб ўзига-ўзи далда бериб кўярди.

Бўстон бир неча бор ўрнидан туриб милтик отмоқчи бўлди, лекин хотини ёнидан қўймади, у ҳозир бир зум ҳам ёлғиз қолишни истамасди, кейин у барибир хавотирли қуш уйқусига чўмди. Лекин Бўстон мижжа қокмади. Миясиди турли-туман хаёллар гужғон ўйнарди. Дунё экан, у оламда қанча узок умр кечиргани сайин, яшаш ҳам шунча қийин ва мушкул бўлиб борарди. Яшашнинг ўзигина эмас, ҳаётнинг асл маъносини тушуниш оғирлашиб борарди. Илгари хаёлга келмаган ёки келган бўлса ҳам, кўнгилнинг қоронғу тубидагина хира тортиб кўринган нарсалар энди жиддий безовта қилар, жавоб сўрарди.

Болалигидан суяги меҳнатда қотди. Кўп машаққатлар тортди: у иккинчи синфда ўқиб юрган пайтда отаси фронтда ҳалок бўлди, кейин она ўлди, қатта ақалари ва опалари ўз кунларини ўзлари кўришар, баъзилари эса оламдан эрта ўтган, Бўстоннинг ўзидан ўзга таянчи, ишонган тоғи қолмаган эди. У бир нарсага қаттиқ аҳд қилди, сўнг бу аҳдидан ҳеч қачон, ҳатто бир зумга бўлсин четга тоймади, қўли ишдан бўшамасди, меҳнатдан сира қочмасди, ҳаётнинг маъноси, қизиғини фақат мана шунда деб билди. У қўл остида ишлайдиганларни ҳам қаро терга тушиб меҳнат қилишга ўргатди. У кўпларни одам қилди, йўл кўрсатди, уларга ҳаёт меҳнат билан қадрли эканлигини уқтирди. Ўз олдига мана шундай мақсад қўймаганларни Бўстон очикдан-очик ёқтирмас, уларни тушунмасди. Бундай одамларни нобакор деб ҳисобларди. Уларга қуруққина, хушламай муомала қиларди. Кўплар худди мана шунинг учун ҳам орқасидан ёмонлаб, қурумсоқ, қулоқ деб лақаб қўйиб юришларини биларди. Афсус, сал кечикиброқ дунёга келган-да, бўлмаса суякларини аллақачон Сибирь томонларда чириб ётарди, дейишарди надомат чекиб. Бўстон одатан бундай гийбатларга жавоб бериб ўтирмас, зотан, ҳақ ўзи томонда эканлигига заррача шубҳа қилмас, бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас, бошқачаси дунёнинг остин-устун бўлиши билан баробар эди. Кунчиқишга қандай ишонса, у бунга ҳам худди шундай ишонарди. Фақат бир мартабагина сўқир қисмат уни тиз чўқишга мажбур қилди, пушаймонлик ўтида қовурди, ва шундан бошлаб у шубҳаларнинг зил, аламли юки нима эканлигини билди...

Гулимхоннинг аввалги эри мархум Эрناзар билан то у нобуд бўлгунгача уч йил бирга ишлашган эди. Сўз йўқ, хўп ишчан йигит, ўзига пухта эди — Бўстоннинг бригадасига худди мана шундай одам керак эди. Эрназарнинг ўзи иш сўраб келувди, шундан бошлаб, бирга бақамти ишлаб кетишди. Куз пайти эди, бир куни у Бўстонни йўқлаб келиб қолди. Ушанда Бўстоннинг отари киш тушгунча Бешкунгайда турган эди. Маслаҳатга келган эдим, деди. Чой ичиб ўтириб, гаплашиб олдилар. Дуч келган одам билан ишлаш жонга тегди, деб шикоят қилди Эрназар. Қанча ҳаракат қилма, агар катта чўпоннинг ихтиёри ўзида бўлмаса, фойдаси йўқ. Умр ўтиб кетяпти, иккита қизим бўй етиб қолди, эрта-индин турмушга бериш керак, вақтнинг оқар сувдай ўтишини кўр, жонимни жабборга бериб ишлайман, лекин бошим қарздан чиқмайди, уй солдим, уй қуришнинг ўзи бўладими, сизнинг қўл остингизда ишласам, Бўске, (уни ҳурмат қилиб шундай деб чақирди), — яширишнинг нима ҳожати бор, ишлаш ҳам мумкин, тишлаш ҳам. Жун топширсанг, эт топширсанг, кўзи олсанг, ҳаммасига, Бўске, сизда мукофот чиқади, қўлинг пул кўради-ку, ишқилиб. Шунинг учун олдингизга илтимос билан келдим, агар рози бўлсангиз, директор билан гаплашиб кўринг, мени сизга ўнг қўл, биринчи чўпон қилиб ўтказсин. Ўзингиз ҳам биласиз, ерга қаратиб қўймайман, акс ҳолда буни гапириб ҳам ўтирмасдим...

Бўстон Эрназарни илгаридан биларди. Нима қилмасин, бир совхознинг одамлари. Бунинг устига Гулимхон хотини Орзигулнинг узоқ қариндошларидан эди. Хуллас, ўз одами. Лекин қандай бўлмасин, Бўстон Эрназарга дарҳол ишонди ва кейин ҳеч қачон бундан афсус чеккани йўқ.

Ҳаммаси мана шундан, шу жўнгина турмуш воқеасидан бошланди.

Улар тез тил топиб, чиқишиб ишлаб кетдилар. Чунки Эрназар ҳам худди Бўстондай ўз ишининг туғма эгаси эди. Лекин шу билан бирга бошқа баъзи бировларнинг назарида ғирт тентакнинг ўзи: яъни совхозга тегишли мол-ҳолга худди ўз шахсий молидай қарарди. Эси пастми, нима бало? Бошқа ишлар ҳам тамомила ҳаминқадар эди — худди ўзи учун қилаётгандай ўлиб-тирилар, совхознинг нафи учун куйиб-пишарди. Меҳнатсеварлик Эрназарнинг қон-қонига сингиб кетганди. Табиатан ўзи шундай эди. Лекин ҳаёт уринишларига бу ҳислатини янада пишитган эди. Бу фазилат ҳамма халқларга хос, у ҳамма одамларда табиий бўлиши керак, фақат бировлар ўзида бу фазилатни ўстириб, кучайтириб боради, бошқалар эса йўқ. Мундоқ каллани жойига қўйиб ўйлаб қарасанг, дунёда қанчадан-қанча ялқов ишёқмаслар — катталар, ёшлар ичида ҳам, эркаклар, хотин-қизлар ичида ҳам бор. Қанчадан-қанча бахтсизликлар

ва бечорачиликлар ҳаммаси ҳар қачон, ҳамма замонларда фақат ва фақат танбалликдан юзага чиққанлиги ҳамда юзага чиқаверажагини одамлар худди тушунмайдиганга ўхшайдилар. Лекин Бўстон билан Эр-назар меҳнат деса, ўзини томдан ташлайдиган, бир-бирларига жуда яқин одам эдилар. Шунинг учун жонни жонга сукиб дегандай, аҳил ишлашар, бир-бирларини сўзсиз тушунишар, кўнгилларини топар эдилар. Аммо ҳаёт экан, чамаси, худди мана шунинг ўзи уларнинг ҳаётларида тузатиб бўлмасдек бир ҳолларни юзага чиқарди...

Дарвоқе, бу аслида шундайми ёки шундай эмасми, яна не билайлик... Гап шундаки, оилавий ишлаб чиқариш бригадалари пайдо бўлмасдан анча аввал Бўстон Ўркунчиев худди олдиндан ниманидир сезгандай кулай пайт келди дегунча ўзига, тўғрироғи, ўзининг бригадасига доимий фойдаланиш учун ер ажратиб беришларини талаб қилгани қилган эди. Чўпонча одмирок тил билан баён этилган, аммо айрим қотиб қолган расмиятчилар назарида ғашга тегадиган ушбу талабдан мурод-мақсад шу эдики, кошкийди, ўзимнинг яйловим, ўтлок-майдонларим бўлса, кошкийди ўзимнинг сурув ва ўтарларим бўлса, уларга томингдан чакка ўтиб ётса боши оғримайдиган хўжалик мудирини эмас, шахсан ўзим жавоб берсам, подаларни бош оққан томонга ҳайдаб юрмай, тоғдаги ўз ёзги яйловларимда боксам, ўша ўтлоқлар бошқа бировга эмас, менинг ўзимга бириктириб қўйилса, ҳаммасига ўзим қарасам, ҳаммасини ўзим сақласам, ана ўшанда мен жамоатнинг умум ерига қараганда юз қарра кўпроқ иш қиламан, планда кўрсатилгандан неча баробар кўп маҳсулот етказиб бераман, умумга тегишли ерларда худди ёлланган, келаси кузда қаерга боришга боши қотган батракдек ишлаганда, бундан нима чиқарди?

Аммо Бўстон ўз фикрини ҳеч кимга маъқуллай олмасди. Албатта аввалига ҳам буни, рост, одамларга ерларни ажратиб берсак, тўғри иш бўлади, одамлар ўзларини ер эгасидай ҳис қиладилар, оила, бола-чақа ҳам бундан баҳраманд бўлишади, ишга баравар жон куйдиришади, деб рози бўлиб турар эдилар-да, маҳаллий ҳушёр сиёсий иктисодчилардан биронтаси чикиб, бу ахир, социализмнинг муқаддас қонун-қоидаларини бузиш эмасмикин?— деб шубҳа билдирган заҳоти ҳаммалари дарҳол бараварига сўзларидан қайтар ва бунга бутунлай тесқари гапларни айтишга тушар, исбот қилишга арзимайдиган нарсаларни исботлаб ётар эдилар. Ҳеч ким қингайишда айбланишни истамасди. Ёлғиз саводсиз чўпон Бўстон Ўркунчиевгина ҳар бир район ёки совхоз йиғинида ўз гапидан қолмасди. Унинг гапларини тинглаб, озгига келганини қайтармай сўйлаверади, йўқотадиган нарсаси йўқ, ишдан олишмайди, шохини синдиришмайди. Азамат йигит-да! Ҳар сафар Бўстонга назарий нуқтаи назардан зарба беришади — айникса, совхоз парторги, область партия мактабини битириб дипломли саводхон бўлган Қўчқорбоев ҳеч

қўймайди. Ана шу Қўчқорбоев билан муносабатлари жуда алламбало эди. Қўчқорбоев неча йиллардан бери совхоз партия ташкилотининг секретари, лекин Бўстон ҳали-ханузгача яхши билолмайди — Қўчқорбоев ўзини қўй оғзидан чўп олмаган соддагина қироатхон қилиб кўрсатадими (балки бу унга нимагадир қўл келса ҳам ажабмас), ёки ўзи ҳақиқатан ҳам, асли шундайми. Кўринишдан икки юзи кўп-кизил ахталарга ўхшайди — юмurtқадай сип-силлик, доим бўйинбоғ тақиб юради, доим папка, доим иши бошидан ошиб-тошиб ётгандай — иш кўп-п-кўп — чехраси ташвишли, худди одамларга газета ўқиб бераётгандай лаби-лабига тегмай гапирди, бир нимани қувиб бораётгандай оёғи ерга тегмай югуради. Бўстон баъзан ўйлашиб қолади: эҳтимол, Қўчқорбоев тушида ҳам қоғозга қараб гапирса керак.

— Ўрток Ўркунчиев,— деб минбардан туриб таъна ёғдирарди парторг Қўчқорбоев,— сиз тушунишингиз керак ахир, ер бизда умум-халқ мулки ҳисобланади. Конституциямизда шундай деб ёзилган. Ер бизнинг мамлакатимизда фақат халққа, ёлғиз халқнинг ўзигагина тегишлидир, бошқа ҳеч кимга эмас. Сиз эса ўзингизга кишлик ва ёзлик яйловлар, қўра, қўтонлар, ем-хашак талаб қиляпсиз, биз буларни сизга хусусий мулк қилиб беролмаймиз. Йўл қўймаймиз биз бунга — социализм принципларини бузишга бизнинг ҳаққимиз йўқ. Сиз бизни қаёққа бошламоқчи ва оғдирмоқчи бўлаётганингизни тушундингизми?

— Ҳеч кимни ҳеч қаёққа бошламоқчи эмасман,— таслим бўлмасди Бўстон.— Агар ҳаммасининг эгаси, мен эмас, халқ бўлса, унда майли, менинг кўрамга халқ бориб ишласин, мен кўрай бундан нима чиқаркин. Ҳамонки, мен ўз ишимнинг хўжаси эмас эканман, кимдир ахир, барибир хўжайинлик қилиши керак-ку?

— Совет халқи хўжайинлик қилади. Ўркунчиев, яна такрорланман, совет халқи ва давлати ҳаммасининг эгаси.

— Халқ дейсизми? Унда кимман, сизнингча? Ҳеч ақлим етмай қолди. Нега мен давлат бўлолмайман? Сен, парторг, ўзинг илмли йигитга ўхшайсану, лекин сизларни у ерда нималарга ўқитишган хайронман, ҳеч тушунмайман, айтаётган гап-сўзларингга?

— Мен, ўрток Ўркунчиев, сизнинг етагингизда юролмайман, бурнидан ип ўтказиб оламан деб ўйламанг. Гапларингиздан кулок сафсаталарининг ҳиди келади. Лекин ёдингизда турсин — сизнинг замонингиз ўтган ва биз ҳеч кимга социализм асосларини барбод қилишга йўл қўймаймиз.

— Майли, ўзингиз биласиз, харқалай бошлиқсиз,— тап тортмасди Бўстон,— фақат мен ўз фикримда қоламан. Ишлайдиган бошқа биров эмас, мен ўзим. Сал гапга оғзимга урасиз: Халқ! Халқ! Халқ — хўжайин! — дейсиз. Бўпти, унда! Майли, халқнинг ўзи фикрлаб, ҳал қилсин, йилдан йилга мол кўпайиб боряпти, майда чорванинг ўзидангина совхозда қирк минг қўй-эчки бор — илгари бунақаси

бировнинг тушига ҳам кирмаган эди. Ҳолбуки, бўш ерлар тобора камайиб кетяпти, планлар эса ошяпти. Мана, ўзингиз қаранг: илгари мен бир бошдан уч килою етти юз грамм юнг олардим, йигирма йил аввал эса — буни ҳамма билади — икки килограммдан бошлаган эдим, яъни, йигирма йилдан кўпроқ вақт ичида бир кило етти юзга ўсибман. Ҳозир эса бир йилнинг ичида планни ярим килога кўпайтириб қўйишибди. Қаердан оламан буни? Нима, энди фол очиб, афсун ўкитишим керакми? Планни бажармасам, бригада курук қолади. Ҳамманнинг оила, бола-чақаси бор. Унда одамларга ишлаш, йил бўйи тиним билмай қўй орқасидан юришнинг нима ҳожати бор? Ҳар бир чўпон худди калхатдек бошқа чўпоннинг яхшироқ ўтлоғини тортиб олиш учун бош тепасида айланиб турса, планни бажариб бўладими? Чунки ерга ҳамма хўжайин, ҳеч ким ҳеч нарсага жавоб бермайди. Ўтлоқларни деб, қанчадан-қанча жанжал-тўполонлар чиқаяпти, сен эса парторг, ўзинг ҳам ҳеч вақонинг урдасидан чиқмайсан, директорнинг ҳам шахдини қайтарасан! Кўр эмасмиз, кўриб турибмиз!

— Мен нима қиялман, бунга райком баҳо беради. Фақат райком ҳам сизнинг бу хатарли ўзбошимчалигингизга учмайди, ўрток ўркунчиев!

Ҳар сафар мана шундай гап қумга сингиб кетади...

Мана шу кезларда унинг кўшига Эрназар келиб кўшилди. У Бўстонга кўлдош ва ҳамфикр бўлди. Хотинлари Орзигул ва Гулимхон баъзан улардан кулиб қўйишарди: икки ёрти бир бутун бўлиб, на ётар-турарда халоват бор, на еяр-ичарда, ишдан бошқа нарсани билмайди булар деб. Ўшанда икковлари подани ёзга Ола Мўнгу довонидан нарига ҳайдасакмикин, деб юришди. Бу гап Эрназардан чиқди. Юрамизми ёз бўйи тоғ ён-бағирларида изғиб, озгина ўт-ўлан учун кўшнилари миз билан ёқа бўғишиб, ундан кўра ёз ичи довоннинг нариёғига Кичибел яйловига чиқиб кетсак, яхши эмасми? Қари-қартагларнинг айтишларига қараганда, илгарилари бой-бадавлат чорвадорлар пода, сурувларини ўша ёқларга ҳайдаб кетишаркан. «Кичибел» деган кўшиқ ўша замонларда тўқилган. Улар Кичибел яйлови унчалар катта бўлмаса ҳам, лекин ўт-ўлан белдан уриб ётишини билишаркан. Мол беш кун ичида ем бериб боқилгандай семириб кетаркан.

Бўстон аввалроқ ҳам бу ҳақда бир ўйлаб кўрган, лекин Кичибелнинг ноаниқ жойлари кўп эди. Колхоз чорвадорлари урушдан илгари ёзга Кичибелга бирдан-бир йўл Ола Мўнгу муз довонидан ўтиб боришган. Уруш пайти овулларда чоллару болалар қолганда ҳеч ким Кичибелга боришга юраги бетламай қўйган. Кейин қурби қочган майда колхозларнинг бари номи ҳам аллақандай ...йиллик деб тугайдиган бемаъни олти сўздан иборат катта совхозга бирлашганларидан сўнг, ана шу ола-тасир тўполон ва ғалвалар ичида улуғ Ола Мўнгу довони оша ўтиб бориладиган, ёзда чорвани

икки ой ва ҳатто ундан ҳам ошиқроқ вақт олиб чиқиб кетиб, семиртириш мумкин бўлган яйлов борлиги аста-секин кўпларнинг ёдидан кўтарилди. Совхозни ҳам туб ерлик одамлари Берик сув жилғаси номи билан «Берик» деб аташга ўрганган эдилар. Очиғи, бунақа баланд, хатарли тоққа чиқишни хоҳловчиларнинг ўзи топилмас эди. Чорвани бундай кийин тоғ йўлидан ҳайдаб бориш учун молимизни қандай бўлмасин, семиртираман дейдиган ўктам, жонига ачинмайдиган одам бўлиши керак. Эски замонларда қирғизлар бир-бирлари билан учрашганларида, «Мол-жон омонми?» — деб сўрашганлари бежиз эмас. Ҳа, аввало, чорванинг ҳолини сўрашган. Нима ҳам деймиз, ҳаёт оти билан ҳаёт-да...

Кўнгилларига шу фикр чўғ солиб, Бўстон билан Эрناзар қўллариغا қалам-қоғоз олиб, Кичибелдан келадиган фойда-зиёни чўтлаб чиқишди: чорванинг довондан ўтганда йўлда ташлайдиган вазинини қўшиб ҳисоблаганда ҳам, бу ишга бел боғласа арзирди. Катта фойда олишлари тайин эди — бунинг устига меҳнатга тўланадиган ҳақ ва тузга қилинадиган харажатдан бошқа чиқимнинг ўзи ҳам йўқ эди. Лекин, рост, ҳали булар қоғоздаги хомчўтлар.

Бўстон аввало, бўлим бошлиғига, ундан сўнг совхоз директорига мурожаат қилишга қарор берди. Парторгга ниятини айтиб ўтирмади. Парторгни унчалик хушламасди. Неча марта амин бўлди — гап деса, қоп-қоп, қачон қарама, одамнинг шахдини ўлдиради: у мумкин эмас, бу мумкин эмас, мажлисда нутқ сўзлаш бўлса унга, газетада ёзилган гапларни гапириб бериш бўлса унга, галстук тақиб олифтагарчилик қилиш бўлса унга. Совхоз бошлиғи — директорга Бўстон кўнглидаги ниятини очди: гап шундай-шундай, Ибройим Чўтбоевич, ишнинг фойдасини кўзлаб, Эрназар билан бирга Ола Мўнгу ортидаги эски яйловларни очмоқчи бўлиб турибмиз. Олдин икковимиз бориб, нима бор, нима йўқ билиб келамиз. Кичибелга қандай ўтишнинг азмойишини оламиз, кейин қайтиб келиб, кўч-кўронни кўтариб кўчамиз, ёз ичи Кичибелда бўламиз. Ҳаммаси кўнглидагидай ўтса, ўша Кичибел яйловини бизнинг бригадамизга мустаҳкамлаб берилса. Бошқа чўпонлар ҳам, мабодо, Кичибелга бораман дейишса, бемалол, қаршилиқ йўқ, унга ҳам жой етади, лекин, энг муҳими, бизга ажратиладиган ўтлоқларни мен аниқ билишим ва мавсум ичи овора бўлиб қолмаслигим керак. Сизга ана шуни айтиб, маслаҳатлашгани келдим. Икки кундан кейин Эрназар билан Ола Мўнгудан ўтамиз. Ишларни ҳозирча хотинлар ва ёрдамчиларимиз юритиб туришади.

— Ростданам, Бўске, уйда хотинларингиз нима дейишяпти бу ишингизга? — қизикди директор.— Ҳазилакам нарса эмас-ку.

— Ҳозирча индашгани йўқ. Худони қаҳри келмасину, хотиним Орзигулнинг ақли-хуши жойида. Эрназарнинг оиласи Гулимхол ёшроқ бўлса ҳам, ақли ўзига етарли. Бир-бирлари билан жуда аҳил, чиқишиб кетишган кўринади. Ана шунисига хурсандман бир чекка-

си. Хотинлар чиқишолмаса, шундан ёмони йўқ. Уй жаҳаннамга айланади-қўяди. Илгари бўлган бундай гаплар...

Директор билан бошқа баъзи гапларни ҳам сўйлашиб олишди. Кузда Москвага, ҳалиги оти бирам кийин — ВДНХами, ВДНХими ўшанда бўладиган кўрғазмага район илғорларининг бориши мўлжалланаётган экан, Бўстон рўйхатда биринчилар каторида кўрсатилибди.

— Мен хотиним билан борсам бўлармикин, Ибройим Чўтбоевич? Орзигулим қачондан бери Москвани кўрсатасиз, деб ҳиқиллайди,— ростига кўчиб қўя қолди Бўстон.

— Сени тушуниб турибман, Бўске,— қулди директор.— Майли, бир гап бўлар. Борса нима қипти? Фақат парторгнинг розилигини олиш керак. У билан ўзим гаплашаман.

— Парторг билан денг? — ўйланиб қолди Бўстон.

— Э, хотиржам бўл, Бўске. Нима, бекордан-бекор қаршилиқ қилиб ўтиради дейсанми? Эрак одамнинг иши эмас бу.

— Йўқ, гап бунда эмас. Борсак — борармиз, бормасак — йўқ. Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Мен сизга бошқа нарсани айтмоқчи бўлиб юрувдим. Шунақа парторг бўлмаса, хўжаликнинг куни ўтмай-дими? Сизга жуда керакми шу? Усиз қўл-оёғингиз ишламай-дими?

— Нима қилди?

— Мен шуни билгим келади. Мана, қаранг, араванинг тўртта оёғи бор. Ҳаммаси ўз ўрнида. Агар унга бешинчи оёқ ўрнатсангиз, ўзи ҳам айланмайди, бошқаларни ҳам юришга қўймайди. Хўш ана энди айтинг, керакми, шу бешинчи ғилдирак?

— Биласанми...— йирик, басавлат, эракча катта юзидаги кўзлари кийик директор бирдан жиддий тортди, олдидаги қоғозларни олиб қўя бошлади, кўзларини ҳорғин юмди. «Уйқуси йўқ. Тинмайди», деб ўйлади Бўстон.— Очиғини айганда, бамаъни парторг керак,— деди у бир оз жимликдан сўнг.

— Манов-чи?

Директор унга ялт этиб бир қараб қўйди.

— Нима қиламиз буни гаплашиб ўтириб? Уни район юборган, қўлимиздан нима келади?

— Райком. Ана, кўрдингизми,— оғзидан чиқиб кетди Бўстоннинг.— Менга нимагадир у ўзини атай шундай тутаётганга ўхшаб кўрилади. Доим одамларни кўрқитиб юришнинг унга нима кераги бор, гўё мен социализмни қўпориб ташлайдигандай? Ахир, тўғри эмас-ку, бу. Ахир, мен бир нимани талаб қилсам, иш учун талаб қиламан. Мен бу ерни сотмайман, бировга бериб юбормайман, совхознинг ери, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Барибир мен тирик эканман, ишга қурбим келаркан, ўз ақлим билан яшайвераман.

— Нега ҳадеб менга ёлғиз шу гапни такрорлайверасан, Бўске. Сен айтган нарсани қилиб бўлмайди.

— Нега бўлмайди?

— Чунки бўлмайди.

— Жавоб шунақа бўладими?
— Яна нима дей бўлмаса?
— Сизга ҳам тушунаман, Ибройим Чўтбоевич. Бир марта оғзингиз куйган. Ҳаммаси яхши бўлсин дегансиз. Сизни эса бўйнингизга боплаб бир уриб, вазифангизни пасайтиришган. Райкомдан совхозга ўтказиб қўйишган.

— Рост. Яна бўйнингга уришларини хоҳламайман. Ақлим кирди.

— Ана, кўрдингизми? Ҳар ким ўзини ўйлайди. Мен қарши эмасман. Одам ўзини ўйласин. Фақат ақл билан ўйласин. Янгилик қилганни эмас, янгилик қилиши мумкин бўла туриб, қилмаган одамни жазолаш керак. Бизда ҳаммаси тескариси.

— Гапириш осон,— илжайди директор.

— Ҳамма шундай дейди. Меҳмонга келгандай яшаш жонимга тегди. Меҳмон нима иш қилиб берарди? Ўзингиз биласиз-ку. Олдинига бир-икки кун жон койитади, кейин бор-э, дейди...Бизда ахир, шундай бўлмаптими, ишлайверасан, ишлайверасан, Кўчқорбоев эса, тўхтовсиз бурнингга чертиб туради сен меҳмонсан, сен хўжайин эмассан, деб...

— Гап бундок, Бўске. Келишиб олайлик. Сен мени рўқач қилмагину ўзинг қандай маъқул топсанг, шундай иш тутавер...

Улар хайрлашдилар...

Уч кундан сўнг улар тонг қоронғусида Эрназар билан Кичибелга отландилар. Улар отга ўтирганларида ҳали ҳамма ухлаб ётарди. Бўстон оқ-сарғиш ахта саманни минди. Дўнқўлик у пайтлар энди икки ёшга кирган той эди. Тоғларга вазмин от билан чиққан тузук, довонга чопиб кўтарилмайдилар. Эрназар ҳам яхши от минган эди. Йилнинг бу фаслида отлар кучга тўлган бўлади. Улар жадал йўл босдилар. Ҳар икковлари хуржунларини тўлдириб сули олган — қорлиқларда тунашга тўғри келса, асқотади. Ҳар эҳтимолга қарши қалин почапўстинларни ҳам эгарга ташлаб қўйишди.

Шундай бўладики, баъзан йўлнинг ўзи кишига роҳат бағишлайди. Айниқса, ҳамроҳинг дилтортар одам бўлса ва суҳбат содда, самимий кечса. Ўша куни ҳаво мусаффо, кун чарақлаб турар — олдинда қор босган тоғ тизмалари бир-бирларига мингашиб кетган, ичкарилаб борган сари тоғлар ҳам юксакроқ, қори қалинроқ бўлиб борар, орқага ўгирилиб қаралса, пастликда кўз илғамас улуг кўл ёйилиб ётарди. Ҳар сафар одамнинг орқага, таги қорайиб кўринган кўл ойнасига қарагиси келаверарди.

— Иссиққўлнинг ойнасидан бир парчасини хуржунга солиб олиб кетсакмикин, а? — деб ҳазиллашди Эрназар.

— Отни сулининг ўрнига ойна билан боқармининг кейин,— бо-сиқ жавоб берди Бўстон.

Кулишди. Чўпоннинг нимаси кўп — кундалик ташвиши кўп. Улар сурувларни довондан қандай олиб ўтишни аниқлаш учун боришар,

ҳали олдинда жуда қийин ва мушкулписанд иш турар, шунга қарамадан, икковларининг вақтлари чоғ, ота-боболарнинг сўқмоқ йўллари улардан ўз меҳру шафқатини дариг тутмасди. Эрназарнинг кўнгли кўтарилган — ахир, ҳар қалай, унинг айтгани юзага чиқяптику. Урушдан кейин чамаси қирк йил бу йўлдан ҳеч ким ўтмаган, улар Бўстон билан юрак ютиб шу ишга жазм этишган эди.

Тўғрисини айтганда, Эрназар фикрлашни, сўраб-суриштиришни яхши кўрадиган одамлар сирасидан эди. Ўзи ҳам кўркам, бўлаликкина, урушдан кейин охириги отлиқ қисмларда хизмат ўтаб келган эди. Орадан шунча йиллар ўтган бўлишига қарамай, ҳали ҳам азамат, чингилинг йигит эди. Гулимхон эрим кинода ўйнайдиган артист бўлиб кетишига сал қолди, деб кула-кула сўйлаб юрарди. Бир кинорежиссёр бу томонларга келиб қолиб, Эрназарни кинода ўйнашга кўндираман деб, тоза уринибди. Агар эринг Америкада яшаганда, кинода қовбой бўлиб ўйнарди, дебди. Гулимхон эса, унга: «Биламан, сизларнинг киноларингизни, бир йилкибоқарни кинога тушасан деб, олиб кетишувди, шу кетганча ҳалигача қорасини кўрсатмайди. Бир артистка бошини айлантириб қўйган экан. Мен Эрназаримга жавоб бериб бўлман». Куласизми, коласизми!

Бўстон эса кузда Кичибелдан қайтиб келсак, Эрназарнинг қўлига бирон бригадани топширишни чамаларди. Майли, ўзи мустақил ишлаб кўрсин. Энди асл чорвадор бўлди. Қачонгача ёрдамчилик қилади. Агар совхозга директор бўлганимда, ўзим билар эдим, қандай одамларни қаерга қўйишни. Лекин ҳалқ айтмоқчи, «бири кам дунё» — одам боласига доим нимадир етмайди.

Тоғлар сари борар эканлар, энди йўлларида тракторлар ва отулов минган кишилар учрамас, қишлоқ ҳамда қўтонлар онда-сонда кўзга чалиниб қолар, бу ерларда табиатнинг ҳам турқи бошқача эди: худди бегона жойларга ўхшар, теварак тумтайган ва совуқ эди. Бўстон билан Эрназар кечга томон, ҳали қуёш ботмасдан тошлок дара ичидан йўл босиб, Ола Мўнгу ёқасига етиб келдилар. Қош қораймай яна бир оз юрсалар ҳам бўлаверарди, лекин подани тонг қоронгилаб, ҳали қолдузлар ўчмай ҳайдаб келганда ҳам, кун бўйи юриб тоғларда бундан ортиқ масофа босиб бўлмаслигини ҳисоблаб чиқдилар-да, даранинг доvon бошланадиган шу ерида тунашга қарор қилдилар. Чорвадорлар доvonга чиқиш олдидан тунаб қолинадиган бундай кечани шикама дейдилар. Шикамага танлаган жойлари ҳам жуда қулай эди. Музликлардан жилга шалдираб тушар ва пастга қараб шу ердан йўл олар, агар тоғ ёнасидан жой танласалар, музликлардан эсувчи совуқ изгириндан сақланар эдилар. Музликлардан эсадиган, одамнинг суюк-суюгидан ўтиб кетадиган совуқ изгирин ярим кечада бошланиб, қуёш эрталаб кўтарилгунча давом этишини чўпонлар билардилар. Сон-саноксиз чорвани музликларнинг тунги аёзидан асраш ва эрталаб янги куч билан доvon сари кўтарилиш — шикаманинг асл маъноси мана шунда эди.

Йўловчилар ерга тушиб, ҳориган отларни эгар-жабдукдан бўша-тиб, тунга ҳозирлик кўра бошладилар. Унча баланд бўлмаган қоя остидан жой топдилар — Эрназар дара ичидан, ҳов бутазорлар ўсган ерларгача бориб ўтин йиғиб келди. Ўт ёқиб, унинг атрофида уйдан олиб чиққан таомлари билан тамадди қилишди, ҳатто тунука чойнакда чой қайнатиб ичишди ва олис йўлдан сўнг ўрин тузатиб чўзилишди.

Довон остидаги тоғ ёналарида тез қоронғи тушди ва кун худди қиш киргандай бир зум ичида совуди. Ёздан қишга ўтиш учун отда бир кун йўл юриш кифоя қилди. Ола Мўнгу музликларидан изгирин эсди. Ахир мангу музликлар қўл узатса етадигандай яқин эди. Бўстон қайсидир газетада ўқиган эди, бу музликлар миллион йиллардан бери мавжуд, водийлардаги ҳаёт уларга боғлиқ, музликлар аста-секин эриб, жилғалар ва дарёларни тўлдиради, пастликлардаги барча дов-дарахт, ўт-ўланга жон ато этади, далаларда экин-тикинни яшнатади, табиатдаги ҳамма нарсалар мана шундай донолик билан яратилган.

— Эрназар,— деди ухлаш олдидан Бўстон,— совукни кара-я! Суяк-суягингдан ўтиб кетади-я! Яхшиям, пўстинларимизни олган эканмиз.

— Пўстинни айтасиз,— жавоб берди Эрназар.— Илгариги вақтларда дуо ўқиб жон сақлашган, уни доvon дуоси дейишган. Эсингизда борми?

— Йўк, эсимда йўк.

— Менинг эсимда қолган, бобомиз айтиб берган эди.

— Қани, ўқи-чи.

— Э, мен ўтган-бўтган биламан, холос.

— Ишқилиб, билар экансан-ку. Қани бошла!

— Хўп, майли. Мен айтиб турай, сиз такрорланг. Эшитяпсизми, қани, сиз ҳам айтаверинг: «Ё яхималак, осмоннинг Ҳоқими кўк Тангри муз доvon узра йўлимизни енгил қилгайсан. Чорваимизни қора изгиринга гирифтормиз эмагайсан, бунинг ўрнига осмондаги қора кузгунни олгайсан. Бола-чақамизни совуқ нафасинг билан қотириб қўймагайсан, бунинг ўрнига осмондаги ҳаққушни олгайсан. Отларимизнинг айилларини қаттиқроқ тортиб боғлагаймиз, кўтосларга ортган кўч-кўронимизни маҳкамроқ жойлагаймиз ва сенга тавоф қилиб айтгаймиз, йўлимизни боғлама, бизни доvonдан кўм-кўк ўтлоқлар, муздай булоқларга ўтказиб қўй, бизнинг ушбу сўзларимизни қабул эт...»Менимча, шундай эди. Уёғи эсимда йўк...

— Аттанг...

— Нимасига ачинасиз? Ҳозир бунақа дуолар ҳеч кимга керак эмас. Энди мактабларда буларни қолоқлик ва жаҳолат деб ўргатишади. Қаранг, ахир, коинотга одам учяпти дейишади.

— Коинотнинг бунга нима алоқаси бор? Нима, осмонга учган бўлсак, аввалги ота-боболарнинг сўзларини унутишимиз керакми?

Кўкка чиқаётганларнинг сони бармоқ билан санарли, сиз ердагилар қанчадан-қанчамиз, қанчадан-қанчамиз ерда тириклик қиламиз? Ота-боболаримиз ерда яшашган, уларнинг тирикчилиги ер билан бўлган, осмонда нима бор бизга? Ким учса учаверсин. Ҳар ким ўз ишини қилсин.

— Айтишга осон, Бўске. Бизнинг парторгимиз Қўчқорбоевга ўхшаганлар ҳар майлисида эскидан қолган нарсаларни сўкканлари сўккан. Тўй қилишни билмайсизлар, нега тўйларда ўпишмайсизлар, нима учун келин бола қайнанаси билан танса тушмайди? — дейишади. Ҳатто болаларингизга тузукрок от қўёлмайсизлар, деб дағдаға қилишади. Янги тасдиқланган исмлар рўйхати бор эмиш. Ҳамма эски номларни ўзгартириш керак эмиш. Қўйинг-чи, ҳатто ўлини қандай кўмишгача аралашади, ундок қилинлар, бундок қилинлар, ундок йиғламанлар, мундок ош тортманлар. Ҳатто қандай йиғлаш кераклигигача кўрсатиб беради; эскича йиғламанлар, янгича йиғланлар, дейди.

— Биламан, Эрناзар ҳаммасини. Билмай ўлибманми? Москвага борсам, кузда мени кўргазмага жўнатишмоқчи, гапнинг очиги, Марказқўмга кириб айтаман: бизга Қўчқорбоевга ўхшаганлар ростдан ҳам керакми ёки бу пешонамизга битган шўрми? Ҳеч нарса демаганингда ҳам, сал нарсага ҳикилдоингдан олади, сен партиёга қаршисан, дейди. Ўзини партиё деб билганига ўласанми? Яна ҳеч ким унга миқ этиб оғиз очмайди. Ана, одамларимиз қандай. Ҳатто директоримиз ҳам ўзини четга олади. Э, қўйсанг-чи, уни! Ёмони шундаки, Қўчқорбоевга ўхшаганлар бошқа ерларда ҳам тикилиб ётибди...Ке, энди ухлайлик, Эрназар. Ахир эртага кун оғир бўлади...

Икки чўпон улуғ Ола Мўнгу муз довони остидаги дарада ундан-мундан гаплашиб ётиб ухлаб қолдилар. Юлдузлар ҳаммаси, битта қолмай сим-сиёҳ осмон бағрида тоғлар узра бодраб-бодраб чикдилар, чўнглиги худди муштдай-муштдай келади-я, лекин нимагадир ерга қулаб тушмайди, деб ажабланарди Бўстон. Дона-дона юлдузлар фалакда осилиб туришар, тинимсиз жимирлар, им қоқар, совуқ шамол тошлар оралаб кутуриб чийилларди...Шамоллар илоҳига доим жой етмайди...У доим недандир норози ва доим неларнидир ўз бағрида яширади...

* * *

Бўстон фиғон кўтариб улиган бўриларнинг овозларини тинглаб, шу тобгача бошидан нимаики кечирган бўлса, барини эслаб ётган ўша машъум кечада ҳам шиддатли совуқ шамол чийиллаб, хуштак чалиб дераза ёруқларидан уйга ёриб кирарди. У ўтган кунларни яна бир-бир хаёлидан кечирар, юрагини тубан кишилар то-

монидан еткизилган озор ўртарди. О, бу юзсизлик! Улар ҳатто бировларнинг бахтсизликларини ҳам масхара ва майнавозчилик, тухмат манбаига айлантирадилар. О нечоғлик кучли бу кўҳна дунёдан қолган юзсизлик! Истаган одамга азоб беришлари, истаган одамни — чўпондан тортиб подшоҳгача — руҳий қийноқ чоҳига ташлашлари мумкин. Юраги адоқсиз махзун ўйлардан гоҳо шунчалар ҳам сиқилиб кетардики, бу кеча яна пайдо бўлиб ув солаётган бўриларнинг фарёдлари Бўстонга ўз мустар кўкрагидан отилиб чиқаётгандай туюларди. Назарида бўрилар эмас, унинг ўртаниб куйган дили кўралар ортида тун қоронғилигида ноумид кезаётгандай, кўзёш тўкавериб аламдан кўр бўлган дили Акбара билан бирга нола-афгон қилаётган, уввос солиб йиғлаётгандай эди. Бўрининг бу ноласига инсон тоқати етмасди, уни қандай бўлмасин, бўғиб, ўлдириб ташлагиси келарди. «Тоза оҳанига олди! Хўп, нима қилай ахир? Мендан, ахир, нима истайсан? — тажанг бўларди Бўстон. — Сенга ёрдам бериш қўлимдан келмади. Мен ҳаракат қилиб кўрдим, лекин ҳеч иш чиқмади, ишон менга, Акбара. Бўлди, бошқа увлама! Йўқ бу ерда сенинг болаларинг, йўқ, юз чақирим наридан ҳам тополмайсан қидириб. Болаларингни пуллаб, ичишди. Энди ҳеч қачон уларни тополмайсан! Бас кил энди! Қачонгача бизни қийнайсан? Кет, кет, Акбара! Унут энди барини. Биламан, сенга оғир, лекин кет энди, йўқол кўзимдан, худо кўрсатмасин, менга асло йўлиқа кўрма, сен шўрликни отиб ташлайман, ҳеч нарсага қараб ўтирмайман, отиб ташлайман, чунки ҳоли-жонимга қўймайсан, мени мажбур қилма, сенсиз ҳам юрагимга қил сиғмайди, сени-ку ўлдираман, лекин анов менинг шўрим устидан масхаралаб, қулиб юрганларни нима қилайин, ахир, жилла қурса, сен нари тур, сен йўқол кўзимдан, бошқа ҳеч қачон, ҳеч қачон нолангни эшитмай! Онаизоримнинг номига қасам ичаманки, яна баъзи бировларни ҳам ҳеч қараб ўтирмай отиб ташлаган, қўлим асло қалтирамаган бўларди. Сенинг ҳам, менинг ҳам душманимиз битта — у, Акбара, сенинг болаларингни ўғирлади, мени эса бу бадмаст махлуқ ҳаром тили билан шарманда қиляпти. Шуни ўйласам, ўшанда музлик қаъридан тирнок-қўлларим кўчиб, шилиниб Эрназарни қидирганларим, тўхтовсиз чақирганларим, ёлғиз ўзим қолиб, бераҳм тоғларда йиғлаганларимда қандай жондан тўйган бўлсам, ҳозир ҳам шундай жонимдан тўйиб кетаман, сира яшагим келмайди. Агар манови кичкинтойни демасам, яшамасдим, ҳам, тупурардим ҳаммасига. Мана, онаси олдимга олиб келиб қўйган, ёнимда эркаланиб ухлаб ётибди. Рост хотин киши бўри увилласа кўрқади, мурғак гўдак эса маъсум ва соф, беғуноҳ уйқуга чўмган, у менинг азобуқубатларим эвазига, барча бошдан кечирганларим эвазига дунёга келган, у менинг жоним ва қоним, мендан охирги ёдгор. Лекин ахир, мен бу қисматни тилаб олганим йўқ, унинг ўзи кириб келди ҳаётимга худди тонг отгандай, қун ботгандай, қадимгилар тўғри

айтишган экан, тақдирдан қочиб кутулиб бўлмади деб. Анов аблах Бозорбой эса бошимга ифлос тухматлар ёғдириб юрибди, ҳеч инсофга келадиган эмас, менга қолса, уни бўғиб ўлдирган бўлардим. Бошқа иш қуриб қолгандай парторг ҳам биринчилар қаторида бу арокхўрнинг гапига уяпти, баракалла-баракалла деб турибди, кичкинанинг ризқини қиймоқчи... Мен тушунмасам, сени ким тушунади. Акбара!» Уша кеча Бўстон уйқусизликдан азоб чекиб, ана шуларни ўйлаб ётарди. Лекин шунчалар ақли, меҳрибонлиги билан ҳам барибир у Акбара бошига тушган бахтсизликни тўла-тўқис кўз ўнгига келтиролмасди. Майли, гарчи Акбара тилсиз-забонсиз эди, лекин унинг тил билан ифодалаб бўлмас қийноқлари бор эди. У вужуди хирмонини ёққан ана шу азоблардан ҳеч қутулолмасди. Ахир, ўз терисидан ташқарига чиқиб кетолмайди-ку? Ахир, тоғ-тошларда, сув босган қайирларда Тошчайнарни орқасидан тўхтовсиз эргаштирганча тиним билмай, ҳеч қандай мақсадсиз изғиб юрмаяптими ўзини буткул ҳолдан тойдириш, оёқдан қолиш, ётиб ўлиб қўя қолиш қасдида? Юрагидаги алам ҳовурини босмоқчи бўлиб, Тошчайнар билан бирга йўлида ким дуч келса, шунга қутуриб ташланмадими? Камар ичидаги инига алақандай умид билан неча-неча бор қайтиб бормадими? Совук, бўм-бўш инни кўриб умидлари сўнмадими неча-неча бор? Қанча-қанча тушларига алданмадими?..

У, қанчалар оғир бу! Уша кеча Акбара атроф ерларда боши оғанча дайдиб юраркан, бирдан, кутилмаганда, худди бир зарур иши чиқиб қолгандай, шартта Бошат дарасига бурилиб, елдай учиб кетди. Тошчайнар ҳам одатига кўра ундан бир қадам орқада қолмай чопиб борди. Акбара эса борган сари тезроқ югурар, худди қанот чиқаргандай тоғу тош, ўру қир, чангалзорлар оша телбаланиб учарди. Ниҳоят, таниш сўқмоқ, таниш камар, таниш зиркзордан ўтиб, инига етиб келди, ин ҳамон совук, ҳамон бўм-бўш, хувиллаб ётарди. Акбара болаларининг иси қолган ҳамма ҳамма нарсаларни, ҳамма бурчакларни яна бирма-бир искаб чикди ва яна юраги эзилиб, аламига чидолмай дод деб юборди, ингради, йиғлади, увлади: «Қани, менинг бўлтуруқларим? Қанисиз, эй ширин-шакар болажонларим? Кошқийди, сиз вояга етсангиз, тишларингиз чикса, менинг ёнимда юрсангиз, қанчалар танимга мадор, жонимга жон, оёғимга қувват бўлар эдингиз, болажонларим».

Акбара ҳалигача шиша оғзидан бадбўй ҳид таралиб ётган, қушлар чўкиб, қолган-қутган сули доналари музлаб ерга ёпишган жилга бўйида ўзини телбаларча у ёқдан-бу ёққа уради...

Сўнг у яна инига қайтди, тумшугини човига тикиб чўзилди. Тошчайнар ёнида қалин, ўсиқ жунлари билан уни иситиб ётди.

Тун кирган эди. Акбаранинг тушига болалари кирди, улар инда Акбаранинг биқинига ўраниб ётишарди. Улар энтак-тентак бўлишиб эмчакларини тортқилашарди. Қачондан бери эмизсам, дейди, сутга тўлиб, тирсиллаб кетди эмчаклари, оғрийди, сирқирайди... Бўлту-

руқлар сут кўплигидан тамшаниб, чапиллатиб, маза қилиб эмишар, бўри вужуди худди эриб кетаётгандай ҳузурланарди, фақат нима учундир сути ҳеч камаймасди...Бўри бундан хавотирланарди: нега ундай бўляпти, нега эмчаклари бўшамаёпти, бўлтуруқлари нега ҳеч тўймаёпти? Лекин ҳар қалай, тўртала боласи ҳам ёнида-ку, ана улар — мановиниси думи оқ, у ҳаммасидан шўхрок, уновиниси эмгани эмган, эмчакни оғзидан кўймади ва шу кўйи ухлаб қолади, учинчиси эса уришқок ва йиғлоқ, тўртинчиси — қиз, у жуда ҳам ширин, кўзлари кўк. Кейин бориб, Акбаранинг худди ўзи бўлади...Кейин Акбара тушида ўзини улуғ чўл Мўйинқумда учиб кетаётганлигини кўрди, унинг оёқлари ерга тегмайди, ёнида тўртала боласи, улар ҳам учиб боришяпти, шундоқ ёнларида эса Тошчайнар катта-катта ҳатлаб сакраётибди. Кўкда қуёш чарақлаётир, сарин шабада елади, нақ ҳаётнинг ўзидай...

Шунда Акбара уйғониб кетди ва анчагача дунёнинг шафқатсизлигидан эзилиб, қимирламай ётди. Сўнг ғоятда эҳтиёткорлик билан ташқарига чиқди. Ҳатто Тошчайнар билмай қолди. Ташқарига чиққанда биринчи кўрган нарсаси — қор босган тоғлар узра ой кўтарилган эди. Мусаффо кеча осмонида ой шу қадар яқин кўринар, шу қадар ярақлаб ётардики, унга чопиб етиб олса бўладигандай эди. Акбара чулдираб кўшиғини айтиб чопаётган жилға бўйига келди, бошини солинтириб, сув бўйида маҳзун айланиб юрди, кейин думини ерга тўшаб ўтирди, ой баркашига узок-узок термилди. Шу кеча Акбара ойда макон қурган бўрилар илоҳи Бўри Онани яққол кўрди, илгари ҳеч қачон бундай бўлмаган эди. Унинг ой юзидаги хира сояси баайни Акбаранинг ўзгинаси эди. Қашқир худоси Бўри Она ойда думини бир ёққа ташлаб, жағларини катта очиб ўтирарди. Акбаранинг наздида ой бўриси унга тикилиб, уни тинглаётгандай эди. Шунда Акбара бошини баланд кўтариб, ўз Илоҳасига йиғлаб нола қилди, унинг комидан оппоқ нафас отилиб чиқди: «Ё бўрилар худоси Бўри Она, ўзинг кўр ҳолимни, совуқ тоғларда толеи шўр ва забун бўлиб ўтирган мен Акбарангман! Ҳолим ёмон бўлди! Фарёдларим қулоғингга етиб боряптими? Аччиқ-аччиқ кўзёш тўққанларим, нолаларимни эшитяпсанми? Ичим оғриқдан ёниб кетяпти, эмчакларим сутга тўлди, кимни эмизаман энди, кимни боқаман энди? Болаларимдан айрилиб қолдим. Ў, қани ахир улар? Нима бўлди уларга? Бу ёққа туш, Бўри Она, ёнимга туш, ёлвораман, қўшилишиб йиғлайлик, қўшилишиб нола қилайлик. Ў, ёнимга, туш, туша, қол, сени ўзим туғилган юртга бошлаб борайин, бўриларга яшаш учун жой қолмаган чўлларимни кўрсатайин. Ў, туш, мана шу тошлоқ тоғларга туш, бу ерларда ҳам энди бизга жой йўқ, бизга ўзи ҳеч қайда бошпана қолмади шекилли...Агар тушмайдиган бўлсанг, ё Бўри Она, унда мен афтодани, болаларидан жудо Акбарангни ўз ёнингга ол. Сен билан бирга, майли, ойда кун кечирайин, сен билан бирга ватанимиз — ерни соғиниб йиғлашайин. Ў, Бўри Она-а-а,

мени эшитяпсанми-и-и? Кулок сол, кулок сол, кулок сол менга Бўри Она, нодаларимга кулок сол!»

Совуқ тоғлар кучоғида ўша кеча Акбара ойга шуларни айтиб йиғлар, нола қилар, тинмай ув тортарди...

* * *

Довонда шикама кечаси тугаб, тонг отганда биринчи бўлиб Эр-назар ўрнидан турди ва пўстинига ўраниб, тушовлик отларга қаради.

— Совуқми? — деб сўради Бўстон пўстин тагидан хавфсираб қараганча, қайтиб келган Эрназардан...

— Бу ерда ўзи доим шунақа,— жавоб қилди Эрназар.— Ҳозир совуқ, лекин офтоб чиқиши билан дарров исиб кетади.— У жун ёпинчик устига ёнбошлади.

Ҳали вақт эрта эди, ушбу соат ҳали тоғлар ғира-шира эди.

— Отлар қалай?

— Жойида.

— Менимча, подани олиб чиққанда, кечасига мана шу ерда чодир курсак бўларкан, ҳар ҳолда совуқдан пана-да.

— Нега қурмайлик, курамыз,— рози бўлди Эрназар.— Бир пастда ўрнатамиз. Ишқилиб, йўл қилиб олсак, бас. Қолгани ўзимизга боғлик.

Офтоб чиқиб, тоғларда чиндан кун илиди. Атроф ёришиб, аёзнинг дами қайтгач, улар отларни эгарладилар.

Бўстон отга ўтирмасдан олдин яна атрофга назар ташлади, те-варакни ўраган учурумлар ва баҳайбат қояларга кўз югуртирди. Улар ваҳший ва юсак эдилар, инсон боласи улар қаршисида тир-ноқча ҳам кўринмасди. Улар шу тоғларга қасдма-қасд иш қилмоқ-да эдилар. «Довондан кўркмаймиз,— деб ўйлади Бўстон,— гап ҳаёт устида боряпти. Гап ҳаёт устида борганда, одамни ҳеч нарса кўрки-толмайди,— у истаган жойдан — денгиздан, ер тагидан, осмондан йўл топади. Биз ҳам ўз йўлимизни топиб оламиз».

Бошламасига улар четига катта тошлар суриб қўйилган кўхна сўқмокни топдилар ва у довондан қандай ўтиб боришини тасав-вур қилиб кўрдилар. Довон йўли икки баланд чўкки ўртасидаги қор босган ўрқачдан ўтар экан. Ўша ёққа қараб йўл олишди. Ўрқач ортида, чамаси, Ола Мўнгу тизмасининг нариги ёғига тушиш бош-ланарди. Кичибел яйлови ўша ёқда. Қарияларнинг айтишларига қараганда, у ерда қайин ўрмонзор ўсиб ётади ва айқириб тоғ дарёси оқади. Табиат ўз муқаддас жойларини одатда мана шундай овлоқ ерларга яширади ва уларга етиб боришни мушкул қилиб қўяди. Лекин тирикчилик экан, одам боласи уринмаса, бўлмайди — унинг ердан бошқа яшайдиган жойи йўк...

Сўқмок борган сари тик ўрларди. Қор босган ерларга кўта-

рилганларида отларнинг юриши қийинлашди — ичкарилаб борганлари сайин қор баттар қалинлашарди. Офтоб чарақлаб турар, изғирин тўхтаган, шу қадар жимжит эдики, отларнинг ҳансираб нафас олишлари ўз нафасларидай эшитиларди.

— Ҳа, қалай? — орқасига қайрилиб сўради Бўстон Эрназардан. — Агар қор қўйларнинг қорнидан юқори бўлса, мазамизни қочиради. Нима дединг?

— Шундай бўлиши ҳам керак ўзи, Бўске, кетаётган жойимизни кўринг! Лекин қийин ер ишқилиб, узок чўзилмасин-да. Нари борса, қўйлар ўтадиган сўкмоқ очамиз, у ер-бу ерда қор тепкилаймиз.

— Мен ҳам шуни ўйлаб турувдим. Белкурак олволишимиз керак экан. Эсингдан чиқмасин, Эрназар, белкурак олиб келишимиз зарур.

Қор отларнинг тиззасидан юқори, келгач, чўпонлар ерга тушиб, уларни етаклаб бордилар. Ҳаво етишмай қўйди, оғизлари билан нафас олишди. Оппоқ қор кўзни қамаштирар — ҳозир ҳамма кўчада тақиб юрадиган қора кўзойнак асқотиб қолди. Отлар ҳарс-ҳарс нафас олар, қора терга ботган, бўксалари кўтарилиб-кўтарилиб тушарди. Бахтларига ўша баланд ўрқачгача унчалик олис эмасди...

Офтоб бир-бирларига айқашиб кетган, абадий тош қотган қорли тоғ чўққилари узра тиккага келганди. Йўлларида ёйилган бир қанча тўп булутларни айтмаса, ҳеч нарса ҳавонинг ўзгаришидан дарак бермасди. Улар оралаб, яна ҳам тўғрироғи, улар устида худди пахтани босиб ўтгандай ўтиб бориш мумкин эди. Ҳозир Иссиқкўл бўйларида ҳавонинг исиб кетгани, дам олувчилар ҳатто соҳилдаги қумлоқларда ўзларини офтобга тутиб ётганликларига ишониш қийин эди.

Ҳали яна ярим қақиримча йўл босишлари керак. Айтинг-айтинг, ишқилиб, довоннинг нарёғида ишнинг пачаваси чиқмасин-да, деб ҳадиксирашарди улар...

Ниҳоят, довондан ўтдилар. Бўстон билан Эрназар нафас ростлагани тўхтадилар. Улар қаро терга ботгандилар. Ҳарсиллаб нафас олишарди. Отлар ҳам ҳолдан тойган эди. Улар чиқиб келган йўлларига қувониб, мамнун бўлиб қарашарди.

— Ана, бўлди, Бўске, — деди кулиб Эрназар. Унинг кўзлари бахтиёрликдан чарақларди. — Подани олиб ўтса бўлади бу ердан. Ҳаво очик турса, бас.

— Ҳамма гап шунда-да. Кун очик бўлиши керак.

— Сиз билан икки ярим соат юриб келдик, — деди Эрназар соатига қараб. — Унча кўп эмас, а, тўғрими?

— Қўй ҳайдаганда уч соат юрилади, — деб қўшилди Бўстон, — балки кўпроқ юрилса ҳам керак. Лекин энг муҳими, довондан ўтиш мумкин экан, шунга ишондик. Қани, юридик. Ҳўв анави ердан менимча, тушув бошланади. Балки Кичибел ҳам кўриниб қолар. У ёқда ҳаммаёқ ям-яшил кўқариб ётгандир ҳозир...

Икков яна илгарилаб кетдилар. Атрофда текис, тоза қор кўрпаси тўшалган, баъзи ерларда шамол қорларни қуюнда уюб, буюғ ясаб, тепа қилиб ташлаган, улар офтобда ярқирайди. Лекин олдинда аллақайда қорлик дунё тугаб, бутунлай янги олам бошланишидан нималардир дарак бериб турарди. Икковлари тезроқ ўша томонга ўтиш, орзу қилган жойларини кўришга ошиқардилар. Улар икки тоғ ўртасидаги ўркачдан ўтиб боришар, яна озгина юрсалар, мақсадга етадигандай эдилар. Бўстон отини етаклаганча қор тепкилаб олдинда борар, шунда бирдан оёғининг тагида алланима қалтираб кетгандай туюлди. Орқа томондан қичқирган товуш эшитилди.

Бўстон дафъатан ўгирилиб қаради ва анқайиб қолди: Эрناзар кўздан ғойиб бўлган, қайгадир тушиб кетган эди. На ўзи бор, на оти. Факат у ҳозиргина қадам ташлаган жойда қор тўзонланиб турарди.

— Эрназар!— ваҳимали қичқирди Бўстон ва ўз қичқирғидан ўзи кўркиб кетди. Унинг товуши тоғларнинг ўлик сукунатида гулдураб акс садо берди.

Бўстон қор тўзиб турган ерга ўзини отди ва базўр ўзини ушлаб қолди, ўзини қандайдир ғайритабиий куч билан орқага олди. Унинг олдида тубсиз ўпқон очилди. Ўпқон қорайиб ётар, ундан абадий совук нафас уфурарди. Шунда Бўстон қорга қорни билан ётди-да, нима бўлганини ақлига сиғдиролмай, тўғрироғи, бунга асло ишонмай, қаър четига суриниб келди. Унинг бутун вужуди, бутун фикру хаёли кўрқинчга айланди, шу кўрқинч танасини бутунлай қарахт қилиб қўйди. Шунга қарамай, Бўстон судралганча сурилиб борар, ўзи тушунмаган алланима кучига куч қўшар, нафас олишга кўмаклашарди. Бўстон тирсакларига тираниб, юзига ёпишаётган қорларни сидириб, суринарди. Ниҳоят, у қор таги кўк муз эканлигини тушунди. Шунда у қор тагида кўмилиб ётадиган ёриклар ва ўйилган ерлар, уларга тушиб кетган йилқилар ҳақидаги ривоятларни эслади, «ер ютқур», «жар ёкага кет!» деган қарғишлар эсига тушди. Лекин нима учун Эрназар, Эрназаргина эмас, унинг ўзи ҳам бу балогоа гирифтор бўлдилар?

Ҳеч нарсасага қаноат қилмади, доим кўзига оз кўринди, ношукурчилик оқибати эмасмикин бу?.. Бундай кулфатга дучор бўлишини билганда-ку...

Бўстон тоғ ёриғигача судралаиб келди. Унинг кўз ўнгида таги-туғи йўқ қаър қорайиб ётарди. Тубсиз жар ёқалари худди шар-шар йиртилиб кетгандай эди. У даҳшатдан титраб кетди.

— Эрназар,— оҳиста пичирлади Бўстон, бир зум ичида унинг томоғи қакраб кетганди, кейин ваҳшиёна ҳирқираган товуш билан бақирди:— Эрназар, қайдасан? Эрназар! Эрназар! Эрназар!

У жим бўлди. Шунда назарида қаър ичидан билинар-билинемас инграган бир овоз эшитилгандай туюлди: «Яқинлашманг». Бўстон шунда фарёд кўтарди:

— Эрназар! Жигарим! Мен ҳозир! Ҳозир! Сабр қил! Ҳозир сени тортиб оламан!

У жарга кулай-кулай деб, ўзини ортга отди. Бориб отнинг жиловларини сидириб торта бошлади. Улар ўзлари билан Эрناзарнинг эгарига маҳкамлаб аркон ҳамда болта ола келган, лекин энди бу нарсалар жарга қулаган от билан бирга кетган эди. Бўстон пичоғини кинидан суғурди, тери тасмалар — нўхта, қуйишқон, тизгин, узанги, жилов борми ҳаммасини кесиб чиқиб, сўнг битта қилиб, узунасига маҳкамлаб боғлади. Қўлини кесиб олди. Дағ-дағ қалтирарди. Яна қаър ёқасига сирғалиб борди, кўзига ҳеч нарса кўринмас, йўлга қарамас, талваса ичида титраб нафас олар, худди бирдан жон таслим этадигандай, Эрназарни кутқаролмай қоладигандай кўрқар, жоникарди.

— Эрназар! Эрназар!— товуш берарди у.— Мана аркон! Аркон бор! Эшитяпсанми, аркон бор! Эшитяпсанми! Эрназар! Жигарим, овоз бер!

У абзалдан кесиб ясаган арконнинг бир учини муштига боғлади-да, иккинчи учини жарга туширди. Лекин ҳеч ким арконни тутмади, ҳеч ким унинг чақирганига садо бермади. Қаър қанчалар чуқур — у билмасди. Аркон қанча жойгача тушди — у беҳабар эди.

— Овоз бер, Эрназар! Овоз бер! Қайдасан, Эрназар! Жигарим!— тинмай чақирарди Бўстон. Лекин қоронғи қаър тубидан унинг ўз овозигина акс садо бериб қайтарди. Бўстоннинг эти жунжикиб кетди.— Қайдасан, Эрназар!— бўзларди Бўстон.— Эшитяпсанми, Эрназар! Мен нима қилай, ахир?— Шундан сўнг у ўзини тутолмай ўқириб йиғлаб юборди. Тинмасдан узук-юлуқ алланарсалар деб бақирарди. У аллақачонлар фронтда ҳалок бўлган отаси, неча йиллар бурун ўлиб кетган онасига, болалари, ака-укалари, опаларига ва айниқса, хотини Орзигулга жон-жаҳди билан ялиниб-ёлворарди. Йўқ, у рўй берган бу фалокатни ҳеч ақлига сиғдирилмасди... Ҳалок бўлди, ҳалок бўлди Эрназар! Энди уни ҳеч ким ва ҳеч нарса юпатоқмас, аламли юрагига таскин беролмасди... Энди у ҳасратдан бир умр халос бўлолмайди... Шунда Бўстон ҳайкирик солди: «Сен ахир бизнинг дуола-рмизни эшитмовдингми?! Нима қилиб қўйдинг, ахир? Ким бўлдинг сен шундан кейин?»— У бу сўзларни кимга ва нимага қарата айтаётганлигини ўзи ҳам билмасди.

Ўрнидан гандирақлаб турди, қоронғу тушаётганлигини сезди, доводда ҳаво айниётганлигини англади. Қаердандир булутлар пайдо бўлди, кечки изғирик турди. Лекин нима қилиш керак ахир? Қаерга борсин? Сўқмоқда ўз ҳолига қўйилган от кетиб қолган — отнинг пастга қараб эниб бораётганини у кўрган, лекин орқасидан етиб олишга иложсиз эди. Бироқ эгар-жабдуқдан тортиб, нўхтаю жиловигача кесиб олинган отдан нима ҳам наф бор? Бўстон азбаройи фиғони чиқиб, кирда ётган эгарни бир тепди. У Ола Мўнгу доводнида мангу музликлар устида, олайган қоялар орасида қорайиб, бўрсиниб кетган ҳолда бошьяланг (телпаги боя ўрга тушиб кетган эди) ҳар томонга аланглаб ёлғиз ўзи қолган эди. Довонда эсаётган изғирин шамол

унинг шусиз ҳам ларзага тушган дилини баттар эзарди. Қаёкка борсин энди, нима қилсин? Ҳаммаси қандай яхши бошланиб келаётган эди-я? Қайдан чиқа қолди оёқнинг тагидан бу ўпқон? У ўзининг изларини кўриб чиқди ва Эрназар бутунлай тасодиф туфайли ёриққа тушиб кетганлигига амин бўлди. Унинг ўзи жар ёқасидан бир ярим қадамча наридан ўтган эди. Эрназар шўринг кургур ўнрокдан юриб келаётган экан. Қор тагида яшириниб ётган тоғ ёригига оти-поти билан кўз очиб-юмгунча кулаб тушган.

Дўстига ёрдам берай деса, кўлидан ҳеч нарса келмайди. Лекин бунга кўниб ҳам кетолмайди. Бирдан Бўстон ўйланиб қолди: балки Эрназар ҳали тирикдир, балки фақат ҳушини йўқотиб қўйгандир — уни совукда қотиб қолмасидан иложи борица тезроқ туз жардан чиқариб олиш керак. Ушанда балки уни қутқариб қолиш мумкиндир. У пўстинни қорга улоқтирди ва гарчи бу ерлардан югуриш ғоятда қийин бўлса ҳам, пастга томон чошиб кетди. Совхозни рўй берган фалокатдан имкон қадар тез хабардор қилмоқ керак, деб ўйларди у, шунда улар турли асбобу усқуналар билан одамларни ёрдамга юбордилар. Унинг ўзи чирок билан арқонда Эрназар ётган жойгача тушади, уни албатта, қутқаради.

У неча марта йиқилиб, турди. «Ишқилиб, оёғимни синдирмасам, бас»,— деб ўйларди ҳар сафар хавотирланиб. Сўнг ўрнидан яна турар ва қадамни жадаллатарди.

Бўстон салт отини қувиб етишдан ҳам умидвор эди. Ҳаво дам сайин ўзгариб, айниб бормоқда эди. Қор учқунлай бошлади. Лекин Бўстон бундан ташвишланмасди. Довонда қор қуюн қутурганда ҳам, пастда ҳеч нарса ёғмаслигини у биларди. Фақат Эрназар нима бўлади, деб даҳшатга тушарди. Агар тирик бўлса, қутқарувчилар келгунча чидармикин? Тезроқ, тезроқ,— тинмай миясига нуқирди у. Хуфтон қоронғилиги қуюқлашиб борар, қоронғуда тез юриб бўлмайди, деб юрагига ваҳима тушарди унинг.

Бўстон отни барибир қувиб етолмади. Эркинликни хис этиб, саман от қадрдон ерлар томон жадаллаб кетган эди.

Ўзига таниш тоғ ёнalarидан Бўстон тик пастга, йўлни анча қисқартириб тушиб борарди. У не-не ўтлоқлар, ўр-жарлардан ўтар, лекин булар уни ҳоритмас, уни оғир ўйлар тинмай эзар, бир дам ҳам қўймасди. Бошида Эрназарни қутқариш ҳақида турли-туман режалар гувилларди. Дам довондан кетмаслигим, Эрназарни шу ҳолда ёлғиз қолдирмаслигим керак эди, деб ўйлар, майлиди, мени ҳам қуюн кўмиб кетса, дерди. Дам мангу музлик ва совук, зулмат қаърида ўлим талвасасида инграб ётган Эрназарни кўз ўнгига келтирарди. Тоғ устида эса қорбўрон қуюн ясаб қаҳрли айланади. Эрназарнинг оиласи, хотини, болаларига нима дейди? Шуни кўз олдига келтираркан, у кўксини пора-пара қилиб йиртиб ташлагиси келар, эсдан оғиб қолаётганга ўхшарди.

Лекин ҳаёт фақат кулфат ва омадсизликдан иборат эмас. Толе

шу тобда унга андаккина кулиб ҳам боқди. Ўша куни тоғликларда бир чўпон тўй бермоқда эди. Таътилга келган студент ўғлини уйлантираётган эди. Меҳмонлар узок ўтиришди. Энг охиргилари ярим кечадан оғанда, юк машинада қайтишмоқда эди. Осмонга тўлин ой кўтарилганди. Тоғ ёнбағирларида кўл салқини эсарди. Олисда, пастда Иссиқкўлнинг ойдини хира жилваланарди. Одамларнинг қўшиқ айтгилари келар, бир кўшиққа иккинчисини улаб юборардилар.

Кўшиқ товушларини эшитиб, Бўстон югурганча йўлга етиб улгурди-да, жони борича қўлини силкита кетди. Ана шу юк машинасида тунда соат иккилардан ўтганда, у «Берик» совхозига етиб келди. Юк машинаси совхоз директорининг уйи олдида тўхтади. Ит каттик акиллаб, Бўстоннинг оёғига ташланди. Итга эътибор бермай, у деразани муштлай бошлади.

- Ким бу?— хавотирли сўради овоз.
- Менман, Бўстон Ўркунчиевман.
- Нима бўлди, Бўске?
- Аҳвол чаток.

* * *

Эртасига пешинга яқин қутқарувчилар бирин-кетин тизилишиб Ола Мўнгу довони томон кўтарилиб борардилар. Бўстонни кўшиб ҳисоблаганда, улар олти киши эдилар. Машина юриши мумкин бўлган жойгача уларни везеходда олиб келиб қўйдилар. У ёғига ўзлари асбобускуналарини олиб йўлга тушдилар. Улар Бўстон изидан нафасларини сақлаб, жим, адл кўтарилардилар. Шаҳардан тез орада, мана шу соатлар ичида вертолёт келиши, уларга учта тажрибакор альпинист ёрдамга қўшилиши керак эди.

Кеча худди мана шу пайтда, худди мана шу сўкмоқдан Эрناзар икковимиз довонга ўтиб борган эдик, деб ўйларди Бўстон, бошимизга бундай фалокат тушишини хаёлимизга ҳам келтирмагандик...

Эрназар йиқилгандан сўнг бир оз вақт тирик бўлганлигини у тушунар, лекин бир кечаю бир кундуз музлик қаърида одам чидаши мумкинлигига ақл бовар қилмасди. Шундайликка шундайку-я, лекин барибир ҳеч нарсага қарамасдан у мўъжиза рўй беришига ишонгиси келарди.

Ўтган кеча бўралаган бўрондан сўнг довонни қор босган, сукут чўккан эди. Қор кўзни қамаштириб, оғритарди. Қорбўрон кечаги изларнинг барини босиб кетган, Бўстон муз ёрилган жой аниқ қаерда эканлигини кўрсатишга қийналарди. Лекин бир ёмоннинг бир яхшилиги бор дегандай, қутқарувчилардан бирови Бўстон кеча ечиб ташлаган пўстинни топди, сал ўтмай пўстиндан андак нарироқда ётган эгарга ҳам кўзлари тушди. Ана шуларга қараб, кечаси қор кўмиб ташлаганига қарамай, ўйикни аниқ мўлжаллаб топишди. Бу орада

альпинистлар ҳам келиб қолишди. Улар ўз сўзларига қараганда, олти қаватли уйча келадиган муз ўйиқ ичига тушишди...

Альпинистлар юқорига қайтиб чикиб, Эрназарни ололмаимиз, деб айтишди. Унинг ҳам, отининг ҳам лоши қалин музга ажратиб бўлмайдиган даражада ёпишиб, қотиб қолибди. Кўчириб олиш учун каттик зарб урилса, муз қатлами сурилиши, натижада, қутқарувчиларнинг ўзлари кўчки остида қолиб ҳалок бўлишлари мумкин, деб тушунтиришди альпинистлар... Бўстоннинг ўзи ўйиққа тушиб кўрсин, истаса, дўсти Эрназар билан видолашсин, дейишди альпинистлар. Ўзга чора йўқ...

Кейин узок йиллар Бўстон хотирасига ҳеч ўчмас бўлиб ўрнашиб қолган даҳшатли туш кўриб юрди. У муз жар сари арконда тушиб боряпти. Яхмакак деворларни қўлидаги фонар билан ёритади. Унинг яна бошқа фонари ҳам бор. Бирови қўлидан тушиб кетса, иккинчисини ишлатади. Бирдан назарида иккинчи фонарини йўқотиб қўйди. Қаерга ғойиб бўлди, билмайди. Бундан юраги ёмон сикилди. Кўрқди, хавотирланди. Бакиргиси келади. Лекин ваҳимали қоронғу музлик қаърига тушганча тушиб бораверди. Ниҳоят, чирок ёруғида музга тошдай ёпишиб ётган Эрназарни кўрди: Эрназар (аслида ҳам шундай эди) муккайиб ўтирибди, пўстини боши тепасига кўтарилиб қолган, юзи қонга бўялган, лабларини маҳкам қимтиган, кўзлари юмук. «Эрназар!— деб чакирди Бўстон.— Мен келдим! Қулоқ сол, мен сенга иккинчи фонарни қолдириб кетмоқчи эдим — бу ер жуда кўрқинчли ва қоронғу экан — лекин уни йўқотиб қўйдим. Тушундингми, Эрназар, йўқотдим. Лекин барибир сенга ўзимнинг фонаримни бераман. Ма, ол, бу менинг фонарим. Ол, Эрназар, илтимос қиламан!» Аммо Эрназар унинг қўлидан фонарни олмайди ва ҳеч қандай жавоб бермайди. Бўстон йиғлаб юборади. Ўқириб-ўқириб йиғлайди ва кўзёшлари шашқатор оққан қўйи уйғонади.

Кейин кун бўйи ўзига келолмай бир ҳол-бир сар бўлиб тумтайиб, ранги очилмай юради. Бу тушини у ҳеч кимга, ҳеч қачон айтмаган, Гулимхонга-ку, айникса, ҳатто унга уйлангандан кейин ҳам. Эрназар билан хайрлашгани муз ўйиғига тушгани ҳақида ҳам унинг оила аъзоларидан ҳеч кимсага оғиз очмаган.

Довондан уйга қайтганда, ҳамма рўй берган фалокатдан хабар топган эди. Бўстон учун ғамдан адоий тамом бўлган, кўзёши дарё Гулимхонни кўришдан ҳам оғирроғи йўқ эди. Довонда ўлиб кета қолсам ва яна неча минг марта ўша муз қаърига тушсам, барини қайта бошдан кечирсам, бундан кўра осонроқ эди, деб ўйларди у. Эрининг ҳалокатига Гулимхон ҳеч тоқат қилолмасди. Ишқилиб, эс-ҳушидан айрилиб қолмасайди, деб хавотир олишарди. Унинг доим бир ёққа қочиб кетгиси келарди: «Ишонмайман, ишонмайман унинг ўлганига! Қўйиб юборинглар мени! Уни ўзим топаман! Унинг олдига бораман!»

Бир куни кечаси у ростдан ҳам қочиб кетди. Бўстон куни бўйи

эзилиб, абгор бўлиб, озгина дамимни олай деб турган эди. Мана бир неча кундан бери у тузукрок ечиниб ўрнига ётолмас, таъзияга келувчиларнинг кети узилмасди. Одамлар эшитиб, бутун атроф-жавонибдан келишар, кўплар эски удум бўйича ҳали узокдан Эрназар деб айтиб йиғлашарди: «Эрназар, кардошим, жигарим, қачон энди сени кўраман?» Бўстон уларга отдан тушишларига кўмаклашар, таскин берарди... Ўша куни окшом одам бир оз товсиллади. Бўстон ўз ховлисида белигача ечиниб, устидан ёлоғида сув қуйиб ювина бошлади. Орзигул Гулимхоннинг ёнида эди. Шу кунлари у кўшнисини ёлғиз қўймасди.

— Бўстон, Бўстон, қаердасиз?— бирдан Орзигулнинг чакирганини эшитди.

— Нима бўлди?

— Чопинг тезрок, Гулимхонни олиб келинг. Қаёққадир қочиб кетди. Қизлари йиғлашяпти, мен уни ушлаб қололмадим.

Бўстон майкасини апил-тапил кийиб, елкасига ташлаган сочик билан йўл-йўлакай артингача, ҳушини йўқотиб қўйган Гулимхоннинг кетидан чопди.

Унга хийлагача етиб ололмади.

Гулимхон қия жарликдан тоғлар томонга қараб жадал кетиб борарди.

— Гулимхон, шошма, қаёққа?—чакирди уни Бўстон.

У оркасига қарамасди. Бўстон қадамини тезлатди, Гулимхон бундай аҳволда ҳозир ҳаммасини юзимга солади, Эрназарни сиз нобуд қилдингиз, деб таъна қилади, деган хаёлга борди, у баридан кўра худди мана шундан кўрқарди, бу фикр хаёлидан ўтди-ю, худди биров устидан қайнок сув қуйиб юборгандай бўлди. Ахир унинг ўзи ҳам шуни ўйлаб ич-этини емаяптими, жони алам ўтида қовурилмаяптими? Унга нима деб жавоб беради?

У ўзини оқлаб ўтирадими? Унинг баҳоналарини Гулимхон инобатга олармиди? Одамнинг қўлидан ҳеч нарса келмайдиган фоже ҳоллар бўлиши мумкинлигини унга қандай тушунтирсин? Лекин бу сўзлар ҳам малҳам бўлолмасди, бундай ҳолларда малҳам бўлоладиган, овунтирадиган сўзлар борми, ахир? Шунча ишлар бўлиб ўтиб ҳам, мана тагин тирик лошини кўтариб юрибди, буни Гулимхонга нима деб тушунтиради?

— Гулимхон, тўхта, қаёққа кетяпсан?— Бўстон ҳарсиллаганча унга етиб олди.— Тўхта, қулок сол, юр, уйга кетайлик...

Ўша окшом чоғи ҳали кун ёруғ эди, аста кириб келаётган осуда ҳуфтон гира-ширасида тоғлар аён кўзга ташланар, Гулимхон унга ўгирилиб қаради, шунда Бўстонга жувондан худди қайғу-ғам ёғилиб келаётгандай бўлиб туюлди, Гулимхон гўё шаффоф сув остидан туриб қараётгандай чехраси ўзгариб, қийшайиб кетганди. Унинг азобини кўриб Бўстон дод солай дерди, афтода ҳолидан юраги эзиларди. Кечагина гуллаб-яшнаб турмаганмиди шу жувон? Бўстон унинг эс-ҳушини йўқотиб қочиб бораётгани, устидаги ипак қўйлаги кўкраги узра

йигилиб қолгани, янгигина қора маҳсиси мотам учун кийилгандай бўлиб тургани, сочлари эса азадор хотинларники каби ўрилганига ҳеч чидай олмас, кўксини чок-чок қилиб ташлагиси келарди.

— Қаёкка, қаёкка кетяпсан, Гулимхон? — деди Бўстон ва беихтиёр унинг қўлидан ушлади.

— Мен довонга, унинг олдига бораман, — деди Гулимхон аллақандай паришон товуш билан.

Бўстон: «Э-ҳой, ақлинг ўзингдами? У ерда нима қиласан? Қандай етиб борасан? Бундай юпка кўйлақда кўз очиб-юмгунча шамдай котиб қоласан-ку?» деб уришиш ўрнига, ялиниб, ўтина бошлади.

— Ҳозир эмас. Кечаси бўлиб қолди, Гулимхон. Бошқа бир пайт борарсан. У жойни ўзим сенга кўрсатаман. Ҳозир ундай қилма. Юр, уйга. Қизлар кўрқиб йиғлашяпти, Орзигул хавотир оляпти. Бемаҳал бўлиб қолди. Юр, энди Гулимхон, илтимос.

Гулимхоннинг қадди ғам-алам юкидан дол эди. У индамасди.

— Усиз мен қандок қиламан? — ҳасрат билан шивирлади у бошини чайқаб. — Қандок қилайки, у ёлғиз қолди, қандок қилайки, уни ўраб-чирмаб, аза-мотам тутиб ерга қўёлмадим? Мозор битмаган эканми пешонасига?

Бўстон унга нима деб таскин беришни билмасди. У чўпон ёзда ҳам, кишда ҳам оёғидан кўймайдиган кирза этикда, бўйнида сочик, суяқдор елкаларига илган майкаси валангар ҳолда гуноҳкор бошини ҳам қилиб аёл қошида турарди. Бемажол, гуноҳкор, бечора. Бу жувон йўқотган нарсанинг ўрнини ҳеч нарса билан ҳеч қачон тўлдириб бўлмаслигини у тушунарди. Ва агарда унинг эрини тирилтириб, ўрнига ўзи ёта олсайди, буни бир зум ҳам ўйлаиб ўтирмай адо этган бўларди.

Улар ўз ўйларига ботиб, жим қолдилар.

— Кетдик, — Бўстон Гулимхоннинг қўлидан тутди. — Биз одамлар Эрназарни йўқлаб келадиган жойда бўлишимиз керак. Уйда бўлишимиз керак.

Гулимхон унинг елкасига бош қўйди. Ҳўлди ўз отасига ҳасратини тўкиб солаётгандай силкиниб-силкиниб йиғлаб, ич-ичидан отилиб келаётган ўкириғини босиб, нималарнидир тинимсиз хўнграб пичирларди. Бўстон уни суяб олди. Улар бирга-бирга йиғлаб, ҳасрати кўйига ботиб уйга қайтдилар. Чаппар уриб гуллаган тоғ ўт-ўланларининг ўткир муаттар исларига тўлган осуда ёз окшоми сўниб борарди. Эрназарнинг қизларини етаклаган Орзигул уларга пешвоз чиқди. Хотинлар бир-бирларини кўргач, яна кучоқлашдилар ва узок айрилиқдан сўнг топилгандай хўнг-хўнг кўзёшларини тўқдилар...

Ярим йил ўтгач, Орзигул район касалхонасида ётган, Гулимхон эса соҳил бўйидаги балиқчилар кишлоғига кўчиб кетган эди. Бўстон ўша окшомни эслади, бостириб келган ҳислардан тўлқинланиб, кўзини туман қоплади.

Бўстон палатада хотини ётган каравот ёнида ўтирар, унинг пажмурда, оқариб кетган чехрасига жони ачиб термуларди. Кузнинг илик куни эди, палатадаги бошқа беморларнинг кўпчилиги ховлида айланадиган юришарди. Шунда Орзигулнинг ўзи гап очиб қолди.

— Сизга айтадиган сўзим бор эди.— Сўзларини оҳиста чайналиб айтаркан, Орзигул эрига базўр кўзларини кўтариб қаради. Бўстон шу кеча унинг яна ҳам сарғайиб кетгани, ориқлаганини пайқади.

— Қулоғим сенда, Орзигул. Нима демокчи эдинг?— меҳрибончилик билан сўради Бўстон.

— Сиз доктор билан гаплашдингизми?

— Гаплашдим. У айтдики...

— Шошманг. Нима деган бўлса дегандир, кейин сизга шуни айтмоқчи эдимки...

Бу сўзлардан Бўстоннинг юраги орқага тортиб кетди. У кассасидан рўмолчасини чиқарди-да, тер босган манглайини артди.

— Балки ҳозир ҳожати йўқдир. Аввал тузалгин, сўнг гап бўлса қочмас.— Бўстон бўладиган гапни орқага сургиси келди. Лекин хотинининг нигоҳидан гапни қолдириб бўлмаслигини сезди.

— Ҳамма нарсанинг ўз мавруди бор,— қон қочган лабларини зўр-базўр кимирлатди бемор.— Бу ерда обдан ўйладим. Касалхонада ўйлашдан бошқа иш ҳам йўқ экан ўзи. Сиз билан яхши умр кечирдик, мен ўз тақдиримдан розиман. Худонинг қаҳрини келтириб нима қиламиз. Болалар кўрдик, уларни вояга етказиб, оёққа бостирдик. Энди ўзлари бемалол ўз ақллари билан яшайверишади. Болаларимиз ҳақида ҳали яна алоҳида гаплашармиз. Лекин сизга ачинаман, сизни кўзим қиймайди. Сиз одамлар билан яхши чиқишиб кетолмайсиз, удабурон эмассиз, ҳеч кимга ялинмайсиз, қуллуқ қилмайсиз. Ёшингиз ҳам ўтиб қолди. Мендан кейин одамлардан тортиниб, қочаверманг. Мендан кейин сўққабош, одамови бўлиб юрманг. Таъзиям ўтгандан сўнг яна нима қилишни ўйлаб кўринг. Менга қолса, ёлғиз яшашингизни истамасдим. Фарзандларингиз ўзидан ортмайди.

— Қўйсанг-чи, шу гапларни,— бўғилиб деди Бўстон.— Бошқа нарса қолмадимиз бизга?

— Йўқ, буни гаплашмай бўлмайди! Бошқа нимани ҳам айтаман? Сафар қариди ва буларни бир-биримизга айтмасак, иложи йўқ. Ўлгандан кейин гаплашмайсан-ку. Шунинг учун бу ерда термулиб ётиб сиз ни ва ўзимни ўйладим. Гулимхон олдимга пайдар-пай келиб турибди. Ўзингиз биласиз, у бизга етти ёт бегона эмас. Тақдир экан, ёш болалари билан ёлғиз қолди. Яхши аёл. Сизга маслаҳатим шу — унга уйланинг. Яна ўзингиз биласиз, сизга ўргатгулик эмас. Ҳар кимнинг гўри бошқа. Мен ўтгандан сўнг, унга шу гапимизни айтинг... Худо хоҳласа, балким, мен айтгандай чиқар. Ҳар қалай, Эрназарнинг болалари отасиз қолмайди...

Иссиққўлга келувчилар кўпинча иссиққўлликлар устидан ҳазиллашиб юришади: кўл бўйида яшаб, кўлни кўрмай ўтадилар. Бунга ҳеч

кўллари тегмайди. Мана, Бўстон ҳам не замонлардан бери кўл ёқасига энди келиб туриши. Шунгача кўлга узоқ-узоқлардан кўз кири тушган, холос.

Бу сафар кечга томон касалхонадан чикиб, тўғри сохилга йўл олди. Тоғлар орасидаги мовий ойдинлик бўйида ёлғиз айлангиси келди. Бўстон шамол кўл юзасида худди ер ҳайдагандай оппоқ тўлқинларни раван мавжлантириб қувалаб юрганлигига узоқ тикилди. Унинг кўксидан йиғи отилиб келарди. Ўзини Иссиқкўл бағрига ташлаб йўқ бўлиб кетишни истарди. Яшашни хоҳлаб-хоҳламасди... Худди мана шу мавжлар каби тўлқин қайнаганда ғойиб бўлади, сўнг яна ўз доманидан ўзи дунёга келади...

* * *

Охир-оқибат бўрилар Бўстонни холи-жонига қўймади — улар кўра атрофида тиним билмай увиллашавериб, ниҳоят, уни ётган еридан туришга мажбур қилишди. Лекин ундан бурунроқ Кенжаш уйғониб кетди. Кичкинтой уйқуси ўчиб, йиғлай бошлади. Бўстон ўғилчасини ўзига яқинроқ суриб, қучоқлаб, бағрига босиб, овутишга киришди:

— Кенжаш, ҳой, Кенжаш! Мана мен шу ерданман. Нима дейсан, тентагим? Ана, ойинг ҳам шу ерда — ана, кўряпсанми? Нима берай, айт? Чироқ ёқайми? Э, сен бунақа кўрқмагин-да. Мушуклар мовлаяпти. Мушук шунақа мовлайди.

Гулимхон ҳам уйғониб, кичкинтойни эркалаб овутишга тушди, лекин боланинг хархашаси тинмасди. Чироқни ёқишга тўғри келди.

— Гулим,— деди Бўстон эшик олдига боргач, у чироқни ёқаман деб ўрнидан турган эди.— Бориб уларни кўрқитиб қўймасам бўлмай-диганга ўхшайди. Ҳаддан ошиб кетишди.

— Соат неча бўлди?

Бўстон соатига қаради.

— Йигирмата кам уч.

— Ана кўрдингизми,— норози бўлиб деди Гулимхон.— Ҳали олтида туришингиз керак. Шу яхшими? Бу қуриб кеткур Акбара бизни жинни қилиб қўяди. Қаердан ёпишди бизга бу бало?!

— Ўзингни бос. Нима қилсак экан? Мен дарров келаман. Сен кўрқма. Тоза жаззамизни берди-да, бу қашқир. Ташқаридан эшикни илиб кетаман. Хавотир олма. Ухла.

У сарпойчан оёғига шошилич илган кирза этигини тўриклатиб, ойна ёнидан ўтди. Бўстон қандай бўлмасин, бўриларни учратаман деб, аҳд қилган эди, шунинг учун овози борича бақириб итларни чақира бошлади, уларни болохонадор қилиб сўқди. Аламидан қутурган бўрилар жонидан тўйдириб юборишган — у ҳар нарсага тайёр эди.

Бўриларга ҳеч қандай ёрдам беролмасди. Уларни дуч келтирса, отиб ташлашдан бошқа чора қолмаганди. У ярим автомат милтигини шайлаб қўйганди.

Лекин бўриларни учратмади. Шундан сўнг дунё кўзига қоронғу кўриниб, уйга қайтди. Лекин бари бир уйку келмади. Қоронғуда анча-гача тўлғаниб ётди, миясини нотинч, дардли ўйлар пармаларди.

Нималарни ўйламайди дейсиз одам уйку қочганда? Ҳаммасидан ҳам кўпроқ у йилдан йилга виждонан ишлаш қийин бўлиб бораётгани, ҳозирги одамлар ва айниқса, ёшларда ор-номус қолмаганлиги ҳақида ўйларди. Ҳеч ким ҳозир сўзга ишонмайди. Ҳар бир кимса ҳаммадан бурун ўз фойдасини кўзлайди. Ваҳоланки, машҳур Чу канали қурилишида одамлар мамлакатнинг ҳамма бурчакларидан ўз ихтиёрлари билан келиб, ҳатто пул-маош олмай меҳнат қилмаганмидилар. Мана энди ҳеч ким бунга ишонмайди, чўпчак айтяпсизми, дейди, шундай бўлиши ҳам мумкинми асти? Ҳозир ҳеч ким бўйнига аркон солсангиз ҳам, ўламан саттор чўпон бўлмайман, дейди. Ҳаммалари буни билишади, лекин билмагандек юришади, вақтинчалик қийинчиликлар деб қўйишади. Очиғини айтсанг, тўхмат қияпсиз деб юз-кўзингни очиришмайди. Кимнинг ногорасига ўйнаяпсиз, дейишади! Ахир бу кетишда кейин нима бўлади, ҳеч кимнинг жиддийроқ бош қотиргиси келмайди. Унинг дилига таскин, кўнглига ором берадиган бирдан-бир нарса бор эди. У ҳам бўлса, Гулимхон ҳеч қачон отда тиним бор, итда тиним бор, сизда тиним йўқ, эртаю кеч қўй-қўздан бўшамасиз, деб таъна қилмаган, юзига солмаган эди. Ўтарни бир зум ҳам кўздан қочириб бўлмайди, сурувни тўхтатиб кўр-чи, бу темир дастак эмас сенга керагида кўтариб, кераксизда тушириб қўядиган, сурувгача кеча-кундуз кўз-қулок бўлиб турмасанг, иш чиқмайди. Аксига олгандай, қаёққа қарама, қўл кучи етмайди. Қолбуки, одамлар йўқ эмас, бор, лекин уларнинг ишлагилари келмайди. Нимага ахир? Ахир, меҳнатсиз яшаб бўлмайди-ку. Меҳнатсиз ҳаёт-ҳалокат. Балким, бутунлай бошқача яшаш ва ишлаш керакдир? Балки, ҳамма гап шундадир? Яна энг оғир масала — сакмончилар. Қўзилатиш бошлангач, пунктларда қўзиларга қарайдиган сакмончилар керак. Хўш, каердан оласан сакмончиларни? Ёшлар сакмончи бўлишни истамайди. Сакмончи эртаю кеч кўз юрмай қўзиларга қарайди. Бу ишни кўрқканидан эмас, ҳалол, виждонан бажармаса бўлмайди. Шунинг учун сакмончиликка ёш-ялангни зўрлаб ҳам кўндиролмайсиз. Ҳозирги ёшлар шиптир кечиб, овлоқда — бир чеккада кун кечиришни хоҳламайди. Сакмончи қанча ҳам ҳақ оларди дейсиз. Ваҳоланки, шаҳарда завод ё фабрикада саккиз соат ишлаган ҳар бир йигит-қиз бундан кўра анча кўпроқ пул топиши мумкин. «Қандай қилиб биз кўпроқ фойда чиқадиган ерда эмас, бир умр ишчи кучи кўпроқ керак бўлган жойда ишлаган эканмиз-а? Мана энди ёшлар ишни қўлга оладиган пайт келганда, улар ҳеч нарсага ярамай қоляптилар — на ор-номус бор уларда ва на виждон», деб хафа бўлишади қариялар. Авлодлар ўртасида англашилмовчилик ҳамда ётсираш туғдирган мана шу тўқнашув қачонлардан бери одамларнинг юракларини ўртаб келади. Бўстон яна ўша гапини эслади. Ўшанда у тағин ўзини тўхтатолмади ва бекор қилди. Одам худди ўзи учун ишла-

ганди ишласин, деди у. Мен бошка йўлни кўрмаётибман. Ишчи қилаётган ишидан шахсан манфаатдор бўлиши сув ва ҳаводай зарур. Бўстон иш ҳақи иш натижасига қараб белгиланиши керак, деб неча-неча мартабалаб айтган эди. Ҳаммасидан ҳам муҳими — чўпоннинг ўз ери бўлсин, чўпон шу ер учун жон куйдирсин, унинг ёрдамчилари ва бутун оила, бола-чақаси ҳам шу ерни деб тер тўксин, акс ҳолда бошка ҳеч нарсанинг фойдаси йўк...

Одатдагидай парторг Кўчқорбоев унинг пўстагини коқди. Кўчқорбоевни совхозда «газет киши» деб чақиришарди, у директор столининг ўнг томонида Бўстонга ёнлама ўтирарди. Фаши келаётган бўлса керак, унинг қош-қовоғи уюлган, посонига олиб дам сайин бўйинбоғини ушлаб, тузатиб кўядиган Кўчқорбоев Бўстонга ёвқараш қилиб, қия назар ташларди. Совхоз директори Чўтбоев Кўчқорбоевнинг нима демоқчи бўлиб турганлигини хўп яхши тушунарди. Кўп йиллар бирга ишлаб, унинг букилмас, ўтда куймас, сувда чўкмас, бир марта бир умрга ёд олинган сафсатасининг мантиғини жуда яхши ўрганиб олган эди: унинг сафсатасига кўра Бўстон Ўркунчиев янгича нусхадаги қулоқ ва аксликкилобчи, у яна қавагидан чиқиб, ҳаммани йўлдан айнитмоқчи. Ҳаёт уни ўласи қилиб неча марта чўзилтириб қўйди, у эса ҳамон ўз айтганидан қолмайди. Қанийди, илгариги замонлар бўлса-ю, уни узокрок бир жойларга гумдон қилинса...

Уша кунги ишлаб чиқариш йиғилишида райкомнинг кўринишдан камтарин янги инструктори ҳам иштирок этар, «Берик»нинг халқи ҳали уни яхши танимасдилар. У сўзловчиларни диққат билан эшитар ва ҳаммасини ёндафтарига қайд қилиб борарди. Чўтбоевнинг тахминича, Кўчқорбоев райкомнинг янги ходими олдида албатта ўзини кўрсатишга ҳаракат қилади. У ҳақ чиқди. Бўстоннинг сўзидан сўнг Кўчқорбоев икки оғиз сўзим бор эди, деб ижозат сўради. Шу сайраб кетди: у нақ баайни газетада ёзилгандай қилиб сўйлар, асли унинг кучи ҳам мана шунда эди.

— Қачонгача, ўрток Ўркунчиев,— деб мурожаат қилди у Бўстонга қарата ҳар доимгидай расмий равишда «сизлаб»,— қачонгача сиз шубҳали таклифларингиз билан одамларнинг юрагига васваса соласиз? Социалистик коллектив ўртасидаги ишлаб чиқариш муносабатлари қандай бўлишини тарих аллақачонлар белгилаб берган. Сиз эса чўпонни хўжайинга айлантirmoқчисиз. Ким билан ишлайди, ким билан ишламайди, кимга қанча ҳақ тўлайди, ҳаммасини ўзи ҳал қилсин деяпсиз. Бу қандок бўлди? Бу бизнинг тарихимизга, инқилобий оламшумул зафарларимизга хужум, тўғрироғи, тажовуздан бошқа нарса эмас. Сиз иктисодни сиёсатдан юкори қўймоқчисиз. Сиз ўз қўшингизнинг тор манфаатларидан келиб чиқмоқдасиз. Сиз учун бу масалаларнинг масаласи. Бироқ қўшнинг ортида район турибди, ахир, область, мамлакат турибди, ахир! Сиз бизни қаерга элтмоқчисиз — хўжалик юритишнинг социалистик усулларидан воз кечишгами?

Зардаси қайнаб кетган Бўстон ўрнидан турди.

— Ҳеч кимни ҳеч ёққа элтмоқчи эмасман. Мен буни гапиравериб чарчадим. Ҳеч кимни ҳеч қаёққа бошлаётганим йўқ. Областда нима бўляпти, ундан нари мамлакатда нима бўляпти, дунёда нима бўляпти, менинг ишим эмас, мен оддий бир чўпонман. Менсиз ҳам ақллилар кўп. Менинг ишим — пода боқиш. Агар парторг менинг чорва ҳақидаги фикримни билишни истамаса, унда бундай йиғинларга нима кераги бор мени чакириб, ишдан қолдириб? Тарақа-туруқ гапларга тобим йўқ. Балким, кимгадир бундай гаплар керакдир, лекин менинг уларга ақлим етмайди. Ўртоқ директор, мени бошқа чақирма! Нима қиласизлар мени ишдан қолдириб?! Кераги йўқ менга бунақа мажлисларни!

— Э, нима деяпсиз, Бўске?— Чўтбоев ўтирган ўрнида ўнғайсизланиб кимиради.— Сиз совхознинг энг яхши, илғор чўпони, тажрибали кишисиз, биз сизнинг фикрингизни билишни истаймиз. Шунинг учун чақирамиз.

— Сен мени хайрон қилиб қўйдинг, директор.— Азбаройи кони қайнаб деди Бўстон.— Агар мен илғор бўлсам, илғорликни қандай қўлга киритганим ҳаммадан кўра сенга яхши маълум-ку. Шунда, нега ахир миқ этмайсан? Бир нарса десам, оғзимни очмасимдан Қўчқорбоев оғзимга уради, худди прокурордай ҳар бир сўзимдан хато кидиради. Директор, сен бўлсанг, буларнинг сенга алоқаси йўқдай, ҳеч нарса бўлмагандай индамай ўтирганинг-ўтирган.

— Шошманг, шошманг,— унинг сўзини бўлди Чўтбоев.

Директор ростдан ҳам ўзини йўқотиб қўйди. У жуда ҳам қийин аҳволда қолди. Бу сафар энди Бўстон билан Қўчқорбоев ўртасида бетараф туриб бўлмайди. Райком ходими қошида директор маълум бир нуктага келиши керак. Шу «газет киши» Қўчқорбоев билан ҳеч ғидибиди қилгиси йўқ-да ўзи. Бунинг сафсатаси не-не кучларни ҳаракатга келтириши мумкин: кўр-кўрона қироатхонликни иш услубига айлантириб олганлар ичида Қўчқорбоев ахир ёлғиз эмас-ку. Бу сафар ҳам Қўчқорбоев муҳокамани атай алангалатиб юборди, ҳе, йўқ-бе йўқ, чўпонни «зафарларимизга тажовуз қилишда» айблади. Хўш, шундан сўнг ким унга қарши чиқа олади? Лекин қандай бўлмасин, вазиятдан чиқиш керак эди.

— Шошманг, шошманг, Бўске, сиз кизишманг,— деди директор ва столдан туриб бу ёққа чиқди.— Ўртоқлар, келинлар, ақлашиб олайлик,— деди мажлисга қарата Чўтбоев томонларни қандай муросага келтирсам экан деб, эран-қаран ўйланаркан. Албатта, Бўске ҳақ. Лекин Қўчқорбоев билан ҳазиллашиб бўлмайди. Хўш, нима қилиш керак. Гапимиз нима ҳақда боряпти, дея фикрларди директор,— Менинг тушунишимча, чўпон ёлланиб ишлайдиган кимса эмас, қўшу-қўра, яйловларнинг эгаси бўлмоқчи. У ўз номидангина эмас, шу билан бирга бригадаси ва чўпон хонадонлари номидан ҳам гапиряпти, биз буни ҳам эътибордан қочирмаслигимиз зарур. Менимча, унинг гапида жон бор. Чўпон бригадаси бизнинг энг кичик иқтисодий ячей-

камиз бўлади. Ишни шу ердан бошлаш керак. Назаримда, Ўркунчиев ҳаммасини ўз кўлига олмоқчи, жумладан, мол-ҳол, яйлов, ем-хашак, кўтон-кўра дегандек, ишлаб чиқариш учун нима зарур — барини ўз кўл остида бирлаштирмоқчи. У бригада ҳисобини жорий қиламан, дейди. Шунда ҳар бир одам қўшниси учун мановдан ановгача эмас, балки ўзи учун ишласа, қанча ҳақ олишини билсин. Мен Ўркунчиевнинг таклифини ана шундай тушунаман, биз буни ўйлаб кўрсак, арзийди, Жонтой Эшонович, — деди директор парторгга қарата.

— Мен эса, сиз билан бирга раҳбарлик қилаётган совхознинг парторги сифатида, ўрток Чўтбоев, буни бошқача тушунаман. Социалистик ишлаб чиқаришда хусусий мулкчилик психологиясини рағбатлантириш кимлигидан қатъий назар, ҳеч кимга ярашмайдиган иш ва айниқса, ҳўжалик раҳбарига, — овозига тантанавор тус бериб, директорга писанда килди Қўчқорбоев.

— Лекин ишонинг ахир, ишимизнинг манфаати шуни талаб қиляпти, — ўзини оқлай бошлади директор. — Ахир, ёшлар чўпон бригадаларида ишлашни хоҳламаяптилар...

— Демак, бизда ташвиқот-тарғибот ишлари ёмон олиб бориляпти, ёшларга Павлик Морозов ва унинг кирғиз биродари Кичан Жакипов ҳақида эслатишимиз керак.

— Буни энди сизнинг ишингиз, ўрток Қўчқорбоев, — кистирди директор. — Ҳаммаси ўз кўлингизда. Эслатинг, ташвиқ қилинг. Сизга ҳеч ким ҳалал бермайди.

— Албатта ташвиқот олиб борамиз, сиз ташвишланманг, — деди иддао билан парторг. — Бутун бошли чора-тадбирлар ишлаб қўйганмиз. Лекин ҳар қандай никобдаги хусусий мулкчилик хатти-ҳаракатларига ўз вақтида зарба бериш жуда ҳам зарур. Биз социализм асосларини кўпоришга йўл қўймаймиз.

Ҳаддан ташқари жиддийлашиб кетган бу тортишувга кулок солиб ўтираркан, Бўстон Ўркунчиевнинг шаҳди қайтди, томоғига аллақандай кўркич беихтиёр тикилиб қолгандай бўлди. Ахир, у нима деди? Бор-йўғи ерда ниҳоят бировнинг ташқаридан бўладиган кўрсатмаси билан эмас, ўз ақлим билан ишлашни хоҳлайман, деб истак билдирди, холос.

— Ҳеч кимга ҳеч қандай қулайлик ва ёнбосишлар қилинмайди, — давом этарди Қўчқорбоев, — Ишлаб чиқаришнинг социалистик шакллари барча учун мажбурий. Мен буни аввало, ўрток Ўркунчиевга қарата айтган бўлардим. У доим ўзи учун қандайдир алоҳида шарт-шароитлар талаб қилгани қилган.

— Менгагина эмас, — унинг сўзини кесди Бўстон. — Бундай шарт-шароитлар ҳаммага керак, ана ўшанда ишларимиз юришиб кетади.

— Ишонмайман! Умуман, бу қандай гап ўзи — шарт қўйиб ишлайман дейиш? Уни қилинг, муни қилинг. Сиз, ўрток Ўркунчиев, ўз мол-ҳолингиз учун шахсий яйловнинг ортидан қувиб, Ола Мўнгу довонида одам нобуд қилганингиз етмайдами? Ё сизга бу ҳали камми?

— Гапир-а, гапир! — азбаройи фиғони чиқиб кўл силтади Бўстон.

Эрназарнинг ҳалок бўлгани ҳақида мана шундай йўл-йўлакай ва бепи-сандлик билан сўз юритилгани унинг ҳамиятига теккан, дилини оғритган эди.

— Нима гапир, гапир? Нима, нотўғрими, гапим?— чақиб олди Қўчқорбоев.

— Ҳа, нотўғри.

— Нега нотўғри бўларкан? Эрназарнинг ўлиги ҳалигача довонда музлаб ётмаяптими? Балки яна минг йил ўша ерда ётар.

Бўстон индамади. Мажлисида шу ҳақда гап очилганидан унинг кўнгли қаттиқ оғриди. Лекин Қўчқорбоев бас қилай демасди.

— Нимага индамай қолдингиз, ўртоқ Ўркунчиев?— деб оловга мой куйди у.— Сиз эмасми, ахир, ўзингизга шахсан яйлов очаман деб, довонга йўл олган?

— Ҳа, яйлов очаман дедим,— кескин жавоб берди Бўстон.— Лекин фақат ўзим бўлай деганим йўқ, ҳамма учун, жумладан, сен учун ҳам Қўчқорбоев, очмоқчи эдим. Чунки мен сени еб-ичираман, сен эмас. Ҳозир эса, сен сув ичиб турган қудуғинга тупуряпсан!

— Бу нима деганингиз?— дарғазаб бўлди Қўчқорбоев, унинг юзига қон тепди.— Мен ҳаммаси учун партия олдида қарздорман!

— Партия қаердан олиб сени боқяпти, биласанми ўзинг?— ўшқирди Бўстон.— Осмондан деб ўйлайсанми?

— Нима бўляпти ўзи, оғзига нима келса валдирайверадими киши!— чинқариб юборди Қўчқорбоев кўллари қалтираб бўйинбоғини тўғрилаганча.

Қатта жанжал чиқадиган эди. Қўчқорбоев ҳам, Бўстон ҳам, худди ўлимга ҳукм қилинган одамлардай бири стол орқасида, иккинчиси девор олдида туришар,— ўтирганлар назарида яна озгина вақт ўтса, улардан бири ерга гурс этиб қулайдигандай эди. Райкомнинг ёш ходими вазиятни бирмунча енгиллатгандай бўлди.

— Ўзингизни босинг, ўртоқлар,— деб овоз берди у қутилмаганда чеккада дафтарига ёзиб ўтирган жойидан.— Назаримда, чўпон Ўркунчиев умуман ҳақ. Меҳнаткаш одам, биз уни кўпинча моддий бойликлар яратувчи, деб атаймиз, ўз сўзини айтишга ҳақли. Лекин бунчалар ошириб юбориш ўринлимикин?

— Э, сиз буни билмайсиз ҳали, ўртоқ Мамаетов,— шоша-пиша унинг сўзини илиб кетди Қўчқорбоев.— Ўркунчиев қилаётган даъво-ларнинг боши-кети йўқ. Мана, мисол учун, Нўйғутов деган бир чўпон, ҳа, худди мана шу Нўйғутов Бозорбой тоғда бўри инига дуч келган. У бўри тўдасини тугатиш учун уларнинг тўртта боласини инидан олиб чиккан, тўғрироғи, тортиб олган, илдиз-пилдизи билан қуритган. Эр йигитнинг ишини қилган. Шундан кейин нима бўлган денг? Мана шу Ўркунчиев Нўйғутовни тўхтовсиз таъбиқ қила бошлаган. Олдин сотиб олмоқчи бўлиб уринган, лекин бу ҳунари ўтмагандан сўнг, Нўйғутов, биласизми, жуда бир сўзлик одам, Ўркунчиев дўқ-пўписа йўлига ўтган, Нўйғутовдан бўри болаларини жойига қайтар деб, оёғини бир этикка

тикиб туриб олган. Йиртқишларни кўпайтирмакчи бўлган шекилли. Ўзи нима бўляпти, ўртоқлар? Буни нима деб тушунишимиз керак? Балки, сиз, ўртоқ Ўркунчиев, бошқа ҳаммаси бўлиб, бунинг устига ўз шахсий бўрилариингизни ҳам бокиб кўпайтирмакчидирсиз? Хусусан ва шахсан сизга тегишли бўрилар дейлик. Балки, совхоз ҳали сизни бўрилар билан ҳам таъминлаши лозимдир? Ўзимнинг ерим дейсиз, ўзимнинг чорвам дейсиз, ана энди, ўзимнинг бўриларим ҳам дерсиз! Шундайми? Ёки сизни қандай тушунайлик — бўрилар урчиб кўпаяверсин, кўй-кўзини бўғизлайверсин, умумхалқ мулки ҳисобига кун кечираверсинлар деганинги бу?

Бўстон бу орада ўзини қўлга олди, хийла вазминлик билан жавоб кайтарди:

— Бўрилар ҳақидаги ҳамма гаплар тўғри, фақат битта ёмон жойи шуки, бўрилар умумхалқ мулкига чанг солаётганларига ақллари етмайди-да.

Одамлар беихтиёр кулиб юборишди, Бўстон ўртадаги вақтдан фойдаланиб, давом этди:

— Бу ер бўрилар ҳақида гап сотишнинг ўрни эмас эди. Лекин ҳамон улар ҳақида гап чикди, мен ҳам ўзимнинг сўзимни айтай. Ҳар қандай ишни ақл-фаросат билан қилса тузук, шунинг учун ақл билан туғилганмиз. Баъзи бировларимизда фаросат етишмайди, мактанчоқлик эса коп-коп. Мисол учун ўша бўри болаларни воқеасини олинг. Бу ерда айтилгандай, Бозорбой бўри болаларини инидан кўтариб чиққан, яна ҳам тўғрироғи, қароқчилардай ўғирлаб олиб кетган, энди атрофдаги шовқин-суронни кўринг, сал бўлмаса уни қахрамонга чиқариб қўйяпмиз. Қахрамон эса, аввало катта бўриларни йўқотишни ўйлаши, ундан кейин болаларини тинчители керак эди. У бўлса бўричаларни тезроқ пул қилишга қизиқиб кетди. Мана энди ичиб юрибди. Бозорбойдан бўри болаларини менга беришини ё бўлмаса, сотишини сўрадим. Болаларни тузоқ қилиб, катталарини қўлга туширмакчидим. Чунки болаларини йўқотгач, катта бўрилар ҳаддан ортик қутуриб кетишди. Уларни энди шундай қолдириб бўлмасди. Қутурган битта бўри ўнта бўридан ёмонроқ, буни сал тушуниш керак эди. Қутурган бўри ўч олмагунча тинчимайди. Болалари тортиб олинган Акбара билан Тошчайнар деган бўрилар атрофда қанчалар йиртқишлик қилишаётганини ҳамма чўпонлар билишади. Энди улар ҳеч қўймайди, одамларга ҳам ташланаверишади, тап тортишмайди. Баъзи бемаъни одамларни ифвогар деб аташар экан, буни газета ва китобларда ўқиган эдим. Бозорбой деганимиз бўрилар ўртасида шундай ифво чиқарди, уларни қутуртирди. Ҳаммамизнинг бошимизни ғавгога қўйди. Мен унинг юзига тикка айтдим, яна айтаман: у қуёнмижоз ифвогарнинг ишини қилди. Сенинг ҳам, парторг, тик юзингга айтаман: мен тушунмайман сенинг қандай одамлигингни. Мана, неча йилдирки, бизнинг совхоздасан, лекин шунча вақтдан бери газет ўқишу менга ўхшаган чўпон-чўликни қўрқитишдан бошқасини билмайсан, бизни инкилобга, совет ҳокимиятига қарши деб

нах урасан, ўзинг эса хўжалик ишида ҳеч вақони тушунмайсан, маънисига етмайсан, акс ҳолда чўпон кишини бўрини кўпайтирмоқчи деб, айблаб ўтирармидинг. Э падарига қусур ўша бўриларнинг. Куракда турмайдиган кулгили айбларни кўясан одамнинг гарданига. Лекин бу майли. Аммо бошқа бир айб ҳам кўйдингми, ўртоқ Қўчқорбоев, мен буни жавобсиз қолдиролмайман. Тўғри, Эрназар довонда ҳалок бўлди. Лекин бизни довонга боришга нима мажбур қилди? Яхши кун кечираётган бўлсак, шундай килармидик? Бошқа жой қуриб кетибдими бизга? Парторг, сен ҳеч ўйлаб кўрдингми, нега биз у ёққа чикдик, яйловлар етарли бўлса, жонимизни хавф-хатарга қўйиб ўтирармидик асти? Сен буни ҳеч ўйладингми, парторг? Яйлов йўқлиги жонимизга бир бало бўлди. Кун-кундан баттаррок. Мана, директорнинг ўзи ўтирибди. Айтсин ўзи. У директорликни энди бошлаган кезлар қандай ўтлок, яйловлар бор эди, белдан уриб ётарди ўт-ўлан у ерларда! Энди чи? Ҳаммаёқ қуриган, ернинг тупроғи ётибди. Ҳар бир қиёқ, ўт-ҳисобда. Барининг сабаби шундаки, бундай майдонларда илгаригидан ўн баробар кўп мол боқияпти, шунча қўй туёғи ўтгандан кейин ўт ўсмаяпти. Ўлганнинг кунидан Эрназар билан Кичибелга йўл олган эдик. Яхши бўлармикин девдик, лекин фалокат оёқ остидан чикди. Сафаримиз яхшилик билан тугамади. Шундан кейин мен бу мақсадимдан қайтдим, оғзимни очмай қўйдим, кулфат оғзимни очирмади, кўнглимга сизмади бу иш. Ҳаммаси бошқача бўлганда, ўтган йил Москвага борардим кўрғазмага, энг катта раҳбарларимизнинг олдига кириб, сен ҳақингда гапириб берардим, Қўчқорбоев. Сен ўзингни фақат партия ҳақида ўйлаётгандек қилиб кўрсатасан, кўкрагинга урасан. Ҳолбуки, партияга сенга ўхшаган ўзи ҳеч иш қилмайдиган, бошқаларнинг ҳам қўлини боғлайдиган текинтомоқлар керакмикин?

— Сиз жуда ҳақдингиздан ошиб кетдингиз!— чидолмади Қўчқорбоев.— Бу тухмат! Сиз, ўртоқ Ўркунчиев, партия йўли билан ўз сўзларингиз учун жиддий жавоб берасиз.

— Мен ўзим ҳам истайман ҳаммасига партия мажлисида жавоб беришни. Агар мен ростданам нотўғри иш қилаётган, нобоп ўйлаётган бўлсам, майли, мени бўйнимга бир уриб, ҳайданглар. Партияга арзимас эканман, мени сира аяб ўтирманглар. Лекин сен ҳам, Қўчқорбоев, буни ўйлаб қўйишинг керак.

— Менинг ўйлайдиган жойим йўқ, ўртоқ Ўркунчиев. Менинг виждоним тоза. Мен доим партия билан биргаман.

Бўстон худди тоғ устига чопиб чиққан одамдек нафасини ростлади ва райком ходимига қараб туриб, деди:

— Сиздан, ўртоқ инструктор, ўтиниб сўрайман, ана шулар ҳақида райкомга айтинг. Бизнинг ишимизни мажлисда кўришсин. Бошқа бундай яшолмайман.

Кўп ўтмай Бўстон Ўркунчиев ўзининг Қўчқорбоев билан бўлган тўқнашуви атрофида ғалати-ғалати воқеалар рўй бераётганига амин бўлди. Ўша куни у ўзининг ишлари билан қўл бўйига тушган эди.

Иссиққўл ёнларида боғлар гулга кирай деб қолганди. Баҳор ўтиб борар, у эса ҳамон боғдаги олма дарахтларини дорилаб улгурмаган, Эрназарнинг боғи ҳам қаровсиз ётарди. Бўстон билан Гулимхоннинг энди икки боғлари, икки ҳовлилари бор, икковиям қаровга, парваришга муҳтож эди. Ҳамма гап шундаки, чўпоннинг умри тоғларда ўтар, хўжаликка қарай деса, доим қўл тегмасди. Эрта дейсан, индин дейсан, қарабсанки, вақт ўтиб кетган, энди кечиктиришнинг ҳам иложи қолмаган. Лекин барибир, қандай бўлмасин, боғни дорилаш керак, акс ҳолда зараркунандалар шу қадар кўпайишиб кетадики, ҳамма куртакларни тўкиб, ҳосилни барбод қиладилар. Бу гап Гулимхоннинг сабр-тоқати тугаб, ўзини тўхтатолмай Бўстонга каттиқроқ гапириб юборди: мунча орқага чўзасиз, вақтликроқ бориб, бирон қўшни-пўшни билан келишиб келмайсизми, ўзингиз қилолмаганингизга яраша. Ҳақини гаплашинг, қўшнилари қилиб беришади.

— Ҳеч уйга қарамайсиз,— жаҳли чиқиб уришди Гулимхон.— Эртаю кеч мол кетидан юрасиз, мажлисдан бери келмайсиз. Агар боғроғга қарашга қўлингиз тегмаса, уйда бир кун Кенжаш билан ўтиринг, бу тентагингизни сал қаровсиз қолдириб бўлмайди,— ўзим соҳилга тушиб чиқаман, бир эркакнинг ишини қиларман, ахир.

Нима ҳам дейиш мумкин, Гулимхон ҳақ эди, унинг таъналарини индамай туриб эшитди.

Бўстон боққа қарайман деб, эрталаб барвақт соҳилга тушиб кетди. Дўнқўликни минди. Қадимдан қолган ҳикмат бор, баҳор келса, ўт ҳам, от ҳам кучга киради. Дўнқўлик жониворнинг айни кучга тўлган пайти эди. У ўт сочган кўзларини ўйнатиб, ёлларини яшиндай ёйиб, куч-қудратини ичига сиғдирилмай сўлиғини чайнаб учаман дерди. Лекин ҳозир от чоптиргали Бўстоннинг рағбати йўқ эди. У ўйноқлаб турган отнинг шаштини босар, йўлда у-бу нарсаларни хўп пишитиб ўйлаб олмақчи эди. Ўтган кеча яхши ухлолмади. Анчагача у ёғидан-бу ёғига ағнаб ётди, парторгнинг Эрназарни сен ўлдирдинг, дегани, юрагини тўхтовсиз ўртарди. Йиғилишдан қайтгач, хотинига нима гаплар бўлганини наридан-бери айтиб берди-ю, лекин Эрназар ҳақидаги гапдан оғиз очмади. Гулимхонга аввалги зрини эслатиб нима қилади, орадан ахир шунча йиллар ўтиб кетди, қанча сувлар оқиб ўтди. Эслатса, Гулимхоннинг эски яраси қайта янги бўлади, ўртага совуқчилик тушиши ҳам мумкин, ахир, Эрназар кўрқинчли Ола Мўнгуда мангу муз чоҳ қаърида кўмилмасдан тўнғиб ётибди ҳалигача. Шундай экан, яхшиси, бу гапни унга эслатмаган маъқул. Кейин Бўстоннинг кўзи эндигина илинган эди, яна бўрилар саси келди. Яна катта қўрадан наридаги тепалик томонда Акбара йиғлаб болалари ҳажрида дил тиглаб фарёд кўтарди. Унга дўриллаган овоз билан Тошчайнар жўр бўлди. Илгари бўриларнинг ув тортганини эшитганда, Бўстон уларга ачиниб, раҳми келса, ҳозир ичидан ғазаби тошди, ўжар йиртқичларни ўлдириб ташлашни истади, ишқилиб, шуларнинг овозини эшитмасам, бас, деди, назаримда, улар худди менга ҳам лаънат ўқиб, қарғиш ёғдираётгандай, лекин менинг

айбим нима? Ўтган кеча қандай бўлмасин, бўриларни ўлдиришга аҳд қилди, ҳатто буни қандай амалга оширишни ҳам ўйлаб қўйди. Дард устига чипқон дегандай, у йиғинда Қўчқорбоев билан тортишиб ўтирган маҳалда Акбара билан Тошчайнар унинг ўтаридан учта қўйни бўғизлаб кетган эдилар. Чўпон боланинг ҳикоя қилишича, у қанча қичқирмасин, таёғини кўтариб ҳайдамасин, бўрилар сира ҳайикмай учта қўйни ўлдириб, яна индамай ғойиб бўлибдилар. Бу воқеа Бўстоннинг сабр косасини тўлдириб юборди. Агар шундай давом этадиган бўлса, деб ўйлади у, бу ерларни ташлаб кетишга, бўрилардан шармандаларча қочишга тўғри келади. Ўша соатда тинмай ув солаётган Акбара билан Тошчайнар ўзларига ўлим ҳукми ўқиётганликларини англамас эдилар. Бўстон энди нима қилиш кераклигини биларди. Мабодо эртасига хўжалик ишлари билан соҳилга тушиши лозим бўлмасайди, у ҳозирок ўйлаган режасини амалга оширишга тайёр эди. Лекин у бундай қарорга келди: хотинидан яна дашном эшитмаслик учун аввал боғдаги ишларни битиради, ундан кейин бўриларнинг додини беради.

Йўлда Бўстон ана шуларни ўйлаб борарди...

Олмаларни дорилаш, уларга баҳорги ишлов беришга бир кун вақти кетди. У қишлоқдан чакқон бир йигитни топди. У ҳақ эвазига ҳаммасини тез қилиб берадиган бўлди. Бўстон унга ўзининг қора қўйларидан битта қўзи ваъда қилди.

Ишларни тугатиб, Бўстон Кенжашга янги ўйинчоқ сотиб олгиси келди. Ўғилчани хурсанд қилишни истади: шундай ажойиб бола уйни тўлдириб чопиб юрибди, бир ойлاردан сўнг у иккига чиқади. Шўх, ширин болақай ўзининг турли ғалати қилиқлари билан қариб бораётган Бўстонга эрмак, овунчоқ эди. Кичкинтойнинг ҳар бир янги сўзидан Бўстоннинг боши осмонга етар, хурсандчилигини ичига сиғдиролмади. Бўстон болақай воситасида ҳаётнинг теран, сирли маъносига, фарзанд ҳамда унинг онасига нисбатан меҳру муҳаббатнинг туб маъносига етгандай бўларди. Бу Бўстонга ато этилмиш тақдирнинг энг олий ва энг сўнгги тухфаси эди. У хотини ва фарзандини чин дилдан суяр, ҳаётдан шундан ортиқ ҳеч нарса тиламас ва талаб қилмасди. Ахир бизга ато этилган шундан ортиқ неъмат борми? Бу ҳақда у ҳеч қачон оғиз очмаган, лекин бунинг аслида шундай эканлигини аниқ билади. У хотиним ҳам шундай ҳис қилади, деб ишонарди.

Бўстон «Маданият» раймаги олдида отдан тушди, ичкарига кириб, қўзи чакчайган, одамнинг кулгисини кистатадиган, калит билан бураса, юрадиган қурбақа сотиб олди. Болақай роса қувонадиган бўлди-да! У кўчага чиқиб, отига минмоқчи бўлиб турди-да, шу пайт очқаганини сезди ва эрталабдан бери туз тотмаганлигини эслади. Ошхона раймагининг шундоққина яқинида эди, бахтга қарши шу ерга кириб овқатланмоқчи бўлди. Бўстон кўпроқ ҳайдовчилар қўниб ўтадиган, ҳаммаёқдан арзон овқатлар ҳиди анқиган ярим қоронғу залга кириб, эшик яқинига ўтирган заҳоти орқа томонда Бозорбойнинг товушини эшитди. Бўстон

оркасига карамади — Бозорбой улфатлари билан бу ерда кайф қилиб ўтиргани шундоқ ҳам равшан эди. «Куппа-кундуз кунни гушналар билан ичишиб юради, на ор-номус бор, на виждон бу зангарда», — дили гаш бўлиб ўйлади Бўстон. Бир кўнгли ўрнидан туриб нари кетмоқни ҳам кўзлади, ҳар қалай, қора қозондан йироқроқ, лекин кейин, нега энди овқат емай туриб кетар эканман, нима сабабдан, деб ўйлаб қолди. У карам шўрва билан котлет сўради. Бу орада Бозорбойга ҳам бу ерда Бўстон ўтирганини, чамаси, хабар қилишди. Дарҳол орқа томондан келаётган товушлар шовқини ўчиб, шум жимлик чўкди, сўнг яна ғалағовур қайтадан авж олди. Кўп ўтмай Бўстоннинг қошига Бозорбойнинг улфатларидан шу ерлик эррайим ва ғийбатчилардан бири Кўр Самад деган кимса келди. Кўр Самаднинг кўзини ёшлигидаёқ уриб чиқаришган эди.

— Салом, Бўстон, салом! — Самад маънодор иршайиб қўлини Бўстонга чўзди, унинг қўлини қисмоқдан бошқа илож қолмади. — Э, нега бу ерда ёлғиз ўтирибсан? — Гапга солмоқчи бўлди у Бўстонни. — Биз анов ерда Бозорбой билан ўтирибмиз. Анчадан бери кўришмаган эдик, бир йиғилишайлик дедик. Юр, биз билан ўтир, Бозорбойнинг ўзи чақиряпти.

— Унга айт, вақтим йўқ, — деб жавоб берди Бўстон иложи борича босиқлик билан. — Овқатланаману тоққа чиқиб кетаман.

— Э, ҳали вақт эрта, улгурасан. Тоғ қочиб кетармиди?

— Раҳмат, боролмайман. Иш кўп.

— Майли унда, шу, бекор қиялпсан-да, — хафа бўлгандай деди Кўр Самад кета туриб.

Унинг орқасидан Бозорбойнинг ўзи келди, анчагина кайфи тароқ эди. Бозорбойнинг изидан шериклари ёпирилишди.

— Менга қара, хой, нега биздан ҳазар қиласан? Сени ҳурмат қилиб, одам деб чақирисан, сен бурнингни жийирасан. Нима, бошқалардан сенинг ортик жойинг борми? — дарҳол тирғила кетди Бозорбой.

-- Мен айтдим-ку, вақтим йўқ деб, — хотиржам жавоб қилди Бўстон за карам шўрвани хўриллатиб ича бошлади. Бошқа пайт бўлса, у биринчи қошиқдан кейиноқ тамом оғзига олмас эди.

— Сенда ишим бор эди, — деди Бозорбой ва Бўстоннинг рўпарасига сурбетлик билан ўтириб олди.

Бошқалар қани, нима бўларкин, дегандай томоша қилиб туришарди.

— Сен билан бизнинг қандай ишимиз бўлиши мумкин? — деди Бўстон.

— Балки сен билан анов бўричалар тўғрисида гаплашиб олсакмикин, Бўстон, — деб Бозорбой ковоғини уюб, бошини силкиди.

— Сен билан буни гаплашиб бўлганмиз. Чўзишнинг нима кераги бор?

— Менимча, керакмас. Менга халал берма. Овқатимни ейману чиқиб кетаман.

— Қаерга шошяпсан, итвачча?— Бозорбой шахд туриб, энгашди-да, газабдан ўзгариб кетган бетини Бўстонга яқинлаштирди.— Қаерга шошяпсан, аблах? Сен билан ҳали бўрилар тўғрисида гаплашиб олмадик. Сен ахир директорнинг кабинетига мажлисда ҳаммининг ўртасида мени ифвогар дебсан, мен туфайли бўрилар қутуриб қўйларни бўғизлаётган эмиш. Ифвогар нима дегани, мени билмайди деб ўйлайсанми? Сенингда, мен фашист, фақат сен ичимизда виждонли, ҳалол экансан-да?

Бўстон ҳам ўрнидан сакраб турди. Энди икков юзма-юз келдилар.

— Тилингни тийиброк юр,— бўш келмай деди Бўстон.— Сени фашист деганим йўқ. Билганимда айтардим. Сен ифвогар, аҳмоқ, ичкора одамсан, бу — тўғри. Буни сенга илгариям айтганман, ҳозир ҳам айтаман. Лекин менга осилмай, жойингга қайтсанг, ўзингга яхши бўлади.

— Сен менга ақл ўргатма, қаерда бўлишим, нима қилишимни ўзим яхши биламан!— ҳаддан ташқари қаҳрга минди Бозорбой.— Менга хўжайин эмассан. Тупурдим сенга. Майли, сенингда ифвогар бўлай, сен-чи, сен ўзинг кимсан? Одамлар сенинг кимлигингни билмайди дейсанми? Эрназарни ўлдирдинг. Ёпиғлик қозон ёпиғлигича қолаверди, деб юрибсанми ҳали? Сен, аблах, Эрназар тириклигида унинг хотини билан дон олишгансан, хотининг ўлишини билгансан. Ўшандан кейин Эрназарни тоғдан итариб юборгансан унинг хотини, анов қанжик Гулимхонга уйланаман деб. Мард бўлсанг, қани айт, шундай эмас, де! Нега сен йиқилмадинг, Эрназар йиқилди? Битта йўлдан бораётган эдинглар-ку? Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди дейсан-да, а? Лекин у ўлиб кетди, сен эса юрибсан. Шундан сўнг ким бўлдинглар, сен ҳам, анов қанжик Гулимхон ҳам? Эрназар доводда музлаб ётибди, бекафан кетди худди итнинг боласидай, сен ярамас гўсхўр бўлсанг, унинг шарманда хотинини, сотқин қанжикни кучоқлаб ётибсан, ялло қилиб яшяпсан! Яна партия аъзоси эмиш! Сени партиядан бўйнингга уриб ҳайдаш керак. Ўргилдим сендақа илғор, стахановчидан! Сени суд қилиш керак!

Бўстон Бозорга мушт кўтариб ташланишдан, унинг жирканч афт-башарасига бошлаб туширишдан ўзини базўр тутди. Бозорбой очикдан-очик жанжал чиқармоқчи, Бўстон билан ёқаллашиб итдек уришмоқчи эди. Лекин Бўстон ўзини босди, тишларини қаттиқ қисди, аччиқдан бўғилиб кетган Бозорбойга деди:

— Сен билан гаплашадиган гапим йўқ. Сенинг сўзларингни ҳеч нарсага олмайман. Сен билан тенглашиб ҳам ўтирмайман. Мен ҳақим-да нима десанг, нима ўйласанг, ўйлайвер. Энди қани, йўлдан қоч. Ҳей, йигит,— деб чақирди у официантни,— ма, пулингни ол.— Унга беш сўмликни туткизиб, индамай нари ўтди.

Бозорбой унинг енгидан тутди:

— Қани, тўхта-чи! Қанжигининг олдига шошиб нима қиласан! Балки сен йўғингда биронта чўпон билан донлашаётгандир. Халақит бериб ўтирасанми!

Бўстон кўшни стол устида турган шампандан бўшаган шишани кўтарди.

— Кўлингни торт!— секин тишининг орасидан деди у кўзларини ранги кум ўчиб кетган Бозорбойдан узмасдан.— Кўлингни торт, бошқа қайтармай! Эшитдингми?— деди у каттақон қора шишани аста силкитиб.

Бўстон шу алпозда шампан шишасини қўлида маҳкам қисганча эшикка чикди. Эгарга сакраб мингандан кейингина ҳуши ўзига келиб шишани йўл четидаги ариққа ташлади, Дўнкўликнинг ихтиёрини ўзига бериб, жиловни кўйиб юборди. У анча замонлардан бери ҳали бунчалик қаттиқ от чоптирмаган эди. От бошини шунчалар қаттиқ кўйдик, у кўп ўтмай ўзига келиб, ҳушёр тортди ва шунда бирдан юрагига ваҳма тушди: одам ўлдириб қўйишига оз эмас, кўп эмас, бир баҳя қолибди-я, тағинам худо сақлади, бўлмаса, шиша билан бир уриб Бозорбойнинг миясини пўла қиларди. Йўлда прицепли тракторда кетаётган одамлар кўзларига ишонмай анқайиб қарашар, унинг орқасидан узоқ тикилиб қолишарди: бу Бўстонга нима бўлди, шундай кап-катта киши худди ўйинқароқ ўспиринлардай ўпкасини кўлтиқлаб от чоптириб юрибди. Бўстон анчагача ўзига келолмади. Шўх оқиб ётган жилғанинг муздек сувидан ичгандан кейингина нафасини ростлади. Шунда у жаҳлдан тушди, отга ўтирди, лекин Дўнкўликни бошқа чоптирмади. Отни аста йўрттириб кетди. У одам ўлдиришдан қутулганига суюнард.

Лекин йўлда ҳаммаси қандай бўлганлигини ўйлаб бораркан, яна кўнгли ғаш тортди, қовоғини солди. Кенжашга совғага олган, кўзлари бақрайган, жағлари катта очилган ғалати ўйинчок қурбақани ошхонанинг деразаси четида унутиб қолдиргани бирдан эсига тушдию дили баттар хуфтон бўлди. Тўғри, унчалар қиммат ўйинчок ҳам эмасди, кичкинтойга совғани янаги сафар олса ҳам мумкин эди, яна ўша «Маданият» раймагининг ўзидан. Лекин негадир шу тобда унинг назарида бу ёмон аломат бўлиб кўринди. Кичкинтойга аталган нарсани ҳеч қачон унутиб қолдирилмайди, ҳеч қачон. Унинг эса эсидан чиқибди...

Бундай нарсаларга ишониб ўтирганидан гаши келди, қандай бўлмасин, хосиятсиз воқеаларнинг олдини олишга унда азму қарор ўйғонди.

Бўриларга қандай пистирма кўйиши, лаънати йиртқичларни битта қолдирмай отиб ташлаши, бу яқин орада улардан ном-нишон қолдирмаслиги ҳақида ўйлаганда, қаҳрининг чеки йўқ эди.

Қаердан чикди ўзи бу фалокат, деб ўйларди у, мана сал бўлмаса ошхонада Бозорбойни ўлдириб қўяй деди, ахир, шу жанжалнинг боши ҳам бўрилар туфайли чиқмадим.

Бўстон ўйлаган режасини эртага амалга оширмақчи бўлди. Кечаси билан режасини ҳар томонлама пишитиб, пухталаб чиқди. Бош кўйиб бирга яшаётганларидан бери биринчи марта хотинига кўнглига туккан ниятини очмади. Бўстон Бозорбой билан ўртада жанжалга сабаб бўлган бўрилару бўри болалари тўғрисида гап очишни истамас, доводна

Эрназарнинг ҳалокатини эслатадиган нарсаларни ўзидан нари қуварди. Шунинг учун уйда камроқ гапириб, кўпроқ кичкинтойни ўйнатар, Гулимхоннинг саволларига ҳам ҳа-йўк деб қисқа жавоб қила қоларди. Индамай юрса, хотини бундан ташвишга тушиши, ажабланишини у билар, лекин ўзини бундан бошқача ҳам тугулмасди. Бозорбой билан бўлган жанжал, бошларига дўлдек ёғилган ифлос маломатлар, эрта-ми-кеч, албатта хотинига ҳам етиб келишини у жуда яхши тушунарди. Бироқ барибир ҳозир оғзини чурқ этиб очмас — бадбахт, ғаламус Бозорбой айтган ифтироларни оғизга олиб такрорлашни хоҳламас, тилга олиб бўлмайдиган жирканч, мағзава гаплар эди улар.

Гулимхон билан турмушлари ҳам осонгина кечгани йўк, ўртада оғир, таажжуб ишлар ҳам бўлиб ўтди. Бўстон мана шу ҳақда ҳам ўйларди. Улар эр-хотин бўлганларидан бери одамларнинг қанчадан-қанча яширинча кўролмасликлари, очикдан-очик душманчиликларига дуч келмадилар дейсиз, не-не тухматларни тарқатишмади улар. Бироқ шунга қарамасдан, Бўстон ўз тақдири Эрназардан қолган бева билан қўшилганидан афсусланмас эди. Бўстон усиз қандай яшашини ҳатто тасаввурига келтиролмасди, доим уни ўзининг бир ёнида ҳис қилиб туриши керак эди... Йўк-йўк, у бутунлай бошқа бир ҳаёт бўлар эди. Бўстоннинг ҳаёти фақат у билангина ҳаёт, майли, гарчи Гулимхон ундан баъзан ҳақ-ноҳақ норози бўлиб юради, лекин барибир Бўстонга вафодор, энг муҳими ҳам ўзи шу... Аммо бу ҳақда ўзаро ҳеч қачон гаплашмаган эдилар, бу ўзи шундай бўлиши кераклиги уларга равшан эди. Ва мабодо, Бўстондан манави кичкинтой ўғил болача, мана шу тили эндигина чиққан, оёқлари дўмбок-дўмбок, доим жилмайиб турадиган, кўзлари тип-тиниқ, унинг тиниб-тинчимас тўрва коқтиси, сиз учун нима, деб сўрасалар, Бўстон тузук-қурук жавоб беролмасди. Бунинг учун унга сўз етишмасди. Унинг туйғуси сўзлардан юқориқ эди. Зеро, кичкинтойга қараб туриб у худонинг инояти билан яратилган ўз болалигини кўрарди...

Лекин у дилдан ҳамма нарсани тушунар ва англади, шунинг учун, кечаси хотини билан ўғилчаси ёнида ётаркан, унинг кўнгли жойига тушди, ўзини яхшиликка мойил сизди, ийиди... Ошхонада бўлган хангомани сира эслагиси келмасди. У ҳатто мабодо бўрилар бугун кечаси келиб безовта қилишмаса, пистирма қўймасам ҳам балки бўлар, балки умуман уларни ўлдиришнинг ҳожати йўқдир, деб ўйлади. Бўстонга тинчлик керак эди...

Лекин атай қилгандай ярим кечага яқин бўрилар яна пайдо бўлишди. Яна катта қўра орқасидаги тепа томонда нола кўтариб Акбара ув солди, унга Тошчайнарнинг босиқ дўриллаган овози қўшилди. Яна Кенжаш кўрқиб уйғонди ва ҳиқиллай бошлади. Гулимхон эса уйку аралаш шу оромсиз турмушни, балога гирифторм бўлгур бўриларни қарғади. Яна Бўстоннинг ғазаби жўшди, ўрнидан сакраб туриб, бўри-

ларни дунёнинг у чеккасига дегинча қувиб боргиси келди, шунда яна эсига пасткаш ва тубан Бозорбойнинг ҳақоратлари тушди ва шунда унинг қабих бошини шиша билан уриб мажаклаб ташламаганига ўқинди. Ахир, ўша оғир шиша билан бир урса тамом эди-ку, Бозорбойдан ном-нишон қолмасди. Ҳеч пушаймон ҳам қилиб ўтирмасдим, ўйларди Бўстон, аксинча, одам қиёфасидаги манфур газандани ниҳоят янчиб ташладим деб қувонар, енгил тортармиди... Бўрилар эса авжга миниб увиллашарди...

Милтикни олиб, жилла курса уларни кўрқитиб қўйиш учун туришга тўғри келди. Йўлига бир-икки марта ўқ узиш ўрнига Бўстон қоронғу кеча қўйнига кетма-кет беш маротаба варанглатиб отди. Кейин уйга қайтди, лекин энди уйқуси бутунлай ўчган эди, негалигини ўзи ҳам билмайди, милтикни тозалашга тушди. У олдинги хонанинг бир бурчагига ўтириб олди-да, «Барс» деган ов милтигининг устига энгашганча, худди ҳозир шундан зарур иш йўқдай ҳафсала билан тозалай кетди. Милтик тозаларкан, бўриларни қандай жазолашини яна бир ушлаб олди ва тонг оқарар-оқармас ишга киришини кўнглига тугиб қўйди.

Бу орада милтик овозидан чўчиган Акбара билан Тошчайнар кечанинг қолган қисмини ўтказиш учун тоғ дараси томон кетиб боришарди. Бу бадбахт бўриларнинг энди доимий бошпаналари йўқ эди, улар дуч келган ерда тунаб қолишарди. Акбара одатдагидай олдинда борарди. Туллаш олдидан унинг жуллари ўсиб, намат бўлиб кетган, қоронғуда ғоятда кўркинчли кўринарди. Унинг кўзлари кўкимтир йилтираб ёнар, тили осилиб тушган, кўрган одам уни қутурган деб ўйларди. Йўқ, болаларидан айрилган бўрининг алами босилай демасди, у жудоликни ҳеч унутолмасди. Болаларим Бўстоннинг кўрасида деган фикр унинг миясига қаттиқ ўрнашиб қолган эди. Бўлмаса қайда улар? Ахир, изма-из қувиб келган кунлари ўша қароқчи шу ерга кириб кўздан ғойиб бўлмадимиз? Йиртқичнинг ақли ана шундан нарига ўтолмасди. Шунинг учун ҳам бўрилар ўша кунлари ҳамма нарсаи кўзлари қонга тўлиб кийратишар, мол-ҳолни дуч келганча бўғизлашарди. Уларни оч қолиб, шундай қилишяпти деб бўлмасди. Улар ҳаётдан, жонларидан тўйган эдилар, бўриларнинг пайига тушган Бўстон мана шуни ҳисобга олган эди.

Эртасига эртаминан Бўстон ўтарни яйловга олиб чиқманглар, ҳар иккала қўш ичида боқинглар, кўпроқ ем-дон беринглар ва шу ердаги суғормадан сувлатинглар, деб буюрди. Ўзи ўтардан йигирмага яқин кўпроқ эгиз туккан қўйларни маърашиб, барашиб юрсинлар деб, кўзлари билан ажратиб олди-да, шу чоғроқ подани овлоқ, йўлсиз адирлар томонга ҳайдаб кетди.

Ёнига ҳеч кимни олмади. Ёлғиз ўзи подани узун таёғи билан ҳайдаб борди. Елкасига кечаси ярақлатиб тозалаган, тўла ўқланган милти-

ғини осиб олди. Шошмасдан, узок йўл босди. Қишловдан иложи борича олислаб кетиш керак эди.

Кун илик, чинакам баҳор эди. Тоғлар қуёш ҳароратини эмиб, уни ўр-жарларда майин кўклаган ўт-ўланга айлантиради. Мовий осмон бағридан онда-сонда сутдай кўпирган қайнама булут парчалари пором эркаланиб сузишади. Тўрғайлар тинимсиз чулдирайди, тошлар оралаб какликлар макиёнини чорлаб, чулғилайди — нақ жаннатнинг ўзи. Фақат истаган пайтда қуюн бошланиши мумкин бўлган уфқни бошдан-оёқ бетлаб ётган баҳайбат қорли тоғ чўққилари ва ваҳший шамол номаълум ёқлардан ҳайдаб келган, қуёш юзини тўсишга тайёр турган қора булутларгина бу жаннат бокий эмаслигидан дарак бериб туради.

Лекин ҳозирча ҳаво айнайдиганга ўхшамасди. Унча катта бўлмаган қўй-қўзилар подаси йўл-йўлакай барашиб, тўхтовсиз бир-бирларини чақиришиб чўпон таёғи кўрсатган ёққа жиларди. Қўзилар дикирлаб сакраб шўхлик қилишар, бирдан оналари томон югургилаб қолишар ва туртиб-туртиб ютоқиб эмиб кетишарди. Лекин Бўстоннинг кечасидан бери дили хуфтон эди. У қанча кўп ўйлаган сайин, бўрилардан ҳам, бу ҳангомаларни бошлаб келган бехосият Бозорбойдан ҳам ёмон аччиқланарди. У Бозорбой билан ғиди-биди қилиб ўтирмақчи эмас, буни ўзига эп кўрмайди, сасимасин десанг — тегма-да, яхшиси. Бўриларни эса йўқотиш, отиб тухумини қуритмасликдан бошқа чора қолмаган эди. Унинг режаси жуда оддийгина эди: маъраб қўзиларини чақирган она қўйларнинг овози албатта бўриларни ўзига тортади, у эса биқиниб пистирмада ўтиради. Бўрилар қўй-қўзиларга ташланишади, агар омади чопса, Бўстон шунда уларни отиб олади. Лекин ҳикматда айтилгандай уйдаги гап кўчага тўғри келмайди. Аслида ҳам шундай бўлиб чиқди...

Кун пешиндан оғунча йирткичлар қорасини кўрсатишмади. Бўстон подани холи, атрофдан яхши кўзга ташланадиган ўтлоққа қўйди-да, ўзи бир чеккада сийрак буталар остидаги катта тошлар орасига биқиниб ётди. У яхши мерган эди, болалигидан милтиқ отиб ўрганган, ов қилган, Иссиқкўлда неча-неча бўриларни отган эди. Шунинг учун бўриларни отишига кўзи етар, уларни пистирмага туширса, бас эди. Серхавотир она қўйлар тинмай овоз бериб, болаларини чақиришар, бир-бирларини жўрлашар, бироқ вақт ўтиб борар, бўрилардан эса ҳамон дарак йўқ. Ваҳоланки, бошқа пайтлар жондорлар куппа-қундуз қуни ҳужум қилиб, атрофда ўтлаб юрган подаларни тўс-тўс тўзғитиб, аламларини қўйлардан олардилар..

Офтоб киздира бошлади. Бута тагида остига пахталигини тўшаб ётган Бўстон бошқа пайт мириқиб мудраб олган бўларди, лекин ҳозир бундай қилолмасди. Бунинг устига ичига чирок ёқса ёримасди: Эрнарнинг ўлишида уни айблашаётганига сира чидай олмасди. Унинг ғанимлари Қўчқорбоев ҳам, Бозорбой ҳам тил топишган, уларнинг ҳар бири ўзича бичиб-тўқиб, уни айблар, боши берк кўчага киритиб қўй-

моқчи бўларди. Ҳаёт нега шундай қурилган, у ҳеч тушунолмасди: турли-туман одамлар нимага, нима сабабдан уни ёмон кўришаркин? Бунинг устига манови қашқирларни айтмайсизми, одамнинг жонини суғуриб оламан деб туришибди. Уйда ҳам шундан тинчлик йўқ. Хотинига Бозорбой билан ўрталарида қочган гапнинг хабари етиб борса, ҳали ҳаммаси ҳолва бўлиб қолмасайди. Бозорбой уни ҳам, хотинини ҳам оғзидан боти қилиб, шоди чиқиб бўралаб сўкаётганда, анча одамлар томошабин бўлиб туришган эди. Улар ичида кўзингни ўяман деб тургани қанча...

Бўрилардан ҳануз дарак йўқ, Бўстон тоқатсизлана бошлади. Шунга қарамасдан, кўз-қулоқ бўлиб ётар, атрофни сергак кузатарди. Йиртқичларни қанча тез пайқаса, шунча яхши, улар қўйларга ташланар-ташланмас мўлжалга олиб отади. Бўрилар келадиغان пайтни бой бермай дарров пайқаш осон эмас: хонаки қўйларнинг кўзи яхши ўтмайди, сезги, фаросати ҳам ўтмасроқ бўлади, ўз оти билан қўйдан ювошироқ жонивор йўқ. Бўрининг энг қулай ўлжаси ҳам қўй. Уларни йиртқичдан фақат одам сақлайди, шунинг учун доим бўрилар билан одамлар тўқнашадилар. Бу сафар ҳам шундай бўлди...

Беғам қўйлар бу гал ҳам хатарни сезмай қолдилар. Улар бемалол ўтлаб юришар, фақат кўзилари барашганда бошларини кўтариб қарашар, дам-бадам уларга эмчакларини тутишар, шундан бошқа ташвишлари йўқ эди. Хавфни ёлғиз Бўстон сезди...

Шу атрофдан пар-пар учиб-кўниб юрган бир жуфт ола қанот тоғ зағизғони қулоқни батанг қилиб шақиллаб, у ердан-бу ерга тинмай учиб ўта бошлади. Бўстон сергак тортиди. Тепкини кўтарди. Лекин бошини чиқармай, янада яхшилаб биқиниб олди. Ишни пухта қилмаса бўлмайди. Бир неча қўй кетса-кетсинки, лекин йиртқичларни шамғалат қилиб, албатта очик жойга олиб чиқиш керак. Аммо бўрилар балки хатарни пайқашгандир, ажабмас, уларга зағизғонлар хабар етказган бўлса, ҳайтовур, улар бир жойда чағиллашни бас қилиб, энди Бўстон бекинган ерга келиб, сурбетларча шақиллай кетишиди. Ваҳоланки, Бўстон уларнинг диққатини тортмай, қимир этмай бута остида пусиб ётарди. Ҳар қалай, бўрилар бирдан ҳужум қилишмади. Маълум бўлишича, улар икки ёққа бўлинишган экан. Акбара катта харсанглар оралаб, ўтлоқнинг нариги чеккасидан, Тошчайнар эса, бу томондан биқиниб, пусиб келишмоқда эди (Сал кейин маълум бўлдики, Тошчайнар Бўстон милтиғи билан пистирмада ётган ердан андак нарида судралиб келаётган экан).

Лекин буларнинг бари бирдан маълум бўлгани йўқ.

Бўстон бўриларнинг келишини кутиб, ҳушёр тортиб теваракни кузатар, лекин йиртқичларнинг қайси томондан пайдо бўлишига сира ақли етмасди. Атроф осойишта, жимжит, қўйлар бамайлихотир ўт чимдир, кўзилар чопишиб, ўйноқлашар, зағизғонлар шақиллашдан тўхтаган, фақат нарироқда тоғдан тушиб келаётган жилга шалдирар, бутазорларда қушлар сайрашарди. Бўстон кутавериб толиққан эди,

аммо шу пайт бирдан тошлар оралаб бўздек соя лип этиб ўтди, қўйлар ўзларини шатирлаб бир томонга отишди ва ненидир хавотирли кутиб серрайиб колишди. Бўстоннинг асаблари таранг тортилди. Бўрилар одам қаерда яширинганлигини билиш учун подани хуркитган эдилар. Бундай пайтда ҳар қандай чўпон бақириб, қий-чув кўтариб, қўйлар олдига югуради. Бу Бўстонга маълум эди. Лекин ҳозир унинг мўлжали бошқа эди, шунинг учун ётган жойидан қимирламади. Шунда харсангтошлар оралаб бўз соя лип-лип ўтди ва анграйиб турган жони ҳалак қўйларга ташланди. Қўйларга сакраб ҳамла қилган Акбара эди. Бўстон милтиқни ростлаб бўрини мўлжал олди-да, энди тепкини босаман деган эди, орқа томонида нимадир шитирлаб кетди ва у беихтиёр ўгирилиб қаради. Шу заҳоти ҳатто мўлжалга ҳам олиб ўтирмай ўзи томон отилиб келаётган ҳайбатли йиртқичга қараб ўк узди. Ҳаммаса кўз очиб-юмгунча бўлиб ўтди. Тошчайнар осмонга сакраган чоғда ўққа дучор бўлди. Лекин у дарҳол ерга қулагани йўқ. У кўзларини қаҳрли олайтириб, сўйлоқ тишлари ириллаб очилиб, тирноклари ўткир панжаларини ваҳшиёна олдинга чўзганча, Бўстон томонга забт билан учиб борди ва ундан нақ бир одим нарига гурсиллаб кулади. Бўстон дарҳол милтиқни бошқа томонга тўғрилади, лекин фурсат ўтган эди — Акбара тўнтариб ташлаган қўйни қўйиб, ўзини тошлар орасига урди. Бўстон милтиқни шай тутиб, бўри ортидан югурди, ҳали отиб улгуриш мумкин деб ўйлади, лекин Акбара жилгадан сакраб ўтиб кетганлигини кўз қиридагина кўриб қолди. Ўқ узди, лекин ўқи зое кетди...

Бўстон нафасини ростлади, атрофига хафагезак назар ташлади. Азбаройи зўриққанидан ранги оқариб кетган, оғир-оғир ҳансираб нафас оларди. Асосий мақсадига етолмади — Акбара қўлдан чиқди. Иш энди янада чигаллашди — уни дуч келтириш ва отиш осон кўчмайди: бўри энди этагини тутқизмайди. Э, хайрият-э, деб ўйлади Бўстон, агар Тошчайнарга вақтида қарамаса ва ўқи ҳам мўлжалга тегмаса борми, ана унда баттар чатоқ бўларди. Рўй берган воқеани мулоҳаза қилиб кўраркан, Бўстон шу нарсага амин бўлдики, йиртқичлар подага яқинлашиб келган маҳалда хавф борлигини сезиб қолганлар-да, икковлари икки томонга ажралганлар. Тошчайнар милтиқли одам пистирмадан беҳабар Акбарани мўлжалга олганини кўргач, ўйлаб ўтирмай ёвга ташланган...

Кўрқиб ҳар томонга қочган қўйларни йиғиб келгач, Бўстон ўққа учган бўрини кўргани борди. Тошчайнар сарғайиб кетган улкан қозик тишларини йириб, ёнига ағдарилганча ётарди, унинг кўзлари шишадай қотиб қолган эди. Бўстон Тошчайнарнинг бошини ушлаб кўрди. Бош ҳам ўзи отнинг калласидай келар, йиртқич уни қандай кўтариб юрганига ақл хайрон эди. Панжалари-чи? Бўстон унинг дастпанжаларини кўтариб, салмоқлаб кўрди, ва беихтиёр қойил деб юборди: қанчалар залворли ва қудратли эди бу панжалар. Қанча йўлларни ўтган улар, қанча жониворларни қийратган улар!

Бир зум иккиланиб тургач, Бўстон унинг терисини шилиб олмас-

ликка қарор қилди. Садқаи сар, гап терисидами. Боз устига унинг жуфти тирик қолди, ҳали хурсандчилик қилишга эрта.

Бўстон яна бирпас хаёлга толиб турди. Кейин бўри қорнини ёриб ташлаган қўйни елкасига ортди-да, подани орқага қайтарди.

Кечроқ бу ерга белкурак ва занг кўтариб қайтиб келди. Кун ботгунча Тошчайнарнинг ўлигини кўмиш учун чуқур қазиди. Тошлоқ жой эмасми, анча уринди. Баъзан Бўстон ишдан тўхтаб теварагига жим назар ташларди, баногоҳ бўри келиб қолмасмикин, дерди. Нишонга беҳато урувчи Бўстоннинг милтиғи ёнгинасида шай турарди, қўл узатса кифоя эди...

Аммо Акбара тун ярмидан оғганда келди... Янги қазилган ер олдида чўзилди, то азонгача шу ерда қолди, қуёшнинг илк нурлари тўкилганда, у ғойиб бўлди...

VI

Баҳор кунлари ўтиб, ёз яқинлашмоқда эди. Чорвадорлар ёзги яйловларга қўчадиган пайт келди. Тоғ ёнларида қишлаган қўйбоқарлар тоғ ичкарасидаги водий ва дараларга — янги тоғ ўтлоқларига кўчишар, бу ерлардан аста-секин доvonларга ёвуқлаб боришарди. Қир-далада қишлаганлар эса ҳали мол-қол ораламаган, саклаб қўйилган ўтлоқларга чиқишарди. Чўпоннинг иши қайнаган палла: мол ҳайдади, кўч-кўронини ташийди ва ҳаммасидан оғирроғи, қўйларнинг жунини қирқади; буларнинг ҳаммаси қўшилиб, бош қашигани қўл тегмай қолади. Бунинг устига ҳар ким ёзги манзилга тезроқ чиқиб кета қолсам, дейди, серўтлоқ ерларга жойлашсам, дейди. Хуллас, иш деган кизиби ётади... Ҳар кимнинг ташвиши ўзига етиб ортади...

Ҳамма ҳамма билан, лекин ёлғиз Акбарагина дунёдан ноумид эди. Атрофда қайнаган ҳаётнинг фақат унгагина дахли йўқ эди. Одамлар ҳам энди уни унутган эдилар; Тошчайнар ўлгандан сўнг Акбара қорасини кўрсатмас, ҳатто Бўстоннинг қишловида ҳам тунлари ув тортмасди.

Оғир, чорасиз дард Акбарани эзарди. У бўшашиб, эринчок, лоқайд бўлиб қолди. Дуч келган майда-чуйда дарранда-паррандаларни овлаб юрди. Кўп маҳал вақтини кўздан йироқ овлоқ масканларда маъюс ўтказарди. Тоғлардан минг-минглаб қўй-қўзилар пода-пода бўлиб ўтиб борарди. Ана шу тўполон, шовқин-сурон ичида битта-яримта адашган-улоққан қўй-қўзини ўмариб кетишдан осони йўқ эди. Лекин Акбара булар билан иши бўлмас, барига бепарво эди.

Акбара учун дунё ўз қимматини йўқотиб қўйди. Унга ўтган умри ҳақида хотираларгина қолган эди. Акбара қалласини дастпанжаларига қўйиб қуни бўйи Мўйинқум чўлларида, Алдаш дала-тузларида, бу ерда, Иссиққўл бўйларида кечирган қувонч ва қайғуларга тўлган кунлари-

ни эсларди. Унинг кўз ўнгидан Тошчайнар билан бирга ўтказган кунлари кунма-кун, ойма-ой, соат-басоат ўтар, ва ҳар сафар Акбара ҳасратини аламли жонига сиғдиролмай ўрнидан туриб кетар, атрофларда шўридаҳол санғир, сўнг яна қайғули қартайган бошини панжаларига ташлаб ерга чўзилар, яна болалари эсига тушарди. Дам яқинда ўғирлаб кетишган тўрт боласини, дам Мўйинқум қирғинида ҳалок бўлганларини, дам Алдаш бўйида қамишзорда ёниб кетганларини хотирларди. Лекин ҳаммадан ҳам кўпроқ у ўзининг Тошчайнари — алп келбат, садоқатли эракагини эсга оларди. Гоҳо нашазор ичра учратган ўша ғалати тайлоқ киши ёдига тушарди. Кўз ўнгига унинг болалари билан яланғоч, ҳимоясиз ҳолда ўйнашмоқчи бўлгани келарди. Акбара кекиртагини узиб ташлаш учун унга ҳамла қилганда, азбаройи кўрқиб кетганидан бошини қўллари билан чангаллаганча, ерга чўккалаб қолган, сўнг шилинғочча бўлиб тирақайлаб қочган эди... Кейин уни киши бошланганда Мўйинқумда тонг қоронғусида саксовулга осилган ҳолда учратишди. Ўшанда унинг таниш юзига тикилиб-тикилиб, термулиб-термулиб каради, сўнг у ковоқларини сал-палгина кўтарди, унга охиста нимадир деб шивирлади ва жим бўлди...

Эндиликда ўтган ҳаёт унга туш, такрорланмас туш каби тукларди. Лекин шуларнинг барига басма-бас ҳали умид ўлмаган эди, умид Акбаранинг юрагида яшарди — гоҳо-гоҳо назарида охириги жигарпораси ҳали албатта топиладигандай эди. Шунинг учун ҳам, Акбара кечалари Бўстон кўраси атрофларида ўгринча изғар, лекин энди ёқасини чок этиб, юракларга ваҳима солиб увламас, фақат узокдан туриб қулоғининг тингларди: шояд шамол бўйига бўй кўшилиб қолган бултурукларининг ақиллаганларини олиб келса, шояд, уларнинг таниш ва не фароғатли бўй-исларини димоғига уфурас... Ў, шундай мўъжиза рўй бера қўйсайди! Акбара ҳеч нарсага қарамасди, на одамлар ва на итлардан кўрқиб ўтирмасди, ўзини лазиз болалари сари отарди, уларни асоратдан халос этарди, қанот-қуйруқ чиқариб бу ерлардан йироқ-йироқларга, ўзга диёрларга бошлаб кетарди, бўриларга хос хур ва кийин-қаттиқ ҳаёт кечирарди. Бўриларга ўзга не керак...

Шу кунлари Бўстоннинг югур-югури кўнайиб кетди. Кўчиш ташвишлари етмагандай бунга яна қандайдир аҳмоқона идора ишлари ҳам қўшилди. Қўчқорбоев ҳар қалай нўписа қилгандай юқори ташкилотларга Бўстон Ўркунчиев устидан шикоят ёзиб жўнатди ва у ердан ким ҳақ, ким ноҳақ аниқлаш учун комиссия юборилди, лекин комиссия бир фикрга келолмади. Комиссиянинг айрим аъзолари чўпон Бўстон Ўркунчиевни партиядан ўчириш керак, чунки у партторг шахсиятига тегиб, уни ҳақорат қилган ва шунинг баробарида партиянинг ўзига маънавий зиён етказган деса, бошқа аъзолар бундай қилишнинг ҳожати йўқ, чунки чўпон Бўстон Ўркунчиев иш юзасидан гапирган ва унинг танқидидан мақсад меҳнат унумдорлигини кўтариш бўлган, дерди. Комиссияга Бозорбой Нўйғутовни ҳам чақирди. Ундан Бўстон Ўркунчиев инига қайтаришни талаб қилган бўри болалари ҳақида ёзма ра-

вишда тушунтириш олишди... Хуллас, ҳамма қоидаларга риоя қилинган қоғозбозли бошланди...

Кейинги икки марта қақирганларида Бўстон бормади. Сурувни тоғларга ҳайдашим, хонадоним билан ёзги яйловга кўчишим керак, вақт зик, шунинг учун менсиз ўзларингиз ҳал қилаверинглар, мен комиссия лозим топса, ҳар қандай жазога розиман, деб айттириб юборди. Бўстоннинг бундай хатти-ҳаракати Кўчқорбоевга ғоятда қўл келиб, хурсанд бўлди.

Лекин чўпоннинг шундан ўзга чораси ҳам йўқ эди. Ёзги йловларга кўчиш бошланган, бунақа пайтда Бўстон ишни орқага суриш, кечикишга сира йўл қўймасди. Кейинги йилларда сурувни бир кун олдин йўлга ҳайдашар, кейин то машина ўтиб борадиган жойларгача хонадонларнинг ёзлик кўч-кўронларини ташиб элтишар, ундан у ёғига ота-боболар усулида юкларни от-эшакларга ортиб жўнар эдилар. Ҳатто шу нарсанинг ўзи ҳам сурувни кўчиришни бир томондан енгиллаштирса, иккинчи томондан тезлаштиради. Мана, Бўстон ҳам сурувни аввал ёзлик манзилга етказиб борди, ўтарда ўз ёрдамчиларини қолдириб кетди, сўнг кечаси йўл юриб орқасига қайтди, эртасига кўч-кўронларини машинага ортиб, бутун хонадон бир бўлиб, то куз тушгунча тоғларга чиқиб кетишлари керак эди.

Охири ўша кун келди...

Лекин шундан бир кун бурун кечаси Акбара эски уясига қайтиб борди. Тошчайнар ҳалок бўлгандан бери биринчи марта бу ерга келиши эди. Сўққабош бўри қоя тагидаги инига йўламас эди — унинг ҳувиллаб ётгани, ўзини у ерда ҳеч ким кутмаслигини биларди. Шунга қарамасдан, кунларнинг бирида афтода бўри таниш йўллар, чангалзор оралари, камарлардан ўтгиси келди, қадрдон жойларини соғинди — баногоҳ у ерда болалари келиб, уни орзиқиб қутаётган бўлсалар-чи. У ич-ичидан хуруж қилиб келган васвасани енголмади, рўё ортидан чопди.

Акбара йўл танламай, сув кечиб, тош босиб, ёзги яйловларда ёнган тунги гулханлар, баджаҳл итлар яқинидан телбараб югурар, унинг ортидан милтиқ товушлари ва рангларди...

У осмонда юксалган ой шуъласига кўмилган тоғларда эс-ҳушини йўқотиб, якка-ёлғиз чопарди... Атрофини янги ўт-ўлан ва зирк ниҳоллари чирмаган, таниб бўлмас ҳолга келган уясигача етиб боргач, у сағир ва не замонлардан бери унутилган уясига юрак бетлаб киролмади... Лекин орқага қайтиш, ўзини енгил учун ҳам мажол қолмаган эди... Шунда Акбара яна қашқирлар илоҳаси Бўри Онага нола қилди, ақиллаб, увлаб, узоқ йиғлади, бадбахт толедан тўхтовсиз арз этди, илоҳадан ўзини ойга олиб кетишни, одамлар йўқ ерга элтишни ёлвориб сўради.

Бўстон ўша кеча йўлда эди. Сурувни ёзлик манзилга етказиб боргач, орқага қайтмоқда эди. Албатта кечани ўша ерда ўтказиб, эрталаб

кайтаверса ҳам бўларди. Лекин унда қўшга кечки пайт етиб келардию кун бўйи кутиб, сўнг кўчларни юклаб сурув кетидан йўлга тушишига тўғри келарди. Бунча вақтни йўқотишни у ҳеч истамас эди. Устига-устак, қўрада ёш боласи билан Гулимхон ва яна бошқа бир оиладан бўлак ҳеч ким қолмаган, улар ёзлик яйловларга кўчиш учун тайёр бўлиб ўтирар эдилар. эркаклар бари пода ҳайдаб кетишган эди.

Бўстон ўша кеча мана шунинг учун ҳам жадал орқага кайтмоқда эди. Не бахтки, Дўнкўлик ҳам одатдагидай шаҳдам, шеркелбат йўртиб борарди. Унинг юришига одамнинг завки келарди. Чаққон от-да, бу Дўнкўлик. Олтин тусли зотдор Дон отининг ёллари ҳамда кулоқлари ойнинг нурида товланар, бақувват тўшларида тун чоғи сув жилвалангандай пайлари ялтираб ўйнарди. Ҳаво иссиқ ҳам эмас, совуқ ҳам, мўътадил. Ўт-ўланлар ҳиди гуркирайди. Бўстон милтигини ҳар эҳтимолга қарши елкасига осиб олган тоғда кечаси нималар бўлмайди. Уйга боргач, Бўстон милтикни қозикка илади ва бешала ўки бўшатилмаган кўйи шу ерда оснлик туради.

Бўстон қўша тоғ азонда, соат бешларда етиб боришни мўлжаллаган, чамаси, ҳисобдан адашмаган эди. Шу кеча у хотини билан фарзандига қанчалик қаттиқ боғланганлигига аниқ ишонч ҳосил қилди: бир кун ўтар-ўтмас уларни соғиниб қолди ва мана энди шитоб билан уй томон еларди. Йўлда ҳаммадан қўра ҳам, ишқилиб, Акбара яна қўра атрофида изғиб, Гулимхон билан Кенжашнинг ўтакасини ёриб кўрқинчли увиллаб юрмасин-да, деб хавотир оларди. Тошчайнар ўлгандан сўнг Акбара кўринмай кетган — ҳар нечук овози чиқмай қолди-ку, деб Бўстон ўзига-ўзи таскин берарди.

Ўша кеча Бўстон бекор хавотирланган эди.

Ўша кеча Акбара Бошат дарасида эски қўналғаси олдида Бўри Онага арз-шикоят қиларди. Мабодо, Акбара Бўстонларнинг кўраси атрофида пайдо бўлганда ҳам, у ҳеч кимни кўрқитиб, безовта қилмасди — Тошчайнарнинг ҳалокатидан сўнг, у одамлар манзилгоҳидан келаётган товушларга ҳасрат билан қўлоқ соларди, холос...

Ва охири ўша кун келди...

Ўша кун эргалаб Бўстон уйқудан кўзини очганда, қуёш азот чиққан эди. У тоғ қоронғусида қўшга етиб келиб, тўрт соатлар чамаси ухлаган эди. Эргалаб Гулимхон отасини безовта қилмасин деб, Кенжашни қанча унйламасин, кўчиш ташвишлари билан овора бўлиб кетиб, кичкинтойни андак кўздан қочириб қўйди. Болакай алланималарнидир чулдираб, ҳадеб отасининг юзларини силаб, шанатилай бошлади. Бўстон кўзини очди, қулиб кичкинани бағрига босди, бутун жисми-жони унга ажиб бир меҳр-муҳаббат билан тўлқинланди. Унинг пуштикамаридан дунёга келган кичкина соғлом, ҳаракатчан бўлиб ўсаётган, ҳали иккени тўлдирмаган эса-да, зийраклиги, ота-онасини севиши, юзи, сумбати, қилиқлари қўйиб қўйгандай ўзига ўхшашини, фақат қора олҳўридай порлаган кўзларинини онасини эслатиб туриши билан беҳад

қувонч бағишларди. Бир сўз билан айтганда, боламисан бола эди ва унга қараб туриб, Бўстон шундай ажойиб ўғилчаси борлигидан ғурурларди.

— Нима дейсан, ўғлим? Ўрнимдан тураймо? Қани, қўлимдан тортиб юбор-чи? Торт, торт, ана, баракалла! Ҳў, полвон-эй! Ана энди қани, қани, отасининг бўйнидан бир ачомласин-чи, оҳ-оҳ!

Гулимхон бу орада унни қовуриб, сут ва туз солиб қуюқ қалмоқ-чай ҳозирлади. Қалмоқчай эрининг жону тани эди. Утарларгина эмас, ҳатто итлар ҳам узоқ тоғларга чиқиб кетган, Ўркунчиевлар хонадони жилла қурса, шу тобда бемалол, хотиржам ўтириб чай ичсалар мумкин эди. Кўплар чўпон хонадонига бу фароғат камдан-кам пайтлар муяссар бўлишини яхши билмайдилар. Чорвага йил бўйи кеча-кундуз тинмай кўз-қулоқ бўлиб туриш керак, агар сурувни минг бош деб ҳисобласак, кўзиси билан бир ярим минг деяверинг, мана бунақа ўтириб чай ичишга қўл тегадими. Чўпон хонадонлари буни фақат орзу қиладилар. Улар кўчиш олдидан бамайлихотир ўтириб чай ичишарди. Сўнг ёз бўйи тоғларга чиқиб кетишадди. Машина пешинга етиб келадиган эди. Ўшанга-ча ҳаммасини йиғиштириб, саранжом-сариншта килиб қўйишлари керак.

— Вой, ҳеч кўзимга ишонмайман,— дерди нукул Гулимхон,— қандай яхши, жонинг роҳат қилади, тинчликни қаранг! Сизни билмайману мен ҳеч кетгим келмаяпти. Келинг, уйда қола қолайлик. Кенжашжон, отангга айт, ҳеч ёққа бормайлик.

Кенжашжон нималарнидир бидирлар, дам отаси, дам онасининг тиззасига чиқар, Бўстон эса кўнгилчанлик билан хотинининг гапини маъқуларди:

— Шундайми? Майли, нима кипти, ёз бўйи бу ерда яшасак?

— Ҳўп, айтдингиз-да,— куларди Гулимхон,— икки кун ўтмай сурув қайдасан деб, хайё-ҳайт жўнаб қолардингиз, кейин сизга Дўнкўликда қувиб ҳам етиб бўлмасди!

— Рост, Дўнкўликни миниб ҳам етолмайсан! — тасдиқларди ийиб кетган Бўстон ва сўнг дикрайган мўйлабини силаб қўярди. Бу унинг кўнгли тўлганлигини билдирарди.

Улар хонтахта атрофида ерда ўтириб шундай нонушта қилишар, болакай атрофларида гирдиқапалак бўлиб юрарди. Ота-онаси унга овқат едирмоқчи бўлиб уринишар, лекин болакай бугун шўхликни авжига чиқарган, ўйнар, чопар. тинчлик бермасди. Ҳеч жойда ўтиришни, овқат ейишни истамасди. Эшикни ҳаво дим бўлиб кетмасин деб, лани очиб қўйишган, шунинг учун Кенжаш дам сайин ташқарига югуриб чиқар, галдираб ҳовли айланар, она товуқ атрофида пилдирашиб юрган кичкина, хурпайган жўжаларни томоша қиларди. Бу қоровул Кудурматнинг товуғи эди. Кудурматнинг ўзи яйловга чиқиб кетган, унинг хотини Асилгул Ўркунчиевлар билан бирга машинада борадиган эди. Асилгул боя уларникига кириб чиққан, юкларни йиғиштириб қуидим, товуқни жўжалари билан саватга солсам бас, буни машина келганда қилсам ҳам бўлар, ҳозир қирларимни ювиб, қуритиб олай, деган эди.

Уша куни эрталаб шундай ўтмоқда эди. Куёш кўтарилиб, тузуккина киздира бошлади. Ҳамма ўз иши билан овора. Бўстон хотини билан юклар, тугун, бўхчаларни боғларди. Асилгул кир ювар, ора-чора унинг ташқарига магзава тўккани эшитиларди. Кичкинтой Кенжаш эса ўз ҳолига ўйнаб юрар, дам уйга чопиб кирар, дам чопиб чиқар, жўжалар атрофида ўралашарди.

Бу орада меҳрибон курк товук жўжаларни ҳовлининг нариги чек-касига ер титгани бошлаб кетди. Кичкинтой жўжалар орқасидан дўм-биллаб чопди, шу тариқа улар саройнинг баланд девори орқасига ўтиб қолдилар. Бу ерда қарикизлар ва отқулоқлар ўсиб ётар, ёз бўлгани учун осойишта, жимжит эди. Жўжалар чип-чип қилиб, гўнг титишар, Кенжаш эса тинмай жўжалар билан гаплашар, қикирлаб кулар, уларни ушлаб, кафти билан силамоқчи бўларди. Она товук Кенжашдан чўчимас, бироқ бу ерда бирдан сассиз қадам ташлаб жуда катта кулранг ит пайдо бўлгач, товук хавотирга тушиб, хавфсираб қақағлай бошлади ва жўжаларини балодан нарига олиб кетишни маъқул кўрди. Кўзлари ажойиб кўм-кўк, каттакон бўз итдан Кенжаш сира ҳам тап тортгани йўк. У кичкинага думини дўстона ликиллатиб муштипар боқарди. Бу Акбара эди. У анчадан бери кишлок-қўра атрофида изгиб юрган эди.

Ўтган кечадан эътиборан ҳовлилар бўшаб, хувиллаб қолган, на одамлар ва на итларнинг овозлари эшитилар, ана шунинг учун ҳам Акбара одамлар қароргоҳига бунчалар яқин келишга ботинган эди. Кўксидан ўлмаган оналик соғинч, армони билан, ўлмаган умид билан у ғоятда эҳтиёткорона барча қўтонлар, саройларни айланиб чиққан, ҳеч қайда йўқотган бултуруқларидан ном-нишон топмаган ва шунда боши оғиб одам манзилига жуда яқин келиб қолган эди. Шундай қилиб Акбара кичкинтойимиз ёнида турарди. Ҳеч англаб бўлмайдикки, у бу бола эканлигини қайдан билди? Одам сиёки демаса, у ўз болаларининг баайни ўзгинаси. Болакай ушбу каттакон яхши итнинг бошини силамоқчи бўлиб, қўлини чўзганда, Акбаранинг аламдан ўртанган юраги патирлаб кетди. У болакай олдига келиб, унинг юзини ялади. Кичкина унинг эркалашидан хурсанд бўлиб, қикир-қикир кулди-да, бўрининг бўйнидан кучди. Ана шунда Акбара тамомила ийиб кетди, бола оёғи тагига чўзилди у билан ўйнаша бошлади — унга жудаям эмдиргиси келди, лекин болакай эмиш ўрнига унинг устига миниб олди. Кейин сакраб тушиб орқасидан эргаштириб чақиришга тушди: «Юр! юр!» — деб қичқирарди у қикирлаб маза қилиб кулганча. Аммо Акбара нари қадам ташлашга юрак бетламас, у ёқда одамлар бор эди. Бўри ўрнидан қимирламай маъюс кўзлари билан болага термулиб ётар, шунда бола яна орқасига қайтиб, унинг бошини силаб-силаб қўяр, Акбара эса уни ялаб-юлқар, бу болага бениҳоя хуш ёқарди. Бўри юрагида йигилиб қолган барча меҳрини унга тўкиб солмоқчи, унинг бола хидларини кўксини тўлдириб-тўлдириб искамоқда эди. Бу бола менинг қоя тагидаги уямда яшаса, қандай соз бўларди-я, деган ўй ўтди бўри калласидан. Шунда бўри боланинг нозик бўйинини тирнаб қўймаслик учун оҳиста унинг камзули

ёқасидан тишлади-да, кескин бир ҳаракат билан ёли устига отди — бўрилар пода ичидан кўзиларни шундай йўл билан олиб қочадилар.

Болакай худди яраланган қуён каби қисқа чинқирди. Саройга кир ёяман деб келаётган Асилгул Кенжашнинг бақирганини эшитиб, шошилиб, бурчакка ўтиб қаради ва шу захоти Бўстоннинг эшигига югурди.

— Бўри! Бўри болани олиб қочди! Тезрок, тезрок!

Бўстон эс-хушини йўқотиб, девордан милтикни юлқиб олди ва Гулимхоннинг орқасидан уйдан чопиб чиқди.

— Ана! Ана! Ана, Кенжаш! Ана, бўри олиб кетяпти! — деб фарёд соларди Асилгул бошини қўллари билан чангаллаб.

Энди Бўстон ҳам бўрини кўрди — у бақириб йиғлаётган болани бўйнига ортганча лўкиллаб кетиб борарди.

— Тўхта! Тўхта, Акбара! Тўхта деяпман! — бор овози билан бўқирди Бўстон ва бўри ортидан қувиб кетди.

Акбара қочди. Бўстон унинг изидан милтик кўтарганча чопар ва ғайритабиий товуш билан ўқиради:

— Тўхта, Акбара! Ўғлимга тегма! Сенга ҳеч қачон ёмонлик қилмайман! Болани қўй, тегма унга! Акбара! Қулоқ солсанг-чи, Акбара!

Бўри унинг сўзларига мутлақо тушунмаслигини шу тобда у унутганди. Бақириб-чақириб, қувиш баттар кўрқитиб юборган бўри энди тезрок қочишга тушди.

Бўстон эса жавраганча-жавраб уни қувишдан тўхтамасди.

— Акбара! Ўғлимга тегма, Акбара! — деб ёлворарди у.

Ундан сал орқароқда Гулимхон билан Асилгул дод солиб югуришарди.

— Отинг! Тезрок отинг! — деб қичқирди Гулимхон бола кўтариб кетаётган бўрини Бўстон отолмаслигини унутиб.

Қичкириқ, қув-қув бўрининг конини жўштирди, унда бўри ваҳшати уйғонди, у ўлжасини қўлдан чиқармасликка қарор қилди. Болакайнинг ёқасидан маҳкам тишлаганча, бўри шиддат билан тоғларга қочиб тобора узоқлашиб борарди, орқасидан милтик отилиб, ўқ боши устидан чийиллаб ўтганда ҳам ўлжасини ташламади. Болакай дод солиб чинқиради, отаси, онасини чақирарди. Бўстон бўрини нима билан кўрқитишни билмай яна осмонга ўқ узди, лекин бўри бу сафар ҳам кўрқмади. Акбара тошлоқ тепалар сари жадал югурар, у ерга етиб олса, бас, бирпасда изни чалкаштириб, кўздан ғойиб бўлишини ўзи биларди. Бўстоннинг юраги орқасига тортиб кетди: қандай қилса болани қутқариш мумкин? Нима қилсин? Бу даҳшатли офат қайдан чиқди? Қайси гуноҳи учун?

— Болани ташла, Акбара! Ташла, ташла дейман, тегма болаимизга! — ҳансираган от каби оғир-оғир нафас олиб, хирқираб дерди Бўстон. У бўрига илтижо қиларди.

Бўстон учинчи марта осмонга ўқ узди, ўқ яна ваҳшнинг боши устидан визиллаб учди. Тошлоқ тепа-ўнгириллар яқин қолди. Ўқдонда

иккита ўқ қолди. Яна бир сониядан сўнг ҳаммаси қўлдан кетишини сезиб, Бўстон бўрини отишга қарор қилди. Чопиб кетаркан, дарҳол тиззалаб ўтирди ва мўлжал ола бошлади, бўрининг оёқларини мўлжаллади, лекин ҳеч мўлжал ололмасди кўкраги ҳарс-ҳарс кўтарилиб тушар, қўли қалтирар, унга бўйсунмасди. У бутун кучи, иродасини йиғди, кўзини титраб турган милдан узмасди, бўри худди асов тўлкинлар узра сузиб кетаётгандек эди, шунда у тепкини босди. Тегмади. Ўқ бўри ёнидан тупроқни тўзғитиб учди. Бўстон милтиқни қайтадан ўқлади, охириги ўқ қолди. Яна мўлжал олди, энди у ўқ овозини эшитмади, фақат бўри бир сакраб ёнига ўмбалок ошиб тушди.

Милтиқни елкасига осганча, Бўстон худди туш кўраётгандай йиқилган бўри сари чопиб кетди. Назарида оёғи ерга ёпишиб қолгандай, ҳеч чопиб етиб бўлмайдигандай, худди бўм-бўш ҳувилдоқда сузиб кетаётгандай эди...

Ҳаво бирдан совиб кетган каби у зум ичида муздай бўлиб қолди, ва бир алфозда йиқилган бўри устига етиб келди. Унинг қади бирдан етти букилди, гунг фарёд кўтариб ўзидан-ўзи чайқала бошлади. Акбара ҳали тирик эди. Унинг ёнгинасида кўкрагини ўқ тешиб ўтган бола ўлиб ётарди...

Гунг эди дунё, гунгсираб ётарди. Дунё ғойиб бўлди, унинг ўрнида фақат олов вошиллаган зулумот қолди. Бўстон кўзларига ишонмай букчайди ва ердан қонга беланган ўғлини кўтарди ва бағрига босганча орқасига тисарилди, шунда у нима учундир жон бераётган бўрининг кўзлари кўк эканлигига ажабланди. Сўнг орқасига ўгирилиб ғам-аламдан тилини йўқотиб, ҳалослаб келаётган хотинларга қараб юрди.

Назарида хотинининг бўйи осмон қадар чўзилиб кетгандай туюлди. Мана, унга томон бўйи кўкка қадар чўзилган, ҳайҳотдай юзи онтарилган, ҳайҳотдай қўллари буралиб унга узалган хотин чўзила келмоқда.

Бўстон ўзи ўлдириб қўйган кичкинтойни қучоғига босганча худди кўзи қўр бўлгандай қадам ташларди. Унинг орқасидан нола кўтариб, уввос солиб, Гулимхон судралар, унинг қўлтиғидан вой-войлаган Асилгул тутган эди.

Аламдан қар бўлиб қолган Бўстон ҳеч нарсани эшитмади. Лекин бирдан худди қудратли шаршара юксакдан отилиб тушгандай қучоғи шанғиллаб очилди ва дунё шовқинга тўлди, у нима бўлганлигини тушинди ва кўзларини осмонга тикиб, даҳшат билан бақирди:

— Нимага, нимага ахир менга бу жазо?

Уйда у кичкинанинги жасадини кўчишга тайёрлаб қўйишган қара-вотчасига ётқизди. Шунда Гулимхон жасад пойига тиз чўкди ва худди Акбара тунлари ув тортган каби увиллай бошлади. Унинг ёнига ерга Асилгул чўкди...

Бўстон эса милтиқини кўтариб уйдан чиқди. У худди жангга бораётгандай бир даста ўқни милтиққа жойлади, бир дастасини чўнтагига солди. Сўнг Дўнкўликка эгар урди ва отига сакраб минди. На хотини ва на Асилгулга бир сўз демай уйдан чиқди...

Қўрадан пича нари боргач, Дўнкўликнинг бошини қўйиб берди. Олтин тусли саман от Таман қишлови томон учиб кетди. Бу йўлдан у киш чиққанда ўтган эди.

У истаб борган одам жойида экан, акс ҳолда ернинг тагидан бўлса ҳам, уни топар эди.

Ўша куни Бозорбой Нўйгутовнинг ҳовлисида ҳам машинага юк ортишмоқда — кўч-кўронни ёзлик яйловларга жўнатишмоқда эди. Ўз юмушлари билан овора одамлар қўра орқасидан Бўстон келгани, отдан тушиб, милтигини қайта ўклагани, сўнг яна елкасига осиб олганини пайқашмади.

Машинага юк ортилаётган жойга келгандагина, унга кўзлари тушди. Бозорбой машина тепасидан сакраб тушиб, унга бақрайиб қаради.

— Нима дейсан? — деди у Бўстоннинг ёниб битган ғўладай куйган юзига тикилиб, энсасини қарт-қарт қаширкан. — Нима қилиб юрибсан? Нега бундай қараяпсан? — саросимага тушди у ёмон бир нарсани сезиб. — Яна бўри деб келдингми? Бошқа ишинг йўқми? Мендан сўрашган эди, ёзиб бердим, шу.

— Тупурдим нима ёзган бўлсанг ҳам, — қахр билан деди Бўстон унга ўқдай нигоҳини қадаганча. — Ишим йўқ. Сен ёруғ дунёда яшашга нолойиқсан. Сенга шуни айтмоқчийдим. Етар энди!

Бозорбой ҳатто ўзини тўсиб улгурмади. Бўстон милтиқни унга тўғрилаб, мўлжалга ҳам олиб ўтирмай тепкини босди. Бозорбой чайқалиб кетди, юк машинасининг орқасига яширинмоқчи бўлди, лекин иккинчи ўқ унинг нақ елкасига тегди, Бозорбой уч марта тўнтарилиб, сўнг боши кузовга урилди, ерпарчин бўлиб қулади ва титроқ панжалари билан қора ерни тирнади. Ҳаммаси шунчалар тез рўй бердики, олдинига ҳеч ким ўрнидан қимир этмади. Ниҳоят, шўрлик Кўк Турсун дод солиб ўзини эрининг устига ташлади. Ана шундагина ҳамма қий-чув қилиб отилган кишининг тепасига баравар ёпирилдилар.

— Қимирламанглар! — баланд овоз билан деди Бўстон атрофга аланглаб. — Ҳеч ким жойидан қимирламасин! — деб иддао қилди ҳар бирига милтиқни бир-бир тўғрилаб. — Керакли жойга ўзим бораман. Шунинг учун ҳеч ким жойидан қимирламасин! Акс ҳолда ўқим етарли! — У чўнтагига уриб қўйди.

Ҳамма яшин ургандай таққа тўхтади, ҳеч ким нима гаплигини тушунмас, нима дейишни билмас, тили калимага келмас эди. Ёлғиз бечора Кўк Турсунгина бадбахт эрининг жасади тепасида йиғлаб-сиқтарди.

— Билардим итдай ўлиб кетишингни, итдан фарқинг йўқ эди! Ўлдир, мени ҳам ўлдир, қотил! — паррихта, шўрида Кўк Турсун ўзини Бўстонга отди. — Мени ҳам итдай ўлдир. Кўзим ёруғ дунёни ҳеч кўрмади, нимага керак менга бундай ҳаёт! — У яна нималарнидир бақириб айтишга уринди: Бозорбойга айтдим, бўри болаларига тегма, дедим. Яхшиликка олиб бормайди, дедим. Лекин баттол қулоқ солмади, ҳатто

бўри болаларини ҳам сотиб ичди. Кейин икки чўпон унинг оғзини юмиб, нарига олиб кетишди.

Шунда Бўстон атрофда каловланиб турганларга қахрли нигоҳ югуртириб, овозини кўтармай, лекин кескин қилиб деди:

— Бас, ўзим керак ерга бораман, ўзим ҳаммасини айтаман. Ҳа, ўзим айтаман! Ҳа, ўзим айтаман! Сизлар шу ердан кимираманглар. Эшитдингларми?

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Ҳамма бўлган ишдан анг-танг эди. Одамлар чехраларига бир-бир қараркан, Бўстон шу дақиқадан эътиборан ўзининг аллақандай чизикдан ўтганлиги ва ўзини бошқалардан ажратганлигини англаб етди: шу дақиқагача унинг атрофини яқин одамлар қуршаган, улар билан биргаликда ойлар, йиллар ёнма-ён нафас олган, ризк-рўз топаман деб уринган, кун кечирган эди. Уларнинг ҳар бирини билар, улар ҳам уни яхши билишар, ҳар бирлари билан муомала қилган, лекин мана энди улар бутунлай бегонасираб қарашарди, мана энди улардан мутлақо айрилди, улар билан ҳаётини боғлаган иплар бари узилди, ўртада энди гўё ҳеч нарса ва ҳеч вақо қолмади, гўё у ўлибтирилгандай ва шунинг учун уларга янада қўрқинчлидай туюларди. У шуларни тушунди.

Бўстон отини етаклаб кетди. У орқасига қайрилиб қарамас, кўл томонга, ўзи жавоб берадиган томонга йўл олганди. Унинг боши қуйи солинган, орқасидан бир оз оқсоқланиб, жилов-жабдуқлари ширқиллаб вафодор Дўнкўлик одимларди.

Ҳаёт шоми бошланган эди...

— Мана, дунё ҳам охир бўлди, — ўз-ўзига деди Бўстон ва шунда унга бир дахшатли ҳақиқат очилди: шу дамгача бор ёруғ дунё унинг ўзида жамлашган экан, мана энди шу дунё битди. У осмон эди, у ер эди, у тоғлар эди, борлик, тирикликнинг буюк онаси бўри Акбара эди, Ола Мўнгу музликларида абадиян қолиб кетган Эрназар эди, пушти кама-ридан бўлган охирги бир парча эт, ўз кўли билан отган Кенжаш эди, лаънатланган ва ўлдирилган Бозорбой эди ва то шу тобгача нима кўрган, бошидан нимаики кечирган бўлса — буларнинг бари у, унинг ўз жаҳони эди, у учун яшарди, уни деб яшарди, мана энди, гарчи булар ҳаммаси азалдан қандай эса, худди шундай яна боқий қолаверади, лекин фақат энди булар ичида у бўлмайди — у энди бутунлай ўзга одам бўлади, унинг дўнмас, қайталанмас дунёси эса энди йўқолди ва у ҳеч қачон ҳеч кимда такрорланмагай. У буюк ҳалокатига етиб келди, унинг учун дунё охир бўлди...

Кўл бўйига элтадиган кимсасиз дала йўлида Бўстон бирдан шахд билан орқасига ўгирилди, отининг бўйнидан кучоқлаб осилди ва алам билан хўнграб йиғлаб юборди.

— Ў, Дўнкўлик, нима қилиб қўйганимни фақат сен тушунасан! — деб ўкириб йиғларди у бутун жуссаси силкиниб. — Мен нима қилай?

Ўғлимни ўз қўлим билан ўлдирдим, уни ерга қўймай кетяпман, севган аёлим ҳам ёлғиз қолди.

Кейин чилвир-чумбурни ўради, тизгин-жиловни Дўнқўликнинг юганига ўраб тугди, узангилар отнинг бикинини уриб ташламасин деб, эгарнинг қошига маҳкамлади.

— Бор, бор, уйга бор, жонивор, майли қайга десанг, ўша ерга бор! — видолашди у Дўнқўлик билан.— Энди бошқа дийдор кўришмоқ йўқ!

Отнинг сағрига кафти билан урди, уни чув деб ҳайдади, от бўшаганига таажжуби ортиб, қўра томон юриб кетди.

Бўстон йўлга тушди...

Иссиққўлнинг мовий ошиёнаси дам сайин яқинларди, худди мана шу дам ғойиб бўлиб, дам яна ўз бағридан ўзи қайта яралиб, дўнгалакланиб чопаётган тўлқинлар каби кўл бағрида бадар йўқ бўлиб кетсам дерди, асло яшаб-яшагиси келмасди...

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ · АСРГА ТАТИГУЛИК КУН · ҚИЁМАТ

РАНЖ ВА ГАНЖ

Ҳақ йўлида ким санга
бир харф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмак адо онинг
ҳақкин юз ганж ила.

Алшиер Навоий

Одамлардан қоч — саҳрога,
хайвонларга бор.
Фридрих Ницше

Нуктадон китобхон. Мана, ҳозиргина Сиз Чингиз Айтматовнинг икки романи — «Асрга татиғулик кун. Бўронли бекат» билан «Қиёмат»ни, ниҳоят, ўқиб чиқдингиз. Бу икки асар: «Асрни қаритган кун. Бўронли бекат» номи билан «Ёшлик» журналининг 1986 йил 1—4, «Қуңда» номи остида «Шарқ юлдузи» журналининг 1987 йил 8 10-сонларида Асил Рашидов ҳамда Иброҳим Ғафуров таржималарида босилиб чиққан эди. Ажабмаски, бу икки асарни журнал саҳифаларида ўқиб чиққандирсиз. Эҳтимол, қўш бадий ганжинани илк дафъа ушбу китобда яхлит ҳолда мутлақа қилгандирсиз.

4. Айтматов ўз асарларида оддий меҳнат кишилари — ишчилар, қорвалдорлар, денгизчилар, зиёлиларнинг образларини чизади. Лекин жамият фақат шулардангина иборат эмас. Атрофимизда оддий темирйўлчи билан бирга техникхўрлар, ўз меҳнати билан кун кечирадиган деҳқон, юк ташувчи, қосиб, сут соғувчи, пахтакор, ошпаз, нонвой билан ёнма-ён касб-корининг тайини бўлмаган фосиқ, ароқхўр, товламачи, фирибгар, муттахамлар ҳам «етарлича» топилади. Бундан кўз юмиб бўлмайди. Уларнинг ўз нукта назарлари, аъмоллари. ўз эътиқодлари, ўз манфаатлари бор. Ёзувчи одамларни «меҳнатқаш» ёхуд «номеҳнатқаш»ларга ажратмайди. У қандай дин, мазҳаб, сиёсий-ижтимоий гуруҳ ёки партияларга мансублигидан қатъий назар, шафқатли ва шафқатсиз, диёнатли ва диёнатсиз, инсофли ва инсофсиз, олийжаноб ва қабих, самимий ва манфур одамларни кўради. Бошқача айтганда, одамга у шунчаки одам бўлганлигига эмас, балки инсоний моҳиятига, қандай одамлигига қараб ҳукм чиқаради.

«Асрга татиғулик кун» романида воқеалар асосан Сариўзақ қўлида, Бўронли темир йўл бекатида бўлиб ўтади. Гап бутун онли ҳаётини бекатда оддий темирйўлчи бўлиб яшаган Қазангапни вафотидан сўнг дафн этиш таралдуллари тасвири билан бошланиб, романнинг ниҳоясида маросим мусибат устига мусибат билан тугайди. Шу орада Қазангап билан Эдигей Бўроннинг ҳаёти, уларга чамбарчас боғлиқ ёки боғлиқ бўлмаган ҳолда Тинч океан тепасида Совет-Америка «Паритет» космик кемасининг парвози билан боғлиқ ҳодисалар, Она Байит қабристони, Найман она ва унинг бахтсиз фарзанди Жўломаш, мактаб муаллими Абутолиб Кутгибоев, унинг садқотли рафиқаси Зарифа ва фарзандларининг бошига тушган фалокатлар ҳикоя қилинади. «Қиёмат»да Акбара билан Тошчайнар романнинг деярли барча сюжет қизикларини бир-бирига боғлаган асосий қолипловчи сюжет-восита бўлса, «Бўронли бекат»да Қоранор шундай «воситачилик» қилади.

Чингиз Айтматов барча асарларида ўз усул, услуб ва талбирларига содиқ қолади: уларда реал ҳаётини воқеалар тасвири билан турли-туман ривоят ва афсоналар бир-бирига қўшилиб-чатишиб кетади. Тулки, бўри, ит, туя, от, қалхат, балиқ сингари хонаки ва йиртқич ҳайвонлар, жониворлар ҳам ўзига хос адабий персонажлар бўлиб гавдаланади. Чингиз романларида, мавзу ва услуб ранг-баранглиги ичра реал ҳаёт, жўн киргиз турмуш тахлити тасвири қаердан бошланадими хайратомуз афсона, ривоят ва тахайкул рамзлари, фантастика қаерда тугашини аниқлаш қийин. Айтайлик, Қазангапни Бўронли бекатидан ўттиз чақиримча нарида жойлашган Она Байит қабристонига дафн этишга ундаган реал сабабиятлар ва маросим билан мазкур қабристонга «асос солган» Найман она билан киргиз элининг рақиблари жунгжанглар («жуаньжуань» деб аталмиш

уруғ номи шундай ўгирилган) томонидан манқуртга айлантирилган фарзанди ўртасида фожиона тугаган қонли воқеа (онанинг ўз ўғли қўлида шафқатсизларча ўлдирилиши) ҳақидаги ривоят бир-бирига узвий боғланиб кетади. Дахшатли қонли воқеадан ҳикоя қилувчи ривоят бугунги қозоқ ҳаётида кечаётган бошқа бир реал воқеа билан ҳамбарчас боғланади: космодром территориясида жойлашган Она Бэйит қабристонидан (тўғрироғи, космодромнинг ўзи қабристон территориясида жойлашган!) Қазангапга гўр қазиш учун икки метр жой топилмайди. Бошқача айтганда, дунёнинг бир нечта давлатини ўз сийнасига сиғдирга оладиган ҳайҳотдай Қозоғистон чўлида, ерлик қозоқларнинг азалий қабристонидан ўз умрини Ватан ва халқ хизмати, бахт-саодати йўлига тиккан ҳалол меҳнатқаш кишининг жасадига «ўн бир қарич» жой берилмайди.

Ширали, фавкулдада ўзига хос мароқли ва жозибадор усул-усул: ўтмиш манзаралари, халқ донишмандлиги, ҳикматлар билан омухта қилинган реал воқелик лавҳалари, ўзича олганда ақлни лол қилишдан йироқ бўлган одми, жўн турмуш тарзининг тафсилотлари билан «тўлдирилган», «безатилган», «тасдиқланган» ривоятлар муаллифнинг ҳикоя қилиш самимиётини таъминлайди. Натижада ҳар қандай ривоятнинг ривоятдан бошқа нарса эмаслигини рўйрост, кўриб-билиб, англаб турган китобхон муаллифга ўз ихтиёри билан, рўйрост, кўра-била ишонаверади.

Бўронли бекатида бор-йўғи олти хонадон яшайди. Атиги олти хонадон, асарга асос қилиб олинган Қазангап билан Бўкей, эр-хотин Эдигей ва Уккубала оилалари бутун бошлиқ романига материал бериши мумкинми? Агар ҳар олти овулдошдан бир роман ёзилверса... Ҳа, бир одам тўрисида ҳам роман ётса бўлади. Буёғи ёзувчининг маҳорати, бадиий тафаккур қувватига боғлиқ. Чингиз Айтматовнинг кучи ва усталлиги шундаки, у мана шу икки хонадон, хусусан Қазангап билан Эдигейни, улар яшаётган ва курашаётган Бўронли бекатини бутун қозоқ элининг, қолаверса мамлакат ва дунё воқеаларининг қоқ «маркази»га айлантирди. Икки қаҳрамоннинг ҳаёт йўлини — фронт, Қозоғистон, Ўзбекистон, Орёл қадар, буёғи — ҳатто космос билан вевосита ё билвосита боғлаб, улаб қўборади. Тангрининг ўзи ҳам аллақачонлар унутиб юборган бу назарноғир Бўронли бекати даштнинг ўртасида жойлашган, бутун инсониятнинг тақдир ва, таъбир жоиз бўлса, жамики заминликларнинг «сифати» билан, ғайри заминий оламлардаги онгли мавжудотлар (уларни «одам» деб бўлармикан?) билан боғланган космодром, мағрибдан-маширикка, маширикдан-мағрибга зув қатнаётган поездлар, темир йўл билан туташган.

Чингиз Айтматов инсон зоти шарифини, наинки инсон, умуман тирик мавжудотни жуда хилма-хил шароитларда, турли ваъзиятларда, зиддиятли, танг ҳолатларда, масъуд дамларда, фожиа ичиде олиб қарайди. Инсонни таваллуд топиши, ўсиб-униши, камолоти, парвози, инқирози, юзтубан кетиши онларида, чуқур руҳий изтироблар ичиде кўраб экан, шуниси таҳсинга сазоворки, ҳар қандай шароитда — ҳатто ёруғ дунёдан абалдий кўз юмганида ҳам — инсон улуг ва муқаррам бўлиб қолишга арзийдиган зот, деб талқин қилади ёзувчи. Отаси Қазангапни Собитжон тиригида — шод, ўлганида ҳам обод қилмаган экан, бундан қаттиқ ранжиган Эдигей тонг қолади: «Одамларга нима бўлган ўзи! — дея ғазабланди Эдигей. — Уларга ўлимдан бошқа ҳамма нарса муҳим! — Бу фикр Эдигейнинг ич-эттини тирнарди. — Модомики уларга ўлим аҳамиятсиз экан, демак, улар ҳаётнинг ҳам кадр кимматиға етмайди. Ундай бўлса, яшашдан мақсад нима, улар нима учун яшайдилар?»

Романда ҳар хил типлар, турли-туман характерлар яратилган. Қазангап — оқил, Эдигей — собит, Найман она — буюқ жабрдийда, Ойзода — муштипар, Собитжон — вайсақи, лейтенант Тансиқбоев — гирт тўпори ва ҳоказо. Ҳар бир персонажнинг ўз хулқ-атвори, ўз эътиқоди ва фалсафаси, ўз манфаати ва ички дунёси табиий, ишонарли бир тарзда очиб берилган.

Қазангап Асанбоев билан Эдигей Бўрон ҳаёти, «Паритет» космик кемаси орқали ғайри заминий сайёралар билан трансатлантик алоқа, Абутолиб Қуттибоевнинг шахсга сиғиниш даври қурбони бўлганлиги, Қоранорнинг «қишқик» саргузаштлари ва ҳоказолар... буларнинг ҳар бири ўзича тугал, ўзича мукамал ва гўзал бир қисса. Улар орасида айниқса Найман она билан унинг манқурт қилинган ўғли ҳақидаги ривоят низоҳатда таъсирчан, давр фожиаларини ўзида аниқ-таниқ ифодалаш билан жозиб ва унитилмас. Бу воқеалар романинг олтинчи ва еттинчи бобларида ҳикоя қилинади.

Азиз китобхон. Сизга бу боб маъқул тушганини ҳам (зеро, маъқул тушмаслиги

мумкин эмас!), уни бир эмас, бир неча марталаб ўқиганингизни ҳам, ўзингизча, ўтмишдан ва ҳозирги ҳаётдан, теңарак-атрофдан, эҳтимол, янги манкуртларни кашф қилганингизни ҳам, ўз «модарзод» манкуртларингиз борлигини ҳам биламан. Айримларингиз, ажабмаски, битмас-туғанмас, уммоний оналик шафқати билан унинг қотили, фақат муш-фик ва меҳрибон Найман онага эмас, унинг тимсолида бутун ёруғ жаҳондаги онаизорларга қарши қўл кўтарган «манкуртнома», «жунгжангнома» ҳақидаги мислсиз бу қайнок сатрларни бус-бутун ёд олганингизни ҳам биламан. Дунёдаги ҳар қандай машъум фалокат ҳам фақат фалокат бўлганлиги учун эмас, балки ўз тарихи ва «истикболи»га, давомига эга бўлганлиги, бот-бот тақдорланиб туриши мумкинлиги билан минг чандон хатарлироқ. Қанийди, бу қачонлардир, узоқ ўтмишда, фақат Сарйўзақ даштларида, фақат қирғизнинг элида, фақат Найман она, Дўнанбой, Жўломанларнинг бошида кечган воқеалар ҳақидаги бир антика ривоят бўлганида! Холбуки, узоққа бориб ўтирмай, бизнинг энг муносиб замондошимиз, имони бутун, акли-эси бутун, ўзи бутун Инсон, йигирманчи аср граждани, одамохун Қазангапнинг пушти-камаридадан бўлган ўлгон Собитжонни эл-юрт бир оғиздан «манкурт», «янги замон манкурти» деб атаган экан, бу аини ҳақиқат, ота-она, қариндош-уруғларининг юзига оёқ босган муртад бир шахсга берилган жуда муносиб «ёрилиқ» бу. Тўғри, ҳар қандай кабоҳат сингари, келгинди, босқинчи, «ҳайдар кокилли» жунгжанларнинг истибодоти ҳам абадий эмас эди. Эдил дарёсидан утаётганларида, муз ёрилиб, улар дарёга ғарк бўладилар ва ному нишонсиз йўқ бўлиб кетадилар. Қилмишқидирмиш, дейдилар. Адлу адолатнинг, қазову қадарнинг ҳукми шу. Лекин улар «нму нишонсиз» йўқ бўлиб кетдилар, дея оламизми? Йўқ. Янги манкуртчиликнинг хатари шундаки, улар ўз «аждоллари» сингари, туя сўйиб, унинг бўйнидан шилиб олинган қалин тери билан атиги беш-олтита, борингки — ўнта, борингки — юзта, борингки — мингта ҳарбий асирни эмас, балки ўн минглаб, юз минглаб, миллионлаб фуқарони ялпи, сидирга, диёнатсиз манкуртга айлантиришининг синалган, силлиқ, ҳаммабоп йўл-йўриқ ва тadbирлари, ақида ва назарияларини ишлаб чиқиб ва қўллаб юбордилар. Мана Сизга — ривоят, мана Сизга — манкурт нима эканлиги, мана Сизга оқибат натижа... Очофат фашизмнинг жаҳон халқлари бошига ёғдирган мусибатларини бир тасаввур қилиб кўринг-а! Иккинчи жаҳон урушида йигирма миллион кишининг жони қурбон берилди. Хозирги неофашистлар ҳам бўш-тақир жойда униб чиқмаётган бўлсалар керак? Бундай рўдапо туркчи алвастиларнинг «хили», «тури», «нави» бениҳоя кўп, аммо илдизи бир — ирқчи ва миллий мумтозлик, жаҳонгирликка даъвогарлик, мунофиқлик, худбинлик... Халқимиз эндиликда уларнинг ҳақиқий башарасини яхши таниб олмоқда.

Ҳали «Асрга татигулик кун», шунингдек, «Қиёмат» таржимасининг фазилатлари, кучли томонлари билан бирга нуқсонлари, кам-қўстлари (бундай азамат ишнинг мутлақ бежирим бўлиши қийин) ҳақида матбуотимиз бир нима дер, аммо ҳозир — мазкур бобнинг таржимаси анча қиёмига етганлигини айтиш лозим.

Она Байитга яқинлашиб келаётган мотам маросимини ёзувчи шундай тасвирлайди: «Сюда и приближалась в тот день странная, сопровождаемая собакой верблюдно-тракторная похоронная процессия с железнодорожного разъезда Боранлы-Буранный...» Сўзса-сўз таржима хунук чиқади: *сопровождать* сўзини «қузатув» деб бўлмади — мотамсаро тўдани Жолборс (ит) «қузатиб келаётган» бўлиб чиқади. Мархумни сўнгги манзилга элтаётган одамларга нисбатан бу ҳақорат бўлади. Нима қилиш керак? Таржимада ўқиймиз: «Мана бугун ўша жойга Бўронли бекатдан чиққан, туя-трактор аралаш, ит ҳамроҳлигида, ғаройиб дафн қарвони яқинлашмоқда эди». «Ит ҳамроҳлигида»? Таржимон ваъзйат тасвирини бир оз юмшатиш ўрнига, уни... янада қуюқлаштирган: *сопровождение* сўзини *ҳамроҳлик* деб берган. Дарвоқе, тўғри қилган. Чунки бу муаллиф услубига ҳам, аини ваъзйатга ҳам, тасвир мантиқига ҳам бус-бутун мос. Бугунги қирғизнинг миллий қиёфаси, уни ўраб турган кўҳна ва янги муҳит, янги давр қиёфасиго азалдан мерос бўлиб келаётган маросим ва удумлар қоришмаси кишида қандайдир хазинлик, қайғу билан бирга жиндай руҳий жонланиш, «ғалатлик», беозор, ноошқора кулги (ним кулги!) кайфиятини тугдиради кишида. Мана шу кайфиятнинг, ширани таржимон нозик пайқаган ва нозик ифодадай олган. Инчунин, ҳали валломат ёзувчи Антон Чеховдан бошлаб келаётган бундай «ғира-шира», майин, «пинҳоний» ва ўзининг аини шу сифатлари

¹ Чингиз Айтматов. И дольше века длится день. Роман. Фрунзе: Кыргызстан, 1981, с. 107.

билан «портловчи» бу тахлит ним кулги вазиятни ҳосил қилиш тажрибаси ўзимизнинг адабиётимизда ҳам бор эди.

«Бўронли бекат» таржимасининг тили ширали, образли, бадий тасвир воситалари тиниклигини куйидаги мисоллардан ҳам кўриш мумкин: «Олов пуркаб турган кўёш остида терикалпок торайиб, қулнинг тақир бошини темир чамбарак сингари жингиртоб қилиб, қисарди»; «ҳар бир қул сиймосида исёнкорлик руҳи яширинган»; «хўжайиннинг амри манқурт учун ҳам фарз, ҳам қарз»; «борлиққа ҳаёт бахш этувчи хуршиди олам»; «жунг-жанглarning Сариўзақдан кетадиган сиёғи сезилмасди»; «водариг, от ганим томон суриб кетди»; «олатасир қиёмат кўпган»; «факат у — ёлғиз онаизоргина бесару сомон, бетоқат кутарди»; «онанинг исёнкор руҳига ва муножотига унчалик ҳамоҳат бўлмаган сув нималарни шивирлаётган экан?»; «барибир, дардинга дардманд бир кимсани тополмайсан»; «мабодо аллақандай тасодиф билан ўгли ўлмай манқуртга айлантирилган тақдирда ҳам, уни қидириб, пораланган юракни қайта поралаш на ҳожат»; «мана энди у ҳам бу ёлғиз ўтовдан бадар кетмоқда»; «онанинг сўзлари карнинг қулогига азон айтгандай эди»; «Жўломон, қулуним Жўломон, қанисан?»...

Инсон учун дунёда энг оғир жудолик — фарзанд доғи. Оналар ҳар қандай гам-андухга, ҳар қандай жудоликка, ҳар қандай жаҳаннамий азоб-уқубатларга чидаши ва кўникиши мумкин — она қалби тоғ — лекин улар фарзандининг ўлимига бардош беролмайди. Бироқ — начора! Кўникишга мажбур. Эғнига кўк кияди. Йиғлайди-сиқтайди. Аммо дилбанди ном-нишонсиз йўқолган бўлса, бунинг алами ва доғ-ҳасрати еру кўкка сиқмайди. Найман она ўгли Жўломондан айрилиб қолган. Кошқийди унинг жангда ҳалок бўлганини билса — айтиб-айтиб йиғласа, бағрини тигласа. Шунга қарамай, фарзандининг тақдиридан аниқ воқиф бўлмаса-да, унинг манқуртликка дучор бўлганини кўнгли сезиб, шундай зикр, муножот қилиб, бўзлаб йиғлайдики, бу қирғиз миллий мотам маросими таомилида фавқуллода таъсирчан, мўнгли, исёнкорлик руҳида ифодаланган. Таржимаси ҳам зўр чиққан.

Ўз манқурт қилинган қулун, бўталоғи Жўломонини, ниҳоят, минг азоб-уқубатлар билан топган онаизор «мен сенинг муштипар онамман» деб уқдиролмайди унга. Ёзувчи шу ўринда волиданинг марсиясидан бир шингил келтиради ва аслиятнинг шираси, таъсири минг бўлсаям русча таржималада сусаяди, деган ўйда уни қирғизча беради.

— Мен ботаси олген боз мая,
Тулябын келип искеген...

ва сатр остида мазмунини русчага таржима қилади (120).

Ўзбекча таржимаси:

— Тулубин келиб искаган,
Бўтаси ўлган бўз мойман.

Байтнинг мазмуни сатр остида изоҳланган: «Туянинг боласи ўлганида, сут бермай қўймасин, деб бўталоғининг терисига сомон тикиб унга кўрсатилади. Шунда ҳайвоннинг меҳри товлаб елинига сут келади».

Мамлакат «олий манфаатлари»нинг қули, кўқорида турган мансабдор хўжайинларининг югурдаги, аини чоқда ўз халқининг ғаддор душмани. Ўз «Мирқинбой-Шийқинбой»ларидан ўлгундай ор қиладиган, ҳар хил «биоток», «космос», «радиотўлқинлар орқали бошқаришлар», «гешлар» ҳақидаги техника янгиликларига қуллук қилиб, улар қаршисида тўрт оёқлаб эмаклаб юрадиган маңфур Собитжон ўзини... «давлат кишиси» деб билади. У «илғор дунёқараш»га эга бўлган одам, қадимги Юнонистон, Олимп, унинг маъбуд ва маъбудаларини таҳқирлайдиган гирт нодон, яланғоч даҳрий. (Бу сифатлари билан Собитжон «Қиёмат»даги афёнгарлар тўдасининг бошлиги Гришан, унинг муртад ҳамговоқларига хеш-ақраболғи бор.) Асарни ўқир экан, китобхонни бирдан ваҳима босади: ё раббий, бир фалокат бўлиб, агар бу қаттол ёвуз руҳлар — собитжонлар, лейтенант тансиқбоевлар, «уккикўз» терговчилар, абиловлар, «Қиёмат»даги гришанлар, оберлар, бозорбойлар, узукбойлар... бирлашиб қолишса-я!.. Бундай брлашув тағин бир республика, бир мамлакат, боринги дунё миқёсида содир бўлса-чи?!

Алҳазар!..

Дунё ва мамлакат миқёсини кўя туриб, Собитнинг мана бу «илмий алаҳсираши»ни ўз республикамиз — Ўзбекистон, ўзбек халқимизга тадбиқан мулоҳаза қилиб кўрайлик: «... Одамнинг жаминки хулқ-атвори — ҳар бир хатти-ҳаракати, фикр-мулоҳазаси, истақ-хоҳиши ўлчанган, олдиндан белгилаб қўйилган бўлади. Мана, масалан, дунёда ҳозир демографик портлаш бор, яъни, ер юзида одамлар сони кўпайиб бормоқда, уларни боқ-кишининг ўзи бўладими? Бунинг учун нима қилиш керак? Тугилишни қамайтириш керак. Хотиннинг билан ҳам, хоҳлаган пайтингда эмас, балки сигнал билан рухсат берилган вақтда ётасан, жамият манфаатлари нуктаи назарини шундай қиласан...»

«... Эдигей дафъатан сесканиб, ростакамига кўрқиб кетди. Бу қарға бекора қарғай қағилламаяпти, деб хавотир ола бошлади. У бу гапларни ҳойнаҳой бирор ердан ўқиб олган бўлиши керак, қуйма қулок, ахир унинг қаерда бирор хунук гап чикса, дарров илғаб оладиган одати бор. Чиндан ҳам шунақа кишилар ҳаётда бор бўлса нима бўлади, бунинг устига, ўзларича катта олим, чиндан ҳам ҳаммани ўзларига банд қилиб олиш ниятида юрган бўлишса-я...»

Собитжон... ҳалиям аравани қуруқ олиб қоцаётган эди».

«Бўронли бекат»нинг ёзилганягам мана роппа-роса саккиз йил тўлибди. Чингиз оғанинг Эдигей тилидан айтган бу хавотири, огоҳлантириши ўзини кўп-да куттириб қўймади. Бугунги кунда, чиндан ҳам, Ўзбекистонда «туғилишни қамайтириш керак» деган даъвои қандайдир Собитжонга ўхшаган «лакмаляр» эмас, балки туппа-тузук олимлар, сиёсатдон ва публицистлар, врачлар айтаётганига ҳатто ишонгинг ҳам келмайди. Келиб-келиб, бошқа бирон иқлимда, бошқа бирон даврда эмас, балки айнан бизда, айнан қайта қуриш ва янгича тафаккурга даъват палласида Эдигей тимсолидаги донишмандлар эмас, балки собитжонлар сингари «аравани қуруқ олиб қочадиган» «давлат кишилари»нинг телба даъвоси юзага қалқиб чиқаётгани кишини тонг қолдиради. Ҳушёр китобхон мутафаккир ёзувчининг башоратига қанчалик таҳсин ўқиса, айрим мутақаббир «давлат кишилари»нинг «сифатли одам» учун қураш никоби остида ўз халқининг пайини қирқаётган «олимона» даъво-далилларида шунчалик нафратланади.

Асарда бир неча ўрида Ўзбекистон ва унинг одамлари билан боғлиқ жойлар хушнудлик билан тилга олинади. Булар: Хива, Бухоро, Самарқанд, Мирзачўл. Казангап боши узра жиддий хавф туғилган бир даврда, олти йил мобайнида Мирзачўлда яшайди, пахтакор бўлади, республикамизнинг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланади. Шу ерда Хивадан келиб қолган Бўкей деган қорақалпоқ қизга уйланади. Яна биламизки, Эдигей Бўрон билан Казангап — Орол қозоқларидан. Казангап умрининг сўнгги кунларида Оролга видолашиш учун боради. Аммо бу даврда энди видолашиш ёруғ дунёдан кўз юмаётган бир меҳнатқаш инсоннинг ўз Ватани Орол билан сўнгги дийдор кўришувигина эмас, балки Орол денгизининг ҳам аҳволи Казангап ва Эдигейларниқидан «қолишмас» эди. Казангап суви қуриб бораётган Оролнинг аҳволини кўриб, руҳи кўтарилиши ўрнига, чуқур ўйга толади, ҳафсаласи пир, дили хуфтон бўлиб қайтади. «Боришмагани маъқул экан, боришга боришди-ю, хафа бўлиб қайтиб келиши,— ёздаи муаллиф.— Денгиз суви тортилиб, соз тупрокли тақир йўл бўйлаб ўн чакиримча йўл юришганидан сўнг аранг сувга яқинлаб боришди. Ушанда Казангап: «Орол дунё тургунча турар эди, энди, мана, шу денгиз ҳам қуриаяпти, одам умрини гапирмаса ҳам бўлади», деган эди. Ушанда у яна бундай деган эди: «Эдигей, сен мени Она Байитга дафн этасан. Денгизни эса сўнгги бор кўриб, хайр-хўшлашиб туришим!»»

«Қиёмат» романида Акбара билан Тошчайнар, Иисус Христос билан Авдий Каллистратов, Гурам Жўхадзе, Бўстон Ўрқунчиев, Болгария хор капелласи билан боғлиқ воқеа ва манзараларнинг ҳар бири алоҳида роман, қисса ва ҳикояларга арзигулик сюжет бўла олади. Ажабмас, асарни ўқиган бир қисм китобхонларда ҳам шундай фикр туғилгандир. Дарвоқе, марказий матбуот саҳифаларида айрим танқидчиларнинг чиқишларида шундай фикр айтилди ҳам. Зотан, олайлик, ҳазратли Исо ҳақидаги икки минг йиллик тарихга эга воқеалар тасвири билан бугунги Қозоғистоннинг бир чеккасида, Ола Мўнгу ва Мўйинқумда кечаётган саҳро-чўл воқеалари ҳамда вақт ва маконда бир-бирдан тамомила йироқ Болгария хор капелласи билан Грузиядаги Гурам Жўхадзе ҳаракатлари ўртасида қандай боғлиқлик бор? Инчунин: Акбара билан Тошчайнар — афёюнгарлар тўдаси — Иисус Христос билан Понтий Пилат — Авдий Каллистратов билан ҳазрат Димитрий (Координатор бузруквор) — Бўстон Ўрқунчиев билан унинг атрофидаги бир гала

оламларнинг қандай қилиб «бошларини қовуштириш» мумкин? Бундай қараганда, бири богдан бири тоғдан келган воқеаларни қандай қилиб бир романда бирлаштириб бўлади? Турли иқлимлар, ҳар хил тарихий даврлар, бир-биридан буткул фарқ қилувчи, ҳатто бир-бирига баъзан зид нарсаларни қандай қилиб ўзаро боғлаш мумкин?

Ҳамма гап шунда-да! Ч. Айтматов ўз асарида икки минг йиллик бутун бир тарихий даврнинг салмоғи, мазмуни, мундарижаси ва зиддиятларини ҳаққоний кўрсатиб бера олган. Бунинг учун унга икки минг йиллик давр у ёқда турсин, салкам Одам Ато ва Нуҳ пайғамбар замонида ҳам бани Башарни лол қолдириб келган чуқур, чигал, зиддиятли муаммоларга муносабат билдириш лозим эди. Муаллифга кенг жўрғоғий, тарихий, маданий ва диний микёс керак эди. Худди шунинг учун адибга одам одам бўлиб яратилган замонлардан бошлаб унинг ўз атрофидаги жонли ва жонсиз табиатга муносабатини қаламга олиш лозим эди. Худди шу нуқтада у фан, маданият ва техникада ниқилоб ясаб, бемисл юксакларга парвоз қилган ҳозирги кишилик жамияти ҳамда ижтимоий тузумлари, ахлоқ бобида, баъзи бир жиҳатлардан, чунончи, ҳатто қўлига қалтак олиб баҳайбат кўтосларни овлаб тирикчилик қилган ибтидоий жамоалардан ҳам унчалик узоққа кетмаганлиги, узоққа кетган бўлса ҳам, ялпи қиргин қуроллари билан наинки ҳайвонлар, ҳатто бир-бирларини ҳам қиргин қилиб юбориш даражасига «қутарилганлиги» эътибори билан бекиёс тубанлашиб кетганлигини бизга иқроқ қиладиган, ўзи сингари улкан бир ёзувчининг бутун умрига ва бутун ижодига татийдиган янги, чуқур роман ёзиши керак эди. Шундай нарсани у ёзди! Худди шунинг учун — қалб экологиясининг тозаллиги, инсон диёнаги ва имонининг басаломатлигини даъво қилиш, бу йўлда буюк адабий-тарихий воришйлик ҳам муштаракликни иншо қилиш учун Байтулмақаддас ҳам, Исо Нурилло ҳам, замондошларимиз Авдий Каллистратов, Инга Фёдоровна, Бўстон Ўрқунчиев, Эрназар, Гулимхонлар, буюк жабрдийда, қувғинди, мोजор ва нотагон Акбара билан Тошчайнарлар билан бирга нудалар, қайсарлар, гришанлар, бозорбойлар, жонтойлар, исқирт афъюнгарлар керак эди. Лекин бу қадар кенг дунёвий воқеаларни бир китобда қамраб бўладими? Бунинг учун қатта журъат, тажриба, маҳорат, бадиий тафаккур билан бирга бугунги ошқоралик, демократиялаш, соғлом танқидий муҳит керак эди. Чингиз Айтматов ана шундай янги муҳитни кутиб ўтиргани йўқ, балки атоқли совет ёзувчиси сифатида, ўз ижоди билан шундай даврнинг келиши ва барқарорлашувини тайёрлаган ва таъминлаганлардан бири.

«Қиёмат»да қаламга олинган табиий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига дахлдор хоҳ типик, хоҳ типик бўлмаган образлар ва тимсолларнинг замирида фожий қисмат ва тақдирот ётади. (Асар ҳақиқатидан келиб чиқадиган бўлсак, қабих Бозорбойни ҳисобга олмаганда, нуқул жамиятнинг гуллари бошига фалокат ёғилади.) Акбара ва Тошчайнар тимсолида бир жуфт бўри ва уларнинг уч авлоди, ўндан зиёд зурриёди қисматида — қиёмат. Ўз умматларига ўзича бахт ато этиш учун курашган, охир-оқибатда аини ўша умматлари томонидан рад этилган Иисус Христос, бизнингча айтганда ҳазрати Исо чормих қилинади — бошини дорга қўяди. Бу ерда ҳам — қиёмат. Баайни Исонинг «давоми», вориси сифатида гавдаланган, бизнинг замондошимиз, кўҳна диний ақидаларга қарши исён қўтариб, янгича теологик назария яратмоқчи бўлган ва бу билан даҳшатли афъюний кашандаликка мубтало, ўзларини жамиятнинг «илғор» кишилари деб билган бир гуруҳ маънавий ноғиронлар, ёш жиноятчиларга қарши тенгсиз кураш олиб борган Авдий Каллистратовнинг бошида ҳам қиёмат қўпади. Уни аини ҳалоллиги, энг олийжаноб инсоний хислатлари учун Мўйинқум даштида дарахтга чормих қилиб қаллақлаб кетадилар. «Олтовлон ва еттинчи» балладасида тасвирланган қўрбоши Гурам Жўҳадзе ва унинг йигитлари Ватан билан видолашиш онларида айғоқчи Сандро томонидан ногаҳонда битта қолмай қириб ташланади. Бу ерда ҳам қиёмат қоиним. Лекин, топширикни «аъло» бажарган Сандро-чи? Энг сўнгги дамда, виждон қийноғига чидолмай, у ҳам... ўзини ўзи отади! Унинг бошида ҳам қиёмат қўпади. Ола Мўнгу тоғидаги тубсиз муз жарлигига ўз оти билан тушиб кетган, жасади ҳатто қора мोजор ҳам зор бўлиб қолган Эрназар қисматида ҳам, кўз кўриб қулоқ эшитмаган таҳқир, тухмат ва маломатларга дучор бўлган, жонҳолатда сеvimли фарзанди Кенжашни олиб қочаётган бўрини отаман деб, унга қўшиб норасида боласини ҳам ўзи қўли билан ўлдириб қўйган Бўстон Ўрқунчиевнинг, шўрпешона рафикаси Гулимхоннинг тақдирларида ҳам — қиёмат.

Асарни биринчи саҳифасидан бошлаб сўнгги бетларигача тин олмай, юрак ҳовучлаб

ўқийсиз. Сурункали фожиалар тасвирининг шоҳиди ўларок, романда йилт этиб кўринган бахтнинг (Авдий Каллистратов билан Инга Фёдоровнанинг чўн муҳаббати, Бўстон билан Гулимхоннинг эндигина изга тушиб келаётган тотув ҳаёти...) алангаланишига аранг умид боғлаб турганини эда, туйқусдан умидингиз пучга чиқади. Ҳаммаёқ остин-устин бўлиб кетади.

Ўтти бир муҳаббат, ботиний самимий туйғу, ихлосу эътиқод, катта қалб кўри билан ажиб, мўъжизавий бир тарзда тасвирланган Акбара билан Тошчайини ҳам, Исо Масихни ҳам, қўйинги ўзининг деярли барча ижобий қаҳрамонларини ёзувчи катта фожага гирифтор бўлган ҳолда кўради ва улар мотамида даставвал ўзи қалбини тиглайди, эгнига кўк кияди. Қалблар тугёнга келади. У деярли биронта ҳам қаҳрамонини «аямайди». Нима учун? Сабаби, ҳаётнинг ўзи қанчалик пурзиё бўлса, шунчалик шафқатсиз. У ҳақ кимни сийламайди. Ҳолбуки, ўша соф ниятли, слийжаноб Авдий, Гурам ва унинг йиғитлари, Эрناзар, Кенжаш ва бошқалар омон қолишлари, ўз «мурод-мақсадларига етишлари» ҳам мумкин эди. Бунинг учун ҳаётдаги ифрот, локайлик, акмидпарастликка қарши курашиш, курашганда ҳам «донкихотларча» эмас, балки фидойиларча биргалашиб курашиш керак, инсонлар бошида қиёмат кўнмаслиги учун соф ниятли барча кишилар бирлашиши керак, деган гоё ётади асарда. Чунки қиёмат фақат осмондан ёғилмайди, уни одамларнинг ўзлари ҳам «жасайдилар», бинобарин, уни даф этувчи куч, тафаккур ва идрок ҳам одамзоднинг ўз ихтиёрида, деган ниҳоятда асосли, оқилона даъвои илгари суради адиб.

Роман, кенг маънода, табиат ва жамиятда меъёрлар, таносибларнинг бузилишидан келиб чиққан фожиаларни тасвирлайди. Ёки, бошқача айтганда, Ч. Айтматов талқинидаги фожиалар ҳаётда меъёр ва таносиблик қонуниятининг бузилиши, ғайри мутаносиблик замирида пайдо бўлади. Ҳаёт фақат беш йилликларнинг қаҳрамонона ғалабаларини меҳнат коллективларининг тантанавор рапортлари, улгувор планлар, резервларнинг ишга солиниши, ҳар хил бакироқ шиорлару чақириқларнинг мундарижаларидагина ишамайди. Меъёрлар бузилиши оқибатида инсоний кадр-киммат поймол қилиниши, тирик жон улкан ишлаб чиқариш механизмининг бир қисмига айланаб қолиши, ҳар қандай муқаддас гоёвий кадрият ҳам бора-бора ўз маъно-мазмунидан маҳрум бўлиши, «девальвацияга» учраши мумкин. Дин, К. Маркс сўзлари билан айтганда, халқ учун қанчалик афъон бўлса, меъёридан ошириб юборилган диёнатсизлик, шафқатсизлик, манкуртлик тўғридан-тўғри чинакам афъонгарлик, бағилик, гиёҳвандликка олиб келган сабаблардан бири эканлиги асарда яхши очиб берилган.

Бу ерда тасвирланган ҳар бир алоҳида олинган миллий ёки маҳаллий воқеа-ҳодиса замирида, юқорида бир қарра айтиб ўтилганидай, умуминсоний гоё ётади. Адиб фақат алоҳида олинган шахснинггина эмас, балки умуман ҳазрати Инсон ва бани Башарни, алоҳида овул ёки оила билан бирга умуман Мақон ва Ватанин таърифлайди. Шунинг учун воқеа хоҳ Болгарияда, хоҳ Арабистон, Исроил, Россия ёки Иссиқкўл, Мўйинқум, Жалпок-Соз, Узун Чот, Мирзачўл, Бетпоқдала ёхуд Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистоннинг қандайдир узок бир овули (айили), қишлоғи, хонадони, оиласида кечмасин, бу воқеа-ҳодисаларнинг барчаси ўзининг хос жиҳатлари, факултабийлиги, ранг-бўёқлари, антиқалиги билан ҳаммага тушунарли бўлади.

Аммо шу билан бирга, «Қиёмат»да тасвирланган шундай жиҳатлар ҳам борки, булар барчага, маълум тушунарли сабабларга кўра, бирдай тушунарли бўлмаслиги ҳам мумкин. Марказий матбуот саҳифаларида босилиб чиққан аксарият танқидий мулоҳазаларда худди ана шу нарса, муаллифнинг асл муддаосини бутун теранлиги билан англаб етмаслик ўз ифодасини топган. Чунончи, Ч. Айтматов христиан диний замирида (инжил) туғилган Иисус Христос воқеасини ҳикоя қилар экан, ярим Худо ва ярим Инсон қилиб тасвирланган Иисус Қуръонда Исо Масих номи билан юритиладиган пайғамбар эканлигини яхши билади. Ҳар икки диний манбада ҳам уларнинг қаромати тирилиш (тирилтириш) билан боғлиқ. Чунончи, христианлар «Иисус воскрес!»—«Иисус тирилди» деса-лар, ислом ривоятларига кўра Исо пайғамбар — Масих, ўлганларни ўз сеҳридан нафаси билан қайта тирилтиради. Бироқ икки диний маданият ва ривоятларда бундай муштарак хусусиятлар ва аломатлардан ташқари, у (Иисус, Исо) бир хил ғиёсологик илдизга эга бўлган тамомила мустақил сиймо. Бинобарин, ёзувчи Иисус ҳақидаги соф христиан персонажини таҳлил қилар экан, у мавжуд диний манбаларни ўбдон чуқур ўрганган.

Вирок Ч. Айтматов, турган гап, қандайдир дин ҳомийси, теолог ёки «янги худо изловчи» эмас, балки инсоншунсо адиб сифатида иш қўрган ва Марйам ўғли Иисус образини яратган. Чунончи, у бутун бошлиқ Инжилдан атиги бир неча абзацда берилган маълумот асосида катта адабий персонаж ва унинг атрафида жуда чуқур ҳаётини фалсафа яратган. У Иисуснинг илоҳий ва инсоний, тарихий ва замонавий моҳиятини очишга ҳаракат қилган. Булар барчаси ўзларини христиан маданиятига мансуб деб билган кишиларга, шубҳасиз, тушунарли. Исломо оламига эса одам-тангри қиёфасида талқин қилинган Иисус Христос ва унинг қавми яхши маълум эмас. Бирок бу ерда яна бошқа бир катта ҳақиқат ҳам борки, Чингиз икки тилли адиб бўлиши баробарла, икки маданиятли зулфисонайн ҳамдир. Масаланинг бу тарафи яна аҳамиятли. Зеро, Чингиз Иисус Христос талқинида Исо алайҳиссаломга дахлдор «баъзи» нарсаларни ҳам хийла йирик ва чуқур планда бўрттириб беради. (Чунончи, тангри таоло ва таоло бани одами ўз шаклида ясаганлиги, Инсон — Худонинг ердаги сояси эканлиги ва ҳоказоларни эсланг. Шарқда шундай бир янги диний маслак (сўфизм) ҳам пайдо бўлган эдики, уларнинг «аналҳақ» («мен — худоман») деган даъволари расмий ортодоксал диний ақидаларга тамомила зид келганлиги учун Боязид Бостомий, Имоидидин Насимий, Бобораҳим Машраб дин пешволари томонидан қатл қилинган эди.) Масаланинг бу каби тағдор, нозик нуқталари ҳаммага ҳам тушунарли бўлмаслиги ўз-ўзидан аниқ.

«Ўтқир ёзиш услуби... шундан иборатки,— деб ёзган эди Людвиг Фейербах ўзининг «Диннинг моҳияти тўғрисида лекциялар» асариди,— у ўз ўқувчисининг ҳам ақли бор деб талқин қилади, ҳамма нарсани айтиб қўймайди, бу қоида аҳамиятга эга бўлиб, фикр қилиниши мумкин бўлган муносабатлар, шарт-шароитлар ва чеклашлар ҳақида ўз-ўзига айтишни ўқувчига ҳавола қилади»¹.

Ёзувчи турли тарихий даврлар, замонлар, таълимотлар, тақдирларни бир-бири билан боғлайди. Ч. Айтматовнинг мақсад-муддаосини тўғри ва мукаммал тушуниш учун адиб даражасида юксак маданиятга ворис ва шундай билимга эга бўлиш керак. Агар мунаққид ёки китобхоннинг воқеалардан воқифлик даражаси паст бўлса, бунинг учун муаллифни... айблаб бўлмайди.

Чингиз Айтматовнинг ижоди — янгича тафаккур тарзининг самараси ўларок, ўзига нисбатан онгли муносабат, идрок, савия ва юксак маданият соҳиб бўлишни талаб этади. Унинг асарлариغا кўҳна адабий-назарий чорчўбалар, ўлик схематик андозалар асосида ёндашиб бўлмайди. Албатта, бу алибнинг фикрига, унинг мавқеи ва талқинига муқаррар равишда, ҳеч бир эътирозсиз, кўр-кўрона қўшилавериш лозим, деган маънони асло англамайди. Шубҳасиз, ўқувчининг ўз нуқтаи назари бўлиши, унинг эътиқоди ва гоъявий платформаси муаллифникидан қисман ёхуд бус-бутун фарқ қилиши мумкин. Бу табиий. Адиб ўз қарашларини ҳеч кимга зўрлаб тиқиштирмайди. Лекин одоб ва маданият шуни такозо этадики, ёзувчининг ўй-нияти, иродаси, концепциясини инкор этишдан олдин, уни тинглашга, уқишга, тушунишга ҳаракат қилиш мақсадга мувофиқ.

Чингизнинг асарларини, айниқса унинг икки романини адабиёт ҳақидаги кўҳна тасаввурлар билан ўқиб бўлмайди.

Социалистик реализм адабиётининг синфийлиги ва партия вийлиги ҳақидаги эски қарашлар асосида шу қадар кўп ва хилма-хил жанрлардаги асарлар майдонга келдики, булар орасида ҳаётни бутун мураккаблиги, зиддиятлари, ойдин ва соя томонлари билан ёритувчи асарлар каторида чекланган, бир ёқлама назарий ақидаларни олинган «берилган» программ-дастур сифатида қабул қилиб, ҳаётда учраб турадиган номатлуб ҳолисалар, нуқсонларни ҳаспўшлаб, безаб, пардозлаб юзаки ёзилган нарсалар ҳам сонсаноксиз. Ҳеч кимга сир эмаски, ана шундай уруглаб кетган мадҳиянбоз китоблар асосида қарор топган муайян «китобхон типи» ҳам етишиб чиқди. Бундай адабий талқиндаги қаҳрамон турғунлик даврининг талаб, майл, норма ва психологиясини ҳам ўзида бус-бутун ақс эттириши ўз-ўзидан равшан. Чекланган тафаккур, ақидапарастлик, шахсга кулук қилиш руҳида кечган давр адабий қаҳрамонлари ҳам ўз идеалларига содик эдилар. Янги давр адабиёти, жумладан, Ч. Айтматовнинг қаҳрамонлари эса совет кишиларининг ўй-фикрлари ва мафқурасини чинакам реалистик тарзда

¹ Каралсин: В. И. Л е н и н. Тўла Асарлар тўплами, 29-жилд. Фалсафа дафтарлари. Тошкент: «Ўзбекистон», 1977, 64-бет.

ўзида акс эттиради. Бу адабиётда қахрамонлар фақат ижобий ёки фақат салбий эмас, балки ҳаётий ўларок, тирик инсонга хос матлуб ва номатлуб томонларини ўзида мужас-самлаштиради. Чунони, бунда баъзан муайян бир образнинг «ижобий» ёки «салбийли-гини» ажратиш ҳам қийин бўлиб қолади. Масалан, «Олтовлон ва еттинчи» балладасининг еттинчи персонажи Сандро жангда мағлубиятга учраган баҳодирларни «буйруққа кўра» тўқусдан отиб танлар экан, гарчи у ўз бурчига содиқ қолган бўлса-да, ўқувчида ички норозилик туйғуси пайдо бўлади. Виждон азобида ўша Сандро ўзини отиб ўлдирганида эса китобхон хайрихоҳлик билан уни «тушунади».

Авдий Каллистратов — диний-семинарист. У «замонабоп» «янги» Худо кашф қил-моқчи. Бироқ Исусни ўз қавмлари қабул қилмай қатл этиб, сўнгра унга эргашганлари, унинг хунини ўзларига қабул қилиб, имон келтирганлари сингари, Авдийни ҳам эски черков ақидалари таъқиб этиб, янги жамият ҳам ундан юз ўгиради. Авдий ўзининг сод-дадил, эзгу, пок ўй-ниятлари билан черковга ҳам, хаётга ҳам сиғмайди ва ҳалокатга учрайди.

Чингиз Айтматов асарларида қаҳр ва муҳаббат, висол ва ҳижрон, соғинч ва ўкинч туйғулари бир-бири билан мураккаб бир тарзда, тасдиқ ва инкор, эътироф ва эътироз шаклларида қўшилади ва фаркланади. Адибнинг услубида тасвирланаётган воқеалар-нинг табиати ва шаштига қараб майинлик ва жўшқинлик сезилиб туради, баъзан оддий, жўн нарсалар талқинидан ҳам катта фалсафа ва ҳикмат унади. У чизиклари, ҳажм, вазн, сиғим, қабат, қатлам ва томонлари аниқ кўриниб турган жонли ва жонсиз предметлар-нигина эмас, балки тамомий абстракт тушунчалар, хис-туйғулар, ранг-бўёқлар, маъно-лар, мусика, боқишлар, юз-кўз ифодалари, булутлар, ҳаво, сув, буғ, туман, булут, ҳатто кишилар ва ҳайвонларнинг номларини ҳам ажиб бир тарзда турлайди, «тасвирлайди». Болгар ҳор капелласининг қўшиқларида сеҳрли оҳанглارнинг «оқиши» билан «Олтовлон ва еттинчи» балладасидаги ўзига хос грузин кўшиқлари ва «ватан» тушунчасининг талки-нию таърифларини эсланг. Ватан нима эканлигини ҳеч ким бу қадар содда ва аниқ таъ-рифламаган. Чингизнинг «кўшиқлари»ни — бу ҳоҳ киргиз «обони» бўлсин, ҳоҳ қозок ўлани бўлсин, ҳоҳ хиргойи бўлсин, ҳоҳ марсия ёки муножот бўлсин, — биз дарҳол бошқа-ларникидан фарқлаймиз. Булар кўшиқ ҳақидаги кўшиқ янглиғ мунгли, маъноли, туйғули жаранглайди.

«Қиёмат» романининг ўзбекча таржимаси чоп этилиши муносабати билан «Шарк юлдузи» журналхонларига ёзган дастхатида муаллиф: агар Сиз китобхонлар қалбида ва онг-шуурида менинг асарим янги туйғу, янги кечинмалар, янги ўй-фикрлар уйғота олса, мен мамнун бўлардим, дейди. Бу билан Чингиз оға ўз асарининг ўзга лисоний либосда, ўзбек тилида янгича талқин этилишига умид боғлайди. Зеро, аслият билан унинг бошқа тилларга қилинган таржималари бир-бирига мутлақ тенг бўлсмайди. Мантқан олганда ҳам бу асосли ҳукм. В. И Ленин «Фалсафа дафтарлари»да Гегелнинг «Бири иккинчиси билан айнан бўлган нарса йўқ», деган сўзларини қайд этади. Шунингдек, Лассалнинг Гераклит фалсафасига бағишланган китоби мутлақасида қадимги юнон файласуфи-нинг: «Айни бир дарёнинг ўзига икки марта тушиш мумкин эмас» деган машҳур таърифи-ни эслатар экан, Гераклитнинг шоғирди Кратил бундан ҳам ошириб ва далилба: айни бир дарёнинг ўзига бир марта ҳам тушиш мумкин эмаслиги (чунки баданнинг ҳаммаси сувга ботгунча у аввалги сув ўлмай қолиши) ҳақидаги фикрни айтганлигини иқтибос келтиради (ТАТ, 29, 329).

Чингиз Айтматов рус ўқувчисининг тайёргарлиги, билим ва воқифлик даражаси, ру-ҳий ва маънавий оламиини ҳисобга олган ҳолда романини рус тилида ёзди. Асар рус ва русийзабон китобхон билан тамомила ўзига хос бир алфозда мулоқот қилади. Китобни ўзбек тилига ўтирган Иброҳим Гафуров уни «айнан ўзидай» етказишга қиринганида, у ҳайратомуз яхши ният билан ўзини олдиндан мағлубиятга дучор қилган бўлур эди. Би-нобарин, у бундай қилолмасди. Негаки, унинг таржимаси энди тамомила бошқа тарихий ўтмишга эга бўлган, асрлар мобайнида ўзгача маънавий ва руҳий камолат пиллаоя-ларини босиб ўтган муҳит кишиларига бағишланаётганини чуқур ҳис этиб турарди. Ай-ни вақтда романини қирғизчага ўсирган Ҳошим Жақипбековнинг ҳам олдида ғоят мушкул вазифа турар эди: қирғиз адибининг асарини рус тилидан қирғизчага ағдариш, бир-бир-идан тамомила фарқланувчи христиан, яҳудий, қозоқ, рус, болгар, грузин маданиятлари, диний ва реалистик воқеликлар, афсона ва ривоятлар қоришиб, баъзан айқаш-уйқаш

бўлиб кетган бу мураккаб, зиддиятли, чуқур романи «асл қирғизча» манбага «қайтариши» лозим эди. «Қиёмат» романининг русча асл нусхасини унинг ўзбекча ва қирғизча таржималари билан қоишгириши шуни кўрсатдики, ҳар уччала талқин ва таржима бир-биринга қанчалик адекват бўлса, худди шу мослик чегарасидан бошлаб бир-бирларидан муайян даражада фарқ қилади.

Таржима санъатида моҳият эътибори билан бир-биринга зид икки хил таърифни биланми: биринчи даъво шундан иборатки, асл таржима аслиятнинг ўзини босиши эмас, балки унга йўл очини, унга ҳавас уйғотиши керак. Бошқача айтганда, олайлик, «Қиёмат» ни ўзбекча таржимада ўқиган киши унинг русча асл нусхаси билан танишишга интийсин. Иккинчи даъво шуки, аслиятнинг чин маъноси таржимада очилади, бошқача айтганда, асарга чинакам ҳолис баҳо бериш учун уни бир неча тилларга қилинган таржималарда ўқиб кўриш лозим. Бинобарин, русча «Плаха» а баҳо бериш учун уни, айтайлик, ўзбекча, қирғизча ва бошқа тилларга қилинган таржималарда ўқини керак. Зоҳиран бир-бири а зид ҳолатда таърифланган бу даъволар аини ҳолда макбул, бир-бирини тўлдирувчи ва бир-бирини ҳатто тақозо этувчи омилга айлангандан кўринади бизга. Зотан, «Қиёмат» ўзбекча таржимада ўз алфози, иборасозлиги билан қанчалик тафовутли бўлса, русча аслиятнинг руҳига, муаллифнинг максал-муддасига, тоҳирини ва ботиний маъноларига шунчалик уйғун, шунчалик ҳамоҳанг, шунчалик қарин. Зотан, ўқувчи таржимага қунон мафғун бўлиб кетадикки, унинг наздида русча аслият шу асарнинг ўзбекча таржимасисиз қанчалар кўп нарсани йўқотадигандек, асарнинг туб моҳиятидан келиб чиқадиган қанчалар-қанча янги кесинмалар, фикрлар, маънолардан маҳрум бўладигандек туюлади.

Айни вақтда, ўзбекча таржима қанчалик ишонarli, мукамал, нафис-ғўзал бўлиб кўринмасин, ахир аслият ўзи ёзилган тилда гавалуд топади-ку, ўша ўз даъфъатан ёзилган тилини баирида униб-ўсади-ку, шу маънода у ҳақиқатан ҳам тақорланмас ва битмас-туганмасдир. Бинобарин, асар асл русчала қанчалар мароқли ва фараҳли эканлиги шак-шубҳасиз. Таржима мантиқи буни ишқор этмайди. Ҳозирги бизнинг икки тили ва кўп тили китобхоннинг бахти шундаки, у, таъбир жоиз бўлса, ҳар қандай лисоний маҳдудлик ва мумтозлик иллатидан бағамом ҳоли ўларок, рус ва муайян миллий тилларда яратилган бебаҳо бойликларни асл нусха тилида ҳам, таржималарда ҳам ўқиб олади, баҳолай билади. Аслият таржимани тақозо этали, таржима эса аслиятни тўлдиреди, бойиғади ва давом эттирели.

Ҳар бир таржима қилинаётган асарга мутаржим ани уша асарга мос услубий калит тополмасе, уни ўгириб бўлмаиди. Балки ўгириб бўлар ҳам бундай ишлар тўлиб-тошиб ётибди! - бироқ бу муаллифта, унинг асарига ё тақлид, ё ўхшатма, ё сохтакорлик, ёки баъзан ҳатто тухмагга ўхшаган бир нарса бўлиб чиқади.

Иброҳим Фафуров Ф. М. Достоевский, Эрнест Хемингуэй, Ги де Мопассан. Нозим Ҳикмат, Уильям Фолкнер сингари жаҳон ва рус классик адабиётининг зоерласт намоёндалари яратган асарларни ўзбек тилига ўринлатиб таржима қилган, лекин ўзининг бутун тажрибаси ва иқтидорини қанчалик сафарбар эмасин, Чингиз Айтматовнинг «Қиёмат» романи таржимасига келганда ожиз бўлиб қолди. У асарни бир неча марта мутолаа қилди, айрим бобларни, «чиқмаётган» ўришларни овоз чиқариб ўқиди, изланди, изтироб чекди. Ниҳоят, пухта ҳо зирлик кўрилгандан сўнг, асарни яна ҳам ишонч на катъиёт билан ўгириши н киришди. Тагин иш юришиб кетмади. Шунинг сабаби, «Қиёмат» — «одатий» асарлардан эмас, муаллифнинг ўз ижодида ҳам мисли кўрилмаган бир янгилик эди. Унда макон ва замон, габнат ва инсон, жамият ва шахс, жисм ва рух, нарвардигор ва банд, осмоний ва заминий ҳодисалар талқини ниҳоятда бир-бирига қирманшиб кетган. Бу ерда руҳоний билан диний семинария талабаси, чорвадор билан белиёнат кашанда, пайгамбар билан шаккок, хиёнаткор майхўр билан тақводор ҳудожўй одамлар, инсон қиёфасидаги йирткичлар, йирткич қиёфасида и ожизу, хору, ногавону, беҳонумонлар тасвирланади. Булардан ҳар бирининг ўз ички тийнағига мос таъриф, ном, сифат, феъл, равиш-рафтор, атамалар, ранглар, овозларни илтиш, тошини керак. Одамлар бўриларга уларнинг хатти ҳаракатлари, сифати ва феъл-атвориға қараб «Тошчайна» ва «Ақбара» деб ном беришган. Ўз навбатида она бўри Ақбара ҳам қуларига тўё ўзича ном беради: Хум-қалла, Илдам, Суйи инои. Бу сингари ағамачликда, маънавийёт, таъриф-таъсифда, синтаксис ва услубда Чингизнинг бадий тахайюли чегара билмайди. Буларнинг барини бошқа

лисоний иклимда, окизмай-томизмай, ўшандай чингизона маҳорат билан етказиш,— фа-
ёат етказишига эмас, ифодавий топқирлик, зийрақлик, яратувчиликдан ташқари, яна
бир жасорат керак: ахир, таржимон муаллифнинг (хатто Чингиздай муаллифнинг ҳам!)
ғуломи эмас, балки ўз номи билан — иждокор! У муаллифга мутеълик билан кўр-кўрона
эришмади, сўзни сўз билан, микдорни микдор билан, ҳажмни ҳажм билан тўлдирмай-
ди. Балки маънони маъно билан қоплайди. Ҳар қадамда услубий-ифодавий, манتيқий-
маъновий душворликларга дуч келганида: шундай ҳолда Чингиз оға ўзбек тилида қандай
тадбир қўллаган бўларди, қабалида иш кўриб, далил ва ўқтам қалам тебратди.

Бироқ таржимон ҳар қанча пешонаси етти қарич дўнг иждокор бўлмасин, унинг эр-
килиги берилган аслият ва у билан белгиланган майдондан ташқарига чиқолмайди. Ҳар
қанча санъат ва маҳорати бўлса, марҳамат – буни асар теграсидан чиқмаган ҳолда
намойиш этмоғи лозим. Бас, аксарият, таржимоннинг иждокорлиги тил соҳасидаги яра-
тувчилик билан белгиланади ва баҳоланади. Аслини олганда-ку, бунинг ўзи, яъни тил
соҳасидаги ижодиёт ҳам ишнинг кўзини билган таржимон ихтиёридаги кичик имконият
эмас. Лекин сидирга сўзма-сўз таржима билан тилни бойитиш эмас, балки... бузиш
мумкин. Қани, шундай бир кўп жилдли антика, ноёб, мисли қўрилмаган адабий-тарихий
изоҳли лугат тузилсайдики, унда тилимизнинг даврий маъновий ўзгаришлари акс эт-
сайди. Аитайлик, бундай лугат Навоий замонидан бошлаб ҳозиргача тилимизда акс
этган беш асрлик жамики лисоний ўзгаришларни ўзида ифода этсайди! Ана ўшанда биз
ўзбек тилининг қанчалик ростакам ва сохта «бойинглиги» манзарасини кўриб ёқа ушла-
ган бўлардик. Ва бундай бениҳоя хайрли ва бениҳоя беҳосият жараёнда айнан тар-
жимачилик ишининг жуда катта хизмати ва жуда катта хиёнати борлигига сўзсиз иқрор
бўлардик.

... Таржима тилни бойитади деймиз. Бундай таъриф исботга муҳтож эмас. Бироқ
қайси бир таржимонимиз ёхуд қандай таржима асари тилимизни нечоғлик, қай бир янги
сўз, ибора ёки грамматик таркиблар билан бойитганини аниқлашга ақал келганда, бу нарса
жуда мушкул эканлиги дарҳол маълум бўлади.

«Қиёмат» романида *живониб, арлон, багн, талогум, харосон, камгоқ, сарасоф, таваккул, шўбон, жиҳод, мафират, зуҳурот, тонққ сингари сўзлар ҳамда телбавори, сас-сабар, қазоқу қидар, қийлу қол, жадидони фикр, маврусий қариш, руҳоний улум, ошиқи дурмазда, тавқи лағнат, худодани қарим, адам мулки, ҳалокунинг итшай* каби сифат ва сўз бирикмалари, *сарахбор, муножот, муганнийга ўхшаш мусика атамаларига* дуч кела-
миз. Бу каби сўз ва бирикмаларнинг жуда кўпчилиги хатто ҳозирги ўзбек тилининг
изоҳли лугатида ҳам акс этмаган. Демак, таржиманинг тили, бадий тасвирий воситалари
бизнинг академик нашрда чиққан икки жилдли лугатимиздан кўра бойроқ. Фавқулодда бир
ҳолнинг шохиди бўлмасин. Башарти, бадий ижодда, жумладан бадий таржимада фақат
мавжуд лугатларимиз қайд қилаётган ва тавсия этаётган сўзлар билангина иш кўришга
тўғри келганида,— хайриятки, шундай эмас! --- биз бугунги кунда жаҳон классикаси, рус
ва қардош халқлар адабиётларидан энг сара асарларни, аҳтимол, биронта ҳам салмоқдор
китобни бугунги ўзбек тилига ўгиролмасдик, ўзбек адиллари эса ўзларининг «Ўтган
кунлар», «Меҳробдан қаён», «Кеча ва кундуз», «Бой ила хизматчи», «Навоий», «Қутлуг
қон», «Шум бола», «Сароб», «Қўшчинор чироғлари», «Улуғбек хазинаси», «Юлдузли
тунлар», «Мирзо Улуғбек», «Қаҳқаҳа» сингари юзлаб бадий дурдоналарини ёза олмаган
бўлар эдилар.

Асил Рашидов «Асрга татиғулик кун» (Бўронли бекат)ни, Иброҳим Ғафуров
«Қиёмат» романини ўзбек тилида қайта яратиш учун бугунги расмий, китобий-
газета, академик-луғавий бисот билан чегараланиб бўлмаслигини тушушган, чуқур
инсоний руҳий изтироблар, катта бадийи фалсафа, мураккаб, чалқаш, зиддиятли
тақдирлар тасвирида кўҳна тилимиз тарихидан, жонли тил катламларидан,
вилоятларимиз, республикамизнинг турли район ва кишлоқларида яшовчи аҳолининг
ғўзал шевалари, турли ижтимоий гуруҳлар тили, жаргонлар, атамалар, лфлар, мажоз-
лар, бозорчи, қиморбоз, деҳқон ва чорвадор, зиёли ва ҳунармандларнинг лугатига ҳос
унсурларни териб-тергилаб, уларни ўрнига қараб қўллаган аснодан бошлаб таржима
имкониятлари жилва кўрсата бошлади.

Бироқ таржимонларимиз қошида сўз ва иборасозликдан ташқари яна қамида
икки тўсиқ бор эди. Бири — Чингизнинг тобора мураккаблашиб, чуқурлашиб, гўзаллашиб

бораётган синтаксиси: бу ерда юзлаб сўзлардан ташкил топган гаплар, тасвир ва манзаралар, бир-бирига мингашиб-қалашиб кетган жумлаларни иложи борича белини синдирмай, яхлит ҳолда бериш бўлса (эътироф этиш керакки, қурбонсиз таржима бўлмаслиги ҳақиқати гаплар ва маҳобатлар рост бўлса,— бу эса аини ҳақиқат,— Иброҳим Ғафуровнинг қурбонлари кўпроқ ана шу бадий синтаксис бобига тўғри қолади), иккинчидан, ўз хусусиятига кўра бундан қолишмайдиган жумбоқ — аини асарнинг жудаям ўзига хос ритм-оҳанги, мусикаси, жарангосини беришда ўз ифодасини топадики, бусиз таржима харчанд пухта бўлсин ҳамки, қиёмага етмайди, чала-юлуқ бўлади. Русча тўзал «Турналар» кўшигининг ғоят ўзига хос миллий куйи, оҳанрабоисини ўзбекча ғоят таъсирчан, мунгли «Муножот»имиз йўлида ифодалаб бўлмагани сингари, «Қиёмат»да асарнинг бошидан-охиригача ягона жарангос билан куйилиб оқадиган оҳанг оғушида турли мавзулар, воқеалар, жўғрофий, тарихий ва ижтимоий муҳитлар тасвири тақозоси билан бир-биридан жиддий фарқли ҳолда идрок этиладиган мусикавий-ритмик садоларнинг уйғунлиги, хослиги ва бетакрорлигини қайта яратиш ҳам жўн иш эмас эди. Бу жабҳаларда ҳам таржимоннинг истеъдоди ва меҳнати шубҳа туғдирмайди.

Чингиз Айтматов ўзбек халқига жуда кўнгли яқин ёзувчи. У қўли қадоқ халқимизнинг тақдир ва қисматиға муносабатдош, унинг бахтиға сарафроз, ташвишларига тенг шерик, мусибатиға қайғудош. Ўзини ўзбекка ўзбекнинг ўз фарзандидай яқин олади. Ўзбек халқи ҳам Чингизни ўз адаби деб ардоқлайди, асарларини соғиниб, орзиқиб, энтиқиб ўқийди. Биз Чингизнинг асарларида умумтуркий тоғадки ижод мотивлари, Манас билан Алпомишнинг қон қардошлигини, қалбан, руҳан яқинлиги билан бирға, классик адабиётимиздаги ўлмас образлар, ғоялар, оҳанглар таъсирини кўриб қувонамиз. Улуғ Навоийнинг «Хамса»сидаги чуқур рухий кечинмалар («Лайли ва Мажнун»), Мажнуннинг одамлардан безиб, тоғларға бош олиб кетиши, у ерларда йиртқич, ёввойи ҳайвонлар билан дўст тутиниши ҳақидаги ғоят таъсирчан манзаралар билан «Қиёмат»даги Акбара билан Тошчайнар тасвиридаги узвийлик, муштараклик, ворисийлик ва давомийликни кўраимиз. Ч. Айтматовнинг Исо алайҳиссаломни билан танишар эканмиз, кўз ўнгимизда қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар дарбадар кезган, ўзининг масихий ҳақ сўзи учун бошини долрларға қўйган буюк жабрдийда шоир, девонаи Машрабимизнинг аччиқ тақдири ҳамда бир яхши замондош шоиримизнинг образли таъбири билан айтганда, «сахар чоғи Машраб бўлиб келаётган сарпойчан Ўзбекистон»имизнинг бугунги манзаралари, республикамиз бугунги одамларининг тақдир ва қисматлари кўз ўнгимиздан бирма-бир ўта бошлайди.

Ғайбулла Саломов

МУНДАРИЖА

Асрга татигулик кун. Роман. Рус тилидан Асил Рашидов таржимаси.....	5
Қиёмат. Роман. Рус тилидан Иброҳим Фафуров таржимаси.....	283
Ранж ва ганж (Сўнги сўз ўрнида). Файбулла Саломов.....	548

Литературно-художественное издание

АЙТМАТОВ ЧИНГИЗ ТОРЕКУЛОВИЧ

И ДОЛЬШЕ ВЕКА ДЛИТСЯ ДЕНЬ. ПЛАХА

Романы

Художник *Анатолий Бобрлов*

Ташкент, издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляима, 1989 г.

На узбекском языке

Адабий-бадний нашр

ЧИНГИЗ ТУРАҲУЛОВИЧ АЙТМАТОВ

АСРГА ТАТИГУЛИК КУН. ҚИЁМАТ

Романлар

Редакторлар *Бахтиёр Омон, Ализ Саидов*

Расмлар редактори *А. Кива*

Техн. редактор *В. Барсукова*

Корректор *У. Сайдуллаев, С. Тоҳирова*

ИБ № 4118

Босмахонага берилди 30.03.88. Босишга рухсат этилди 16.11.88. Формати 60×84¹/₁₆. Офсет коғози № 1. Одди янги гарнитура. Офсет босма. Шартли босма л. 32,55. Шартли кр.—оттиск 39,52. Нашр л. 39,68. Тиражи 60000. Заказ 1137. Баҳоси 2 с. 80 т. Баҳоси 4-муқовада 3 с. 30 т. Шартнома 245—87. Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 700129, Тошкент Навоий кўчаси 30.

Ўзбекистон ССР нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош корхонаси. Тошкент — 700129. Навоий кўчаси, 30.